



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI

Фёдор  
Достоевский

# ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО





«КАМОЛОТ»  
KUTUBXONASI

Фёдор  
Достоевский

# ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО



ЎЗБЕК ИСЛАМИ  
ҲАМКАРИ

ТОШКЕНТ

2017

**УЎК:821.161.1-1**

**КБК: 84(2Рос=Рус)1**

**Д-74**

**Достоевский, Фёдор**

Жиноят ва жазо: роман / Ф.Достоевский. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 856 б.

ISBN 978-9943-27-379-5

Жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан таркиб топган «Камолот кутубхонаси» рукни бу гал атоқли рус ёзувчиси Фёдор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини тақдим этади.

Асар 1866 йилда ёзилган. Аммо инсон кечинмаларининг эски ва янгиси бўлмаганидек, роман қадри ҳам эскирмаган.

Китоб ўзбек тилида бундан аввал 1977 йилда чоп этилган. Қарийб 40 йилдан кейин асарни қайта нашр этишдан мақсадимиз, бугунги китобхонларимизни ўз даврида шуҳрат қозongan асар – талаба ҳаётидан аянчли драма билан таништириш.

«Камбағаллик айб эмас, бироқ йўқчилик – иллат. Биринчисида инсон туғма олижаноб фазилатларни сақлаб қола олади, аммо йўқчиликда уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким сақлаб қола олмайди», асардаги персонажларидан бири бош қаҳрамонга бу гапни ҳаётий мисоллар асосида изоҳлаб беради. Университетнинг собиқ талабаси бўлган Раскольников эса бу гапдан тегишли хулоса чиқара олмайди. Натижада, йўқчиликдан қутулиш, тезда бойиб кетиш ва юқори мавқега эга бўлиш мақсадида ақл бовар қилмайдиган жиноят содир қилади. Фожиаи жиҳати – қаҳрамон ўз жиноятини оқлайди. Аммо ҳаёт қонунлари адолатли – жиноятни жазосиз қолишига имкон бермайди. Руҳий жазо жиноятчини ўз айбига иқрор бўлишга мажбур этади.


Романда шу мудҳиш қотиликнинг узлуксиз уқубатлари билан бирга гўзал муҳаббат тасвири ҳам борки, у китобхон қалбини беихтиёр жунбишга келтиради.

**УЎК: 821.161.1-1**

**КБК: 84(2Рос=Рус)1**

**Таржимон:**

Иброҳим Фафуров



«Жиноят ва жазо». «Янги аср авлоди»,

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### I

Июлнинг бошларида кунлар ғоятда исиб кетган, оқшом тушаётган чоғлар эди, ёш бир йигит торроқ С – кучасида ўзи ижара қилиб турган хужрадан чиқиб, К – кўприги томон беқарор қадам ташлаб оҳиста юриб кетди.

У зиналардан туша туриб, бир амаллаб уй бека-сига чап бериб ўтди. Унинг хужраси беш қаватли баланд бинонинг болохонасида жойлашган бўлиб, одам турадиган жойдан кўра кўпроқ жавонга ўхшаб кетар эди. Бу ерда унинг ейиш-ичиши, кийим-кечагига ҳам қараб туришар, уй бекасининг ўзи эса бир қават пастдаги алоҳида хонадонда яшар эди. Йигит қачон кўчага чиқадиган бўлса уй бекасининг доимо ланг очиқ турадиган ошхона эшиги олдидан ўтиши керак эди. Ва ҳар сафар очиқ эшик олдидан ўтар экан, йигитнинг юраги аллақандай сирқираб кетар, пукиллаб ура бошлар, бундан ўзи ҳам уялар, ғаши келиб юзини буришти-рар эди. У бекадан бошдан-оёқ қарзга ботиб яшар, шунинг учун ҳам унга дуч келишдан ўзини олиб қочарди.

Йўқ, уни қўрқоқ ва бечораваш кимса деб бўлмас-ди, балки ҳатто бунинг акси дейиш мумкин эди, лекин кейинги пайтларда у асабий бўғилиб юрар, ичи чироқ ёқса ёришмасди. У ўз хаёлларига ғарқ бўлиб кетар, чуқур ўйга толар, уй бекасинигина эмас, умуман, ҳеч бир кимсани кўргиси келмасди, биров билан юзма-юз учрашиб қолишдан чўчир эди. Йўқчилик уни абгор қилиб ташлаганди, бироқ кейинги пайтларда у ўз абгорлигини ҳам ўйламай



қўйганди. У энг зарур ишларини ҳам бир чеккага суриб қўйди. Уй бекаси унга қарши қанчалар тишини қайрамасин, бундан тариқча ҳам чўчимасди. Лекин зинада тўхтаб, унинг минғир-минғирини, пул сўраб фингшишларини, дўқ-пўписа, шикоят қилишларини истамас, бунинг устига ўзи ҳам отанг яхши, онанг яхши деб галга солишни, кечирим сўрашни, ёлғон гапиришни кўнглига сиғдирмас, йўқ, бундан кўра яхшиси ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслик учун зинадан мушукдай писиб ўтиб кетган минг марта маъқул.

Айтмоқчи, кўчага чиқиб кетар экан, бу сафар уй бекасига дуч келиб қолишдан ҳаддан ортиқ чўчиганлиги ўзини ҳам ҳайрон қилиб қўйди.

«Қандай ишга қўл урмоқчиману яна мана бунақа арзимаган нарсалардан қўрқиб утирибман! – деб ўйлади у ғалати ишшайиб. – Ҳм... ҳа... ҳаммаси одамнинг ўз қўлида, юрагинг дов бермагандан кейин бурнингнинг тагидаги нарсадан қуруқ қоласан... бу кундай равшан гап... Қизиқ, одамлар ҳаммадан кўпроқ нимадан қўрқадилар? Бир янги ишга жазм қилишдан, бир янги сўз айтишдан ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқадилар... Ҳа, айтгандай, жуда кўп валдираяпман. Оғзим гапдан тинмайди – қўлим ишга бормайди. Кейинги пайтларда мана шундай бўлиб қолдим, бир бурчакка тиқилиб олиб, ҳадеб йўқ нарсанинг хаёлини суравергандан кейин одам шундай бўлиб қолар экан... Қуруқ сафсата ҳаммаси! Мана, ҳозир нима қилиб юрибман? Ахир, мен буни эплай оламанми? Бу ўзи жиддийми? Сира ҳам жиддий эмас. Ўз хаёлимда ўзимни овутиб юрибман; майнабозчилик! Ҳа, дарвоқе, майнабозчиликнинг худди ўзи!»

Куча жазирама иссиқ эди, ҳаво дим бўлиб кетганди, тиқилинч, ҳамма ёқда оҳақлар, тахталар, фишт, тупроқ қалашиб ётар, бунинг устига-устак

чорбоғи бўлмаган ҳар бир петербургликка яхши таниш ёзги уфунат – буларнинг бари бир бўлиб йигитнинг бусиз ҳам қақшаб ётган асабига ёмон таъсир қилди. Шаҳарнинг бу қисмида, айниқса, ҳаддан ташқари кўп бўлган қовоқхоналардан анқиётган қўланса ҳидлар, бегим кун бўлишига қарамасдан ҳар қадамда учраб турган маст-аласт кишилар ифлос ва нурсиз бу манзарани янада хунукроқ қилиб кўрсатарди. Йигитнинг нозик чеҳрасида беҳад бир нафрат акс этиб ўтди. Дарвоқе, у жуда келишган йигит эди. Узулари қора ва чиройли, мағзи қоратўроқ, буйдор, хушбичим, қомати самбитдай эди. Бироқ кўп ўтмасдан у яна чуқур ўйга толди, тўғрироғи, ташқаридан у бу дунёни тамомила унутиб юборганга ўхшаб қолди у ҳеч нарсани кўрмасдан, ҳеч нарсага қарамасдан кетиб борарди. Аҳён-аҳён у ўзича нималарнидир гўлдираб қўяр, бу кейинги пайтларда унга одат бўлиб қолган, ўзи ҳам ҳозир бунга тан берганди. У тез-тез фикри чалғийдиган бўлиб қолганлигини билар, ғоятда мадордан кетган эди: мана, икки кундирки, туз тотмаганди.

У шунчалар ночор кийинган эдики, ҳатто увода-сувада энгил-бошига ўрганиб, кўзи қотиб кетган одам ҳам куппа-кундуз куни бу аҳволда кўчага чиққани уялган бўлар эди. Дарвоқе, шаҳарнинг бу қисмида бунақанги хароб кийим-кечакка эътибор бериб ўтирадиганларнинг ўзи кўринмасди. Бу ер Сеннаяга яқин эди, доврўғи чиққан кўнгил очар ерлар мўл эди, Петербургнинг нақ киндигида жойлашган ушбу кўчаларда турли-туман хунар аҳли аралаш-қуралаш бўлиб тиқилишиб яшар, шунинг учун ҳам унча-мунча қаланғи-қасанғи одамлар буларнинг ичида кўзга ташланавермасди. Бироқ йигитнинг юраги ғазабдан шунчалар қотиб тош бўлиб кетган эдики, аслида орияти кучли, номусли

булишига қарамасдан кучада ўз кийимларидан ор қилмай қўйганди. Баъзан таниш-билишлари ёки илгариги ёр-биродарлари билан учрашиб қолса, бошқа гап, лекин улар билан учрашиб, кўришиб туришни умуман жини ёқтирмай қолганди... Бу орада нима учундир баҳайбат от қўшилган аравага ўтқазиб олиб кетилаётган бир маст киши унга қараб: «Хей, менга қара, немис шляпачиси!» – дея қичқирди-да, кейин қўли билан уни кўрсатиб, овози борича кўчани бошига кўтарганча бақира бошлади, шунда йигит бирдан тақатақ тўхтади ва шоша-пиша бошидан каттакон, тепаси баланд, думалоқ циммерман шляпасини юлиб олди, шляпа кийилаверганидан ғоятда эскириб, ранги унниқиб, ҳамма ёғини доғ-дуғ босган, соябонсиз, капаси бир томонга қийшайиб қолганди. Йўқ, у уялмади, лекин унинг кўкрагини ҳатто қўрқувга ўхшаш алланима зирқиратиб юборди.

– Ўзим ҳам билувдим! – пичирлади у талмовсираб, – уйлаганимдай бўлди! Шундан ёмони йўқ! Мана шунақа арзимаган бир аҳмоқлик, икки пулга қиммат бир нарса ҳамма ишни чиппакка чиқариши ҳеч гап эмас! Ростдан ҳам бу шляпа жуда кўзга ташланиб туради... Кулгили кўринади, шунинг учун дарров кўзга ташланади... Менинг бу чувринди уст-бошимга фуражка бўлса тузук эди, эскириб дабдаласи чиқиб кетган бўлса ҳам майли эди, фақат манови рўдаподан қутулса бас. Бунақаси ҳеч кимда йўқ, бир чақирим наридан кўриниб туради, кўрган одамнинг эсида қолади... айниқса, бунақа нарсани кейин эслаб қолишади, ана сизга далил. Бу ишда иложи борича бошқалардан ажралиб турмаслик керак... Энг кўзга кўринмайдиган майда нарсаларгача эсда тутиш керак!.. Бўлмаса, худди мана шу майда-чуйда нарсалар доимо ҳамма ишни барбод қилади, ҳалокатга олиб боради...

Унинг борадиган жойи узоқ эмасди; у ҳатто уйдан бу ергача неча қадам эканлигини ҳам ҳисоблаб чиққан эди, роппа-роса етти юз уттиз қадам. Бир куни жуда орзуга берилиб кетган пайти қадам-бақадам ўлчаб чиққанди. У пайтларда унинг ўзи ҳам бу хаёлларига унчалар ишонқирасмас, фақат улар ўзининг бедаво хунуқлиги, ўтакетган дадиллиги билан юрагини қитиқлаб юрган кезлар эди. Мана энди бир ой кейин унинг фикри ўзгарди, у ўзига ўзи, кучинг етмайди, юрагинг дов бермайди, деб қутқу солар, айтилиши замонда бу «расво» орзусини амалга ошириладиган иш деб қарайдиган бўлиб қолган, гарчи ҳамон ўз кучига ўзи ишонмас ҳам, лекин бу фикридан буткул воз кечиб кетолмасди. У, ҳатто мана ҳозир кўзлаган ишини бир синаб кўриш учун чиққан ва ҳар ташлаган янги қадами уни баттарроқ ҳаяжонга солмоқда эди.

У юрагини ҳовучлаган, титраб-қалтираган ҳолда баҳайбат бир бинонинг олдига келди, уйнинг бир томони жарга, иккинчи томони В-й кўчасига қараб тушган эди. Бу уй бошлича майда-чуйда хонадонлардан иборат бўлиб, уларда тикувчилар, слесарлар, оқсочлар, турли-туман қаланғи-қасанғи немислар, жонини койитмай кун кўрадиган суяқ-оёқ ойимчалар, майда амалдорлар ва бошқалар истиқомат қилишарди. Уйнинг ҳар иккала дарвозаси ва ҳар иккала ҳовлиси кириб-чиқаётган одамлар билан тўла эди. Бу ерда уч ё тўрт нафар қоровул хизмат қиларди. Йигит улардан биронтасига ҳам дуч келмаганига хурсанд бўлди ва дарвозадан лип этиб, ичкарига кириб ўзини ўнг томондаги зинага урди. Зина тор ва қоронғи, зимистон эди, лекин у бу нарсани аллақачон назарга олиб қўйган, ўрганган эди ва буларнинг бари унга маъқул ҳам эди: бунақа қоронғида атай тикилиб ҳам бировни таниб

олиш қийин эди. «Ҳозирнинг ўзида шунчалар титраб-қақшаб турибман, ҳали чиндан ҳам бу ишни амалга ошириш керак бўлганда қандоқ аҳволга тушаркинман?..» – дея ногоҳ хаёлидан утказди у тўртинчи қаватга кўтариларкан. Бу ерда у бир хонадондан мебелларни олиб чиқишаётган собиқ зобитларга дуч келди. Йигит бу хонадонда амалдор, оилали бир немис турганлигини олдинроқ билиб олганди. «Демак, немис кучадиган бўлиб қолибди-да, демак, бу ерда – тўртинчи қаватда вақтинча фақат кампирнинг ўзи ёлғиз қолар экан. Ёмон эмас... ҳар нечук ёмон эмас...» – дея хаёлидан ўтказди у яна ва кампирнинг хонадонига қўнғироқ чақди. Қўнғироқ мисдан эмас, тунукадан қилингандай заиф тинғирлади. Бунақа уйлардаги майда хонадонларнинг ҳаммасидаги қўнғироқлар деярли мана шунақа. У бу қўнғироқнинг қандай жиринглашини унутаёзган экан, мана ҳозир унинг ўзгача овози унга ниманидир эслатгандай бўлди ва унинг тасавурида алланарсалар аниқ-тиниқ жонланиб кетди... У бирдан асаблари қақшаб сесканиб тушди. Кўп ўтмай, эшик қия очилди, тирқишидан уй эгаси унга ишонқирамай қарамоқда эди, унинг кўзлари қоронғиликда йилтираб турарди. Лекин қаватнинг саҳнида бошқа одамлар ҳам борлигини кўриб, уй эгаси дадилланиб эшикни ланг очди. Йигит остона ҳатлаб, ичкарига кирди, тўсиб қўйилган даҳлизнинг нариги ёғида кичкинагина ошхона жойлашган эди. Кампир унинг қаршисида миқ этмай, нимага келдинг, дегандай қараб турар эди. Кампир олтмишларга борган, қоқ-қуруқ суяги қолган, ўқрайган кўзлари ўткир, қирра бурни кичкинагина эди. Унинг оч сариқ, унчалар оқармаган сочларига қуюқ қилиб мой суртилганди. У товуқнинг оёқларига ўхшайдиган ингичка ва узун бўйнига аллақандай бир латтани ўраб олган, елкасига

эса ҳаво шунчалар иссиқ бўлишига қарамасдан жун қацавейка<sup>1</sup> ташлаганди. Кампир дам-бадам хирқираб йуталар эди. Афтидан, йигит унга бошқача назар ташлади шекилли, кампир бундан яна шубҳага тушиб қолди.

– Мен талаба Раскольников бўламан, бир ой олдин сизга учрашган эдим, – деди шоша-пиша йигит эгилиб таъзим қилар экан, унга юмшоқроқ муомала қилиш керак, дея хаёлидан ўтказиб.

– Эсимда, отагинам, эсимда, чинданам келган эдингиз, – дона-дона қилиб деди кампир ҳамон йигитнинг юзига ишонмасдан тикилар экан.

– Шу десангиз... мен яна ўша иш билан... – дея гапида давом этди Раскольников кампир ҳамон унга ишонқирамай қараётганлигидан ажабланган ҳолда.

«Афтидан, у доимо шундай бўлса керак, фақат мен илгари келганимда, буни пайқамаган бўлсам, эҳтимол», – дея ўйлади у юраги ғаш тортиб.

Кампир ичида бир нарсани ўйлаган кишидай индамади, кейин хонага кириладиган эшикни кўрсатиб, ўзини четга олдида, меҳмонни олдинга ўтказди.

– Киригиз, отагинам.

Йигит кириб борган хонанинг деворлари сариқ гул қоғоз билан қопланган, тувакларда геранлар ўсиб ётар, деразаларга ҳарир парда тортилган эди, шу тобда уй ботиб бораётган офтобнинг нурлари билан тўлган эди. «Ўшанда ҳам, демак, офтоб мана шундай ботиб бораётган бўлади!..» – Раскольниковнинг миясида шу фикр ярқ этиб, пайдо бўлди ва у хонадаги ҳамма нарсаларни яхшироқ эслаб қолиш учун бирма-бир тез кўздан кечи-

---

<sup>1</sup> Қацавейка – аёлларнинг мўйнали олди очиқ калта камзули.

риб чиқди. Лекин хонада айтарли ҳеч нарса йуқ эди. Сарик оғочдан ишланган жиҳозларнинг бари эскириб кетган, жиҳознинг ўзи ҳам унчалар кўп эмас, бор-йўғи каттакон эгма суянчиғи ёғочдан ишланган диван олдида доира стол, икки эшик ўртасида ойна қўйилган ҳожатхона, девор ёқалаб қўйилган стуллар ҳамда икки-учта қуш кўтарган немис ойимчалари тасвирланган арзон, рамкалари сариқ суратлардан иборат эди, холос. Бурчакка қўйилган санам олдида исчиноқ ёниб турарди. Хона чиннидай ярқиратиб қўйилганди: жиҳозлар ҳам, пол ҳам ялагандай тоза эди. «Лизаветанинг иши», – дея хаёлидан ўтказди йигит. Уй ичидан гард қидириб топиш амри маҳол эди. «Заҳар ва қари бева хотинларнинг уйлари мана шундай тоза бўлади», – деб ўзича уйлари Раскольников иккинчи мўъжазгина хонанинг эшигига тутилган чит дарпардага қизиқиб қарар экан, бу хонада кампирнинг кўрпа-тўшаги ва қутиси турарди, йигит ҳали бу хонани кўрмаганди. Уй мана шу икки хонадан иборат эди.

– Сизга нима керак? – сўради кампир хонага кирилгач, ҳамон унинг қаршисида тик туриб юзига тикилганча.

– Мановини сизга олиб келувдим! – деди йигит ва чўнтагидан эски ялпоқ кумуш соатни олди.

Соатнинг орқа томонида ер куррасининг шакли тасвирланган эди. Соатнинг занжири пулатдан ишланганди.

– Олдингисининг ҳам муҳлати алақачон ўтиб кетди-ю. Бир ойдан ошганига мана уч кун бўлди.

– Мен сизга яна бир ойнинг фоизини қўшиб бераман, сабр қилинг.

– Бу ёғи, отагинам, ихтиёр менда, сабр қиламанми ёки қўйиб кетган нарсангизни сотиб юбораманми, ўзим биламан.

– Бу соатга қанча бераркинсиз, Алена Ивановна?

– Ўзи арзимаган нарса бўлгандан кейин унга қанча ҳам беришарди, отагинам. Ўтган сафар ташлаб кетган узугингизга икки сўм бергандим, ваҳоланки, унақа нарсани заргардан бир ярим сўмга олишингиз мумкин, тагин янгисини.

– Жуда бўлмаса, тўрт сўмгина беринг, соат отамдан қолган, кейин қайтариб оламан. Мен тезда пул олишим керак.

– Бир ярим сўм, фоизини ҳам олдиндан бериб қўясиз, истасангиз шу.

– Бор-йўғи бир ярим сўмми?! – қичқириб юборди йигит.

– Ихтиёрингиз.

Кампир унга соатни қайтариб узатди. Йигит соатни олиб ғоят жаҳли чиқиб кетганидан шартта жўнаб юбормоқчи ҳам бўлди, лекин шу заҳоти бошқа борадиган жойи ҳам йўқлиги, бундан ташқари келишининг ўзга бир сабаби ҳам борлигини эслаб уйланиб қолди.

– Бўпти, беринг! – деди у дағаллик билан.

Кампир калит қидириб чўнтагини ковлади ва дарпарда ортидаги хонага кириб кетди. Йигит хонада ёлғиз қолгач, қулоғини динг қилиб, тинглай бошлади, у нималарнидир чамалар эди. Кампирнинг қути очгани эшитилди. «Назаримда комоднинг тепасидаги қутида турса керак, – дея чамалади у. – Калитни у ўнг киссасида сақлар эканда... Калитлари ҳаммаси бир шода қилиб боғланган экан, битта пулат занжирда... Уларнинг ичида ҳаммасидан каттароқ, уч баравар катта калит бор, калта тишли, лекин у комоднинг калити эмас... Шундай экан, бундан бошқа яна бир қути ёки бошқа бирон яширин жой бўлиши керак... Буни си ғалати бўлди-ку. Яширинча нарса қўйиладиган



жойларнинг калитлари доим мана шунақа бўлади... Э, падарига минг лаънат шу ишларнинг...»

Кампир қайтиб чиқди.

– Мана олинг, отагинам: ҳар ойига бир сўмга ўн тийиндан бўлса, бир ярим ойга ўн беш тийин бўлади, бир ой олдиндан тўлаб қўясиз. Бундан ташқари илгари олган икки сўмингиздан яна шу ҳисоб билан йигирма тийин тўлашингиз керак. Демак, ҳаммаси бўлиб ўттиз беш тийин бўлади. Шундай қилиб, келтирган соатингиз учун бир сўму ўн беш тийин оласиз. Мана олинг.

– Қўйинг-э! Наҳот энди бир сўм ўн беш тийин бўлса!

– Тўппа-тўғри.

Йигит фиди-биди қилиб ўтирмай пулни олди. У кампирга тикилиб турар, кетишга шошилмас, худди унга яна нимадир демоқчи ёки нимадир қилмоқчи эди-ю, лекин гўё бунинг нима эканлигини ўзи ҳам билмагандай эди...

– Мен сизга, Алена Ивановна, яқин кунларда яна бир нарса олиб келаман... кумушдан ишланган... чиройли... папирос қути... ўртоғимдан қайтариб олишим билан олиб келаман... – у хижолатга тушиб, индамай қолди.

– Олиб келганингизда гаплашамиз, отагинам.

– Хуш қолингиз... Нима, ўзингиз уйда ёлғиз ўтирибсизми, синглингиз йўқми уйда? – андиша қилиб ўтирмай сўради йигит чиқиб кетаркан.

– Синглимда нима ишингиз бор эди, отагинам?

– Ўзим шунчаки сўрадим. Омади бир гап-да. Демак, сиз ҳозир... Хўп, яхши қолинг, Алена Ивановна!

Раскольников ўзини анча йўқотган ҳолда чиқиб кетди. Ундаги бу ҳолат борган сари зўрая бошлади. Зиналардан тушиб борар экан, худди бир нар-

садан қаттиқ ҳайратга тушган одам каби бир неча марта тўхтаб ҳам қолди. Ва ниҳоят, кучага чиққач, кўксидан бир нидо отилиб чиқди:

«Ё Парвардигор! Бунчалар ярамас ҳаммаси! Ва наҳотки, мен... йуқ, бўлмаган гап, бемаънилик! – деб қўшиб қўйди у қатъият билан. – Наҳотки, шундай даҳшатли бир нарсани қилиш менинг қўлимдан келса? Наҳот, менинг дилимда шунчалар қабоҳат яшириниб ётган бўлса! Қанчалар палид, ифлос, расво, расво!.. Яна мен бир ойдан бери...»

Бироқ у юрагини жунбишга келтирган бу нарсаларни ифодалаб беролмасди. Ҳали у кампирнинг ҳузурига келаётган пайтдаёқ юрагини эзиб, вайрон қилиб ташлаётган беҳад нафрат мана энди шу даражага бориб етдики, бундан у ўзини қўярга жой тополмас, кўнглини босган қоронғиликдан қандай қутулишни билмасди. У йўлкадан худди маст одамлардай ўткинчиларни сезмай, уларни туртиб ўтиб борарди, фақат кейинги кўчага ўтгандагина у ўзига келди. У атрофига назар ташлаб, қовоқхона олдида турганлигини кўрди, қовоқхонага йўлкадаги зина орқали пастга тушиларди. Худди шу пайт қовоқхона эшигидан икки маст киши бир-бирларини суяшиб сўқинишганча, алпонг-талпонг чиқиб келишди. Раскольников узоқ ўйлаб ўтирмай, пастга тушди. У шу пайтгача ҳеч қачон қовоқхоналарга кирмаган эди, ҳозир эса боши айланиб, юрагига ўт тушган одамдай ташна бўлиб кетганди. Муздеккина пиво ичгиси келди, иккинчи бир томондан у бунчалар бўшашиб кетишининг сабабини очлигидан ҳам кўрди. У қоронғи ва ифлос бир бурчакдаги усти иркит бўлиб ётган стол ёнига ўтириб, пиво сўради ва биринчи стаканни ютоққанча ичиб олди. Шу заҳоти кўнгли равшанлашди, фикри жойига тушди. «Буларнинг бари бўлмаган гаплар, – дея ўйлади у кўнгли кўта-

рилиб, – иккиланиб ўтиришнинг сира ҳам ҳожати йўқ! Ўзи жуда ҳолдан тойиб қолибман! Бир стакан пиво билан бир тишлам нон, мана, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушди, ақлинг ҳам равшан тортди, аҳдинг қатъийлашди! Туф-эй, қанчалар пасткашлик буларнинг бари!..» У нафратомуз ижирғаниб қўйди, лекин шунга қарамасдан у худди оғир бир юкдан халос бўлган одамдай тетиклашди ва тевааракатрофда ўтирганларга дўстона кўз югуртириб чиқди. Бироқ мана шу тобда ҳам у, ҳатто яхшилик ўз юрагига қандайдир оғир йўллар билан кириб келаётганлигини ҳис қилиб турарди.

У қовоқхонага кирган пайт одамлар кам эди. Зинада учраган икки мастдан кейин бештача роса ичиб олишган улфатлар чиқишди, улар гармонь чалиб боришар, ораларида бир қиз ҳам бор эди. Улар кетганларидан кейин ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Қовоқхонада қолганлар ичида пиво ичиб ўтирган, кўринишидан шаҳарлик кишига ўхшаган ширакайф бир одам билан унинг жуда ҳам семиз, бесўнақай шериги бор эди. Сибирча камзул кийган бу кишининг соқоллари оқарган, ўзи жуда ҳам маст бўлиб қолган, кўзлари дам-бадам юмилиб-юмилиб кетар, ўқтин-ўқтин худди уйқусирагандай бирдан қўлларини кериб бармоқларини шақиллата бошлар ва ўрнидан турмаган ҳолда елкаларини учириб-учириб қўяр, орасира тутуриқсиз суратда хиргойи қила бошларди:

*Бир йил ўндим хотинни,*

*Бир йи-ил ў-ўндим-м хотинни...*

У қўшиқ бандларини хотирга туширмақчи бўлар, мудраб кетар, кейин яна кўзини очиб, қайтадан бошлар эди:

*Котибиятдан йўл олдим,  
Маъшуқамга дуч келдим...*

Лекин нимагадир ҳеч ким унинг бу севинчига шерик бўлгиси келмасди; унинг индамас шериги бу шўхликларга ётсираб, ишонқирамай қараб ўтирарди. Қовоқхонада кўринишдан истеъфога чиққан хизматчиларга ўхшаш бир одам ҳам бор эди. У ҳеч кимга аралашмай, бир чеккада ўтирар, унда-мунда пивосидан бир ҳўплаб кўяр, кўзларини чор атрофга югуртириб чиқарди. У ҳам худди нимадандир ҳаяжонланаётганга ўхшаш кўринарди.

## II

Раскольников кўпчиликка ўрганмаган, юқорида айтилгандай, айниқса, кейинги пайтларда одамлардан қочадиган бўлиб қолган эди. Лекин ҳозир бирдан нима учундир одамларни қумсаб қолди. Унинг юрагида алақандай янги бир нарсалар туғилиб келаётганга ўхшар, шу билан бирга у ўзини одамларнинг меҳригиёсига ташна бўлгандай сизди. У бир ой аламзада хаёллар ичида қора фикрлардан жунбишга келиб яшади, мана энди қандай бўлмасин, қаерда бўлмасин, у андак эркин нафас олгиси келди, бошқача оламда бўлишни, чарчоқларини унутишни истади, шунинг учун ҳам қовоқхона қанчалар ифлос бўлмасин, бу ердан кетгиси келмасди.

Қовоқхона хўжайини бошқа хонада ўтирарди, лекин у катта залга тез-тез чиқиб турарди, у зиналардан тушиб келар экан, гавдасидан олдин унинг олифталик билан йилтиратиб мойланган катта қайрилма қўнжли қизил этиклари кўринарди. Унинг эгнида узун бурмабел камзул, қора шойи нимчаси қатирма бўлиб кетган, бўйнида бўйинбоғи йўқ


эди, унинг башарасига мой чапланиб ташланганга ўхшар, баайни темир қулфнинг ўзи эди. Ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир бола пивони қуйиб турар, ундан хиёл ёшроқ бола эса сўралган нарсаларни залга ташиб турарди. Пештахтада тўғрама қилиб кесиб қўйилган бодринг, қора қоқ нон ва майдалаб парракланган балиқ бор эди; уларнинг ҳаммасидан бадбўй ҳид келарди. Ҳаво беҳад дим эди. Димлигидан ўтириб бўлмасди, зал шунчалар вино ҳидига тулгандики, ғирт маст бўлиш учун шу ерда бир зумгина ўтиришнинг ўзи кифоя қиладигандай туйиларди.

Шундай пайтлар бўладики, биронта бутунлай нотаниш одам билан учрашиб қолиб, бир оғиз гаплашмай туриб, кутилмаганда у билан қизиқиб қоламиз. Истеъфодаги хизматчиларга ўхшаган бир чеккада ўтирган бояги киши Раскольниковга мана шундай таъсир қилди. Йигит кейин шу биринчи учрашув таассуротларини қайта-қайта эслаган пайтлар бўлди, ҳатто буни у олдиндан кўнгилнинг сезишига ҳам йўйиб кўрди. У хизматчига тўхтовсиз тикилиб қарар, хизматчининг ўзи ҳам ундан кўзини узмас, афтидан, жуда ҳам гаплашгиси келаётганга ўхшарди. Хизматчи қовоқхонадаги бошқа кишиларга, шу жумладан, қовоқхона эгасига ҳам шунчаки бир назар ташлаб ўтирар, унинг бу қарашидан лоқайдлик, шу билан бирга менсимаслик маъноларини уқиш мумкин эди, бу ердагилар гўё унинг назарида паст, оми, гаплашиб ўтиришга арзимайдиган абгор кишилар эди. Бу ўрта бўй, миқтидан келган, оқ оралаган сочларининг бир қисми тўкилиб кетган, муттасил ичаверганидан юзлари салқи бўлиб тушган, сарғайиб, ҳатто кўкариб кетган қовоқлари шишган, қизғиш кўзлари милтираб турган эликлардан ошиб қолган киши эди. Унинг бутун қиёфаси аллақандай

галати эди; унинг кўзлари жуда тирик боқарди, – қарашларида ақл ва маъно акс этарди, – айни замонда унда телбалик аломатлари ҳам зуҳур этиб тургандай эди. У тугмалари узилиб тушган, бутунлай титилиб кетган эски қора фрак кийиб олганди. Фракнинг фақат битта тугмаси омон қолган, афтидан, жуда ҳам одобдан чиқиб кетмаслик учун у ёлғиз мана шу тугмани қадаб юрарди. Унинг нимчаси остида ғижимланиб кетган, ҳамма ёғини доғ-дуғ босган кўйлаги кўриниб турарди. Унинг юзи хизматчиларга хос суратда қиртишланган, лекин бунга анча бўлган чоғи, кўкимтир тусдаги соқоли хийла ўсиб кетганди. Унинг хатти-ҳаракатларида ҳам хизматчи амалдорларга хос алланима бор эди. Лекин у бесаранжом, безовта бўлиб, тинмай сочларини ғижимлар, баъзан титилиб кетган тирсақларини ифлос ва иркит стол устига тираб, алам билан бошини чангаллаб оларди. Ниҳоят, у Раскольниковга тик қаради-да, баланд овоз билан қатъий қилиб сўзлади:

– Марҳаматли афандим, сизга одоб юзасидан икки оғиз гап учун мурожаат қилсам ижозат этадиларми? Зотан, сизнинг кўринишингиз ҳаминқадар бўлса-да, бироқ менинг купни кўрган кўзларим сизнинг маълумотли, ичкиликка берилмаган одам эканлигингизни сезиб турибди. Мен ўзим доимо илм аҳлига юксак эҳтиромда бўлиб келганман, айниқса, илм билан юракнинг нозик ҳиссиётлари қўшилиб кетса, бунга нима етсин, мен бундан ташқари унвонли маслаҳатчиман. Мармеладов – фамилиям шунақа; унвонли маслаҳатчи. Сўрашга ижозат этсинлар: хизмат қиладиларми?

– Йўқ, ўқийман... – дея жавоб қилди йигит унинг жимжимадор нутқидан ва ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўзига мурожаат қилганидан бирмунча хайрон қолган ҳолда. Гарчи бундан сал илгарироқ нима



бўлмасин, бир зум ким биландир гаплашгиси келган бўлса ҳам мана ҳозир чиндан ўзига қарата муурожаат қилганларида тўсатдан яна ўзининг эски одамовилигига қайтди, у бегона одамлар ўзини безовта қилишларини ёмон кўрар, бундан унинг газаби қайнар, нафратланар, дарҳол ўзини четга тортарди.

– Демак, талабаман денг ёки собиқ талаба! – қичқирди хизматчи, – ўзим ҳам айтган эдим! Тажриба, марҳаматли афандим, катта тажрибанинг маҳсули бу! – у мақтаниб бармоғини пешонасига тираб кўрсатди. – Сиз ё талаба бўлгансиз, ё илм-урфон аҳлларидансиз! Ижозат этсалар... – У ўрнидан қўзғалди, гандираклади, пиво идишини, стаканини олиб йигитнинг ёнига ўтди, унга бирмунча қиялаб ўтирди. Унинг кайфи анча ошиб қолган, лекин гаплари бийрон эди, сўзлаганда оҳанжамали қилиб сўзлар, баъзан гапидан чалкашиб кетар ва гапини чўзиб-чўзиб гапирарди. У худди бир ой ҳеч ким билан гаплашмаган одамдай Раскольниковга елимдай ёпишиб олди.

– Марҳаматли афандим, – дея сўз бошлади у бир қадар таңтанавор оҳангда, – камбағаллик айб эмас, бу ҳақ гап. Мен ичкиликбозлик ҳам эзгуликдан эмаслигини биламан, бу ҳаминқадар. Бироқ йўқчилик, марҳаматли афандим, йўқчилик бу – иллат, ҳа. Сиз камбағалчиликда ҳали ўзингизнинг туғма олижаноб фазилатларингизни сақлаб қолган бўласиз, йўқчиликда эса уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким сақлаб қола билмайди. Йўқчиликда одамни одамзод тўдалари ичидан таёқ билан эмас, супурги билан ҳайдаб чиқарадилар, яна ҳам шармандроқ бўлсин десалар керак-да. Мен сизга айтсам, тўғри қиладилар, зотан, йўқчиликда мен биринчи бўлиб ўзимни-ўзим ҳақоратлашга ўтаман. Ичкиликка ружу қилишимиз ҳам шундан! Марҳамат-

ли афандим, бундан бир ой илгари менинг жуфти ҳалоломни жаноб Лебезятников калтаклаган эди, менинг хотиним менга ухшаган эмас, ахир! Англайсизми? Сурашга ижозат этсалар, шунчаки бир қизиқиб қолдим: сиз Нева дарёсидаги похол ташийдиган кемаларда сира ухлаганмисиз?

– Йуқ, ётиб кўрмаганман, – деб жавоб берди Раскольников. – У нима деганингиз?

– Кўрдингизми, мен ўшанақа ерда ётиб юрибман, мана бешинчи кеча, ҳа...

У стаканига қуйиб ичди, ўйланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам унинг эғнида, ҳатто сочларида хас-хуслар ёпишиб ётарди. У агар беш кундан бери ювинмадим ва ечинмадим деса ҳам ажабланмаса бўлаверарди. Айниқса, семиз, қизарган, мойли, тирноқлари қорайиб кетган қўллари ифлос эди жуда.

Унинг гапи, афтидан, купчиликнинг диққатини бир қадар ўзига тортди. Бояги иккита бола хихилаб кула бошладилар. Хўжайин «масхарабоз»нинг гапларини эшитгани атай тепадан тушди ва ялқовлик билан вазмин ҳомуза тортиб нарироққа бориб ўтирди. Афтидан, Мармеладов бу ерда анчадан бери отнинг қашқасидай маълум одамга ухшайди. Ва эҳтимолки, афтидан, турли қовоқхоналарда турли одамлар билан гаплашавериб у оҳанжамали қилиб сўйлашга ўрганиб қолган шекилли. Бу баъзи бир ичкиликбозларда одат тусига айланиб кетади, улар ўз уйларида куп турткиланиб, сиқиб қўйилганларидан охири мана шундай гаплашмаса туролмайдиган бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам улар ичкиликбозлар ичида ўзларини оқлашга ва агар эпини қилсалар, ҳурмат қозонишга уринадилар.

– Масхарабоз! – шанғиллади хўжайин. – Унда нега ишламайсан, нега хизматчи амалдор бўлсангиз хизмат қилмайсиз?



– Мен нега хизмат қилмайман, марҳаматли афандим, – дея гапни илиб кетди Мармеладов Раскольниковга қарата, худди саволни бошқа одам эмас, Раскольников бергандай, – нега мен хизмат қилмайман? Ахир бунақа судралиб юришдан менинг юракларим қон бўлиб кетмаган дейсизми? Бундан бир ой илгари жаноб Лебезятников ўз қўли билан хотинимни ўласи қилиб урганда, мен маст-аласт бўлиб ётган бўлсам ҳам жигарим эзилиб оқиб кетмади дейсизми? Ижозат этсалар, йигит, ҳм... шу денг, сиз беришларига умид қилмай туриб, сира қарз сўраганмисиз?

– Сўраганман... умид қилмай туриб деганингиз нимаси?

– Умид қилмай туриб деганимки, яъни сизга пул бермасликларини олдиндан билиб яна сўрайсиз. Алҳол, ўзингиз ҳам биласизки, ушбу энг эзгу ниятли, жамият учун бағоят фойдали фуқаро сизга ҳеч қачон пул бермайди, зотан, дейман, ўзимга ўзим, нега энди бериши керак экан? Ахир, у менинг пулни қайтариб бермаслигимни биледи-ку. Раҳм-шафқат юзасиданми? Бироқ янги фикрлардан хабардор бўлиб юрадиган жаноб Лебезятников яқинда тушунтириб бердики, раҳм-шафқат бизнинг замонамизда ҳатто илмда ҳам тақиқланган экан, бунинг устига сиёсий иқтисод мавжуд бўлган Англияда ҳозир шу нарса амалда қўлландиган бўлган. Айтинг-чи, нега энди у қарз бериши керак? Хуш, шундай қилиб денг, унинг бермаслигини олдиндан билган ҳолда, сиз бари бир унинг ҳузурига қараб йўл оласиз ва...

– Боришнинг нима кераги бор? – гап қушди Раскольников.

– Борадиган бошқа ерингиз бўлмаса, бошқа одамингиз бўлмаса-чи! Ахир, ҳар бир одамнинг бора оладиган бирон жойи бўлиши керакдир-ку.

Бинобарин, шундай пайтлар бўладики, бирон ерга бормасдан сира иложингиз қолмайди! Менинг ўз пуштикамаримдан бўлган қизим биринчи марта сариқ паттаси билан кучага чиқишга мажбур бўлганда, мен ҳам чиқиб кетганман... (Негаки, менинг қизим сариқ патта билан кун кўради, ҳа...) – деб қўшиб қўйди у гап орасида йигитга аллақандай бесаранжом назар ташлар экан. – Ҳечқиси йўқ, марҳаматли афандим, ҳечқиси йўқ! – деди у шоша-пиша, пиво сотувчи болалар пиқирлаб кулиб юборгани ва қовоқхона хўжайинининг ўзи ҳам лабини иршайтирганини кўриб, шундан сўнг Мармеладов хотиржам ва бамайлихотир деди: – Ҳечқиси йўқ, ҳа! Одамлар мени имлаб кўрсатадиган бўлиб қолишган, лекин мен эътибор бермай қўйганман, зотан, энди ҳаммаси ҳаммага ошкора бўлиб бўлган, ҳамма сирлар кучага чиқиб кетган; буларга нафрат билан эмас, тақдирим шу экан деб қарайман. Майли! Садқаи сар! «Одам боласи шундай!» Ижозат этсалар, йигит: сиз менга қараб туриб... Шундай эмас, буни кучлироқ ва бадийроқ қилиб айтай: сиз менга қараб туриб эмас, менга нигоҳ ташлаб ўтириб сиз чўчқасиз, деб айтишга, айтишгина эмас, тасдиқлашга журъат қила олармидингиз?

Йигит чурқ этиб оғзини очмасди.

– Хўш, – дея салмоқланиб давом этди нотик, унинг гап оҳангида, ҳатто аллақандай ғурур ифодаси кучайди, у залда кўтарилган кулги тугашини кутиб, яна бошлади. – Хўш, боринги, мен чўчқа бўла қолай, лекин хотиним аёл киши-ку! Мен ҳайвон бўлиб кетганман, менинг жуфти ҳалолим Катерина Ивановна бўлса, маълумотли аёл, штаб зобитининг қизи. Майли, майли, мен пасткаш бўлақолай, лекин у юраги кибор, эзгу туйғулари тарбия кўрган хотин. Ваҳоланки... о, қанийди унинг мен-

га раҳми келсайди! Марҳаматли афандим, марҳаматли афандим, ахир, ҳар бир тирик жонга кимдир раҳм кўзи билан қараши, унга ачинадиганлар бўлиши керак-ку! Катерина Ивановна эса олижаноб аёл бўлишларига қарамасдан, ҳақиқатга риоя қилмайдилар... Туғри, ўзим ҳам яхши тушунаман, у киши менинг сочларимни битталаб юлаётганларида буни юраклари куйиб кетганидан қиладилар (бинобарин, яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у киши менинг сочларимни юлиб ташлайдилар, – дея такрорлади у атрофда кулги кутарилганлигини эшитиб ғурур билан), аммо, о Худойим, ахир бирон марта у мени... Йўқ! Йўқ! Буларнинг бари бировга кўрсатмай қилинади, гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ! Кераги йўқ!... Зотан, орзу қилган нарсамга бир эмас, бир неча марталаб эришганман, менга эндигина ачиниб қараётганлари йўқ, лекин... бўлган-турганим шу экан, мен туғма ҳайвонман!

– Бўлмасам-чи! – деб луқма ташлади ҳомуза тортаркан хўжайин.

Мармеладов мушти билан столни қаттиқ урди.

– Бўлган-турганим шу экан! Биласизми, сиз биласизми, аъло ҳазратим, мен ҳатто унинг пайпоғини ҳам сотиб ичганман. Пойабзалини эмас, пойабзали бўлганда ҳам майлиди, буни тушунса бўларди, йўқ, пайпоғини, пайпоғини сотиб ичганман, ҳа! Унинг эчки жунидан тўқилган рўмолини ҳам ичиб қўйганман. Рўмол унинг ўз мулки эди, унга совға қилинган нарса эди, меники эмас эди; биз бўлсак, совуқ рутубатхонада яшаймиз, у бу йили қишда шамоллаб қолди, йўталадиган, қон туфлайдиган бўлиб қолди. Учта норасидамиз бор, Катерина Ивановнанинг бўлса эрталабдан кечгача қўллари ишдан бушамайди, қиртишлайди, қатрон қилади, болаларни ювинтириб, тарантиради, нега

десангиз ёшлигидан озодаликка ўрганган, узининг бўлса кўкраги заиф, сил бўлиб қолган, сезиб, билиб юрибман. Мени билмайди дейсизми? Қанча кўп ичсам, шунчалар қаттиқ куяман. Ичсам, ичкилик юрагимга малҳам бўлармикин, дардимни енгиллатармикин, деб ичаман... Азоб ичида куйиб кетиш учун ичаман! – Шундан кейин у чорасиз қолган одам каби бошини столга солинтириб олди.

– Йигит, – деди у яна бошини кўтариб, – сизнинг чеҳрангизда мен қайғу аломатларини ўқийман. Сиз кириб келган заҳотингиз мен буни ўқиб олдим, шунинг учун ҳам дарҳол сизга мурожаат қилдим. Негаки, сизга ўз бошимдан кечирганларимни сўйлаб берарканман, ўзимни манови такасалтанглар олдида шарманда қилмоқчи эмасман, улар бусиз ҳам барини бошдан-охир билишади, мен гапимни тушунадиган, маълумотли одамни қидираман. Шунини билиб қўйингки, менинг жуфти ҳалолим губерня олий дворянлар институтида тарбия кўрган, битириб чиқаётганида елкасига шол рўмол ташлаб, губернатор ва бошқа олий зотлар ҳузурида рақсга тушган, ўшанга тилла медаль ва мақтов қоғози олган. Медаль... медални алақачон сотиб бўлганмиз... алақачон... ҳам... мақтов қоғози эса ҳанузгача унинг сандиғида турибди, яқинда уни уй бекасига кўрсатаётган эди. Гарчи уй бекаси билан доимо жиққамушт бўлиб туришса ҳам, лекин кимгадир бир мақтангиси, ўзини кўрсатгиси, ўтган бахтиёр дамларни эслатиб қўймоқчи бўлгиси келганми дейман. Мен уни айбламайман, айбламайман, чунки унинг хотираларида шундан бошқа ҳеч нарса қолмаган, бошқа ҳаммасининг кули кўкларга совурилиб кетган. Ҳа, ҳа, жуда қизиққон, мағрур ва аҳди қаттиқ аёл. Полни ўзи ювади, егани қоранону, лекин ўзини ҳеч қачон ерга уришга йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам жаноб Лебезятниковнинг

қўполигини кўтаролмаган, шу боисдан ҳам жаноб Лебезятниковдан калтак еганда, таёқлангани учун эмас, номус қилганидан кўрпа-тушак қилиб ётиб олди. Мен уни учта ёш боласи билан бева қолганида олганман. Биринчи эрига севги-муҳаббат билан турмушга чиққан экан. Эри пиёда қўшинлар зобити бўлиб, севишиб қолишгач, ота-она бағридан қочиб кетган. Эрини жуда ҳам қаттиқ яхши кўрар экан, лекин у қиморга берилиб кетиб иши судга тушган, кейин ўлган. Кейинги пайтларда у хотинини урадиган одат ҳам чиқарган экан; Катерина бўлса унга ҳақини юбормаса ҳам бу менга барча хужжатлардан аниқ маълум, лекин ҳали ҳанузгача уни кўз ёш қилиб эслагани эслаган, менга уни пеш қилиб таъналар қилади ва мен бундан хурсандман, ўлай агар, хурсандман, негаки, жуда бўлмаса ўз хотираларида ўзини бахтиёр ҳис қиладики... У эри ўлгандан кейин учта норасидаси билан бемаза бир чекка шаҳарда бева қолади, ўшанда мен ҳам ўша ерда эдим, уларнинг аҳволлари шунчалар ёмон эканки, кўзим кўп нарсаларни кўравериб пишиб кетган бўлсам ҳам, лекин бунақасини ҳатто тасвирлаб ҳам беролмайман. Ундан барча қариндош-уруғлари юз ўгиришган. Ҳа, у мағрур, жуда мағрур, ҳаддан ташқари мағрур бўлган... Ана ўшанда, аъло ҳазратим, мен ҳам бева қолгандим, биринчи хотинимдан ўн тўрт яшар қизим бор эди, уларнинг аҳволига қараб туриб юрагим эзилиб кетди ва турмуш қуришни таклиф қилдим. Унинг бечорачилиги қай даражада эканлигини мен билан турмуш қуришга розилик берганлигидан ҳам билиб олиш мумкин, бўлмаса, маълумотли, зўр тарбия кўрган, номи маълум ва машҳур кишилардан-а! Ҳа, рози бўлди! Йиғлади-сиқтади, аммо рози бўлди! Ўзга чораси қолмаган ҳам эди. Бошқа чораси йўқ эди, деган гап нималигини биласизми,

аъло ҳазратим, биласизми ўзи? Йўқ! Буни сиз ҳали билмайсиз... Мен бир йилгача ўз бурчимни ҳалоладим (у бармоғи билан олдидаги стаканни ниқтаб кўйди), нега десангиз, менда ҳам юрак бор. Лекин бари бир кўнглини ололмадим; бунинг устига ишсиз қолдим, ўз айбим билан эмас, албатта, балки штатлар қисқарди, ана ушанда яна бошладим!.. Бир ярим йил бўлди, жуда кўп абгорликлардан, саргардончиликлардан кейин ниҳоят, биз мана шу ерга, кўпдан-кўп ҳайкаллар ўрнатилган улуғвор пойтахтга келиб қолдик. Мен бу ерда ҳам ишга жойлашдим... Жойлашдим у яна қўлдан чиқариб кўйдим. Билдингизми? Бу сафар бунга ўзим айбдорман, нега десангиз яна тортиб қолди... Ҳозирча Амалия Федоровна Липпевехзель деган уй бекасиникида яшаб турибмиз, нимага яшаб, нимага кун кўряпмиз, ўзим ҳам ҳайронман. У ерда биздан бошқа яна анча одамлар яшашади... Фирт қиёматнинг ўзи денг... ҳам... ҳа... Бу орада биринчи хотинимдан қолган қизимнинг ҳам бўйи етиб қолди, у шурлик угай онасидан не кунларни кўрмади катта бўлгунича, буни гапирмай ҳам қўя қолайин. Негаки, Катерина Ивановна олижаноб ҳисларга тўла аёл бўлсалар ҳам, лекин қизиққон, тили тез, дарров кесиб ташлайдиган... Ҳа-да! Эй, буни эслаб ҳам утирмайлик! Ўзингиз билиб турган бўлсангиз керакким, Соняни уқита олмадик. Турт йилча муқаддам мен унга география билан дунё тарихини ўргатмоқчи бўлдим; лекин ўзим ҳам унчалар бақувват эмас эдим, бундан ташқари дурустроқ қўлланмалар ҳам топилмади шекилли, зотан, бор китоблар ҳам... ҳам!.. Ҳозир уларни тополмайсиз, шундай бўлгач, дарсимиз ҳам шу билан барҳам топа қолди. Эронлик Кайхусравга келиб тўхтагандик. Кейин у бўйи етгандан сўнг бир қанча роман-

лар ўқиди, ҳа, айтгандай, яқингинада у жаноб Лебезятниковнинг тавсияси билан Льюис деганнинг «Физиология» китобига, эҳтимол кўзингиз тушгандир, жуда қизиқиб ўқиб чиқди, ҳатто баъзи жойларини бизга ҳам айтиб берди: унинг олган борйўқ маълумоти шу бўлди. Мана энди мен сиздан сўрайман, марҳаматли афандим: ғалати бўлса ҳам шу саволимга жавоб берсалар: камбағал, лекин ҳалол қиз бола ўз меҳнати билан қанча ишлаб топиши мумкин?.. Агар ҳалол бўлса-ю бошқалардан ажралиб турадиган бир истеъдоди бўлмаса, эртаю кеч қора терга тушиб ишласа кунига ўн беш тийиндан ортиқ ишлолмайди, афандим! Энди буни қарангки, доимий маслаҳатчи Клопшток Иван Иванович, эшитганмисиз уни, олти-еттита тикиб битирилган голландча кўйлакнинг пулини ҳали шу пайтгача бергани йўқ, ҳатто борса ҳақорат қилиб ҳайдаб юборибди, оёқлари билан ер тепишибди, оғзидан боди кириб-шоди чиқибди, кўйлакнинг ёқасини бузиб қўйибсан, дебди. Уйда эса болалар оч... Катерина Ивановна ҳам жиғибийрон бўлиб у ёқдан-бу ёққа юргани-юрган, юзларига қизил яллиғлар тошади, бу касалда шунақа бўлади ўзи ва нуқул: «Сен боқимонда, текинхўрсан, сендан бир наф курмаяпмиз» дейди, бундоқ олиб қараганингизда, қайси ошиб-тошиб ётган овқатни еб текинхўрлик қилади, бизнинг нимамиз борки, боқимонда бўлсин унга, болаларнинг ўзлари уч кунлаб бир тишлам нонга зор юрадилар! Мен ўшанда... э, бўлар гап бўлди! Маст ҳолда ётган эдим, Соня қизимнинг гапини эшитиб қолдим (у жуда ҳам итоатгўй ўзи, овози ҳам синиққина... ўзи доимо рангпар бўлиб юради, нозиккина): «Нима қилай энди, Катерина Ивановна, наҳотки энди шу ишни қилишим керак бўлса?» Бундан олдинроқ Дарья Францовна, ўзи жуда ялмоғиз, полицияга ҳам отнинг қашқасидай

маълум хотин, уй бекаси орқали бир неча марта сўратган экан. «Нима қилибди, – деб жавоб берди Катерина Ивановна ўшанда кулиб туриб, – нимасини сақлаб ўтирасан? Шуям бойлик бўлди-ю!» Йўқ, айбламанг, айбламанг, марҳаматли афандим, айбламанг! У буни айтганда ақли жойида эмасди, қаттиқ ҳаяжонланиб турган пайти эди, касал эди, болалар оч йиғлашарди, тўғриси, бу сўзларни у қарғаб айтган эди, аслида ўзи бунга ўла қолса рози бўлмасди... Негаки, Катерина Ивановнанинг феъли шунақа, болалар оч қолиб йиғлай бошласа, ўша заҳоти уларни калтаклашга тушади. Бундоқ қарасам, соат олтиларда Соня ўрнидан турди, бошига рўмолини ташлади, эгнига кийимини илди-да, уйдан чиқиб кетди, соат тўққизларда у қайтиб келди. Кела солиб Катерина Ивановнанинг олдига ўтди ва индамай-нетмай унинг олдига стол устига ўттиз сўлкавой қўйди. Бир оғиз гапирмади, қайрилиб ҳам қарамади, фақат бизнинг каттакон кўк мовут рўмолимизни олиб (ҳаммамизда битта шунақа рўмол бор), боши билан бутунлай ўралиб деворга қараб ётиб олди, фақат елкалари ва бутун гавдасигина силкиниб-силкиниб тушарди... Мен эса ҳамон ўша-ўша аҳволда ётардим... Кейин ўшанда мен Катерина Ивановна бир оғиз гапирмасдан Сонечканинг ётган ерига борганини кўрдим, у Сонечканинг оёғида анчагача тиз чўкиб ўтирди, унинг оёқларини ўпди, ўрнидан туришга сира рози бўлмади, кейин улар шу ҳолича бир-бирларини кучоқлашиб ухлаб қолишди, икковлари, икковлари... ҳа... мен эсам... маст бўлиб ётардим, ҳа.

Мармеладов бирдан жим бўлиб қолди, худди дами ичига тушиб кетгандай эди. Кейин кутилмаганда шоша-пиша шароб қуйиб ичди ва томоғини қириб қўйди.



– Ушандан бери, марҳаматли афандим, – деб бошлади у яна бир оз жимликдан сўнг, – ушандан бери бир жанжал чиқди-ю, ёвуз одамларнинг чақуви билан, бунга Дарья Францовна ҳам озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшди, гўё унинг ҳурматини ўрнига қўймаган эмишимиз, – ўшандан бери қизим Софья Семёновна сариқ патта олишга мажбур бўлди, шу боисдан биз билан бирга турмайдиган бўлди. Негаки, бекамиз Амалия Федоровна ҳам бунга йўл қўймайман деб туриб олди (бўлмаса Дарья Францовнага ўзи қўшмачилик қилганди), бунинг устига жаноб Лебезятников... ҳам... У билан Катерина Ивановна ўртасидаги жанжал Соня туйфайли чиққан эди. Аввал ўзи Сонечкага ялтоқланиб юрувди, кейин бирдан орлари келибди: «Мендай ўқимишли одам қандай қилиб бунақа хотин билан тураман бир уйда?» – деб ғишава қилган. Катерина Ивановна бунга чидолмай, Сонянинг ёнини олган... ўшанда бошланган... Эндилари Сонечка бизникига қоронғи тушгандан кейин келиб туради, Катерина Ивановнага қарашади, қўлидан келганча ёрдам беради... Ўзи тикувчи Капернаумовнинг уйида ижарага туради. Капернаумов деганимиз бўлса ўзи чўлоқ, дудуқ, манқа, яна жўжабирдай жон денг, ҳаммаси дудуқ. Хотинининг ҳам тили чучук... Битта хонада туришади, Сонянинг турадиган жойи эса алоҳида... Ҳм... ҳа... Жуда бечораҳол бўлиб қолган одамлар, тиллари ҳам эгри... ҳа... Ўшанда мен эрталабга бориб ўрнимдан турдим, жандаларимни кийиб, Худога ёлвордим-да, Иван Афанасьевич жаноби олийларининг ҳузурларига йўл олдим. Иван Афанасьевич жаноби олийларини танийсизми?.. Йўқми? Наҳот шундай Худо назар солган одамни билмасангиз! У бир шам, Парвардигорим қаршисида бир шам; худди шамдек эрийди!.. У кишига бор гапни айтиб бердим, ҳатто

кўз ёш қилиб олдилар, «Ҳай майли, Мармеладов, бир марта ишончимни оқламаган эдинг... Шундай бўлса ҳам, сени яна бир марта ўз масъулиятимга оламан, – худди шундай дедилар, – эсингда бўлсин, бор энди». У кишининг пойларига хаёлан бошимни қўйиб оёқларидан ўпдим, негаки, ростдан ҳам шундай қилишга ўзлари йўл қўймас эдилар, чунки у киши давлат миқёсидаги янгича фикрларнинг соҳиби бўладилар, кейин уйга қайтиб келиб яна хизматга кирдим, яна мояна оладиган бўлдим, деб айтаманми, ё Раббим, ўшанда нима бўлганлигини ўз кўзларингиз билан кўрсангиз эди...

Мармеладов яна қаттиқ ҳаяжон ичида гапдан тўхтаб қолди. Шу пайт кўчадан ичиб олган анча-мунча одамлар ёпирилиб кириб келишди, эшикда ёллаб келтирилган шарманканинг овози эшитилди, «Хуторок»ни хиргойи қилган етти яшар боланинг синиқ товуши чиқди. Ғала-ғовур бўлиб кетди. Хўжайин ва хизматкорлар келганлар билан овора бўлиб қолишди. Мармеладов янги келганларга заррача ҳам эътибор бермай ҳикоясини давом эттирди. У, афтидан, жуда ҳам ҳолдан тойиб қолганга ухшар, аммо ичиб кайфи ошган сари тили ҳам эшилиб борарди. Кунни кеча хизматда эришган баъзи бир қувончли нарсаларни эслаб у анча жонланиб кетди, унинг юзи ёришди. Раскольников диққат билан эшитарди.

– Бунга, аъло ҳазратим, беш ҳафтача бўлди. Ҳа... Катерина Ивановна билан Сонечка икковлари билишгандан кейин, ё Раббим, мен худди жаннатга кўчиб бориб қолгандай бўлдим. Илгарилари молдай ётаверардинг, ўликмисан, тирикмисан, ҳеч кимнинг иши бўлмасди, фақат қарғиш эшитардинг, холос. Энди бўлса, юрсалар ҳам оёқларининг учида юришади, болаларни шовқин солишга қўйишмайди: «Семён Захарович ишдан чарчаб

келган, дам ояпти, тш-ш!» Ишга кетишимдан олдин қаҳва қуйиб беришади, қаймоқ қуйишади! Расмона қаймоқ ейдиган бўлиб қолгандик, билдингизми! Мени ишга одамбашара бўлиб борсин деб дурустроқ кийим олиш учун ўн бир сўм элик тийин йиғишибди, буни қаердан олишган, сира ақлим бовар қилмайди? Этик, коленкор манишка – жуда кетворган, вицмундир, ҳаммаси бўлиб ўн бир ярим сўмга олишибди, курсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Биринчи куни эрталаб ишдан келсам, Катерина Ивановна икки хил таом тайёрлаб қуйибди: суяқ ош билан хрен солинган чўчка гўшти, бунақасини шу пайтгача ухлаб тушимизда ҳам кўрмаган эдик. Унинг эгнида тузукроқ либоси қолмаган... Кийимдан тамом узилган десак ҳам бўлади, бундоқ қарасам, худди меҳмондорчиликка кетаётгандай кийиниб олибди, қўли гул эмасми, арзимаган нарсани ҳам кўзингизга чиройли қилиб кўрсатолади, йўқни йўндиради: сочини тарайди, топ-тоза ёқа тақиб олишади ёки янгидан энг ўтказишади, қарабсизки, бутунлай бошқача бўлиб қолади, кўз ўнгингизда ҳам ёшарган, ҳам ҳусни ортган каби кўринади. Сонечкам бўлса, бечора қизим, пул-мулдан қарашиб тураман, ўзим бу ерга ҳадеб келолмайман, уяламан, софинганимда қоронғи тушгандан кейин келиб турарман, дейди. Биров кўриб ўтирмасин, дейди. Эшитдингизми, эшитдингизми? Мен бир куни тушдан кейин пича мизғиб олай деб келсам, нима деб ўйлайсиз, Катерина Ивановна охири чидолмабди, бир ҳафта илгари уй бекаси Амалия Федоровна билан қирпичоқ бўлиб уришишганди, энди юринг, бирга қаҳва ичайлик, деб чақирибди. Икки соат тоза шивир-шивир гаплашиб олишди: «Семён Захарович мана хизматларга ҳам тушиб кетдилар,

моёна ҳам ола бошладилар, жаноб олийларининг хузурларига чиққан эканлар, жаноб олийларининг ўзлари пешвоз чиқиб ичкарига олиб кириб кетибдилар, бошқалар кутиб тура туришсин дебдилар». Эшитдингизми, эшитдингизми? «Мен, Семён Захарович, сизнинг хизматларингизни ёдимдан чиқарганим йўқ, гарчи сиз ўзингизни ёмон ўргатиб қўйган бўлсангиз ҳам мана тузаламан, деб ваъда берар экансиз, биз хурсандмиз, бундан ташқари сизнинг ўрнингиз жуда ҳам билиниб қолмоқда (эшитдингизми, эшитдингизми!) шунинг учун ҳам сизнинг олижаноб сўзингизга ишонамиз», кўрдингизми, Катерина Ивановна буларни барини ўзича бичиб-туқиб гапириб ўтирибди, сизга айтсам, эрининг обрў-эътиборини қияпти, ўзининг ҳам кўнглини кутаряпти! Ўзи нимани гапираётган бўлса ҳаммасига чиппа-чин ишонаётгани шундоқ кўриниб турибди, ўзини овутаётибди-да бечора, Худо урсин агар! Мен уни айбситмайман; йўқ, мен буни айбга йўёлмайман!.. Олти кун аввал мен ўзимнинг биринчи моюнамни олиб келувдим – йигирма уч сўм қирқ тийин – ҳаммасини тийинигача олиб келувдим мени балиқчам, деб атади: «Вой, менинг балиқчам-эй!» Яна буни ёлғиз бир ўзимга айтди, билдингизми? Бўлмаса башарамдан от хуркади, эр бўлиб ҳам ҳеч нарсага ёлчитмаганман. Ҳаммасини унутиб юзимдан чимдиб қўйди-да: «Вой, балиқчам-эй!» деди.

Мармеладов гапдан тўхтади, жилмаймоқчи бўлдию, лекин бирдан ияги қалт-қалт титрай бошлади. Ҳар қалай, у ўзини тутиб қолди. Манови қовоқхона, вайрона кўриниш, похол ташийдиган кемаларда беш кеча тунаш, ичкилик ва бунинг устига хотини ва оиласига бўлган бу қадар ғалати меҳр уни тинглаб ўтирган одамни муқим бир

хулоса чиқаришдан чалғитар эди. Раскольников унинг гапларини асаби таранг тортиб эшитиб ўтирар, дилида борган сари дардчиллик ортар эди. У қовоқхонага кирганига пушаймон қила бошлади.

– Марҳаматли афандим, марҳаматли афандим! – хитоб қилди Мармеладов ўзини қўлга олиб, – о, аъло ҳазратим, бошқалар каби сизга ҳам менинг оилавий гапларим кулгили бўлиб туйилаётгандир, оила икир-чикирлари ҳақидаги аҳмоқона гапларим билан бошингизни қотириб юбордим шекилли, лекин менинг ўзимга бунинг ҳеч кулгили ери йўқ! Чунки буларнинг ҳаммаси ўз бошимдан ўтиб турибди... Кўзимга жаннат бўлиб кўринган ўша кун, ўша оқшом ҳаётимнинг энг гўзал куни бўлди, ўзим ҳам учар хаёлларга берилиб кетибман: яъни оиламни қандай фаровонликка олиб чиқаман, болаларимнинг устини бут қиламан, хотиним ҳам эркин нафас олади, ўз пушти камаримдан бўлган қизимни шармандаликдан халос қилиб, оилам бағрига қайтариб олиб келаман... Ва ҳоказо, ва ҳоказо... Мумкин, афандим. Хуш, аъло ҳазратим, (Мармеладов бирдан худди сесканиб кетгандай бўлди, бошини кўтарди ва ўз тингловчисига тикка қаради) хуш, эртасига бўлса, мана шунча орзулардан кейин (яъни бундан роса беш кун илгари) мен кечга бориб Катерина Ивановнадан устомонлик билан сандиқнинг калитини ўғирлаб олдимун келтирган моянамдан қанча қолган бўлса, қанчалигини билмайман, ҳаммасини чўнтакка уриб чиқиб кетдим, мана энди мени кўриб турганингиз шу! Уйдан чиқиб кетганимга беш кун бўлди, уйдагилар мени қидиришяпти, хизмат ҳам барбод бўлди, вицмундир ҳам Миср купригидаги қовоқхонада қолди, унинг ўрнига мана шу кийим-кечакни беришди... ва ҳаммаси тамом бўлди!

Мармеладов мушти билан пешонасига урди, тишларини фижирлатди, кўзларини юмди ва тир-сакларини столга оғир тираб олди. Лекин бир дақиқадан сўнг унинг юзи бирдан ўзгарди ва ўзига ярашмаган зўраки қийиқлик ҳамда атай безбетлик билан Раскольниковга қаради-да, ҳиринглаб кулиб деди:

– Бугун Сонянинг олдига бордим, бош оғриғига пул бер, дедим! Ҳи, ҳи, ҳи!

– Наҳотки берган бўлса? – дея қичқирди кириб келганлардан аллаким ва бор овози билан хахолаб кула бошлади.

– Мана шу ичкилик у берган пулга келган, – деди Мармеладов фақат Раскольниковга қарата. – Ўттиз тийин олиб чиқиб берди, ўз қўли билан, қолган-қутгани ҳаммаси шу экан, ўз кўзим билан кўрдим... Ҳеч нарса демади, фақат индамай юзимга бир қараб қўйди, холос... Ерда эмас, у ерда осмонда... одамларга ачинишади, уларнинг ғамини чекишади, улар учун йиғлашади, фақат таъна қилишмайди, таъна қилишмайди, қизим ҳам шундай қилди! Биласизми, шундан оғири йўқ, таъна қилмасалар, индамасалар, бундан оғири йўқ!.. Ҳа, ўттиз тийин. Унинг ўзига ҳам бу пуллар керакку, а? Сиз нима деб ўйлайсиз, азиз афандим? Энди у озодагарчиликка риоя қилиб юриши керакку, а? Бу озодагарчиликнинг ўзи бўлмайди, у пулга келади, билдингизми? Билдингизми? У ёғини айтсангиз, упа-элик ҳам олиши керакку, оппоқ юбка, пўрим ботинка ҳам лозим, кўлмақдан ўтаётганда оёғини кўрсатиб қўйишга. Билдингизми, билдингизми, афандим, бу тозалик қанақа эканлигини? Хўш, мен бўлсам, унинг ўз отаси бўла туриб ўттиз тийинини бош оғриғига талаб олиб келдим! Ичяпман! Ичиб ҳам бўлдим!.. Айтинг-чи, қани ким менга ўхшаган одамга раҳм қилиб ўтиради? Лаббай?

Менга раҳмингиз келяптими, афандим ёки йўқми? Гапир, афандим, раҳминг келяптими, йўқми? Ҳи, ҳи, ҳи, ҳи!

У яна қуйиб ичмоқчи эди, лекин ичкилик тамом бўлган, идиш бушаганди.

– Сенинг нимангга ачинсин ўзи? – дея қичқирди хўжайин уларнинг олдиларига келиб.

Кулги кўтарилди, ҳатто сўккан овозлар эшитилди. Эшитиб утирганлар ҳам, эшитмаганлар ҳам собиқ амалдорнинг турқини кўрибоқ сўкинишарди.

– Ачинманг! Ачинманг менга! – бирдан қичқириб юборди Мармеладов қўлларини олдинга чўзганча ўрнидан турар экан, у худди шу сўзларни кутиб тургандай жазавага тушди. – Ачинишнинг кераги йўқ деяпсанми? Ҳа! Менга раҳм қилишнинг ўрни йўқ! Менинг оёқ-қўлимдан мих қоқиш керак, ёғочга тортиб мих қоқиш керак, раҳм қилиш керак эмас! Бироқ, эй ҳакам, михла ва михлаб туриб унга раҳминг келсин! Ушанда мен ўзим сенинг ҳузурингга михлангани етиб бораман, зотан, менга шод-хуррамлик эмас, ҳасрат ва кўз ёшлари керак!.. Ҳей, сотувчи, сен берган бу чоғир менга малҳам бўлди деб ўйлайсанми? Қайғу, қайғу изладим мен унинг тагидан, ҳасрат ва кўз ёшлари изладим, тотиндим ва топдим; бизни эса барчани раҳмдил назари билан кузатувчи ва барчани ҳамда барча нарсани англаувчи Раҳмон ўз марҳаматидан баҳраманд этажакдир; ёлғиз унинг ўзи ҳакам ва ҳукм қилувчидир. Ва у илиklarини биз сорига чўзажакдир, ва биз салим бўлажакмиз... ва кўз ёшларимизни дарё қилажакмиз... ва барини англаб етажакмиз! Ушанда ҳаммасини англаб етамиз!.. Ҳамма ҳам англаб етажак... Катерина Ивановна ҳам... у ҳам англаб етажак... Ё Раббим, ўша кунларга еткизгайсан!

Шундан кейин у тамомила ҳолдан тойган, мадори қолмаган бир алпозда ҳамма нарсани унутиб юборгандай чуқур ўйга толганча ўтириб қолди. Унинг сўзлари одамларни анча-мунча таъсирлантирди; бир зум жимлик чўкди, лекин сал ўтмасдан яна аввалгидай ҳиринглаб кулган, сукинган товушлар эшитилди.

– Авлиё!

– Каззоб!

– Амалдор!

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

– Юринг, афандим, – деди кутилмаганда Мармеладов бошини кўтариб Раскольниковга қарата, – мени олиб бориб қўйинг... Козель уйи, ҳовлида. Борайлик... Катерина Ивановнага...

Раскольниковнинг анчадан бери кетгиси келиб ўтирарди; ўзи ҳам уни уйигача олиб бориб қўйсам-микин, деган хаёлда эди. Мармеладов оёқдан кўра кўпроқ тилда юрар экан шекилли, ҳадеса қийтонглаганича йигитнинг елкасидан маҳкам ушлаб унга осилиб олди. Бор-йўғи икки юз-уч юз қадам юришлари керак экан. Уйга яқинлашганлари сари ароқхўр уят ва изтироб ўтида баттарроқ қовурила бошлади.

– Мен энди Катерина Ивановнадан қўрқаётганим йўқ, – деб ғўлдирарди у қалтироқ тутиб, – сочларимни таг-туги билан юлиб олса ҳам майлиди. Соч нима бўлибди!.. Соч арзимаган нарса! Буни мен айтяпман! Агар юлиб олса қайтага яхши эди, мен бундан қўрқмайман... Мен... унинг кўзларидан қўрқаман... яна... унинг нафасидан қўрқаман... Бундай касалга чалинган одам ҳаяжонланган пайтларда... қандай нафас олишини кўрганмисан? Болаларнинг йиғисидан ҳам қўрқаман... Агар Соня бирор егулик келтириб бермаган бўлса, унда... нима бўлган, билмадим! Билмадим! Калтак-



ласа ҳам майли... Афандижон, шуни билиб қўйингки, унинг калтаклари менга азобгина эмас, роҳат ҳам беради... Чунки мен калтаксиз яшолмайман. Менга шуниси тузук. Майли, урсин, хумордан чиқади... шуниси тузук... Мана, уйга ҳам келдик. Козелнинг уйи. Ўзи чилангар, немис бой... обкиравер!

Улар ҳовлидан ўтиб тўртинчи қаватга кўтарилишди. Зинадан юқорига чиққанлари сари қоронғилашиб бораверди. Соат ун бирлар бўлиб қолганди, гарчи бу пайтлар Петербургда тун пайти ҳам унча қоронғи тушмаса-да, лекин зинанинг тепаси зимистон эди.

Зинанинг тепасидаги кичкинагина чирк босган эшик ланг очик турарди. Ун қулочлар чамаси узунликдаги ғоятда ғариб хонани шамнинг нури ёритмоқда эди; хонанинг ҳамма ёғи остонаданоқ яққол кўзга ташланарди. Ҳамма нарсалар уврин-тўда бўлиб ётар, айниқса, болаларнинг кийим-кечаклари пала-партиш сочилганди. Хонанинг орқа пучмоғи чойшаб билан тўсиб қўйилганди. Афтидан, унинг орқасида каравот бор эди. Хонада иккита стул, усти олапес бўлиб кетган клеёнка қопланган диван, диваннинг олдида бўялмаган, усти очик эски қарағай стол бор эди. Столнинг четида темир шамдонда ёниб бўлаёзган шам. Афтидан, Мармеладов алоҳида хонада турса керак, бурчакда эмас, лекин унинг хонасидан бошқа хоналарга ўтиб борилса керак. Амалия Липпевехзелнинг хонадони бир қанча хоналарга ёки каталакларга бўлиб ташланган бўлиб, уларга ўтиладиган эшик қия очик эди. У томондан шовқин-сурон, бақирган-чақирган товушлар келарди. Қаҳқаҳалар. Афтидан, қарта ўйнаб чой ичишаётганга ўхшайди. Баъзан беҳаё сўзлар ҳам эшитилиб қоларди.

Раскольников Катерина Ивановнани дарров таниди. У ростдан ҳам жуда озиб кетган хотин экан, у чўпдай бўлиб қолган, ўзи санамарастадайгина, қорамтир малла сочлари ҳали жуда чиройли ва ҳақиқатан ҳам икки юзига пайса-пайса қизил югурган эди. Унинг лаблари қуришиб ёрилган, қўлларини кўкрагига қисган ҳолда кичкинагина хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келар, узуқ-юлуқ калта нафас олар эди. Унинг кўзлари иситмалаган одамникидай йилтираб турар, лекин қарашлари кескин ва офир эди, унинг заҳидлиги, изтироб ифодаланган юзи ёниб тутаётган шамнинг сўнгги нурларида киши юрагини зирқиратиб юборар эди. У Раскольниковга ўттиз ёшларда бўлиб кўринди, ҳақиқатан ҳам Мармеладов билан унинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди... У одамлар келганлигини ҳам пайқамай турарди; худди беҳуш бўлиб қолгандай ҳеч нарсани кўрмас ва сезмас эди. Хона жуда дим бўлиб кетган, лекин ойналар очилмаганди; зина томондан қўланса ҳидлар келар, лекин ташқарига чиқиладиган эшик беркитилмаганди; ичкари хоналардан, қия очиқ эшикдан тамаки дудлари ёпирилиб келар, у йўталар, лекин эшикни ёпиб қўймасди. Болаларнинг энг кичиги олти ёшлардаги қизча полда гўжанак бўлиб ўтириб олганча бошини диванга қўйиб ухларди. Ундан бир ёшлар чамаси катта уғил бола қалт-қалт титраганича бурчакда йиғлаб турарди. Кўринишдан у ҳозиргина калтакланганга ўхшарди. Бўйи чўзилиб қолган нозиккина тўққиз ёшлардаги қизча эгнида далва-далва бўлиб йиртилиб кетган қўйлағ, икки йил илгари тикилганидан бўлса керак, ҳозир тиззаларига ҳам етмайдиган эскириб кетган кичкина мовут бурнусда<sup>2</sup> чўпдай қуриб қолган узун қўллари билан укасининг бўйнидан қучоқлаганча турар-

<sup>2</sup> Бурнус – яктак, енгсиз ёпинчиқ.

ди. У, афтидан, укасини овутомқда, нималарнидир унинг қулоғига шивирламоқда, яна ғингиб қолмасин деб, қандай бўлмасин, юпатиш пайида бўлмоқда эди, шу билан бирга у ўзининг катта-катта шахло кўзларини (бу кўзлар унинг қўрқиб кетган, ориқлаган юзларида янада ҳам каттароқ бўлиб кўринарди) қўрқув ичида онасига тикканди. Мармеладов хона ичига кирмасдан эшикнинг ўзидаёқ тиз чўкиб олди. Раскольниковни эса ичкарига томон итарди. Хотин нотаниш кишини кўриб фаромуш бир алпозда унинг қаршисида тўхтади, бу қаердан келиб қолди, дегандай бир зум сергак тортди. Бироқ бу одам нариги ичкари хоналарга ўтиб кетаётган бўлса керак, деган хаёлга борган бўлса ҳам ажабмас. У шундай фикрга келди шекилли, йигитга бошқа эътибор бермасдан даҳлиз эшиги томон уни беркитиб келгани юрди ва кутилмаганда остонада тиз чўкиб турган эрини кўриб қолди.

– А! – ғазаб билан қичқирди у, – келдингми! Ўғри! Ваҳший! Пул қани? Чўнтагингда нима бор, кўрсат! Кийиминг ҳам бошқа! Ўзингнинг кийиминг қани? Пул қани? Гапир!..

Шундан кейин у эрининг ҳамма ёғини тинтиб кўра бошлади. Мармеладов шу заҳоти итоатгўйлик билан ювошгина бўлиб қўлларини икки томонга ёзиб берди, тинтув осонроқ бўлсин, деди шекилли. Бир тийин ҳам пул қолмаганди.

– Пул қани? – бақирарди аёл. – Ё Раббим, наҳотки ҳаммасини ичиб тугатган бўлса-я! Сандиқда ўн икки сўм қолган эди-я!.. – ва шунда у тўсиндан қутуриб кетди ва эрининг сочларидан чангаллаб ичкарига судради. Мармеладов унинг ортидан ўзи сурғалиб хотинининг судрашига кўмаклашар, унинг ишини енгиллатарди.

– Мана, менинг кўрган роҳатим! Бу менга азоб эмас, лаззат, марҳаматли афандим, – дея қичқирарди сочларидан тортқиланаётган Мармеладов. Бир сафар у пешонасини полга уриб ҳам олди. Полда ухлаб ётган қизча уйғониб кетиб йиғлай бошлади. Бурчакда турган бола ўзини тутолмай қалтираганча бақириб юборди ва ўзини опасига отди, у ҳаддан ортиқ кўрқиб кетганди. Тунғич қизча худди уйқудан тургандай варам япроқ каби қалтирарди.

– Ичиб қўйибди! Ҳаммасини, ҳаммасини ичиб қўйибди! – дея қичқирарди бошини қаерга уришни билмай қолган бечора хотин, – кийим ҳам бошқа! Туз тотишмади, туз тотишмади (у қўлларини қарсиллатиб синдириб болаларни кўрсатарди)! О, минг лаънат бу ҳаётга! Сиз-чи, сизга уят эмасми, – дея бирдан Раскольниковга ёпишиб кетди у: – Сен у билан ичдингми? Сен ҳам у билан ичибсан! Йўқол!

Йигит бир оғиз гапирмасдан чиқиб кетишга шошилди. Бунинг устига ичкари хоналарга кириладиган эшик ланг очилди-да, бир қанча ҳангомата-лаб одамларнинг бошлари кўринди. Улар бошларига қалпоқчалар кийишган, оғизларига папирос ва трубка қистирганча куйдирилган калладай тиржайиб туришарди. Баъзи бировлари этаклари ланг очик халатлар кийиб олишган, бошқа бирларининг эгнида кийим йўқ даражада эди, бир хиллари қўлларига қарта ушлаб олган эдилар. Улар айниқса сочларидан судраб тортқиланаётган Мармеладовнинг ур, урганнинг ун оши, деб қичқирганида маза қилиб хахолаб кулишарди. Баъзи бировлари уй ичига ҳам кириб кела бошлашди; ниҳоят, ваҳшиёна чинқирган товуш эшитилди: бу ўз билганича тартиб ўрнатишга бел боғлаб одамлар орасидан ёриб утаётган Амалия Липпевехзелнинг овози эди; у ҳар сафар мана

шундай пайтларда эртагаёқ уйни бўшатиб чиқиб кетинг, деб шўрлик аёлга дўқ ургани урган эди. Раскольников чиқиб кета туриб, чўнтагини қоқиштирди-да, боя қовоқхонадан қолган чақа тангаларнинг ҳаммасини билдирмасдан дераза тоқчасига қўйди. У зинага чиққандан кейингина ўйланиб қолди ва ҳатто изига қайтмоқчи ҳам бўлди.

«Тоза ҳам бўлмағур иш қилиб чиқдим-да, – дея ўйлади у, – бунда уларнинг кунига ярайдиган Соня бор, пул эса ўзимга ҳам керак эди». Бироқ энди бари бир пулни қайтиб олиб бўлмаслигини хаёлига келтирди-да, бусиз ҳам бари бир олмаслигини ўйлади ва қўл силкиб ҳужрасига томон йўл олди. «Соняга лабини бўяшга ҳам пул керак-ку, – деб ўйлашда давом этарди у кетиб борар экан аччиқ кулимсираб, – озода бўлиб юришга ҳам пул керак... Ҳм! Эҳтимол, бугун Сонечканинг ўзи ҳам синар, Қизил иблиснинг кетидан ов қилганларнинг қайси бири синмаган... олтин саноати... демак, мен пул ташлаб келмаганимда эртага ҳаммалари тишларининг кирини сўриб ўтирар эканлар-да... Вой, Соня-ей! Буларнинг топиб олган соғин сирни қаранг-а! Тоза боқимонда бўлиб олишибди! Оббо, боқимондалар-ей! Боқимондаликка ўрганиб кетганларини-чи. Йиғлаб-сиқтаб ўрганиб кетишган-да. Аблах одамзод ҳамма нарсага кўникиб кетади!»

У ўйланиб қолди.

– Агар мен адашаётган бўлсам, – деб оғзидан чиқиб кетди унинг баногоҳ, – агарда умуман одам аблах бўлмаса, яъни умуман бутун жинси башар, бутун одамзод аблах бўлмаса, унда бошқа нарсаларнинг бари хурофотдир, фақат одат бўлиб қолган қўрқинчдир, бинобарин ҳеч қандай саддиरोҳ йўқдир, илло, шундай бўлмоғи ҳам лобиддир!..

### III

У туни билан безовта бўлиб ухлаб, кеч уйғонди, ҳорғин кўзини очди. Уйқудан тажанг, дарғазаб, асабий ҳолда турди ва ҳужрасига нафрат билан кўз югуртириб чиқди. Ҳужра одамнинг боши айланса, кети айланмайдиган каталак бўлиб, узунасига олти қулочлар чамаси келар, деворларга ёпиштирилган қоғозлар кўчиб осилиб ётар, бундан ҳужра янада ғариброқ кўринарди, ҳужранинг шифти шу қадар паст эдики, бўйи пичагина тикроқ киши бунда жуда қийин аҳволга тушиб қолар, ҳадеса бошини шифтга уриб оладигандай бўлиб туйилаверар эди. Уйдаги анжомлар ўзига жуда мос эди: учта қилпанглаб қолган эски стул, бурчакда устида бир қанча китоб-дафтарлар ётган бўялган стол, китоб-дафтарларнинг чанг босиб ётишига қараганда уларга неча замонлардан бери киши қўли тегмаганга ўхшарди; ҳужранинг ярмини деворга тақаб қўйилган, бир маҳаллар чит билан қопланган, энди эса чуруги чиқиб кетган бесўнақай софа эгаллаган бўлиб, у Раскольниковга тушак хизматини ўтарди. У кўпинча қандай бўлса шундай ечинмасдан, чойшаб солмасдан, устига ўзининг эскиб тўзғиб қолган талаба пальтосини ташлаган ҳолда бошида кичкинагина бир ёстиқча билан ухларди; бошим пича бўлса ҳам юқорироқ турсин деб ёстиқнинг тагига кирми, тозами қатъи назар, барча кийим-кечакларини тиқиб қўярди. Софа олдида мўъжазгина стол бор эди.

Одам бунчалар ғариб ва бечораҳол бўлиб қолиши мумкинлигини тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмасди; лекин Раскольников ўзининг шу аҳволга тушганидан ҳатто хурсанд ҳам эди. У косасининг тагига, биқиниб олган тошбақадай ҳаммадан буткул юз ўгириб кетди, у ҳатто ўз юмушларини қилиб

туриши керак булган уй ходимасини кўрарга кўзи йўқ, ходима юмуш билан хонага кириб қолган кезлари унинг башарасига қараб қони қайнаб кетар, юзларини асабий буриштирарди. Бирон нарсага қаттиқ берилиб кетган одамови кишиларда шундай бўлиб туради. Унинг уй бекаси мана икки ҳафта бўладики, овқат бермай қўйганди, лекин у ҳали шу пайтгача бунинг сабабини бориб аниқламади, оғзига туз тотмай ўтираверди. Беканинг бирдан-бир оқсочи ва ошпази Настасьяга бу ҳол бирмунча маъқул булгандай эди, у хонага бутунлай қарамай, йиғиштирмай, супуриб-сидирмай қўйди, ҳафтада бир марта кўнглига келиб қолганда, қўлига супурги ушлаб қўярди. Ҳозир ҳам уни шу оқсоч уйғотди.

– Тур ўрнингдан, мунча ухлайвермасанг! – дея тепасига келиб шанғиллади у, – соат ун булди-я. Сенга чой олиб келдим: чой ичасанми? Қорнинг ҳам очиб кетгандир?

Раскольников кўзини очиб, бир чучиб тушдию, Настасьяни таниди.

– Нима, бу чойни бека бериб юбордимми? – сўради у, базўр ўрнидан қўзғалар экан.

– Бека сенга чой берармиди?

Оқсоч унинг олдига ўзининг дарз кетган, тагида чойи яримлаб қолган чойнагини қўйиб, икки бўлак сариқ қанд ташлади.

– Мана, Настасья, ола қол, – деди Раскольников чўнтақларини ковлаштириб (у уст-бошини ечмаганча ухлаб қолганди) чақа чиқарар экан, – бориб менга нон олиб келиб бер. Колбасахонадан озроқ арзонроқ колбаса ҳам ола кел.

– Нон десанг ҳозироқ олиб келиб бераман, колбасанинг ўрнига карам шурва ичиб қўя қолмайсанми? Кеча қилувдим, жуда мазали. Сенга кеча олиб қўювдим, ўзинг кеч келдинг. Мазали шурва.

Шурва келтирилиб, Раскольников овқатланишга тугингандан кейин Настасья унинг олдига софага ўтириб олди-да, валдирашга тушди. У қишлоқи хотинлардан бўлиб, элакка чиқса элик оғиз гапирадиганлар хилдан эди.

– Прасковья Павловна-чи, сенинг устингдан па-  
лицага ариза бермоқчи, – деди у.

Раскольниковнинг афти буришиб кетди.

– Полицияга дейсанми? Нега энди?

– Ижара ҳақини тўламас эмишсан, бунинг усти-  
га димофинг баланд эмиш. Нимага бўларди.

– Э, шуниси етмай турувди ўзи, – дея тўнғилла-  
ди Раскольников тишларини гижирлатиб. – Йўқ,  
бу энди менга... керакмас... аҳмоқ экан у, – деди  
у овозини баланд қилиб. – Мен бутун унинг олдига  
кириб чиқаман.

– Аҳмоқликка аҳмоғ-а, мана худди менга ўхша-  
ган, лекин сен ўзинг-чи, ҳой ақли, чилпарчин бў-  
либ ётганинг ётган, қўлингдан бир иш келмайди.  
Олдинлари болаларни ўқитиб юрибман, девдинг,  
нима энди, ҳеч нарса қилмай қўйдингми?

– Қиялман... – деди истар-истамас Раскольни-  
ков нохушлик билан.

– Нима қиялсан?

– Ишлялман...

– Нима иш?

– Уйлялман, – дея жавоб берди у бир оз сукут-  
дан сўнг.

Настасья буни эшитиб ўзини тўхтатолмай кула  
бошлади. У тоши енгилгиналардан бўлиб, кулги-  
си қистаганда овозини чиқармасдан бутун бада-  
ни билан силкиниб-силкиниб кулар, кулганда ҳам  
қўнгли озиб қолгунга қадар куларди.

– Уйлаб-уйлаб анча пул топиб қўйгандирсан? –  
дея олди у ниҳоят кулгидан базўр ўзини тўхтатиб.



– Болаларни ўқитгани борай десам, этигим йўқ. Майли, баттар бўлсин.

– Менга қара, бола, тузлифингга тупурма.

– Ўқитганим билан арзимаган чақа беришади. Берган пулларига мушук офтобга чиқмайди, – дея давом этди у истар-истамас худди ўзи ўйлаб юрган фикрларга жавоб бераётгандай қилиб.

– Сенга қолса қўлингга мумайгина пул кира қолса экан-да?

Раскольников оқсочга ғалати қилиб қаради.

– Ҳа, мумайгина, – дёб жавоб берди у бир оз жимликдан сўнг ишонч оилан.

– Сен эса ҳовлиқмай секин-секин қўлингга олгин, бўлмаса ҳуркитиб юборасан; одам жудаям қўрқади-ей, қуриб кетсин. Нонга бориб келайми ё керак эмасми?

– Ихтиёринг.

– Айтгандай, эсимдан чиқибди! Кеча йўфингда сенга хат келган эди.

– Хат! Менга-я! Кимдан?

– Кимданлигини билмайман. Почтальонга ўз ёнимдан уч тийин бериб юбордим. Берарсан, а?

– Дарров олиб кел, Худо ҳақи, тезроқ бўл! – қичқирди ғоятда ҳаяжонланиб кетган Раскольников, – ё Раббим!

Бир дақиқадан сўнг хат пайдо бўлди. Ўзиям билувди-я, онасидан экан, Р – губернясидан. У ҳатто хатни ола туриб, оқариб кетди. У қачонлардан бери хат олмаганди, бироқ ҳозир бундан бошқа яна алланима унинг томоғига келиб тиқилди.

– Настасья, Худо ҳақи, чиқиб тур; мана уч тийининг, ол, фақат барака топ, чиқиб тур, тезроқ!

Хат унинг қўлларида қалтираб турарди; хатни оқсочнинг ҳузурида очгиси келмади: у хат билан ёлғиз қолишни истади. Настасья чиқиб кетгандан

кейин у хатни лабларига босди; кейин анчагача манзилнинг ёзувига, уни қачонлардир ёзиш-ўқишга ўргатган ойисининг майда қилиб қия ёзилган таниш ва қадрдон хатига тикилиб қолди. У пайсалланиб турарди; у гўё нимадандир чўчиётганга ўхшарди. Ниҳоят, конвертни очди: хат узундан-узоқ бўлиб, майда ҳарфлар билан қоғозни тўлдириб ёзилган эди; икки катта почта варағи ёзув билан лим-лим тўлдирилганди.

«Қўзичоғим Родя, – деб ёзарди ойиси, – мана икки ой ҳам бўлиб қолди, сен билан хат орқали гаплашолмадим, бундан ўзим ҳам тоза қийналдим, ҳатто ўйлайвериб кечалар ухлолмай чиқадиган бўлиб қолдим. Лекин нима қилайки, ихтиёр ўзимда эмасди, шунинг учун мени айбситмасан балки. Сени қанчалар яхши кўришимни ўзинг биласан: мен билан Дунянинг сендан ўзга ҳеч кимимиз йўқ, бор-йўқ жону жаҳонимиз, бор умидимиз, яккаю ёлғиз суюнган тоғимизсан. Сен қийналиб қолиб бир неча ойдан бери университетга бормаётганлигингни, дарс ҳам бермай қўйганингни, маблагинг қолмаганини эшитиб мен қай аҳволга тушганимни билсайдинг! Мен шўрлик йилига оладиган бир юз йигирма сўм пенсиям билан сен учун нима ҳам қила олардим? Сенга бундан тўрт ой илгари юборган ўн беш сўмни ўша пенсия ҳисобидан шу ерлик савдогар Афанасий Иванович Вахрушиндан олиб турганлигимни ўзинг ҳам биласан. У яхши одам, отанг билан дўст-ўртоқ бўлган эдилар. Бироқ у берган пулни пенсиямдан олиб бўлгунга қадар, мен қарзнинг тўлаб бўлинишини куттишга мажбур бўлиб қолдим, мана энди қарзимиз ҳам узилиб бўлди, унгача сенга ҳеч нарса жўнатомай қолган эдим. Мана энди бўлса, Худога минг қатла шукрки, сенга яна пул юбора оладиган ҳолдаман, нимасини айтасан, бунинг устига биз

нинг ҳам бахтимиз кулиб боққанидан сенга жиндак мақтаниб ҳам қўйишимиз мумкин, сенга буни тезроқ маълум қилмасам, тарс ёрилиб кетадигандайман. Биринчидан, агар билсанг, бўталогим Родя, мана бир ярим ойдирки, синглинг мен билан бирга яшаяпти, энди бундан бу ёгига бир-биримиздан сира ажралмаганимиз бўлсин. Худога минг қатла шукрки, оғир қийноқлардан қутулди, лекин сенга ҳаммаси равшан бўлсин, деб бир бошдан гапириб бера қоламан, биз буни вақти соати келгунча сенга айтмай туришга қарор бергандик. Бундан икки ойлар илгари чамаси сен Свидригайлов тўраникида Дуняни хўрлашаётганмиш, шу ростми, менга очигини айтинглар, шундай гаплар қулогимга чалинди, деб ёзган чоғларингда, мен сенга нима деб жавоб беришимни ҳам билмагандим. Агарда мен бор гапни сенга ёзиб юборганимда эди, унда ҳаммасини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, пойи пиёда бўлса ҳам бизнинг олдимизга етиб келган бўлардинг, негаки, мен сенинг феълингни яхши биламан, сен синглингни хўрлашларига сира ҳам йўл қўймаган бўлардинг. Менинг ўзим ҳам бошимни қаерга уришни билмай қолгандим, қўлимдан нима ҳам келарди. Ўзим ҳам у пайтда гапнинг миридан-сиригача хабардор эмасдим. Ҳамма кори бало шунда эдики, Дуня бурноги йили тўранинг уйига тарбиячи бўлиб ёллангандан кейин улардан олдиндан юз сўм пул олган, буни ҳар ойлигимдан босиб олиб қолаверасизлар, деб келишган экан, шунинг учун ҳам қарздан қутулмасдан туриб у ердан кетиб бўлмасди. Ўша пулни (энди буни сенга тушунтириб беришим мумкин, қимматли Родя) синглинг зориқиб қолганлигини билиб қарзга олганди, ўша пулдан олтимиш сўмини бултур синглинг сенга жўнатганда олгансан. Биз ўшанда бу пул Дунечканинг йиғиб

юрган пулларидан деб сенга ёлгондан ёзиб юборган эдик, лекин аслида ундай эмасди, мана энди сенга бор гапни оқизмай-томизмай ёзиб юбораётирман, нега десанг, Худонинг инояти билан энди кутилмаганда ҳамма нарса яхшиликка ўзгариб кетди, эндиликда Дуня сени қанчалар яхши кўришини, унинг қанчалар бебаҳо юраги борлигини билиб қўйишингни истайман. Ҳақиқатан ҳам жаноб Свидригайлов олдинлари унга жуда қўпол муносабатда бўлиб, бачкана қилиқлар қилган, дастурхон тепасида унинг устидан кулган... Бироқ сени ортиқ изтиробга қўймаслик учун бунақанги оғир гапларни ёзиб ўтирмайман, негаки, энди бунинг ҳожати йўқ, ҳаммаси ўтиб кетди. Қисқаси, жаноб Свидригайловнинг хотини Марфа Петровна-нинг олижаноблик билан қилган яхши муомаласига, умуман, барча оила аъзоларининг ҳурмат-эътиборига қарамасдан Дунечка жуда ҳам қийна-либ кетди, айниқса, жаноб Свидригайлов ўзининг эскирдан полжда хизмат қилган кезлари орттирган одатига кўра майхўрликка берилган пайтларида Дуня нима қилишини билмай қоларди. Охирида нима бўлди дегин? Буни қараки, у муттаҳам Дуняни анчадан бери йўлдан урмоқчи бўлиб юрар экан, лекин буни ўзини қўпол қилиб кўрсатиб, хўжа кўрсинга нафрат билдириб, вақти-соати келгунча яшириб юраркан. Балки у ўз аҳволидан, оиламандлиги, ёши ўтиб қолганлигини кўриб, ўзидан-ўзи уялиб, бошқа бир томондан даҳшатга тушиб, шунинг натижасида эҳтимолки, Дуняга ҳам ёмон муомалада бўлгандир. Эҳтимол, у қўпол муомала қилсам, унинг устидан кулсам, бошқалар ёмон фикрга бормайдилар, деб ўйлаб, шу йўл билан ҳаммасини пардаламоқчи бўлгандир. Кейин алоҳал у қуюшқондан чиқиб Дуняга очиқдан-очиқ гап ташлаган ва палидлик қилиб унга турли ваъ-

далар берган, агар рози бўлсанг, ҳаммасини ташлаб бошқа қишлоққа ёки бўлмаса чет элга кетамиз, деган. Ана энди Дуня бошидан нималарни кечирганларини ўзинг тасаввур қилиб кўр! У ерни ташлаб кетиб ҳам бўлмасди, чунки гап фақат олинган қарздагина эмасди, агар Марфа Петровна бу ишдан хабардор бўлса, шубҳага тушган, оилада уриш-жанжал кўтарилган, бека тинчини йўқотган бўларди. Дунечканинг ўзи ҳам қиз бола бўла туриб, ёмон отлиққа чиқиб қолиши мумкин эди; боши жанжалдан чиқмай қоларди. Булардан ташқари яна бошқа турли сабаблар ҳам бор эди, шундай бўлгач, Дуня олти ҳафтасиз галванинг кони бўлган у ердан қутулиб чиқа олмасди. Дуняни ўзинг биласанку, у жуда ҳам оқила ва аҳдида маҳкам турадиган саботли қиз. Дунечканинг бардоши қаттиқ, у ҳатто энг оғир дамларда ҳам кўнглини кенг тутиб қийинчиликни енгиб ўта олади. У бу гапларни, ҳаттоки менга ҳам ёзиб маълум қилмаган, ойимни бекорга хафа қилмай деб, ваҳоланки, биз тез-тез хат ёзишиб турардик. Ҳаммаси кутилмаган тарзда ҳал бўлди-қўйди. Марфа Петровна эрининг боғда Дунечкага ялиниб-ёлвориб турганини бехос эшитиб қолибди. Ва ҳаммасини бутунлай тескари тушуниб, бутун айбни Дунечканинг бўйнига қўйибди, барига уни сабабчи қилибди. Шу ернинг ўзида боғда жуда ёмон воқеа рўй берибди: Марфа Петровна Дуняга тарсаки тортиб юборибди, ҳеч нарса эшитишни истамабди, бир соатча бақриб-чақрибди, кейин ниҳоят, ўша заҳоти Дуняни аравада ойисиникига олиб бориб ташланглар, дебди ва шундай қилиб, Дуняни оддий деҳқон аравасида ҳамма юқларини айқаш-уйқаш ортиб, кийим-кечакларини бетартиб улоқтириб жўнатиб юборишибди. Бунинг устига жала қўйиб берибди, Дуня

шўрлик ҳақоратланган, номус ўтида қовурилган кўйи хизматчи билан усти очиқ аравада ўн етти чақирим йўл босишга мажбур бўлибди. Ана энди ўзинг айт, сендан икки ой олдин келган хатга нима деб жавоб беришим керак эди, нимани ёзишим керак эди? Мен ўзим бошимни қаерга уришни билмай қолдим; сенга рост гапни ёзиб юборолмасдим, негаки сен бундан жуда қаттиқ хафа бўлган, қайгурган, газабланган бўлардинг, лекин қўлингдан нима ҳам келарди? Балки бекорга ҳалак бўлармидинг, ундан ташқари Дунечканинг ўзи ҳам ёзманг, деди; ундан-бундан ҳар турли майда-чуйда гапларни ёзишга бўйним ёр бермади, дилинг куйиб-ёниб турганда одамнинг кўнглига ҳеч нарса сизмас экан. Бир ойгача бутун шаҳар фақат шунинг гийбати билан машғул бўлди, бора-бора шу даражага етдики, биз Дунечка иккимиз ҳатто черковга ҳам боролмайдиган бўлиб қолдик, ҳамма бизга еб юборгудек бўлиб қарашар, пичирлашар, ҳатто ўзимизга эшиттириб ҳам гапираверишарди. Ҳамма таниш-билишларимиз биздан юз ўгириб кетишди, биз билан саломлашмай ҳам қўйишди, кейин мен купес мирзалари билан айрим идора хизматчилари уйимизнинг дарвозасига қора мой суртиб бизни пасткашлик билан ҳақоратлаб кетмоқчи бўлганларини ҳам эшитиб қолдим, шунинг учунмикин, уй эгалари биздан кўчиб кетинглар, деб талаб қила бошладилар. Буларнинг барига Марфа Петровна сабабчи бўлган эди. У ҳамма ерда Дунянинг бошидан мағзава ағдариб, оғзига сиққанча ёмонлаб юрарди. У киши бизнинг шаҳримиздаги барча хонадонлар билан яхши таниш, шу он давомида тўхтовсиз шаҳарга қатнаб юрди, у кишининг оғизлари анча бўш бўлганидан оила сирларини ҳар кимларга гапириб, ҳикоя қилиб юришни яхши кўрадилар ва

айниқса, дуч келган одамга, дуч келган ерда эрларининг устидан шикоят қилишга тушиб кетадилар, яхши эмас бу: шундай қилиб десанг, ҳаш-наш дегунча гап шаҳаргагина эмас, бутун вилоятга ҳам маълум бўлади. Мен ётиб қолдим, Дунечка мендан кўра саботлироқ экан, унинг менга қандай далда берганлари, юпатганларини, ҳаммасига қандай чидаганларини ўзинг бир кўрсайдинг! У фаришта! Лекин Худойимдан айланайки, унинг шарофати билан азоб-уқубатларимиз узоққа чўзилмади: жаноб Свидригайлов эс-ҳушини йиғиштириб, ўкинига тушган шекилли ва Дуняга ачинибми, Марфа Петровнага қизда сира айб йўқлигини асосли далиллар билан тушунтирган, яъни: Дуня Марфа Петровна уларни боғда учратиб қолгунга қадар Свидригайловга бир хат ёзган экан, яширинча учрашиб туриш, бетма-бет туриб гаплашишдан қочиб шундай қилган экан, Свидригайлов уни учрашайлик, деб қистаб сира тинч қўймас экан, шунинг учун буларни рад этиб хат ёзишга мажбур бўлибди, шу хат жаноб Свидригайловнинг қўлида қолган экан. Хатда қизгина Свидригайловга унинг қилаётган қилиқлари Марфа Петровнага нисбатан гоятда пасткашлик эканлигини, у оила бошлиғи ҳамда ота эканлигини эслатиб, ёниб-куйиб газаб билан ёзибди, ўзи бахтсиз ва бечора бир қизни янада ҳам бахтсизроқ қилиш, уни азоб-уқубатларга қўйиш қабиҳлик эмасми, дебди. Нимасини айтасан, азизим Родя, бу хат шунчалар олижаноблик билан юракдан чиқариб ёзилганки, уни ўқиб туриб кўз ёшларимни тиёлмадим ва ҳанузгача уни йиғламасдан ўқий олмайман. Булардан ташқари уй хизматкорлари ҳам бор бўлган воқеани, кўрган-билганларини оқизмай-томизмай айтиб беришганларидан кейин Дуняда заррача гуноҳ йўқлиги янада ойдинроқ бўлган; хиз-

маткорлар эса маълумки, жаноб Свидригайлов тасаввур қилгандан кўра хийла кўпроқ нарсаларни билишади. Марфа Петровна бундан гоятда ҳайрон бўлиб қолибди ва ўзининг айтишига қараганда, «яна адои тамом бўлибди», лекин Дунечкада гуноҳ йўқлигига ишонибди ва эртасигаёқ яқшанба куни тўғри жомега келиб тиз чўкибди-да, Худоба тавалло қилиб бу синовларга чидаш учун ўзига сабр-тоқат сўрабди, йиглаб-ёлворибди, ўз бурчимни адо этайин, дея илтижо қилибди. Кейин жомедан тўғри бошқа ҳеч кимникига кирмай бизникига ўтибди, у бизга бўлган гапни оқизмай-томизмай айтиб берди, аччиқ-аччиқ йиглади, Дуняни қучоқлаб олиб, қилган бўҳтонларига кечирим сўради, узрлар қилди, афсус-надомат чекди. Кейин ўша куни эрталабнинг ўзида бизникидан чиқиб тўғри шаҳардаги барча хонадонларга бирма-бир кириб чиққан ва ҳамма ерда кўз ёши қилиб Дуняда сира гуноҳ бўлмаганлигини, у ажойиб, ҳалол қиз эканлигини мақтаб гапирган, унинг номусини, яхши номини тиклаган. Буям озлик қилгандай ҳаммага Дунянинг жаноб Свидригайловга ёзган хатини кўрсатиб, яна ўзи овозини чиқариб ўқиб берган ва ҳатто одамларга хатни кўчириб олишларига ҳам ижозат берган (менимча, мана шуниси ортиқчароқ бўлган). Шундай қилиб, у бир неча кунгача кетма-кет ҳамманикига кириб чиққан, кейин баъзи бировлар бизникига кирмабсиз, деб хафа бўлишгандан сўнг, навбат ташкил қилишган, шундай қилиб десанг, ҳар бир хонадонда Марфа Петровна фалон куни бизникига келади, фалон куни фалон жойда хат ўқийди, деб олдиндан аниқлаб билиб олишган, хат ўқилганда аввал уни бир неча марта ўз уйларидами ёки навбат билан ўз танишлариникидами, эшитганлар ҳам яна қайта эшитгани йиғилишаверган. Менинг



фикримча, бу ерда кўл нарсалар, жуда кўп нарсалар ортиқча бўлган; лекин Марфа Петровнанинг феъли шунақа. Ҳар ҳолда, у нима бўлганда ҳам, Дунечканинг номини оқлади ва шундан кейин бутун шармисорлик эрининг гарданига тушиди, бутун айб-кароҳат унда эканлиги равшан бўлди, яна бир томондан десанг одамнинг унга ҳам раҳми келади; муттаҳамни жуда ёмон ҳаддан ташқари ўсал қилишиди. Шундан кейин Дуняни баъзи бир хонадонларга дарс бергани таклиф қила бошлашиди, лекин у бу таклифларни рад қилди. Умуман олганда, ҳамма бирдан унга ўзгача бир ҳурмат кўзи билан қарай бошлади. Буларнинг бари бизнинг ҳаётимиз ва тақдиримизда ўзгариш ясайдиган қутилмаган бир тасодиф воқеага сабабчи бўлди, десак ҳам мумкин. Сенга айтсам, азизим Родя, Дуняга бир куёв чиқди ва синглинг бунга розилигини ҳам бериб бўлди, сенга ҳам буни тезлик билан маълум қилиялман. Гарчи бу ишни сендан маслаҳатсиз қилган бўлсак-да, лекин ўзинг ишнинг боришини кўриб на мендан ва на синглингдан ранжиб ўтирмассан деб ўйлайман, чунки буни сендан жавоб келгунча пайсалга солиб ўтиришнинг сира иложи йўқ эди. Бунинг устига сенин ўзинг ҳам орқаваротдан туриб аниқ бир нарса дейишинг қийин эди.

Воқеа бундай бўлди. Куёв бўлажак одам асли идора хизматчиси, маслаҳатчи Петр Петрович Лужин Марфа Петровнанинг узоқроқ қариндоши бўлади. Марфа Петровнанинг ўзи бу ишга ҳар томондан бош қўшиди. Куёв Марфа Петровна орқали биз билан танишишга розилик сўрабди, у бизникига келгандан кейин ўзига яраша кутиб олдик, қаҳва ичди, кейин эртасигаёқ хат жўнатиб унда гоятда одоб билан ўзининг таклифини баён қилибди. Хатда менга зудлик билан узил-кесил

жавобини беринглар, дебди. У жуда ишбилармон ва вақти зиқ одам, Петербургга бир иш билан шошилиб турган экан, ҳозир ҳар бир дақиқа унинг учун ганимат. Ўзингга маълум, аввал биз бундан жуда ҳайрон бўлиб бошимиз қотиб қолди, нега десанг ҳаммаси бирдан ҳеч кутилмаганда рўй бериб қолди-да. Ўша кун икковимиз туни билан бош қотириб чиқдик. У ишончли ҳамда ўзига тўқ одам, икки жойда хизмат қилади, ўзига яраша маблағи, сармояси ҳам бор. Рост, унинг ёши қирқ бешга бориб қолган, лекин кўриниши анча тузук, ҳали аёлларга ёқадиган даражада кўркам, умуман олганда, анча сипо ва салобатли одам, фақат бир оз тўрсайганроқ ҳамда димоғдорроққа ҳам ўхшайди. Бироқ бу бир қараган одамга эҳтимол шундай бўлиб туйилса керак. Ҳа, сени огоҳлантириб қўяйки, азизим Родя, у билан Петербургда кўришган кезларингда, бу тезда рўй беради, агар бирон нарса унда сенга унчалар ўтиришмаса, биринчи қарашда галати бўлиб кўринса, буни сенинг феълингни билганим учун айтяпман, дарров шоша-пиша бир ҳукм чиқариб қўймагин. Гарчи у сенда яхши таассурот қолдиришига амин бўлсам-да, буни яна ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўйяпман сенга. Умуман, бирон одамни билмоқчи бўлсанг, хато қилиб қўймаслик, олдиндан нотўғри хулосага келмаслик учун унинг кўнглига секин қўл солиб кўриш керак, бўлмаса хатони кейинчалик тузатиш ва ўрнига қўйиш жуда қийин бўлади. Петр Петрович бўлса кўп томондан олиб қараганда анча-мунча ҳурматга сазовор киши. У бизникига биринчи марта келган кунидек мен бировга ёмонлик қилмайдиган одамман, бунинг устига «бизнинг янги муосир ёшларимизнинг қарашларига» қўшиламман, ҳар қандай бидъатларга қаршиман, деб айтди. У яна бошқа кўп нарсаларни ҳам гапирди,

нега десанг, бир оз мағрурроқ одам эмасми, унинг гапига қулоқ солиб ўтиришларини яхши кўрар экан, лекин бунинг унчалар айбситадиган жойи ҳам йўқ шекилли. Ўзинг биласанки, мен бунақа гапларга унчалар тушунмайман: лекин Дуня менга у айтарли билимдон одам бўлмаса ҳам, бироқ ақлли ва афтидан, яхши киши бўлса керак деб тушунтириб берди. Сен синглингнинг феълини биласан, Родя. У бардошли, эс-ҳуши жойида, сабр-тоқатли ва олижаноб, лекин юраги жўшқин қиз, бунинг мен айниқса яхши билиб олганман. Албатта, куёв билан синглинг ўртасида айтарли бир ишқ-муҳаббат йўқ, лекин Дуня ақлли қиз ва бундан ташқари у худди фаришталардай олижаноб бир хилқатки, эр кишини бахтли қилишни ўз бурчи деб билади, ўз навбатида эр ҳам унинг бахти ҳақида гамхўрлик қилиши керак, биз шундай бўлишига ҳозирча шубҳа қиладиган еримиз йўқ, гарчи бу иш хамирдан қил сугургандай тез битган бўлса ҳам рост-да, ахир. Бунинг устига куёв жуда ишнинг кўзини биладиган, тежамли одам, шу босидан Дунечкани қанчалар бахтли қилса ўзи ҳам ундан кўра кўпроқ бахтли бўлажагига ақли етар дейман. Характеридаги баъзи бир камчиликлар эскирдан орттирган одатлари ва ҳаттоки баъзан, фикрларнинг тўғри келмай қолиши кабилар ҳақида бўлса (энг бахтиёр эр-хотинлар ҳам бундан холи эмас), Дунянинг ўзи менга, ўзимга ишонман, бунинг хавотир оладиган ери йўқ, мен кўп нарсаларга чидайман, фақат кейинги муносабатларимиз ҳалол ва адолатли бўлса бас, деди. Мисол учун десанг, аввалига у менга ҳам бир оз шарткироқ бўлиб кўринди; лекин тўғри кўнгилли одам бўлганлиги учун ҳам ахир шундай туйилиши мумкинку, аслида ўзи ҳам шундай. Сенга айтсам, у бизникига иккинчи марта келганда, розилиги-

мизни олгандан сўнг, гап орасида: мен ҳали Дуняни билмаган пайтимда ҳам сепсиз, аммо ҳалол қизни оламан, бунинг устига у қиз албатта бошидан бир қийинчиликни кечирган бўлиши керак, деб юрардим деди; нега десангиз, деди у, эр хотинга ҳеч бир жиҳатдан боғланиб қолмаслиги керак экан, аксинча, хотин киши эрини халоскорим деб билса, валинеъмат ўрнида кўрса, шуниси яхши бўларкан. Шунисини ҳам айтиб қўяйки, у буларни мен ёзаётганимдан кўра майинроқ қилиб, мулойимгина гапирди, шунинг учун ҳам мен аслида у нима деганлигини аниқ эслолмайман, фақат гапнинг мазмуни эсимда қолибди, дарвоқе, у бу гапини атай айтмади, эҳтимол гап орасида қизишиб оғзидан чиқиб кетгандир, нега десанг, кейин у гапни тўғрилашга, ҳаттоки юмшатишга ҳам уринди; лекин нима бўлганда ҳам, бари бир менга унинг гаплари худди қўполроқ қилиб айтилгандай бўлди ва кейин мен буни Дуняга айтдим. Лекин Дуня гаши келгандай бўлиб, «қуруқ гапдан нимани ҳам билиб бўларди» деди, менимча ҳам шу гапда жон бор. Дунечка бир қарорга келгунча кечаси билан ухламай чиқди ва мени ухлаб қолган, деб ўйлади шекилли, ўрнидан туриб тун бўйи хонада у ёқдан-бу ёққа юриб чиқди; кейин бут қаршисида тиз чўкиб анча вақтгача ич-ичидан ёлвориб ибодат қилди, эрталаб эса менга бир қарорга келдим, деб айтди.

Мен боя Петр Петровичнинг шу кунларда Петербургда жўнаб кетаётганлигини ёзган эдим. У ерда зўр ишларни бошлаб юбормоқчи, Петербургда омма учун адвокатлик идораси очмоқчи. У анча вақтлардан бери одамларнинг турли ишлари, тортишувлари юзасидан иш олиб боради, кунни кеча у бир жанжалли ишда ютиб чиқди. Петербургда кетаётганининг сабаби, сенатда

муҳим бир иши бор. Шундай қилиб десанг, азизим Родя, унинг сенга ҳам нафи тегиб қолиши мумкин, ҳар жиҳатдан, шунинг учун ҳам биз Дуня иккаламиз энди сен келажагинг хусусида бош қотирсанг ва тақдиринг анча ойдин бўлиб қолганлигини ҳисобга олсанг яхши бўлади, деган қарорга келдик. О, қани энди бу шундай бўлиб чиқса! Бу шундай бир ютуқ бўлар эдики, уни яратган Парвардигори оламнинг бизга инояти, деб ҳисоблаган бўлардик. Дуня ҳам эртаю кеч шуни ўйлагани-ўйлаган. Биз бу ҳақда Петр Петровичга икки оғиз сўз очишга ҳам журъат этдик. У албатта менга котиб ҳам керак, шундай бўлгандан кейин ҳамон ойлик берар экансан, уни бегонага бергандан ўз одамингга берганинг ҳам маъқул, фақат у қўлидан иш келадиган одам бўлса бўлгани (сенинг қўлингдан иш келмас эмишми) деган маънода эҳтиёткорлик билан жавоб қилди, лекин яна шу заҳоти университетда таҳсил кўраётган бўлса, менинг идорамда ишлагани вақт топа олармикин, деб иштибоҳ ҳам билдириб ўтди. Гап бу сафарча шу ерга келиб тўхтади, лекин Дунянинг бутун фикр-зикри фақат мана шу билан банд. У мана бир неча кундирки, худди иситмалаган одамдай бўлиб юради, келажакда қилинадиган ишларнинг бутун бир режасини ишлаб чиқди, шунга кўра сени бориб-бориб Петр Петровичнинг тўла ҳуқуқли шериги бўлади, бунинг устига ўзи ҳам юридик факультетни битиряпти, дейди. Мен Родя, унинг фикрига тамомила қўшиламан ва унинг режалари амалга ошажагига кўзим етади; гарчи Петр Петрович ҳозирча аниқ-тиниқ бир нарса демаган бўлса ҳам бунини тушуниш мумкин (чунки у сени ҳали билмайди), Дуня бўлажак турмуш ўртоғига яхши гап билан таъсир қилиб буларнинг барини амалга ошириш мумкин деб қаттиқ ишонади. Албатта,

биз ҳамма яхши ниятларимизни биратўла Петр Петровичга тўқиб солишдан ўзимизни тийдик ва, айниқса, сен келажакда у билан бирга иш олиб боришинг хусусида. У ишнинг кўзини биладиган одам, бизнинг тилакларимиз унга ҳавойи орзулар бўлиб туйилиши ва бунга унчалар рўйхуш бермай қараши мумкин эди. Худди шунингдек, сен университетда ўқиб турган пайтингда ўқишингга ҳам қарашиб юборармикин, деган катта умидимиз бор эди, лекин ҳозирча унга бу ҳақда на Дуня ва на мен оғиз очдик; буни айтмаганимизнинг боиси, биринчидан, кейинчалик бу ўз-ўзидан шундай бўлади, дедик, ўзи ҳам ўйлар ахир (Дунечкага йўқ демаску), бунинг устига сен ўзинг ҳам тез орада унинг ўнг қўлига айланиб қолсанг, қиладиган ёрдамнинг ҳам ўрни тўлиб кетади. Дунечка мана шундай қилмоқчи, мен унинг фикрига бутунлай қўшиламан. Иккинчи томондан, гапирмаганлигимизнинг боиси мен сизлар учрашганларингизда унинг олдида тилнинг қисиқ бўлиб қолмасин, деб ўйлаган эдим. Дуня унга сен ҳақда жуда мақтаб гапирганда, у ҳар қандай одамни яхши билиб олиш учун уни ўз кўзинг билан кўришинг, яқиндан билишинг керак, шунинг учун у киши ҳақида танишиб олганимдан кейин ўзим бир хулосага келаман, деган гапни қилди. Биласанми, бебаҳо Родя, менимча, баъзи бир мулоҳазаларга кўра (айтгандай, бунинг Петр Петровичга унчалар тааллуқли жойи йўқ, тўғрироғи, ўзимнинг шахсий инжиқлигимга кўра, кампир хотинларни биласанку қанақа бўлишини), улар турмуш қурганларидан сўнг ҳозир қандай турган бўлсам, шундай алоҳида ўзим турсам яхши бўлармикин, деб юрибман. Ишончим комилки, куёвнинг ўзи олижаноблик қилиб одоб юзасидан энди биз билан бирга яшайверинг, деб таклиф қилиб ҳам қолар, агар у буни шу пайт-

гача айтмаган бўлса, бу айтилмаса ҳам ўзи шундоқ равшан нарсаку, деб ўйлаган бўлса ажабмас; лекин мен рози бўлмайман. Ҳаётда қайнаналари ни унчалар хуш кўрмайдиган кишиларни ҳам кўп кўрдим, шунинг учун мен бировнинг қош-қовоғига қараб юришни, бировга зигирча бўлсин, оғирлигим тушишини истамайман, бунинг устига мен ўз кунимни ўзим кўришни яхши кўраман, бу дунёда насибам бор экан, озроқ ризқи рўзим чиқиб тураркан, сен билан Дунечкадай фарзандларим борлигидан бошим осмонга етиб юравераман. Агар имкон тугилса, Худо хоҳласа, сен билан Дунечканинг ёнларингда турарман, нега десанг, Родя, энг ажойиб хушхабаримни сенга хатимнинг охирида ёзмоқчиман: болагинам, тез орада, яқин кунларда яна учов омон-эсон дийдор кўришармиз, уч йил дийдор кўришмай соғинишиб юрганларимиз билинмай ҳам кетар! Мен ва Дунянинг Петербургга боришимиз энди аниқ бўлганга ўхшайди, қайси кун, қайси соат билмайману, лекин ҳар ҳолда тез орада, яқин кунлар ичида, ҳатто эҳтимол бир ҳафталардан кейин бориб қолармиз. Ҳаммаси Петр Петровичнинг сўзига боғлиқ, у Петербургда жойлашиб олган замоним сизларга хабар қиламан, деган эди. Ўзининг баъзи бир мулоҳазаларига кўра у никоҳни тезроқ ўқитсак, дейди ва агар иложи бўлса, яқин кунларда лаҳм кун<sup>3</sup> тўйни ўтказиб юбора қолсак, агар унгача улгуролмасак, вақт зиқ бўлгани боисидан госпожинокдан<sup>4</sup> кейинроқ қилсак, дейди. О, сени яна бағримга босишдан қанчалар бахтиёр бўламан! Дуня сен билан тезроқ кўришиш иштиёқида ўзини қўярга жой тополмай юрибди,

<sup>3</sup> Лаҳм кун – насронийларда рўзадан сунг гушт тановул қилишга ижозат этилган кун (русча – мясоед).

<sup>4</sup> Госпожинок – насронийларда байрам. Биби Марямнинг ўлган кунига тўғри келади, 15 августда нишонланган. (тарж.)

шунинг ўзи учунгина Петр Петровичга турмушга чиқсам арзирди, деб ҳазиллашиб ҳам қўяди, ҳатто. Фаришта у! У ҳозир менинг хатимга ўзи қўшимча қилмоқчи эмас, фақат мен Родя билан жуда-жуда кўп нарсаларни гаплашиб олишим керак, гаплашиб оладиган нарсаларим шунчалар кўпки, ҳатто қўлимга қалам олишга юрагим бетламаяпти, қозоғда ҳамма нарсани айтиб адо қилиб бўлмайди, кўнглинг ҳам жойига тушмайди, шунини ёзиб қўйинг менинг номимдан, деди; сени қаттиқ бағримга босиб қўйишимни, беҳаду бесаноқ ўпичлар йўллашимни тайинлаб қолди. Лекин биз эҳтимолки, тез орада дийдор кўришиб қолсак ҳам унғача шу кунларда қурбим етганча сенга кўпроқ пул жўнатиб юбораман. Энди ҳамма Дунечка Петр Петровичга турмушга чиқаётганидан хабардор бўлгач, менга қарз-ҳавола қилувчилар кўпайиб қолишди, билишимча, Афанасий Петрович ҳам ҳозир менга нафақам ҳисобидан етмиш беш сўмгача пул бериб туриши мумкин, шундан сенга йигирма беш ва, эҳтимол, ҳатто ўттиз сўм юборарман. Кўпроқ ҳам жўнатар эдим, лекин йўлда қийналиб қолмасмикимиз, деб қўрқаман; гарчи Петр Петрович меҳрибончилик қилиб пойтахтга боришимизга кетадиган йўл харажатларимизнинг бир қисмини ўз бўйнига олган бўлса ҳам у кўч-кўронимиз билан каттакон сандигимизни ўз ҳисобидан жўнатишини айтди (аллақандай таниш-билишлар орқали экан), ҳар ҳолда Петербургга қуруқ бориб бўлмайди, жилла қурса, биринчи кунлари пул керак бўлади. Айтгандай, биз Дунечка билан ҳаммасини бир бошдан ҳисоблаб чиқдик, йўлга унчалар кўп кетмас экан. Бизникидан темир йўлгача тўқсон чақирим, шунинг учун биз ҳар эҳтимолга қарши бир таниш извошчи аравакаш билан гаплашиб қўйдик; у ёғи-



га Дунечка иккаламиз омон-эсон етиб олармиз. Шундай бўлгач, мен эҳтимол, йигирма беш сўм эмас, сенга бир амаллаб ўттиз сўм юборишнинг эпини қила оларман балки. Бўлди, бас энди; икки варақни тўлдириб ташлабман-а, ёзадиган бошқа жой ҳам қолмабди; ҳаммаси бошдан кечирганларимиз; йигилиб ётган эди-да! Энди бўлса, қимматли Родя, тезда дийдор кўришгунча сени қучоқлаб қоламан, кўнглимдаги энг яхши тилакларимни сенга йўллайман. Дуняни, синглингни сев, Родя; у сени қанчалар севса, сен ҳам шундай сев ва шуни билиб қўйки, у сени беҳад севади, жони жаҳонидан ортиқ кўради. Фаришта у, сен бўлсанг Родя, бизнинг яккаю ёлғиз умидимиз, суянган тоғимизсан. Сен бахтли бўлсанг, бизнинг бахтимиз ҳам шунда. Ишқилиб, Худованди Каримни ёдингдан чиқармасанг бўлгани. Родя, Яратганнинг шафқат ва шафоатига ишончингни йўқотмадингми? Не қилайки, кўнглимнинг бир чеккасида бизнинг давримизда одат тусига кириб қолган имонсизлик сенга ҳам юқмадимикин, деб чўчиб қўяман. Агар шундай бўлган эса, сен учун Худога топинаман. Жоним, эсинга ол, ҳали унда отанг тирик эди, болалик кезларинг тизамда ўтириб ширин тилинг билан дуо ўқирдинг, о, биз қанчалар бахтиёр эдик ўшанда! Хайр энди, тўғрироғи, кўришгунча! Сени қаттиқ-қаттиқ қучоқлаб, бесаноқ ўпиб қоламан.

Ўлгунча сени дейдиган ойинг  
Пульхерия Раскольникова».

Хатни ўқий бошлагандан Раскольниковнинг юзи кўз ёшларидан нам бўлганди, бироқ хатни ўқиб тугатган чоғда унинг ранги оқариб кетган, афти ўзгарган, лабларида офир, аччиқ, қаҳрли бир заҳарханда липиллаб турарди. У афтода ва ғариб бир

алпозда бошини яғир ёстиғи устига ташлаб уйга чўмди, узоқ хаёлга толди. Унинг юраги гупиллаб урмоқда, фикрлари галаён қилмоқда эди. Ниҳоят, бу ис босиб кетган, жавонга ёхуд сандиққа ўхшайдиган ғурбатхонада унга ҳаво етишмай қолди, нафаси сиқилди, юраги қинидан чиқиб кетадиган даражага келди. Нигоҳи ва хаёли кенглик сари талпинарди. У шляпасини олди-да, чиқиб кетди, бу сафар биров билан дуч келиб қолишидан чўчиб ҳам утирмади; буни у унутганди. У В-й шоҳқўча орқали Васильевский ороли томонга қараб йўл олди, у ёққа худди иши бор кишидай шошиларди, лекин одатдагидай босган изини кўрмас, лаблари алланималарнидир пичирлар ва, ҳатто, ўткинчиларни ҳайрон қолдириб, ўзи билан ўзи гаплашиб борарди. Кўплар уни маст бўлса керак, деб ўйлашарди.

#### IV

Ойисининг хати уни қийнаб ташлади. Лекин энг асосий, кўндаланг қўйилган масалага келганда унда бир дамга бўлсин ва ҳатто хатни ўқиётган чоғида ҳам иштибоҳ туғилмади. У масалани унинг моҳиятига кўра миясида буткул ҳал қилиб қўйган, узил-кесил бир фикрга келганди: «Мен тирик эканман, бу никоҳ бўлмайди, жин урсин жаноб Лужинни!»

«Нега десангиз, бу ўз-ўзидан равшан, – дея ғўлдирарди у ўзига ўзи чиқарган қарори амалга ошажагини олдиндан сезиб алам билан аччиқ жилмаяр экан. – Йўқ, ойи, йўқ, Дуня, мени алдай олмай-сизлар!.. Яна сендан маслаҳат сўраб улгурмадик, ўзимиз бир қарорга келиб қўя қолдик, деб кечирим ҳам сўрашларига ўласанми! Бўлмасам-чи! Ўйлашаётгандир, энди ҳаммаси ҳал бўлди, буни бекор

қилиб бўлмайди деб, бекор қилиб бўлмайдами ёки кор қилиб бўладими, кўрамиз ҳали! Келтираётган далилларини қаранг: «Петр Петрович ундай, Петр Петрович бундай, ишбилармон одам, шундай ишбилармонки, тўғри келган ерда – извошдами, сал бўлмаса темир йўлдами никоҳ ўқитиб кетаверадиган ишбилармон». Йўқ, Дунечка, ҳаммасини кўриб, билиб турибман мен билан гаплашадиган қандай гапинг кўплигини: кечаси билан ухламай хона кезиб нималарни ўйлаб чиққанингни ҳам, ойимнинг хонасидаги Биби Марям сурати қаршисида нималарни ёлвориб сўраганларингни ҳам биламан. Голгофага чиқиш қийин-а. Ҳм... Демак, узил-кесил ҳал қилиб қўйибсизлар-да: ишбилармон, корчалон бир одамга турмушга чиқмоқчи бўлибсиз-да, а, Авдотья Романовна, яна сармойяси ҳам бор (ҳа, айнан сармойяси ҳам бор, шундай дейилса бошқача эшитилса керак-да), бир эмас, икки муассасада хизмат қиладиган, бизнинг муосир ёшларимиз (ойимнинг ёзишига қараганда) билан ҳамфикр ва Дунечканинг ўзи айтишича, «афтидан, яхши одамга ўхшайдиган» кишига. Ҳаммасидан ҳам мана шу ўхшайдиган, дегани ажойиб! Ва шу Дунечканинг ўзи ана шу ўхшайдиганга турмушга чиқяпти!.. Тасанно! Тасанно!..

...Бироқ қизиқ, нега ойим «муосир ёшларимиз» ҳақида менга ёздийкин? Унинг қандай одамлигини кўрсатиш учунми ёки бошқа бир мақсадни кўзда тутганми: мени жаноб Лужин билан апоқ-чапоқ қилиб қўймоқчимми? Оббо, айёрлар-ей! Яна бошқа бир нарсани ҳам ойдинлаштириб олинса ёмон бўлмасди: ўша куни ва ўша кеча ва ундан кейинги кунларда улар бир-бирлари билан қанчалар очиқ гаплашиб олишдидийкин? Ораларида ҳамма сўзлар очиқчасига айтилдимикин ёки ҳар икковлари ҳам фикри ёдимиз бирку, деб ортиқча

гап гапириб ўтиришмадимикин, бунинг нимасини гапириб ўтирамыз, деб. Афтидан, маълум даражада шундай ҳам бўлгандир; хатдан кўриниб турибди: ойимга у қўполроқ туйилибди пича, содда ойим Дуняга ҳам буни айтибди-қўйибди. У эса «Ғаши келиб» жавоб берибди. Бўлмасам-чи! Ҳар хил саволларсиз ҳам барча нарса шундай равшан бўлиб турганда ортиқча гапга ҳожат бормиди. Бунинг устига бояги сўзлар-чи: «Дуняни сев, Родя, у эса сени жони-жаҳонидан ҳам ортиқ кўради», ўғлини деб қизини қурбон қилаётгани учун виждон қийноғига тушмаётганимикин бу. «Сен бизнинг яккаю ёлғиз умидимиз, ишонган тоғимизсан!» О, ойижон-а!.. Унинг юрагини қаҳру ғазаб тобора кучлироқ, куйдирмоқда эди ва мабодо ҳозир у жаноб Лужинга дуч келиб қолганда ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмасди!

«Ҳм, ростдан ҳам, – дея калласида ғужғон ўйнаган фикрларини давом эттирарди у, – ростдан ҳам одамни «билиш учун унинг кўнглига секин қўл солиб кўриш керак», лекин жаноб Лужиннинг қандайлиги тайин. Муҳими, «ишбилармон ва афтидан, ёмон одам эмас» ҳазил гапми, куч-кўронни ўзим олиб бориб бераман, сандиқни ҳам дейиш! Шундан кейин ёмон одам, деб кўринг-чи уни? Уларнинг ўзлари, яъни келин билан унинг онаси бўлса ҳаммол ёллаб усти ёпиқ аравада (ахир, мен ўзим шундай аравада келганман-ку) йўлга тушишса-я. Қойил-э! Нима қилибди, атиги тўқсон чақиримгина экан, ундан у ёғига бўлса «учинчи класс вагонда омон-эсон етиб олармиз», бу ёғи эса минг чақиримгина. Тўғрида: кўрпангга қараб оёқ узат; сиз-чи, сиз жаноб Лужин, нима қилиб юрибсиз? Ахир, у сизнинг қаллифингизку... Қизнинг онаси йўлга кетадиган харажатни пенсияси ҳисобига қарз олган пулидан қилгани сиз учун қоронғи бўлиб қолмагандир-ов?

Биламан, бу ерда савдо-сотик, ўртада, фойда икки томонга баравар оқиб туради, шериклик ош, шундай бўлгандан кейин сарф-харажат ҳам ўртада бўлиши керак; яъни туз-насиба ўртада – тангачаси халтада, мақолларда айтилганидек. Буни қаранг-а, ишбилармон одам шу ерда ҳам уларни андакки-на чув туширибди-я: юкини олиб бориш эгасини олиб боришдан анча арзонроққа тушади-да, сув текин дейиш ҳам мумкин. Нима, икковлари ҳам бу нарсаларни пайқашмаяптими ёки атай кўриб кўрмаганга олишяптими? Бу қадар мамнун бўлиб қолишибди, тавба! Яна буларнинг бари ҳали хамир учидан патир, йўғон-йўғони кейин чиқади! Зингил солиб қарасангиз, бу ерда гап унинг қурум-соқлиги, нокаслиги устида ҳам эмас, гап умуман мана шундай нарсаларнинг рўй бериб турганида. Никоҳ ўқитилгандан кейин бўладиган машмашалардан дарак бериб турибди булар, валийлик... Тавба, ойим ўзлари нима қияптилар, эс-ҳушлари қаёқда ўзи? Петербургга икки қўлларини бурунларига тикиб келаверишадими? Уч-тўрт тангаю, анов... кампир айтгандай, иккита «патгача» билан келишадими... ҳам! Кейин Петербургда нима ҳисобига кун кечиришади ўзи? Ахир ойимнинг ўзлари никоҳдан кейин Дуня билан бирга туrolмасликларини, ҳатто биринчи кунларда ҳам бунинг иложи йўқлигини қаердандир фаҳмлаб қолибдилар-ку? Муҳтарам зот бу ерда ҳам бир нарса деб оғзидан гуллаб қўйган шекилли, шама қилган, ойим бўлсалар ўламан саттор ундай эмас, деб турибдилар: «ўзим рози бўлмайман» деяптилар. Кимга, нимага ишонаяптилар ойим: бир юз йигирма сўм нафақагами, яна бундан Афанасий Ивановичдан олинган қарзни ҳам узиш керакку? Қишки рўмол, қўлқоп тўқийман, деб ўйлаётгандир кўз нурини тўкиб. Рўмолдан қанча пул тушарди, йилига ўша бир юз

йигирма сўмга рўмолдан бор-йўғи йигирма сўм келиб қўшилади, холос, биламанку, буни. Демак, ҳар ҳолда, жаноб Лужиннинг хайр-саховатига ишонишибди-да: «Ўзи бизни таклиф қилади, ўзи бу борада бизни ҳол-жонимизга қўймайди». Ол-а! Шиллер қаҳрамонларига ўхшайдиган кўнгли бўш одамлар доимо мана шунақа аҳволда қолишади: энг сўнги дамларигача кишига айлана қолай, ўргила қолай деб қарашади, энг сўнги дамларигача ёмонлик эмас, фақат яхшилик бўлишига ишонишади; коса тагидаги нимкосасини сезиб турсалар ҳам ҳеч қачон олдиндан бор гапни айтиб қўя қолмайдилар; бунақа нарсани ҳатто хаёлларига келтиришдан ҳам ор қиладилар; ҳақиқатга тик қарашдан кўзларини чирт юмиб оладилар, ўзлари ишонган, аллада азиз, тўрвада майиз қилган одамлари бошлаб доғда қолдириб кетмагунича шундай давом этаверади. Айтгандай, қизиқ, жаноб Лужиннинг орденлари бормикин, йўқмикин; гаров уйнайманки, Анна орденини олган ва уни пудратчилар ҳамда савдогарларнинг зиёфатларига, албатта, тақиб боради. Тўйида ҳам тақиб олса керак. Э, менга нима, тақса тақавермайдими...

Хўп майли, барака топкур ойимни шундаёқ дейлик, аммо Дуня-чи? Жонгинам Дунечка, ахир мен сизни биламанку! Биз охириги марта кўришганимизда сиз йигирмага кирган эдингиз; сизнинг феъл-атворингиз менга яхши таниш бўлиб қолган. Ана ойим ҳам ёзибдиларку, «Дунечка бардошли қиз, кўп нарсаларга чидаб кетаверади», деб. Ўзим ҳам билувдим-а. Мен буни икки ярим йил олдин билиб олганман ва ўшандан бери икки ярим йилдирки, шу ҳақда уйлаганим-уйлаган ва ҳали худди шу нарса, яъни Дунечканинг кўп нарсаларга чидаши мумкинлиги хаёлимдан чиққани йўқ. Жаноб Свидригайловнинг бутун қилғиликларига

чидаган, уларга бардош бериб ичига ютиб кетган бўлса, демакки, ростдан ҳам жуда кўп нарсаларга тоқати етар экан. Мана энди келиб-келиб ойм икковлари жаноб Лужинга ҳам чидаса бўлади, деб хаёл қилишибди, жаноб Лужин бўлса камбағалдан чиққан, эрларини халоскор, деб биладиган хотинларнинг бошқаларга қараганда оилада афзалликлари ҳақидаги доно фикрларини биринчи қўришган кунлариёқ уларга баён қилиб берибди. Майли, «тажрибали, кўпни кўрган одам» бўлса ҳам бу гап билмасдан унинг оғзидан чиқиб кетган дейлик (ундай десак, тажрибали одам бўлгандан кейин бунақа гапни шунчаки оғзидан чиқариб юбормасди, буни атай айтган), лекин Дуня-чи, Дуня? Ахир, унинг қандайлигини кўриб-билиб турибдику, шу кўриб-билиб турган кишиси билан турмуш қуриб яшаши керак-ку. Ахир, синглим бир бурда қаттиқ қора нон билан бир пиёла сувга қаноат қилиб кун кўрса кўрадики, лекин ҳеч қачон қалбини бировга сотмайди, маънавий ҳурлигини ҳеч нарсага, жаноб Лужин у ёқда турсин, бутун бир Шлезвиг Гольштейнга ҳам алишмайди. Йўқ, мен билган Дуня бошқача эди, ва... ҳа, албатта, ҳозир ҳам сира ўзгармаган!.. Нимасини айтасан! Свидригайловларга дош бериш қийин! Бутун умр икки юз сўмга тарбиячи бўлиб у вилоятдан бу вилоятга судралиб юриш қийин, лекин мен шуни яхши биламанки, синглим мулкдорга хизматкор бўлиб ишга кирса кирадики, лекин ҳеч қачон ўзи ҳурмат қилмаган, кўнглига ёқмаган одам билан турмуш қуриб, инсонлик шаъни ва маънавий дунёсини булғамайди, ўз манфаати йўлида абадул-абад бунга йўл қўймайди! Агар жаноб Лужин ёмби тилладан ёки қўйма биллурдан бўлганда ҳам ва, ҳаттоки, ушанда ҳам синглим жаноб Лужинга чўри бўлишга рози бўлмайди! Нега энди бунга кўна қолибди? Нима

бўлди ўзи? Қандай сир-синоат рўй берди? Биламан: ўзини деб, ўзининг тинчи, фаровонлигини кузлаб ва, ҳаттоки, ўзининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини сотмайди, лекин мана бошқа бир одам учун эса сотади! Азиз ва жондан қимматли одам учун сотади! Ҳамма сир-асрор ҳам мана шунда: акаси учун, ойиси учун сотади! Барини сотади! О, бунақа пайтда биз кези келиб қолса ўз маънавиятимиз устига қозон тўнкариб ҳам қўя оламиз; эркимиз, тинчу омонлигимиз ва ҳатто виждонимиз, ҳамма-ҳаммасини чайқов бозорга олиб чиқамиз. Куйиб кетмайдими ҳаммаси! Фақат қалбларимизнинг тўридан ўрин олган кимсалар бахтли бўлсалар бас. Бу ҳам етмагандай, яна ўзимизча ҳар турли гапларни бичиб-тўқиб чиқарамиз, айрим нарсаларни мунофиқлардан ўрганиб оламиз ва вақтинча бўлса ҳам ўзимизни ўзимиз овунтириб юрамиз, шундай қилиш керак эди, яхшилик бўлсин деб ўзимизни ишонтирамиз. Ҳамма гап мана шунда, биз мана шундаймиз, буларнинг бари кундай равшан. Яна шуниси ҳам равшанки, фақат Родион Романович Раскольников бўлса бас, ҳаммаси унинг учун қилинмоқда. Бўлмаса-чи, уни оёққа бостириши, университетда ўқиб юрганида кўмаклашиб туриши, идорасида ўзига шерик қилиб олиши ва умуман унинг бутун келажагини таъминлаши мумкин; балки кейинроқ бориб бой-бадавлат, ҳурмат-эътиборли одам бўлиб кетиши, ҳаттоки машҳур бир зотга айланиб дунёдан ўтиши мумкин! Ойиси-чи? Буни қаранг, бу ёқда қимматли Родя, тўнғич ўғил турганда нима ҳам деб бўларди! Мана шундай тўнғич фарзанд учун жуда бўлмаганда мана шундай қизингни қурбон қилсанг қилибсан-да! О, азиз ва ноҳақ юраклар! Нима бўлибди: биз бунда ҳатто Сонечка бўлишдан ҳам ор қилмаймиз! Сонечка, Сонечка Мармеладова, дунё



тургунча турадиган Сонечка! Бу қурбон, бу қурбон қандайлигини охиригача наҳотки англамадингиз? Наҳот шундай? Қурбингиз етармикин? Фойдаси тегармикин? Ақлга тўғри келармикин? Лужин жаноблари билан баҳам кўриладиган қисмат Сонечканинг қисматидан тузукроқ эмаслигини биласизми, Дунечка? «Ўртада севги-муҳаббат йўқ», – деб ёзибди ойим. Хўш, агарда муҳаббат бўлмаса, яна ҳурмат ҳам бўлмаса ва ҳатто бунинг аксинча нафрат, жирканиш, ҳазар қилиш ҳозирданоқ ниш уриб келаётган бўлса, унда охири бориб нима бўлади?! Кўрдингизми, агарда шундай бўла қолса, унда демак, албатта, «тозаликни сақлашга» тўғри келади. Нима, шундай эмасми? Биласизми, биласизми, биласизмики, бу тозалик нима дегани? Лужиннинг тозалиги Сонечканинг тозалигидан фарқ қилмаслигини ва, ҳатто, баттарроқ ирганчроқ, палидроқ эканлигини биласизми, нега десангиз, Дунечка, сиз ҳар ҳолда анча бут-тўкис бўламан, деб ўйлагансиз, ваҳоланки, Сонечка хусусида гап унча-мунча устида эмас, очликдан ўлмаслик ҳақида бормоқда! «Жуда қимматга, қимматга тушади, Дунечка, ушбу тозалик!» Хўп, кейин кучингиз етмай қолди дейлик, пушаймон бўласизми? Қанча қайғу-алам, гам, қарғиш-надомат, ҳаммадан яшириладиган кўз ёшлари қанча, чунки сиз Марфа Петровна эмассиз-ку? Ойимнинг аҳволи унда нима кечади? Ахир, мана ҳозирданоқ у ич-этини еб ташламоқда, азобда қолган; буларнинг барини ўз кўзлари билан кўргандан кейин нима бўлади? Менга-чи?.. Менга қаранг, бу ўзи мени ким деб ўйлаб юрибсизлар? Сизнинг қурбонлигингиз менга керак эмас, Дунечка, истамайман, ойи! То тирик эканман, бундай бўлмайди, бўлмайди, бўлмайди! Керакмас!» У бирдан сергак тортиб, тўхтаб қолди.

«Булмайди? Хўш, унда булдирмаслик учун қўлингдан нима келади? Тақиқлаб қўясанми? Нима ҳақинг бор? Шундай ҳуқуққа эга бўлиш учун бунинг эвазига ўз навбатида уларга нима қилиб бера оласан? Ўқишни тугатиб иш топганингдан сўнг уларга ўзингнинг бутун ҳаётинг ва келажагингни бағишлайсанми? Бунақа гапларни кўп эшитганмиз, уларнинг ўз фурсати бор, мана ҳозир нима қилиш керак? Ҳозирнинг ўзидаёқ нимадир қилиш керак, тушунасанми буни? Ўзинг ҳозир нима қилиб юрибсан? Уларнинг пулларини шилиб оляпсан. Ахир бу пулларни улар юз сўмлик нафақаларидан, жаноб Свидригайловларга хизмат қилиб бериш эвазига олганлар-ку! Эй, сен бўлажак миллионер, уларнинг тақдирларини ўз қўлингдан тутган Зевес, уларни Свидригайловлардан, Афанасий Иванович Вахрушинлардан қандай қилиб ўз ҳимоянда сақлай оласан? Ўн йилдан кейинми? Э-ҳа, ўн йилдан кейин ойинг рўмол тўқийвериш кўздан айрилади, балки кўз ёшлари уни кўр қилиб қўяр; ўзини емак-ичмакдан тиявериш чўп бўлиб кетади; синглинг-чи? Шу ўн йил ичида ёки ўн йилдан кейин синглинг қай аҳволга тушишини бир кўз ўнгингга келтир-чи, қани? Фаҳмладингми?»

У ўзини шу тахлит ва мана шундай саволлар билан кийнара, ўзини қийнаётганлигидан ҳатто қандайдир лаззат олаётганга ўхшарди. Воқеан, бу саволлар унинг хаёлида эндигина, шу тобда, кутилмаганда туғилаётгани йўқ эди, улар аллақачонлардан бери унга азоб бериб келарди. Шу саволлар туфайли у не замонлардан бери тинчлигини йўқотиб қўйган, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётади. Бу ғам-алам унинг юрагига чўкканига анча замонлар бўлди, у тўплана-тўплана борган сари каттайиб, кейинги пайтларда ҳеч ерга сиғмай тўлиб-тоша бошлаган, бир жойга жамланиб даҳшатли, ёвуз ва

гайри фавқуллода муаммо тусини олган, ақлини, қалбини тинимсиз ўртаб, қандай қилиб бўлмасин, ҳал қилинишини талаб қилмоқда эди. Мана энди ойисидан келган хат унга яшин ургандай таъсир қилди. Эндиликда қайғу-ғамга берилиб утирмасдан, азоб-уқубатлар ичида ўралашиб қолмай, бу муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди, деб гингшиб юрмасдан тўхтовсиз суратда бир дам бўлсин кечиктирмасдан, пайсалга солмай нимадир қилиш керак эди, қанча тез бўлса шунча яхши эди. Қандай бўлмасин, бир қарорга келмоқ лозим, нимадир қилмоқ керак ёки...

«Ёки яшамоқдан буткул воз кечмоқ! – дея қичқириб юборди у бирдан талваса ичида, – бир умр тақдирга тан бериб яшагину ҳаракат қилмоқ, яшамоқ, севмоқ ҳуқуқидан бутунлай воз кеч-да, юрагингдан ҳамма нарсани ўчириб ташла, вассалом!»

«Борадиган бошқа жой қолмади, деган гапнинг мазмунига тушунасизми, аъло ҳазратим, тушунасизми? – бирдан унинг эсига Мармеладовнинг кечаги саволи тушди, зотан, ҳар бир одам боласининг биронта борадиган жойи бўлиши керак...»

У бирдан сесканиб тушди: кеча миясига келган бир фикр яна унинг хаёлидан ғувиллаб ўтди. Лекин у шу фикр миясига келиб қолганлигидан сесканиб кетгани йўқ. Бу фикр миясидан «ғувиллаб» ўтажаги, ўтмай сира иложи йўқлигини у билар эди, у шундай бўлишини олдиндан ҳис қилганди, уни кутганди; ахир бу фикр кечагина туғилгани йўқ. Бироқ ҳамма фарқ шунда эдики, бир ой илгари ва ҳатто кун кеча у фақат хаёл эди, мана энди... энди у бутунлай бошқача бўлиб, хаёлга ўхшамай, алақандай ўзгача, ваҳимали ва буткул нотаниш бир қиёфада ҳузурига келди ва ўзи ҳам буни кутилмаганда англаб етди... Мияси сирқираб, кўз унги қоронғилашди.

У ниманидир қидиргандай бўлиб атрофига аланг-жаланг қаради. Унинг ўтиргиси келиб ўриндиқ ахтармоқдайди; бу пайт у К – бульваридан ўтиб бораётганди. Юз қадамча олдинда ўтирадиган ўриндиқ кўзга ташланди. У шу томонга иложи борича тезроқ етиб олиш учун қадамини илдамлатди; лекин бу орада у кичкина бир саргузаштни бошидан кечирдики, бир қанча дақиқа унинг хаёли фақат шу нарса билан банд бўлди.

У ўтиришга жой қидирар экан, ўзидан йигирма қадамча олдинда бораётган аёлга кўзи тушди, лекин ҳеч нарсага эътибор бермай бораётганлиги учун аввалига бу унинг диққатини ўзига тортгани йўқ. Дарвоқе, у купинча уйга кета туриб, уйга келгандан кейин ўзининг қайси йўлдан юрганлигини айтиб беролмасди, юрган йўлини эслаб қолмасди, бунга у одатланиб ҳам кетганди. Лекин кетиб бораётган хотиннинг бутун равиш-рафторида аллақандай ғалати, дарҳол одамнинг диққатини ўзига тортадиган бир нарса бор эдики, у аввалига истар-истамас ва, ҳаттоки, унга ғаши келиб кўз ташлай бошлади, кейин у борган сари диққатини ўзига қаттиқроқ тортаверди. Шунда бирдан бу хотиннинг нимаси унга ғалати туйилаётганлигини англагиси келиб кетди. Аввало, қиз, афтидан, жуда ҳам ёш кўринар, кун қизигида бош яланг, соябонсиз, яланғоч қўлларини аллақандай кулгили тарзда ликиллашиб борарди. Унинг эғнида юпқа матодан тикилган ипак кўйлак бўлиб, кўйлакнинг ўзи ҳам ғалатиноқ қилиб кийиб олинган, тугмалари қадалиб қадалмаган ва бел қисмида худди юбканинг устида йиртиқ жойи бор эди; йиртилган мато осилганича липиллаб турарди. Унинг очик бўйнига кичкинагина рўмолча ташланган, лекин у ён томонга қийшайиб кетган эди. Бунинг устига қиз алпонг-талпонг қадам ташлаб, қоқилиб-суқилиб

гандираклаб борарди. Мана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб Раскольниковнинг бутун диққат-этиборини алоҳал ўзига жалб қилди. У ўриндиққа етганда қизча билан бараварлашди, лекин ўриндиққа етиб олиши билан қиз унинг бир чеккасига ўзини ташлади, ўриндиқнинг суянчигига бошини ташлаб кўзларини юмди, афтидан, у ғоятдан ҳолдан тойган эди. Раскольников унга зингил солиб қаради, қиз ғирт маст эди. Унга қараб туриб одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қоларди. Раскольников ҳатто бу ўнгимми, тушимми, деб ажабланди ҳам. Унинг кўз ўнгида турган қизча жуда ҳам ёш эди, унинг чеҳрасига қараб ўн олти ва ҳаттоки, ўн бешларда деб тахмин қилиш мумкин эди, қизчанинг юзлари кичкина, оппоққина, чиройликкина, қип-қизил бўлиб бўртиб кетган, худди шишганга ўхшарди. Афтидан, қизнинг ҳуши ўзида эмасди; у оёқларини чалкаштириб тарвақайлаб ўтириб олган, кўринишдан ўзининг кўчада эканлигига ақли етмасди...

Раскольников ўтирмади, кетгиси ҳам келмади, нима қилишини билмай туриб қолди. Бу хиёбон ўзи доим ҳувиллаб турар, мана бу иссиқда эса умуман одам зоти кўринмасди. Бироқ шу аснода ўн беш қадамлар нарида бир жаноб ҳам тўхтади, унинг бутун сиёқидан аллақандай бир мақсад билан қизнинг олдига келмоқчи бўлаётганлиги кўриниб турарди. У ҳам қизчани узоқдан кўриб қолиб таъқиб қилиб келаётганга ўхшарди, лекин унга Раскольников халақит берганди. У Раскольниковга еб юборгудай бўлиб олайиб қарар, айна чоғда, буни унга сиздириб қўймасликка уринар ва бу жулдурвоқи қачон кетаркин, деб кутарди. Ҳаммаси тушунарли эди. Бу жаноб ўттизларга кирган, туладан келган, семиз, икки юзи қип-қизил, лаблари дурдайган, мўйлов қўйган, жуда башанг ки-

йинган эди. Раскольниковнинг жуда жаҳли чиқиб кетди; қандай қилиб бўлмасин, бу олифтани бир ҳақорат қилгиси келиб қолди шу тобда. У бир нафасга қизни ташлаб, жанобнинг олдига борди.

– Ҳей, Свидригайлов! Сизга нима керак бу ерда? – дея қичқирди у қўлларини мушт қилиб туғиб, оғзи кўпириб заҳарханда ичида тиржайганча.

– Нима гап ўзи? – деди кўрслик билан жаноб қовоғини уйиб, унга менсимасдан ҳайрон бўлиб қараб.

– Йўқолинг бу ердан!

– Нима дединг, аблаҳ!..

Жаноб қўлидаги таёқчасини уришга кўтарди. Раскольников бу бақувват жаноб унга ўхшаганлардан иккитасини бемалол калтаклаши мумкинлигига ҳам эътибор бермай мушт кўтариб унга ташланди. Лекин шу дақиқада уни кимдир орқасидан маҳкам қучоқлаб олди, уларнинг ўртасига миршаб тушди.

– Қўйинглар, жаноблар, жамоат жойда уришманглар. Сиз нима қилиб юрибсиз? Ўзингиз ким бўласиз? – жиддий қилиб сўради у Раскольниковдан унинг жулдур уст-бошига назар ташлар экан.

Раскольников миршабга разм солиб қаради. Унинг юзидан фаҳм-фаросатли, шоввоз зобит эканлиги кўриниб турар, мўйловлари ва чакка узун сочлари оқариб кетган эди.

– Менга худди мана сиз ўзингиз кераксиз, – қичқирди Раскольников унинг қўлларига ёпишиб. – Мен собиқ талаба Раскольниковман... Буни сиз ҳам билиб қўйсангиз бўлаверади, – деди у олифта жанобга қарата, – сиз эса мен билан юринг, мен сизга бир нарсани кўрсатаман...

Шундан кейин у миршабнинг қўлидан ушлаб олганча уни ўриндиқ томонга бошлаб кетди.

– Мановини қаранг, ғирт маст, ҳозиргина хиёбондан юриб келди; кимлигини Худо билади, лекин, афтидан, касби унақалардан эмасга ўхшайди. Гапнинг очиги, уни бирон ерда ичириб йўлдан уришган шекилли... биринчи марта... билдингизми? Кейин шу ҳолича кўчага чиқариб юборишган. Қаранг, кўйлақларининг йиртилиб ётишини, қандай қилиб кийиб олганини ҳам кўринг: буни ўзи кийган эмас, уни кийинтириб қўйишган, кийинтирганда ҳам уқувсизлик билан эркак одам кийинтирган. Кўриниб турибди. Ана энди мана бу ёққа қаранг: манови сўлақмон билан ҳозир уришмоқчи бўлиб турувдим, уни танимайман, биринчи марта кўриб туришим; лекин у ҳам бунинг маст эканлигини кўриб йўл-йўлакай илинтирмоқчи бўлиб турибди, бунинг аҳволидан фойдаланиб қолмоқчи – уни бирон ерга олиб бормоқчи... Бу турган гап; гапимга ишонинг, рост айтяпман. Мен у кўзлари аланг-жаланг бўлиб қизни таъқиб қилиб келганлигини ўзим кўрдим, фақат унга мен халақит бериб қолдим, у ҳалигача мени қачон кетаркин, деб пойлаб турибди. Ана қаранг, сал нарига кетди, ўзича гўё папирос ўраб чекмоқчи бўлиб турибди... Қизни ундан қутқаришнинг иложи бормикин-а? Қандай қилиб уни уйига жўнатиб юборсак бўларкин, а? Ўзингиз айтинг-чи!

Миршаб ҳаммасига дарҳол тушунди-да, ўйлаб қолди. Семиз жанобнинг нияти равшан, лекин қизчани нима қилиш керак? Миршаб қизни яхшироқ кўриш учун унга энгашиб қаради ва унинг башарасида самимий бир ачиниш ифодаси пайдо бўлди.

– Оҳ, шўрликкина-я! – деди у бошини чайқаб, – ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак эканку, а. Алдаб кетишибди бечорани. Менга қаранг, ойимқиз, – дея қизчани чақира бошлади у. – Уйингиз қаерда?

Қиз ҳорғин сузилган кузларини очди, уларга ҳеч нарсани англамай қараб қўйди-да, қўлини силтади.

– Менга қаранг, – деди Раскольников, – мана (у чунтагини кавлаштириб йигирма тийин чиқарди; тийин бўлса ҳам топилганини қаранг) мана пул, извош олиб, уни уйига элтиб қўйинг. Фақат уйи қаердалигини билганимизда эди!

– Ойимқиз, ҳой, ойимқиз? – чақира бошлади яна миршаб пулни олгач, – мен ҳозир извош олиб келиб сизни ўзим олиб бориб қўяман. Қаерга олиб борай? А? Уйингиз қаерда?

– Қоч-ей!.. Тинч қўйишмайди!.. – фингшиди қизча ва яна қўлини силтади.

– Яхшимас, ойимқиз, яхшимас! Уят эмасми ахир, шармандалик-ку бу! – Миршаб унга дашном бериб, жаҳли чиққан ҳолда афсус-надомат билан бош чайқади. – Буни қаранг-а! – деди у Раскольниковга қарата ва шу заҳоти унга яна бошдан-оёқ зингил солиб чиқди.

Рости, Раскольников ҳам унга ғалати одам бўлиб кўринган бўлса керак: эгни-боши уводаю, чунтагидан пул чиқаради-я!

– Сиз бу кишини қаердан топиб олдингиз? – сўради миршаб.

– Сизга айтяпманку: хиёбонда менинг олдимда келаётган эди деб. Уриндиққа етиб келиб, ўзини ташлади.

– Оҳ, дунё қандай бўлиб кетяпти ўзи, ҳеч шарму ҳаё қолмади-я, э Худо! Она сути оғзидан кетмай туриб ўтиришини қаранг маст бўлиб! Ҳақ гап, алдашган! Ана, қўйлаклари ҳам йиртилиб ётибди-ку... Замон қандай бузилиб кетди-я!.. Туппа-тузук оиладанга ўхшайди тағин, лекин камбағаллардан бўлса керак... камбағалдан бунақалар кўп чиқяпти ҳозир. Афти башараси жудаям нозик, худди



ойимқизларнинг ўзи-я, – у шундай дея яна қизга энгашиб қаради.

Эҳтимол, унинг ҳам худди мана шунақа «нозик, худди ойимқизларга ўхшайдиган», яхши тарбия кўрган оилаларнинг фарзандларига ўхшаб қилиқ қиладиган, янги замоннинг одатларини ўзлаштиришга уринган қизчалари бўлса ажаб эмас...

– Ишқилиб, – ҳамон безовталанарди Раскольников, – манови ярамаснинг қўлига тушмаса бўлгани! Қаранг, ўлармон бўлиб туришини! Башарасидан кўриниб турибди нима қилмоқчилиги! Қаранг ифлосни, кетмайди!

Раскольников овозини баланд қилиб гапирар экан, ўша олифтани қўли билан кўрсатар эди. У одам Раскольниковнинг гапини эшитди ва яна дўқ-пўписа қилиб келмоқчи бўлдию, лекин нимагадир ўйланиб қолди-да, унга нафрат билан қараб қўйди, холос. Сўнгра ўн қадамча нари юриб кетди-да, яна тўхтади.

– Унинг қўлига-ку, тутқазиб қўймасмиз-а, – дер эди зобит ўйчанлик билан. – Лекин мана ўзлари айтсалар эди қаерга олиб бориб қўйишимизни, бўлмаса... Ойимқиз, ҳой, ойимқиз! – дея яна энгашди у.

Қиз бирдан кўзларини тўла очиб разм солиб қаради, худди ниманидир англаб етган каби ўрнидан турди-да, боя келган томонига қараб юра бошлади.

– Уф, уятсизлар-ей, қўйишмайди! – деди у яна қўлини силкиб. У қадамларини тезлатди, лекин ҳамон гандираклар эди. Олифта хиёбоннинг бошқа томонига ўтиб, унинг кетидан кетди. У қиздан кўзларини узмасди.

– Хотиржам бўлинг, унга бермайман, – деди қатъият билан мўйлов ва уларнинг ортидан жўнади.

– Эҳ, одамлар бузилиб кетди! – дея такрорлади у овозини чиқариб ва хурсиниб қўйди.

Шу он Раскольниковни нимадир чаққандай бўлди; бир зумда у бутунлай бошқача одам бўлди-қўйди.

– Менга қаранг, ҳей! – дея қичқирди у мўйловнинг ортидан.

Мўйлов орқасига ўгирилиб қаради.

– Қўяверинг! Сизга нима? Бас! Майли, бир хумордан чиқсин (у олифтани қўли билан кўрсатди). Сизга нима?

Миршаб нима гаплигини тушунмасдан анграйиб қараб қолди. Раскольников кулиб юборди, Миршаб бўлса:

– Қўйинг-э! – дея қўлини силтаб, олифта билан қизнинг ортидан кетди, у Раскольниковни телба бўлиб қолган ёки ундан ҳам баттарроқ одам, деб ўйлади чамаси.

«Тангани уриб кетди, – аччиғи чиқиб гўлдиради Раскольников ёлғиз ўзи қолгач. – Энди ановиндан ҳам ундирсин-да, кейин қизни у билан жунатиб юборсин, вассалом... Нега энди бировнинг ишига бурнимни тиқиб юрибман ўзи? Ўзим нима аҳволдаману? Нима ҳақим бор менинг ёрдам беришга? Менга деса бир-бирларини тириклай фажиб ташлашмайдими, менга нима? Йигирма тийинни бериб юборганимни қара-я. Ўзимнинг пулим бўлса ҳам майлиди».

Шу ғалати сўзларга қарамасдан Раскольников ўзини жуда ёмон ҳис қилди. У бушаб қолган уриндиққа бориб ўтирди. Унинг фикри чувалашиб кетганди... Умуман, шу тобда миясига ҳеч нарса сифмасди. У буткул ҳаммасини унутишни, ҳаммасини калласидан чиқариб ташлашни истар, кейин уйфонсаму барини қайтадан бошласам дерди...

– Шўрлик қизча! – деди у уриндиқнинг бўшаб қолган ерига қараб, – ҳушига келгандан кейин

йиғлаб-сиқтайди, кейин ойиси билади... Олдин роса калтаклайди, қақшатиб уради, кейин балки шарманда қилиб кучага ҳайдайди... Ҳайдамаган тақдирда ҳам Дарья Францовнага ухшаганлар дарагини эшитиб қўлга киритишади, ана ундан кейин қизгина шўрликнинг қўлма-қўл бўлишини кўринг... Кейин касалхона (купинча жуда ҳам ҳалол оналарнинг қўлларида тарбия кўриб, улардан бекитиқча ўйинқароқлик қиладиган қизчалар шу аҳволга тушишади), кейин-чи... кейин яна касалхона... ичкилик... қовоқхоналар... ва яна касалхона... икки-уч йил ўтар-ўтмас, қарабсизки, тирик нотавон, майиб-мажруҳ бўлиб қолибди, ёшини суриштирсангиз ун туққиз ёки ун саккиздан ошмаган ҳали... Нима, энди кўрибманми бунақасини? Улар қандай қилиб шу кўйга тушиб қолишяпти? Мана шу қизчага ўхшаб эмасми ахир... Туф-эй! Баттар бўлсин! Ўзи шундай бўлиши керак, дейишади... Ҳар йили маълум бир қисми... бир ёққа... ажинанинг кўйнига бўлса керак-да, бошқаларнинг дардига эм бўлиш учун ва уларга халал бермаслик учун боришлари керак. Бир қисми! Тавба, топган сўзларини қаранг-а: беозоргина, фанний сўз. Бир қисми дейилдими, тамом, бунинг ташвишини чекиб ўтирма-са ҳам бўлади. Агарда бошқа бир сўз бўлганда борми, унда... балки бир оз бесаранжом бўлишга тўғри келармиди. Дунечка ҳам бир кун эмас, бир кун шу бир қисмнинг ичига кириб кетса-я!.. Бунисига бўлмаган тақдирда, балки унисига?..»

«Ўзи қаерга кетяпман? – дея ўйлаб қолди у бирдан. – Қизиқ. Қаергадир кетаётган эдимку. Хатни ўқиб бўлган замоним йўлга тушувдим... Ҳа, Васильев оролига, Разумихиннинг олдига кетаётган эдим, ҳа, худди ўзи, мана энди... эсимга тушди. Дарвоқе, нимага бораётган эдим? Нега худди шу

бугун Разумихиннинг олдига бориш калламга келиб қолди? Тоза қизиқ бўлдику».

У ўзидан-ўзи таажжубланди. У Разумихин билан университетда бирга ўқиган эди. Қизиғи шундаки, Раскольников университетда ўқиб юрган кезлари ҳеч ким билан дўст-ўртоқ тутинмаган, ҳаммадан ўзини олиб қочиб юрар, ҳеч кимникига бормас, ўзини ҳам биров йўқлаб келиб қолса унчалар рўйхуш бермасди. Воқеан, кўп ўтмай унинг ўзидан ҳам юз ўтириб кетишди. У на бир йиғинларда, на баҳс-мубоҳасаларда, на ўйин-кулгида, умуман, ҳеч бир нарсада иштирок этмасди. У дарслари устида жуда қаттиқ ўтирар, ўзини сира аямас, шунинг учун ҳам унга ҳурмат билан қарашар, лекин ҳеч ким ўртоқчилик қилгиси келмасди. У жуда камбағал ва аллақандай кибри, мағрур ҳамда одамови эди: худди одамлардан алланимани яшириб юрганга ўхшарди. Баъзи дўстлари у бизни ёш болачалик ҳам кўрмайдди, баланддан келади, менсимайди, гўё ҳаммамиздан илму эътиқодда ўзиб кетгандай қарашларимиз ва интилишларимизга паст назар билан қарайди, деган хаёлга ҳам борардилар.

Разумихин билан эса у нима учундир ўзини яқин олар, яқин олардигина эмас, у билан чиқишиб гаплашар, сирлашар эди. Дарвоқе, Разумихин билан бундан бошқача муносабатда бўлишни умуман тасаввур қилиб бўлмасди. Разумихин бағоят қувноқ ва одамга тез эл бўлиб кетадиган, соддадил, кўнгли очиқ йигит эди. Дарвоқе, у соддадил бўлиб кўринса-да, лекин бунинг тагида теранлик ва ўз иззатини билиш яшириниб ётар эди. Унинг энг яхши дўстлари буни сезишарди, ҳаммалари уни яхши кўришарди. У анчагина тийрак, лекин шу билан бирга баъзан ғоятда содда бўлиб кўринарди. У кўзга яққол ташланиб турадиган одамлар сира-сидан бўлиб, қоматдор, чайир, доимо юзини чала

қириб юрар, сочлари қора эди. Баъзан галва-туполон қилиб қолар, одамлар уни жуда бақувват, деб айтишар ди. Бир куни кечаси улфатлари ўртасида давангирдек келадиган бир миршабни бир зарб билан сулайтириб қўйганди. Ичганда у жуда кўп ича олар, аммо ичмаса ичмай ҳам кетаверар эди; баъзан шўхлиги, туполончилиги тутганда ҳаддан ошиб кетар, аммо тек юрари келганда ундан мулойимроқ одам топилмасди. Разумихиннинг яна бир ажойиб томони шунда эдики, у ҳеч қандай офирчиликлардан чўчиб ўтирмас ва ҳар қандай қийин вазиятда ҳам эсанкирамас, букилиб, ер тишлаб қолмасди. У уйи бўлмаса, томда ҳам ётиб кетаверар, даҳшатли очлик ва чидаб бўлмас совуқларга ҳам дош бериб кета оларди. У бутунлай йўқчилик ичида яшар, фақат ўз кучи, ўз меҳнати ҳисобига кун кечирарди. У ўз қўл кучи билан пул топишнинг минг турли йўллари биларди. Бир йили қишда у хонасига ўт ёқмади. Менга шуни-си ҳам тузук, нега десангиз, совуқда одам яхши ухлайди, деб айтганди. Шу кунларда у ҳам вақтинча университетга қатнамай қўйган, лекин бор кучи билан: аҳволини яхшилашга уринар, ўқишни давом эттириш учун маблағ ахтарар эди. Раскольников уникига бормаганига тўрт ойча бўлиб қолган. Разумихин эса дўстининг хонадони қаердалигини ҳам билмасди. Икки ойча илгари бир куни улар кўчада дуч келиб қолишган, лекин Раскольников ўртоғининг кўзига кўринмаслик учун тескари қараб кўчанинг нариги томонига ўтиб кетганди. Разумихин эса уни кўрган бўлса ҳам, лекин ошнасини безовта қилиб ўтирмаганди.

«Ростдан ҳам мен яқинда Разумихиндан ўзимга иш топиб беришини сўрамоқчи эдим, дарс олиб берса, девдим, бўлмаса бошқа бирон иш... – дея ўйларди Раскольников, – лекин энди у менга қандай ёрдам бериши мумкин? Борингки, дарс олиб берсин, дейлик, борингки, чўнтагини қоқиштириб чойчақага озроқ пул бериб турди, дейлик, мабодо пули бўлса ўшандаям, кейин этик сотиб олиш мумкин бўлар, дарс бергани борадиган бўлсам, кийимларимни ҳам тузатиб олган бўлардим... ҳам... Хўп, ундан кейин-чи? Бу чақа-чуқа билан нима қилиб бўлади? Менга ҳозир шу керакми? Қизиқ, нега ўзи мен Разумихиннинг олдига кетаётибман, бу кулгили-ку...»

Мен нега Разумихиннинг олдига кетаётибман, деган масала уни ўзи ўйлагандан кўра ҳам кўпроқ ташвишга солмоқдайди; у оддий бўлиб кўринган шу нарсадан ўзи учун ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аллақандай машъум бир маъно изламоқда эди.

«Нима бўлди ўзи? Наҳотки мен Разумихиннинг олдига борсам, ҳамма ишим яхши бўлиб кетади, Разумихин барча дардларимга чора топиб беради, деб ўйлаган бўлсам?» – дея ўзига ўзи савол берарди у ҳайрон бўлиб.

У хаёл суриб, пешонасини ишқаларкан, кутилмаганда деярли узоқ ўй сургандан сўнг ўзидан-ўзи унинг миясига ғалати бир фикр келди.

«Ҳм... Разумихиннинг олдига, – деди у секин худди бутунлай бир қарорга келган одамдай хотиржамлик билан, – Разумихиннинг олдига боришим тайин, ҳа, албатта... лекин ҳозир эмас... Мен унинг олдига... ўша ишнинг эртасига бораман, ўша иш бутунлай бартараф бўлгандан сўнг, бутун ишлар бошқача бўлиб кетгач, бораман...»

У бирдан сергак тортди.

«Ўша ишдан кейин, – қичқириб юборди у ўриндикдан сакраб туриб кетар экан, – наҳот ўша иш амалга ошса? Ростдан ҳам шундай бўлармикин?»

У ўриндиқни ташлаб тез-тез шитоб билан юриб кетди; у уйга қайтмоқчи ҳам бўлди, лекин бу фикридан қайтди, сира ҳам уйга боргиси келмай қолди: бу ўша иш ҳақидаги фикр уша ерда, даҳшатли каталакда туғилиб мана бир ойдан ошибдики, унинг бутун тинчлигини ўғирлаб азоб беради, шунинг учун ҳам у уйга бормай бош оққан томонга қараб йўл олди.

Унинг асаблари қақшаб иситма тутгандай қалтирай бошлади; эти увишиб оғриди; кун шунчалар иссиқ бўлишига қарамасдан у совқота бошлади. Аллақандай ички табиий зарурат юзасидан бўлса керак, ғайришуурий тарзда ўзини зўрлаб бўлса ҳам йўлда дуч келган нарсаларга тикилиб қарай бошлади, у худди офир хаёллардан ўзини чалғитмоқчига ўхшарди, лекин бунга муяссар бўла билмас, ҳадеса хаёли қочиб узоқларга кетиб қоларди. Кейин сесканиб бошини кўтариб атрофга қарар экан, ўша замоноқ ҳозир нимани ўйлаб келаётганлиги ва ҳатто қайси йўлдан юриб келганлигини унутиб қўярди. Мана шу аҳволда у бутун Васильев оролидан ўтди, Кичик Невага чикди, кўприкдан ўтиб ороллар томонга қараб йўл олди. Шаҳарнинг чанг-тўзонларига, оҳаклар ҳамда баҳайбат, одамни сиқиб, исканжага оладиган уйларига ўрганиб қолган унинг кўзларига тиниқ кўкаламзорлар ором бағишлади. Бу ерларда кўкракни тўлдириб эркин нафас олса бўлар, бунда бадбўй ҳидлар анқимас, қовоқхоналар кўринмасди. Лекин кўп ўтмасдан бу ором ҳисси йўқолди, унинг юрагини яна ғашлик ва яна тажанглик эгаллаб олди. Гоҳо у кўкаламзорлар қучоғидаги чорбоғларга тикилиб қолар, боғ

панжараларига кўз югуртирарди, олисларда эса у айвонларда ясан-тусан қилиб олган аёлларни, боғчаларда уйнаб юрган бола-бақрани кўриб томоша қиларди. Айниқса у гулларга узоқ қараб тикилиб турарди; гуллар унда бошқача бир қизиқиш уйғотарди. Йўлда борар экан, унга башанг извошлар, суворилар ва суворалар учраб турарди; уларга қизиқсиниб тикилганча то ўтиб кетгунларича кўзлари билан таъқиб қилиб қолар ва ҳали кўздан йўқолиб улгурмасларидан уларни эсдан чиқарарди. Йўл-йўлакай у тўхтаб чўнтагида қолган тангаларини санаб олди; бор-йўғи ўттиз тийинча пули қолибди. «Бир танга миршабга, хатни олиб қолгани учун Настасьяга уч тийин... – демакки, кеча Мармеладовларга қирқ етти тийин ё ярим сўм берибман», – дея нима учундир ҳисоблай бошлади у, лекин кўп ўтмай тангаларини чўнтагидан нима сабабдан олганлигини ҳам унутди. У емакхонага ўхшаш бир уй олдидан ўтиб кета турибгина қўлида тангаларини ушлаб турганлигини эслади ва қорни очқаганини ҳис қилди. У емакхонага кириб бир қадаҳда ароқ ичди ва устига алланимадир солинган пирог еди. Пирогни у яна йўлга тушганда еб тугатди. У ароқ ичмаганига анча бўлганди, шунинг учун ҳам бир қадаҳгина ичганлигига қарамасдан дарҳол миясига таъсир қилди. Оёқлари бирдан ўз-ўзидан оғирлашиб кетгандай бўлиб, уни қаттиқ уйқу боса бошлади. У уйга йўл олди; лекин Петров оролига етгандан сўнг бутунлай беҳол бўлиб туриб қолди, йўлдан четга чиқиб, бутазор ичига кирди-да, ўзини майсалар устига ташлади ва шу заҳоти уйқуга кетди.

Киши бесару сомон бўлиб эзилиб юрган чоғларда унинг кўрадиган тушлари ҳам кўпинча беҳад қаварган, тиниқлашган ва худди ўнгида кўрганга ўхшаган бўлади. Гоҳида одамнинг тушда кўрган



нарсалари фавқулодда жуда даҳшатли бўлиб ту-йилади, лекин тушдаги муҳит ва кечаётган жараёнлар шу қадар ишонса бўладиган, умумий манзарага мос, уни бадий жихатдан тўлдирадиган нозик тафсилотларга эга бўладики, уларни ўнгида шу туш кўрган одамнинг ўзи ҳам, у боринги, Пушкин ёки Тургенев сингари санъаткор бўлган чоғида ҳам тўқиб чиқара билмасди. Шундай тушлар, силварам тушлар жуда узоқ вақтлар эсда қолади ва жисми урён ўзи бир ҳоли сар бўлиб юрган одамга жуда қаттиқ таъсир қилади.

Раскольников кўрқинчли туш кўрди. У болалик пайтларини: ўзи туғилган шаҳарчани туш кўрди. У етти ёшлик бола эмишу байрам куни отаси билан кечқурун шаҳар чеккасида сайр қилиб юришган эмиш. Нурсизгина одми, ҳавоси дим бир кун экан, у жойлар болалигида қандай хотирасида қолган бўлса шундайича тушига кирибди: у ерларни у ўнгида худди тушида кўрганчалик аниқ эслолмайди. Шаҳарча худди кафтда тургандай кўзга ташланади, атрофда бир тиккайган бута йўқ; аллақаерларда жуда узоқда осмон ерга тушган ерда ўрмон қорайиб кўринади. Шаҳар чеккасига чиқаверишдаги охирги томорқадан бир неча қадам нарида жуда ҳам каттакон қовоқхона бор, бу қовоқхона олдидан отаси билан сайр қилиб ўтган кезларида у доимо юрагини аллақандай ёмон сиқиб, дилида кўрқинч бир ваҳима уйғотар эди. Қачон қараманг, у ерда одамлар тўдалашиб ётишар, бақирган-чақирган, хахолаган, сўкинган овозлар эшитилиб турар, хунукдан-хунук овоз билан хирқираб, томоқлари йиртилгунча ашула айтишар, ит-мушук бўлиб уришганлари уришган эди, қовоқхона теварагида доимо маст-аласт бад-башара кишилар изғиб юришарди... Уларга рупара келиб қолишганларида у отасига жон ҳолатда

ёпишиб олар, қалт-қалт қилиб титрагани титраган эди. Қовоқхонанинг олдидан йўл ўтади, дала йўли, у доим чангиб тупроғи чиқиб ётади, тупроқнинг ўзи ҳам қоп-қора. Йўл буралиб-буралиб бориб, нарироқда уч юз қадамча ичкарироқда ўнг томондан шаҳар қабристонини айланиб ўтади. Мозорнинг ўртасида кўк гумбазли тош черков бўлиб, бу черковга бир йили икки маротаба отаси ва онаси билан бирга борган, ўшанда ўзи ҳеч қачон кўрмаган, ўлганига анча бўлиб кетган бувисининг мотам маросимлари бўлиб ўтганди. Улар бу маросимга ширгуруч пишириб, ширгуручнинг устига майиз ботириб бут тасвири туширишган ва уни оқ лаган, оқ дастурхонга солишиб олиб боришган эди. У мана шу черковни ва унинг ичидаги қадимий, кўнчилиги ромга солинмаган диний суратларни ва калласи лиқирлаб турадиган қари руҳонийни яхши кўрар эди. Бувисининг устига тош ётқизилган мазори ёнида олти ойлик чоғида ўлган кичкина укасининг қабрчаси тиккайганди; у укасини эсламас, унинг қандай бўлганлигини билмас эди: лекин унга сенинг уканг бор эди, деб айтишган ва у ҳар сафар мазорга келган пайтларида қабрча устида ихлос билан тиз чўқар, ихлос билан чўқинар ва ўпиб кўяр эди. Шундай десангиз, туш кўрибди эмиш: отаси билан мазорга олиб борадиган йўлдан кетишяпти, қовоқхонанинг ёнгинасидан ўтишди; у отасининг қўлидан ушлаб олган, қовоқхонага кўрқа-писа қараб кўяди. Унинг назарида бугун ҳамма нарса одатдагидан бошқачароқ бўлиб кўринади: худди одамлар сайилга чиқишганга ўхшайди: ясан-тусан қилиб олган шаҳарлик ойимчалар, деҳқон хотинлар ва уларнинг эрлари, ҳар турли қаланғи-қасанғилар тўда-тўда бўлиб юришибди. Ҳамма маст, ҳамманинг оғзида ашула, қовоқхона эшиги олдида эса бир арава турибди,

арава бўлганда ҳам жуда ғалатиси. Арава катта от қўшиладиган, ҳар хил товарлар ва вино бочкалари ташиладиган арава. У доимо шундай араваларга қўшилган йирик ёллари узун-узун, оёқлари йўғон, бир маромда кучанмай юриб борадиган, тоғ-тоғ юк ташийдиган ва бу юкни кўрдим, демайдиган, худди юксиз юрганидан юк билан юргани минг карра енгилдай қадам ташлайдиган отларни яхши кўрарди. Лекин ҳозир, қизиқ, мана шунақа катта-кон аравага деҳқоннинг кичкина, ориқ қирчанғи саман оти қўшилганди, бунақа отлар – у буни кўп кўрган – устига баланд қилиб ортилган ўтин ёки хашакни тортолмай ва, айниқса, филдирак балчиққа ботиб ёки ўйилиб кетган изга тиқилиб қолган чоғларда ўлар-тириларига қарамай кучаниб ётадилар, бунақа пайтларда извошчилар отларни шунчалар ёмон, шунчалар ёмон қамчилайдиларки, баъзан ҳатто қоқ тумшуғига ёки кўзларига қараб урадилар, унинг эса бундан юраги эзилиб, отларга шунчалар раҳми келиб кетадики, йиғламоқдан бери бўлади. Шунда ойиси келиб уни доимо дераза олдидан нарига олиб кетади. Лекин мана бирдан шовқин-сурон зўрайиб кетди: қовоқхонадан қизил ва кўк кўйлақлар кийиб олган, чакмонларини елкаларига ташлаган баҳайбат хизматчилар маст-аласт бўлиб бор овозлари билан бақиритиб-чақиритиб, ашулани ванг қўйитиб, балалайкаларини тиринглатитиб чиқиб келишади. «Ўтир, ҳамманг ўтирларинг! – деб қичқиради бўйни йўғон гўштор, афти худди қизил сабзидек қизариб кетган йигит, – ҳаммангни олиб бориб қўяман, ўтирларинг!» Лекин унга жавобан шу заҳотиёқ хахолаган, қичқирган овозлар эшитилади:

- Қирчанғинг ўлай деб турибдику!
- Ҳей, Миколка, нима, ақлингни еб қўйдингми, аравага қўшган байталмонингни қара-я!

– Бу самани қурғурнинг ёши ҳам йигирмадан ошган бўлса керак, а, биродарлар!

– Ўтирларинг, ҳаммангни олиб бориб қўяман! – деб қичқиради яна Миколка ўзи биринчи бўлиб аравага сакраб чиқиб, тизгинни қўлига олганича қаддини араванинг олди томонида ростлаб тураркан. – Тўриқни Матвей миниб кетган эди, – дея қичқиради у аравадан туриб, – бу бия, биродарлар, жонимни ҳиқилдоғимга келтирди, бўладиган бўлса ўлиб қўя қолмайди, бекорга боқимонда бўлиб ётибди. Ўтиринглар, деяпман! Чоптириб кетаман! Чопиб кетади! – Шундай деб у саманни уриб хумордан чиқиш учун қўлига қамчини олади.

– Нима бўпти, ўтирларинг ҳой! – хахолашади атрофда йиғилганлар. – Эшитяпсизларми, чоптириб кетармиш!

– Э, буни чопмаганига ҳойнаҳой ўн йилдан ошгандир.

– Диконглаб кетади!

– Бўшашманглар, биродарлар, ҳамманг қўлларингга қамчи олинглар!

– Бу бошқа гап! Урларинг!

Ҳаммалари хахолашиб, бир-бирлари билан ҳазиллашганча Миколканинг аравасига чиқишди. Олтитача одам чиқиб олгандан кейин аравада яна одам сиғадиган жой қолади. Семиз, икки юзи қип-қизил бир хотинни аравага тортиб олишади. Хотин қизил матодан тикилган қўйлак кийган, мунчоқ тақилган йилтироқ рўмол ўраган, оёғида эса аёллар киядиган каштали кавуш, ёнғоқ чақиб, ҳиринглагани-ҳиринглаган. Йиғилган тумонат одамларнинг бари ҳам кулишади, ростдан ҳам нега энди кулмаслик керак экан: ўзи ётоқчилаб қийтонглаб турган байтал бўлса, яна қандай қилиб шунча офир юкни чоптириб олиб кетар экан! Аравага чиқиб олган иккита йигит Микол-

кага ёрдам бериш учун қўлларига қамчи олишди. «Чу!» деган хитоб эшитилди, қирчанғи бор кучи билан аравани тортиб уни базур ўрнидан қўзғатади, чоптириб кетиш у ёқда турсин, оёқларини зурга қўтариб босади, қамчиларнинг зарбидан хирқираб, тиззалари букилиб-букилиб кетади, уч кишининг қўлидаги қамчин эса бошига дўлдай ёғилиб туради. Атрофда томоша қилиб турган одамлар ва аравадагилар ўртасида кулги авжига минади, бироқ Миколка борган сари жаҳлга миниб байтални ғазаб билан савалай бошлайди, чиндан ҳам от учириб олиб кетади, деб ўйлайди шекилли.

– Қани, мени ҳам чиқаринглар, оғайнилар! – деб қичқиради томошабинлар орасида турган ширакайф бир йигит.

– Ўтир! Ҳамманг ўтирларинг! – қичқиради Миколка, – ҳаммани олиб бориб қўяди. Ўлдираман! – дейдию, тиним билмай қамчи ёғдиради, офзидан кўпик сочиб ургани бошқа бирон бақувватроқ нарса излайди.

– Дада, дадажон, – қичқариб ёпишади бола дасига, – дада, нима қилишяпти улар ўзи! Дадажон, отни ўлдириб қўйишади!

– Юр, юр, кетдик! – дейди отаси, – маст бўлиб қолишибди, қутуришибди, жиннилар: юр, қарама уларга! – шундай деб отаси уни нари олиб кетмоқчи бўлади, лекин бола унинг қўлидан юлқиниб чиқади ва нима қилаётганлигини ўзи ҳам билмай отга қараб чопади. Лекин шўрлик отнинг ҳоли танг бўлиб қолган. У бўғилиб хириллайди, тўхтаб қолади, яна тортади, йиқилай-йиқилай деб мункиб кетади.

– Уринглар, ўлдириглар! – қичқиради Миколка, – аяманглар. Ўлдираман!

– Ҳой, Худо беҳабар, инсоф борми сенда ўзи! – қичқиради одамлар орасидан бир чол.

– Жониворнинг эти бориб устухонига ёпишган экан, қандай тортсин, – ўртага тушади бошқа бири.

– Мунча қийнайсан! – деб қичқирди учинчиси.

– Учир овозингни! Мол меники! Нима қилсам шуни қиламан. Қани яна ўтирадиган борми! Ҳамманг ўтир! Агар учуриб олиб кетмайдиган бўлса отимни бошқа қўйиб юбораман, ҳа, чу!..

Бирдан гурр этиб янграган қаҳқаҳа бошқа ҳамма товушларни босиб кетади: борган сари зурайган калтаклар жонидан ўтиб кетган шекилли, жонивор байтал ўлар ҳолатда тепина бошлайди. Буни кўриб ҳатто чол ҳам илжайиб қўяди. Буни қаранг-а, ўзи қилтираб турган қирчанги бўлса-ю, яна тепинса-я!

Одамлар орасида иккита йигит ҳам қамчи топишиб отнинг биқинига солиш учун югургилаб қолишади: бири у биқинидан, иккинчиси бу биқинидан.

– Башарасига сол, кўзига ур, кўзига! – қичқиради Миколка.

– Ашуладан олинглар, оғайнилар! – қичқиради кимдир аравадагилар орасидан, ҳаммалари букириб ашула айтишга тушадилар. Шўх қўшиқ янграйди, қўнғироқ жиринглайди, буларга ҳуштак чалиб жүр бўладилар. Бояги хотин ёнғоқни курсиллатиб чақади, ҳиринг-ҳиринг кулади.

...У от шурликнинг шундоқ ёнгинасида чошиб бормоқда, отнинг нақ кўзларига, ҳа, худди кўзларига қамчи тушираётганларини аниқ кўриб боряпти! У йиғлайди. Юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлади, кўз ёшлари қуйилиб келади. Отни қамчилаётганлардан бирининг қамчиси унинг юзига тегиб кетади; лекин у буни сезмайди, у қўлларини қарсиллатиб синдиради, бақиради, соч-соқоллари оппоқ оқариб кетган чолдан нажот истаб чопа-

ди, қария бошини чайқайди, буларнинг бари унга ёқмайди, уни дилгир қилади. Хотинлардан бири унинг қўлидан ушлаб нари олиб кетмоқчи бўлади; лекин у хотиннинг қўлидан юлқиниб чиқади ва яна отга қараб чопади. От улар ҳолатга келган, лекин шунга қарамасдан яна тепина бошлайди.

– Ҳаҳ, жин урсин-а! – қичқиради ғазаби ҳаддан ошган Миколка. У қамчини ташлаб, арава тагидан энгашиб узун ва йўғон арава шотисини икки қўллаб бир томонидан ушлаб кутаради ва зўр бериб саман отнинг тепасида айлантира бошлайди.

– Сулайтиради! – деб қичқаришади атрофдан.

– Ўлдиради!

– Ўзимнинг молим! – бақиради Миколка ва шотини бутун кучи билан саман устига ташлайди. Оғир зарб товуши эшитилади.

– Ур уни, ур! Бушашма! – деган бақирриқлар эшитилади одамлар орасидан.

Миколка бўлса шотини баланд кўтариб уни яна бор кучи билан от бечоранинг сағрига уради. От қалтираб орқа оёғига ўтириб қолади, аммо яна куч билан сакраб туриб, жони борича ўзанги у ёқдан-бу ёққа ташлай бошлайди, аравани тортишга уринади; лекин тўрт томондан унинг устига қамчи ёғилиб туради, шоти бўлса яна баланд кўтарилиб учинчи марта унинг устига тушади, кейин бир маромда тўртинчи зарба ҳам келиб тушади. Миколка бир уришда ўлдиролмаётганидан ниҳоятда қутуриб кетади.

– Жони темирдан экан! – деб қичқаришади атрофдагилар.

– Ҳозир қулайди, биродарлар, куни битай деб қолди! – дея бақиради томошабинлар ичидан бирови.

– Болта билан ур, болта билан! Бирпасда тайёр бўлади, – қичқиради учинчи биров.

– Ҳаҳ, ҳаром ўлгур! Қани, қочларинг! – оғзидан кўпик сачратиб бўкиради Миколка: у шотини ташлаб, арава ичига энгашади-да, қўлига темир лом олади. – Қочларинг! – бақиради у ва от шўрликни бор кучи билан уради. Лом зарб билан тушади; от гандираклаб кетади, бели майишади, яна бир тортиб кўрмоқчи бўлади, бўлмайди, лом яна бир карра унинг устига даҳшатли суратда тушадю, шунда от жонивор худди тўртала оёғи бирдан абгор қилингандай ерга қулайди.

– Ўлдирларинг! – деб ўкиради Миколка ва қутуриб кетган ҳолда аравадан сакраб тушади. Ғирт маст-аласт бир қанча йигитлар қўлига нима тушса, таёқми, қамчими, шотими олишиб, ўлай деб ётган отга қараб чопишади. Миколка отнинг биқинида туриб лом билан гурсиллатиб ура кетади. Қирчанғининг калласи чўзилиб қолади, у оғир сўлиш олади ва жон беради.

– Ўлдирди! – бақаришади одамлар.

– Нега чопмайди бўлмасам!

– Ўзимнинг молим! – бўкиради Миколка қўлида лом билан кўзлари қонга тўлган ҳолда. У худди бошқа урадиган, ўдирадиган нарса қолмаганлигидан афсусланган кишидай бўлиб туради. – Ўзинг ҳам тоза Худо урганидан экансан! – деб қичқаришади одамлар орасидан.

Бола шўрлик ўзини унутди. У додлаганча одамлар орасидан саман отнинг олдига бориб, унинг жонсиз, қонга беланиб ётган бошини қучоқлаб ўпади, кўзларидан, лабларидан ўпади... Кейин кутилмаганда ўрнидан сакраб туриб ғазаб билан муштчаларини кўтариб Миколкага ташланади. Шу он анчадан бери унинг орқасидан қувиб юрган отаси ушлаб олиб одамлар орасидан олиб чиқиб кетади.

– Юр! Юр! – дейди у, – юр, уйга кетдик!

– Дадажон! Нимага улар... бечора отни... ўлдирди! – хўрлиги келиб фингшийди у, лекин на-



фаси тикилиб қолиб сўзлар қисилган юрагидан фарёд янглиғ отилиб чиқади.

– Маст одамлар тўполон қилишяпти, бизга нима, юр кетдик! – дейди отаси. У отасига икки қўллаб ёпишиб олади, аммо кўкраги сиқилгандан сиқилиб боради. У нафасини ростлаб олишга уринади, бақирмоқчи бўлади ва уйғониб кетади...

У терга фарқ ботган ҳолда уйғонди, сочлари терлаб ҳўл бўлиб кетган эди, ҳансираб нафас олганча, даҳшат ичида ўрнидан турди.

– Худога шукр, туш экан! – деди у дарахт тагига ўтираркан чуқур нафас олиб. – Нима гап ўзи? Иситмалаб қолдиммикан: жуда ёмон туш кўрибман!

Бутун аъзойи бадани уриб ташлангандек шолшол бўлиб ётарди, ўзини аллақандай нохуш сезар, юраги сиқиларди. У тирсакларини тиззаларига тираб иккала қўли билан бошини чангаллаб олди.

– Ё, Раббим! – хўрсинди у, – наҳотки, наҳотки мен ростдан ҳам қўлимга болта олиб, унинг калласига урсам, миясини мажақлаб ташласам... шилимшиқ, иссиқ қон ичида кечиб юрсам, қулфни бузсам, ўғирлик қилсам, қўрқиб-писиб биқинсам; бошдан-оёқ қонга беланганча... қўлимда болта билан яширинсам... Ё Раббим, наҳотки?

Оғзидан шу сўзлар чиқар экан, ўзи худди япроқ сингари қалтирарди.

– Менга нима бўлди ўзи! – деди у чуқур бир ҳайрат ичида нидо қилиб, – бунга чидай олмаслигимни, дош бериб кетолмаслигимни билар эдимку, ахир, нега унда шу пайтгача ўзимни бекордан-бекорга қийнаб юрибман? Ахир кеча, кечанинг ўзида бир бориб кўрай-чи, қандоқ бўларкин, деб азмойиш олганимдаёқ дош беролмаслигимни яхши билиб олган эдимку... Яна нима бўлди ўзи менга? Нимага шу пайтгача шубҳаланиб юрибман? Ахир

кечанинг ўзида зинадан тушиб кела туриб, ўзим айтдимку, бу пасткашлик, ифлослик, қабиҳлик, қабиҳлик... деб... ахир шуни хаёлимга келтирганимнинг ўзидаёқ кўнглим айнаб кетдику, очиқдан-очиқ тепа сочим тикка бўлди...

– Йўқ, чидолмайман, чидолмайман! Ҳаммасини миридан-сиригача чамалаб шубҳа қиладиган жойини қолдирмаган бўлсам ҳам барибир, барибир, мана шу ой ичида берган қарорим кундай равшан, арифметикадай одил бўлса ҳам барибир. Ё Раббим! Мен барибир бунга журъат қила олмайман! Ахир, мен чидолмайман, чидолмайман!.. Нимага, нимага, шу пайтгача ҳам...

У ўрнидан турди, теварак-атрофга ажабланиб назар ташлаб чиқди, бу ерга қандай қилиб келиб қолганлигига ҳайрон бўлди шекилли, кейин Т – В кўприги томонга қараб кетди. Унинг ранги қочган, кўзи қизарган, жисми тўкилиб кетаётгандек бўлиб турарди, лекин бирдан унинг нафас олиши енгиллашди. У анчадан бери кўкрагини офир тош бўлиб босиб ётган даҳшатли юкдан қутулгандай, бирдан ўзини енгил сизди, кўнгли таскин топди. «Ё Раббим! – дея илтижо қилади у, – ўзинг менга раҳнамо бўлгайсан ва мен ушбу лаънати... хаёлимдан кечиб кетайин!»

У кўприкдан ўтиб бораркан, Невага осуда ва жимгина назар ташлади, ботиб бораётган офтобнинг қирмизи шуълаларига тикилди. Ўзи мажолсиз бўлса ҳам, лекин у ҳозир жисмида толиқиш сезмасди. Худди юрагида чипқон бору у бир ойдан бери азоб бериб мана энди ёрилганга ўхшарди. Эркинлик, эркинлик! Мана энди у бу афсун, бу сеҳр, бу авроқ, бу жоду ва бу довдирашдан халос бўлди, эркинликка чиқди!

Кейинчалик, у ўтган кунларни ва ўша пайтларда бошидан кечирган барча нарсаларни дақиқа-

ма-дақиқа, ипидан-игнасигача, ҳеч нарсани назардан қочирмай бир чеккадан эслар экан, уни доим бир нарса қаттиқ ҳайратга солар, гарчи бу нарса моҳиятига кўра унчалар фавқулодда бўлиб кўринмаса-да, лекин назарида бу аллақандай пешонасига ёзилган нарса, қисматнинг ўзи бўлиб туйиларди. Яъни у нима сабаб бўлиб, чарчаган, ҳолдан тойган ҳолда уйга энг қисқа ва тўғри йўлдан қайтмасдан, балки атай қилгандай йўлини узайтириб Сенная майдони орқали қайтганига сира ҳам ақли бовар қилмасди, майдондан ўтиб бориладиган йўл унинг учун жуда ортиқча эди. Бу айланма йўл деярли жуда узоқ бўлмаса ҳам, лекин ортиқчалиги равшан эди. Тўғри, у кўп маҳаллар уйга қайси йўллардан юриб келганлигини эслолмасди. Аммо нима учун мана шундай унинг учун жуда ҳам муҳим, жуда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ва айни замонда ғоятда тасодифий суратда рўй берган кутилмаган учрашув Сеннаяда содир бўлдию (у ердан ўтишга ўзи ҳожат йўқ эди), унинг ҳаётида худди мана шу соатларга, мана шу дақиқаларга, руҳида ҳукм сурган мана шундай кайфиятга ва худди мана шундай ҳолатларга тўғри келиб қолди, ахир худди мана шундай ҳолатлардагина бундай учрашув унинг бутун тақдирини ўзгартириб, бутунлай бошқача бир изга солиб юбориши мумкин эди, нега, нега шундай бўлди, деб сўрарди у тинмай ўзидан. Бу учрашув худди уни шу ерда атай кутиб тургандай эди.

У Сеннаядан ўтиб бораётганда соат тўққизлар бўлиб қолганди. Столларда, дўкон ва дўкончаларда савдо қилиб ўтирганлар ишларини йиғиштиришаётган, мол-товарларини тахлаб бир чеккалик қилиб қўяётган, улар ҳам, уларнинг харидорлари ҳам уйларига тарқалаётган бир пайт эди. Пастки қаватларда жойлашган қовоқхоналар, Сенная

майдонидаги уйларнинг сассиқ ва ифлос ҳовлиларида, айниқса, пивохоналарда кўплаб ғалати, турфа саноатчилар, чувринди, қаланғи-қасанғилар тудалашишарди. Раскольников узича шундай бир айланиб келгани кўчага чиққан кезларида мана шу атрофларда бўлишни, шу ерлардаги кичкина кўчаларда юришни яхши кўрарди. Бу ерларда ҳеч ким унинг ночор усти-бошига паст назар билан қарамас, бировнинг ғашига тегаман, деб ўйламасдан бемалол истаган кўйда юравериш мумкин эди. К – кўчасининг нақ бурчагида бир мешчан билан унинг хотини икки столда ўтириб ип, боғич, чит рўмолларга ўхшаш нарсаларни сотиб ўтиришарди. Улар ҳам уйга кетмоқчи бўлиб уринларидан қўзғалишган, лекин шу пайт танишлари келиб қолиб ҳаяллаб қолишган эди. Бу танишнинг исми Лизавета Ивановна бўлиб, уни оддийгина қилиб Лизавета ҳам дейишар, у кеча Раскольников ўз соатини гаровга қўйиш баҳонасида азмойиш олиб келган коллегия котибининг беваси, судхўр кампир Алена Ивановнанинг синглиси бўлар эди... Раскольников Лизаветани анчадан бери билар ва ҳатто Лизавета ҳам уни жиндак танир эди. Лизавета баланд бўйли, беўхшов, ювош ва беозор, қўрқоқ тентакнамороқ, ўттиз беш ёшлардаги аёл бўлиб, опасига кечасию кундузи қўлдай хизмат қилар, ундан бало-қазодай қўрқар, ҳатто унинг дўшпослаб уришларига ҳам чидаб келарди. Лизавета мешчан билан унинг хотини олдиларида тугун кўтариб хаёлга ботиб турар, уларнинг гапларини диққат билан тингларди. Эр-хотин унга нималарнидир куйиб-пишиб тушунтиришарди. Раскольников унга кўзи тушиши биланоқ ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи бўлмаса ҳам аллақандай ҳайрат ичида ғалати бир аҳволга тушди.

– Сиз ўзингиз, Лизавета Ивановна, бир фикрга келсангиз бўларди, – овозини баланд қилиб дерди мешчан. – Эртага соат еттиларда келинг. Улар ҳам шу пайтга келишмоқчи.

– Эртагами? – чўзиб, бир хаёл ичида худди юраги дов бермаган одамдай деди Лизавета.

– Оббо, Алена Ивановна тоза юрагингизни олиб қўйган эканку! – бидирлаб деди сотувчининг эркакшода хотини. – Сизга қараб турсам, худди ёш болага ўхшайсиз. Опа бўлганда ҳам туғишган опангиз бўлса майлиди, ўгай опа бўлса-ю, яна тоза сизни жиловлаб олганлигини қаранг.

– Менга қаранг, энди сиз бу сафар Алена Ивановнага ҳеч нарса айтманг, – деб хотинининг гапини бўлди эри, – менинг гапимга кирсангиз, бизникига ундан сўраб ўтирмасдан келаверинг. Ўзингизга яхши бўлади. Кейин опангизнинг ўзлари ҳам билиб оладилар.

– Қачон келсамикин?

– Соат еттида, эртага улар ҳам келишади, ўзлари билан гаплашиб ҳал қиларсиз.

– Чой ичиб ўтирар эдик, – қўшиб қўйди хотини.

– Майли, келаман, – деди Лизавета ҳамон ўйининг тагига етмай ва секин жойидан жила бошлади.

Раскольников гап шу ерга келиб тўхтаганда ўтиб кетди, бошқа уларнинг гапларини эшитмади. У индамасдан, секингина бир чеккадан ўтди. У аввал ҳайратга тушди, сўнг аста-секин ҳайрат ўрнини даҳшат эгаллади, эти совуқда қолган одамдай жунжикиб кетди. У бирдан кутилмаганда, бутунлай тасодифий бир тарзда эртага соат роса еттида кампирнинг сингласи, у билан бирга яшайдиган бирдан-бир одам уйда бўлмаслигини билиб олди, бундан келиб чиқадики, кампир кечқурун соат роса етти бўлганда, уйда ёлғиз ўзи қолади.

Уйга етишига бир неча қадамгина қолганди. Остонадан ўлимга ҳукм қилинган одамдай кириб борди. Ҳеч нарса ҳақида уйламас, умуман, ўйлайдиган аҳволда эмасди; бироқ шу тобда энди ўзида на ҳур фикр, на ирода қолганлигини ва ҳаммаси бирдан узил-кесил ҳал бўлганлигини бутун вужуди билан ҳис қилди.

Албатта, ниятини амалга ошириш учун агарда йиллаб қулай фурсат келишини кутганда ҳам эҳтимол ниятининг рўёбга чиқиши учун кутилмаганда унги келиб қолган бундай вазиятнинг учраши қийин эди. Ҳар ҳолда, ҳаётига суиқасд тайёрланаётган бир кампир эртага, фалон соатда ўз уйида ёлғиз бир ўзи қолади, деган гапни суиқасд арафасида бунчалар аниқ ва равшан, ҳеч кимдан сўраб-суриштирамай, бировда шубҳа уйғотмай билиб олиш анча қийин иш эди.

## VI

Кейинчалик Раскольников мешчан билан унинг хотини нимага Лизаветани ўзлариникига чақирганларини ҳам билиб олди. Унчалик қизиқарли жойи бўлмаган оддийгина иш экан. Бошқа ёқдан келиб қолган кишилар ночорликда қолиб унча-мунча буюмларини, рўмол ва шунга ўхшаш аёлларга тегишли бўлган нарсаларини сотишаётган экан. Бозорга олиб чиқиб сотиш унчалар фойда бермаганидан, буюмларни сотиб берадиган бир одам қидиришаётган экан, Лизавета эса шундай иш билан шуғулланиб юрарди: у кишиларнинг ҳожатларини чиқарар, уларнинг ишларини битирар, бу ишда унинг кўзи жуда пишиб кетганди, ишонч қозонганди, негаки, у жуда ҳалол эди ва доимо буюмнинг бўладиган нархини айтиб кўя қоларди: у қанча деса шунча бўлар эди. Умуман,

ўзи ичимдагини топ, дейдиганлар хилидан эди ва айтиб ўтилганидай жуда ювош ва қўрқоқ эди...

Раскольников кейинги пайтларда жуда иримчи бўлиб қолганди. Унинг хурофотчилиги яна узоқ вақтлар, деярли йўқолмасдан сақланиб қолди. Бўлиб турган бу ишларнинг барида у кейин ғалатироқ, сирли нарсаларни, инсон ақли бовар қилмайдиган кучларнинг таъсирлари ва тўғри келиб қолишларини кўрадиган бир майл орттирди. Қиш пайти эди, Покорев деган таниш бир талаба Харьковга жўнаб кетар экан, гапдан гап чиқиб агар бирон нарсангни гаровга қўядиган бўлсанг асқатар, деб шу Алена Ивановна деган кампирнинг манзини бериб кетганди. Анчагача у кампирникига бормай юрди, негаки дарс бериб турар, амалтақал қилиб бир кунини ўтказар эди. Бундан бнр ярим ойча илгари у шу манзини эслаб қолди; унинг гаровга қўйиб туриш мумкин бўлган иккита нарсаси бор эди: бири отасининг эски кумуш соати ва иккинчиси хайрлаша туриб синглиси эсдаликка берган кўзига қандайдир учта қизил тош ўрнатилган кичкинагина тилла узук. У узукни гаровга қўймоқчи бўлди; кампирни қидириб топгач, ҳали у билан тузук-қуруқ танишмасдан турибоқ юрагида унга қарши тийиб бўлмас бир нафрат уйғонди, кампирдан иккита «қоғоз»ни олди-да, йўл-йўлакай ғарибгина бир трактирга кирди. Чой сўради ва ўтириб узоқ ўйга толди. Шу пайт худди жўжа тухумдан чиқар чоғида пўчоғини туртгандай ғалати бир фикр унинг миёсида туртина бошлади ва унинг бутун хаёлини банд қилиб қўйди.

Унинг ёнгинасида бошқа столда Раскольниковга мутлақо нотаниш бўлган бир талаба билан ёшгина зобит ўтиришарди. Улар бильярд ўйнашди-да, кейин чой ича бошлашди. Шунда бирдан талаба

зобитга коллегия котибининг беваси ва судхур Алена Ивановна ҳақида гапираётгани қулоғига чалиниб қолди. Талаба унинг манзилини ҳам айтди. Мана шунинг ўзиёқ, Раскольниковга ғалати бўлиб кўринди: ўзи ҳозиргина ўша кампирнинг олдидан чиқиб келаётир, бу ерда эса гап яна унинг ҳақида кетяпти. Албатта, бу тасодиф, лекин у бир фаройиб таассуротдан қутулиб бўлмасдан туриб, иккинчиси бошланиб кетди, гўё унинг дилидагини айтишаётгандай, талаба бирдан ўртоғига Алена Ивановна ҳақида ҳар хил олди-қочдиларни сўйлаб бера бошлади.

– Жуда ажойиб, – дерди у, – қачон борсанг, қуруқ қайтармайди. Худди жухудларга ўхшаб битиб кетган, бирданига беш минг бериб юбориши ҳам мумкин, яна бир сўмлик буюмни ҳам гаровга олиб қолаверади. Бизникиларнинг кўплари унинг қўлидан ўтган. Фақат шунчалар итфеълки...

Шундан кейин талаба кампирнинг қанчалар баджаҳллиги, гишгишаси кўплиги, пулни бир кунгина кечикиб келтирилса, тамом, нарсадан ажралишингиз ҳақида гапириб кетди. Буюмнинг асл баҳосидан тўрт баравар камайтириб пул беради, ваҳоланки фоиз олишга келганда ойига беш ва ҳатто еттидан олади ва ҳоказо. Талабанинг тили эшилиб, булардан ташқари кампирнинг Лизавета исми бир сингисини ҳам борлиги, ўзи ирватга ўхшаган бўлишига қарамасдан кампир уни тинимсиз калтаклаши, худди кичкина бола каби уни бутунлай ўзига тобе қилиб олгани, ваҳоланки, Лизаветанинг ўзига Худо бўй-бастдан берганлиги ҳақида валдираб ўтирди...

– Ана сизга ялмоғиз! – қичқирди талаба ва хахолаб кулди.

Улар Лизавета ҳақида гаплаша бошладилар. Талаба у ҳақда жуда маза қилиб, мириқиб гапирар



ва нуқул ҳиринглаб куларди, зобит эса жуда ҳам қизиқиб тинглар ва талабадан уша Лизаветани менинг олдимга юборсангиз, кийим-кечагимни тузатиб берса, деб сурарди. Раскольников орага бир офиз ҳам гап қўшмай ҳаммасини биратула билиб олди: Лизавета кампирнинг угай (оналари бошқа-бошқа) сингиси бўлиб, ёши ўттиз бешларга бориб қолган экан. У опасиникида кечасию кундузи тиним билмай ишлар, уйда овқат, қозон-товоққа, кир-чирга ҳам ўзи қарар, булардан ташқари сотиш учун кийим-кечак ҳам тикар, ҳатто фаррошликка ҳам ёлланар ва барча топган-тутганларини опасига берарди. Опасининг ижозатисиз ҳеч қандай иш, ҳеч қандай буюртма олмас, олишга журъат этмас экан. Кампир эса васиятини қилиб бўлган, бу Лизаветага ҳам маълум экан, васиятномага кура Лизаветага бир тийин ҳам тегмас, унга фақат буюм, мол-мулк мерос бўлиб қолар экан; пул-маблағлар эса Н – вилоятидаги монастирлардан бирига ўтказилиб, бунинг эвазига кампирга абадий дуойи фотиҳа қилиб турилар экан. Лизавета хизматчи аёллардан эмас, мешчан хотин экан, эрга тегмаган экан, ўзи жуда ҳам бесўнақай, дароз, бураб қўйилгандай оёқлари узун-узун, доимо бир чеккаси майишиб кетган эчки теридан тикилган бошмоқ киядиган, аммо ўзини жуда тоза тутадиган аёл экан. Ҳаммадан қизиғи, талабани ҳайрон қилган ва кулгисини қистатган жойи кўпроқ шу эди, Лизавета қачон қараманг, ҳомиладор бўлиб қолаверар экан...

– Қанақасига, ўзинг жуда бедаво дедингку? – сўради зобит.

– Ҳа, ўзини курсанг қорачадан келган, худди зобитнинг ўзи дейсан, лекин агар билсанг, жудаям унчалар бедаво эмас. Унинг кўнгли жуда буш,

одамга силагандай қилиб қарайди. Рост айтаман. Исбот керак бўлса, ана, ҳаммага ёқади. Жимгина, юмшоққина, маъқулгина, ҳамма нарсага кўнадиган, итоатгуй ўзи. Жилмайишини айтмайсанми, одамни эритиб юборади.

– Э, нима бало, жигарингдан уриб қўйганми дейман? – кулди зобит.

– Ғалатилигини айтаман-да. Йўқ, мен сенга бошқа гапни айтмоқчийдим. Мен шу лаънати кампирни ўлдириб, бор-йўғини иб кетган бўлардим, ўлдирганимга ачиниб, бундан қийналиб ҳам ўтирмасдим, – қизишган ҳолда деди талаба.

Офицер яна хахолаб кулди, Раскольников эса сесканиб кетди. Тавба, жуда қизиқ бўлди-ку!

– Менга қара, сенга бир жиддий гап айтмоқчиман, – қизишди талаба. – Мен ҳозир, албатта, ҳазиллашдим, лекин ўзинг қара: бир ёқда мияси айниган, бемаъни, ҳеч нарсага арзимайдиган, ҳеч кимга кераги бўлмаган, аксинча, ҳамманинг сиқиб қонини ичадиган ва нима учун яшаётганини ўзи ҳам билмайдиган, эртами-индин ўз-ўзидан ўлиб кетадиган золим, касалманд бир кампир. Билдингми? Билдингми?

– Билдим, хўш, – деди унга жавобан зобит қизишиб сўйлаётган ўртоғига диққат билан тикилар экан.

– Энди бу ёғини эшит. Иккинчи ёқда, биров қўлламасдан бекордан-бекорга нобуд бўлиб кетаётган навқирон ёшлар, бунақалар ҳамма ердан минг-минглаб топилади! Кампирнинг минглаб эзгу ва олижаноб ишларни рўёбга чиқариши, изга солиб юбориши мумкин бўлган нуллари монастирда чириб кетиши керак! Юзлаб, минглаб увол бўлиб ётган жонларнинг кўкракларига шамол теккан бўларди: ўнлаб оилалар йўқчиликдан, сарсонликдан, ҳалокатдан, сафолатдан, қабоҳатдан, таносил

касалларидан халос бўлиб кетган бўларди, – яна буларнинг барини унинг пуллари эвазига қилиш мумкин эди. Уни ўлдириб пулларини олгину кейин уларнинг кўмагида бутун умрингни кишиликнинг ва умум ишининг равнақига бағишла: минглаб эзгу ишларнинг савоби арзимаган бир жиноятнинг ўрнини босиб кетмасмикин, нима дейсан? Биттагина жон эвазига – бузғунчилик ва бенаволикдан халос этилган минглаб жонлар. Бир ўлимга юзлаб тирилган жонлар – э, бунинг нимасини санайсан! Умуман олганда, бундоқ тарозига солиб қараганда бу силварам, мияси ачиган ялмоғиз кампирнинг ҳаёти нима деган нарса ўзи? Ҳатто бит, ҳатто суварак ҳам ундан авлороқ, нега десанг, кампир жуда зарарли махлуқ. У бировнинг умрини кемириб ётибди; яқинда у Лизаветанинг бармоғини аччиғи чиққанидан тишлаб олибди; кейин бу бармоқни кесиб ташлашларига сал қолибди!

– Тўғри айтасан, унинг яшаганидан яшамагани тузук, – деди зобит, – лекин одамзод бир хил эмас.

– Эҳ, биродар, одамзод бунақа махлуқлардан қутулиб, халос бўлиб ўзини тозалаб юрмаса, унинг боши ҳеч қачон хурофотлардан чиқмайди. Шундай қилинмаса битта ҳам улуғ одам дунёга келмайди. «Бурч, виждон» дейишади, мен бурч билан виждонга қарши ҳеч нарса демоқчи эмасман, лекин биз бу нарсаларни қандай тушунамиз? Тўхта, сенга яна битта саволим бор. Эшит!

– Йўқ, сен ўзинг тўхта; сенга битта саволим бор. Эшит!

– Қани!

– Мана сен ҳозир жуда гапни қотириб ташла-япсан, қани менга айт-чи, мана ўзинг кампирни ўлдирасанми ёки йўқми?

– Нима деяпсан ўзи, йўқ албатта! Мен сирасини айтаётирман-да... Гап бу ерда менда эмас...

– Менимча эса, ҳамон ўзинг журъат этмадингми, демак, бу ерда адолат деган нарсанинг ўзи йўқ экан! Юр, яна бир партия сурамиз!

Раскольников жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушди. Албатта, буларнинг ҳаммаси бошқа ерларда эҳтимол бошқачароқ шаклда, бошқачароқ мавзуда эшитиб юрган жуда одми ва жуда кўп қулоққа чалинадиган ҳовлиқма енгил-елпи гаплар ва фикрлар эди. Лекин нега энди ҳозиргина ўзининг калласида туғилган... Худди мана шундай фикрлар ғужғон ўйнаб турганда, ҳа, айна шу пайтда худди шунга ўхшаш гапни бировнинг оғзидан эшитиб қолганига нима дейсиз? Ва нима учун кампирникидан калласида шундай фикр туғилиб чиқиб келаётганида ва айна худди мана шу пайтда яна кампир ҳақидаги гапга тўқнаш келиб утирибди?.. Буларнинг бир-бирига тўғри келиб қолгани жуда галати бўлиб кўринарди. Трактирда бўлиб ўтган бу арзимаган гап ишнинг боришида жуда ҳам бошқача таъсир кучига эга бўлди: ростдан ҳам худди қисматнинг ўзи унга шу йўлни кўрсатиб тургандай эди...

\*\*\*

У Сеннаядан қайтиб келиб ўзини диванга отди ва бир соатлар чамаси қимирламай ётди. Бу орада қоронғи тушди; шам йўқ эди, бунинг устига чироқ ёқиш ўзининг ҳам хаёлига келмасди. У кейин ҳеч қачон эслолмайди: ўша пайтларда у умуман бирон нарса ҳақида ўйлаганмиди? Ниҳоят, у яна бояғидай безгак тутиб қалтирай бошлади, шунда диванда ётса бўладику, деган фикр миясига келиб бундан суюниб кетди. Кўп ўтмай у қаттиқ оғир уйқуга чўмди, у жисми чилпарчин қилиб ташланган одамдай ётарди.

У одатдан ташқари узоқ ухлади, туш кўрмай ухлади. Эртасига эрталаб соат ўнда унинг олдига кирган Настасья уни зўр-базўр уйғотди. Унга чой-нон олиб келганди. Чой шама устига дамланган бўлиб, Настасья уни ўз чойнагида олиб келган эди.

– Вой, бунинг ухлаши-ей! – шанғиллади у норози бўлиб, – ухлагани ухлаган-а!

Раскольников ётган ерида истар-истамас қимирлади. Боши огримоқда эди, ўрнидан туриб юрмоқчи бўлди, лекин ҳужрада бир қадам қўйиб улгурмасдан яна ўзини диванга ташлади.

– Яна ухламоқчи! – вағирлади Настасья, – нима бало, касалмисан?

Раскольников индамади.

– Чой-пой ичиб олсанг-чи?

– Кейинроқ, – деди у гапга зўрға тили айланиб, кўзларини юмиб яна деворга ўтирилиб олди. Настасья унинг тепасида туриб қолди.

– Ростдан ҳам тоби қочиб қолганга ўхшайди, – деди у ва бурилиб чиқиб кетди.

У соат иккида яна суyoқ ош кўтариб кириб келди. Раскольников ҳамон боягича қимирламай ётарди. Чойга қўл урилмаганди. Настасья ҳатто ранжиди ва жаҳл билан уни туртиб уйғота бошлади.

– Мундоқ кўзингни очсанг-чи! – қичқирди у Раскольниковга ижирганиб қарар экан. Раскольников гавдасини кўтариб утирди, лекин унга ҳеч нарса демай, кўзини ердан узмай тураверди.

– Тобинг йўқми, нима? – сўради Настасья ва яна ундан жавоб ололмади.

– Мундоқ жуда бўлмаса кўчаларни айланиб келсанг-чи, – деди Настасья бир оз индамай тургач, – сал кўкрагингга шабада тегармиди. Нима, у-бу еб оласанми?

– Кейинроқ, – деди заиф овоз билан Раскольников, – боравер! – дея қўл силкиди сўнгра у.

Настасья яна бирпас турди, кейин унга ачиниб қараб қўйди-да, чиқиб кетди.

Бир неча дақиқадан сўнг у бошини кўтариб чой билан суюқ ошга узоқ, тикилиб турди. Кейин қўлига нон, қошиқ олиб овқатга тутинди.

У овқатдан тилар-тиламас озгина тотинди. Бошининг оғриғи бир оз сусайганди. Овқатланиб бўлгач, у яна диванга чўзилди, лекин энди кўзига уйқу келмади, у кўкраги билан бошини ёстиқда ботириб қимир этмасдан ётарди. У ғалати хаёлларга гарқ бўлган, кўз ўнгида ажиб бир рўё гавдаланарди: у кўпинча ўзини Африкада деб тасаввур қиларди, Мисрда, аллақандай воҳада юрган бўларди. Карвон тин олмоқда, туялар жимгина ётишибди; чор атроф гир туташиб кетган хурмозор; ҳамма тамадди қилмоқда; у бўлса шундоққина биқинидан чулдираб оқаётган ариқдан сув ичгани-ичган. Сув яна муздеккина, атроф ҳам салқин, сув шунчалар шаффоф, шунчалар шаффоф, зангорики, унинг тагида ранго-ранг тошлар ва олгин зарралари аралашиб ётган тоза қумлар шундоқ кўриниб туради... Бирдан у соат бонг ураётганлигини эшитиб қолди. У сесканиб кетди, кўзларини очди, бошини кўтарди, деразага қараб вақт қанча бўлганлигини чамалади ва бирдан ҳуши жойига келиб худди биров уни итқитиб юборгандай дивандан сапчиб турди. Оёқ учида юриб эшик олдига келди, уни оҳиста қия очиб пастга қулоқ сола бошлади. Юраги қинидан чиқиб кетадигандай урмоқда эди. Лекин зиналар жимжит, худди ҳамма уйқуга чўмганга ўхшарди... Кечадан бери ўлган одамдай бўлиб ухлаб қолгани, ҳеч нарса қилмагани, тайёргарлик кўрмагани унга жуда ғалати ва ақл бовар қилмайдиган ҳол бўлиб туйилди... Буни қарангки, балки соат ҳали олтилар бўлиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас... Шунда унинг уйқули кўзлари йирик-йирик очилиб, ўзи ҳушёр

тортди ва бирдан фавқулодда безовта ва аллақандай бесаранжомлик билан ҳаракат қила бошлади. Воқеан, узоқ ҳозирлик курадиган ери ҳам йўқ экан. У ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олиш, ҳеч нарсани ёдидан чиқариб қўймаслик учун бутун эс-ҳушини бир жойга тўплади, юрак эса ҳамон сапчиб кетадигандай гурсиллаб урар, бундан ҳатто нафас олиши ҳам оғирлашиб кетмоқда эди. Биринчидан, пальтосига илгак тикиб олиши керак; бу – оппосон битадиган нарса. У ёстиғининг тагини тими́рскилаб унинг тагига тиқиб ташланган қўйлақлар ичидан чок-чокидан айилиб кетган, эскириб тўзиган кир қўйлагини олди. У қўйлақдан эни икки энлик, узунлиги икки қарич келадиган тасма узиб олди. Бу тасмани у икки буклаб, кейин ўзининг кенг, пишиқ, аллақандай қалин матодан тикилган енги́л пальтосини (унинг бирдан-бир устки кийми шу эди) эғнидан ечиб олди-да, тасманинг иккала учини пальтонинг ичидан чап қўлтиғига чатиб тика бошлади. Тасмани тикар экан, унинг қўллари қалтирар, лекин у қалтироғини босиб бир амаллаб ишни тугатди. У пальтони бошқатдан кийиб олганда энди ташқаридан ҳеч нарса билинмасди. У игна билан ипни олдиндан ҳозирлаб қоғозга ўраб столга ташлаб қўйганди. Боғичга келганда у буни ўзи ўйлаб топганди: у болтани шу боғичга илиб қўймоқчи эди. Кўчадан болтани қўлда кўтариб олиб бориб бўлмасди. Пальтосининг ичига беркитиб олиб бораё деса, барибир уни доим қўли билан ушлаб туришига тўғри келарди, буни битта-яримта кўриб қолиши мумкин эди. Энди бўлса боғичга болтанинг юзини шундоқ киритиб қўйилса бўлгани, бутун йўл бўйи бемалол қўлтиқ тагида кетаверади. Керак бўлиб қолса болта лопиллаб кетмаслиги учун у ён чўнтагига қўлини тиқиб болтанинг сопидан ушлаб бораверса ҳам бўлади; пальто

жуда ҳам кенг бўлганлигидан, уни мисоли қанор дейиш ҳам мумкин эди, ташқаридан қараганда у чўнтагидан туриб қўли билан нимани ушлаб кетаётганлиги сира билинмасди. Бу илгакни ҳам у бундан икки ҳафталар муқаддам ўйлаб топганди.

Бу ишни битиргач, у ўзининг «туркий» дивани билан пол орасидаги ёриққа қўлини тиқиб чап томондаги бурчакни тимирскилади ва у ердан анчадан бери тайёрлаб беркитиб қўйилган гаровни чиқарди. Гаров учун мўлжалланган бу буюм умуман буюмга ўхшамас, бўйи ва эни кумуш папирос қутичаларидай келадиган сип-силлиқ қилиб рандаланган тахтачанинг худди ўзгинаси эди. Бу тахтачани у ўзининг сайилларидан бирида катта бинонинг ҳовлисига жойлашган алақандай устахонанинг олдидан топиб олганди. Кейин у тахтачага силлиқ ва ингичка темир парчасини қўшди, бу темир бўлаги бирон нарсадан учиб кетган бўлса керак, уни ўша пайтда кўчадан топиб олганди. У ҳар иккала парчани (улардан темир бўлаги кичкинароқ эди) бир-бирига жипслаштирди-да, кейин ип билан маҳкам қилиб қўшиб боғлаб ташлади; шундан сўнг буни оппоқ тоза қоғозга яхшилаб ўради ва белидан ечиш қийинроқ бўлсин, деб ип билан чандиб боғлаб қўйди. Буни у кампирни тугунчани ечиш учун овора қилиб қўйиб вақтдан ютиш мақсадида қилди. Темир бўлагини эса кампир дарров шубҳага бориб қолмасин, буюм унинг қўлига офирроқ бўлиб кўринсин, деб қўшиб қўйганди. Буюм вақт-соати келгунча диван тагида сақланганди. Уни энди қўлига олган эди ҳамки, қаердандир ҳовли томондан кимнингдир қичқирган овози эшитилди:

– Соат етти бўлиб қолди!

– Вақт бўлибди! Вой, Худойим!



У ўзини эшикка отди, қулоқ солди, шляпасини олди-да, узига ўрганиш бўлиб кетган ўн уч пил-лапояли зинадан худди мушукка ўхшаб оҳиста, товуш чиқармай пастга туша бошлади. Ҳали яна энг зарур ишни ҳам битириши – ошхонадан болта ўғирлаб чиқиши керак эди. Кўзлаган ниятини болта билан амалга оширишни у анчадан бери уйлаб кўнглига тугиб қўйганди. Унинг бундан таққари катта пичоғи ҳам бор эди; лекин у пичоққа за ай-ниқса ўзининг кучига ишонмасди, шунинг учун ҳам болта ишлатишга узил-кесил қарор қилганди. Бу ишни қилишга аҳд қилгандан сўнг унда туғилган узил-кесил қарорларнинг ўзига хос бир жиҳатини ҳам қайд этиб ўтайлик. Ҳалати томони: у бўлди энди, мана шундай қиламан, деб бир тўхта-тамга келиши билан шу заҳоти ўз фикри ўзининг кўзларига ҳеч нарсага арзимайдиган, хунук, беда-во бир фикр бўлиб туйила бошларди. У, ич-этини еб ташлаган бўлишига қарамасдан, шунча пайт-дан бери ҳеч қачон, ҳатто бир дақиқага бўлсин, ўйлаган нарсасининг амалга ошиб кетишига тўла ишонч ҳосил қила билмаганди.

Шунинг учун агарда барча-барчаси, мири-дан-сиригача ҳал қилиниб, ақл тарозисига соли-ниб, сўнг бўлди энди, сира шубҳаланиб ўтиради-ган жойи қолмади дейдиган даражага келиб қол-ган тақдирда ҳам, ҳа, худди шундай бўлган чоғда ҳам, бу ниятидан ақлга тўғри келмайдиган, бўл-мағур, мудҳиш бир нарса сифатида воз кечиб кет-са эҳтимолдан йироқ эмасди. Бироқ ҳали ишнинг яхши аён бўлмаган томонлари, ҳал қилинмаган жиҳатлари жуда кўп эди. Болтани қаердан топиш масаласига келганда, бундан кўра осонроқ нарса бўлмаганлиги учун уни унчалик ташвишлантир-масди. Гап шундаки, Настасья уйда кўп ўтирмас, тез-тез кучага чиқиб кетаверарди: дам қўшнилар-

никига, дам дўконга қатнар, чиққанда эшикни ланг очиқ қолдириб кетарди. Бека худди шунинг учун ҳам у билан доим уришгани-уришган эди. Шундай қилиб, пайтини топиб туриб секингина кириб болтани олиб чиқиб, кейин бир соатдан сўнг (ҳаммаси битириб бўлингач), уни қайтиб яна ўз жойига қўйиш мумкин эди. Аммо бунда баъзи бир иштибоҳ туғдирадиган томони ҳам йўқ эмасди; чунончи, айтайлик, у бир соатдан кейин болтани жойига қўяман, деб келсаю, Настасья қайтиб келган бўлса-чи? Албатта, у ҳолда туғри ўтиб кетиб, Настасьянинг яна ташқарига чиқишини кутишга туғри келади. Бу орада унга болта керак бўлиб қолиб, уни қидириб, бақириб-чақирадиган бўлса, – ана унда шубҳа туғилиши ёки шубҳа туғилишига асос бўлиши мумкин.

Лекин бу каби майда-чуйда, арзимаган нарсалар устида у ўйлаб кўрмаган, бунга вақти ҳам бўлмаган эди. У энг асосий нарсани миясида пишириб, арзимаган нарсаларни ўзи ҳаммасига ишонч ҳосил қилмагунча бир чеккага йиғиштириб қўйганди. Лекин асосий нарсанинг ўзини назарида сира амалга ошириб бўлмайдигандай туйиларди. Нар и борганда унинг ўзига мана шундай бўлиб кўринарди. Масалан, у бир куни барча мулоҳазаларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, шартта ўрнидан туриб, бемалол йўлга тушиши мумкинлигини сира ҳам тасаввур қила олмасди... Ҳаттоки яқинда азмойиш олшига (яъни жойни кўриб қўйиш учун атай бориш) ҳам чиндан эмас, балки «қани бир бориб кўрай-чи, бекорга хаёл суравериб нима қиламан», деган шунчаки хаёл билан қилиб кўрган ва ўша заҳоти чидай олмасдан ҳаммасига тупуриб ўзидан-ўзи ижирғанганича қочиб қолганди. Ваҳоланки, бу иш маънавий жиҳатдан қандай бўлишини у жуда чуқур ўйлаб кўрган ва

бу хусусда бир қарорга келиб қўйганди: унинг ўзини ўзи ишонтирадиган далиллари шунчалар чархланиб битган эдики, эндиликда назарида, йўқ, бундай қилиб бўлмайди, деган гапга ўрин қолмаганди. Лекин шундай бўлса ҳам у бунда ўзига ўзи ишонмас ва худди биров уни шу ишга тортиб мажбур қилиб тургандай қайсарлик билан ҳеч нарсага қарамасдан эътироз билдиришга, қарши фикрлар топишга уринарди. Кутилмаганда оёқ остидан чиққан кечаги воқеа ҳаммасини бирдан ҳал қилди-қўйди ва унга ғайришуурий таъсир кўрсатди: худди кимдир биров унинг қўлидан тутдию, ҳол-жонига қўймасдан, кўр-кўрона, ғайритабий бир куч билан йўқ-пўқ деб ўтиришига қарамай ўз ортидан судраганча кетди. Гўё кийимининг бир учи машина ғилдирагига илиниб қолгану энди у ғилдирак тагига кириб кетмоқда эди.

Аввал, дарвоқе анча илгарилардан бери, у бир масала билан қизиқиб қолганди: нима сабабдан барча жиноятлар жуда тез ва осон қидириб топиладию ва нега барча жиноятчиларнинг излари аниқ кўриниб туради? У кейинчалик ҳар турли эътиборга лойиқ хулосаларга келди ва унинг назарида энг асосий сабаб жиноятни моддий жиҳатдан яшириб кетишнинг иложи йўқлигида эмас, балки жиноятчининг ўзида эди; жиноятчининг ўзи ва умуман, жиноят пайтида деярли ҳар қандай одам иродасизликка йўл қўяди, ақлида заифлик аломатлари зухур қилади, сўнг бу нарсалар аксинча болаларча фавқулодда енгилтаклик билан алмашади, яна бу ақл ишлатиш ва эҳтиёткорлик қилиш фоят зарур бўлиб қолган дамларда рўй беради. У шунга ишонч ҳосил қилган эдики, ақл-идрокнинг хиралашуви ва ироданинг заифлашуви одамга худди бир касалликдай ёпишиб олади, аста-секин ривожланади, маддалаб-маддалаб сўнг жиноят со-

дир бўлишидан салча илгари ўзининг энг юқори хуруж нуқтасига кўтарилади; худди шу аҳвол жиноят содир буладиган пайтда ҳам давом этади ва одамига қараб жиноят бўлгандан кейин ҳам яна бирмунча муддат ўзини кўрсатади; кейин ҳамма касалликларга утиб кетади. Бироқ жиноятнинг айнаи ўзи касалликдан туғиладиган ёки жиноятнинг ўзи бошқача бир табиатига кўра доимо худди касаллик каби кечадими – бу масалани ҳал қилишга ҳали қурби етмас эди.

Ана шундай фикрга келгач, у шахсан менда бундай носоғ упирилишлар юз бермайди, ўйлаган ишимни амалга оширгунимча эс-хушим, иродам ўзимда бўлади, мендан ажралмайди, нега десангиз, бунинг бирдан-бир сабаби, мен амалга ошираётган нарса «жиноят эмас», деган қарорга келиб қўйди... У шу сўнгги қарорга келгунча орадан ўтган жараёнларни қолдириб кетамиз; биз бусиз ҳам анча олдинга ўтиб кетдик... Фақат шуни қўшиб қўяйликки, ишнинг кўриниб турган соф моддий қийинчиликлари умуман олганда унинг миясида иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. «Бутун ироданг ва бор эс-хушингни жамлаб қўлга олсанг, ишнинг энг нозик тафсилотларигача танишишга тўғри келган пайтда, уларнинг ҳаммасини енгиб чиқасан...» Лекин иш ҳали бошланмаганди. Бир қарорга келиб қўйиб ҳам у ўзининг бу қарорига ишонмас; вақти-соати етиб гишт қолипдан кучган маҳалда ҳаммаси ўйлагандан анча бошқача, қандайдир исталмаган ва ҳаттоки деярли кутилмаган даражада бўлиб чиқди.

У ҳали зиналардан тушиб улгурмасдан арзимаган бир нарса уни боши берк кўчага киритиб қўйди. Беканинг ошхонасига етганда ҳар доимгидай ланг очиқ турган эшикдан ичкарига оҳиста мўралаб қаради: Настасья ташқарига чиқиб кет-

ган бўлсаям, мабодо ичкарида беканинг ўзи йўқ-микин, агар йўқ бўлса, хонасининг эшиклари яхши беркитилганмикин, тагин болта оламан деб кирган маҳалда бирдан қўрқиб-нетиб ўтирмасин, дея ўйларди у. Лекин шунда бирдан бу сафар Настасья уйдагина эмас, ҳатто иш қилаётганлигини кўриб ҳангу манг бўлиб қолди: Настасья саватдан кир олиб, дорга ёярди. Унинг кузи тушиши билан Настасья кирини ёйишдан тўхтаб, бурилиб қараганча, то ўтиб кетгунча кўзини узмай турди. Раскольников четга қараб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб ўтиб кетди. Аммо ишнинг пачаваси чиққанди: болта йўқ! У нима қилишини билмай қолди.

«Нега ундай деб ўйладим, – хаёлидан ўтарди унинг дарвоза томонга юраркан, – нега худди шу пайт уйла бўлмади, деб ўйлаган эканман? Нега, нега, нега энди худди шундай бўлади, деб ўйладим?» У адойи тамом бўлди, ҳатто хўрлиги келиб кетди. Ҳазаби келгандан ўзидан ўзи қаҳ-қаҳ отиб кулгиси қистади... Шунда у даҳшатли қаҳр-ҳазаб, ёвузлик отига минди.

У дарвозага етганда, хаёл ичида тўхтаб қолди. Кучага шунчаки сайр қилган киши бўлиб чиқиш кўнглига сифмади, орқасига – уйга қайтиш эса ундан ҳам бешбаттар бўлиб туйилди. «Шундай фурсатни қўлдан бой бериб ўтирибман!» гўлдирди у дарвоза олдида фаррошнинг эшиги очик қоронғи хужрасининг рўпарасида тураркан. Шунда бирдан сесканиб кетди. Ундан икки қадамча наридаги фаррош хужрасида ўнг томондаги тахтанинг тагида бир нарса йилтиллаб кўрингандай бўлди... У атрофга аланглаб қаради, ҳеч ким йўқ. У хужра олдида келиб иккита зинадан пастга тушди ва секин фаррошни чақирди. «Худди ўзи, уйда йўқ экан! Дарвоқе, эшиги очик, шу яқин атрофда бўлса, эҳтимол». У шитоб билан болта ётган ерга бор-

ди (ҳа, бу болганинг ўзи эди) ва уни икки палён орасидаги тахтанинг тагидан тортиб олди; шу ернинг ўзида уни пальтосининг илгагига маҳкамлади, қўлларини чўнтақларига тикди-да, хужрадан чиқди; ҳеч ким кўрмади! «Аёл билан битмаган иш иблис билан битди!» – деб ўйлади ғалати тиржаяркан. Бу ҳодиса унинг руҳини ҳаддан зиёд кутариб юборди.

У ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслик учун йўлдан аста-секин, вазмин юриб кетди. У уткинчиларнинг башараларига кам қарар, ҳатто умуман, қарамасликка ҳаракат қилар, иложи борича ўзини билинтирмасликка уринарди. Шунда ёдига шляпаси тушди. «Вой, Худойим! Уч кундан бери пулим бўлиб туриб, шляпамни фуражкага алмаштириб олмабман-а!» У сўкиниб қўйди.

У йўл чеккасидаги бир дўконга кўзининг қирини ташлаган эди, деворда осифлик соат миллари еттидан ўн дақиқа ўтганлиқини кўрди. Қадамни жадалроқ ташламоқ керак эди, айна пайтда уйни бошқа томондан айланиб ўтмоқ учун йўлни бир оз узун олишга тўғри келарди...

Илгари у буларнинг барини хаёлида гавдалантириб кўрган маҳалларида бундан жуда қўрқиб кетсам керак, деб юрарди. Аммо у ҳозир унчалик қўрқаётгани йўқ, ҳатто деярли сира ҳам қўрқаётгани йўқ эди. Ушбу дақиқаларда унинг хаёлини бутунлай бошқа фикрлар банд қилган, лекин хаёлларининг қўними йўқ эди, улар бир зумда пайдо бўлиб яна бир зумда йўқолар эдилар. Юсупов боғининг ёнидан ўтиб борар экан, у баланд отиладиган фавворалар ва уларнинг майдон ҳавосини қанчалар тозалашини ҳақида айланиб кетди. Кейин у аста-секин агар Ёзги боғни бутун Марс майдонигача давом эттириб, сўнг саройнинг Михайловское боғи билан қўшиб юборилса, унда шаҳар учун жуда

фойдали ва гўзал нарса бўлажаги устида хаёл суриб борди. Шунда бирдан унинг миясига шундай бир фикр келди: нима учун барча йирик шаҳарларда кишилар зарурати бўлмаса ҳам қандайдир бир сабаб билан шаҳарнинг дов-дарахтсиз, боғсиз, фавворалар бўлмаган, ҳамма ёғи ифлос, сассиқ ва чиқиндилар билан тўлган қисмида яшашга мойил бўлиши ҳақида айланиб қолди. Шунда у ўзининг Сенная майдони бўйлаб қилган сайилларини хотирлади ва бир зумга ҳушёр тортди. «Бўлмаган гап, – дея ўйлади у, – яхшиси ҳеч нарсани ўйла-маслик керак!»

«Қаранг, қатлга олиб кетилаётган одамларнинг йўлларида дуч келган нарсаларга хаёллари кетиб қолавериши рост гап экан-да», – бошидан ўтди унинг, лекин бу фикр чақмоқдек пайдо бўлиб тагин дарров сўнди; унинг ўзи бу фикрни тезроқ сўндиришга тиришди... Лекин мана яқин қолди, ана уй, ана дарвоза. Шу пайт қаердадир соат жомининг бир марта урилгани эшитилди. «Нима бўлди? Наҳотки соат етти ярим бўлган? Унчалик эмасдир, соат тез юраётган бўлса керак!»

Унинг бахтига дарвоза олдида бу сафар ҳам ҳеч ким йўқ экан. Бу ҳам майли-ю худди атай қилгандай шу пайт дарвозадан баланд қилиб, хашак ортилган бир арава ўта бошлади, у то дарвозадан ўтгунча араванинг панасида бўлди ва арава ҳовлига кириб бориши билан у ҳам ўзини унғ тарафга қараб урди. Араванинг нариги томонида одамларнинг бақирган-чақирган, гап талашган овозлари эшитилиб турса ҳам, бироқ уни ҳеч ким кўрмади ва ҳеч ким йўлда дуч келмади. Шу тобда ҳайҳотдай чорси ҳовлига қараган кўпгина деразалар ланг очиб қўйилганди, лекин у бошини кўтариб қарамади – мажоли қолмаганди. Кампирникига олиб

чиқадиган зина яқин, шундоқ дарвозадан утилганда, унги томонда эди. У шу тобда зина олдида турар эди...

У нафасини ростлаб, қинидан чиқиб кетай деб ураётган юрагини қули билан босганча, бу орада болтани дам яна бир карра пайпаслаб тўғрилаб, дам-бадам атрофга қулоқ солиб эҳтиёткорлик билан оҳиста юқорига кўтарила бошлади. Зинада одам қораси кўринмас, бум-буш эди; ҳамма эшиклар тим-тирс берк эди; зинада ҳеч кимга тўқнаш келмади. Тўғри, иккинчи қаватда бир бўш хонадоннинг эшиклари ланг очилиб ётар, унинг ичида бўёқчилар ишлашар, лекин улар бу томонга ўгирилиб қарашгани ҳам йўқ. У бир зум тик туриб қолди, ўйланди, сўнг йўлида давом этди. «Қанийди, булар бўлмаганда соз булар эди-я, лекин... ҳали тепада яна икки қават бор-ку».

Ниҳоят, мана тўртинчи қават, ана эшик, рўпарада ана хонадон; анавиниси бўш. Учинчи қаватдаги кампирнинг нақ тагидаги хонадон ҳам афтидан бўшга ўхшайди: эшик тепасига қоқиб қўйилган тахтача олиб ташланганди, демак, кўчиб кетишган. У ҳарсиллай бошлади. Бир зумга унинг миясидан: «Қайтсаммикин?» деган фикр ўтди. Лекин у ўзига жавоб бермасдан, кампирнинг хонадонига қулоқ сола бошлади: жимжит, кейин зинадан пастга қулоқ солиб турди, узоқ, диққат билан тинглади... Кейин сўнгги марта атрофга аланглаб қараб, ўзини тузатган бўлди ва яна бир карра илгакдаги болтани ушлаб кўрди. «Рангим оқариб кетмаганмикин... жуда? – ўйланди у, – ҳаяжонланаётганим билинмасмикин? Кампир ҳар нарсадан шубҳаланаверади... Яна бирпас тўхтаб турсаммикин... Юрагимнинг уриши тўхтагунча?..» Аммо юрак тинадиган эмасди. Қайтанга, аксинча



атай қилгандай борган сари қаттиқроқ-қаттиқроқ урарди... У тоқат қилиб туролмади, қўлини оҳиста қўнғироққа чўзди ва жиринглатди. Ярим дақиқадан сўнг яна чалди, қаттиқроқ чалди.

Жавоб бўлмади. Бекорга чалаверганнинг фойдаси йўқ эди, бунинг устига унга ҳозир ноқулайроқ ҳам эди. Кампир ҳар нарсадан чўчиб шубҳаланиб юргувчи эди, бунинг устига у ҳозир уйда ёлғиз эди. Раскольников унинг одатларини бир оз биларди... шунинг учун яна бир карра қулоғини эшикка қўйди. Унинг туйғулари жуда нозиклашиб кетганмиди (бунга умуман одамнинг ишонгиси келмайди) ёки ростдан ҳам қулоғига барала эшитилдими, ҳарқалай у эшик қабзасига оҳиста қўл урилганлигини, худди қўйлак эшикка тегиб шилдираб кетганлигини пайқади. Кимдир ўзини билинтирмай, эшик ортида турар ва худди унга ўхшаб пусиб, эҳтиёткорлик билан қулоғини эшикка қўйиб тинглар эди...

Раскольников атай қимирлаб қўйди, нимадир деб овозини баландроқ чиқариб гўлдиради, – биқиниб турган экан деган хаёлга бормасин, деб шундай қилди; кейин учинчи бор, лекин энди оҳиста, вазминлик билан шошқалоқлик қилмасдан қўнғироқ чалди. Бу дақиқалар унинг хотирасида бир умрга қаттиқ муҳрланиб қолди, кейинчалик улар кўз ўнгидан худди ҳозир бўлиб тургандай ўтар экан, шунчалар муғамбирликни у қаердан олганлигига ақли бовар қилмасди, ваҳоланки дам ҳуши ўзида бўлиб, дам ўзида бўлмай турган, жисми жони эса худди йўқдай бўлиб қолган бир пайтлари эди... Бир зумдан сўнг эшикнинг очилаётгани эшитилди.

## VII

Эшик ўтган сафар келганида қандай очилган бўлса, бу гап ҳам шундай жиндаккина қия очилиб қоронғилик ичидан унга чақчайган, ҳадиксираб боққан кўзлар тикилди. Шунда Раскольников ўзини йўқотиб қўйди ва сал бўлмаса ишнинг пачавасини чиқарай деди.

Кампир ёлғиз бўлганлиги учун қўрқиб, башараси таниш кўринса ҳам ичкарига киритмай қўйишидан чўчиган Раскольников эшикни ўзига қараб тортди. Буни кўрган кампир эшикни бошқатдан ўзига қараб тортиб ўтирмади, лекин эшикнинг қабзасини қўйиб юбормади, ана шунда Раскольников оз бўлмаса, кампирни эшикка қўшиб зинага судраб чиқай деди. У кампирнинг эшикка кўндаланг бўлиб туриб олиб уни ичкарига ўтказмаётганлигини кўргач, тўппа-тўғри унинг устига қараб бостириб бораверди. Кампир қўрқиб кетганидан жон ҳолатда ўзини бир четга олди, нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин тили калимага келмай, унга бақрайганча тикилиб тураверди.

– Яхшимисиз, Алена Ивановна, – гап бошлади Раскольников иложи борича ўзини бемалолроқ тутиб, аммо овози унга бўйсунмай шамоллаган кишининг товушига ўхшаб бўғилиб қалтираб чиқди, – мен сизга... нарса олиб келдим... мана ўзингиз ёруғроққа келинг... кўринг... – шундан кейин у таклиф қилишларини кутиб ҳам ўтирмай ичкарига юрди. Кампир унинг ортидан йўрғалади, шундагина унинг тили гапга келди:

– Вой, Худо! Сизга ўзи нима керак? Кимсиз ўзи? Нима ишингиз бор?

– Қизиқмисиз, Алена Ивановна... танимадингизми... Раскольниковман... мана, тунов кун айт-

ган нарсамни олиб келдим... – У кампирга олиб келган нарсасини узатди.

Кампир буюмга кўз қирини ташлаган бўлди-ю яна дарҳол чақирилмаган меҳмоннинг кўзларига тикилди-қолди. У диққат билан разм солиб, ишонқирамасдан ёвқараш қилди. Шу алпозда бирмунча вақт ўтди; Раскольниковнинг назарида, ҳатто кампир ҳамма нарсадан хабар топган одамдай масхара қилиб тиржаяётганга ўхшади. Раскольников эсанкираб қолаётгани ва, ҳаттоки, қўрқиб кетаётганлигини сезиб турарди, мабодо кампир яна бир неча сония унга миқ этмай тикилиб турса борми, у қочиб чиқиб кетган бўларди.

– Нега менга танимаган одамга ўхшаб бундай қарайсиз? – деди у бирдан жаҳли чиқиб. – Хоҳласангиз, олинг, бўлмаса, мен бошқаларникига бораман, вақтим зикроқ.

У бундай дейман деб ўйламаганди, лекин қандай оғзидан чиқиб кетганини ўзи билмай қолди.

Кампир меҳмоннинг дадил-дадил гапидан ўзига келгандай бўлиб шаштидан тушди.

– Сизга нима бўлди, отагинам... Бу нима ўзи? – сўради у буюмга имо қилиб.

– Кумуш қути: мен олдинги сафар келганимда сизга айтгандим.

Кампир қўлини чўзди.

– Нега бунча рангингиз ўчиб кетибди? Ана қўлингиз ҳам қалтираяпти! Нима чўмилувдингми, отагинам?

– Безгак тутяпти, – деди Раскольников хириллаб. – Рангинг ўчмай иложи йўқ... ейдиган нарсанг бўлмагандан кейин, – дея қўшиб қўйди базургина. У яна бушашиб борарди. Аммо унинг жавобига ишонса бўлар эди. Кампир буюмни қўлига олди.

– Нима ўзи? – сўради у яна бир карра Раскольниковга диққат билан тикилар экан, у буюмни қўлида чамалаб кўрарди.

– Буюм... Қутича... Кумушдан қилинган... Куринг.

– Кумушдан қилинганга унчалик ҳам ўхшамайди-ку... Ўраб ташлаганини қаранг-чи буни.

У боғланган ипни ечаман деб ёруққа, дераза томонга ўгирилди (кун дим бўлишига қарамай, уйнинг барча деразалари беркитиб қўйилганди) ва бир неча муддат унга орқасини ўгирганча туриб қолди. Раскольников пальтосининг тугмаларини ечди ва болтани илгакдан чиқарди, лекин уни бутунлай чиқармасдан ўнг қўли билан этагининг тагида ушлаб турарди. Унинг қўлида жон қолмаганди; вақт ўтган сайин қўллари тобора увушиб акашак бўлиб бораётганлигини ҳис қилиб турарди. У болтани ташлаб юбормасам, деб чўчимоқдайди... шунда бирдан боши худди айланиб кетгандай бўлди.

– Э, бунча чандиб ташламаса сабилни! – жаҳди чиқиб гапирди кампир ва унга қарайман, деб бурилаётгандай бўлди.

Энди сира ҳам кечиктириб бўлмас эди. У болтани бутунлай чиқариб, уни икки қўллаб азот кўтарди ва ўзи нима қилаётганини билмай, унчалик кучанмай шуурсиз суръатда тўмтоқ томони билан кампирнинг бошига урди. Бунинг учун у сира ҳам куч сарфламаганга ўхшарди. Лекин худди мана шунда, яъни у болтани бир марта ургандан сўнг унда куч уйфонди.

Кампир одатдагидай бош яланг эди. Унинг ҳар доимгидай қуюқ мойланган сийрак, оқ оралаган малла сочлари сичқоннинг думидай қилиб ўриб қўйилган ва энсаси томондан яримта мугуз тароқ билан қадалганди. Кампирнинг бўйи паст бўлганлигидан зарба унинг нақ энсасига тушди. У заифгина қичқириб қўйди; у қўллари билан бо-

шини тўсишга улгурган бўлса ҳам бирдан майишиб қулай бошлади. У бир қўли билан ҳамон «буюм»ни чангаллаб турарди. Шунда Раскольников яна болтанинг орқаси билан унинг миясига урди, яна урди. Қон худди тўнкариб ташланган стакандан оққандай оқа бошлади ва кампир муккасига қулади. Раскольников ўзини орқага олди ва кампир қулагач, дарҳол унинг башарасига қаради; кампир ўлиб қолганди. Кўзлари косасидан отилиб чиққудай олайиб, юзи ва пешонаси эса буришиб, бужмайиб кетганди.

У болтани ўликнинг ёнига қўйиб, ўзига қон тегизмасликка ҳаракат қилганча, кампирнинг ўнг кисасига қўл юборди; ўтган сафар келганида, кампир калитни шу чунтагидан олганини кўрганди. Унинг ҳуши ўзида, энди боши айланмас, кўз ўнги қоронғилашмас, фақат ҳамон қўлларигина қалтираб турарди. У кейинчалик ўшанда ўзининг, ҳатто ҳаддан ташқари эҳтиёткор, ҳушёрлик билан ҳаракат қилганини, иложи борича сирқиб ётган қонни ўзига тегизмасликка уринганини эслайди... Калит дарров қўлига чиқа қолди; ҳамма калитлар ўтган галгидай бир боғ бўлиб бир пўлат ҳалқада турарди. Шу заҳоти у калитларни олиб, ётоқхонага отилди. Бу хона мўъжазгина бўлиб, унда санамлар қўйилган каттакон жавон бор эди. Хонанинг бошқа бир томонига каттакон ўриндиқ қўйилган, унинг устига чиннидай озода қуроқ ипакдан тикилган пахтали кўрпа ёзифлик эди. Хонанинг яна бир деворига эса комод қўйилганди. Қизиқ, у комодга калитни титраб-қалтираб тушириб, сўнг алоҳал қулфнинг жингиллаб очилган овози эшитилиши билан бирдан бутун аъзойи баданида қалтироқ турди. Яна ҳаммасини ташлаб жўнаб қолгиси келди. Лекин бундай ҳолат бир зумгина давом этди; фишт қолипдан кўчганди. У, ҳатто ўзининг бундай қилмоқчи

бўлганидан кулиб қўйди, шунда бирдан миясига келган қўрқинчли фикрдан сапчиб тушди. Унга бирдан худди кампир тирикдай ва ҳозир қўзларини очиб қоладигандай бўлиб туйилди. У калит билан комодни ташлаб мурда томон югурди, болтани олиб, уни яна кампирнинг жасадига ўқталди, лекин урмади. Кампирнинг ўлганига ҳеч шак-шубҳа қолмаганди. У энгашиб мурдага қарар экан, кампирнинг мияси мажақланиб ташланганлиги ва, ҳатто, бир оз қийшайиб қолганлигини аниқ кўрди. У бир хаёлда қўли билан ушлаб ҳам кўрмоқчи бўлди-ю яна дарҳол қўлини тортиб олди; шундоғам ўзи равшан эди. Бу орада қон сирқиб қўлмак бўлиб қолибди. Бирдан у кампирнинг бўйнида тизимча борлигини пайқаб қолди, у тизимчани тортиб кўрди, лекин тизимча жуда пишиқ экан, тортган билан чиқмади; бундан ташқари у қон юқи бўлиб қолганди. У тизимчани қўйин томонидан чиқариб оламан деб уриниб кўрган эди, аммо нимадир халал бериб тиқилиб қолди. Унинг сабр-тоқати тугаб, тизимчани шундай ҳолича болта билан чопиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бунга журъат қилмади ва алоҳал, икки-уч дақиқа овора бўлиб қўллари ва болтани бутунлай қон юқи қилиб, кампирнинг баданига болта тифини теккизмасдан тизимчани қирқиб олди; хато қилмаган экан – бу ҳамён эди. Тизимчага яна мисдан ва сарв оғочидан қилинган икки дона бутча ва сирланган санамча осилганди; буларнинг қаторида унчалар катта бўлмаган анча кирлаб қолган пўлат гардишли, ҳалқали сахтиён ҳамён турарди. Ҳамён ичи тўла эди. Раскольников уни ичига қараб ўтирмай, чўнтагига тикди, бутчаларни эса кампирнинг кўкрагига ташлаб қўйди ва бу гал энди болтани ҳам олиб яна ётоқхонага қараб отилди.

У қаттиқ шошарди, яна қўлига калитларни олиб, яна улар билан овора бўлиб қолди. Лекин ҳеч иши юришмасди, биронта калит тушмасди. Гап қўларининг қалтир-қалтир қилиб турганлигидангина эмасди, аммо унинг ўзи керакли калитни сира тополмаётган эди: масалан, калит қулфнинг ичига тушмаётганлигини кўриб турса ҳам бари бир яна у билан очишга уринаверарди. Кутилмаганда, у калит катта эди-ку, деб эслаб қолди, унинг сал туртиб чиққан тиши бор эди, мана у бошқа майда калитчаларнинг ичида ликиллаб турибди, лекин у албатта комодники бўлмаслиги ҳам мумкин (ўтган сафаргидай яна миясига шу фикр келди), биронта бошқа қутиники бўлса ҳам ҳеч ажабмас, кампирнинг ҳамма нарсаси ўша қутига яшириб қўйилгандир, балки. У комодни ташлаб, шу заҳоти каравотнинг тагини қарай ббшлади, у кампирлар ўз қутиларини одатда каравотларнинг тагига қўйиб юришларини биларди. Худди ўзи: узунлиги бир газдан ортиқроқ келадиган, устига қизил саҳтиён қопланган, қопқоғи думалоқ қилиб ишланган, пўлат михлар билан маҳкамланган қути бор экан. Бояги тишли калит унга дарров туша қолди ва қути очилди. Энг тепада оқ чойшабнинг тагида алвон матога ўралган қуён терисидан қилинган пўстин; унинг тагида ипак кўйлак, кейин шол рўмол, унинг тағларида ҳам ҳар турли латта-путталар ётарди. У ҳаммадан бурун алвон матога қон юқи бўлиб кетган қўлларини арта бошлади «Қизилда, қизил матода қон юқи унчалар билинмайди», деган хаёл миясига келди-ю бирдан сергак тортди: «Ё Раббим! Нима бўлди ўзи менга, наҳот миямни еб қўйган бўлсам?» – ваҳимаси келиб кетди унинг.

Бироқ у латта-путталарга қўл урар-урмас кутилмаганда бирдан пўстинчанинг тагидан олтин соат сирғалиб тушди. Шундан кейин у ҳамма

нарсани тит-пит қилиб ташлади. Ростдан ҳам латта-путталарнинг тағларига, ораларига тилла буюмлар – афтидан, ҳаммаси муддати ўтган ёки ҳали ўтмаган гаровга қўйилган буюмлар шекилли, – билагузуклар, занжирлар, сирғалар, тўғноғичлар тиқиштириб ташланган эди. Уларнинг баъзи бирлари қутичаларга солинган, бошқа бирлари икки қават қилиб жуда эҳтиёткорлик билан авайлаб газета қоғозларига уралган ва белидан ип билан боғлаб қўйилган эди. У дарҳол уларни шимининг, пальтосининг чунтакларига ура бошлади, у, ҳатто ўроғлиқ қоғозларни, қутичаларни нима бор экан, деб очиб ҳам ўтирмади, лекин у кўп нарса олишга улгургани йўқ...

Бирдан кампирнинг мурдаси ётган хонадан қадам товушлари эшитилгандай бўлди. Раскольников қимир этмай, уликдай қотиб қолди. Йўқ, жнмжит, балки унга шундай туйилгандир. Бирдан биров қичқиргандай ва худди кимдир хириллаб инграб юборгандай бўлиб аниқ эшитилди. Кейин яна бир неча дақиқа жимлик, сукунат чўкди. У сандиқнинг олдида чўкка тушганча ўтирар ва нафасини ростлаб кутарди, бироқ бирдан дик этиб ўрнидан турди-да, қўлига болтани олиб, нариги хонага югуриб чиқди.

Хонанинг ўртасида қўлида каттакон тугун кўтариб олган Лизавета ўлиб ётган опасига анг-танг бўлиб қараб турар, ранглари дока бўлиб кетган, ҳатто бақиришга ҳам мажоли қолмаганга ўхшарди. Раскольниковнинг отилиб чиққанини кўриб, у япроқдай дағ-дағ қалтирай бошлади, чеҳраси даҳшатдан қийшайиб кетди; у қўлини кўтарди, бақирмоқчи бўлиб оғзини очди, аммо бари бир бақирмади ва ундан кўзларини узмаган ҳолда аста-секин орқасига – бурчакка сурилиб кета бошлади, лекин у ҳамон қичқирмас, худди қичқиришга сира на-



фаси етишмаётгандай эди. Раскольников қўлида болта билан унга томон ташланди: Лизаветанинг лаблари худди бирон нарсадан қўрқиб кетган ва қўрқитиб юборган нарсага қараб туриб энди бақираман деб турган болаларникига ўхшаб, аянчли суръатда бурилиб кетди. Бу шўрлик Лизавета шунчалар ҳам содда, муштипар, бир умрга юрагини олдириб қўйган уволгина жон эдики, худди мана шу онларда башарасига болта кўтариб, ураман деб турган пайтларида ҳам ўзини ҳимоя қиламан деб, ҳатто қўлини кўтармади, қўллари билан юзларини тўсмади. У фақат бўш турган чап қўлини пичагина кўтариб, қўлини болтага чўзиб, гўё уни четлаштирмоқчидай бўлди. Болтанинг тиғи нақ унинг қаншарига келиб тушди ва миясини қоқ иккига бўлиб юборди. Лизавета шилқ этиб қулади. Раскольников бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, унинг тугунини кўтариб олди, кейин яна ташлаб юборди ва даҳлизга қараб чопди.

У қаттиқ қўрққан, юраги кутилмаганда рўй берган манови иккинчи қотилликдан кейин, айниқса така-пука бўлиб кетмоқдайди. Ва агарда у шу дақиқаларда фикрини бир ерга йиғиштириб уйлаб кўрганда, қилган ишларини кўздан кечиролганда эди, ўзининг ночор, аянчли, мудҳиш, сира ақлга тўғри келмайдиган ушбу ҳолатини ва бунинг бошга соладиган мушкуликларини кўз ўнгига келтиролганда эди, ҳали бу ердан то уйга етиб боргунича қанчадан-қанча қийинчиликларни ва балки ёвузликларни бошдан кечиришга, амалга оширишга тўғри келиши мумкинлигини англаганида эди, ана унда эҳтимолки, ҳаммасини ташлаб, ўша заҳоти ўзи қилмишини буйнига олиб, керакли жойга борган, буни ўзидан қўрққанидан эмас, балки ваҳшиёна ишидан нафратга тўлиб, даҳшатга тушиб шундай қилган бўлар эди. Борган сари

ўзи қилиб қўйган ишдан ўзининг кўнгли айниб бормоқда эди. Энди дунёдаги ҳеч бир нарса уни яна ичкарига киришга, сандиқ титкилашга мажбур қила олмасди.

Лекин у фикри сочилиб кетиб, алақандай фаромуш бўлиб қолди, ҳатто нимагадир хаёли кетиб қолаётгандай бўла бошлади: шундай дақиқаларда у бутунлай ҳеч нарсани англаёлмас ёки бошқачароқ қилиб айтганда, асосий нарсани унутиб, майда нарсаларга ёпишиб оларди. Дарвоқе, у ошхонага қараб, у ерда челақда яримлаб қолган сув турганлигини кўрди-да, қўллари билан болтани ювиб олиш кераклиги эсига тушди. Қўллари қон юқи бўлиб қолган, чилп-чилп бир-бирига ёпишарди. У болтанинг юзини челақка ташлаб қўйди, деразадаги ўртасидан бўлинган кичкина совун идишда ётган олқинди совунни олиб челақда қўлини юва бошлади. У қўлларини ювиб бўлиб болтани олди, аввал тифини ювди, кейин эринмасдан унинг сопини тозалади, сопининг баъзи ерларида қон ёғочнинг ораларига, кириб қолганидан у буларни ҳам совун билан ювиб кетказдим, бунга унинг анча — уч дақиқача вақти кетди. Кейин ҳаммасини ошхонага тортилган дорда осифлиқ турган ювилган кирларга артди, кейин дераза олдига бориб, болтани узоқ кўздан кечирди. Қон изи бутунлай қолмаган, фақат болтанинг сопи ҳали ҳўл эди. У болтани шопилмасдан пальтонинг ичидаги илгакка жойлади. Кейин ошхонанинг хира ёруғида пальто, шими, этикларини яхшилаб кўздан кечирди. Ташқаридан қараганда, бир қарашда ҳеч нарса билинмас эди. Фақат этикда доғ излари бор эди. У латтани ҳўллаб, этигини артди. Воқеан, ўзининг аҳволи яхши эмаслигини, унинг кўзларига ташланмаётган, лекин бошқаларга кўриниб турган нарсалар борлигини билар эди. У серрайиб хона ўртасида ўйланиб

туриб қолди. Оғир ва бадбин бир уй уни қийнай бошлади – мен бутунлай телбалик қияпман, мен фикр-мулоҳаза қилолмай қолдим, шу тобда ўзимни ҳам ҳимоя қила билмайман, деб ўйларди у, балки ҳозир қилиб турган ишининг сира кераги йўқдир, балки ҳозир бутунлай бошқа нарсани қилиш керакдир... «Ё Раббим! Қочиш керак, қочиш!» – дея ғўдиради у ва ўзини эшик томонга урди. Лекин эшик олдига келиб, шунчалар даҳшатга тушдики, бунақасига умрида энди дуч келиб туриши эди..

У қараб ўз кўзларига ишонмасди: зинадан кириладиган, ўзи ҳам боя қўнғироғини чалиб кириб келган эшик очиқ турар, ҳатто одамнинг қўли сиғадиган бўлиб, қия очилиб қолганди: шунча пайт ўтибди, шунча ишлар бўлибди-ю на у қулфланибди ва на унга тамба солинибди! Кампир, балки эҳтиёткорлик қилибми, у киргандан кейин эшикни беркитмаган экан. Ё Раббим-ей! Ахир у кейин Лизаветани кўрди-ку! Қаранг, қаранг, ахир бу қаердан кириб келди ўзи, деб мундоқ ўйлаб ҳам кўрмабди-я! Деворнинг ёриғидан ўтмагандир-ку ахир!

У эшикка отилди ва дарҳол унинг иллагини солиб қўйди.

– Йўқ, ундай эмас, унақамас! Кетиш керак, кетиш... У илгакни тушириб, эшикни очди-да, зинага қулоқ сола бошлади.

У анчагача қулоқ солиб турди. Қаердадир олисда, пастда, афтидан, дарвоза олдига бўлса керак, икки одамнинг чийилаб бақиргани, баҳслашгани, талашингани эшитиларди. «Нима қилишяпти ўзи?..» у нафасини ичига ютиб кутди. Ниҳоят, бирпасда ҳаммаси худди сув қуйгандай жим бўлиб қолди; тарқалишди чоғи. У энди чиқаман, деб турган эди, лекин бир қават пастдаги уйнинг эшиги тарсиллаб очилди-да, алаким хиргойи қилганча,

пастга тушиб кета бошлади. «Булар мунча шовқин қилишмаса – хаёлидан ўтди унинг. У яна эшикни ёпиб, кута бошлади. Ниҳоят, сукунат чўқди, одам шарпаси қолмади. У энди зинадан бир қадам ташламоқчи бўлиб турган эди ҳамки, яна пастдан кимнингдир қадам товушлари эшитилди.

Бу қадам товушлари узоқдан элас-элас эшитилган, пастки қават зинасидан келаётган бўлса ҳам у товушни эшитар-эшитмас нима учундир бу товуш эгалари худди мана шу томонга, тўртинчи қаватга, кампирникига келаётганлигини ҳис қилганди, у буни жуда яхши ва аниқ эслайди. Нимага? Овозлар қандайдир бошқачароқмиди, ўзига хос бир ишораси бормиди? Қадам товушлари босиқ, бир маромда, шошилмасдан чиқарди. Мана у биринчи қаватдан ўтди, ана яна бир қават кўтарилди; борган сари яқинлашиб келмоқда, борган сари. Зиналардан чиқиб келаётган кишининг оғир ҳансирагани эшитилди. Мана, учинчи қават ҳам бошланди... Бу ёққа экан. Шунда бирдан у ўзининг шамдай қотиб қолганлигини ҳис қилди, буларнинг бари гўё тушда бўлаётгандай эди, сени қувлаб келмоқдалар, сени ўлдирмоқчилар, ана, яқин қолди, сен эса қочолмайсан, қоқиб қўйилгандек ўрнингдан жила билмайсан, қўлларинг ҳам тошдек бўлиб қолган.

Ва ниҳоят, келаётган одам тўртинчи қаватга кўтарила бошлаган чоғдагина у бирдан сергак тортиб, овоз чиқармасдан тезлик билан зина саҳнидан уй ичига кириб олди ва эшикни беркитди. Кейин илгакни секингина, эшитилмайдиган қилиб илиб қўйди. Унга табиатнинг ўзи кўмак бермоқда эди. Бу ишларни битириб бўлиб у нафас чиқармасдан шу ернинг ўзида кута бошлади. Чақирилмаган меҳмон эшикка етиб келган эди. Улар энди бир-бирларига рўпарама-рўпара бўлиб, яқиндаги-

на кампир билан у қандай турган бўлса, шундай туришарди, ўртада уларни фақат эшик ажратиб турарди, холос.

Меҳмон бир неча марта чуқур нафас олиб ўзини ростлаб олди. «Баҳайбат, семиз одамга ўхшайди», – хаёлидан ўтказди Раскольников болтани қўлида қисганча. Ростдан ҳам буларнинг бари тушга ўхшарди. Меҳмон қўнғироқни қаттиқ босиб жиринглатди.

Қўнғироқнинг шанғиллаган овози янграб кетган замон, назарида бирдан хонада биров қимирлаб қолгандай бўлди. Бир неча сония у, ҳатто диққат билан қулоқ солди. Нотаниш киши қўнғироқни тағии чалди, яна бирпас кутди, кейин бирдан кучининг борича эшикнинг қабзасидан ушлаб, торта бошлади. Раскольников даҳшат ичра илгакнинг ликиллашига қарар ва унинг алоҳал чиқиб кетишини юраги пўкиллаганча кутарди. Чиндан ҳам эшик шунчалар қаттиқ тортилмоқда эдики, илгакнинг чиқиб кетиши ҳеч гап бўлмайд қолганди. Раскольников илгакни қўли билан ушлаб турмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин анов билиб қоладими, деб чўчиди. Унинг боши яна худди айланиб кетаётганга ўхшади. «Ҳозир йиқилиб тушаман!» дея хаёлидан ўтказди у, лекин шу пайт нотаниш одам фўнғиллаб гапириб қолганди, Раскольников дарҳол ўзига келди.

– Тиррақдек қотиб ётишибдимми, нима бало, ёки битта-яримтаси бўғиб ўлдириб кетдимми? Лаънатилар! – дея бақирди у худди бочканинг ичидан бақиргандай йўғон овоз билан. – Ҳей, Алена Ивановна, қари алвасти! Лизавета Ивановна, маликаи мутарро! Очинглар! Вой, лаънатилар, ухлаб қолишганми дейман?

Шундан кейин яна кетма-кет ўн маротабача қўнғироқни куч билан чалди. Афтидан, бу уйда гапи гап, дегани деган одам бўлса керак.

Шу пайт зинадан шошилиб ташланган майда қадам товушлари эшитилди. Яна аллаким келмоқда эди. Раскольников қадам товушларини жуда яқин келгандагина эшитди.

– Наҳотки, ҳеч ким бўлмаса? – жарангдор ва қувноқ овоз билан мурожаат қилди янги келгани ҳамон қўнғироқни чалиб турган аввалги одамга. – Салом, Кох!

«Овозига қараганда, афтидан, жуда ёш булса керак», – хаёлидан кечирди бирдан Раскольников.

– Э, ким билади дейсиз, турмини бузишимга сал қолди, – жавоб қилди Кох. – Сиз мени қаердан биласиз?

– Ана холос! Уч кун бурун «Гамбринус»да билъярд ўйнаб, уч марта сизни эзиб қўйган эдим-ку.

– Э-э-э...

– Нима, уйда йўқ эканми улар? Қизиқ. Дарвоқе, чатоқ-ку, тоза расво бўлди. Кампир қаёққа кетган бўлиши мумкин? Ишим бор эди.

– Э, мен ҳам иш билан келган эдим, отахон!

– Ҳай, нима ҳам қилдик? Қайтамиз-да, энди. Э-эҳ! Мен бўлсам пул олиб келаман, деб юрибман! – бўғилди йигитча.

– Қайтмаганда нима қилардик нега ўзи кел, деб тайинлайди? Алвастининг ўзи шу пайтда келгин, деган эди. Айланишга йўлим ҳам жуда чап. Қаерда тентираб юради ўзи билмайман? Йил бўйи уйдан чиқмай ўтиради ялмоғиз, ачиб-сасиб, бел оғриғи, оёқ оғриғи бўлиб юради, мана энди бўлса сайрга чиқиб кетибдилар, бу кишим!

– Қоровулдан сўрасакмикин?

– Нимани?

– Қаерга кетган, қачон келаркин деб?

– Ҳмм... Қурғур... Сўрасак денг... Ахир у ҳеч қаерга бормайдиган одам... – у яна бир карра эшикнинг қабзасидан тортиб кўрди. – Қурғур, нима ҳам қилардик, борамиз-да!

– Тўхтанг! – қичқирди бирдан ёш йигит, – қаранг: агар тортсангиз, эшик берига келишини кўрдингизми?

– Ҳуш?

– Демак, эшик қулфланмаган, балки илгагига илиб қўйилган! Эшитяпсизми, илгакнинг шиқирлашини?

– Ҳуш?

– Э, қанақа тушунмайдиган одамсиз ўзингиз? Бу уйда одам бор дегани. Агар ҳаммалари кетишганда, ташқаридан қулфлаб кетган бўлишарди, илгак илиб ўтиришмасди. Ҳозирчи, эшитяпсизми, илгакнинг шиқирлашини? Илгакни ичкаридан илиб ўтириш учун уйда одам бўлиши керак, билдингизми? Бу деган сўз уйда ўтиришибди, лекин очишмаяпти!

– Ваҳ! Муни қаранг, гапингиз ростга ўхшайди! – қичқириб юборди ҳайрон бўлиб қолган Кох. – Нима қилиб ўтиришибди бўлмасам! – У эшикни бор кучи билан торта бошлади.

– Тўхтанг! – қичқирди яна йигит, – тортманг! Бу ерда бошқа гап борга ўхшаб қолди... Сиз қўнғироқни чалиб ҳам кўрдингиз, эшикни тортиб ҳам кўрдингиз – бари бир очишмаяпти; бу деган сўз улар ё ҳушдан кетиб қолишган ёким...

– Нима?

– Нима дейми: яхшиси, юринг, қоровулни чақириб келамиз; унинг ўзи уларни уйғотсин.

– Маъқул! – Ҳар икковлари пастга қараб юра бошлашди.

– Тўхтанг! Яхшиси, сиз шу ерда бўлиб туринг, мен эса пастдан қоровулни чақириб чиқаман.

– Қолиб нима қиламан?

– Бир кори ҳол бўлса, дейман-да.

– Рост айтасиз...

– Мен ҳозир суд терговчилигига ўқиб юрибман!  
Куриниб турибди, кўриниб, бу ерда бир-р гап-п бор-р! – қизишиб деди йигит ва пастга югургилаб тушиб кетди.

Кох қолди, қўнғироқни яна бир марта чалиб кўрди, қўнғироқ бир марта чалинди; кейин худди ўйлаб, қараб кўраётган одамдай эшикнинг ростдан ҳам фақат илгакка илиб қўйилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг қабзасини дам узига тортиб, дам пастга қилиб қимирлатиб кўра бошлади. Кейин уфлаб-суфлаб энгашди-да, калитнинг тирқишидан қарамоқчи бўлди, бироқ калит уясида турганлигидан ҳеч нарсани кўриб бўлмади, албатта.

Раскольников болтани маҳкам ушлаганча турарди. У худди алаҳсираётганга ўхшарди. У ҳатто агар улар бостириб кириб қолишадиган бўлса, улар билан олишаман, деб тайёрланарди. Улар эшик орқасида гаплашиб, бир-бирларига гапларини маъқуллашиб туришган маҳалда бир неча марта шарт эшикни очиб юборгиси ёки эшик ортидан туриб қичқиргиси, ўзини маълум қилгиси келиб кетди, ҳаммаси батамом тугаб қўя қолсин, деди. Шундай ҳам бўлдики, улар билан сўкишгиси, уларнинг гашларига теккиси, то эшикни очиб кирмагунларича, майна қилиб тургиси келди. «Тезроқ бўла қолса-чи!» – хаёлидан ўтди унинг.

– Ҳе, жин урсин...

Бирин-сирин вақт ўтиб борар – ҳеч кимдан дарак йўқ эди. Кох сабрсизлана бошлади.

– Жин ургур қаёқда қолди ўзи!.. – дея қичқирди у бирдан ва тоқати тоқ бўлиб қоровулчиликни ҳам



ташлади-да, шоша-пиша этикларини гурсиллатиб пастга тушиб кетди. Қадам товушлари тинди.

– Ё Раббим, нима қилдим энди? Раскольников илгакни туширди, эшикни оҳиста очиб кўрди, жимжитлик, шунда бирдан ҳеч нарсани уйлаб ўтирмай, эшикдан чиқди-да, уни иложи борича зичлаб ёпди ва пастга қараб туша бошлади.

У эндигина уч зинадан тушган эди ҳамки, бирдан пастдан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Энди қаёққа боради! Беркиниб турадиган жойнинг ўзи йўқ эди. Бир хаёли орқага, яна хонадоннинг ичига қочиб кирай деди.

– Ҳой, жиннивой, тентак! Ушла!

Кимдир пастдаги уйдан қичқириб чиқди ва зиналардан пастга чолиб эмас, худди думалаб тушгандай бўлди, сўнг бўкирган овоз эшитилди:

– Митька, Митька! Митька! Митька! Митька! Ҳе, жин урсин сени-и!

Бақариқ кетидан чинқирган овоз келди; кейин овозлар ҳовлидан эшитила бошлади; кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Лекин шу заҳоти бир қанча киши вафир-вуғур қилиб, гаплашиб, зиналардан кўтарилиб кела бошлади. Улар уч ёки тўрт киши эди. Раскольников йигитнинг янгроқ овозини эшитди. «Улар!»

У булар иш бўлди, деб уларга томон тушиб бора бошлади: бошга тушганни кўз кўрар! Агар тўхташишса, ҳаммаси тамом бўлди, агар ўтказиб юборишса ҳам ҳаммаси тамом бўлди: уни эслаб қолишади. Улар яқинлашиб қолишди: ўртада фақат бир зина қолди ва бирдан нажот топилди! Ундан бир неча зина пастда иккинчи қаватдаги эшикларини очиб ётган хонадон бўм-бўш турарди, уни бўёқчилар бўёқдан чиқаришаётган эди, шу тобда атай қилгандай улар қаёққадир чиқиб кетишган эди. Ҳозиргина бақаришиб-чақаришиб

қувалашиб тушиб кетишган ушалар бўлса, эҳтимол. Поллар ҳозиргина бўялган, хонанинг уртасида бўёқ ва чуткалар солинган идишлар турарди. У ҳаш-паш дегунча ўзини очиқ эшикка урди ва девор панасига яширинди. Хуп вақтида беркинган экан: пастдан чиқиб келаётганлар иккинчи қаватнинг саҳнига келиб қолишганди. Улар бурилиб тепага чиқиб кета бошладилар, ҳаммалари овозларини баланд қўйганча гаплашиб боришарди. У андак кутиб турди, кейин оёқ остида юриб ташқари чиқди ва ўзини пастга урди.

Зина кимсасиз эди! Дарвозахона олдида ҳам ҳеч ким йўқ экан. У дарвозадан тезгина ўтиб, кўчадан чап томонга бурилиб кетди.

Улар шу дақиқаларда хонадонга кириб борганларини, ҳозиргина ёпиқ эшик очилиб қолганлигини кўриб, ҳайрон бўлиб турганларини, энди мурдаларга кўзлари тушганлигини ва бир дақиқалардан сунг улар бу ерда ҳозиргина қотил бўлганлигини ва бу орада бирон ерга яшириниб улгурганлигини, уларнинг ёнгиналаридан ўтиб, қочиб кетганлигини англаб, билиб олажакларини Раскольников жуда яхши тушунар, аъло даражада яхши биларди; улар ўзлари юқорига чиққунларича қотил бўш хонадонда яшириниб турганлигини ҳам фаҳмлайдилар, балки. Шундай бўлишига қарамасдан у сира ҳам қадамини жадаллата олмас эди, гарчи биринчи бурилишгача юз қадам қолган бўлса-да, у бундай қилолмасди. «Биронта бошқа уйга ўзимни уриб, ҳеч ким танимайдиган ерда кутиб турсаммикин? Йўқ, бўлмайди! Болтани ташлаб юборсаммикин? Извошга ўтирсаммикин? Чатоқ! Чатоқ!»

Ниҳоят, мана тор кучага ҳам келди; у кучага бурилганда, ўлик-тиригини билмасди; энди у ўзини ҳарқалай қутқарган эди, буни у биларди; бунинг устига бу кўчада одам гавжум, шубҳаланувчилар

камроқ бўлади, у одамлар ичида гўё бир зарраи хок каби йўқолиб кетар эди. Бироқ бошидан кечирган ҳад-ҳисобсиз азоб-уқубатлар уни шунчалар ҳолдан тойдирган эдики, оёғини базур судраб босарди. Аъзойи бадани терга фарқ бўлганди; бўйни сув бўлиб кетганди; «Роса ичиб олибди-ку!», дея қичқирди кимдир ортидан у канал олдига чиққанда.

Унинг ҳуши бошидан учганди; борган сари баттарроқ бўлиб бормоқдайди. Бари бир шунда ҳам у канал олдидан чиқиб, бу ерда одам камлигини кўриб қўрқиб кетган, бунақа жойда сезиб қолишлари мумкин, деб орқага, тор кўчага қайтиб кетмоқчи бўлганлиги аниқ эсида бор. Оёқдан қолиб тиззалари қалтираб бораётганлигига қарамасдан у нима бўлмасин, айланиб бориб, уйга бутунлай бошқа томондан келди.

Уз уйининг дарвозасидан қандай кириб борганлигини яхши эслолмайди; ҳар ҳолда у зиналарга томон юриб, кейин шундагина болтани эслади. Ваҳоланки, болтани қайтиб жойига қўйиш, буни биронта ҳам кимсага билдирмаслик керак эди. Албатта, у ҳозир болтани эски жойига қайтариб қўймаса ҳам бўлади, уни майли, кейинроқ бўлса ҳам бошқа бир ҳовлига ташлаб келиш мумкин. Лекин буни мулоҳаза қилиб кўришга унда мажол қолмаган эди.

Бироқ ҳаммаси жойида бўлди. Қоровулхонанинг эшиги қулфланмаганди, афтидан, қоровул шу яқин атрофда эди. Аммо Раскольников шунчалар ақли ҳушини йўқотиб қўйган эдики, тўппа-тўғри қоровулхонага келиб эшигини очди. Агар қоровул: «Нима керак?» деб сўраганда, у эҳтимол индамай-нетмай болтани узатган бўлар эди. Аммо қоровул йўқ экан, ва у болтани аввалги жойига, ўриндиқнинг тагига қўйишга улгурди, ҳатто олдингидай қилиб устига палён ташлади. Кейин то

Ўзининг хонасига етгунча бирон кимсани, бирон тирик жонни учратмади; беканинг эшиги берк эди. Ўз хонасига кирди-ю қандай бўлса шу ҳолича ўзини диванга ташлади. У ухлаб қолмади, лекин аллақандай беҳушликка чўмди. Агар уша пайтда унинг олдига биров кириб борганда эди, у шу заҳоти сакраб туриб бақириб юборган бўларди. Аллақандай парча-парча, узук-юлуқ фикрлар унинг калласида ғужғон уйнарди, лекин улардан бирон-тасини тутиб қололмас, бирон-тасига тўхталиб туролмас, қанча зур бермасин, бари беҳуда эди...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### I

Шу аҳволда у узоқ ётди. Гоҳо уйғониб кетгандай ҳам булар, мана шундай пайтларда аллақачон тун кирганлигини сезар, лекин ўрнидан туриш эсига келмасди. Ниҳоят, у ҳамма ёқ тонг отгандек ёришиб қолганлигини сизди. У диванда юзтубан ётар, ҳамон яқиндагина бўлиб ўтган беҳушликнинг асорати аримаган, карахт эди. Унга куча томондан дод-фарёд кугариб, бақирган кўрқинчли овозлар эшитилиб турар, воқеан, ҳар куни соат учларда у ўз деразаси тагида мана шундай бақир-чақирларни эшитарди. Унинг ўзи ҳам шу шовқин-сурондан уйғониб кетди. «Уҳ! Ана қовоқхоналардан маст-аластлар чиқиб келишяпти, – уйлади у. – Уч бўлибди-да, – шунда худди биров қўлидан тортиб, турғизгандай у дивандан сакраб туриб кетди. – Ёпирай! Наҳот уч бўлса!»

У диванга ўтирди – шунда ҳаммаси эсига тушди! Бирдан, бир зум ичида барини эслади!

Аввалига у ақдан озиб қоламан, деб ўйлади. Аъзойи бадани даҳшатли суръатда тўнғиб совқотиб кетди, лекин бу жунжикиш у уйқуда ётган маҳалда бошланган безгакнинг натижаси ҳам эди бир томондан. Мана энди у шунчалар ҳам совқотиб кетдики, тишлари шақиллай бошлади, ўзи эса қалт-қалт қилиб, қалтирагани-қалтираган эди. У эшикни очиб, қулоқ сола бошлади: уйда ҳамма ухлаб ётарди. У ўзини, хона ичини ҳайрат ичида кўздан кечирар ва қандай қилиб уйга келиб эшикни беркитмай, илгагини солмай, эгни боши билан

Ўзини диванга ташлаб, қотиб қолганлигига тушуниб етмасди. Ҳатто мана шляпасини ҳам ечмаган экан: у пастга тушиб кетибди, полда ёстиқнинг ёнида думалаб ётибди. «Агар биров кириб қолгандами, нима деб ўйлаган бўларди? Маст бўлиб қолибди дерди. Лекин...» У ўқдай отилиб, дераза олдига борди. Анча ёруғ бўлиб қолганди, шундан сунг у биронта из-пиз қолмаганмикин, дея тезлик билан ўзини бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқа бошлади, ҳамма кийимларини синчиклаб қараб чиқди. Лекин бунақада унча билинмас экан, у безгакдан титраб-қақшаб эгини еча бошлади ва ҳаммасини бирма-бир кўздан ўтказишга киришди. У барини чок-чокигача айлантириб-ўгириб қараб, яна ўзига ишонмасдан уч бор бошқатдан текшириб чиқди. Аммо афтидан ҳеч қандай из қолмаганга ўхшаб турарди. Фақат шимининг по-часи титилиб кетган, ипи титилиб, осилиб турган ерида қон қотиб қолганди. У каттакон қаламтарошини олиб қон юқи ипни кесиб ташлади. Шундан бошқа из қолган ҳеч нарса йўқ эди чамаси. Бирдан у кампирнинг ҳамёни ва сандиқларидан олинган нарсалар ҳамон чўнтагида ётганлигини эслаб қолди! У ҳалигача буларни чўнтақларидан олиб яшириб қўйишни хаёлига ҳам келтирмаганди! У то кийимларини ечиб, уларни бир бошдан кўздан кечирмагунча ҳам олинган нарсаларни эсламаганди! Нима бўлди ўзи! У шошиб-пишиб уларни чўнтақларидан стол устига олиб ташлай бошлади. У ҳаммасини чиқариб бўлгач, яна қолмадимикин, деб, ҳатто чўнтақларини афдариб қаради, кейин бу нарсаларнинг барини бурчакка олиб ўтди. Бурчакда деворга ёпиштирилган қоғоз кўчиб очилиб қолган бир жой бор эди: у дарҳол нарсаларни шу тешикка тиқиштира кетди. «Бўлди! Кўздан нарироқ турсин ҳамён ҳам!» – ўйларди у хурсанд бў-

либ кетиб, кейин ўрнидан туриб, дўппайиб қолган тешик оғзига бақрайиб қараб қолди. У дафъатан кўрқиб, қалтираб кетди: «Ё Раббим, – пичирлади у қаттиқ изтироб ичида, – менга нима бўлди ўзи? Шу ҳам беркитиш бўлди-ю? Ким шунақа қилиб яширади?»

Рост, у чўнтагимга буюмлар солиб олиб келаман, деб ўйламаганди, фақат пул олсам керак, деб тахмин қилганди, шунинг учун ҳам олдиндан жой тайёрлаб қўймаганди, «лекин мана энди, энди нимага суюниб ўтирибман? – уйларди у. – Ким шунақа қилиб яширади? Ҳақиқатан, ақлдан озиб бораётибман!» У беҳол бўлиб диванга чўкди ва шу заҳоти уни яна чидаб бўлмайдиган безгак тута бошлади. У ғайришуурий бир ҳаракат билан шундоқ стулда ётган, анча тўзғиган, талабалик пайтларидида қишда киядиган қалингина пальтосини олиб, унга ўранди ва шу ондаёқ уни безовта, бесаранжом уйқу ўз комига тортди. У ҳушдан кетди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас у сапчиб ўрнидан турди ва дарҳол яна ўз кийимларини кўздан кечири бошлади. «Ҳали ҳеч нарса қилиб улгурмасимдан ётиб олганимни-чи! Худди ўзи, худди ўзи: пальтодаги боғични ҳалиям олиб ташламаган эканман! Эсимдан чиқибди, шундай нарсани эсдан чиқариб ўтирсам-а! Ашёвий далилнинг ўзи-ку, бу!» У боғични юлиб олиб, уни лахтак-лахтак қилиб йиртди-да, ёстиғи тагидаги кир-чирнинг ичига тиқиб юборди. «Бу парча-пурча латта ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди; ишқилиб шундай бўлсин, ишқилиб шундай бўлсин!» – такрорларди хона ўртасида турганча, у ҳамма ёқни яна жуда қаттиқ диққат қўйиб текшири бошлади, ҳеч нарсани унутмадиммикин, деб полларни, бари-барини кўздан кечирди. Ҳамма нарсани эсдан чиқариб қўяётибман, яхши мулоҳаза қилиб кўролмайдиган

булиб қолаётиман, деган фикр уни қаттиқ қийнаб, изтиробга солмоқдайди. «Нима, наҳотки дарров бошланаётган бўлса, наҳотки, ҳалитдан бу қаттол азобга қолсам? Ана, ана, айтмадимми!» Ҳақиқатан ҳам шимнинг почасидан қирқиб ташланган қон юқи бўлган қийқимлар хонанинг ўртасида сочилиб ётарди, атай кирган одам кўрсин деб қўйилгандай эди! «Нима бўляпти ўзи менга!» – қичқирди у телбаланиб.

Шунда унинг калласига ғалати бир фикр келди, балки унинг бутун кийимлари қонга беланган бўлиб, ҳамма ёғини доғ-дуғ босиб кетгандиру, лекин улар фақат унинг кўзларига кўринмаётгандир, чунки хаёли паришон бўлиб қолди, фикри ўтмаслашган, заиф... идроки йўқолган... Бирдан у ҳамён қон юқи эмасмиди, деб эслаб қолди. «Эҳе! Демакки, унда чўнтакларим ҳам қон юқи бўлган экан-да, негаки, ўшанда ҳамённи қонлигича чўнтагимга солган эдим!» У дарров чўнтагини ағдариб қаради – айтмовдимми – чўнтакнинг ичи қон юқи бўлиб қолганди! «Бундан чиқди, ҳали ақли ҳушим ўзимда экан... бундан чиқди, эсим, идроким жойида. Ўзим буларни эслаб топганимдан кейин ақлим жойида эканлиги шу-да! – ўйлади у мамнун бўлиб ва кўнгли ёришиб чуқур хўрсиниб қўйди, – безгак жуда силламни қуритиб ташлаганда, фақат бирпасгина алаҳлаганман», – у шимининг чап чўнтагини йиртиб олди. Шу пайт офтобнинг шуъласи унинг чап этигига тушиб, уни ёритди: чап этигининг учидан чиқиб турган пайпоғида худди доғ борга ўхшаб туйилди. У этикни ечиб ташлади: «Ростдан ҳам доғ қолган экан! Пайпоқнинг учи шундай қонга ботиб қолган»; у қон кўлмагини эҳтиётсизлик қилиб босиб ўтган бўлса керак... «Лекин буни энди нима қилиш керак? Бу пайпоқ, анов қийқимлар билан чўнтакни қаерга қўяман?»



У буларнинг ҳаммасини қўлида қисимлаб олганча, хонанинг ўртасида турарди. «Печкага ташлайми? Аммо ҳаммадан олдин печканинг ичини қарашади. Ёқиб юборсаммикин? Нима билан ёқади? Гугуртнинг ўзи йўқ. Бўлмайди, яхшиси бирон ерга олиб бориб ташлаб келиш керак. Шундай! Яхшиси ташлаб юбориш! – такрорларди у яна қайтиб диванга ўтирар экан, – ҳозирнинг ўзида, шу дақиқада, бир дам ҳам кечиктирмасдан!..» Лекин бўлнинг ўрнига унинг боши яна ёстиқ искаб қолди: яна безгакда қалтираб совқотди-ю, тагин шинелига ўраниб ётиб олди. Шундан кейин у узоқ вақт, бир неча соат мобайнида алаҳлаб, довдираб ётди: «Кечиктирмай обориб ташлаши керак, бирон ерга элтиб, йўқотиш керак, тезроқ куздан нарига ташламаса бўлмайди, тезроқ, тезроқ!» У дивандан турман, деб бир неча бор уриниб кўрди, лекин туролмади. Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаб, у бутунлай уйғониб кетди.

– Э, очсанг-чи, ўлиб-пўлиб қолдингми, нима бало? Ўринга қапишиб қолганми бу! – бақирарди Настасья эшикни мушти билан уриб тақиллатаркан, – уззуккун ёстиқ тишлаб ётгани ётган, итмижозми дейсан! Нақ итнинг ўзи! Очасанми, йўқми. Соат ўн бир бўлди.

– Балки уйда эмасдир! – овози келди эркак кишининг.

«Эҳ-а! Қоровулнинг овози-ку... Унга нима керак ўзи?» У дик этиб туриб, диванга ўтирди. Юраги қинидан чиқиб кетадигандай бўлиб урар, ачишиб санчарди.

– Илгагини ким илиб қўйган бўлмаса? – эътироз билдирди Настасья, – бекитиб ўтирадиган бўлиб қолибдилар! Биров ўғирлаб кетарканми у кишини? Оч, ҳой хомкалла, кўзингни оч деяпман!

«Нима керак экан уларга? Қоровул нима қилиб юрибди? Ҳаммаси маълум бўлибди. Қаршилиқ кўрсатиш керакми ёки очсинми? Улиб кетмайсанми...»

У ўрнидан андак қўзғалиб, олдинга энгашди-да, илгакни туширди.

Унинг каталакдек хонаси шунчалар тор эдики, ўрнидан туролмасдан ҳам бемалол илгакни тушириши мумкин эди.

Худди ўзи: қоровул билан Настасья экан.

Настасья унга қандайдир ғалати қилиб қараб қўйди. Раскольников қоровулга менсимасдан, тақдирга тан бериб қўйган одамдай тикилди. Қоровул унга икки буклоғлик кул ранг қоғоз узатди, қоғоз сурғуч билан муҳрланганди.

– Идорадан, чақириқ, – деди у қоғозни узатаркан.

– Қанақа идорадан?

– Полиция идорасига чақиришаётган экан. Қанақа идора буларди.

– Полицияга!.. Нимага?..

– Мен қайдан билай? Чақиргандан кейин боравер-да. – У Раскольниковга диққат билан қараб, атрофга кўз югуртириб чиқди-да, кейин эшикка йўл олди.

– Нима бало, бутунлай тобинг қочиб қолдими? – деди ундан боятдан бери кўзини узмай турган Настасья. Қоровул ҳам ўтирилиб қаради. – Кечадан бери иситмалаб ётибди, – қўшиб қўйди Настасья.

У жавоб бермас, қўлида конвертни очмай, ушлаб ўтирарди.

– Майли, турмай қўя қол, – дея давом этди Настасья унга ачиниб. Раскольников бу пайт ўрнидан турмоқчи бўлиб, дивандан оёғини туширганди. – Касал бўлсанг қўй: ёниб кетмас. Қўлингдагилар нима?

Раскольников қўлига қаради: ўнг қўлида шимидан тушган қийқимлар, пайпоқ ва йиртиб олинган чўнтакнинг увадалари қолган эди. Шундай ухлаб қолган экаи. Кейинроқ у бу ҳақда мулоҳаза юритганда, иситмалаб ётиб уйғониб кетган пайтларида буларнинг барини маҳкам сиқимлаб олгани ва кейин яна ухлаб қолганини хотирлайди.

– Латта-путталарини чангаллаб олиб, ухлаганини қаранг бунди, худди хазина топгандай... – Шундай дея Настасья ўз одати бўйича ёқимсиз асабий хахолади. Раскольников дарров қўлидаги нарсаларни шинелининг тагига тикиб қўйди ва Настасьяга тикилиб қаради. У ўша пайтда унчалар тузук фикрломай турган бўлишига қарамасдан, қамайман, деб келсалар кишига бундай муомалада бўлмасликларини ҳис қилиб турарди. «Бироқ... полиция?»

– Чой ичсанг бўлармиди? Ичасанми? Опкеламан, бор...

– Керакмас... мен бораман: мен ҳозир бораман, – дерди у ғудраниб, оёққа тураркан.

– Бу аҳволда ҳали зинадан ҳам тушолмассан?

– Бораман...

– Ўзинг биласан.

Настасья қоровулнинг кетидан чиқди. Раскольников шу заҳоти ёруғ жойга бориб, пайпоғи билан шимдан қирқиб олинган қийқимни кўздан кечира бошлади: «Доғ тушган экан, лекин унчалик билинмайди; устидан чанг-тупроқ ўтириб, ишқаланиб, ранги ўзгариб кетибди. Олдиндан билмайдиган одамнинг бунга ақли етмайди. Шундай бўлгандан кейин Настасья узоқдан туриб, бунинг нималигини қаёқдан биларди, хайрият, хайрият!» Шунда у сабрсизлик билан чақириқ қоғозини очиб, ўқий бошлади; қайта-қайта ўқиб чиққандан сўнг алоҳал хатнинг мазмунига тушунди. Бу юқоридан кел-

ган одатдаги чақириқ хати бўлиб, унда бугун соат тўққиз яримда ҳудуд назоратчисига учрашиш ёзилганди.

«Нега энди мени чақиради? Менинг полицияда қиладиган ишим йўқ! Иннайкейин нега келиб-келиб худди шу бугун чақиради? – деб ўйларди у гап нимадалигини билолмай. – Ё Раббим, тезроқ тугай қолсайди!» У тиз чукиб ибодат қилмоқчи ҳам бўлди-ю яна ўзи кулиб юборди, – ибодатдан эмас, ўзидан, ўз аҳволдан кулди. У шоша-пиша кийина бошлади. «Қўлга тушсам, тушарман бари бир! Пайпоқ кийиш керак! – дея хаёлидан ўтказди у, – чанг-тупроққа баттарроқ қоришиб, доғлари аввалгисидан ҳам билинмайдиган бўлиб кетади». Бироқ пайпоқни оёғига илиши билан яна шу заҳоти ижирғаниб, жаҳл ичида итқитиб юборди. Итқитиб юборди-ю яна киядиган бошқа пайпоқ йўқлигини кўриб, яна қайтадан кийиб олди, ва яна кулди. «Буларнинг бари шунчаки хўжакурсинга қилинаётган нарсалар, – деб ўйлади у, бу гапларни хаёлининг бир чеккасидан ўтказаркан. Ўзи эса бу вақт дир-дир қалтирарди, – оббо сен-ей, кийиб олдинг-а! Оббо азамат-ей, алоҳал кийиб олдинг-да, а!» Дарвоқе, унинг кулгиси дарҳол тушкунлик билан алмашди. «Йўқ, мажолим қолмади...» хаёлидан ўтди унинг. Оёқлари қалтираб, титраб кетмоқда эди. «Қўриб кетаётганимдан», – деб пичирлади у. Боши айланиб, иссиқдан қақшаб оғримокда эди. «Усталик қилишаётганга ўхшайди! Улар мени усталик билан авраб қўлга олишмоқчи, бирваракай чалиб йиқитишмоқчи», – деб давом этарди у зинага чиққан чоғида ҳам, «Мана бунақа қилиб довдираб турганим ёмон... оғзимдан биронта аҳмоқона гап чиқиб кетиб қолиши мумкин...»

Зинага чиққандан сўнг, у ҳамма нарсаларни тешикка тиқиб қўйганча, қолдириб кетаётганли-

гини эслади, – «атайлаб мен йўғимда тинтув ўтказгани келсалар-чи», – дея ўйлади у ва тўхтаб қолди. Аммо у шунчалар ҳам узини йўқотиб қўйган, шунчалар ҳам руҳи тушиб кетган эдики, ҳалокатдан тап тортмай, қўлини бир силкиб қўйиб, чиқиб кетаверди.

«Тезроқ бўла қолсайди!..»

Куча одамни димиқтириб юборадиган даражада иссиқ эди; неча кунлардан бери қани энди бир томчи ёмғир ёрса. Ҳамон ўша-ўша чанг-тузон, ўша-ўша оҳак ва фишт уюмлари, ўша-ўша дўкон ва қовоқхоналардан анқиб турган бадбўй ҳидлар, ўша-ўша ҳамон маст-аласт ҳаммоллар, путурдан кетган извошлар. Куёшнинг ярқироқ нуридан унинг кўзлари қамашиб, боши ҳам айлана бошлади, иситма тутган одам бирдан очиқ ҳавога, офтобга чиққанда мана шундай аҳволга тушади.

Муюлишгача бориб, у кечаги кўчага изтироб ва ташвиш ичида кўз ташлади, анов уйга қаради... ва шу заҳоти дарров кўзларини олиб қочди.

«Агар сўраб қолишса, бўйнимга олишим ҳам мумкин», – деб ўйлади у идорага яқинлашиб қолганида.

Идора унинг уйдан чорак чақирим нарида эди. У яқинда бу ерга, янги уйнинг тўртинчи қаватига кучиб ўтганди. Идоранинг илгариги биносига у бир марта арзимаган иш билан кириб чиққан, шунга ҳам анча замонлар бўлиб кетганди. У дарвозадан ўтиб, ўнг томондаги зинадан бир одам қўлида дафтар кўтариб тушиб келаётганлигини кўрди; «ҳовли қоровули бўлса керак; демак, идораси ҳам шу ерда», у шундан кейин таваккал қилиб, тусмоллаб юқорига кўтарила бошлади. Ҳеч кимдан ҳеч нарсани сўраб ўтиргиси келмади.

«Кираману тиз чўкаману ҳаммасини айтиб берман», – деб ўйлади у тўртинчи қаватга етиб келгач.

Зина жуда тор, тик бўлиб, ҳамма ёғига ювиндилар тукилиб ётарди. Тўртала қаватнинг барча хонадонларидаги ошхоналарнинг эшиклари шу зина томонга чиқар ва куни билан очиқ турарди. Шундан бу ернинг ҳавоси жуда оғир эди. Қўлтиқларига дафтарларини қистиришган ҳовли қоровуллари, ҳожат ва эҳтиёж юзасидан келган бошқа ҳар турли кишилар – эркагу хотин-халаж тинмай, пастга-юқорига чиқиб-тушиб туришарди. Идоранинг эшиги ҳам ланг очиб қўйилганди. Раскольников ичкарига кириб, даҳлизда туриб қолди. Бу ердаги ҳамма одамлар тик оёқда туришар, кўпчилиги қандайдир эркак кишилар эди. Бу ернинг ҳам ҳавоси жуда ёмон бўлиб, бунинг устига сассиқ алиф аралаштириб бўялган деворлардан одамнинг кунглини айнитадиган даражада ўткир бир ис анқиб чиқмоқда эди. У бирпас кутиб турди-да, кейин иккинчи хонага ўтди. Хоналарнинг бари ҳам тангу тор эди. У борган сари қаттиқ сабрсизланиб, хонадан-хонага ўтиб бормоқда эди. Ҳеч ким унга эътибор бермасди. Иккинчи хонада Раскольниковга қараганда, андак тузук кийинган котиблар алланималарнидир ёзиб ўтиришар, ҳаммаларининг башаралари жуда ғалати эди. Раскольников улардан бирига мурожаат қилди.

– Нима дейсан?

Раскольников идорадан борган чақириқ қоғозини кўрсатди.

– Сиз талабамисиз?– сўради котиб қоғозга кўз югуртириб.

– Ҳа, собиқ талаба.

Котиб унга бир сира назар ташлаб қўйди, лекин унинг қарашида қизиқсиниш сезилмади. Унинг сочлари ғалати бўлиб тўзғиб ётар, кузи жуда қаттиқ эди.

«Бундан бир гап чиқиши жуда қийин, тепса тебранмас, ҳамма нарса унга бари бир бўлиб қолган», – ўйлади Раскольников.

– Бориб саркотибга учрашинг, – деди котиб ва бармоғи билан нуқиб, энг охирги хонани кўрсатди.

У тор, лиқ-лиқ одам билан тўлган хонага (ҳисобга кўра, тўртинчи хона эди) кирди, бу ерга йиғилганлар бошқа хоналарда тўпланган одамларга қараганда, анчагина озода кийинишган эди. Кутувчилар орасида икки хоним ҳам бор эди. Улардан бири қора кийиниб олган бўлиб, ўзи бечораҳол кўринар, у котиб бошининг рўпарасида ўтириб, саркотиб айтиб турганларини қоғозга ёзмоқда эди. Хўппа семиз, ўпкадай қип-қизил, юзининг қизили пайса-пайса бўлиб кетган, нима сабабдандир жуда башанг кийинган, кўкрагига шاپалоқдай тўғноғич тақиб олган, кўзга яқин иккинчи аёл четда туриб, ниманидир кутар эди. Раскольников саркотибга қоғозини кўрсатди. Саркотиб қоғозга кўз учида қараб қўйди-да, «кутиб туринг», деб яна қора кийинган аёлнинг ишига тутинди.

Раскольников енгил нафас олди. «Бошқа бир гап бўлса керак!» У ўзини анча тетик сезди, шундан сўнг иложи борича дадил бўлишга, эс-ҳушини йиғиб олишга ҳаракат қила бошлади.

«Жиндаккина аҳмоқлик қилсанг, кичкинагина бир хатога йўл қўйсанг, андак адашсанг, тамом, ўзингни бутунлай фош қилиб қўясан! Ҳм... Ҳавонинг бу ерда чатоқлигини қаранг, – қўшиб қўйди у, – димиқиб ўлиш мумкин... Бошим баттар айла-ниб кетяпти... ҳушим бошимдан учиб турибди...»

У ўзини бутунлай тўкилиб кетаётгандай ҳис қиларди. У ўзимни-ўзим бошқара олмай қоламанми, деб қўрқарди. У бирон нимани ушлаб олишга, бутунлай бўлак хаёлларни ўйлашга уринар, лекин бунинг уддасидан чиқолмай турарди. Воқеан

у саркотибга разм солиб қарар, бирон гап бўлса унинг юзидан билиб олишга, унинг ичидагини англашга ҳаракат қиларди. Саркотиб йигирма иккиларга кирган ёшгина йигит бўлиб, буғдойранг юзи ифодага бой, айни замонда ёшига қараганда қаримсиқроқ, олифталик билан башанг кийинган, орқа томондан сочининг фарқи очилган, сип-силлиқ қилиб таранган, мой суртган, тирноқлари чўтка билан йилтиратиб қўйилган оппоқ бармоқлари узукларга тўлиб кетган ва нимчасига олтин занжир осиб олганди. У, ҳатто бу ерга келиб қолган ажнабий киши билан икки оғиз французчасига чуғурлашиб олди, тилни ҳам тузук билар экан, қурмағур.

– Луиза Ивановна, ўтирсангиз бўларди, – деди у гап орасида ясан-тусан қилиб олган, ўпкадай қизил хонимга қарата аёл гарчи шундоққина олдида буш курси турганига қарамай, гўё ўтиришга журъат қилмаган одамдай тик турган эди.

– Ich danke<sup>5</sup>, – деди аёл секингина ипак кийимларини шилдиратиб курсига ўтираркан. Унинг оч ҳаворанг, оқ тўрлар билан қопланган кўйлаги худди ҳаво шаридай курси атрофига оқиб тушди ва сал бўлмаса хонанинг ярмини эгаллай деди. Атир иси таралди. Бироқ хоним хонанинг ярмини ишғол қилиб олгани, сепган атир-упаларининг ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетаётганидан қисинади шекилли, ялтоқилик ҳамда безбетлик билан илжа-яди, лекин ўзи жуда безовта кўринади.

Ниҳоят, қора кийинган аёлнинг иши битди ва ўрнидан қўзғалди. Шу пайт бирдан тасир-тусур қилиб, ҳар қадам ташлаганда елкаларини ғалати-роқ қилиб силкитиб, бир зобит шитоб билан кириб келди ва нишон тақилган фуражкасини стол устига ташлаб, курсига чўкди. Уни қурган

<sup>5</sup> Ich danke – ташаккур.



сатанг хоним дик этиб, ўрнидан туриб кетди ва зур бериб ялтоқланиб, таъзим қила бошлади, лекин зобит унга қайрилиб ҳам қарамади, хоним эса унинг ҳузурида ўтиришга бошқа журъат қилмади. Бу киши ҳудуд назоратчисининг ёрдамчиси бўлиб, малла мўйловлари икки томонга қайрилган, чувак юзли, воқеан, юзида бирмунча сурбетликдан ўзга бир ифода кўринмаган шахс эди. У Раскольниковга жаҳл билан кўз қирини ташлаб қўйди: Раскольниковнинг уст-боши чиндан ҳам жуда хароб бўлиб қолган, лекин шунга қарамай, ҳамон унинг сумбати, ўзини тутишида киймига ярашмаган бир виқор сақланиб қолганди. Раскольников эҳтиётсизлик қилиб унга бир оз вақт тик қараб турди ва бундан зобитнинг фифони чиқиб кетди.

– Нима гап? – дея қичқирди у, қандайдир бир рўдапо унинг ҳеч кимса тик боқолмайдиган юзига тап тортмай тикилганидан ҳайрон қолганча.

– Чақиритган экан... қоғоз юборишибди... – дудуқланиб жавоб берди Раскольников.

– У пул тўлаши керак экан, шунга келган талаба, – шошилиб изоҳ берди саркотиб қоғозларидан кўзини узиб. – Мана! – У Раскольниковнинг олдига ичидан бир ерини кўрсатиб, дафтар ташлади, – ўқинг!

«Пул дейдими? Қанақа пул? – ўйларди Раскольников, – лекин... демак, афтидан, бошқа гап экан!»

У қувонганидан титраб кетди. Бирдан ўзини кушдай енгил сизди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

– Ўзи қачонга чақиритилган эдингиз, аппандими? – қичқирди поручик борган сари нимадандир ўзида ҳақоратланган ҳис қилиб, – сизга тўққизда келинг, деб ёзишса, сиз ўн иккида келасиз!

– Менга қоғозни ҳозиргина беришди, – деб баланд овоз билан елкаси оша жавоб берди Раскольников, қутилмаганда бирдан жаҳли чиқиб ва жаҳли чиққанидан мамнунлик сезиб. – Мен касал бўлиб иситмалаб ётган бўлишимга қарамай келдим.

– Бақирмай гапиринг!

– Ҳалиям бақираётганим йўқ, ётиғи билан тушунтиряпман, сиз ўзингиз менга бақириб турибсиз; мен талабаман, мен билан бақириб сўзлашишларига йўл қўймайман.

Назоратчи ёрдамчисининг шунчалар ҳам фиғони фалакка чиқиб кетдики, ҳатто дафъатан нима дейишини билмай қолди, фақат оғзидан қандайдир тупуклари отилиб чиқди. У ўрnidан сакраб турди.

– Жим бўли-и-инг-г-г! Идорада турибсиз. Бидирррламанг, аппандим!

– Сиз ҳам идорада турибсиз, – қичқирди Раскольников ҳам, – бақиршдан ташқари, яна тамаки ҳам чекаётирсиз, демак бу ердагиларнинг ҳаммасига ҳурматсизлик кўрсатмоқдасиз. – Шу сўзларни айтгач, Раскольников ўзини жуда маза қилган одамдай сизди.

Саркотиб уларга кулиб қараб турарди. Қизиққон поручик ғалати аҳволга тушиб қолди.

– Бу сизнинг ишингиз эмас! – дея қичқирди у ниҳоят ғайритабиий баланд овоз билан, – бизга ҳали жавоб берасиз. Кўрсатинг унга, Александр Григорьевич. Устингиздан шикоят тушган! Пул тўламас экансиз! Яна бу кишимнинг тили узунлигини қаранг!

Аммо Раскольников унга бошқа қулоқ солмай қўйди, у еб юборгудай бўлиб қоғозга тикилди, тезроқ маъносини уқиб олай деди. Бир ўқиди, икки, бари бир тушунмади.

– Нима ўзи бу? – сўради у саркотибдан.

– Сиздан пул талаб қилиб ёзилган қоғоз, ижара бўйича. Сиз барини жаримаси билан бирга қўшиб ё тўлашингиз керак, ёки аниқ қачон тўлашингиз мумкинлиги ҳақида ёзма баёнот беришингиз лозим, яна то ижара пулини тўлаб бўлмагунигизча, пойтахтдан чиқиб кетмаслигингиз, буюм, ашёларингизни сотмаслигингиз ва яшириб қўймаслигингиз ҳақида тилхат берасиз. Ижарадор эса сизнинг мол-мулкингизни сотишга ва сизни қонуний жавобгар қилишга ҳақли.

– Мен... Менинг ҳеч кимдан қарзим йўқ!

– Буниси билан ишимиз йўқ. Сиз бир юз ўн беш сўм ижара ҳақи тўлашингиз керак экан, тўлов муддати ўтиб кетибди, бизга арз тушди, бундан тўққиз ой муқаддам коллегия котибининг беваси Зарницинага бир юз ўн беш сўм тўлайман, деб тилхат берган экансиз, тилхатингиз бева Зарницинадан тўлов қоғози сифатида эшик оғаси маслаҳатчи Чебаровга ўтган, сизни тўлов юзасидан баёнот олиш учун чақиртирганмиз.

– У киши уйимизнинг бекаси бўладиларку?

– Хўш, уйингизнинг бекаси бўлса нима қипти? – Саркотиб унга ачиниб, таассуф билдиргандай бир табассум билан қараб турар, айна чоғда унинг қарашида ҳали бундай ишларда ғўр ва хом бўлган бир одамдан устунлик ифодаси ҳам йўқ эмасди, яъни: «Қалай, ҳолинг шу экан-ку, қандай бўлар экан?» деётгандай эди у. Аммо энди Раскольниковга ижара тўлаш хатининг нима аҳамияти бор, жаримасига парво қилиб ўтирсинми! Энди булар зиғирча бўлсин ташвиш чекиб ўтиришга, диққат-эътиборни жалб қилишга арзирмикин! У тик туриб ўқир, эшитар, жавоб берар, ҳатто ўзи ҳам сўрар, лекин буларнинг барини шуурсиз суръатда бажарар эди. У ўзининг омон қолганидан, елкасини босиб ётган юк ағдарилганидан шу қадар

тулиб кетган, ташвишдан халос бўлиб қувонч тулқинлари ичра ўчоқ бўлган эдики, ҳозир шундан ўзга нарсаларнинг ҳаммаси – келажак ҳам, энди нима буларкин, деб бош қотириш ҳам, куз унгига келтириш, шубҳа-иштибоҳлар қилиш, саволлар ташлашнинг ҳам сира ҳожати қолмаганди. Бу табиий, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмай-диган тулғин қувонч дамлари эди. Лекин шу пайт идора ичида руй берган ҳодиса унга момақалди-роқ бўлиб, яшин чақнагандай таъсир қилди. Ўзига кўрсатилган ҳурматсизликдан ғоятда қаттиқ мулзам бўлган ва куйиб жиғибийрони чиққан поручик ҳамон алаמידан тушмай жазиллаб турар ва афтидан, ерга урилган обрусини кутариб қўйиш учун бўлса керак, бутун жаҳлини, аламини шўрлик «сатанг хоним»га тўкиб солди, ваҳоланки, хоним поручик бу ерга кириб келгандан бери ундан ялтоқланган кузларини узмас, аҳмоқона бир илжайиш билан сузилгани-сузилган эди.

– Сен-чи, палон-пистон, ундоқ-мундоқ, – қичқирди поручик бор овозини қўйиб (қора кийинган аёл бу пайт чиқиб кетган эди), – сен нима қилиб юрибсан, кеча кечаси қандай воқеа бўлди сеникида? А? Яна шармандалик, яна бутун кучани бошларингга кутариб, уриш-жанжал. Ур-тўполон, ичкиликбозлик. Авахтани кўнглинг тусаб қолдими! Қачонгача сенга айтаман, қачонгача сени огоҳлантираман, сенга бир эмас, ўн айтдимки, ўн биринчисида мендан кўрадиганингни кўрасан, дедим! Сен эса палон-пистон, ўз айтганингдан қолмайсан, эски тос, эски ҳаммом, ҳе, ўргилдим!

Раскольников, ҳатто қўлидаги қоғозини ҳам ташлаб юборди, у гўрига фишт қаланаётган сатанг хотинга бақрайиб қараб қолганди, аммо кўп ўтмай, гап нимадалигини тушунди-ю бу ҳангомага, ҳатто жуда қизиқиб, қулоқ сола бошлади. У бўлаёт-

ган машмашани жон қулоғи билан тинглар ва хандон ташлаб, хахолаб-хахолаб кулгиси келарди... Унинг бутун асаблари уйнаб кетганди.

– Илья Петрович! – дея гап бошлади саркотиб бир мунча ташвишли оҳангда, лекин яна тўхтаб қолди, чунки қони қайнаб кетган поручикни қўлидан ушлаб тўхтатилмаса, бошқа чораси йўқ эди. У бунни хўп билиб олганди.

Сатанг хонимга келганда, у бошда дўқ-пуписалардан тиззаларигача қалтираб турди, аммо қизиқ сўкиш қанчалар авжга миниб, болохонадорроқ бўла борган сайин, сатанг хонимнинг юзи шунчалар юмшаб, поручикка қилиб турган табассуми шунчалар жозибадор бўла бормоқдайди. У турган жойида гимирлаб турар, тинмай тиз букиб, таъзим қилар, орага сўз қистириш муддати келишини сабрсизлик билан кутарди ва ниҳоят, у бунга мурассар бўлди ҳам.

– Бизники тўпаланг йўқ, бизники жанжал йўқ, жаноб капитэн, – худди нўхат тўкилиб кетгандай бирдан шақиллаб сўзлай кетди у немисча талаффузда бўлса ҳам русча алжираб, – ҳеч ҳеч бизники уриш-жанжал йўқ, ўзлари ғирт маст келгян, буни ҳаммасини сизга айтиб бераман, жаноб капитэн, бизники гунаккар эмасдур... бизники уй яхши, жаноб капитэн, биз ҳеч, ҳеч тўпаланг-супаланг бўлсин, демаган. Ўзлари ғирт маст келгян, яна учта хишша сўрагян, кетин биттаси оягини кутарди, портипянни аягиминан чалди. Бизники обрўй-ли уй, уятмасми шундай қилгяни, у тўпалангчи кегин портипянни тепиб синдиргян, шу ҳам, шу ҳам одобми, кегин мен шуни айтгян. У бўлса хишшани олгян ва ҳаммаларин орқасига хишша билан ургян. Ана шундан кегин мен қоровулни чақиргян, Карль келгян, у бўлса Карлни олгяндае уриб, кўзини чиқаргян, Генриетни. Ҳам кўзини чиқаргян,

менга эса беш мартаба юзимга шапяляк ургян. Обрўйли бир уйда жуда-жуда хунук кўрингян бу, жаноб капитэн ва мен бақиргян. У булса, канал томонга деразани очгян ва нақ жужуқ чўчкадай қичқиргян; уят, уят. Қандай деразага чиқиб, бутун кўчага чийиллагян? Бай-бай-бай! Карль унинг ортидан фракидан тортгян, шунда, рост айтаман, жаноб капитэн, уники зейн рок юлиб ташляди. Ана ушянда ўн беш тангаман мус жарима тўлайсан, деб тўпаланг қилгян. Ана, ушянга, жаноб капитэн, мен ўзим унга беш танга зейн рок тўладим. Ана ушянда ҳам, жаноб капитэн, у яхшиликни билмагян, жанжал-тўпалангдан тўхтамагян! У менга айтгян, сизга катта сатир гердюкт булади, сизни ҳамма газеталарга ёзиб беряман, дегян.

– Ёзғувчилардан эканми?

– Ҳа, жаноб капитэн, яна обрусини билмагянини, қаранг, жаноб капитэн, шундай обрўйли жойга келиб...

– Бўлди бўлди бўлди! Бас! Мен сенга айтдим, айтдим, неча маротаба айтдим сенга...

– Илья Петрович! – деди яна маънодор қилиб саркотиб. Поручик унга тез бир қараб қолди, саркотиб енгилгина бошини қимирлатиб қўйди.

– ...Майли, бўлар иш бўлибди, дегин сенга шуни, охирги маротаба айтяпман: билиб қўй, аммо энди буниси охиргиси булади, – давом этарди поручик. – Агар сенинг обрўли уйингда яна бир маротаба жанжал чиқадиган булса, унда мен ўзингни болохонадор қилиб айтадиган бўлсак, нақ цугундерга оламан. Билдингми? Шундай қилиб ёзғувчи, сенинг «обрўли уйинг»да туриб беш танга жарима олдими, йиртилган этаги учун? Ана сизга ёзғувчилар! – Шундай деб у Раскольниковга нафратомуз қараб қўйди. – Уч кун бўлди, қовоқонада ҳам шун-

га ўхшаш гап: овқатни ургану, лекин пулини тўлагиси келмайди: «Мен сизни унинг ўрнига сатирда ёзиб чиқаман», дермиш. Бошқа биттаси бўлса кема ичига статс маслаҳатчининг оиласини, хотини билан қизини жуда оғзини шалоқ қилиб ҳақоратлади. Куни кеча қандолатхонадан биттасини бўйнига уриб, ҳайдаб чиқаришди. Ана сизга ёзғувчилар, адабиётчилар, талабалар, башоратчилар... туф-ей! Сен, бор жуна! Ўзим бориб кўраман... қани унда нима қиларкинсан! Билдингми?

Луиза Ивановна шоша-пиша такаллуф билан ҳар томонга таъзим қилиб, эшиккача борди, аммо эшикда орқаси билан бора туриб кириб келаётган салобатли бир зобитга урилиб кетди; у тиниқ очиқ чеҳрали, қуюқ жингалак оқ-сарғиш бакенбард қўйган киши бўлиб, бу ҳудуд назоратчиси Никодим Фомич эди. Луиза Ивановна ерга қапишиб кетгудай бўлиб таъзим қилди-да, майда қадамлар билан ликиллаб идорадан ура чиқиб қочди.

– Яна гумбур-гумбурми, яна довуллар, момақалди роқлар гулдураяптими! – дўстона лутф билан Илья Петровичга деди у, – асабларингни бузишяптими, яна қонинг қайнаб кетдимми! Зинадан туриб эшитдим.

– Муни қаранг! – деди Илья Петрович инон-ихтиёри ўзида бўлган одамлар каби беписандлик билан (яна муни ҳам дегани йўқ, алақандай қилиб: «Муниқанг!» деди), у елкаларини қадам ташлашларига мослаб силкитганча, қандайдир қоғозларни олиб, бошқа столга ўтди, – мана, ўзингиз кўринг: жаноб ёзғувчи, яъни талаба бўладилар бу кишим, яна собиқ талаба, ҳақ тўламайди, уйламай-нетмай вексель бераверган, турган уйини бўшатмайди, қачон қарасангиз, унинг устидан арз тушгани тушган, ўзлари бўлса яна бу ерга келиб, ақл ўргатиб ўтирибдилар, менинг ҳузуримда папи-

рос чекманг деб! Ўзлари п-п-пастлик қилишади-ю э, нимасини айтаман, мана ўзлари: ўзларига бир қараб қўйинг, тирик тасқара бўлиб туришларини!

– Камбағаллик айб эмас, қадрдоним, нима бўлибди? Дарров портлайди, юрагига қил сифмайди шоввознинг. Сиз ўзингиз ундан хафа бўлиб, билмасдан бир нарса деб юборгандирсиз, – дея давом этарди Никодим Фомич Раскольниковга қарата илтифот билан, – лекин бекор қилибсиз, бу одам энг олижаноб кишилардан, мен сизга айтсам, аммо портлаб кетади, портлаб кетади! Қони қайнаб, жони чиқиб, куйиб-пишади-ю тамом, қарабсизки, яна аввалгисидай! Кек сақлаб утирмайди! Юраги юрак эмас, олтин! Уни полкда ҳам «портловчи поручик» дейишарди...

– Ўзиям п-п-полкмисан п-п-полк эди-да! – дея хитоб қилди Илья Петрович мақтовлардан анча талтайиб, лекин ҳамон шаштидан тушмай.

Шунда бирдан Раскольников бу одамларнинг ҳаммасига бирор ёқимли гап айтгиси келиб қолди.

– Ўзингиз айтинг, капитан, – деди у бирдан бепарволик билан Никодим Фомичга мурожаат қилар экан, – менинг аҳволимга ўзингиз тушунинг... Агар мендан ўтган бўлса, у кишимдан узр сўрашга ҳам тайёрман. Мен фақир ва касалманд бир талабаман, камбағалчилик мени гангитиб қўйган (ҳа, у худди мана шундай, яъни: «гангитиб қўйган» деди). Мен собиқ талабаман, нега десангиз, ҳозир ўқишга қурбим етмай турибди, лекин менга пул келиши керак... Менинг фалон вилоятда ойим билан синглим бор... менга пул юборишади, ва мен... тўлайман. Менинг бекам яхши хотин, лекин у икки оёғини бир этикка тиқиб олди, мен дарс бериб турар эдим, ҳозир дарс беролмай қолдим, мана тўрт ойдан бери уй ҳақини тўлолмай турибман, бека менга, ҳатто ейдиган овқатимни ҳам



бермай қўйди... Мен ҳеч билолмай қолдим, қандай вексель ҳақида гап бўлаётганини! Тилхат бўйича у пул талаб қилаётган бўлса, майли тўлайман, тўламай қаерга борар эдим, ўзингиз айтинг, ахир!..

– Аммо бу бизнинг ишимиз эмас... – деб қўйди яна котиб боши.

– Рост, рост, жуда ҳам тўғри айтдингиз, лекин рухсат этинг, тушунтириб берай, – деб унинг гапини илиб кетди Раскольников саркотибга эмас, ҳамон Никодим Фомичга мурожаат қилган ҳолда, айни чоғда у Илья Петровичга қарата ҳам гапирмоқда эди, лекин Илья Петрович уни назарга илмасдан бу томонга қарамасди, – менга ўз навба-тида ижозат этсангиз, тушунтириб берсам, мен у кишиникида турганимга уч йилча бўлиб қолди, чекка шаҳардан келганимдан бери яшайман ва олдин... олдин... айтгандай, сизларга айтсам ай-тибман-да, сирасини айтганда келган маҳалимда у кишига қизингизга уйланаман, деб ваъда бериб юборибман, шу қуруқ ваъдадан бошқа ўртаимизда ҳеч нарса бўлган эмас, мутлақо ҳеч нарса бўлган-мас... У ёмон қиз эмасди... Менга жиндак ёқар-ди ҳам, лекин ўртаимизда севги йўқ эди... Бир сўз билан айтганда, хуллас, ёшлик қилганман, яъни демоқчиманки, бекам ўша пайтда менга пул бериб турар ва мен таралабедод қилиб юрар эдим... орқа-олдини ўйламас эканман...

– Сиздан мунақа икир-чикирларингизни айтиб беринг, деб сўраб туришгани йўқ, аппандим, мунга вақтимиз ҳам йўқ, – Илья Петрович қандайдир тантана қилгандай қўполлик билан унинг гапини бўлган эди, Раскольников гарчи сўзлашга мадори қолмаган» бўлса-да, шартта уни тўхтатди.

– Аммо ижозат беринг, ижозат беринг, бир озгина сўйлаб берай... гап нимадалигини... сирасини айтганда... сизнинг гапингиз ҳам тўғри, буни

гапириб ўтиришга арзимайди, – аммо қизи бир йил бурун терлама бўлиб ўлиб қолди, мен эса яна илгаригидай ижарачи бўлиб қолавердим, бекам мана шу уйга утганимиздан кейин менга айтдики... самимий айтдики... мен сизга бутунлай ишонаман ва умуман... лекин шундай бўлса ҳам сизга берган ҳамма пулларим бир юз ўн беш сўм бўлибди, шунга тилхат бермайсизми, деб қолди. Ижозат этинг: у айнан шундай дедик, сиз тилхат берганингиздан кейин мен яна истаганингизча миқдорда қарз бериб туравераман ва ҳеч қачон, ҳеч қачон, ўз навбатида, – у худди шундай деб айтди, – сиз қарзни тўлайдиган бўлмагунингизча бу пулни талаб қилмайман деди... Мана энди мен дарс беролмай қолганимда, ўзи ейишга нон тополмайману у бўлса берган пулини тўлатиб олмоқчи... Энди мен нима дейман?

– Бунақа йиғлоқи гапларнинг бизга сира алоқаси йўқ, аппандим, – кўрслик билан чўрт кесди Илья Петрович, – сиз бизга ёзма равишда баёнот беришингиз керак, сизнинг севишиб қолганларингизу бошингизга тушган савдолар бизни қизиқтирмайди.

– Қуйсангчи-е... бунақа бағритош бўлма... – ғўлдиради Никодим Фомич столга ўтириб қоғозларга қўл қўя бошларкан... У ўзини аллақандай ўнғайсиз сизди.

– Қани ёзинг-чи, – деди саркотиб Раскольниковга.

– Нимани ёзаман? – сўради Раскольников атай қўпол қилиб.

– Мен сизга айтиб тураман!

Раскольников бояги гапларни айтгандан кейин саркотиб унга менсимамай, жирканаётгандай қараётганини сизди, лекин қизиғи шундаки, бирдан унинг ўзига ҳамма нарса бари бир бўлиб қолди, ким нима деб ўйлаши билан энди унинг сира иши йўқ эди, бундай ўзгариш унда кутилмаганда

бир дақиқанинг ичида руй берди. Агар у озгина уйлаб кўрганда эди, ҳеч шак-шубҳа йўқки, қандай қилиб булар билан очиқ-ойдин гаплашган, юрагини уларга ёрганидан ажабланган бўларди. Нега юрагини уларга очди? Қаердан пайдо бўлди унда бундай туйғулар? Мабодо ҳозир бу ерда полиция ходимлари эмас, билъакс энг яқин дўстлари бўлганда ҳам, афтидан, уларга айтадиган бир офиз илиқ сўз топилмасди унда, шунчалар бўшаб, унинг юраги бирдан хувиллаб қолганди. Чексиз интиҳосиз, азоб-уқубатларга тўла узлатда қолиш ва кишилардан узоқлашишга тўғри келишини сезиб, унинг юрагини шундай қоронғилик босдики, олам кўзларига тор кўриниб кетди. Унинг юраги ағдар-тўнтар бўлиб кетганлиги Илья Петрович олдида юрагини очиб, обрусини тўкканлигидан ёхуд поручик уни назар-писанд қилмай ерга урганлигидан ва бу билан гўё ўзини осмон, уни ер қилиб кўрсатганлигидан эмасди. О, энди ўзининг бу тубанлиги, мановиларнинг обрў талашишлари, поручиклар, немис хотинлар, жарималар, идоралар ва ҳоказо ва ҳоказолар билан унинг нима иши бор!.. Агарда уни шу дақиқаларда гулханга ташлашга ҳукм қилганларида ҳам у қилт этмаган булар ва, ҳатто эҳтимолки, ҳукми диққат билан эшитмаган ҳам бўларди. Унга нимадир бўлмоқда эди, у илгари ҳеч бунақа аҳволга тушмаган, бундай нарсани бошидан кечирмаган, кутилмаганда бирдан бундай бутунлай бошқача бир ўзгаришга учрамаганди. У энди ҳеч қачон нима бўлмасин, мана шу идорада ўтирган кишиларга, улар ҳудуд назоратчилари бўлмай туғишган ака-сингиллари бўлган тақдирда ҳам мурожаат қила олмаган бўларди, мабодо туғишганлари бўлганда ҳам ҳеч қачон уларга мурожаат қилиб ўтиришнинг мутлақо кераги йўқ эди; у буни тушуниб турар, тушунибгина эмас, сезиб ту-

рар, бутун қуввати сезгиси билан ҳис қилиб турар эдики, энди ҳалигиндай йиғлоқи гаплар билангина эмас, умуман, ҳеч бир муносабат билан уларга мурожаат қилолмайди; у ҳеч қачон, ҳатто худди мана шу дақиқагача бундай ғалати ва даҳшатли бир нарсани ҳис қилиб кўрмаган эди. Ҳаммадан ҳам қийнайдиган ери шунда эдики, у бу нарсани англаб, тушуниб эмас, фақат сезиб, сезгиси орқали англаб турарди; бу бевосита туғилган бир сезги, у шу пайтгача ҳис қилган нарсалардан бутунлай бошқача бўлган оғир, изтиробли сезги эди.

Саркотиб бундай пайтларда одатда бериладиган баёнотни айтиб туриб, ёздира бошлади, яъни: ҳозир тўлолмайман, палон пайтда (вақти соати келганда) бераман, шаҳардан чиқиб кетмайман, мол-мулкимни сотмайман, бировга ҳадя қилмайман ва ҳоказо.

– Нима бало, хат ёзолмай қолибсиз, қалам қўлингиздан тушиб кетяпти, – деди саркотиб Раскольниковга қизиқсиниб қараркан. – Тобингиз йўқми?

– Ҳа... Бошим айланиб кетяпти... Давомини айтинг!

– Бўлди, қўл қўйинг.

Саркотиб ундан қоғозни олди-да, бошқа одамлар билан шуғуллана бошлади.

Раскольников қаламни берди, лекин ўрnidан туриб кетиш ўрнига иккала тирсагини столга тираганича қўллари билан бошини чангаллаб олди. Худди орқа миясига мих қоқиладигандай эди. Шу пайт унинг калласига ғалати бир фикр келиб қолди; ҳозир ўрnidан туриб, Никодим Фомичнинг олдига боргиси ва кечаги бўлган воқеаларни барча тафсилотлари билан айтиб бергиси, кейин уни уйга олиб бориб туйнукка тиқиб қўйилган нарсаларни кўрсатгиси келиб кетди. Бу истак шунчалар ҳам кучли эдики, у ҳатто ниятини адо этиш учун

урнидан турди. «Бир нафас ўйлаб олсаммикин? – хаёлидан ўтди унинг. – Йўқ, яхшиси ўйлаб ҳам ўтириш керак эмас, шартта бўйиндан соқит қилиб қўя қолиш керак!» Бироқ бирдан у худди қоққан қозикдек қотиб қолди: Никодим Фомич Илья Петровичга ниманидир қизгин гапириб берар, Раскольников унинг сўзларини бемалол эшитиб турарди:

– Бўлиши мумкин эмас, иккаловини ҳам қўйиб юборишади. Биринчидан, ҳаммаси зид келяпти. Ўзингиз ўйланг: агар бу ишни улар қилган бўлсалар, яна нимага қоровулни чақириб чиқадилар? Ўзларини ўзлари тутиб бериш учунми? Ёки устомонлик қилибми? Йўқ, бунақа устомонликнинг ўрни эмасди! Ва ниҳоят, талаба Пестряковни дарвоза олдида иккала қоровул билан бир хотин ҳам кўришган: у учта оғайниси билан дарвоза олдигача келганда, қоровулардан ҳол-аҳвол сўраган, кейин ўртоқлари билан хайрлашган. Агар нияти бузуқ бўлганда қоровулардан ҳол-аҳвол сўраб ўтирармиди? Кох дегани бўлса, пастда заргарнинг олдида ярим соат ўтирган ва роппа-роса ўн беш дақиқа кам саккизда кампирнинг олдига чиққан. Энди ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг...

– Аммо қаранг: нега унда гаплари қарама-қарши чиқяпти. Ўзлари ишонтириб айтишяптики, эшик берк эди, биз тақиллатдик деб, унда уч дақиқадан кейин қоровул билан бирга чиқсалар, қандай қилиб эшик очилиб қолган бўлади?

– Ҳамма гап шунда, қотил ичкарида ўтирган, эшикни беркитиб олган; агар Кох жиннилик қилиб пастга тушиб кетмаганда уни албатта ушлаб олишган бўларди. У эса худди шу пайтдан фойдаланиб, зинадан пастга тушгану бир амаллаб уларнинг кўзларидан беркиниб ўтиб кетган.

Кох бўлса қасам ичиб: «Агар мен у ерда қолганимда мени болта билан чопиб ўлдирган бўларди», депти. Оби Худойи қилиб юбормоқчи, ҳа-ҳа!..

– Қотилни ҳеч ким кўрмаптими?

– Қандай қилиб кўради? Уй – худди Нуҳнинг кemasига ўхшайди, – гап қўшиб қўйди саркотиб суҳбатга қулоқ солиб ўтирар экан.

– Равшан, равшан! – деди қизгин Никодим Фомич.

– Йўқ, сира ҳам равшан эмас, – деди Илья Петрович.

Раскольников шляпасини олиб, эшикка қараб юрди, лекин эшикка етиб боролмади...

У кўзини очганда, ўзининг курсида ўтирганини, ўнг томонидан бир одам ўзини тутиб турганлигини, чап ёғида эса ичига заъфарон суюқлик тўлдирилган сариқ стакан кўтарган бошқа бир одам ва шундоққина рўпарасида эса Никодим Фомич диққат билан унга тикилиб қараётганлигини кўрди: Раскольников ўрнидан турди.

– Сизга нима бўлди, касалмисиз? – дея қўполгина сўради Никодим Фомич.

– Хат ёзаётганларида ҳам зўрға-зўрға ёздилар, – деб қўшимча қилди саркотиб жойига ўтириб, яна қоғозларига қарар экан.

– Анчадан бери касалмисиз? – сўради Илья Петрович ўтирган жойидан қоғозларини титкиларкан. У ҳам бемор беҳуш бўлиб қолганда, ўрнидан туриб қараган, лекин кўзини очган замони яна жойига бориб ўтириб олган эди.

– Кечадан бери... – пичирлади Раскольников унга жавобан.

– Кеча уйдан чиққанмидингиз?

– Чиққанман.

– Касал ҳолингиз билан-а?

- Соат нечаларда?
- Кечкурун саккизларда.
- Қаерга, айтолмайсизми?
- Кучага.
- Қисқа ва равшан.

Раскольников саволларга кесиб-кесиб жавоб берар, ранги докадай оқариб кетган, қора аланга булиб турган кўзларини Илья Петровичнинг тик назаридан узмасди.

- Ҳа, зўрға оёқда турибди-ю сен бўлсанг... – дея гап қотди Никодим Фомич.

- Ҳеч-қи-си йўқ! – деди унга жавобан қандайдир бошқача қилиб Илья Петрович. Никодим Фомич яна нимадир демоқчи эди, лекин ўзига жуда диққат билан разм солиб қараётган саркотибга кўз қирини ташлаб, индамай қўя қолди. Ҳамма бирдан мум тишлади. Жуда қизиқ бўлди.

- Бўпти, майли, – хулоса қилди Илья Петрович, – сизни ушлаб ўтирмаймиз.

Раскольников хонадан чиқиб кетди. У чиққан замон қизгин мунозара бошланиб кетганлигини эшитди, ҳаммадан ҳам Никодим Фомичнинг иштибоҳга тула овози баландроқ чиқарди... Кучага чиқиб, Раскольников бутунлай ўзига келди.

«Тинтув, тинтув, ҳозир тинтув! – такрорлади у ичида уйга етиб олишга шошиларкан, – қароқчилар! Шубҳаланиб қолишди!» Ваҳима уни яна бошдан-оёқ уз исканжасига олди.

## II

«Аллақачон тинтув қилиб улгуришган бўлса-я? Ҳозир борсам уларнинг устларидан чиқсам-чи?»

Аммо мана унинг уйи. Ҳеч ким ва ҳеч нима кўринмайди, ҳеч ким кирмаган. Ҳатто Настасья ҳам кириб йиғиштирмаган. Бироқ, ё Раббим! Анов нарсаларни ўша тешикда қолдириб, кетишга қандай юраги дов берди ўзи?

У туйнукнинг олдига бориб деворга ёпиштирилган қоғознинг тагига қўлини тикди-да, буюмларни олиб чўнтақларига тиқиштира бошлади. Ҳаммаси бўлиб саккизта экан: иккита кичиккина қутича, уларга зиракми ёки шунга ўхшаш бирон нарса солинган бўлса керак, у яхши қарамаганди, яна тўртта саҳтиён филоф ҳам бор эди, битта занжир газета қоғозига ўралган эди. Яна газет қоғозга ўралган алланарса бўлиб, балки орденмиди...

У буюмларни пальтоси билан шимининг ҳар хил чўнтақларига солиб олди, нарсалар чўнтагидан тўппайиб чиқиб турмаслигига иложи борича ҳаракат қилди. Буюмлар билан бирга ҳамённи ҳам олди. Кейин хонани ланг очиқ қолдирганча чиқиб кетди.

У ўзини жуда ҳам ҳолдан тойган ҳис қилаётганига карамай, шитоб билан шахдам юриб борар, ҳуши ўзида эди. У орқамдан таъқиб қилиб қолишади, деб чўчир, яна ярим соатлардан кейин мени таъқиб қилиш ҳақида кўрсатма чиқади, деб кўрқарди, демак, нима бўлганда ҳам вақти-соати келгунча орқа-олдини йиғиштириб олиши керак. Ҳозирча ҳали жиндак куч-қуввати борлигида, эс-ҳуши ўзидалигида бунга улгуриш керак эди... Қаерга борсин?

У буни аллақачон ҳал қилиб қўйганди: «Ҳаммасини сувга ташлаб юбориш керак, қор ёғди, из-



лар босилди, вассалом». У бундай қарорга кечаси алаҳсираб ётган маҳалида келиб қўйган, ҳатто бир неча маротаба ўрнидан турмоқчи бўлиб уринган ҳам эди: «Тезроқ, тезроқ ҳаммасини ташлаб юборай» деб. Аммо ташлаб юбориш ҳам анча мушкул иш чиқиб қолди.

У Екатерина каналининг соҳилларида ярим соатлардан бери кезиб юрар, эҳтимол, бундан ҳам кўпроқ вақт бўлган эди, йўлида дуч келган каналга тушиладиган ерларни кўздан кечирарди. Аммо ўз ниятини амалга оширишнинг сира имкони кўринмасди: ё каналга тушиш учун қилинган махсус жойларда соллар турар ва уларда хотинлар кир ювишар, ё қайиқлар боғлаб қўйилган бўлар, ва умуман ҳамма ёқ одамлар билан тўлиб ётар, бунинг устига қирғоқнинг истаган еридан нима қилаётганинг кўриниб, билиниб турарди: биров атай тўхтаб пастга тушиб сувга бир нарса ташлайдиган бўлса, албатта бу шубҳали бўлиб кўринарди. Манови филофлар чўкмасдан сув юзасида оқиб кетса-чи? Албатта оқиб кетади-да. Кўрмаган одам ҳам кўради. Шусиз ҳам дуч келган одамлар қараб қўйиш-япти, орқаларига ўгирилиб, кўз ташлаш-япти, худди ундан бошқа сира ҳам иш-хушлари йўқдай. «Нега бундай бўлаётир ёки менга шундай бўлиб туйиляптимикин», дея ўйларди у.

Ниҳоят, унинг хаёлига Невага борсам қандай бўларкин, деган бир фикр келди. У ерда одамлар ҳам кам бўлади, унчалар билинмайди ҳам, ҳар ҳолда анча қулай, энг муҳими – манови ерлардан йироқроқ. Шунда бирдан у ҳайрон бўлиб қолди: қандай қилиб ҳамманинг кўз ўнгида, хавфли жойларда ярим соатдан бери юрагига ғулғула тушиб кезиб юрибди ўзи, наҳотки, бу фикр миясига шунча пайтдан бери келмаган бўлса! Шунинг учун ҳам

ярим соат вақти бекорга кетди, нега десангиз, каналга ташлаб юбораман, деб кечаси алаҳсираб ётганида, бир қарорга келиб қўйган эди-да! У ўзи ғоятда хаёли паришон, фаромуш бўлиб бораётганлигини билиб турарди. Ишни жадал битирмоқ керак эди!

У Невага В – кўчаси орқали йўл олди, лекин йўлда унинг миясига бошқа бир фикр келди: «Нега энди Невага? Нега энди сувга? Яхшиси, жуда узоқларга бориб, ҳатто яна ўша орол бўлса ҳам майли, овлоқ, ҳеч ким йўқ бир ерда, ўрмонда, буталарнинг тагига кўмиб ташласа ҳам бўлади-ку – кўмиб қўяди-ю ўша дарахтни белгилаб олади». Гарчи у шу онда ҳаммасини батафсил ва бафуржа қила олмаслигига ақли етиб турган бўлса-да, лекин миясига келган бу фикрни тўғри деб топди.

Лекин унга ороларга бориб ўтиришга тўғри келмади, бошқа бир иш бўлиб қолди: у В – кўчасидан майдонга чиқар экан, бирдан чап томонида ҳамма ёғи баланд девор билан ўралган ҳовлига кириладиган жойга кўзи тушди. Дарвозадан кирилиши билан ўнг томонда тўрт қаватли қўшни уйнинг оқданмаган орқа девори чўзилиб кетар эди. Чап томонда эса тўрт қаватли уйнинг деразасиз деворига рўбару бўлиб ҳовлининг ичкарасига қараб йигирма қадамларча тахта девор чўзилиб кетарди, йигирма қадамлардаи сўнг девор чап томонга қараб давом этарди. Бу алақандай ўраб қўйилган кимсасиз жой бўлиб, ичида қандайдир бир нарсалар ётарди. Ҳовлининг ичкарасида девор орқасидан пастаккина қурум босган гишт уйнинг рахи чиқиб турар, афтидан, бу қандайдир бир устахонага тегишли эди. Ростдан ҳам бу ерда аравасозликми ёки темирчиликми, ҳар ҳолда шунга ўхшаш бир устахона бўлса керак эди; дарвозадан бошлаб, ҳовли саҳни қоп-қора кўмир қуруми билан қопла-

ниб ётарди. «Мана сенга ташлаб кетадиган жой!» – дея уйлади у бирдан. Ҳовлида ҳеч кимнинг қораси кўринмагандан кейин у дарвозадан ичкарига кирди ва кирган заҳоти шундоқ дарвоза яқинида деворга ўрнатилган тарновга кўзи тушди (фабрика, бирлашма ишчилари, извошчилар ва шунга ўхшаш кишилар кўп бўладиган уйларда одатда учрайдиган тарнов), тарновнинг шундоққина тепасида деворнинг ўзига бўр билан бунақа ерларда кўп бўладиган ҳазил ёзиб қўйилганди: «Бурда арова тўхтолиш тўхтатилади». Демак, бемалол тўхтаб турилса ҳам бўлади, бу ҳеч кимда шубҳа-иштибоҳ уйғотиб ўтирмайди. «Мана шу ерга ҳаммасини биратўла ташлаб юбориб қутулиш мумкин!»

У ҳовлини яна бир марта кўздан кечириб сўнг қўлини энди чўнтагига юборган эди ҳамки, бирдан дарвоза билан тарнов орасидаги бир газча келадиган масофа оралиғида девор тагида тахминан бир ярим пудлар келадиган катта харсанг тошни кўриб қолди. Харсанг ёнбошлаб турган деворнинг орқаси кўча йўлкаси бўлиб, у томондан ўткинчиларнинг қадам товушлари эшитилиб турарди, бу кўча доим одам билан гавжум бўларди. Лекин уни дарвоза ортида ҳеч ким кўрмас, фақат кўчадан биров кириб қолмаса бўлгани эди, шунинг учун ҳам шошилиш керак эди.

У харсангга эгилди, иккала қўли билан тош тепасидан маҳкам ушлади ва бутун кучини тўплаб тошни ағдарди. Тош тагида чўнқирча кўринди: у чўнтақларидаги нарсаларни дарров шу чуқурчага ташлай бошлади. Ҳамён ташланган нарсаларнинг устига тушди, лекин шунда ҳам чуқурчада ҳали жой бор эди. Кейин у тошни бир айлангириб, яна аввалги жойига ўрнатиб қўйди, фақат энди тош сал-пал кўтарилиб тургандай эди. Аммо у тупроқ сидириб, тош чеккаларига оёғи билан шиббалаб

қўйди. Ҳеч нарса билинмайдиган бўлиб қолди.

Шундан кейин у ҳовлидан чиқиб майдон томонга йўл олди. Яна худди идорада бўлганга ўхшаш зўр бир оний қувонч унинг бутун борлигини қамраб олди. «Изни йўқотдик! Бу тош тагидан бирон нима қидириш кимнинг ҳам хаёлига келарди, кимнинг? Тош бу ерда шу уй қурилгандан бери ётган бўлса керак ва яна қанча замонлар шундай ётаркин, ким билсин. Борингки, топиб олдилар ҳам дейлик, лекин ким буни мендан кўриб юрибди? Ҳаммаси тугади! Далил йўқ!» – деди-да, кулиб юборди. Шундай, у кейин мана шу тарзда асабий, қисқа, ҳеч ким эшитмайдиган қилиб кулганлигини, кулгисини анчагача, то майдондан ўтиб боргунича тўхтата олмаганлигини эслайди. Аммо у К-й бульварига келиб бундан уч кун бурун шу ерда анов қизча билан учрашганлиги эсига тушганда кулгини бутунлай йиғиштириб қўйди. Унинг хаёлини энди бошқа ўйлар банд этди. Яна бирдан унга қиз кетгандан кейин бориб ўтириб, ўйга толгани ўша ўриндиқнинг олдидан ўтиш шунчалар мушкул, ҳаддан зиёд юракни безиллатадиган нарса бўлиб туйилди. Ҳозир у ўшанда ўзи танга берган шоп мўйлов миршаб билан ҳам учрашиб қолишини истамасди: «Жин урсин уни!»

У теварак-атрофга қаҳр билан паришонхотир назар ташлаб борарди. Энди унинг бутун ўй-хаёли жуда муҳим қандайдир бир нарсага келиб тақалмоқда эди ва чиндан ҳам унинг ўзи мана шундай асосий бир нарса мавжудлиги ва энди шу асосий нарса билан яккама-якка қолганлиги ва бундай ҳолат кейинги икки ой мобайнида биринчи марта рўй бериб турганлигини сеза бошлади.

«Қуриб кетмайдими менга деса! – дея ўйлади у шунда жуда ҳам дарғазаб бир ҳолда. – Бошланган бўлса бошлангандир-да, менга деса шу янги ҳаёти

ҳам қуриб кетмайдими! Ё Раббим, қанчалар аҳмоқлик буларнинг ҳаммаси!.. Бугунги ёлғон гапирганим-чи, паст кетганим-чи! Илья Петровичдай қип-қизил расво одам олдида ялтоқланганим-чи! Ҳаммаси бўлмаган гаплар! Уларнинг барига тупурдим, ўзимнинг ялинчоқлик қилиб, найрангбозликларимга ҳам тупурдим! Шу лозиммиди! Шу керакмиди менга!..»

Шунда у турган жойида тухтаб қолди; янги, сира ҳам кутилмаган, бениҳоя жун бир саволдан у гангиб қолди ва аччиқ ичида ўйлади:

«Агар бу ишларнинг ҳаммасини телбалик ичида эмас, ростдан ҳам бир мақсад билан қилган бўлсанг, агарда сенда чиндан аниқ ва қатъий бир ният бўлса, унда қандай қилиб шу пайтгача ҳалиям ҳамёнга қараб кўрмадинг, қўлингга нима тушганлигини билмайсан, нимага шунчадан-шунча азоблар чекиб, яна мана шундай палид, паст, ярамас ишга қўл урганлигингни англамайсан? Ахир, сен, ҳатто уни сувга ташлаб юбормоқчи бўлдинг-а, ҳали ўзинг кўрмаган, ичида нима борлигини билмаган нарсаларни ташлаб юбормоқда жазм қилдинг. Буниси қандай бўлди?»

Ҳа, тўғри, бунинг бари тўғри. Дарвоқе, у буни илгари ҳам биларди, шунинг учун ҳам унга янгилик эмас; кечаси сувга ташлаб юбориш ҳақида қарор қилинганида, ҳеч иккиланмасдан эътирозга ўрин қолдирмасдан қарор қилинганди, худди ўзи шундай бўлиши керакдай, бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдай... Ҳа, у буларнинг барини билар, бари эсида эди; кеча сандиқ тепасида ўтириб, унинг ичидан филоф-силофларни чиқараётган маҳалида, сал бўлмаса шундай фикрга келинганди... Очиги ҳам шу!..

«Жуда қаттиқ оғриб қолганимдан шундай бўл-япти, – деган хулосага келди у ниҳоят қовоғини

уйиб, – ўзим ич-этимни еб ташладим, ўзимни-ўзим қийнаб қўйдим, нима қилаётганлигимни ўзим билмайман... Кечаям, ўтган куни ҳам, шу кунларда ўз ёғимга ўзим қовурилиб ётибман, ўзимни азобга қўйдим... Соғайиб кетсам... Ўзимни бунчалар қийнамасдим... Мабодо, бутунлай тузалиб кетолмасам-чи? Ё Раббим! Ҳаммаси жуда ҳам жонимга тегиб кетди!..» У тўхтамасдан юриб борарди. Бундай офир уйлардан қутулишни, сал кўнгли очилишини истар, лекин буни қандай қилиш керак, нима қилиш керак билмасди. Енгиб бўлмас янги бир туйғу уни борган сари ўз ҳукмига тортиб кетмоқдайди: у ўз атрофини қуршаган, ўзига дуч келган нарсаларга беҳад нафратланиб боқмоқда, ҳамма нарса унинг кўнглига уриб кетмоқда, бу туйғу енгиб бўлмас бир кучга эга бўла бормоқда, унга газаб, нафрат, ижирғаниш аралашиб кетмоқда эди. У кимга дуч келмасин, ҳаммаси жирканч бўлиб кўринар, уларнинг юзлари, юриш-туришлари, ҳаракатлари – барчаси назарида жирканч эди. Мабодо, агар битта-яримтаси шу тобда унга гапириб қолса, унинг башарасига қараб тупурган, балки тишлари билан ғажиб ташлаган бўларди...

У Кичик Нева соҳилига, Васильев ороли томон ўтадиган кўприк ёнига чиқиб бирдан тўхтаб қолди. «У мана шу ерда, анов уйда туради, – дея хаёлидан ўтказди у. – Нима бу, ўзимдан-ўзим Разумихиннинг олдига келиб қолибман-ку! Яна анув сафаргидай бўляпти... Жуда антиқа бўлди-ку, а, бу ерга ўзим келдимми ёки айланиб юриб билмай келиб қолдимми? Бари бир девдим мен... ўтган куни... ўша иш битгандан кейиноқ бу ерга келман, деган эдим, бупти, келсак келибмиз-да! Гуё энди унинг олдига киролмайдигандай...»

У бешинчи қаватга, Разумихиннинг олдига кўтарилади.

Разумихин хужрасида ишлаб ўтирган экан, эшикни унинг ўзи очди. Уларнинг кўришмаганига турт ойча бўлганди. Разумихин увада бўлиб қолган халатини устига ташлаб, яланг оёғига туфли илиб ўтирар, сочлари патила-патила бўлиб кетган, соқоллари ўсган, ювинмаганди. Унинг чехрасида ажабланиш акс этди.

– Сенга нима бўлди? – деб қичқирди Разумихин кириб келган ошнасига бошдан-оёқ разм солар экан, кейин жим бўлиб, хуштак чалиб юборди.

– Наҳотки, ишларинг шунчалар пачава? Э, биродар, сен ҳаммамиздан ҳам ўтказиб юборибсан-ку, – қўшимча қилди у Раскольниковнинг увада кийимларига назар ташлар экан. – Қани ўтир, роса чарчагандирсан ўзингам! – Раскольников устига клеёнка қопланган уникидан ҳам хароброқ туркча диванга ўзини ташлаганда, Разумихин ошнасининг тоби қочганлигини англади.

– Жуда ҳам мазанг қочиб қолибди-ку, ўзинг биласанми, ахир буни? – У ошнасининг томир уришини кўра бошлади; Раскольников қўлини тортиб олди.

– Керак эмас, – деди у, – мен келганим... шуки: дарс олсам девдим... мен истовдимки... йўқ, майли, менга ҳеч қанақа дарсининг кераги йўқ...

– Менга қара, ҳей? Сен алаҳдаяпсан-ку! – деди ундан кўзларини узмай турган Разумихин.

– Йўқ, алаҳдаётганим йўқ... – Раскольников дивандан турди. У Разумихиннинг олдига чиқар экан, у билан юзма-юз келаману деб ўйлаб кўрмаганди. Мана энди ҳозир шу дақиқаларда ким бўлишидан қатъи назар, учрашиб гаплашиш кўнглига сифмаётганлигини, ҳеч кимни кўргиси келмаётганлигини англаб етди. Унда сафро галаён қилмоқдайди. Ҳозир Разумихинникига келганлиги учун ўзини еб, ғажиб ташлашга ҳам тайёр эди,

– Яхши қол! – деди у бирдан ва эшикка қараб юрди.

– Ҳей жиннивой, тўхта, тўхтасанг-чи!

– Керакмас!.. – такрорлади Раскольников қўлини тортиб оларкан.

– Унда нимага келдинг ўзи! Жинни-минни бўлиб қолдингми? Ахир мени... хафа қиляпсан-ку. Сени бундай қўйиб юборолмайман.

– Менга қара: сенинг олдинга келганимнинг боиси сендан бошқа... Янги ҳаёт бошлаб... Юборишга ёрдам бериши мумкин бўлган биронта одамни билмайман... Нега десанг, сен ҳаммадан ҳам меҳрибонроқсан, яъни ақллироқсан, сен билан маслаҳатлашса бўлади... Энди бўлса шу тобда менга ҳеч нарса керак эмаслигини англаб қолдим, эшитяпсанми, ҳеч нарса... ҳеч кимнинг ёрдами ҳам, меҳрибончилиги ҳам керакмас... Мен ўзим... Бир ўзим... Бўлди, етар энди! Мени ўз ҳолимга қўйинглар!

– Бирпас сабр қилсанг-чи, ҳой гўлахи! Тоза девона бўлиб қолибди! Менга деса нима қилсанг ҳам ўзинг биласан. Қулоқ сол: менда ҳозир дарс йўқ, бўлмаса бўлмас, чайқов бозорда китобфуруш Херувимов деган бор, ана ўша дарснинг ўрнини босиб турибди. Мен энди уни бешта савдогарзодага бериладиган дарсга ҳам алишмайман. У шунақанги бир китоблар, шунақанги илмий оммавий нашрлар чиқаряптики, қўяверасан, яна тез тарқалиб кетаётганлигини айтсанг-чи! Сарлавҳаларининг ўзи ҳам жуда топилмас! Сен мени доим аҳмоқсан дердинг, мунга қара, мендан кўра ҳам аҳмоқлар бор экан! Энди ўзларини катта оқимга уряптилар; ўзи ҳеч вақони билмайди, мен бўлсам, уни рағбатлантириб турибман. Мана бу ерда икки табоқ ҳажмдан ортиқроқ немисча матн бор, менимча, аҳмоқона сафсатабозликнинг худди ўзи: бир сўз билан айт-



ганда, хотин киши одамми ёки одам эмасми, деган масала кўтарилган. Албатта, унинг одамлиги болохонадор қилиб исботлаб берилган. Херувимов буни хотин-қизлар масаласига оид қилиб тай-ёрлаяпти; мен таржима қилиб беряпман: у икки ярим табоқ нарсани олтига қилиб чўзади, кейин бир қулоч келадиган қулинг ўргилсин ном топа-мизу ҳар биттаси элик тийиндан сотиладиган китоб қилиб чиқарамиз. Кетади! Ҳар бир табоғига менга олти сўлкавойдан тулайди, демак, ҳаммаси бўлиб ун беш сўм пул ишлайман, ҳозир шундан олти сўмини олдиндан чунтакка солиб олганман. Буни битирганимиздан кейин китлар ҳақидаги китобчани таржима қиламиз, кейин «Confessions»<sup>6</sup> нинг иккинчи қисмидан аллақандай жуда одамни диққинафас қилиб юборадиган ғийбат гапларни ҳам топиб қўйганмиз, таржима қиламиз. Аллаким Херувимовга Руссо ҳам ўзига яраша Радишчевга ўхшаган одам деб айтган экан. Мен нима дердим, ундай эмас, деб ўтирмадим, менга нима! Айт-чи, «Хотин киши ҳам одамми?»нинг бир қисмини таржима қилишни истайсанми? Агар хоҳласанг, ана матн, ана патқалам, қоғоз ҳам бор – ҳаммаси идораники – кейин манови уч сўмни ҳам ол: мен таржиманинг пулини олдиндан олганим учун сен бир қисмини қиладиган бўлсанг, уч сўм ўзингники бўлади. Таржима қилиб бўлганингдан кейин яна уч сўм оласан. Ҳа, айтгандай, буни тагин менга ёрдам бериш учун қиляпти, деб ўйламагин. Аксинча, сен кирган заҳоти дарров хаёлимга келдики, менга ёрдам бермасмикинсан деб. Биринчидан, менинг имлодан мазам йўқроқ, иккинчидан, немисчани ҳам жуда қотириб ташлаганмиз, шунинг учун кўпроқ ўзимдан чиқариб тўқийман, таржима қилгандан кўра яхшироқ чиқаётганлигини кўриб

<sup>6</sup> «Кунгилдаги гаплар» (франц.).

суюнаман, ўз кўнглимни ўзим кўтарган бўламан. Яна ким биледи дейсан, балки яхши эмас, ёмонроқ бўлиб чиқаётгандир... Оласанми, йўқми?

Раскольников миқ этмасдан рисоланинг немисча бир қисмини ҳамда уч сўмни олди-ю шу кўйи миқ этмасдан чиқиб кетди. Разумихин унинг ортидан ажабланиб қараб қолди. Аммо биринчи зинага етар-етмас Раскольников бирдан изига қайтди, яна Разумихиннинг олдига чиқди ва немисча матн билан уч сўмни стол устига қўйди-да, ҳамон ўша алпозда индамай-нетмай чиқиб кета бошлади.

– Нима бало, иситма безгак бўлиб қолганмисан ўзи! – бўкириб юборди ниҳоят жон-пони чиқиб кетган Разумихин. – Нега мунча масхарабозлик қиляпсан! Одамни жуда шошириб қўйдинг-ку... Нега келдинг бўлмаса, жинни?

– Керакмас... таржималар... – гўлдиради Раскольников зинадан тушиб бораркан.

– Унда нима керак ўзи сенга? – қичқирди юқоридан Разумихин. Раскольников индамасдан тушиб борарди.

– Ҳей, менга қара! Қаерда турибсан?

Жавоб бўлмади.

– Э, менга нима!..

Бироқ Раскольников бу пайтда кўчага чиқиб бўлганди. Николай кўпригига етганда, анча-мунча ёқимсиз бир ҳодиса ҳам бўлиб ўтдики, бунинг оқибатида яна бир карра унинг ҳуши ўзига келгандай бўлди. Извош ҳайдаб бораётган бир аравакаш унинг орқасига қамчи билан қаттиқ туширди, бўлмаса Раскольников аравакашнинг уч-тўрт марта қичқириб ҳай-ҳайлашини эшитмай, от тагида қолиб кетай деган эди. Қамчи зарбидан у шунчалар кўрқиб кетдики, бир сакрашда кўприк четига ўтиб олди (у нима сабабдан от-арава юрадиган кўприкнинг ўртасидан кетаётганини ўзи ҳам ту-

шунмасди), тишларини ғазаб билан ғижирлатди. Атрофидан одамларнинг ҳи-ҳилашган овозлари эшитилди.

– Адабини еди-ку!

– Товламачига ўхшайди башараси.

– Атай ўзини мастликка солиб, араванинг тағига ташлайди-да булар, кейин унинг учун жавоб беришинг керак, биламиз.

– Шу билан кун кўришади, барака топкур, шу билан кун кўришади...

У нима қилишини билмай узоқлашиб бораётган извош кетидан қараб, ғазабланиб елкасини уқалаганча, кўприк панжараси олдида тураркан, бирдан кимдир унинг қўлларига пул тикиштираётганлигини сезиб қолди. У ўтирилиб қаради: бошига кичкинагина шляпа ва оёғига эчки терисидан тикилган бошмоқ кийган кекса савдогар хотин билан унинг ёнида мўъжазгина шляпа илган, қўлида кўк шамсия кўтарган қиз, афтидан, унинг қизи бўлса керак, туришарди. «Ол, отахон, Исо ҳақиға». У олди, улар ўтиб кетишди. Бир танга бериб кетишибди. Унинг афти ангорига, турқи тароватига қараб кўчаларда юриб, пул тўплайдиган расмона тиланчи, деб ўйлашган бўлса керак, бир танга бериб кетишларига қараганда, аравакашдан қамчи еганини кўриб, юраклари эзилиб раҳмлари келган шекилли.

У тангани кафтида маҳкам қисимлаб олди-да, ўн қадамча юриб юзини Нева томонга, саройга қараб бурди. Осмон тип-тиниқ, сув эса кўк эди, бунақаси Невада камдан-кам пайтларда бўлади. Жоменинг ҳаммадан ҳам фақат мана шу ердан яхши кўринадиган гумбази порлаб турар, ҳаво шунчалар соф эдики, гумбазнинг ҳар бир нақши яққол кўзга ташланар эди. У фақат мана шу ердан, кўприк устидан кичкина бутхонага етмасдан

йигирма қадам беридангина шунчалар ажиб бўлиб кўринарди. Қамчининг оғриғи қолди ва Раскольников калтак еганини унутди; миясига ғалати ва нотинч, ноаниқ бир фикр келиб, унинг диққатини бутунлай ўзига тортиб олди. У турган ердан олис-олисларга узоқ кўз узмай қараб турди; бу ер унга жуда таниш бўлиб кетганди. У университетга қатнаб юрган чоғларида одатда кўпинча уйга қайтаркан, мана шу ерда тўхтаб чиндан улуғвор манзарадан кўзларини узоқламай, томоша қилиб турар ва ҳар сафар ўзида ноаниқ ва ечиб бўлмайдиган бир таассурот қолганлигидан ажабланарди. Шу улуғвор манзарага тикилганда, у худди жисмига совуқ ўрмалаб кираётгандай ҳис қиларди ўзини; бу ажиб бир виқорга тўлган манзара унга гунгу соқов бўлиб туйиларди, бунда аллақандай тўмтайган илоҳанинг руҳи кезиб юргандай эди... У ҳар гал ўзининг шу маънос ва сирли таассуротидан ҳайрон қолар, унинг қаердан, нимадан пайдо бўлаётганлигини англай олмас ва ўзига ишонмасдан уни англашни кейинга суриб келар эди. Ҳозир ўзи илгари ҳайрон қолиб юрган нарсаларни, англамаган жумбоқларни у бирдан эслаб қолди ва шунда бу нарсалар шу тобда бекордан-бекорга ёдига тушмаганлигини англагандай бўлди. Қизиғи шундаки, худди аввалгилардай қаерда тўхтаб томоша қилса, ҳозир ҳам ўша ерда тўхтаганлигининг ёлғиз ўзиёқ унга ғалати ва ҳеч тушуниб бўлмайдиган бир ҳол каби кўринди ва худди яна илгарилардай хаёлга толиши, фикр қилиши, ўша чоғлар бўлганидай манзаралар, мавзулар билан қизиқиши мумкиндай туйилганлиги уни чиндан ажаблантириб қўйди. Ҳатто бундан унинг ҳам кулгиси қистади, ҳам юраги сирқираб оғриди. Эиди ўзининг ўтган кунлари, олдинги ўй-хаёллари, олдинги орзу-ниятлари, олдинги мавзулари, олдинги таассу-

ротлари ва мана бу ястаниб ётган манзаралар, ва унинг ўзи ҳам, ҳаммаси-ҳаммаси... аллақандай кўз илғамас чуқурликка тушиб ғойиб бўлиб кетгандай эди... У худди осмонга учиб кетаётибди-ю ҳаммаси гўё йўқолиб бораётибди... У қўлини беихтиёр қимирлатиб қўйди, шунда кафтида танга турганлигини сизди. У кафтини ёзди, тангага диққат билан тикилиб турди, кейин уни қулочкашлаб сувга улоқтириб юборди. Кейин бурилиб уйга қараб йўл олди. Шу тобда унга ўзини ўзи ҳаммадан, дунёдаги бор нарсадан қайчи билан қирқиб ташлагандай бўлиб кўринди.

У уйга кеч бўлганда қайтди, ҳаммаси бўлиб олти соатлар чамаси кезиниб юрибди. Қайтишда қандай, қаердан келган, қаерларда юрган, ҳеч эсида қолмаганди. У ечинди, худди ҳолдан тойган отдай қалтираб диванга ётди, устига шинелини тортди ва шу заҳоти ҳамма нарсани унутди...

У қоронғи говгум бўлганда ваҳимали бир чинқирикдан уйғониб кетди. Ё Раббим, ниманинг чинқириги бу! Бунақанги додлаб бақирришлар, дунёни бошга кўтарган чинқирик фарёдлар, гажир-ғужурлар, кўз ёшлар, калтаклашлар ва оғзини бура-лаб сўкишларни у умри бино бўлиб эшитмаган ҳам кўрмаганди. Бунчалар ваҳшийликни ва бунчалар қутуриб кетишликни у, ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди. Ваҳима аросат ичида у ўрнидан туриб ўтирди, дам сайин юраги даҳшат ва қўрқинчга тўлиб бормоқда эди. Аммо уриш-жанжал, айюҳаннос, қиёмат-қойим борган сари авжга миниб чиқмоқдайди. Бирдан у ўз бекасининг овозини эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолди. У увиллаб дод солар, чинқирар, чийиллар, сўзларни чала-ярим қилиб саросима ичида бақириб айтар, унинг нима деётганини англаб бўлмас, лекин у нималардир деб ёлворар, урмасликларини илтижо қиларди, уни

зинада туриб олиб раҳмсизлик билан аямасдан калтаклашмоқда эди. Ураётган одам овози шунчалар ҳам қутуриб, ваҳшийлашиб кетган эдики, фақат хирқироқ эшитилар, лекин шундай бўлса ҳам бари бир калтаклаётган одам ҳам алланарсалар дер, у тез-тез, ҳовлиқиб, ютоқиб, бўғилиб гапирганидан нима деётганини билиб бўлмасди. Бирдан Раскольников япроқдек қалтираб кетди: у овозни таниб қолди; бу Илья Петровичнинг товуши эди. Илья Петрович келиб, бекани ураётган экан-да! У бекани оёқлари билан тепар, калласидан чангаллаб олиб, зиналарга урар, – буларнинг бари келиб турган товушлардан, дод-войлардан, калтак товушларидан маълум бўлмоқда эди. Нима бўляпти ўзи, дунё охир бўлиб қиёмат-қойим қўптими? Ҳамма қаватлардан зинага одам йиғилиб келаётгани эшитилиб турар, шовқин-сурон овозлари келар, кимлардир бақирар, дўпирлаб юқорига кўтарилар, пастга тушар, эшикларни тақиллатиб очиб-ёпишар, югуришар эди. «Нимага уряпти, нимага... Наҳот шундай қилиб бўлса!» – дея такрорларди у мен ақдан оздим шекилли, дея жиддий ўйлар экан. Йўқ, ундаймас, мана, аниқ эшитиб турибди!.. Лекин бундан чиқди ҳозир унинг олдига ҳам бостириб келишади, нега деганда, «Чунки... Рост, бу худди ўшандан... Кечаги туфайли... Ё Раббим!» У эшикнинг илгагини тушириб олмоқчи эди, лекин қўлини кўтаролмади... фойдаси ҳам йўқ! Қўрқинч муз каби унинг юрагини қолади, уйи эзиб ташлади, уни қотириб ташлади... Аммо мана ниҳоят ўн дақиқача давом этган бу аросат тўполон аста-секин тина бошлади. Бека ингранар, оғриқдан инқиллар эди. Илья Петрович ҳамон дўқ-иддао қилар, сўкинарди... Лекин мана алоҳал унинг ҳам овози ўчди; ана бутунлай эшитилмай қолди; «Наҳотки кетган бўлса! Ё Раббим!» Ана, бека ҳам

кетяпти, у ҳамон инграниб йиғлайди... ана, унинг эшиги ёпилди... Ана, одамлар зинадан уй-уйларига тарқалишмоқда, – улар оҳ-уҳ қилиб, гап талашиб, бир-бирларини чақиритиб, дам овозларини баланд қилиб, дам шивирлашиб кетишмоқда. Афтидан, жуда кўп одам йиғилганга ўхшарди: бутун бинодагилар йиғилиб келишган шекилли. «Ё Раббий, наҳотки шундай қилиб бўлса! Нега, нега у бу ерга келади!»

Раскольников шилқ этиб, диванга қулади, аммо энди кўз юмолмади; у шу тариқа қақшаб-қалтирган, ифодалаб бўлмас даҳшат ичида ярим соатлар чамаси ётиб қолди, бунақасига умрида илк мартаба дуч келиши эди. Бирдан хонанинг ичи ёп-ёруғ бўлиб кетди; қўлида шам ва бир ликопча суюқ ош кутарган Настасья кириб келди. У Раскольниковга диққат билан разм солиб қаради, унинг кўзи очиқ эканлигини кўриб, шамни стол устига қўйди ва олиб келганлари: нон, туз, ликопча ва қошиқни стол устига тера бошлади:

– Уззуккун оч-наҳор юргандирсан ҳали. Ўзингни аҳволинг бу, яна қуни билан тентиб юрганингни-чи.

– Настасья... бекани нимага калтаклашди? Настасья унга тикилиб қаради.

– Бекани ким урибди?

– Ҳозир... ярим соатча бўлди, назоратчининг ёрдамчиси Илья Петрович уни зинада... Нега уни бунақа уради? Иннайкейин... Нега келибди ўзи?..

Настасья индамасдан қовоғини солганча унга қаради-да, шу ҳолатда анчагача тикилиб турди. Унинг бундай қарашидан Раскольников ўзини ноқулай сезди.

– Настасья, нимага индамай турибсан? – ботинмайгина сўради у заиф товуш билан.

– Бу қоннинг иши, – деб жавоб берди ниҳоят Настасья секин худди ўзига ўзи гапиргандай.

– Қон!.. Қанақа қон?.. – гўлдиради у ранги оқариб кетган ҳолда девор томонга сурилар экан. Настасья ҳамон индамасдан унга қараб турарди.

– Ҳеч ким бекани ургани йўқ, – деди у жиддият ва босиқлик билан. Раскольников Настасьяга зўр-базўр нафас олиб қараб турарди.

– Мен ўзим эшитдим... мен уйғоқ ётгандим... мен ўтирувдим, – янада ҳуркак бир товуш билан сўзлади у. – Мен анчагача эшитиб ётдим... Назоратчининг ёрдамчиси келди... Ҳамма зинага чо-пиб чиқди...

– Ҳеч ким келгани йўқ. Сени қон тутганга ўхшайди. Қонинг жигарларингда қуюлиб қолганга, борадиган жойини билмай турганга ўхшайди, ана шунда кўзингга ҳар нарса кўринаверади... Овқат-повқат еб оласанми ўзи?

Раскольников жавоб бермади. Настасья ҳамон унинг тепасида тикилиб қараб турар, нари кетмасди.

– Сув бер... Настасьюшка.

Настасья пастга тушиб кетиб, икки дақиқалардан кейин сопол идишда сув олиб чиқди, аммо Раскольников шундан кейин нима бўлганини билмайди. Фақат бир қултум муздек сув ичиб, қолганини кўкрагига тукиб юборгани эсида, холос. Сўнг ҳушидан кетди.

### III

Лекин касал бўлиб ётар экан, уни бутунлай, беҳуш бўлиб қолган деб айтиб бўлмасди: у иситмалар, алаҳлар, дам ҳуд, дам беҳуд бўлиб ётар эди. Кейинчалик у кўп нарсаларни ёдига туширди. Гоҳо унга атрофида жуда кўп одамлар йиғилганга, уни



қаергадир олиб чиқишадиганга ўхшаб туйилар, гуё унинг устида ва унинг важдан тортишишар, жанжаллашишарди. Гоҳо бирдан хона ичида ёлғиз ўзи қолганга, ҳамма ундан қўрқиб ташлаб кетишганга ва фақат ўқтин-ўқтин эшикни сал-палгина қиялатиб очиб, унга қараб-қараб қўйишаётганга, унга дўқ қилишаётганга, ўзлари ўз ўрталарида алланималарнидир келишиб олиб, кулишаётганга, уни мазах қилишаётганга ўхшаб кўринарди. Настасья доимо унинг ёнида тургандай эди; у яна бир одамни эс-эс танигандай бўлар, лекин унинг кимлигини аниқ била олмас, билмаганидан юраги сиқилар ва, ҳаттоки йиғлагиси келарди. Баъзан унга бир ойдан бери кўрпа-тўшак қилиб ётгандай бўлиб кўринарди; бошқа сафар эса ҳамон ҳали орадан бир кун ҳам ўтмагандай туйиларди. Лекин анови иш ҳақида анов ишни у бутунлай унутиб қўйганди; фақат ниманидир, сира унутиш керак бўлмаган нарсани унутиб қўйганлигини сира ҳам унутмасди, изтироб чекар, қийналар, эслашга уриниб инграб юборар, қутуриб кетар ёхуд ҳеч чидаб бўлмайдиган даҳшатли бир қўрқинчга фарқ бўларди. Шунда у ўрнидан шахт билан туришга, қочиб кетишга уринар, лекин кимдир доим уни куч билан ушлаб қолар ва у яна ҳолдан тойиб шилқ этиб тушар, ҳушдан кетарди. Ниҳоят, у бутунлай ўзига келди.

У ўзига келганда, эрталаб соат ун бўлган эди. Ҳаво очиқ кунларда эрта билан худди мана шу маҳалда офтобнинг узун бир парчаси хонанинг ўнг деворига тушар ва эшик ёнидаги бурчакни ёритарди. Унинг бошида Настасья билан яна бутунлай нотаниш бўлган бир одам турар ва ажабсиниб унга тикиларди. Бу кафтан кийган, калта соқол қўйган йигит бўлиб, кўринишдан бирлашмадагиларга ўхшаб кетарди. Ярим қия очиқ қол-

ган эшикдан бека муралаб турарди. Раскольников қаддини кутарди.

– Бу ким, Настасья? – сўради у йигитни курсатиб.

– Кўзингни ҳам очар экансан-ку! – деди Настасья.

– Уйфондилар, – деди бирлашма ходими ҳам.

Унинг уйфонганлигини кўрган бека дарҳол эшикни беркитиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўзи илгаридан ҳам тортинчоқ бўлган бу жувон гап-сўзга сира тоби-тоқати йўқ, ўзи қирқларга бориб қолган, тиқмачоқдай тўладан келган, семиз, қош-кўзлари қоп-қора, семизлигидан ва эринчоқлигидан кунгли буш эди; ўзи туппа-тузук, нозаниндай, лобаргина ва ҳаддан ташқари уятчан эди.

– Сиз... ким бўласиз? – сўради Раскольников бирлашма ходимига қараб. Лекин шу пайт эшикланг очилиб, хужрага бўйи баландлигидан бир оз эгилиб, Разумихин кириб келди.

– Худди кеманинг бўлмасига ўхшайди-я, – дея хитоб қилди у кириб келаркан, – қачон қараманг, бошимни уриб оламан; шуюм уй бўлди-ю! Э, уйфондингми, биродар? Ҳозиргина Пашенькадан эшитдим.

– Ҳозиргина уйфонди, – деди Настасья.

– Ҳа, ҳозир уйфондилар, – деб унинг гапини тасдиқлади бирлашма ходими илжайиб.

– Ўзингиз ким бўласиз? – сўради шунда ундан Разумихин. – Мен мана кўриб турганингиздай Вразумихин бўламан: ҳамма мени Разумихин дейди, лекин бу тўғри эмас, тўғриси Вразумухин, талаба, дворян фарзанди, бу эса менинг дўстим бўлади. Қани, хўш, ўзингиз ким бўласиз?

– Идорамизда бирлашма ходими бўлиб ишлайман, савдогар Шелопаевнинг қўлида, бу ерга иш юзасидан келгандим.

– Манови курсига ўтиринг, – Разумихиннинг ўзи столнинг бошқа томонига қўйилган курсига ўтирди.

– Кузингни очиб, жуда соз иш қилибсан-да, биродар, – дея давом этди у Раскольниковга қарата. – Тўрт кундан бери еяр-ичарингни тайини йўқ. Ростини айтсам, чойни ҳам қошиқда ичирдик. Сенинг олдингга икки марта Зосимовни олиб келиб кўрсатдим. Зосимов эсингдами? Сени кўриб бўлгандан кейин дарров, ҳечқиси йўқ, тез тузалиб кетади, миясига бир нима уриб кетганга ўхшайди, деди. Асаблари бузилган дейдими-ей, яхши овқатланмаган дейди, пиво билан хренни кам беришибди, ўшандан тоби қочиб қолган, ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, дейди. Барака топсин Зосимов! Даволашни қотириб ташлайдиган бўлибди. Ҳе, хуш, бўлмаса мен сизни ушлаб ўтирмайман, – деди у яна бирлашма ходимига қарата, – нима иш билан келганлигингни айтиб бера оласизми? Билиб қўй, Родя, буларнинг идорасидан иккинчи марта одам келиши; фақат олдин бошқа киши келган эди, у билан ҳам гаплашган эдик. Сиздан олдин бу ерга ким келган эди?

– Уч кун бурун келган бўлса керак, тўғри. У киши Алексей Семёнович бўладилар: у киши ҳам бизнинг идорамизда хизмат қиладилар.

– У кишининг кўриниши сиздан дурустроқ эди шекилли, тўғрими?

– Шундай; у киши анча салобатлироқ кўринадилар.

– Яшанг, қани давом этинг-чи.

– Шу десангиз, Афанасий Иванович Бахрушин орқали, у киши ҳақида бир неча марта эшитган бўлсангиз ҳам керак, сизнинг волидангининг илтимосларига кўра, бизнинг идорамизга сизга бериб қўйиш учун пул келган, дея гап бошлади бирлашма ходими тўғридан-тўғри Раскольниковга мурожаат қиларкан. – Агар ўзингни яхши ҳис

қилиб турган бўлсангиз, сизга ўттиз беш сўм пул бериб кетишим керак, Семён Семёнович волидангизнинг илтимосларига кўра, Афанасий Ивановичдан олдин қандай бўлган бўлса ўшандай йўл билан пул бериш ҳақида хабар олган эканлар. У кишини танирсиз?

– Ҳа... Эсимда... Бахрушин... – пичирлади Раскольников ўйчан.

– Қаранглар: савдогар Вахрушинни ҳам билар экан! – қичқирди Разумихин. – Ҳушига келгани шу-да? Дарвоқе, кўриб турибман, сиз ҳам анча гапга тушунадиган одам экансиз. Хўш-ш! Ақлли гапларнинг садағаси кетсанг арзийди.

– Ҳа, худди ўзлари ўша Афанасий Иванович Бахрушин, волидангизнинг илтимосларига кўра, худди олдингидай қилиб пул юборибдилар, волидангиз илгари ҳам шундай йўл билан сизга пул жўнатган эдилар, Афанасий Иванович бу сафар ҳам йўқ демабдилар ва шу кунларда ўз жойларидан туриб, Семён Семёновичга хабар қилибдиларки, сизга ўттиз беш сўм бериб туриш ҳақида, яхши кунлар келгунча.

– Ана шунингизга, яъни «яхши кунлар келгунча» деганингизга беш кетдим, ўлай агар «волидангиз» деганингиз ҳам умуман ёмон эмас. Хў-ўш, қани бир ўзингиз айтинг-чи, у тўла ҳушига келганми ёки келмаганми, а?

– Мен билмасам энди. Менга қўл қўйиб беролсалар бўлди эди.

– Қўл қўйиб ташлайди! Нима, дафтарингиз борми?

– Дафтарим бор, мана.

– Бу ёққа беринг. Қани Родя, гавдангни кўтар. Мен сени ушлаб тураман: Раскольников қандайлигини кўрсатиб қўй, ол қаламни, нега десанг, биро-

дар, пул дегани ҳозир бизга нон-сувдан ҳам зарур бўлиб турибди.

– Керак эмас, – деди Раскольников қаламни нари итараркан.

– Нега энди керакмас бўларкан?

– Қўл қўймайман.

– Вой, шайтон-ей, қўл қўймасдан бўларканми?

– Керак эмас... пул...

– Пул керакмас деяпсанми, а? Қўй-ей, бунчалар олиб қочма, биродар, ўзим кўриб-билиб турибман-а! Сиз безовта бўлманг, барака топкур, бу ўзи шундай... яна олиб қочяпти. Айтгандай, ҳуши ўзида бўлган маҳалларда ҳам шунақа одатларини қилиб туради... Сиз ақлли йигит экансиз, биз буни қўллаб юборамиз, яъни демоқчиманки, қўлини юритиб юборамиз, қўл қўйган бўлади. Қани бошланг.

– Менга қолса, бошқа пайт келарман.

– Йўқ, йўқ; ўзингизни уринтириб нима қиласиз. Сиз ақлли йигитсиз... Қани Родя, меҳмонни куттириб қўйдик... Кўряпсанми, кутиб қолди, – шундан кейин у чиндан ҳам Раскольниковнинг қўлидан ушлаб қўл қўйдирмоқчи бўлди.

– Қўй, мен ўзим... – пичирлади Раскольников ва қаламни олиб дафтарга қўл қўйди. Бирлашма ходими пулни берди-да, чиқиб кетди.

– Баракалла! Ана энди, овқатга қалайсан, биродар?

– Майли, – жавоб берди Раскольников.

– Суюқ ош қилганмисиз?

– Кечагидан қолгани бор, – деди Настасья, у шу ердан жилмай турган эди.

– Картошка билан гуруч солинганми?

– Ҳа, картошка билан гуруч солинган.

– Кўрмасам ҳам биламан. Келтир, ошинг билан чойингни.

– Келтираман.

Раскольников буларнинг барига ҳанг-манг бўлиб, бемаъни бир қўрқинч ичида қараб турарди. У миқ этмай, кутишга қарор қилди: қани, бу ёғи нима буларкин? «Мен алаҳсираётганим йўқ, – дея ўйларди у, – мен ростдан ҳам алаҳсираётганим йўқ шекилли...»

Икки дақиқадан кейин Настасья суюқ ош кўтариб, қайтиб келди ва ҳозир чой ҳам олиб келаман, деди. Суюқ ош билан бирга иккита қошиқ, икки ликопча, тузу мурч солинган идишлар, мол гўштига суртиб ейиш учун хантал сингарилар келтирилдики, бундай нарсаларнинг бу ҳужрага кирмаганлигига хийла замонлар бўлиб қолганди. Дастурхон топ-тоза эди.

– Агар Прасковья Павловна иккитагина шиша пиво жўнатиб юборсалар, хўпам қулинг ўргилсин иш булар эди-да, Настасьюшка. Биз ичиб ташлардик.

– Бу дейман, жуда чаққон экансан-ку! – тўнғиллади Настасья ва айтилган нарсани олиб келиш учун чиқиб кетди.

Раскольников ҳамон асаблари таранг тортилган ҳолда тўмтайиб ниманидир кутиб ётарди, разм соларди. Бу орада Разумихин унинг олдига ўтиб, диванга ўтирди, беморнинг ўзи бемалол бошини кўтариб, ўтира олиши мумкин эди, лекин шунга қарамасдан Разумихин худди айиққа ўхшаб, бесўнақайлик билан касалнинг бошини чап қўли билан айлантириб ушлаб олди-да, ўнг қўли билан унинг оғзига ош олиб борди, қошиқдаги ошни унинг оғзига олиб боришдан олдин уни бир неча маротаба пуфлаб совитарди, касалнинг оғзи куймасин, дерди. Аммо ошнинг ўзи илмиликқина эди. Раскольников ҳаприқиб биринчи қошиқни, кейин

иккинчисини, учинчисини ичди. Лекин унга бир неча қошиқ ош ичиргандан кейин бирдан Разумихин тўхтади ва бу ёғини энди Зосимов билан маслаҳатлашмасам бўлмайди, деди. Икки шиша пиво кўтарган Настасья кирди.

– Чой ичасанми?

– Ичаман.

– Тезроқ чой олиб кел, Настасья. Нега десанг, чойни маслаҳатлашиб ўтирмасдан ҳам ичираверса бўлаверади шекилли... Қани пивождондан ҳам бир симирайлик! – у боя ўзи ўтирган курсига бориб ўтирди-да, суюқ ош билан гўштни олдиға тортиб, шунчалар иштаға билан тушира кетдики, унга қараб туриб, ҳойнаҳой уч-тўрт кун овқат емаган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди.

– Мен сеникида ҳар куни мана шундай овқатланадиган бўлиб қолдим, биродарим Родя, – пўнғиллади у оғзини тўлдириб, гўшт чайнардан. – Бунинг ҳаммасини сенинг бекачинг Пашенька қияпти, менга чин кўнгиладан меҳрибончилик кўрсатяпти. Ўзинг биласан, мен бунда уни зўрламайман ҳам, лекин ундай қилманг, деб шаштини ҳам қайтармайман. Ана, Настасья ҳам чой олиб келди. Мунчалар оёқ-қўлинг чаққон бўлмаса! Настенька, пиво ичасанми?

– Қўй-е, шайтон!

– Чой-чи?

– Чой десанг, майли.

– Қуй. Тўхта, сенга ўзим қуйиб бераман: қани, ўтир.

У дарҳол чой қуйиб, кейин иккинчи идишға ҳам чой тўлдирди, еб турган овқатини қолдириб диванга ўтиб ўтирди. Яна боягидай Раскольниковнинг боши тагига чап қўлини суқиб, кўтарди-да, чой қошиқда унга чой ичира бошлади, чой ичираркан, тўхтовсиз суръатда ҳафсала билан уни пуфлаб

совитар, гўё шундай қилмаса касал тузалмайди-гандай, беморнинг тузалиши фақат шунга қараб қолгандай. Раскольников ўрнидан туриб диванда бемалол ўтира олиши, бунда бировнинг кўмагига муҳтож эмаслигига қарамай, ўзига берилаётган ёрдамни миқ этмай, қаршилиқ кўрсатмай, қабул қиларди, ваҳоланки, шу тобда у қошиқни ҳам бемалол ўзи кўтара олар, сувни ҳам ича олар, айни замонда, балки ўрнидан туриб юра олар ҳам эди. Аммо ҳозир унда аллақандай тулкилик уйғонган, шу тулкиликка кўра, у вақти-соати келгунча кучини яширмоқчи, биқиниб олмоқчи, ўзини бошқача бир одам қилиб кўрсатмоқчи, агар керак бўлса овсарроқ бўлиб қолгандай кўринмоқчи ва бу орада атрофида нима бўлаётганини, кимлар нималарни сўзлаётганлигини англаб, яхшилаб билиб олмоқчи эди. Айтгандай, у бари бир ўзининг жирканиб турганлигини яшириб кетолмади: ўн қошиқлар чама-си қошиқда чой ичгандан сўнг, у бирдан бошини тортиб олди, инжиқлик қилиб, қошиқни итариб ташлади ва яна ўзини ёстикқа отди. Энди унинг бошига чинакам озода пар ёстиклар қўйилганди; у буни сизди ва хаёлининг бир четига тугиб қўйди.

– Бизга бугун Пашенька албатта малина мураббоси берсин, унга чой қилиб берамиз, – деди Разумихин, ўз жойига ўтириб, яна овқат билан пивога уннар экан.

– Шу пайтда сенга малинани қаёқдан топиб беради? – сўради Настасья кафтидаги қанддондан оғзига қанд солиб чой ичар экан.

– Малинани у киши дўкондан олиб келади, онахоним. Менга қара, Родя, бу ерда сен билмаган анча-мунча гаплар бўлиб ўтди. Сен мени ҳайрон қолдириб кетиб қолганингдан кейин, ҳатто қаерда туришингни ҳам айтмадинг, жуда ҳам жаҳлим



чиқиб кетди, сени топмай қўймайман, боплаб бир адабингни бермасам бўлмайди, деб аҳд қилдим. Ўша куниёқ, ишга киришдим. Оёғимда оёқ қолмади сени сураб-суриштиравериб! Мен бу ерда туришингни унутган эканман, унутган эмишман, бу ерга мутлақо келган эмасдим, билмасдим бу ерда туришингни. Илгари турган ерингни билардим, Беш Бурчакдаги Харламовнинг уйи. Ўша Харламовнинг уйини қидира-қидира топдим, кейин билсам, у Харламовники эмас, Бухники экан, – одамни баъзан сузлар мана шунақа адаштириб юради! Жон-поним чиқиб кетди. Аччиқланганимча эртасига нима бўлса бўлди дедиму, худуд нозирига бордим. Буни қарая: у ерда сени менга икки дақиқа ичида топиб беришди. Сен дафтарда ёзилган экансан.

– Дафтарда!

– Бўлмасам-чи, генерал Кобелевни эса менинг олдимда сира топиб бериша олмади. Нимасини айтасан, гапираман десанг, гап кўп. Бу ерга келишим биланоқ сенинг ҳамма ишларинг билан танишиб чиқдим, ҳа, ҳаммаси билан, ҳаммаси билан, ҳаммасини биламан, биродар, манови киши ҳам кўрди қандай танишганлигимни, Никодим Фомич билан ҳам танишдим. Илья Петровични ҳам менга кўрсатишди, бу ердаги идорада саркотиб бўлиб ишлайдиган жаноб Заметов Александр Григорьевич билан ҳам, ҳовлининг қоровули билан ҳам ва ниҳоят, Пашенька билан ҳам танишиб олдим, – охиргиси, айниқса, антиқа иш бўлди, манов кишим ҳам буни билади...

– Эритиб юборди, – мингиллади Настасья қувлик билан илжаяркан.

– Ичига қанд солиб ичинг, қанд солиб, Настасья Никифоровна.

– Ҳу, шайтон олсин сени! – дея қичқирди шунда Настасья ва пиқирлаб қулиб юборди. – Мен Никифоровна эмас, Петровнаман-ку, – қўшимча қилиб қўйди у қулгидан тўхтагандан сунг.

– Бош устига. Шундай қилиб десанг, биродар, мен ади-бади қилиб ўтирмасдан бу ерга биратула электр токини қўйиб юбормоқчи ҳам бўлдим, бу ерда ин қурган барча иллатларни куйдириб, йўқ қилиб ташласин, девдим, аммо Пашенька ғолиб чиқди. Биродарим, мен сира ўйламаган эканман, уни шунчалар авенантгина<sup>7</sup> бир хотин деб... а, лаббай? Нима дединг?

Раскольников хавотир ичида боққан кўзларини ундан бир дам бўлсин узмай турар, индамас, лекин тикилгани тикилган эди.

– Асти қўяверасан, – дея давом этди Разумихин жавоб олмаса ҳам худди жавоб олгандай қилиб, – жуда ҳам қулинг ўргилсин, ҳар жиҳатдан.

– Вой, қуриб кетмагур-ей! – қичқирди яна Настасья, афтидан, бўлиб турган бу гаплар унга беҳад ҳузур бағишларди.

– Ҳамма бало шундаки, биродар, сен бошидан ишни пишиқ қилмагансан. У билан бундай муомала қилиш керак эмасди. Биласанми, унинг табиати жуда ҳам антиқа, топилмас хотин! Майли, табиатини кейинроқ айтиб берарман... Мен ҳайронман, қандай қилиб сенга овқатингни бермай қўйдилар, қандай қилиб бунга чидаш, ишни шу даражагача олиб бориш мумкин? Ёки бўлмасам, вексель нима дегани? Нима ўзи жинни-минни бўлиб қолганмисан, векселга қўл қўядиган? Ёки бўлмаса, олдиндан ҳали қизи Наталья Егоровна тирик пайтларида келишиб қўйилган никоҳ-чи... Мен ҳаммасини биламан! Дарвоқе, бу

<sup>7</sup> Французча *avenante* – ёқимтой, дилбар сўзининг бузиб айтилиши.

нозик масала, мен булса эшакман; кечир мени. Ҳа, айтгандай, ақли қисқалик ҳақида: сен нима деб ўйлайсан, ахир Прасковья Павловна биринчи қарашда унчалар ақли бўлиб кўринмаса ҳам, лекин аслида жуда комила хотин, шундай эмасми? Лаббай?

– Шундай... – деди тиш орасидан Раскольников унга қарамасдан, айна чоғда гапга қўшилиб туриш зарурлигини англаган ҳолда.

– Тўғри айтдимми? – қичқирди Разумихин афтидан ўзига жавоб берганларидан хурсанд бўлиб, – лекин шу билан бирга жиндак етишмайдиган томонлари ҳам бор, шундаймасми? Мутлақо, мутлақо феъли ғалати! Менга ишон, биродар, баъзи бир жиҳатлардан ҳайрон бўлиб ҳам турибман... Ёши қирқдан кам эмас. Ўзи ўттиз олтига кирдим, дейди, деса дегудай бор. Айтмоқчи, сенга қасам ичиб айтаманки, у ҳақидаги фикрларим ҳаммаси ўзимча бир хаёл қилишнинг натижаси, ёлғиз метафизика; бу ерда шундай чигал муаммолар пайдо бўлдики, дўстим, нақ алжабрнинг ўзи! Ҳеч нимага тушунмай қолдим! Ҳаммаси қаёқдаги арзимаган гаплар, гап шундаки, у сен ўқимай қўйганингни, кийим-кечагингдан пуртур кетиб, дарс бермай юрганингни кўргандан кейин, бунинг устига ойимқиз вафот этиб сенга қариндошчилик қилишдан умидини йўқотгач, бирдан кўрқиб кетган; сен ҳам бир бурчакка тиқилиб олгансан, аввалги муомалангни қилмагансан, ана шундан кейин у сени уйдан қувиб чиқармоқчи бўлган. Анчадан бери у шундай қилмоқчи бўлиб юрар экану фақат векселни кўзи қиймас экан. Бундан ташқари, ойим тўлайди, деб ўзинг ишонтирибсан...

– Деган булсам аҳмоқлик қилиб айтганман... Ойимнинг ўзи зўрға бир кунини ўтказиб турибди... мени уйдан ҳайдаб чиқармасинлар, овқатим-

ни бериб турсинлар деб шундай деганман, – деди овозини баланд қилиб Раскольников.

– Сен тўғри қилгансан. Ҳамма бало шундаки, нима ҳам бўлиб орага эшик оғаси маслаҳатчи жаноб Чебаров аралашиб қолади, ўзи жуда корчалон одам. У бўлмаса Пашенька шунча ишларни қилиб ўтирмасди, нега десанг, у жуда ҳам тортинчоқ хотин; корчалон одам бўлса, ўзинг биласанки, тортинчоқлик нималигини билмайди, шунинг учун ҳам аввало векселдан нарса ундириб бўладими, деб сўраган. Ундириб бўлади, деган жавоб олган, ойиси бор, шу ойиси бир юз йигирма беш сўм нафақа олади, ана шу нафақадан ўзи емай-ичмай суюкли Роденькасини қийин аҳволдан қутқариб олади, бунинг устига шундай синглиси ҳам борки, акаси учун жондан кечишга ҳам тайёр. Корчалон мана шуларни ҳисобга олган... Нега қимирляпсан ўзи? Биродар, мен энди сенинг ҳамма сирасрорларингни билиб олдим, қариндош бўламан, деб юрган пайтларингда Пашенькага барча юрак сирларингни бекорга айтмаган экансан, мана энди юрагим ачишганидан гапиряпман... Ана шунақа ишлар, оғайни; виждонли, кўнгли бўш одам юрагини ҳаммага очиб курсатаверади, корчалон бўлса, тинглаб ошаб ўтиради, кейин ўзингни ҳам ошаб қўяди. Пашенька векселгинани пул ўрнида Чебаровга ўтказган, Чебаров бўлса, тортиниб-қисиниб ўтирмай, пулни ундиришга киришган. Бу ишларнинг тагига етганимдан кейин мен виждоним олдида гуноҳкор бўлмаслик учун Чебаровни бир қоқиб-суқиб қўймоқчи эдим, лекин бирдан Пашенька билан тил топишиб қолдик-да, шундан кейин мен бу ишларни тўхтатишни буюрдим, масала чувалашиб кетмай қўя қолсин дедим, сен қарзингни тўлайсан, деб кафил бўлдим. Эшитяпсан-

ми, ошнам, мен сенга кафил бўлдим? Чебаровни чақирдик, унга балойи нафс учун ўн сўлкавой бердик, қоғозни эса қайтариб олдик, мана ўзингизга ҳавола, энди сизнинг сўзингиз яна инобатга ўтади, мана олинг, менинг қўлимда далва-далва бўлиб кетай деди.

Разумихин столга вексель қоғозини қўйди; Раскольников қоғозга шундоқ кўз ташлаб, бир офиз ҳам гапирмай деворга ўтирилиб олди. Бу, ҳатто Разумихинга ҳам қаттиқ ботди.

– Кўриб турибман, биродар, – деди у бир оз сукут сақлаб тургач, – яна қаёқдаги гапларни валдираб ўтирибман. Сал ёзилармикинсан, деб ундан-бундан валақлаб ўтирувдим, сенинг кўнглингни очиш ўрнига хуфтон қилиб юбордим.

– Алаҳлаб ётганимда сени танисмай қолдимми? – сўради Раскольников бир оздан кейин бошини буриб қарамасдан.

– Ҳа, мени танисмай қолганингиздан кейин, ҳатто бир жазавага ҳам тушиб олдингиз, айниқса, мен Заметовни олиб келган куним.

– Заметовни? Саркотибми?.. Нимага? – Раскольников шарт бошини ўгирди ва Разумихинга еб юборгудай бўлиб тикилиб қолди.

– Сенга нима бўлди ўзи... Нега ғалати бўлиб кетдинг? У сен билан танишмоқчи экан. Ўзи шуни истади, нега десанг, сен ҳақингда у билан жуда кўп гаплашгандик... Бўлмаса сен ҳақингда бунча гапни қаёқдан билардим? Жуда ажойиб йигит экан у, оғайни, антиқа одам... Ўз ўрнида албатта. Ҳозир ўртоқ бўлиб кетдик; деярли кунда бир кўришиб турамиз. Ахир, мен бу ёққа кўчиб ўтдим. Сен ҳали билмайсан, а, айтмоқчи? Кунни кечагина кўчиб ўтдим. Икки марта у билан Лавизаникига бордик. Лавиза эсингдами, Лавиза Ивановна-чи?

– Бирор нима деб алаҳладимми?

– Алаҳлаганда қандай! Ақли ҳушинг ўзингда эмасди.

– Нима деб алаҳладим?

– Ол-а! Нима деб алаҳладим, дейсанми? Алаҳлаганда нимани алаҳлашарди... Булди энди, оғайни, вақтимизни бекорга кеткизмайлик, ишга киришайлик.

У ўрнидан туриб фуражкасига қўл чўзди.

– Нима деб алаҳладим?

– Тутган ерингдан кесасан-да! Нима, биронта сиримни айтиб қўйдим, деб чўчияпсанми? Қўрқма; графиня хоним ҳақида миқ этиб оғиз очганинг йўқ. Лекин аллақандай бир ит ҳақида, исирғалар, занжирларми-ей, яна Крестовский ороли, қандайдир бир қоровул ҳақида, кейин Никодим Фомич билан назоратчининг ёрдамчиси Илья Петрович ҳақида жуда кўп алаҳладинг. Ҳа, яна булардан ташқари, ўзингизнинг шахсий пайпоғингиз билан жуда ҳам қаттиқ қизиқиб қолдингиз, жуда ҳам! Менга пайпоғимни топиб беринг, бошқа ҳеч нарса керак эмас, деб ялиниб-ёлвордингиз. Заметовнинг ўзи ҳамма бурчаклардан сизнинг пайпоғингизни қидириб юрди, кейин ўзининг атирда ювилган, оппоқ, озода, узуклар тақилган қўллари билан сизга пайпоғингизни, исқирт пайпоғингизни топиб бердилар. Ана шундан кейингина сиз тинчландингиз ва куни билан шу иркит нарсани қўлдан қўймай ётдингиз: уни сиздан олиб бўлмади... Ҳалиям ёпинчиқ тагида бўлса ажаб эмас. Кейин яна шимингизни қийқимини сўрадингиз, сўраганда ҳам йиғлаб-сиқтаб сўрадингиз! Бизнинг тоза бошимиз қотиб кетди: бу қийқими нима экан деб? Гапингизни ҳеч англаб ола билмадик... Ҳай, майли, қани энди ишга! Бу ерда ўттиз беш сўм бор, ундан ўн сўмини оламан-да, икки соатлардан кейин сизга унинг ҳисобини бераман.

Йўл-йўлакай Зосимовга ҳам айтиб ўтаман, аллақачон шу ерда бўлиши керак эди, лекин нимагадир кечикиб турибди, нега десангиз соат аллақачон ўн икки бўлди. Сиз-чи, Настенька, мен йўғимда тез-тез ундан хабар олиб туринг, нима керак бўлса, сувми, бошқами, тилаган нарсаларини бериб турасиз... Пашенькага бўлса ўзим ҳамма керакли гапларни айтиб қўяман. Хайр!

– Пашенька дейди-я! Вой, башарангни ел урмагур-ей! – деб қолди унинг орқасидан Настасья; кейин эшикни қия очиб, пастга қулоқ сола бошлади, лекин сабри чидамай, ўзи пастга югуриб тушиб кетди. Разумихиннинг бека билан нима ҳақда гаплашаётганини жуда ҳам билгиси келарди унинг; умуман, йигит уни ўзига тамомила ром қилиб қўйганлиги кўриниб турарди.

Унинг орқасидан эшик ёпилиши биланоқ, бемор ёпинчиқни итқитиб юборди ва худди ақдан озган одамдай ўрнидан дик этиб, сакраб туриб кетди. Улар қачон чиқиб кетишаркин, деб боядан бери юраги бетоқат бўлиб типирчилаб ётганди, улар кетган замоноқ ишга киришмоқчи эди. Лекин қандай иш у ўзи? – худди атай қилгандай ҳозир шу тобда унутиб қўйди. «Ё Раббим! Ўзинг айт, улар билишадими, йўқми? Билган бўлишса-ю ўзларини билмаганга солиб, тузалиб кетгунимча оҳанжама қилаётган бўлсалар-чи, кейин киришиб, биз ҳаммасини биламиз, атай сенга айтмаган эдик, деб туришса-чи... Энди нима қилса экан? Эсимдан чиқиб қолди, худди жўртгага қилгандай эсимдан чиқиб қолди, бўлмаса, ҳозиргина эсимда турувди!..»

У ҳужранинг ўртасида меровсираб, изтироб ичида турарди, ҳамма ёққа алангларди; эшикка келиб очиб қаради, қулоқ солди; йўқ, бу эмас. Бирдан худди эсига тушиб кетгандай бурчакка ташланди, тешик ичини тимирскилаб қаради,

йўқ, бу ҳам эмас. У печь олдига бориб, унинг ичини очди-да, кул ичини титкилай бошлади: шимдан қирқиб олинган қийқим билан йиртиб олинган чунтак ўшанда қандай ташлаб юборган бўлса шундайлигича ётарди, уларга ҳеч ким қўл урмаганди! Шунда у ҳозиргина Разумихин ҳикоя қилиб турган пайпоқни эслади. Рост, ана у диванда ётибди, ёпинчиқ тагида, лекин ўшандан бери шунчалар кирланиб, унниқиб кетганки, албатта бунга қараб, Заметовнинг бир шубҳага бориши қийин.

«Ваҳ, Заметов!.. Идора!.. Нега мени идорага чақиришяпти? Қани чақириқ қоғози? Ваҳ!.. чалкашиб кетдим; мени олдин чақиришган эди! Мен ўшанда ҳам пайпоғимни қарагандим, ҳозир бўлса... ҳозир мен касалман. Нега Заметов бу ерга келган? Нега Разумихин уни бу ерга бошлаб келди?.. – заиф пичирларди у яна диванга ўтираркан. – Нима бу? Мен ҳамон алаҳлаётирманми ёки ростдан ҳам ўнгимда шундай бўлаётирми? Ўнгимда бўлаётганга ўхшайди... Э, эсимга тушди: қочиш керак! Қочиш керак, қочмаса сира, сира бўлмайди! Ҳа... аммо қаёқда? Қани менинг кийимларим? Этик йўқ! Олиб қўйишибди! Беркитишибди! Тушунарли! Пальто-чи, ана у турибди, уни кўрмай қолишибди! Ана столда пуллар ҳам турибди, Худоба шукур! Мана вексель қоғози... Пулни оламану кетаман, бошқа хонадон топаман, улар қидириб топишолмайди!.. Худуд нозири бор-ку? Топиб олишади! Разумихин топади. Яхшиси бутунлай қочиб кетиш керак... Узоқларга... Америкага, улар билан нима ишим бор! Векселни ҳам олиш керак... У ерда керак бўлиб қолади. Яна нимани олса бўларкин? Улар мени касал деб ўйлашяпти! Улар мени юра олишим мумкинлигини билмайдилар, ҳе, ҳе, ҳе!.. Мен уларнинг кўзларидан билиб олдим ҳамма нарсани билишларини! Фақат зинадан тушиб ол-



сам бўлгани! Агар пастга қоровуллар, полициячиларни қуйишган бўлса-чи! Мана бу нимади? Чой! Ана, пиво ҳам қолибди, ярим шиша, муздак!»

У шишада қолган тўла бир стаканча келади-ган пивони худди кукрагидаги оловни ўчиргандай бир сипқоришда ичиб ташлади. Аммо бир дақиқа ўтар-ўтмас пиво унинг миясига уриди, елкалари ёқимли суръатда жимирлашиб кетди. У ўрнига ётиб, устига ёпинчиқни тортди. Шусиз ҳам чуваланган хаёллари борган сари кучлироқ чувалашиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди ва кўп ўтмай у енгил, ёқимли уйқуга чўмди. У роҳат қилиб ёстиққа бошини қўйди, йиртиқ шинель ўрнига энди қаердандир пайдо бўлиб қолган юмшоқ пахта кўрпага яхшилаб ўраниб олди, оҳиста хўрсинди ва чуқур, қаттиқ, жисмига қувват бахш этувчи уйқуга толди.

У ҳужрасига кимдир кирганини эшитиб уйғонди, кўзларини очиб, Разумихинни кўрди, Разумихин эшикни ланг очганича остонада кирайми-кирмайми, деб турган эди. Раскольников ётган еридан даст қаддини кўтарди ва ниманидир хотирламоқчи бўлган одамдай унга тикилиб қолди.

– Э, уйғондингми, мана мен ҳам келдим! Настасья, қани, тугунни бу ёққа олиб кел-чи! – қичқирди Разумихин пастга қараб. – Ҳозир сенга ҳисоб берамиз...

– Соат неча бўлди? – сўради Раскольников атрофга аланг-жалаң қараб.

– Ўзинг ҳам тоза уйқуни урдинг, оғайни: қош қорайди, соат олтилар бўлиб қолгандир-ов. Олти соатдан ортиқроқ ухладинг...

– Ё Раббий! Менга нима бўлди ўзи!..

– Ухласанг нима бўлибди? Бошинг омон бўлсин! Шошиб қаерга ҳам борардинг? Учрашувга борармидинг? Қолган умринг ёнга қолди. Мен қачон

уйғонаркинсан, деб уч соатлардан бери кутаман; икки марта келиб-кетдим, сен ҳалиям ухлаб ётган экансан. Икки марта Зосимовнинг олдига бориб келдим: уйида йўқ, билмайман, қаёққа ғойиб бўлган! Ҳечқиси йўқ, келиб қолади!.. Ўзимнинг майда-чуйда ишларимни ҳам битириб келдим. Мен энди бутунлай кучиб келдим, амаким билан, бутунлай. Энди менинг амаким бор... Майли, бир гап бўлар, қани, иш битсин!.. Тугунни бер, бу ёққа, Настенька. Мана биз ҳозир Умуман, ўзинг тузук-мисан, оғайни?

– Мен соппа-соғман, мен касал эмасман... Разумихин, сен бу ерга келганингга анча бўлдими?

– Айтдим-ку, уч соатдан бери кутиб ўтирибман, деб.

– Йўқ, ундан олдин-чи?

– Ундан олдин деганинг нимаси?

– Қачондан бери менинг олдимга келиб турибсан, деяпман?

– Мен сенга боягина ҳаммасини айтиб бердим-ку, нима, эсингдан чиқариб қўйдингми?

Раскольников уйланиб қолди. Боя бўлган нарсалар ҳозир унга худди тушда бўлиб ўтганга ўхшаб кўринмоқда эди. У бир ўзи ҳеч нарсани эслай олмас, шунинг учун Разумихинга савол назари билан қараб турарди.

– Ҳм! – деди Разумихин, – эсингдан чиқибди! Боя ўзим ҳам айтувдим-а, ҳали бу расмона ўзига келгани йўқ деб... Мана энди уйқудан анча тузук бўлиб турибсан... Тўғриси, анча яхши бўлиб қолибсан. Яша! Қани ишни битирайлик! Ўзинг ҳозир эслаб қоласан. Мана бу ёққа, бир қара-чи, саданг бўлай.

У ичида нима бор экан, деб жуда ҳам қизиқиб қолган одамдай тугунни еча бошлади.

– Биласанми оғайни, қачондан бери шу нарса-ни амалга ошираман, – деб юрган эдим. Сенинг бундай аҳволда ётишинг ҳам яхши эмас-да. Бошладик: бошдан бошлаймиз. Мана бу каллапўшни кўряпсанми? – бошлади у тугун ичидан анча кўркам, айна чоғда одмигина фуражкани оларкан. – Қани кийиб кўр-чи?

– Кейин, кейинроқ, – деди Раскольников фуражкадан жиркангандай қўлини силтар экан.

– Қўй, энди ундай қилма, оғайнижон, кейин кеч бўлади, тағин кечаси билан ухламай чиқаман, нега десанг, аниқ ўлчамасдан тахминан олган эдим. Худди ўзи! – хитоб қилди у тантана билан ўлчаб кўргач. – Худди айтганимдай! Ҳамма гап бош кийимнинг қандайлигида, оғайни, бошингга кийганингдан сенинг кимлигинг билиниб туради. Менинг битта ошнам бор, Толстяков деган, шу дегин, кўпчилик йиғиладиган бирон ерга борса, бошқа ҳамма фуражка билан шляпада турса ҳам у, албатта, бошидаги кийимни қўлига олволади. Одамлар буни итоатгўйлик, деб билишади: аслида эса Толстяков қушнинг уясига ўхшайдиган бош кийимидан уялади: ана шунақа уятчан одам! Қани, Настенька, бу ёққа қаранг-чи: мана сизга иккита бош кийим, манови пальмерстон (у бурчакда ётган фижим-фижим бўлиб кетган Раскольниковнинг думалоқ шляпасини олди ва нима учундир уни пальмерстон, деб атади) ва мана бу жуда нозик ишланган кийим, қайси дуруст, ўзингиз айтинг? Чамалаб кўр-чи, Родя, қанчага олган дейсан? Настасьюшка? – мурожаат қилди у Раскольников жавоб бермаётганлигини кўриб.

– Бир танга бергандирсан, – жавоб берди Настасья.

– Бир танга дейсанми, вой эсини еган-ей! – қичқирди у хафа бўлиб, – ҳозир бир танга-

га сен ҳам рози бўлмайсан, – тўрт танга! Ушанда ҳам тутилган бўлгани учун. Яна шуниси ҳам борки, агар буни кийиб адо қилсанг, келаси йили бошқасини текинга беришаркан. Шундай битишганмиз Худо ҳақи! Қани энди Қушилган Америка Штатларига ўтамиз, бизнинг гимназиямизда шундай дейишарди. Айтиб қўяй, бу шимдан ўзим фахрланаман! – шундан кейин у Раскольниковга ёзги жун газламадан тикилган кулранг шимни ёзиб кўрсатди, – бус-бутун, топ-тоза, худди янгидай, кийилган бўлса ҳам кийилмагандай, нимча ҳам шунга ўхшаш, урф нимча шимнинг рангида бўлишини талаб қилади. Агар кийилган дейиладиган бўлса, нима бўлибди, қайтанга яхши: юмшоқроқ, майинроқ бўлади. Биласанми, Родя, бу дунёда тузукроқ одам бўлиб таниламан десанг, менимча, доимо фаслларга қараб юриш керак; агар январда сарсабил сўраб ўтиришдан ўзингни тийсанг, бир қанча сўлкавой ёнга қолади; худди шу гап манови сотиб олган нарсаларимизга ҳам тегишли. Ҳозир ёз мавсуми, шунинг учун ҳам мен ёзда кийиладиган кийимларни олдим, нега десанг, кузда бари бир иссиқроқ нарсалар киймасанг бўлмайди, булар кузга мос эмас... бунинг устига кузгача буларнинг бари тўзиб бўлади, устидан кетмаса, ичидан кетади. Қани, ўзинг айт! Сенингча, неча сўм? Икки сўму йигирма беш тийин! Яна шуни ҳам билиб қўйки, буни ҳам олдинги шарт билан олганман: агар буни кийиб тўзғитсанг, келаси йил бошқасини текинга беришади! Федяевнинг дўконида фақат мана шунақа шарт билан савдо қилишади, бир марта тўладингми пулини – бир умрга кифоя қилади, нега десанг, келаси сафар иккинчи марта ўзинг қадам босиб бормайсан. Ана энди, навбат этикка келди, қалай? Кийилганлиги шундай кўриниб турибди, лекин яна икки ойга бемалол чидаб беради, нега десанг, чет элнинг моли, ўзи ҳам чет элда тикил-

ган: инглиз элчихонасининг котиби олдинги ҳафтада чайқов бозорига олиб чиққан экан; бор-йўғи олти кунгина кийибди, кейин пулга муҳтож бўлиб қолиб, бозорга олиб тушибди. Баҳоси бир сўм эллик тийин. Қойилми?

– Балки лойиқ келмас! – деб гап қўшди Настасья.

– Лойиқ келмас эмиш! Бу нима? – у шундай деб чўнтагидан Раскольниковнинг дағал, ҳамма ёғида лой қотиб қолган эски илма-тешик этигини чиқарди, – мен керакли нарсамни киссамда олиб юраман, мана шунга қараб менга керакли ўлчамдагисини топиб беришди. Бу ишларнинг бари чин юракдан бажарилди, десак ҳам бўлади. Кийим-кечакка келганда, бека билан келишиб олдик. Биринчидан, манови учта кўйлак, бўздан бўлса ҳам, лекин ёқаси жуда чиройли қилиб тикилган... Шундай қилиб: тўрт танга бош кийим, икки сўму йигирма беш тийин бошқа кийим-кечак, жами уч сўму беш тийин бўлади; бир ярим сўм этик – ўзи ҳам жуда қулинг ўргилсин-да, жами тўрт сўму эллик беш тийин, бунга беш сўмлик кўйлак-пўйлакни қўшсак, буни кўтара савдо қилганмиз, ҳаммаси бўлиб тўққиз сўму эллик беш тийин бўлади. Мана қирқ беш тийин чақаси қолган, марҳамат, олиб қўйинг, шундай қилиб, Родя, сенинг бутун кийим-кечак, уст-бошинг бут бўлди, пальто масаласига келсак, бу пальтойинг ҳали кўп хизмат қилиши мумкин, бундан ташқари ҳали ўзи ҳам жуда салобатли бўлиб кўринади: ана сизга Шармерга кийим буюртиришнинг асл фойдаси! Пайпоқ ва бошқа баъзи бир нарсаларга келганда буларни олишни ўзингга ҳавола қиламиз; пулдан йигирма беш сўм қолиб турибди, Пашенька билан хонадон пули масаласида ташвиш қилма; боя сенга айтдим: истаганча қарз олиб туришимиз мумкин. Ана энди, биродарим, ижозат этсанг, кийимларингни алмаштирсак, бўлмаса, балки касал худди мана шу кийимларда ин

қуриб олганга ўхшаброқ кетяпти...

– Қўй! Керакмас! – деди Раскольников қўл ситаб, Разумихиннинг энгил-бош харид қилиш ҳақидаги ҳазиломуз узундан-узоқ дийдиёсини кўнгли озиб тингларкан...

– Бунинг энди иложи йўқ, биродарим, нега бўлмаса мен шунча оворайи сарсон бўлдим! – қўймасди Разумихин. – Настасьюшка, уялманг, қани кўмаклашворинг, ҳа, ана шундай! – шундан кейин Раскольниковнинг қаршилиқ қилишига қарамай, унинг кийимларини алмаштирди. Раскольников мук тушиб ётиб олди-да, бир неча дақиқагача миқ этиб офиз очмади.

«Энди анчагача тинч қўйишмайди!» – дея ўйлади у. – Буларнинг ҳаммаси қайси пулга сотиб олинди? – сўради у ниҳоят деворга қараб.

– Пул дейдими! Ол-а! Кимникидан буларди, ўз пулингдан. Боя бирлашма ходими келганди, Вахрушин юборган, ойинг пул жўнатибди; ёки буни ҳам эсингдан чиқардингми?

– Энди эсимга тушди... – гўлдиради Раскольников анчагача индамай, қовоғини солиб ётгандан кейин Разумихин ташвишли чеҳра билан унга қараб турарди.

Эшик очилиб, баланд бўйли тўладан келган одам кириб келди, Раскольников бу одамни қаердадир кўргандай эди.

– Зосимов! Келардинг-да! – қувончдан терисига сифмай кетган Разумихин қичқариб юборди.

#### IV

Зосимов баланд бўйли, семиздан келган одам бўлиб, шишинқираган юзлари оқпар қонсиз, соқоли ҳафсала билан қирилган, тундбашара бир киши эди, силлиқ сочлар, оқ сариқ тусли бу одам

кўзига ойнак, семиз бармоғига олтин узук тақиб олганди. Ёши йигирма еттиларга бориб қолганди. Эгнига башанг енгил камзил, ёзги шим кийган, умуман, ҳар жиҳатдан унинг ўзига тўқлиги кўри-ниб турар, олифталиги, нозик дидлиги сезиларди; кўйлаги озода, соатининг занжири салмоқли эди. Унинг ҳаракатлари сушт, ялқовроқ бўлиб кўринар, айти чоғда атай шунга ўрганилганлиги, қилиқлардаги бепарволик атай қилинаётганлиги сезиларди. Гарчи бутунлай билинтирмасликка уринаётган бўлса-да, аммо ўзига бино қўйганлиги, калондимоғлиги ҳар дамда билиниб қоларди. Уни биладиганларнинг ҳаммаси табиати оғир одам деб айтишар, аммо ўз ишига пухта, дейишарди.

– Сенинг олдингга икки марта кириб чиқибман-а, биродар... Қара, кўзини очди! – қичқирди Разумихин.

– Кўряпман, кўряпман. Хўш, қалай, энди ўзимизни бир оз яхши ҳис қияпмизми, а, лаббай? – дея мурожаат қилди Зосимов Раскольниковга диққат билан разм солиб тикилар ва унинг оёқ томонига диванга ўтираркан, у ўтириши билан шу заҳоти иложи борича ялпайиб қулайроқ ўрнашиб олди.

– Ҳалиям таъби очилмайди, – давом этди Разумихин, – ҳозир унинг кийимини алмаштирдик, сал бўлмаса йиғлаб юборай, деди.

– Маълум нарса. Ўзи хоҳламаган бўлса, кийимини кейинроқ алмаштирилса ҳам бўлаверарди... Томир уриши яхши. Бош бир оз оғриб турган бўлса керак, а?

– Мен соғман, мен соппа-соғман! – фикриниб, чирсиллаб деди Раскольников бирдан дивандан қаддини кўтариб, унинг кўзлари чақнаб кетди, лекин шу заҳоти ўзини яна таппа ёстиққа ташлади ва юзини деворга ўгириб олди. Зосимов ундан кўзларини узмай кузатиб турарди..

– Жуда яхши... ҳаммаси жойида, – ямланиб деди у. – Бирон нарса едими?

Унга нима берилганлигини айтиб беришди, сунг яна нималар берса бўлади, деб сўрашди.

– Ҳамма нарса берса бўлади... Суюқ овқат, чой... Албатта, қўзиқорин билан бодринг бермаслик керак, яна мол гўшти ҳам бермаган тузук ва... хўш, жуда кўп гапириб нима ҳам қилдик!.. – У Разумихин билан кўз уриштириб олди. – Дори-пори ҳам керакмас, умуман, ҳеч нарса, мен эртага яна кўраман... Ўзи у бугун ҳам... Хўш, ҳа...

– Эртага кечқурун мен уни ўйнатиб келаман! – деди Разумихин, – Юсуповнинг боғига олиб бораман, кейин «Пале де Кристаль»га кирамиз.

– Эртага десангиз, мен уни, ҳатто ўрнидан ҳам қимирлатмаган бўлардим, ундай десам... андаккина... хўш, майли, кейин яна кўраммиз.

– Эҳ, буни қарангки, худди шу бугун мен янги уйга кўчиб келганлигимни нишонлаётган эдим, бу ердан икки қадамгина нарида. Қанийди, уни ҳам олиб борсак. Жуда бўлмаганда, бориб диванда ётса ҳам майлиди! Сен борасан, а? – Зосимовга қарата деди Разумихин, – эсингдан чиқмасин тагин, ўзинг ваъда бергансан.

– Майли, фақат сал кечроқ. Ўзи нима қиляпсан?

– Нима бўларди, чой, ароқ, тузланган балиқ. Пирог еймиз: ўзимизнинг одамлар йиғилади.

– Кимлар?

– Ким бўларди, ҳаммаси шу ернинг одамлари ва яна янги кишилар, бир эски амакимдан бўлак, ундай десам, амаким ҳам деярли янгилардан: қуни кечагина ўзининг майда-чуйда ишлари билан Петербургга келган экан. Беш йилда бир марта кўришиб тураммиз.

– Ким бўлиб ишлайди?



– Бутун умрини уездда почта бошлиғи бўлиб ўтказган... Нафақа олади озгина, олтмиш бешга кирган, нимасини ҳам гапирасан уни... Ҳарқалай, уни яхши кўраман. Порфирий Петрович келади: шу ернинг тергов ишлари нозири... ҳуқуқшунос. Айтгандай, сен уни биласан-ку...

– У ҳам сенинг аллақандай қариндошинг бўлади шекилли?

– Жуда узоқ аллақандай қариндошлардан; э, сен нимага қовоғингни соласан? Нима, бир марта жиқиллашиб қолган бўлсанг, шунинг учун келмайсанми?

– Э, у билан нима ишим бор...

– Мана бу бошқа гап. Кейин яна – талабалар, ўқитувчи, бир хизматчи, бир чолғучи, зобит, Заметов...

– Қани менга шуни айтиб бер-чи, сен ёки унинг ўртасида, – Зосимов Раскольниковга ишора қилди, – аллақандай Заметов нима қилиб юрибди, сизларга унинг нима алоқаси бор ўзи?

– Вой, бу озода сассиқлар-ей! Бир нарсани тутиб олсаларингиз булди экан-да, сизларга! Шу тутиб олган нарсаларингизда худди пружинанинг устида юргандай юрасизлар; мундоқ масалага кенгроқ қаролмайсизлар; менга қолса, яхши одамми, бас, ана шунгагина қараш керак, мен шундан бошқасини билмайман, Заметов жуда ажойиб одам.

– Ҳаром ейди.

– Ҳаром еса ер, менга нима! Хўш, ҳаром еса нима қилибди! – қичқириб юборди бирдан Разумихин қандайдир ўзига ярашмаган жаҳл билан, – мен сенга унинг ҳаром ейишини мақтаб эдимми? Мен ўз ўрнида у ҳам ёмон одам эмас деяпман, холос! Агар тўппа-тўғри баҳолайман, десанг ва шунга қараб иш тутсанг, бу дунёда нечта яхши одам қолади ўзи? Агар ҳамон шундай йул тутадиган бул-

сак, айтайлик, мени шу туришимда бошдан-оёқ битта сассиқ пиёзга, балки алмашиб олиш мумкин эди, ўшандаям агар менга сени қўшиб берилса!..

– Бу кам; мен сенга иккита берган бўлардим...

– Мен бўлсам сенга битта берган бўлардим! Ол яна аскияни! Заметов ҳали ёш бола, мен ҳали унинг сочларини юлиб оламан, қараб турсин, уни ўз бағримизга тортишимиз керак, итариб ташлаш керак эмас. Одамни ўзингдан нари итарганинг билан уни тузатиб бўлмайди, бунинг устига яна у бола бўлса. Ёш бола билан яна ҳеч эҳтиёткорроқ муомала қилиш керак. Эҳ, тараққийпарвар бўлган сиз каллаварамларни қаранглар-а, ҳеч балони тушунмайсизлар! Одамни ҳурмат қилмайсизлар, ўзингизни камситасизлар... Бунинг устига сенга айтсам, биз бир ишни ҳам бошлаб қўйганмиз.

– Билсак бўларди.

– Нимасини айтасан, ўша бўёқчининг ишини айтаман-да... Нима бўлганда ҳам биз уни қутқарамиз! Айтмоқчи, иш битай деб қолди. Энди нима бўлгани аён! Фақат биз бир оз тезлаштирмоқчимиз, холос.

– Яна қандай бўёқчи ўзи?

– Нима, сенга айтиб бермовдимми? Ростми? Ҳа, сенга энди айтиб бераман, деб турган эдим... Анов судхўр кампирни ўлдириб кетганлари ҳақида... Бунга бир бўёқчи ҳам аралашиб қолибди...

– Мен буни сендан илгарироқ эшитган эдим ва, ҳатто бу иш билан қизиқиб ҳам қолганман... Бир сабаб билан қисман газеталардан ҳам ўқиган эдим! Анави...

– Лизаветани ҳам ўлдириб кетишибди-я! – деди томдан тараша тушгандай қилиб бирдан Настасья Раскольниковга қараб. У боятдан бери хужра эшиги олдида туриб бўлаётган гап-сузларга қулоқ солмоқда эди.

– Лизаветани? – базур пичирлаб сўради Раскольников.

– Анави майда-чуйда нарсалар сотиб юрадиган Лизавета-чи, нима уни билмайсанми? Бу ерга ҳам нарсаларини олиб келиб турарди. Сенинг куйлагингни ҳам ямаб-ясқаб берганди-ку.

Раскольников устига ифлос бўлиб кетган, оқ гулларнинг расми туширилган сариқ қоғоз ёпиштирилган деворга қараб олди, шу гулларнинг қўпол суратлари ичидан аллақандай жигарранг тусли чизиқлари бўлган битта оқ гулни танлади-да, шундан кўзларини узмасдан тикила бошлади: гулнинг баргчалари қанча, баргларида қанча чизиқлари бор, тишчалари қанча? У оёқ-қўли акашак бўлиб қотиб қолганлигини сезиб ётар, лекин қимирлашга, ҳатто ҳаракат ҳам қилиб кўрмас, фақат гул расмига тикилгани-тикилган эди.

– Хуш, қани буюқчини айтиб турган эдинг? – аллақандай бошқача бир норозилик оҳангида Настасьянинг гапини бўлди Зосимов. Настасья хўрсиниб индамай қолди.

– Уни ҳам одам ўлдирганга чиқариб қўйишди! – дея қизгинлик билан давом этди Разумихин.

– Шубҳа қилган жойлари бор эканми?

– Шубҳанг нимаси! Дарвоқе, шубҳа қилинган жойи ҳам йўқ эмас, лекин бу шубҳа мундоқ шубҳадай ҳам эмас, ҳали бу шубҳани исботлаш керак! Худди олдин анавилар бор-ку, ҳаҳ, отлари нимаиди... ҳа, Кох билан Пестряковни қандай шубҳага олган бўлсалар, бундан ҳам худди шундай шубҳаланиб ўтирибдилар. Туф-эй! Ҳаммаси ақлга тўғри келмайдиган гаплар, бутунлай сенга дахли бўлмаса ҳам юрагинг сиқилиб кетади! Пестряков бугун, балки бизникига келса ҳам керак... Айтмоқчи, Родя, сен бу нарсани биласан, ҳали касал бўлмасингдан олдин бўлган воқеа, уни айтиб турганларида сен

идорада ҳушингдан кетиб қолган экансан...

– Зосимов Раскольниковга қизиқсиниб қараб қолди; Раскольников қимир этмай ётарди.

– Биласанми, Разумихин? Мундоқ қараб турсам ўзинг ҳам тоза тиниб-тинчимаган одам экансан-да, – деб қўйди Зосимов.

– Майли, нима бўлсаям, бари бир уни чиқариб оламиз! – дея қичқирди Разумихин мушти билан столга уриб. – Энг алам қиладиган жойи нимада дейми? Гап уларнинг ёлғон гапираётганларида эмас. Ёлғон гапни ҳар доим ҳам кечириб юбориш мумкин; ёлғончилик ширин нарса, чунки у тўғри гапни топиб беради. Йўқ, алам қиладиган ери шундаки, ёлғон гапириб туриб яна ўзларининг шу ёлғонларига сифинадилар. Мен Порфирийни ҳурмат қиламан, лекин... Мундоқ қараганда, уларни аввало адаштирган нарса нима ўзи, масалан, эшик ёпиқ экан, қоровул билан келиб қарашадик, эшик очиқ; ана шундан кейин Кох билан Пестряков ўлдиришган деб топишган! Улардан келиб чиқаётган мантиқ шу-ку ўзи.

– Кўп қизишма, уларни вақтинча ушлаб туришган; ўзинг биласан-ку... Айтгандай: мен Кох деганини учратгаман; у кампирдан тўлов муддати ўтиб кетган нарсаларни сотиб оларкан. Шундайми?

– Ҳа, битта муттаҳам-да! У вексель қоғозларни ҳам сотиб оларкан. Корчалон. Бизга нима! Менинг жоним чиқаётгани бошқа, тушуняпсанми сен буни? Уларнинг чурук увада, тубан даражадаги моғор босиб кетган қолоқликларидан жоним чиқадди... Ваҳоланки, бунда, яъни худди мана шу ишда бутунлай янги бир йўллари топиш мумкин эди... Фақат шу ишни келтириб чиқарган руҳий омилларнинг ёлғиз ўзини англабоқ, энг тўғри йўлни топиб олиш мумкин эди. «Қўлимизда ҳа-де, далилла-

римиз бор!» Ахир, далил ҳали ҳамма нарса эмас-ку; жила курси, ишнинг ярми ана шу далиллар билан қандай муносабатда бўлишингга боғлиқ-ку!

– Сен ўзинг далилларни қандай ишга солишни биласанми?

– Ахир, шу ишга ёрдамнинг тегиши мумкинлигини сезиб турган бўлсанг-да, индамай тураверсанг яхши эмас-ку, агарда... Эҳ!.. Ўзинг ишни тўлароқ биласанми?

– Шу бўёқчининг иши ҳақида қачон гапириб бераркинсан деб кутяпман.

– Ҳа, айтгандай! Бўлмаса, эшит тарихини: кампир ўлдирилгандан кейин роса уч кун ўтгач, эрталаб, ҳали улар Кох ва Пестряков билан овора бўлиб ётишган маҳалда – гарчи улар ўзларининг айбсизликларини бутунлай исботлаб беришган бўлсалар ҳам, ахир бор гапдан кўз юмиб бўладими, худди ана шу маҳалда кутилмаганда янги бир далил аниқланади. Душкин деган бир одам, анов уйнинг худди қаршисида унинг қовоқхонаси бор экан, полиция идорасига келиб, ичига тилла сирға солинган заргар қутисини кўрсатади ва бутун бир қиссани ҳикоя қилиб беради: «Уч кун бўлди, кун говгум маҳалда, соат тўққизларда, – куни билан соати ҳам тайин, сезяпсанми? – олдимга бўёқчи ишчи ҳовлиқиб келиб қолди, Миколай бундан илгари ҳам олдимга кириб кетган эди, менга мана шу қутичадаги исирғаларни кўрсатди, шуни олиб, менга икки сўм бериб тур деди, ундан буни қаердан олдинг, деб сўровдим, йўлакдан топиб олдим, деди. Шундан кейин ундан бошқа ҳеч нарса сўраб утирмадим, – бу ўша Душкин деганнинг гапи, – унга битта қоғоз пул олиб чиқиб бердим, бир сўм, бермасам, менга эмас, бошқа одамга гаровга беради-кетади, деб ўйлаб қолдим; бари бир ичиб битиради, ундан кўра ўзимда тургани

дуруст эмасми, деб ўйладим: узоқ қўйсанг, яқин оласан, агар машмашаси чиқадиган бўлса ёки овозаси чиқса, қайтиб берарман, дедим». Ёлгонни ҳам сувдай ичиб юборган экан бу Душкин дегани, мен уни биламан, ўзи гаровдан тортинмайди, ўфирлик буюмларни яшириб юради, ўттиз сўмлик нарсани «қайтиб берарман», деб ўйла, Миколайдан шилиб олмаган, албатта. Фақат кўрқиб кетган, холос. Майли, баттар бўлсин; энди бу ёғини эшит, Душкин нима дейди: «Ана шу деҳқон бола Миколай Дементьевни кичиклигидан бери биламан, ўзи бизнинг вилоятдан, биз томонлардан бўлади, Зарайскдан, биз ўзимиз асли рязанликмиз. Миколай бўлса, ароқхўр бўлмаса ҳам, лекин ичиб туради, бизлар ҳаммаларимиз унинг ўша ерда бўёқчилик қилиб ишлаётганлигини билардик, Митрей билан бирга ишлашади, Митрей билан улар бир жойдан ўзи. Қоғоз пулни олган замоноқ, уни майдалаб, устма-уст икки стакан ичиб юборди, кейиндан қолган пулини олиб, жўнади-кетди. Митрей бу вақтда унинг ёнида кўринмаган эди. Эртасига биз ҳаммамиз Алена Ивановна билан синглиси Лизавета Ивановнани болта билан чопиб кетибдилар, деб эшитдик, биз ҳаммамиз уларни танир эдик-да, шу десангиз, сирға масаласида бизларда шубҳа уйғонди, нега деганда, биз ҳаммамиз марҳума гаровга нарса олиб, пул беришини билардик. Мен уларнинг уйларига бориб, ўзим ўз хаёлимда секин билиб суриштира бошладимки, Миколай шу ердаямикин деб? Митрей айтдики, Миколай ичиб юрибди, уйга эрталаб азонда маст бўлиб келди, уйда ўн дақиқача вақт бўлди, кейин яна чиқиб кетди. Шундан сўнг Митрей уни кўрмабди, ишни ҳам бир ўзи битираёзибди. Улар ўлганларнинг уйларида ишлашади иккинчи қаватда. Шу гапни эшитганимиздан кейин биз ҳаммамиз ҳеч кимга сир бой

бермадик, – дебди яна Душкин, – бироқ уларнинг қандай, нимага ўлдирилганларини билганимизча эшитдик ва уйга ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан қайтдик. Мана бугун эрталаб соат саккизда, яъни учинчи куни, биляпсанми? Бундоқ қарасам, Миколай кириб келяпти, кайфи бор, лекин жуда ҳам қаттиқ маст эмас, гап гапирсанг, тушунади. Тахтага ўтириб, миқ этмайди. Ундан олдин қовоқхонага фақат бир чет одам кирганди, бири тахтада ухлаб ётганди ўзимнинг танишим, яна иккинчиси ўзимизнинг болалардан бор эди. «Митрейни кўрдингми?» – «Йўқ, кўрмадим, дейди». «Бу ерга ҳам келмадинг?» – «Уч кундан бери келганим йўқ». – «Бугун қаерда тунаб қолдинг?» – «Қумда қолган эдим, Коломенскдаги». – «Унда сирғаларни қаердан олган эдинг?» – «Йўлакдан топиб олдим», яна буни шундай қилиб айтдики, худди ёлғон гапга ўхшади, ўзи одамнинг афтига қарамайди тағин. «Менга қара, эшитдингми, ўша куни кечқурун ўша соатда, ўша зинада шундай-шундай воқеа содир бўлибди?» – «Йўқ, эшитганим йўқ, дейди», ўзи бўлса симрайиб тинглаб турибди, кўзлари бақрайиб қолди, кейин бирдан докадай оқариб кетди. Мен шуни гапириб бериб турибману мундоқ қарасам у ўрнидан туряпти, қўлига шапкасини олди. Шунда уни ушлаб олмасам бўлмайди, деб ўйладим: «Шошма, Миколай, ичмайсанми?» Ўзим эса болага кўзимни қисиб қўйдим, эшикни ушлаб тур деб, секин унинг олдига чиқиб бордим, шу заҳоти жон-жаҳди билан мендан қочиб қолди, кўчага чиқиб кетди, ўзини тор кўчаларга урди, кўрган-билганим шу. Ана шунда, э, гап бу ёқда экан-ку, деб қолдим, ҳойнаҳой шу қилган, дедим...

– Бўлмасам-чи!.. – деб қўйди Зосимов.

– Тўхта! Охирини эшит! Ҳамма Миколайни қидириб кетди: Душкинни ушлаб, уйини тин-

тув қилишди, Митрейни ҳам, коломёнскликларни ҳам тит-пит қилиб ташлашди, учинчи кун деганда, Миколайнинг ўзини топиб келишди: уни палончи шаҳар дарвозаси ёнидаги қўноқхонада қўлга туширишибди. Қўноқхонага бориб, бўйнидаги кумуш бутчани олиб, шунга лойиқ ароқ беришларини сўрабди. Сўраганини беришибди. Бир оз вақтдан сўнг хотин офилхонага борган экан, тирқишдан қараса, у тўсинга белбоғини ташлаб, сиртмоқ қилиб турганмиш, ғуланинг устига чиқиб, сиртмоқни бўйнига идирмоқчи бўлармиш; хотин дод-вой солибди, одамлар йиғилиб келишибди: «Ҳаҳ-ҳа, сен ҳали шунақа экансан-да!» – «Майли, оғайнилар, мени палон жойга олиб боринглар, нима десанглар, шу, дебди». Шундан кейин унга ўзига яраша онёрлар<sup>8</sup> кўрсатишиб айтган ерига, яъни бу ерга олиб келишибди. Ана шундан кейин, у-бу, кимсан, ёшинг нечада – «йигирма иккида» – ва ҳоказо, ва ҳоказо. Савол: «Митрей билан ишлаётган пайтингизда палон-палон соатда зинада ҳеч кимни кўрмадингларми?» Жавоб: «Одам ўтиб турадиган жой, биров ўтса ўтгандир, лекин биз кўрмадик». – «Шовқин-сурон ёки шунга ўхшаш бошқа бир овозларни эшитмадингларми?» – «Унақа овозни эшитмадик». «Сен, Миколай, палон куни, палон вақтда, фалончи бева кампирни синглиси билан ўлдириб кетганлари, талаганликларини билармидинг?» – «Ҳеч нарсани эшитганим йўқ, ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Биринчи марта уч кун деганда, қовоқхонада Афанасий Павловичдан эшитдим». – «Сирғаларни қаердан олдинг?» – «Йўлакдан топиб олдим». – «Нега эртасига Митрей билан ишлагани келмадинг?» – «Негаки, ўшани, ичиб қўйиб эдим». – «Қаерларда ичдинг?» – «Палон-палон ерларда». – «Нега Душкиндан қочиб кетдинг?» – «Чунки ўшан-

<sup>8</sup> Французча суз: иззат-икром кўрсатиб маъносида.



да биз жуда ҳам қўрқиб кетиб эдик». – «Нимадан қўрқиб кетдинг?» – «Қамаб қўйишади деб». «Агар ўзингни сира ҳам айбинг бўлмаса нега қамаб қўйишади, деб қўрқдинг?..» Истасанг, бу саволга ишон, истамасанг, ишонма, лекин худди мана шундай савол берилгани аппа-аниқ, мен биламан, менга аниқ қилиб келиб айтишди! Қалай? Қалай?

– Ундай десанг, далиллар ҳам бор-ку, бироқ.

– Мен далилларни гапираётганим йўқ, мен қандай савол берилганини, улар масаланинг моҳиятини қандай англаганларини айтаётирман! Вой, расво!.. Ана шунақа суръатда тоза уни қийинқистовга олишган, эзаверишган-эзаверишган ва ниҳоят уни тан олдиришган: «Йўлақдан эмас, унинг ичидан топиб олган эдим, у ерда биз Митрей билан уйни бўяётган эдик». – «Бу қанақасига бўлади?» – «Қанақасига бўларди, биз Митрей икковимиз куни билан кеч соат саккизгача оқлаб, бўяб бўлиб, энди кетамиз деб тургандик, шу пайт Митрей қўлидаги чўтка билан башарамга бўёқ суриб юборса бўладими, ўрnidан ура туриб қочди, кетидан қувдим. Кетидан қувиб боряпману онасининг гўрига фишт қалаб бораётирман, зинадан пастга дарвоза олдига тушганимизда мен югура туриб қоровул билан жанобларга урилиб кетдим, қоровул билан нечта жаноб бор эди, ёдимда йўқ, қоровул мени сўкиб берди, бошқа қоровул ҳам сўкди, қоровулнинг хотини чиқиб, у ҳам бизни сўкиб қарғади, эшикдан хотинини етаклаган бир афанди кириб келаётган экан, у ҳам бизни сўкиб берди, нега десангиз, биз Митька билан думалашиб йўлни тўсиб қўйган эканмиз, мен Митьканинг сочларидан чангаллаб, ушлаб олиб ерга ағанатдим-да, бошлаб адабини бера бошладим. Митька бўлса, тагимда ётиб менинг сочимдан чангаллаб тоза адабимни бера бошлади, буларнинг ҳаммасини жаҳлимиз чиққа-

ни учун эмас, бир-биримизни яхши кўрганимиз учун ўйнаб, ҳазиллашардик. Кейин Митька ўзини бўшатиб олди-да кўчага қараб қочди, мен унинг ортидан чопдим: етолмадим ва бир ўзим қайтиб кирдим, уйга жўнашимиз керак эди. Нарсаларни йиғиб бўлиб, Митрейни кута бошладим, келиб қолар, дедим. Шунда даҳлизда эшикнинг ортида бурчакда қутичани босиб олдим. Бундоқ қарасам, бир нарса қоғозга ўралган ётибди. Мен қоғозини очдим, қарасам, илгаклар, илгакчалар, биз ўша илгакчаларни туширдик, қарасак, ичида сирға қутичада...»

– Эшик орқасида? Эшик орқасида ётган эканми? Эшик орқасида-я? – дафъатан қичқириб юборди Раскольников кўзлари ола-кула бўлиб Разумихинга қараркан, у секин қаддини кўтарди, диванга қўлларини тиради.

– Ҳа... нима гап? Сенга нима бўлди? Сенга нима қилди? – Разумихин ҳам ўтирган ўрнидан кўтарилди.

– Ҳеч нарса!.. – деди зўрға эшитиларли қилиб пичирлаб, Раскольников ва оҳишта ёстиққа ётиб, деворга ўгирилиб олди. Ҳамма бирмунча вақт жим бўлиб қолди.

– Кўзи илинган экан шекилли, босинқиради, – деб қўйди ниҳоят Разумихин Зосимовга саволомуз боқаркан. У енгилгина билинар-билинемас бошини чайқаб қўйди.

– Қани, давом этмайсанми, – деди Зосимов, – кейин нима бўлди?

– Кейин нима бўларди? Сирғани кўриши биланоқ, у уйни ҳам, Митькани ҳам эсдан чиқариб, шапкасини олиб, Душкиннинг олдига қараб чопган, боя айтганимдай ундан бир сўм олган, йўлакдан топиб олдим деган, кейин ичкиликбозлик, таралабедодга берилган. Одам ўлдиришга келганда

эса: «Курганим ҳам, билганим ҳам йўқ, учинчи кун деганда эшитдим». – «Нега шу пайтгача келиб айтмадинг?» – «Қўрқиб кетдим». – «Нега ўзингни осмоқчи бўлдинг?» – «Ғаш бўлиб кетдим». – «Нимадан ғаш бўлиб кетдинг?» – «Қамаб суд қилишади деб». Бўлган гап мана шу. Ана энди улар бундан қандай фикрга келишган, деб ўйлайсан?

– Ўйлаб ўтирадиган ери йўқ, ахир бир изи бор экан-ку, майли, қандай бўлмасин, бор. Далил. Бўёқчингни шунча гапдан кейин чиқариб юбориб бўлмайди-ку, бор кетавер, деб.

– Ахир, уни тўғридан-тўғри одам ўлдирганга чиқариб ўтиришибди! Улар бунга сира шак-шубҳа қилмайдилар...

– Ёлғон. Қизишяпсан. Сирға-чи? Ўша куни, ўша соатда кампирнинг сирғалари Николайнинг қўлига тушган экан, ахир, ўзинг қарагин, улар қандайдир бир йўл билан сандиқдан унинг қўлига ўтиши керакмиди, йўқми? Бунақа терговда бу катта гап.

– Қандай тушган! Қандай тушганми? – қичқириб юборди Разумихин, – наҳотки, сен ҳам доктор, сен, ҳаммадан бурун кишиларни ўрганадиган одам, бошқалардан кўра кўпроқ инсон табиатини ўрганишга чорланган бир одам, наҳот сен ҳам бўлиб турган мана шу барча гаплардан Николайнинг қандай одамлигини ажрата олмаётган бўлсанг? Наҳотки, шундан бир разм ташлаб, унинг сўроқларда берган ҳамма жавоблари чин юракдан айтилаётган чин сўзлар эканлигини ажратолмаётган бўлсанг? Чиндан ҳам қандай айтган бўлса, шундай қўлига тушгани аниқ. Ерда ётган қутичани босиб олгану кейин қўлига ушлаган!

– Чин гап! Аммо ўзи тан олибди-ку, олдин ёлғон гапиргандим, деб?

– Менга қулоқ сол. Диққат билан эшит: қоровул ҳам, Кох ҳам, Пестряков ҳам, бошқа қоровул

ҳам, биринчи қоровулнинг хотини ҳам, ўшанда унинг олдида ўтирган хотин ҳам, ўша дамда извошдан тушиб хотини билан эшикдан етаклашиб кириб келаётган эшик оғаси маслаҳатчи Крюков ҳам, яъни саккиз ёки ўн гувоҳнинг бари бир оғиздан Николай Дмитрийни ерга босиб олган эди, унинг сочларидан тортиб, адабини бераётганди, Дмитрий бўлса унинг тагида ётганча, у ҳам шеригининг сочларидан чангаллаб олганди, бир-бирларини дўппослашарди, деб айтиб туришибди. Улар йўлга кўндаланг тушиб олганча, ёқаллашиб ўтадиган жойни тўсиб қўйишган. Ҳамма уларни сўкиб уришиб турибди, улар бўлса «худди ёш болалардай» (гувоҳлар айтиш шундай деб айтишган) бир-бирларига мингашиб олиб, чийиллаб, дўппослашиб, бақириб-чақириб, хахолашиб ётишибди, икковларининг ҳам оғизларининг таноби қочган, юзлари масхарабозларникидай қизиқ бўлиб кетган, бир-бирларини худди болалардай қувалашиб, кўчага чиқишган. Эшитдингми? Энди мундоқ ўз танангга жиддийроқ ўйлаб кўр: жасадлар тепада ҳали совимаган ҳолда ётибди, одамлар кириб борганда, ҳали совиб улгурмаган экан! Билдингми энди! Агар улар икковлари биргалашиб, ўлдиришган бўлганларида ёки фақат Николайнинг ўзи ўлдирган бўлганда ва сандиқларни ағдар-тўнтар қилганларида ёки талон-торож қилишда қатнашганларида, унда ижозат эт, сенга битта саволим бор: мана шу каби руҳий кайфият, яъни ҳазил-ҳузул, ўйин-кулги, болаларча жанжал-тўполон қандай қилиб болта билан, одам ўлдириш билан, мудҳиш бир муғамбирлик билан, эҳтиёткорлик, талончилик билан бир-бирига тўғри келиши мумкин? Ҳозиргина одам ўлдириб чиқсинлар, бунга ҳали беш-ўн дақиқа ҳам бўлмасин-да, – бунга амин бўлиш мумкин, чун-

ки ўликлар ҳали совимаган, – бирдан ўликларни бир чеккада қолдириб, хонадонни очик қолдириб ва бунинг устига ҳозиргина у ерга одамлар чиқиб кетишганлигини кўриб туриб, ўлжаларни ташлаб улар худди ёш болалардай йўл устида олишиб, тўс-тўполон қилиб ётишса, хандон отишиб кулишса, ҳамманинг эътиборини ўзларига қаратишса ва бунга ўн нафар гувоҳ бир офиздан шаҳодат бериб турса!

– Албатта, ғалати жуда! Мумкин бўлмаган нарсага ўхшайди, лекин...

– Йўқ, оғайни, лекин-пекини йўқ, агар ўша кунни, ўша соатда Николай қўлига тушган сирға чиндан ҳам унга қарши ашёвий далил бўларкан, бироқ бу далил унинг эътирофида тушунтириб берилган, шундай экан, қарши далилнинг ўзи мунозарали далил бўлиб қолади, унда уни оқлайдиган далилларни ҳам назардан қочирмасликка тўғри келади, зотан улар рад этиб бўлмас далиллардир. Айт-чи, сен нима деб ўйлайсан, адлия ишларининг боришига қараганда, улар мана шундай бир далилни тан олишга ёки тан ола билишга қобилмилар, шуниси ҳам борки, бу далил фақат одамнинг руҳий ҳолатию руҳий имкониятларига кўра, бундай жинойт қилиб бўлмаслигига асосланади, шундай деб қаралса, у рад қилиб бўлмас далилга айланади ва қўйилган барча айбларни, ашёвий далилларни улар қандай бўлишларидан қатъи назар, йўққа чиқаради. Йўқ, тан олмайдилар, олмайдилар, ҳеч қачон тан олмайдилар, негаки, қутича топилди, ушланган киши ўзини осмоқчи бўлган, «Агар у ўзини гуноҳкор деб бўлмаса шундай қилармиди!» Ҳамма бало мана шунда, менинг жиғибийрон бўлаётганлигим ҳам шундан! Тушун, ахир!

– Ҳа, кўриб турибман жизғанақ бўлиб турганингни. Тўхта, сўрайман деб унутибман: сирға солин-

ган қути ростдан ҳам кампир сандифидан чиққанлиги қаёқдан маълум?

– Бу исботланган, – деб жавоб берди Разумихин қовоғини солиб истамайгина. – Кох сирғани таниди ва уни ким қўйганлигини айтиб берди, буюминг асл эгаси сирға ўзиники эканлигини аниқ исботлади.

– Чатоқ. Яна бир нарса: Кох билан Пестряков тепага кўтарилганларида, Николайни кўрган одам бормикин ва буни бирон йўл билан исботлаб бўлмасмикин?

– Ҳамма гап ҳам шу ҳеч ким кўрмаганлигида бўлиб турибди, – жавоб берди Разумихин алам билан, – шуниси жуда чатоқ, ҳатто Кох билан Пестряков ҳам юқорига кўтарилаётган пайтларида уларни пайқамай, ўтиб кетганлар, гарчи уларнинг гувоҳлиги ҳозир ҳеч нарса бермаса ҳам, лекин аслида ўзи шундай. «Хонадон очиқ турганлигини кўрдик, бу ерда одамлар ишлашаётган бўлса керак, деб ўйладик, дейишади улар, лекин ўтиб кетаётганимизда диққат қилиб қарамабмиз, ўша пайтда ичида ишчилар бормиди, йўқмиди, аниқ билмаймиз».

– Ҳм. Демак, бундан келиб чиқадики, бир-бирларини тузлаб, хахолашиб кулишганларидан бошқа оқлайдиган далил йўқ экан-да. Борингки, бу зўр далил бўла қолсин, бироқ... Ўзинг айт: ўзинг бу нарсани қандай англайсан? Сирғанинг топилишига нима дейсан, агар чиндан ҳам айтаётганидай топиб олган бўлса, бу нимани кўрсатади?

– Мен нима дердим? Бунинг тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ: масала равшан! Жуда нари борганда, ишнинг бундан кейин қайси йўлдан бориши кераклиги аниқ ва айнан шу қутича йўлни кўрсатиб берди. Ҳақиқий қотил тушириб қолдирган бу сирғаларни. Қотил тепада бўлган, Кох билан Пестряков эшикни тақиллатганларида, у илгакни

илиб утираверган. Кох аҳмоқлик қилиб пастга тушиб кетган; ана шунда қотил шарт эшикни очиб, ўзини пастга отган, чунки унинг шундан бошқа чораси қолмаганди. Зинада у пастдан чиқиб келишаётган Кох, Пестряков ва қоровулдан бўш турган хонадонга кириб беркинган, бу Дмитрий билан Николай қийқиришиб қувалашиб чиққан маҳалларида руй берган, қоровул билан унинг ёнидагилар тепага утиб кетгунларича, эшикнинг орқасида биқиниб турган, қадам товушлари тингандан кейин бемалол пастга тушиб олган, худди шу дақиқаларда Дмитрий билан Николай кўчага қувлашиб чиқишган ва дарвоза олдида ҳеч ким бўлмаган. Балки уни кўрган бўлишлари ҳам мумкин, лекин эслаб қолмаганлар; кимлар ўтмайди у ердан? Қутичани бўлса, эшик орқасида турган маҳалида тушириб қўйган, буни ўзи билмай қолган, юраги така-пука бўлиб турган. Қутича унинг эшик орқасида турганлигини аниқ кўрсатиб бераётир. Ана шундай гаплар!

– Мураккаб! Йўқ, оғайни, бунинг жуда мураккаб. Ҳаммасидан ҳам мураккаб!

– Нега энди, нимага?

– Нимага десанг, ҳаммаси жуда бир-бирига мос тушиб қолган... Ўнқови келган... Худди театрда ўйналганга ўхшайди.

– Э-эҳ! – деб оғиз очган эди Разумихин, лекин шу дақиқада хужрага бу ердагиларнинг ҳеч бири танимайдиган нотаниш янги бир одам кириб келди.

## V

Бу унча ёш бўлмаган, кеккайган, басават, салқи юзли боқишлари эҳтиёткор бир одам бўлиб, у «Қаерга келиб колдим ўзи?» дегандай, остонада турганча ҳамма ёққа аланг-жалаң қарай бошлади.

У Раскольниковнинг шифти паст, тор «денгиз бўлмаси»ни алақандай жирканиш аралаш чўчинқи-раган ва, ҳаттоки, менсимаган, таҳқирловчи бир назар билан шубҳаланиб кезинарди. У узининг бир парчагина исқирт диванида чўзилиб, ювинмаган, таранмаган, кийинмаган бир алпозда ётган, кўзларини ундан узмай тикилаётган Раскольниковга ҳам шундай очиқ ҳайратомуз назар ташлаб, қараб қолди. Кейин яна индамасдан сочлари тўзғиб кетган, соқоллари қирилмаган, усти-боши тартибсиз Разумихинни шошилмай кўздан кечира бошлади. Разумихин ҳам ўз навбатида унга нима ишинг бор, дегандай бақрайиб кўз узмай қараб турарди. Юракни сиқадиган жимлик бир дақиқалар давом этгандан сўнг, ниҳоят, аҳвол бирмунча ўзгарди. Бу ерда кибру ҳавою савлат билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини кўриниб турган кескин ишоралардан англаб етди шекилли, янги кириб келган жаноб бир қадар юмшади ва ҳамон жиддий турган ҳолда, лекин назокат билан ҳар бир сўзини дона-дона қилиб Зосимовга қарата мурожаат қилди:

– Родион Романович Раскольников, жаноб талаба ёки собиқ талаба?

Зосимов истар-истамаслик билан қимирлади ва эҳтимол, жавоб ҳам берган бўлар эдию, лекин Разумихин ундан сўрамаган бўлса ҳам гапни дарров илиб кетди:

– Ана у диванда ётибди! Сизга нима керак? «Сизга нима керак?», деган бетакалуф савол кеккайган жанобни жуда ҳам эсанкиратиб қўйди; оз бўлмаса у Разумихинга ўтирилиб қарай ҳам деди, аммо фурсатни қўлдан бермай ўзини тутиб олди ва шошилиш равишда Зосимовга қараб ўтирилди.

– Ана Раскольников! – минғирлади Зосимов касални кўрсатиб, кейин эснади, эснаганда ҳам оғзини қандайдир жуда ҳам катта очиб эснади ва анча-



гача шу ахволда туриб қолди. Кейин жуда секинлик билан нимчасининг киссасига қўлини юбориб, каттакон думалоқ ойнаси очилмайдиган олтин соатини чиқарди-да, устки қопқоғини очиб қаради ва яна қайтадан шошилмай жойига солиб қўйди.

Раскольниковнинг ўзи индамас, кириб келган одамга ер остидан кўз узмай қараб турар, лекин қарашларидан бир маъно уқиб бўлмасди. У қоғоздаги гулдан кўзларини эндигина олганди, унинг юзи ҳаддан ташқари оқариб кетган, гўё ҳозиргина жуда офир операциядан чиққандай ёки эндигина қийноқдан қутулган одамникидай фавқулодда бир изтиробни ифодаларди. Аммо янги келган жаноб секин-аста ва борган сари кўпроқ унинг диққатини ўзига торта бошлади, кейин унинг юзларида ҳайронлик акс этди, кейин ишонқирамаслик ва, ҳатто, чўчинқираш ифодалари пайдо бўлди. Зосимов уни кўрсатиб «Ана Раскольников!» дегандан сўнг, у бирдан дик этиб қадини кўтариб ўтирди ва деярли ёқтирмаган, хириллаган, лекин заиф овозда деди:

– Ҳа! Мен Раскольников! Нима ишингиз бор?

Меҳмон диққат билан қаради-да, салмоқдор қилиб деди:

– Петр Петрович Лужин. Менинг исмим сизга у қадар нотаниш эмасдир, деб шоён умид қиламан.

Аммо Раскольников бутунлай бошқа нарсани кутган экан шекилли, худди Петр Петровичнинг исмини умрида биринчи марта эшитиб турган одамдай унга бақрайиб, хаёл ичида қаради ва ҳеч нарса деб жавоб бермади.

– Наҳотки? Наҳотки сиз шу пайтгача ҳеч қандай хат-хабар олмаган бўлсангиз? – сўради Петр Петрович бирмунча норози бўлиб.

Бунга жавобан Раскольников оҳиста ўзини ёстиққа ташлади, қўлларини бошининг остига қўйди ва шифтга тикилиб қолди. Лужиннинг юзида алам ифодаси пайдо бўлди. Зосимов билан Разумихин уни боягидан ҳам кўпроқ қизиқиш билан томоша қила бошладилар, алоҳал у бундан, чамаси, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

– Мен ўйлаган ва ишонгандимки, – дея минғирлади у, – юборилганига ўн кундан ошган хат ва, ҳатто, балки икки ҳафта ҳам бўлгандир...

– Менга қаранг, эшикда туриб нима қиласиз? – унинг гапини бўлди бирдан Разумихин, – агар бирон гапингиз бўлса, келинг, ўтиринг, турган ерингиз сиз билан Настасьяга торлик қиляпти. Настасьюшка, йўл бер, ўтказиб юбор! Келинг, мана сизга курси, бу ёққа! Ўтсангиз-чи!

У курсисини столдан пича четга суриб турди, ўзининг тиззалари билан стол орасида андаккина очиқ жой қолдирди ва то меҳмон шу «тирқиш»дан ўтиб кетгунча ўнғайсиз бир аҳволда туриб қолди. Шундай бир пайтини топиб, таклиф қилингандики, рад қилишнинг сира ҳам имкони бўлмади ва меҳмон қоқилиб-суқилиб тор ердан базўр ўтди. Курсига етиб келгач, у ўтирди ва Разумихинга бадгумон бир назар ташлаб қўйди.

– Сиз кўнглингизга олманг, – қўрсина деди Разумихин, – Родя беш кундан бери касал, уч кунгача алаҳлаб ётувди, энди кўзини очди, иштаҳа билан овқат ҳам еди. Мана бу киши шифокор, ҳозиргина касални кўриб қўйди, мен бўлсам, Родьканинг ўртоғи бўламан, собиқ талаба, ҳозир унга энагалик қилиб турибман; шунинг учун бизни эламанг ва биздан қисинманг, айтадиган гапингиз бўлса айтаверинг.

– Ташаккур сизга. Бироқ мен беморни ўз гапларим ва бу ерда туришим билан безовта қилиб қўй-

масмикинман? – мурожаат қилди Петр Петрович Зосимовга.

– Йўқ, – минғирлади Зосимов, – ҳатто унинг пича кўнглини кўтариб қўйишингиз мумкин, – у яна эснади.

– О, у ўзига келиб қолган, эрталабдан бери анча тузук! – давом этди Разумихин, унинг такаллуфида шунчалар бир соддалик борга ўхшаб кўринадикки, Петр Петрович уйлаб кўриб, анча ўзини тутиб олди, бунга маълум бир маънода манови кўрс ва жудурвоқи одам ўзини талаба деб таништиргани ҳам қисман сабаб бўлган бўлса бордир.

– Сизнинг ойингиз... – дея бошлади Лужин.

– Ҳм! – овозини баланд кўтариб қўйди Разумихин.

Лужин унга саволомуз қаради.

– Мен ўзим, шундай; олаверинг...

Лужин елкасини қисиб қўйди.

– ...Сизнинг ойингиз мен ҳали уларнинг ҳузурларида эканимдаёқ, сизга хат ёза бошлаган эдилар. Бу ерга келганимдан кейин мен атай олдингизга келмадимки, токи сиз хатни олиб ҳаммасидан хабардор бўлиб турунг деб, аммо мана энди мен жуда ҳайрон бўлиб қолдим...

– Биламан, биламан! – деди бирдан Раскольников жуда ҳам сабрсизлик билан, бу гапларнинг бари унинг гашини келтириб турганлиги сезиларди. – Шу сизмисиз? Ўша куёв тўра? Ҳа, биламан!.. Бўлди етар!

Петр Петрович қаттиқ хафа бўлди, аммо индамади. У буларнинг бари нимани англатаркин, деб зўр бериб бош қотирмоқдайди. Бир дам жимлик чўкди.

Бу орада унга жавоб бераётганда, юзини озгина буриб турган Раскольников худди боя уни яхшилаб кўриб олмаган одамдай ёхуд унинг бирон

нарсасидан ҳайратга тушгандай бўлиб бирдан яна унга бошдан-оёқ, разм солиб тикилиб қарай бошлади, унинг қарашларида аллақандай бошқача бир қизиқиш ифодаси бор эди: у, ҳатто яхшилаб қараш учун атай ёстиқдан бошини ҳам кўтарди. Ростдан ҳам Петр Петровичга ташқи томондан қараганда, унда бошқалардан фарқ қилиб турадиган шундай бир ўзгачалик бор эдики, бу ўзгачалик ҳозиргина унга берилган «куёв» номини нимаси биландир оқлаб турарди. Биринчидан, Петр Петрович пойтахтда бўлган вақтидан фойдаланиб, келини муносиб суръатда кутиб олиш ниятида зўр бериб ясан-тусан қилгани жуда ҳам билиниб кўзга ташланиб турарди, бинобарин, бунинг сира айбситадиган ери йўқ эди. Ҳаттоки унинг одам қаторига қўшилиб қолганлигидан, иши ўнгидан келиб турганлигидан пайдо бўлган шахсан унга молик ва тегишан бўлмиш кибру ҳавони ва умуман, ўзини калонполар қатори ҳис қилиб турганлигини ҳам худди мана шу муносабат юзасидан, яъни унинг куёвлигини ҳисобга олиб кечириш мумкин эди. Унинг бутун уст-боши ҳозиргина тикувчининг қўлидан чиққан, ҳаммаси жойида эди, фақат шуниси борки, ҳаммаси ҳаддан ташқари янги эди ва нима мақсадда шундай кийинганлиги жуда ҳам билиниб турарди, холос. Ҳатто савлатли, янгигина думалоқ шляпа ҳам мўлжал нимага қараб олинганлигини кўрсатарди: Петр Петрович уни ғоятда эҳтиёткорлик билан қўлда тутар ва худди ер-кўкка ишонмаётгандай эди. Ҳаттоки, оч бинафша тусли жуда ҳам ажойиб, чинакам жувен қўлқопи ҳам яна худди ўша нарсадан дарак бериб, бунинг устига уни кийиб олмасдан савлат учун қўлда кўтариб олгани масалани бутунлай ойдинлаштирарди. Петр Петровичнинг барча кийимлари ёшларга хос кийимлар, танлаган барча ранглари ёшларга яра-

шадиган ранглар эди. Унинг эгнида оч жигарранг тусли ёзги костюм, енгил ёзги шим, худди шунга ўхшаш нимча, яқингинада сотиб олинган нафис кўйлак, пушти чизиқли, жуда ҳам енгил батист галстук ва ҳаммадан кўра муҳими: буларнинг бари Петр Петровичнинг ўзига бинойидай ярашган эди. Унинг тиниқ ва ҳаттоки, чиройли бўлган юзи буларсиз ҳам қирқ беш ёшга кирган одам юзига қараганда анча ёш кўринарди. Унинг иккита котлетга ўхшаш чакка соқоли юзини икки томондан ёқимли суръатда бежаб турар, чакка соқоли ярқиратиб қирилган, йилтиллаб турган иягига тушганда чиройли жингалак бўлиб тўзғиб кетарди. Ҳаттоки жиндаккина оқ оралаган, сартарошнинг қўлида таралган ва оро берилган сочлари ҳам муносабат билан қилингани учун одатдаги атай жингалак қилдирилган сочларга ўхшаб унчалар кулгили ёхуд аҳмоқона бўлиб кўринмас, нега десангиз, жингалак сочлар одатда одамни никоҳ чамбарини буйнига илиб олган немисга ўхшатиб қўяди. Мабодо, ушбу анча-мунча чиройли ва виқорга эга бўлмиш чеҳрада кишини фикринтирадиган, хунук белгилар топилар экан, бунинг сабабини бутунлай бошқа нарсалардан қидирмоқ жоиз булар эди, балки. Жаноб Лужинни такаллуфсизлик билан томоша қилиб бўлгач, Раскольников заҳарханда қилиб тиржайди, яна ўзини ёстиққа ташлади ва яна аввалгидай кўзларини шифтга қадаб олди.

Бироқ жаноб Лужин анча ўзини ўнглаб олганди ва у вақт-соати келгунча бу ғалати қилиқларга эътибор бериб ўтирмасликка қарор қилди.

– Сизни бундай аҳволда кўрганлигимдан жуда-жуда афсусдаман, – деб бошлади у яна жимликни бузишга зўрға журъат этиб. – Агар тобингиз йўқлигини билганимда, олдинроқ келган булар-

дим. Аммо биласизми, икир-чикир, югур-югурлар!.. Бунинг устига ўз адвокатлик ишим бўйича сенатда кўриладиган муҳим бир топшириқ бор. Ўзингиз биласизки, яна бошқа бир ташвишлар ҳам борки, мен уларни сизга эслатиб ўтирмайман. Сизнинг ойингиз ва синглингизни кутиб турибман, мана-мана келиб қолишлари керак...

Раскольников ғимирлаб қолди ва нимадир деб айтмоқчи бўлди; унинг юзидан ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди. Петр Петрович нима деркин, дегандай тўхтаб турди, кутди, лекин ҳадеганда ундан садо чиқавермагач, ўзи гапини давом эттирди:

– ...Мана-мана келишлари керак. Ҳозирча яшаб туришларига жой топиб қўйдим...

– Қаерда? – заиф товуш билан сўради Раскольников.

– Бу ердан унчалик узоқ эмас, Бакалеевнинг уйи...

– Вознесенскда экан, – дея унинг гапини бўлди Разумихин, – у ерда икки қаватда буш хоналар бор: савдогар Юшинга қарашли, биламан.

– Ҳа, буш хоналар...

– Жуда бўлмағур жой: ифлос, сассиқ, бунинг устига ғоят шубҳали; ҳар хил ишлар бўлиб туради; ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар яшайди шекилли!.. Мен ўзим ҳам бир жанжал иш билан кирган эдим. Аммо арзон.

– Мен албатта, бунчалар кўп маълумотлар тўплай олмадим, – деди орияти келгандай Петр Петрович, – нега десангиз, ўзим бу ерда янги одамман, лекин жуда-жуда тоза иккита хона, қисқагина бир муддат учун олганимиздан... Мен чинакам яхши бир уй ҳам топиб қўйдим, яъни келажакда турадиган уйимиз, – Раскольниковга қараб деди у, – ҳозирда уни тузатишяпти; вақтинча ўзим ҳам тор хонада

тиқилиб турибман, бу ердан икки қадам нарида, Липпевехзель хонимниқида, Андрей Семёнич Лебезятников деган ёш бир дустимнинг уйида, менга Бакалеевнинг уйини кўрсатган ҳам ўша киши бўлади...

– Лебезятников дейсизми? – чўзиб деди Раскольников худди бир нарсани эслагандай бўлиб.

– Ҳа, Андрей Семёнич Лебезятников, вазирликда хизмат қилади. Танийсизми уни?

– Ҳа... Йўқ... – жавоб берди Раскольников.

– Узр, берган саволингиздан менга шундай туйилди. Мен бир маҳаллар унга васий бўлганман... Жуда яхши йигит... Билимли... Мен бўлсам ёшлар ўртасида бўлишни яхши кўраман: ҳамма янгиликларни улардан билса бўлади. – Петр Петрович ҳамма ўтирганларга умидворлик билан кўз югуртириб чиқди.

– Бу қайси маънода? – сўради Разумихин.

– Жуда жиддий ва тўғри маънода, масаланнинг бутун моҳиятига кўра, – дея илиб кетди Петр Петрович савол берганларидан хурсанд бўлиб кетгандай. – Биласизми, мен ўн йилдан бери Петербургга энди келишим. Бу янгиликлар, ўзгаришлар, ғояларнинг бари биз томонларга, чет жойларга ҳам борган, лекин ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўриш, равшанроқ кўриш учун Петербургда бўлиш керак экан. Менинг ўзим шахсан шундай фикрга келганманки, бизнинг ёш бўғинларимизни кузатиб турсанггина кўп нарсаларни англаб, билиб олишинг мумкин. Тан беришим керак: хурсанд бўлдим...

– Нимадан?

– Саволингиз жуда кўп нарсаларни қамраб олади. Албатта, балки мен янгишарман, лекин мен ёшларда кўз қарашларнинг равшанлиги, хўш,

танқидий деймизми, қарашнинг мавжудлигини назарда тутаман; ишчанроқ десакмикин...

– Бу тўғри, – деди тишининг орасидан Зосимов.

– Бекор айтибсан, ҳеч қандай ишчанлик йўқ, – деб қизишиб кетди Разумихин. – Ишчанлик жуда қийинчилик билан қўлга киради, ўзи осмондан тушмайди. Биз бўлсак, мана, икки юз йил бўладики, ҳар қандай ишдан қўлимизни ювиб, қўлтигимизга уриб қўйганмиз... Ғоялар-ку, албатта, кезиб юрибди-я, – дея қаради у Петр Петровичга, – гарчи болаларча бўлса ҳам, яхшилик қилиш истаги ҳам йўқ эмас; ҳамма ёқни муттаҳамлар чигирткадай босиб кетганлигига қарамасдан, ҳатто виждон деган нарса ҳам топилади, аммо бари бир ишчанлик йўқ! Сув кечадиган одам йўқ.

– Гапингизга қўшилолмаيمان, – жон-жон деб эътироз билдирди Петр Петрович, – албатта, ҳаддан ошириб юборилган, нотўғри қилинаётган нарсалар ҳам бор, лекин буларга ўткинчи бир жиҳатлар деб қараш керак: баъзан ҳаддан ошириб юбораётган бўлсак, бу ишга қизиққонлик билан қараётганлигимизни ва, умуман, иш шароитининг ўзи нобоп бўлиб турганлигини кўрсатади. Агар кам қилинган бўлса, шу пайтгача, лекин вақтнинг ўзи ҳам кўп бўлгани йўқ. Воситалар ҳақида гапирмай ҳам қўя қолай. Шахсан ўзимнинг қарашимга кўра, агар истасангиз, бир нарсалар ҳам қилинган; янги фойдали фикрлар тарқатилди, баъзи бир янги, фойдали асарлар чиқарилди, олдинги хаёлий ва ҳавойи нарсалар ўрнига, албатта. Адабиёт анча камолотга эришди; кўп зарарли хурофий қарашлар барҳам топди ва масхара қилинди... Бир сўз билан айтганда, биз ўзимизни ўтмишдан унга сира қайтмайдиган қилиб қирқиб олдик, бу эса менимча, катта иш...



– Опқочди-ёв! Ўзини кўрсатяпти, – деди кутилмаганда Раскольников.

– Нима? – деб сўради Петр Петрович эшитмасдан, лекин жавоб ололмади.

– Буларнинг бари тўғри гаплар, – деди шоша-пиша орага гап қўшиб Зосимов.

– Тўғри айтяпманми? – давом этди Петр Петрович Зосимовга мулойим нигоҳ ташлаб. – Ўзингиз айтинг, – дея давом этди у Разумихинга қараб, лекин энди унинг гап оҳангида алақандай тантана ва устунлик белгиси борга ўхшаб кетди ва сал бўлмаса унга «йигитча» деб мурожаат қилиб юборай деди, – кўп нарсаларга эришдик, буни ҳозирги тил билан айтсак, тараққиёт дейилади, нари борса, фан ва иқтисодий ҳақиқат йўлида...

– Умумий гаплар!

– Йўқ, умумий гап эмас! Агар менга мисол учун шу пайтгача: «меҳрибон бўл» деган бўлсалару мен ҳам меҳрибон бўлган бўлсам, хўш, бундан нима мурод ҳосил бўлди? – давом этди Петр Петрович, балки бир оз шошқалоқлик қилган ҳолда, – шундай бўлиб чиқадики, мен чопонимни икки бўлакка бўламан, ярмини яқин кишимга инъом этаман, оқибат натижада эса ҳар икковимиз ҳам ярим яланғоч бўлиб қоламиз, яъники рус мақолида айтилганидай: «Иккита қуённи қувласанг, биттасини ҳам тута олмайсан». Фан нима дейди: аввало ўзинг бўл, ўзингни сев, зотан дунёдаги ҳамма нарсалар шахсий манфаатдорлик асосига қурилган. Ўзингни ўйласанг, ишларингнинг ҳам кифтини келтириб бажарасан, чопонинг ҳам бутун бўлади. Иқтисодий ҳақиқат эса бунга қўшимча қилиб айтадики, жамиятда шахсан униб-ўсаётган кишилар, хусусий ишлар қанчалар кўп бўлса, яъники чопони бутунлар қанча сероб бўлса, унинг асослари шунчалар бақувват бўлаверади ва умумнинг

иши ҳам шунчалар гуллаб-яшнайверади. Шундай экан, фақат ўзим учун ҳаракат қилиб, фақат ўзим учун орттириб, мен айни замонда менга ўхшаган бошқа одамлар яримта чопондан кўра кўпроқ нарсага эришишлари учун ўз ҳиссамни қўшган бўламан, бу хусусий, унда-мунда қилинадиган хайр-эҳсонлар эвазига эмас, умумий фаровонлик туфайли амалга ошадиган бўлади. Мундоқ қарасангиз, жуда ҳам содда фикрга ўхшайди, лекин бахтга қарши дабдабали ва хаёлий гаплар орқасида қолиб кетиб, узоқ ва каллага келмаган бир фикр, буни фаҳмлаб олиш учун у қадар ақлнинг ҳожати ҳам йўқ эди...

– Маъзур тутасиз, менда ҳам ақл деган нарсдан кўп эмас, – дабдурустдан унинг гапини бўлди Разумихин, – шунинг учун бас қилайлик. Боя гап бошлаганимда жуйи бор эди, бўлмаса, ўзни овунтириш учун қилинадиган маҳмадонагарчиликлар, ўша-ўша бош-кети йўқ, тинмай гапириладиган умумий гаплар, қачон қарасанг, шу гап, уч йил ичида шунчалар жонимга тегиб кетдики, ҳатто ўзим эмас, бошқалар гапирганда ҳам қизариб кетаман уятдан. Ўзингизнинг қанчалар билимдонлигингизни кўрсатиб қўйиш учун шундай қилдингиз, бу узрли, мен сизни айбламайман. Мен бўлсам, сизнинг қандай одамлигингизни билмоқчи эдим, холос, нега десангиз, кейинги пайтларда умумий ишга шунчалар кўп саноатчилар митадай ёпишиб олишдики ва ёпишган нарсаларини шунчалар ҳам бузиб, расвосини чиқариб ташлашдики, асти қўяверасиз, албатта, ўз манфаатлари йўлида шундай қилишди улар. Бўлди, бас энди!

– Марҳаматли афандим, – дея ранжиб, ғоятда орияти келган ҳолда гап бошлади жаноб Лужин, – мунчалар бетгачопарлик билан гапиришингизга қараганда, балки мени ҳам...

– О, нима деяпсиз, нима деяпсиз... Наҳотки мен!.. Бўлди, бас қилайлик! – шартта кесиб ташлади унинг гапини Разумихин ва тўхтаб қолган боғи гапини давом эттириш учун Зосимовга ўгирилиб олди.

Петр Петрович анча ақли одам экан, дарҳол унинг гапига ишона қолди. У икки дақиқалардан кейин кетишга қарор берди.

– Умид қиламанки, бизнинг эндигина бошланган таниш-билишчилигимиз, – Раскольниковга қарата деди у, – сиз тузалиб кетганингиздан сўнг яна ўзингизга маълум сабабларга кўра ҳам борган сари мустақамланиб боради деб... Айниқса сизга тезроқ шифо топиб кетишингизни тилайман...

Раскольников, ҳатто бошини буриб ҳам қарамади. Петр Петрович ўрнидан тура бошлади.

– Кампирни, турган гап, гаровга нарса қўйган одам ўлдирган! – дерди тасдиқлаб Зосимов.

– Албатта, гаровга қўйган одам! – тасдиқлади Разумихин ҳам, – Порфирий калласида нима гап борлигини билдирмайди, лекин шунга қарамасдан нарсаларини гаровга қўйган кишиларни бари бир тергов қиляпти...

– Гаровга қўйганларни тергов қиляпти, дейсанми? – баланд овоз билан сўради Раскольников.

– Ҳа, нима эди?

– Ҳеч нарса.

– Уларни қаердан кавлаб топибди? – сўради Зосимов.

– Бир хилларини Кох айтиб берибди; бошқа бирларининг номлари нарсаларнинг орқасига ёзиб қўйилган экан, баъзилари эса эшитгандан кейин ўзлари келишган...

– Лекинига ўша муттаҳам иблис жуда ҳам пихини ёрган экан-да! Юракни қаранг! Қилган ишини қаранг!

– Э, ҳамма гап ҳам мана шунда, сен айтгандай эмаслигида! – унинг гапини бўлди Разумихин. – Худди мана шу нарса ҳаммангизни адаштириб турибди. Мен бўлсам, у қовушмаган, тажрибасиз бир одамдир, дейман ва бу қилган иши биринчи марта бўлса, эҳтимол! Жуда ҳам қирриқ, пихини ёрган одамни куз ўнгингга келтир ва у ёқ-бу ёқни уйлаб кўрсанг, ўз гапингга ўзинг ишонмай қоласан. Агар бунақа ишда ҳали суяги қотмаган одамни куз ўнгингга келтирадиган бўлсанг, уни фақат тасодиф жонига ора кирганлигини кўрасан, тасодиф нималар қилмайди? Менга қара, у, ҳатто олдида пайдо бўлиши мумкин бўлган тўсиқларни ҳам эътиборга олмаган! Яна қилаётган ишини қара: ўн сўм йигирма сўмлик нарсаларни олиб чўнтаklarини қаппайтиради, хотинларнинг латта-путталарини ковлаштиради, ваҳоланки, комоднинг тепасидаги қутидан чипталардан ташқари, нақд бир ярим минг сўм чиққан! Ўғирлашни ҳам тузукроқ эпллмаган, қўлидан келган иш чопиш бўлган, холос! Биринчи қадам, деяпман сенга, биринчи қадам; ўзини йўқотиб қўйган! Режа билан эмас, тасодиф билан қутулиб қолган!

– Яқинда ўлдирилган кампир хотин ҳақида айт-япсиз шекилли, – гапга аралашди Петр Петрович Зосимовга қарата; у қўлида шляпаси, қўлқопи, кетмоқчи бўлиб, лекин кетмасдан яна икки оғиз ақлли гаплардан гапириб кетгиси келиб турарди. Бу ерда ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириб кетгиси бор эди, ниҳоят, манманлик балоси ақлидрокдан устун чиқди.

- Ҳа. Эшитган эдингизми?
- Бўлмасам-чи, қўшнимиз...
- Икир-чикирларидан ҳам хабарингиз борми?
- Унчалар эмас, лекин шу муносабат билан мени бутунлай бошқа бир масала қизиқтириб қолди.

Мен кейинги беш йиллар мобайнида паст табақалар ичида жиний ишлар кўпайиб кетганлигини айтмай ҳам қўя қолай; ҳамма ерда тинимсиз суръатда рўй бериб турган талончиликлар, ўт қўйишлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: мени ҳаммадан ҳам қаттиқ ҳайрон қилган нарса юқори табақалар ўртасида ҳам жиний ишлар пасткидан қолишмайдиган даражада ўсиб боряпти. Бир қарасангиз, собиқ талаба, катта йўлда почтани талаганини эшитиб қоласиз, бир қарасангиз, жамиятда юксак мавқега эга бўлган одамлар, илғор кишилар қалбаки қоғозлар ясаётганини эшитиб қоласиз; Москвада бўлса кейинги заём билан лотерея чипталарини қалбаки қилиб ясаб чиқарган бир тўда қаллоблар ушланган, уларнинг бошлиқлари орасида бутун дунё тарихининг лектори ҳам бор; бир қарасангиз, чет элда бизнинг котибимизни ўлдириб кетишган, ўртага пул аралашган, жуда ғалати... Мана энди судхур кампир юқори табақа вакилларида бири тарафидан ўлдирилган экан, бу қотилнинг қора халққа тегишли бўлмаганлигини кўрсатади, зотан, авом халқ тилла нарсаларини гаровга қўймайди, ана энди жамиятимизнинг маданий бир тармоғида рўй бераётган бундай тартибсизликларни нима билан изоҳлай оламиз?

– Иқтисодий ўзгаришлар кўп... – деб қўйди Зосимов.

– Нима билан изоҳлаймиз, дейсизми? – ёпишди Разумихин. – Буни фақат моғори чиқиб кетган танбаллик билангина изоҳлаш мумкин.

– Яъни масалан, у нима деганингиз?

– Ўша сиз айтган лектор Москвада нега чипталарни қалбаки қилиб ясадингиз, деб сўраганларида нима деган эди: «Ҳамма қўлидан келганча бойлик орттиряпти, шунинг учун мен ҳам тезроқ бойиб кетгим келди». Аниқ нима деганлигини бил-

майман, эсимда йўқ, лекин мазмуни шундай эди, ҳеч нима қилмай, қўлни совуқ сувга урмай тезроқ давлат орттириш! Тайёр ошга баковул бўлиб ўрғаниб қолишган, бошқаларнинг етагида юришга, биров чайнаб берган нарсаларни ютишга одатланиб кетишган. Вақти соати келиб қолганда эса мана биз бормиз, бор эдик, деб гердайиб чиқишади, ёт-гунча...

– Лекин-бироқ ахлоқ-одоб-чи? Қоида дегандай...

– Сиз ниманинг ташвишини қиялпсиз ўзи? – кутилмаганда орага қўшилди Раскольников. – Сизнинг назариянгизга тўғри келади-ку булар!

– Қандай менинг назариямга?

– Боя айтган нарсаларингизнинг барча оқибатларини ўйлаб кўринг-чи, ана унда одамларни сўйиш мумкин, деган хулоса келиб чиқади...

– Қўйинг-е! – дея қичқирди Лужин.

– Йўқ, ундай эмас! – деди Зосимов.

Раскольников қум оқариб кетганча устки лаби пирпираб, офир-офир нафас олиб ётарди.

– Ҳамма нарсанинг ўз ўлчови бор, – дея кеккайиб давом этди Лужин, – иқтисодий ғоя деганимиз ҳали одам ўлдиришга чақирик дегани эмас ва гар тахмин қилиб кўрадиган бўлсак...

– Қани менга айтинг-чи, – ғазабдан қалтираган овоз билан бирдан унинг гапини бўлди Раскольников, унинг товушида ўзини ранжитганларидан мамнунлик ифодаси бор эди, – сиз қаллифингиздан розилик олганингиздан кейин, худди ўша соатда.... Мен ҳаммадан ҳам сизнинг камбағал эканлигингиздан хурсандман, нега десангиз, камбағалнинг қизига уйланган маъқул, кейин унинг устидан ҳукм юритиш осон бўлади, деб айтганингиз ростми... Кейин сизларни мен одам қилдим, сизларнинг халоскорингиз бўламан, деб юзига солиш учунми?..

– Марҳаматли афандим!.. – дея алам ва ғазаб билан қичқирди Лужин қип-қизариб кетган, гаранг бўлган ҳолда, – марҳаматли афандим, одамнинг гапини бунчалар бузиб айтиш! Мени маъзур тутинг, лекин сизга маълум қилиб қўйишим керакки, сизга етиб келган хабарлар ёки тўғрироғи, сизга етказилган хабарларнинг тағи жуда бўш ва мен ўйлайманки, ким... Бир сўз билан айтганда... Бу отилган ўқ... Бир сўз билан айтганда, сизнинг ойингиз... Шуларсиз ҳам у кишим менга дарвоқе, ажойиб бир фазилатлар соҳибаси бўлишлари билан бир қаторда бирмунча завқ-шавққа тўлган, хом хаёлий бир фикр эгаси бўлиб... Лекин шунга қарамай, мен у кишим гапни бу қадар ҳавойи бир тарзда етказди, деб ўйлашдан ва, ҳатто бундай фикрдан минглаб чақирим наридан ўтиб кетгандим... Ва ниҳоят... Ниҳоят...

– Биласизми нима? – қичқирди Раскольников ёстикдан кутарилар ва тиккасига ўқдай назар билан қараркан, – биласизми нима?

– Нима экан? – Лужин тўхтаб хафа бўлган, вижинган ҳолда кутиб турди.

Бир неча сония жимлик чўкди.

– Агар сиз яна бир марта... менинг онам ҳақида... бир оғиз сўз айтадиган бўлсангиз... сизни зинадан улоқтириб юбораман!

– Сенга нима бўлди! – қичқирди Разумихин.

– Ҳа-ҳа, гап буёқда денг! – Лужин оқариб кетди ва лабларини тишлади. – Менга қулоқ солинг, афандим, – деб бошлади у тўхтаб-тўхтаб иложи борича ўзини тутишга ҳаракат қилиб, лекин бари бир ҳансираган ҳолда, – мен боя кирган заҳотим сизга ёқмаганлигимни сезгандим, лекин қани бу ёғи нима бўлар экан, деб атай шу пайтгача олдингизда турдим. Касал одам учун ва қариндош бўлганлигим учун мен кўп нарсаларни кечириб

юборишим мумкин эди, лекин энди... Сизни ҳеч қачон...

– Мен касал эмасман! – қичқирди Раскольников.

– Янаям яхшимас...

– Йўқолинг бу ердан!

Аммо Лужиннинг ўзи ҳам стол билан курсининг орасидан ўтиб чиқиб бораётганди; Разумихин уни ўтказиб юбориш учун бу сафар ўрнидан турди. Ҳеч кимга ва, ҳатто анчадан бери касални ўз ҳолига қўйинг, деб имлаётган Зосимовга ҳам қарамасдан Лужин шляпасини эҳтиёт юзасидан елкаси баравар кўтарган ҳолда эшикдан энгашиб чиқиб кетди. Шу ҳодиса муносабати билан, ҳатто елкасини букканда ҳам ўзи билан кечириб бўлмас ҳақоратни кўтариб кетаётганлигини билдириб тургандай эди.

– Нима қилиб қўйдинг, нима қилиб қўйдинг?

– дерди ҳайрон бўлиб қолган Разумихин бошини лиқирлатиб.

– Қўйинглар мени, тинч қўйинглар ҳамманглар мени! – алам билан қичқирди Раскольников. – Мени тинч қўясизларми ўзи йўқми, золимлар! Мен сизлардан қўрқмайман! Мен энди ҳеч кимдан, ҳеч кимдан қўрқмайман! Кетинглар бу ердан! Ўз ҳолимга қўйинглар мени, ёлғиз қўйинглар, ёлғиз, ёлғиз!

– Кетдик, – деди Зосимов Разумихинга имо қилиб.

– Нима деяпсан, уни шундай қолдириб бўлади-ми?

– Кетдик! – деди Зосимов қатъий қилиб ва хужрадан чиқди. Разумихин ўйланиб турди-да, сўнг унинг ортидан чопиб кетди.

– Агар ҳозир унинг айтганини қилмасак бундан баттар бўлиши мумкин эди, – деди Зосимов зинага чиққанларидан сўнг. – Унинг асабига тегиб бўлмайди ҳозир...



– Унга нима бўлган?

– Унга бир туртки етмай турибди, ана шу! Сал бўлмаса ҳозир у... Биласанми, унинг дилида бир гап бор! Кўкрагини эзиб ётибди... Мен бундан жуда қўрқаман, жуда!

– Балки анов жанобда, Петр Петровичдадир ҳамма гап! Гапга қараганда, у синглисига уйланаётганга, Родя эса касал бўлмасидан сал олдин бу ҳақда хат олганга ўхшайди...

– Ҳа, бу ерда пишириб қўйгай эканми унга, шу тобда келмаса, балки бутун ишнинг пачавасани чиқариб кетгандир. Сен фаҳмладингми, унинг ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳамма нарсага лоқайд, индамайди, фақат бир нарсага келганда, яъни кампирнинг ўлдирилиши ҳақида гап кетса тутақди, куфри қўзғайди...

– Ҳа, ҳа! – илиб кетди Разумихин, – мен ҳам сездим! Суриштиради, қўрқиб кетади. Уни касал бўлган куни назоратчининг хонасида қўрқитиб юборишган; ҳушидан кетиб қолган.

– Менга бунга кечқурун батафсилроқ айтиб бер, кейин сенга баъзи бир нарсаларни сўзлаб бераман. У мени жуда қизиқтириб қўйди! Ярим соатдан кейин яна хабар оламан... Ҳарқалай газак олиб кетмас...

– Раҳмат сенга! Унгача мен Пашеньканинг олдида бўламан, Настасьяни юбориб, хабар олиб тураман...

Раскольников бир ўзи қолганидан кейин юраги сиқилган ҳолда сабрсизлик билан Настасьяга қаради: лекин Настасья кетмасдан товсилланиб турарди.

– Энди чой ичиб оласанми? – сўради Настасья.

– Кейин! Менинг уйқум келяпти! Ўз ҳолимга қўй...

У қалтираб, деворга юзини буриб олди; Настасья чиқиб кетди.

## VI

У чиқиб кетган заҳоти Раскольников ўрнидан туриб, эшикнинг илгагини илди-да, боя Разумихин олиб келиб очиб кўрсатган, сўнг яна боғлаб қўйган тугунни ечиб, кийина бошлади. Қизиқ: у бирдан бутунлай хотиржам бўлиб қолганга ўхшарди; телбаларча довдирашлар ҳам, кейинги пайтларда сурункасига давом этган даҳшатли қўрқинч-ваҳималар ҳам қолмаган эди. Бу ғалати, бирдан пайдо бўлган алланечук хотиржамликнинг илк дақиқалари эди. Унинг ҳаракатлари аниқ ва равшан, нима қилмоқчи бўлганлиги яхши кўриниб турарди. «Шу бугун, шу бугун!..» – пичирларди у ўзича. У ўзининг ҳали жуда заиф эканлигини билар, юрагини эзиб ётган нарса шу даражага кўтарилган эдики, унинг зўридан хотиржам бўлиб қолган, кучли изтироб турғун бир ғояга айланган ва шу нарса унга куч-қувват бермоқда, ўзига ишонч туғдирмоқда эди. У ишқилиб кўчада йиқилиб қолмасман-ку, деган умидда эди. Бошдан-оёқ янги келтирилган кийимларни кийиб, у стол устида ётган пулга қаради ва ўйланиб туриб, кейин уларни чўнтагига солиб қўйди. Пул йигирма беш сўм эди. Разумихин харажат қилиб келган ўн сўмдан қолган чақаларни ҳам олди. Кейин аста илгакни туширди, хужрадан чиқди, зинадан пастга тушди ва эшиги ланг очиқ турган ошхонадан ичкарига қаради: Настасья эшик томонга орқасини ўтирганча, самоварнинг тагини пуфларди. У ҳеч нарсани эшитмади. Умуман, кимнинг ҳам хаёлига келибди у чиқиб кетади деб? Бир дақиқадан сўнг у кўчага чиқиб олди.

Соат саккизлар эди, қуёш ботиб бормоқдайди. Ҳамон ҳаво дим эди, аммо у бу ғуборли, сассиқ, шаҳар ислари анқиган ҳавони ютоқиб симирди. Унинг боши яна хиёл айлана бошлади; унинг қи-

зариб кетган кўзларида, озиб-оқариб қолган заъфарон юзида аллақандай ёввойи бир куч жилваланди. У қаерга боришини билмас ва буни ўйламас эди; у фақат бир нарсани биларди, яъни: «бунинг ҳаммасини шу бугун, шу заҳоти, биратўла тугатиш керак; бўлмаса уйга қайтмайди, чунки бундай яшашни истамайди». Қандай тугатсин? Нима билан тугатсин? Бу ҳақда у ҳеч нарса билмас, буни ўйлагиси ҳам келмасди. У ўзидан фикрни нари қуварди: фикр уни қийнамоқда эди. У қандай бўлмасин, ҳамма нарса ўзгариши кераклигини ҳис қилар, «майли, қай йўсинда бўлмасин» ўзгарсин, деб такрорлагани такрорлаган, шундан ўзга йўл қолмагандай бу унга сабот ҳамда ишонч, дадиллик бағишларди.

Эски одати бўйича у илгари сайр қилиб кездиган йўллардан тўғри Сенная томонга қараб юрди. Сеннаяга етмасдан сал берида, йўлкада, майда-чуйда сотиладиган дўконча олдида ёш, қора сочли шарманкачи аллақандай йиғлоқи бир романсни айлантирмоқда эди. У ўзининг олдида йўлка устида турган ўн беш ёшлардаги, худди ойимқизларга ўхшаб кийинган, кринолин (ўтган асрда расм бўлган чамбаракли кенг юбка) юбка, кичкина ёпинчиқ, қўлқоп ва алвон рангли пат қадалган чипта шляпадаги қизга жўр бўлиб турарди, аммо қизнинг кийимлари эски, тўзиган эди. У зириллаган, лекин ёқимли ва кучли саёқ қўшиқчиларга хос овоз билан ишқий ашула айтар, дўкончадан одам чиқиб, танга беришини кутар эди. Раскольников қўшиқ тинглаб турган икки-уч тингловчи ёнида тўхтаб, бир оз эшитиб турди-да, сўнг беш тийин чиқариб, қиз кафтига қўйди. Қиз ашулани энг нозик авжига чиққан ерида шартта тўхтатиб, шарманкачига: «Бўлди!» деб қаттиқ қичқирди-да,

шундан сўнг икковлон нариги дўконга қараб суд-ралиб кетишди.

– Сиз кўчада айтиладиган ашулаларни ёқтира-сизми? – деб кутилмаганда мурожаат қилди Раскольников ўзининг ёнида турган, ёши ўтиброк қолган, башарасидан такасалтангга ўхшаш бир ўткинчига. Бу одам унга анг-танг тикилди ва ҳайрон бўлиб қолди. – Мен яхши кўраман, – дея давом этди Раскольников, лекин худди кўчада айтилади-ган ашула ҳақида эмас, бошқа нарса ҳақида гапираётган кишидай, – мен аёзли, қоронғи, намхуш куз оқшомлари шарманка билан ашула айтишларини яхши кўраман; ҳаво албатта, намхуш бўлиши керак, ўшанда ҳамма ўткинчиларнинг юзлари оқариб, кўкариб касалманд бўлиб кўринади; ёки шамол бўлмасаю қор ёғаётган бўлса, тик, осуда ёғадиган нам қор, биласизми? Қор оралаб ёриткичлар жимирлаб кўринади...

– Билмайман-а... Узр... – ғунғиллади жаноб Раскольниковнинг саволидан ва ғалати кўринишидан чўчиган ҳолда ва кучанинг нариги бетига утиб кетди.

Раскольников тўғри бориб, Сеннаянинг ҳув ўшанда дўкончи ва унинг хотини Лизавета билан гаплашиб турган бурчагидан чиқди. Бу ерни танигач, у юришдан тўхтади, атрофга аланглади ва каппонга кираверишда оғзини очиб, эснаб турган қизил кўйлак кийган йигитга мурожаат қилди.

– Бу ерда хотини билан бир мешчан майда-чуйда сотармиди?

– Сотувчилар кўп, – деди йигит Раскольниковга кибр билан қараб.

– Исми нима?

– Отаси нима деб қўйган бўлса ўша.

– Ие, нима бало, сен ҳам Зарайскдан эмасми-сан? Қайси губернядан?

Йигит яна Раскольниковга қаради.

– Бизда олий ҳазратлари, губерня эмас, уезд, туя кўрдингми, йўқ, билмайман... Кечирасиз-да, а, энди, олий ҳазратлари, бир қошиқ қонимиздан кечинг.

– Тепадаги ошхонами?

– Тепадаги қовоқхона, бильярди ҳам бор, маликалар ҳам топилади... Люли!

Раскольников майдонни кесиб ўтди. У ерда бурчакда одамлар тўдалашиб, зич бўлиб туришар, ҳаммаси эркаклар эди. У турганларнинг юзларига қарай-қарай тўпнинг ўртасига суқилиб борди. Нима учундир у ким дуч келса шу билан гаплашгиси келмоқда эди. Лекин турганлар унга сира ҳам эътибор беришмас, тўп бўлиб олиб, алланималарнидир ғужиллашарди. У бирпас тўхтаб турди, ўйланди ва йўлқадан ўнгга, В – томонга қараб йўл олди. Майдондан ўтгач, у тор кўчага кириб қолди...

У авваллари ҳам мана шу қисқагина тор йўлдан ўтган эди, бу йўл бурилиб, Садовая майдонига олиб чиқарди. Кейинги вақтларда кўнгли озиб кетган маҳалларда яна ҳам баттарроқ кўнгил оздириш учун мана шу ерларга келиб айланиб юрарди. Ҳозир бўлса бу кўчага ўйламай-нетмай кириб қолди. Бу ерда бир улкан бино бўларди: ичи ҳаммаси пивоҳона, қовоқхона ва шунга ўхшаш бошқа турли кўнгил очди хоналар эди: уларда пайдар-пай «қўшничилик» кийимидаги – яланг бош, кўйлакчан хотинлар чопқиллаб чиқишиб туришарди. Баъзи бир кўпроқ пастки қаватга тушиладиган ерларда хотинлар тўдалашиб туришарди, улар турган жойдан икки зина пастга қадам қўйилса, ўзни турли-туман маишатхоналарда кўриш мумкин эди. Уларнинг биридан шу тобда дукиллаган, тарақа-туруқ овозлар, шовқин-сурон гитаранинг тинғиллагани, ашула айтилгани эшитилиб

турарди, кайфлар тарақ эди. Бир тўда хотинлар шундоқ кираверишда тўпланиб туришарди; уларнинг баъзилари зиналарда, бошқа бирлари йўлкада ўтиришар, учинчи бирлари эса тик турганча, вағир-вуғур қилишарди. Тош кўчанинг шундоқ ўртасида оғзида папироси билан бўралаб сўкинганча бир зобит галдираб юрар, қаергадир кирмоқчидай, лекин кирадиган ерини тополмаётгандай, унутиб қўйгандай эди. Бир жалатой бошқа бир жалатой билан жанжаллашиб турар, бошқа бир фирт маст кўчанинг ўртасида ўчиб ётарди. Раскольников анча хотинлар тўпланишган ерга бориб тўхтади. Хотинлар хирқирган овоз билан гаплашардилар; ҳаммалари чит кўйлак, эчки терисидан тикилган бошмоқ кийиб олишган, бош яланг эдилар. Уларнинг баъзилари қирқлардан ошиб қолган, лекин ўн еттига кирганлари ҳам йўқ эмасди, ҳаммаларининг кўзлари кўкариб ётарди.

Нима учундир Раскольниковни ашула, пастдан чиқаётган ола-ғовур, тўс-тўполон ўзига тортмоқда эди... У ердан кимнингдир ингичка чинқирган саросар нақароти ва гитара жўрлигида жон-жаҳди билан пошналарини оҳангга мослаб, тақиллатиб ўйинга тушаётгани қаҳқаҳалар, чинқирқлар, вой-войлар эшитилиб қоларди. Раскольников пастга тушиладиган ерда энгашиб йўлакдан ичкарига қизиқсиниб, кўз ташлаганча қовоқ уйиб, ўй ичида диққат билан қулоқ солиб турарди.

*Сен менинг гунчамсан ягона,  
Сен мени урмагин ножўя! –*

ҳаволар эди қўшиқнинг ингичка саси. Раскольников нимани айтаётганларини жуда ҳам билги-

си келиб кетди, назарида ҳамма гап мана шунда ифодаланиб берилгандай эди.

«Кирсаммикин? – ўйлаб қолди у, – хахолашяпти! Роса маст бўлишибди. Мен ҳам фирт маст бўлгунча ичсаммикин, а?»

– Кирмайсизми ичкарига, бегим? – сўради хотинлардан бири ҳали унчалар сўнмаган жарангдор овоз билан. У ёш эди, ўзи ҳам кўҳликкина – шу издаҳомда чиройлиси эди.

– Ие, попукдай экансан-ку! – деб жавоб берди Раскольников қаддини кўтариб, унга қараркан.

Мақтовдан ийиб кетган хотин жилмайди.

– Ўзингиз ҳам зап келишган экансиз, – деди у.

– Вой-бў, мунчалар озиб чўп бўлиб кетибдилар? – деди йўғон товуш билан бошқа бир хотин, – нима, касалхонадан чиқдингизми?

– Ҳаммаси генералнинг қизларига ўхшайди-ю бурунларига қарасанг, пучуқ! – уларнинг гапини бўлиб қўйди кайфи тарақ бир киши, унинг армоқ чопонининг тугмалари ечиб ташланганди, башарасида қув бир кулги ўйнардди. – Таралабедод-ку жуда!

– Кир, келганингдан кейин!

– Кираман! Жонидан!

У пастга қараб шўнғиди. Раскольников йўлида давом этди.

– Менга қаранг, бегим! – қичқирди унинг орқасидан ойимча.

– Нима?

У уялиб ерга қаради.

– Мен, жон бегим, сиз билан бўлсам бошим осмонга етади, мана ҳозир сизга қараб туриб гапимни йўқотиб қўйдим. Антиқа йигит экансиз, ичкиликка олти тийин ташлаб кетмайсизми!

Раскольников чўнтагидан қўлига илинганча танга олди: учта беш тийинлик чиқди.

– Вой, мунча кўлингиз очиқ экан!

– Исминг нимади?

– Дуклида деб сўранг.

– Вой тавба, бу қандай гап ўзи? – бирдан орага кўшилди тўп ичида турганлардан бири Дуклидага бошини чайқаб. – Тиланчилик қилгани тили борганини қаранг! Мен ўлиб қўя қолган бўлардим...

Раскольников гапираётган хотинга ажабсиниб қаради. Бу хотин чўтир, ўттизларга кирган, ҳамма ёғи моматалоқ бўлиб, тепа лаби шишиб кетган эди. У ўзига ёқмаган нарсани хотиржам ва жиддий туриб айтмоқда эди.

«Қаерда эди, – ўй ўйлаб йўлда давом этди Раскольников, – қаерда ўқиган эдим, бир ўлимга ҳукм этилган одам қатл этилмасдан бир соат олдин, агар мен жуда ҳам баланд бир ерда, қоянинг тепасида, фақат икки оёқ сиғадиган бир жойда яшашимга тўғри келганда, атрофим эса зимистон қоронғилик, тубсиз, интиҳосиз океан, абадий зулмат, абадий ёлғизлик ва абадий бўрон эсиб ётган бир муҳит бўлса-ю шу бир қарич ерда тик туриб бир умр, минг йил, миллион йил яшашга тўғри келса, шунда ҳам шу ҳаёт ўлиб кетганга қараганда минг марта афзал, деб билардим! – деган экан. Фақат яшамоқ, яшамоқ ва яна яшамоқ! Қандай яшамагин, фақат яшамоқ!.. Нечоғлик ҳақ экан у! Ё Раббим, қандай ҳақ гап бу! Инсон аблаҳ! Ва уни шунинг учун аблаҳ деб атаётган одамнинг ўзи ҳам аблаҳ», кўшиб кўйди у бир дақиқалардан сўнг.

У бошқа кўчага чиқди. «Воҳ! «Биллур сарой!» Боя Разумихин «Биллур сарой» ҳақида сўзлаётган эди. Фақат мен нима қилмоқчи бўлиб турган эдим ўзи? Ҳа, ўқимоқчи эдим!.. Зосимов газетада ўқидим деб айтаётганди...»

– Газеталар борми? – дея сўради у бир қанча хоналари бўлган кенгина, озодагина трактир-



га кириб бориб. Трактирда одам йўқ ҳисоби эди. Икки-уч ҳўранда чой ичишар, олисроқдаги хонада эса тўрт киши шампан ичиб ўтиришарди. Раскольниковга улар орасида Заметов борга ўхшаб кўринди. Яна узоқдан унчалар яхши кўринмасди.

«Бўлса нима!» – ўйлади у.

– Ароқ олиб келайми? – сўради хизматчи.

– Чой олиб кел. Кейин менга беш кун ичида чиққан газеталарни топиб бер, сенга ароққа чойчақа бераман.

– Хўп бўлади. Мана бугунгилари. Ароқ ҳам олиб келайми?

Эски газеталар билан чой келтирилди. Раскольников ўрнашиб олиб, қидира бошлади: «Излер – Излер – Ацтеки – Ацтеки – Излер – Бартола – Массимо – Ацтеки – Излер... оббо, қуриб кетсин! А, мана: нарвондан ағдарилиб тушган – мастлигида куйиб ўлган мешчан – Қумдаги ёнфин – Петербург томондаги ёнфин – яна Петербург томонда ёнфин – яна Петербург томонда ёнфин – Излер – Излер – Излер – Излер – Массимо... А, мана...»

У ниҳоят ўзи қидираётган нарсани топди-да, ўқишга киришди; қаторлар унинг кўз ўнгида сакраб-сакраб кетарди, бироқ шунга қарамасдан у «хабар»ни охиригача ўқиб чиқди ва кейинги сонларда кўшимча чиққан маълумотларни излай бошлади. Варақларни ичи таталаб сабрсизлик билан титкилаганидан қўллари қалт-қалт қилиб турарди. Шунда кимдир унинг ёнига келиб ўтирди. У ўгирилиб қаради – Заметов экан, ўша-ўша узукли, занжирли, қора патила сочларига мой суртилган, фарқи очилган, олифта нимча, бирмунча эскирган сюртук ва кир кўйлак кийган Заметов. У шод эди, ҳар ҳолда жуда ҳам шодон ва самимийлик билан кулиб турарди. Унинг буғдой ранг юзи ичилган шампандан бир озгина қизариб турмоқда эди.

– Ие! Сиз шу ердасиз? – дея гап бошлади у ажабланган ва кўп замонлардан бери таниш бўлиб қолган одамдай, – Разумихин бўлса менга кечагина сизни қаттиқ бетоб, деб айтувди. Қизиқ бўлди-ку. Мен сизнинг олдингизга борган эдим...

Раскольников унинг ўз ёнига келишини биларди. У газеталарни бир чеккага суриб, Заметовга ўгирилди. Унинг лаблари тиржайди ва бу тиржайишда алақандай бошқача бир ғашга тегувчи сабрсизлик акс этди.

– Биламан, борган экансиз, – деб жавоб берди у, – эшитдим. Пайпоқ қидирибсиз... Биласизми, Разумихин сизни мақтагани-мақтаган, тилидан бол томади, сиз билан Лавиза Ивановнанинг уйига борган экан, эсингиздами, ўшанда унга индама, дегандай қилиб Портловчи поручикка ҳадеб имлаган эдингиз, у бўлса ҳадеганда фаҳмлай қолмагани, эсингиздами? Бунинг нимасини фаҳмлаш қийин экан, ҳайронман – маълум нарса-ку... а?

– Жуда баттол йигит-да!

– Поручикми?

– Йўқ, ошнангиз Разумихин...

– Ишларингиз жуда яхши бўлса керак, шундаймасми, жаноб Заметов; маза қилиб кўнгил очадиган ерларга текинга кириб чиқаверасиз! Сизни ҳозир шампан билан сийлаётган ким ўзи?

– Ўзимиз... ичишиб қолдик... Сийлаган дейсизми?!

– Якан! Ҳеч қўймас экансиз! – Раскольников кулиб юборди. – Ҳечқиси йўқ, оқ кўнгил бола, ҳечқиси йўқ! – қўшиб қўйди у Заметовнинг елкасига шапатлаб, – яна аччиғингиз келмасин, «мен суйганимдан ҳазиллашиб» айтаман, Митькани дўппослаётган маҳалда бўёқчингиз шундай демаганмиди ахир, ҳалиги кампирнинг иши юзасидан.

– Сиз қаердан биласиз?

– Нима деяпсиз ўзи, балки сиздан кўпроқ нарса биларман.

– Жуда ғалатисиз, а, тавба... Ҳали яхши тузалиб кетмаганга ўхшайсиз. Бекор чиқибсиз...

– Сизга ғалати бўлиб кўриняпманми?

– Ҳа. Нима, газета ўқияпсизми?

– Газета ўқияпман.

– Ёнфинлар ҳақида кўп ёзишяпти.

– Йўқ, мен ёнфин ҳақида эмас. – У шунда Заметовга сирли қилиб қараб қўйди: унинг лабларида яна масхараомуз тиржайиш акс этди. – Йўқ, мен ёнфинлар ҳақида эмас, – давом этди у Заметовга имо қилиб қўйиб. – Жуда ажойиб йигитсиз-да, айтинг-чи, ҳозир нима ҳақида ўқиганимни жуда ҳам билгингиз келаётибди, шундаймасми?

– Зарур келибдими; шунчаки сўрадим-қўйдим. Сўраб ҳам бўлмайдими? Нима, сиз ўзи...

– Менга қаранг, сиз маълумотли, зиёли бир одамсиз, шундай эмасми?

– Мен гимназиянинг олтинчи синфини битирганман, – жавоб берди Заметов бирмунча ифтихор билан.

– Олтинчи денг-а! Вой, сиз чумчуқчани қаранг-а! Сочлари силиқ, қўллари тўла узук – давлатманд одам! Уф, мунчалар ширин бўлмаса бу бола! – Шунда Раскольников Заметовнинг юзига тик қараб, асабий қаҳқаҳлади. Заметов чўчиб, ўзини орқага олди, хафа бўлишдан ҳам бурун жуда ҳайратда қолди.

– Оббо, жуда ғалати экансиз-у! – дея такрорларди Заметов жиддий қилиб. – Менимча, сиз ҳалиям алаҳлаб турганга ўхшайсиз.

– Алаҳлаётган эканманми? Бекор гап, чумчуқча!.. Ғалати эканманми? Жуда мени билгингиз келиб турибди, а? Билгингиз келяптими?

– Келяпти.

– Газетадан нимани қидирдим, нимани ўқидим, шундайми? Қаранг, ахир, қанча сонларини олиб келиб ўтирибман! Шубҳалимасми, ахир, а?

– Шуям гап бўлди-ю.

– Қулоғимиз дингми?

– Дингмингиз нимаси?

– Динг нима дегани, кейин айтиб бераман, ана энди, бўйингиздан айланай, сизга айтадиган гапим шуки, йўқ... яхшиси, «бўйнимга ола қоламан». Йўқ, яна ундай эмас, мен демоқчиманки, «сизга жавоб бераман, сиз эса қайд этасиз» – ана шундай! Сўроғингизга берадиган жавобим шуки, ростдан ҳам ўқидим, қизиқдим... қидирдим... изладим... – Раскольников кўзларини қисиб бирпас тўхтаб турди, – излаганим, бу ерга худди шу мақсадда келганман, – кампирнинг ўлдирилиши ҳақидаги хабарлар, – деди у ниҳоят юзини Заметовнинг афтига ҳаддан ташқари яқин келтириб шивирлаб.

Заметов қимир этмасдан унга тик қараб турар, юзини ундан нари олмасди. Заметовга кейин ҳаммадан ҳам қизиқ кўринган ери – улар шу ҳолатда индамасдан бир дақиқа туриб қолдилар, бир дақиқа давомида кўзларини бир-бирларидан узмай тикилишдилар.

– Хўп, ўқиган бўлсангиз нима бўлибди? – қичқириб юборди Заметов бирдан ўсал бўлиб сабрсизлик билан. – Менга нима! Осмон ағдарилиб ерга тушибдими?

– Эсингиздами, бу ўша кампир, – давом этди Раскольников ҳамон ўшандай шивирлаб ва Заметовнинг гапига сира эътибор бермаган ҳолда, – у ҳақда идорада гапиришиб турганларингизда мен ҳушимдан кетиб қолгандим, эсингиздами? Ана энди, тушундингизми?

– Нима гап ўзи? «Тушундингизми?..» деганингиз нимаси? – деди Заметов анча-мунча хавотирга тушиб қолиб.

Раскольниковнинг безрайган, жиддий тортган юзи бир дам ичида бутунлай бошқача бир тусга кирди, у худди сира ўзини тўхтатиб туролмаётган одамга ўхшаб яна боягидай асабий хахолаб кулди. Шунда бирдан бир зум ичида ўзи яқингинада эшик орқасида болта кўтариб тургани, илгакнинг сакраб-сакраб тушаётгани, уларнинг эшикнинг у томонида туриб сўкинганлари, эшикни очишга уринганлари, шунда дафъатан уларга қараб бақириб бергиси, улар билан бўралаб сўкишгиси келгани, уларга тилини чиқариб кўрсатгиси, фашларига теккиси, башараларига қараб кулгиси, хахолаб, хахолаб, хахолаб кулгиси келгани шундоқ кўз ўнгида худди ҳозиргина бўлиб тургандай гавдаланиб кетди.

– Сиз ё телбасиз, ёки... – деди Заметов ва калласига бирдан келиб қолган бир фикрдан ҳайратга тушган одамдай жимиб қолди.

– Ёки? Нима «ёки»? Қани, нима? Хўш, айтинг, қани!

– Ҳеч нарса! – деди зардаси қайнаб Заметов, – ҳаммаси бекор гап!

Икковлари ҳам жим бўлиб қолишди. Ҳозиргина тутқаноғи тутиб қолгандай асабий қаҳқаҳа уриб кулган Раскольников бирдан жимиб ўйчан ва ғамгин бўлиб қолди. У столга суяниб, бошини қўли билан тираб олди. Худди олдида Заметов борлигини бутунлай унутиб қўйганга ўхшарди. Жимлик анчагача давом этди.

– Нега чойингизни ичмаяпсиз? Совиб қолади, – деди Заметов.

– А? Нима? Чой?.. Айтгандай... – Раскольников стакандан бир ҳўплади, оғзига бир тишлам нон солди ва бирдан Заметовга қараб ҳаммаси ёдига тушгандай бўлди ва ўзига келди: унинг юзида яна аввалгидай тиржайган ифода пайдо бўлди. У чой ичишда давом қилди.

– Ҳозир муттаҳамлар жуда ҳам уруғлаб кетди, – деди Заметов. – Яқинда «Москва хабарлари»да ўқиб қолдим, Москвада бир тўда қалбаки пул ясовчиларни ушлашибди. Бутун бир жамият экан. Ўзлари пул ясашган.

– О, бунга анча бўлди! Мен буни бир ой олдин ўқигандим, – хотиржамлик билан жавоб берди Раскольников. – Демак, сизнингча, уларни муттаҳамлар, деб аташ керакми? – қўшиб қўйди у илжайиб.

– Муттаҳам бўлмай ким бўлади?

– Уларми? Улар гўр болалар, муттаҳамлар эмас, бланбеклар!<sup>9</sup> Қалбаки пул ишлайман деб юзлаб одамлар тўпланиб ўтиришибди! Шундай ҳам қилиб бўларканми? Бунақа ишда учта одам ҳам кўплик қилади, ўшанда ҳам ҳаммалари бир-бирларини жуда яхши билишлари, ўзларидан кўра ҳам шерикларига кўпроқ ишонишлари керак бўлади. Бўлмаса, бир бадмаст оғзидан гуллаб қўяди-ю ҳаммаси чиппакка чиқади! Бланбеклар! Идораларда пулни алмаштириб олгани унчалар ишониб бўлмайдиган кишиларни ёллашибди; бунақа ишда дуч келган одамга ишониб бўларканми? Майли, айтайлик, бланбеклар билан ҳам иш пишди, дея қолайлик, ҳар бири ўз-ўзига миллион сўмдан пул алмаштириб ҳам олган бўла қолсин, хўш кейин-чи? Бир умр шундай давом этадимми? Бир умрга ҳар бирининг ҳаёти бошқасига боғлиқ бўлиб қолади! Бундан кўра ўлган афзалроқ! Улар бўлса, ҳатто алмаштириб олишни ҳам тузукроқ эплай олишмаган: идорада алмаштириб олаётганида, қўлига беш минг сўм теккандан кейин бирдан қалт-қалт титрай бошлаган. Тўрт мингни санаб олгану кейинги минг сўмни санамасдан чўнтакка урган,

<sup>9</sup> Бланбеклар – оғзидан сути кетмаган болалар (франц. *Blanc-bec*).

тезроқ чўнтакка уриб қочиб қолиш пайида бўлган. Албатта, шубҳалантиради-да бу аҳволда. Ҳаммаси битта аҳмоқнинг иши деб чаппасига кетган! Шундай ҳам қилиб бўларканми ҳеч замонда?

– Нима, қўлини қалтираганлигини айтяпсизми? – гапни илиб кетди Заметов, – бўлиши мумкин. Мен шундай бўлиши мумкинлигига бутунлай ишонаман. Шундай бир пайтлар келиб қоладики, чидолмайсан.

– Шунга-я?

– Нима, сиз эплаб кетган бўлармидингиз? Йўқ, мен эплолмасдим! Юз сўм учун шундай даҳшатли ишга қўл уриш! Ясама пулни кўтариб яна қаёққа денг, банкга-я, боришни айтинг, ахир банкдагилар бу соҳада пихини ёрган одамлар-а, йўқ, мен бўлсам ўзимни йўқотиб қўйган бўлардим. Сиз ўзингизни йўқотмас эдингизми?

Шу пайт Раскольников яна жуда ҳам «тилини чиқаргиси» келиб кетди. Елкалари увушиб, жимирлашиб турарди.

– Мен ундай қилмасдим, – деб бошлади у узоқдан. – Мен алмаштирадиган бўлсам, мана бундай қилган бўлардим: бир мингни санаб бергандан кейин мен ҳам уни уч-тўрт мартаба ҳар томонлама санаб олардим, ҳар бир сўмлик қоғозларга диққат билан қараб чиқардим, кейин иккинчи минг сўмни санардим, унинг ярмига санаб борганда биронта элик сўмликни ўртасидан олардим-да, ёруққа солиб кўрган бўлардим, у ёқ-бу ёғини қарардим, ясама эмасмикин, дегандай қилиб, а? «Ҳа-да, мен кўрқаман, менинг қариндошим бўлган бир хотин шундай қилиб яқинда йигирма беш сўмдан ажралиб қолди», деб унинг воқеасини сўзлаб берардим. Учинчи минг сўмни санашга бошлаганимда, йўқ, шошманг, мен олдинги икки минг сўмни ҳисоблаётганимда, етти юз сўмга келганимда, адашиб

кетдим, ўзимга ишонмай қолдим, деб учинчи минг сўмни қўя туриб, яна иккинчи минг сўмни санаб кетардим, ҳаммасини мана шундай қилиб бир-ма-бир санокдан ўтказардим. Беш мингни санаб бўлгандан кейин бешинчи минг сўм билан иккинчи минг сўмликнинг ичидан биттадан қоғоз пулни чиқариб, яна ёруққа солиб қараган бўлардим, шубҳаланардим, «алмаштириб беринг», дердим ва хизматчини қора терга туширардим, у мендан қандай қилиб тезроқ қутулишнинг иложини қилишга тушиб қоларди ўшанда! Ҳамма иш битгандан сўнг, эшикка бориб уни очардим-да, кейин яна хизматчининг олдига қайтиб келиб, кечирасиз, менга палон нарсани айтиб беролмайсизми, дердим, ҳа, мен бўлсам худди мана шундай қилардим!

– Вой-бў, қандай даҳшатли нарсаларни сўзла-япсиз! – деди кулиб Заметов. – Фақат буларнинг бари қуруқ гап, гап бошқа, иш бошқа, ишга келганда, албатта, бирон ерда қоқилган бўлар эдингиз. Бунақа ишда, менимча, сиз билан мен бу ёқда тура турайл�к, жуда пихини ёрган устомон одам ҳам қойил қилиб ташлайман, деб айтиши қийин. Узоққа бориб нима қилдик – мана сизга бир мисол: кампирни бизнинг бўлимимизда ўлдириб кетишди-ку ахир. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одам экан шекилли, куппа-кундуз куни ҳеч қилиб бўлмайдиган ишга қўл урган, ақлга сифмайдиган бир тасодиф билан қутулиб кетган, лекин нима бўлганда ҳам қўли қалтираган: пулларни ўмариб кетолмаган, юраги чидамаган: қилган ишидан кўриниб турибди...

Раскольников ранжигандай бўлди.

– Кўриниб турганмиш! Боринг, кўриниб турган бўлса, ушлаб келинг! – заҳарханда қилиб Заметовнинг қитиқ патига тегди Раскольников.



– Шошмай туринг, ушлашади ҳам.

– Ким? Сизми? Сиз ушлайсизми? Эсингиз кетади! Сизнинг қиладиган ишингиз маълум: ким пул сарфлаб юрганлигига қарайсиз. Пули йўқ эди-ку, мана энди бўлса ёнидан жарақ-жарақ чиқаряпти, демак шундан бошқа ҳеч ким қилмаган бу ишни. Бу аҳволда истаса, ҳар қандай ёш бола ҳам сизларни лақиллатиб кетади!

– Ҳаммалари ростдан ҳам шунақа қилишади, – жавоб берди Заметов, – ўлдиришга келганда, жуда устомонлик билан ўлдириб, ҳаётини гаровга тикади-ю кейин қовоқхонада қўлга тушади. Уларни жарақ-жарақ пул чиқараётган чоғларида қўлга олишади. Ҳамма ҳам сизга ўхшаган қув эмас, ахир. Сиз бўлганингизда қовоқхонага бормасдингиз, тўғрими?

Раскольников қошларини чимирди ва Заметовга диққат билан қаради.

– Сиз жуда мазахўрак бўлиб қолдингиз шекилли, мен қандай қилган бўлардим, шуни билмоқчимисиз? – сўради у норози бўлиб.

– Билсак бўларди, – қатъият билан жиддий деди Заметов. У бунга ҳаддан ташқари жиддий кўз билан қарай бошлади.

– Жудами?

– Жуда.

– Яхши. Мен мана бундай қилган бўлардим, – дея бошлади Раскольников, яна юзини унинг баширасига тақаб, яна унга тик қараб ва яна шивирлаб; Заметов бундан, ҳатто сесканиб кетди. – Мен бундай қилардим: мен пуллар билан буюмларни олиб, дарҳол бошқа ҳеч қаёққа кирмасдан, овлоқ бирон ерни топардим, ташландиқ деворлар билан ўралган ерларга борардим, ҳеч кимса бўлмайдиган жойларни танлардим, далароқ жойми ёки шунга ўхшаш бирон ерни топардим. Олдинроқ ўша ер-

дан бирон жойними, каттароқ тош-пошними мўлжалга олиб қўйган бўлардим, шунақа оғир харсанг биронта девор тагида бурчак-мурчакда ётган бўлса, уй қурилаётганда, қолиб кетган шунақа тошлар бўлади ўзи, ана шу тошни кўтариб, унинг тагида чуқурчаси бўлиши керак, ана шу чуқурчага пулларни ҳам, буюмларни ҳам ташлаган бўлардим. Кейин тошни яна аввалгидай қилиб ўз жойига ўрнатардим-да, эҳтиётдан оёғим билан четини шиббалаб ҳам қўярдим, кейин жўнаб қолардим. Бир йил олмасдим, икки йил олмасдим, уч йил олмасдим, кейин топиб кўринг-чи! Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам!

– Сиз телбасиз, – деб гўлдиради Заметов пастовоз билан ва нима учундир Раскольниковдан ўзини нари тортди. Раскольниковнинг кўзлари йилтираб кетди; унинг рангида ранг қолмагани; устки лаби титраб, уча бошлади. У Заметовга иложи борича яқинроқ келиб, ҳеч нарса демасдан лабларини қимирлата бошлади; ярим дақиқалар чамаси шу алпозда турдилар; у нима қилаётганлигини билар, лекин сира ўзини тўхтата олмай қолганди. Ўшанда эшикнинг илғаги қандай сакраб, ликиллаб турган бўлса, ҳозир ҳам шундай даҳшатли бир сўз унинг тилидан ана-мана чиқиб кетаман деб илиниб турарди: салгина бўш қўйилса, бас, чиқади кетади, салгина, салгина тили айланса, тамом!

– Кампир билан Лизаветани мен ўлдирган бўлсам-чи? – оғзидан чиқиб кетди унинг бирдан ва шу заҳоти ҳуши ўзига келди.

Заметов унга анг-танг бўлиб қараб қолди ва докадай оқариб кетди. У иршайди.

– Бўлмаган гапдир-е? – гудранди у эшитилар-эшитилмас.

Раскольников унга газаб билан қаради.

– Ҳаҳ-ҳа, қани ишонмадим денг-чи? Тўғрими, тўғри, а?

– Йўқ, ундаймас! Энди ҳеч қачон бу гапга ишонмайман! – шоша-пиша деди Заметов.

– Ахир қўлга тушди-ку! Чумчуқни ушлаб олдик. Демак, илгари «бу гапга ҳеч ишонмайман» демасингиздан олдин ишонган экансиз-да?

– Ҳеч ундай эмас! – дерди Заметов ўсал бўлган одамдай. – Сиз мана шундай қилиш учун боятдан бери мени қўрқитиб ётган экансиз-да?

– Демак, ишонмайсиз, а? Унда мен идорадан чиқиб кетганимдан кейин нима ҳақида гаплашган эдингизлар? Нега бўлмаса Портловчи поручик ҳушимдан кетиб қолганимдан сўнг мени сўроққа тутиб ўтирди? Ҳей, менга қара, – дея хизматчини чақирди у ўрнидан туриб фуражқасини оларкан, – неча пул беришим керак?

– Бор-йўғи ўттиз тийин, – деб жавоб берди хизматкор чопқиллаб келаркан.

– Манови сенга ароқ олиб ичишингга йигирма тийин. Қаранг, қанча пулим бор! – чўзди у пул сиқимлаган қалтираб турган қўлларини Заметовга, – қизилдан, кўкидан, йигирма беш сўм. Қаердан экан, а? Бу янги кийимларни қаердан олиб кийиб олдим экан? Ахир бир тийин ҳам пулим йўқлигини билардингиз-ку! Бекадан сўраб-суриштириб олган бўлсангиз керак алақачон... Бўлди, бас! *Assez cause*<sup>10</sup>. Кўришгунча... Яхши қолинг!..

У алақандай ғайритабиий жазавадан қалтираган ҳолда чиқди, зотан, бунда бир қадар чидаб бўлмайдиган даражадаги мароқли ҳазил туйғуси ҳам йўқ эмасди, – айни замонда унинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетган, беҳад чарчаганди. Юзлари ҳозиргина тутқаноғи тутган одамникидай қийшайиб кетганди. У борган сайин ҳолдан тойиб бормоқдайди. Бирон нарсадан юраги гаш бўлса,

<sup>10</sup> *Assez cause* – гапни йиғиштирайлик! (франц.)

кўнглига нимадир ўтиришмаса, дарҳол мушаклари таранг тортилар, лекин биринчи турткидаёқ кучи қандай тез қўзғалса, шунчалик тез ҳолдан тояр, ғашига тегадиган нарсанинг кучи сусайган сайин у ҳам тез заифлашар эди.

Заметов бўлса, бир ўзи қолгандан сўнг шу ернинг ўзида узоқ ўйга чўмиб ўтириб қолди. Раскольниковнинг маълум нарса ҳақидаги гаплари унинг бутун хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборди ва у узил-кесил бир қарорга келди.

«Илья Петрович – аҳмоқ!» – деган қарорга келди у.

Раскольников кўча эшикни очиши билан останада кириб келаётган Разумихин билан юзма-юз тўқнашди. Икковлари ҳам то ораларида бир қадам қолгунча бир-бировларини кўрмадилар, сал бўлмаса бошларини бир-бирларига уриб олай дедилар. Бир неча муддат бир-бирларига синовчан тикилиб турдилар. Разумихин ғоятда ажабланиб қолганди, лекин бирдан унинг кўзларида ғазаб, чинакам ғазаб учқунлаб кетди.

– Сен ҳали шу ерда экансан-да! – қичқирди у бор кучи билан. – Ётган жойингдан туриб қочибсан-да! Мен бўлсам буни ҳамма ёқдан қидириб юрибман, диванларнинг тагигача кириб чиқибман! Чордоққа ҳам чиқиб тушибмиз-а. Сал бўлмаса Настасьяни ўласи қилиб урай дебман сени деб... У бўлса, юриши мана! Родька! Нима гап ўзи? Ростини айт! Нима бўлди? Эшитяпсанми?

– Нима бўларди, ҳаммаларинг жуда ҳам жонимга тегиб кетдиларинг, мен бир ўзим қолишни истайман, – хотиржам жавоб берди Раскольников.

– Бир ўзим? Ҳали ўзинг оёқда туролмай, рангинг доқадай оқариб, зўрға нафас олиб турибсану яна бир ўзим дейсан! Жинни!.. «Биллур сарой»да сенга нима бор? Дарров бўйнингга ол!

– Қўйиб юбор! – деди Раскольников ва унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди. Бундан Разумихиннинг жон-пони чиқиб кетди: у Раскольниковнинг елкасидан маҳкам ушлаб олди.

– Қўйиб юбор? Сен ҳали «қўйиб юбор» дейдиган бўлдингми? Биласанми, ҳозир сени нима қиламан? Шундай чангалимга оламану икки буклаб қўлтиғимга тиқиб обориб қамаб қўяман!

– Менга қара, Разумихин, – дея гап бошлади кўринишидан хотиржамлик билан Раскольников, – сенинг хайру саховатинг менга керак эмас, наҳотки шуни кўрмаётган бўлсанг? Хайру саховатга... Тупурадиган одамларга яхшилик қилиб юришдан сенга нима наф? Улар сенинг хайриянгга зор эмаслар, хайриянгни ҳазм қилолмайдилар-ку? Нега сен мени касал бўлиб қолганимда, қидириб топдинг? Балки мен ўлишимга жон-жон деб ўзим рози эдим? Сен мени жуда ҳам эзиб юбординг, наҳотки қуни билан шуни сенга тушунтиролмаган бўлсам, сен менинг... жонимга тегиб кетдинг! Одамни қийнашнинг буларга нима ҳожати бор экан! Сени ишонтириб айтаманки, буларнинг ҳаммаси менинг соғайиб кетишимга халал беряпти, нега десанг, булар юрагимни жуда ҳам сиқиб юборяпти. Ҳали ахир Зосимов менинг гашимга тегавермаслик учун чиқиб кетди-ку. Худо ҳақи, сен ҳам мени ўз ҳолимга қўй! Ва ниҳоят, мени куч билан ушлаб туришга сенинг нима ҳақинг бор? Мен ақли-хушим тўла ўзимда бўлган ҳолда айтяпман, наҳот сен буни кўрмаётган бўлсанг? Айт, ўзинг айт, нима қилсам мени тинч қўясан, нима қилсам менга хайру саховат қилишни бас қиласан. Мен кўрнамак бўла қолай, майли, мен пасткаш бўла қолай, фақат мени тинч қўйинглар, Худо ҳақи ҳаммаларинг ўз ҳолимга қўйинглар! Қўйинглар! Қўйинглар!

У ўзининг ҳозир қанчалар заҳар тўкишини олдиндан билиб ва шунга олдиндан қувониб, гапни бемалол бошлаб, уни телбаларча жазава ичида тугатди, боя Лужин билан қандай гаплашган бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлди, бўғилиб қолди.

Разумихин туриб-туриб, бир фикрга келди шекилли, унинг қўлини қўйиб юборди.

– Бор-е, кетсанг кетавермайсанми! – деди у ўйчанлик билан оҳиста. – Тўхта! – бўкириб юборди у кутилмаганда Раскольников ўрнидан қўзғаларкан, – қулоқ сол менга. Сенга шуни айтиб қўяйки, ҳаммаларингиз, биттангизни ҳам мустасно қилмаган ҳолда, ҳа, ҳаммангиз маҳмадона ва мақтанчоқсиз, дунёда менга етадигани йўқ, деб ўйлайсиз! Бошингизга жиндаккина савдо тушадиган бўлса, шу жиндаккина дардингизни эзибчкига айлантириб оласиз! Ҳатто шу нарсада ҳам ўзингизга ўхшамайсиз, бошқалардан ўғирлаб оласиз. Сизда мустақил ҳаёт кечириш деган нарсанинг, ҳатто урвоғи ҳам йўқ! Сизлар сунъий урчитилган одамларсиз, томирингизда ҳам қон эмас, ачитқи сув кезади! Мен сизларнинг ҳеч бирингизга ишонмайман! Сизлар ҳамма вақт, нима қилманг, аввало, одамларга ўхшамасликка уринасиз! Тў-ўх-та-а! – қичқирди у боягидан ҳам баттарроқ жаҳли чиққан ҳолда Раскольниковнинг кетиш учун ўрнидан жилганлигини кўриб, – охиригача эшитиб кет! Бугун бизникида янги уйга кўчишимиз муносабати билан зиёфат бўлади, биласан, ҳозир одамлар йиғилишиб ҳам қолишган бўлсалар керак, мен амакимни қолдириб келувдим уйда, одамларни кутиб олинг деб. Хўп, шундай десанг, Родя, сен аҳмоқ бўлмаганингда, ярамас аҳмоқ бўлмаганингда, фирт аҳмоқ бўлмаганингда, муҳожир кишиларга ўхшаб юрмаганингда... Чет тилдан таржима эмас... Кўряпсанми, Родя, мен тан оламан, сен ақлли, эсли-хушли

йигитсан, лекин аҳмоқсан! – шундай қилиб десаңг, агар сен аҳмоқ бўлмаганингда меникига борган бўлардинг, бирпас ўтириб ёзилиб қайтардинг, бекорга кўчаларда тентираб юргунча. Чиқибсан, чиқибсан, майли, бўлар иш бўлибди! Хўжайинимизда юмшоқ курсилар бор экан, биттасини сенга қўйиб берардим, ўтирардинг... Чой ичиб... Одамлар билан... Бўлмаса, ётадиган жой ҳам қилиб берардим, нима бўлганда ҳам орамизда бўлардинг-ку... Зосимов ҳам келади. Келасанми?

– Йўқ.

– Бек-кор-р айтибсан! – қисталанг қилиб бақирди Разумихин – сен қаердан биласан? Сен ўзингга ўзинг жавоб беролмайсан! Бундан ташқари ўзинг ҳеч нарсани тушунмайсан... Мен ўзим ҳам минг марта одамлар билан уришиб минг марта ярашганман... Қилган ишингдан кейин ўзинг уяласан – кейин бориб ярашишдан бошқа йўл қолмайди! Эсингда бўлсин, хўпми, Починков уйи, учинчи қават...

– Э, сиз бунақада, жаноб Разумихин, бировга ўзингизни калтаклатиб қўйишингиз ҳам ҳеч гап эмас азбаройи кори хайр деб.

– Ким? Мен-а! Шарпасини сезсам бўйинини қайриб ташлайман! Починков уйи, қирқ етти, чиновник Бабушкиннинг хонадонида...

– Бормайман, Разумихин! – Раскольников бурилиб жўнаб қолди.

– Гаров ўйнайман, келасан! – қичқирди унинг ортидан Разумихин. – Бўлмаса... Бўлмаса, башарангга қарамайман! Тўхта, ҳей! Заметов ичкаридами?

– Ичкарида.

– Кўрдингми?

– Кўрдим.



– Гаплашдингми?

– Гаплашдим.

– Нима ҳақда? Майли, башарангни ел есин, гапирмай қўя қол. Починков, қирқ етти, Бабушкин хонадони, эсингда бўлсин!

Раскольников Садоваяга бориб кейин қайрилди. Разумихин унинг орқасидан ўйчан қараб қолди. Ниҳоят, қўл силтаб бино ичига кирди, лекин зинанинг ўртасига етганда тўхтаб қолди.

«Жин ургур! – ўзига ўзи овозини чиқариб дерди у, – гаплари маъноли, ўзи бўлса худди... Мен ҳам аҳмоқман! Ахир, ақдан озган одамлар нуқул бемаъни гапларни гапиравермайдилар-ку? Зосимов бўлса сезишимча, худди мана шундан қўрқиб турибди чамамда! – У бармоғи билан пешонасига нуқиб қўйди. – Яна мабодо, агарда қандай қилиб уни ёлғиз қўйиб юбордим ўзи? Яна бориб ўзини сувга ташласа-я?.. Тоза хол қўйдим-да! Мумкин эмас!» Шундан кейин у Раскольниковнинг орқасидан чопиб кетди, лекин у алақачон кўздан гойиб бўлганди. Разумихин куфр бўлиб тупурди ва зинфиллаганча «Биллур сарой» томон йўл олди, тезроқ Заметовни топиб, суриштириб кўрай-чи, деди.

Раскольников тўғри палон кўприкка борди, кўприкнинг ўртасига бориб, панжарага икки тирсагини қўйиб, суяниб олди ва атрофга кўз югуртира бошлади. Разумихин билан хайрлашгандан кейин у шунчалар ҳолдан тойиб қолдики, мана шу ерга базўр етиб келди. Унинг кўчада бирон ерга ўтиргиси ёхуд бўлмаса ётгиси келди. У сувга бошини солинтирганча ботиб кетган қуёшнинг сўнги нурларига, тобора қуюқлашиб бораётган хуфтон қоронғилигида қорайиб кўринган уйларга, шафақнинг охирги нуридан худди аланга тушгандай бўлиб ярақлаб кетган чап соҳилда, узоқларда, ай-



вонда кўринган ёлғиз битта деразага, зовурнинг қорамтир сувларига тикилиб қолди, у худди мана шу сувга жуда ҳам диққат билан тикилаётганга ўхшарди. Алоҳал унинг кўзлари қамашиб, аллақандай олов доиралар чарх ура бошлади, уйлар чир айланди, ўткинчилар, соҳиллар, кетиб бораётган экипажлар – ҳаммаси кўз ўнгида рақсга тушиб, остин-устин бўлиб кетди. Бирдан у сесканиб тушди, аллақандай жуда хунук ва машъум бир воқеа туфайли у яна бир карра бостириб келаётган беҳушлиқдан қутулиб қолди. У ўнг томонга кимдир келиб тўхтаганини сезди-ю ўгирилиб, баланд бўйли, бошига рўмол ўраган, кўп ичганлиги кўриниб турган, узунчоқроқ юзлари сарғайиб кетган, кўзлари қизариб ич-ичига чўкиб ётган бир хотинни кўрди. Хотин унга тик қараб турар, аммо, афтидан, ҳеч нарсани кўрмас ва ҳеч нимани ажрата олмасди. Кутилмаганда у ўнг қўлини панжарага тиради-да, ўнг оёғини кўтариб, панжарадан оширди, кейин чап оёғини кўтарди ва ўзини сувга отди. Ифлос сув атрофга сачради, хотинни бир зумга ютиб юборди, лекин бир дақиқадан кейин, у сув юзига қалқиб чиқди ва оқим уни пастга оқишиб кета бошлади, хотиннинг боши ва оёқлари сув ичида қолган, елкаси юқорига қараган, юбкаси сув бетиде худди ёстикдай шишиб кетмоқда эди.

– Ўзини сувга ташлади! Чўкяпти! – дея қичқиришарди ўнларча овозлар. Одамлар чопиб келишар, иккала қирғоқ кишилар билан тўлди, кўприкда Раскольниковнинг атрофида одамлар гужғон ўйнашар, орқа томондан уни сиқиб қўйган эдилар.

– Вой, ўлмасам, бу ўзимизнинг Афросиньюшка-ку! – эшитилди қаердандир йиғламсираган хотин кишилар қичқириғи. – Вой, ўлмасам, қутқаринглар! Чиқариб олинглар, барака топкурлар!

– Қайиқ! Қайиқ! – қичқаришарди йиғилганлар. Лекин энди қайиқнинг ҳожати бўлмай қолганди: миршаб зовур зиналаридан югуриб пастга тушди-да, шинели ва этигини шартта ечиб ўзини сувга отди. Иш осон кўчди: оқим хотинни зинадан икки қадамча наридан оқизиб борарди, миршаб хотинни кийимидан ўнг қўли билан ушлаб олди, сўл қўли билан ўртоғи узатган таёққа ёпишди ва ўзини сувга ташлаган хотин ҳаш-паш дегунча қирғоққа чиқариб олинди. Уни зинанинг тош плиталарига ётқиздилар. Тезда кўзларини очди, ўрнидан туриб ўтирди, акса уриб, пирқиллай бошлади, шалаббо кийимни нима учундир қўллари билан артарди. У миқ этиб оғзини очмасди.

– Итдай ичибди, ўлмасам-ей, ўзини билмайди, – чийилларди бояги хотин кишининг овози, энди у Афросиньюшканинг олдидан эшитилмоқда эди, – яқинда ўзини осмоқчи ҳам бўлганида, сиртмоқдан чиқариб олишувди. Мен дўконга чиқиб келай, деб қизчамни унинг ёнига қараб тургин, деб қўйиб кетсам, бунинг қилиб ўтирган ишини қаранг! Қўшнимиз бўлади у хотин, отагинам, қўшнимиз, шу ерда туради, четдан ҳув анув иккинчи уй, ана у ерда...

Халойиқ тарқала бошлади, миршаблар ҳали ҳам ўзини сувга ташлаган хотин билан овора бўлиб туришарди, кимдир идорага олиб бориш керак деб қолди... Раскольников буларнинг барига ғалати бир бепарқлик билан лоқайдгина қараб турарди. Унинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. «Йўқ, ифлос жуда... Сув... Кераги йўқ, – пичирлади у ўзича. – Ҳеч нарса бўлмайди, – қўшиб қўйди у яна, – кутишнинг ҳожати йўқ. Бу нима идора... Нега Заметов идорасида эмас? Соат ўнда идора ҳали ҳам очиқ...» У орқасини панжарага ўгириб, атрофга назар ташлади.

«Майли, бўлар иш бўлди! Вақт етди!» – дадил деди у ва кўприкдан идора жойлашган томонга қараб юрди. Унинг юраги бўм-бўш бўлиб қолганди, гаш эди. У ҳеч нарсани ўйлаб кўришни истамасди. Ҳатто юрагини эзиб етган алам ҳам йўқолди, боя уйдан чиққанда «ҳаммасига бирйўла барҳам бериш керак!» деб ният қилган ва шу ният унга қанчалар куч-қувват бағишлаган бўлса, ҳозир шу ҳайратдан асар ҳам қолмаганди. У бутунлай ҳафсаласиз ва ланж бўлиб қолди.

«Алҳосил, ана сизга натижа! – дея ўйларди у зовур қирғоғидан секин руҳсизлик билан юриб бораркан. – Бари бир, ҳаммасини тугатаман, чунки истайманки... Бироқ наҳот охир натижа шу бўлса? Майли, бари бир! Жазоси бир қулоч жой – ҳе! Бироқ ишнинг натижаси қаранг-а, қандоқ бўлиб чиқди! Наҳот тугади! Уларга айтайми, айтмайми? Э... жин урсин! Жуда ҳам чарчадим: бирон жой бўлса тезроқ ўтирардим ёки ётардим! Жуда ҳам аҳмоқона иш бўлди, бош кўтаролмайсан уятдан. Майли, бунисига ҳам тупурдим. Уф, хом каллага нималар келмайди-я...»

Идорага тўғри юриб бориларди, иккинчи муюлиш келганда, чапда эди: бу ердан икки чақиримча келарди. Аммо биринчи муюлишга етганда, у юришдан тўхтаб ўйлаб қолди, кичкина тор кўчага бурилади ва икки кўча оша айланиб ўта бошлади, буни, балки ҳеч қандай бир мақсадсиз фақат вақтдан ютиш, вақтни чўзиш учун қилгандир. У ерга тикилганча қадам ташлаб борарди. Бирдан кимдир унинг қулоқларига алланималар деб шипшигандай бўлди... У бошини кўтариб, ўша уйнинг ўша дарвозаси олдида турганлигини кўрди. Ўша оқшомдан бери у бу ерга келмаган, бу ердан ўтмаганди.

Тушунтириб бўлмайдиган бир нарса ҳеч иложсиз суръатда унинг қадамларини шу ёққа қараб тортди. У бино ичига кирди, биринчи дарвозадан ўтди, кейин ўнг томондаги эшикка кирди ва таниш зинадан юқорига, тўртинчи қаватга кўтарилди бошлади. Тик ва тор зиналар жуда ҳам қоронғи эди. У зина майдончаларида тўхтаб, атрофга қизиқсиниб кўз югуртирарди. Биринчи қаватнинг саҳнида деразанинг ромлари чиқариб олинганди. «Унда бунақа эмасди» – ўйлади у. Мана иккинчи қаватдаги Николашка билан Митька ишлаган хонадон. «Берк экан; эшикни ҳам янгидан бўяшибди; демак, ижарага берилар экан-да». Мана учинчи қават... Мана тўртинчи... «Шу ерда!» У ҳайрон бўлиб қолди: хонадоннинг эшиги ланг очилиб ётар, ичкаридан одамларнинг товушлари келиб турарди; у бундай бўлади, деб сира кутмаганди. У бир оз иккиланиб тургач, сўнгги зиналардан ҳам чиқиб, уйга кирди.

Уй ичини бутунлай бошқатдан тузатиб чиқишаётган экан; одамлар ишлашаётган экан; буларнинг бари уни худди гангитиб қўйгандай эди. Нимагадир унинг назарида ҳамма нарса илгаригидай турган бўлиши керак эди, балки, ҳатто мурдалар ҳам ўша ҳолатда ётган бўлсалар керак, деб тасаввур қилганди. Ваҳоланки ҳамма ёқ шип-шийдам; жуда ҳам ғалати бўлиб кўринаркан! У дераза томонга ўтиб, дераза тоқчасига ўтирди.

Ишлаётганлар бор-йўғи икки киши экан, иккови ҳам ёш, лекин биттаси пича каттароқ, иккинчиси жуда ёш эди. Улар деворлардаги илгариги эскириб кетган сариқ қоғозларнинг ўрнига оч би-нафша ранг чечаклар расми солинган янги қоғозлар ёпиштиришарди. Раскольниковга, айниқса, шуниси жуда ҳам ёқмади; у янги ёпиштирилган

қоғозларга ёқтирмай қараб ўтирар, худди олдин-гиларига юраги ачишиб тургандай кўринарди.

Ишчилар нима сабабдандир кечикиб қолган шекилли, ҳозир қоғозларини шоша-пиша ўрашиб, уйга жунашга тайёргарлик кўришарди. Улар Раскольниковга, ҳатто эътибор ҳам беришмади. Нима ҳақдадир бир-бирлари билан гаплашаётган эдилар. Раскольников кўлларини кўкрагига чир-маштириб олди-да, уларнинг гапларига қулоқ сола бошлади.

– Ўша десанг, эрталаб эртаминан олдимга келибди, – дерди каттаси ёшроғига, – ҳали кун чиқмасдан дегин, жа ясан-тусан қилиб олган. «Нега, дедим, ўзингизни аллада азиз, тўрвада майиз қиялпсиз, нега мунча менга оҳангжама қиласиз?» – «Мен, деди, Тит Васильевич, шу кундан эътиборан ўзимни бутунлай сизнинг ихтиёрингизга топширмақчиман». Э, гап бу ёқда экан-да, дедим! Энди ясаниб олганини кўрсанг, журнал дейсан, журнал!

– Амаки, у журнал деганингиз нима эди? – сўради ёши. У, афтидан, «амакиси»дан иш ўрганаётган экан шекилли.

– Журналми, журнал, укагинам, шундай бир нарсаки, жуда антиқа суратлар бўлади ичида, мана шу ердаги кийим тикувчиларга ҳар шанба куни келтириб беришади, почта орқали чет мамлакатлардан олиб келишади, ким қандай кийинсин деб, эркак-аёл жинси баробар. Сурат шунақа. Эркак жинсидагиларни кўпроқ бекеш кийган ҳолда солишади, аёлларга келганда сенга айтадиган бўлсам, укагинам, шунақанги нарсаларки, ақлинг бовар қилмайди, лекин бари бир қанча кўп бўлса шунча кам бўлиб кўринаверади уларга!

– Вой-бў-ў, бу Питер деганингизда нималар йўқ экан-а! – завқ билан қичқирди кичкинаси, – отанангдан бошқа ҳамма нарса бор!

– Шулардан бошқа ҳаммаси топилади, укам, – деб тасдиқлади насиҳатомуз каттаси.

Раскольников ўрнидан туриб илгари ўрин-кўрпа, сандиқ, жавонлар турган хонага қараб юрди; шип-шийдам бўлиб қолган хона унга жуда ҳам кичкина бўлиб кўринди. Деворлардаги қоғозлар ҳамон ўша-ўша ҳолича турарди; бурчакда санамлар қўйилган жойнинг ўрни қоғозлардан шундоқ билиниб қолганди. У бирпас қараб турди-да, дераза олдига қайтиб келди. Ишчиларнинг ёши каттароғи унга кўз қирини ташлаб турмоқда эди.

– Сизга нима керак? – сўраб қолди у бирдан унга қарата.

Жавоб бермоқлик ўрнига Раскольников ўрнидан туриб, даҳлизга чиқди ва қўнғироқни чала бошлади. Ўша қўнғироқ, ўша темирдан чиққанга ўхшаган овоз! У иккинчи, учинчи маротаба чалиб кўрди; у қулоқ солиб, эслашга интиларди. Ўша кунги даҳшатли қийноқ, азоб борган сари унинг кўз ўнгида аниқ-тиниқ гавдаланар, қўнғироқ ҳар жириглаганида, у бир сесканиб тушар ва шундан борган сари қулфи дили очилиб бормоқдайди.

– Сенга нима керак ўзи, кимсан ўзинг? – бақирди ишчи унинг олдига чиқаркан. Раскольников яна ичкарига кирди.

– Уй олмоқчийдим, – деди у, – кўриб юрибман.

– Уйни кечаси юриб ижара қилишмайди; бундан ташқари келадиган бўлсангиз қоровул билан бирга келишингиз керак.

– Полни ювиб қўйишибди-да; бўяшармикин? – давом этди Раскольников. – Қон кўринмайди-ку?

– Қанақа қон?

– Кампирни сингиси билан бирга ўлдириб кетишган экан-ку. Манови ерда қон кўлмак бўлиб кетганди.

– Э, қанақа одамсан ўзинг? – бақирди безовта-  
ланиб қолган ишчи.

– Менми?

– Сен.

– Нима, сенинг билгинг келяптими?.. Юр, идорага борайлик, ўша ерда айтаман.

Ишчилар унга ҳайратланиб қараб қолишди.

– Биз кетишимиз керак, кеч қолдик. Юр, Алешка. Беркитишимиз керак, – деди ишчиларнинг каттаси.

– Майли, юр! – жавоб берди Раскольников бе-  
парволик билан ва олдинга ўтиб зиналардан  
оҳиста пастга туша бошлади... – Ҳой, қоровул! –  
деб қичқирди у дарвоза олдига чиқиб.

Бинога кираверишда кўчада бир қанча ки-  
шилар кўчани томоша қилиб туришарди: иккала  
қоровул, бир хотин, эгнига халат илган бир киши  
ва яна алакимлар бор эди. Раскольников тўғри  
уларга қараб юрди.

– Сизга нима керак? – сўради қоровулардан  
бири.

– Идорага бордингми?

– Ҳозир бориб келдим. Сизга нима?

– Одам борми у ерда?

– Бор.

– Ёрдамчи ҳам борми?

– Бор эди. Сизга нима?

Раскольников жавоб бермади ва унинг ёнида  
ўйланиб туриб қолди.

– Уй кўргани келибди, – деди буларнинг олдига  
келган ишчиларнинг каттаси.

– Қайси уйни?

– Биз ишлаётган уйни. «Нега қонни ювиб  
ташлашибди?» дейди. «Бу ерда одам ўлдириб ке-  
тишган, мен шу уйни ижарага олгани келдим»,  
дейди. Кейин қўнғироқни тоза чалди, сал бўлмаса

узиб ташлай деди. «Юр, дейди, идорага борамиз, ҳаммасини ўша ерда айтиб бераман», дейди. Жуда шилқим экан.

Қоровул ҳайрон бўлиб қовоғини уйганча, Раскольниковга қараб турарди.

– Ўзингиз ким бўласиз, ахир? – бақирди у пўписа билан.

– Мен Родион Романович Раскольников бўлман, собиқ талабаман, Шилнинг уйида тураман, бу ердан узоқ эмас, хонадон рақами ўн тўрт. Қоровулдан сўрасанг, мени билади. – Раскольников бу гапларнинг ҳаммасини қандайдир ўйчанлик билан лоқайд туриб айтди, у қайрилиб қоровулга қарамади, кўзларини ғира-шира бўлиб қолган кўчадан узмай гапирди.

– Сиз нега бу уйга келдингиз?

– Кўргани.

– Нимани кўрасиз?

– Шарт қўлидан ушлаб идорага олиб борилсамикин? – деди халат кийган киши ва жим бўлиб қолди.

Раскольников елкаси оша унга кўз қирини ташлади, диққат билан зингил қўйиб қаради ва боягидай секин лоқайдлик билан деди:

– Юр!

– Ҳа, бориш керак! – деди дадиллашиб халат кийган киши. – Нега у анов ҳақида гапирди бўлмасам, нима демоқчи ўзи?

– Маст десанг, маст эмас, яна Худо билади, – деб тўнғиллади ишчи.

– Сизга нима керак ўзи? – қичқирди қоровул, унинг жаҳли чиқаётгани кўриниб турарди, – нега ёпишиб қолдинг?

– Нима, идорадан кўрқиб кетяпсанми? – масхара қилгандай гапирди Раскольников.



– Нега қўрқар эканман? Нега кана бўлиб қолдинг?

– Шилқим! – қичқирди хотин. – Фирибгар!

– Э, у билан ади-бади айтишиб ўтирамизми, – қичқирди эгнидаги чопонининг тугмалари қадалмаган, белига калитлар боғлаган барваста иккинчи қоровул. – Жўна!.. Ростдан ҳам фирибгар... экансан... Жўна!

Шундан кейин у Раскольниковни елкасидан ушлаб, кўчага итқитиб юборди. Раскольников ўмбалоқ ошиб тушишига сал қолди, лекин йиқилмади, қаддини ростлади, томоша қилиб турганларнинг ҳаммасига индамасдан бир қараб қўйди-да, нари кетди.

– Ғалати одам экан, – ғўлдиради ишчи.

– Ҳозирги одамлар ҳаммаси шунақа ғалати бўлиб қолган, – деди хотин.

– Ҳар ҳолда идорага олиб борилса бўларди, – қўшиб қўйди халат кийган киши.

– Бошингизни балога қўйиб нима қиласиз, – деди барваста қоровул. – Фирт муттаҳам! Ўзи тиқилинч қилиб келяптими, бунинг бир балоси бор, илентирса, бошинг ғалвадан чиқмайди кейин... Биламиз...

«Борайми, бормайми», – деб ўйларди Раскольников, кимдандир қатъий бир сўз эшитишни кутган каби чорраҳада йўлнинг ўртасига келиб, тўхтаб атрофга сарасоф солиб. Лекин ҳеч бир ердан акс садо чиқмади; ҳамма нарса у оёқ босиб турган тошлар каби гунг ва безабон, ўлик эди, унинг учун ўлик эди, ёлғиз унинг учун... Бирдан у ўзидан икки юз қадамча нарида кўчанинг нариги бошида қуюқлашиб бораётган қоронғилик ичра тўдалашиб турган одамларни кўрди, бақирган-чақирган товушларни эшитди... Одамлар орасида қандайдир бир экипаж турарди... Кўчанинг ўртасида липиллаб чироқ кўринди. «Нима бўлди?» Раскольников

ўннга йўл солди, тўпланган одамлар томонга қараб юрди. У чўкаётган одамдай дуч келган нарсага илинишга уринмоқдайди, шуни ўйлаб совуқ жиламайиб қўйди, негаки, идорага бориш тўғрисида у бир қарорга келиб қўйган ва ҳозир ҳаммаси тамом бўлади, деб қаттиқ ишонарди.

## VII

Кучанинг ўртасида иккита гижинглаган бўз от қўшилган жуда пўрим, кўринишдан бирон давлатманд одамга тегишли бўлган извош турарди. Извошнинг ичида ҳеч ким йўқ эди, кучернинг ўзи ҳам пастга – арава олдига тушиб олганди: отларни жиловидан ушлаб туришарди. Тумонат одам йиғилган, ҳаммадан олдинда миршаблар бор эди. Улардан бири қўлида ёриткич кўтариб олган, у билан кўча ўртасида филдираклар тагида ётган ниманидир ёритиб кўрсатарди. Ҳамма бақириб-чақирар, уҳлаган, оҳлаган овозлар эшитиларди; кучер нима қилишини билмай турар ва гоҳида:

– Жуда ёмон бўлди! Ё Раббим, қандай ёмон бўлди! – деб қўярди.

Раскольников имкони борича орага суқилиб кириб борди ва ниҳоят бундай тўс-тўполон ва томошага сабаб бўлган нарсани ўз кўзлари билан кўрди. Ерда ҳозиргина араванинг тагида қолиб кетган одам беҳуш ётар, усти-боши жуда ҳам но-чор бўлса-да, лекин зиёли одамга ўхшар, бутунлай қора қонга беланганди. Юзидан, бошларидан қон оқмоқда эди; юзи шилиниб, мажақланиб, дабдала бўлиб кетганди. Арава жуда қаттиқ босиб ўтганлиги кўриниб турарди.

– Ё пирим-ей! – дея фингширди кучер, – қандай қилса бўлади ўзи! Агарда чоптириб бораётган бўл-

ганимда ё унга ҳайҳайламаганимда ҳам майлийди, секин бир маромда кетиб бораётган эдим-а. Ҳамма кўрди: одамлар нима деса – шу. Маст одамдан нима ҳам кутиб бўларди – маълум нарса!.. Қарасам, кўчанинг у бетидан бу ёғига ўтиб кетяпти, ўзи оёқда туролмайдиган аҳволда гандираклар боряпти, бир марта бақирдим, икки марта бақирдим, уч марта, отларни тортдим; у бўлса тўппа-тўғри ўзини отларнинг тагига ташласа бўладими! Билмадим, жўрттага шундай қилдими ёки жуда ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўйган эканми... Отлар бўлса ҳали ёш, совимаган, ҳуркиб кетишди, у бўлса бақириб юборди, шундан кейин отлар баттар ҳуркиб кетишди... ана сизга фалокат.

– Рост айтяпти, шундай бўлди! – деган бир овоз чиқди одамлар ичидан.

– Рост, уч маротаба қоч, деб бақирди, – дея унга қўшилди яна биров.

– Мен ҳам эшитдим, уч марта бақирди! – деди яна бошқа бири.

Дарвоқе, кучернинг ўзи жуда ҳам қўрқиб, ҳайкиб тургани йўқ эди. Экипаж бадавлат ва баобрў бир кимсага тегишли эканлиги, у извошни аллақердадир кутиб турганлиги билиниб турарди; миршаблар иложи борича ишни тезроқ битиришга ҳаракат қилишарди. Арава тагида қолган одамни идорага, кейин касалхонага олиб бориш керак эди. Ҳеч ким унинг кимлигини айтиб беролмасди.

Бу орада Раскольников яқинроқ сурилиб, яна ҳам энгашиброқ қаради. Шунда бирдан ёриткич фалокатзаданинг башарасини равшан ёритиб юборди; Раскольников уни таниди.

– Мен уни биламан, биламан! – қичқирди у олдинга чиқишга интилиб, – бу одам хизматчилар-

дан, истеъфодаги титулли маслаҳатчи<sup>11</sup> Мармеладов! У шу ерда туради, Козелнинг уйида, яқин... Тезроқ доктор чақиринглар! Мен тўлайман, мана! – У чўнтагидан пул чиқарди ва миршабга кўрсатди. У жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушганди.

Миршаблар арава босган одамнинг кимлиги аниқланганидан мамнун бўлишди, Раскольников ўзининг ҳам кимлигини, қаерда туришини айтди ва гап худди ўзининг отаси устида бораётгандай беҳуш бўлиб ётган Мармеладовни тезроқ уйига олиб боринглар, деб ялина бошлади.

– Шу ерда уйи, ана учта уйдан кейин, – тинчимасди у. – Козелнинг уйи, бой немис... У маст бўлиб уйига кетаётган экан-да, бечора. Мен уни танийман... Ичкиликка берилиб кетган... Ўзи аёл-манд одам, хотини, болалари, қизи бор. Касалхонага олиб боргунча, балки шу яқинроқдан шифокор чиқиб қолар! Мен тўлайман, тўлайман! Нима қилса ҳам ўз уйида булади-ку, дарров ёрдам беришади, бўлмаса касалхонага етмасдан ўлиб қолади.

У ҳатто миршабнинг қўлига ҳам билдирмай пул қистириб юборди; дарвоқе, масала ўзи равшан эди, ҳар ҳолда уйга олиб борилса, тезроқ ёрдам кўрсатиш мумкин бўларди. Шўрликни кўтариб олиб кетишди; ёрдам берадиганлар топилди. Козелнинг уйи бу ердан ўттиз қадамлар нарида экан. Раскольников орқада Мармеладовнинг бошини оҳишта тутиб келар, йўл кўрсатарди.

– Бу ёққа, бу ёққа! Зинага бошини юқорига қилиб олиб чиқиш керак; айлантинглар... бўлди! Мен тўлайман, мен ҳаммаларингни хурсанд қиламан, – бўлдиранди у.

Катерина Ивановна одатдагидай жиндак бўш вақти қолди дегунча ўзининг кичкинагина хона-

<sup>11</sup> Титулли маслаҳатчи – инқилобдан бурун Россияда 9-даражали фуқаролик мансаби.

сида деразадан печгача ва печдан деразагача қўларини кўкрагига маҳкам чалкаштириб олганча, ўзи билан ўзи гапириб, йўтали тутиб юргани-юрган эди. Кейинги пайтларда у кўпроқ ўзининг катта қизи ўн яшар Поленька билан гаплашадиган бўлиб қолган, гарчи Поленька кўп нарсаларни яхши тушунмаса ҳам, лекин ойисига нима кераклигини жуда ҳам яхши билиб олган, шунинг учун ҳам катта-катта ақли кўзларини ойисидан узмас ва бор кучи билан ўзини ҳамма нарсани тушунадиган қиз қилиб кўрсатишга тиришарди. Бу сафар Поленька эрталабдан бери тоби қочиб турган кичик укасини ечинтириб, ухлатмоқчи бўлиб турарди. Кечаси ювиб қўйиладиган қўйлагини алмаштиришларини кутиб, болакай курсида қаддини ғоз тутиб, киёфасига жиддий тус бериб, товонларини бир-бирига жипс қилиб, оёқларини узатганича миқ этмай қотиб ўтирар, оёқларининг учи бир-биридан жиндаккина ажралиб турарди. У ҳамма ақли деб аталадиган болалар уларни ухлаш учун ечинтираётганларида, қандай ўтирсалар, худди мана шундай лабларини чўччайтириб, кўзларини бакрайтириб ўтириб, ойиси билан опасининг гапларига қулоқ соларди. Ундан ҳам ёшроқ бўлган жажжигина қизча парда тўсиқ олдида ўз навбатини кутар, унинг уст-боши ғоятда жулдур эди. Зинага қараган эшик ланг очиб қўйилганди, ичкаридаги бошқа хоналардан келаётган тамаки тутуни чиқиб кетсин учун шундай қилиб қўйилганди, ўпкаси касал бўлган Катерина Ивановна бундан қаттиқ азоб чекиб давомли йўталар эди. Катерина Ивановна бир ҳафта орасида янада озганга ўхшаб кўринар, унинг юзидаги қизил пайса доғлар яна ҳам буғриқиб қолганди.

– Сен ишонмайсан, сен, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан, Поленька, – дерди у хонада у ёқ-

дан-бу ёққа юраркан, – биз отажонимизнинг уйида қанчалар бадавлат, қанчалар шод-хуррам яшаганлигимизни, бу ароқхўр мени хароб қилди, ҳали у ҳаммамизни хароб этади! Отажонимиз статс полковник эди, тез орада губернатор бўладиган эди; яна жиндаккина вақт ўтса бўлди эди, шунинг учун унинг ҳузуридан одам аримасди, ҳаммалари: «Биз сизни Иван Михайлович, ўзимизнинг губернаторимиз, деб атайверамиз», – деганлари деган эди. Мен... ўҳи! Мен... ўҳи-ўҳи, ўҳи... О, балога йўлиқсин бу ҳаёт! – қичқириб юборди у балғам тупуриб кўк-ракларини чангаллаб ушлаганча, – мен... Оҳ, битирув кечаси бўлган куни... Ҳокимникида... Мени княгиня Безземельная кўриб қолди, кейин сенинг отангга турмушга чиқадиган бўлиб қолганимда, у бизга оқ фотиҳа берган, Поля, ўшанда дарров эсига тушиб: «Бу ўша битирув кечасида шол рўмол билан рақсга тушган ажойиб қизча эмасми?..» деб сўради. (Йиртилган жойини ямаб қўйиш керак; мана, игнани олиб дарров қандай ўргатган бўлсам, шундай қилиб ямаб-чатиб қўй, бўлмаса, эртага... Ўҳи! Эртага ўҳи-ўҳи-ўҳи!.. Узилиб тушади! – қичқирди у зўриқиб...) Ўшанда Петербургдан камерюнкер князь Шегольской ҳам эндигина келган эди... Мен билан бир марта мазуркага<sup>12</sup> тушди-ю эртасигаёқ қўлимни сўрамоқчи бўлиб келибди, лекин мен унга минг-минг ташаккурлар билдириб, биз аллақачон бошқа биров билан аҳду паймон қилиб қўйганлигимизни айтдим. Бу бошқа одам деганим сенинг отанг эди, Поля; ўшанда отажоним қаттиқ хафа бўлдилар... Сув тайёр бўлди? Қани, бер қўйлакчани, пайпоғи-чи?.. Лида, – деди у кичкина қизчасига қараб, – сен бугунча бир амаллаб қўйлаксиз ухлай қол; бир амалла... Пайпоқни ҳам ўша ерга қўй... Биратула ювиб қўярман... Нега бу дайди

<sup>12</sup> Мазурка – полякча рақс ва шу рақс мусиқаси.

кечикиб кетди, ароқхўр! Кўйлакни далва-далва қилиб ташлабди, соғ ери қолмабди... Ҳаммасини биратўла бир кечада ювиб қўя қолсам бўларди, эртага ҳам овора бўлиб ўтирмасдан! Ё Раббим! Ўҳи-ўҳи-ўҳи-ўҳи! Яна! Нима гап? – қичқириб юборди у даҳлизда қўлларида алланима кўтариб, тиқилишиб турган одамларга кўзи тушиб. – Нима бу? Нима олиб келишяпти? Ё Раббим!

– Қаерга қўяйлик? – сўради миршаб қонга бўялиб беҳуш ётган Мармеладовни хонага олиб кирганларидан сўнг атрофга аланглаб қараб.

– Диванга! Тўғри диванга қўйинглар, бошини бу ерга қўйинг, – кўрсатарди Раскольников.

– Кўчада арава босиб кетибди! Маст экан! – бақирди кимдир даҳлиздан туриб.

Катерина Ивановнанинг ранги оппоқ оқариб кетган, базўр нафас оларди. Болаларнинг эсхонаси чиқиб кетганди. Кичкинагина Лидочка қичқириб, ўзини Поленькага отди-да, уни маҳкам қучоқлаб олиб, дир-дир титрай бошлади.

Раскольников Мармеладовни ётқизиб бўлиб, Катерина Ивановнанинг олдига борди.

– Худо ҳақи, тинчланинг, қўрқманг! – тез-тез гапира бошлади у, – кўчадан ўтаётганда, извош босиб кетибди, ташвишланманг, у ҳозир кўзини очади, мен бу ерга олиб келишларини айтдим... Мен бу ерга келгандим, эсингиздами... У кўзини очади, мен тўлайман!

– Ниятингга етибсан! – жон-жаҳди билан чинқирди Катерина Ивановна ва ўзини эрига отди.

Раскольников бу хотин дарров ҳушидан кетиб қоладиган хотинлар тоифасидан эмаслигини фаҳмлади. Фалокатзаданинг бошида шу заҳоти ёстиқ пайдо бўлди – унинг бошига ёстиқ қўйиш шу пайтгача ҳеч кимнинг эсига келмаганди; Кате-



рина Ивановна уни ечинтира бошлади, ҳамма ёғини пайпаслаб қаради, у саросима ичида бўлса ҳам, лекин ўзини йўқотмаганди, у ўзини унутиб, қалтираган лабларини тишлаб олиб, кўкрагидан отилиб чиқишга тайёр турган фарёдни босиб, эрининг у ёқ бу-ёғини қарарди.

Бу орада Раскольников кимнидир шифокор чақириб келишга кўндирди. Шифокор икки уй нарида тураркан.

– Мен докторга одам юбордим, – дея таъкидларди у Катерина Ивановнага, – ташвиш чекманг, ўзим тўлайман. Сув топилмасмикин?.. сочиқ беринг, бирон нарса йўқми, тезроқ бўлинг; ҳали қанчалар яраланганлиги маълуммас... У жароҳатланган, ўлмаган, менинг гапимга ишонинг... Шифокор ҳам шундай дейди, кўрасиз!

Катерина Ивановна югуриб дераза олдига борди; бу ерда ўртаси тушиб кетган курси устига каттакон сопол жомашовга кечаси болалар билан эрининг эғни-бошини ювиш учун сув тўлдириб қўйилганди. Катерина Ивановнанинг ўзи ҳафта-сига камида икки марта, бўлмаса, балки ундан кўпроқ тунда кир ювар, чунки алмаштириб кийишга энгил қолмаган, оила аъзоларининг ҳар бирида фақат бир бошдан кийим қолганди. Шунинг учун ҳам Катерина Ивановна ҳамма ухлаб ётганда инқиллаб-синқиллаб кир ювар, эрталабгача дорга ёйиб, қуритиб уларни кийинтирарди, Катерина Ивановна ифлосга тоқат қилиб туролмас, уйда кир-чирни йиғиб ўтиргандан кўра кечаси билан уйқудан қолиб ўзини қийнашни афзал кўрар эди. У Раскольниковнинг айтганини қилиб, тосни унинг олдига кўтариб, олиб бормоқчи бўлди, лекин сал бўлмаса тос билан бирга ағанаб тушай деди. Лекин Раскольников сочиқ топиб, сувда ҳўллаб Мармела-



довнинг қонга беланган юзини арта бошлаган эди. Катерина Ивановна шу ерда туриб, зўр-базўр нафас олар, қўли билан кўкрагини чангаллаб олганди. Унинг ўзи ёрдамга муҳтож эди. Раскольников Мармеладовни бекор бу ерга олдириб келганга ўхшайман, деб ўйлаб қолди. Миршаб ҳам ҳайрон бўлиб қараб турарди.

– Поля! – қичқирди Катерина Ивановна, – тез бориб Соня опангни чақириб кел. Агар уйда бўлмаса, бари бир, отамни от босиб кетибди, тезроқ борар экансиз деб айт... қайтиб келиши билан бу ерга келсин. Тез бор, Поля! Ма, рўмол ўраб ол!

– Тезда чақийиб кей! – дея қичқирди болакай курсидан туриб кейин яна боягидай кўзларини бақрайтириб, товонларини бир қилиб, оёқ учларини ажратиб курсида жим ўтирганча қотди.

Бу орада хона шу қадар одам билан тўлиб кетдики, оёқ қўядиган жой қолмади. Миршабларнинг биттаси қолиб, бошқа ҳаммаси кетган, вақтинча қолган миршаб эса ёпирилиб келган томошабинларни зинага ҳайдаб чиқаришга уринарди. Ичкари хоналарда истиқомат қилувчи Липпевехзель хонимнинг барча ижарадорлари бу ерга чиқиб олишган, аввал эшик олдида туриб, сўнг бирдан хонага бостириб киришган эди. Катерина Ивановнанинг жон-пони чиқиб кетди.

– Лоақал тинчгина ўлгани қўйинглар! – қичқирди у йиғилган одамларга қарата, – нима, сизларга от ўйнатяптими! Яна папирос тутатишларини қаранг буларни! Ўҳи-ўҳи-ўҳи! Шляпангизни олмасдан ҳам кираверинглар!.. Айтмадимми, ана биттаси шляпа кийиб олибди... Йўқол! Жуда бўлмаса ўликни ҳурмат қилинглари!

У йўтали тутиб бўғилиб қолди, аммо ҳар ҳолда унинг гапи кор қилди. Катерина Ивановнадан, афтидан бир оз ҳайқиқиб туришар экан шекил-

ли; ижарачи қўшнилар яна ўзларини эшикларга томон олишди. Кишининг бошига кутилмаганда бир бахтсизлик тушганда, ҳатто унга жуда ҳам яқин бўлган одамларда ҳам бундан аллақандай қониқиш ва мамнунлик ҳисси пайдо бўлади, ҳеч истисносиз барча одамларда шундай туйғу бўлади, киши чин юракдан ҳамдардлик ва ачиниш билдиради-ю, лекин ўзида юрагининг ички бир қаватларида мана шунақа бир сезгини ҳис қилиб туради, ҳатто энг яқин кишиларингиз ҳам бундан мустасно бўлмайди, ҳозир эшикка қайтиб сурилиб борган одамларнинг ҳаммасида шундай ички бир мамнунлик ифодаси бор эди.

Дарвоқе, эшик томондан касалхонага олиб бориш керак, бу ерда ётганининг фойдаси йўқ, деган овозлар эшитилиб қолди.

– Ўлишнинг фойдаси йўқ-ку! – дея қичқирди Катерина Ивановна ва уларни уришиб бериш учун энди эшикни очмоқчи бўлиб турганди, бахтсизлик рўй берганини ҳозиргина эшитиб қолиб, корчалонлик қилгани келаётган Липпевехзель хонимнинг нақ ўзи билан юзма-юз тўқнашди. Бу ўтакетган шаллақи ва жўн немис хотин эди.

– Вой, менинг Худойим! – қўлларини ёзиб, хитоб қилди хоним, – сизнинг эрингизни маст от босгян. Уни касалхонага! Мен бека!

– Амалия Людвиговна! Илтимос қиламан, офзингизга қараб гапиринг, – димоғ билан гап бошлади Катерина Ивановна (бека ўзининг ўрнини билиб юрсин деб Катерина Ивановна у билан доим баланддан келиб гаплашарди, мана ҳозир ҳам у ўзининг одатини тарк этолмади), – Амалия Людвиговна...

– Мен сизга айтгян ахийр, чунки сиз ҳеч бир вақт менга Амаль Людвиговна демагян деб: мен Амаль-Иван!

– Амаль-Иван эмассиз, Амалия Людвиговнасиз, мен сизнинг жаноб Лебезятниковга ўхшаган лаганбардор ялоқиларингиздан, ўша пасткашлардан бўлмаганлигим учун (эшик орқасида ростдан ҳам кулги ва «бошлашди» деган қичқириқ эшитилди), у жаноб ҳозир эшикнинг орқасида турибди, сизни доимо Амалия Людвиговна, деб чақиравераман, нега сизга бундай деб чақирганим ёқмайди, сира тушунолмаيمان, Семён Захарович, нима бўлганлигини ўзингиз кўриб турибсиз; ўлим тўшагида ётибди. Илтимос қиламан, эшикни беркитиб бу ерга ҳеч кимни киритмасангиз, лоақал тинчгина ўлишга қўйинглар! Бўлмаса, ишонтириб айтаманки, сизнинг қилғилигингиз эртагаёқ генерал-губернаторга маълум қилинади. Князь мени қизлик пайтимдан бери билади ва Семён Захаровични ҳам яхши танийди, унга кўп яхшиликлар қилганлар. Ҳаммага маълумки, Семён Захаровичнинг дўстлари ва ҳомийлари жуда кўп эди, у киши ўзлари мана бу касалга чалинганларидан сўнг орият юзасидан улар билан борди-келди қилмай қўйдилар, лекин эндиликда (у Раскольниковни имлаб кўрсатди) бизга бир олижаноб йигит ёрдам қўлини чўзиб турибдилар, у кишининг қўллари қаерга чўзсалар шу ерга етади, Семён Захарович у кишини ёшликларидан бери биладилар, ишончингиз комил бўлсинки, Амалия Людвиговна...

Катерина Ивановна алақанча гапни бирпасда лаби лабига тегмай, жовиллаб гапириб ташлади, гапи чўзилган сари у шунча тез гапирарди, аммо яна йўтали қўзиб, гапи узилиб қолди. Шу онда фалокатзада кўзларини очди ва ингради, хотини унинг олдига югурди. Мармеладов кўзини очиб танимай, нималигини англамай тепасида турган Раскольниковга қарай бошлади. У офир, чуқур, ўқтин-ўқтин

нафас оларди; лабларининг четларидан қон сизиб чиқди; пешонаси терлади. Раскольниковни танимай, безовта бўлиб аланглай бошлади. Катерина Ивановна унга маъюслик ва жиддият билан қараб турарди, кўзларидан эса ёш оқарди.

– Ё Раббим! Унинг кўкраги бутунлай эзилиб кетибди! Қонни қаранг, қонни! – деди у саросима ичида. – Эғнидаги устки кийимларининг ҳаммасини ечиб олиш керак! Бир оз ўгирилсанг-чи, Семён Захарович, агар ўтирилолсанг, – деди эрига.

Мармеладов уни таниди.

– Руҳонийни чақиринг! – деди у хирқираган овоз билан.

Катерина Ивановна деразага қараб кетди, пешонасини дераза ромига тиради-да, умидсизлик билан:

– Минг лаънат бундай ҳаётга! – деди.

– Руҳонийни чақиринглар! – деди яна Мармеладов бир дақиқа жим ётгач.

– Кетишди-и-и! – қичқириб берди унга Катерина Ивановна; Мармеладов индамай жим бўлиб қолди. Фамгин бир назар билан қўрқа-писа Катерина Ивановнани қидирар эди; хотини яна унинг олдига қайтиб келди ва бош томонига ўтди. Мармеладов бирмунча тинчланди, аммо бу кўпга чўзилмади. Кўп ўтмай унинг кўзлари бурчакда худди тутқаноқ тутгандай қалтираб болаларча ҳайрат билан ўзига тикилиб ўтирган ўз суюклиси жажжи Лидочкага тушди.

– А...а... – кўрсатарди уни талвасаланиб. У бир нима демоқчи бўларди.

– Нима дейсан? – бақирди Катерина Ивановна.

– Яланг оёқ! Яланг оёқ! – пичирларди у телба-намо бўлиб кетган кўзлари билан қизчанинг яланг оёқларига ишора қилиб.

– Бас, бўлди-и-и! – энсаси қотиб қичқирди Катерина Ивановна, – нега яланг оёқ юрганлигини ўзинг биласан!

– Худога шукр, шифокор! – деди енгил тортиб Раскольников.

Атрофга шубҳа билан англаб, батартиб кийинган шифокор чол кирди; касалнинг олдига келиб, томирини кўрди, диққат билан бошини текширди, Катерина Ивановнанинг ёрдами билан жиққа қон бўлиб кетган кўйлакни ечди, беморнинг кўкрагини очди. Унинг бутун кўкраги мажақланиб, титилиб кетган, соғ жойи қолмаганди; ўнг томондаги бир неча қовурғалари синиб кетганди. Чап ёқда эса худди юракнинг устида каттакон ваҳимали сарғимтир қора из бўлиб, бу от оёғининг излари эди. Шифокорнинг қовоғи тушиб кетди. Миршаб унга касални арава босиб ўтганлигини, филдиракка ўралашиб қолиб, ўтгиз қадамча араванинг тагида судралиб борганлигини айтиб берди.

– Ҳайронман, яна қандай қилиб кўзини очдийкин бу, – пичирлади шифокор оҳиста Раскольниковга.

– Сиз нима дейсиз?– сўради Раскольников.

– Ҳозир ўлади.

– Наҳот ҳеч қандай умид бўлмаса?

– Умид нима қилсин! Зўрға нафас олиб турибди... Бунинг устига боши жуда ёмон жароҳатланган... Ҳм. Балки қон чиқарсакмикин... Аммо.... Бунинг фойдаси йўқ. Беш ёки ўн дақиқадан кейин албатта ўлади.

– Унда яхшиси қон чиқара қолинг!

– Бўлади... Воқеан, сизга айтиб қўйишим керакки, бунинг сира фойдаси бўлмайди.

Шу пайт яна қадам товушлари эшитилди, даҳлизда турганлар сурилишди ва остонада урфий

нон ва май кўтарган соч-соқоли оппоқ оқарган кичкинагина руҳоний чол кўринди. Миршаб ҳали уйга кирмасларидан бурун унинг олдига кириб чиққан эди. Шифокор шу заҳоти унга жой бўшатиб берди ва улар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Раскольников шифокорни яна бирпас туринг, деб ялиниб олиб қолди. Шифокор елкаларини қисиб қўйди, лекин кетмади.

Ҳамма ўзини чеккароққа олди. Рози дил узоққа чўзилмади. Ўлим тўшагида ётган киши ҳолати размда эди. Унинг оғзидан хирқираган аллақандай ноаниқ товушларгина чиқарди. Катерина Ивановна Лидочкани кўлига олиб, жажжи болакайни курсидан туширди ва печь томондаги бурчакка ўтиб тиз чўкди, болаларни эса ўзининг олдига тиззала-тиб ўтқазиб қўйди. Қизча қалт-қалт қиларди; болакай бўлса яланг тиззасида турганча қўлчаларини бир маромда кўтариб чўқинар, пешонасини ерга қўйиб, тавоф қиларди, пешонасини ерга қўйишдан у аллақандай лаззат олаётганга ўхшаб кўри-нарди. Катерина Ивановна лабларини қимтиганча, йиғламоқдан бери бўлиб ўтирарди: у дуо ўқиб ибодат қилар, дам-бадам боласининг қўйлагини тўғрилаб қўяр, ибодат орасида ўрнидан турмасдан қизчасининг яланғоч елкаларига рўмол ташлаб ҳам улгурди. Бу орада ички хоналарнинг эшикларини ичи қизиганлар яна очиб кўра бошладилар. Даҳлизда эса одам борган сари кўпайиб борар, бунда шу ерда турадиганларнинг деярли ҳаммаси йиғилганди, лекин улар ичкарига киришга ботинишмасди. Бутун манзарани ёлғиз шамнинг нури ёритиб турарди.

Шу пайт даҳлиздаги одамлар орасидан Поленька жадал суқилиб кирди, у боя опасини чақириб келгани кетганди. У тез чопиб келганлигидан ўпкаси шишиб ҳарсилларди, у устидан рўмолни

ечди, кўзи билан ойисини қидириб топди ва унинг олдига бориб: «Келяпти! Кўчада кўриб қолдим!» – деб айтди. Ойиси уни ҳам ўз ёнига тиз чўктириб ўтқизди. Одамлар орасидан секингина қисиниб, бир қиз кўринди, муфлис бир манзара, чувриндилар, увада-сувадалар, ўлим ва умидсизлик ичра унинг кутилмаганда пайдо бўлиши жуда ғалати туйилади. Унинг ўзи ҳам увадаларга чулганган эди; эгнидаги кийим-кечаги икки пулга арзимайдиган, кўчабоп, ўзига хос бир оламнинг дид ва қарашларига мосланган, нима мақсадда шундай қилинганлиги очиқ ва бепарда аён бўлиб турадиган кийимлар эди. Соня даҳлизда, шундоқ остона олдида тўхтаб қолди, лекин остона ҳатлаб ичкарига ўтмади, афтидан, ўзини жуда ҳам йўқотиб қўйган, эс-хушидан айрилган каби эди, шу тобда ўз эгнидаги эски, бу ерда кулгили бўлиб кўринадиган, этаги жуда ғалати, узундан-узун шармсиз ипак кўйлагини, бутун эшикни тўсиб қўйган ҳаддан ташқари кенг кринолини, очиқ рангли пойабзали, кечаси керак бўлмайдиган, лекин бари бир ўзи билан олволган омбрелкаси<sup>13</sup>, алангадай қип-қизил тасқара пат қадалган думалоқ чипта шляпасини бутунлай унутганди. Мана шу болаларча қийшайтириб, кийиб олинган шляпача остидан озгин, бўздай оқарган, ваҳм босган юзи кўриниб турарди, унинг оғзи очилиб қолган, кўзлари даҳшатдан олайиб кетганди. Соня паст бўйли, ўн саккиз ёшлардаги увоққина, лекин ажиб мовий кўзли, истараси иссиқ, малла соч бир қиз эди. У бемор ётган ерга, руҳонийга кўзларини узмасдан тикилиб турарди. У ҳам тез юриб келганидан ҳарсиллаб нафас оларди. Ниҳоят, одамларнинг шивир-шивирлари, тўда ичидан чиққан

<sup>13</sup> Омбрелка – соябон (франц.).

айрим луқмалар афтидан унинг онгига етиб борди. У бошини эгди, остона ҳатлаб ичкарига ўтди ва яна эшикнинг олдида туриб қолди.

Рози дил ва бошқа маросимлар охирлади. Катерина Ивановна яна эрининг олдига келди. Руҳоний ўзини четга олди ва кета туриб Катерина Ивановнага таъзия билдириб, юпанч сўзлар айтиш учун товсиллади.

– Энди мана буларни қандоқ қиламан? – жаҳл билан унинг гапини бўлди Катерина Ивановна ёш болаларни кўрсатиб.

– Раҳмдил Эгам, Оллоҳнинг карам ва муруввати чексиз, бўтам, – деб юпата бошлади руҳоний.

– Э-эҳ! Раҳмдил Худо бизга раҳм қилмайди!

– Куфр кетманг, гуноҳи азим бу, хоним, – деди руҳоний бошини чайқаб.

– Нима, мана бу гуноҳи азим эмасми? – қичқирди Катерина Ивановна ўлаётган эрини кўрсатиб.

– Балким бу бахтсизликка билмасдан сабабчи бўлганларнинг ўзлари сизни рози қилишар, рўзфорингизга қарашиб юборишар...

– Менинг гапимга тушунмаяпсиз, – деб жаҳл билан бақириб берди Катерина Ивановна қўл силтаб. – Ундан кейин нега энди рўзфоримга қарашиб юборишаркан? Унинг ўзи маст-аласт бўлиб арава-нинг тагига тушган! Рўзфор дейсиз. Бизда рўзфор нима қилсин, ҳамма рўзфорни ўзи ичиб битирган. Балойи азим бу, барини ичиб йўқ қилди. Оғзимиздан юлиб олиб, қовоқхонага элиб битирди, болаларнинг ва менинг умримни қовоқхоналарда барбод қилди! Худога шукр, мана ўлаётибди! Битта боқимонда камроқ!

– У ўлим тўшагида ётибди, уни кечирсангиз бўларди, бундай гапларни гапириш гуноҳ, хоним, жуда катта гуноҳ!



Катерина Ивановна беморнинг атрофида гирди-капалак бўлиб турар, унга сув тутар, тер ва қонларини артар, ёстиқларини тўғрилаб қўяр ва бу орада гоҳо руҳонийга қараб куйиб гапирарди. Руҳонийнинг кейинги сўзларидан унинг ғоятда қони қайнаб кетди, вазаб билан унга бобиллаб берди:

– Эҳ, отахон! Гап буларнинг ҳаммаси қуруқ гап! Кечирайми?! Мана, агар у арава тагига тушмаганда уйга маст-аласт ҳолда кириб келган бўларди, унинг битта-ю битта кўйлаги бор, у ҳам далва-далва бўлиб кетган, илма-тешик, келиб шу ҳолича ўринга ағанарди, мен бўлсам, эрталаб азонгача унинг кир-чирини болаларнинг энгил-бошларини ювиб чиқардим, деразанинг орқасига ёйиб қуритардим, тонг отгандан кейин йиртиқ-ясқоғини ямашга ўтирардим – мен бутун кечани ана шундай қилиб ўтказардим!.. Шундай бўлгандан кейин кечирадиган ўрни қоладими! Аллақачон кечириб бўлганман!

Қаттиқ, даҳшатли йўтал унинг сўзларини бўлиб қўйди. У рўмолчасига туфлаб руҳонийга кўрсатди, офрик, азобнинг зўридан иккинчи қўли билан кўкрагини чангаллаб олганди. Рўмолча қоп-қора қон бўлиб кетганди...

Руҳоний бошини хам қилди ва бошқа ҳеч нарса демади.

Мармеладов сўнгги нафасини олмоқда эди; у кўзларини боши устида эгилиб турган Катерина Ивановнанинг юзларидан узмасди. Ҳадеб унга бир нарса демоқчи бўларди; у тилини базўр қимирлатиб ғулдираб алланарсаларни гапирмоқчи бўлган эди, Катерина Ивановна унинг кечирим сўрамоқчи бўлаётганлигини англаб шу заҳоти бақриб берди:

– Гапирма-а-а! Керакмас!.. Биламан, нима демоқчи эканлигингни!.. – Шундан кейин бемор жим

бўлиб қолди, ammo шу аснода унинг аланг-жаланг бўлиб турган кўзлари эшикка тушди ва у Соняни кўриб қолди...

Шу пайтгача у қизини кўрмаган, пайқаманганди: Соня бурчакда қоронғироқ ерда турганди.

– Ким бу? Ким бу? – деб ғўлдиради у бирдан хирқираган, нафаси ичга тушиб кетган овоз билан, у жон ҳолатда ўрнидан турмоқчи бўлар, изтироб-уқубатга тўлган бир нигоҳ билан қизи турган томонни кўрсатарди.

– Жим ёт! Ёт деяпман-н! – бақириб берди яна Катерина Ивановна.

Лекин бемор ғайритабиий куч билан қўлига тиралиб қаддини кўтарди. У бирмунча вақт худди қизини танимаётгандай кўзлари ола-кула бўлиб тикилиб турди. У қизини бундай кийимда биринчи маротаба кўриб туриши эди. Шунда у бирдан бўялиб бежалганидан ер ёрилса-ю, кириб кета қолсам деб, уятдан адои тамом бўлган, ўлим тўшагида ётган отаси билан видолашиш навбати келишини кутиб, уволгина бўлиб турган Соняни таниб қолди. Беморнинг чеҳрасига беҳудуд бир изтиробнинг кўланкаси тушди.

– Соня! Қизим! Кечир! – қичқирди ота, унга томон қўлларини узатмоқчи бўлган эди, лекин таянчини йўқотиб ерга юзтубан ағдарилиб тушди; чопиб келиб уни кўтариб олдилар, ётқиздилар, лекин у тамом бўлган эди. Соня секин мунграниб қичқириб юборди, югуриб келиб отасини қучоқлаб олди ва шу қучоқлаганича қотиб қолди. У қизининг қўлларида жон берди.

– Ниятига етди! – деб чирқиради Катерина Ивановна эрининг ўлганини кўриб, – энди нима қиламан! Уни нима билан кўмаман. Буларни эртага нима билан боқаман.

Раскольников Катерина Ивановнанинг олдига келди.

– Катерина Ивановна, – деб бошлади у, – ўтган ҳафта марҳум эрингиз менга бутун ҳаётини, бошидан кечирганларини, қандай аҳволда қолганлигини айтиб берганди... Сизни ишонтириб айтаманки, у сиз тўғрингизда беҳад чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сўзлади. Мен ўша оқшом у қанчалар сизларга садоқат ва эътиқод қўйганлигини ва, айниқса, сизни, Катерина Ивановна, севиб эъзозлаганлигини билганимдан кейин бадбахт бир касалга грифтор бўлиб қолганига қарамасдан дўст тутиниб қолдик... Ҳозир менга ижозат этсангиз... марҳум дўстим олдидаги биродарлик қарзимни адо этсам. Мана бу... Йигирма сўм бўлса керак, агар у бирон кам-кўстингизга яраса, унда мен... бир сўз билан айтсам, яна келаман, албатта келаман... Мен эҳтимол, ҳали эртагаёқ келиб хабар оламан... Яхши қолинг!

У шундай деб хонадан тезгина юриб чиқиб кетди, одамлар орасидан суқилиб зинага ўтиб олди. Лекин тўда орасида бирдан Никодим Фомич билан тўқнашиб қолди, у бахтсизлик рўй берганлигини эшитиб, чора кўриш учун шахсан ўзи келган эди. Идорада рўй берган воқеадан бери улар ҳали кўришмаган эдилар, лекин Никодим Фомич уни дарҳол таниди.

– Э, бу сизмисиз! – дея сўради у Раскольниковдан.

– Ўлди, – жавоб берди Раскольников. – Шифкор келди, руҳоний келди, ҳаммаси жойида. Шўрлик хотинни унчалар ташвишга қўймасангиз, бусиз ҳам ўпкаси яримта бўлиб қолган. Агар қўлингиздан келса, кўнглини кўтариб қўйингиз... Сиз оқ кўнгли одамсиз, мен биламан... – қулимсираб қўшиб қўйди у унинг кўзларига тик қараганча.

– Буни қаранг, ҳамма ёфингиз қонга беланиб кетибди-ку, – деди Никодим Фомич чироқ ёруғида Раскольниковнинг эғнида қон доғларини кўриб қолиб.

– Ҳа, беландим... Бошдан-оёқ қонга беланганман! – деди аллақандай бошқача бир ифода билан Раскольников, кейин жилмайди, бошини силкитиб қўйди ва зинадан пастга қараб тушиб кетди.

У секин, шошилмасдан, дир-дир қалтираб, лекин қалтираганини сезмасдан, шу пайтгача ўзи туймаган янги бир туйғудан маст бўлиб, бирдан устига ёпирилиб тушган қудратли ва қодир ҳаёт нафасини ўз жонида ҳис қилиб бормоқда эди. Бу ўлим жазосига ҳукм этилиб, сўнг бирдан кутилмаганда афв этилган одам ҳолатига ўхшарди. Зинанинг ярмига етганда, уни уйга қайтаётган руҳоний қувиб етди; Раскольников унга индамай таъзим қилиб, олдинга ўтказиб юборди. Лекин зинадан энди тушиб бўлай деганда, орқасидан шоша-пиша кимдир келаётганлигини эшитди. Кимдир шошилиб унга етиб олмоқчи бўлиб келарди. Бу Поленька эди: қизча унинг кетидан чопиб келар экан, нуқул: «Менга қаранг! Менга қаранг!» – дея қичқирарди.

Раскольников орқасига қаради. Қизча охириги зиналардан сакраб тушиб, унинг олдига келиб бир поя юқорида тўхтади. Ҳовли томондан хира ёруғлик тушиб турарди. Раскольников ўзига болаларча кулиб қараб турган қизчанинг ориқ, лекин ёқимтой чехрасига тикилди. У қандайдир бир топшириқ олиб чопиб келган ва афтидан, олган топшириғи ўзига ёқарди.

– Менга қаранг, сизнинг отингиз нимади?.. Кейин: сиз қаерда турасиз? – дея ҳаллослаб сўради у.

Раскольников иккала қўлини унинг елкаларига қўйди ва бахтиёр бир назар билан унга қараб

қолди. У қизчага қараб тўймасди, ундан кўзларини ололмасди, негалигии ўзи ҳам билмасди.

– Сизни ким юборди?

– Мени Соня опам юборди, – жавоб берди қизча янада қувонч билан жилмайиб.

– Ўзим ҳам сизни Соня опангиз юборгандир, деб ўйловдим.

– Мени ойим ҳам юбордилар. Соня опам мени жўнатаётганларида, ойим ҳам олдимга келиб: «Тезроқ чопиб бор, Поленька!» дедилар.

– Сиз Соня опангизни яхши кўрасизми?

– Ҳаммадан ҳам яхши кўраман! – деди алоҳида бир ишонч билан Поленька, шундан кейин жилмайиб турган қизча бирдан жиддийлашиб қолди.

– Мени ҳам яхши кўрармикинсиз?

Жавоб ўрнида у қизчанинг ўзига яқинлашиб келаётган юзини, уни ўпиб қўймоқчи бўлиб чўзилган содда пўрсилдоқ лабларини кўрди. Кутилмаганда қизчанинг худди гугурт чўпларидай ингичка қўллари уни маҳкам қучоқлаб олди, унинг боши елкасига тушди ва қизча юзини унга қаттиқ босиб олганча унсиз йиғлай бошлади.

– Отамга ачинаман! – деди у бир дақиқалардан кейин йиғидан ҳўл бўлиб кетган юзини кўтариб, қўли билан кўз ёшларини артаркан, – бошимизга ташвиш устига ташвиш тушиб турибди, – кутилмаганда қўшиб қўйди у «катталарга» ўхшатиб гапирмоқчи бўлган болалардай ўзини сипо тутиб.

– Отангиз сизни яхши кўрармидилар?

– Ҳаммамиздан ҳам Лидочкани кўпроқ яхши кўрар эдилар, – дея кулмасдан жуда жиддий, ўзини бутунлай катталардек тутиб давом этди қизча, – нега десангиз, у ҳаммамиздан ҳам кичкина эди-да, иннайкейин у касал эди, шунинг учун унга доим полук ширинликлар олиб келардилар, бизни ўқишга ўргатардилар, менга бўлса

грамматика билан илоҳиётдан ўқитардилар, – деб қўшимча қилди у ғурур билан, – ойимлар ҳеч нарса демасдилар, фақат ҳаммамиз ойим буни яхши кўришларини билардик, отам ҳам билардилар, ойимлар менга французчани ўргатмоқчилар, нега десангиз, менинг маълумотли бўладиган вақтим келган.

– Сиз дуо ўқишни биласизми?

– О, билганда қандоқ! Анча бўлди ўрганиб олганимизга; мен катта бўлиб қолдим, шунинг учун ўзим дуо ўқийвераман, Коля билан Лидочка бўлса ойимлар билан бирга овоз чиқариб ўқишади; олдин «Биби Марям»ни айтишади, кейин: «Ё Раббим Худо, Соня опамизни ўзинг қўлла, ўзинг кечир» деб, ундан кейин: «Ё Раббим Худо, бошқа отажонимизни ўзинг қўлла, ўзинг кечир» деб ўқийдилар, нега десангиз, бизнинг катта дадамиз вафот қилганлар, бу бизнинг бошқа отамиз бўладилар, биз бунга ҳам дуо ўқиймиз.

– Полечка, менинг отим Родион; бир куни келиб менга ҳам дуо ўқиб қўйинглар: «Бандаи Родионни ҳам» деб қўшиб қўйсангизлар бас.

– Бутун умрим бўйи сизни дуо қилиб ўтаман, – деди қизғиилик билан қизча ва бирдан кулиб юборди-да, ўзини унга отиб, яна маҳкам қучоқлаб олди.

Раскольников унга ўз исмини айтди, манзилени берди ва эртагаёқ кириб ўтаман, деб ваъда қилди. Қизча жуда ҳам хурсанд бўлиб қайтиб кетди. Раскольников кўчага чиққанида, соат ўн бирлар бўлиб қолганди. Беш дақиқалардаи сўнг у худди боя хотин ўзини сувга ташлаган ерда турарди.

«Бўлди бас! – деди у узил-кесил ва қатъий қилиб, – сароблар йўқолсин, аросату ваҳималар йўқолсин, алвасти шарпалар йўқолсин!.. Ҳаёт бу! Ҳозир мен бошдан кечирган нарса ҳаётнинг ўзи

эмасми? Қари кампир билан бирга менинг ҳаётим ҳам барҳам топиб кетгани йўқ! Худо уни раҳмат қилсин, гўрингизда энди тинчгина етинг, кампир-шо! Энди ақл ва зиёи ҳаёт ўз ҳукмига кирсин ва... ва ирода, ва куч-қудрат... энди кўрамиз! Энди бир куч синашиб кўрамиз! – деб қўшиб қўйди аллақандай номаълум қора бир кучга қарата уни ўзича яниб. – Мен бир қулоч ерда кун кўришга ўзимни чоғлаб ўтирибман-а!

...Мен ҳозир жуда кучсизман, лекин... Анча тузалиб қолдим шекилли. Боя уйдан чиқиб кетганимда касалим ўтиб кетишини билган эдим. Айтгандай: Починковнинг уйи бу ердан икки қадам... Албатта Разумихиннинг олдига бориш керак, икки қадам бўлмоқлик турсин, минг қадам бўлганда ҳам бориш керак... Майли гаровда ютиб чиқсин!.. Майли у ҳам бир маза қилсин, – майли шундай бўла қолсин!.. Қувват керак, қувват: қувватинг бўлмаса ҳеч нарсага эришолмайсан; қувватни эса қувват билан қўлга киритилади, улар худди мана шу нарсани билмайдилар», – қўшиб қўйди у ва мағрур, ўзига ишонган ҳолда оёқларини базўр ердан узиб юриб кетди. Фурур ва ўзига бўлган ишонч дам ўтган сайин унда кучайиб бормоқдайди: ҳозиргина бошқача одам эди, кейинги дақиқада у бутунлай ўзгариб бошқача бир одамга айланиб бормоқда эди. Ўзи нима бўлди? Қандай ўзгача бир нарса рўй бердики, уни зум ичида бутунлай бошқача қилиб қўйди? Буни ўзи ҳам билмасди; чўкаётган одам хасдан мадор қидиргандай, ҳалигина хас-чўпга ёпишиб турган эди, мана энди «Ҳаёт бу, ҳали яшаш мумкин, қари кампир билан менинг ҳаётим ҳам барҳам топиб кетгани йўқ» деган қарорга келиб қолди. Балки ўзининг бу қарорида шошилгандир жуда ҳам, лекин бу ҳақда ўйламасди.

«Бандаи Родионни ҳам эслаб ўтишни сўрадим-а, – бирдан хаёлидан кечди унинг, – ҳа, бу ҳар эҳтимолга қарши!..» – қўшиб қўйди у ва шу заҳоти ўзининг болаларча қилиғидан нашъа қилиб кулиб юборди. Унинг руҳи кўтарилиб кетганди.

У Разумихинни осонлик билан топди; Починковнинг уйида янги кишини алақачон билиб олишганди, қоровул унга дарров йўл кўрсатди. Зинанинг ярмига етганданоқ, катта гавжум йиғиннинг шовқин-суронини илғаб олиш мумкин эди. Зинага чиқиладиган эшик ланг очиб қўйилганди; бақирган-чақирган, баҳслашган товушлар эшитиларди. Разумихиннинг хонаси каттагина бўлиб, зиёфатга ўн бешга яқин одам йиғилганди. Раскольников эшик олдида тўхтаб қолди. Бу ерда, тўсиқ орқасида беканинг икки ходимаси катта-катта иккита самовар, шиша идишлар, беканинг уйдан олиб чиқилган ликопчалар, ширинлик ва газак солинган идишлар олдида уймалашиб туришарди. Раскольников Разумихинни чақиргани юборди. Разумихин оғзи қулоғига етай деб чиқиб келди. Унинг жуда ҳам кўп ичганлиги бир қарашдаёқ билинарди, гарчи Разумихин қанча ичса ҳам маст бўлмайдиган одамлар тоифасидан бўлса-да, лекин бу сафар ҳар ҳолда ичгани билиниб турарди.

– Қулоқ сол, – деди шошилиб Раскольников, – мен сенга гаровда ютиб чиққанлигингни айтиш учун келдим, чиндан ҳам ҳеч ким ўз бошига нима тушишини билмайди. Лекин ичкарига киролмайман, шунчалар ҳолдан тойганманки, зўрға оёқда турибман. Шунинг учун сенга саломлар ва хайр! Эртага эса менинг олдимга бор...

– Менга қара, сени уйга кузатиб қўяман! Сен ўзингки, мазам йўқ деб айтаётибсанми, демак, ростдан ҳам унда...



– Меҳмонлар-чи? Ҳозир бу ёққа қараб кетган сочи жингалак одам ким?

– Уми? Э, ким билади дейсан! Амакимнинг таниши бўлса керак, балки ўзи келгандир... Меҳмонларнинг олдида амаким бор: жуда топилмас, бебаҳо одам; сен у билан ҳозир, афсус, танишиб олмадинг-да. Айтгандай, қўявермайсанми уларнинг ҳаммасини! Улар ҳозир менга қарайдиган аҳволда эмаслар, ўзим ҳам сал очик ҳавога чиқиб бошимни енгиллатмасам бўлмайди, ҳўп вақтида келдинг; яна бирпас турсам, Худо ҳақи, улар билан уришиб қолардим! Ёлғонни шундай дўндиришадик... Сен тасаввур ҳам қилолмайсан, одам ёлғон гапириб қай ергача етиб боришини! Айтгандай, нега энди тасаввур қилолмас экансан? Биз ўзимиз ёлғон гапирмаймизми? Майли, кўнгилларига сиққанча ёлғон гапириб олсинлар: кейин ёлғонламайдиган бўладилар... Бирпас тўхтаб тур, Зосимовни чақириб келаман.

Зосимов Раскольников билан минг йил кўрмай юрган қадрдонини учратиб қолгандай қилиб кўришди. Унинг бутун хатти-ҳаракатларида ўзгача бир қизиқишнинг ифодаси сезилиб турарди. Кўп ўтмай унинг юзи ёришди.

– Ҳозироқ бориб ухлаш керак, – деди у Раскольниковни имкон борича кўздан кечираркан, – ухлашингиздан олдин битта дори ичиб ётсангизмикин, девдим. Ичасизми? Ўзим яқинда тайёрладим... кукун дори.

– Иккита десангиз ҳам ичавераман, – деб жавоб қилди Раскольников.

Дори шу ернинг ўзидаёқ ичилди.

– Сен ҳам бирга боришинг яхши бўлибди, – деди Зосимов Разумихинга, – эртага нима бўлишини яна кўрармиз, бутунга эса мана кўриниши анча яхши: боягига қараганда ўзгариш жуда катта. Одам бир умр ўрганиб ўтаркан...

– Биласанми, менга ҳозир чиқиб келаётганимизда, Зосимов нима деб шипшиди, – дея оғзидан гуллаб қолди Разумихин кўчага чиқишлари ҳаманоқ. – Мен, биродарим, сенга тўғриси айтиб қўя қоламан, нимага десанг, уларнинг ҳаммаси аҳмоқ одамлар. Зосимов: йўл-йўлакай валақлаб гапириб бор, у ҳам сенга қараб гапирсин, кейин менга келиб айтиб берасан деди, нега десанг, унда бир фикр туғилган экан... гўё сен... телба бўлиб қолган эмишсан ёки телба бўлиш олтида турган эмишсан. Гапирган гапини қара-я! Биринчидан, сен унга қараганда уч баробар ақлироқсан, иккинчидан, рост, сен телба бўлмаганингдан кейин унинг бунақа аҳмоқона фикрлари билан сира ишинг бўлмасин, тупур буларнинг ҳаммасига, учинчидан, ўзи қип-қизил гўшт бўлган бу одам ўз касбига кўра жарроҳ, лекин кейинги пайтларда руҳий касалликлар билан жуда қизиқиб қолган, сенга келганда, сенинг бугун Заметов билан қилган муомаланг унда бутунлай бошқача бир фикрлар қўзғатган.

– Заметов сенга ҳаммасини айтиб бердимми?

Айтиб берди, айтгани ҳам жуда яхши бўлди. Мен энди ҳаммасини таг-тагигача тушундим, Заметов ҳам тушунибди... Шундай, Родя, гапнинг пускалланини айтганда... гап шундаки... мен бир оз маст бўлиб қолбман... Майли зарари йўқ... Гап шундаки, ўша бир фикр... Тушуниясанми? Уларни шубҳага солиб турган эди... Тушуниясанми? Яъни уларнинг биронтаси ҳам буни барала овозини чиқариб айтишга журъат қилмаган бўлсалар ҳам негаки, фирт бўлмагур гаплиги кундай равшан, кейин анави бўёқчини қўлга туширганларидан кейин шубҳалари совун кўпигидай ҳавога учиб кетган буткул. Ўзларини кўрмайсанми, жинниларни? Мен ўшанда Заметовни бир оз калтаклаган ҳам бўлдим, лекин жон дўстим, бу гап ўртамизда қолсин; буни били-

шингни зифирча бўлса ҳам юзага чиқарма; тагин қитиғига тегиб юрмасин; Лавизаникида бўлувди, лекин бугун, бугун ҳаммаси ойдинлашди. Ҳаммадан ҳам Илья Петровични қарагин-а! Ўшанда идорада ҳушдан кетиб қолганингдан фойдаланмоқчи бўлибди, кейин бундан ўзи ҳам уялиб юрибди; мен биламан-ку...

Раскольников жон қулоғи билан тингларди. Разумихин мастлик қилиб оғзидан гуллаб қўймоқда эди.

– Жуда ҳам ҳаво ёмон дим эди ўшанда, мой-бўёқнинг ҳиди келиб турувди, шундан ҳушимдан кетиб қолибман, – деди Раскольников.

– Гапириб ўтирганингни қара шуни! Гап фақат бўёқда эмас: зотилжам бир ой илгари бошланган экан; ана, Зосимов айтсин! Фақат анов болакайнинг тоза мазаси қочди, сувга тушган нондай бўлиб қолди, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан! «Мен у кишининг тирноғига ҳам арзимас эканман!» дейди. Яъни сенинг тирноғингга. Баъзан қараб турсанг, биродарим, у ҳам жуда кўнгли оқ йигит. Лекин сен бугун «Биллур сарой»да унга берган сабоқни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди, бу камолот! Ахир, олдин сен уни жуда қўрқитиб юборибсан, буклаб ёғжимлаб ташлабсан! Гўё аҳмоқона шубҳаларини тасдиқлагандай бўлибсан, кейин бирдан кутилмаганда бармоғингни чиқариб: «Мана сенга, керак бўлса ол!» дебсан! Аъло! Мажақлаб ташлабсан, миқ этолмайдиган қилиб қўйибсан! Уларни худди мана шундай қилиб боплаш керак. Эҳ, мен бўлмабман-да! Сени ҳозир жуда кўргиси келиб ўтирувди. Порфирий ҳам сен билан танишмоқчи...

– А... У ҳам борми... Нега мени унда телбага чиқаришмоқчи экан?

– Нега энди телбага бўлар экан. Мен, биродарим, сенга бекор кўп гапларни валақлаб айтиб қўйдим шекилли. Кўрдингми уни бир нарса жуда қизиқтириб қўйган, яъни сен нуқул шу бир масалага келганда ўзингни бошқача тутгансан; энди нега бошқача тутганлигинг маълум; бутун аҳволдан хабардор бўлгандан кейин... Ўшанда бу нарса нега сени жуда қаттиқ ҳаяжонга солганлиги ва бу касалингга уланиб кетиши... Мен, биродарим, озроқ маст бўлиб қолдим, фақат яна ким билади дейсан, унинг бир фикри бор... Айтяпман-ку сенга: руҳий касалликларнинг жинниси бўлиб қолган деб. Тупур бу гапларнинг барига сен...

Бир зум улар жим бўлиб қолдилар.

– Қулоқ сол, Разумихин, – гап бошлади Раскольников, – мен сенга тўғриси айтмоқчиман: мен ҳозир ўлган одамнинг олдидан келаётирман, бир хизматчи ўлди... Мен у ерда ҳамма пулларимни бериб келаётирман... Бундан ташқари у ерда мени шундай маъсум бир фаришта ўпиб қўйдикки, агар мен бировни ўлдирган тақдиримда ҳам у... Мени қўшиб... гапнинг қисқаси, мен у ерда яна бир бошқа хилқатни ҳам кўрдимки... Қизил пат қадаганлардан... айтмоқчи, мен жуда кўп валақлаб юбораётирман; жуда жонимда жон қолмади, мени суяб ол... Ҳозир зина келади...

– Сенга нима бўлди? Сенга нима бўлди? – сўрар эди чўчиб кетган Разумихин.

– Бошим бир оз айланиб кетяпти, фақат гап бунда эмас, гап шундаки, жуда ҳам юрагим сиқилиб кетяпти, жуда ҳам! Худди хотинларга ўхшаб... Рост! Қара, нима бу? Қара, қара!

– Нима ўзи?

– Нима, кўрмаяпсанми? Менинг хонамда чироқ ёқилган, кўряпсанми? Ёруғ тушиб турибди тирқишдан...

Улар охирги зинадан пастда бека уйининг эшиги олдида турар эдилар, чиндан ҳам пастдан Раскольниковнинг хонасида чироқ ёқилгани кўриниб турарди.

– Қизиқ! Настасьядир балки, – деди Разумихин.

– У ҳеч қачон бундай маҳалда менинг хонамга кирган эмас, бунақа маҳалда у ухлаб ётади, лекин... менга бари бир! Хайр!

– Нима деяпсан? Сени кузатиб қўяман, бирга кирамиз уйингга!

– Бирга киришимизни биламан, лекин сен билан шу ерда хайрлашмоқчи, қўлларингни сиқиб қўймоқчи эдим. Қани қўлингни бер, хайр!

– Сенга нима бўлди, Родя?

– Ҳеч нарса, кетдик, сен гувоҳ бўласан...

Улар зинадан юқорига кўтарила бошладилар, шунда Разумихиннинг хаёлидан, балки Зосимов ҳақ бўлса керак, деган фикр ўтди. «Эҳ! Валдир-вулдир қилиб миясини ҳам гангитиб юбордим!» – тўнғиллади у ўзича. Шунда эшикка яқинлашиб, улар уй ичидан келаётган овозларни эшитдилар.

– Нима гап ўзи? – қичқирди Разумихин. Раскольников биринчи бўлиб эшикка қўл узатди ва уни ланг очиб юборди ва остонада тошдай қотиб қолди.

Ойиси ва синглиси диванда ўтиришиб, уни бир ярим соатдан бери кутмоқда эдилар. Бугун яна хабар келганига қарамасдан уларнинг тез орада, ҳали замон келиб қолишлари мумкинлиги ҳақида нега ўйламади, нега ҳамма нарсани кутган эди-ю уларни кутмаган эди? Улар бир ярим соатдан бери Настасьядан бири олиб, бири қўйиб сўрайвериб эслари кетган эди. Настасья эса уларга барча гапларни оқизмай-томизмай айтиб берганди. Унинг бугун «қочиб кетганлигини» эшитгандан кейин, қўрқувдан ўтакалари ёрилгудай бир аҳволга келган эдилар, бу-

нинг устига уни касал, алаҳлаб ётган эди, деб эшитиб ташвишлари янада ортган эди: «Ё Раббий, унга нима бўлган ўзи!» Икковлари ҳам хун бўлиб йиғлашган, икковлари ҳам шу бир ярим соат ичида жаҳаннам азобини бошдан кечирган эдилар.

Раскольников келиши билан шоду хуррамлик садолари янгради. Икковлари ҳам ўзларини унга қараб отишди. Лекин у ўлик-тиригини билмай турарди; унинг онги уйфонган, бу уйфонишга чидаб бўлмас, уйфониш уни яшин каби урганди. Уларни қучоқлагани, ҳатто қўлларини ҳам кўтаролмасди. Ойиси билан сингиси уни қучоқлаб, бағриларига босишар, ўпишар, кулишар, кўз ёши қилишарди... У бир қадам ташлади, гандираклаб кетди ва ҳушдан айрилиб, ерга қулади.

Ваҳима, қўрқинч чинқириқлар, инграган саслар... Остона олдида турган Разумихин хонага отилиб кирди, беморни ўзининг қудратли қўлларига олди ва дарҳол уни диванга ётқизди.

– Зарари йўқ, зарари йўқ! – деб қичқирарди у Раскольниковнинг ойиси билан сингисига, ҳушдан кетди, ўтиб кетади! Ҳозиргина шифокор айтди, у яхши бўлиб қолди деди, у бутунлай соғайиб кетган, деди! Сув! Ана, айтмадимми, ўзига келяпти, ана кўзларини очди!..

У Дунечканинг қўлларидан қайириб юборай деб ушлаб, «кўзларини очганлигини» кўрсатиш учун энгаштириб кўрсатди. Раскольниковнинг ойиси ҳам, сингиси ҳам Разумихинни бизга Худонинг ўзи етказди, деб туришар, унга миннатдорчилик ва меҳр билан тикилишарди; улар суюкли Родялари касал бўлиб қолганда, бу йигит қанчалар меҳр-оқибат кўрсатганлигини Настасьядан эшитишган ва ўша куниеқ икковлари гаплашиб ўтирганларида, Пульхерия Александровна Раскольникованинг ўзи қизи Дуняга бу қанчалар «ғайратли йигит экан-а», деб мақтаган эди.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### I

Раскольников қаддини кўтариб диванга ўтирди.

У боятдан бери ойиси билан синглисини юпатман, деб тили тутила-тутила жон куйдираётган Разумихиннинг овозини ўчириш учун унга заиф қўл силтаб қўйди ва ойиси билан синглисининг қўлларидан индамай ушлаб олдида, анчагача уларга термилиб қараб қолди. Ойиси унинг бу қарашидан кўрқиб кетди. Бу нигоҳда уқубатга тўла кучли бир туйғу акс этар, айнаи замонда унинг нигоҳи қотиб қолганга ўхшар, ҳатто телбанамо бўлиб кўринарди. Пульхерия Александровна йиғлаб юборди.

Авдотья Романовнанинг ранги оқариб кетганди; унинг акаси ушлаб турган қўллари қалтирарди.

– Уйга боринглар... у билан, – деди Раскольников хириллаган товуш билан Разумихинни кўрсатиб, – эрта учрашамиз, эртага ҳаммаси... Келганларингизга анча бўлдимиз?

– Кечқурун келдик, Родя, – деб жавоб берди Пульхерия Александровна, – поезд жуда ҳам кечикиб қолди. Лекин, Родя, энди мен сира ҳам сенинг олдингдан нари кетмайман! Мен шу ерда қоламан, ёнингда...

– Мени қийнаманглар! – деди у зарда билан қўлларини силкиб.

– Мен унинг олдида қоламан! – деб қичқирди Разумихин, – бир дамга ҳам унинг олдидан нари кетмайман, меҳмонларим ўзлари бир амал-тақалини қилишар, менга деса бошларини деворга уриб ёрсинлар! Амаким раислик қилиб туради.

– Раҳмат сизга, биздан қайтмаса Худодан қайтсин! – деб гап бошлаган эди Пульхерия Александровна Разумихиннинг қўлларини сиқиб, лекин Раскольников яна унинг сўзини бўлди.

– Истамайман, мен истамайман, – дея жаҳл билан такрорларди у, – қийнаманглар! Бўлди, бас, боринглар... Истамайман!...

– Юринг, ойижон, жуда бўлмаса бирпасга хондан чиқиб турайлик, – шивирлади кўрқиб кетган Дуня, – бирпас кўзларига кўринмай қўя қолайлик.

– Ўзи қандоқ бўлди, наҳот уч йилдан кейин унинг дийдорига тўйиб қарай олмасам! – йиғлаб юборди Пульхерия Александровна.

– Тўхтанглар! – Раскольников тўхтатди яна уларни, – нуқул менинг гапимни бўлиб қўясизлар, ўзи миям чалкашиб турибди... Лужинни кўрдиларингизми?

– Йўқ, Родя, лекин у бизнинг келганлигимизни билади. Биз эшитдик, Родя, Петр Петрович меҳрибончилик қилиб сени кўргани келган экан, – чўчинқираган бир алпозда қўшиб қўйди Пульхерия Александровна.

– Ҳа... Жуда ҳам меҳрибончилик қилиб кетди... Дуня, мен боя Лужинга агар яна келсангиз, сизни зинадан итқитиб ташлайман, дедим, ҳайдаб юбордим, қайга борса шу ёққа борсин...

– Родя, сенга нима бўлди! Сен, албатта... демоқчисанки, – Пульхерия Александровна шундай дея кўрқибгина гап бошлади-ю, лекин Дуняга қараб индамай қолди.

Авдотья Романовна акасидан кўзларини узмай тикилиб, яна нима дер экан, деб кутиб турарди. Ҳар икковлари ҳам бўлиб ўтган жанжални Настасьянинг оғзидан эшитишган. Настасья ҳам воқеани ўзи билганча ва тушунганча гапириб берган,



она-бола нима гап бўлганлигига ақллари етмай, музтар бўлиб қолгандилар.

– Дуня, – деди базур тили гапга айланиб Раскольников, – мен бу никоҳни истамайман, шунинг учун ҳам сен эртага у билан кўришган замонинг масалани очик қилишинг керак, Лужиннинг афт-ангорини бу ерларда бошқа кўрмайлик.

– Ё Раббим! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

– Ака, нима деётганингизни ўйлаб кўринг! – қизишиб гап бошлаган эди Авдотья Романовна, лекин дарров ўзини тутиб олди. – Сиз ҳозир жуда чарчагансиз, тобингиз йўқ, – деди у ювошгина.

– Алаҳдаяпти, деб ўйлаяпсанми? Йўқ... Сен Лужинга мени деб турмушга чиқмоқчисан. Менга эса бунақа қурбонликнинг кераги йўқ. Шунинг учун эртага унга... Бўлмайди, деб хат ёз... Эрталаб менга ёзганингни кўрсатасан, вассалом!

– Мен бундай қилолмайман! – деб қичқирди хафа бўлиб кетган қиз. – Нима ҳақингиз борки...

– Дунечка, сен ҳам қизишиб кетяпсан, бас қил, эртага... Ахир, ўзинг кўрмаяпсанми... – қўрқиб кетди она ўзини Дуняга ташлаб. – Оҳ, яхшиси, юринглар, чиқайлик!

– Алаҳдаяпти! – деб қичқирди ширакайф Разумихин, – бўлмаса сира бундай демасди! Эртага ҳаммаси кўрмагандай бўлиб кетади... Бугун ростдан ҳам уни ҳайдаб юборди. Шунақа бўлиб қолди. У одамнинг кейин жаҳди чиқиб кетди... Бу ерда тоза нотиқлик қилди, қанчалар билимдонлигини кўрсатди, кейин думини қисиб жўнаб қолди...

– Демак, ҳаммаси рост экан-да? – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

– Эртагача, ака, – деди юраги ачишиб Дуня, – юринг, ойижон... Хайр, Родя!

– Галимни эшитдингми, синглим, – деди Раскольников сўнгги кучларини бир ерга жамлаб, – мен алаҳдаётганим йўқ; бу никоҳ – пасткашлик. Майли, мен аблаҳ бўла қолай, лекин сен бундай қилмаслигинг керак... Бошқа биров... Мен ит бўлсам ҳам, лекин синглим шундай қиладиган бўлса, у менинг синглим эмас. Ё мен, ё Лужин! Боринглар...

– Нима, жинни бўлиб қолдингми! Золим! – бўкириб юборди Разумихин, лекин Раскольников унга жавоб бериб ўтирмади, балки жавоб беришга қурби ҳам қолмаганди. У диванга ётди ва бутунлай ҳолдан тойган кўйи деворга юзини ўгириб олди. Авдотья Романовна Разумихинга ғалати бир қараб кўйди; унинг чаросдек кўзлари йилтираб кетди, ҳатто Разумихин бу нигоҳдан сесканиб тушди. Пульхерия Александровна тошдек қотиб қолганди.

– Мен сира ҳам унинг олдидан кетолмайман! – дерди у Разумихинга нима қилишини билмай изтироб ичида мен шу ерда бирон жойда қоларман... Дуняни олиб бориб қўйинг.

– Ишнинг пачавасини чиқарасиз! – дея шипшиди Разумихин ҳам асабийлашиб, – жуда бўлмаса зинага чиқиб турайлик. Настасья, чироқни ёқ! Сизга қасам ичаманки, – деб овозини пасайтириб давом этди у зинага чиққанларидан кейин, – у боя бизни сал бўлмаса калтаклай деди! Шифокор ҳам бор эди! Тушуняпсизми буни! Шифокорни-я! Шундан кейин шифокор унинг асабига тегмаслик учун чиқиб кетди, мен пастда пойлаб қолдим, у бўлса кийинди-ю чиқиб кетибди. Агар жаҳдини чиқарадиган бўлсангиз, яна қочиб кетади ёки кечаси ўзини бир нарса қилиб қўяди...

– Вой, нима деяпсиз!

– Бундан ташқари Авдотья Романовна ҳам бир ўзлари меҳмонхонада туришлари ақдан эмас!

Қаерда турганлигини унутманг! Ахир, бу пасткаш Петр Петрович шундан кўра тузукроқ жой топмаганлигини қаранг-чи... Биласизми, мен озгина маст бўлиб қолдим, шунинг учун... Сўкиниб юбордим шекилли; эътибор бермангиз...

– Лекин мен уйнинг бекасига учрашаман, – деб гапидан қайтмасди Пульхерия Александровна, – мен ундан бир кечага Дуня икковимиз тунаб қолишимизга жой беришини сўрайман. Мен уни бу аҳволда ташлаб кетолмайман, кетолмайман!

Улар бу гапларни бека уйи эшиги рўпарасида туриб гаплашмоқда эдилар. Настасья зинанинг пастиди чироқ тутиб турарди. Разумихин ҳаддан ташқари қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда эди. Ярим соат олдин у Раскольниковни уйга кузатиб кела туриб жуда ҳам тили эшилиб кетган, буни ўзи ҳам сезиб турган, лекин жуда кўп ичган бўлишига қарамай тетик ва деярли ақли-ҳуши жойида эди. Ҳозир бўлса у фавқулодда суръатда жўшиб кетган, худди ҳамма ичган ичкилиги бирдан зўрайиб миясига уриб кетганга ўхшарди. У хонимларнинг қўлларини қаттиқ ушлаб олганча уларни кўндиришга уринар, нима учун шундай қилиш кераклиги ҳақида очиқ-сочиқ далил-исботлар келтирар ва ўз сўзларига ишонтириш мақсадида бўлса керак, икки гапнинг бирида уларнинг қўлларини қаттиқ оғритиб сиқар, Авдотья Романовнага еб қўядигандай суқ билан тикилар ва бу ишидан сира уялмасди. Улар жонлари оғригандан кейин унинг товоқдай келадиган суякдор қўлларидан қўлларини тортиб олишар, у гап нимада эканлигини фаҳмамасдигина эмас, балки уларни олдингидан ҳам қаттиқроқ бағрига тортарди. Агарда шу тобда улар шу зинадан ўзингизни пастга ташланг, деб айтишса, у ҳеч иккиланмасдан ўйлаб ўтирмай ўзини пастга отган бўларди. Пульхерия Алексан-

дровнанинг бутун эс-ҳуши Родясида бўлса ҳам бу йигитнинг ҳаддан ташқари жўшиб ўзидан кетиб турганлигини, қўлларини жуда ҳам қаттиқ сиқаётганлигини сезар, лекин назарида у фариштадай туйилганлиги учун қилиб турган қилиқларини сезиб-сезмасликка олар эди. Авдотья Романовна ҳам у қадар юраксиз одамлар тоифасидан бўлмаса-да, лекин худди ойисига ўхшаб ташвишланиб турар, акасининг дўсти ўзига оловли нигоҳ ташлаганда бундан ҳайратга тушар, чўчинқирар, фақат Настасьянинг бу ғалати киши ҳақидаги сўзларига бўлган беҳад ишонч уни ойисини етаклаб қочиб кетишдан сақлаб турарди. У энди, ҳатто қочиб ҳам қутулиб бўлмаслигини англаб билиб қолганди. Бинобарин, ўн дақиқалардан сўнг у бутунлай ташвишланмай қўйди: Разумихин қандай кайфиятда бўлмасин, бирпасда ҳамма нарсани айтиб қўяр ва одамлар унинг қандай киши эканлигини дарров билиб олардилар.

– Беканинг олдига кириб бўлмайди, ўзига етганча бир қайнови ичида хотин! – қичқириб ишонтирмоқчи бўларди у Пульхерия Александровнани. – Сиз унинг онаси бўлсангиз ҳам, лекин бу ерда қолсангиз, унинг жуда ёмон аччиғи чиқиб кетади, унда нима бўлишини ёлғиз Худонинг ўзи билади! Менга қаранг: бундай қиламиз, унинг олдида Настасья ўтириб туради, мен бўлсам, сизларни меҳмонхонага олиб бориб қўяман, бўлмаса Петербургда ёлғиз юришингиз яхшимас, бизда бу ишлар... Қўйинг, қуриб кетсин!.. Кейин сизларни ташлаб бу ёққа қайтиб келаману сизларга ярим соат ўтар-ўтмас нима гаплиги ҳақида хабар олиб келаман: у қандай аҳволда? Ухлаяптими, йўқми ва ҳоказо. Кейин, қулоқ солинг! Кейин сизнинг олдингиздан тўғри уйимга бориб келаман, меникида бутун меҳмонлар бор, ҳаммаси маст, у ердан Зосимовни

олиб – бу уни даволаётган шифокор, у ҳозир меникида ўтирибди, маст эмас; у маст эмас, у ҳеч қачон маст бўлмайди! Уни олиб Родьканинг олдига борамиз, кейин сизларнинг олдингизга қайтиб келамиз, соат бирда у ҳақда иккита хабар эшитасиз, биттаси шифокордан, ҳа, худди шифокорнинг ўз оғзидан; мендан эшитганингиз бошқа, шифокорнинг ўзи айтгани бутунлай бошқа! Агар иш чатоқ бўлса, сизларни ўзим бу ерга олиб келаман, яхши бўлса, бемалол ётиб ухлайверасизлар. Мен бўлсам, кечаси билан шу ерда қоламан, даҳлизда ётаман, у билмайди, Зосимовга бўлса беканикида қоласан дейман, шу орада бўлиб турмаса бўлмайди. Ўзингиз айтинг, ҳозир унга сиз бўлганингиз яхшими ёки шифокор бўлганими? Ахир, шифокор бўлса фойдалироқ-ку, фойдалироқ-ку. Шундай бўлгандан кейин ҳозир бориб ётинглар. Беканинг уйига мумкин эмас, менга мумкин, сизларга мумкин эмас; уйига киритмайди, чунки... Чунки у жуда жинни хотин. Агар билсангиз, у Авдотья Романовнани кўриб рашк қила бошлайди, сиздан ҳам қизғанади мени... Авдотья Романовнага бўлса ҳеч шубҳасиз рашк қилади. Жуда, жуда бир қайнови ичида хотин! Мен ўзим ҳам аҳмоқман... Нима бўпти! Юринглар! Менга ишонасизларми? Қани, айтинглар-чи, менга ишонасизларми, йўқми?

– Юринг, ойижон, – деди Авдотья Романовна, – у худди айтганидай қилади. У акамни қайта тирилтирибди, агар ростдан ҳам шифокор бу ерда ётиб қолишга рози бўлса, бундан яхши нима бор?

– Мана сиз... Сиз... Мени тушунасиз, чунки сиз – фариштасиз! – жўшиб қичқирди Разумихин. – Кетдик! Настасья! Дарров тепага чиқиб, унинг олдидан қимирламай чироқ ёқиб ўтир; мен ярим соатлардан кейин келаман...

Пульхерия Александровна бутунлай рози бўлмаган эса-да, лекин бошқа қаршилиқ қилмай қўйди. Разумихин уларнинг икковларини ҳам қўлтиқлаб олди-да, зинадан олиб тушиб кетди. Шундай бўлса ҳам, лекин Пульхерия Александровна Разумихиндан бирмунча ташвишланиб турарди: «чаққон, ғайратли йигит, ўзи оқ кўнгил бўлса ҳам, лекин мана бу аҳволда айтганининг уддасидан чиқармикин?»

– Э, энди билдим, менинг бу аҳволдалигимни кўриб ўйлаб қолдингиз! – худди унинг нима ҳақда ўйлаётганлигини билгандай деди Разумихин йўлкадан катта-катта қадамлар ташлаб бораркан, иккала аёл унинг ортидан зўрға етиб юришар, Разумихин эса бунга эътибор бермасди. – Бўлмаган гап! Яъни демоқчиманки... Мен ғирт маст бўлиб қолибман, лекин гап бунда эмас; мен ичкиликдан маст бўлганим йўқ. Мен сизларни кўришим билан шундай бўлиб қолдим, миямга уриб кетди... Менга қараманглар! Эътибор бериб ўтирманглар; алдадим; мен сизга арзимаيمان... Мен мутлақо сизга арзимаيمان!.. Мен сизларни олиб бориб қўйишим билан бошимдан сув қуяман-да, дарров ўзимга келиб оламан... Сизларни қанчалар севишимни билсангизлар эди!.. Кулмангиз ва хафа бўлмангиз!.. Ҳаммадан хафа бўлсангиз ҳам мендан хафа бўлмангиз!.. Мен унинг дўстиман, шундай бўлгандан кейин сизларнинг ҳам дўстингизман. Мен шундай бўлишини хоҳлайман... Мен шундай бўлишини билувдим... Бултур, шундай бир пайт бўлиб қолувди... Нима деяпман ўзим, бундай бўлишини қаердан ҳам билардим, нега десангиз, сизлар менга худди осмондан тушгандай бўлиб кўриндингизлар. Мен энди кечаси билан ухламасам керак... Зосимов яқинда у тагин ақдан озиб қолмасмикин,

деб кўрққан эди... Мана шунинг учун унинг жаҳлини қўзитмаслик керак...

– Нима деяпсиз ўзингиз! – қичқириб юборди она.

– Наҳотки, шифокорнинг ўзи шундай деб айтган бўлса? – сўради кўрқиб кетган Авдотья Романовна.

– Айтган, лекин гап бунда эмас, бунда эмас. У дори ҳам тайёрлаб берди, мен ўзим кўрдим, шу пайт сизлар келиб қолдингизлар. Эҳ!.. Сизлар эртага келганларингизда яхши бўларди! Кетганимиз хўп яхши бўлди-да. Бир соатдан кейин Зосимовнинг ўзи сизларга ҳаммасини айтиб беради. У ҳеч қачон маст бўлмайди! Мен ҳам маст бўлмайман... Нимадан бунча кўп ичиб юборибман, ҳайронман? Э, баҳслашиб қолдик, мени баҳсга тортишди ярамаслар! Ўзимга ўзим минг маротаба айтаман: ҳеч қачон баҳслашиб ўтирма дейман!.. Қаёқдаги гапларни гапиришади ўзлари! Сал бўлмаса уришиб қолай дедим! У ерда амакимни қолдириб келганман, раис қилиб... Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳеч қайсиси ўзига ўхшамайди, ўзига ўхшамасликни талаб қилишади, ҳамма гап мана шунда деб ўйлашади. Нима қилиб бўлмасин, ишқилиб ўзлигига ўхшамаса, ўзидан бошқачароқ кўринса! Мана шуни улар ўзларича тараққиёт чўққиси деб ҳисоблайдилар. Ёлғон гапирсалар ҳам ўз ичларидан тўқиб ёлғонласалар майли эди, ваҳоланки...

– Менга қаранг, – деб кўрди Пульхерия Александровна ботинмайгина, лекин бундан Разумихин яна ҳам аланга олиб кетди.

– Сиз ўзингиз нима деб ўйлаяпсиз? – қичқирди Разумихин овозини янада баландроқ кўтариб, – мени уларнинг ёлғон гапларига тарафдор деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап! Мен ёлғон гапирганларни яхши кўраман! Алдоқчилик инсонни бошқа барча мавжудотлардан устун қилиб турадиган

бирдан-бир нарса. Алдасанг, ҳақиқатга етиб борасан! Мен алдоқчилик қилганим учунгина одамман. Олдиндан ўн тўрт маротаба алдамасдан туриб биронта ҳақиқатга етиб бормаганлар, балки бир юзу ўн тўрт маротаба алдагандирлар, бу эса ўз навба-тида анча фахрланса арзийдиган нарса; биз бўл-сак, ўз ақлимиз билан алдашни ҳам билмаймиз! Сен мени алда, лекин алдаганда ўз ақлинг билан алда, ана ўшанда мен сени балким ўпиб қўяман. Ўз ақлинг билан алдаш бу бошқаларнинг ақли би-лан ҳақиқатни сўйлашдан минг карра яхшироқ; ўз ақлинг билан алдасанг, сен одамсан, бўлмаса сен паррехта паррандасан! Ҳақиқат қочиб кетмайди, ҳаётни эса бой бериб қўйиш мумкин; кўрганмиз. Ҳўш, ҳозирги аҳволимизда бизни ким дейиш мум-кин? Ҳеч бир истисносиз бизнинг ҳаммамиз фан, тараққиёт, тафаккур, кашфиётлар, идеаллар, ис-таклар, кўнгилчанлик, ақл-идрок, тажриба ва ҳоказо, ва ҳоказо ҳамма, ҳамма, ҳамма, ҳамма ма-салаларда гимназиянинг биринчи тайёрлов син-фида ўтирибмиз! Бошқаларнинг ақли билан ти-рикчилик қилиш жуда ёқиб қолган, тўйиб кетдик! Шундаймасми? Мен рост гапиряпманми? – қичқи-рарди Разумихин хонимларнинг қўлларини ушлаб олиб силкитаркан, – шундаймасми?

– Ё Раббим, мен билмайман, – деди зўрға Пуль-херия Александровна.

– Шундай, шундай... Мен гарчи ҳамма гапин-гизга қўшилмасам ҳам, – деб ўртага қўшилди Ав-дотья Романовна ва шу пайт қичқириб юборди, Разумихин унинг қўлини шунчалар қаттиқ қисиб юборганди.

– Шундайми? Сиз шундай деяпсиз, а? Шу га-пингиздан кейин сиз... сиз... – қичқирди у шодли-ги ичига сиғмай, – сиз яхшиликнинг, покизалик-нинг, ақл-идрокнинг чашмасисиз... Сиз комила-сиз! Қўлингизни менга беринг, қўлингизни... Сиз



ҳам қўлингизни берингиз, сизларнинг қўлларингизни мен шу ернинг ўзида ҳозир тиз чўкиб туриб ўпиб қўймоқчиман!

Шундай деб у яхшиямки, ҳозир кимсасиз бўлган йўлканнинг ўртасида тиз чўкди.

– Бас қилинг, сўрайман сиздан, нима қиляпсиз ўзи? – қичқириб юборди ғоятда безовталанган Пульхерия Александровна.

– Туринг, туринг! – ҳам кулиб, ҳам ташвишланиб дерди Дуня.

– Қўлларингизни бермагунларингизча ўрнимдан турмайман! Ана бўлди, мана ўрнимдан турдим, юринглар, кетдик энди! Мен бахтсиз лакалов бир одамман, мен сизга арзимаيمان, маст бўлиб қолдим, олдингизда жуда уятлиман... Сизни севгани ҳам журъат қилолмайман, лекин сизнинг ҳузурингизда изҳори қулик қилиб туриш ҳар кимнинг бурчи, мабодо агар у тўнғиз бўлмаса! Шунинг учун мен ҳузурингизда тиз букдим... Мана сизлар турадиган жой, боя Родион сизнинг Петр Петровичингизни ҳайдаб юбориб тўғри иш қилган экан! Сизларни бунақа ерга жойлаштиришга қандай қилиб журъат қилдийкин? Жанжалнинг уяси! Бу ерда кимлар туради, биласизларми? Ваҳоланки: ахир сиз қаллиғисиз-ку! Сиз унинг қаллиғимисиз? Унда сизга айтиб қўйишим керакки, сизнинг бўлажак куёвингиз жуда ҳам тубан одам экан шундан кейин!

– Менга қаранг, жаноб Разумихин, сиз унутиб қўйяпсизки... – деб гапга оғиз очди Пульхерия Александровна.

– Рост, рост, гапингиз тўғри, мен билмабман, миям қурсин! – деди хатога йўл қўйганлигини бирдан англаб қолган Разумихин, – лекин... лекин... Мен бундай деганимга жаҳдингиз чиқмасин! Нега десангиз, мен чин юракдан айтяпман, хаёлимда бошқа нарса йўқ... Ҳм! Бу жуда пасткашлик

Бўлар эди; тагин хаёлингизга бошқа гапни келтирмангки, яъни... Ҳм!.. Майли, керак эмас, буни айтмай қўя қолай!.. Биз бўлсак, у одам кириб келиши билан унинг бизга ўхшамаган бутунлай бошқа тоифадаги киши эканлигини тушуниб қолдик. Саргарошга бориб, сочларини жингалак қилиб келганлиги учун эмас, йўқ, ўзининг билимдонлигини пеш қилганлиги учун ҳам эмас, балки у айғоқчи ҳамда олибсотар бўлганлиги учун; палид ва лўттибоз бўлганлиги учун, бу шундай кўриниб турибди. Сиз уни ақлли деб ўйлаяпсизми? Йўқ, у аҳмоқ, аҳмоқ! У сизга сира ҳам муносиб эмас! Ё Раббим! Менга қаранглар, хонимлар, – деди у хоналарга чиқиш учун зиналардан кўтариларкан, бирдан юришдан тўхтаб, – ҳозир меникида ўтирганларнинг ҳаммаси ҳозир маст бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳаммалари виждонли одамлар, ва биз мабодо, ёлғон гапираётган бўлсак, мен ҳам шунинг учун ёлғон сўзлайман, ёлғон гапира-гапира ахир бир кун ҳақиқатнинг устидан чиқамиз, негаки, бизнинг йўлимиз олижаноб йўл, Петр Петрович бўлса... Жўнроқ йўлда турибди. Мен ҳозир улар билан тоза сўкишиб чиққан бўлсам ҳам, лекин уларнинг ҳаммаларини ҳурмат қиламан, ҳатто Заметовни ҳурмат қилмасам ҳам, аммо яхши кўраман, негаки, у ҳалл кучук бола! Ҳаттоки, мана шу тўнғиз Зосимовни ҳам яхши кўраман, чунки у ҳалол ва ўз ишини биладиган одам... Бўлди, энди етар, ҳамма гапларни айтиб бўлдик, мени кечиргандирсизлар. Кечирдингизларми? Ростми? Қани, юринглар. Мен бу ерни биламан, бу ерда бўлганман; мана бу учинчи хонада жанжал бўлган эди... Қани, сизларники қайси хона? Қайсидасизлар? Саккизинчи? Бўпти, кечаси ичидан беркитиб олинглар, ҳеч кимни киритманглар. Ярим соатлардан кейин сизларга хабарини етказаман, ундан кейин яна ярим соатлардан

сўнг Зосимов билан бирга қайтиб келаман, кўрасиз ҳали! Ҳозирча хайр, чопдим!

– Ё Раббим, Дунечка, нима бўлди энди? – деб сўради қизидан қўрқиб, хавотирга тушган Пульхерия Александровна.

– Ўзингизни тутинг, ойижон, – деб жавоб берди Дуня шляпаси билан мурсагини эғнидан ечаркан, – гарчи бу жаноб зиёфатдан келаётган бўлса-да, уни бизга Худонинг ўзи етказди. Унга ишонса бўлади, рост айтаман. Унинг шу пайтгача акамга қилган барча...

– Оҳ, Дунечка, келадими, йўқми, ҳали Худо билади! Родяни ташлаб келгани қандай кўзим қийди-я ўзи!.. Сира, сира уни бундай аҳволда кўрарман, деб ўйламагандим! Жуда ҳам тошбағир бўлиб қолибди, бизнинг келганимиздан худди хурсанд эмасдай...

Унинг кўзларида ёш филтиллади.

– Йўқ, ундай эмас, ойижон. Сиз яхши қарамадингиз, нуқул йиғлаб турдингиз. У жуда қаттиқ касалга чалинганга ўхшайди, ҳуши ўзида эмас, – ҳамма бало мана шунда.

– Оҳ, бу касал қайдан ёпишди! Энди нима бўлади, нима бўлади! Сенга айтган гапларини айтмайсанми яна, Дуня! – деди қизи нима деб ўйлаётганлигини билиш учун унинг кўзларига ботинмайгина тикиларкан. У Дуня энди акасининг ёнини олаётганлигидан ва демак, уни кечирганлигидан бир қадар таскин топган эди. – У эртага ўз гапини ўйлаб кўрса керак, бунга ишонаман, – деб қўшимча қилиб қўйди у ўсмоқчилаб.

– Мен бўлсам, у эртага ҳам шу гапни айтади, деб ишониб қолдим... У ҳақда, – узил-кесил ўз фикрини айтди Авдотья Романовна. Ҳамма ишқал мана шу ерда эдики, бунда гап бир нуқтага келиб тақалар ва Пульхерия Александровна энди бу

ҳақда офиз очишга жуда ҳам чўчинқираб турарди. Дуня келиб, ойисини ўпиб қўйди. Ойиси уни индамасдан маҳкам қучоқлаб олди. Кейин ташвишланган, хавотирланган ҳолда Разумихиннинг қайтиб келишини кутиб ўтирди, чуқур ўйга толганча қўларини чалиштириб, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган қизини ҳуркак назар билан кузата бошлади. Авдотья Романовна у бурчакдан-бу бурчакка юриб, ўй суришга одатланиб қолган, бунақа пайтларда унга халақит беришдан нима учундир доимо чўчиб турарди.

Разумихин Авдотья Романовнани кўриб эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Мастона бир хаёл билан юрагида муҳаббат ўти алангаланган Разумихин албатта кулгили кўринарди, лекин шу тобда қўлларини чалиштириб маҳзун хаёл суриб хонада юрган Авдотья Романовнани кўрган кишилар, Разумихиннинг бу аҳволини тушунган, балки ўша пайт ўзини йўқотиб қўйганига эътибор ҳам бериб ўтирмаган бўлардилар. Авдотья Романовна суқсурдай қиз эди, санамарастадай, қадди-қомати келишган, адл, ўзига ишонган, руҳи тетик эди. Буларнинг бари унинг барча хатти-ҳаракатларида билиниб турар, ҳаракатлари эса майин ва виқорга тўлиқ эди. У акасига жуда ўхшарди, лекин уни гўзал қиз, деб аташ мумкин эди. Унинг сочлари қорамтир сарғиш, акасиникига қараганда ранги юмшоқроқ эди; чаросдай кўзлари нурли, мунаввар, виқорли ва айни замонда айрим пайтларда беҳад меҳр билан боқарди. Унинг ранги оқаринқираган, лекин бу ўзига ярашиб турарди; чеҳраси тоза ва соғлом эди. Оғзи кичкина, гунчадай маъсум ва қип-қизил пастки дудоғи андаккина бўртиб чиқиб турар, ияги ҳам жиндак илгарига туртиниб чиққанди. Бу унинг бениҳоя гўзал чеҳрасига унчалик ўтиришмаса ҳам, лекин унга ўзгача бир ифода бағишлаб

турар, балки уни кибрли қилиб кўрсатарди. Унинг чеҳраси кўп маҳал кулгию қувончдан кўра жиддий бир хаёлчанликка мойил бўлиб кўринарди, лекин табассум қанчалар ярашарди бу чеҳрага, шўх, хандон-хушон қаҳқаҳалар қанчалар очиб юборарди бу чеҳрани! Жисмида қони кўпириб турган, содда, самимий, пок, бағри очиқ, паҳлавонлардай қудратли, бундай хилқатни умри бино бўлиб кўрмаган Разумихиннинг маст ҳолда ақлини йўқотиб қўйиши ажабланарли эмасди. Бунинг устига тасодиф билан Дуняни акаси билан кўришиб шодон ҳисларга тўлган бир ҳолатда кўрганди. У ўшанда сал ўтмай акасининг тошбағирлик, бераҳмлик, кўполлик билан айтган сўзларини эшитганда, пастки лаби аччиқ алам билан учиб тушганлигини ҳам кўрган ва шундан сўнг бутунлай эс-ҳушини олдириб қўйганди.

Айтмоқчи, у боя зинада Раскольниковнинг бекаси Прасковья Павловна мени Авдотья Романовнагагина эмас, ҳатто Пульхерия Александровнага ҳам ғаш кўради, деганда ҳақли эди. Пульхерия Александровнанинг ёши қирқ учга чиққан бўлишига қарамасдан, унинг юзидан гўзал хотин бўлганлиги ҳамон аён кўриниб турар, бунинг устига у ёшига қараганда анча ёшроқ кўринарди, одатда хаёли чалкашмаган, руҳи тетик-бардам, то қаригунга қадар юрагининг ўтини йўқотмаган аёлларда мана шундай бўлади. Қавс ичига олиб айтиб қўяйликки, буларнинг барини авайлаб сақлаш қариган чоғда ҳам чиройни йўқотмасликнинг бирдан-бир воситасидир. Унинг сочлари оқариб, сийраклаша бошлаган, кўзларининг теварагида билинар-билинмас ажинлар пайдо бўлган, ёноқлари ичига тушиб, йўқчиликдан, ғамдан тортилган, лекин бари бир унинг чеҳраси ҳамон гўзал эди. Бу Дунечка қиёфасининг худди ўзгинаси эди, фақат бу йи-

гирма йил ўтгандан кейинги Дунечка эди, яна бир фарқи унинг остки дудоғи Дунечканики сингари бўртиб турмасди. Пульхерия Александровна жуда таъсирчан аёл эди, лекин унинг таъсирчанлигида бачканалик йўқ эди, у тортинчоқ ва кўнгли бўш эди, лекин буларда у чегара нималигини ҳам биларди: у жуда кўп нарсаларга ён бериши, рози бўлиши ва, ҳаттоки, бунда ўз эътиқодига ҳам қарши бориши мумкин эди, лекин у ҳалолликда, ўзини тутиш, эътиқодда устувор тура билар, қаттиқ белгиланган бир чизикдан нарига ўтмас, бу чизикдан ўтишга уни ҳеч нарса мажбур қила олмасди.

Разумихин кетгандан сўнг роппа-роса йигирма дақиқа ўтгач, эшик секин, лекин шошилинич суръатда тақиллаб қолди; Разумихин қайтиб келганди.

– Кирмайман, вақт зиқ! – деди у эшикни очганларидан сўнг шошиб-пишиб, – маза қилиб уйқуни уриб ётибди, ҳаммаси жойида, тинчлик, майли, зора, шу ётишида ўн соат ухласа. Настасья унинг олдида ўтирибди; мен боргунимча ёнидан жилма, дедим. Энди Зосимовни олиб келаман, у сизга ўзи тушунтириб беради, кейин ётиб ухлайсизлар; кўриб турибман, жуда чарчагансизлар.

Шундан кейин у жўнаб кетди.

– Қандай уддабуро ва... садоқатли йигит экан-а!  
– деди ғоятда хурсанд бўлиб кетган Пульхерия Александровна.

– Жуда яхши кишига ўхшайди! – деди бирмунча қизғинлик билан Авдотья Романовна яна хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан.

Деярли бир соатлардан кейин яна йўлакда қадам товушлари эшитилди ва яна эшик тақиллади. Она-бола Разумихинга ишониб ҳамон кутиб ўтиришганди; чиндан ҳам у Зосимовни судраб олиб келганди. Зосимов зиёфатдан чиқиб дарҳол Раскольниковни кўргани боришга розилик билдирди,

лекин аёлларнинг олдига истар-истамас бўйнидан судрагандай қилиб келди, маст Разумихиннинг гапларига унчалар ишонқирамаганди. Лекин у келган заҳоти келганига хурсанд бўлди, ҳатто ийиб ҳам кетди: у ўзини чиндан ҳам жуда муштоқлик билан кутаётганларини кўрди. У роппа-роса ўн дақиқа ўтириб, бу вақт ичида Пульхерия Александровнани бутунлай кўнглини хотиржам қилди, уни ишонтирди. У худди йигирма етти яшар шифокор муҳим маслаҳат бераётгандай атайдан жиддий туриб, қисқа-қисқа гапирар, лекин гапирганда ҳамдард одамдай сўзларди, у касал ҳақидаги гапдан бир сўз бўлсин, четга чиқмади, хонимлар билан зиғирдай бўлсин, бошқа шахсий гаплардан гаплашмади. У кириб келаётгандаёқ Авдотья Романовнанинг қанчалар кўзни қамаштирадиган даражада гўзаллигини кўриб, шу заҳоти ўзини уни кўрмаганга олди ва ҳамма гапларини фақат Пульхерия Александровнанинг ёлғиз ўзига қарата айтди. Буларнинг бари унинг ўзига аллақандай ички қаноат ҳиссини берарди. Касал хусусида айтган гапи шу бўлдики, ҳозир унинг аҳволи анча тузук. Унинг кузатишига кўра, касалликнинг сабаблари кейинги ойлар ичида унинг моддий жиҳатдан оғир аҳволда қолганлиги ва яна айрим маънавий сабабларга боғлиқ экан, яъни: «жуда кўп мураккаб маънавий ва моддий таъсирлар, ташвишлар, хавф-хатарлар, хавотирли нарсаларнинг ҳосиласи дейиш мумкин бўлган бир нарса бор... ва ҳоказо». Авдотья Романовна бу гапларга бошқача бир эътибор билан қулоқ солаётганлигини кўриб, Зосимов бу масалага кенгроқ тўхталиб ўтди. Пульхерия Александровнанинг «руҳий хасталикнинг баъзи белгилари кўрилганлиги» хусусидаги ташвиш ва хавотир ичида берилган саволига у хотиржамлик билан кулиб, бу гаплар ортиқ даражада кўпирти-

рилган гаплар эканлигини тушунтирди. Лекин беморнинг калласида аллақандай турғун бир фикр ўрнашиб, у шунга берилиб кетган, шу берилиш туфайли унда савдойилик аломатлари зуҳур қилган, – Зосимовнинг гапига қараганда, у тиббиётнинг шу ғоятда ажойиб бир соҳасига жуда ҳам қизиқиб кузатиб юраркан, лекин, ҳатто шу бугунгача бемор алаҳлаш ҳолатида бўлганлигини эслайлик, ва... ва, албатта, яқинларининг келиши унинг руҳини анчагина кўтаради, кўнгли бир оз ёзилади ва унинг аҳволига яхши таъсир кўрсатади – «бунда янгидан содир бўлиши мумкин бўлган ножоиз қўзғалишларнинг олди олинса бас», деб қўйди у охирида жуда маънодор қилиб.

Кейин ўрнидан турди, очиқ чеҳра билан хайрлаша бошлади, хонимлар унга қизгин миннатдорчилик, раҳмат-ташаккурлар билдиришди, илтижоли сўзлар айтишди, ҳатто у истамаган бўлса ҳам Авдотья Романовна унга қўлларини чўзди, мана шундай муомала қуршовида у таъзим қила-қила чиқиб кетди, у бу ерга келганидан жуда хурсанд эди ва яна бир карра ўзидан мамнун бўлганди.

– Қолган гапларни эртага гаплашамиз; энди, албатта, ётиб ухланг! – уларнинг кўнглини янада кўтарди Разумихин, Зосимов билан чиқиб кетаркан. – Эртага иложи борича барвақт сизга хабарини олиб келаман.

– Роса кетворган, қулинг ўргилсин қизча эканми бу Авдотья Романовнаси! – деди Зосимов кўчага чиққанларидан сўнг танглайларини такиллади.

– Кетворган дедингми? Сен кетворган дедингми! – дея бўкириб юборди кутилмаганда Разумихин ва Зосимовга ташланиб унинг бўғзидан чангаллаб олди. – Агар сен бирон марта бўлсин унга кўз олайтирадиган бўлсанг... Билдингми? Билдингми? – қичқирарди у Зосимовнинг ёқаларидан тутиб,



силкитганича деворга ёпиштиаркан, – эшитдингми?

– Э, қўйиб юбор, жинни! – юлқинарди Зосимов, кейин Разумихин уни қўйиб юборгач, унга диққат билан қаради ва бирдан хандон отиб кулиб юборди. Разумихин унинг қаршисида қўллари солинтириб, оғир ва жиддий ўйга ботганча турарди.

– Мен ҳам эшакман ўзи, – деди у қовоғини қаттиқ уйиб, – лекин сен... сен ҳам.

– Йўқ, биродар, мен унчалик ҳам эмас. Мен бўлмағур нарсалар хусусида хаёл суриб юрмайман.

Улар миқ этмасдан йўлга тушдилар, фақат Раскольниковнинг уйига яқинлашиб қолганларида, Разумихин ғоятда ташвишли оҳангда жимликни бузди.

– Менга қара, – деди у Зосимовга, – сен ўзинг яхши боласан, лекин сен барча палид одатларингдан ташқари яна шилта боласан, шилта бўлганда ҳам жуда ифлос шилталардансан. Сен асабий, ожиз, иркит боласан, мазахўрак бўлиб қолгансан, сен жуда семириб кетгансан, шунинг учун кўнглингга келганини қилишга ўргангансан, мен худди мана шу нарсани ифлослик деб биламан, чунки у тўғри ифлосликка олиб боради. Сен ўзингни шу қадар авайлайсанки, шунчалар инжа, мазахўрак бўлиб кетгансанки, мен шу аҳволда қандай қилиб тузук табиб ва, ҳатто, фидокор шифокор бўлиб юрганлигингни тушунмайман. Ўзи пар тўшакда ётади-ю (шифокор бўла туриб!) кечаси яна бемор кўриш учун ўрнидан туради! Яна уч йилчадан кейин сен кечаси касал кўргани турмайдиган бўласан... Ҳа, айтгандай, гап бунда эмас эди-я, гап бундай: сен бугун беканинг уйида тунайсан (мен уни зўрға кўндирдим!), мен ошхонада ётаман: истасанг, бе-малол яқиндан танишиб олишларинг мумкин! Сен-

га тўғри келади! Лекин, биродар, бу сен хаёл қилган нарсанинг соясига ҳам ўхшамайди...

– Мен ҳеч нарсани хаёл қилиб турганим йўқ.

– Биродар, бунда шарм-ҳаё, сабр-тоқат, тортинчоқлик, кучли андиша ва шулар баробарида хўрсинишлар ва шамдай эришлар бор, ўлай агар, шундоқ эриб турибди! Ер юзидаги барча иблис шайтонлар ҳақи сўрайман, мени шу бекадан қутқар! Жуда сўлқиллаган ўзи!.. Қайтараман, жоним билан, бошим билан қайтараман!

Зосимов аввалгидан ҳам қаттиқроқ хахолаб кулди.

– Жуда ҳаддан ошиб кетдинг! Нима қиламан мен уни?

– Менга ишон, сендан ҳеч нарса кетмайди, фақат оғзингга келганини валақлаб ўтирсанг бўлгани, фақат олдида ўтириб, оғзинг гапдан тинмаса бас. Яна бунинг устига шифокорсан, касал-палини топиб, даволаш пайида бўл. Онт ичиб айтаманки, пушаймон бўлмайсан. Уникида клавиборд бор; биласан-ку, мен сал-пал тинфиллатиб ўтиришни биламан; менинг битта чинакам рус қўшиғим бор: «Қон йиғласам майлими...» деган. У хотин чинакам қўшиқларни жуда ёқтиради, борди-келдимиз ҳам шунақа ашуладан бошланган; сен фортепьянони жуда ўйнатиб юборасан-ку, пири комилсан, устодсан, Рубинштейн... Гапимга ишон, кейин аттанг деб юрмайсан!

– Э, сенга нима бўлган ўзи, ваъда-паъда бериб қўйганмисан нима бало? Қоғоз ёзиб берганмисан? Балки, Худо кўрсатмасин, уйланаман деб қўйгандирсан...

– Унақамас, унақамас, унақа гаплар бўлган эмас! У хотин иннайкейин унақа эмас; унга бир Чебаров деган...

– Ундай бўлса бошингни оғритиб нима қиласан!

– Шундай ташлаб кетиб бўлмайди-да!

– Нега энди бўлмас экан?

– Бўлмайди дегандан кейин бўлмайди-да! Биродар, бирмунча нозик томони бор.

– Ундай бўлса нега йўлдан урдинг?

– Мен уни йўлдан урган эмасман, аксинча, аҳмоқлигимдан бўлса керак, ўзим йўлдан урилиб қолганман, унга эса мен бўламанми, сен бўласанми, сира фарқи йўқ, фақат биров олдида хўрсиниб, уҳ тортиб ўтирса бас. Бундай биродар... Мен сенга бунга ифодалаб беролмайман, бунда – мана айтайлик, мана сен математикани яхши биласан, ҳозиргача ҳам математика китобларини ўқиб юришингни биламан... шу десанг, даставвал унга интегралдан ўргата бошла, Худо урсин, сира ҳазиллашаётганим йўқ, жиддий айтяпман, унга эса фарқи йўқ: у сенга термилиб, уҳлаб, хўрсиниб бир йил десанг ҳам ўтираверади. Айтмоқчи, агар билгинг келса, мен унга устма-уст икки кунгача прусс ҳокимлар палатаси ҳақида узундан-узоқ қилиб гапириб бердим (бўлмаса, бошқа нимани ҳам гаплашардим). У бўлса хўрсиниб-хўрсиниб ийиб эшитиб ўтирди! Фақат ишқ-муҳаббат тўғрисида оғиз оча кўрма, жуда тортинчоқ қурмағур, лекин ўзингни худди унинг олдидан кетолмаётгандай, кетолмайдигандай қилиб кўрсат, шунинг ўзи етади. Ҳаддан ташқари қулай; ўзингни худди уйингда ўтиргандай сезасан – ўқи, ўтир, ёт, ёз... Ҳаттоки, эҳтиётлик билан ўпиб ҳам қўйиш мумкин...

– Э, нима бошимга урамани уни?

– Жуда гапга тушунмайдиган одам экансан-да! Айтяпман-ку, сизлар бир-бирларингизга худди қўйиб қўйгандай ўхшайсизлар! Мен олдин ҳам сени ўйлаган эдим... Ахир, сен бари бир мана шунга келасан! Шундай бўлгандан кейин олдинроқ бўлади-

ми бу, кейинроқми, бари бир эмасми сенга? Бунда, биродар, юмшоқ пар ёстиқлар масаласи асосий масала – эҳ! Пар ёстиқлар фақат бошламасига! Бунда жонинг ҳузур-ҳаловатдан чиқмайди; бунда бошқа ҳамма нарса тугайди, лангар ташлайсан, сокин маскан, ернинг киндиги, оламнинг уч балиқдан иборат асоси, юмшоқ қуймоқлар, ёғли сомсаларнинг минг хили ва сараси, кечки чой ичишлар, майин хўрсинишлар ва юмшоқ иссиқ камзуллар, жон роҳати тўшаклар, хуллас, мисли ўлгансану айни замонда тириксан ҳам, ҳар жиҳатдан маза! Хўш, биродар, тоза валдирашдик, энди ётиб ухлайлик! Менга қара: мен кечаси баъзан уйғониб кетаман, шунда ундан хабар олиб тураман. Ҳечқиси йўқ, бўлмағур гаплар, ҳаммаси жойида. Сен унчалар ташвишланма, агар хўп десанг, бир марта ўрнингдан туриб, кўриб қўярсан. Агар бирон нарса бўладиган бўлса, алаҳдаётган бўлса, мисол учун, ёки иссиғи чиқаётган бўлса, майли, нима бўлмасин, мени дарров уйғот. Яна ким билади, бўлиши мумкин эмас...

## II

Разумихин эртасига соат саккизларда ташвишланган, қовоғини солган ҳолда уйғонди. Бу тонг унинг учун сира кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Илгарилари у ҳеч қачон мен эрталаб шундай уйғонаман деб тасаввурига ҳам келтирмаганди. У кеча бўлган воқеаларнинг ҳаммасини мирдан-сиригача эсида сақлаган бўлиб, ўз ҳаётида қандайдир фавқулодда бир ҳодиса рўй берганлигини тушуниб турар, шу пайтгача ўзига нотаниш бўлган, илгарилари сира кўрилмаган бир ҳолатга дучор бўлганлигини сезарди. Шу билан бирга у ўз ҳаёлида аланга олган орзу мутлақо амалга

ошириб бўлмайдиган бир нарса эканлигини ҳам аниқ-равшан англаб турарди, назарида бу орзу шу қадар амалга ошириб бўлмайдиган эдики, у ҳатто уялиб ҳам кетди ва ўзини тезроқ «кечаги лаънати бемаза кун»дан бери зиммасига тушган ташвишлар, қилиниши зарур бўлган ишларга урди.

Ҳаммадан ҳам юрагини сиққан нарса кеча маст-аласт, «ярамас, тубан» бўлиб кўринганигина эмас, балки қизнинг аҳволидан фойдаланиб, унинг олдида аҳмоқона пилчиллагани, унинг қаллиғини фаши келиб сўккани бўлди. Улар ўртасидаги муомала ва муносабатлар қандайлигини ва, ҳаттоки, у кишини ҳали тузук-қуруқ билмай туриб сўкиб ташлагани энди ўзига қаттиқ нашъа қилмоқда эди. У ҳақда шошма-шошарлик билан билмай-нетмай туриб, бундай дейишга нима ҳақи бор? Унга қозиликни ким қўйибди! Авдотья Романовнадай бир хилқат номуносиб бўлган бир одамга пул учун сотилармиди? Демак, қаллиғининг ҳам ўзига яраша яхши фазилатлари бор экан-да. Топган уйими? Ростдан ҳам у қаердан билибди бу ернинг бунақа бемаза уй эканлигини? Ахир, у бошқа зўр уйнинг кетидан юрибди-ку... Уф, тоза расво бўлди-да! Маст бўлса нима, мастман деб ўзини оқлай олармиди? Маст эдим деса ундан ҳам баттарроқ паст кетган бўлмайдимми? Мастлик – ростлик, ана сизга ростлик, «унинг ҳасадгўй, тўпори юраги ўзининг бутун ярамаслигини ошкор қилган»! Разумихиндай бир одам қандай ҳадди сиғди бундай хаёл билан ўзини алдашга? Шундай ажойиб бир қизнинг олдида у ким бўлибди? Яна кеча кўрсатган ҳунарлари-чи, маст-аласт тўполон қилганлари, мақтанчоқликлари? «У билан ўзингни солиштириб кўрадиган бўлсанг, жуда ҳам кулгили бўлиб туйилади, уят ҳам бўлади». Разумихин шуни ўйлаб, бирдан шолғомдай қизариб кетди ва худди

шу пайт, атайлаб қилгандай, кеча зинада туриб олиб, уларга бека мени Авдотья Романовнага рашк қилади, дегани эсига тушиб кетса бўладими... Уятдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди, бунисига энди сира чидаб бўлмасди. У қулочкашлаб туриб, ошхонадаги печкага мушти билан солди, қўли лат еди, печнинг битта ғишти учиб кетди.

«Бўлди энди, – дея ғўлдиради у бир дақиқалардан сўнг аллақандай ўзини хокисорлик билан ерга уриб, – албатта, бу қилган барча ярамас қилғиликларни энди ҳеч қачон ювиб ташлаб бўлмайди, ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган бўлди бу... Шундай бўлгандан кейин бунини, ҳатто хаёлингга ҳам келтириб ўтирма энди, ундан кўра индамай бўйнингни қисиб бор ва... зиммангдаги ишларни адо қил... Дамингни чиқарма, яна... Минғилаб кечирим сўраб ҳам ўтирма, оғзингни миқ этиб очма ва яна... ва яна ҳаммаси тамом бўлди!»

Шунга қарамай, у энгил-бошини одатдагидан ташқари кўпроқ тузатган, эътибор берган бўлди. Унинг шундан бошқа кийими йўқ эди, бўлганда ҳам, у эҳтимол, киймаган ҳам бўларди, балки «атай, жўрттага киймасди». Лекин нима бўлганда ҳам безбет ва чувринди одамга ўхшаб бормаслик керак: одамларнинг кўзларига хунук кўринмаган маъқул, боз устига, уни кутаётганлар ҳожатманд бўлиб ўз ҳузурларига чорлаганлар. У кийимларини чўтка билан обдан тозалади. У кўйлакни доимо тоза киярди; кўйлакка келганда у озодаликка қаттиқ риоя қиларди.

У ўрnidан туриб, яхшилаб ювинди, Настасьядан совун олиб сочларини, бўйнини ва, айниқса, қўлларини ювди. Соқол олишга келганда (Прасковья Павловнанинг марҳум эри жаноб Зарнициндан қолган ўткир устара бор эди), у бутунлай бу ишдан бўйин товлаб туриб олди:

«Соқолимни олмайман! Бўлмаса, атай соқолларини олдириб келибди, чунки... ҳа, албатта шундай деб ўйлашади! Ўла қолсам ҳам соқолимни олмайман!

Яна... яна у жуда ҳам тўпори, ифлос одам, гап-сўзлари қовоқхоналарда юрадиган кишиларнинг гап-сўзларига ўхшайди; яна... яна, дейлик, у ўзининг андаккина бўлсин, ёмон одам эмаслигини билади... Хўп, яхши одам бўлса ўзига, бунинг нимасига мағрурланиши керак экан? Ҳар ким яхши одам бўлиши керак, ундан ҳам тузукроқ ва яна... яна ҳар ҳолда (бу унинг ёдида) унинг ҳам қилган баъзи бир қилғиликлари йўқ эмас... Албатта, виждонга хилоф ишларни қилмаган, лекин нафсиламрга айтяпти-да!.. Яна нима нарсаларни хаёлига келтирмаган, эҳ-ҳе! Ҳм... буларни Авдотья Романовна билан ёнма-ён қўйиб кўринг-чи! Ҳаҳ, қуриб кетсин! Бўпти! Жўрттага шунақа кир-чир, исқирт, қовоқхонабоп бўлиб юраман, жонимга тегиб кетди! Бундан бешбаттар бўламан!..»

Прасковья Павловнанинг катта уйида ухлаб турган Зосимов унинг олдига келганда, у мана шундай ўз ёғида ўзи қовурилиб ётарди.

Зосимов уйга кетаётган экан, касални тезроқ кўриб чиқай деб шошилиб турарди. Разумихин бемор донг қотиб ухлаб ётибди, деб гап топиб келди. Зосимов ўзи уйфонмагунча ётаверсин, мен соат ўн бирларда келиб кўраман, деди.

– Мен келганда ишқилиб уйда бўлсин-да, – деб қўшиб қўйди у. – Уф, шайтон! Касални боқаман дейсану, лекин касалнинг ўзи тутқич бермайди! Бу уларнинг олдиларига борадими ё улар бу ерга келишадими, билмайсанми?

– Улар келишади, менимча, – деб жавоб берди Разумихин у нега бундай деётганлигини англаб, – ўзларининг оилавий гапларини гаплашиб олиша-

ди. Мен кетаман. Сен шифокор сифатида мендан кўра ҳуқуқинг кўпроқ, қолишинг мумкин.

– Мен руҳоний эмасман-ку; келаману кетаман; шусиз ҳам ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди.

– Бир нарса жуда кўнглимни хижил қилиб турибди, – унинг гапини бўлди Разумихин қовоғини солиб, – кеча йўлда у билан келаётганимизда мастлик қилиб баъзи нарсаларни айтиб қўйибман... Ҳар хил... Сен уни савдойи бўлиб қолмасайди, деганинг ҳам оғзимдан чиқиб кетибди.

– Хонимларга ҳам шуни оғзингдан гуллаб қўйдинг.

– Тоза аҳмоқлик қилибман! Урсанг ҳам майли! Нима, ростдан ҳам сен шундай қатъий бир фикрга келганмидинг ўзи?

– Ҳаммаси бўлмағур гаплар; менда бир фикр нима қилсин! Сен ўзинг уни бир нарсага қаттиқ гирифтор бўлиб қолган одамдай қилиб гапириб бердинг, ўзинг унинг олдига олиб келганингда... Кеча бўлса яна ҳам кўпиртириб юбордик, яъни ўзинг ҳалиги гапларни айтиб бердинг-ку... бўёқчи ҳақидаги; гапирган гапларимизни қара; ваҳоланки, унинг ўзи шуларни ўйлаб ақлдан озиб қолгандир! Ўшанда мен идорада нима бўлганлигини аниқ билганимда эди, ундан бир муттаҳам шубҳаланиб... Қаттиқ ранжитганлигини билганимдайди! Ҳм... Кеча бундай гапларга йўл қўймаган бўлардим. Ахир, бу савдойилар чивиндан фил, томчидан денгиз ясашади, башарангга қараб башорат ўқишади... Эсимда бўлса, кечаги Заметовнинг айтиб берган гапларидан кейин мен воқеанинг бир қисмини билдим. Бу нима! Мен бир воқеани билман, битта савдойи ўзи қирқ ёшга кирган, ҳар куни столга ўтирганларида, саккиз яшар бир бола унинг устидан қулаверар экан, унинг бу қилиғига чидолмай болани сўйиб қўйган! Бу ерда бўлса, кий-



гани кийими йўқ собиқ талаба, дағал полициячи, эндигина бошланиб келаётган касаллик ва буларнинг устига манови бемаъни шубҳа! Молихулиёга берилган одам учун булар қандай туйилишини тасаввур қилиб кўр! Устига-устак унинг орияти жуда қаттиқ, гурури фавқулодда баланд! Касалнинг боши худди мана шунда эмасмикин! Тўғрида, ҳақ!.. Айтмоқчи, бу Заметов деганинг чиндан ҳам ёқимтой бола экан, фақат ҳам... Бу гапларни у кеча бекор айтди. Жуда маҳмадона бола экан!

– Кимга айтарди? Сен билан менга-да?

– Порфирийга ҳам.

– Порфирийга айтса, нима қилибди?

– Айтмоқчи, сен уларга, ойиси билан синглисига гапингни тушунтироласанми? Унга бугун жуда эҳтиёт билан муомала қилинмаса...

– Тил топиб кетишар! – истамай жавоб берди Разумихин.

– Нега у Лужинни бунақа ёмон кўриб қолди? Пулдор одам экан, қизнинг ўзи ҳам кўнган шекилли... Бўлмаса, уларнинг қоққани қозиғи ҳам йўқ, шекилли? А?

– Нега бунча ижикилаб қолдинг? – гижиниб бақирди Разумихин, – мен қаердан билай, қозиғи борми, қозиғи йўқми? Бор, ўзинг сўра, айтиб беришар, балки...

– Уҳ, баъзан жуда тентак бўлиб кетасан-да! Кечагининг кайфи ҳали тарқалмаганга ўхшайди... Кўришгунча. Менинг номимдан Прасковья Павловнага раҳмат айтиб қўй. Ичкаридан беркитиб олди хонасини, эшик орқасидан бонжур, девдим, жавоб ҳам бермади, эрталаб соат еттида туриб олди, унинг олдига ошхонадан самовар олиб ўтишди... Хонимнинг ўзларини кўришга муяссар бўла билмадик...

Соат роппа-роса тўққизда Разумихин Бакалеевнинг уйига келди. Ҳар иккала хоним ҳам уни аллақачондан бери тоқатлари тоқ бўлиб кутиб ўтиришарди. Улар ўрниларидан соат еттидами, балки бундан ҳам барвақтроқ туриб олгандилар. Разумихин тун каби қорайиб кириб борди, ўнғайсизлик билан таъзим қилди, бунинг учун шу заҳоти ўзидан-ўзи жаҳли чиқиб кетди. У уй эгасининг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилди: Пульхерия Александровна ўзини унга томон отди, иккала қўлидан ушлаб олди ва сал бўлмаса бу қўлларни ўпиб олди деди. Разумихин Авдотья Романовнага ботинмайгина назар ташлади, лекин қизнинг кибрли юзларида ушбу дамда миннатдорчилик ва дўстона бир ифода жилва қилмоқда эдики, у бунчалар ҳурматни сира кутмаганди (менинг устимдан кулиб, нафратланиб қарашса керак, деб ўйлаганди), агар уни уришиб-қарғаб таъна-тазарру билан қарши олганларида эди, чидаш мумкин бўлади, лекин кўрсатилган ҳурмат-эътибордан у жуда ҳам ўнғайсизланиб кетди. Бахтига, гаплашиладиган гап тайин бўлгани учун у дарҳол сўзни шу томонга бурди.

Ўғлининг «ҳали уйғонмаганлигини», лекин «ҳаммаси жойида» эканлигини билгандан сўнг Пульхерия Александровна, яхши бўлибди, «чунки баъзи бир гапларни олдиндан жуда, жуда, жуда гаплашиб олмаса бўлмайди», деди. Кейин у ҳали чой ичмаганликларини айтди ва бирга чой ичишга таклиф қилди, улар Разумихинни кутиб туришган экан. Авдотья Романовна қўнғироқ чалган эди, жулдур кийинган бир иркит бола келди, унга чой келтириш буюрилади, ниҳоят чой тайёр бўлди: дастурхон ёзилди, лекин бунда ҳамма нарса ювуқсиз, ифлос, шармсиз кўринардикки, хонимларнинг бундан кўнгиллари бузилиб кетди. Разумихин бу жойни бошлаб сўкмоқчи бўлиб ориз жуфтлади-ю,

лекин Лужинни эслаб, жимиб қолди, ўнғайсизланди, қисинди, бироқ Пульхерия Александровна шу пайт устма-уст саволлар ёғдириб, унинг жонига ора кирди.

У чорак кам бир соатча гапириб ўтирди, унинг гапларини дам-бадам бўлиб, савол бериб туришарди, у бу вақт ичида Родион Романовичнинг кейинги пайтлардаги ҳаёти ҳақида билган, кўрган ҳамма муҳим ва зарур нарсаларни айтиб берди, гапининг охирида касаллик қандай бошланганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Воқеан, у айтиб ўтирмаслик керак бўлган гапларни айтмади, қолдириб кетди, шу жумладан, полиция идорасида бўлган воқеани ва шу воқеа туфайли туғилган гапларни ҳам айтиб ўтирмади... Унинг ҳикоясини жуда диққат билан тинглашди, лекин у ҳамма гапни қониқарли қилиб айтиб бердим, деб сўзини тугатган эди, хонимлар худди у ҳеч нарсани гапирмагандай бошқатдан сўроққа тутиб кетишди.

– Айтинг, менга айтинг-чи, сиз қандай деб ўйлайсиз... Оҳ, кечиринг, мен шу пайтгача сизнинг исмингизни билмайман? – сабрсизланди Пульхерия Александровна.

– Дмитрий Прокофьевич.

– Шундай қилиб, Дмитрий Прокофьевич, мен жуда, жуда билмоқчийдимки... Умуман... У ҳозир нарсаларга қандай қарайди, яъни мени тушунинг, сизга нима десамикин, қандай қилиб тушунтирсам яхшироқ бўларкин, мен у нимани яхши кўради-ю нималарни ёмон кўради, деб сўрамоқчийдим. Ҳар доим ҳам у шунақа сержаҳлми? Айтиш мумкин бўлса, унинг истак-майллари қандай дегандай? Унга ҳозир, айниқса, энг қаттиқ таъсир қилиб турган нарса нима? Бир сўз билан айтганда, истардимки...

– Оҳ, ойижон, қандай қилиб шунча саволга бирдан жавоб бериб бўлади! – деди Дуня.

– Уҳ, ё Худойим-ей, мен уни сира, сира бундай аҳволда кўраман, деб ўйламаган эдим, Дмитрий Прокофьевич.

– Бу табиий ҳол, – деб жавоб берди Дмитрий Прокофьевич. – Менинг онам йўқ, амаким бўлса ҳар йили бу ерга келиб кетади ва ҳар келганида, мени танимай қолади, ўзи бўлса ақлли одам; сизлар эсангиз уч йил деганда энди кўришиб турибсизлар, қанча сувлар оқиб кетган бу вақт ичида. Сизга нима десам экан? Бир ярим йил бўлди, Родриг хафакезик, қовоғидан қор ёғиб, очилмай, кибр билан ҳеч кимни назар-писанд қилмай юради; кейинги пайтларда (балки бунга кўпроқ вақт ҳам бўлиб қолгандир) ҳар нарсадан шубҳаланиб, ўз хаёли ўзида бўлиб, ҳеч кимга ёрилмайди. Олижаноб ва қўли очик. Ҳисларини яширади, бировга раҳмсизлик қилса қиладики, лекин ичидагини бировга айтмайди. Баъзан қарасангиз, қора хаёллардан қутургандай бўлиб кўринади, лекин муомаласи жуда совуқ, бераҳм, даҳшатли суръатда тошбағир бўлиб кетади, худди иккита бир-бирига тамомила ёт бўлган табиат унда муттасил ўрин алмашиб турганга ўхшайди. Баъзан тумтайиб олади, сира гапирмай қўяди! Доим вақти зиқ, ҳамма гўё халал бераётгандай, ваҳоланки, ўзи ҳеч нарса қилмасдан чўзилиб ётгани-ётган. Кулган пайтини кўрмайсиз, кулишга гап тополмаганидан эмас, худди бунақа майда-чуйда бекорчи нарсаларга вақти бўлмаганидан кулмайди. Гапирсангиз, охиригача эшитмайди. Бугун ҳаммани жуда ҳам қизиқтираётган нарсаларга у сира ҳам қизиқмайди. Ўзига жуда қаттиқ бино қўйган, бир томондан бундай қилишга ҳақи ҳам йўқ эмас. Яна нима?.. Меним-

ча, сизнинг келишингиз унга жуда яхши томондан таъсир кўрсатса ажабмас.

– Оҳ, айтганингиз келсин! – деб юборди Пульхерия Александровна Разумихиннинг Родя ҳақидаги гапларидан қийналиб кетиб.

Разумихин ниҳоят юрак ютиб Авдотья Романовнага қарашга журъат этди. У ўзи гапираётганда, Авдотья Романовнага тез-тез кўз қирини ташлаб кўяр ва дарҳол кўзини бошқа ёққа олиб қочар эди. Авдотья Романовна дам столга ўтириб унинг гапларига диққат билан қулоқ солар, дам ўрнидан туриб қўлларини чалкаштирганча одати бўйича хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келар, лабларини қимтиб олган, юришдан тўхтамаган кўйи унда-бунда бир савол бериб кўяр, ўйга чўмиб кетарди. У ҳам гапираётган одамнинг сўзларини охиригача эшитмасди, бу одат бўлиб кетганди. У ранги бўғиқ энгил матодан кўйлак кийган, бўйнига оппоқ ҳарир рўмолча ўраб олганди. Разумихин кўп нарсалардан уларнинг ғоятда ночор аҳволдаликларини билиб олди. Авдотья Романовна мабодо, маликалардай кийинган бўлганда, Разумихин ундан сира ҳам чўчимаган бўларди; ҳозир эса уларнинг нақадар камбағал туришларини, қизнинг ғоятда ночор кийинганлигини кўрганидан кейин унинг юрагига кўрқув тушди ва ўзининг ҳар бир сўзидан ҳадиксираб, ҳар бир ҳаракати, қилиғидан чўчир, шусиз ҳам ўзига унчалар ишонқирамаган одам учун бу жуда оғир туйилар эди.

– Сиз акам ҳақида жуда кўп қизиқ гапларни айтиб бердингиз ва... холис айтдингиз. Бу яхши; мен сиз унинг соясига кўрпача солиб юрсангиз керак, деб ўйлагандим, – деб қўйди Авдотья Романовна табассум билан. – Афтидан, биронта аёл киши билан алоқаси ҳам бўлса, балки мумкиндир, – деб қўшиб қўйди у яна.

– Мен ундай деганим йўқ, балки сиз ҳақдирсиз, фақат...

– Нима?

– Ахир, у ҳеч кимни яхши кўрмайди, балки ҳеч қачон яхши кўрмаса ҳам керак, – кесиб гапирди Разумихин.

– Яхши кўришга қобил эмас, демоқчимисиз?

– Биласизми, Авдотья Романовна, сиз ўзингиз акангизга жуда ҳам ўхшайсиз, сира фарқингиз йўқ! – томдан тараша тушгандай деди Разумихин ва ҳозиргина унга акаси ҳақида нима гапиргани эсига тушиб шолғомдай қизариб кетди ҳамда ўзини йўқотиб қўйди. Авдотья Романовна унга қараб, ўзини кулгидан тўхтатолмади.

– Родя ҳақида икковларингиз ҳам хато қилишингиз мумкин, – деди бир оз аччиғи келган Пульхерия Александровна. – Мен унинг ҳозирги аҳволини гапираётганим йўқ, Дунечка. Петр Петровичнинг манови ёзганлари... Ва сен билан биз ўйлаган нарса, балки бутунлай бўлмаган гапдир, лекин Дмитрий Прокофьевич, сизга айтадиган бўлсам, уни тушуниш жуда ҳам қийин, нима десам экан, у жуда ҳам инжиқ. Мен, ҳатто у ўн беш ёшида эканида ҳам феъл-атвори қандайлигини тўла англаган эмасман. Ҳозир ҳам мен шунга ишонаманки, у бирдан кутилмаганда дунёда ҳеч бир инсон қилмайдиган биронта ишни қилиб қўйиши мумкин... Узоққа бориб нима қиламиз: бир ярим йил олдин бўлган ҳодисани эслайлик, у ўшанда, ҳақ оти нимайди, ҳа, анави Зарницинанинг қизига уйланмоқчи бўлганлигидан хабарингиз борми? Ўшанда тоза бўларимча бўлганман, нима қиларимни билмай қолганман.

– Сиз шу воқеани яхши биласизми? – сўради Авдотья Романовна.

– Сиз ўйлайсизки, – дея куйиб-пишиб сўзида давом этди Пульхерия Александровна, – ўшанда менинг кўз ёшларим, менинг ялинишларим, касаллигим, эҳтимолки, ғамдан куйиб ўлиб кетишим, аҳволимизнинг ночорлиги уни тўхтатиб қола олармиди? У ҳамма тўсиқлардан бемалол ошиб ўтган бўларди. Наҳотки, наҳотки у бизни яхши кўрмаса, а?

– Унинг ўзи ҳеч қачон мен билан бу тўғрида гаплашмаган, – дея жавоб берди эҳтиёткорлик билан Разумихин, – лекин Зарницина хонимдан узук-юлуқ баъзи бир нарсаларни эшитганман, қулоғимга чалинган, ўша эшитганларимга қараганда, бу воқеа бир оз ғалати...

– Нима деб эшитган эдингиз? – бараварига сўрашди хонимлар.

– Айтарли тузукроқ бир гап ҳам эмас. Бишимча, тўй бўлай-бўлай деб қолган экан, фақат қизнинг тўсиндан вафот этиб қолиши билан у тўхтаган, Зарницина хонимнинг ўзи ҳам уларнинг бошлари қовушишига унчалик рўйхуш бермаган экан... Бундан ташқари қизни жуда ҳам хунук, ҳатто бедаво бўлган экан, дейишади... Яна касалманд ва яна... ғалатироқ экан... Ҳа, айтгандай, афтидан аллақандай фазилатлари ҳам бўлган чоғи; бўлмаса ҳеч одамнинг ақли бовар қилмайди... Қизнинг сепи ҳам унчалар дуруст бўлмаган, бундан ташқари унинг ўзи сепга қарайдиган йигит эмас... Умуман, бунақа ишда бир нарса дейиш қийин.

– Мен аминманки, у акамга муносиб бир қиз бўлган – деди қисқа қилиб Авдотья Романовна.

– Худо ўзи кечирсину ўшанда мен қизнинг ўлганига суюнганман, аммо ўлмаганда билмадим, улардан қайси бири қайсинисини гўрга тиқиб келардийкин: ўғлимми, ё у қизми? – деб қўйди Пульхерия Александровна. Кейин ҳадеса ботиниб-бо-

тинмай қизи томонга қараб-қараб қўйиб Родя билан Лужин ўртасида кеча бўлиб ўтган жанжални оҳиста суриштира бошлади, унинг боягидай қараб қўйишлари Авдотья Романовнага унчалар хуш ёқмаганлиги кўриниб турарди. Бу воқеа Пульхерия Александровнани қаттиқ безовта қилиб, кўнглини, ҳатто ёмон алағда қилиб турганлиги равшан эди. Разумихин ҳаммасини бир бошдан оқизмай-томизмай яна айтиб берди, фақат бу сафар ўзининг бу масалада нима деб ўйлаганлигини ҳам қўшиб кетди: у Родион ўйламай иш қилди, Петр Петровични бекорга ҳақорат қилди, деб айтди, бу сафар, ҳатто унинг касал эканлигини ҳам инобатга олмади.

– У ҳали касал бўлмасидан шундай қиламан, деб кўнглига туғиб юрган, – деб қўшимча қилди у.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди Пульхерия Александровна жуда ҳам бўшашган ҳолда. Лекин Разумихин бу сафар Петр Петрович ҳақида эҳтиёткорона ва ҳурмат билан сўзлаганлиги уни бутунлай ҳайратлантириб қўйди. Авдотья Романовна ҳам буни сезди.

– Сиз Петр Петрович ҳақида мана шундай фикрда экансиз-да? – деб юборди сабри чидамаган Пульхерия Александровна.

– Қизингизнинг бўлажак турмуш ўртоғи ҳақида мен бундан бошқача фикр айтолмайман, – қатъий, қизғин қилиб деди Разумихин, – мен бу гапни бачкана бир одоб юзасидан ҳам айтаётганим йўқ... Негаки, негаки... Авдотья Романовнанинг ўзлари, ўз ихтиёрлари билан у кишини танлаганлар. Агар кеча у ҳақда жуда бўлмағур гапларни айтиб ёмонлаган бўлсам, бу ярамас ароқнинг иши, мастлигимдан ва яна... телбалигимдан айтганман; ҳа, ростакам телбаман, калласи ишламаган одамман, ақдан озиб қолибман, бутунлай... Ҳозир тоза



бўларимча бўлиб турибман ўшанга!.. – У қизариб кетди ва индамай қолди. Авдотья Романовнанинг юзига қон югурди, лекин офиз очмади. У сўз Лужин ҳақида бораётгандан бери орага бир офиз ҳам гап қўшмаганди.

Ваҳоланки, Пульхерия Александровна қизининг фикрини эшитмаганлиги учун нима дейишини билмай ганграб қолганди. Ниҳоят, тутила-тутила, икки гапнинг бирида қизига бир қараб қўйиб, бир нарсадан жуда ташвишда эканлигини айтди.

– Биласизми, Дмитрий Прокофьевич... – дея гап бошлади у. – Мен Дмитрий Прокофьевичга ҳаммасини очиқ айтавераман, а, Дунечка?

– Ҳа, албатта, ойижон, – деди ишонч билан Авдотья Романовна.

– Гап бундай, – худди дардини сўзлашга ижозат олиб, елкасидан тоғдай босиб ётган юк ағдарилгандай шоша-пиша гапира кетди Пульхерия Александровна. – Биз бугун эрталаб азонда Петр Петровичдан бир хат олдик, бу хатни етиб келдик, деган хабаримизга жавобан юборибди. Биласизми, у ваъдага кўра, кеча бизни вокзалда кутиб олиши керак эди. Бунинг ўрнига вокзалга аллақандай бир хизматкорни чиқарибди, бизга йўл кўрсатсин деб, унга мана бу хоналарнинг манзилени айтибди, ўзи бўлса эрталаб олдиларига етиб бораман дегандай қилибди. Лекин бугун ўзи келмай манови хатни жўнатибди... Яхшиси уни ўзингиз ўқиб кўринг, айниқса, бир гапи мени жуда ташвишлантириб турибди... Бу қанақа гаплигини ҳозир ўзингиз кўрасиз... Ва бизга ўз фикрингизни очиқ айтасиз, Дмитрий Прокофьевич! Сиз Родянинг феъл-атворини ҳаммадан кўра яхшироқ биласиз ва ҳаммадан яхшироқ маслаҳат бера оласиз. Сизга айтиб қўйишим керакки, Дунечка олдиндан ҳаммасини ҳал қилди-қўйди, лекин мен ҳали қандай йўл тути-

шимни билмай турибман, яна... Яна мен сизнинг келишингизни кутиб тургандим.

Разумихин кеча ёзилган хатни очиб қуйидагиларни ўқиди:

«Марҳаматли хоним Пульхерия Александровна, ижозатингиз ила сизга шу нарсани маълум қиламанки, кутилмаган баъзи бир сабабларга кўра сизларни кутиб ололмадим, шу мақсадда жуда чаққон бошқа бир одамни юбордим. Айни замонда сизлар билан эртага эрталаб учрашиш шарафидан ҳам ўзимни маҳрум қиламан, сенатнинг жуда зарур ишлари чиқиб қолдики ва яна сизни ўзгингиз билан, Авдотья Романовнани эса акаси билан дийдор кўришувларига халал бермайлик, дедим. Сизнинг ҳузурингизга қуллуқ қилгани ва сизларни кўргани эртага соат роса саккизда боражакман, бунга яна шуни қатъияти том билан қўшиб қўяманки ва қаттиқ илтимослар қиламанки, биз ҳаммаларимиз кўришган чоғимизда Родион Романович у ерда бўлмасинлар, негаки, у кеча касал бўлиб ётганда кўргани борган чоғимизда бизни ҳаддан зиёд ҳақорат қилди ва куракда турмайдиган сўзларни айтди, бундан ташқари сизнинг шахсан ўзингизга айтадиган, батафсил ва бафуржа келишиб олишимиз керак бўлган жуда зарур бир гап борки, бу хусусда сизнинг шахсий фикрингизни билишни истар эдим. Яна шуни ҳам олдиндан айтиб қўяйки, агар шунча қилганимга қарамасдан илтимосларим инобатга олинмасдан Родион Романовични учратиб қоладиган бўлсам, унда ўша ондаёқ жўнаб кетишга мажбур бўламан, кейин пиширган ошингизни ўзингиз ичаверинг. Буни яна шу боисдан ёзиб турибманки, мен борганда касал бўлиб кўринган Родион Романович, икки соатдан сўнг дарров тузалиб қолибди, демак, ҳовлидан

чиқиб сизларнинг олдиларингга ҳам бориши мумкин. Буни ўз кўзларим билан кўрганам учун айтаётирман, уни от тагида қолиб ўлган бир ароқхўрнинг уйида кўрдим, у шу ўлган одамнинг хулқи ҳаддан ташқари бузилиб кетган қизига кеча унинг отасини кўмиш баҳонасида қарийб йигирма беш сўмча пул берди, мен бундан жуда ҳайрон бўлиб қолдим, бу пулларни сизнинг қанчалар қийналиб йиққанлигингизни билардим. Боқиб, Авдотья Романовнага ўзимнинг алоҳида эҳтиромимни маълум қилиб қоламан, камина қулларининг сизга бўлган чуқур ҳурматини қабул қилгайсиз, деб ўтинаман  
П. Лужин».

– Энди нима қилсам экан, Дмитрий Прокофьевич? – сўради Пульхерия Александровна йиғламоқдан бери бўлиб. – Мен Родяга қандай қилиб сен келма деб айтаман? У кеча ўзи қаттиқ туриб Петр Петровичга рад жавобини беринглар, деб айтганди, бунда эса унинг ўзини келмасин деб талаб қилаётирлар! Агар у буни билиб қолса жўрттага бўлса ҳам келади... Унда нима бўлади?

– Авдотья Романовна қандай қарорга келган бўлсалар, шундай йўл тутинг, – хотиржамлик билан деди шу заҳоти Разумихин.

– Вой, Худойим-эй! Қизим айтяптики... Э, унинг нима деганини қўяверасиз, менга ўзининг нима қилмоқчилигини тушунтириб айтмайди сира! У Родя ҳам бугун соат саккизга албатта атай келиши керак, шундай қилинса яхши бўлади, яъни яхши бўлиб нима бўларди-ю, лекин нима учундир у албатта шу ерда бўлиши лозим, деяпти, улар албатта учрашишсин, дейди... Мен бўлсам унга, ҳатто бу хатни ҳам кўрсатмоқчи эмас эдим, бир амаллаб йўлини қилиб сиз орқали у келмай қўя қолсин, деб айтмоқчи эдим... Нега десангиз, жуда тажанг

бўлиб турган пайти... Бундан ташқари қандайдир бир ароқхўр ўлганмиш, унинг аллақандай қизи бормиш, яна қандай қилиб у қизга бор-йўқ буд-шудини бериб кетади... Бу пулларни ахир... мен... ҳеч нарса тушунмаяпман...

– Сиз у пулларни жуда қийналиб топган эдингиз, ойижон, – дея қўшимча қилди Авдотья Романовна.

– Кеча унинг ҳуши ўзида эмасди, – ўйчанлик билан деди Разумихин. – Кеча сиз унинг қовоқхонада қилган ишини билсангиз эди, жуда қойил қилган бўлса ҳам... Ҳм! У қандайдир бир ўлган одам билан аллақандай бир қиз ҳақида ростдан ҳам кеча менга гапирганди, биз уйга қайтиб келаётгандик, лекин мен бир оғиз ҳам гапини тушунмадим... Дарвоқе, кеча менинг ўзим ҳам...

– Яхшиси, ойижон, унинг олдига ўзимиз борайлик, ўшанда нима қилиш кераклиги дарров маълум бўлади, гапимга ишонинг. Буни қаранг, вақт бўлиб қолибди-ку, вой Худойим-ей! Соат ўн бир бўлибди! – деб юборди Авдотья Романовна ўзининг бўйнидаги нозик Венеция занжирида осилиб турган жуда ҳам ажойиб эмалли олтин соатига қараб: шуниси ҳам борки, бу соат унинг уст-бошига унчалик мос тушмаган эди. «Куёвнинг совғаси», дея хаёлидан ўтказди Разумихин.

– Оҳ, вақт бўлди!.. Вақт бўлди, Дунечка, борайлик! – ташвишланиб типирчилаб қолди Пульхерия Александровна, – тагин кеча хафа бўлиб кетишган экан, деб ўйлаб юрмасин, тезроқ бора қолайлик. Вой, Худойим-ей!

У шуларни гапирганча, шоша-пиша усти-бошини эгнига кияр эди. Дунечка ҳам кийиниб олди. Разумихин унинг қўлқопи эскиган ва, ҳатто, титилиб кетганлигини кўрди, ваҳоланки, кийган кийимлари ночорроқ бўлса ҳам уларга ўзгача бир

виқор бағишлаб турарди; одатда: камсуқум либос кийиб ўрганган ва қандай кийишни биладиган одамларда шундай бўлади. Разумихин Дунечкага қаршисида худди малика тургандай қилиб қарар ва у билан кўчада бирга бошлашиб боришидан ифтихор қиларди. «Ўзининг пайпоғини, – деб ўйларди у ўзича, – қамоқда ётиб, ўзи ямаган қиролича шу пайпоқ ямаётган пайтида энг зўр ва ҳашаматли қабул маросимларида қатнашганидан ҳам гўзалроқ кўринган бўлса бордир, албатта».

– Вой, Худойим! – дея хитоб қилди Пульхерия Александровна, – ўз ўғлим, суюкли фарзандим Родя билан кўришишдан бунчалар кўрқарман, деб сира хаёлимга келтирганмидим ўзи, жуда ҳам кўрқиб кетяпман!.. Мен кўрқиб кетяпман, Дмитрий Прокофьевич! – деб қўйди у Разумихинга ботинмайгина қараб.

– Кўрқманг, ойижон, – деди Дуня уни ўпиб қўяркан, – яхшиси унга ишонинг. Мен ишонаман.

– Вой, Худойим-ей! Мен ҳам ишонаман, аммо кечаси билан кўзимга уйқу келмади! – қичқириб юборди шўрлик аёл.

Улар кўчага чиқдилар.

– Биласанми, Дунечка, эрталаб салгина кўзим илиниб қолган экан, тушимга марҳум Марфа Петровна кириб чиқса бўладими... Оппоқ кийинган эмиш... Олдимга келиб, қўлимдан ушлармиш-да, менга қараб нуқул бош чайқармиш, менга хўмрайиб, хўмрайиб, худди бир ишимни ёқтирмагандай қарармиш... Яхшиликка бўлсин-да, а? Вой, Худойим-ей, Дмитрий Прокофьевич, сиз ҳали эшитганингиз йўқ; Марфа Петровна ўлди!

– Эшитмаганман, ким у Марфа Петровна?

– Тўсиндан ўлиб қолди! Биласизми...

– Кейин, ойижон, – гапга аралашди Дуня, – ахир бу кишим ҳали Марфа Петровнанинг кимлигини билмайдилар.

– Оҳ, билмайсизми? Мен сиз ҳаммасини эшитган бўлсангиз керак, дебман. Мени кечиринг, Дмитрий Прокофьевич, шу кунларда калавамнинг учини йўқотиб қўйдим ўзи. Сизни учратиб валига йўлиққандай бўлдик, шунинг учун ҳам сиз ҳамма нарсадан хабардор бўлсангиз керак, деб ўйлабман. Сизни жуда яқин кўрганимдан... Тагин кўнглингизга келмасин, бундай деганим. Вой, Худойим, бу қўлингизга нима қилди! Лат едимиз?

– Лат еди, – ғўлдиради жуда тўлиқиб кетган Разумихин.

– Мен баъзан кўнглимдаги барча гапларни тўкиб солавераман, шунинг учун мени кўпинча Дуня тўғрилаб туради... Вой, Худойим-ей, унинг турадиган каталагини айтинг! Лекин ўрнидан турганмикин денг? Анави хотин, унинг бекаси яна буни одам турадиган жой ўрнида кўрганига ўласан киши, а? Менга қаранг, сиз уни очилиб гапирмайди, дедингиз, Родяни, тагин мен заифлигимга бориб... Унинг жонига тегиб юрмай?.. Менга ўргатиб қўймайсизми, Дмитрий Прокофьевич? У билан қандай гаплашай? Мен, биласизми, жуда талмовсираб қолдим.

– Агар у юзини буриштираётганини кўриб қолсангиз, гапни узоқ чўзиб ўтирманг, айниқса, соғлигини ҳадеб суриштираверманг: у ёқтирмайди.

– Оҳ, Дмитрий Прокофьевич, она бўлиш қанчалар қийин! Мана, зинага ҳам келиб қолдик... Бунчалар бедаво зина экан!

– Ойи, рангингиз бунча оқариб кетибди, тинчланинг, жоним ойи, – деди Дуня унга эркаланиб, – сизни кўрса унинг боши осмонга етади, сиз бўлса ўзингизни бунчалар қийнаб юрибсиз, – қўшиб қўйди у кўзларини йилтиратиб.

– Тўхтанглар, уйфонганмикин, мен қараб келай?

Хонимлар олдинга ўтиб кетган Разумихиннинг орқасидан оҳиста чиқа бошладилар, тўртинчи каватга етганларида, беканинг эшиги жиндак-кина қия очилиб тургани ва қоронғилик ичидан бир жуфт қора кўз аланг-жалаг уларни тезгина кўздан кечирганлигини сезиб қолдилар. Уларнинг кўзлари бир-бири билан тўқнашгач, эшик бирдан шунчалар ҳам қаттиқ тарақлаб ёпилдики, Пульхерия Александровна қўрқиб кетганидан сал бўлма-са бақриб юбораёзди.

### III

– Соппа-соғ, соппа-соғ! – дея хурсандчилик билан қарши олди кириб келувчиларни Зосимов. Унинг бу ерга келганига ўн дақиқалар чамаси бўлган, диванда кечагидек бурчакда ўтирарди. Раскольников унинг қаршисида бутунлай кийиниб ва, ҳатто, яхшилаб ювиниб-тараниб олган ҳолда ўтирарди, неча замонлардан бери унинг биринчи марта бугун шундай қилиши эди. Хона бирдан одамга лиқ тўлди-қўйди, лекин шунга қарамасдан Настасья бир амаллаб касалнинг олдига келганларнинг ортидан ичкарига кириб олди-да, бўлаётган гапларга қулоқ сола бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, Раскольников, айниқса, кечагига қараганда анча тетик кўринар, фақат ранги жуда ҳам оқариб, паришон ва қовоғи солиқ эди. Ташқаридан у худди ярадор бўлган ёки жуда ҳам қаттиқ оғриққа дош бераётган одамга ўхшаб кўринарди: қошлари чимирилган, лабларини қаттиқ қимтиб олган, кўзлари қизариб кетганди. У худди нафаси етмаётгандай ёки бурчини ўташга мажбур бўлган кишидай зўрға истамайгина оғзини очиб қўяр ва унинг хатти-ҳаракатларида ўқтин-ўқтин аллақандай безовталиқ зуҳур қилгандай бўлар эди.

Мисол учун, бирон бармоғи жуда ҳам қаттиқ азоб бераётган ёки қўли чиққан, ёхуд шунга ўхшаш бирон кор-қолга дучор бўлган одамга ўхшаб кўриниши учун қўли боғланмаган ёки тахта-качланмаган эди, холос.

Дарвоқе, унинг оқариб кетган қонсиз ва тўмтайган чеҳраси ойиси билан сингиси кириб келишган чоғда бир зумга ёришиб очилиб кетгандай бўлди, лекин бундан олдинги ҳазин ғамзада паришонлик ўрнига алланечук чуқур ўзгармас бир изтироб ифодаси пайдо бўлди. Унинг чеҳрасини ёритган нур тезда сўнди, аммо азоб қолди ва яқингинада касалларни даволай бошлаган ёш шифокорлар каби жуда берилиб беморни ўрганаётган, ундан кўзларини узмай кузатаётган Зосимов Раскольниковнинг яқин кишилари келганидан қувониш ўрнига бир соат-ярим соат мушкул бир қийноқни пинҳона бошдан кечирмоқни бўйнига олган ва бу қийноқдан сира қочиб қутулиб бўлмаслигини сезган кишига ўхшаб турганлигини кўриб, ҳайратга тушди. Кейинги бўлиб ўтган гаплар давомида у ҳар бир айтилган сўз худди беморнинг бирон жахроҳатига тегиб кетгандай, унинг ярасини янгилагандай таъсир қилганлигини кўрди. Лекин айни чоғда кечагина қора савдога гирифтор бўлиб, арзимаган бир сўздан худди қутуриб кетадигандай бўлиб турган одам бугун бунчалар ўзини тутиб турганлигига, ичидагини юзага чиқармаётганлигига бир томондан қойил ҳам қолди.

– Ҳа, бутунлай соғайиб кетганлигим ўзимга ҳам сезияпти, – деди Раскольников ойиси билан сингисини очиқ чеҳра билан ўпиб қўяркан, Пульхерия Александровна бундан шу заҳоти яйраб-яшнаб кетди, – гапларим ҳам кечагидай эмас, – деб қўшимча қилиб қўйди у Разумихинга қараб, унинг қўлларини дўстона қисиб қўяркан.



– Мен бўлсам, ҳатто унга бугун ҳайрон бўлиб қолдим, – деди Зосимов одамларнинг келганига жуда суюниб, чунки у шу ўн дақиқа ичида бемор билан нимани гаплашишини билмай, калаванинг учини йўқотиб қўйганди. – Агар мана шундай кетадиган бўлса уч-тўрт кундан кейин худди аввалгисидай бўлади-қўяди, яъни бундан бир ойми, икки ойми... ёки, эҳтимол, уч ойми илгариги ҳолига қайтади. Ахир, бунинг бошланганига анча бўлган, анча гаплар ўтган, шундаймасми, а? Бунга ўзингиз ҳам балким айбдор бўлгансиз, энди билдингизми? – қўшиб қўйди у беморнинг ғашини келтирмаслик учун эҳтиёткорлик билан жилмайиб.

– Айтганингизча бўлса бордир, – совуққина қилиб жавоб берди Раскольников.

– Буни шунинг учун айтяпманки, – деди сўзлашга қулай фурсат келганидан суюнган Зосимов, – сизнинг бутунлай соғайиб кетишингиз ёлғиз ўзингизга боғлиқ бўлиб қолди. Сиз билан гаплашиш мумкин бўлиб қолганидан фойдаланиб, сизга шуни айтмоқчиманки, сизда мана шу касалликни келтириб чиқарган дастлабки, агар айтиш мумкин бўлса, туб сабабларни бошданоқ тугатиш керак, ана ўшанда сиз тузалиб кетасиз, бўлмаса, ҳатто бундан баттар бўлиши ҳам мумкин. Мен бу дастлабки сабабларни бйлмайман, лекин улар ўзингизга маълум бўлса керак. Сиз ақли одамсиз, албатта, ўзингизни ўзингиз кузатган бўлсангиз, эҳтимол. Менимча, асабингизнинг бузилиши университетдан кетишингиз билан ҳам бирмунча боғланган. Сиз бекор юрмаслигингиз керак, шунинг учун менимча жиддий бир мақсадни кўзлаб иш олиб борсангиз, меҳнат қилсангиз, бунинг сизга кўп ёрдам бериши эҳтимолдан холи эмас.

– Шундай, шундай, жуда тўғри гапирдингиз... Ишқилиб тезроқ университетга кириб олсам, ке-

йин ҳаммаси силлиқ... Хамирдан қил суғургандай кетади...

Бир жиҳатдан хонимларга ўзини кўрсатиб қўйиш мақсадида жуда ақлли маслаҳатлар бера бошлаган Зосимов гапини тугатиб, беморга қаради-ю унинг кинояли суръатда илжайиб турганлигини кўриб, бирмунча ғалати аҳволга тушди. Айтмоқчи, бу унчалар узоқ чўзилмади, бир зумгина давом этди, холос. Пульхерия Александровна, айниқса, кеча кечаси бориб, бизни кўрганингиздан беҳад миннатдормиз, деб унга раҳматлар ёғдирди.

– Нима, у сизларнинг олдиларингизга кечаси бордими? – деб сўради Раскольников худди безовталангандай бўлиб. – Демак, йўл юриб келиб ҳам ухламабсизлар-да?

– Оҳ, Родя, бу гаплар ҳаммаси соат иккигача бўлиб ўтди. Биз Дуня билан уйда кечаси иккидан илгари сира ухлагани ётмасдик.

– Мен ҳам унга нима деб миннатдорчилик билдиришимни билмайман, – давом этди Раскольников, бирдан қовоғини солганча кўзини ерга тикиб. – У киши пул олишдан бош тортдилар, – буни эслаётганлигим учун мени кечиринг, – деди у Зосимовга қараб, – билмадим, сизнинг бунчалар диққат-эътиборингизга лойиқ нима сабаб бўлдийкин? Сира тушунолмайд қолдим... ва... ва бу менга жуда оғир, негаки, тушуниб бўлмаяпти: мен сизга очигини айтяпман.

– Қўйинг, аччиғингиз чиқмасин, – ўлганининг кунидан кулди Зосимов, – мени биринчи маротаба касал боқаётган одам деб билинг, эндигина бемор қарай бошлаган биз қатори ёш докторлар қўлларига тушган касалларни худди ўз фарзандларидай яхши кўрадилар, баъзи бирлари, ҳатто уларни ер-кўкка ишонмай қўядилар. Менда эса боқимонда касаллар унчалик кўп эмас.

– Анавини ҳам тоза қийнаб юбордим, – деб давом этди Раскольников Разумихинни кўрсатиб, – мендан сўкишдан бошқа ҳеч нарса эшитмади, жуда оворай сарсон бўлиб кетди.

– Вой, ёлгончи-ей! Нима бало, бугун эрталабдан жуда ийиб турибсанми, дейман? – қичқириб юборди Разумихин.

Агар унинг кўзи ўткирроқ бўлганида, бу ерда ийиш эмас, бутунлай бошқа бир нарса, балки унинг тескараси борлигини кўрган бўлар эди. Аммо Авдотья Романовна буни сезди. У акасидан кўзларини узмасдан ташвишланиб, диққат билан тикилиб турар эди.

– Ойижон, сизнинг, ҳатто юзингизга ҳам қаролмаяпман, – дея давом этди Раскольников худди ёдлаб олган дарсини такрорлагандай бўлиб, – кеча бу ерда ўтириб мени кутиб қанчалар қийналиб кетганликларингизни фақат бугунгина англадим. – У шундай деб кутилмаганда индамай жилмайиб қўлини сингисига узатди. Бу табассумда чинакам самимий бир ҳис жилваланиб кўринди шу тобда. Хурсанд бўлиб кетган Дуня шу заҳоти миннатдорчилик билан акасининг узатилган қўлини чин дилдан қисиб қўйди. Кеча ораларида бўлиб ўтган гапдан сўнг унинг сингисига мурожаат қилиб туриши шу эди. Ака-сингилларнинг ортиқча гап-сўзсиз бутунлай ярашиб кетганларини кўриб шодланган онанинг чеҳраси ёришиб кетди, у ўзини бахтиёр деб сезди.

– Мен уни мана шу одатлари учун яхши кўраман-да! – дея шипшиди ҳамма нарса кўзига дарров бошқача бўлиб кўринадиган Разумихин курсида шитоб билан ўтирилиб ўтираркан. – Унинг топилмас одатлари бор!..

«У истаса агар одамнинг жони бўлиб кетади, – деб ўйларди онаси ўзича, – унга ром бўлиб қолга-

нингизни ўзингиз сезмай қоласиз, қаранг-а, кеча синглиси билан ораларида гап қочгандан кейин бугун худди ҳеч нарса бўлмагандай кўнглидан чиқариб юборди – пайтини топиб, қўлини узатувдики, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушди, яна қандай қилиб қараганлигини айтмайсизми... Унинг кўзлари-чи, кўзлари қанчалар чиройли, юзларининг ажойиблигини қаранг. У, ҳатто Дунечкага қарганда ҳам бошқачароқ... Лекин, вой, Худойим-ей, унинг кийимига нима бўлган ўзи, энгил-бошини қаранг! Афанасий Ивановичнинг дўконидаги югурдак Васянинг кийган кийими бундан ўн марта тузук!.. Менга қолса, менга қолса, ўзимни шундоқ бўйнига ташлардим уни маҳкам қучоқлаб олган бўлардим, ҳа, кейин... Йиғлаб олардим, мен бўлсам, жуда қўрқяпман, қўрқяпман... Туришини қаранг-чи, вой, Худойим-ей!.. Тили мунчаям ширин бўлмаса, лекин бари бир қўрқаман! Нимадан қўрқаман ўзи?..»

– Оҳ, Родя, айтсам, балки ишонмассан, – бирдан унга жавобан шоша-пиша сўзни илиб кетди у, – кеча биз Дунечка билан тоза... Хуноб бўлдик! Энди ҳаммаси ўтиб кетди, яна ҳаммамиз дийдор кўришиб хурсанд бўлдик, энди сенга айтиб берсак ҳам бўлади. Агар билсанг, вагондан тушар-тушмас сенинг олдинга қараб югурдик, анави хотин бўлса, – э, ана ўзи ҳам шу ерда экан! Салом, Настасья!.. У бизга сенинг иситмалаб ётганингни, шу тобда шифокорнинг кўзини шамғалат қилиб секингина қочиб кетганлигингни, ўзинг алаҳлаб юрганлигингни, сени қидириб кўчага чиқиб кетганларини айтиб берса бўладими. Қай аҳволга тушганлигимизни шундан билиб олавер! Айтсам ишонмайсан. Шунда бирдан дегин, бизнинг танишимиз, отангинг ўртоғи поручик Потанчиковнинг қандай ўлгани эсимга тушиб кетса бўладими – Родя, сен у

кишини танитайсан – у ҳам мана шунақа исит-малаб ётиб, уйдан чопиб эшикка чиққану ҳовлидаги қудуққа йиқилиб тушган, қудуқдан уни эртасигагина чиқариб олишган. Шунини ўйлаб нақ ўтакамиз ёрилай деди. Бизга ёрдами тегиб қолмасмикин деб, Петр Петровични қидирмоқчи бўлиб тургандик, нега десанг... биз ёлғиз ўзимиз қолгандик, ёнимизда ҳеч ким йўқ эди, – чўзилиб деди у йиғламсираганча, кейин бирдан «ҳамма дийдор кўришиб, хурсандлигига қарамасдан ҳали эҳтимол Петр Петрович ҳақида гапиришнинг оқибати анча-мунча хунук бўлиши мумкинлигини эслаб қолиб, тилини тишлади.

– Тўғри, тўғри... Яхши бўлмабди... – деб вўлдираб қўйди Раскольников, лекин унинг кўриниши шунчалар паришон эдики, Дунечка унга ҳайрат ичида тикилиб қолди.

– Яна нима демоқчийдим, – давом этди у нима демоқчи бўлганлигини эслашга зўр бериб уриниб, – ҳа, ойижон, сиз, Дунечка, сен ҳам, тагин кўнглингизга келтирмангизки, бизнинг олдимизга ўзи келмади деб, бизни овора қилди деб.

– Вой, нима деяпсан ўзи, Родя! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна ёқасини ушлаганча.

«Нега унинг гап-сўзлари бунчалар қуруқ ўзи? – ўйлаб қолди Дунечка, – ярашгани қўлини узатади, кечирим сўрайди, худди оғир бир вазифани бажараётган кишидай, яна нуқул бир нарсани такрорлайверади».

– Мен яқинда ўрнимдан туриб, энди бормоқчи бўлиб турган эдим, эгнимга киядиган кийимим сабабли ушланиб қолдим, кеча унга айтиш эсимдан чиқибди... Настасьяга... Қон юқини ювиб қўй, деб... Мана ҳозир кийиниб бўлиб тургандим.

– Қон! Қандай қон? – эсхонаси чиқиб сўради Пульхерия Александровна.

– Ўзи шундай... ташвишланмангизлар. Кеча ҳушим бир оз ўзимда бўлмай тентираб юрганымда, бир от босиб кетган одамнинг устидан чиқиб қолдим... Бир хизматчи ўзи...

– Ҳушим ўзимда бўлмай дейсанми? Лекин ҳаммаси эсингда экан-ку? – унинг гапини бўлди Разумихин.

– Ростдан ҳам, – жуда эҳтиёткорлик билан жавоб берди Раскольников, – ҳаммаси ипидан-игна-сигача эсимда туради, лекин нега ундай қилдим, нега у томонга бордим, нега ундай дедим, нега шундай бўлганлигини тушунтириб беролмайман.

– Бу маълум ҳодиса, – орага қўшилди Зосимов, – ишни жуда дўндириб, одамнинг ақлини ҳайрон қолдириб, адо этилади, ваҳоланки, шу ҳолатда киши ўз хатти-ҳаракатларини бошқаролмайди, у нима ишни бошлаб қўйганлигини яхши англамайди ва буларнинг бари кўпинча киши руҳиятига қаттиқ таъсир қилган нарсалардан бошланади ва шуларга боғлиқ бўлади. Тушга ўхшайди.

«Бир қараганда, у мени савдойига чиқариб қўйгани ҳам ёмон эмасга ўхшайди», – деб ўйлади Раскольников.

– Агар бундай дейдиган бўлсангиз, соғ одамлар ҳам шунақа бўлади-ку, – деб гап қўшди Дунечка Зосимовга ташвишланиб қараркан.

– Жуда тўғри фаҳмлабсиз, – жавоб берди Зосимов, – шу маънода, ҳақиқатан ҳам биз ҳаммамиз кўпинча телбанамо бўлиб юрамиз, фарқи шундаки, «касаллар» биздан кўра савдойироқ бўлади, шунинг учун бунинг чегарасини яхши фарқлаб олмоқ керак. Ҳар жиҳатдан комил одамлар ростдан ҳам деярли йўқ деса ҳам бўлади; ўн минг, балки эҳтимол, юз минглаб одамлар ичидан битта-яримта чиқиб қолар, лекин булар ҳам бутунлай баркамол бўлмайди, заифроқ жойлари бўлади...

Ўзининг севган мавзусида гапга тушиб кетган Зосимов гап орасида фарқига бормай «савдойи» деган сўзни оғзидан чиқариб юборган чоғда бундан ҳаммаларининг юзлари буришиб кетди. Раскольников эса ҳеч нарсага эътибор бермай, хаёлга толиб, туси ўчган лабларида галати бир табассум ўйнаган ҳолда ўтирарди. У калласида ниманидир пишитмоқда эди.

– Хўш, қани, бировни от-арава босиб кетибди, дедингми? Мен гапингни бўлиб қўйдим! – қичқирди шоша-пиша Разумихин.

– Нима? – уйғониб кетгандай бўлди Раскольников, – ҳа... уни уйига олиб бораётганимизда, эгнимга қон сачрабди... Айтгандай, ойижон, кеча мен ҳеч кечириб бўлмайдиган бир иш қилиб қўйдим; ҳақиқатан ҳам эс-хушим соғ эмас экан. Кеча мен сиз юборган ҳамма пулларни ўша кишининг... хотинига... кўмиш учун бердим. Энди у бева бўлиб қолди, ўзи сил касал, бечора бир хотин... Уч нафар ёш боласи бор, етимчалар, оч-яланғоч... Уйда ҳеч нарсаси йўқ... Яна бир қизи бор... Балки уларни кўрган бўлганингизда ўзингиз ҳам бериб юборардингиз... Биламан, пулни беришга ҳеч қандай ҳақим йўқ эди, бунинг устига бу пулларни сиз қандай топганлигингизни билардим. Ёрдам бериш учун ҳам аввал бунга сазовор бўла билиш керак, бўлмаса: «Crevez, chiens, si vous n'êtes pas contents!»<sup>14</sup> – У кулиб юборди. – Шундайми, Дуня?

– Йўқ, ундай эмас, – деди қатъий қилиб Дуня.

– Оббо, сенда ҳам... даъво зўр эканку!.. – гўлдиради у синглисига ўқрайиб қараб ва масхара қилгандай тиржайиб. – Мен бу томонини ўйламаган эканман... Майли, жуда соз; кейин хурсанд бўласан... кейин шундай бир чизиққача борасанки, у

<sup>14</sup> Crevez, chiens, si vous n'êtes pas contents! – менга деса, қирилиб кетмайсизми, итваччалар! (франц.)

чизиқдан ўтмасанг, бадбахт бўласан, ўтсанг, балки ундан ҳам баттар бахтсиз бўласан... Ҳа, ростдан ҳам булар ҳаммаси бўлмағур гаплар! – деди у гапни чўзиб юборганидан гаши келиб, жаҳли чиққан ҳолда. – Фақат мен, ойижон, сиздан кечирим сўрамоқчи бўлиб турган эдим, – деб тугатди у сўзини бирдан кескин қилиб.

– Қўйсанг-чи, Родя, сен нима иш қилмагин, ҳаммаси жуда яхши эканлигига имоним комил! – деди жонланиб она.

– Имонни тинч қўйинг, – деб жавоб берди Раскольников оғзини қийшайтириб тиржаяркан. Жимлик чўкди. Бўлиб турган бу гаплар, бу жимлик, бу ярашув ва бу узрхоҳликларнинг барида аллақандай бир нотабийлик, зўракилик бор эдики, бунини ҳаммалари сезиб турар эдилар.

«Ростдан ҳам улар мендан қўрқиб туришибди», – дея ўйлади Раскольников ойиси билан синглисига шумшайиб қарар экан. Пульхерия Александровна ҳақиқатан ҳам қанча кўп гапирмай турса шунчалар юрагини олдириб қўймоқда эди.

«Ғойибдан уларни жуда ҳам яхши кўриб юрардим шекилли», – хаёлидан ўтди Раскольниковнинг.

– Биласанми, Родя, Марфа Петровна ўлди! – деди бирдан ўрнидан туриб кетиб Пульхерия Александровна.

– Яна қанақа Марфа Петровна?

– Вой, Худойим-ей, Марфа Петровна-чи, Свидригайлова! Сенга у ҳақда кўп ёзган эдим.

– Э-э-э, ҳа, эсимда... ўлдими-а? Қўйинг-е, ростданми? – бирдан худди уйқудан тургандай жонланиб кетди у. – Наҳот ўлган бўлса? Нима бўлиб ўлди?

– Бунини қара, ҳеч кутилмаган иш бўлди! – деди шоша-пиша Пульхерия Александровна унинг қизиқиб қолганлигидан дадилланиб, – худди сен-



га хат жўнатган куним, ҳа, худди ўша куни! Анов расво эри сабаб бўлди унинг ўлимига. Жуда қаттиқ калтаклаган, деб айтишади!

– Улар шунақа ёмон туришардими? – сўради Раскольников синглизига қараб.

– Йўқ, унчалик эмас. У доим хотинининг кўнглига қарарди, ҳатто унга ёмон гапирмасди. Жуда кўп нарсаларни кўпинча кўриб, ўзини кўрмаганга соларди, хотинининг феълига чидаб келарди, етти йилдан бери аҳвол шундай эди. Нима учундир бирдан бошқача бўлиб қолди.

– Демак, етти йил чидаб келган бўлса, унчалар расво одам эмас экан-да? Дунечка, сен уни оқлаб турибсан шекилли?

– Йўқ, йўқ, жуда ҳам расво одам! Ундан ҳам расвороғини, ҳатто тасаввуримга ҳам келтиролмайман, – гижиниб деди Дуня ва қошларини чиририб ўйланиб қолди.

– Эрталаб ораларида гап қочиб қолибди, – дея давом этди шошилиб Пульхерия Александровна. – Шундан кейин хотини отларни қўшишни буюрибди, нонушта қилиб кейин шаҳарга тушиб кетмоқчи экан. У бундай пайтларда доим шаҳарга тушиб кетаркан. Айтишларига қараганда, иштаҳа билан яхшилаб нонушта қилиб олибди...

– Калтакланган бўлса ҳам-а?

– Ростдан ҳам у шунга... Одатланиб қолган экан, кейин нонушта қилиб бўлиши билан шаҳарга кеч қолмаслик учун чўмиладиган хонага киради... Биласанми, у ўзини мўрчага тушиб қандайдир даволаркан. Уларникида муздак булоқ бор, у ҳар куни канда қилмай, шу булоқ сувида чўмиларкан, сувга тушгану тамом бўлган!

– Бўлмасам-чи! – деди Зосимов.

– Ёмон урган эканми?

– Бари бир эмасми буниси, – деди Дуня.

– Ҳм! Ойижон, шуни ҳам гап деб гапириб юргангингни қаранг, – гижиниб оғзидан чиқиб кетди Раскольниковнинг.

– Оҳ, бўталоғим, мен нимани гапиришимни ҳам билмай қолдим, – деди бехосдан Пульхерия Александровна.

– Нима бало бўлган ўзи, ҳаммаларингиз мендан юрак олдириб қўйганмисизлар? – деди Раскольников оғзини қийшайтириб тиржаяр экан.

– Тўғрисиям ўзи шу, – деди Дуня акасининг юзига тик ва жиддий боқиб. – Ойимлар зинадан чиқиб келаётганларида, ҳатто чўқиниб ҳам олдилар.

Раскольниковнинг чехраси асабий бир тарзда тиришиб кетди.

– Вой, нима деяпсан ўзинг, Дуня! Жаҳлинг чиқмасин, Родя... Сенга нима бўлди, Дуня! – деди ўзини қаерга қўйишни билмай қолган Пульхерия Александровна, – нимасини яширай, вагонда кела келгунча қандай кўришаркинмиз, қандай гаплашаркинмиз, деб жоним ичимга сифмай келдим... Қувонганимдан кўзимга йўл ҳам кўринмади! Нима деяпман ўзи! Мен ҳозир ҳам бахтиёрман... Нима қилардинг шуни айтиб, Дуня! Сени кўриб турганимнинг ўзи мен учун бахт, Родя...

– Қўйинг, ойижон, – деди тортиниброқ Раскольников ойисига қарамасдан унинг қўлини сиқар экан, – ҳали тўйиб-тўйиб гаплашамиз!

У шундай деб бирдан ғалати аҳволга тушиб, ранги оқариб кетди. Яқингинада бошидан кечирган даҳшатли воқеа яна бирдан кўкрагини музлатиб юборди. У шу тобда жуда ҳам даҳшатли ёлғон айтганлигини сизди, йўқ, энди у ҳеч қачон тўйиб-тўйиб, мириқиб гаплашолмайди, ҳеч нарса ҳақида ҳеч қачон ҳеч ким билан энди гаплашиши мумкин эмас. Калласига келиб қолган бу фикр уни шунчалар ўртаб юбордики, у бирдан бутунлай ҳушини

йўқотиб, ўрнидан турди ва ҳеч кимга қарамасдан ҳужрадан чиқиб кета бошлади.

– Сенга нима бўлди? – қичқирди Разумихин унинг қўлидан ушлаб қолиб.

Раскольников яна жойига қайтиб ўтирди ва индамасдан атрофга кўз югуртира бошлади. Ҳаммалари унга ажабсиниб қараб қолдилар.

– Э, нега ҳаммаларингиз шумшайиб ўтирибсизлар! – қичқириб юборди у кутилмаганда, – бир нарса денглар, ахир! Бақрайишиб ўтираверамизми? Қани, бошланглар! Гаплаша бошлаймиз... Ҳамминг жим ўтиришини-чи... Қани, бўла қолинглар!

– Худога шукр! Мен яна кечагидай бўладими деб ўйлаган эдим, – деди Пульхерия Александровна чўқиниб оларкан.

– Сенга нима бўлди, Родя? – чўчинқираб сўради Авдотья Романовна.

– Ўзим шундай, бир нима эсимга тушиб кетди, – деб жавоб берди Раскольников ва бирдан кулиб юборди.

– Ундай бўлса жон кошки-е! Сал бўлмаса хаёлимга... – минғиллади Зосимов дивандан қўзғаларкан. – Мен энди боришим керак; мен яна кириб ўтарман, балким агар уйда бўлсалар...

У таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Қандай ажойиб киши экан! – деди Пульхерия Александровна.

– Ҳа, жуда ажойиб, топилмас, билимдон, ақли... – бирдан тез-тез гапира бошлади Раскольников кутилмаганда жонланиб кетиб, – касал бўлмасимдан олдин уни қаерда кўрган эканман, сира эслолмаяпман... Қаердадир кўрганман... Бу киши ҳам жуда яхши одам! – Разумихинга ишора қилди у, – у сенга ёқадими, Дуня? – сўради у бирдан сингисидан ва нима учундир кулиб юборди.

– Жуда ҳам, – деб жавоб берди Дуня.

– Ҳе, ўзингам ўлгудай... тўнғизсан-да! – деди ҳаддан ташқари уялиб кетган, дув қизарган Разумихин ва курсидан туриб кетди. Пульхерия Александровна жилмайиб қўйди, Раскольников эса хандон ташлаб кулиб юборди.

– Қаёққа кетяпсан, ҳой?

– Мен ҳам... боришим керак.

– Ҳеч қаёққа бормаيسان, ўтир! Зосимов кетган бўлса сен ҳам кетишинг керакми? Кетма... Соат неча бўлди? Ўн икки бўлиб қолгандир? Соатинг мунча чиройли бўлмаса, Дуня! Нега яна чурқ этмай қолдинглар? Ҳамма гапни йиғиштириб менга берган экан!..

– Бу Марфа Петровнанинг совғаси, – деб жавоб берди Дуня.

– Жуда қимматбаҳо, – деб қўшиб қўйди Пульхерия Александровна.

– Э-э-э! Катталигини айтинг, хотинларникига ўхшамайди.

– Мен шунақасини яхши кўраман, – деди Дуня. «Куёвнинг совғаси эмас экан», – дея кўнглидан ўтказди Разумихин ва негандир хурсанд бўлди.

– Мен Лужин совға қилган бўлса керак, деб ўйлабман, – деди Раскольников.

– Йўқ, у ҳали Дунечкага ҳеч нарса совға қилган эмас.

– Э-э-э! Ойижон, эсингиздами, мен бировни яхши кўриб қолиб уйланмоқчи бўлганим, – деди у кутилмаганда онасига қараб. Пульхерия Александровна гап бирдан бунчалар ўзгариб бошқача тус олиб кетганидан анқайиб қолди.

– Оҳ, эсимда, бўталоғим! – Пульхерия Александровна Дунечка ва Разумихин билан кўз уриштириб олди.

– Ҳм! Ҳа! Қандай қилиб айтиб берсам экан? Унчалик эсимда қолмаган. У касалманд қиз эди, – да-

вом этди у яна бирдан бошини эгиб, ўйга ботаркан, – жуда касалманд эди. Тиланчиларга садақа беришни яхши кўрарди, нуқул узлат ҳақида гапиргани-гапирган эди, бир марта менга шуни гапириб ўтириб йиғлаб юборган эди; ҳа, ҳа... эсимда... яхши эсимда. Ўзи жуда хунуккина эди. Билмайман, ўшанда унинг нимасини ёқтириб қолган эканман, доим касалланиб юргани учундир, балки... Мабодо, у чўлоқми ёки букир бўлганда, мен, эҳтимол уни баттар яхши кўриб қолган бўлармидим... (У маъюс жилмайиб қўйди.) Шундай... Баҳор бўлганда одам шунақа довдираб туради...

– Йўқ, бу баҳорги довдирашнинг ўзигинамас бу, – деди жонланиб кетган Дуня.

У яна ниманидир кутгандай синглисига диққат билан қаради, лекин унинг сўзларини яхши эшитмади ёки бўлмаса, ҳатто яхши англамади. Кейин чуқур ўйга ботган кўйи ўрнидан турди-да, ойисининг олдига келиб, уни ўпиб қўйди, сўнг жойига қайтиб бориб ўтирди.

– Сен уни ҳалиям яхши кўрасан! – деди кўнгли бўшашиб кетган Пульхерия Александровна.

– Уними? Ҳалиям дейсизми? Эҳ-ҳа!.. Сиз уни айтяпсизми! Йўқ. Буларнинг бари энди худди нариги дунёга кетгандай... Қанча сувлар оқиб ўтди. Атрофимда бўлаётган воқеалар ҳам худди бу ерда эмас, бошқа жойда рўй бериб тургандай...

Раскольников хона ичидагиларга диққат билан разм солиб қаради.

– Мана сизларни ҳам... худди мингларча чақирим наридан туриб кўраётгандайман... Э, қуриб кетсин, нега бунақа гапларни гаплашиб ўтирибмиз! Нега сўрайверасизлар нуқул одамдан? – деди у фаши келиб ва тирноқларини тишлаганча яна ҳаёлга толди.

– Топган ҳужрангни қара, Родя, худди тобутга ўхшайди, – деди бирдан Пульхерия Александровна офир жимликни бузаркан, – менимча, бошингга тушган шу савдоларга мана шу ҳужра ҳам сабабчи бир жиҳатдан.

– Уйми?.. – дея жавоб берди у паришонхотирлик билан. – Тўғри, уй ҳам бир ёқдан сабабчи... Мен ҳам шу ҳақда ўйлаган эдим... Ойижон, биласизми, ҳозир жуда ғалати бир фикрни айтдингиз-а, – деди у кутилмаганда ғалати ишшайиб.

Шу аҳволда яна бир оз турилса, у билан уч йил дийдор кўришмай юриб, соғиниб келган яқинлари ҳам, қариндошчилик юзасидан айтиладиган бу гапларнинг ҳаммаси ҳам унинг бутунлай меъдасига тегиб кетган бўларди. Умуман, ўзи гаплашадиган гап қолмагандай эди. Лекин шу бугундан қолдирмай ҳал қилиш керак бўлган бир иш бор эдики, у бундан қандай бўлмасин бутун битиришга эрталаб уйқудан турган пайтидаёқ аҳд қилганди. Мана энди шу иш борлигига юракдан қувониб қўйди.

– Гап бундай, Дуня, – деди жиддийлик билан қуруққина қилиб, – мен албатта, кечаги гапларим учун сендан узр сўрайман, лекин сенга шуни айтиб қўйишим керакки, айтган асосий гапимдан қайтмайман. Ё мен, ё Лужин. Майли, мен аблаҳ бўла қолай, лекин сен бундай қилмаслигинг керак. Иккимиздан биримиз. Агар сен Лужинга турмушга чиқадиган бўлсанг, менинг сендақа синглим йўқ.

– Родя, Родя! Яна кечаги гапини такрорлапти-ку, а! – алам билан деди Пульхерия Александровна, – нима учун сен нуқул ўзингни аблаҳ дейсан, мен бунга сира тоқат қилолмайман. Кечаям шунақа қилдинг...

– Ака, – қатъий ва ўз навбатида қуруққина қилиб деди Дуня. – Сиз хато қияпсиз. Мен кечаси билан ўйлаб чиқдим ва бу хато нималигини топдим.

Ҳамма гап шундаки, сиз мени ўзини кимгадир қурбон қилаётир, нима учундир қурбон қилаётир, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Бу унчалар тўғри эмас. Мен ўзимга керак бўлгани учун турмушга чиқаётирман, нега десангиз, менга ҳам жуда оғир. Бундан ташқари агар яқин кишиларимга бирон нафим тегадиган бўлса, албатта, бошим осмонга етади, лекин мен фақат шу туфайлигина бир қарорга келганим йўқ...

«Ёлғон! – деб ўйларди ўзича Раскольников аччиғи келганидан тирноқларини тишларкан. – Кибрни қаранг! Бировга яхшилик қилмоқчи бўлганлигини бўйнига олмайди! О, одамзоднинг пасткаш болалари! Уларнинг яхши кўриши ҳам худди ёмон кўришга ўхшайди. О, уларни... кўргани кўзим йўқ, ҳаммаларини!»

– Бир сўз билан айтганда, мен Петр Петровичга турмушга чиқаман, – дея давом этди Дунечка, – шу билан мусибатнинг кичикроғини танлаган бўламан. У мендан нима истаса барини виждонан адо этиш тилагидаман, шундай бўлгандан кейин мен уни лақиллатаётганим йўқ... Нега сиз бунақа қилиб кулаётирсиз?

Дуня қип-қизариб кетди, унинг кўзларида ғазаб учқунланди.

– Ҳаммасини адо этаман, дегин? – сўради у заҳарханда қилиб.

– Ўрни-ўрни билан. Петр Петровичнинг қандай ва қай йўсинда совчи бўлиб келганидан мендан нима исташини дарров билиб олдим. Албатта, у ўзига жуда ҳам бино қўйган, балки ҳаддан ташқари ўзини юқори қўйса эҳтимол, лекин менинг қадримга етар, деб умид қиламан. Нега яна куляпсиз?

– Ўзинг нега қизариб кетяпсан? Сен ёлғон гапиряпсан, синглим, атай ёлғон гапиряпсан, аёл-

лигингга бориб қайсарлик қиялпсан, менинг олдимда ўз гапингни ўтказмоқчисан, холос... Сен Лужинни ҳурмат қилолмайсан: мен уни кўрдим, гаплашдим. Шундай бўлгач, ўзингни пулга сотган бўлиб чиқасан, шундай бўлгач, нима бўлганда ҳам пасткашлик қилган бўласан, тузук, ҳалиям қизариб турибсан, мен шунгаям хурсандман!

– Ёлғон, алдаётганим йўқ!.. – дея қичқирди Дунечка титраб-қақшаган кўйи, – агар у мени ҳурмат қилмаслигини, менинг қадримга етмаслигини кўрсам, билсам, ўлсам ҳам унга турмушга чиқмайман. Уни ҳурмат қила олишимга қатъий ишонмасам, у билан ҳеч қачон бирга ҳаёт кечирмайман. Яхшиямки, бунга шу бугуноқ тезда ишонч ҳосил қилишим мумкин. Шундай бўлгандан кейин бундай никоҳ сиз айтганча, пасткашлик бўлиб ҳисобланмайди! Мабодо, сиз ҳақ бўлган тақдирингизда ҳам агар мен пасткашлик қилишга мажбур бўлиб қолган бўлсам, буни менинг юзимга солиб ўтиришга қандай бетингиз чидади! Нега сиз мендан қаҳрамонлик қилишни талаб қилаётирсиз, бундай қаҳрамонлик, ҳатто ўзингизда ҳам, балки йўқдир-ку? Бераҳмлиқ бу, зўравонлик бу! Менинг ўзимдан бошқага кучим етмайди... Мен ҳали ҳеч кимни сўйганим йўқ!.. Нега менга бундай қарайсиз? Нега бунча оқариб кетдингиз? Ака, сизга нима бўлди? Ака, жоним!..

– Ё Раббим! Ҳушидан кетказиб қўйдинг! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

– Йўқ, йўқ... Ҳечқиси йўқ... Бўлди!.. Бир оз бошим айланиб кетди. Ҳушим ўзимда... Ҳадеб ҳушдан кетиб қолаверар эканман-да, сизларга!.. Ҳм!.. Ҳа... Нима демоқчийдим? Ҳа, сен бугуннинг ўзида қандай қилиб уни ҳурмат қила олишингни билиб олмоқчисан, ва у сени... қадримга етади, дедингми, буни қандай қилиб биласан, қадрингга



етишини, шундай дединг шекилли? Сен шу бугуноқ, деб айтдинг чоғи? Ёки менга шундай эшитилдими?

– Ойижон, акамга Петр Петровичнинг хатини кўрсатинг, – деди Дунечка.

Пульхерия Александровна қалтираган қўллари билан хатни узатди. Раскольников хатни жуда қизиқиб қўлга олди. Лекин хатни очиб ўқишдан олдин у бирдан Дунечкага алақандай ажабсиниб қаради.

– Қизиқ, – деди у хаёлига келган фикрдан кутилмаганда ҳайратга тушиб, – менга нима? Нега мунча бақириб-чақирмасак? Кимга тегсанг тегавер менга деса!

У худди ўзига ўзи сўзлагандай бўлиб гапирар экан, бир неча замон шу алпозда боши қотиб синглисига тикилиб қолди.

У ниҳоят, ҳамон ғалати бир суръатда саранг бўлиб хатни очди, кейин секин диққат билан ўқишга тушди ва икки марта ўқиб чиқди. Айниқса, Пульхерия Александровна ғоятда безовта бўлиб қолганди; умуман, ҳаммалари ҳозир ўзгача бир аҳвол рўй бериб қолишини кутишарди.

– Менинг ҳайрон бўлиб қолган жойим, – деб бошлади у бирмунча пайт хаёлга толиб тургач, хатни ойисига қайтариб бераркан, гапини ҳам бу ерда турганларнинг биронтасига қарата айтгани йўқ, – у корчалон одам, адвокат, оғзидан чиқадиган гаплари ҳам ҳалигиндақа... оҳангжамали, лекин ёзганда саводсиз қилиб ёзаркан.

Ҳаммалари қимирлаб олишди; ҳеч ким бундай гапни кутмаганди.

– Э, уларнинг ҳаммаси мана шунақа қилиб ёзади, – дея гапни чўрт кесиб қўя қолди Разумихин.

– Сен буни ўқидингми?

– Ҳа.

– Биз ўзимиз кўрсатдик, Родя, биз... Кенгашиб олайлик, дегандик, – деди нима қилишини билмай қолган Пульхерия Александровна.

– Адлия ишидагилар ўзлари мана шунақа қилиб ёзишади, – унинг гапини бўлди Разумихин, – адлия қоғозлари ҳозиргача ҳам мана шу усулда ёзилади.

– Адлия? Тўғри, худди адлиянинг ўзи, корчалоннинг ёзуви... Саводсиз деб жудаям ерга уриб юборадиган даражада эмас, лекин адабий жиҳатдан беҳато деб ҳам бўлмайди корчалоннинг ёзуви!

Петр Петрович амал-тотал қилиб, сариқ чақалик қилиб ўқиганлигини тан олади ва, ҳатто, мен ўзим ўзимга йўл очганман, ўзим оёққа босганман, деб мақтаниб ҳам юради, – деб қўйди Авдотья Романовна акасининг гап оҳанги ўзгарганлигидан бир оз ранжиб.

– Майли мақтанса арзийдиган жойи ҳам бордир, мен уни айтаётганим йўқ. Синглим, сен шунча хатни ўқиб, акамнинг айтган гапини қара-я, бунча енгилтак бўлмаса деб хафа бўлаётганга ўхшайсан, гапини ўтқазолмагандан кейин атай гашимга тегиш учун мана шундай арзимаган гапларни айтиб ўтирибди, деётган бўлсанг керак. Лекин ундай эмас, аксинча, хатнинг қандай ёзилганидан шу тобда калламга бир антиқа фикр келиб турибди. Хатда: «Пиширган ошингизни ўзингиз ичинг», деган гап бор, бу гап жуда ўрнига қўйиб, маънодор қилиб ёзилганки, агар у айтган ерга мен ҳам борадиган бўлсам ўша заҳоти сизни ташлаб чиқиб кетади. Кетаман деб пўписа қилиши – бу сизни ташлаб кетаман дегани; агар унинг гапига қулоқ солмасанглар, Петербургга чақириб олиб келган бўлишига қарамасдан сизларни бу ерда қолдириб кетаверади. Ана энди ўзинг айт-чи менга, агар шу гапни анов (у Разумихинни кўрсатди) ёки Зосимов ёки биздан биронтамиз ёзган бўлганимизда хафа

бўлгандек Лужиндан ҳам худди шундай хафа бўлиш мумкинми?

– Й-йўқ, – деб жавоб қилди Дунечка жонланиб, – менимча, бу жуда ҳам одми, ялпоқ қилиб ёзилган, шундан унинг хатга унчалар қўли келишмаганлигини билиш мумкиндир, эҳтимол... Сиз буни жуда ҳам тўғри айтдингиз, ака. Мен, ҳатто кутмаган эдимки...

– Бу қозиларнинг тили билан ёзилган, қозиларнинг бундан бошқача бир тарзда ёзишини тасаввур қилиб бўлмайди, шунинг учун у, эҳтимол ўзи истамаган ҳолда қўполроқ қилиб ёзиб юборгандир. Айтмоқчи, хафа бўлсанг ҳам яна бир нарсани айтаман: бу хатда бир гап ёзилганки, у менинг шаънимга бутунлай бўҳтондир, жуда пасткаш гап. Кеча мен сил, бечора бир аёлга пулни «кўмиш баҳонаси»да эмас, кўмишнинг худди ўзи учун бердим, яна пулни унинг ёзишича, ойимтиллага, хулқи бузилиб кетган бир қизга эмас (мен уни кеча умрим бино бўлиб биринчи марта кўрдим), балки бева хотиннинг ўз қўлига бердим. Буларнинг бари сизларга мени иложи борича ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш ва уриштириб қўйиш учун қилинганлигини сезиб турибман. Ростдан ҳам, бу қозининг гапи, яъни у мақсадини очиқ баён қилади, лекин калтабинлик билан қилади, шошилади. У ақлли одам, лекин ақлли иш қилиш учун қуруқ ақлнинг ўзи етмайди. Буларнинг ҳаммаси унинг қандайлигини мана-мана деб кўрсатиб турибди ва... у сени боя айтганингдай, қадрлашига ишонмайман. Мен бу сенга фақат маслаҳат юзасидан айтаётирман, чунки сенга яхшилик тилайман...

Дунечка жавоб бермасди; у аллақачон бир қарорга келиб қўйган, фақат кеч бўлишини кутмоқда эди.

– Ўзинг энди қандай фикрдасан, нима қилмоқчисан Родя? – деб сўради Пульхерия Александровна ўғлининг гап оҳанги боягидан бутунлай ўзгариб, янгича, пухта бўлиб қолганлигидан жуда ҳам ташвишланиб.

– Нима қилмоқчисан, деганингиз нимаси?

– Бунни кўрмайсанми, Петр Петрович сени кечқурун келмасин, деб ёзиб юборибди-ку, келса кетиб қоламан, дебди... Энди нима қилдик, сен... борасанми?

– Мен бунга бир нарса деёлмайман, биринчидан, агар сиз Петр Петровичнинг бу талабини жўяли, деб билсангиз, уни ўзингиз ҳал қилинг, иккинчидан, бунни Дуня ҳал қилсин, агар у ҳам бунга рози бўлса. Мен сизларга қандай яхши бўлса, шундай қиламан, – қўшимча қилиб қўйди у қуруққина қилиб.

– Дунечка бир қарорга келиб қўйди, мен ҳам унинг фикрига қўшиламан, – деди шоша-пиша Пульхерия Александровна.

– Мен сиздан илтимос қиламанки, ака, ўтиниб сўрайман, бўлажак шу учрашувда ўзингиз албатта қатнашсангиз, – деди Дуня, – борасизми?

– Бораман.

– Сизни ҳам соат саккизда бизникига келишингизни сўрайман, – деб мурожаат қилди Дуня Разумихинга қараб. – Ойижон, мен бу кишини ҳам таклиф қиламан.

– Жуда ҳам яхши, Дунечка. Майли, сизлар нима десангизлар, шу бўла қолсин, – деб қўшиб қўйди Пульхерия Александровна. – Менга ҳам осон бўлади. Муғомбирлик қилиш, алдашни жинимдан ёмон кўраман; яхшиси очиқ-ойдин гаплашиб олганимиз маъқул... Майли энди хафа бўлсанг ҳам, бўлмасанг ҳам ўзингдан кўр, Петр Петрович.

Шу пайт эшик оҳиста очилиб ҳужрага қўрқа-писа аланглаб бир қиз кириб келди. Ҳаммалари унга ҳайрат ичра қизиқсиниб қараб қолдилар. Раскольников бир қарашда уни танимади. Бу қиз Софья Семёновна Мармеладова эди. Раскольников қизни кеча биринчи марта кўрган эди, лекин кўрганда ҳам шундай бир вазият, шундай бир дақиқа ва шундай бир кийимда кўрган эдики, хотирасида бутунлай бошқа бир қиёфа ўрнашиб қолганди. Ҳозир эса унинг кўз ўнгида жуда ҳам ёш, худди кичкина қизчаларга ўхшашиб кетадиган, одмигина, ҳатто камсуқумлик билан кийиниб олган, баодоб ва ҳаёли, очиқ чеҳрали, лекин бирмунча қўрқиб кетган қиз турар эди. У эгнига уйда кийиладиган одми қўйлак кийган, бошида эски, олдингидай шляпача, қўлига эса худди кечагидай соябон ушлаб олганди. Кутилмаганда уй тўла одамни кўриб, қисиниш у ёқда турсин, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, кичкина болалардай юраги пўкиллаб ура бошлади ва, ҳатто, чиқиб кетишга чоғланиб ҳам қолди.

– Ҳа... бу сизмисиз?.. – сўради Раскольников беҳад бир ҳайрат ичида ва бирдан ўзи уялиб кетди.

У, ойим билан синглим Лужиннинг хатидан хулқи бузилиб кетган бир қиз борлигини билишади-ку, деган фикрда бирдан довдираб қолди. Ҳозиргина у Лужиннинг бўҳтонидан норози бўлган ва бу қизни биринчи марта кўришим, деб ишонтирганди, мана энди кутилмаганда қизнинг ўзи бу ерга келиб қолди. Яна у «хулқи жуда бузилиб кетган», деган сўзга қарши бир оғиз гапирмаганлигини ҳам эслади. Буларнинг бари унинг ҳаёлидан ноаниқ тарзда бир зум ичида ғувиллаб ўтди. Лекин разм солиб қараб бу забун, паррехта қиз шун-

чалар ҳам увол эканлигини кўрдик, бирдан унга юраги ачишиб кетди. Қиз қочиб кетмоқчи бўлиб бир ҳаракат қилганда эса Раскольниковнинг бутун вужуди ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

– Мен сиз келарсиз, деб сира ўйламаган эдим, – деди у шошиб-пишиб, қизни нигоҳи билан тўхтатиб қоларкан. – Марҳамат қилиб, ўтиринг. Сизни Катерина Ивановна юборган бўлсалар керак. Мана, мана бу ерга ўтиринг...

Соңя кириб келганда Раскольниковнинг учта курсисидан бирида эшик олдида ўтирган Разумихин қизни ичкарига киритиш учун унга йўл берди. Раскольников бошда қизга боя Зосимов диванда ўтирган ерни кўрсатмоқчи бўлганди, лекин диван ҳар ҳолда жуда нозикроқ ўрин эканлигини ўйлаб қолиб, қизни ўзи ётиб юрадиган ерга ўтқазгиси келмади ва шоша-пиша унга Разумихин ўтирган курсини таклиф қилди.

– Сен эса мана бу ерга ўтир, – деди у Разумихинга боя Зосимов ўтирган ерни кўрсатаркан.

Соңя ўтақаси ёрилиб кетгудай бўлиб ўтирди, хонимларга ботинмайгина қараб қўйди. Улар билан қандай қилиб ёнма-ён ўтирганлигига ўзи ҳам ҳайрон эди. Хаёлига бирдан келиб қолган шу фикрдан у чунонам қўрқиб кетдики, дафъатан ўрнидан туриб кетди ва қисиниб-қимтиниб Раскольниковга мурожаат қилди.

– Мен... мен... ҳозир кетаман, кечиринг, сизларни безовта қилдим, – деди у тутила-тутила. – Мени Катерина Ивановна юбордилар, бошқа келадиган одам бўлмагани учун мен келдим... Катерина Ивановна сиздан жуда ўтиниб сўрайдиларки, эртага таъзияга борар экансиз, эрталаб... маросимдан кейин... маросим Митрофаней черковида, кейин бизникида... у кишиникида... чой ичилади... Жуда ўтиндилар... Шуни бориб айт, – дедилар.

Соня дудуқланиб қолди ва жим бўлди.

– Албатта бораман... албатта, – деб жавоб берди Раскольников ҳам ўрнидан туриб, дудуқланиб, гапни чала-чулпа сўзларкан... – Марҳамат қилиб, ўтиринг, – деди у кутилмаганда, – сиз билан гаплашиб олишим керак. Илтимос, сиз, балки шошиб тургандирсиз, марҳамат қилинг, бирпасгинага...

Шунда у қизга курсини суриб қўйди. Соня яна қайтиб ўтирди ва яна ботинмайгина, ўзини йўқотган кўйи хонимларга тезгина қараб қўйди-ю бирдан бошини эгиб олдп.

Раскольниковнинг бўздай оқарган юзига қон тепди; унинг эти жимирашиб кетди, сесканди, кўзларида ўт кўринди.

– Ойижон, – деди у дадил ва қатъият билан, – бу киши мен боя сизга ҳикоя қидиб берган кеча арава босиб кетган шўрлик Мармеладовнинг қизи Софья Семёновна Мармеладова бўладилар...

Пульхерия Александровнанинг Соняга қараган кўзлари андак қисилиб кетгандай бўлди. У Родя зингил солиб тикилиб турганлигидан ўнғайсизланди-ю, лекин бари бир ўзини тутиб туролмади. Дунечка бечора қизнинг юзига жиддий боқиб турар, уни ҳайрон бўлиб кўздан кечирарди. Соня ўзини таништирганларини эшитиб, бошини кўтармоқчи бўлди-ю, лекин аввалгидан ҳам беш баттар уялиб кетди.

– Мен сиздан сўрамоқчийдим, – деди унга тезгина Раскольников, – ҳаммаси тинчлик билан битдими? Сизларни безовта қилишмадими?.. Полиция индамадими?

– Йўқ, ҳаммаси бўлди... Нима сабабдан ўлгани шундоқ кўриниб турибди-ю: индашмади; фақат қўшниларнинг жаҳли чиқяпти.

– Нимага?

– Жасад кўп туриб қолганига... Кун иссиқ ахир, ис... Шунинг учун кеч оқшом мозорга қўйишмоқчи, эртаги кунгача ўша ерда туради экан. Катерина Ивановна олдин рози бўлмай турган эдилар, энди иложи йўқлигига ўзлари ҳам ишондилар...

– Демак бугунми?

– У киши сизни эртага черковда бўладиган маросимга келсалар, ундан сўнг уйимизга ташриф буюрсалар, деб айтдилар.

– Маърака қилиб бераптими?

– Ҳа-да, чой ичиларкан; кеча берган ёрдамингиз учун жуда миннатдор эканликларини айтиб юбордилар... Сиз бўлмасангиз, кўмадиган ҳолимиз йўқ эди. – Қизнинг лаблари билан даҳани учибучиб кетди, лекин у ўзини тутиб қолди, кўзларини тезгина яна ерга тикди.

Гап орасида Раскольников қизга диққат билан қарарди. Унинг юзи ориққина, жуда ҳам ориққина ва қонсиз, нозик бўлиб, бичимида бирмунча ўхшовсизлик кўринарди, кичкина бурни билан энгаги ўткиргина эди. Уни, ҳатто истараси иссиққина, деб ҳам бўлмасди, лекин унинг мовий кўзлари шунчалар тиниқ эдики, улар жонланиб кетган чоғларда қизнинг чеҳрасини очиб юборар, уни соддагина ва меҳрибон қилиб кўрсатарди, ўзига тортиб оларди. Булардан ташқари унинг юзидан, қадди-қоматидан яна бир нарсани уқиб олиш мумкин эди: ёши ўн саккизга чиққанига қарамасдан у ҳали кичкина қизчаларга ўхшарди, ёшига нисбатан жуда мурфак бўлиб кўринар ва бу нарса баъзан унинг кулгили айрим хатти-ҳаракатларида ҳам билинарди.

– Наҳотки Катерина Ивановна аҳвол шунчалар бўлишига қарамасдан яна маърака ҳам қилиб бераётган бўлса?.. – сўради Раскольников гапни тўтатиб қўймай давом этиб.



– Оддий тобут қилишмоқчи... Ҳаммаси оддийгина бўлади, шунинг учун етади... Биз Катерина Ивановна билан боя ўтириб, бир бошдан ҳисоблаб чиқдик, маъракага ҳам етадиган пул қоларкан. Катерина Ивановна шундай қилмаса бўлмайди, деб турибдилар. У киши қилмасалар бўлмайди... Таскин олади... У кишини ўзингиз биласиз-ку, шундайлар...

– Биладан, биладан... албатта... Нега сиз менинг ҳужрамга бунақа қилиб қараяпсиз? Мана ойимлар ҳам, уйинг тобутга ўхшайди, деяптилар.

– Кеча бизга бор-йўғингизни бериб кетдингиз! – деди шунда унга жавобан Сонечка юракнинг қаъридан чиққан бир товуш билан, кейин яна бошини ерга эгиб олди. Унинг лаблари яна пирпираб, ияги қалтирай бошлади. У Раскольниковнинг ночоргина уйини кўриб боядан бери ҳайрат ичида ўтирар, мана энди бу сўзлар ўз-ўзидан унинг оғзидан чиқиб кетди. Жимлик чўкди. Дунечканинг кўзлари аллақандай равшан тортиб кетди, Пульхерия Александровна бўлса, Соняга, ҳатто маъқуллагандай қараб қўйди.

– Родя, – деди у ўрнидан тураркан, – биргаликда тушлик қилармиз, албатта. Юр, Дунечка... Родя, сен бир оз айланиб келсанг бўлармиди, кейин ётиб, бирпас дам олгач, олдимизга келармидинг, тезроқ бор... Сени чарчатиб қўйдик, деб қўрқаман...

– Ҳа, ҳа, бораман, – деб жавоб берди у ўрнидан тураркан, шошиб қолиб... – Айтгандай, қиладиган бир ишим бор эди...

– Э, наҳотки, овқатни ҳам бошқа-бошқа қилсангизлар? – қичқириб юборди Разумихин Раскольниковга ҳайрон бўлиб қараб, – сенга нима бўлди ўзи?

– Ҳа, ҳа, бораман, албатта, албатта... Сен бирпасга қол. Ойижон, унинг ҳозир сизларга кераги

йўқдир, а? Ёки мен уни сизлардан тортиб оляпманми?

– Оҳ йўқ, йўқ! Сиз ҳам Дмитрий Прокофьевич биз билан овқатлангани келасиз-а?

– Келсангиз яхши бўларди, – дея илтимос қилди Дуня.

Разумихин таъзим қилди, яйраб-яшнаб кетди. Нима учундир ҳаммалари ўзларини бир зум ўнғайсиз сездилар.

– Хайр, Родя, яъни кўришгунча; шу хайрлашиш сира жинимга ўтиришмайди. Хайр, Настасья... Уҳ, яна «хайр», дедим-а!..

Пульхерия Александровна Сонечкага ҳам таъзим қилиб қўймоқчи бўлган эди, лекин бари бир чиқмади, шунинг учун хонадан шошилганча чиқиб кетди.

Лекин Авдотья Романовна ўз навбатини кутиб турган экан шекилли, ойисининг кетидан чиқиб кета туриб, Сонянинг ёнидан ўтаркан, унга ҳурмат-эътибор, одоб билан тўла таъзим қилиб ўтди. Сонечка ўзини ноқулай сезиб, чўчиганча апил-тапил таъзим билан жавоб берди ва шунда худди Авдотья Романовнанинг иззат-эътибори унга жуда ҳам оғир ботиб, жонига азоб бергандай юзига аллақандай изтироб ифодаси қалқиб чиқди.

– Дуня, хайр энди! – қичқирди Раскольников улар даҳлизга чиқиб бўлганларида, – қўлингни бермадингку!

– Қўлимни бердим-ку, эсингиздан чиқдимми? – деди жавобан Дуня мулойимгина ўнғайсизлик билан акаси томон ўтирилиб қараркан.

– Бари бир, яна қўлингни бер!

Шунда у сингисининг кафтини қаттиқ қисиб қўйди. Дунечка унга табассум қилди, юзи дув қизариб кетди, қўлини тезгина тортиб олиб, ойиси-

нинг ортидан кетди, нима учундир унинг чеҳраси ял-ял ёниб кетганди,

– Ана энди яхши бўлди! – деди Раскольников Соняга, ичкарига қайтиб кираркан, у қизга равшан бир нигоҳ билан қаради, – ўлганларни Худо раҳмат қилсин, тирикларга умр берсин! Шундайми? Шундайми? Шундай эмасми?

Соня унинг дафъатан ёришиб кетган чеҳрасига ажабланиб қаради; Раскольников бир неча дақиқа қизга тикилиб қараб қолди, унинг ҳақида марҳум отасидан эшитганлари шу дафъа унинг ёди сафҳасидан бир-бир ўтди...

– Ё Раббим, Дунечка! – кўчага чиққан замоноқ тилга кирди Пульхерия Александровна, – буни қара-я, у ердан чиққанзимизга худди хурсанддайман-а, ўзимни енгил сездим. Кеча вагонда келатганимда, мана шунга ҳам суюниб ўтиришимни сира ўйлаганмидим!

– Ойижон, сизга яна қайтариб айтаманки, у ҳали тўла соғайиб кетган эмас. Наҳотки, ўзингиз кўрмаётган бўлсангиз? Балки бизни ўйлаб, бизни соғиниб шу аҳволга тушгандир. Уни тушуниш ва кўп нарсаларни кўнгилга олиб ўтирмаслик керак.

– Боя ўзинг унинг кўнглига қараб гапирмадинг! – худди ўғлини ундан тортиб олишаётгандай ичи ачишиб қизишиб унинг гапини бўлди Пульхерия Александровна. – Биласанми, Дуня, сизларнинг иккаларингизга қараб туриб, бир-бирларингизга қуйиб қўйгандек ўхшашингизни билиб қолдим, юзингиз ўхшайди десам, ичингиз ҳам бир: икковинглар ҳам хаёл суриб юрадиган, тунд ва қизиққон, икковларинг ҳам димоғдор ва икковларинг ҳам олижанобсизлар... Аканг фақат ўзини ўйлайдиган одамлардан эмас, шундайми, Дунеч-

ка? А?.. Бунинг устига бугун кечқурун нима бўлишини ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетяпти!

– Ташвишланманг, ойижон, бошга тушганини кўрамиз.

– Дунечка! Ахир, аҳволимизни ўзинг бир ўйлаб кўргин-а? Ахир, Петр Петрович бўлмайти, деб туриб олса унда ҳолимиз нима кечади? – ўйламасдан гапириб юборди кутилмаганда Пульхерия Александровна.

– Агар шундай қиладиган бўлса, ўзининг сариқ чақага ҳам арзимайдиган одам эканлигини кўрсатиб беради! – деб нафрат билан чўрт кесди Дунечка.

– Ҳозир унинг олдидан чиқиб кетганимиз ҳам бир ҳисобда яхши бўлган экан, – деб шоша-пиша гапни бурди Пульхерия Александровна, – у бир жойга бораман деб шошиб турган эди. Майли, бир айланиб келсин, тоза ҳавода юрсин жуда бўлмас... Уйининг ҳавоси жуда дим-е... Бу ерда тоза ҳавонинг ўзи йўқ шекилли? Кўчага чиқсанг ҳам ҳавоси алмашмайдиган уй ичида юргандай бўласан. Э, Худо, қандай шаҳар бу ўзи!.. Тўхта, четга чиқ, босиб олади, нимадир олиб ўтишяпти! Фортепиано экан, қуриб кетсин... Одамни турткилашларини-чи... Анов ойимқиздан ҳам жуда чўчиб турирман...

– Қайси, ойимқиз, ойижон?

– Анави Софья Семёновнани айтяпман, ҳали келган-чи...

– Нимасидан чўчийсиз?

– Дилим ғаш бўлиб турибди-да, Дуня. Ишонсанми, йўқми, у кириб келиши билан ҳаҳ-ҳа, ҳамма гап мана шунда бўлса керак, деб ўйладим...

– Ҳеч қанақа гап йўқ! – деди алам билан Дуня. – Мунча ҳар нарсани кўнглингизга келтираверасиз, ойижон! У қиз билан кечагина танишган экан, хо-нага кириб келганда танимай ҳам қолди-ку.

– Мана ўзинг кўрарсан ҳали!.. У юрагимни гаш қилиб турибди, ҳали ўз кўзинг билан кўрарсан! Мен шунчалар ҳам қўрқиб кетдимки: менга қаргани қараган, кўзлари жуда ғалати, ўрнимдан туриб кетишимга сал қолди, эсингдами, уни бизга таништираётган маҳалда? Жуда ғалати-я: Петр Петровичнинг ёзиши бунақа, аканг бўлса у билан бизни таништириб ўтирибди, яна сенга! Демак, уни қадрлар экан-да!

– Тилига келганини ёзаверган-да! Ўзимизни ҳам қанча гап-сўз қилишди, ёзишган пайтлари ҳам бўлди, эсингиздан чиқдими дарров? Мен бўлсам уни яхши қиз бўлса керак, деб ишонаман, гап-сўзлар ҳаммаси бўлмагур гаплар!

– Айтганингдай бўлсин ишқилиб!

– Петр Петрович эса ярамас ғийбатчи экан, – деди кутилмаганда шартта Дунечка.

Пульхерия Александровна бўшашибгина кетди. Гап шу билан тугади.

– Сенга айтадиган бир гапим бор эди... – деди Раскольников Разумихинни дераза томонга бошларкан...

– Бўлмаса мен Катерина Ивановнага сизни келарканлар, деб айтаверайми... – кетиш ниятида апил-тапил ўрнидан турди Соня.

– Ҳозир, Софья Семёновна, бизнинг яширадиган гапимиз йўқ, сиз халақит бермайсиз... Сизга айтадиган икки оғиз гапим бор эди... Гап бундай, – қизни ора йўлда қолдириб бирдан Разумихинга қараб деди у. – Сен анов кишини биласан-ку, а... Оти нимаиди!.. Порфирий Петровичмиди?

– Билганда қандоқ! Қариндошим. Нима гап ўзи? – деб сўради Разумихин аллақандай жуда бошқача бир қизиқиш билан.

– Ахир анави ишни у... Қотиллик ҳақидаги ишни айтаман... Кеча ўзларингиз гаплашдиларинг-ку... Олиб боряптими?

– Ҳа... ҳўш? – Разумихиннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– У нарсаларини гаровга қўйган одамларни сўраган экан, мен ҳам баъзи нарсаларимни гаровга қўйгандим. Ўзи арзимаган бир нарса, синглимнинг узуги, менга эсдалик учун берган эди бу ёққа келаётган маҳалимда, яна отамдан қолган кумуш соат. Ҳаммаси бўлиб беш-олти сўм пул бўлади, лекин мен учун жуда қадри ёдгорлик. Энди нима қилсам экан? Шу нарсаларим йўқолиб кетмаса девдим, айниқса, соат. Боя Дунечканинг соати ҳақида гап кетганда, ойим сўраб қоладиларми, деб тоза қўрқдим. Отамдан сақланиб қолган бирдан бир нарса шу соат. Агар у йўқолса, ойим касал бўлиб қолади. Хотинларни биласан-ку! Шунинг йўли қандай бўлади, ўргат! Биламан, полицияга хабар қилиш керак эди. Порфирийнинг ўзига айтсак бўлмасмикин, а? Сен нима деб ўйлайсан! Иш тезроқ битган бўлармиди? Ҳали кўрарсан ойим дарров сўраб қолса ҳам ажабмас!

– Полицияга сира ҳам бориш керак эмас, фақат Порфирий битиради бу ишни! – қичқириб юборди аллақандай ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб кетган Разумихин. – Муни қара, жуда хурсандман! Э, нимасини айтасан, юр, ҳозирнинг ўзида борамиз, икки қадам йўл, уйида бўлса керак!

– Ростдан ҳам... кетдик...

– У бўлса сен билан танишганига жуда, жуда, жуда, жуда хурсанд бўлади! Унга сен ҳақингда кўп гапириб берганман... Кеча ҳам гапиргандим. Кетдик!.. Буни қара-я, сен кампирни танирмидинг? Буни қара-я!.. Жуда ҳам аломат бўлиб чиқди-да бу ёғи!.. Эҳ-ҳа... Софья Ивановна...

– Софья Семёновна, – деб уни тўғрилаб қўйди Раскольников. – Софья Семёновна, бу менинг дўстим Разумихин, ўзи жуда яхши одам.

– Агар ҳозир сизнинг борадиган жойингиз бўлса... – деб Разумихинга қарамаёқ гап бошлаган Соня ўзининг қилиғидан баттар хижолат бўлиб индамай қолди.

– Майли, юринглар! – деб бир қарорга келди Раскольников, – мен сизникига шу бутуноқ кириб ўтаман, Софья Семёновна, фақат менга қаерда туришингизни айтиб берсангиз?

У калавасининг учини йўқотиб қўйган одамга ўхшаб кўринса ҳам, лекин аслида худди шошиб турганга ўхшар ва қиздан кўзларини олиб қочарди. Соня ўзи турадиган жойнинг манзилни берди ва қизариб кетди. Ҳаммалари биргаликда ташқарига чиқдилар.

– Эшикни беркитмайсанми? – деб сўради Разумихин уларнинг орқасидаи зинадан тушиб бораркан.

– Ҳеч қачон!.. Айтгандай, мана икки йилдан бери қулф сотиб оламан деб юраман, – деб қўшиб қўйди шунчаки бир гапни айтгандай. – Беркитадиган нарсаси бўлмаган кишилар ўзларини бахтли деб билсалар арзийди, тўғрими? – деди у кулиб Соняга қарар экан.

Кўчага чиқиб дарвоза олдида туриб қолдилар.

– Сизнинг йўлингиз ўнгамми, Софья Семёновна? Айтмоқчи, сиз мени қандай топиб келдингиз? – худди дилида бутунлай бошқа бир гапни айтмоқчи бўлган кишидай сўради Раскольников. У нуқул қизнинг осуда, тиниқ кўзларига қарамоқчи бўлар, лекин нима учундир сира бунинг эпини қилолмасди...

– Кеча ўзингиз Полечкага қаерда туришингизни айтган экансиз.

– Поля? Э, уми... Полечка денг! У кичкина... сизнинг синглингизми? Мен унга қаерда туришимни айтган эканманми?

– Нима, эсингиздан чиқиб қолдими?

– Йўқ... эсимда...

– Сиз ҳақингизда менга марҳум отам сўйлаб берган эдилар... Фақат у маҳалда сизнинг исмингизни билмас эдим, отамнинг ўзлари ҳам билмасдилар... Мана энди келдим... Кеча сизнинг исмингизни билганимдан сўнг... Боя жаноб Раскольников қаерда турадилар, деб сўрадим ҳам... Мен сизнинг ижарада туришингизни билмас эканман... Яхши қолинг... Мен Катерина Ивановнага...

Қиз буларнинг олдиларидан кетаркан, ниҳоятда энгил тортиб ўзини қушдай сизди. Уларнинг кўзларидан тезроқ нари кетиш, уларга кўринмаслик учун нигоҳини ерга тикиб олганча шошилиб, муюлиш томон жўнади, шу йигирма қадамни босиб ўтса, кейин ўнг томонга қайрилиб, кўчага ўтиб олади, ўзи билан ўзи ёлғиз қолади. У ҳеч кимга қарамасдан, ҳеч нарсага эътибор бермасдан тез-тез юриб бораркан, ўз ўйига ботар, хотирлар, ҳар бир айтилган сўз, кўз ўнгида рўй берган ҳар бир нарсани мулоҳаза қиларди. У ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганди. Ўзи билмаган ҳолда унинг юрагига аллақандай ҳали ноаниқ бутун бир янги олам кириб келди. У бирдан Раскольниковнинг бугун олдингизга кириб ўтаман, деган сўзларини эслаб қолди, балки эрталаб, балки ҳозирнинг ўзида бориб қолар!

– Фақат бугун эмас, барака топинг, фақат бугун эмас! – дея пичирларди у юраги уришдан тўхтаб қоладигандай бўлиб, худди қўрқиб кетган болакайлар каби кимгадир ялиниб. – Ё Раббим! Менинг олдимга... ўша ҳужрага... кўзи тушса... ё Худойим!

У албатта, шу пайт ўзига нотаниш бўлган бир жаноб ундан кўзларини узмасдан изма-из таъқиб қилиб келаётганлигини сезмасди. Нотаниш одам қизни дарвозадан чиққандан бери кузатиб кел-



моқда эди. Учовлон: Разумихин, Раскольников ва у йўлкада икки офизгина гаплашиб тўхтаб қолган чоғларида, ўткинчи бу киши уларнинг олдиларидан ўта туриб Сонянинг: «Жаноб Раскольников қаерда турадилар, деб сўрадим», деган сўзларини эшитиб қолиб, сесканиб кетганди. У гаплашиб турган учала одамни ҳам тезгина диққат билан кўздан кечирган ва, айниқса, Раскольниковга бошқача назар билан қараганди, кейин бинога кўз ташлаб, уни эсида сақлаб қолганди. Буларнинг бари бир зум ичида йўл-йўлакай бўлиб ўтган, бояги киши алланиманидир кутиб қадамини секинлатиб нари ўтиб кетганди. У Соняни кутмоқда эди. Уларнинг хайрлашаётганларини кўриб, қизнинг йўлини пойларди.

«Қаерда турсайкин? Унинг юзи худди танишдай, қаердадир кўргандайман, – деб ўйларди у Сонянинг юзини эслашга тиришиб, – билайлик-чи».

Қайрилишга бориб, у кўчанинг нариги бетига ўтиб олди ва орқасига қараб Соня ҳам шу кўчадан изма-из ҳеч нарсага эътибор бермай, хаёлга толиб келаётганини кўрди. Қайрилишга келиб у ҳам шу кўчага бурилди. Нотаниш киши қиздан кўзини узмасдан кўчанинг бу бетидан юра бошлади. Эллик қадамларча юргандан сўнг у яна Соня кетаётган томонга ўтиб олди, уни қувиб етди ва беш қадамча нарида туриб, изма-из кета бошлади.

Бу эликларга кириб қолган, дароз, қоматдор, яғриндор бир одам эди, елкалари кенг бўлганлигидан худди энгашиб юрганга ўхшаб кўринарди. У олифтанамо ва башанг кийинган, савлатли соҳиби давлат кишилар каби эди. Унинг қўлида чиройли ҳасса бўлиб, ҳар қадам ташлаганда, ҳасасини ерга тўқиллатиб, уриб қўярди, қўлларига янги қўлқоп кийиб олганди. Ёноқлари туртиб чиқиб турган баркашдай юзи одамни ўзига тор-

тиб турар, ранги ҳам Петербург кишиларига ўхшамаган, қип-қизилгина эди. Унинг оч малладан келган сочлари ҳали анча қуюқ, фақат бир оз оқ оралаганди, белкуракдай келадиган қуюқ соқоли эса сочларига қараганда ҳам очроқ эди. Унинг кўзлари мовий эди, совуқ, тик ва хаёлчан боқарди; лаблари қирмизи эди. Умуман, бу одам ўзини жуда яхши сақлаган ва ёшига қараганда хийла ёшроқ кўринарди.

Соня канал бўйига чиққанда йўлкада улардан бошқа ҳеч ким қолмаганди. У қизнинг хаёлга боғлиб, паришон ҳолда кетаётганини пайқайди, Соня ўзи турадиган уйга етиб келгач, дарвозага қараб бурилди, бояги киши ҳам бирмунча ажабланганча, унинг орқасидан келаварди. Ҳовлига ўтгач, қиз ўнг томондаги бурчакка қараб юрди, унинг уйига шу ердаги пиллапоядан чиқиларди. «Йе!» – деб бўлдираб қўйди нотаниш жаноб ва зинадан юриб қизнинг ортидан тепага чиқа бошлади. Ана шундагина Соня уни пайқаб қолди. Қиз учинчи қаватга кўтарилиб, йўлакка қайрилди-да, устига бўр билан «Капернауумов бичиқчи» деб ёзиб қўйилган тўққизинчи эшикни тақиллатди. «Йе!» – деди яна бунақа бўлиб чиқишини хаёлига келтирмаган нотаниш киши ва қўшни саккизинчи уй эшигининг қўнғироғини босди. Иккала эшик ораси бир-биридан олти қадамча келарди.

– Сиз Капернауумовникида турасизми! – деди ҳалиги киши Соняга қараб куларкан. – У кеча менинг нимчамни тикиб берди. Мен сиз билан ёнма-ён Ресслих хонимникида, Гертруда Карловна-никида тураман. Тўғри келиб қолганини қаранг-а!

Соня унга диққат билан қаради.

– Қўшни эканмиз, – дея давом этди у киши аллақандай хушчақчақлик билан. – Шаҳарга келганимга атиги уч кун бўлди. Майли, ҳозирча хайр.

Соня жавоб бермади. Эшик очилди ва у ўзини ичкарига урди. Нимагадир назарида ер ёрилмадию ерга кириб кетмади ва уни қандайдир бир ваҳм босди...

Улар Порфирийникига борар эканлар, Разумихин ўзгача бўлиб очилиб-сочилиб кетганди.

– Э, биродар, тоза ғалати бўлди-да, – дея такрорларди у нуқул, – жуда хурсандман! Мен хурсандман!

«Нимага бунча хурсандсан?» – деб ўйларди ўзича Раскольников.

– Сен ҳам кампирга гаровга нарса қўйганлигини мен билмас эканман. Э... э... анча бўлувдими? Яъни мен демоқчиманки, уникига борганинга анча бўлганмиди?

«Тоза каллаварам экан-ку бу!»

– Қачон дейсанми?... – қадамини секинлатди Раскольников эслаган киши бўлиб, – ўлмасидан уч кунча аввал унинг олдига борган эдим шекилли. Айтмоқчи, мен ҳозир нарсаларимнинг пулини тўлагани бораётганим йўқ, – шоша-пиша деди у нарсаларига жуда қайғурган одамдай бўлиб, – ҳозир чўнтагимда атиги бир сўм кумуш пулим бор... Мана сенга кечаги лаънати довдирашнинг оқибати!..

У довдираш сўзини алоҳида урғу бериб айтди.

– Рост, рост, – ўзи ҳам нимагалигини билмай шоша-пиша тасдиқларди унинг гапларини Разумихин, – ана шунинг учун ҳам ўшанда... Ғалати бўлиб кетган экансан-да... Биласанми, сен алаҳсираган пайтларингда ҳам алақандай узуклар, занжирларни сира тилингдан қўймовдинг!.. Рост, рост... Энди билдим, энди ҳаммаси менга равшан.

«Ол-а! Ҳаммаларининг калласида шу гап! Ваҳоланки, манови одам мен учун ўзини ўтга-чўққа

уришга тайёр бўлмаса, мана энди ҳамма нарса унга равшан бўлганлигидан оғзи қулоғида, нега мен узук-пузуклар ҳақида алаҳлаганимни энди билиб олди! Ҳаммалари тоза бир фикрга келиб қўйган эканлар-ку!..»

– Ўзи уйдамикин? – сўради у Разумихиндан.

– Уйда, уйда, – лаби лабига тегмай дерди Разумихин. – У, оғайнижон, шундай ажойиб йигитки, ҳали ўзинг кўрасан! Бир оз бесўнақайроқ, яъни мен демоқчиманки, у ўзи киборларга мансуб одам, лекин мен бошқа маънода бесўнақай деётirman. Ақлли, жуда ақлли одам, калласи анча-мунча ишлайди, фақат алақандай ғалати фикрлари бор... Одамга ишонмайди, унча-мунча нарсага тан бермайди, сурбет... Одамни лақиллатишни яхши кўради, лақиллатишним эмас, одамни аҳмоқ қилишни яхши кўради... Эски, алмисоқдан қолган оддий усул... Лекин ишни билади, билади... У бултур бўлган бир қотилликни очди, жиноятдан ҳеч из, асар қолмаган экан тағин! Сен билан жуда-жуда танишгиси келиб юрганди!

– Нега энди жуда-жуда бўлар экан?

– Яъни мен ундай демоқчи эмас эдим... Биласанми, кейинги пайтларда касал бўлиб қолганингдан кейин сен ҳақингда уларга жуда кўп марта гапириб бергандим... У гапларимни эшитган эди... Сен ҳуқуқшуносликка ўқиганлигингни, аҳвол но-чор бўлиб ўқишни тугатолмаганлигингни билиб, «чатоқ бўлибди», деган эди. Мен ҳам шундан айтаётганим, яъни ҳаммаси бир бўлиб, яна бошқа гаплар ҳам бўлганди; кеча бўлса Заметов... Менга қара, Родя, кеча маст бўлиб қолиб сенга жуда валдираб қўйибман, уйга кетаётганимизда... Шунинг учун, мен, оғайнижон, тағин кўнглингга оғир олиб ўтирмагин, деб қўрқяпман, менга қара...

– Нима гап ўзи? Мени жиннига чиқариб қўйиш-  
дими ҳалитдан! Рост, балки тўғридир.

У ўлганининг кунидан тиржайди.

– Ҳа... ҳа, яъни йўқ, ундаймас, туф-ей!.. Яъни сенга нима деган бўлсам, ҳаммаси (ҳаммасидан бошқаси ҳам худди шундай), бўлмағур, беҳуда гаплар, маст одамнинг валдираши.

– Мунча ҳам минфилладинг! Ҳаммаси жуда жонимга тегиб кетди – деб қичқирди Раскольников ўзини жуда қаттиқ аччиғи чиққандай қилиб кўрсатиб. У ўзини бир қадар анойи қилиб кўрсата бошлаганди.

– Биладан, биладан, тушуниб турибман. Сени тушуниб турибман, гапимга ишон. Гапиргани ҳам уялади киши...

– Уялсанг, гапирма, вассалом!

Икковлари ҳам жим бўлиб қолдилар. Разумихин ўзида йўқ шод эди, Раскольников буни сезиб нафрати кўзирди. Уни Разумихин ҳозир Порфирий ҳақида гапириб тургани ҳам безовта қилмоқда эди.

«Бунга ҳам катта бувимнинг эртагини айтиб беришим керак ҳали, – деб ўйларди у ранги оқариб кетган ҳолда юраги дукиллаб ураркан, – яна иложи борича ўринлатиб айтиш керак. Умуман, агар ҳаммасини ўринлатаман, десанг, гапни қисқа қилиб қўя қолган маъқул. Ҳа, эртакнинг мутлақо ҳожати йўқ! Керакмас! Бўлмайди! Индамасдан ўтирсанг ҳам тўғри келмайди, ғалати бўлиб кўрилади... Хўш, борайлик-чи, яна кўрармиз-да... нима бўларкин... ҳозир... шу кетаётганимнинг ўзи қандоқ бўларкин, маъқулми, маъқул эмасми? Парвона ҳам ўзини ўтга уради. Юрагим уриб кетяпти, шуниси чатоқ бўлиб турибди!..»

– Мана шу уй, – деди Разумихин кулранг бинони кўрсатиб.

«Ҳаммадан ҳам муҳими, кеча анов алвастиникига борганимни Порфирий билармикин ёки билмасмикин... Қон оққан ерни сўраганимни-чи? Қирган заҳотим шуни билишим керак, юзига қараб, дарҳол билиб олишим керак; бўлмаса... Калламни тикиб бўлса ҳам буни билишим керак!»

– Биласанми нима? – деди у бирдан Разумихинга муғомбирона илжаяркан, – мен биродар, эрта-лабдан бери қарайман сенга, бугун жуда бошқачасан, ўзингни қўярга жой тополмайсан-а? Ростми?

– Бошқачанг нимаси? Нега ўзимни қўярга жой тополмас эканман, – юраги сиқилди Разумихининг.

– Рост, оғайни, шундоқ билиниб турибди. Боя курсида ўтирганингда ҳам омонатгина бўлиб ўтирдинг, бунақа қилиб ўтирганингни сира кўрган эмасдим, ич-ичингдан қалтироқ босиб турдинг. Ўрнингдан бўлса-бўлмаса дик-дик туриб кетасан. Бир қовофингни солиб тумтайиб олсанг, бир башаранг обаки шимаётган боланикидай бўлиб қолади. Қизариб-бўзариб кетасан ўзингдан ўзинг, айниқса, сени бирга овқатланишга таклиф қилган пайтларида жуда ҳам қизариб кетдинг.

– Мен ўзим шундай; ёлғон!.. Сен нима деяпсан ўзинг?

– Э, тоза мактаб болага ўхшаб қийшанглаб қолибсан-ку! Оббо, қурмагур-ей, яна қизариб кетди-ку!

– Жуда тўнғизсан-да ўзиям!

– Э нимадан уяласан асти? Ромео! Тўхтаб тур, мен буни бугун бир жойга борганимизда айтиб бераман, ха-ха-ха! Тозаям ойимни кулдирадиган бўлдим... Яна бошқа бировларни ҳам...

– Менга қара, менга қара, менга қара, ахир бу жиддий, ахир бу... Э, ундан кейин нима деган одам бўламан, жинни! – бутунлай ўзини йўқотиб

қўйди Разумихин юрагини ваҳм босиб. – Нимани айтиб берасан уларга? Мен, оғайнижон... Уф, мунча тўнғиз бўлмасанг, ўзи!

– Худди баҳор чечагидай очилиб кетди-я! Яна бунинг бирам ўзингга ярашганлигини айтмайсанми; ўзи дев-мевга ўхшайди-ю, яна бу кишим Ромео! Яна бугун ювиниб-тараниб олганларини-чи, тирноқларингни ҳам тозалабсан-ку, а? Вой бунақасини кўрмаган эдим-а? Оббо, Худойим-ей, бу ҳали сочмой ҳам суриб олганга ўхшайди-ку! Қани, энгаш-чи!

– Чўчқа!!!

Раскольников ўзини тўхтатолмай қотиб-қотиб куларди, улар Порфирий Петровичнинг уйига хандон ташлаб кулишганча кириб боришди. Раскольниковга ҳам худди мана шу керак эди: ичкаридаги одамга улар хахолашиб кириб келганлари барала эшитилиб турар, улар эса ҳамон ўзларини кулгидан тийиб ололмас эдилар.

– Бу ерда миқ этиб оғиз очсанг... пачақ қилиб ташлайман! – дея шипшиди қутуриб кетган Разумихин Раскольниковнинг елкасидан тутиб.

## V

Раскольников бу пайт хона ичига қадам ташлаган эди. У бутун кучи билан кулиб юбормасликка уринган қиёфада ичкарига кириб борди. Унинг кетидан башараси ўзгариб қийшайиб кетган, ғазаби қайнаб-тошган, шолғомдай қизарган, уялиб, қисиниб-қимтинган, ҳаракатлари қовушмаган Разумихин узун бўлиб кириб борди. Унинг бутун кўриниши, афт-башараси ростдан ҳам кулгили эдики, Раскольниковнинг кулганини кўрган одам таажжубланиб ўтирмасди. Раскольников ҳали ўзини таништириб улгурмасларидан хона ўртасида уларга ажабсиниб

қараб турган уй эгасига таъзим қилди, ўзини ич-ичидан отилиб келаётган кулгини зўр бериб босишга уринган одам каби кўрсатиб, қўлини узатди, у кулгисини гўё шу қадар тиёлмасдики, ҳатто уй эгаси билан кўришганда базўр бир-икки офиз сўз айтолди. Лекин у алоҳал ўзини тутиб олиб, жиддий бир қиёфага кириб, у-бу деган бўлиб турган ҳам эди, кутилмаганда худди беихтиёр қилгандай кўзи яна Разумихинга тушиб, ўзини бутунлай туптолмай қолди: у боядан бери ўзини кулгидан қанчалар куч билан тўхтатиб турган бўлса, энди шундай куч билан шарақлаб кулиб юборди. «Юракдан отилиб чиққан» бу қаҳқаҳадан Разумихин қанчалар аразлаб, қовоғини солса, уларнинг ҳозирги шу кўринишлари яна ҳам самимийроқ, яна ҳам шўхчан бўлиб кўринар ва энг муҳими, жуда табиий чиқар эли Разумихин яна атай қилгандай ишни осонлаштирди.

– Уф жинни! – деб бўкириб юборди у ва устида чойи ичиб бўлинган стакан турган мўъжаз доира столчани қўли билан тарсиллатиб урди. Стол учиб кетди, қарсиллаб синган товуш эшитилди.

– Э курсиларни синдириб қўйманглар, жаноблар, подшолик зиён кўрмасин! – қувноқлик билан қичқирди Порфирий Петрович.

Ҳозирги кўриниш қуйидагича эди: Раскольников қўлини уй эгасининг кафтларидан бўшатмай, ҳамон кулгисини йиғиштириб ололмай турар, лекин меъёрдан чиқмаслик учун тезроқ бу вазиятдан халос бўлишга қулай бир пайт пойларди. Столчанинг ағдарилиб кетгани ва стаканнинг синганидан бутунлай довдираб қолган Разумихин шиша синиқларига ўқрайиб қаради-да, тупурди ва дераза томонга ўгирилиб олди, унинг қовоғидан қор ёғар, деразага тикилиб турар, лекин ҳеч нарсани кўрмасди. Порфирий Петрович кулиб турар ва яна



кулги бўлса йўқ демас, лекин бунинг учун афтидан нимага кулаётганларини унга тушунтириш керак эди. Меҳмонлар келмасдан бурун бурчакдаги курсида ўтирган Заметов булар кириб келганини кўриб ўрнидан турган, уларга лабида кулги билан қараб қолган, афтидан, у ўз кўзларига ишонмас, ҳайрон бўлиб турар, Раскольниковдан бўлса кўзларини олиб қочар, унга саросимали қарар эди. Заметовнинг кутилмаганда бу ердалиги Раскольниковнинг юрагини ғаш қилиб қўйди, ҳайратга солди.

«Буни ҳам мулоҳаза қилиб кўриш керак!» – дея ўйлади у.

– Маъзур кўрасиз, – деб бошлади гапини Раскольников зўр бериб, ўзини хижолатли одамдай қилиб кўрсатиб, – Раскольников бўламан...

– Марҳабо, жуда хурсандмиз, кириб келишингиз ҳам бунчалар чиройли чиқди... Нима бўлди ўзи, у сўрашгиси ҳам келмай қолганми? – деди Порфирий Петрович Разумихинни кўрсатиб.

– Худо ҳақи билмайман, нега мендан бунча тутақди. Мен йўлда келаётганимизда унга: Ромеога ўхшаб қолибсан, дегандим ва... бўлган-турган гап шу, холос.

– Чўчқа! – деди орқасига қарамасдан Разумихин.

– Битта гапдан шунчалар жаҳли чиққан бўлса, демак, тагида жиддий гап борга ўхшайди, – деб кулди Порфирий.

– Ол-а! Терговчи!.. Э, менга нима, сизларга қараб ўтираманми! – гапни шарт кесди Разумихин ва бирдан ўзи ҳам кулиб юбориб, ҳеч нарса бўлмагандай хушҳолик билан Порфирий Петровичнинг олдига келди.

– Гап тамом, вассалом! Тоза жиннилик қилдик; ишга ўтайлик: бу менинг дўстим Родион Романо-

вич Раскольников, биринчидан, сенинг овозангни эшитган, танишмоқчи бўлиб юрарди, иккинчидан; сенга тегишли жиндаккина иши бор. Ие! За-метов! Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Ҳали сиз-лар бир-бирларингизни танирмидингизлар? Анча бўлдимиз оғиз-бурун ўпишганларингизга?

«Бу қандоқ бўлди!» – ташвишланиб қолди Рас-кольников.

Заметов бир оз хижолат бўлди, лекин жуда ҳам хижолат бўлди, деб бўлмасди.

– Кеча сеникида танишган эдик-ку, – деди у бе-парволик билан.

– Буни қаранг, Худо бераман деса ҳеч гап эмас экан, ўтган ҳафта мени Порфирий билан таништи-риб қўй, деб тоза ялинган эди, энди ўзларингиз то-пишиб олибсизлар... Тамакинг қаерда?

Порфирий Петрович уй кийимида, устига халат ташлаган, озода кўйлак кийган, оёғига жағи боси-либ кетган шиппак илиб олганди. У ўттиз бешларга кириб қолган, бўйи пастроқ, тўлача ва, ҳатто, ан-дак қорин ҳам солган, мўйлов ва чакка соч қўйма-ган, юзи силлиқ қиртишланган, хумкалла, сочла-рини калта қилиб олдирган киши эди, унинг кал-ласининг энса томони, айниқса, бўртиб чиқиб ту-рарди. Унинг бурни пучуқ, дум-думалоқ лўппи юзи касал одамнинг чеҳрасига ўхшар, тўқ сарғимтир эди, лекин чеҳраси жонли ва, ҳатто, одамни мас-хара қилиб тургандай бўлиб кўринарди. Агар кўзи дейилмаса, чеҳрасини, ҳатто меҳрибон оқ кўнгил кишининг чеҳраси дейиш ҳам мумкин эди, лекин кўзлари сув тортилгандай ғалати йилтиллаб кўри-нар, қалин, деярли оппоқ пирпираб турувчи кип-риклари остидан худди кимгадир им қоқиб тур-ганга ўхшарди. Унинг кўз қарашлари хотинчалиш қадди-қоматига нима учундир сира мос тушмас, унинг қиёфасига киши биринчи қарашда дафъа-

тан сезмай қоладиган қандайдир жиддий бир тус бериб турарди.

Порфирий Петрович меҳмоннинг ўзида жиндак иши борлигини эшитиши биланоқ уни дарҳол диванга таклиф қилди, ўзи нариги томонга ўтириб олди ва бутун вужуди қулоққа айланиб кетган кишидай нима иш эканлигини баён этишларини кутиб, унга тикилиб қолди, одам ҳали бир-бири билан унчалар таниш бўлмаган ҳолда ва, айниқса, сиз айтмоқчи бўлган нарса бунчалар диққат ва эътибор билан эшитишга арзийдиган нарса эмаслигини сезиб турсангиз, бунақанги зўр диққат-эътибордан киши эзилиб кетади, хижолатга тушади. Аммо Раскольников айтадиган гапини аниқ, равшан, қисқа, силлиқ қилиб гапириб бердики, бундай қилиб сўйлаб берганидан ўзи ҳам мамнун бўлди, ҳам бу орада Порфирийга бошдан-оёқ разм солиб чиқишга улгурди. Порфирий Петрович ҳам бутун гап давомида ундан кўзларини узмай ўтирди. Разумихин ўша столнинг нариги томонида уларга рўпарама-рўпара ўтириб, гапга сабрсизлик билан қулоқ солар, жойида ўтиролмас, дам унга, дам бунга қарагани-қараган эди, у бирмунча жиловини йўқотиб қўйганди.

«Аҳмоқ!» – деб сўкинди ичида Раскольников.

– Сиз полицияга ариза ёзишингиз керак, – ишбилармонлик қилган бўлиб дерди Порфирий, – масалан, шундай-шундай воқеадан хабардор бўлдим, яъни кампирни ўлдириб кетганларидан демоқчиман, палон-палон нарсалар менга тегишли эди, шуни терговчига маълум қилиб қўйишларингизни сўрайман дейсиз, пулини тўлаб, уларни қайтариб олмоқчи эканлигингизни айтасиз... Ёки у ерда... ҳа, айтгандай, кейин сизга маълум қилишади.

– Ҳамма гап мана шунда-да, – деди ўзини янада ҳам хижолатда қолган каби кўрсатиб Раскольни-

ков, – ҳозир менинг нақд пулим йўқ... Арзимаган пул бўлса ҳам ҳозир имконим йўқроқ... Биласизми, мен ҳозир фақат шу нарсалар меники, пул топганимда уларни қайтариб оламан, деб билдириб қўймоқчи эдим...

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деб жавоб берди Порфирий Петрович маблағ ҳақидаги изоҳни совуққина тинглаб, – воқеан, агар истасангиз, тўғри менинг ўзимга ёзаверишингиз ҳам мумкин, сизга маълум қиламанки, палон-палон буюмлар менга тегишли, шунинг учун менга уларни...

– Буни оддий қоғозга ёзса ҳам бўлаверадими? – шошиб унинг гапини бўлди Раскольников яна ишнинг маблағ томонига қизиқиб.

– О, энг одми қоғозга ёзсангиз ҳам бўлаверади, – деди кутилмаганда Порфирий Петрович унга қандайдир очиқдан-очиқ кулимсираб, кўзларини қисиб қараб, худди им қоқиб қўйган киши бўлиб. Дарвоқе, эҳтимол, Раскольниковга шундай бўлиб туйилгандир, чунки бу бир зумгина давом этди. Ҳар ҳолда шунга ўхшаш алланима бўлиб ўтди. Раскольников у менга кўзини қисди, деб қасам ичиши мумкин эди, лекин нимагалиги номаълум эди.

«Биларкан!» – яшин каби ўтди унинг хаёлидан.

– Шундай арзимаган нарсалар билан безовта қилганимни маъзур кўрасиз, – дея давом этди у бирмунча тили тутулиб, – менинг нарсаларим бор-йўғи беш сўм туради, лекин улар мен учун жуда ҳам қимматли одамлардан хотира, тан оламан, ҳалиги гапни эшитганимдан кейин этим жимирлашиб кетди...

– Ўшанинг учун кеча мен Зосимовга терговчи буюмлари гаровга қўйилган кишиларни сўроқ қиляпти, деганимда роса питилаб қолган экансан-да! – гапга аралашди Разумихин ниманидир назарда тутиб.

Буниси ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Раскольников ўзини тутолмай унга қора кўзлари ёмон олайиб, ғазабли тикилди. Лекин шу заҳоти яна эс-ҳушини йиғиштириб олди.

– Оғайни, биров ўлай деса сен кулай дейсан-а? – деди у устомонлик билан ўзини хафа бўлган кишидай қилиб кўрсатиб. – Сенинг назарингда мен жуда ҳам майда арзимаган нарса ҳақида қайғуриб юрганга ўхшаб кўринарман, балки; лекин худди шунинг учунгина мени худбин, молпараст одам деб ўйлаш тўғри бўлмаса керак, менинг кўзимга ўша иккита арзимаган нарса бутунлай бошқача бўлиб кўринади. Мен сенга ҳозиргина гапириб бериб келаётган эдим, ўша арзимаган кумуш соат менга отамдан қолган бирдан-бир ёдгорлик деб. Майли, кулгинг келаётган бўлса, кулавер, лекин ҳозир олдимга ойим келган, – дея бошини бурди бирдан у Порфирийга, – агар у киши билиб қолсаларми, – яна тезроқ Разумихинга ўгирилиб қарашга шошилди у, айниқса, овози қалтираб чиқишига эътибор қилиб, – соат йўқолганини, билмайман, қандай аҳволга тушган бўлардилар! Рост айтяпман! Нима деманг, хотин киши-да улар!

– Мен ундай деганим йўқ! Мен ундай демоқчи эмасдим! Мен бутунлай бошқа нарсани айтмоқчийдим! – деб бақирди хафа бўлиб кетган Разумихин.

«Тузук бўляптими? Билиниб қолмаяптимикин? Ошириб юбормадиммикин? – дерди ташвишланиб ўзига ўзи Раскольников. – нега «хотин киши-да улар!» дедим-а?»

– Ойингиз келган эдиларми? – дея сўради нима учундир Порфирий Петрович.

– Ҳа.

– Қачон келган эдилар?

– Кеча кечқурун.

Порфирий ниманидир ўйлаб қолгандай жим бўлди.

– Нарсаларингиз йўқолмайди, туради, – совуққина қилиб бамайлихотир давом этди кейин. – Мен бу ерда қачонлардан бери сизнинг келишингизни кутиб ётган эдим.

Шундан кейин гўё ҳеч нарса бўлмагандай папирос кулини нуқул гиламга қоқиб ўтирган Разумихинга кулдон тутди. Раскольников титраб кетди, лекин Порфирий худди Разумихинга кулдон тутиш билан овора бўлиб қолган кишидай у томонга гўё қарамади.

– Нима-а? Кутиб ётган эмиш! Сен унинг нарсаларини гаровга қўйганлигини билармидинг? – қичқирди Разумихин.

Порфирий Петрович Раскольниковнинг ўзига қарата деди:

– Сизнинг нарсаларингиз, узук билан соат битта қоғозга ўраб қўйилган экан, қоғозда сизнинг исмингиз ва буюмларни унга қачон олиб борганингиз ойи, куни қалам билан аниқ қилиб ёзиб қўйилган экан...

– Кўзингиз жуда ҳам ўткир экан-а, бунчалар?.. – Раскольников унинг кўзларига тик қарашга ҳаракат қилиб ўнғайсиз бир алпозда лабини учириб қўйди, лекин сабри чидамай, яна қўшимча қилди: – Бундай деётганим, афтидан, нарсаларини гаровга қўйган одамлар жуда кўп бўлса керак... Уларнинг ҳаммасини эслаб қолиш сизга осонми... Буни қаранг-а, сиз бўлсангиз уларнинг ҳаммасини ёд қилиб юборибсиз, ундан кейин... кейин...

«Бемаъни! Хомкалла! Бу гапни айтмасам ҳам бўлар эди-ку!»

– Нега десангиз нарсаларини гаровга қўйган дегарли барча кишилар маълум бўлди, фақат сизгина

келмай турган эдингиз, – деб жавоб берди Порфирий хиёл киноя билан.

– Тобим қочиб қолганди.

– Буни ҳам эшитдим. Ҳатто нимадандир жуда ҳам безовта бўлиб юрганлигингизни ҳам эшитдим. Ранги руҳингиз ҳозир ҳам оқариб турибди шекилли?

– Нега оқариб тураркан... Аксинча, отдекман! – деди жаҳл билан қўпол қилиб Раскольников кутилмаганда гапининг оҳангини ўзгартириб. Унинг қаҳр-ғазаби қайнаб тошмоқда эди, у ўзини идора қилолмай, ғазабини босолмай қолганди. «Аччиқ устида оғзимдан чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас! – ялт этиб хаёлидан ўтди унинг. – Улар нега мени қийнашяпти!..»

– Соғлиғи яхши эмас! – ўртага тушди Разумихин. – Топган гапингни қара! Кечадан бери сал кўзини очиб тузук бўлиб юрибди, бўлмаса беҳуш бўлиб ётганди... Айтсам ишонмайсан, Порфирий, ўзи зўрға оёқда турибди-ю кеча Зосимов иккаламиз сал чалғиб қолган эканмиз, кийиниб секингина жуфтакни ростлаб қолибди, алақажларда ярим кечача санқиб юрибди, яна ақл-ҳуши ўзида эмасди, алаҳлаб ётганди, агар билсанг, бир тасаввур қилиб кўргин-а! Бунақаси сира бўлган эмас!

– Наҳот, ақл-ҳуши бутунлай ўзида бўлмаган бўлса? Буни қаранг-а! – деб қўйди хотинларга ўхшаб бошини силкиб Порфирий.

– Бе, бўлмаган гап! Ишонманг! Айтмоқчи, бари бир ўзингиз ҳам бу гапларга ишонмай турибсиз! – деди ҳаддан ташқари жаҳл устида Раскольников. Лекин Порфирий Петрович худди бу ғалати сўзларни эшитмагандай эди.

– Агар эс-ҳушинг ўзингда бўлганда кўчага чиқармидинг? – бирдан қизишиб кетди Разумихин. – Нега чиқдинг? Нима учун?.. Яна нимага ҳаммадан беркиниб? Буларнинг бари ақлга тўғри



келмайди-ку ахир? Сенга буни хатардан омон-эсон чиқиб олганинг учун айтаётирман!

– Улар кеча жуда ҳам жонимга тегиб кетишди, – кутилмаганда Порфирийга қўлингдан келганини қиласан, дегандай тиккасига тиржайиб деди Раскольников, – улардан қутулай, деб ўзимга бошпа-на қидиргани чиқиб кетдим, мени топишолмасин, дедим, бир талай пулим ҳам бор эди. Ана, жаноб Заметов кўрган қанча пулим борлигини. Сиз айтинг-чи, жаноб Заметов, кеча менинг ақл-хушим жойида эдимми ёки алаҳлаб турган эдимми, ўзингиз бир нима денг-чи?

Агар қўйиб берса у ҳозир Заметовни бўғиб ўлдиришга ҳам тайёр эди. Унинг кўз қарашлари, индамай туриши юрагини шунчалар сиқиб юборганди.

– Менимча, сиз анча-мунча жўяли гапирдингиз. ҳатто устомонлик ҳам қилдингиз, фақат жуда ҳам жизиллаб турган эдингиз, – деди қуруққина қилиб Заметов.

– Менга бугун Никодим Фомич айтиб берди, – деб орага гап қўшди Порфирий Петрович, – у кеча сизни от босиб кетган бир хизматчининг уйида алламаҳал бўлиб қолганда кўрган экан...

– Э, ана ўша хизматчини айт! – гапни илиб кетди Разумихин, – сени хизматчиникида қилган ишингни соғ, ақл-хуши ўзида бўлган одам қилади-ми? Бор-йўқ пулини бева хотинга эрини кўмишга бериб келибди! Ҳа, ёрдам бергинг келган экан, ун беш сўм бер, бор йигирма сўм бер, жуда бўлмаса ўзингга уч сўлкавой олиб қолмайсанми, йигирма беш сўмнинг ҳаммасини қолдириб келгунча!

– Балки мен бирон ердан хазина топгандирман, сен қаердан биласан? Шунга кеча сахийлигим тутиб кетгандир... Ана, жаноб Заметов билади менинг хазина топганимни!.. Сиз мени маъзур тутинг, – деди у лаблари қалтиллаб Порфирийга,



– биз маза-бемаза гаплар билан ярим соатдан бери бошингизни қотирыпмиз. Жонингизга тегиб ҳам кетгандир, а?

– Бемалол, бемалол, аксинча, аксинча! Сиз билан гаплашишга қанчалар муштоқлигимни билсайдингиз! Кўзинг билан кўрганингга, қулоғинг билан эшитганингга нима етсин... Сизга айтиб қўйишим керакки, мен жуда хурсандман сиз келганлигингиздан алоҳал...

– Жуда бўлмаса чой олиб келсанг-чи! Томоғим қақраб кетди! – деб бақирди Разумихин.

– Кўп яхши гап! Балки ҳаммамиз бирга ўтириб ичармиз. Менга қара-чи... Чойдан олдин татимлироқ нарсага қалайсан ўзи?

– Бор-ей!

Порфирий Петрович чойга чиқиб кетди.

Раскольниковнинг бошида фикрлар қуюндай чарх урмоқдайди. Унинг жуда ҳам аччиғи чиқиб кетганди.

«Муҳими, очиқ-ойдин шама қилишяпти, пардалаб ҳам ўтиришмайди! Мени умрингда билмаган-кўрмаган экансан, унда нима қилиб Никодим Фомич билан мен ҳақимда гаплашиб ўтирибсан? Бундан чиқадики, бир тўда ит бўлиб менинг кетимдан тушганларини, ҳатто яшириб ҳам ўтиришмоқчи эмас! Мана шунақа қилиб башарангга очиқдан-очиқ тупуришади! – ғазабидан қутуриб кетган ҳолда қалтирарди у. – Урадиган бўлсангиз, мард бўлинг, шартта мушт уринг-қўйинг, бўлмаса мушук-сичқон ўйнаб ўтирманг. Ахир, бу одобдан эмас-ку, Порфирий Петрович, балки мен ҳали бунга йўл қўйиб қўя қолмасман!.. Шартта ўрнимдан тураману ҳаммангизнинг башарангизга қараб туриб бор гапни айтаман-қўяман; ана ўшанда кўрасиз, сиздан қанчалар нафратланишимни!.. – У оғир нафас олди. – Агар буларнинг ҳаммаси мен-

га шундай туйилаётган бўлса-чи, унда нима бўлади? Ҳаммаси сароб бўлиб чиқса, ҳаммасида хато қилаётган бўлсам, тажрибам йўқлигидан жаҳлим чиқаётган бўлса, ўзимнинг қабиҳ ролимни ўйнай олмаётган бўлсам-чи, унда нима бўлади? Балки бу гапларнинг тагида умуман ҳеч вақо йўқдир? Уларнинг ҳамма гап-сўзлари одатдаги гап-сўзлар, лекин нимадир борга ўхшайди... Бу гапларни бошқа ерда, бошқа пайтда ҳам гаплашиш мумкин, лекин ҳар ҳолда уларнинг тагида нимадир бор. Нега у тўғридан-тўғри уникида, деганга айтди? Нега Заметов сиз устомонлик билан гапирдингиз, деб қўйди? Нимага улар мен билан бундай оҳангда гаплашишади?.. Ҳа... гап йўсини... Разумихин ҳам шу ерда ўтирибди, нега унга бунақа таъсир қилмайди унда? Бу тойлоқ тентакка ҳеч нарсанинг фарқи йўқ! Яна иситмам қўзияпти!.. Боя Порфирий менга кўзини қисиб қўйдими, йўқми? Бўлмаган гапдир; нимагаям кўзини қисарди? Асабларимга таъсир қилишмоқчимикин ёки гашимга тегишяптимикин? Ё ҳаммаси сароб, ё билиб қолишган!.. Ҳатто Заметов ҳам тап тортмай турибди... Заметов тап тортмай турибдими? Заметов кечаси билан ўйлаб чиққан, бошқача фикрга келган. Мен улар бошқача фикрга келиб қолсалар керак, деб сезган эдим! Бу ерга биринчи марта келиб турган бўлса ҳам, лекин умри шу ерда ўтган одамга ўхшаб турибди сиёқидан. Порфирий уни меҳмон ўрнида ҳисобламаётир, унга орқасини қилиб ўтирибди. Тил топишибди! Мен туфайли тил топишган улар! Биз келмасимиздан олдин худди мени гаплашиб ўтиришган, бунга сира шубҳа йўқ!.. Кейин кампирникига борганимни билишармикин? Тезроқ бўла қолсайди!.. Мен кеча уй қидириб чиқиб кетган эдим, деганимда у у буни эшитмаганга олди... Гап қўзғамасди... Уй қидирдим, деб ўз вақтида айтган эканман:

кейин керак бўлиб қолади!.. Хушим ўзимда эмасди дейман!.. Ха-ха-ха! У кеча нима бўлганлигини ҳаммасини билади! Ойимнинг келганини билмаган эмиш!.. Алвасти кампирни қаранг-чи, қоғозга олган кунини ҳам ёзиб қўйган экан!.. Бекорларни айтибсизлар, бўйнига оладиган аҳмоқ йўқ! Буларнинг ҳеч бири далил бўлолмайди, сароб, ҳаводаги гап булар! Йўқ, сизлар далил келтиринглар! Ўша хонадонга борганим ҳам далил бўлолмайди, бу алаҳлаш, холос. Ўзим биламан, уларга нима дейишни... Кампирни кига кейин борганимни билишармикин ўзи? Шуни билмагунимча кетмайман! Нега бу ерга келдим? Лекин мана шу аччиқланиб турганимнинг ўзи битта далил бўла олади! Мунча ҳам жиззакилик қилмасам! Балки шундай қилганим ҳам дурустдир: осон эмас бу... У мени ҳар томондан синаб кўряпти. Гапдан адаштирмоқчи бўлади. Нега келдим бу ерга?»

Буларнинг ҳаммаси унинг бошидан чақмоқдай ярқ этиб ўтди.

Порфирий Петрович зум ўтмай қайтиб келди. Кутилмаганда у алақандай хушчақчақ бўлиб қолганди.

– Офайни, кечаги зиёфатингдан кейин бошим... умуман, ўзимнинг бир оз мазам қочиброқ турибди, – деди боягидан бутунлай бошқача оҳангда Разумихинга.

– Нима, қизиқ бўлдими? Кеча мен сизларнинг олдингиздан энг қизиқ жойига келганда, чиқиб кетгандим. Ким енгиб чиқди?

– Ҳеч ким енггани йўқ, албатта. Абадий мавзуларда тортишиб қолибмиз, ҳаммаси ҳавойи гаплар.

– Биласанми, Родя, кеча нима ҳақда тортишганимизни, жиноят ўзи бор нарсами, йўқми, деб тоза ҳам бўлар-бўлмас гапларни валдирашибмиз!

– Бунинг нимаси ажабланарли? Одатдаги ижтимоий масала, – паришон жавоб берди Раскольников.

– Масала бундай қўйилмаганди, – деб қўйди Порфирий.

– Ундай эмаслиги рост, – дея дарҳол рози бўлди Разумихин яна одатдагидай шошилиб қизишаркан. – Гап бундай, Родион: эшитиб, ўз фикрингни айт. Мен шуни истайман. Мен улар билан тоза қирпичоқ бўлиб гап талашдим, сени кутиб ўтирдим; мен уларга сен келасан, деб айтгандим... Гап сиёсатчиларнинг қарашларидан бошланди. Шундай бир қараш маълум: жинойт ижтимоий тузумнинг адолатли эмаслигидан норозилик тарзида рўёбга чиқади – вассалом, бошқа ҳеч гап-сўз йўқ, ҳеч қандай сабаблар тан олинмайди – ҳеч нима!..

– Ёлғон гапирдинг! – деб қичқирди Порфирий Петрович. Афтидан у Разумихинга қараб борган сари жонланиб борар, ҳадеса хахолаб кулар ва бу билан Разумихинни баттарроқ гижгижларди.

– Бошқа ҳе-еч нарса тан олинмайди! – деди қизишганча Разумихин, – ёлғон гапираётганим йўқ!.. Мен сенга уларнинг рисоаларини кўрсатаман: уларнинг фикрича, ҳамма гап муҳитнинг «безори жон» қилиб юборганлигида, – бошқа гап йўқ! Уларнинг яхши кўриб ишлатадиган иборалари ҳам шу! Бундан тўппа-тўғри чиқарадиган хулосалари шуки, агар жамият яхшиланса, у тақдирда барча жинойтлар ҳам бирйўла барҳам топади, чунки норозилик билдирадиган нарсанинг ўзи барҳам топган бўлади ва ҳамма одамлар бирдан одил кишиларга айланиб қоладилар. Одамнинг табиати ҳисобга олинмайди, табиат нари суриб қўйилади, табиат бўлмаслиги керак. Улар инсоният тарихан тараққий қилиб бориб табиий суръатда бир кунмас-бир кун адолатли жамиятга эга бўлиши мум-

кинлигини тан олмайдилар, аксинча, ижтимоий тузум биронта каллахумнинг миясидан чиқиб келиб, шу заҳоти бутун инсониятнинг ишларини яхшилаб юборади, одамзодни бир зумда одил ва бегуноҳ фаришталарга айлантириб қўяди, бунинг учун аллақандай узун, табиий йўллар, тарихий жараёнларнинг сира кераги йўқ, деб айтадилар! Шунинг учун ҳам уларнинг тарихни кўргани кўзлари йўқ: «тарих бемазагарчиликлар ва аҳмоқликлар билан тўлиб-тошиб ётибди» – улар ҳамма нарсани аҳмоқликка тўнкайдилар ва шундай деб тушунтирадилар! Шунинг учун ҳам ҳаётнинг жонли жараёнларини жинлари суймайди: жонли одамнинг ҳам кераги йўқ! Жонли одам ҳаёт бўлишини талаб қилади, жонли одам кўр-кўрона ҳамма нарсага бўйсунмайди, жонли одам шубҳали, жонли одам тескаричи бўлади! Бу ерда эса гарчи ўлимтик иси келаётгин бўлса ҳам, каучукдан яшаш мумкин бўлса ҳам, лекин тирик бўлмаган, иродасиз қул, исён кўзғамайдиган бир мавжудот! Оқибатда, ҳаммасини умумжамоа турадиган бинонинг гишталарини қандай қўйиш керагу йўлаklarини ва хоналарини қандай жойлаштириш керак, деган масалага олиб бориб тақаб қўйдилар! Жамоа истиқомат қиладиган бино тайёр, аммо шу жамоада истиқомат қиладиганларнинг табиати ҳали жамоа уйига мувофиқ эмас, унинг яшагиси келади, ҳали ҳаётий жараёнларини охирига етказмаган, мозорга боргиси келмайди, ҳали эрта! Одамнинг табиатини бир чеккага йиғиштириб қўйиб мантиқнинг ўзи билан иш кўриб бўлмайди! Мантиқ билан ҳодисанинг уч томонини кўриш мумкин, инсон табиати эса миллионлаб кўринишларга эга! Миллионларни шарт кесиб ташлаб бутун масалани фақат қулайликка олиб бориб тақашни қаранг! Бу масалани оппа-осон ҳал қилиш! Ҳаммаси жуда аниқ-рав-

шан, ўйлаб ҳам ўтиришнинг ҳожати йўқ! Энг муҳими – ўйлаб ўтиришнинг кераги йўқ! Ҳаётнинг бутун сир-асрорлари икки тобоқ ҳажмли китобча ичига бемалол сиғиб кетади!

– Тоза ичинг тўлиб кетган экан-ку, тоза дўмбира қилдинг-е! Қўлингдан ушлаб турмаса бўлмайди, – куларди Порфирий. – Биласизми, – у Раскольниковга ўтирилади, – кеча кечқурун ҳам худди шундай бўлди, битта хонага кириб олиб, олти кишини гапиртириб қўйиб, яна уларни пунш ичириб маст қилиб денг, тасаввур қиляпсизми? Йўқ, оғайни, ёлғон гапиряпсан, жинойтнинг содир бўлишида «муҳит»нинг роли кўп; сенинг бу гапингга қўшиламан.

– Ўзим ҳам биламан буни, қани, сен менга айтчи: дейлик, қирқ яшар одам ўн яшар қизчанинг номусига тажовуз қилди – нима, бунга ҳам уни муҳит мажбур қилдими?

– Агар жиддий қарайдиган бўлсак, нима дердик, албатта, муҳит таъсир қилган, – деди жуда жиддий тусда Порфирий, – қизчага қилинган тажовузни ҳам «муҳит»дан кўриш жуда-жуда мумкин.

Разумихин сал бўлмаса қутуриб кетай деди.

– Ундай бўладиган бўлса, биласанми, сенга нима дейман, – бўкириб юборди у, – Улуғ Иван черковининг баландлиги ўттиз беш саржин. Ана шу сабабдан ҳам сенинг киприкларинг оқ бўлиб қолган. Мен буни сенга жуда силлиқ, замонавий ва, ҳатто бирмунча либералроқ қилиб исботлаб бераман, майлими? Исботлайман! Истасанг, гаров ўйнаймиз!

– Бўпти! Қани, эшитайликчи, қандай қилиб исботларкин!

– Нуқул ўзини гўликка солаверади, шайтон! – деди Разумихин ва ўрнидан дик этиб туриб кет-

ди, қўлини силтади. – Сен билан гаплашиб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ! У бу гапларнинг ҳаммасини атайлаб сўзлапти, Родион, сен ҳали уни билмайсан! Кеча бўлса ҳаммани лақиллатиш учун уларнинг томонини олди. Кечаги гапларини эшитсайдинг, ё Раббим! Улар бўлса бизнинг ёнимизни олди, деб суюниб ўтиришибди!.. У икки ҳафта десанг икки ҳафта мана шундай алпозда тураверади. Бултур нима учундир ҳаммамизни тарки дунё қиламан, роҳиб бўламан, деб ишонтирди: икки ойгача тоза бошимизни қотирди! Яқинда уйланаман, деб қолди, ҳамма нарса никоҳга шай, деб ишонтирди. Янги кийимлар ҳам тиктирибди. Ҳаммамиз уни табриккладик. Кейин билсак, на келин, на бошқа бор: ҳаммаси сароб!

– Ёлгон гапиряпсан! Мен кийимларни илгари роқ тиктириб қўйгандим. Шу янги кийим баҳонасида бир сизларни лақиллатай дедим.

– Сиз ростдан ҳам шунақа муғомбирмисиз? – менсимай сўради Раскольников.

– Бўлмасам-чи? Ҳали шошмай туринг, сизни ҳам тозалақиллатаман, ҳа, ҳа, ҳа! йўқ, биласизми, сизгабор гапни очик айтиб қўя қоламан. Мана шу масалалар, жиноятлар, муҳит, қизчалар ҳақида гаплашиб ўтирганимизда, менинг эсимга бир нарса тушиб кетди, бу масала мени илгари ҳам жуда қизиқтириб қўйганди, сизнинг бир мақолангизни айтаётирман. «Жиноят ҳақида...» Номи шундаймиди ёки бошқачами, хотирамдан кўтарилибди. Бундан икки ой муқаддам «Мунтазам сўз»да ўқишга муяссар бўлгандим.

– Менинг мақолам? «Мунтазам сўз»да? – ҳайрон қолиб сўради Раскольников, – мен чиндан ҳам ярим йил бурун университетдан кетганимдан кейин бир китоб муносабати билан битта мақола ёзган эдим, лекин мен уни ўшанда «Мунтазам сўз»га эмас, «Ҳафталик калом»га элтиб бергандим.

– Мақолангиз «Мунтазам»га тушган экан-да.

– «Ҳафталик калом» чиқмайдиган бўлгандан кейин мақолам қолиб кетди, деб ўйловдим...

– Тўғри айтдингиз, лекин «Ҳафталик калом» чиқмай қолгандан кейин у «Мунтазам сўз» билан бирлашиб кетган, шунинг учун ҳам сизнинг мақолангиз икки ой бурун «Мунтазам сўз»да пайдо бўлган. Ўзингиз билмовдингизми?

Раскольников ростдан ҳам бундан беҳабар эди.

– Вой, барака топкур-эй, э, ундай бўлса сиз, ҳатто улардан мақолангиз учун пул ундиришингиз ҳам мумкин! Жуда қизиқ одам экансиз-ку! Ҳеч нарсага аралашмай қўйганингиздан ўзингизга алоқадор нарсаларни ҳам сезмайдиган бўлиб қолибсиз. Бу бор гап-ку.

– Яшавор, Родька! Мен ҳам билмагандим! – қичқирди Разумихин. – Шу бугуннинг ўзида кутубхонага бориб ўқийман! Икки ой олдин дейсанми? Қайси кун? Бари бир топиб оламан! Буни қаранг-а! Миқ этмайди-я!

– Сиз қаердан билдингиз менинг мақолам эканлигини? Унинг тагига фамилиянинг ўрнига битта ҳарф қўйилганди.

– Бир тасодиф бўлиб билиб қолдим шу кунлар ичида. Муҳаррирдан эшитдим. У билан танишлигимиз бор... Жуда қизиқиб қолдим.

– Ёдимда, мен жинойтчининг жинойт қилиш жараёнидаги руҳий ҳолати ҳақида ёзган эдим.

– Ҳа, шундай, сиз жинойтнинг содир бўлиши жинойтчида биронта касаликнинг бошланиши билан бирга рўй беради, деб ишонтирмақчи бўласиз. Жуда-жуда қизиқ фикр, аммо... Очигини айтганда, мени мақолангизнинг бу томони эмас, балки охирида айтиб ўтилган бир мулоҳаза қизиқтириб қолди, лекин таассуфки, сиз бу мулоҳазангизни очиқ-ойдин қилиб айтмайсиз, гапнинг учинигина



чиқариш билан кифояланасиз... Гапнинг пўскал-ласини айтганда, агар ёдингизда бўлса, сизнингча, дунёда шундай бир бошқача одамлар борки, агар улар истасалар... Истасаларгина эмас, балки тўла ҳуқуқ билан хоҳлаганча номаъқулчиликлар қилишлари, турли жинойтларни амалга оширишлари мумкин... Гуё бунинг учун уларда тўла ҳақ-ҳуқуқ бор, гуё қонунларнинг уларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Раскольников ўз фикрини зўр бериб атайдан бузиб айтилаётганига кулиб қўйди.

– Нима? Нима дединг? Жинойт қилиш ҳуқуқи дейсанми? Мабодо «муҳит жонидан тўйдириб юборгани учун» эмасми ишқилиб? – ҳатто аллақандай чўчинқираб сўради Разумихин.

– Йўқ йўқ, унчалар эмас, – жавоб берди Порфирий. – Ҳамма гап шундаки, у кишининг мақолаларида барча одамлар қандайдир «одми» ва «фавқулодда» кишилар деб ажратилади. Одми одамлар мўмин-қобил бўлиб яшашлари керак, қонунларни бузмасликлари лозим, негаки, улар оддий одамлар-да. Фавқулодда одамлар бўлса, истаганча жинойт қилишлари ва истаганча қонунларни бузишлари мумкин экан, улар бунга ҳақли эканлар, нега десангиз, улар бошқаларга ўхшамайдиган фавқулодда одамлар экан-да. Агар адашмаётган бўлсам, сиз шундай демоқчи бўлардингиз шекилли, тўғрими?

– Бу қандай гап ўзи? Сира ҳам ундай бўлиши мумкин эмас! – дерди нуқул эсанкираб қолган Разумихин.

Раскольников яна кулиб қўйди. У гапнинг қаёққа айланиб бораётганлигини ва ўзини нимадан илтирмоқчи бўлаётганларини дарҳол тушунди: мақоласи эсида эди. «Майли, бир ташлашиб кўрайлик», деб ўйлади у.

– Мен жуда ҳам унчалар демоқчи эмас эдим, – дея ҳеч нарса билмагандай камсуқумлик билан гап бошлади у. – Айтгандай, ростдан ҳам тан оламан, сиз мақоламни деярли тўғри баён қилиб бердингиз, агар истасангиз, ҳатто бутунлай тўғри тушунибсиз, деб айтган бўлардим... (Бутунлай тўғри тушунибсизни у гуё бу нарса жуда ҳам ўзига ёқиб кетгандай қилиб айтди.) Лекин ҳамма гап шундаки, мен фавқулодда одамлар ҳар доим ҳам бўлар-бўлмасга жиноят қилаверсинлар, деб айтмоқчи эмасман, сиз шундай деб тушунибсиз. Менимча, агар сиз айтганча бўлганда бундай мақолани сира ҳам босиб чиқариб ўтиришмасди. Менинг бор-йўқ айтмоқчи бўлган гапим шу эдики, «фавқулодда» одам шунга ҳақлики... мен расмий ҳуқуқ маъносида айтаётганим йўқ буни, яъни у ўз виждони олдида гоҳо дуч келадиган ғовлардан сакраб ўтишга ҳақли демоқчиман, шунда ҳам агарда унинг ғоясининг амалга ошуви (бу ғоя бутун инсоният учун халоскор бир ғоя бўлиши ҳам мумкин) шундоқ йўл тутишни талаб қилган тақдирда. Сиз мақоламни ноаниқ деб айтдингиз. Мен қўлимдан келганча уни сизга тушунтириб беришга тайёрман. Назаримда ўзингиз ҳам афтидан шундай қилишимни истаб турган бўлсангиз керак; марҳамат. Менимча, қандайдир бир сабаблар билан Кеплер ва Ньютон кашфиётлари биттами, ўнтами, юзтами ва ҳоказо одамларни қурбон қилмасдан туриб, юзага чиқмайдиган бир шароит ичида қолгандай эди, у тақдирда Ньютон ўз кашфиётининг юзага чиқуви учун тўсиқ бўлаётган ўша ўнтами, юзтами, майли, қанча бўлса ҳам одамларни йўқотишга ва кашфиётини инсониятга маълум қилишга ҳақли эди. Лекин бу деган сўз Ньютон истаганча одам ўлдиришга, дуч келганни йўқ қилиб ташлашга ёки ҳар куни бозорга бориб, ўғирлик қилишга ҳақли дегани эмас. Ундан кейин

мен мақолада яна шундай бир фикрни ҳам ўртага ташлаганман, менимча, барча... хўш, айтайлик, инсониятнинг энг қадимгиларидан бошлаб, то кейинги Ликурглар, Солонлар, Наполеонлар каби ҳукмфармо ва жаҳондорларгача ҳаммаси истисносиз тарзда жиноятчи бўлган эдилар, бошқасини айтмаганимизда ҳам фақат аждодлардан мерос қолган, жамият томонидан кўз қорачиғидек асралган қадимий қонунларни бузиб, улар ўрнида янгиларини барпо қилишнинг ёлғиз ўзиёқ жиноят эди, улар ўз ҳукмларини устувор ва барқарор қилиш йўлида ҳеч нарсадан тоймадилар, қонлар тўқдилар (бу тўкилган қонлар баъзан боболар удуми йўлида тўкилган бегуноҳ қонлар эди), қон билан ўз фармон ва низомларини тасдиқладилар. Қизиғи шундаки, инсониятга яхшилик келтираман деган ушбу жаҳондорларнинг кўпчилиги, айниқса, ҳаддан зиёд қонхўр бўлганлар. Хуллас, мана шулардан келиб чиқиб айтганда, ҳамма буюк одамлар ва, ҳатто у қадар буюк бўлмаган, лекин илгари солинган излардан юрмайдиган, андаккина бўлса ҳам қандайдир янги гап айтишга, янгилик яратишга қодир бўлган кишилар ўз моҳиятларига кўра, майли, оздир, кўпдир, жиноятчи бўлишлари керак. Бўлмаса, улар эски издан чиқолмайдилар, эски из билан кетаверишга эса уларнинг ўзлари рози бўлмайдилар, бу яна уларнинг табиатларидан келиб чиқади, менга қолса, ҳатто улар келишмасликка мажбурлар, деган бўлардим. Хуллас, мана ўзингиз кўриб турибсизки, бунда айтарли бир янги гап йўқ, бунақа гаплар минг марталаб босиб чиқарилган ва одамларга таниш. Менинг одамларни одми ва фавқулодда шахсларга бўлишимга келганда, эҳтимол бу унчалар асосланмагандир, розиман, лекин мен бунда тўла аниқлик ҳам талаб қилаётганим йўқ. Мен фақат ўзимнинг асосий ғоямга

ишонаман. Гап шундаки, табиат қонунларига кўра, одамлар умуман икки тоифага бўлинадилар: паст тоифа (одми одамлар), ўзига ўхшаганларни урчитишдан бошқа нарсага ярамайдилар, улар урчиш материалдирлар ва иккинчиси, одам деб санаса арзийдиган ва ҳаётда, ўз муҳитида янгилик, янги сўз барпо қилиш иқтидорига, қудрати-га эга бўлганлар. Бунда албатта, турли-туман ҳар хилликлар бўлиши мумкин, лекин ҳар икки тоифани бир-биридан ажратиб турадиган белгилари ғоятда аниқдир: биринчи тоифадагилар, яъни материал бўлувчилар ўз табиатларига кўра, янгиликка қарши бўлган, батартиб, чегарадан чиқмайдиган, тобе бўлиб яшайдиган ва тобе бўлишни яхши кўрадиган одамлардир умуман олганда. Менимча, улар яралишдан муте бўлиш учун яратилганлар, уларнинг пешонасига ёзилгани шу ва бунда уларнинг шаънини ерга урадиган ҳеч қандай ёмон нарса йўқ. Иккинчи тоифадаги одамларнинг бари қонунга хилоф иш тутадилар, улар бузғунчилардир ёки қобилиятларига кўра, шунга мойилдилар. Албатта, уларнинг жинойтлари ҳам жуда ҳар хил ва маълум бир даражада жинойт деб аталиши мумкин: улар кўп маҳал турли-туман баёнотлар бериб, бор нарсаларни ундан ҳам яхшироқ бўлсин, деб бузишни, йўқотишни талаб қиладилар. Лекин агар ўз ғоясини юзага чиқариш учун бировларни қурбон қилиш, қон тўкиш лозим бўлиб қоладиган бўлса, у ўз виждони олдида, ўзича буни адо этишга изн олиши мумкин, ҳамма гап унинг ғояси бунга арзийдими, йўқми, ана шунда, сиз ҳам буни билиб қўйинг. Шу маънодагина мен мақолада уларнинг лозим бўлса жинойт қилишга ҳақлари бор демоқчи бўламан. (Эсланг, ҳамма гапимиз ҳуқуқ масаласидан бошланиб кетди.) Дарвоқе, кўпам ташвишланиб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ: омма

ҳеч қачон унинг бу ҳуқуқини тан олмайди, уларни доимо осадди ва қатл қилади (у ёки бу даражада) ва шу билан ўзининг янгиликка қарши ғов бўлишдан иборат вазифасини адо этади, шуниси ҳам борки, омманинг янги авлодлари ўша қатл этилганларга ҳайкаллар ўрнатадилар ва уларга сифнадилар (у ёки бу даражада). Биринчи тоифадагилар – бугунги куннинг соҳиблари, иккинчидагилар эса келажакнинг эгаларидир. Биринчилар дунёни эминликда сақлаб турадилар, моддий борлиқни миқдоран кўпайтирадилар, иккинчилар эса дунёни ҳаракатга келтирадилар ва уни мақсад сари олиб борадилар. Ҳар икки тоифадагилар ҳам яшамокқа бир хилда ҳақлидирлар. Бир сўз билан айтганда, менимча, уларнинг бари бир-бирига тенг ҳуқуққа эга, шунинг учун ҳам – *vive la guerre eternelle*<sup>15</sup> – албатта. Янги Қуддуси шарифгача!

– Демак, сиз Янги Қуддусга ишонаркансиз-да?

– Ишонаман, – қатъият билан жавоб берди Раскольников. У бунини деганда ҳам ва олдинги узундан-узоқ гапи давомида ҳам бошини ердан кўтармасдан гиламнинг бир нуқтасига тикилганча ўтираверди,

– Ҳа-а-а, Худога ҳам ишонасизми? Бунчалар ижикилаб қолганим учун мени кечиринг.

– Ишонаман, – дея такрорлади Раскольников бошини кўтариб Порфирийга қараркан.

– Лазарнинг қайта тирилишига ҳам ишонасизми?

– И-ишонаман. Сизга буларнинг нима кераги бор?

– Чиндан ишонасизми?

– Чиндан.

– Шундай денг... Ўзим, қизиқиб сўрадим-да. Узр. Лекин ижозат этинг, бояги гапга қайтайлик,

<sup>15</sup> *Vive la guerre eternelle* – Яшасин абадий уруш (франц.).

– ахир уларни ҳар доим ҳам қатл қилавермайдилар-ку; баъзилари, ҳатто аксинча... – Ҳаётда ғолиб чиқадиларми? Баъзилари ростдан ҳам тирикликда истаганларига эришадилар ва ўшанда...

– Ўзлари қатл қила бошлайдиларми?

– Аозим топсалар, биласизми, ҳатто кўплаб қатл қиладилар. Умуман, жуда ўткир гап айтдингиз.

– Ташаккур. Лекин айтинг-чи, фавқулодда одамларни одми одамлардан қандай қилиб ажратса бўлади? Нима, туғилган пайтларида бир белгилари бўладими? Мен буни шу маънода айтаётirmanки, бунда аниқлик бўлгани яхши, кўзга равшан кўриниб турадиган аниқлик бўлгани маъқул: нияти холис, амалий бир одам бўлганлигим учун, менда табиий суръатда бир ташвиш туғилиб қолгани учун мени кечиринг, лекин бунда айтайлик, бошқаларникидан ажралиб турадиган бир кийим тиктирилса ёки тақиб юриладиган бирон тамға-памға жорий этилса ёки шунга яқин бирор нарса бўлса қандай бўларкин?.. Нега десангиз, Худо кўрсатмасин, чалкашлик туғилиб, биринчи тоифадагилар ўзларини иккинчи тоифадагиларнинг ўрнига қўйиб ва шу асосда боя ўзингиз қотириб айтганингиздай, «ҳамма ғовларни йўқота» бошласа, биласизми, унда...

– О, бу тез-тез бўлиб турадиган ҳодиса! Сизнинг бу фикрингиз баягисидан ҳам ўтиб тушди...

– Ташаккур...

– Арзимамайди. Лекин бир нарсани эътиборга олиб қўйинг: чалкашликка фақат биринчи тоифадагиларгина йўл қўйишлари мумкин, яъни «одми» одамлар (балки уларни шундай деб атаганим унчалар ўринли ҳам эмасдир). Уларда туғма мутелик борлигига қарамасдан, ҳазилкаш табиат, ҳатто сигирни ҳам баъзи инжиқликдан маҳрум қилмаган-ку, уларнинг кўплари ўзларини илғор одам,

«говларни бузувчи» деб тасаввур қиладилар ва «янги сўз» айтиш учун кучанадилар, яна буни жуда самимий қиладилар. Аслини олганда эса улар чинакамига янгиликни кўпинча фаҳламайдилар ва, ҳатто янгилик олиб кирадиганларни орқада қолган тубан хаёлли кишилар, деб таҳқирлайдилар ҳам. Лекин менимча, бунда биронта жиддий хавф-хатар туғилмас керак, сиз унчалар чўчимасангиз ҳам бўлади, чунки улар ҳеч қачон узоққа бормайдилар. Қўлидан келмаган ишга уринганлари учун гоҳида уларни савалаб, ўз ўрниларини кўрсатиб қўйилса, назаримда шунинг ўзи етарли бўларди. Уларни савалайдиган алоҳида одам ажратишнинг ҳам кераги йўқ: чунки улар ўзларини ўзлари савалайдилар, гоҳ баодоб бўлганларидан ҳам шундай қиладилар; баъзилари борки, бир-бирларини савалашадилар, баъзилари эса ўзларини ўз қўллари билан савайдилар... Ҳаммага кўрсатиб, тавба қиладилар, гуноҳларини одамлар кўз ўнгида ювишга уринадилар, – жуда чиройли ва ибратли чиқади, қисқаси, сиз қўрқмасангиз ҳам бўлади... Шундай қонун бор.

– Жуда бўлмаса шу томондан менга таскин бериб қўйганингиз дуруст бўлди. Лекин яна бир чатоғи чиқиб қолди: айтинг-чи, ана шундай, яъни бошқаларни сўйиш ҳуқуқига эга бўлган одамлар, «фавқулодда» одамлар кўпми? Мен, албатта, уларга таъзим қилишга тайёрман, лекин улар агар жуда кўп бўлса, бу даҳшат эмасми, нима дейсиз?

– О, бундан ҳам ташвишланиб ўтирманг, – деди овозини ўзгартирмасдан Раскольников. – Умуман олганда, янги фикрли одамлар ва ҳаттоки, жиндак бўлса-да янги гап айта оладиган, шунга қобил бўлган одамлар камдан-кам бўлади, ҳайрон қоладиган ери ҳам шундаки, улар жуда кам туғиладилар. Бир нарса равшанки, ҳар икки тоифадаги одам-



ларнинг дунёга келиши табиатнинг қандайдир бир қонунияти томонидан қатъий бир аниқлик билан тартибга солиниб турса керак. Бу қонуниятни ҳозир ҳеч ким билмайди, албатта, лекин у бўлиши керак ва, балки кейинча маълум бўлиб ҳам қолар. Сонсиз-саноксиз одамлардан иборат материал шунинг учун ҳам мавжуд бўладики, аллақандай зўр бир кучанишлардан, аллақандай сирли кечадиган жараёнлардан кейин турлича жинс ва насларнинг бир-бирига чатишиб кетуви натижасида тоза зўриқиб мингларнинг ичидан битта жиндак мустақил бўлган кимсани дунёга келтирадилар. Ундан ҳам мустақилроқ бўлган одам, балки ўн минг кишидан битта туғилар (мен мисол тариқасида равшанроқ бўлсин, деб айтаётирман). Ундан ҳам зўрроқ одам юз мингдан битта туғилади. Даҳолар эса миллионлардан битта, инсоният тарихида бурилиш ясайдиган буюк даҳолар эса балким миллион-миллионлаб одам авлодлари ер юзида яшаб ўтгандаи сўнг дунёга келса ажаб эмас. Гапнинг қисқаси, мен бу нарсаларнинг ҳаммаси рўй берадиган кимё идишининг ичига назар ташлаган эмасман. Лекин маълум бир қонуниятнинг борлиги шубҳасиз, у бўлмасдан иложи йўқ; бунда фақат тасодифнинг ўзигина етарли эмас.

– Э, қандай одамсизлар ўзи, ҳазиллашяпсизларми? – ниҳоят қичқириб юборди Разумихин. – Бир-бирларингизни тоза лақиллатяпсизларми, дейман? Бир-бирларига майнабозчилик қилиб ўтиришларини қаранг! Сенга нима бўлди, Родя?

Раскольников унга ўзининг оқарган, маъюс тортган юзини кўтариб, индамай қаради. Юзи сокин ва маъюс бўлиб қолган шу йигит қаршисида Порфирийнинг сурбетроқ, тажанг ва очикдан-очик қўпол, захарханда муомаласи Разумихинга жуда ғалати бўлиб туйилди.



– Ҳой, менга қара, оғайни, бу гапинг ростдан ҳам жиддий бўлса, унда... Бу янги гап эмас, бунақа гапларни минг мароталаб ўқиганмиз ва эшитганмиз, деб тўғри айтдинг. Лекин бу ерда ҳали эшитмаган ва фақат сенга тегишли бўлган гап шундаки, сен виждонан қон тўкишни ёқлайсан, бу фикрингдан менинг эгим жимираб кетяпти, мени кечиргин-ку, лекин яна фикрингда жуда қаттиқ турибсан... Мақолангнинг энг муҳим гапи ҳам мана шунда. Назаримда, виждонан қон тўкишни ёқлаш бу... Наздимда, қон тўкишга расмий суръатда рухсат беришдан кўра ҳам кўрқинчлироқ... Даҳшатлироқ...

– Жуда тўғри, даҳшатлироқ, – деб тасдиқлади Порфирий.

– Йўқ, сен жуда ошириб юборгансан! Хато бу! Мен ўқиб чиқаман... Ошириб юборгансан! Сен бундай деб ўйлашинг мумкинмас... Ўқиб чиқаман.

– Мақолада бундай гаплар йўқ, фақат ишора қилиб ўтилган, холос, – деди Раскольников.

– Хўш, хўш, – Порфирий жойида ўтиролмайд қолди, сиз жинойатга қандай қарашингиз энди менга анча ойдин бўлди, лекин хиралик қилаётганлигим учун мени кечиринг (жуда жонингизга тегиб кетдим, билиб турибман!) биласизми, тоифаларнинг чалкашиб кетиши мумкинлиги масаласида ташвишларим ўринсизлигини айтдингиз кўнглим анча жойига тушди, аммо мени ҳаётда юз бериши мумкин бўлган турли муаммолар безовта қилиб турибди! Мана, айтайлик, биронта киши ёки ёш йигит ўзини Ликург ёки Лазарман, деб тасаввур қилди... Албатта, у ўзини келажакда шундай зот бўламан, деб ўйлайди ва йўлида дуч келган тўсиқларни бирма-бир йўқота бошлайди... Унинг назарида гўё жуда узоққа чўзиладиган сафар олдида турибди, сафар қилиш учун эса маблағ

керак... Шундай қилиб, у сафарга пул ахтара бошлайди... Биласизми?

Бурчакдан Заметовнинг пиқиллаб кулгани эшитилди. Раскольников унга, ҳатто бошини кутариб ҳам қарамади.

– Гапингиз тўғри, – деб хотиржамлик билан жавоб берди Раскольников, – бунақа ҳодисалар ростдан ҳам бўлиб турса керак. Ақдини йиғиштириб олмаган шуҳратпараст одамлар шунақа ишларни қилиб туришади, айниқса, ёшлар.

– Ана кўрдингизми. Ундан кейин-чи?

– Ундан кейин нима бўларди, – илжайиб қўйди Раскольников, – бунга мен айбдор эмасман. Шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ана у (Раскольников Разумихинга ишора қилди) ҳозир мени қон тўкишни оқлаяпсан, деб айтди. Хўш, нима бўлибди? Жамият ўзини сургунлар, турмалар, суд терговчилари, каторгалар билан мўл-кўл таъминлаб олган, демак, ташвишланишга ҳожат йўқ? Топинг ўғрини!..

– Топсак-чи?

– Баттар бўлсин.

– Гапни жуда қотирасиз-да. Майли-ку, унинг виждони нима бўлади?

– Виждони билан сизнинг нима ишингиз бор?

– Одамгарчилик юзасидан дейман-да.

– Кимда виждон бўлса, хатосини англаса, ўзи азобини тортаверади. Бу жазо унинг учун каторгадан ҳам баттар.

– Сенингча, чинакам даҳолар, – қовоғини уйиб сўради Разумихин, – кишиларни сўйиш ҳуқуқи берилган кишилар экан-да, нима, сенингча, улар ҳеч нарсани ҳис қилмасликлари керакми, виждон азобига тушмасликлари керакми, ҳатто қон тўкиб турсалар ҳам-а?

– Нима қиласиз, бу ерда керак, деган сўз-ни ишлатиб? Бу ерда гап рухсат бериш ёки ман қилиш ҳақида бораётгани йўқ. Агар жони ачиса, азоб чекса чекавермайдими... Кенг фикрли, ақли теран одамлар учун азоб ва дард чекиш шарт доимо. Менимча, чирнакам буюк одамлар ёруғ дунёга келиб, улуғ бир азоб туйсалар ажабмас – деб қўшиб қўйди у кутилмаганда ўйчанлик билан, унинг бу гапи олдинги гапларининг оҳангидан бутунлай фарқ қилиб турарди, ҳатто.

У бошини кўтарди, ўй ичида ҳаммага бир-бир қараб чиқди, жилмайди ва қўлига фуражкасини олди. У боя бу ерга кириб келгандагига қараганда, анча ўзини босиб олган, буни унинг ўзи ҳам сезиб турарди. Ҳаммалари ўрнларидан турдилар.

– Хў-ўш, бўлмаса, мендан хоҳ хафа бўлинг, хоҳ бўлманг, бари бир айтмасам кўнглим ўрнига тушмайди, – дея гап бошлади яна Порфирий Петрович, – яна битта арзимас савол берсам майлими (жуда жонингизга ҳам тегиб кетдим-да), арзимайдиган бир фикр келиб қолди калламга, кейин эсимдан чиқиб қолиши мумкин...

– Майли, айтинг фикрингизни, – деди ранги ўчган, жиддий турган ҳолда Раскольников.

– Буни қаранг... Нима десам экан... Фикр бўлганда ҳам ўзи бир оз ғалатиноқ... Руҳиятга тегишли... Буни қаранг, сиз ўша мақолангизни ёзаётганингизда, ҳе, ҳе, ўзингизни жиндаккина бўлсин «фавқулодда» одам, деб ҳис қилган бўлсангиз керак, а? Яъни янги сўз айтоладиган одам деб, тўғри-ми, шундай деб ўйламаслигингиз мумкин эмасди, ҳамоноки... а, ростми?

– Бўлса бордир, – деди нафрат билан Раскольников.

Разумихин қимирлаб қолди.

– Шундай экан, наҳотки, айтайлик, мана сизнинг ўзингиз турмуш оғирчиликлари боисиданми ёки бошқа бир томондан бутун инсониятга маъқул бўладиган иш қилиш истаги биланми, майли, қандай бўлмасин, ўзингиз айтган тўсиқдан ҳатлаб ўтмаган бўлардингиз? Айтайлик, одам ўлдириб, ўғирлик қилмасмидингиз?..

Шунда у яна худди боягидай қилиб унга чап кўзини қисиб қўйди-да, худди ўшандай овоз чиқармасдан кулди.

– Мабодо, ҳатлаб ўтган тақдиримда ҳам сизга айтмаган бўлардим, – қўлингдан нима келарди деган оҳангда менсимасдан, нафратомуз деди Раскольников.

– Йўқ, мен бунга қизиққаним сизнинг мақолангизни тўла тушуниб олай деяпман-да, адабий жиҳатдан, албатта...

«Фу, очикдан-очиқ гапиришини қаранг, сурбет!» – ижирганиб хаёлидан ўтказди Раскольников.

– Сизга шуни айтиб қўйишим керакки, – қуруққина қилиб жавоб берди Раскольников, – мен ўзимни Лазар ёхуд Наполеон деб билмайман... Уларга ўхшамаганимдан кейин, уларнинг териси ичига кирмасдан туриб, мен сизга у ҳолда қандай иш тутган бўлишимни айтиб беролмайман.

– Э, қўйсангиз-чи, ҳозир Россиямизда ким ўзини Наполеон деб ҳисобламайди? – деди қўрқинчли бир соддалик билан Порфирий. Унинг, ҳатто гап оҳангидан бир нарсага аниқ шама қилаётгани сезилиб турарди.

– Ўтган ҳафта бизнинг Алена Ивановнани ўшанақа бўлажак Наполеон болта билан чопиб кетмаганмикин? – бирдан шанғиллаб қолди бурчакдан Заметов.

Раскольников индамасдан Порфирийга қаттиқ разм солиб, тикилиб қолди. Разумихиннинг қовоғи

тушиб кетди. У бундан олдин ҳам аллақандай гаплар бўлаётганлигини сезиб қолганди. У ғазаб билан атрофга қараб олди. Ваҳимали жимлик чўкди. Раскольников кетиш учун чоғланди.

– Дарров кетяпсизми! – деди меҳрибонлик билан Порфирий ҳаддан зиёд бир илтифот кўрса-тиб қўлларини чўзаркан. – Танишганимиздан ғоят хурсандман. Боя айтган илтимосингизга келганда, у бўладиган гап. Сизга қандай айтган бўлсам, шундай деб ёзинг. Яхшиси, олдимга ўзингиз кириг... Шу кунлар ичида... Эртага бўлса ҳам майли. Мен у ерга соат ўн бирларда бораман. Ҳаммасини тўғрилаймиз... Гаплашамиз... Сиз у ерда охириги марта бўлган кишилардан экансиз, балки бизга ёрдамингиз ҳам тегиб қолар... – деб қўшиб қўйди у ғоятда оқ кўнгиллик билан.

– Сиз мени расман бутун қонун-қоидаси билан сўроқ қилмоқчимисиз? – кескин сўради Раскольников.

– Йўқ-е, ундаймас. Ҳозирча бунинг сира ҳожати йўқ. Сиз бошқача тушунибсиз. Биласизми, мен пайтдан фойдаланиб... Нарсаларини гаровга қўйган барча кишилар билан сўйлашиб чиқдим... Улардан маълумотномалар ёзиб олдим... Сиз бўлсангиз, энг сўнги... Ҳа, айтгандай! – қичқириб юборди у бирдан нимагадир хурсанд бўлиб кетиб, – энди эсимга тушди, менга нима бўлди ўзи!.. – у Разумихинга ўгирилди, – сен анов Николашкани гапиравериб қулоғимни еган эдинг... Биламан, биламан, ахир, – у Раскольниковга қаради, – болада айб йўқ, лекин қўлимдан нима келарди, ана, Митькани ҳам тинч қўймадик... Ҳамма гап шундаки, бу жуда муҳим: ўшанда зинадан чиқиб кета туриб... Менга қаранг, сиз ахир, у ерга соат саккизларда борган эдингиз-а?

– Ҳа, саккизларда, – жавоб берди Раскольников, шу заҳоти буни айтмасам ҳам бўларди-ку, дея ўйлаб ўзини нохуш сезар экан.

– Ундай бўлса соат саккизда зинадан чиқиб кетаётганингизда иккинчи қаватда очилиб қолган эшик эсингиздами? Иккита ишчи ишлашаётганди, балки биронтасини қўргандирсиз? Улар уй ичини бўёқдан чиқаришаётганди, пайқамадингизми? Улар учун бунинг жуда-жуда аҳамияти бор!..

– Бўёқчилар дейсизми? Йўқ қўрганим йўқ... – деди чўзиб Раскольников худди бир нарсани хотирлаётган одамдай ва шу заҳоти бунда қандай тузоқ қўйилаётганлигини англаш, унга илиниб қолмаслик учун бутун вужуди билан сергакланди, бу қандай тузоқ ўзи, тагин лаққа илиниб қолмасайди, – йўқ, қўрганим йўқ, эшиги очиқ хонадонни ҳам пайқаганим йўқ... лекин тўртинчи қаватда (у энди тузоқнинг нимадалигини фаҳмлаб қолди ва бундан хурсанд бўлди) бир хизматчи кўчаётган эди шекилли. Алена Ивановнанинг қўшнисини... Эсимда... Бу аниқ эсимда... Аскарлар аллақандай диванни олиб чиқишаётганди, мен ўтиб кетолмай деворга тиралиб қолдим... Бўёқчиларни бўлса, йўқ, эсимда йўқ бўёқчилар... иннайкейин биронта уйнинг эшиги очилиб қолганини билмайман, ундай эмасди. Ҳа, ундай эмасди...

– Сен ўзи нима деяпсан! – бақирди бирдан ҳушига келган каби Разумихин гапни чақиб кўриб, – бўёқчилар кампир ўлдирилган кун ишлаган, бу бўлса ундан уч кун илгари у ерда бўлган-ку? Сен нимани суриштиряпсан ўзи?

– Эҳ, хомкалла! – пешонасига шапатилади Порфирий. – Адаштириб юборибман. Қуриб кетсин, шу иш билан бўлиб миям ҳам жуда чалкашиб кетди! – деди у кечирим сўраган киши бўлиб Раскольниковга қараркан, – ўшанда уларни соат саккиз-

да хонадонда бўлганларини билишни жуда ҳам истардик, шундай одам бўлсайди, уларни кўрган, ҳозир сиз ҳам, балки кўргандирсиз, деган хаёлга кетиб қолибман... Тоза ҳам чалкашиб кетдим!

– Оғзингга қараб гапиргин-да, – деди қовоғини уйиб Разумихин.

Бу сўзлар айтилганда, улар даҳлизга чиқиб қолгандилар. Порфирий Петрович эшиккача уларни ғоят эъзоз-икром билан кузатиб қўйди. Ҳар икковлари ҳам кўчага қовоқлари солинган, тумтайган ҳолда чиқишди ва бир оз вақт миқ этмай боришди. Раскольников чуқур тин олди...

## VI

– ...Ишонмайман! Ақлим бовар қилмайди! – дея такрорларди боши қотиб қолган Разумихин бутун кучи билан Раскольниковнинг далилларини чип-пакка чиқаришга уринаркан. Бу пайт улар Бакалеев меҳмонхонасига яқинлашиб қолишган, бунда эса уларни Пульхерия Александровна билан Дуня қачонлардан бери кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Разумихин гаплашиб келишаркан, дам сайин қизишиб тўхтаб қолар, бу ҳақда биринчи марта очиқчасига гаплашаётганларидан бир оз хижолат чеккан, ҳаяжонланганди.

– Ишонма! – деб жавоб берди Раскольников бепарволик билан совуқ кулиб, – сен эски одатинг бўйича ҳеч нарсани фаҳмламадинг, мен бўлсам, ҳар бир сўзнинг мағзини чақиб турдим.

– Сен бадгумон одамсан, шунинг учун ҳам ҳаммасининг мағзини чақиб тургансан... Ҳм... рост, гапинг тўғри, ҳақиқатан ҳам Порфирийнинг гаплари жуда ғалати эди, айниқса, анов Заметов аблаҳни айтмайсанми!.. Гапинг тўғри, бир балоси бор эди, лекин нега? Нега?



– Кечаси билан ўйлаб, бошқача фикрга келган бўлса керак.

– Лекин аксинча, аксинча! Агар улар мана шунақа аҳмоқона бир фикрга келган бўлганларида, унда бу фикрларини иложи борича яширишга, билмаган киши бўлишга ва кейин шап ушлаб олишга уринган бўлардилар... Ҳозир бўлса жуда ҳам қўпол ва эҳтиётсизлик билан иш кўришди!

– Агарда уларнинг қўлларида чинакам, расмона далиллар бўлганда ёки жила курси, гумонсирашга асослари бўлганда эди, у ҳолда улар чиндан ҳам вақти-соати келгунча ҳаммасини яшириб турган бўлардилар; яна ҳам кўпроқ қўлга тушириш мақсадида (айтгандай, аллақачон тинтув ўтказган ҳам бўлардилар). Лекин уларнинг қўлларида далил йўқ, битта ҳам далил йўқ, ҳаммаси сароб – ҳавойи гаплар, у ёққа тортиб кетса ҳам бўлаверади, бу ёққа ҳам. Ана шундан дангалчасига иш битирмоқчи бўладилар. Балки ўзининг ҳам фигони ошиб кетгандир далиллар бўлмаганига ва шундан жони чиқиб оғзини тиёлмай қолгандир. Йўқ, бўлмасам, бошқа биронта нияти бордир... У ақли одамга ўхшайди... Балким биламан деб мени қўрқитмоқчи бўлгандир... Сенга айтсам, дўстим, бунинг тагида нимкосаси бор... Э, қўй, жуда меъдамга тегиб кетди шу гаплар. Бас!

– Ахир ҳақорат, ҳақорат бу! Сени тушуниб турибман! Лекин... ҳамон очиқчасига гаплашаётган эканмиз (очиқ гаплашиб олаётганимиздан жуда ҳам хурсандман), сенга тан олиб айтишим керакки, улар шунга яқин бир нарсаларни ўйлаб юрганларини анчадан бери сезардим, албатта, кўп бўлмаса ҳам ҳар ҳолда шундай бир фикрни жиндак бўлса ҳам хаёлларига келтиришган, гумонсираб юришган, лекин нимага ўзидан-ўзи гумонсирашди! Нима ҳақлари бор? Қаердан пайдо бўлди улар-



да бундай фикр? Мен қанчалар хафа бўлганим-ни билсайдинг! Нима гап ўзи дейман, ахир, бир бечора, оч-яланғоч, касалманд талаба йигит оғир касалликка чалиниб қолсин, кўчаларда алаҳлаб юрсин, миждози нозиклашиб, қора хаёл бўлиб, олти ой тор каталак ичида одамлардан узилиб, хор-зор, кийим-кечаксиз ётсин, бутун ғурури поймол бўлиб аллақандай миршабчаларнинг олдида хароб бир аҳволда турсин-да, уларнинг ҳақоратларига чидасин: ахир, шундан гумонсирайсизларми; бунинг устига кутилмаганда оёқнинг тагидан чиқиб турган қарз, эшик оғаси, маслаҳатчи Чебаров билан тузилган тўлов муддати ўтиб кетган вексель, сассиқ бўёқ ҳидлари, Реомюр бўйича ўттиз даража ҳарорат, бўғиқ ҳаво, уй ичи тўла одам, кечагина ўзи кўриб келган одамнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар ва яна буларнинг бари устига қориннинг очлиги! Тағин ҳам ҳушдан кетмасинми! Гумонсираб юрган нарсаларини қаранг-а! Тавба! Биламан, бунинг бари хунук нарса, лекин сенинг ўрнингда бўлганимда, Родька, уларнинг башараларига қараб кулган бўлардим ёки яна ҳам яхшиси: ҳаммасининг башарасига қараб яхшилаб тупуриб ташлаган бўлардим, яна теварак-атрофларига ҳам соғ жойини қўймай тупуриб, шу билан ақли расо одамларнинг ишини қилиб, гапни тугатиб қўя қолган бўлардим. Тупур уларга! Бардам бўл! Уят!

«Лекин қурмагур, яхши баён қилиб берди», – деб ўйлади Раскольников.

– Тупур дейсанми? Эртага бўлса яна тергов! – аччиқ билан гапирди у, – наҳотки бир куним улар билан ади-бади айтишга қолган бўлса? Кеча трактирда Заметов билан гаплашиб ўтирганим ҳали ҳам ўзимга алам қилиб турибди...

– Нима бўлса бўлди! Порфирийнинг олдига ўзим бораман! Қавми қариндошчилигимизни эслатиб бир

эзмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берсин. Заметовни бўлса...

«Ана энди ўзингга келдинг!» – ўйлади Раскольников.

– Тўхта! – бақирди Разумихин унинг елкасидан ушлаб, – тўхта! Сен бекор айтибсан! Ахир топдим: сен ёлғон айтибсан! Нега энди сенинг оёғингдан чалишсин? Бўёқчилар ҳақидаги савол билан мени оёқдан чалмоқчи бўлишди, деяпсан, а? Ўзинг ўйла: агар бу ишни сен қилган бўлганингда, мен уйни бўяётган ишчиларни кўрдим, деб айтармидинг ҳеч замонда... Аксинча, кўрган бўлганингда ҳам кўрмадим, деб турган бўлардинг! Ким ўзига қарши гапни айтади?

– Агар мен ўша ишни қилган бўлганимда, ҳеч шак-шубҳасиз бўёқчиларни ҳам, уйни ҳам кўрдим, деб айтган бўлардим, – истар-истамас нохушлик билан жавоб берди Раскольников.

– Нега энди ўзингга-ўзинг қарши гапиришинг керак экан?

– Нега десанг, сўроқ бераётган пайтда фақат оми одамлар ёки ҳали бу ишларда тажриба ортирмаган кишилар ҳаммасига тўппа-тўғри йўқ, деб жавоб қилаверадилар. Киши пича ақл-фаросатли бўлса, паст-баланд гапнинг фарқига етса, майдароқ, унчалик аҳамияти йўқ, бўйин товлашнинг ҳожати бўлмаган нарсаларни иложи борича дарров тан олишга интилади. Фақат далилларга бошқа бир сабаблар келтиради, уларга ўзгача, кутилмаган бир йўналиш беради, шундан сўнг содир бўлган далилнинг маъноси ўзгаради, бошқача бир мазмун касб этади. Порфирий мендан худди мана шундай жавоб кутган бўлса керак, гапим рост чиқиши учун уларни албатта кўрдим, деб айтишимни истаган ва орага бир сабабни ҳам тиқиштириб ўтишимни кутган...

– Сен ундай деганингда икки кун илгари у ерда ҳеч қанақа бўёқчилар йўқ эди, демак, бўёқчиларни кўрган бўлсанг, у ерда кампир ўлдирилган куни бўлган экансан, соат саккизда, деб дарров тилингдан илинтирарди!

– У худди мана шуни мўлжаллаб айтган эди гапани. Мен ўйлаб ўтирмай, ишчиларни кўрмаганим эсимда бўлмай, гапим рост чиқсин деб, уларни кўрдим десам, тамом, икки кун илгари у ерда бўёқчилар йўқ эди, деб туриб оларди.

– Буни эсдан чиқариб бўларканми?

– Эсдан чиқариб қўйиш ҳеч гапмас! Муғомбир одамлар одатда мана шундай арзимаган нарсалардан қўлга тушиб ўтирадилар. Одам қанча муғомбир бўлса, у шунчалар ўзига ишонган бўлади, мени осонликча қўлга туширолмайдилар, деган ишончда бўлади. Устомон одамларни худди ана шундай арзимаган нарсалардан қўлга тушириш керак. Порфирий сен ўйлаганча аҳмоқ эмас...

– Аблаҳ экан-ку, у!

Раскольников кулгидан ўзини тийиб туролмади. Лекин шу заҳоти кейинги сўзларни айтганда ўзида бир жонланиш ва иштиёқ пайдо бўлганлигини сизди ва бу ўзига ғалати бўлиб туйилди, ваҳоланки бундан олдинги барча гапларни ўлганининг кунидан, гапирмаса бўлмаслигидангина сўзлаган ва бундан ўзининг юраги сиқилиб кетганди.

«Баъзи ўринларда жуда ишнинг пойҳовасини оляпман!» – деб ўйлади у ичида.

Лекин шу дақиқанинг ўзида миясига кутилмаган, нотинч бир фикр келиб қолган одамдай бирдан аллақандай безовта бўлиб қолди. Безовталиги борган сайин оша бошлади. Улар Бакалеевнинг меҳмонхонасига бориб қолган эдилар.

– Сен бир ўзинг боравер, – деди кутилмаганда Раскольников, – мен ҳозир келаман.

– Қаёққа ҳой? Етиб келдик-ку!

– Ишим бор, ишим; бормасам бўлмайди, ярим соатдан кейин келаман... Шундай деб айт уларга.

– Ихтиёринг, мен сен билан бораман!

– Нима, сен ҳам мени қийнаб ўлдирмоқчимисан! – газаби қайнаб аччиқ билан қичқирди Раскольников; унинг кўзларида шу қадар изтироб акс этдики, буни кўриб, Разумихин шаштидан қайтди. У бир неча вақт эшик олдида туриб, ўз кўчаси томон тез-тез юриб кетаётган дўстининг орқасидан хафа бўлганча қараб қолди. Ниҳоят, тишларини гижирлатиб, муштларини қисганча Порфирийни шу бугуноқ сиқиб, сувини олишга аҳд қилди-да, уларнинг кечикканларидан хавотирга тушиб қолган Пульхерия Александровнани тинчлантириш учун юқорига кўтарилди.

Раскольников уйга етиб келганда, пешонасини тер босган, офир-офир нафас оларди. У зиналардан шоша-пиша кўтарилиб, ўз хонасига кирди, эшикни боя очиқ қолдириб кетганди, ҳозир ичкарига кириши билан илгагини туширди. Кейин қўрқиб кетганча, кўзлари ола-кула бўлиб бурчакдаги қоғоз тагидаги тешик устига борди ва ўшанда буюмлар қўйилган тешик ичини бир неча замон қўллари билан пайпаслаб текширди, ҳамма бурчак, ҳамма ёриқ ерларни бирма-бир қараб чиқди. Ҳеч нарса топмай ўрнидан турди ва енгил тортиб, чуқур тин олди. Боя Бакалеевнинг эшигига етиб борганларида, бирдан хаёлига биронта занжирми, тўғнағичми ёки улар ўраб қўйилган кампирнинг белгиси бўлган қоғозми, тасодиф билан тушиб қолиб, назардан қочган бўлса, кейин бирдан сира инкор қилиб бўлмайдиган ашъвий далил бўлиб, бошга бало келтирмасин, деган фикр келиб қолганди.

У хаёлга толганча туриб қолди, лабларига ғалати, кўнгли чўккан кишиларда бўладиган, анчайин

маъносиз бир табассум қалқди. У ниҳоят қўлига фуражкасини олди-да, ташқарига чиқди. Фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Хаёлга толганча дарвозага тушди.

– Э, ана ўзлари! – баланд овоз билан қичқирди аллаким; у бошини кўтарди.

Қоровул ўз хужраси олдида туриб уни башарасидан мешчанга ўхшаган, устига халатга ўхшаш аллақандай кийим кийган, олисдан хотинларга ўхшаб кетадиган пакана бир кимсага кўрсатмоқда эди. Унинг қўсқи фуражка кийган боши пастга осилиб қолган, бутун кўриниши худди икки буклаб қўйилганга ўхшарди. Ажинлар билан қопланган салқи юзи ёши эликлардан ўтиб қолганлигини кўрсатарди; кичкина хира кўзлари ўқрайиб боқар, нигоҳида аёвсиз бир норозилик бор эди.

– Нима гап? – деб сўради Раскольников қоровулга юзланиб.

Келган киши кўз қири билан унга хўмрайиб тикилди, бошдан-оёқ бамайлихотир разм солиб кўздан кечириб чиқди; кейин секин бурилиб бир сўз демай дарвозадан кўчага чиқиб кетди.

– Э, ўзи нима гап! – қичқирди Раскольников.

– Э, кўрмайсизми, сизни сўраб келган эди, қаерда туришингизни суриштирди. Шунда тепадан ўзингиз тушиб қолдингиз, ана ўзи деб сизни кўрсатсам, у индамай жўнаб қолди. Бунга қаранг энди.

Қоровул ҳам бирмунча ҳайрон бўлиб қолди, сўнг жиндаккина ўйланиб тургач, орқасига бурилиб, хужрасига кириб кетди.

Раскольников ўзини сўраб келган кишининг орқасидан чопди ва шу заҳоти у кўчанинг нариги бетида худди бир нарсани ўйлагандай кўзларини ерга тикканча аввалгидай бир маромда қадам ташлаб шошилмай кетиб бораётганини кўрди.

Раскольников кўп ўтмай унга етиб олди ва бир-мунча вақт унинг орқасидан юриб борди; ниҳоят унинг ёнига ўтиб башарасига қаради. Ҳалиги одам шу ондаёқ унинг етиб олганини сезиб, унга тезгина бир қараб қўйди-да, яна кўзларини ерга қадади, улар шу тариқа бир-бирларига бир оғиз сўз айтмасдан ёнма-ён юриб кетавердилар.

– Сиз мени сўраган эдингизми... қоровудан?– ҳип бўғилганча овозини кўтармасдан сўради алоҳал Раскольников.

У киши жавоб бермади ва, ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади. Яна жим кетавердилар.

– Э, қандай одамсиз ўзи... Сўраб келасизу тагин миқ этмайсиз... Бу қандай қилиқ бўлди? – Раскольниковнинг овози узилиб-узилиб чиқди, сўзлари худди оғзидан тушиб кетаётгандай эди.

У киши энди бошини кўтариб қаради ва унинг ўқрайиб тикилган кўзларида ғазаб акс этди.

– Қотил! – деди у бирдан секин, лекин аниқ қилиб...

Унинг ёнгинасида бораётган Раскольниковнинг тиззалари қалтираб, оёқларидан мадор кетди, елкаси музлаб, юраги уришдан тўхтаб қолгандай бўлди; кейин юраги худди қармоқдан силтаниб тушиб кетган балиқдай патирлай бошлади. Улар шу алпозда яна юзларча одим юриб боришди, бир-бирларига миқ этиб оғиз очмадилар.

У киши Раскольниковга қарамасди.

– Э, нима деяпсиз ўзи... Нима... Ким қотил? – ёўдиради Раскольников; унинг овози зўрға эшитилди.

– Сен қотилсан, – деди ҳалиги одам янада аниқроқ ва лўндароқ қилиб ва нафратли бир тантана билан кулди-да, яна Раскольниковнинг дока бўлиб кетган юзи, қути ўчган кўзларига тик боқди. Улар бу пайт чорраҳага келиб қолгандилар. У

киши чап томондаги кўчага қараб орқасига қарамасдан кетди. Раскольников шу ерда туриб қолди, анчагача унинг изидан тикилиб турди. У киши элик қадамлар юриб боргач, орқасига ўтирилди ва Раскольников ҳамон тахтадай қотиб, унинг ортидан қараб турганлигини кўрди. Анигини айтолмайди-ю, лекин Раскольниковнинг назарида у киши яна бир карра одамнинг этини жунжиктириб юборадиган совуқ бир нафрат билан худди унинг устидан тантана қилиб кулгандай туйилди.

Раскольников худди совуқ жонидан ўтиб кетган одамдай тиззалари қалтираб мадорсиз оёқларини судраб босганча жимгина орқасига қайтди ва ўз хужрасига кўтарилади. У бошидан фуражкасини олиб, столга қўйди ва ўн дақиқалар чамаси қандай турган бўлса, шундай серрайиб туриб қолди. Кейин жонсизгина, ожизгина бўлиб ингранди-да, диванга чўзилди; кўзларини юмди. Шу ётганча ярим соатча ётиб қолди.

У ҳеч нарсани ўйламасди. Калласида алақандай зуқ-юлуқ фикрлар бир кўриниб ғойиб бўлар, кўзларига бош-кети йўқ алланималар кўринар, – болалик чоғларида ёки ундан кейин умрида бир мартабагина кўргани ва кейинчалик сира эсига келмаган одамларнинг башаралари кўз ўнгидан липилаб ўтарди; В – й черковининг жомхонаси; алақайси қовоқхонадаги бильярд ва шу бильярд олдида турган алақандай бир зобит, бир бинонинг ертўласида жойлашган тамаки дўконида анқиган сигара дудлари, ичкилик ичиладиган бир ер, қоп-қоронғи, ҳамма ёғига ювиндилар тўкилиб ётган, тухум пўчоқлари сочилган сим-сиёҳ зина, алақайлардан эса якшанбалик жом садолари келади... Ҳамма нарса унинг кўз ўнгида қуюндай чарх уриб, ўзгариб турарди. Кўзига кўринган баъзи бир нарсалар унинг ўзига ҳам маъқул тушиб қолар, шунда уларни кўпроқ кўз ўнги-



да сақлаб туришга уринар, лекин улар бир пайдо бўлиб сўнар ва умуман уни ичдан нимадир эзар, аммо эзгани қаттиқ билинмасди. Баъзида бу, ҳатто хуш ёқарди. Бадани ҳамон жунжикиб турар, буни ҳис қилиб туришнинг ўзиёқ, унчалар ёмон эмасга ўхшаб кўринарди.

У Разумихиннинг шошилини ҳам қадам товушларини ва овозини эшитди, шунда кўзларини юмди ва ўзини ухлаб қолганга солди. Разумихин эшикни очди ва бирмунча пайт остонада ўйлангандай туриб қолди. Кейин оҳиста ҳужра ичига кирди ва диван олдига келди. Настасьянинг шивирлаган товуши эшитилди:

– Индама; майли, ухлаб олсин; кейин овқатланар.

– Рост, – деб жавоб берди Разумихин.

Ҳар икковлари ҳам хонадан секингина чиқиб кетишди ва эшикни юзига ёпишди. Тагин ярим соатлар чамаси ўтди. Раскольников кўзларини очди ва бошига қўлларини чамбарчас қилиб, чалқанча тушиб ётди...

«У ким? Ер тагидан чиққан бу одам ким? У қаерда экан, нималарни кўрди экан? У ҳаммасини кўрган, бунга шак-шубҳа йўқ. Унда қайси ерда туриб, ҳаммасини кўрдийкин? Нега шунча пайдан бери индамай, энди ғимирлаб қолди? Қандай қилиб кўрдийкин-а, наҳотки бу мумкин бўлса?.. Ҳм... – дерди ўзига ўзи Раскольников эти увушиб, қалтироқ босаркан, – Николай эшикнинг орқасидан топиб олган нарса-чи: наҳот шундай бўлиши мумкин бўлса? Ашёвий далиллар? Қирқ минг ерини кўриб, бир жойини кўрмай қолсанг, тамом, шу қилча нарса сенга қарши Миср эҳромидай айбномага айланади! Пашша учибди, фил кўрибди! Наҳот шундай бўлса?»



Шунда у жисми буткул қувватсиз бўлиб қолган-лигини ҳис қилади ва рижиниб кетди.

«Мен шундай бўлишини билишим керак эди, – деб ўйлади у аччиқ жилмайиб, – ўзимни била туриб, ўзимнинг қандай бўлишимни ҳис қила туриб, қўлимга болта кўтаришга қандай журъат қилдим экан. Қандай қилиб қон тўқдим. Мен буни олдиндан билишим керак эди... Э! Ростдан ҳам, мен буни олдиндан билар эдим-ку!..» – пичирлади у даҳшат ичида.

Баъзан унинг хаёлида бир нарса қаттиқ ўрнашиб қолар, сира нари кетмасди: «Йўқ, у одамларнинг зуваласи бошқа экан, чинакам, соҳибихтиёр ҳукмдор Тулонни яксон қилади. Парижда қирғин уюштиради. Мисрда қўшинларни ташлаб кетади. Москвага қарши юриш қилиб ярим миллион одамни йўқотади, кейин Вильнога келиб, ҳаммасини ҳазил-ҳузулга чиқаради; яна худди шу одамни ўлгандан сўнг қаҳрамон қилиб кўтаришади, шон-шарафга ўрашади номини, шундай бўлгандан кейин, нима қилса ҳам майли дейилгани эмасми бу? Йўқ, бунақа одамлар жисми гўштдан эмас, бронзадан қуйилган бўлса керак!»

Калласига кутилмаганда ғалати бир фикр келиб кулиб юборди:

\* «Наполеон, эҳромлар, Ватерлоо ва иркит бир судхўр кампир, каравотининг тагида қизил сандиғи бор кампир, буни, ҳатто Порфирий Петрович ҳам ҳазм қилиб ақлига сиғдиролмайди нафсиламрга!.. Қандай қилиб ҳам ҳазм қилишсин!.. Дид-фаросат бунга йўл қўймайди: «Наполеон бўла туриб, кампирнинг сандиғини тит-пит қилиб юрармиди», деб ўйлашади! Эҳ, итвачча!..»

Ора-чора у ўзини алаҳлаётгандай ҳис қиларди: ҳовлиқма, кўтаринки бир кайфиятга бериларди.

«Кампир бўлса нима! – деб ўйларди у куйиб-пишиб, – кампир масаласида хато қилингандир, балки, лекин гап унда эмас! Кампир бу менинг касаллигим, холос... Мен тезроқ чизиқдан чиқа қолай дедим... Мен одам ўлдирганим йўқ, мен фикрни ўлдирдим! Фикрни ўлдиришга ўлдирдим, лекин бари бир чегарадан чиқолмадим, бу томонда қолиб кетдим... Қўлимдан ўлдириш келди, холос. Мана энди афтидан уни ҳам эплолмаганга ўхшайман. Нуқтаи назарми? Боя тентак Разумихин нима учун сиёсатчиларни сўкиб ётган эди? Ишнинг кўзини биладиган, савдогар халқ: «умум бахти» билан шуғулланиб юришади... Йўқ, ҳаёт менга бир марта берилади ва бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайди: мен «умум бахти»нинг қачон келишини кутиб ётишни истамайман. Мен ўзим ҳам яшашни истайман, бўлмаса, яшашнинг ҳам кераги йўқ. Нима бўпти? Мен оч-юпун онамнинг олдида чўнтагимда бир сўм пулимни рижимлаб «умум бахти» қачон келаркин, деб кутиб ўтиришни истамадим. «Ҳа-да, умумнинг бахти учун битта фишт қўйсак, бас, кўнгил учун», деб юраверардим. Ха-ха! Нега сиз мени ўтказиб юбордингиз, ахир? Ахир, мен бир марта яшайман-ку, мен ҳам ахир... эҳ, қумурсқаману дид-фаросатли қумурсқаман, бошқа ҳеч нарса, – қўшиб қўйди у бирдан худди эсдан айрилган одамларга ўхшаб кулиб. – Ҳа, мен ростдан ҳам қумурсқаман, – дея ўзи устидан ўзи заҳарханда кула бошлади у миясига келиб қолган бу фикрга қаттиқ ёпишиб олиб, ўзини ўзи эрмак қиларкан, – қумурсқаман, деб тан олишимнинг ўзи ҳам шундан дарак беради, бу бир; иккинчидан, бутун бир ой давомида мен бу ишдан ўз манфаатим, шахсий эҳтиёжим йўлида эмас, улуғ ва олижаноб бир мақсад йўлида фойдаланаман, деб фаришталарни гувоҳликка чақириб сўз бериб келдим, ха-ха! Учун-

чидан, бу ишни қилаётганимда, маълум даражада адолатни сақлайман ортиқчаликка йўл қўймайман, ҳаддан ошмайман, деб юрибман, ха-ха: барча қумурсқалар ичидан энг яроқсиз, ортиқча бўлиб қолганини танладим ва уни ўлдириб, ўзимга биринчи пайтлардагина керак бўладиган маблағни оламан дедим, бундан кўп ҳам, кам ҳам бўлмасин, деб ўйладим (шунда кампирнинг васияти бўйича қолган маблағ ўз йўли билан ибодатхона ҳисобига ўтган бўларди – ха-ха)... Негаки, негаки, мен бутунлай қумурсқаман, – қўшиб қўйди у тишларини фижирлатиб, – негаки, мен, балки ўлдирилган қумурсқадан ҳам ёмонроқ, аянчлироқ бўлсам керак, мен уни ўлдирганимдан кейин ўзимга ўзим албатта шундай деб айтишимни сезган эдим! Ахир бу расвогарчиликка тенг келадиган нарса бўлиши мумкинми! О, пасткашлик! О, аблаҳлик!.. О, от миниб қилич кўтарган «пайғамбар» қандай бўлишини энди билдим: Худонинг иродаси шу: таслим бўл, қалтилаган бандаи гумроҳ! Кўчанинг қоқ ўртасига зў-ў-рр бир батареяни ўрнаштириб қўйиб, ким ҳақ, ким ноҳақ, деб ўтирмай, тўп бўронига тутган ва бировга бунинг учун жавоб бериб ўтирмаган ўша «пайғамбар» нечоғлик тўғри қилган, боплаган! Таслим бўл, қалтилаган банда ва қаноат қилиб яша, чунки қаноат қилмасанг, ўзингга ёмон бўлади, бошқаси билан сенинг ишинг бўлмасин!.. О, ҳеч қачон, ҳеч қачон кампирни кечирмайман!»

У қора терга ботиб, сочлари бир-бирига ёпишиб қолган, қалтираган лаблари ёрилиб кетган, кўзи шифтга тикилганча қотган эди.

«Ойимни, синглимни қанчалар севар эдим! Нега энди уларни кўргани кўзим бўлмай қолди? Ҳа, кўргани кўзим йўқ уларни, башараларини кўрсатмасалар дейман, тоқатим тоқ бўлиб кетади уларни кўрсам... Боя мен ойимни ўпиб қўйдим, эсимда...

Ўзим ойимни қучоқлаб турибману агар қилган ишимни билганида, нима бўларди, деб ўйлайман... Агар ўшанда айтиб берганимда борми? Ҳали бунинг ҳам гали келиб қолар... Ҳм! Ойим ҳам худди менга ўхшаса керак, – деб қўйди у тобора зўрайиб бораётган алаҳлашни йўқотиш учун қандай бўлмасин фикрлашга уриниб. – О, қанчалар кўргани кўзим йўқ кампирни! Агар у тирилик келса тагин ўлдирган бўлардим. Шўрлик Лизаветта! Оёқнинг тагида ўралашиб юрганини кўринг ўша пайтда!.. Жуда ғалати-я уни ҳеч ўйламайман, худди уни ўлдирмагандайман? Лизаветта! Соня! Шўрликкина, беозоргина, кўзлари мулойимгина боқадиган қизлар... Сўлим жонлар!.. Нега улар йиғламайдилар?.. Улар ҳеч нарсани аямайдилар... Мулойим ва беозор боқадилар... Соня! Муштипар Соня!..»

У алаҳлай бошлади; ўзининг нима учун кўчага чиққанлигини эслолмайди, бу унинг ўзига ғалати бўлиб туйилади. Хуфтон чоғи эди. Борган сари қоронғилик қуюқлашиб борар, тўлин ой эса яна ҳам ярқираб кўринарди; лекин ҳаво алақандай бўғиқ, дим эди. Одамлар кўчалардан тўда-тўда бўлишиб ўтиб боришарди; ҳунармандлар ва бошқа иш билан банд кишилар уй-уйларига тарқалишмоқда эди, аллакимлар эса сайр қилиб юришарди; оҳак, ғубор, сасиган кўлмак сувларнинг ҳиди анқирди. Раскольников маъюс ва ташвишли чеҳра билан юриб борарди; у кўчага нимадир қилмоқчи бўлиб чиққанлигини жуда аниқ билар, алланиманидир пайсалга солмай қилиши кераклигини тушунар, лекин нимани эканлигини у ҳозир сира эслолмасди. Бирдан у кўчанинг нариги бетида йўлкада турган бир одам унга қараб қўлини силкиётганини кўриб, тўхтаб қолди. Раскольников унинг олдига кўчани кесиб ўта бошлади, лекин бирдан у киши худди ҳеч нарса бўлмагандай орқасига ўгирилиб

кетди, у бошини қўйи эгиб олган, орқа-олдига қарамас, гўё уни чақирмагандай эди. «Қўй-е, ростданам у чақирдимми?» – деб ўйлади Раскольников, лекин шундай бўлса ҳам бари бир унинг кетидан қолмади. Яна ўн қадамча юриб, унга етиб олай деганида, бирдан у кишини таниб қолди ва қўрқиб кетди: бу бояги кишининг худди ўзи эди, у ўша халатда, елкаларини ўшандоқ букчайтириб олганди. Раскольников олисроқдан уни қоралаб юрди; юраги қинидан чиққудай бўлиб дукиллаб урмоқда эди; тор кўчага кириб бордилар, анов киши ҳамон орқасига қарамасди. «Мен унинг кетидан бораётганлигимни билармикин?» – деб ўйларди Раскольников. У киши катта бир уйнинг дарвозасига кирди. Раскольников тез-тез юриб, дарвоза олдига келди-да, мени чақириб қолмасмикин, орқасига ўгирилиб қарамасмикин, деб қараб турди. Ростдан ҳам дарвозахона йўлагидан ўтиб бўлгач, ҳовли саҳнига кириб бора туриб, у киши яна орқасига қаради ва яна худди унга қўлини силкиб қўйгандай бўлди. Раскольников шу заҳоти дарвозахона йўлагидан ўтиб борди, лекин ҳовлида у киши аллақачон кўринмай қолганди. Демак, у биринчи зина эшигига кириб кетибди-да, Раскольников ўзини эшикка урди. Ростдан ҳам икки зина тепада алакимнинг шошилмай, бир маромда ташлаган қадам товушлари эшитилиб турарди. Қизиқ, бу зинани илгари ҳам кўргандай эди! Ана биринчи қаватдаги дераза: ойнадан ойнинг синиқ ва сирли нури тўкилиб ётибди; мана иккинчи қаватга ҳам чиқди. Оббо! Бу ўша бўёқчилар ишлашган хонадон-ку... Нега у дарров танимади! Олдинда бораётган кишининг қадам товушлари тинди: «Демак, бирон ерда тўхтаб ёки беркиниб олди». Мана учинчи қаватга ҳам чиқди. Бораверсамикин? Бунчалар жимжит у ер, одам кўрқади... Лекин у бора-

верди. У ўзининг қадам товушларидан чўчир ва хавотирланарди. Ё Раббим, бунчалар қоронғи! У киши шу ерда бирон бурчакка биқиниб олган бўлса керак. А! Хонадон эшиги ланг очилиб ётарди; у бир дам мулоҳаза қилиб тургач, ичкарига кирди. Даҳлиз қоп-қоронғи ва бўм-бўш эди, ҳеч ким йўқ, гўё бу ердан ҳамма нарса олиб чиқиб ташланганга ўхшарди; у оёғининг учида юриб, секингина ичкари меҳмонхонага ўтди: хона ичи ойнанинг ёрқин нурларига фарқ бўлганди; ҳамма нарса, курсилар, ойна, сариқ диван, ромларга солинган суратлар илгари қандай бўлса шундайлигича турарди. Каттакон думалоқ мис баркашдай ой деразадан мўра-ламоқдайди. «Ойдин кеча бўлгани учун шунчалар жимжит, – дея ўйлади Раскольников, – ой худди топишмоқ топаётганга ўхшайди». У узоқ тик туриб қолди, ойнанинг сукунати кучайган сари унинг юраги шунчалар қаттиқ урар, оғрирди. Жимжит. Шунда бирдан алланарса қирс этиб кетди сўнг яна сукунат чўмди. Уйғониб кетган пашша ўзини ойнага уриб, аянчли жизиллай бошлади. Худди шу пайт у бурчакда кичкина жавон билан ойнанинг ўртасида деворда хотинларнинг устки мурсаги осилиб турганлигини кўргандай бўлди. «Мурсак нима қилиб юрибди бу ерда? – деб ўйлади у, – илгари йўқ эди-ку...» У секингина ўша томонга юрди, назарида мурсакнинг орқасида аллаким яшириниб тургандай эди. Қўли билан мурсакни аста четга турганлигини кўрди, курсида бурчак томонда бошини қуйи эгиб, шумшайиб кампир ўтирибди, унинг боши кўринмайди, лекин бу ўша кампир эди. У кампирнинг тепасида бирпас турди: «Кўрқяпти!», деб ўйлади ва болтани астагина боғичдан бўшатиб олди ва кампирнинг энсасига бир-икки бор туширди. Қизиқ: болта зарбаларидан кампир, ҳатто қилт этгани йўқ, у худди тахтакач бўлиб қолган-

га ўхшарди. У қўрқиб кетди ва кампирни кўздан кечира бошлади, лекин кампир бошини яна ҳам қуйроқ эгиб олди. Шунда у полга бутунлай энгашди-да, кампирнинг юзига пастдан тикилди, қаради-ю, тошдек қотиб қолди: кампир кулиб ўтирарди, у кулгисини сира тўхтатолмас, лекин овозимни эшитиб қолмасин, деб сас чиқармай, кулишга уринарди. Бирдан назарида ётоқхонанинг эшиги қия очилиб, у ердан ҳам шивирлашган, секингина кулган овозлар келаётгандай бўлди. У қутуриб кетди: жон-жаҳди билан кампирнинг бошига ура бошлади, лекин болта урган сари ётоқ томондан кулган ва шипшиган товушлар кучайиб борар, кампир эса силкиниб-силкиниб, хандон ташлаб куларди. У қоча бошлади, лекин даҳлиз одамга тўлиб кетган, зинадаги эшиклар ланг очиб қўйилган, зиналарда, зина сахнида, пастда ҳам – ҳамма ерда одам минди-минди бўлиб ётарди, ҳаммалари томоша қилиб туришар, лекин ҳаммалари биқиниб ниманидир кутар, миқ этиб офиз очмас эдилар!.. Юраги ёрилиб кетгудай бўлди, оёқлари зил-замбил бўлиб қолди, ўрнидан жилай деса қимир этолмасди... У бақирмоқчи бўлди ва... уйғониб кетди.

У офир хўрсиниб, нафасини ростлади, лекин қизиқ, ҳамон худди туш кўраётгандек эди: хужранинг эшиги ланг очилиб қолган, остонада эса унга бутунлай нотаниш бўлган одам турар ва диққат билан уни кузатар эди.

Раскольников кўзларини очар-очмас бўлиб турган эди, яна қайта чирт юмиб олди. У чалқанча тушганча қимир этмасдан ётарди. «Ҳали ҳам туш кўраётгирманми ё йўқми», – деб ўйлади у ва кўзларини хиёл очиб қаради: нотаниш одам ҳамон ўша жойда туриб, унга тикиларди. Кейин бирдан у остона ҳатлаб, ичкарига ўтди, эҳтиёткорлик билан эшикни юзига ёпди, стол олдига келди, бирмунча



вақт яна кутди, – у ҳамон кўзларини ундан олмасди, – сўнг шовқин қилмасдан оҳиста диван олдида турган курсига ўтирди; шляпасини ёнига ерга қўйди, иккала қўли билан ҳассасига таянди ва энгагини қўлларига тиради. Афтидан, у узоқ муддат кутадиган эди. Пир-пир қилиб турган киприклари остидан қараб, Раскольников келган одамнинг унчалар ёш эмаслигини, тўладан келганлигини ва оч сариқ тусли қуюқ соқоли деярли оқариб кетганинигина кўролди...

Ўн дақиқалар чамаси ўтди. Кун ҳали ёруғ, аммо намозгар тушмоқдайди. Хужра сукунатга чўмганди. Ҳатто зина томондан ҳам тик этган товуш эшитилмасди. Фақат ойнага зарб билан урилаётган каттакон пашшанинг гўнғиллаб типирчиллагани эшитиларди. Ниҳоят, бу аҳвол жонига тегиб кетди: Раскольников бирдан ўрнидан туриб диванга ўтирди.

– Қани, гапиринг, нима дейсиз?

– Билувдим ўзим ухламай ётганлигингни, фақат ўзингни ухлаган қилиб кўрсатаётган эдингиз, – деб ғалати гап қилди нотаниш одам ҳеч нарса бўлмагандай кулиб. – Танишиб қўяйлик, Аркадий Иванович Свидригайлов...



## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

### I

«Наҳотки ҳалиям туш кўраётган бўлсам?» – деб ўйлади Раскольников. У кутилмаган меҳмонга ишонқирамай ҳушёрлик билан қараб турарди.

– Свидригайлов? Бекор гап! Бўлиши мумкинмас! – деди у ҳайрат ичра овозини чиқариб.

Келган меҳмон, афтидан, бунга унчалик ажабланмади.

– Икки сабаб билан сизнинг олдингизга келдим, биринчидан, сиз билан шахсан танишмоқчи эдим, нега десангиз, анча бўлди, сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни эшитганман; иккинчидан, синглингиз Авдотья Романовнага алоқадор бўлган бир масалада менга ёрдам берармикинсиз, деган ниятим ҳам йўқ эмасди. Менинг бир ўзимни маълум бир сабабларга кўра, у киши, ҳатто яқинларига ҳам йўлатмасалар керак, агар сиз ўртага тушадиган бўлсангиз, унда балки, умид қиламанки...

– Бекор умид қилибсиз, – унинг гапини бўлди Раскольников.

– Улар бу ерга кечагина келишдим, айтолмайсизми?

Раскольников жавоб бермади.

– Кеча келишган, биламан. Ахир, мен ўзим ҳам келганимга уч кун бўлди. Бу борада сизга шуни айтиб қўймоқчийдим, Родион Романович; мен ўзимни оқлаб ўтиришни ортиқча деб биламан, лекин ижозат беринг айтмай: ахир, ростдан ҳам бундай қараганда, тўғри кўз билан ёндашилса, соғлом

ақд билан фикр юритилса, мен томонимдан нима ёмонлик ўтган экан ўзи?

Раскольников индамай уни кўздан кечириб турарди.

– Ҳимоясиз бир қизни ўз уйида таъқиб қилди, дейишади, «ярамас таклифлар билан уни ҳақорат қилган» эмишман, шундайми? (Ҳовлиқиб олдиндан айтиб қўяётирман!) Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир, мен ҳам одамман ва менга ҳам *et nihil humanum...*<sup>16</sup> Бир сўз билан айтганда, менинг ҳам кўзим қорайиши мумкин, мен ҳам севиб қолишим мумкин (маълумки, албатта, бу бизнинг иродамизга боғлиқ эмас), ана унда ҳамма нарса-ни табиий суръатда тушунтириш мумкин бўлади. Бунда ҳамма гап шундаки, мен золимманми ёки золимларнинг қурбониманми? Агар қурбон бўлсам-чи? Ахир, у кишига мен билан Америка ёки Швейцарияга қочишни таклиф қилганман, балки бу билан кўнглимда жуда олижаноб ниятларни туғиб юргандирман, икки одамни бахтиёр қиламан, деб ўйлагандирман-ку!.. Ақд ахир ҳирсга хизмат қилади; эҳтимол, мен бу билан бошқани эмас, ўзимни кўпроқ ҳалокатга гирифтор қиладиган бўлгандирман!..

– Э, гап унда эмас, – гижиниб унинг гапини бўлди Раскольников, – сиз ҳақмисиз, ноҳақмисиз, бари бир, башарангизни кўришга тоқат йўқ, сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришни истамайдилар бу ерда, ўрнингиздан туриб, туёғингизни шиқиллатиб қолсангиз ҳам майли!..

Свидригайлов бирдан хахолаб кулиб юборди.

– Аммо ўзингиз ҳам дейман... аммо сизни адаштириб бўлмас экан! – деди у очикдан-очик Раскольниковнинг башарасига қараб куларкан, –

<sup>16</sup> *Et nihil humanum* – инсонга хос ҳеч нарса (лот.).

мен муғомбирлик қилмоқчи эдим, йўқ, сезиб қолдингиз, гапни нақ қаншаридан урдингиз!

– Э, сиз мана шу дақиқада ҳам муғомбирлик қилиб турибсиз.

– Нима бўлибди? Нима бўлибди? – деди қайта-қайта Свидригайлов хандон ташлаб куларкан, – ахир бу *bonne guerre*<sup>17</sup>, дейиладиган нарасаку, ва бунинг устига жуда беозор муғомбирлик!.. Лекин бари бир сиз гапимни бўлиб қўйдингиз; шундайми, шундай эмасми, яна такрор айтаманки, агар боғдаги воқеа рўй бермаганда, ҳеч қандай хунук гап-суз бўлмас эди. Марфа Петровна...

– Эшитишимча, Марфа Петровнани ҳам ўзингиз гўрга тикибсиз шекилли? – қўполлик билан унинг гапини бўлди Раскольников.

– Э, сиз буни ҳам эшитганмидингиз? Айтмоқчи, эл оғзига элак тутиб бўлармиди... Сиз айтган нарасага келсак, гарчи бу борада виждонга хилоф ҳеч қандай иш қилмаган бўлсам ҳам, лекин тўғриси айтсам, сизга нима дейишимни билмай қолдим. Яна биронта ҳалигиндақа қинғир иш бўлгандир, деб ўйлаб юрманг, менинг сира ҳам қўрқадиган жойим йўқ: ҳаммаси қонун-қоидасини ўрнига қўйиб рисоласи билан қилинди: тиббиёт текшируви натижасида миясига қон қуйилган, деб топилди, бир шишача вино ичиб, тўйиб овқатлангандан сўнг дарҳол чўмилса шундай бўлар экан, бошқа ҳеч гап йўқ... Йўқ, хаёлингга нима келди денг, мана айниқса, йўлда вагонда ўтириб келяпману ўзимча ўйлайман, мен ўзим ҳам шу... бахтсизликка сабабчи бўлмадиммикин, майли-да, балки ҳадеб ўзим билмаган ҳолда жиғига тегавергандирман ёки бошқа бир сабаб бўлгандир? Лекин ўйлаб-ўйлаб, йўқ, бундай бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикрга келдим.

<sup>17</sup> *Bonne guerre* – олижаноб уруш (франц.).

Раскольников кулиб юборди.

– Қаттиқ ташвиш чекибсиз-да!

– Бунинг нимаси кулгили экан? Ўзингиз тасаввур қилинг: мен бор-йўғи икки марта қамчи билан урдим, ҳатто изи ҳам қолмаган... Мени жуда безбет экан, деб ўйламанг; яхши иш қилмаганлигимни аниқ биламан, албатта, яхшимас ва ҳоказо, ҳоказо; лекин шуни яхши биламанки, Марфа Петровнанинг ўзи ҳам, ҳатто нима десамикин, вақт-вақти билан шундай қилиб турмасам кўнгли ўрнига тушмасди. Синглингиз билан бўлган воқеани-ку, балли барайна қилиб, алоҳал бундан ҳам зерикди. Шунинг учунми, ўшанда Марфа Петровна уч кундан бери уйдан чиқмай ўтирганди; шаҳарга борай деса дoston қиладиган гапи қолмаган, анави хатни кўрсатавериб, ҳаммининг меъдасига тегиб кетган (хатни қандай ўқиб берганлари ҳақида эшитгандирсиз). Мана шундай бир пайтда бахтига осмондан тилла тушгандай бошига икки қамчи тушиб қолса бўладими! Дарҳол каретага от қўшишни буюрган!.. Биласизми, хотинлар башараларидан жуда дарғазаб бўлганга ўхшаб кўринсалар-да, бундай пайтларда ўзларини ҳақоратланган, деб ҳис қилишни жуда ёқтирадилар, шунақа бўлади ўзи, мен буни айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Бунақа нарсалар ҳаммада бўлиб туради; одам боласи ўзини ҳақоратланган, деб ҳис қилишни жуда, жуда яхши кўради, буни сезганмисиз ҳеч? Лекин, айниқса, бу хотинларда кўпроқ учрайди. Ҳатто уларнинг шундан бошқа эрмаклари ҳам йўқ дейиш мумкин.

Раскольников олдин ўрнимдан шартта туриб кетсам, шу билан бу гапларга чек қўйилади, деб ўйлаганди. Лекин баъзи бир жиҳатдан қизиқиб қолиб ва, ҳатто, ниманидир хаёлан чамалагандай бўлиб, ўрnidан жилмади.

– Сиз жанжал қилишни яхши кўрасизми? – паршонлик билан сўради у.

– Йўқ, унчалар эмас, – дея хотиржам жавоб берди Свидригайлов. – Марфа Петровна билан эса ҳеч қачон деярли жанжаллашган эмасмиз. Биз жуда ҳам тотув яшардик, десам ҳам бўлади, шунинг учун унинг мендан норози бўлган пайтини билмайман. Мен турмуш қурганимизга етти йил бўлган бўлса, шунинг мобайнида фақат икки маротаба қамчи ишлатганман (жуда ғалати бир вазиятда рўй берган, учинчисини бу ҳисобга қўшмасак ҳам бўлади): биринчи марта никоҳимиздан кейин икки ой ўтгач, қишлоққа келган кунимиз бўлган, ундан кейин мана шу, охиргиси. Сиз бўлсангиз, мени бу қанақа ваҳший, бетамиз, қамчисидан қон томган киши экан, деб ўйлаган бўлсангиз керак, а? Ҳе-хе... Ҳа, айтгандай: эсингизда йўқми, Родион Романович, бундан бир неча йил бурун, ҳали ҳамма нарсаларни очиқ ёзаверадиган замонларда, бизда бир зодагонни эл ўртасида ва, ҳатто газеталарда тоза шармандаи шармисор қилган эдилар, отинг қурғурни эслолмай турибман, у вагонда бир немис хотинни савалаган экан, эсладингизми? Ўша пайтларда эди «Асримиз»нинг энг хунук воқеаси содир бўлгани (анов «Миср тунлари» бор эди-ку, очиқдан-очиқ ўқилгани эсингиздир, ахир? Қора кўзлар-чи? О, қайда қолди ёшлигимнинг олтин кунлари!). Хўш, нима деётган эдик, ҳа, менинг фикрим шундай: немис хотинни савалаган жанобга мутлақо хайрихоҳ эмасман, нега десангиз, мундоқ олиб қараганда бунини... Нимасига ачинасиз! Лекин айтиб қўйишим керакки, кишини баъзан шарманда қилиш учун атай мана шундай ғаламис, ифвогар «немис хотинлар»дан фойдаланилади, менимча, бундай немис хотинлардан ўзини амин деб билган биронта илғор фикрли кимса бўлмаса керак. Ўша

пайтда бу фикр ҳеч кимнинг калласига келгани йўқ, ваҳоланки, энг ақлга тўғри келадиган нуқтаи назарнинг ҳам шу эди, рост айтаман!

Шу сўзларни айтиб бўлгач, Свидригайлов бирдан яна кулиб юборди. Раскольниковга у нимагадир қаттиқ аҳд қилган ақл-ҳуши жойида одамлиги равшан бўлиб қолди.

– Сиз бир неча кунлардан бери ҳеч ким билан гаплашмаганга ўхшайсиз-а? – сўради у.

– Шундайроқ. Нима, бу қандай ройкелди одам экан, деб ҳайрон бўлаётирсизми?

– Йўқ, мен сизнинг ҳаддан зиёд ройкелди эканлигингизга ҳайрон бўлаётирман.

– Сизнинг кўпол саволларингизга индамаганим учун шундай деяпсизми? Тўғрими, а? Ҳа... бунинг нимасидан хафа бўламан? Қандай сўраган бўлсангиз, шундай жавоб бердим, – деди у ғоятда соддадиллик билан. – Ахир, мен кўп нарсаларга унчалар қизиқавермайман, Худо ҳақи, – давом этди у аллақандай ўйчанлик билан. – Ҳозирда кўзга кўринарли бирон иш билан ҳам шуғулланаётганим йўқ. Айтмоқчи, сиз мени ялтоқилик қилаяпти, деб ўйлашингиз ҳам мумкин, нега десангиз, боя айтганимдай, синглингизда ишим бор. Бироқ сизга очиқ айтаман: жуда зеркиб кетдим! Айниқса, кейинги уч кун ичида, шунинг учун сиз билан кўришганимдан жуда хурсанд бўлдим... Жаҳлингиз чиқмасин, Родион Романович, лекин сизнинг ўзингиз ҳам менга жуда ғалати киши бўлиб туйиласиз. Нима деманг, сизда алланима бор: яна айни мана ҳозир, яъни худди мана ушбу дақиқада эмас, албатта, умуман айтаётирман, ҳозир деб... Бўлди, бўлди, айтмайман, қовофингизни солманг! Мен ахир сиз ўйлаганчалик бетамиз одам эмасман.

Раскольников унга жуда нохуш тикилди.

– Менимча, сиз, ҳатто у қадар ҳам бетамиз одам эмасдирсиз, – деди у. – Менимча, сиз жамият кўрган одамсиз ва вақти келганда инсоф билан иш қилсангиз керак.

– Э, мен бировларнинг фикрига унчалар эътибор бериб юрмайман, – деди қуруққина қилиб Свидригайлов, ҳатто унинг гап оҳангида андак калондимоғлик ҳам эшитилгандай бўлди, – шунинг учун ўзимни беор қилиб кўрсатсам нима бўлибди, ҳозирги минтақамизда беорлик одамга жуда ярашади, айниқса, яна бунинг устига тўқимтабиат бўлинса борми, – деб қўшимча қилди у яна куларкан.

– Бироқ эшитишимга қараганда, бу ерда сизнинг танишларингиз кўп экан. Сиз қўлини қаерга чўзса етадиган одамлардансиз. Шундай экан, бир мақсадингиз бўлмаса менинг олдимга келмаган бўлардингиз, тўғрими?

– Менинг танишларим кўп, тўғри гапирдингиз, – дея илиб кетди Свидригайлов гапни бошқа ёққа чалғитиб, – уларни учратдим ҳам; ахир, уч кундан бери санқийман; уларни мен ҳам танияпман, афтидан, мени ҳам танишмоқда. Албатта, нимасини айтасиз, усти-бошим башанг, бадавлат одам деб ҳисобланаман; деҳқонлар ҳаётидаги ўзгаришлар биз томонлардан қиялаб ўтиб кетган: ўрмонлар, суғориладиган яйловлар, ўтлоқлар, даромад оқиб келиб турибди, лекин... мен у ерга қайтиб бормайман; аввал ҳам жонимга тегиб кетганди, аммо келганимга уч кун бўлди-ю ҳали бу ерда ҳеч ким билан учрашганим йўқ... Бунинг устига шаҳар денг! Бизда шаҳар ҳақида қандай тасаввурлар туғилганини айтмайсизми! Турли-туман идора хизматчилари ва алақандай талабаларнинг шаҳри! Илгари саккиз йил аввал бу ерда сандироқлаб юрган кезларимда кўп нарсаларни фаҳмламас эканман, рост... Энди фақат ташқи кўринишга қараб баҳо-

лайман, шундан бошқа ишончим қолмади ҳисоб,  
Худо ҳақи!

– Ташқи кўринишингиз нимаси?

– Мен сизларнинг анави клубларингиз, Дюс-  
сотлар, пуантларни айтаётирман-да, бунинг усти-  
га тараққиёт ҳам бўлса, – буниси майли, биздан  
кейинроқ бўлсин, – давом этди у берилган саволни  
бир чеккада қолдириб кетиб. – Фирром бўлишни  
ким истайди дейсиз?

– Сиз фирромлик ҳам қилганмисиз?

– Фирромлик қилмасдан бўларканми? Жуда ан-  
тиқа улфат бўлиб олган эдик тузук одамлар билан  
саккиз йил бурун; умргузаронлик қилардик; ҳам-  
маси ҳам антиқа, топилмас одамлар эди, шоирлар  
бор эди, капиталистлар. Умуман олганда, бизнинг  
рус жамиятимизда антиқа табиатли одамлар бу –  
синган, иши касодга учраган одамлар – буни пай-  
қаганмисиз? Мен ҳозир қишлоқда яшаб бунақа бў-  
либ қолганман. Очиғини айтсам, ўшанда мен не-  
жинлик бир грекдан қарздор бўлиб қолдим мени  
қамаб қўяй дедилар. Ўша пайтда Марфа Петров-  
нага деч келдим. Куйди-пишди қилиб юриб, мени  
ўттиз минг кумуш тангага сотиб олди (ўзим ҳам-  
маси бўлиб, етмиш минг қарз бўлган эдим). У би-  
лан қонуний никоҳдан ўтдигу ўша заҳоти у мени  
ҳазина топиб олгандай қишлоғига олиб кетди. У  
мендан беш ёш катта эди. Мени жуда яхши кўрар-  
ди. Етти йил қишлоқдан чиққанам йўқ. Яна буни  
кўрингки, менинг ҳисобимдан ўттиз минг тўлаган-  
лигини тилхат қилдириб қўйган эди, бу ҳужжат  
бўйнимга осилган тош эди, бирон нарсадан норози  
бўлсам ёки қаршилик қила кўрсам, ўша заҳоти  
шилқ этиб, қопқонга тушардим! Қопқонга тушир-  
май қўймасди! Хотинларда бунақа ишлар ҳамма-  
си аралаш-қуралаш қилинаверади, қўлларидан  
ҳамма нарса келади.



– Нима, ҳужжат бўлмаганда қочиб қолармидингиз?

– Сизга нима дейишимни ҳам билмайман. Ҳужжати билан унчалар ишим йўқ эди. Бирон ерга боришни ўзим истамасдим, менинг зерикиб юрганнимни кўриб, Марфа Петровнанинг ўзи икки марта чет элга саёҳат қилиб келишни таклиф қилди! Нимасини айтасиз! Чет элга ўзим ҳам олдинлари чиққанман ва доим у ерлардан кўнглим озиб қайтиб келардим. Жуда унчалар бўлмаса ҳам, лекин тонг отаётган чоғлар, Неаполитания кўрфази, денгизга қараб туриб, дилинг хира тортади, маъюс бўлиб қоласан. Ҳаммадан алам қиладиган томони шуки, киши чиндан ҳам бир нарсани соғина бошлайди! Йўқ, ўз юртингга нима етсин: ўз юртингда бўлсанг, жуда бўлмаса ҳамма айбни бошқаларга тўнкайсан ва ўзингни оқлайсан. Менга қолса ҳозир Шимолий кутбга экспедицияга қўшилиб кетган бўлардим, негаки мен j'ai le vin mauvais<sup>18</sup> ичганимда эса, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетаман, ваҳоланки, ичкиликдан бошқа ҳеч кўнгила очадиган нарса қолмаётир. Синаб кўрдим. Бозор куни Юсупов боғида Берг каттакон шарда учармиш, деб айтишяпти, тўғримикин, муздини тўлайдиганлар бўлса бирга олиб чиқиши ҳам мумкин экан, ростми?

– Нима, сиз учган бўлар эдингизми?

– Менми? Йўқ... Йўқ, ўзим шундай... – тутилиб ғўлдиради Свидригайлов ростдан ҳам ўйланиб қолган одамдай.

«Унга нима бало бўлган ўзи, ростга ўхшайди-ку?» – ўйлади Раскольников.

– Йўқ, ҳужжатни, ҳатто парвойимга ҳам келтирмасдим, – деб давом этди Свидригайлов ўйчанлик билан, – мен ўзим қишлоқдан чиққим келмасди.

<sup>18</sup> J'ai le vin mauvais – ичсам бадмаст бўламан (франц.).

Бундан ташқари бир йилча бўлиб қолди, туғилган куним Марфа Петровна бу ҳужжатни қайтариб берди, яна устига анчагина пул ҳам ҳадя қилди. Унинг сармойеси катта эди. «Кўряпсизми, мен сизга қанчалар ишонаман, Аркадий Иванович», деди у ўшанда башарамга қараб туриб. Унинг худди шундай деб айтганига сиз ишонмайсизми? Биласизми, мен қишлоқда дурустгина хўжалик юрита бошлагандим; мени чор атрофда ҳамма танийдиган бўлиб қолганди. Китоблар ҳам олиб турардим. Марфа Петровна олдин бу ишларимдан хурсанд бўлди, кейин китоблар ақлини суюлтириб юборди, деб кўрқиб юрди.

– Сиз Марфа Петровнани жуда соғинаётганга ўхшайсиз, а?

– Менми? Эҳтимол. Балки шундайдир. Ҳа, айтгандай, сиз арвоҳларга ишонасизми?

– Қандай арвоҳларга?

– Оддий арвоҳларгада, қандай бўларди.

– Ўзингиз ишонасизми?

– Ҳа, йўқ, *pour vous plair...*<sup>19</sup> Яъни мутлақо йўқ демоқчи эмасман.

– Кўзингизга кўринаётирми?

Свидригайлов унга алақандай ғалати қилиб қаради.

– Марфа Петровнанинг арвоҳи келаётир, – деди у лабларини қийшайтириб ғалати илжаяркан.

– Келаётир, деганингиз нимаси?

– Бугунгача уч маротаба келди. Биринчи маротаба кўмиб келган кунимиз мазордан қайтганимиздан сўнг бир соатлардан кейин кўрганман. Бу ёққа отланмасимдан илгари бўлганди. Иккинчи маротаба йўлда азонда Малая Вишера станциясида кўринди. Учинчи маротаба ўзим ҳозир турган

<sup>19</sup> *Pour vous plair* – таъбир жоиз бўлса (франц.).

ерда бундан икки соат бурун рўй берди; хонада ёлғиз ўзим эдим.

– Уйғоқ эдингизми?

– Бутунлай. Уч сафар ҳам уйғоқ эдим. Келиб бир дақиқа гаплашиб туради-да, кейин эшикдан чиқиб кетади; доим эшикдан кетади. Ҳатто юриб кетаётгани ҳам қулоғимга эшитилади.

Мен ўзим ҳам бошингиздан худди шундай бир нарсани кечирган бўлсангиз керак, деб ўйлагандим! – деди кутилмаганда Раскольников ва шу заҳоти бу сўзлар қандай қилиб оғзидан чиқиб кетганига тонг қолди. У қаттиқ ҳаяжонга тушган эди.

– Ростдан-а? Шундай деб ўйловдим, дейсизми? – ажабланиб сўради Свидригайлов, – наҳотки? Ана холос, боя ахир айтмадимми сизга орамизда яқинлик бор деб, тўғрими?

– Сиз ҳеч ундай деб айтганингиз йўқ! – шарт кесди унинг гапини Раскольников.

– Айтмадимми?

– Йўқ!

– Мен назаримда айтгандай бўлувдим. Боя кириб келсам, кўзларингизни юмиб ётган экансиз, ўзингизни ухлаган кишига солиб, шунда ўзимга ўзим: «Ана сен истаган ўша одам!» деб айтдим.

– Ўша одам деганингиз нимаси? Сиз нима дейпсиз ўзи? – қичқирди Раскольников.

– Нима дердим? Нима деётганимни ўзим ҳам билмайман... – деди самимият билан гапи чалкашиб кетган Свидригайлов.

Бир дам орага жимлик чўкди. Ҳар икковлари бир-бирларига бақрайганча тикилишиб қолдилар.

– Ҳаммаси бўлмаган гап! – жони чиқиб бақирди Раскольников. – У олдингизга келганда нима дейди?

– Шарпани айтяпсизми? Бунга қаранг, нуқул одамнинг хаёлига келмаган майда гапларни сўйлайди, одамзод ҳам қизиқ экан! Менинг жаҳлимни

чиқараётган нарса ўзи шу. Биринчи марта келганда, эшикдан (биласизми, мен жуда чарчагандим: кўмиш маросими денг, кейин фавқулодда ибодат, одамларга дастурхон тузаш, ниҳоят, кейин хонада бир ўзим ёлғиз қолдим, тамаки тутатдим, ўй ўйлаб кетибман) кириб келса бўладими: «Сиз, дейди, Аркадий Иванович, бугун ташвишингиз кўпайиб, емакхонадаги соатни бураб қўйишни унутибсиз». Бу соатни ростдан ҳам етти йил давомида доимо мен ўзим ҳар ҳафта бураб қўярдим, агар ёдимдан кўтарилса, эсимга солган пайтлари ҳам кўп бўларди. Эртасига бу ёққа қараб йўлга чиқдим. Азон пайти эди, станцияда қаҳва ичгани кирдим, кечаси билан мудраб чиққан эдим, жуда толиққандим, кўзимни уйқу тортиб кетарди; бундоқ қарасам, бирдан Марфа Петровна ёнимга келиб ўтиряпти, қўлида қартаси бор: «Аркадий Иванович йўлга чиқсангиз, фол очиб қўяйми?» дейди. У фол очишга жуда уста эди. Қаранг, ҳеч кечирмайман, фол очирмаганимни! Қўрқиб қочиб кетибман, шу пайт қўнғироқ ҳам чалиниб қолди. Ошхонанинг жуда ҳам бемаза овқатини егач, лоҳас бўлиб чекиб ўтирсам, бирдан яна этаги узундан-узун кўк шоҳи кўйлак кийиб олган, ясан-тусан қилган Марфа Петровна кириб келаётир: «Салом, Аркадий Иванович! Янги кўйлагим сизга ёқадими? Аниська бунақа қилиб тиколмайди». (Аниська – қишлоғимиздаги бизнинг тикувчимиз, илгариги крепостнойлардан. Москвада ўқиб келган кўҳликкина қиз.) Туриб, атрофимда айланади денг. Мен кўйлакни диққат билан кўздан кечирдим, кейин унинг юзига тикилиб қарадим: «Шунақа арзимаган нарсалар билан менинг бошимни оғритиб нима қилардингиз, Марфа Петровна?» дейман. «Вой, Худойим-ей, сизга бир гапни айтиб бўлмайди-я?» Мен унинг жаҳдини чиқариш учун: «Мен Марфа Петровна, уйланмоқ-

чиман», дедим. «Бу сизнинг қўлингиздан келади, Аркадий Иванович; ҳали хотинингизнинг мозори совимай туриб, дарров уйлангани йўлга отланиб-сиз. Жилла қурса, тузукроқ одамни танласангиз ҳам майлиди, бўлмаса, мен сизни биламан-ку, на ўзингизга бўласиз, на бировни бўлдирасиз, фақат одамларга кулги бўлганингиз қолади». Шундай деди-ю чиқиб кетди, қўйлақлари худди шилдирагандай бўлади назаримда. Ҳаммаси бўлмаган гап, а, тўғрими?

– Сиз, балки буларни ёлғондан айтаётгандир-сиз? – деди Раскольников.

– Мен камдан-кам ёлғон гапираман, – деди ўйчанлик билан Свидригайлов, берилган саволнинг қўполлигига эътибор бермагандай.

– Олдинлари кўзингизга бунга ўхшаган нарсалар кўринмасмиди?

– Й... йўқ, фақат умримда бир марта бундан олти йил бурун бир кўринган кўзимга. Филька деган бир хизматкорим бўларди; уни эндигина кўмиб келган эдик, мен билмай қолиб: «Филька, трубка келтир!» – деб қичқирибман, шу денг, индамай-нетмай эшикдан кириб келса бўладими, тўғри трубкаларим турадиган жойга қараб юради денг. Анграйиб қолибман, «Мендан қасдини оляпти», деб ўйлайман, чунки ўлмасидан сал аввал уни қаттиқ уришган эдим. «Менинг олдимга қандай қилиб тирсаги йиртиқ қўйлақда киришга журъат этдинг, қани, лаънати, бир туёфингни шиқиллатиб қол бу ердан!» – дедим. У орқасига ўтирилиб чиқиб кетди ва кейин бошқа кўринмади. Ўшанда мен буни Марфа Петровнага айтмагандим. Фильканинг руҳига бир дуойи фотиҳа ўқитиб юборайми, дедиму яна виждоним чидамади.

– Ўзингизни шифокорга кўрсатинг.

– Сиз айтмасангиз ҳам бетоблигимни тушунаман, лекин касалим нима, ўзим ҳам билмайман; менимча, сизга қараганда, мен беш баравар соғломроқман. Мен сиздан арвоҳлар келишига ишонасизми ёки ишонмасизми, деб сўраганим йўқ. Мен сиздан: арвоҳлар борлигига ишонасизми, деб сўрадим.

– Йўқ, сира ҳам ишонмайман! – аллақандай ғазаби қайнаб қичқирди Раскольников.

– Одамлар бўлса нима дейишади денг? – дея фўлдиради Свидригайлов худди ўзига ўзи гапиргандай бошини қийшайтириб, кўзини четга олиб қочаркан. – Улар: «Сен касалсан, шунинг учун ҳам назарингда шундай бўлганга ўхшаб туйилади, аслида эса бу алаҳсирашдан бошқа нарса эмас», дейишади. Ваҳоланки, бунда сира ҳам мантиқ йўқ. Арвоҳлар фақат бетоб одамларнинг кўзига кўринадиди, деган гапга қўшиламан, лекин бу деганимиз арвоҳлар касал кишиларнинг кўзларига кўринса, демак, уларни бутунлай йўқ, деб айтиб бўлмайди.

– Арвоҳлар йўқ нарса! – бўғилиб ўзиникини тасдиқларди Раскольников.

– Йўқми? Сиз шундай деб ўйлайсизми? – давом эттирди гапини Свидригайлов унга секин тикилиб қараркан. – Бўлмаса, келинг, мана бундай деб кўрайлик (ўзингиз менга ёрдамлашиб юборинг); «Арвоҳлар, агар шундай дейиш жоиз бўлса, бошқа бир оламларнинг узук-юлуқ парчаларидир, ўша оламларнинг ибтидосидир. Улар соғлом одамларнинг кўзига кўринмайдилар, чунки соғлом одам – тирик жон, шунинг учун бу ўткинчи дунёда нимаики лозим бўлса, шуни қилиб яшайди, бу дунёнинг тартиботи ва устуворлигини белгилайди. Одам андак тоби қочдимми, организмнинг устувор тартиби пичагина бузилдимми, тамом, шу заҳоти бошқа оламларни кўриш имконияти туғилади ва киши

қанчалар қаттиқ касал бўлса бошқа олам билан тўқнашув имконияти ҳам шунча кучаяди, шундай бўлгач, одам бу дунёдан бутунлай кўз юмганда, у буткул бошқа оламга кўчиб ўтади». Мен бу ҳақда анчадан бери ўйлайман. Агар сиз келажак ҳаётга ишонсангиз, унда бу мулоҳазага ҳам ишонишингиз мумкин.

– Мен келажак ҳаётга ишонмайман, – деди Родион.

Свидригайлов ўйга толди.

– У ерда ёлғиз ўргимчаклару ёки шунга ўхшаш бир нарсалар бўлса-чи, унда нима бўлади, – деди у тусиндан.

«Телба бўлиб қолибди», – деб ўйлади Раскольников.

– Бизнинг назаримизда, абадият сира ҳам поёни йўқ, англаб етиб бўлмайдиган бир ғоя каби туйилади! Нега энди албатта унинг поёни бўлмаслиги керак? Бирдан, тасаввур қилиб кўринг ўзингиз, бунинг ўрнига қишлоқнинг чирк босиб кетган мўрчасига ўхшаш биттагина каталак турса денг, у ерда, ичи тўла яна ўргимчак бўлса, ана сизга абадиятнинг ўзгинаси. Биласизми, баъзан менинг кўзимга шундай нарсалар кўринади.

– Наҳотки, наҳотки, сизнинг кўзларингизга бундан кўра тузукроқ, бундан кўра жозибалироқ бирон нарса кўринмаса-я! – ғижиниб, дарғазаб бўлиб чинқирди Раскольников.

– Тузукроқ дейсизми? Сиз қаердан биласиз, балки энг тузути ўзи шудир, биласизми, мен албатта атайлаб худди мана шундай қилган бўлардим! – деб жавоб берди Свидригайлов нима учундир жилмаяркан.

Бу хунук жавобдан Раскольниковнинг аъзойи бадани музлаб кетгандай бўлди. Свидригайлов бо-

шини кўтариб унга синчиклаб қаради ва бирдан хахолаб кулиб юборди.

– Йўқ, мана ўзингиз ўйлаб кўринг, – деб қичқирди у, – биз ярим соат илгари бир-биримизни, ҳатто танимас эдик, орамиздан ола мушук ўтган ҳисобланарди, ҳали ўртамизда ҳал қилинмаган масала ётибди; биз бўлсак, қиладиган ишимизни ташлаб, гаплашиб ўтирган нарсаларимизни қаранг! Боя сизга айтмабмидим, бизнинг тупроғимиз бир ердан олинган деб?

– Менга қаранг, – деди ҳамон вижинган ҳолда Раскольников, – нега менинг ҳузуримга ташриф буюрганлигингизни тезроқ баён қилиб беришингизни илтимос қиламан, бўлмаса... бўлмаса... Мен шошиб турибман, вақтим йўқ, мен ташқарига чиқадиغان ишим бор...

– Бажону дил, бажону дил. Синглингиз Авдотья Романовна жаноб Лужинга турмушга чиқаётганмиш деб эшитдим, анави Петр Петровичга?

– Менинг синглим ҳақида бўладиган ҳар қанақа гапни йиғиштириб қўйсак, девдим, унинг номини тилингизга олманг. Агар сиз ростдан ҳам Свидригайлов бўлсангиз, қандай қилиб, яна менинг олдимда унинг номини тилингизга олиб турганингизга ҳайронман?

– Мен ахир уни деб келдим, қандай қилиб, унинг номини тилга олмаслигим мумкин?

– Бўпти; унда тезроқ гапиринг!

– Мен шунга аминманки, агар сиз менга хотин томонидан қариндош бўлган ўша жаноб Лужинни ярим соат кўриб гаплашган бўлсангиз ёки у ҳақда бирон гап-сўз эшитган бўлсангиз, албатта қандай одамлигини билиб олгансиз. У Авдотья Романовнанинг тенги эмас. Менимча, Авдотья Романовнанинг бу ишга қадам қўйганларининг боиси у кишим ўзларини... Оиланинг бахт-саодати йўли-



да олижаноблик билан, лекин орқа-кетини ўйламай, қурбон қилмоқдалар. Назаримда, агар сиз ҳақингизда эшитган гапларим рост бўлса, унда томонларнинг манфаатларига зиён-заҳмат етмаган ҳолда бу никоҳнинг бузилишини истайдиганга ўхшаб кўринасиз. Мана энди ўзингиз билан шахсан танишиб гаплашганимдан сўнг мен, ҳатто шундай бўлишига ишониб ҳам қолдим.

– Агар сиз шундай деб ўйлаган бўлсангиз жуда калта ўйлабсиз; мени маъзур тутинг, мен, ҳатто буни бетамизлик деб атаган бўлардим, – деди Раскольников.

– Сиз бу одам ўзининг манфаатини ўйлаяпти, деб айтмоқчисиз шекилли. Унчалар безовта бўлманг, Родион Романович, агар мен ўз манфаатимни кўзлаганимда эди, бунчалар очиқ-ойдин ҳаракат қилмаган бўлардим, ахир, мен ҳам аҳмоқ эмасман-ку. Хонаси келиб қолди, сизга ғалати бир руҳий ҳолатни айтиб берай. Боя мен ўзимнинг Авдотья Романовнага бўлган муҳаббатимни оқлаб маҳкумликка гирифтор бўлиб қолган одамман, дегандим. Мана энди, яхши билиб қўйингки, менинг юрагимда ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса, бунга, ҳатто ўзим ҳам ҳайрон бўлиб турибман, чунки қалбимда бир нарса бордай бўлиб туйилганди менга...

– Бекорчилик ва бузуқчиликдан бу, – унинг гапини бўлди Раскольников.

– Рост айтасиз, мен бекорчи ва бузуқ одамман. Ҳа, айтгандай, синглингизнинг фазилатлари шунчалар кўпки, мен ҳам бир кўнглининг кўчасига кирган бўлсам ажабмас. Лекин буларнинг бари бўлмағур гаплар эканлигини энди ўзим ҳам сезиб турибман.

– Анча бўлдимиз сезганингизга?

– Илгарилари ҳам кўнглимга шундай шубҳалар келиб турарди, лекин бундан уч кун бурун Пе-

тербургга кириб келмасимдан сал илгари бунга мутлақо ишонч ҳосил қилдим. Буни қаранг, ҳали Москвада эканимда Авдотья Романовнанинг розилигини олиш учун, жаноб Лужин билан рақобат қилиш учун бораётирман, деган хом хаёл калламда бор эди.

– Гапингизни бўлганим учун узр, лекин илтимос: қисқароқ қилсангиз ва мақсадингизни очиқ айтсангиз, девдим. Мен шошиб турибман, кўчага чиқадиган ишим бор...

– Жоним билан. Бу ерга келиб, баъзи бир ишларимни битиришга киришганимдан сўнг мен у-бу масалаларни ҳал қилиб қўйдим. Болаларим холасиникида қолишди; уларнинг давлати етарли; шахсан менинг уларга сира керагим йўқ. Мендан қандай ҳам ота чиқарди дейсиз! Ўзимга бир йил олдин Марфа Петровна тортиқ қилган маблағнигина олиб қолдим. Узр, ҳозир мақсадимни айтаман. Сафар олдидан, эҳтимол, у амалга ҳам ошиб қолар, мен жаноб Лужин билан ҳам орани очиқ қилиб олмақчиман. Буни у кишини жуда ёмон кўрганимдан қилаётганим йўқ, лекин Марфа Петровна билан ўша жанжал-тўполонимиз у туфайли бўлган, мен Марфа Петровнанинг бу тўйга бош қўшганлигини билиб қолувдим ўша пайтда. Мен энди сизнинг ёрдамнингиз воситасида Авдотья Романовна билан кўришмоқчиман ва сизнинг ҳузурингизда жаноб Лужиндан ҳеч қандай яхшилик чиқмаслигини, аксинча, кўп нарсаларни ютқизишлари мумкинлигини айтиб ўтмоқчиман. Кейин ўзим истаб-истамай озор етказган бўлсам у кишидан кечирим сўрамоқчиман ва шахсан ўзларига ўн минг сўм тортиқ қилмоқчи эдим, шунга ижозат сўраб изн тиламоқчи эдим, шундай қилинганда, жаноб Лужиннинг кавушини тўғрилаб қўйиш осонроқ бўлар, деб ўйлайман. Авдотья Романовнанинг ўз-

лари ҳам агар имкон бўлса бунга қарши бўлмасалар керак.

– Бу дейман, сиз чинданам фирт жинни экансиз-ку! – деб қичқирди Раскольников газабланишини ҳам, ҳайрон бўлишини ҳам билмай. – Бундай дегани қандай тилингиз борди!

– Мен шундай бўлишини билувдим, бақриб берарсиз, девдим, лекин мен ҳаддан зиёд давлатманд бўлмасам ҳам, бироқ бу ўн минг сўмнинг менга сира, сира кераги йўқ, ортиқча пул. Агар Авдотья Романовна уни қабул қилмасалар, бари бир бекорга шамолга совургандай созуриб юбораман. Бу бир. Иккинчидан: юрагимда зигирча бўлсин, кир йўқ, мен буни чин дилдан холисанлило қилаётирман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, лекин кейинроқ бунга сиз ҳам, Авдотья Романовна ҳам ишонч ҳосил қиларсизлар. Ҳамма бало шундаки, мен рост билан ҳам сизнинг муҳтарама синглингизни кўп ташвиш ва надоматга қўйдим; мен ҳозир ўзим қилган ишдан жуда қаттиқ хижолатдаман, мен қилган гуноҳимдан пул тўлаб қутулиб кетмоқчи эмасман, фақат у кишига холис яхшилик қилмоқчиман, холос, ахир нуқул ёмонлик қилгани келмагандирман бу дунёга. Агарда мен зигирча бўлсин ўз манфаатимни ўйлаган бўлганимда, ҳозир бор-йўғи ўн минг сўм ҳады таклиф қилиб ўтирмаган бўлардим. Ваҳоланки, мен беш ҳафта илгари у кишига кўпроқ таклиф қилганман. Ундан ташқари, тез орада бир қизга уйланмоқчиман, шунинг учун ҳам Авдотья Романовнага нисбатан кўнглида ғарази бор экан, деган шубҳалар таг-туги билан барҳам емоғи керак. Охирги гапим шуки, Авдотья Романовна жаноб Лужинга турмушга чиққан чоғларида ҳам шунча пул оладилар, фақат бошқа ёқдан... Э, жаҳлингиз чиқмасин, Родион Романович, ўзингиз яхшилаб ўйлаб кўринг ахир.

Буларнинг барини гапираркан, Свидригайловнинг ўзи ғоятда хотиржам ва босиқ кўринарди.

– Гапни жуда чўзиб юбордингиз, – деди Раскольников. – Ҳар ҳолда, сиз жуда ҳам ҳаддан ошиб кетдингиз.

– Унчалар эмас. Агар сиз айтгандай бўлса, киши бу дунёга фақат ёмонлик қилиш учун келади деган хулоса чиқади, арзимаган бекорчи расм-русумларни деб у зиғирча бўлсин, яхшилик қилмоқликка ҳақсиз бўлиб қолади. Бу куракда турмайдиган гап. Ўзингиз ўйлаб қаранг, агар мен қазо қилган бўлсаму шу миқдордаги маблағни синглингизга қонуний васият қилиб қолдирган бўлсам, наҳотки ўшанда ҳам у киши буни қабул қилишдан бош тортган бўлар эди?

– Бош тортса тортаверарди.

– Э, қўйинг-е, бўлмаган гап. Дарвоқе, қабул қилмаса қилмас, шунга ҳам ота гўри қозихонами. Ваҳоланки, бундай олиб қараганда, ўн минг ёмон пул эмас нафсиламрга. Нима бўлганда ҳам мен айтган нарсани Авдотья Романовнага етказишингизни сўрардим.

– Йўқ, айтмайман.

– Унда Родион Романович, мен шахсан ўзим у киши билан учрашишга мажбур бўлиб қоламан ва демак, яна бир карра ташвишга кўяман.

– Мабодо мен унга айтадиган бўлсам, шахсан ўзи билан учрашишга уринмайсизми?

– Ростини айтсам, сизга нима дейишимни ҳам билмайман. Умуман, бир мартаба бўлса ҳам албатта кўрсам девдим.

– Хомтама бўлманг.

– Афсус. Айтгандай, сиз ҳали мени яхши билмайсиз. Балки яқиндан танишиб кетармиз.

– Нима, сиз яқин бўлиб кетамиз, деб ўйлайсизми?

– Яқин бўлиб кетсак нима қилибди? – жилмайиб деди Свидригайлов ва ўрнидан туриб қўлига шляпасини олди, – мен сизни жуда ҳам ташвишга қўяман, сиз билан яқиндан танишиб оламан, деб сира ишонмовдим, гарчи сизни эрталаб учратганимда, аҳволингизни кўриб ҳайратга тушган бўлсам ҳам, бироқ...

– Мени эрталаб қаерда кўрган эдингиз? – безовталаниб сўради Раскольников.

– Тасодифан... Нимагадир менга сиз билан ўртамизда қандайдир умумийлик борга ўхшаб туйилаверади... Э, қўйинг, жуда ўзингизга оғир олаверманг, мен унчалар сурбет эмасман; мен турли муттаҳам, қаллоблар билан ҳам тил топишганман, ҳатто узоқ қариндошим бўлмиш князь Свирбейга ҳам хомтама бўлмаганман, Прилукова жаноби олияларининг альбомларига Рафаэль чизган Мадонна ҳақида ўз фикримни ёзиб қўйишга муяссар бўлганман, Марфа Петровна билан ҳам етти йил бир ердан жилмай яшай олганман, қайси бир пайтлар Сеннаядаги Вяземскийнинг уйида тунаб қолганман ва насиб қилса, ҳали Берг билан бирга ҳаво шарида ҳам учарман.

– Майли, бўпти. Айтинг-чи, сиз қачон саёҳатга отланмоқчисиз?

– Қандай саёҳатга?

– Ҳали айтдингиз-ку, «сафар» деб... Шундай дедингиз шекилли.

– Сафар дейсизми? Э, ҳа!.. Ростдан ҳам сизга сафар ҳақида гапиргандим... Нимасини айтасиз, бу жуда катта масала... Э, нима ҳақида сўраётганингизни ўзингиз билсайдингиз! – деб қўшиб қўйди у ва қаттиқ, қисқа кулди. Мен балким, сафар ўрнига уйланарман; мени бир қизга унаштиришяпти.

– Шу ердами?

– Ҳа.

– Қачон улгура қолдингиз?

– Лекин, Авдотья Романовна билан бир марта учрашишни жуда ҳам истайман. Жиддий сўраяпман. Майли, яхши қолинг... Ҳа, айтгандай! Сал бўлмаса унутай дебман! Родион Романович, синглингизга айтиб қўйингки, Марфа Петровнанинг васиятномасида у кишининг номига уч минг ёзилган. Бу мутлақо ҳақ гап. Марфа Петровна вафот қилмасидан бир ҳафта олдин ёздирган, тепасида ўзим бор эдим. Икки-уч ҳафтадан кейин Авдотья Романовна пуллари олишлари мумкин.

– Рост айтяпсизми?

– Рост. Айтиб қўйинг. Каминалари кетдим. Мен турган уй сизникига анча яқин.

Свидригайлов чиқиб кетар экан, эшикда Разумихин билан дуч келди.

## II

Соат саккизлар бўлиб қолганди; икковлари ҳам Бакалеевнинг уйига Лужиндан илгари етиб бориш учун шошилиш қадам ташлар эдилар.

– Бу одам ким ўзи? – дея сўради Разумихин кўчага чиқишлари билан.

– Бу ўша Свидригайлов деган заминдор. Синглим шунинг уйида мураббия бўлиб хизмат қилиб юрганда уни хафа қилишган. Шу одам синглимни йўлдан урмоқчи бўлиб, тоза таъқиб қилган, кейин унинг хотини Марфа Петровна синглимни уйдан қувиб юборган. Ўша Марфа Петровна кейин Дунядан кечирим сўраган, яқинда тўсатдан қазо қилибди, деб эшитдим. Кеча ўшани гаплашган эдик. Негалигини ўзим ҳам билмайману, лекин мен бу одамдан жуда қўрқаман. У хотинини қабрга қўйган заҳоти бу ёққа қараб йўл олибди. Жуда ғалати одам кўринади, бир нарсага қаттиқ аҳд қилганга ўхшайди... У ниманидир биладигандай... Дуняни

ундан сақлаш керак... Шу гапни сенга айтиб қўймоқчийдим, эшитяпсанми?

– Сақлаш керак дегин! Авдотья Романовнага у нима ҳам қила оларди? Бўпти, Родя, менга ишониб, шундай деганинг учун раҳмат... Сақлаймиз, албатта, сақлаймиз!.. Қаерда туради у?

– Билмайман.

– Нега сўрамадинг? Эҳ, чатоқ! Майли, ўзим билиб оламан!

– Сен уни кўрдингми? – деб сўради Раскольников бир оз жимликдан сўнг.

– Ҳа, кўрдим; яхшилаб кўриб олдим.

– Сен уни ростдан кўрдингми? Яхши кўриб олдингми? – таъкидлаб сўради Раскольников.

– Ҳа аниқ-таниқ кўриб олдим; мингта одамнинг ичидан бўлса ҳам таниб оламан, мен одамларнинг башараларини яхши хотирлаб қоламан.

Яна жим бўлиб қолдилар.

– Ҳм... шундай бўлсин... – гўлдиради Раскольников. – Бўлмаса, биласанми... Менимча... менга шундай бўлиб туйиладики... Балки бу бўлмағур хаёлдир, ким билсин.

– Нимани гапиряпсан? Гапингни унча тушунолмай турибман.

– Мана, сиз ҳаммангиз, – дея давом этди Раскольников тиржайиб, – мени телба бўлиб қолган дейсизлар; энди мен ўзим ҳам ростдан ҳам телба бўлиб қолган бўлсам керак ва ҳозиргина шарпа кўрдиммикин, деб ўйлаб қолдим!

– Э сенга нима бўлди ўзи?

– Яна ким билади дейсан! Мен балки чиндан ҳам телба бўлиб қолгандирман ва шу кунлар ичида рўй берган ҳодисаларнинг ҳаммаси, эҳтимол, бутунлай рўёдир, хаёлот ичра рўй бергандир...

– Эҳ, Родя! Яна сенинг асабларингни бузишибди!..

– У нима деди ўзи, нега келибди сенинг олдингга?

Раскольников жавоб бермади, Разумихин бир дақиқа ўйга чўмди.

– Энди менга қулоқ сол, – деб гап бошлади у. – Сенинг олдинга келган эдим, ухлаб ётган экансан. Кейин овқатландик, ундан сўнг мен Порфирийникига бордим. Заметов ҳалиям унинг олдида экан. Мен энди гап бошламоқчи бўлувдим, ўринлатолмадим. Ҳеч гапим гапга қовушавермади. Улар худди гапга тушунмайдиганга ёки тушуна олмаётганга ўхшайдилар, лекин бундан зиғирча ҳам тортинаётганлари йўқ. Мен Порфирийни дераза олдига олиб бориб, тушунтира бошлаган эдим, кейин нима учундир сира гапимиз бир-бирига ёпишавермади; у нуқул кўзини четга олиб қочади, мен ҳам унинг юзига тик қаролмадим. Кейин мен башарасига муштимни тўғриладим-да, аканг айлансин, мендан кўрадиганингни кўрасан, дедим. Бақрайиб қараб индамади. Э, сенлардан ўргилдим дедиму қўл силтаб, чиқиб кетдим. Жуда аҳмоқона иш бўлди-да! Заметовга: бир оғиз гапирмадим. Биласанми, жуда хафа бўлиб кетдим, ўзимча ишнинг расвосини чиқардим-ов, деб ўйлаб, зинадан тушиб бораётганимда, бошимга бир антиқа фикр келиб қолди: менга қара, нега биз ўзимизни ўтга-чўққа уришимиз керак экан? Мабодо, сенга бир зиён етадиган томони бўлганда ёки бошқа бир жиҳатдан дейлик хавфим бор, деб ўйласанг, унда албатта, ташвишланса арзийди. Ваҳоланки, сенга нима! Сенга бу ишнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, ялло қилиб кўнглингни кенг қилиб юравер; ҳали ўзлари кулгига қолишади, мен сенинг ўрнингда бўлганимда, ҳатто уларни жиндак лақиллатиб юрган бўлардим. Ҳали кейин бориб ўзлари қанчалар хижолатга тушишаркин! Парво қилма; кейин бир пийпалаймиз уларни, ҳозир устиларидан кулиб юраверайлик!



– Гапинг жуда тўғри! – деб жавоб берди Раскольников. «Ҳали кўрамиз, эртага қани, сен нима деркинсан?» – ичида ўйлади у. Қизиқ, шу пайтгача «Разумихин бор гапни билгандан сўнг нима деб ўйларкин», деган фикр бирон марта ҳам унинг хаёлидан ўтмаган эди. Раскольников шуни хаёлидан ўтказди-да, Разумихинга диққат билан қаради. Разумихин Порфирийнинг олдига борганлиги ҳақидаги гап уни деярли ўзига жалб қилгани йўқ; ундан бери қанча сувлар оқиб ўтди ахир!..

Бино йўлагиди улар Лужинга дуч келдилар: у расмона соат саккизда келиб, аёллар турган хонани қидираётган экан, ҳаммалари ичкарига бир-бирлари билан саломлашмасдан индамай кириб бордилар. Йигитлар олдинга ўтиб кетишди, Петр Петрович эса, одоб юзасидан пальтосини ечиб, ушланган киши бўлиб даҳлизда тутилиб қолди. Пульхерия Александровна дарҳол уни кутиб олгани эшик томон юрди. Дуня акаси билан кўриша бошлади.

Петр Петрович хонимлар билан ортиқ даражада, савлат тўкиб, хийлагина илтифот кўрсатиб саломлашди. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, худди бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдай андак қовушолмай турди. Пульхерия Александровна ҳам бирмунча узини йўқотиб қўйгандай бўлди, лекин дарҳол йиғилганларни устида самовар қайнаб турган тўғарак стол атрофига ўтқазишга шошилди. Дуня билан Лужин столнинг икки четига бир-бирларига рўпарама-рўпара ўтирдилар. Разумихин билан Раскольников эса Пульхерия Александровна билан юзма-юз ўтиришди, – Разумихин Лужинга яқинроқда, Раскольников эса синглисининг ёнида эди.

Бир зум сув қўйгандай жим бўлиб қолдилар. Петр Петрович шошилмасдан атир ҳиди анқиб турган батист рўмолчасини чиқарди-да, бурни-

ни қоқди, унинг бутун афти ангоридан ҳамияти озор топган, лекин ўзининг яхшилигига ишонган одамнинг орани очиқ қилиб олишга қатъий суръатда аҳд қилганлиги шундоқ сезилиб турарди. У боя даҳлизга кириб келгандаёқ калласига шундай бир фикр келганди: пальтони ҳам ечиб ўтирмай, шартга жўнаб қолмоқчи бўлди, буларнинг жазоси шу бир ўкинларига тушсин-чи, ана ўшанда кўрамиз, деган хаёл бошидан лип этиб ўтди. Лекин бунга журъат қилмади. Бунинг устига бу одам нонаниқликни ёқтирмасди, қандай вазият туғилганлигини англаб олмоқ керак эди: модомики, унинг амрига хилоф иш тугилибди, демак, бунда бир гап бўлиши керак, шундай бўлгач, гап нимадалигини яхшиси олдиндан билиб олган маъқулроқ эди; жазолаш қочмайди, бу ҳар доим ҳам унинг қўлидан келади.

– Умид қиламанки, сафарларингиз яхши ўтган бўлса керак? – қуруққина қилиб Пульхерия Александровнага мурожаат қилди у.

– Худога шукр, Петр Петрович.

– Жуда хурсандман. Авдотья Романовна ҳам чарчаб қолмадиларми?

– Мен ёшман, қувватим бор, чарчамайман, лекин ойим бир оз қийналдилар, – деб жавоб берди Дуня.

– Нима ҳам қилардик; бизнинг миллий йўлларимиз жуда узун. Нима деймиз, «онажон Россия» бепоён... Сизларни кутиб олишга чиқмоқчи эдим, лекин ишлардан қутулишнинг сира эпини қилолмадим. Бироқ умид қиламанки, ҳаммаси жойида бўлган бўлса керак?

– Оҳ, ундай эмас, Петр Петрович, биз жуда қийин аҳволга тушиб, нима қиларимизни билмай қолдик, – бошқача бир оҳангда шоша-пиша деди Пульхерия Александровна, – агарда Худонинг ўзи

бизга кеча Дмитрий Прокофьевични етказмаганда, жуда ҳам ночор аҳволда қолардик. Мана, у кишининг ўзлари ҳам шу ерда ўтирибдилар, Дмитрий Прокофьевич Разумихин, – деб қўшиб қўйди у Разумихинни Лужинга таништираркан.

– Танишиш шарафига муяссар бўлганмиз... кеча, – тўнғиллади Лужин Разумихинга ётсираб қараб, кейин қовоғини солиб жим бўлиб қолди. Умуман олганда, Петр Петрович жамият ичида ғоятда илтифотли, айни пайтда ҳам иззатталаб бўлган одамлар сирасидан эди, лекин қизиғи шундаки, бу одамлар иш ўзлари айтганча бўлмаса, жиндаккина уларнинг чизган чизиқларидан чиқилган бўлса, дарҳол ўзларини бутунлай йўқотиб қўядилар ва анжуманни қизитиб, яшнатиб ўтирадиган кишилардан кўра кўпроқ бир қоп унга ўхшаб қоладилар. Ўртага яна жимлик чўкди: Раскольников миқ этмас, Авдотья Романовна вақти соати келмагунча оғиз очгиси келмас, Разумихиннинг эса гапирадиган гапининг ўзи йўқ эди. Шу боисдан яна Пульхерия Александровнанинг ўзи типирчилаб қолди.

– Марфа Петровна қазо қилибди, эшитдингизми, – дея гап бошлади у ўзининг энг синалган воситасини ишга солиб.

– Ҳа, эшитдик. Ҳаммадан олдин менга хабар берилган ва сизга шуни маълум қилмоқчиманки, Аркадий Иванович Свидригайлов жуфти ҳалолини мзорга қўйиб бўлган заҳоти шошилинич суратда Петербургга қараб йўл олибди. Менга келиб етган аниқ хабарларга кўра, мана шундай.

– Петербургга? Бу ергами? – хавотирланиб сўради Дунечка ва ойиси билан кўз уриштириб олди.

– Худди шундай, ўз-ўзидан равшанки, у бу ишни бекорга бир мақсадсиз қилмаган, агар шошилинич суръатда йўлга отланганлигини ва бундан илгари

бўлиб ўтган воқеаларни эсга оладиган бўлсак, янада тушунарлироқ кўринади.

– Ё Раббим! Наҳотки, у бу ерда ҳам Дунечкани ўз ҳолига қўймаса? – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

– Менимча, агарда ўзларингиз у билан кўришиб у ёки бу масалада муомала қиламан, деб айтмасангизлар, унда на сизнинг ва на Авдотья Романовнанинг ташвишланиб ўтиришига ўрин йўқ. Ўзимга келганда шуни айтишим мумкинки, мен унинг қаерда тўхтаганлигини кузатиб, ахтариб юрибман...

– Оҳ, мени қанчалар кўрқитиб юборганингизни билсайдингиз! – деб давом этди Пульхерия Александровна. – Мен уни бор-йўғи икки марта кўрдиму, лекин кўзимга бало-қазодай бўлиб кўринди, бало-қазодай! Марфа Петровнанинг ўлимига ўша сабабчи бўлган, мен бунга ишонаман.

– Ундай бўлмаса керак. Менда аниқ маълумотлар бор. Билмадим, балки у воқеаларнинг боришини тезлаштирган бўлса эҳтимолдан холи эмас, буни аламнинг маънавий тазйиқи дейилади. Лекин унинг ахлоқи, умуман олганда, маънавий қиёфасига келганда сизнинг гапларингизга тўла қўшиламан. У ҳозир бойми, йўқми ва Марфа Петровна унга бирор нарса қолдирганми, билолмайман. Менга жуда тез орада бу нарсалар ҳақида маълумот етказишлари керак. Лекин бу ерда Петербургда чўнтагида озгина маблағ билан ҳам у яна эски ишларини давом эттиравериши мумкин. У учига чиққан бузуқ ва ярамасликларга муккасидан кетган одам! Мен асосли равишда тахмин қилишимча, шўрлик Марфа Петровна саккиз йил бурун бахти қаролик қилиб, уни севиб қолгандан кейин ҳамма қарзларини тўлаган ва бошқа бир нарсага сабабчи бўлган: даҳшатли, одамнинг ақли

бовар қилмайдиган бир қотиллик содир бўлган, шу боисдан у сал бўлмаса Сибирга жўнатилай деган, фақат Марфа Петровна у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб газак олиб кетмасдан ҳаммасини амаллаб бости-бости қилгану ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолган. Бу одам мана шунақа, агар билгингиз келса.

– Оҳ, Худойим! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна, Раскольников диққат билан эшитиб ўтирарди.

– Сиз бу ҳақда аниқ маълумотларим бор, деб ростдан айтяписизми? – дея алоҳида уқтириб, жиддий оҳангда сўради Дуня.

– Бу гапни Марфа Петровнанинг ўзи махфий суръатда ўз қулоғимга айтган. Шундан ҳам кўз юмиб бўлмайдик, юридик жиҳатдан бу иш жуда чигал ва қоронғи. Бу ерда бир Ресслих деган хотин турар эди, ҳозир ҳам шу ерда яшаса керак, ўзи мусофирлардан, бунинг устига чакана судхўрлик ҳам қилади, бошқа баъзи ишлар билан ҳам шуғулланади. Жаноб Свидригайлов мана шу Ресслих билан узоқ пайтлардан бери анча-мунча яқин муносабатда, сирлироқ алоқада бўлиб келаркан. Ана шу Ресслихнинг қўлида узоқ бир қариндоши, ўн беш ва, ҳаттоки, ўн тўрт ёшлардаги кар-соқов қизча тураркан, Ресслихнинг уни кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқ экан, бир тишлам нон берадиган бўлса, бошига бир мушт уриб ҳам қўяркан, жуда раҳмсизлик билан калтакларкан. Бир куни шу қизчани болохонадан бўғиб ўлдирилган ҳолда топишади. Ўзини-ўзи ўлдирибди, деган фикрга келишади. Одатда, расмий ишлар қилиб бўлингач, шу билан масала барҳам топади, лекин кейинроқ бир хат тушади. Унда бола Свидригайлов томонидан ваҳшийларча ҳақоратланган, деб ёзилган бўлади. Тўғри, бу хатни жуда бемаза, хулқи расво бошқа бир немис хотин ёзган экан. Марфа Пет-

ровнанинг куйди-пишдилик билан қилган ҳаракати туфайли ва анча пуллар сарфлагандан кейин бу хат ҳам орадан йўқотилган; бир шов-шув бўлиб шу билан босилган. Лекин шу шов-шувнинг ўзи қизиқ. Авдотья Романовна, сиз бундан олти йил илгари уларнинг хонадонида қийнаб ўлдирилган Филипп деган киши ҳақида эшитган бўлсангиз керак, у пайтда ҳали крепостной ҳуқуқи амалда эди.

– Мен, аксинча, ўша Филипп ўзини ўзи осиб ўлдирибди, деб эшитгандим.

– Жуда тўғри, лекин жаноб Свидригайловнинг қийноқларига, оғир азобларига чидолмасдан ўзини ўзи ўлдирган бечора.

– Бундан беҳабар эканман, – деб қуруққина жавоб берди Дуня, – лекин у одамнинг жуда ғалати тарихи қулоғимга чалингандай бўлганди. Филипп деганлари сал васвасроқ, аллақандай хонаки файласуфлардан экан, одамлар уни «ўқиб мияси айнаб қолган», деб юришарди, уни жаноб Свидригайлов мазах қилиб устидан кулар экан, шунинг учун уни калтакка эмас, калакага чидамай, ўзини осиб қўйган, деб юришарди. Свидригайлов менинг олдимда кишиларга яхши муомала қиларди, одамлар гарчи уни Филиппнинг ўлимига сабабчи бўлди, деб айблашса ҳам, лекин яхши ҳам кўришарди.

– Авдотья Романовна, сиз нимагадир уни оқлайдиган бўлиб қолибсиз, – деди Лужин лабини буриб, дудмал куларкан. – У чиндан ҳам устомон ва хотинларни ўзига тортадиган киши, бунга ғалати бир тарзда ўлган бечора Марфа Петровна аянчли мисол бўла олади. У одам ҳеч шубҳа йўқки, яна янгитдан бир уриниб чангал ташлаб кўради, шунинг учун ҳам мен сиз билан ойингизни огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим, холос. Менга қоладиган бўлса, у киши яна қарз-қурзнинг ботқоғига ботиб йўқ бўлиб кетади, деб қаттиқ ишонаман. Марфа Петров-

на кўпроқ болаларни ўйлаб, унга тузукроқ бир нарса қолдирмаган бўлса ҳам керак. Эҳтимол, озроқ, арзимаган, очдан ўлмасликка етадиган маблағ қолдирган бўлса ҳам бордир, лекин унга ўхшаган тийиқсиз одамга бу бир йилга ҳам етмаса керак.

– Петр Петрович, сиздан илтимос, – деди Дуня, – келинг, жаноб Свидригайлов ҳақида гаплашишни бас қилайлик. Менинг юрагим сиқилиб кетяпти.

– У ҳозир менинг олдимга келган эди, – деди тўсиндан Раскольников жимликни бузиб.

Ҳамма ҳайрон бўлиб унга қаради. Ҳатто Петр Петрович ҳам ҳаяжонланиб кетди.

– Бундан бир ярим соат муқаддам мен ухлаб ётган эдим, у олдимга кириб мени уйғотиб ўзини таништирди, – деб давом эттирди гапини Раскольников. – Дунёни сув босса тўпифига чиқмайдиган шод-қувноқ одам экан. «Сиз билан чиқишиб кетамиз», дейди менга. Айтмоқчи, у сен билан кўришмоқчи, Дуня, мендан жуда илтимос қилиб юборди, менга, ҳатто ўртангизда бўладиган гапга воситачилик қилишимни илтимос қилди. Унинг сенга айтадиган бир таклифи бор экан, бу таклифи нимадан иборатлигини менга маълум қилди. Бундан ташқари, у мени ишонтириб айтдики, Марфа Петровна қазо қилмасидан бир ҳафта олдин сенга, Дуня, уч минг сўм пул васият қилиб қолдирибди, сен бу пулни тез кунлар ичида олишинг мумкин экан.

– Худога шукр! – қичқириб юборди чўқиниб олган Пульхерия Александровна. – Унинг хотираси учун дуойи фотиҳа қилиб қўй, Дуня, ибодат қил!

– Ҳа, ростдан ҳам шундай бўлган, – чиқиб кетди Лужиннинг оғзидан.

– Хўш-хўш, ундан кейин нима бўлди? – шошилтирди акасини Дуня.



– Кейин у ўзининг унчалар бой эмаслигини, бутун мол-мулк болаларига текканлигини, улар ҳозир холасиникида яшаб туришганлигини айтди. Кейин ўзи ҳозир менинг уйимга яқин ерда турганлигини сўзлади, лекин қаерда – билмайман, сўраганим йўқ...

– Лекин унинг Дунечкага нима гапи бор экан? – сўради қўрқиб кетган Пульхерия Александровна.  
– Сенга айтдимми?

– Ҳа, айтди.

– Нима гап экан?

– Кейин айтаман, – Раскольников гапдан тўхтаб чой ича бошлади.

Петр Петрович соатни олиб қаради.

– Зарур ишим бор, кетмасам бўлмайди, сизларга халақит бермай, – деди у аччиқ қилган одамдай ва ўрнидан тура бошлади.

– Қолинг, Петр Петрович, – деди Дуня, – биз билан кечгача ўтирмоқчи эдингиз-ку. Бунинг устига ўзингиз ойимлар билан ниманидир келишиб олишимиз керак, деб ёзган экансиз.

– Худди шундай, Авдотья Романовна, – савлат тўкиб деди Петр Петрович қайтадан стулга ўтираркан, лекин ҳамон шляпасини қўлидан қўймай, – мен ҳақиқатан ҳам, сиз билан ҳамда муҳтарамма ойингиз билан ғоятда муҳим масалаларда гаплашиб олмоқчи эдим, аммо акангиз менинг ҳузуримда Свидригайловнинг баъзи бир таклифлари ҳақида гапиришни истамас экан, мен ҳам... Бошқаларнинг олдида келишиб оладиган муҳим гапларимни айтолмайман. Бунинг устига менинг ҳаддан ташқари муҳим ва эътиборли илтимосим адо этилмаганлиги боисидан...

Лужин ўзига аччиқ аразлаган кишидай тус берди ва виқор билан оғзини юмди.



– Биз учрашадиган пайтда акангиз қатнашмасин, деган илтимосингизга мен сира ҳам рози бўлолмадим, – деди Дуня. – Сиз, акангиз мени таҳқирлади, деб ёзибсиз. Менимча, бу масалада дарров орани очди қилиб олишимиз ва сизлар ярашишларингиз керак. Мабодо Родя, ҳақиқатан ҳам, сизни ҳақорат қилган бўлса, унда сиздан кечирим сўраши керак ва сўрайди ҳам.

Петр Петрович дарҳол тўнани тескари кийиб олди.

– Шундай бир таҳқирлашлар бўладики, Авдотья Романовна, уларни қанчалар унутама дема, бари бир унутолмайсан. Ҳамма нарсада чек-чегара деган нарса борки, ундан нарёғига ўтиш хатарлидир. Зотан, бир марта чегарадан чиқдингми, кейиқ орқага қайтиш қийин бўлади.

– Мен сизга бошқа бир нарса ҳақида гапирган эдим, Петр Петрович, – деди андак сабрсизлик билан Дуня, – шуни яхши билингки, бизнинг бутун келажагимиз бу гапларнинг ҳаммаси тезроқ ҳал бўлиб кетадими, йўқми, шунга боғлиқ бўлиб қолди. Мен гапнинг тўғриси айтиб қўяётирман, менинг фикрим шу, агар сизга жиндақ қадрли бўлсам, унда гарчи сизга қийинроқ бўлса ҳам, лекин бу гап ҳозироқ барҳам топиши керак. Сизга яна қайта айтаман, агарда акам айбдор бўлса, у кечирим сўрайди.

– Сизнинг масалани бундай қўяётганлигингиздан ҳайрон бўлиб қолдим, Авдотья Романовна, – деди борган сайин жаҳли чиқиб Лужин. – Сизни қадрлаб ва сизни жонимдан ҳам яхши кўриб дегандай, айна пайтда мен сизнинг оила аъзларингиздан бирон кишини ёқтирмаслигим ҳам мумкин-ку. Сизнинг қўлингиз эгаси бўлишдек бир бахтга интилар эканман, айна замонда ҳеч чиқиштириб бўлмайдиган нарсаларни ўз устимга...

– Оҳ, қўйинг шу аразчилигингизни, Петр Петрович, – зорлангандай қилиб унинг гапини бўлди Дуня, – мен сизни доим ақлли ва олижаноб одам деб ҳисоблар эдим, бундан кейин ҳам сизни шундай деб билишни истайман, сиз ҳам шунга лойиқ бўлинг. Мен сизга жуда катта ваъда бериб қўйганман, сизнинг қаллифингизман; бу масалада менга ишонинг ва менинг холис фикр юритишимга амин бўлинг. Мен ўртангизда қозиликни бўйнимга олаётганлигим сиз учун ҳам, акам учун ҳам кутилмаган ҳодисадир.. Сизнинг хатингизни олганимиздан сўнг уни бизнинг учрашувимизда қатнашувини тилаб бу ерга чақирганимда, у кишига ўзимнинг қандай мақсадларим борлигини айтганим йўқ. Ўзингиз тушунинг: агарда, сизлар ярашмасангизлар, у ҳолда мен бир томонни танлашга мажбур бўламан: ё сиз, ё акам. У ҳам, сиз ҳам масалани мана шу тарзда қўяётирсизлар. Мен танлаганимда янглишишни истамайман, янглишмаслигим керак. Сизни десам, акам билан тескари бўлиб кетишим керак; акамни десам, сиздан юз ўгиришим керак. Мана энди кези келиб қолди, мен билиб қўймоқчиман: у менинг акаммикин? Сизга эса: мен қадрлиманми, мени ардоқлайсизми; менга эр бўлармикинсиз?

– Авдотья Романовна, – оғриниб деди Лужин, – сизнинг сўзларингизни қандай тушунишни билмай ҳам қолдим, агар сизга нисбатан тутган мавқеимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ҳатто одамга алам қиладиган сўзларни айтдингиз, дейишим мумкин. Мен билан... алақандай такаббур ўспиринни бир қаторга қўйиб, галати равишда чоғиштираётганингизни ва бу мен учун оғирлигини айтмай ҳам қўя қолай, сизнинг сўзларингиздан менга берган ваъдангизнинг устидан чиқмаслигингиз ҳам мумкинлиги сезилиб турибди. Сиз: «ё у,

ё сиз?» деб айтмоқдасиз, бу деган сўз сизнинг кўз ўнгингизда менинг қадрим унчалар баланд эмаслигини кўрсатади... Мен ўртамизда бундай муносабатга йўл қўёлмайман ва орамиздаги мажбуриятларда ҳам бундай бўлишини истамайман.

– Нима деяпсиз! – деди бирдан тутақиб Дуня, – мен сизнинг манфаатингизни шу пайтгача ҳаётда мен учун энг қимматли бўлган, шу дамгача ҳаётимнинг бутун мазмунини ташкил қилган нарсалар билан бир қаторга ёнма-ён қўйсаму, сиз бўлсангиз, менинг қадримга етмадинг деб ўтирсангиз, бу қандай бўлди!

Раскольников индамай заҳарханда қилиб қўйди. Разумихин қалтираб кетди, аммо Петр Петрович бу гапни ўзига қабул қилмади; аксинча, айтилган ҳар бир сўздан у янада шилқимроқ ва бетамизроқ бўла бормоқда, афтидан, тили эндигина эшилиб келмоқда эди.

– Бўлажак умр йўлдошига, эрга бўлган муҳаббат, акага бўлган муҳаббатдан устун турмоғи керак, – деди у насиҳатомуз йўсинда, – умуман, қандай бўлганда ҳам мен у билан бир қаторда туролмайман... Гарчи мен боя акангизнинг олдида кўнглимдаги барча гапларни айтишни истамайман, бунга тобим йўқ, деган бўлсам ҳам, лекин ҳамон келган эканман, ҳозир муҳтарам волидангизга мурожаат қилиб, у кишига гоятда муҳим ва менинг кўнглимга жуда ҳам оғир ботган бир гапни тушунтириб кетишни истардим. Сизнинг ўғлингиз, – дея мурожаат қилди у Пульхерия Александровнага, – кеча жаноб Рассудкиннинг ҳузурида (исмингиз... шундаймасмиди? Кечирасиз, фамилиянгизни унутибман, – деб илтифот билан таъзим қилиб қўйди у Разумихинга) сизга айтган бир фикримни атайдан бузиб кўрсатиб, мени хафа қилди. Мен у гапни сизга шахсий суҳбатимиз чоғида қаҳва ичиб

ўтириб айтгандим. Мен шундай бир гапни айтган эдимки, ҳаётда офирчилик кўрган камбағал қизга уйланиш доимо тўқисчиликда яшаган қизга уйланишга қараганда қулай, зотан, бу маънавийат учун фойдалидир. Сизнинг ўғлингиз бу сўзларнинг маъносини ақлга тўғри келмайдиган даражада бўртириб, мени қабиҳликда айблади, назаримда у буни сизнинг хатингизга асосланиб қилди. Агарда сиз, Пульхерия Александровна, мени йўқ, ундай эмас, деб ишонтирсангиз, мен анча хотиржам бўлиб, ўзимни бахтиёр, деб санар эдим. Сиз Родион Романовичга ёзган хатингизда менинг сўзларимни қайси алпозда етказганингизни аниқ айтиб беришингизни сўрардим?

– Эсимда йўқ, – деди довираб қолган Пульхерия Александровна, – мен сизнинг сўзларингизни ўзим тушунганча қилиб ёзганман. Сизга Родя нима деб айтган билмайман... Балки у бир оз ошириб ҳам юборгандир.

– Унга сиз уқтирмасангиз, ошириб юбормасди.

– Петр Петрович, – деди ўзини тутиб олган Пульхерия Александровна, – Дуня билан иккаламиз сизнинг сўзларингизни у қадар ёмон маънода тушунмаганлигимизнинг исботи учун шу ерга келиб ўтирганлигимизнинг ўзи етмайдими.

– Яхши айтдингиз, ойижон! – маъқуллади Дуня.

– Демак, бу ерда ҳам мен гуноҳкор эканман-да! – хафа бўлди Лужин.

– Петр Петрович, мана сиз нуқул Родионни айблаганингиз айблаган, ўзингиз бўлсангиз, бояги хатингизда у ҳақда нотўғри гапни ёзибсиз, – деб қўшиб қўйди дадиллашиб Пульхерия Александровна.

– Қандай нотўғри гап ёзибман, билмайман.

– Сиз ёзибсизки, – деди кескинлик билан Раскольников Лужинга қайрилиб қарамасдан, – кеча

мени пулни эрини арава босиб кетган бева хотинга эмас, унинг қизига берди, дебсиз, мен эса пулни чиндан бева аёлга бергандим, қизни эса кеча биринчи марта кўриб туришим эди. Сиз мени ойим ва синглим билан уриштириб қўйиш учун шу гапни ёзгансиз, шунинг учун ҳам ўзингиз билмайдиган қизни ифлос гаплар билан таърифлаб бергансиз. Буларнинг ҳаммаси гийбату пасткашлиқдан бошқа нарса эмас.

– Кечирасиз, афандим, – деди ғазабидан қалтираб Лужин, – ўз хатимда, қилган қилиқларингиз ва қандай одамлигингизни ёзган бўлсам, буни ёлғиз ойингиз ва синглингилингизнинг илтимосларига кўра қилганман. Улар сизни қандай ҳолатда учратганлигимни, менда қандай таассурот қолдирганлигингизни ёзиб юборишимни сўраган эдилар. Менинг хатимда боя эслатилган гапга келганда, шунини айтишим мумкинки, қани у ердан битта адолатсиз гапни топиб кўринг-чи, қойил қолай, сиз ўша хонадонда пул сарф қилдингизми, қилдингиз, майли, бахтсиз бўлса ҳам, лекин ўша хонадонда нобоп шахслар бор эдими, бор эди, яна нима дейсиз?

– Менимча, сиз бутун обрў-эътиборингиз билан ўша ўзингиз бошига тош отаётган қизнинг тирноғига ҳам арзимайсиз.

– Демак, сиз уни ойингиз ва синглинги билан бир қаторда туришга муносиб кўрасизми?

– Агар сизга керак бўлса, мен уни ойим билан синглимга таништириб бўлганман. Мен уни бугун ойим билан Дунечканинг ёнларига ўтқаздим.

– Родя! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

Дунечка қизариб кетди; Разумихин қошларини чимирди. Лужин кибр ва киноя билан кулиб қўйди.

– Ўзингиз кўриб турибсизки, Авдотья Романовна, – деди у, – бу аҳволда келишиб бўлмайди!

Ишонаманки, энди бу масала ҳал бўлди ва бутунлай равшанлашди. Мен эса эндиликда қариндошуруғлар ўртасидаги ширин учрашувга ва махфий гапларнинг гаплашиб олинувига тўсиқ бўлмаслик учун бу ердан кетаман (у студдан туриб, шляпасини қўлга олди). Лекин кетарканман, эндиликда бундай учрашувлардан ва битишувлардан деймизми, мени фориф қилиб қўярсизлар, деб умид қилишга журъат этаман. Шунини, айниқса, сиздан илтимос қиламан, кўпдан-кўп ҳурматли Пульхерия Александровна, нега десангиз, менинг хатим сизга ёзилган эди, бошқа ҳеч кимга эмас.

Пульхерия Александровна бир оз хафа бўлди.

– Нимагадир бизни жуда ўз бўйинтуруғингизга солиб олмоқчига ўхшайсиз, Петр Петрович. Сизнинг истагингиз нега бажарилмаганлигини Дуня тушунтириб берди-ку: у яхши ният қилган эди. Бунинг устига ёзган хатингизда ҳам менга нуқул буйруқ қилгандай гапирасиз. Наҳотки, сизнинг ҳар бир истагингиз биз учун буйруқ бўлса? Мен бўлсам, аксинча, бунинг тескарасини айтган бўлардим: сиз энди биз билан сипогарчилик юзасидан мурувватли муомалада бўлсангиз маъқул эди, биз сизни деб ҳамма нарсамизни ташлаб, сизга суяниб бу ерга келдик, шундай бўлгач, усиз ҳам деярли ҳар томондан сизга боғланиб қолганмиз.

– Бу гапингиз унчалик ҳақ эмас, Пульхерия Александровна, ва айниқса, Марфа Петровнанинг уч минг сўм васият қилиб қолдирганлиги маълум қилинган ҳозирги ҳолатда мен билан бошқача сўзлашаётисиз, назаримда босар-тусарингизни билмай қолганга ўхшайсизлар, – деб заҳарханда қилди Лужин гапининг охирида.

– Гапингизга қараганда, ростдан ҳам бизни бечора, муте бўлиб юришимизни истайдиганга ўхшайсиз, – фикрини деди Дуня.

– Аммо мана энди жилла қурса, шу истак ҳам кўнглимга сифмай қолди, эндиликда Аркадий Иванович Свидригайловнинг акангизга билдирган махфий гапларини холи қолиб гаплашиб олишларингизга, айниқса, халал етказишни истамайман, кўриб турибманки, у гаплар сиз учун жуда ҳам катта, балки ғоятда ёқимли бир аҳамиятга эга.

– Вой, Худойим-ей! – хитоб қилди Пульхерия Александровна.

Разумихин ўтирган ерида типирчилаб қолди,

– Синглим, жуда ҳам уят бўлиб кетди-ку, а? – сўради Раскольников.

– Жуда уят бўлди, Родя, – деди Дуня. – Петр Петрович, кетинг бу ердан! – деди ғабдан оқариб кетган Дуня.

Петр Петрович афтидан сира ҳам бундай бўлади, деб кутмаган экан. У ўзига, ўзининг қудратига ва ўз қурбонларининг муштипарлигига ҳаддан ташқари ишонган экан. Мана, ҳозир ҳам тан олмади. Унинг ранги ўчди, лаблари пирпираб уча бошлади.

– Авдотья Романовна, сизнинг айтганингизни қилиб, бу эшикдан чиқиб кетадиган бўлсам, шуни яхши билиб қўйингки, бошқа сира ҳам қайтиб келмайман. Яхшилаб ўйлаб кўринг! Менинг сўзим қатъий.

– Бу қандай бетамизлик! – хитоб қилди Дуня ўрнидан дик этиб туриб кетаркан, – мен умуман сизнинг қайтиб келишингизни мутлақо истамайман!

– Нима? Э, ҳали шундайми-а! – ҳали ҳанузгача бундай бўлишини сира кутмаган Лужин чинқариб юборди; у бутунлай калавасининг учини йўқотиб қўйганди, – ҳали шундай экан-да, а! Аммо биласизми, Авдотья Романовна, мен норози бўлиб қолишим ҳам мумкин.

– Қиз бола билан бундай гаплашишга нима ҳақингиз бор! – қизишиб орага қўшилди Пульхерия Александровна. – Бизга нима деб даъво қила олардингиз? Нима ҳақингиз бор бундай дейишга? Ҳали мен сизга ҳурдай қизимни бераман деб ўтирибманми? Бўлди, гап тамом, кетинг бу ердан! Бундай адолатсиз ишга киришганимизга ўзимиз айбдормиз, ҳаммасига мен айбдорман...

– Биласизми, Пульхерия Александровна, – газаби тошиб буғиларди Лужин, – менга ваъда бериб, оёқ-қўлимни боғлаб қўйдингиз, энди бўлса, ўз сўзингиздан ўзингиз қайтиб турибсиз... Бунинг устига... Бунинг устига сиз туфайли ахир мен чиқимдор бўлиб қолдим-ку.

Петр Петровичнинг бу даъвоси унинг табиати-га шунчалар мос тушган эдики, газабдан ранги оқариб, ўзини базўр босиб ўтирган Раскольников алоҳал ўзини тўхтатолмади ва хахолаб кулиб юборди. Аммо Пульхерия Александровнанинг жон-пони чиқиб кетди:

– Чиқимдор бўлдим, дейсизми? Чиқимингиз нимаси? Бизнинг сандифимизни айтмаяпсизми мабодо? Ахир уни кондуктор сизга теп-текинга олиб келиб берди-ку. Вой, Худо, гапингизни қаранг, нима қилиб сизнинг оёқ-қўлингизни боғлабмиз! Ҳой, Петр Петрович, мундоқ эс-ҳушингизни йиғиштириб олинг, биз эмас, у сиз эмасми бизнинг оёқ-қўлимизни боғлаб ўтирган?

– Бўлди, ойижон, бўлди, қўйинг энди! – ёлворди Авдотья Романовна. – Петр Петрович, барака топкур кетинг бу ердан!

– Майли кетаман, фақат битта гапим бор, охиргиси! – деди Лужин бутунлай ўзини йўқотиб қўйган ҳолда, – сизнинг ойингиз бир нарсани унутиб қўйганга ўхшайдилар, мен сизни доврўфингиз бутун шаҳарга чиққандан кейин олишга журъат этган



эдим. Жамоатчилик фикрига қарамай, сизнинг обрўйингизни тиклайман, деган эдим, шунинг учун ҳам сиз миннатдор бўларсиз, мени ўзингизнинг халоскорингиз, деб биларсиз, деган умидларим бор эди... Лекин кўзим кўр экан, мана энди очилди! Мана энди жуда ҳам адашганлигимни, жамоатчиликнинг гапига кирмай хато қилганлигимни билиб турибман...

– Э нима, бунинг боши ўнтами, ўзи! – қичқирди Разумихин Лужиннинг адабини бериб қўйиш мақсадида ўрнидан сакраб тураркан.

– Жуда пасткаш ва қабиҳ одам экансиз! – деди Дуня.

– Бас! Ўтир жойингга! – бақирди Раскольников Разумихиннинг йўлини тўсиб, кейин Лужиннинг устига бостириб борди:

– Чиқинг бу ердан! – деди унга секин ва дона-дона қилиб, – бошқа миқ этиб, оғзингизни оча кўрманг, бўлмаса...

Петр Петрович унга бир неча сония ранги қум ўчган, ғазабдан афт-башараси қийшайиб кетган ҳолда еб юборгудай бўлиб қараб турди, сўнг орқасига ўтирилиб чиқиб кетди. Унинг юрагида Раскольниковга нисбатан шунчалар ғазаб ва адоват ўт олган эдики, бунақаси камдан-кам одамлардагина учрамаса, бир бўлади. У Раскольниковни, фақат унинг ўзини ҳаммасига айбдор деб биларди. Шуниси ҳам қизиқки, у зиналардан тушиб бораркан, ҳамон умидини йўқотмаган, ҳали буни тўғриласа бўлади, деб ўйлар, айниқса, гап фақат хотинлар устида борадиган бўлса, бунинг ҳали «жуда, жуда» иложи бор, дерди.

Ҳамма гап шунда эдики, у охирги дақиқагача иш бундай чаппасига айланиб кетади, деб сира ҳам кутмаганди. У бу ҳимоясиз, муштипар, бечора аёллар бари бир менинг қўлимдан чиқиб кетолмайди-ку, деган хаёлда ўз ҳаддини билмай димоғ-финоқ, таъна-тазарруни катта қилиб юборганди. Булар бари бир мендан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди, деб ишонганига сабаб ўзига ҳаддан зиёд ортиқча баҳо бериб юборганлиги ва қолаверса, манманлигидан эди. Петр Петрович тубанликдан чиқиб, ўзига жуда ҳам бино қўйиб юборган, ўз ақли ва қобилиятига ҳаддан ортиқ юқори баҳо берар ва, ҳатто, баъзан ёлғиз қолган кезларида ойнага қараб юзига узоқ термилиб турарди. Лекин дунёда у ҳаммадан ҳам ўзининг пешона тери тўкиб ва умуман, турли-туман йўллар билан топган пулларини яхши кўрар ва қадрлар эди: бу пуллар унга ўзининг бўйи етмай турган ерларга бўйини етказиб қўядиганга ўхшаб кўринарди.

Шу тобда Дуняга сен ҳақингдаги турли гап-сўзларга қарамасдан уйланишга қарор берган эканман, нега сен ношукрчилик қиласан, деган маънода аламзадалик билан таъна қиларкан, Петр Петрович ўз кўнглида буларнинг барини самимий айтмоқда эди ва, ҳатто, бунчалар ақл бовар қилмайдиган «нонкўрликка» қарши юрак-юрагидан газабланмоқда ҳам эди. Ваҳоланки, Дуняга совчи қўйиб борган ўша пайтлардаёқ, у қиз ҳақида юрган барча гапларнинг қуруқ ғийбатдан бошқа нарса эмаслигини билган ва у гапларнинг бари бошдан-оёқ уйдирмалиги Марфа Петровна томондан кўпчилик ўртасида исботланганлиги, бутун шаҳарнинг кўз ўнгида қизнинг юзи ёруғ бўлганлигидан хабардор эди. Унинг ўзи ҳам ҳозир

бу гапларнинг бари ўша пайтлардаёқ унга маълум бўлганлигини инкор қилиб ўтирмасди. Шунга қарамадан у Дуняни ўзига тенг кўрганлигини жуда ҳам бўрттириб кўрсатгиси келар ва ўзининг бу ишга журъат қилганлигини жасорат ўрнида кўрарди. У ҳозир Дуняга шу ҳақда таъна қиларкан, бу таънаси унинг юрагида ардоқлаб келинган, сир тутилган, эъзозланган ўша бир фикрдан туфилган ва орзуланган эдики, эндиликда у нима сабабдан бошқалар шу нарсани тушунмасликларига, бундан ҳайратга тушмасликларига ажаблаларди. Ўшанда Раскольниковнинг ҳузурига борган чоғида у ўзига валинеъмат деб қараб, беҳад миннатдорчиликлар билдиришларини кутган, қўлларини ўпиб, ялаб-юлқашларини истаган эди. Шундай бўлгандан кейин мана ҳозир зиналардан тушиб бораркан, у ўзини ҳаддан ташқари камситилган, ҳақоратланган, иззат-нафси ерга урилган бир кимса каби ҳис қиларди. Дуня бўлса унга ҳаммадан ҳам керак эди; ундан воз кечишни сира ҳам ақлига сифдиrolмасди. У қачонлардан бери, узоқ йиллар уйланаман деб орзулаб юрарди, лекин сира мавриди тўғри келмай, пул йиққани-йиққан эди. Унинг ҳаммадан сир тутган тилаги бор эди, у хушфеъл ва камбағал (қизнинг камбағал бўлиши унинг учун шарт эди), ўзи жуда ҳам ёш, жуда ҳам истараси иссиқ, олижаноб ва ўқимишли, жуда ҳам қўрқиб қолган, бошидан жуда ҳам кўп бахтсизликларни кечирган ва демакки, унинг қошида доимо бошини ҳам қилиб турадиган, уни ўзига бирдан-бир халоскор деб биладиган ва иззат-ҳурмат қиладиган, унинг ҳузурида тиз чўкадиган ва фақат уни ўз бошига кўтарадиган ва фақат уни дейдиган бир қизни орзиқиб кутарди. У ишдан бўшаган, дам олган кезлари бу ҳақда тинмай хаёл сураб, шу фикрини дилида ардоқлаб, шу фикр би-

лан ширин-ширин орзуларга берилар, кўз ўнгидан ажиб бир манзараларни ўтказарди. Шунча йиллардан бери орзу қилган нарсалари энди-энди амалга ошиб келмоқдайди: Авдотья Романовнанинг ҳусни малоҳати, ўқимишлилиги унинг ақли ҳушини буткул ўғирлаб қўйганди: қизнинг ночор бир аҳволда қолганлиги уни янада жунбишга келтириб юборганди. Назарида у ўзи орзу қилгандан ҳам кўра зўрроқ бир нарсага эришгандай эди: мағрур ва ҳеч кимга сўз бермайдиган, меҳрибон, унга қараганда анча баланд тарбия кўрган ва билим олган (у буни яхши сезиб турарди) бир қиз унинг қўлига кирмоқда эди ва яна шундай ажойиб бир хилқат ундан бир умрга миннатдор бўлиб, унинг жасоратига таҳсин ва офаринлар айтиб, унинг қаршисида ўзини чумолича кўрмай яшаши керак эди, у эса қизни истаган куйга сола олади, унинг устидан истаганча ҳукм юргиза олади, ёт деса ётади, тур деса туради! Худди олдиндан билгандай, бу ишлар рўй бермасдан бир оз илгари у узоқ ўйлаб муҳокама қилиб, кутгандан сўнг ниҳоят, ишини ўзгартиришга қарор берган, қулочни кенгроқ ёйишга аҳд қилганди, бу билан у аста-секин юқорироқ жамият ичига кириб боришни мўлжаллаганди, зотан, неча замонлардан бери бундай жамият ҳақида ширин-ширин хаёлларга берилгани берилган эди... Бир сўз билан айтганда, у бахтини Петербургда синаб кўрмоқчи эди. У хотинлар воситасида «жуда, жуда» кўп нарсаларга эришмоқлик мумкинлигини биларди. Олижаноб, меҳру мурувватли, ҳусну малоҳатли, ўқимишли хотин ўзининг жозибаси билан унинг юрган йўллариغا пойандозлар тўшамоғи, атрофига одамларни тўпламоғи, шон-шуҳрат сари бошлаб бормоғи керак эди... Мана энди кутилмаганда ҳаммаси барбод бўлиб кетмоқда! Ҳозирги тўсатдан юз берган, жуда ҳам хунук жанжал унга

яшин ургандай таъсир қилди. Бу худди бемаъни, бедаво ҳазилга ўхшарди! Нима қилибди, у жиндак-кина димоф-фироқ қилди: у ҳатто гапини охирига-ча ҳам тушунтириб беролмади, у андак ҳазил қилган эди, салгина ошириб юборибди, мана ҳазилнинг оқибати зил бўлди! Ниҳоят, у ахир ўз кўнглида Дуняни севарди, хаёлларида унинг устидан ҳукм-ҳавас юргизарди қачонлардан бери! Энди бўлса!.. Йўқ! Эртагаёқ, эртагаёқ буларнинг бари-ни тикламоқ керак: битишмоқ, тузатмоқ ва ҳаммадан бурун анов оғзидан сути кетмаган такаббур гўдакни орадан кўтармоқ керак, чунки ҳаммасига ўша айбдор. Юраги аллақандай сирқираб, у беихтиёр суратда Разумихинни ҳам кўз олдига келтирди, лекин сал ўтмай, унинг бу томондан кўнгли жойига тушди: «Мени ҳали у билан тенглаштириб ўтиришмас, ахир!» Аммо ростдан ҳам унинг юрагига ғулғула солиб турган бирдан-бир одам, у ҳам бўлса Свидригайлов эди... Бир сўз билан айтганда, у бошдан-оёқ ташвишга ботганди.

– Йўқ, мен, мен ҳаммадан кўпроқ айбдорман! – дерди Дунечка ойисини кучоқлаб ўпаркан, – мен унинг пулига учган эканман, лекин ака, чин сўзим уни бунчалар пасткаш одам деб ўйламаган эдим! Агар буни олдин билганимда, пули дунёга сиғмай ётган одам бўлса ҳам давлатига учмаган бўлардим. Мени айбситманг, ака!

– Худо сақлади! Худо сақлади! – деб ғўлдирарди Пульхерия Александровна ғайришуурий суръатда, у ҳамон нима бўлганини аниқ тушунолмай турганга ўхшарди.

Ҳаммалари хурсанд бўлиб кетишган, кулишиб яйрашган эди. Фақат гоҳо бўлиб ўтган воқеани эслаб, Дунечканинг ранги оқариб кетар, қошларини чимиради. Пульхерия Александровна гапнинг

бундай айланиб кетишидан хурсанд бўларман, деб сира ўйламаган, тасаввур қилмаганди. Боя эрта-лаб Лужиннинг кавушини тўғрилаб қўйиш ҳақида гап кетганда, унинг юраги орқасига тортиб кетганди. Аммо Разумихин хурсанд бўлиб кетиб, ўзини қўярга жой тополмасди. У ўзининг хурсандчилигини очик кўрсатишга ҳали журъат этмас, лекин кўксидан беш пудлик тош тушгандай енгил тортган ва худди безгак теккандай дир-дир қалтирарди. Мана энди уларга ўз умрини бахшида қилолади, бир умр уларга хизматда бўлади... Э, энди нималар бўлмайди дейсиз! Дарвоқе, у ўз хаёлларида шундан нарига ўтишга чўчир, уларни ўзидан нари қувар, ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетарди. Ёлғиз Раскольников ҳамон ўша ўтирганча ўтирар, қовоғи уйилган, хаёли паришон эди. У Лужинни орадан йўқотишга ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаракат қилиб, мана энди айтгани амалга ошгандан сўнг худди бўлиб ўтган воқеанинг унга сира ҳам алоқаси йўқдай ўтирарди. Дуня беихтиёр акам ҳали ҳам мендан хафа, ҳали ҳам жаҳлидан тушгани йўқ, деб ўйларди. Пульхерия Александровна бўлса унга кўрқа-писа қараб қўярди.

– Свидригайлов сизга нима деб айтди? – дея сўради унинг олдига бориб Дуня.

– Ҳа-я, айтгандай! – хитоб қилди Пульхерия Александровна.

Раскольников бошини кўтарди.

– У сенга қандай қилиб бўлмасин ўн минг сўм ҳадя қилмоқчи, бундан ташқари, яна сени бир марта бўлса ҳам кўриш истагидалигини айтди, сен билан менинг олдимда учрашмоқчи.

– Учрашмоқчи! Мен асло рози эмасман! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна, – у қандай қилиб пул таклиф қилишга журъат этди?

Шундан кейин Раскольников (истар-истамай) ўзининг Свидригайлов билан гаплашганлигини айтиб берди, ортиқча пачакилашиб ўтиргиси келмаганидан Марфа Петровнанинг арвоғи ҳақидаги гапларни айтмади, умуман, керакли гапдан ташқари бошқа бирон гапга оғиз очгиси йўқ, гап деса кўнгли озарди.

– Сиз унга нима деб жавоб бердингиз? – сўради.

– Олдин сенга бу гапларни айтмайман, дедим. Унда қандай қилиб бўлмасин сени кўришга ўзи ҳаракат қилажagini билдирди. У илгариги ҳирсу ҳаваслари қолмаганлигини, у пайтда кўзи кўр бўлганлигини ва ҳозир кўнглида ҳеч нарса йўқлигини айтди... У Лужинга тегишингни истамас экан... Умуман, гаплари жуда пойма-пой.

– Сен ўзинг унга нима дейсан, Родя? У сенда қандай таассурот қолдирди?

– Ростини айтсам, яхши тушунмай турибман. Ўн минг сўм ҳадя қилмоқчи, ўзи эса унчалик давлатманд эмасман, дейди яна. Қаёққадир кетмоқчиман, дейди, сал ўтмасдан ўзининг бу гапини эсидан чиқариб кўяди. Кейин тўсиндан уйланмоқчи бўлиб юрибман, менга бир қаллиқ топишди, дейди... Албатта, унинг кўзлаган бир нияти бор, яхши ният қилмаганга ўхшайди тағин. Лекин ундоқ десам, агар нияти бузилган бўлганда, ишга мана бундай қилиб аҳмоқона суръатда киришмаган бўлармиди, балки... Мен сенинг номингдан у пуллардан буткул воз кечдим, бошқа бу ҳақда оғиз очманг, дедим. Умуман, у менга жуда ғалати бўлиб кўринди, ҳатто... ҳатто... жиндак телба бўлиб қолганга ҳам ўхшади. Балки, мен янглишаётгандирман, эҳтимол, ўз кўнглида шундай бир йўл билан бизни лақиллатиб кетмоқчи бўлаётгандир. Марфа Петровна ўлгандан кейин у жуда ҳам бошқача бўлиб қолганга ўхшайди.



– Худо раҳмат қилсин! – хитоб қилди Пульхерия Александровна, – то тирик эканман уни дуо қилиб ўтаман. Агар ўша уч минг сўм бўлмаса бизнинг ҳолимиз ҳозир нима кечарди, ахир Дуня! Парвардигорим худди осмондан ташлагандай бўлди! Оҳ Родя, эрталаб ҳаммаси бўлиб уч пулимиз қолган экан, шунинг учун Дунечка иккаламиз қайси нарсамизни гаровга қўйсак экан, деб турган эдик, яна анов кишига зор бўлиб, термулиб ўтирмайлик, дедик.

Дуня Свидригайловнинг таклифини эшитиб, ҳаддан ташқари ғалати аҳволга тушди. У ўйга ботганча серрайиб туриб қолганди.

– У жуда ҳам ёмон бир нарсани ўйлаган! – дея шивирлади у овози зўрға чиқиб, жунжикиб кетаркан.

Раскольников унинг жуда ҳам қаттиқ қўрқиб кетганлигини сизди.

– У ҳали менинг олдимга яна кўп марта келса керак, – деди у Дуняга.

– Кузатиб юрамиз! Мен унинг кетидан тушаман! – шахт туриб деди Разумихин. – Кўзим унинг изида бўлади! Родя менга ижозат этган. Унинг ўзи боя менга: «Синглимни эҳтиёт қил!» – деди. Сиз ҳам ижозат этасизми, Авдотья Романовна?

Дуня табассум қилиб, унга қўлини узатди, лекин унинг юзидан ташвиш аримаганди. Пульхерия Александровна унга ботинмайгина қараб қўярди; дарвоқе, уч минг сўмнинг дарагини эшитгандан сўнг унинг кўнгли анча тўқ бўлиб қолганди.

Чорак соатлардан сўнг ҳаммалари қизгин гапга тушиб кетдилар. Ҳатто Раскольников ҳам гарчи суҳбатга қўшилмаса-да, лекин бирмунча вақт уларнинг гапларини диққат билан тинглаб ўтирди. Разумихиннинг оғзи тинмасди.



– Кетишингларни сира ҳам, сира ҳам ҳожати йўқ! – жушиб-тошиб гап уқтирарди у, – кичкинагина шаҳарчада нима ҳам қиласизлар? Бу ерда эса ҳаммадан бурун бир ерда бўласизлар, доим одам одамга керак бўлиб туради, керак бўлганда қандоқ, гапимни тушунинг! Майли, жилла қурса, бир оз вақт туринглар... Мени ўзингизга дўст-биродар, деб билинг, шерикчилик билан иш юритамиз, ишонтириб айтаманки, ажойиб, антиқа бир ишни бошлаб юборамиз. Менга қаранг, ҳаммасини бир чеккадан тушунтириб бераман, нима ўйлаган бўлсам барини айтиб бераман, бутун режаларимни! Ҳали эрталаб ҳеч гап йўқ маҳалидаёқ ми-ямга бир фикр келиб қолди... Гап бундан: менинг бир амаким бор (сизларни у киши билан таништириб қўяман, жуда антиқа ва муҳтарам бир зот!), амакимнинг минг сўм сармояси бор, унинг ўзи нафақа олиб яшайди, пулга муҳтожлик ери йўқ. Икки йилдан бери шу пулни олиб, бир кори ҳолинга ярат, деб сира ҳоли жонимга қўймайди, йилига олти фоизини менга бериб турсанг бўлгани, дейди. Мен у кишининг ниятларини билиб турибман: менга ёрдам бермоқчи, холос, лекин ўтган йили бунинг менга кераги йўқ эди бу йил эса мен чолнинг келишини кутиб юрган эдим келсалар, ўша пулни оламан, деб қўйгандим. Ундан кейин сизлар бунга ўзингизнинг минг сўмингизни қўшасиз анов уч мингдан, кўрибсизки, дастлабки пайтларда ишни бошлаб юбориш учун керак бўлган маблағ тўплаганиб ҳам қолибди. Қани, нима қиламиз?

Шундан кейин Разумихин ўзининг режаларини тушунтира кетди, унингча, бизнинг барча ноширларимиз ва китоб сотувчиларимиз ўзлари чиқараётган ва ўзлари сотаётган китобларни дурустроқ билмайдилар, шунинг учун ҳам улар ёмон ношир деб ҳисобланадилар, ваҳоланки, яхшилаб нашр

қилинган китоблар тез кетади, ўз харажатларини қоплайди ва фойда ҳам беради, баъзан бу фойда жуда ҳам катта бўлади. Икки йилдан бери ноширларнинг ишини қилиб юрган Разумихин ўзи ҳам ноширлик қилиш ниятида эди. У Европа тилларидан уchtасини билар, бир неча кун илгари у Раскольниковни ишга кўндириш ва унга уч сўм бериб туриш учун ўзини немисчадан ҳеч нарсани билмайдиган одам деб кўрсатган бўлса ҳам аслида тилларни жуда яхши эгаллаганди: у ўшанда ёлғон сўзлаганди ва Раскольников унинг ёлғон сўзлаганлигини билганди.

– Нима учун, нима учун биз ўз ҳақимизни бировга бериб қўяр эканмиз, бунинг устига қўлимизда энг асосий нарса – ўз пулимиз бўлса, – қизишиб дерди Разумихин. – Албатта, жуда кўп меҳнат қилиш керак, лекин биз меҳнат қиламиз, сиз, Авдотья Романовна, мен, Родион... Баъзи бир нашрлар ҳозир жуда катта фойда берапти! Энг муҳими, айнан нималарни таржима қилишни билсак, ишимиз шунча мазмундор бўлади. Таржима ҳам қиламиз, нашр ҳам қиламиз, ўрганамиз ҳам, ҳаммасини бир маҳалда қилаверамиз. Менинг энди анча фойдам тегиши мумкин, чунки тажриба ортирганман. Мана, икки йилдирки, у ноширдан-бу ноширга югурганим-югурган, уларнинг бутун нозик томонларини билиб олганман: ишонинг, одам қилган ишни одам қилади! Шундай экан, нима учун, нима учун оғзимизни очиб ўтираверишимиз керак экан! Ўзим биламан, сир сақлаб юрибман икки-учта шундай асарларни биламанки, уларни таржимага таклиф қилиб, ҳар бир таклифнинг ўзига юз олиш мумкин, уларнинг ичида яна биттаси борки, менга беш юз сўм бераман, айт, десалар ҳам айтмаган бўлардим. Сиз нима деб ўйловдингиз, мен уни битта-яримтасига айтсам, у

бунга ишонмай ҳам ўтирар ҳали, тўнка! Иш юри-тиш, нашриётларга чопиш, қоғоз-поғоз, олди-сот-ди ишларнинг ҳаммасини ўзим қиламан! Менга топшираверасиз буларни! Бутун баланд-паст жой-ларини биламан! Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни, деб секин-секин иш бошлаб юбор-сак, жилла қурса, қорнимиз тўқ бўлади, харажат-лар-ку, албатта қопланади.

Дунянинг кўзлари порлаб кетди.

– Сизнинг гапларингиз менга жуда ҳам ёқди, Дмитрий Прокофьевич, – деди у.

– Ростини айтсам, мен бу ишда ҳеч вақони бил-майман, – деб гапга қўшилди Пульхерия Алексан-дровна, – эҳтимол, бу жуда ажойиб ишдир, лекин яна ҳаммаси Худойимга аён. Янги иш бўлгани учун одам бир нарса дегани қийналасан. Албат-та, бир оз вақтга бўлса ҳам бу ерда қолишимизга тўғри келадиганга ўхшайди.

У Родяга қаради.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, ака? – сўради Дуня.

– Менимча, у жуда ҳам яхши ўйлабди, – деб жа-воб берди Родя. – Фирма тузиш ҳақида гап юри-тишга ҳали, балки вақт эртадир, лекин беш-олтита китоб чиқариб, катта натижаларга эришиш мум-кин. Менинг ўзим ҳам агар нашр қилинса, жуда тез тарқаб кетадиган бир асарни биламан. У ишни қандай олиб бора олиши масаласига келганда, бун-га ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас: у ишни билади... Нимасини айтай, ҳали қандай иш юри-тиш ҳақида бафуржа маслаҳатлашиб олишга вақт кўп...

– Яшасин! – деб қичқириб юборди Разумихин, – энди менга қаранглар, мана шу бинонинг ўзи-да шу уйнинг эгаларига тегишли битта хонадон бор. У бошқа хоналардан ажралиб туради, мана бу хоналарга қўшилмаган, жиҳозлари ҳаммаси бор,

баҳоси ҳам унчалар қиммат эмас, уч хонали хонадон. Мен соатни эртага гаровга қўйиб, сизга пулини келтириб бераман, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Энг муҳими, учалангиз бир ерда туришингиз мумкин, Родя ҳам сизлар билан бирга бўлади... Э, қаёққа кетяпсан, Родя?

– Вой Родя, нима, кетяпсанми дарров? – қўрқиб кетган ҳолда сўради Пульхерия Александровна.

– Шундай бир пайтда-я! – қичқирди Разумихин. Дуня акасига ишонқирамай ҳайрон бўлганча қараб қолди. Акаси қўлига фуражкасини ушлаб олган, чиқиб кетмоқчи бўлиб турарди.

– Туришингиздан худди мени гўримга жойлаб келаётганга ўхшайсизлар, бошқа ҳеч қачон кўришмайдиган одамларга ўхшаймиз, – деди у жуда ғалати бир оҳангда.

У жилмайиб қўйгандай бўлди, лекин бу унчалик жилмайишга ҳам ўхшамасди.

– Яна ким билсин, балки ростдан ҳам охирги марта кўришиб тургандирмиз, – деб қўшиб қўйди у беихтиёр.

Назарида бу гапни ичида айтганда эди, лекин гап ўзидан-ўзи оғзидан чиқиб кетганлигини сезмай қолди.

– Вой, ўзи сенга нима бўлди! – қичқириб юборди ойиси.

– Қаерга кетяпсиз, ака? – алақандай ғалати қилиб сўради Дуня.

– Шундай, бормасам бўлмайди, – деб жавоб берди Родя дудмал қилиб, у бир нарсани айтайми-айтмайми, деб турган кишига ўхшарди. Лекин унинг бўздай оқариб кетган юзларидан қандайдир бир нарсага қатъий қарор берганлигини уқиш мумкин эди.

– Бу ерга келаётганимда... мен айтмоқчийдимки... сизларга шуни айтмоқчийдимки, ойижон... сенга ҳам, Дуня, бирмунча вақт кўришмай тур-

сак, ҳаммамизга ҳам яхши бўлар эди. Мен ўзимни жуда ёмон сезяпман, кўнглим алафда... кейин ўзим келаман, ўзим келаман, керак... бўлганда. Мен сизларни ҳеч қачон унутмайман, сизларни севаман... Мени ўз ҳолимга қўйинглар! Тинч қўйинглар мени! Мен шундай фикрга келдим, анча бўлган... Мен шундай фикрга келганман... Бошимга нима тушмасин, ҳалок бўламанми, йўқми, мен ёлғиз бўлишни истайман. Мени буткул унутинглар. Шундай қилганимиз тузук... Мени сўраб-суриштириб юрманглар. Керак бўлган пайтда ўзим келаман ёки... сизларни чақираман. Балки яна ҳаммаси жойида бўлиб кетар!.. Энди бўлса, ҳали менга бўлган муҳаббатингиз сўниб битмасдан туриб, мендан воз кечингиз... Бўлмаса, сизларни кўргани кўзим бўлмай қолади, сезиб турибман буни... Алвидо!

– Ё Раббим! – қичқириб юборди Пульхерия Александровна.

Раскольниковнинг ойиси ҳам, синглиси ҳам даҳшатли даражада кўрқиб кетган эдилар; Разумихин ҳам кўрқди.

– Родя, Родя! Кел, ярашайлик, яна олдингидек тотув яшайлик! – дея хитоб қилди шўрлик она.

Родя оҳиста эшик томонга бурилди ва аста-секин хонадан чиқиб кета бошлади. Дуня унинг орқасидан қувиб етди.

– Ака! Ойимни нима аҳволга соляпсиз! – дея пичирлади у кўзлари газабдан ёнган ҳолда.

Родя унга огир қаради.

– Майли, мен келаман, мен келиб тураман, – дея эшитилар-эшитилмас гудранди у нима деётганини ўзи ҳам билмай, сўнг хонадан чиқиб кетди,

– Бераҳм, бағритош, худбин! – деб қичқириб юборди Дуня.

– У бераҳм эмас, ақлдан о-озган! У ақлдан озиб қолибди! Наҳотки, сизлар буни кўрмаётган бўл-

сангиз? Ўзингиз тошбағир экансиз ундай бўлса!.. – ёниб шивирлади Разумихин қизнинг қулоғига ва унинг қўлларини қаттиқ қисиб қўйди.

– Мен ҳозир келаман! – деб қичқирди у ўлик-тиригини билмай қолган Пульхерия Александровнага ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

Раскольников уни йўлакнинг охирида кутиб турарди.

– Сенинг югуриб чиқишингни билувдим, – деди у. – Уларнинг олдиларига қайт ва уларнинг ёнларида бўл... Эртага ҳам улар билан бирга бўл... Ҳар доим... Мен, эҳтимол, келиб қоларман... Иложини қилсам. Алвидо!

У хайрлашгани қўлини ҳам узатмай узоқлаша бошлади.

– Ахир, қаёққа кетаётирсан! Нима бўлди? Сенга нима қилди? Ахир, шундай ҳам бўладими!.. – дея гўлдирарди бутунлай ўзини йўқотиб қўйган Разумихин.

Раскольников яна тўхтади.

– У қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол: ҳеч қачон мендан ҳеч нарсани сўрама. Сенга ҳеч нарсани айтолмайман... Менинг олдимга келма. Балки мен ўзим бу ерга келарман... Мени қўй, уларни эса қўйма. Гапимга тушундингми?

Йўлак қоронғи эди: улар йўлакка қўйилган чироқ олдида турар эдилар. Бир дақиқа бир-бирларига индамай қараб қолдилар. Шу дақиқалар Разумихиннинг эсида бир умрга қолди. Раскольниковнинг ёниб турган кўзлари унга ўқдай қадалиб турар ва борган сайин унинг қалбига, онгига чуқурроқ кириб бормоқда эди. Бирдан Разумихин қалтираб кетди. Ўрталаридан худди бир ғалати нарса ўтгандай бўлди... Бир фикр нимагадир ишора қилиб ғув этиб ўтди; бу жуда даҳшатли, хунук нарса эди, уни

ҳар икковлари ҳам бирданига тушуниб етдилар... Разумихин мурдадай оқариб кетди.

– Энди тушундингми?.. – деди кутилмаганда Раскольников чехраси азобдан ўзгариб кетган алпозда. – Бор, уларнинг олдиларига қайт, – деб қўшиб қўйди у бирдан ва тезгина орқасига қайрилиб, уйдан чиқиб кетди...

Ўша кеча Пульхерия Александровнанинг бошидан кечирганларини, Разумихиннинг уларнинг ҳузурига қайтиб, тасалли ва таскин берганларини, Родя касал бўлиб қолган, уни ўз ҳолига қўяйлик, кейин унинг ўзи ҳар куни келиб турадиган бўлади, ҳозир жуда ҳам мазаси қочган, хаёли жойида эмас, шунинг учун унинг асабига тегмаслик керак, деб тушунтирганларини, ўзим ҳар куни унинг олдига бориб тураман, уни шифокорга кўрсатаман, энг зўр шифокорни топаман, бир қанча шифокорларга маслаҳат соламан, деб ишонтирганларини... айтмай ҳам қўя қолай бу ерда... Бир сўз билан айтганда, Разумихин шу оқшомдан эътиборан уларга ҳам ўғил, ҳам ака бўлиб қолди.

#### IV

Раскольников эса тўппа-тўғри канал бўйидаги Соня турадиган уйга қараб йўл олди. Бино уч қаватли бўлиб, анча эски, кўк бўёққа бўялганди. У қоровулни қидириб топиб, ундан тикувчи Капернаумов қаерда туришини амал-тақал қилиб билиб олди. У ҳовлининг бурчагидаги эшикдан тор ва қоронғи зинага кириб, ниҳоят, иккинчи қаватга кўтарилди ва ҳовли томондан айланиб ўтган йўлакка чиқди, у қоронғида Капернаумовники қайси экан, деб эсанкираб турган эди, кутилмаганда ундан уч қадам нарида қандайдир эшик очилди; у ғайришуурий равишда эшикка ёпишди.

– Ким бу? – хотин кишининг ташвишли овози эшитилди.

– Бу менман... Сизнинг олдингизга келдим, – деб жавоб берди Раскольников ва торгина даҳлизга кирди. Бу ерда ўртаси букчайиб кетган стул устидаги қийшиқ шамдонда шам ёниб турарди.

– Сизмисиз! Ё Раббим! – заиф қичқирди Соня ва турган ерида қотиб қолди.

– Қаерга кирай? Бу ёққами?

Шундан кейин Раскольников қизнинг башарасига қарамасликка ҳаракат қилиб, дарҳол хона ичига кирди.

Бир дақиқалардан сўнг шам кўтарган Соня ҳам кирди. У шамни стол устига қўйди-да, афтидан, унинг ҳеч кутилмаганда кириб келганидан бўлса керак, кўрқиб кетган, ифодалаб бўлмайдиган даражада ҳаяжонга тушган ва буткул ўзини йўқотиб қўйган ҳолда унинг қаршисида лол туриб қолди. Бирдан унинг рангпар юзларига қон югурди ва, ҳатто, кўзларидан ёш чиқиб кетди... Унинг кўнгли беҳузур бўлди, уятдан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади ва шу билан бирга қалбида тотли бир ҳисни туйди... Раскольников дарров кўзини олиб қочди ва стол олдида турган курсига ўтирди. У ҳужра ичига тезгина кўз югуртириб чиқди.

Бу Капернаумовлар ижара қўйган бирдан-бир хона бўлиб, ўзи кенггина бўлса ҳам шифти паст эди, чап томондаги ёпиб қўйилган эшикдан Капернаумовлар томонга ўтиларди. Ўнг томондаги қарама-қарши деворда яна бир эшик бўлиб, у тимтирс беркитиб ташланганди. Бу рақами ўзга бўлган бутунлай бошқа хонадоннинг эшиги эди. Соня турган хона худди саройга ўхшар, бурчаклари қийшиқ тушган бўлиб, бу уни янада хунук, бедаво қилиб кўрсатарди. Канал томонга қараган учта дераза ўрнатилган девор хонани қийшиқ кесиб ўтар,



шундан хонанинг бир бурчаги ўткир бўлиб, ичкарига кириб борар, натижада хира ёруғда у томонда нима борлигини кўриб ҳам бўлмасди. Хонанинг бошқа бир бурчаги эса ҳаддан ташқари тўмтоқ ва ниҳоятда кўримсиз эди. Ҳайҳотдай хонада жиҳоз деярли йўқ эди. Ўнг тарафдаги бурчакка каравот қўйилганди; каравотнинг олдида эшикка яқин девор томонда курси, яна шу томонда бошқа хонадоннинг беркитиб ташланган эшиги олдида одми тахта стол турар, унинг устига кўкимтир дастурхон ташланганди. Стол атрофида иккита кажава курси бор эди. Бундан ташқари қийшиқ бурчак томонда унчалар катта бўлмаган, оддий ёғочдан ишланган комод турар, у бўшлиқ ичра унчалар кўзга ташланмасди. Хонада бор нарсалар шулардан иборат эди. Сарғиш сийқаси чиқиб, ифлос бўлиб кетган девор қоғозлари бурчак-бурчакдан қорайиб қолганди. Афтидан, қиш пайтларида хона ичи зах ва исга тўлиб кетса керак. Йўқчилик шундоққина кўзга ташланарди. Ҳатто каравот ҳам парда билан тўсилмаганди.

Соня хона ичини эгаси бор-ку, деб истиҳолога бормай диққат билан бирма-бир кўздан кечираётган меҳмондан кўзларини узмай турарди, ниҳоят, сал ўтмай у худди қози олдида, ўз тақдирини ҳал қилувчи бир ҳоким олдида турган кишидай дағдағ қалтирай бошлади.

– Бемаҳал келиб қолдим... Соат ўн бирлар бўлгандир? – сўради Раскольников қиздан ҳамон бошини кўтариб, унга қарамай.

– Бўлгандир, – дея пичирлади Соня. – Ҳа, ўн бир бўлди! – деди қиз шоша-пиша, худди чуқаётган одам жон ҳолатда хаста ёпишгандай, – ҳозиргина уй эгаларининг соати жом чалди... Мен ўзим эшитдим... Ҳа, ўн бир бўлди.

– Мен сизнинг олдингизга охирги марта келишим, – деди қовоғини уйиб олганча Раскольников, гарчи шу келишининг ўзи ҳам биринчи марта бўлса ҳам, – мен, эҳтимол, сизни бошқа кўролмасман...

– Сиз... кетяпсизми?

– Билмайман... Ҳаммаси эртага...

– Унда сиз эртага Катерина Ивановнаникига бормайсизми? – овози қалтираб чиқди Сонянинг.

– Билмайман... Ҳаммаси эртага эрталаб. Гап унда эмас: мен сизга бир нарсани айтгани келдим...

У бошини кўтариб, қизга ўйчан назар ташлади ва шунда ўзининг ўтирганлигини, қизнинг эса унинг қаршисида тик оёқда турганлигини кўрди.

– Нимага тик турибсиз? Ўтиринг, – деди у бирдан ўзгарган, юмшоқ ва майин товуш билан.

Қиз ўтирди. Раскольников унга бир дақиқа илтифот ва шафқат назари билан қараб турди.

– Мунча озиб кетибсиз! Қўлларингизни қаранг! Ҳилвиллаб турибди. Қўлларингиз худди жонсизга ўхшайди.

У қизнинг қўллари ушлади. Соня заиф кулиб қўйди.

– Мен доим шунақаман, – деди у.

– Уйда турганингизда ҳам шундаймидингиз?

– Ҳа.

– Э, ҳа, албатта! – деди у қисқа қилиб, унинг юзидаги ифода ҳам, овозининг оҳанги ҳам бирдан ўзгарди. У яна бир карра ҳамма ёққа разм солиб чиқди.

– Сиз Капернаумникида ижарада турасизми?

– Ҳа-а...

– Улар анави эшик орқасида туришадими?

– Ҳа... Уларнинг хонаси ҳам худди шунга ўхшаган.

– Ҳаммалари бир хонадами?

– Бир хонада.

– Сизнинг хонангизда мен кечалари қўрқиб чиққан бўлардим, – деди у тунд қиёфада.

– Уй эгалари жуда яхши одамлар, яхши муомала қилишади, – дея жавоб берди Соня ҳамон ўзига келмасдан, ҳамон фикрини бир ерга тўплаб олмасдан, – бутун жиҳозлар, ҳаммаси... ҳаммаси... ўшаларники. Менга ёмон гапиришмайди, болалари ҳам олдимга чиқиб туришади.

– Улар дудуқ шекилли, а?

– Ҳа... У дудуқланиб гапиради, оёғи ҳам чўлоқ. Хотини ҳам шунақа... Дудуқланаётганга ҳам ўхшамайди, худди гапини ямлаб қолаётганга ўхшайди. У жуда ҳам меҳрибон хотин. Эри илгари қарол бўлган. Болалари еттита... фақат тўнғичи дудуқланиб гапиради, бошқалари касалманд, лекин дудуқланмайдилар... Сиз ўзингиз уларни қаердан биласиз? – деб сўради у гапининг охирида бир оз ажабланган ҳолда.

– Менга отангиз ўшанда ҳаммасини айтиб берган эди. У сиз ҳақингизда менга ҳаммасини гапириб берганди... Сизнинг соат олтида кетиб, тўққизда кириб келганингизгача, Катерина Ивановнанинг сизнинг оёғингизга тиз чўкиб турганигача айтиб берган.

Соня уялиб кетди.

– Бугун у киши худди кўзимга кўрингандай бўлди, – ботинмайгина шивирлади қиз.

– Ким?

– Отам. Мен соат ўнларда анави кўча четида бо раётган эдим, бурчакка бориб қолгандим, худди у киши олдимда кетаётгандай бўлди. Тагин худди ўзи денг. Мен Катерина Ивановнанинг олдига кириб кета қолайми ҳам дедим...

– Сиз айланиб юрганмидингиз.

– Ҳа, – деди қисқа қилиб, Соня бирдан тилини тишлаб, бошини ҳам қилар экан.

– Отангиз бор пайтидаёқ Катерина Ивановна сизни калтаклагандан баттар қилар экан-ку?

– Вой, йўқ, нима деяпсиз, нима деяпсиз ўзи, йўқ! – аллақандай кўрқиб кетган ҳолда унга қаради Соня.

– Нима, сиз уни яхши кўрасизми?

– Уними? Бўлмасам-чи-и! – деди Соня юраги ачишиб, раҳмдиллик билан, сўнг қўлларини қовуштирди. – Оҳ! Сиз уни... Билсайдингиз. Ахир, у худди боланинг ўзи... Ахир, у кишининг миялари бутун чалкашиб кетган... ғамдан. У кишининг қандай ақли... қандай олижаноб... қандай меҳрибон бўлганлигини билсайдингиз! Сиз ҳеч нарсани, ҳеч нарсани билмайсиз... Оҳ!

Соня бу сўзларни жуда умидсизланиб, тўлқинланиб ва қийналиб, қўлларини қисирлатиб синдириб туриб айтди. Унинг рангпар ёноқларига яна қизиллик югурди, кўзларига мунг чўкди. Унинг юрагидаги дардни тимдалаб юборгандай эдилар, у шу тобда дилидагини ифодалаб бермасдан, билганини айтмасдан, кимнидир ҳимоя қилмасдан туролмайдиган ҳолатда эди. Қандайдир ҳеч қондирилмаган шафқат-мурувват акс этиб кетди унинг юзларида.

– Урганмиш! Нима деяпсиз ўзингиз! Ё Раббим, урганмиш! Мабодо, урган бўлганда ҳам нима, осмон узилиб ерга тушибдими! У ер-бу ерим ейилиб қолмагандир, ахир? Сиз ҳеч нарсани, ҳеч нарсани билмайсиз... Шунақанги шўрпешона хотинки, оҳ, шунақанги шўрпешона хотинки! Касалманд... У киши адолат бўлсин, дейдилар... У киши покиза хотинлар. У киши ҳамма нарсада адолат бўлиши керак, деб биладилар ва адолат бўлишини талаб

қиладилар... Мабодо, қийнаб ўлдирган тақдирингизда ҳам у киши ноҳақликка йўл қўймайдилар. У кишининг ўзлари билмайдилар, одамлар ичида баравар адолат билан иш қилиб бўлмаслигини, беш қўл баробар эмаслигини билмайдилар, кейин хафа бўлиб юрадилар... Худди ёш боланинг ўзи, ёш бола, дейсиз, худди! У киши жуда ҳақгўй, ҳақгўй!

– Сизнинг тақдирингиз нима бўлади?

Соня унга тушунмай қаради.

– Улар ахир сизнинг бўйнингизда қолишган-ку. Тўғри, олдинлари ҳам ҳаммаси сизнинг бўйнингизда эди, марҳум отангиз ҳам олдингизга пул сўраб келаркан ароққа. Қани, мана энди нима бўлади?

– Билмайман, – деди маъюслик билан Соня.

– Улар ўша уйда туришаверадимиз?

– Билмадим, ўша уйда туришлари керак, лекин эшитишимча, уй бекаси истамаётган эмиш, Катерина Ивановнанинг ўзи бўлса бир дақиқа ҳам бу ерда яшамайман, деяпти.

– У киши нимасига ишониб бундай қилади? Сизга ишонганиданми?

– Оҳ, йўқ, ундай деманг!.. Биз ҳаммамиз бир кишидай бўлиб яшаймиз, – бирдан яна ҳаяжонга тушиб ва, ҳатто, фижиниб деди Соня, бу жимитгина жон булбулчанинг ёки бошқа биронта кичкина қушчанинг безовта бўлиб жаҳли чиққанига ўхшаб кетарди. – У кишининг бошқа нима ҳам иложи бор? Нима қилсин, ахир, нима қилсин? – дея сўрарди қиз қизишиб, тўлқинланар экан. – Бугун у кишининг юм-юм йиғланларини бир кўрсайдингиз! У кишининг ақли кирди-чиқди бўлиб қолган, сезмадингизми? Кирди-чиқди бўлиб қолган; гоҳ ёш болаларга ўхшаб эртага ҳамма нарса жойида бўлсин, деб ташвишланади, дастурхон тузукроқ ясалсайди, дейди ва умуман... Гоҳ қўлларини қирсиллатиб синдиргани

синдирган, қон тупуради, йиғлайди, бирданига ўзидан-ўзи бошини деворга уриб, ваҳима қилади. Кейин яна ўзига келиб қолади, нуқул сизга ишонгани ишонган: энди менга ёрдам берадиган одам топилди, дейди, энди бирон жойдан озроқ пул қарзга олиб, ўзимнинг шаҳримга кетаман, сени ҳам олиб кетаман, қизлар мактаби очаман, сени эса нозира қилиб оламан, ана ундан кейин ҳаётимиз бутунлай бошқача бўлиб кетади, гўзал ҳаёт кечирамиз, деб айтганлари айтган, шундай дейдилару мени ўпганлари ўпган, қучоқлайдилар, таскин берадилар, овутадилар, шундай бўлишига бирам ишонадиларки! Одам хом хаёлга ҳам шунчалик ишонадими, дейсиз! Шундай деб турганларидан кейин у кишига бир нарса деб бўлармиди? Бугун куни билан ювди, тозалади, тузатди, ямоқ-яскоғини тўғрилади, тосни ҳам шунча кучдан қолган бўлишига қарамасдан хона ичига ўзи олиб кирди, кирди-ю шартта ўрнига қулади бечора. Яна денг, эрталаб биргаликда Полечка билан Леняга оёқ кийими олгани тимга боргандик, болаларнинг бутун оёқлари далва-далва бўлиб кетган экан ўзиям, фақат олмоқчи булган нарсаларимизга пулимиз етмай қолди, анча етмади, у киши шундай ҳам чиройли оёқ кийими танлаган эдиларки, асти қўяверасиз, у кишининг дидлари жуда баланд, сиз билмайсиз... Шу дўконнинг ўзида туриб йиғлаб юбордилар, сотувчиларнинг олдида денг, пулим етмади деб... Оҳ, кўриб одамнинг юраги эзилиб кетди.

– Сизнинг бундай... Яшашингизга ажабланмаса ҳам бўларкан, бу гапларингизга қараганда, – деди аччиқ тиржайиб Раскольников.

– Сиз ачинмайсизми? Ачинмайсизми? – яна ёниб-куйиб деди Соня, – сиз, ахир, чўнтагингиздаги ҳамма пуллариңизни сира қолдирмай, ташлаб кетдингиз-ку, ҳали ҳеч нарсани кўрмай-билмай

шундай қилдингиз, мен биламан. Агар мен айтган нарсаларни ҳаммасини ўзингиз кўрган бўлганингизда, ё Раббим, нима қилардингиз, билмадим! Мен ўзим ҳам у кишини неча-неча марта хафа қилиб қўйганман! Ўтган ҳафтада ҳам хафа қилиб қўйдим! Вой, мен ўла қолай! Отам ўлмасларидан бир ҳафта олдин. Жуда ёмон иш қилиб қўйдим! Бу бир марта бўлса ҳам майлиди. Оҳ, эсласам, куни бўйи дилим вайрон бўлиб юрдим!

Соня бўлган воқеани эслаб, камоли хафа бўлиб кетганидан қўлларини қарсиллатиб синдирарди.

– Сизми шунчалар тошбағир?

– Ҳа, мен, мен! Ўшанда уйга борувдим, – дея давом этди қиз йиғлаб, – отам: «Менга ўқиб бер, Соня, дедилар, бошим оғриб кетяпти, менга ўқиб бер... Мана китоб», – дедилар. Қўлларида қандайдир китобча, Андрей Семёничдан биласиз-ку, анави Аебезятников, шу ерда туради, нуқул ғалати, қизиқ китобларни топиб юради, ана ўша кишидан олган эканлар. Мен бўлсам «боришим керак», дедим, ҳеч китоб ўқигим келмовди, янги ёқа олган эдим, шуни ўзим Катерина Ивановнага кўрсатгани киргандим; менга Лизавета деган майда-чуйда сотиб юрадиган қиз ёқалар, тўрлар олиб келганкан, шуни кўрсатмоқчийдим, чиройли, арзон, янгигина, гул солинган экан денг. Катерина Ивановнага ҳам жуда ёқди, у киши ўзлари тутиб кўриб ойнага қарадилар, жуда, жуда яхши экан, дедилар: «Менга ҳадя қилиб қўя қол, Соня, дедилар, майлими, дедилар». Майлими, деб илтимос қилдилар, жуда ҳам беришимни хоҳлаган эканлар. Лекин қаерга ҳам чиқардилар бундай ёқада? Бир ўтган ажойиб кунлари эсга тушиб кетди шекилли-да! Ойнага қарагани-қараган, кўзларини узолмайди денг, ваҳоланки, эгнига киядиган уст-боши қолмаган, мана, неча йиллардан бери ҳеч вақоси



йўқ! Бунинг устига ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳеч нарса сўраган эмас; жуда орияти кучли хотин, ўзи охирги нарсасини бировга берсаям, лекин бошқалардан нарса сўрамайди, шундай бўла туриб, кўзлари қизиб ҳалиги нарсаларни сўраб қолсалар бўладими, жуда ҳам ёқиб қолган экан-да! Мен ўла қолмайманми, ўшанда бергим келмаса бўладими, «Сизга нима кераги бор, Катерина Ивановна?» деб қўйибман. Рост, худди шундай дедим: «Сизга нима кераги бор», дедим. Ахир, ҳеч замонда келиб-келиб, у кишига ҳам шундай деб бўладими! У киши менга шундай қилиб қарадиларки, шунчалар хафа бўлиб кетдиларки, мен йўқ деганимдан кўзларига тик қаролмадим... Ёқани бермаганим учун эмас, йўқ деганим учун хафа бўлдилар, шундоқ кўриб турдим. Оҳ, қанийди, кўлимдан келса, ҳаммасини бошқача қилган бўлардим, ҳамма сўзларимни қайтиб олган бўлардим... Оҳ, мен ўла қолай!.. Қўйинг, сизга бари бир эмасми!

– Ўша Лизавета деган олиб-сотар қизни билармидингиз?

– Ҳа... нима, сиз ҳам уни танирмидингиз? – бир мунча ҳайрон қолиб сўради Соня.

– Катерина Ивановна сил бўлиб қолган, сил бўлганда ҳам тузалмайдиган; у тезда ўлади, – деди Раскольников саволга жавоб бермасдан, сўнг жим бўлди.

– Оҳ, йўқ, йўқ, йўқ! – Соня худди йўқ деб айтинг дегандай ёлвориб, беихтиёр унинг қўллари-дан маҳкам ушлаб олди.

– Ахир, бу кунидан ўлгани яхши-ку.

– Йўқ, яхшимас, яхшимас, сира ҳам яхшимас! – деди кўрқиб кетган, ўзини унутган ҳолда такрорлади қиз.

– Болалар-чи? Болаларни сиз боқмасангиз, ким боқади?



– Оҳ, билмайман, билмайман! – деб қичқириб юборди бутунлай умидсизликка берилган ҳолда Соня бошини чангаллаб ушларкан. Қиз бу ҳақда жуда кўп ўйлагани, ўйлаб ўйининг охирига етолмагани; Раскольников битмаган ярани тирнаб юборгани шундоқ кўриниб турарди.

– Хўп, мабодо, ҳозир Катерина Ивановна тирик пайтида шу кунларда касал бўлиб қолсангиз, сизни касалхонага ётқизсалар, ана унда нима бўлади? – баттоллик билан кўймай сўрарди Раскольников.

– Оҳ нима деяпсиз, нима деяпсиз! Бундай бўлиши мумкин эмас! – Сонянинг юзи даҳшатли ўзгариб кетди.

– Нега энди бўлмас экан? – айтганидан қолмасди Раскольников аёвсизлик билан тиржайиб, – сиз темирдан ясалмагансиз-ку? Ана унда уларнинг аҳволи нима кечади? Ҳаммалари кўчада қоладилар, Катерина Ивановна тинмай йўталиб тиланчилик қилади, бугунга ўхшаб бирон ерда бошини деворга дўқиллатиб уради, болалар эса чуввос солиб йиғлашади... Кейин оёқда туролмай, ерга йиқилади, уни касалхонага олиб кетишади, касалхонада ўлади, болалар эса...

– Оҳ, йўқ!.. Худо бор-ку тепада! – фарёд отилиб чиқди Сонянинг сиқилиб кетган кўкракларидан. У Раскольниковга ёлворган кўйи қараб, гўё ҳамма нарса унинг азму иродаси билан ҳал қилинадигандай кўлларини илтижо билан букиб қулоқ соларди.

Раскольников ўрнидан туриб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бир дақиқача вақт ўтди. Соня даҳшатли ғамдан қадди ёй бўлиб, кўллари ва бошини солинтирганча турарди.

– Пул йиғса бўлмасмикин? Бир кунига яраб қолармиди? – деб сўради Раскольников кутилмаганда қизнинг олдида тўхтаб.

– Йўқ, – дея пичирлади Соня.

– Ўзим ҳам шундай девдим! Сира йиғиб кўрган-мидингиз? – қўшиб қўйди у худди масхара қилгандай бўлиб.

– Йиғмоқчи бўлгандим.

– Йиғолмагансиз, шундайми! Ўзим ҳам айтудим! Сўраб ўтирганимни қаранг!

У яна хонани кеза бошлади. Яна дақиқалар ўтди.

– Қўлингизга пул кунда тушмас, а?

Соня олдингидан ҳам баттароқ уялиб кетди яна юзига қон югурди.

– Йўқ, – деди зўрфагина азоб ичида.

Полечканинг бошига ҳам шу кун тушса керак, – деди кутилмаганда Раскольников.

– Йўқ! йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас, йўқ! – ваҳима ичида бақриб юборди Соня худди уни биров пичоқ билан сўяётгандай. – Худойим бундай даҳшатга йўл қўймайди, йўл қўймайди!..

– Бошқаларга йўл қўйибди-ку.

– Йўқ, йўқ! Уни Худойимнинг ўзи сақлайди, сақлайди!.. – дея такрорлади қиз ўзини унутиб.

– Балки Худо деганингизнинг ўзи таг-туги йўқ нарсадир, – аллақандай ёвуз заҳарханда билан деди Раскольников ва кулиб қизга қаради.

Сонянинг чехраси бирдан даҳшатли тарзда ўзгариб кетди: унинг юзи пир-пир уча бошлади. Қиз ифода қилиб бўлмас даражадаги бир ёзғириқ билан унга қаради, нимадир демоқчи бўлди, лекин тили калимага келмади ва бирдан қўлларини юзига босиб, аччиқ-аччиқ йиғлаб юборди.

– Сиз Катерина Ивановнанинг мияси чалкашиб кетган, дейсиз; ўзингизнинг миянгиз чалкашиб кетибди, – деб қўйди Раскольников бирпас жимликдан сўнг.

Беш дақиқалар чамаси ўтди. Раскольников ҳамон у ёқдан-бу ёққа бориб келар, қизга қарамас-

ди. Ниҳоят, у қизнинг олдига келди; унинг кўзлари ёнарди. У иккала қўли билан қизнинг елкаларидан ушлади ва унинг кўз ёшлари шашқатор оқиб турган юзига тик қаради. Унинг лахча чўғ каби ёнаётган кўзлари қизга ўқдай қадалди, лаблари қаттиқ қалтирарди... Дафъатан, у шахт билан энгашиб, полга чўкди-да, қизнинг оёқларидан ўпди. Соня телба одамдан қочгандай, даҳшат ичида ундан ўзини олиб қочди. Ҳақиқатан ҳам унинг телбадан фарқи қолмаганди.

– Нима қиялпсиз? Нима қиялпсиз? Мени-я! – ғўлдиради қиз ва ранги оппоқ ўчиб кетди, шунда унинг юраги сиқилгандан сиқилди, чидаб бўлмас бир оғриқ сезде жонида.

Раскольников дарҳол ўрнидан турди.

– Мен сенга таъзим қилганим йўқ, мен одамзоднинг дардига таъзим қилдим, – ёввойи бир товуш билан деди у ва ўзини дераза томонга олди. – Менга қара, – деди у салдан сўнг қизнинг ёнига келиб, – мен боя бир гўрсўхтага сен шу қизнинг тирноғига ҳам арзимайсан, деб айтдим... мен сени бугун синглимнинг ёнига ўтқазиб, ҳурматладим, дедим.

– Оҳ нега ундай дедингиз! Синглингизнинг ўзлари ҳам бормидилар? – қўрқиб кетиб қичқириб юборди Соня, – мен билан ёнма-ён ўтирди, дедингизми! Шу ҳурматми! Ахир, мен... Бадном бўлганман, ёмон, ёмон, юзи қароман! Оҳ, нега ундай дедингиз!

Мен буни сенга бадном бўлганинг, гуноҳкорлигинг учун айтганим йўқ, мен буни сен чекаётган азоб-уқубат абгорлик ҳақида айтдим. Гуноҳ ҳақида гапирдинг, сен чиндан ҳам ёмон гуноҳкорсан, – деб қўшимча қилиб қўйди у тантанаворлик билан, – ҳаммадан бурун сенинг гуноҳинг бекордан-бекорга ўзингни ҳалокатга тутиб берганинг ва ўзингни-ўзинг тубсиз чоҳга ташлаганингда. Тағин

бу даҳшат бўлмасинми? Ўзинг кўриб, билиб туриб, ўзинг нафратланиб туриб мана шу ифлослик ичида яшаётганинг ва жонингни жабборга берганинг билан ҳеч кимга нафинг тегмаётгани ва ҳеч кимсани азоб-уқубатлардан қутқариб қола олмаётганинг ҳамда буларнинг ҳаммасини билиб турганлигинг (буни кўриш учун кўзингни салча каттароқ очсанг, кифоя), тагин ҳам даҳшат бўлмасинми! Қани, менга ўз оғзинг билан айт-чи, – дея кўпик сочгудай бўлиб газаби қайнаб қичқирди у, – бундай шармандалик ва бундай ифлосликни юрагингдаги олижаноб туйғулар билан қандай қилиб, бир ерга сиғдириб юрибсан, ахир? Ахир, ўзингни сувга ташлаб, ҳаммасига бирданига ва биратула барҳам бериб кўя қолганинг бундан кўра минг марта яхши эмасмиди, бундан кўра минг карра афзал, минг карра маъқул бўлмасмиди!

– Улар-чи, улар нима бўлади? – заиф товуш билан сўради Соня кўзларида уқубат акс этиб, унинг бу гапдан мутлақо ажабланмагани кўриниб турарди. Раскольников унга ғалати қаради.

Қизнинг биргина шу қарашидан унга ҳамма нарса равшан бўлди. Демак, ростдан ҳам қизда шундай бир фикр ҳам пайдо бўлган экан-да. Эҳтимол, у ҳеч иложи қолмагандан кейин ҳаммасига бирдан, бирваракайига барҳам бериш ҳақида жуда жиддий равишда ўйлаб юрган бўлса керакки, Раскольниковнинг ҳалиги гапига, ҳатто ҳайрон бўлгани ҳам йўқ. Ҳатто унинг сўзлари қанчалар бағритошлик билан айтилганлигини ҳам пайқамади (Раскольниковнинг таъна-надоматларини, унинг бадномлигига бўлган ўзгача бир муносабатини ҳам қиз сезмади, унинг сезмаганлиги Раскольниковга шундоқ кўриниб турмоқда эди). Соня ўзининг шармандаи шармисор бўлиб, бадномлик балосига йўлиққанини ўйлайвериб, адойи тамом

бўлган, бағрида бутун жойи қолмаган, бу ҳам Раскольниковга хийлагина равшан эди. Нима учун у шу пайтгача ҳаммасига бирйўла чек қўймади экан? Уни бундан нима тўхтатиб келди экан, нима экан? Шундагина Раскольников мана шу йўқчилик офатига йўлиққан мурғак болалар, ўша етимчалар билан сил бўлиб, телбаланиб қолган, бошларини деворга уриб, фарёд кўтарадиган шўрлик Катерина Ивановна қизнинг ҳаётида қандай ўрин ишғол қилганлигини бир қадар англаб етди.

Шунга қарамасдан, Соня ўзининг шу феъли атвори ва озми-кўпми олган таълим-тарбияси билан ҳеч қачон мана шундай аҳволда узоқ қололмаслиги ҳам унга равшан кўриниб турарди. Нима учун қиз мана шундай ҳаётда анчадан бери кўникиб яшаб келмоқда, хўп, ўзини сувга ташлаб ўлдиришга кучи етмаган экан, нима учун шу вақтгача ақдан озиб қолмади, Раскольниковга мана шу томони қоронғи эди. У албатта, Сонянинг тақдири жамиятда тасодифий бир ҳодисалигини тушунарди, шунга қарамасдан бу ҳол фавқулодда ҳодиса бўлмай, бундай кўргиликка дучор бўлганлар сони анчагина бор эди. Лекин худди мана шу нарса, яъни тасодифий равишда шундай бўлиб чиққанлиги, унинг ҳарқалай озми-кўпми тарбия кўрганлиги ва умуман, бутун олдинги ҳаёти у бу расво йўлга кирган заҳоти ўлимга олиб бориши керакдай эди. Уни нима тўхтатиб қолди экан? Фаҳшга берилиб кетдимикин? Лекин бу шармисорлик унинг фақат ташқи суратигагина таъсир қилганга ўхшарди; чинакам фаҳшнинг ҳали бир томчиси ҳам унинг қалбига томмаган эди; Раскольников буни кўриб турарди; у гўё қиз юрагининг қаърига назар ташлаганди...

«Унга уч йўл қолган, – деб ўйларди у, – ўзини сувга ташлаш, жиннихонага тушиш, ёки... ёки

бўлмаса, ақдга оғу бўлиб, юракни тошга айлантирадиган фақшга муккасидан кетиш». Айниқса, шу кейинги йўл уни жуда ёмон рижинтириб юборди, лекин унда ҳеч нарсага ишонч қолмаганди, у ёш эди, ҳавойи эди ва демакки, бераҳм эди, шунинг учун ҳам сўнгги йўл, яъни фақш йўли унга ҳаммасидан ҳам осонроқ бўлиб кўринарди.

«Наҳотки, ҳали покиза, руҳига гард қўнмаган шу хилқат, – деб хитоб қилди у ўзига ўзи, – кўра-била туриб, шу разолатнинг бадбўй чоҳига ташласа, ростдан ҳам шундай бўлармикин? Наҳот, у борган сари чоҳга томон яқинлашиб бораётган бўлса, наҳот, бу булғанч унинг кўзларига у қадар хунук кўринмаётган бўлса ва худди шунинг учун ҳам чидаб келаётган бўлса? Йўқ, йўқ ундай бўлиши мумкин эмас! – деб хитоб қилди у худди боя Соняга ўхшаб, – йўқ, у шу пайтгача ўзини сувга ташламаган бўлса, буни гуноҳ бўлади деб қилмаган, уларни, анавиларнинг тақдирини ҳам ўйлаган... Мабодо, у ҳали ҳанузгача ақдан озмаган экан... Лекин ким айтади уни ақдан озмаган деб? Наҳот, ҳозирда унинг ақли ҳуши жойида бўлса? Соғ одам у боя гапиргандай қилиб гапирадими ҳеч замонда? Ақли ҳуши жойида бўлган киши унга ўхшаб фикр юритадими? Ҳалокат ёқасида, ўзини тобора тортиб кетаётган сассиқ чоҳ тепасида ўтириб, ҳой, эҳтиёт бўл, ҳозир тушиб кетасан, десалар, қўлларини силкиб, қулоқларини беркитиб олгани қандоқ бўлди ўзи? Нима, наҳот, у мўъжиза рўй беришини кутаётган бўлса? Ҳа, шундай бўлса керак. Ахир, буларнинг бари ақдан озганликнинг нишонаси эмасми?»

У шундай тўхтамга келди. Ишнинг ажр-оқибати шундай бўлиб чиқиши унга маъқулроқ эди. У қизга диққат билан тикилиб қарай бошлади.

– Сен Худога кўп сиғинасанми, Соня? – деб сўради у қиздан.

Соня жавоб бермади, у қизнинг ёнида туриб, жавоб кутарди.

– Худойим бўлмаса, менинг ҳолим нима кечарди? – шахт билан шивирлади қиз унга бирдан ярқ этиб қараб, сўнг унинг қўлини қаттиқ сиқди.

«Худди ўзим айтганимдай!» – деб ўйлади Раскольников.

– Худо сенга бунинг эвазига нима қилиб беради? – сўради ижикланиб Раскольников.

Соня анчагача худди жавоб беролмагандай индамай турди. Унинг торгина кўкраги ҳаяжондан кўтарилиб тушарди.

– Жим бўлинг! Сўраманг! Сиз арзимайсиз!.. – бирдан қичқириб юборди у йигитга ўқрайиб, ғазабланиб қараркан.

«Худди ўзи! худди ўзи!» – деб такрорларди Раскольников ўзича.

– Унинг қўлидан ҳамма нарса келади! – шиддат билан шипшиди қиз яна бошини қуйи эгиб.

«Мана, сизга ажр-оқибат! Мана, сизга унинг изоҳи!» – деб ўйлади Раскольников қизга ҳаддан зиёд қизиқиб тикиларкан.

У янги, ғалати, юрагини ўртаган бир туйғу билан қизнинг ушбу рангпар, озгин, бичими андак ўхшовсизроқ чехрасига, бир зумда оловланиб кетиши, шиддатли бир тусга кириши мумкин бўлган бу мовий, маъюс кўзларга, ҳамон ғазаб ва қаҳрдан ғалаёнга келиб турган бу нозик вужудга термиларкан, буларнинг бари борган сари жуда ғалати, тушуниб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган нарсалар бўлиб туйила бошлади. «Телба! телба!» – дея такрорларди у ўзича.

Пастак жавон устида қандайдир бир китоб ётарди. Раскольников ҳар сафар у ёқдан-бу ёққа



бориб келаркан, кўзи шу китобга тушарди. Мана энди шу китобни у қўлига олиб қаради. Бу Янги аҳднинг русча таржимаси эди. Китоб эски, анча тутилган, чарм муқовали эди.

– Бу қаердан келиб қолди? – қичқириб сўради у қиздан хонанинг нариги бошида туриб. Қиз ҳамон ўша жойида столдан уч қадамча нарида турарди.

– Менга олиб келиб беришган эди, – деб истар-истамай, унга қарамасдан жавоб берди қиз.

– Ким берди?

– Лизавета берди, мен илтимос қилган эдим.

«Лизавета! Қизиқ!» – деб ўйлади Раскольников.

Соняга алоқадор нимаики бўлса, ҳаммаси борган сари унга ғалати, антиқа ва ажойиб бўлиб кўрина бормоқда эди. У китобни шам олдига олиб келиб варақлай бошлади.

– Лазар ҳақидаги жойи қаерда эди? – кутилмаганда сўраб қолди Раскольников.

Соня ердан ҳеч бошини кўгармас ва жавоб бермасди. У столга ёни билан турарди.

– Лазарнинг тирилиши ҳақидаги жойи қаерда? Менга топиб бер, Соня.

Соня, унга кўз қирини ташлади.

– У ерда эмас... Тўртинчи Инжилда... – қовоғини очмасдан шивирлади қиз унга томон келмасдан.

– Топиб, менга ўқиб бер, – деди Раскольников ва столга суяниб ўтирди, қўллари билан бошини тиради ва эшитишга чоғланиб, қовоғини уйган ҳолда кўзларини бир четга тикди.

«Уч ҳафталардан кейин еттинчи чақиримга, марҳамат қилгайсиз! Мен ўзим у ерда бўладиганга ўхшайман, агар ундан ҳам ёмонроқ иш бўлмаса», – деб ўзича ғўлдиради Раскольников.

Соня Раскольниковнинг ғалати истагини ишон-қирамайгина тинглагач, стол томонга журъатсиз-



гина қадам ташлади. Нима бўлганда ҳам ҳайтовур қўлига китобни олди.

– Сиз ўқимаганмисиз? – сўради қиз стол оша унга ер остидан қараб. Унинг овози борган сари қаттиқ, дағал бўла бормоқда эди.

– Анча бўлди... Мактабда ўқиганман. Ўқи!

– Черковда эшитмаганмисиз?

– Мен... Бормаганман. Сен черковга тез-тез бориб турасанми?

– Й-йўқ, – шивирлади Соня.

Раскольников кулиб қўйди.

– Тушунарли... Эртага отангни кўмишга ҳам бормаёсанми, унда?

– Бораман. Мен ўтган ҳафта ҳам боргандим... Фотиҳа ўқитиб келдим.

– Кимга?

– Лизаветага. Уни болта билан чопиб ўлдириб кетишган эди.

Раскольниковнинг асаблари борган сари таранг тортилмоқда эди. Унинг боши айланиб кетди.

– Сен Лизавета билан ўртоқмидинг?

– Ҳа... У жуда тўғри қиз эди... Унда-бунда... келиб турарди... кўп келолмасди. Китобни у билан бирга ўқирдик ва... муҳокама қилардик. У художўй эди.

Бу китобий сўзлар Раскольниковнинг қулоғига галати эшитиларди ва яна Лизаветанинг бу ерга сирли равишда қатнаб юришлари ҳам унинг учун яигилик эди, икки жинни бир бўлиб олишган экан-да.

«Бу ерда ўзинг ҳам жинни бўлиб қоласан, дарров юқади!» – деб ўйлади у. – Ўқи! – деб буюрди у бирдан аччиқланган ҳолда зарда билан.

Соня ҳамон иккиланиб турарди. Юраги гурсилаб урарди. Унга китоб ўқиб бергани нимагадир

журъат қилмасди. Раскольников «шўрлик жинни»-га юраги ачишиб қараб турарди.

– Нима қиласиз? Ахир, сиз Худога ишонмай-сиз-ку?.. – секингина пичирлади қиз нафас олиши оғирлашган ҳолда.

– Ўқи! Мен шуни истайман! – деб қўймасди Раскольников, – Лизаветага ўқиб бергансан-ку, ахир.

Соня китобни очиб, керакли жойини топди. Унинг қўллари қалтирар, овози ичидан чиқмасди. Икки марта бошлаб, ҳар сафар биринчи бўғинни айтолмай тўхтаб қоларди.

*«Вифаниялик Лазар деган кимса хасталик тўшагида ётарди...»* – ниҳоят зўрғагина овози чиқди қизнинг, лекин бирдан учинчи сўзга келиб, унинг овози худди ҳаддан ташқари таранг тортилган ва узилиб кетган тор сингари бир жаранглаб сўнг тинди. Нафаси ичига тушиб кетди, юраги сиқилиб-сиқилиб оғриди.

Раскольников нима учун Соня ўқигани журъат қилолмаётганлигини бир жиҳатдан тушунарди ва тушунгани сайин ўқи, деб қаттиқ туриб талаб қилар, серзардароқ бўла бормоқда эди. У қиз ўз-лигини фош қилишни, намойиш қилиб кўрсатишни истамаётганлигини, бу унга оғирлигини жуда ҳам яхши англади. У қизнинг бу туйғулари унинг яширин сири эканлигини, улар ҳали қизнинг нораства пайтларидаёқ, бадбахт ота ва ғам-аламдан телбаланиб қолган ўғай она қошида, оч-яланғоч гўдаклар орасида, уруш-тўполон, жанжал-суронлар ичида, эҳтимолки, оруланган туйғулар эканлигини ва улар қизнинг ўтмиши ҳамда бугунини белгилаб турганлигини тушунди. Шу билан бирга у ҳозир қизнинг ўқишга тутиниб, нимадандир жуда ёмон юраги сиқилаётганлигини, нимадандир жуда ҳам кўрқиб кетаётганлигини, лекин шун-

га қарамасдан юраги зириллаб турган, бутун вужудини қўрқинч-ваҳима эгаллаб олган бўлса ҳам бари бир, худди унга, худди у эшитсин ва худди ҳозир, шу тобда эшитсин, деб ўқигиси ҳам келар, «ундан кейин нима бўлса бўлар!» дерди... Раскольников буни унинг кўзларидан уқди, қизнинг ўзида йўқ ҳаяжонга тушганлигини пайқади... Қиз ўзини мажбур қилиб бўлса ҳам китобни қўлга олди, томоғига тиқилиб қолган нарсани ютди ва овозидаги қалтироқни енгиб, Юҳанно Инжилнинг ўн биринчи бобини ўқишда давом этди. Шу тариқа у 19-байтгача ўқиди:

*«Марфа билан Марямга уларнинг яҳудий қавмларидан кўплари акасининг гамига шерик бўлдилар. Марфа Исо алайҳиссалом келаётганлигини эшитиб унга пешвоз чиқди; Марям уйда қолди. Шунда Марфа Исо алайҳиссаломга айтди: Ё Раббим! Сен қошимизда бўлсанг эди, биродарим ўлмас эди. Лекин биламанки, сен Худодан тиласанг Худо сенга ато қилур».*

Қиз шу ерга келганда, яна тўхтаб қолди, ҳозир яна овозим қалтираб узилади, деб ўйлаб юраги пўкиллади...

*«Исо алайҳиссалом унга айтди: биродаринг тирилгай. Марфа айтди: рўзи қиёматда тирилар кун келганда тирилгай. Исо алайҳиссалом айтди: «Мен тириклик ва бақодирман; менга имон келтирганнинг жони узилса, яна унга жон ато бўлгай. Ва неким тирикдир, неким менга имон келтирмиш бўлгай умри бақога эришгай. Сен шунга имон келтирасанму? У айтди:*

*Соня офир сўлиш олиб, гўё ўзи ҳамманинг кўз ўнгида дил розини айтаётган каби дона-дона қилиб ҳис билан ўқиди:*

*Имон келтираман, ё Раббано! Имон келтираман, сен Исо Масиҳодурсен, Худонинг ўғлидурсен, мадҳи улёсен».*

Қиз тўхтаб тезгина бўлса-да, бир унга қараб олмақчи ҳам бўлди, лекин ўзини дарров қўлга олиб ўқишда давом этди. Раскольников қимир этмай, ўтириб эшитар, бошини ўгириб қарамас, столга тираниб олганча, кўзларини четга тиккан эди. 32-байтгача ўқидилар.

*«Марям бўлса Исо алайҳиссалом ҳозир бўлган ерга келиб, унга кўзи тушди, унинг оёқларига йиқилди, унга айтди: ё Раббано! Сен бунда бўлганигда эди, биродарим жон қазо қилмаган бўлур эди. Исо алайҳиссалом унинг йиғлаганини кўрди ва у билан бирга келмиш қавмнинг йиғлаганлигини кўрди, азим азобга тушди, ношод бўлди. Айтди: ани қайга қўйдингиз? Айтдилар: ё Раббано! Ўзинг кўргил. Исо алайҳиссалом йиғлади. Шунда қавмлар айтдилар: қаранг, уни бундоқ суяр. Қавмлардан баъзилари айтдилар: нобинони бино қилмиш мурдага жон ато қилолурми?»*

Раскольников қизга ўгирилиб қаради ва тўлқинланиб уяга тикилди: ҳа, худди ўзи! Қиз, чиндан ҳам қалт-қалт қилиб титрар, расмона важдга тушганди. Раскольников шуни кутганди. Қиз ақл бовар қилмайдиган даражада буюк мўъжиза ҳақидаги сўзларга яқинлашиб қолганди, унинг вужудини муқаддас бир тантана қамраб олганди. Унинг овози кумушнинг жаранглаши каби янгради; шодумонлик ва байрам садолари келарди ундан ва шу садолар у овозга ажиб қудрат бахш этарди. Қизнинг кўз ўнги қоронғилашиб кетган, сатрлар қоришиб кўринар, лекин у ўқиётган сўзларини ёддан биларди. «Нобинони бино қилмиш...» – деган сўзларни ўқиганда, қиз овозини пасайтириб каромат қудратига иштибоҳ кўрсатган, таъна-тазарру айтган, имонсиз кимсаларнинг ҳолатларини ёниқ, алангали қилиб ифодалади, каромат кўрсатувчига иштибоҳ билдирганлар бир дамдан сўнг яшин

ургандай қаро ерга думалаб тушадилар, айюҳаннос солиб ўкиришиб йиғлайдилар ва имон келтирадилар... «Мана, у, у унинг ҳам кўзлари кўр, – у ҳам кароматга ишонмайди, у ҳам мана ҳозир салим бўлади, илоҳий сўзлар унинг қулоғига етади, ҳа, ҳа! Мана ҳозир, мана ҳозир, шу тобда», – деб орзиқарди юраги қизнинг ва у шундай мўъжиза рўй беришини кутиб, шодумон титроққа тушарди.

*«Исо алайҳиссалом дарду оҳ ичра тобут сари келди. Тобут гор ичра эди, гор огзи тош билан беркитилмиш эди. Исо алайҳиссалом айтди: Тошни кўтарингиз. Ўлмиш кимсанинг биродари Марфа айтди: ё Раббано! Уфунатга чўкмиш: илло, тўрт кун бўлибдирки, мадфундир».*

Қиз: тўрт сўзини алоҳида урғу бериб айтди:

*«Исо алайҳиссалом айтди: имон келтирсанг, Худонинг карамини кўражаксан, демаганмидим сенга? Ўлган кимса ётган горнинг огзидан тошни олдилар. Исо алайҳиссалом чашми айнларини кўк сорига тикди ва айтди: ё падар, ноламиз қулогингга етганига шуқр қиламиз. Мен биламанки, сен доимо мени эшитиб турасан; лекин бунини мен ҳозир ўлмиш қавмнинг гўшига етсин, деб айтдим, ки мени расул қилиб юборганингга улар имон келтирсунлар. Шундай деди эса азот ун билан қичқирди: «Лазар! Тур ўрнингдан. Ва мурда тура келди.*

Худди ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб тургандай титраб, қалтираб, жунжикиб, баланд овоз билан тантанавор ўқиди қиз:

*Оёқ-қўлларига кафан ўралган эди; юзи рўмол билан тангилган эди. Исо алайҳиссалом айтди: ечиб қўйингиз, борсин.*

*Шунда Марям қошига келмиш бисёр яҳудий қавмлар Исо алайҳиссаломнинг кароматин кўриб, унга имон келтирдилар».*

Қиз бошқа ўқимади, ўқий олмасди ҳам, китобни ёпиб, ўрнидан тез туриб кетди.

– Лазарнинг тирилиши битди, – хириллаган товуш билан шивирлади у ва қовоғини уйганча четга қараб олди, унга бошини кўтариб, қарашга журъат этмади. Қиз ҳамон қалт-қалт қилиб турар, титроғи босилмаганди. Қийшиқ шамдонга қўйилган шам ёниб бўлай деб қолган харобот кулба ичра боқий китобни ўқиш устида ғалати бир тарзда топишган қотил ҳамда фоҳишани хира нури билан ёритиб турарди. Беш дақиқача, балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтди.

– Мен иш билан келган эдим, – деди қовоғи очилмаган ҳолда Раскольников баланд овоз билан, у ўрнидан туриб, Сонянинг олдига келди. Қиз индамай унга бошини кўтариб қаради. Раскольниковнинг қарашлари қаттиқ, унда алақандай ваҳший бир ирода акс этиб турарди.

– Мен бугун ўз яқинларимни ташлаб келдим, – деди у, – ойим билан синглим ёлғиз қолишди. Мен энди уларнинг олдларига қайтиб бормайман. Ҳаммасидан буткул воз кечдим.

– Нимага? – анг-танг бўлиб сўради Соня. Қиз боя унинг ойиси ва синглиси билан кўришиб жуда қаттиқ таъсирланган, лекин нимага бундай бўлганлигини ўзи ҳам билмасди. Унинг ойиси билан синглисини ташлаб келганлигини эшитиб, қиз даҳшатга тушди.

– Менинг энди сендан бошқа ҳеч кимим қолмади, – деб қўшимча қилди Раскольников. – Мен билан бирга юрасан... Мен сенга келдим. Сен ҳам, мен ҳам тавқи лаънатга дучор бўлганмиз, шунинг учун йўлимиз ҳам бир!

Унинг кўзлари ёнарди. «Худди телба бўлиб қолганга ўхшайди!» – деб ўйлади ўз навбатида Соня.

– Қаерга борамиз? – ваҳима ичида сўради қиз ва беихтиёр ўзини орқага ташлади.

– Мен қайдан билай? Йўлимиз битталигини биламан, бошқасини билмайман. Мақсадимиз битта!

Қиз ҳеч нарсани тушунмай, унга қараб турарди. Фақат унинг чексиз-чегарасиз, жуда даҳшатли тарзда бахтсиз эканлигини ҳис қилиб турарди, холос.

– Агарда буларни уларга гапириб берсанг, ҳеч қайсиси ҳеч вақони тушунмайди, – давом этди сўзида Раскольников, – мен эса тушундим. Сен менга кераксан, шунинг учун ҳам сенинг олдинга келдим.

– Тушунмаяпман... – шивирлади Соня.

– Кейин тушуниб оласан. Ахир, сен ҳам шундай қилмадингми? Сен ҳам чизиқдан чиққансан... Чизиқдан чиқолгансан. Сен ўз жонингга ўзинг қасд қилгансан, ўз ҳаётингга ўзинг (бунинг фарқи йўқ!) зомин бўлгансан. Сен маънавий ва оқил умр кечирининг мумкин эди, лекин сенинг ҳаётинг иплари Сеннаяда узилади... Лекин сен барига дош беролмайсан ва агарда ёлғиз ўзинг қолсанг, худди менга ўхшаб ақдан озиб қоласан. Сен ҳозирнинг ўзида ақдан озганга ўхшаб турибсан; шундай экан, сен билан йўлимиз битта, бир йўлдан кетамиз! Юр!

– Нега? Нега бундай деяпсиз! – деди унинг сўзларидан ғалати бўлиб кетган, ғалаёнга тушган Соня.

– Негами? Чунки бундай яшаб бўлмайди – билдингми! Ахир, болаларга ўхшаб йиғлаб ўтирмасдан, Худо бор, Худо йўл қўймайди, деб чинқирмасдан жиддий ва рўйи-рост мулоҳаза қилиб кўриш керак, бошқа йўл йўқ. Қани, ўзинг айт-чи, агарда сени эртага касалхонага олиб кетиб қолсалар унда нима бўлади? Анави телба хотин сил бўлиб, тезда ўлиб кетади, болалар-чи? Полечка ҳалок бўлмайдами? Наҳотки, сен бу ерда бурчак-бурчакда тиланчилик қилиб турган болаларни кўрмаган бўлсанг? Уларни тиланчилик қилгани оналари юборишган. Мен



ўша оналар қаерда ва қандай шароитда яшашларини ўзим бориб билганман. У жойларда боланинг болалиги қолмайди. У ерда етти яшар бола бузилиб кетган, ўғирлик қилади. Ваҳоланки, болаларда Тангри Таборакнинг талъати акс этмайдими: «Улар мулкати Тангри Таборакдир». Исо, «Уларни эъзозланг, уларни севинг, улар одамзоднинг келажакдир», деб буюрмаганми...

– Нима қилай, нима қилай бўлмаса? – уввос солиб йиғлаб, қўлларини синдириб дерди нуқул Соня.

– Нима қилай дейсанми? Ҳаммасини бирваракайига бутунлай синдириб ташлаш керак, вассалом: сўнг бунинг жабрини тортиб юрмоқ керак! Нима? Тушунмадим дейсанми? Кейин тушуниб оласан... Эрк ва ҳукмронлик, энг муҳими, ҳукмронлик! Барча қимирлаган жонзот ва жами ушбу қумурсқахона устидан ҳукмронлик!.. Мақсад шу! Шунини билиб қўй! Сенга айтадиган гапим шу! Балки мен сен билан охириги марта гаплашиб тургандирман. Агар мен эртага келмасам, ҳаммасини ўзинг эшитасан, ана ўшанда менинг ҳозирги айтган гапларимни эслайсан. Бир кун келарки, йиллар ўтар, ҳаёт бўлсанг, мен нима демоқчи бўлганлигимни ўшанда яхши билиб олажаксан. Агарда эртага қайтиб келсам, сенга Лизаветани ким ўлдирганини айтаман. Хайр!

Соня қўрқувдан қалтираб кетди.

– Наҳот сиз ким ўлдирганлигини билсангиз? – деб сўради қиз даҳшатдан жунжикиб, кўзлари ола-кула бўлиб унга қараркан.

– Биламан, айтаман... сенга, фақат сенга айтаман! Мен сени танладим. Мен сенинг олдинга узр сўрагани эмас, сенга тўғриси айтгани келаман. Буни айтаман, деб сени танлаганимга анча замонлар бўлди, отанг менга сени гапириб берган чоғларда ва ҳали Лизавета тириклигида сени тан-



лаганман, сени ўйлаганман. Алвидо. Йўқ, қўлинг-ни берма. Эртага!

У чиқиб кетди. Соня уни телба бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйлади, лекин унинг ўзи мен ҳам девона бўлиб қолаётган бўлсам керак, деб билар ва буни ҳис қилиб турарди. Унинг боши айланиб кетмоқда эди. «Ё Раббим! У Лизаветани ким ўлдирганлигини қаердан билади? Бу нима деганийкин? Даҳшат бу!», лекин шу билан бирга унинг кўнглида шубҳа туғилмади. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!.. «О, у жуда ҳам қаттиқ бахтсиз бўлса керак!.. У ойиси билан синглисини ташлаб кетибди. Нимага? Ўрталаридан нима ўтган? Унинг мақсади ўзи нима? У ўзи нималар деяпти? Оёқларимни ўпди ва тинмай гапирди... Мен сенсиз яшай олмайман, деб гапирди (ҳа, буни аниқ шундай деди)... Вой, Худойим-ей!»

Соня туни билан безгак тутгандай қалтираб, алаҳсираб чиқди. Баъзан у ўрнидан сакраб туриб кетар, йиғлар, қўлларни синдирар ва яна бо-синқи, офир уйқуга чўмар ва Полечкани, Катерина Ивановнани, Лизаветани, Инжил ўқиганларини ва уни... унинг оқариб кетган юзини, ёниб турган кўзларини тушида кўрарди... У оёқлариини ўпарди, йиғларди... Ё Раббим!

Ўнг томондаги эшик Сонянинг хонадонини Гертруда Карловна Ресслихнинг хонадонидан ажратиб турарди, бу эшикнинг орқасида Ресслихга тегишли хона бўлиб, у ижарага берилар, ҳозир эса бўш эди. Ресслихнинг хонани ижарага қўйиш ҳақидаги қоғозлари дарвозаларга, канал томонга чиқадиган деразаларнинг ойналарига ёпиштириб ташланганди. Соня кўпдан бери бу хонани бўш турадиган хона деб ҳисоблаб келарди. Ваҳоланки, бу вақт ичида жаноб Свидригайлов бўш хонага кириб, эшик орқасида биқинганича бўлиб ўтган барча гапларни эшитиб олганди. Раскольников чиқиб

кетгандан кейин у бир зум туриб қолди, ўйланди ва оёқ учида юриб, ўз хонасига чиқди-да, у ердан курси олиб, Сонянинг хонаси билан туташ эшик орқасига оҳиста келтириб қўйди. Бўлиб ўтган гаплар унга жуда ҳам қизиқ ва жуда ҳам антиқа бўлиб туйилди ва унга жуда, жуда ёқиб кетди, шу қадар ёқдики, у бошқа пайтларда керак бўлиб қолса, айтайлик, мабодо эртага зарурат туғилса, яна бир соат тик оёқда турмаслик учун атай курси келтириб қўйди, токи гап тинглаганга яраша жонинг роҳатда бўлиб тингласин, ҳар жиҳатдан қулай бўлсин ва ҳар жиҳатдан маза қилгин.

Эртасига эрталаб Раскольников соат роса ўн бирда тергов ишлари бўлимининг пристави жойлашган уйга келиб, ўзининг келганлигини Порфирий Петровичга маълум қилишларини сўраганда, ўзини хийла вақт куттириб қўйганларидан бир оз ҳайрон ҳам бўлди: уни чақиргунларича чамаси камида ўн дақиқалар ўтди. Ваҳоланки, унинг назарида келиши биланоқ дарҳол унга ёпишиб олишлари керакдай эди. Бу орада у қабулхонада қолиб кетди, унинг олдидан одамлар ўтиб-ке-тиб туришар, кўринишдан улардан ҳеч бирининг у билан сира ҳам иш-ҳуши йўқ эди. Идорага ўхшаб кетадиган қўшни хонада аллақанча котиблар ўтиришиб, нималарнидир ёзишар ва афтидан, уларнинг биронтаси ҳам Раскольников киму нима қилади, билмас эди. Раскольников безовталаниб, атрофига шубҳаланиб, назар ташлар, ён-веримга биронта соқчи қўйилмаганмикин, биронта кимса яширинча кузатиб турмаганмикин, биронтаси у ёқ-бу ёққа кетиб қолмасин, деб пойламаётганмикин, деган хавфда аланг-жалаанг қиларди. Лекин унақа эмасди: унинг теварагида юрганлар, ўтирганлар ўз майда-чуйда ташвишлари билан овора

бўлган идора хизматчилари ва яна аллақанақа одамлар эдики, улардан ҳеч қайсисининг у билан иши йўқ эди: ҳозир ўрнидан туриб, истаган томонга кета олар, биров унинг қўлидан ушлаб тўхтатмас эди. Агарда кечаги ғалати сирли киши, ўша ер остидан чиққан шарпа чиндан ҳам ҳаммасини кўрган, билган бўлганда, ҳозир уни, Раскольниковни шундоқ ўз ҳолига ташлаб қўйишармиди? Раскольников борган сари шу фикрга қаттиқроқ ишона бошлади. Агар улар билган бўлсалар, қачон ўзи келаркин, деб соат ўн биргача бемалол кутиб ўтиришармиди ҳеч замонда? Демак, ё кечаги одам ҳали келиб айтмаган ёки унинг ўзи ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарсани ўз кўзлари билан кўрмаган (қаердан, қандай қилиб кўрарди, ахир?) шундай экан, кеча бўлиб ўтган воқеа фақат унинг назарида шундай бўлиб кўринган, унинг кўзига кўринган шарпага ўхшаш нарса бўлса ҳам ажабмас, агар унинг мияси қаттиқ чарчаб, оғир изтироб, оғир тасаввуротлар ичида юрганлиги эътиборга олинса, бунга яна ҳам ишониб мумкин эди. Бу фикр кеча жуда қаттиқ изтиробга тушиб, нима қилишини билмай қолган вақтдаёқ унинг хаёлида туғилган ва ўзи ҳам унга ишона бошлаганди. У мана шуларнинг ҳаммасини қайта бир бошдан ўйларкан ва бўлажак янги жангга тайёрланаркан, бирдан ўзининг қалтираётганини пайқаб қолди, ва ман-фур Порфирий Петрович билан учрашишдан ўзини қалтироқ босаётганлигини ҳис қилиб, ҳаддан ташқари дарғазаб бўлиб кетди. У ҳаммадан ҳам худди шу одам билан учрашишни сира истамасди: Раскольников уни беҳад ёмон кўрар, кўргани кўзи йўқ эди, у, ҳатто қаттиқ нафратланганидан ўзимни билдириб қўйишим ҳам мумкин, деб чўчирди. Шунчалар қаттиқ дарғазаб бўлган эдики, шу тобда дарҳол қалтироғи йўқолди; у ҳеч нарсани писанд

қилмайдиган одам қиёфасида ичкарига дадил кириб боришга чоғланди ва ўзига ўзи иложи борича камроқ гапиришга, кўпроқ кузатишга, эшитишга ва жуда бўлмаганда, мана шу сафар жиртаки, серзарда бўлиб қолган табиатини енгишга сўз берди. Худди шу пайт уни Порфирий Петровичнинг ҳузурига чақириб қолдилар.

Порфирий Петрович хонасида ёлғиз экан. Унинг хонаси катта ҳам эмас, кичкина ҳам эмасди; клеёнка қопланган диван олдига каттакон ёзув столи, бюро, бурчакка жавон ва бир нечта курсилар қўйилганди – буларнинг ҳаммаси идора анжомлари бўлиб, жило берилган сариқ ёғочдан ишланганди. Орқа томондаги деворда, тўғрироғи, тахта тўсиқ бурчагида эшик бўлиб, ҳозир ёпиқ турарди: демак, тўсиқнинг нариги томонида яна аллақандай хоналар бўлса ажаб эмасди. Раскольников кириши билан Порфирий Петрович у кирган эшикни беркитди ва улар хонада ёлғиз ўзлари қолдилар. Порфирий Петрович кўринишдан уни қувониб, очиқ чеҳра билан кутиб олди, фақат бир неча муддат ўтгандан кейингина баъзи бир нарсалардан Раскольников унинг андак саросимага тушиб қолганлигини пайқади, худди тўсиндан уни чалкаштириб юборилгандай ёки у ҳеч кимга кўрсатмай қилинадиган ишни, махфий бир нарсани қилаётганда, устидан чиқиб қолингандай эсанкираган эди.

– А, тақсирим! Сиз ҳам... Биз томонларга ташриф буюрибсиз-да... – дея гап бошлади Порфирий унга иккала қўлини чўзиб. – Қани, ўтиринг-чи, отагинам! Ёки сиз тақсирим, деб атаганимдан хафа бўлдингизми... Яна отагинам деганим-чи, – шу ўзимни *tout court*<sup>20</sup>, илтимос, беадабликка йўйманг... Мана бу ерга, диванга ўтиринг.

<sup>20</sup> *Tout court* – яқин кўргандан (франц.).

Раскольников ундан кўзларини узмаган ҳолда ўтирди.

«Биз томонларга», беадабчилик қилган бўлсам узр, французча «tout court» деган сўзлар ва ҳоказо, ва ҳоказо, – буларнинг ҳаммаси ўзига хос бўлган унинг сўзлари эди. «У менга иккала қўлини узатди-ю, лекин кўришмади, дарров тортиб олди», – деб юраги ғулғулага тушди Раскольниковнинг. Ҳар икковлари бир-бирларини кузатиб, таъқиб қилиб туришар, аммо кўзлари тўқнашай-тўқнашай деганда, яна яшин тезлигида олиб қочар эдилар.

– Мен сизга соат ҳақидаги манови қоғозни келтирдим... Мана. Шу ёзганим бўладими ёки бошқатдан ёзиш керакми?

– Нима? Қоғоз? Хўш, хўш... Майли, безовта бўлманг, худди ўзи, – деди худди бирон ерга шошилиб турган одамга ўхшаб Порфирий Петрович, – у гапини айтиб бўлиб, ундан кейин қўлига қоғозни олиб ўқиди. – Ҳа, худди шундай. Бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ, – деб тасдиқлади у тез-тез гапириб ва қоғозни стол устига қўйди. Кейин бир дақиқалардан сўнг энди бутунлай бошқа нарсани сўзлай туриб, у қоғозни қайтадан қўлига олди ва бюрога солиб қўйди.

– Сиз кеча мендан расман сўрамоқчи... Анави... Ўлдирилган хотин билан... Танишлигим ёки эмаслигим ҳақида... Расман сўрамоқчи бўлувдингиз шекилли? – дея гап бошлади Раскольников, – «Нега мен шекилли деган сўзни қўшдим? – хаёлидан чақмоқдек ўтди унинг. Намунча мен шу битта шекилли деган сўз учун ташвишланиб қолмасам?» дарҳол бошқа бир фикр ҳам липилаб ўтди унинг калласидан.

У бирдан Порфирий билан учрашган замони, икки оғизгина сўздан, фақат икки мартагина қараб қўйишдан бир зум ичида ўзида бадгумон-

лик аланга олиб кетганлигини, тасаввур қилиб бўлмас даражада кучайганлигини сезди ва ҳаммадан ҳам хатарли томони шунда эдики, асабийлашган сайин саросима ҳам кучаяди. «Фалокат! Фалокат!.. Яна офзимдан гап чиқиб кетади».

– Ҳа-ҳа-ҳа! Ташвишланманг! Вақт бор, вақт бор, – деб минғирлади Порфирий Петрович ҳеч қандай мақсади бўлмаса ҳам стол олдида у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан, у дам дераза томонга, дам бюро олдида, дам яна стол томонга бориб қолар, дам шубҳаланиб тикилган Раскольниковнинг кўзларидан ўзини олиб қочар, дам бирдан турган ерида тўхтаб, унга тиккасига қараб қолар эди. Унинг пакана, тўладан келган, семизгина, дум-думалоқ гавдаси худди коптокка ўхшаб турли томонларга борар ва дам ўтмай, барча бурчаклардан ва деворлардан сапчиб қайтарди ва бунинг бари ҳаддан зиёд ғалати кўринарди.

– Улгурамиз, улгурамиз!.. Сиз ҳам чекасизми? Чекадиганингиз борми? Мана, олинг папирос... – давом этди Порфирий унга папирос тутаркан. – Биласизми, сиз билан бу ерда гаплашиб ўтирибмизу, лекин менинг асли турадиган жойим мана шу тўсиқнинг орқасида... Идора берган, мен ҳозир вақтинча эркин ишлаб турибман. Бу ерни яхшилаб тузатиб олсак ҳам бўларди, албатта. Анча эпақага келиб қолди... Идора берадиган уй, биласизми, жуда антиқа бўлади-да, а? Сиз қандай ўйлайсиз?

– Ҳа, антиқа нарса, – деб жавоб берди Раскольников уни худди масхара қилгандай қараб.

– Ажойиб нарса, ажойиб нарса... – дея такрорларди Порфирий Петрович худди бирдан бутунлай бошқа бир нарсани ўйлаб кетгай одамга ўхшаб, – ҳа! Ажойиб нарса! – сал бўлмаса қичқириб юбораёзди у охири, кутилмаганда Раскольниковга ўқдай назар ташлаб, ундан икки қадамча на-

рида тўхтаркан. Идора берган уй ажойиб нарса деб аҳмоқона тарзда такрорлайвериш шунчалар ҳам бачкана эдики, бу билан унинг ўз меҳмонига ташлаган жиддий, ўйчан ва сирли қараши ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди.

Лекин худди мана шу нарса Раскольниковнинг кўкрагидаги кекни янада бижғитиб юборди, шундан сўнг у сира ҳам ўзини масхараомуз, эҳтиётсизлик билан гап юритишдан тия олмай қолди.

– Менга қаранг-а, – деб гап бошлади, Порфирийга тап тортмасдан тик қараркан ва тап тортаганидан ўзича аллақандай лаззат ҳам туяркан, – назаримда, шундай бир қоида бор шекилли ҳуқуқ илмида, шундай бир усул бор эмасми – барча турли-туман терговчиларга мўлжалланган йўл – улар гапни аввал узоқдан бошлайдилар, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсаларни сўзлайдилар ёки жиддийроқ бирон гап бошласалар ҳам бу гаплари ишга алоқаси бўлмаган гап бўлади, бу билан улар сўроқ қилинаётган кишининг диққатини чалғитиш, унга далда бериш, кўнглини овлаш ва бу билан унинг ҳушёрлигини сўндириш, кейин қутилмаганда бирдан унга энг хатарли, ҳамма нарсани ҳал қиладиган савол билан мурожаат этиб, оғзидан илинтиришга ҳаракат қиладилар; шундай эмасми? Ҳуқуқ илмининг барча қоида-қонунларида бу нарса ҳалигача эслатиб ўтилади шекилли?

– Ҳуш, ҳуш... Нима, мен ҳам сизни идора берган уй ҳақидаги гап билан... а? – Порфирий Петрович шундай деб кўзларини қисди, унга им қоқиб қўйди: унинг чехрасида шўхлик ва муғомбирлик ифодаси қалқиди, юзидаги ажинлари ёзилди, кўзлари қисилди, башараси ёйилиб кетгандай бўлди ва у бирдан бутун гавдаси билан силкиниб Раскольниковнинг кўзларига тик қараган ҳолда асабий тарзда қаҳқаҳа отди, узоқ кулди. Расколь-



ников ўзини зўраб бўлса ҳам унинг кулгисига қўшилмоқчи бўлди. Лекин Порфирий у ҳам кулаётганлигини кўриб, баралла хахолай бошладики, кулгининг зўридан икки бети лавлагидай қизариб кетди, буни кўриб, Раскольниковнинг беҳад нафрати қўзиди ва у бутунлай эҳтиёткорликни унутиб қўйди: у кулгини йиғиштириб, қовоғини солиб олди ва Порфирийга еб юборгудай бўлиб, ўқрайиб тикилди, атай қилгандай узоқ чўзилиб кулган Порфирийдан кўзларини узмади. Воқеан, ҳар иккала томон ҳам очикдан-очик эҳтиётсизликка йўл қўймоқда эди: Порфирий Петрович ўз меҳмонининг кўзига қараб туриб кулаётган бўлиб чиқар, меҳмон эса бу кулгидан нафратланар, лекин мезбон бундан парвойи фалак эди. Шу кейинги ҳол Раскольниковнинг диққатини ўзига тортди: у Порфирий Петрович ҳали ҳам сира ҳеч нарсага парво қилмаганлигини, аксинча, ўзи қопқонга тушиб қолганлигини тушунди. Бунда Раскольников билмайдиган алланима, қандайдир бир мақсад беркиниб ётарди; балки ҳаммаси тахт қилиб қўйилгандир, мана ҳозир, айна шу тобда ҳаммаси аён бўлар ва бари остин-устин бўлиб кетар...

Раскольников дарҳол мақсадга ўтди, ўрнидан туриб, қўлига фуражкасини олди.

– Порфирий Петрович, – деб бошлади у дадил, лекин хийлагина зардаси қайнаган ҳолда, – сиз кеча мени аллақандай сўроққа келсангиз деган эдингиз. (У айниқса, сўроққа деган сўзга ўзгача урғу берди.) Мана мен келдим, агар сизга бирон нарса керак бўлса сўранг, бўлмаса менга кетишга ижозат беринг. Вақтим йўқ, ишим бор... Мен арава босиб кетган хизматчининг таъзиясига боришим керак, у хизматчини сиз... ҳам... биласиз... – деб қўшиб қўйди у ва шу заҳоти нега буни айтдим, деб дарғазаб бўлди, кейин боягидан ҳам баттарроқ



зардаси қайнаб кетди), – буларнинг бари жуда жонимга тегиб кетди, эшитяпсизми, ҳиқилдоғимга келди... Мен бир томондан шуни деб касал бўлиб қолдим... Гапнинг қисқаси, – қичқириб юборди у касал бўлгани ҳақидаги гап ҳам ортиқчалигини сезиб, – гапнинг қисқаси: ё гапингиз бўлса сўранг, бўлмаса менга ижозат беринг, ҳозироқ... Агар сўрайдиган бўлсангиз, ҳаммасини қоидаси билан сўранг! Бўлмаса йўл қўймайман; шундай экан, ҳозирча хайр, чунки сиз билан менинг қиладиган ишимиз йўқ.

– Вой, тавба! Сизга нима бўлди! Сиздан нимани ҳам сўрардим, – шақиллай кетди бирдан Порфирий Петрович шу заҳоти гап оҳангини ўзгартириб, дарҳол кулгисини бас қиларкан, – бўлди, безовта бўлманг, – жонсараклик билан ўзини у томондан-бу томонга урар, дам яна Раскольниковни ўз ўрнига ўтқазмоқчи бўларди, – вақт бор, вақт бор, буларнинг бари арзимаган нарсалар! Мен, аксинча, биз томонларга ташриф буюргангиздан жуда хурсандман... Сиз менинг меҳмонимсиз. Бу лаънати кулгим учун, отахоним Родион Романович, мени кечиринг. Родион Романович? Шундай эмасми, ахир? Тошим енгилроқ, ўткир гап қилиб, жуда кулгимни қистатиб юбордингиз; баъзан денг нақ ярим соатлаб кулгим қўзиб силкиниб турман... Кулафонман. Баъзан шу семизлигим билан кулгининг зўридан шол бўлиб қолмасам деб қўрқаман. Ўтирсангиз-чи мундоқ, нима ўзи?.. Илтимос, бўлмаса, хафа бўлибсиз, деб ўйлаб юраман...

Раскольников ҳамон қовоқларини солганча индамай, қулоқ солиб, кузатиб турарди. Нима бўлганда ҳам у ўтирди, лекин фуражкасини қўлидан қўймади.

– Мен сизга, отахоним Родион Романович, ўзим ҳақимда бир гапни айтиб бераман, шун-

дан эҳтимол, табиатим сизга равшан бўлар, – ҳамон хона ичида типирчилаб юриб, ҳамон меҳмоннинг кўзлари билан тўқнашишдан ўзини олиб қочаркан, деди Порфирий Петрович, – Биласизми, мен бўйдоқ, киборларга алоқаси бўлмаган, кўпчилик танимайдиган бир одамман, бунинг устига жуда соб бўлганман, увушиб, тўнғиб қолганман, отамга тортдим, уруғимга... Хўш, хўш... Биласизми, Родион Романович, бизда, яъни Россияда ва айниқса, Петербург доираларида агар бир-бири билан унчалар яқиндан таниш бўлмаган, лекин нима десамикин, бир-бирларини ҳурмат қилиб юрадиган, мана ҳозир худди сиз билан менга ўхшаш икки киши бир ерда учрашиб қолишса, ярим соат ўтириб, гаплашгани гап тополмайдилар, бир-бирларига қараб этлари увушади, бир-бирларидан қисинишади, сиз шундай нарсани сезганмисиз? Ҳамма сўзлашгани ўзига мавзу топиб олади, масалан, хонимларни олинг... Олий нишонли киборларни олинг, мисол учун дейман-да, доим уларнинг ўз гаплашадиган мавзулари бор, *c'est derigueur*<sup>21</sup>, сиз билан бизга ўхшаган ўрта-миёна одамлар бўлса, ҳаммаси – жуда тортинчоқ ва камгап бўлишади, яъни мен фикрчан одамлар демоқчиман. Нега шундай, отахон? А? Сиз нима деб ўйлайсиз? Фуражкангизни қўйсангиз-чи, худди ҳозир кетиб қоладиган одамга ўхшайсиз, қараб туриб ўнғайсизланиб кетасан киши. Мен, аксинча, жуда хурсандман...

Раскольников фуражкасини қўйди, қовоғини солганча тумтайиб, Порфирийнинг валдир-вудур гапларига индамай қулоқ соларди. «Нима, у ростдан ҳам аҳмоқона гаплар билан мени чалғитмоқчи бўлаётирми дейман?»

<sup>21</sup> *C'est derigueur* – одат бўлиб келган (франц.).

– Қаҳва билан меҳмон қилай десам, ўрни эмас, лекин бирпасгина ўртоғинг билан ўтириб, ундан-бундан гаплашганга нима етсин, – оғзи гапдан тинмасди Порфирийнинг, – биласизми, бу барча хизматчилик ишлариям... Сиз, отахон, менинг юриб турганимга хафа бўлманг, тағин; маъзур тутинг мени, отахоним, лекин сизни хафа қилиб қўйишдан жуда қўрқаман, мен эсам соғлиқ юзасидан юриб турмасам сира иложи йўқ. Нуқул ўтирганим ўтирган, пича оёқда турсам яхши бўлади... Бавосил қурғур... Шу денг, бадан тарбия билан даволамоқчи бўлиб юрибман; анов ёқда ҳақиқий статс маслаҳатчилар ва, ҳаттоки махфий статс маслаҳатчилар<sup>22</sup> ҳам жон-жон деб арқон устидан сакрашармиш, деб эшитаман; ана сизга замонамизда илмнинг қудрати... Хў-ўш... Хизмат юзасидан қилинадиган ишларга келсак, қоғозбозлик ва ҳоказолар... Мана ўзингиз, отахоним, ҳозир сўроқлар ҳақида гапирдингиз... Хў-ўш, биласизми, отахоним, Родион Романович, бу сўроқ деганингиз баъзи пайтларда сўроқ берувчидан бурун сўроқ қилувчининг ўзини шошириб, ақлини лол қилиб қўяди... Сиз бу ҳақда, отахоним, жуда ҳаққоний ва ўткир гап айтдингиз, баракалла. (Раскольников сира ҳам бундай гапни айтгани йўқ эди.) Одам чалкашиб кетади! Рост айтаман, калаванинг учини йўқотиб қўясан киши! Ҳадеб бир нарсани такрорлайвергандан кейин, ҳадеб ўша бир, ҳадеб ўша бир гап, худди дўмбира дейсиз! Ана, ҳамма ёқда янгиликлар бўляпти, бизнинг соҳамиз ҳам жуда бўлмаса номи ўзгариб қолар, балки, ҳе! Ҳе-ҳе! Бизнинг ҳуқуқ илмидаги усулларимизга келганда, сиз жуда ўткир гап қилдингиз, сизнинг гапларингизга тўла-тўкис қўшиламан. Ўзингиз айтинг-чи, суд қилинадиганларнинг қайси бири,

<sup>22</sup> Статс маслаҳатчилар – Чор Россияда 5-даражали мартаба.

ҳатто Худо беҳабар оми одамгача ўз диққатини чет саволлар билан чалғитишларини (жуда топиб айтдингиз-да сиз буни) билмайди дейсиз, билади, уни аввал чалғитилади, кейин бирдан болта билан қоқ миясига туширилади, ҳе-ҳе-ҳе! Худди қоқ миясига – жуда топиб айтдингизда, сиз буни ҳе-ҳе! Демак, бу мени ўша хонадон боғлиқ гаплар билан а... ҳе-ҳе! Жуда кинояга уста экансиз-да, ўзингиз. Бўпти, бошқа гапирмайман! Ҳа-я, айтмоқчи, бир сўз бошқа бир сўзни қулоғидан тортиб чиқаради, бир фикр иккинчи фикрни бошлаб келади, – мана сиз боя қоғозга ёзиб, сўроқ қилишни эслатдингиз, эсингиздами, сўроқ ҳақидаги гапингиз... Қоғоз нима деган нарса! Қоғоз-қоида жуда кўп маҳалларда одамга халақит беради, бўлмағур нарсалар. Баъзан дўстона икки оғиз гаплашиб олсанг, кони фойда. Қоида-қоғоз ҳеч қаёққа қочиб қутулмайди, хотиржам бўлинг, буни сизга ишонтириб айтаман; умуман олганда, қоида-қоғоз нима дегани ўзи, сиздан сўрайман? Терговчининг ҳар бир қадами ни қоидаи қоғоз билан чегаралаб бўлмайди. Терговчининг иши, мен сизга айтсам, ўзига яраша эркин ижод, шунга ўхшашроқ бир нарса... ҳе-ҳе-ҳе!

Порфирий Петрович бир дам нафас ростлаш учун гапдан тўхтади. У оғзи оғримасдан, лаби лабига тегмай сўзлар, дам маъносиз, арзимас гапларни гапирар, дам аллақандай тагдор, заминдор сўзларни айтиб юборар ва яна дарҳол лақма гапларга ўтиб кетарди. У семиз оёқларини тобора илдамроқ ташлаб, ўнг қўлини орқасига қилиб, чап қўли билан оғзидан чиқаётган сўзларга сира ҳам мос тушмаган ҳаракатлар ясаб, ердан кўзларини узмаганча хона ичида чарх уриб айланарди. У хона ичида чопиб кезаркан, икки мартача эшик олдига бориб, бир он тўхтаб, худди нимагадир қулоқ солгандай

бўлиб турганлигини Раскольников бирдан пайқаб қолди... «Бир нарсани кутаётибдими дейман?»

– Сиз ростдан ҳам жуда тўғри гап айтдингиз, – деб яна илиб кетди келган жойидан Порфирий Раскольниковга қувноқлик билан жуда содда одамларга ўхшаб қараб қўяркан (бундан Раскольников сесканиб кетди ва дарҳол сергак тортди), – ҳуқуқ қоидалари устидан ўтқир гаплар айтиб кулганингизда сиз ҳақсиз, ҳе-ҳе! Бизнинг бу (албатта, ҳаммаси эмас) чуқур маъноли руҳиятга таъсир этувчи усулларимиз ҳаддан ташқари кулгили, ва умуман, агар қоидаси билан қиламан десангиз, бир пулга қиммат денг. Шундай... мен яна қоида ҳақида гапиряпман; агарда мен биронта одамни, уми, буми, ановми, майли-да, ким бўлмасин, жиноятчи деб билсам, уни бирон иш юзасидан жиноят қилган деб шубҳага олсам ва бу иш менга топширилган бўлса... Сиз ахир, ҳуқуқшунос бўлмоқчисиз-ку, шундайми, Родион Романович?

– Ҳа, бўлмоқчийдим...

– Ундай бўлса, сизга кейин керак бўладиган, нима десаикин, бир мисол, – яна мени ўқитмоқчи, менга ақл ўргатмоқчи деб ўйламанг: ахир, қаранг, сиз жиноятлар ҳақида қандай мақолалар ёзиб чиққансиз! Йўқ, шундай ўзим бир далил сифатида мисол келтирмоқчиман, холос, – хўш, шундай қилиб, агарда мен, у кишими, бу кишими, анов кишими, майли-да, ким бўлмасин, жиноятчи деб ҳисобласам, мабодо, унга қарши қўлимда далиллар бўлган тақдирда ҳам нега энди уни вақтидан олдин безовта қилишим керак экан, мен сиздан сўрайман, хўш? Шундайлари бўладики, уларни мен иложи борича тезроқ қамашим керак, бошқа бири эса бутунлай бошқача, рост айтаман; шундай экан, вақти соати келгунча майли шаҳарда ўйнаб олсин, ҳе-ҳе! Йўқ, кўриб турибман, сиз унчалар ту-

шунмадингиз, сизга аниқроқ қилиб тушунтирай бўлмаса; мабодо, бундай одамни мен вақтидан олдин қамоққа олсам унда бу билан унга маънавий таянч, десаммикин бериб қўйган бўламан, ҳе-ҳе! Кулгингиз қистадими? (Раскольников кулишни ҳаёлига ҳам келтирмасди: у тишини-тишига босиб, Порфирий Петровичдан ўртаниб-ёнган кўзларини бир дам бўлсин узмай ўтирарди.) Ваҳоланки, баъзи бир шахслар бўладики, уларга алоҳида муомала қилмоқ керак, нега десангиз, одам одамга ўхшамайди, аммо ҳамманинг устидан кўриладиган амал эса бир хилда, бундан қочиб қутулиб бўлмайди, ахир. Мана, сиз ҳозир далил деб айтдингиз; майли, далил бўлса далилдир-да, лекин, отахоним, далил деганингиз ҳам икки бошли бўлади кўпинча, ваҳоланки, мен терговчиман, мен ҳам хом сут эмган бандаман, тан оламан: терговни математиқадай аниқ тасаввур қилгинг келади, шундай бир далил бўлса дейсанки, икки карра икки тўрт бўлишидай равшан хулоса чиқаришга ёрдам берса! Тўппа-тўғри, инкор қилиб бўлмайдиган исботнинг ўзгинаси бўлса дейсан! Агарда мен уни вақтидан олдин қамаб қўйсам, бунда гарчи мен бу худди ўша одам эканлигини билган тақдиримда ҳам, майли-да, – унда мен ўзимнинг йўлимни ўзим қирқиб қўйган бўламан, уни фош қилишнинг йўли тўсилган бўлиб чиқади, нимага? Негаки, мен бу билан унга нима десамикин, маълум бир мавқе бериб қўйган бўламан, нима десамикин, у ўзининг шу ҳолатига кўникади, ўрганади, бўлар иш бўлди дейди ва мендан ўзининг қобиғига беркиниб олади: ниҳоят, у ўзининг қамалган одамлигини тушуниб қолади. Ана, Севастополни олинг, Альмадан кейин ақлли одамлар душман ана-мана ҳужумга ўтади ва очиқ жангда дарҳол Севастополни ишғол қилади, деб тоза ҳам қўрқишган экан, деб эшитаман;

ваҳоланки, душман ҳужум қилиш ўрнига қамал қилмоқчи бўлган ва қамалга тайёргарлик кўра бошлаган, буни кўриб бизникилар роса хурсанд бўлиб кетишган ва ақлли кишилар анча хотиржам бўлишган: душманнинг ҳаракатига қараганда, иш камида икки ойгача чўзилар, ахир шаҳарни тўппа-тўғри ишғол қилиб қўя қолмай, қамал қилиб ётганда нима чиқар эди, дейсиз. Яна куляпсиз, яна гапимга ишонмаяпсиз, а? Албатта, сиз ҳақсиз нима ҳам дердим. Ҳақсиз! Ҳақсиз! Буларнинг бари хусусий ҳолатлар, сизнинг фикрингизга қўшиламан; айтиб ўтилган ҳодиса чиндан ҳам хусусий ҳол! Лекин, олижаноб Родион Романович, шу билан бирга бошқа бир нарсага ҳам эътибор бериб қўяйлик: ахир, барча юридик қонун-қоидалар ўлчовига мосланган, ўша қонун ва қоидаларни белгилаб берадиган, китобларга ёзилишига сабаб бўлган умумий ҳодиса йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, бу шунинг учун ҳам мумкин эмаски, айтайлик, ҳар қандай жиноят, у чиндан ҳам содир бўлгандан кейин ўша заҳоти бутунлай хусусий ҳодисага айланади; яна баъзан қандай денг: илгари ҳеч бунақаси кўрилмаган эшитилмаган бўлади. Шу маънода баъзан жуда антиқа ҳодисалар бўлиб туради, кулишингни ҳам ўлишингни ҳам билмайсан. Агарда мен фалончи афандимни ёлғиз ўз ҳолига қўйсам, тегмасам, безовта қилмасаму, лекин у ҳар бир соат, ҳар бир дақиқада менинг ҳаммасидан хабардорлигимни, миридан-сиригача билишимни сезиб, жуда бўлмаганда шундан огоҳ бўлиб турса, кечани кеча, кундузни кундуз демай, уни кузатиб юрганлигимни, тинмай таъқиб этаётганлигимни билса, ўзи ҳам мудом шубҳа ва қўрқинч ичида юрса ва борингки, онгли суръатда шу йўлни танласа, шуни яхши билиб қўйингки, бу аҳволда у ростини айтсам, боши айланиб гирра бўлиб



қолади, кейин ўз оёғи билан келади, бунинг устига икки карра икки тўрт бўлади деганимизга ўхшаш бирон кори ҳолни ҳам қилиб келади, нима деса-микин, шундан кейин унинг иши математикадай ойдин бўлади-қолади – қониқиш ҳосил қиласан киши. Бунақа ишлар бесўнақай қаролнинг ҳам бошидан ўтиши мумкин, ўзимиз қатори замонавий ақлли ва бунинг устига маълум бир жиҳатлардан анча ўсиб қолган кишини бўлса-ку, асти қўяверасиз! Шунинг учун ҳам, қадрдоним, одамнинг қайси томонга қараб ўсаётганлигини билишда гап кўп. Асаблар-чи, асаблар-чи, сиз ҳали асабларни ҳисобга олмаётган экансиз! Ҳозирги одамларнинг асаблари оғриган, силласи қуриган, зардаси қайнаган, тинка-мадори қолмаган асаблар!.. Жаҳлни, жаҳлни айтмайсизми, о, уларда жаҳл қанча! Агар сизга айтсам буни бутун бошли қазилма кон деса-нгиз ҳам бўлаверади! Шундай бўлгандан кейин шаҳарда унинг қўл-оёғи тушовланмасдан бемалол юргани билан нима ишим бор менинг! Майли, вақт борида ўйнаб олсин, майли! Мен бари бир унинг ахийри қўлимга келиб тушажагини биламан, у мендан ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди! Қаёққа ҳам қочиб кетарди, ҳе-ҳе!

Чет мамлакатларгами? Чет мамлакатларга поляк қочиб кетади у эмас, бунинг устига мен унинг изидан тушганман чоралар кўриб қўйганман. Мамлакат ичкарасига қочиб кетадими? Лекин у ерда ҳам чинакам бўз бола рус эркаклари яша-шади; замонавий тарбия кўрган одам бизнинг чет эл кишиларига ўхшаш эркакларимиз билан бирга яшагандан кўра яхшиси, қамоқда ўтирганим маъқул дейди; ҳе-ҳе! Лекин булар ҳаммаси ташқаридан қараганда, шундай бўлиб кўринади, бўлмагур гаплар. Қочиб кетади деган гап нимаси! Арзимайдиган гап; муҳими бу эмас; ҳеч қаерга қочиб ке-



толмаганлиги учунгина қочмайди, демайман: у менинг қўлимдан руҳий ҳолатига кўра ҳам қочиб кетолмайди, ҳе-ҳе! Зўр сўзми, а! Унинг қочиб кетадиган жойи бўлган тақдирда ҳам табиат қонунига кўра, қочиб кетмайди. Шам атрофида учган парвонани кўрганмисиз? Ана ўшанга ўхшаб, у менинг атрофимда шам алангасида айлангандай айланаверади; ёруғ жаҳон кўзларига қоронғи бўлиб кетади, боши қотиб ўйланаверади, калаваси чуваланиб қолади, ипининг учини йўқотиб қўяди, тўрга тушгандай чалкашиб дунё кўзларига тор кўриниб кетади!.. Бу ҳам майли-я: унинг ўзи икки карра икки тўрт бўлади деганга ўхшаш бир нарсани қўлимга тутқазиб қўяди, фақат унга кўпроқ вақт берилса, кўпроқ танаффус ажратилса, бас... Ва доим менинг атрофимда парвона бўлиб, чарх ураверади, борган сари яқинлашиб келаверади ва ниҳоят, қарабсизки – йўқ! Тўғри менинг оғзимга қанот қоқиб кириб кетади ва мен уни ютиб юбораман, биласизми, бу жуда ҳам маза бўлади ҳе-ҳе-ҳе! Ишонмайсизми?

Раскольников жавоб бермади, у ранги қум ўчганча қимир этмай, ҳамон Порфирийнинг юзига зўр бериб тикилиб ўтирарди.

«Зўр сабоқ бўлди! – деб ўйларди у совқотиб. – Бу кечагига ўхшаш мушук-сичқон ўйинига ҳам ўхшамайди. Ахир, менга ўзининг кучини намойиш қилиш учун буларни айтмаётгандир, яна... Танбеҳ ҳам бераётир, йўқ, бунинг учун у хийла ақлли. Бу ерда мақсад бошқа, лекин қандай? Э, бўлмаган гап, оғайни, мени қўрқитяпсан, устомонлик қилаётирсан! Сенинг қўлингда ҳеч қандай далолат йўқ, кечаги одам менинг кўзимга кўринган, холос! Фақат мени чалғитмоқчисан, адаштирмоқчисан, олдиндан менинг асабимга тегмоқчисан, кейин мени шу аҳволга солиб, қопқонга туширмоқчисан,

бўлмаган гап, ёлфон, ёлфончи тумшуғидан илинади! Лекин нега, нега менга бу даражада ҳаммасини ўзи айтиб бераётир?.. Асабларим бузилганидан фойдаланмоқчимикин!.. Йўқ, оғайни, ёлфон, ёлфончи тумшуғидан илинади, гарчи сен бир нарсани беркитаётган бўлсанг ҳам... Майли, кўрамиз, ўша беркитаётган нарсанг нималигини».

Шундай деб у ўзига далда беришга ҳаракат қилар, даҳшатли ва номаълум фалокат бошига қачон ёғилишини кутарди. Шундай вақтлар бўлар эдики, у шартта бориб Порфирийни шу ернинг ўзида бўғиб ташлагиси келарди. У бу ерга кираётганидаёқ мана шундай қаҳр-ғазабга минишдан чўчиганди. Унинг лаблари қуруқшаб, юраги гурсиллаб урар, лабларининг четларига кўпик йиғилиб қолганди. Лекин у нима бўлганда ҳам оғиз очмасликка, то вақти-соати келгунча индамай туришга қарор берди. Ўзининг бу аҳволида шундан яхшироқ йўл қолмаганди, чунки шундай қилганда ўзи ҳам ортиқча сўз гапириб қўймас ва аксинча, индамай ғанимининг асабига тегар ва эҳтимолки, ўшанда у беркитган нарсасини оғзидан гуллаб қўяр. Жуда бўлмаганда, у шундан умид қиларди.

– Йўқ, сиз менинг гапларимга ишонмаётганга ўхшайсиз, мени боядан бери ҳазиллашяпти, деб ўйлаяпсиз шекилли, – дея яна гапини давом эттирди Порфирий борган сари қувноқ тортиб, индамай ҳузур қилиб ҳиҳиларкан, у яна хонани чархуриб кезина бошлади, – албатта, гапингизда жон бор, мен бир нарса деёлмайман бунга, менинг борим ўзи шунақа қилиб ясалган экан-да, нуқул бошқаларда кулги туғдиради, кулгили фикрлар уйғотади; нақ буффон<sup>23</sup> денг, лекин сизга шуни айтиб қўймоқчиман ва яна такрорлайман, сиз, Родион Романович, мени маъзур тутинг, қария одамман,

<sup>23</sup> Буффон – қизиқчи (франц.).

сиз ҳали ёшсиз, нима десамикин, ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган ҳали, шунинг учун барча ёшларга ўхшаб, ҳаммадан бурун одамнинг ақлига қараб, баҳо берасизлар. Ақлнинг ўйинқароқ ўткирлиги ва тафаккурнинг мавҳумий хулосалари сизларни ўз домига кўпроқ тортади. Бу худди, агар ҳарбий воқеаларни таҳлил қилишга қурбим етса, мисол учун илгариги австрийс гофкригсратининг ўзи дейиш мумкин: улар қоғозда Наполеонни яксон қилиб ташлашган, ўзини асирга олишган, хонада ўтириб ҳаммасини ҳисоблаб чиқаришган, бундоқ учини учига тўғрилаб қарашса, генерал Мак деганингиз бутун бошли кўшини билан қўлини кўтариб турибди-да, ҳе-хе-хе! Кўриб турибман, отахоним Родион Романович, бу ўзи ҳарбийларга алоқаси бўлмаса ҳам нуқул урушлар тарихидан мисоллар келтиряпти, деб менинг устимдан кулмоқдасиз. Нима қилай, ҳарбий ишни севаман, айниқса, жангномаларни ўқишни жонимдан ҳам яхши кўраман, нима қилай, камчилик ҳаммада ҳам бор... жуда катта арбоб бўлиб кетардим, лекин ёмон ҳафсаласизлик қилиб қўйганман-да. Ростини айтсам, мен ҳарбий хизматда бўлишим керак эди. Балки Наполеон бўлмасдим, лекин майор бўлишга қурбим етарди, ҳе-хе-хе! Мана энди сизга жигаргўшам, ўша хусусий ходиса ҳақида ҳамма бор гапни оқизмай-томизмай айтиб бераман: чиндан ҳам, афандижон, одамнинг табиати жуда антиқа нарсада ва баъзан зўр ақл-фаросат билан қилинган ҳисоб-китобни йўққа чиқариб қўяди! Ҳей, мен жиддий гапиряпман, бу қариянинг сўзларига қулоқ солинг, Родион Романович (шу гапни айтаркан, эндигина ўттиз бешга қадам қўйган Порфирий Петрович худди бирдан қариб қолган одамга ўхшади: унинг ҳаттоки овози ҳам ўзгариб кетди, гавдаси қартайиб, букчайиб қолди), бунинг усти-

га мен гапни очиқчасига гапирадиган одамман... Мен самимий кишиманми ё йўқми? Сизнингча, қандай? Жуда очиқ кўнгил одам бўлсам керак, а? Сизга шундоқ нарсаларни текиндан-текинга айтиб бераётирман, эвазига мукофот ҳам талаб қилмаётирман, ҳе-ҳе! Хўш, десангиз, давом этсам: фаҳм-фаросат, менимча, жуда кетворган нарса-да; бу, нима десамикин, табиатнинг латофати ва ҳаётнинг ҳаловати, шундай бўлса ҳам фаҳм-фаросат билан қилинган шундай найрангбозликлар бўладики, уларни ечиш шўрлик бир терговчига йўл бўлсин, бунинг устига у ҳам одам, унинг ҳам ўзига яраша ўй-хаёли, орзуси бор! Шунда шўрлик терговчини ўша табиат деб атаганимиз қутқаради, фалокат! «Тўсиқлардан сакраб ўтувчи ёшлар» (сиз буни жуда ўткир ва ғоятда устомонлик билан ифодалагансиз) ақлнинг ўткирлигига берилиб кетиб, бундай нарсалар устида бош қотириб ўтирмайдилар. Айтайлик, у, яъни хусусий ҳодиса бўлган одамни айтаман, *incognito*<sup>24</sup> ни айтаман, алдаши мумкин, алдаганда ҳам ақл бовар қилмас даражада, айёрликни учига чиқариб алдаши мумкин; шундай қилиб зафар қозонгандаи бўлади, шундан кейин энди ўз ўткир ақлининг самарасидан лаззатланиши мумкин, ваҳоланки, у бўлса шилқ этиб, энг қизиқ жойда, энг жанжалли, ур-тўполон ерда шилқ этиб ҳушидан кетади. Майли, айтайлик, тоби қочган, хонанинг ҳавоси бузилган бўлиши мумкин, умуман, дейман-да! Ҳар ҳолда бир фикр тугдирди-ку! У жуда қулинг ўргилсин қилиб алдади, лекин табиатни эса бутунлай ҳисобга олмади. Ана, сизга макрнинг макони! Бошқа бир сафар бўлса, ақлининг ўткирлигидан ўйинқароқликка берилиб кетиб, ундан шубҳаланган одамни лақиллата, майна қила бошлайди, худди ўйин кўрсатаётган-

<sup>24</sup> *Incognito* – таниб бўлмайдиган, нотаниш (лот.).

дай бўлиб рангини оқартиради, оқартирганда ҳам шундай табиий қилиб оқартирадики, худди ростдан ҳам оқарганга ўхшайди, қарабсизки, яна бир карра фикр туғдирди! Анави одам аввалига лақиллаб қолган бўлса ҳам агар елкасида ошқовоқ эмас, калла кўтариб юрган бўлса, кечаси билан ўйлаб чиқади, лақиллатилганини фаҳмлаб қолади. Ахир, ҳаётда ҳар бир қадамда мана шундай нарсалар тўлиб ётибди-ку! Бу ҳам ҳолва ҳали: ўзи вақтидан олдин кўзга ташлана бошлайди, сўрамаган ерга тумшуғини тикади, сира ҳам оғиз очмаслик керак бўлган нарсаларни ҳар ерда тинмасдан валақлай бошлайди, турли масалалар тўқиб чиқаради, ҳе-ҳе! Ўзи келиб нега мени шунча пайтдан бери қўлга олишмаётди, деб тикилинч қилади? Ҳе-ҳе-ҳе! Бундай нарсалар ақли энг ўткир одамларнинг ҳам бошидан кечиши мумкин, ҳатто руҳшунос ва адабиётчилар ҳам шу ҳолга тушишлари ҳеч гапмас! Ойна табиат, ойна, энг шаффоф ойна! Унга қараб истаганча томошангни қилавер, ҳа! Ие, нега бунча оқариб кетдингиз, Родион Романович, ҳаво етишмаяптими сизга, ойнани очиб юборайми?

– О, безовта бўлманг, илтимос, – деб чинқариб юборди Раскольников ва бирдан хахолаб кула бошлади, – илтимос, уринманг!

Порфирий унинг қаршисида тўхтади, бир зум кутди ва бирдан унга қўшилиб ўзи ҳам кула бошлади. Раскольников ўзининг тутқаноқ кулгисини шахт билан тўхтатиб, шартта ўрнидан туриб кетди.

– Порфирий Петрович! – деди у оёқда зўрға турган бўлишига қарамай, баланд овоз билан дона-дона қилиб, – мен, мана алоҳал кўриб турибманки, сиз мени кампир билан Лизаветани ўлдирган, деб шубҳаланаётирсиз. Ўз томонимдан шуни маълум қиламанки, буларнинг бари анчадан бери жуда ҳам жонимга тегиб кетди. Агар мени қонун бў-

йича таъқиб қилиш керак деб ўйласангиз, таъқиб қилинг; қамоққа оладиган бўлсангиз қаманг. Лекин кўзимга қараб туриб мени масхара қилишлари ва азоб беришларига мутлақо йўл қўймайман.

Бирдан унинг лаблари қалтираб кетди, кўзларида қутуриш аломатлари зуҳур этди, шу пайтгача босиб келинган овоз бирдан кўтарилиб кетди.

– Йўл қўймайман! – дея қичқирди у бор кучи билан столи муштаркан, – эшитяпсизми, Порфирий Петрович? Йўл қўймайман!

– Эҳ, Худойим-ей, яна нима бўлди! – хитоб қилди афтидан ростдан ҳам қўрқиб кетган Порфирий Петрович, – отагинам! Родион Романович! Жигаргўшам! Отам! Сизга нима бўлди?

– Йўл қўймайман! – деб қичқирди яна Раскольников.

– Отагинам, секинроқ! Ахир, эшитиб қолишади! Нима гап, деб келишса, уларга нима деймиз, ўйлаб кўринг ўзингиз! – юзини нақ Раскольниковнинг юзига тақаб ваҳима билан шивирлади Порфирий Петрович.

– Йўл қўймайман, йўл қўймайман! – ғайришуурий равишда такрорларди Раскольников, лекин нима учундир ўзи ҳам шивирлашга ўтиб.

Порфирий тезгина деразани очгани югурди.

– Тоза ҳаво кирсин! Сув ичсангиз бўлармиди, бўтам, яна бошқатдан тутиб ўтирмасин! – Шундай деб, сув келтиринглар, деб айтгани югургилаган эди, лекин бурчакда графинда сув турганлигини кўриб қолди.

– Отагинам, ичинг, – шивирлади у Раскольниковнинг олдига графинни кўтариб келиб, – балки босилар... – Порфирий Петрович шунчалар қўрқиб кетган, шунчалар типирчилаб қолган эдики ва шу ҳолатда шунчалар самимий эдики, Раскольников

жим бўлиб қолди ва уни ёввойи бир қараш билан кузата бошлади. Дарвоқе, у сувни ичмади.

– Родион Романович! Азизим! Сиз бу аҳволда ўзингизни еб қўясиз, гапимга ишонинг, э-аҳ! Оҳ! Ичсангиз-чи! Жуда бўлмаса озгина ичинг, ахир!

У бир амаллаб Раскольниковнинг қўлига сув солинган стаканни тутқазди. Раскольников ғайриихтиёрий тарзда стаканни оғзига оборган эди ҳамки, яна дарҳол тортиб олди ва гижиниб стол устига қўйиб қўйди.

– Ҳа-а, сал бўлмаса тутқаноқ тутай деб қолди бизни! Бунақада, бўталоғим, сиз яна эски касалингизни кўзиб қўясиз, – лаби лабига тегмай шақиллай кетди дўстона ғамхўрлик билан Порфирий Петрович, ҳамон бирмунча довдираган алпозда. – Вой, Худойим-ей, одам ҳам ўзига шунча бераҳм бўладими? Ана, кеча менинг олдимга Дмитрий Прокофьевич ҳам келган эди, – тўғри, тўғри, менинг феълим жуда ёмон, одамларни чақиб олавераман, улар бўлса бундан нималар деб ўйлаб юришибди экан!.. Вой, Худойим-ей! Кеча сиз кетгандан кейин келиб қолса бўладими денг, овқатланиб ўтиргандик, нималарни гапириб ташламади денг, қўлимни ёзганча ўтиравердим; ана холос, дейман... вой, Худойим-ей! У сизнинг олдингиздан келганмиди? Э, ўтиринг, отагинам, ўтирсангиз-чи, Исо ҳақи, ўтиринг!

– Йўқ, менинг олдимдан келмаган! Аммо мен унинг сизнинг олдингизга кетганлигини ва нима сабабдан кетганлигини билардим, – кескин қилиб деди Раскольников.

– Билармидингиз?

– Билардим. Хўш, нима қилибди?

– Ҳеч нарса, отагинам, Родион Романович, мен ҳали бундан бошқа ҳам сизнинг кўп ишларингизни биламан. Ҳаммаси беш қўлдай маълум! Сиз



қоройғи тушиб қолганда бир бошпанани ижарага олгани борганлигингизни, уй қўнғироғини чалганлигингизни, қон ҳақида сўраганларингизни, ишчилар билан ҳовли қоровулларининг миясини тоза гаранг қилганлигингизни, ҳаммасини биламиз. Ахир, мен сизнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолатингизни яхши тушунаман... Лекин сиз бу аҳволда ўзингизни адоий тамом қилиб қўясиз, Худо ҳақи! Бошингизни қаерга уришни билмай қоласиз! Сиз ҳозир қаттиқ ғазаб алангасида ёнмоқдасиз, ғазабингиз қўзиган бўлса, балки ҳақдирсиз, аввал тақдирнинг адолатсизлигидан, сўнг миршабларнинг дағаллигидан қаттиқ норози бўлгансиз, шунинг учун ҳам ўзингизни ўтга-чўққа уриб, ҳаммани алжитиб, чалғитиб, тезроқ бу ишларни бўйнингиздан соқит қилиб ташламоқчисиз, чунки ҳамма бўлиб турган бу аҳмоқчиликлар ва қилинаётган шубҳалар жонингизга тегиб кетган, тоб-тоқатингиз қолмаган. Шундай эмасми? Сизни тўғри тушунибманми?.. Фақат сиз бу аҳволда ўзингизнигина эмас, бизнинг Разумихинни ҳам ишини чатоқ қилиб бошини айлантириб ташлайсиз; ахир ўзингиз биласиз-ку, бунақа ишларга келганда у жуда ҳам оқ қўнғил йигит. Сиз касалсиз, у бўлса, меҳру мурувватли йигит, шунинг учун ҳам касал унга тез юқиши мумкин... Мен сизга отагинам, сал ўзингизга келганингиздан кейин бир нарсани айтиб бераман... Вой-бў, ўтирсангиз-чи, ахир, отагинам, ҳазрати Исо ҳақи, ўтиринг! Бемалол дамингизн олволинг, рангингизда ранг қолмабди; э, ўтирсангиз-чи, ахир.

Раскольников ўтирди, унинг қалтироғи аста босилмоқда, лекин аъзойи бадани ўт бўлиб ёнмоқдайдди. Асаблари таранг тортилган ҳолда ҳайратланиб, у ўзига меҳрибончиликлар кўрсатаётган, қўрқиб кетган Порфирий Петровични кузатарди. Унинг



битта ҳам сўзига ишонмас, лекин дилида ишонишга аллақандай бир майл ҳам туярди. Порфирийнинг кутилмаганда айтиб қолган уй ҳақидаги сўзларидан у анг-танг бўлиб қолди. «Буниси қандоқ бўлди, демак, у ўша хонадон тўғрисидаги гаплардан хабардор экан-да? – ўйланиб қолди бирдан у, – яна унинг ўзи буни менга гапириб бериб ўтирибди!»

– Бизнинг иш тажрибамизда худди шунга ўхшаган ғалати руҳият билан боғлиқ бир воқеа бўлган эди, жуда ғайритабиий воқеа, – дея давом этди лаби лабига тегмай Порфирий. – Бир одам ўзини ўзи қотилга чиқариб ўтирса денг, чиқарганда ҳам яна қандоқ денг: ақлга тўғри келмаган хаёлий гапларни тўқиб чиқарган, далиллар келтирган, воқеа қандай бўлиб ўтганлигини айтиб берган, ҳаммани чалкаштириб, миясини қоқиб, қўлига берган, нима бўлди денг? Унинг ўзи ҳеч истамаган ҳолда қисман бировнинг ўлдирилишига сабабчи бўлган, ҳа, фақат қисман, лекин у ўзининг сўзлари қотилларга бир баҳона бўлганлигини эшитиб, қаттиқ эзилган, изтиробга тушган, назарида ҳаммасини ўзи қилгандай бўлиб туйилаверган, тоза ақли тескари бўлиб кетган ва охири ўзини ўзи мен қотилман, деб ишонтирган! Лекин сенат ҳукми билан иш бошқатдан кўрилиб, бечора оқланди ва касалхонага даволаш учун ётқизилди! Омон бўлсин бизнинг сенатимиз! Воҳ-ей, вой-вой-ей! Ахир, бунақада аҳвол нима бўлади? Бу аҳволда одам кечасилари қўнғироқ чалгани борадиган, қон тўкилгани ҳақида гап суриштириб юрадиган, телба-тескари ишлар қиладиган бўлиб қолади, бунақада одам безгакка чалингандан баттар асаблари қақшайдиган, тўғриси қолиб, эгрисини қиладиган одат чиқаради! Мен бунақасига жуда кўп дуч келганман. Бунақада одам ўзини баъзан деразадан

ташлаб юборгиси ёки жомхона минорасига чиқиб, ўша ердан пастга учиб тушгиси келади, одамни шундай ишларга телба хаёл тортаверади. Қўнғироқлар ҳам шунақа... Касаллик, Родион Романович, касаллик! Сиз ўз касалингизга парво қилмай қўйибсиз. Биронта тажрибалироқ шифокор билан маслаҳатлашиш керак эди, анави бақалоқ шифокорингиз ўзини эвласа ҳам катта гап!.. Алаҳсирайдиган бўлиб қолибсиз! Бу ишларнинг ҳаммасини эс-хушингиз жойида бўлмай қилаётибсиз!..

Бир он ҳамма нарса Раскольниковнинг кўз ўнгида чир айланиб кетди.

«Наҳотки, наҳотки, – хаёлидан ўтарди унинг, – у ҳалиям алдаётган бўлса? Мумкинмас, мумкинмас!» – ўзидан нарига ҳайдарди у калласига келган бу фикрни, шу тобда у агар бундай ўйлайдиган бўлсам, даҳшатли даражада қутуриб, ғазабим қайнаб кетиши мумкин, деб ўйлар, қутуриб кетса, ақдан озиш ҳам ҳеч гап эмаслигини сезарди.

– Мен у ишни алаҳсираб эмас, ақл-ҳушим жойида бўлиб турганда, ўнгимда қилганман! – дея қичқирди у бор кучи билан Порфирий ўйлаган нарсанинг тагига етишга уриниб. – Ўнгимда, ўнгимда! Эшитяпсизми?

– Ҳа, тушуняпман ва эшитяпман! Сиз кеча ҳам алаҳсирамаган эдим, деб таъкидлаб айтдингиз, ҳа, таъкидлаб айтдингиз бунини! Ҳамма сиз айтмоқчи бўлиб турган гапларни тушуниб турибман! Э-эҳ!.. Менга кулоқ солинг, Родион Романович, валинеъ-матим, жуда бўлмаса манови ҳолатни олинг, ахир. Агарда сиз ростдан ҳам жиноятчи бўлганингизда ёки бир нарса бўлиб бу қуриб кеткур ишга аралашиб қолганингизда, ҳеч замонда буларнинг барини ўнгимда қилганман, соғ эдим деб икки оёфингизни бир этикка тиқиб турармидингиз? Оёфингизни тираганда ҳам шундай тираб олдингизки, шунча-

лар ҳам қайсарлик билан тираб олдингизки, одам беихтиёр ўйланиб қолади, бўлиши мумкинмиди, ахир, шундай бўлиши мумкинмиди, шунақа ҳам бўладими деб? Менимча, бунинг бутунлай акси. Агарда сиз бўйнингиз қисик бўлганда, унда албатта оёқни тираб туриш керак эди: шу маънодаки, ҳа, мен чиндан ҳам эс-ҳушим жойида эмасди, деб! Шундай эмасми? Ахир, шундай-ку, а?

Бу савол алақандай ҳийлакорлик билан берилмоқда эди. Раскольников ўзи томон энгашиб, индамай, унга тик назар ташлаб, ҳайрон бўлиб турган Порфирийдан бошини нари тортиб, диваннинг суянчигига гавдасини ташлади.

– Ёки мана жаноб Разумихинни олайлик, яъни у ўз номидан гапиргани келганми ёки сизнинг қутқу солишингиз натижасида келганми? Сиз худди мана шу нарсани, яъни сизнинг истагингиз билан менинг олдимга келганлигини яширишингиз у ўзи келган, нимага келганлигини мен билмайман, дейишингиз керак эди! Ваҳоланки, буни қаранг, сиз сира ҳам буни яширмаяпсиз-а! Сиз худди мен айтганим учун бу ерга келган деб оёғингизни тираб турибсиз!

Раскольников ҳеч бундай важ-карсон кўрсатмаганиди. Унинг елкаси муздай бўлиб қолди.

– Сиз ёлғон гапиряпсиз, – қаттиқ дили оғриган одамдай лабларини қийшайтириб жилмаяркан, оҳиста, заиф товуш билан деди Раскольников, – сиз менга бутун қилмишларингизни бошдан-оёқ биламан, сенинг нима деб жавоб беришинггача биламан, деб ўзингизни кўрсатиб қўймоқчисиз, – дерди сўзларни ўйламасдан гапириб юбораётганлигини ҳис қилиб, – мени кўрқитиб олмоқчисиз... Ё бўлмаса менинг устимдан кулаётирсиз...

У Порфирийга тик қараб, ундан нигоҳини узмасди, шу сўзларни айтаркан, яна унинг кўзларида чек-чегарасиз ғазаб учқунланиб кетди.

– Сиз ёлфон гапиряпсиз! – дея қичқириб юборди у. – Сиз ўзингиз яхши биласизки, жинойтчи яшириб ўтирмаслик керак бўлган нарсани яшириб ўтирмайди, бу унинг ҳийласи. Мен сизга ишонмайман!

– Бунча ҳам енгилтак бўлмасангиз! – ҳиҳилади Порфирий, – сиз билан отагинам, мурасага келиб бўлмас экан-ку; сизга бир нарса тегса бўлди экан, кейин уни каллангиздан сира ҳам чиқариб бўлмай қоларкан. Демак, менга ишонмайсизми? Мен бўлсам айтаманки, сиз ишона бошладингиз, ҳозир чорагига ишондингиз, мен бўлсам шундай қиламанки, ҳаммасига ишонадиган бўласиз, негаки, сизни чиндан ҳам ҳурмат қиламан ва чин юракдан сизга яхшилик қилишни истайман.

Раскольниковнинг лаблари қалтираб кетди.

– Ҳа, шундай, шуни истайман, сизга охирида айтиб қўяйки, – дея давом этди у Раскольниковнинг тирсагидан ушлаб дўстона сўзларкан, – охириги гапим шуки, касалингизни яхшилаб ўрганинг. Бунинг устига мана, олдингизга оила аъзоларингиз келишибди; уларни ўйланг. Уларнинг қадрига етиб, ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш лозим, ваҳоланки, сиз уларни кўрқитганингиз кўрқитган...

– Сизнинг нима ишингиз бор? Сиз буни қаердан биласиз? Нега бунга жуда қизиқиб қолдингиз? Мени кузатиб юрганлигингизни кўрсатиб қўймоқчимисиз?

– Отагинам! Буни ўз оғзингиздан, ўзингиздан эшитдим-ку! Сиз ҳаяжонланган пайтингизда менга ҳам, бошқаларга ҳам ҳамма нарсани олдиндан айтиб қўяр экансиз ва буни ўзингиз билмай қолар экансиз. Жаноб Разумихиндан, Дмитрий Прокофьевичдан ҳам кеча кўпгина қизиқ тафсилотларни эшитдим. Йўқ, сиз менинг гапимни бўлиб

қўйдингиз, сизга айтиб қўйишим керакки, сиз бадгумон бўлиб қолгансиз, шунинг учун ҳам, ақлингиз ўткир, тийрак йигит бўлсангиз ҳам, нарсаларга тўғри кўз билан қаролмайдиган бўлиб қолгансиз. Мана, мисол учун қўнғироқ ҳақидаги гапни олинг: мана, мен терговчи деган одам бўла туриб, шундай бир қимматли гапни, шундай бир далилни (ахир, бу расмона далил-ку!) сизга бошдан-оёқ, тутқазиб қўйдим, қўлингизга! Наҳотки сиз шундан кейин ҳам ҳеч нарсани англамаётган бўлсангиз? Агар сиз андак бўлса ҳам шубҳа остига тушганингизда, сиздан шубҳаланган бўлганимда, шу ишни қилиб ўтирармидим? Аксинча, мен сизни шубҳага солмаслигим, билганлигимни билдирмаслигим, сиздан яширишим лозим бўларди; сизнинг диққатингизни чалғитиб, хаёлингизни бутунлай бошқа томонга буриб юбориб, кейин бирдан болта билан қоқ мяннгизга (ўзингиз шундай деб айтдингиз) туширишим, эсанкиратиб қўйишим керак эди: «Ўлдирилган хотиннинг уйида кечаси соат ўнда, йўқ, ҳатто ўн бирларда нима қилиб юрган эдингиз, афандим, деган бўлардим? Нега эшикнинг қўнғироғини чалдингиз? Нима учун қон ҳақида сўрадингиз? Нима учун ҳовли қоровулларини гаранг қилиб, мени миршабга обorasанлар, деб туриб олдингиз?» Агарда сиздан озгинагина шубҳаланганимда, мен мана шундай қилган бўлардим. Сиздан бутун қонун-қоидаси билан сўроқ олишим, тинтув қилишим ва бунинг устига ўзингизни ҳам қамоққа олишим керак эди... Шундай қилмаган эканманми, демак, сиздан сира шубҳаланадиган жойим йўқ! Сиз бўлсангиз бундоқ тўғри кўз билан қарай олмайдиган бўлиб қолибсиз, ҳеч нарсани назарингиз илмайдиган бўлиб кетибди, мен буни яна такрорлаб айтаман!

Раскольников қаттиқ сесканиб тушди, буни, ҳатто Порфирий Петрович ҳам очиқ-ойдин кўрди.

– Ёлғон гапиряпсиз! – деб қичқирди Раскольников, – мен мақсадингиз нималигини билмайман, лекин сиз нуқул ёлғон сўзлаяпсиз... Боя сиз бу маънода гапирмаган эдингиз, хато қилмаслигим керак мен... Сиз ёлғон гапиряпсиз!

– Мен ёлғон гапиряпманми? – унинг гапини илиб кетди Порфирий, афтидан, бирмунча қизишиб, лекин муомалада шўх ва масхараомуз оҳангни сақлаган ҳолда, кўринишдан уни жаноб Раскольниковнинг у ҳақда қандай фикрдалиги мутлақо қизиқтирмасди. – Мен ёлғон гапиряпманми?.. Хўш, ҳозиргина сизга нималар дедим (ахир, мен терговчиман-а), сиз ўзингизни қандай ҳимоя қилишингиз мумкинлиги ҳақидаги ҳамма гапларимни айтдим, ўзим сизга руҳий жиҳатдан қандай асослашнинг йўлини кўрсатдим: «Касал эдим, эс-ҳушим жойида эмасди, мени жуда қаттиқ хафа қилишганди; хаёлим паришон эди, бунинг устига ижара ҳақи йиғилиб қолган экан», ва ҳоказо, ҳоказо? А? Ҳе-ҳе-ҳе! Шуниси ҳам борки, ўзингизни ҳимоя қилишда айтишингиз мумкин бўлган бу ҳамма гаплар, руҳий баҳоналар, ундай эди, бундай эди, деган ҳар турли сабаблар бир ёқдан қараганда, ҳеч нарсага арзимади, бари пуч гаплар, таёққа ўхшаб, уларнинг ҳам икки учи бор: «Касал эдим, довдираб, алаҳсираб юрган эканман, хаёлимда шундай бўлиб қолибди», деган гаплар тўғри-ю, ахир, нима учун, отахоним, одам касал бўлганида, худди мана шунга ўхшаш хаёллар келди-ю нега энди бошқача ўйлар келмайди? Касал одам бошқача хаёл суриши ҳам мумкин-ку? Тўғримасми? Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе!

Раскольников унга кибр ва нафрат билан қаради.

– Гапнинг қисқаси, – кожлик ва жингиртоблик билан овозини баланд қилиб деди Раскольников ўрнидан турар экан, Порфирийни туртиб ўтиб, – гапнинг қисқаси, мени буткул шубҳалардан холи одам деб биласизми, йўқми, мен шуни билишни истайман. Айтинг, Порфирий Петрович, ўзингизнинг охирги қатъий бир гапингизни айтинг, тезроқ, ҳозирнинг ўзида айтасиз!

– Суриштиришини қаранг! Тоза суриштирадиган чиқиб қолдингиз-ку, – деб қичқирди жуда қувноқ, муғомбир, ҳеч нарсадан ташвишланмаган бир қиёфада Порфирий. – Нима қиласиз, шунча нарсани билиб, нимага керак сизга шунча нарсани билиш, ахир, сизни ҳали жиндак ҳам уринтирганлари йўқ-ку! Тавба, худди ёш болага ўхшайсиз: қараб турса, қўлингиз билан оловни ушламоқчи бўласиз! Нега мунча ташвишланаверасиз? Нимага бизнинг ишга бурнингизни суқаверасиз, нима сабабдан? А? Ҳе-хе-хе!

– Сизга яна такрор айтаман, – дарғазаб бўлиб қичқирди Раскольников, – мен бошқа чидолмайман...

– Нимага? Ҳамма нарса номаълум бўлгани учунми? – унинг гапини бўлди Порфирий.

– Киноя қилманг! Истамайман!.. Истамайман, деяпман сизга!.. Чидолмайман ва истамайман!.. Эшитяпсизми! Эшитяпсизми! – қичқирди у яна столни муштлаб.

– Секин, ҳой, секин, деяпман! Ахир, битта-яримтаси эшитиб қолади! Мен сизни жиддий суръатда огоҳлантиряпман: ўзингизни тутинг. Мен ҳазиллашаётганим йўқ! – шипшиди унга Порфирий, лекин энди унинг чехрасида бояги юмшоқ хотинчалиш ифода, қўрқув йўқ эди; аксинча, ҳозир у қовоғини солиб, қошларини чимириб, бутун сирли гаплар, қочириқларни бирваракайига йиғишти-



риб қўйиб, очикдан-очик, буйруқ қилмоқдайди. Лекин бу фақат бир зумгина давом этди. Ғалати аҳволга тушиб, ҳайрон бўлиб қолган Раскольниковнинг бирдан яна қони қайнаб кетди; лекин қизиги шундаки, у даҳшатли суръатда ўз қонига ўзи ташна бўлиб турган бўлса ҳам нима учундир яна секин гапиринг, деган сўзга кирди.

– Мен қонимга ташна қилиб юборишингизга йўл қўймайман, – ҳалигиндай вишиллади у, лекин буйруққа бўйсунмай иложи йўқлигидан яна ғазаб отига минди, иложсизлик уни янада қутуртириб юборди, – истасангиз қаманг мени, истасангиз тинтув қилинг мени, лекин қойдаси билан бўлсин бу ишлар, мен билан ҳазил-мазах ўйнаманг! Бас қилинг...

– Ҳадеб қоида ҳақида ташвишланаверманг, – унинг гапини бўлди Порфирий устомонлик билан жилмайиб қўяркан, Раскольниковга мамнун бир қиёфада тикилиб, – мен сизни, отагинам, бугун шундай ўзим чақирганман бир меҳмон бўлиб кетинг, деб, дўстона!

– Менга сизнинг дўстлигингизнинг кераги йўқ, тупурдим бундай дўстликка! Эшитяпсизми? Мана, истасам, фуражкамни оламану чиқиб кетаверман. Хўш, қани энди нима дейсан, агар қамамоқчи бўлсанг?

У қўлига фуражкасини олиб, эшик томон юрди.

– Сизга бир нарсани совға қилиб қўйган эдим, кўрмайсизми? – ҳиҳилади Порфирий яна Раскольниковнинг тирсагидан ушлаб эшик олдида тўхта-таркан. Порфирий кўринишидан борган сари шўх ва қувноқ бўлиб борар ва худди мана шу нарса Раскольниковнинг жонини чиқармоқда эди.

– Совғангиз нимаси? Нима деяпсиз? – бирдан қадамни секинлатиб сўради у. Порфирийга қўрқа-писа қарар экан.



– Совға мана шу эшик орқасида ўтирибди, ҳе-ҳе-ҳе! (У ўзи турадиган хоналарга чиқадиган эшикка бармоғи билан нуқиб қўйди.) – Мен қочиб кетмасин деб, устидан қулфлаб ҳам қўйганман.

– Нима ўзи? Қаерда? Нима?.. – Раскольников эшик олдига келиб очмоқчи бўлган эди, лекин эшик берк экан.

– Бекик, мана калити!

Ростдан ҳам шундан кейин у чўнтагидан калит олиб кўрсатди.

– Ёлғон гапиряпсан! – ўзини тутолмай бўкириб юборди Раскольников, – сен, лаънати лўттибоз, ёлғон гапиряпсан! – шундай деб у ўзини эшик томонга урган, лекин заррача ҳам қўрқмаган Порфирийга қараб отилди.

– Ҳаммасини тушуниб турибман! – ўдағайлаб келди у Порфирийнинг олдига. – Сен ёлғон сўзлаб менинг асабимга тегяпсан, жонига тегиб кетгандан кейин ўзини билдириб қўяди деяпсан...

– Э, бўлди ўзи, бундан ортиқ ўзни билдириш мумкин эмас, отагинам Родион Романович. Нақ жонингиз чиқиб кетай деди-я! Бақирманг, бўлмаса одамларни чақираман!

– Ёлғон гапиряпсан, ҳеч нарса бўлмайди! Чақир одамларингни! Сен менинг касаллигимни билардинг, асабимни бузмоқчи бўлдинг, қонимни қайнатдинг, ўз оғзидан илинади шундай қилсам деддинг, сенинг мақсадинг шу экан! Ҳаммасини тушундим! Сенинг қўлингда битта ҳам далил йўқ, ҳаммаси Заметовнинг гапларига ўхшаш бачкана, бир пулга қиммат гаплар, шубҳалар, тахминлар!.. Сен менинг феълимни билиб, қонимга ташна қилмоқчи бўлган экансан, кейин поплару депутатларинг билан оёғимдан чалмоқчи, йиқитмоқчи бўлгансан... Сен уларни кутиб турибсанми? А? Нимани кутяпсан? Қани? Олиб кел!

– Депутатлар бу ерда нима қилиб юрибди, отагинам! Ўйлаган нарсангизни қаранг-у. Бунақа аҳволда қоидаси билан ҳам иш қилиб бўлмайди, ахир, жигаргўшам, ҳали билмас экансиз... Қонун-қоида ҳеч қаерга қочиб кетмайди, мана кўрарсиз ҳали!.. – гўлдираб дерди Порфирий эшикка қулоқ солиб.

Ростдан ҳам худди шу пайт эшик орқасида бошқа хонадан шовқин-сурон эшитила бошлади.

– А, келишдими! – чинқириб юборди Раскольников, – сен уларни чақиртирган эдингми!.. Сен уларни кутиб турувдингми! Хаёлингда... Майли, қани олиб кел ҳаммасини: депутатларинг борми, гувоҳларинг борми, ниманг бўлса, олиб келавер! Мен тайёрман! Тайёрман!..

Лекин шу ерда сира ҳам кутилмаган, одатдан ташқари ғалати, на Раскольников ва на Порфирий Петровичнинг етти ухлаб тушига кирган бир ҳодиса юз бердики, ҳаммасини остин-устин қилиб юборди.

## VI

Кейинчалик бу воқеаларни эслаганларида, назарида ҳаммаси қуйидагича бўлган эди:

Эшик ортидан эшитилган шовқин-сурон бирдан зўрайиб кетди ва эшик андак қия очилди.

– Нима гап? – дея қичқирди норози бўлиб Порфирий Петрович. – Ахир, мен огоҳлантирган эдим-ку...

Бир зум ҳеч қандай жавоб бўлмади, лекин эшик орқасида бир қанча одамлар турганлиги ва улар аллакимни эшикдан нарига қараб итараётганлари кўриниб турарди.

– Э, нима гап ўзи? – ташвишланиб яна сўради Порфирий Петрович.

– Маҳбусни олиб келишди, Николайни, – дея қичқирди алаким.

– Керакмас! Йўқолинглар! Кутиб туринглар!.. Нега у бу ёққа бурнини тикади! Бу қандай тартибсизлик! – қичқириб юборди Порфирий эшик томонга отилиб бориб.

– Кўрмайсизми... – дея яна сўзлай бошлаганди бояги овоз эгаси, бирдан жим бўлиб қолди.

Кўп эмас, икки сонияча муддат алақандай чинакам олишув бўлаётгани эшитилди; кейин кимдир алакимни куч билан итариб юборгандай бўлди ва шундан сўнг қандайдир ранглари ўчиб кетган бир одам Порфирий Петровичнинг хонасига қадам қўйди.

Бу одамнинг афти ангори бир қарашда жуда фалати кўринарди. Унинг нигоҳи тик тўғрисига қадалган, лекин ўзи ҳеч нарсани кўрмаётганга ўхшарди. Унинг кўзларида қатъият ифодаланиб турар, шунинг билан бирга худди қатлга олиб келинган кимса каби оппоқ оқариб кетганди. Гезариб кетган лаблари дам-бадам пирпираб учарди.

У жуда ҳам ёш эди, одми одамлар каби кийинган, ўрта бўйли, ориқдан келган, сочлари қавс қилиб олдирилган, юз тузилиши нозик ва рангпаргина эди. Кутилмаганда у итариб юборган одам унинг орқасидан ташланиб, елкаларидан ушлаб олишга улгурди: бу соқчи эди, лекин Николай қўлини силтаб тортди ва яна унинг қўлидан чиқиб кетди.

Эшик олдида бир қанча ҳангаматалаб кишилар йиғилиб қолишганди. Улардан баъзи бирлари ичкарига кириш учун уринишарди. Мана шу баён этилганларнинг ҳаммаси бир зум ичида рўй берди.

– Кет, ҳали эрта! Кутиб тур, чақирамиз!.. Нега уни вақти бўлмай олиб келдингиз? – дея бўлди-

рарди ҳаддан ташқари норози бўлган Порфирий, у худди калавасининг учини йўқотиб қўйгандай эди. Аммо Николай кутилмаганда тиз чўкди.

– Сенга нима бўлди? – қичқирди ҳайратланиб Порфирий.

– Айбдорман! Гуноҳкорман! Мен ўлдирганман! – деди бирдан бўғиқ овоз билан ҳаммага эшитиларли қилиб Николай.

Ўн сония ҳамма сурат бўлиб қолди, оғир жимлик чўкди, ҳатто соқчи ҳам ўзини орқага олди ва Николайнинг олдига бошқа яқинлашмай, ғайришуурий тарзда эшик олдига бориб тек қотди.

– Нима деяпсан? – деб қичқирди Порфирий бир зум ўзини йўқотиб қўйгач, яна ўнглаб олиб.

– Мен... ўлдирдим... – такрорлади Николай бир зум жим тургач.

– Қандай қилиб... сен... қандай... сен кимни ўлдирдинг?

Порфирий Петрович афтидан ўзини йўқотиб қўйганди.

Николай яна бир зум жим турди.

Алена Ивановна билан унинг синглиси Лизавета Ивановнани мен... ўлдирдим... болта билан... ўзим ҳам билмай қолдим... – деб қўшиб қўйди у бирдан ва яна жим бўлиб қолди. У ҳамон тиз чўкканча турарди.

Порфирий Петрович бир зум ўйлангандай туриб қолди, бироқ дарҳол яна ўзига келиб ҳангаматалаб кишиларни қўллари билан хонадан ҳайдаб чиқара бошлади. Улар бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар ва эшик яна юзига ёпилди. Кейин Порфирий бурчакда туриб, Николайга ёввойиларча тикилиб қолган Раскольниковга қаради ва унга томон юрмоқчи бўлди, лекин бирдан юришдан тўхтаб, унга қаради, шу заҳоти ундан назарини олиб, Николайга ташлади, кейин яна Раскольниковга, ундан

тагин Николайга қаради-да ва бирдан ўзини тутиб туролмагандай бўлиб яна Николайнинг олдига югуриб борди.

– Сен нега билмай қолдим деб бу ерга бурнингни тикаяпсан? – дея қичқирди унга ғазаб билан.  
– Мен ҳали сендан сўраганим йўқ эди: билганмидинг ё билмасдан қилганмидинг, деб... айт: сен ўлдирдингми?

– Мен ўлдирдим... Бўйнимга оламан... – деди Николай.

– Э-эҳ! Нима билан ўлдирдинг?

– Болта билан. Беркитиб қўйган эдим.

– Эҳ, шошишини қаранг! Бир ўзингми?

Николай саволни англамади.

– Бир ўзинг ўлдирдингми?

– Бир ўзим. Митьканинг айби йўқ, бу ишларга сира алоқаси йўқ.

– Э, Митькангни қўйиб турсанг-чи! Мунча шошасан! Э-эҳ!..

– Унда қандай қилиб, қандай қилиб ўшанда зинадан чошиб тушдинг? Ҳовли қоровуллари икковингизни учратишган экан-ку?

– Мен унда одамларнинг кўзи учун Митька билан чошиб тушган эдим... Ўшанда.... – деди худди шошилаётгандай ва нимагадир олдиндан тайёрлана бошлагандай Николай.

– Ҳа, худди ўзи! – ғазабланиб бақирди Порфирий, – биров ўргатган гапни айтаётир! – ғунфиллади у худди ўзига ўзи гапиргандай қилиб ва шунда яна унинг кўзи Раскольниковга тушди.

Афтидан, Николай уни шу қадар чалғитиб юборган эдики, бирпас у Раскольников ҳам шу ердалигини унутиб қўйганди. Бирдан у хушёр тортди, ҳатто хижолат бўлди...

– Родион Романович, отагинам! Узр, узр, – унга томон ўзини отди Порфирий. – Бундай бўлиши

мумкинмас; бўлди... сиз бўшсиз... мен ўзим ҳам... кўряпсизми совғаларни! Бемалол!..

– Сиз афтидан, бундай бўлишини кутмаган эдингиз шекилли? – деди ҳали ҳеч нарсани аниқ тушуниб етмаган, лекин ўзини анча тутиб олган, дадилланган Раскольников.

– Ўзингиз ҳам бундай бўлишини кутмагандингиз, отагинам. Қўлларингизни қалтирашини қаранг! Ҳе-ҳе!

– Ўзингиз ҳам қалтираб турибсиз, Порфирий Петрович.

– Мен ҳам қалтираяпман; кутмаган эдим!..

Улар эшик олдига бориб қолгандилар. Порфирий Раскольниковнинг чиқиб кетишини сабрсизлик билан кутарди.

– Совғам бор, девдингиз, кўрсатмайсизми? – деди бирдан Раскольников.

– Ҳали тиши тишига тегмай қалтираб турибди-ку, бунинг айтаётган гапини қаранг тагин, ҳе-ҳе! Жуда кинояга ҳам уста бўлиб кетибсиз-да! Хўш, бўпти, кўришгунча.

– Менимча, алвидо, десак ҳам бўлади!

– Худо билади, Худо билади! – дея ғўлдиради Порфирий Петрович лабини қийшайтирганча тиржайиб.

Идора ичидан ўтиб бораркан, Раскольников бир қанча одамлар ўзига диққат билан қараганларини сизди. Қабулхонада у ўзи миршабга бирга борамиз, деб судраган анави уйнинг иккала қоровулига кўзи тушди, улар одамлар ичида ниманидир кутиб туришарди. У зинадан туша бошлаган эди ҳамки, орқадан Порфирий Петровичнинг овозини эшитди. Орқасига ўгирилиб, у ўзига томон ҳовлиқиб келаётганлигини кўрди.

– Бир гап қолиб кетибди, Родион Романович; майли, бу ёғи яна Худо хоҳлаганича бўлару, лекин

бари бир, қоидаси билан баъзи бир нарсаларни сўраб олишимизга тўғри келади... шу... яна кўришамиз, шу.

Шундай деб Порфирий унинг қаршисида илжайиб тўхтади.

– Шу, – деб қайтарди у яна бир марта.

Афтидан, у яна алланималарнидир демоқчи эди-ю, лекин сира тили чопмай турарди.

– Сиз мени ҳалиги қилигим учун кечиринг, Порфирий Петрович, мен қизишиб кетибман, – деди ўзини анча тутиб олган, юраги дадиллашган Раскольников, олифтагарчилик қилиб қўйишдан сира ўзини тўхтатолмай.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... – қувноқлик билан унинг гапини илиб кетди Порфирий. – Мен ўзим ҳам... Жуда табиатим ёмон заҳар, узр, узр! Ҳали яна кўришамиз. Агар Худо хоҳласа, албатта, кўп кўришамиз ҳали!..

– Ўшанда бир-биримизни бутунлай билиб оламизми? – унинг гапини оғзидан олди Раскольников.

– Бутунлай билиб оламиз, – деб тасдиқлади унинг гапини Порфирий Петрович ва кўзини қисиб, унга жуда жиддий бир назар билан қаради. – Энди ақиқага борасизми?

– Таъзияга.

– Ҳа, айтгандай, таъзия девдингиз-а! Соғлиғингизга эҳтиёт бўлинг, соғлиққа...

– Сизга нима десамикин, билмай қолдим! – деди зинадан тушиб бораркан Раскольников бирдан тўхтаб, Порфирийга ўгирилиб қараркан, – сизга катта муваффақиятлар тилаб қолмоқчийдим, яна ўйланиб қолдим, вазифангизни қаранг, жуда одамни кулгига қўядиган вазифа!

– Нега энди кулгига қўяркан? – дарров қулоғини динг қилди орқасига қайрилиб кетаётган Порфирий.

– Нега кулгили бўлмасин, мана шу бечора Миколкани ўзингизча руҳий йўл билан тоза қийнаган, қонига ташна қилган бўлсангиз керак, то бўйнига олмагунча қўймай: кечаси ҳам, кундузи ҳам у бечорага: «Сен ўлдиргансан, сен ўлдиргансан...» деявериб, жонини олган бўлсангиз керак, мана энди у бўйнига олгандан кейин уни битталаб бурдалай бошлайсиз: «Алдаяпсан, дейсиз, сен ўлдирмагансан, дейсиз! Сен қотил бўлишинг мумкин эмас! Биров ўргатган гапни айтаётирсан, дейсиз!» Шундай бўлгандан кейин одам кулгига қолмай нима қилади?

– Ҳе-ҳе-ҳе! Николайга «Биров ўргатган гапни айтяпсан», деганимни пайқаган экансиз-да?

– Пайқамай-чи?

– Ҳе-ҳе! Жуда ақлингиз ўткир-да, жуда ўткир. Ҳамма нарсани пайқайвераркансиз! Чинакам ўйноқи ақл! Шундоқ кулгили жойини дарров илинтириб оласиз-қўясиз экан... ҳе-ҳе! Ёзувчилар ичида шунақа фазилат фақат Гоголда бўлган дейишади, а?

– Ҳа, Гоголда.

– Ҳа, Гоголда эди... Яхшилик билан кўришайлик.

– Омон бўлсинлар...

Раскольников тўғри уйга қараб юрди. У шунчалар ҳам чалкашиб кетган, калавасининг учини йўқотиб қўйган эдики, уйга келиб ўзини диванга ташлаб, чорак соатлар чамаси ҳушини йиғиб, нафасини ростлаб, ўтириб қолди. Николай ҳақида, ҳатто ўйлагиси ҳам келмасди: фақат ҳайратдан ёқасини ушлабгина қолганди; Николайнинг одам ўлдирдим, деб бўйнига олишини ҳеч нарса билан тушунтириб бўлмас, англаб бўлмас, бунга сира ҳам ақл бовар қилмасди. Лекин у ҳамманинг кўз ўнгида бўйнига олган, бу чиндан бўлган воқеа эди. Бунинг нима билан яқунланиши Раскольниковга



равшан эди: Николайнинг ёлфондан бўйнига олгани очилмай қолмайди, ана ўшанда яна бошқатдан унга тиргила бошлашади. Лекин ўшангача вақти бор, нимадир қилиш керак, нима қилиб бўлса ҳам хатарнинг олдини олиш керак эди.

Лекин бу хатарнинг ўзи қандай? Аҳвол ойдинлаша бошлади. У ўзининг боя Порфирий билан қандай алпозда гаплашганларини хомаки тарзда умуман эслаб хотирларкан, даҳшатдан сочи тикка бўлиб кетгудай бўларди. Албатта, у Порфирий нима мақсадни кўзлаб иш юритганлигини ипидан-игна-сигача билолмас, гапни қайси томонга айлантириб олиб бораётганлигини тугал англаб ета олмасди ҳозир. Аммо ўйналаётган беркинмачоқнинг бир томони очилган, ва шунинг ўзиданоқ Порфирийнинг ушбу «юриши» унинг тақдири учун нақадар хавфли эканлиги равшан бўлганди. Боя яна бир оз турилганда у ўзини бутунлай билдириб қўйган, Порфирийнинг қўлига тушган бўларди. Унинг табиатан асабий эканлигини билиб, биринчи қарашнинг ўзидаёқ унинг феъли атворини яхши англаб етган Порфирий шунга кўра ҳаддан ташқари даядил ҳаракат қилган ва деярли ўқни нишонга урганди. Ҳеч шак-шубҳасиз, боя Раскольников ўзини жуда билдириб, ошкор қилиб қўйди, лекин иш фош қилишгача боргани йўқ бари бир; буларнинг ҳаммаси ҳали шунчаки гаплар. Бироқ ҳаммаси шундаймикин, ҳаммасини ҳозир шундай тушунаётганмикин? Янглишмаётганмикин? Порфирий бугун нимани назарда тутиб, уни кўндирмоқчи бўлдикин? У ростдан ҳам бугун унга қарши бир нима тайёрлаб қўйганмиди? Лекин у тайёрлаган нарса ўзи нима? У чиндан ниманидир кутаётганмиди, йўқми? Агар Николай бошлаб келган кутилмаган фалокат рўй бермаганда, улар бир-бирлари билан бугун қандай хайрлашган бўлар эдилар?

Порфирий ўзининг бутун ўйинини кўрсатди; албатта, унинг таваккал қилгани аниқ, шундай бўлса ҳам (Раскольниковнинг назарида шундай бўлиб туйиларди) агар Порфирийнинг ихтиёрида бундан ҳам кўра кўпроқ нарса бўлганда, у бари бир ҳаммасини очиб кўрсатган бўларди. «Совға» дегани қандай нарса эди? Ё у майнабозчилик қилаёторми? Бунинг биронта маъноси бормиди, йўқми? Мана шу нарсанинг тагида далилга ўхшаган алланима, уни қоралашга асос бўладиган бирон нарса ётмаганмиди? Кечаги кишими? Қаерга ғойиб бўлди у? Бугун у қаерда эди? Агарда мабодо Порфирийда биронта асос бўлса, у ҳам ҳеч шубҳасиз кечаги киша билан боғлиқ бўлиши керак...

У диванда тиззасига таяниб, қўллари билан юзини тўсиб олган ҳолда бошини пастга эгиб ўтирарди. Унинг жисмидан ҳамон асабий титроқнинг асорати йўқолмаганди. Ниҳоят, у ўрнидан турди, фуражкасини қўлига олди ва ўйланиб туриб, сўнг эшикка қараб юрди.

Назарида жуда бўлмаганда мана шу бугун у хатардан холи эди! Бирдан унинг юраги шодликдан ҳаприқиб кетди: тезроқ Катерина Ивановнанинг олдига боргиси келди. Кўмиш маросимига кечикди, лекин ҳали таъзияга бемалол етиб борса бўлади, у ерда ҳозир Соняни кўради.

У серрайиб туриб қолди, ўйланди, лабларига инжиқ бир жилмайиш қалқиб чиқди.

– Бугун! Бугун! – такрорлади у ичида. – Ҳа, худди шу бугун! Шундай қилиш керак...

У эндигина эшикни очиб чиқмоқчи бўлганди, тўсиндан эшикнинг ўзи аста очилиб кела бошлади. У сесканиб кетиб, ўзини орқага ташлади. Эшик оҳиста, секингина очилиб келди-ю бирдан гавда – ер остидан чиққан кечаги кишининг гавдаси пайдо бўлди.

У киши остонада тўхтади, индамасдан Раскольниковга қаради ва хона ичкарасига бир қадам ташлади. У кеча қандай қиёфада бўлса, бугун ҳам худди ўшандай эди, кийими ҳам ўша-ўша, фақат чеҳраси, қарашлари бутунлай бошқача бўлиб қолганди: у қандайдир жуда синган, ғуссага ботган ҳолда эди, бирпас турди-турди-да, сўнг чуқур хўрсинди. Агар у шу тобда кафтини чаккасига қўйганда ва бошини бир томонга эгиб олганда эди, у мутлақо хотин кишига ўхшаб қолган бўларди.

– Нима дейсиз? – деб сўради ўзининг ўлик-тиригини билмай қолган Раскольников.

У киши индамай турди, кейин бирдан унга бошини ергача эгиб таъзим қилди. Ҳар ҳолда ўнг қўлидаги узуги ерга тегди.

– Нима қияпсиз ўзи? – қичқириб юборди Раскольников.

– Гуноҳқорман, – деди секингина у киши.

– Нимага?

– Қабиҳ хаёлга борганим учун.

Икковлари бир-бирларига тикилишиб қолдилар.

– Алам қилганди. Ўшанда сизнинг, балки кайфингиз бормиди, бориб ҳовли қоровулларини миршабга бирга боришга ундаганингизда, сизни ҳаммалари мастга чиқаришиб, индамай қўйиб юборишгани менга алам қилганди. Шундай ҳам алам қилгандики, ҳатто яхши ухлолмайдиган бўлиб қолгандим. Биз манзилни эсимизда сақлаб, кеча бу ерга келгандик.

– Ким келганди? – сўради Раскольников дарҳол ҳаммасини хотирасига тушира бошлаб.

– Мен, яъни мен сизнинг дилингизни оғритиб қўйдим.

– Нима, сиз ўша уйда турасизми?

– Ҳа, мен ўшанда дарвоза олдида улар билан бирга турган эдим, эсингизда йўқми? Биз у ерда

ҳунармандчилик қиламиз, азалдан. Мўйнадўзчилик билан шуғулланамиз, уйга иш оламиз... буни кўринг, жуда алам қилиб кетган экан денг...

Шунда бирдан бундан уч кун илгари дарвоза олдида бўлиб ўтган воқеа Раскольниковнинг эсига лоп этиб тушди; у ерда ҳовли қоровулларидан ташқари яна бир нечта одам, хотин-халаж ҳам турганлигини хотирлади. У ўзини тўғри миршабхонага олиб боришни таклиф қилган бир овозни эслади. У гапирган кишининг юзини эслолмас, ҳозир ҳам бунинг ўша киши, лекин ўшанда унга жавобан алланима дегани, қайрилиб қарагани ёдида эди...

Ана қаранг, кечаги бутун даҳшат-аросат келиб-келиб, мана қандай натижа билан тугади. Ҳаммадан ҳам арзимаган нарсадан сал бўлмаса буткул ҳалокатга дучор бўлажаги, ўзини ўзи фалокатга гирифтор қилай деганини ўйласа, юрагини ваҳм босарди. Демак, бу киши ижарага уй қидириб юрилгани-ю қон ҳақидаги гаплардан бошқа ҳеч нарсани билмайди, бошқа ҳеч нарсани айтиб беролмайди. Демак, мана шу алаҳсирашдан бошқа Порфирийнинг қўлида ҳеч вақо йўқ, унинг ихтиёрида учи иккита бўлган руҳиятдан ўзга ҳеч қандай далил-исбот, ҳеч қандай асос йўқ. Ундан чиқди, агар уларнинг қўлига бошқа биронта далил тушмаса (бошқа далил тушмаслиги керак, тушмаслиги керак, керак!), унда... Унда уларнинг қўлларидадан има ҳам келарди? Уни буткул айбдор деб топишга кучлари етмайди, мабодо қамаган чоғларида ҳам уни нима деб қоралай оладилар? Демак, бундан келиб чиқадики, Порфирий уй ҳақидаги гапни бугун эндигина билган экан-да, олдин билмаган экан-да.

– Бугун сиз Порфирийга айтганмидингиз менинг борганлигимни? – қичқириб юборди Расколь-

ников калласига бирданига келиб қолган фикрдан ҳайратга тушиб.

– Қандай Порфирийга?

– Тергов бўйича приставга.

– Мен айтдим. Ўшанда ҳовли қоровуллари бо-ришмади, мен бордим.

– Бугунми?

– Сиздан сал олдин. Мен ҳаммасини эшитдим, ҳаммасини, сизга қанчалар азоб берди у баттол.

– Қачон? Нима? Қаерда?

– Ўша ерда, тўсиқ орқасида, сизлар гаплашаётган пайтда ўша ерда ўтиргандим.

– Ол-а? Совға дегани сизмидингиз ҳали? Ахир, қандай қилиб бундай бўлди ўзи? Гапирсангиз-чи!

– Кўрдимки, – деб гап бошлади ҳунарманд, – қоровуллар гапимга киришмаётир, нега десангиз, кеч бўлиб қолди, дейишди, тагин нега бевақт келасанлар, деб сўкиниб юрмасин, дейишиб баҳона қилишди. Менга жуда алам қилиб кетди, уйқум қочди, секин сўраб-суриштира бошладим. Ҳаммасини билиб олганимдан кейин бугун бориб айтганим эди. Олдин борсам, йўқ экан. Бир соатлардан кейин борсам, қабул қилишмади, учинчи маротаба борганимда алоҳал киритишди. Мен унга ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бера бошладим, шунда уни кўрсангиз, хонасида у ёқдан-бу ёққа чопа бошлади, кўкрагига муштлири билан урди денг: «Мени ўзи асти нима қилмоқчисизлар, қароқчилар? – дейди. – Агар буни олдинроқ билганимда, соқчи юбориб, уни олдириб келардим-ку!» Кейин чопиб чиқиб кетди, кимнидир чақириб гаплашди, кейин яна олдимга қайтиб кириб, сўроққа тутиб сўка бошлади. Қаттиқ уришди; унга ҳаммасини айтиб бердим, кеча менга ҳеч нарса демаганлигингиз, мени танимаганлигингизни ҳам айтдим. Шундан кейин хонасида у ёқдан-бу ёққа чопа

бошлади, нуқул кўкрагига муштлагани муштлаган, жаҳли чиқади, югуради, кейин сиз келганлигингизни айтишган эди, қани энди мана бу ёққа ўт, қимир этмай ўтира тур, ҳозирча, нима эшитсанг ҳам индама, деди, менга ўтиргани курси ҳам олиб келиб берди ва устимдан қулфлаб қўйди, балки сендан ҳали яна сўрайдиган гапим чиқиб қолар, деди. Николайни олиб келишгандан кейиноқ сиз чиқиб кетдингиз, сўнг мени чиқариб юборди: мен сени чақиртираман, менга яна керак бўласан ҳали деди...

– Николайни сенинг олдингда сўроқ қилдимиз?

– Сиздан кейин мени ҳам чиқариб юборди, Николайни сўроқ қила бошлади.

Мўйнадўз гапдан тўхтаб, яна бирдан узугини ерга тегизиб таъзим қилди.

– Қилган ножўя ифтиро-бўхтоним учун мени кечиринг.

– Худо кечирсин, – деб жавоб берди Раскольников, унинг орзидан шу сўзлар чиқиши биланоқ, у киши яна бел букиб, таъзим қилди-да, оҳиста орқасига қайрилиб, ҳужрадан чиқиб кетди. «Ҳамма нарсанинг иккита учи бўлади, ҳамма нарсанинг иккита учи бўлади», – дея такрорлади Раскольников ва бошқача бир қиёфада шахдам қадамлар билан ҳужрадан чиқди.

«Энди биз ҳали ташлашиб кўрамиз», – дея ғўлдирари у кин билан жилмайиб зиналардан тушиб бораркан. Бу кин унинг ўзига қаратилганди: у ўзининг «бўшанглик» қилганини уялиб, нафрат билан эслади.

## БҲШИНЧИ ҚИСМ

### I

Петр Петрович Дунечка ва Пульхерия Александровна билан орани очик қилишиб олган, унинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган ўша куннинг эртасига эрталаб Петр Петровичнинг ҳуши анча ўзига келиб қолганди. Назарида кечагина биров шундай бўлади, деса сира ишонмайдиган, ақл бовар қилмайдигандай нарса бутун унинг бутун жони-жаҳонини ларзага солган, энди сира ҳам орқага қайтариб, ўнглаб бўлмайдиган ҳодисага айланган, фишт буткул қолипдан кўчганди, лекин шунга қарамай, у бунга ҳамон ишонгиси келмасди. Манманликнинг чалажон қилинган қоп-қора илони туни билан унинг кўкрагида тўлганиб чиқди. Петр Петрович ўрнидан турган заҳоти ойнага қаради. У кечаси билан рангим сап-сарик бўлиб кетмаганмикин, деган хавотирда эди. Бироқ ҳозирча бу томондан ҳаммаси жойида эди, ўзининг кўркам, оппоқ ва кейинги пайтларда анчагина тўлишиб қолган чеҳрасини кўриб, Петр Петровичнинг бир зумга бўлсин, кўнгли ёришди, майли, буниси бўлмаса бошқасини топармиз, бундан ҳам зўрроғини қўлга киритармиз, деган фикрдан анча таскин топди, лекин шу заҳоти ҳуши жойига келиб, ғоятда феъли бузилганидан чирт этиб тупуриб юборди, унинг бу қилиғидан ёш дўсти ва ҳамхонаси Андрей Семёнович Лебезятников индамасдан истехзоли кулиб қўйди. Петр Петрович унинг кулиб қўйганини кўрди ва шу ондаёқ ўзининг ёш дўстини ичида яниб қўйди. Кейинги

пайтларда бир кун келиб ўчимни оларман деб, яниб қўйишлар анча кўпайиб қолганди. Бирдан унинг калласига кеча бўлиб ўтган гапларни Андрей Семёновичга айтмаслигим керак эди деган фикр келиб қолиб, ўзидан-ўзи яна бўғилиб кетди. Кеча ортиқ даражада таъби хира бўлиб, енгил-таклик қилиб, қизишиб кетиб йўл қўйган иккинчи хатоси мана шунда эди. Кейин эрталабдан бошлаб кетма-кет худди атай қилгандай кўнгилсизлик устига кўнгилсизлик рўй берди. Ҳатто сенатда ҳам иши юришмади, тўғрилайман, деб югуриб юрган иши ҳал бўлмади. У тезда уйланаман деб бир уйни ижарага олган ва уни ўз ҳисобидан тузатиб, кам-кемтигини тўғрилайётган эди, шу уйнинг эгаси ҳам тоза таъбини хира қилди: уй эгаси аллақандай бойиб кетган немис ҳунармандларидан бўлиб, ўрталарида яқингинада тузилган шартномани бекор қилишга сира ҳам рози бўлмади ва Петр Петрович унга хонадонни тўла тузатилган ҳолда қайтараётган бўлса ҳам, лекин шартномада кўрсатилгани бўйича жарима тўлайсиз деб туриб олди. Худди, шунингдек, у жиҳозлар дўконидан уй анжомлари олиш ниятида харид қилиниб, гаров пули тўлаб қўйилган жиҳознинг биронтаси ҳам хонадонга олиб келинмаганди, шунга қарамасдан унга гаров пулидан бир тийинини ҳам қайтариб бермадилар. «Фақат жиҳоз олганим учунгина уйланмайман-ку, ахир!» – дерди ўзича тишларини ғижирлатиб Петр Петрович ва шундай дер экан, унда яна аллақандай кўр умид бош кўтариб қоларди: «Ахир, наҳотки ҳамма-ҳаммаси ростдан ҳам бутунлай тугаган бўлса, наҳот, ҳеч нарсани орқага қайтариб бўлмаса? Ахир, яна бир марта уриниб кўрса қандай бўларкин?» Дунечканинг хаёли яна унинг юрагини қитиқлаб юборди. Мана шу дақиқалар унинг учун айниқса оғир бўлди ва мабодо, агар ёлғиз бир



хоҳишнинг ўзи билан Раскольниковни орадан бутунлай кўтаришнинг иложи бўлганда, Петр Петрович дарҳол бу хоҳишини адо этган бўларди.

«Яна бир йўл қўйган хатойим уларга сира ҳам пул бермаганлигим бўлди, – дея ўйларди у Лебезятниковнинг ҳужрасига маънос ҳолда қайтаркан, – мен қаердан бунақа зикна бўлиб кетибман ўзи? Бунинг бир маъноси бўлса ҳам майлийди тагин? Фақат улар бир адабларини есинлар-чи, борадиган жойларигача борсинлар-чи, кейин ана ўшанда менга Хизрга қарагандай қарайдиган бўладилар, халоскор деб биладилар! – деб ўйловдим, улар бўлса, ана!.. Туф-ей!.. Йўқ, агарда мен уларнинг қўлига қалин тариқасида, совға-саломга, турли қутилар, қизил тошлару атир-упа идишлар, анави Кноп деган билан инглиз дўконларидан сотиб олинадиган матоларга бир ярим минг сўмча бериб қўйганимда-ю қулинг ўргилсин иш бўларкан, ана ундан кейин... ҳеч қаерга қочиб қутулолмасдилар! Мени бунақанги осонгина четга суриб қўя олмасдилар! Бу халқ шундайки, агар розилик бермайдиган бўлсалар, пулни ҳам, совға-саломни ҳам қайтариб беришни ўз бурчлари деб биладилар. Қайтариб бериш бўлса оғирроқ бўларди, осонгина бита қолмасди, ичлари ачирди! Кўнгиллари ҳам бўлмасди: қандай қилиб шу пайтгача бизга ёмон гапирмаган, сахийлик билан совғалар берган шундай сипо кишини ҳайдаб юбориб бўлади? – деб ўйлаб қолишармиди?.. Ҳм! Тоза расво иш қилибманда!» Шунда тишларини яна бир каррағижирлатиб қўйиб Петр Петрович ўзини ўзи аҳмоқ, деб юборди, албатта, буни ичида айтди.

Мана шуларни ўйлаб бораркан, у уйга боя чиқиб кетганига қараганда, икки ҳисса кўпроқ аччиқланган, таъби хира бўлган ҳолда қайтди. Катерина Ивановнанинг уйида бўлаётган маърака тай-

ёргарлиги пича бўлса ҳам унинг диққатини ўзига тортди. Маърака бўлиши ҳақида у кеча ҳам у-бу гапларни эшитганди: уни ҳам таклиф қилганлари эсида қолгандай эди; лекин ўз ташвиши бошидан ортиб ётганлиги учун у бунга кўпда эътибор бермаганди. Катерина Ивановна бўлмаганлиги учун (у қабристонга кетганди) стол ясатиб юрган Липпехель хонимдан нима бўлишини сўраган эди, ундан маърака тантанали суръатда ўтажагини, унга шу уйда турувчиларнинг ҳаммаси – марҳумнинг таниш-нотанишлари таклиф қилинганлиги, ҳаттоки, Катерина Ивановна билан жанжаллашиб юрган бўлишига қарамасдан Андрей Семёнович Лебезятников ҳам, шу жумладан, у, яъни Петр Петрович ҳам мукаллафлигини, уни жуда интизор бўлиб кутажакларини, чунки бу уйда яшовчилар ўртасида энг ҳурматли зот ўзилигини билиб олди. Амалия Ивановнанинг ўзи ҳам ўрталарида бўлиб ўтган борди-келдига қарамай, жуда катта ҳурмат-эътибор билан таклиф қилинган, шунинг учун ҳам ҳозир барча ишларга ўзи бош-қош бўлиб турар, бундан ўзида йўқ хурсанд эди, шу ҳодиса муносабати билан у гарчи таъзияга мос қилиб кийинган бўлса ҳам, лекин бошдан-оёқ янги ипак кийимларга бурканган, қўғирчоқдек ясаниб олганди, ясаниб олганидан боши осмонга етганди. Мана шуларнинг бари Петр Петровичнинг бошида бир фикр уйғотди, у ўзининг хонасига, тўғрироғи, Андрей Семёнович Лебезятниковнинг ҳужрасига бирмунча ўйчан ҳолда кириб борди. Гап шундаки, у таклиф қилинганлар ичида Раскольников ҳам борлигини билган эди.

Нима учундир Андрей Семёнович бугун эрта-лабдан бери ташқарига чиқмаган, уйда ўтирарди. Бу жаноб билан Петр Петрович ўртасида алақандай ғалати, бинобарин, бирмунча табиий бўлган

муносабатлар ўрнатилганди: Петр Петрович унга ҳамхона бўлиб яшай бошлаган кунидан бери уни кўришга кўзи бўлмай қолган, ундан нафратланар, шу билан бирга ундан андак чўчир ҳам эди. Петр Петрович Петербургга келганидан кейин у билан бир хонада турган бўлса, буни пулни тежаш ни-ятида зикналик важдан қилгани йўқ эди, гарчи бу хонага уни худди мана шу нарса бошлаб келган бўлса ҳам, лекин яна бошқа бир сабаб ҳам бор эди. У ҳали бу ерга келмасидан ўзининг собиқ шогир-ди Андрей Семёнович ҳақида кўп ғалати гаплар-ни эшитганди, Андрей Семёновични энг илғор та-раққийчи ёшлардан ва, ҳатто, баъзи бир антиқа ва ғалати машҳур тўғарақларнинг йўлбошчилари-дан бири, деб айтишганди. Бундан Петр Петрович анг-танг бўлиб қолганди. Мана шу юракни ваҳи-мага соладиган, ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсадан нафратланадиган ва ҳамма нарсани фош қилаверадиган тўғарақлардан Петр Пет-рович анчадан бери жуда ҳам қўрқиб юрар, лекин унинг нимасидан қўрқишини ўзи ҳам билмасди. Албатта, у чекка жойда яшаб туриб, бунинг устига ёлғиз ўз ақли билан бу масалада аниқ бир фикр-га келиши қийин эди. У бошқалар қатори Петер-бургда аллақандай тараққийчилар, нигилистлар, фош қилиб ташловчилар ва ҳоказо, ва ҳоказолар борлигини эшитган, лекин кўпчилик қатори бу-ларнинг маъною моҳиятига ошириб баҳо берар, ақл бовар қилмайдиган даражада бузиб тасаввур қиларди. У мана бир неча йиллардирки, ҳаммадан ҳам фош қилиб ташлашларидан қўрқар, унинг до-имо ҳаддан ташқари ташвишланиб юришининг асосий боиси ҳам шунда эди, айниқса, ўзининг Петербургга бориб, иш юритишини чамалаганда худди мана шу нарсани ўйлаб юраги орзиқиб ту-шарди. Шу маънода бир марта унинг тили куйган

эди, одатда баъзан болаларнинг тили мана шундай куяди. Бир неча йиллар муқаддам ўзи яшайдиган чекка шаҳарда у эндигина қаддини ростлаб келаётган маҳаллар эди, у вилоятнинг ўзи суянган зур одамларидан иккитасининг қаттиқ фош қилинганини кўрган эди, унинг ўзи ўшаларнинг этагидан тутиб тетапоя қилиб келаётган эди. Фош қилинганларнинг бири жуда шармандаи шармисор бўлди, иккинчиси сал бўлмаса жуда ҳам чатоғи чиқиб кетай деди. Мана шунинг учун ҳам Петр Петрович Петербургга борган замоним нима гаплигини билиб оламан, деб ўзига сўз берган ва агар лозим бўлиб қолса, ҳаммасининг олдини олиб, «бизнинг ёш бўғинларимиз қошида» жилпангламоқчи, уларнинг эътиборини қозонмоқчи эди. Шу маънода у Андрей Семёновичга кўз тикар ва бунинг самараси ўлароқ, айтайлик, Раскольниковнинг ҳузурига ташриф буюрган чоғида ўрганиб олганларини бир амаллаб такрорлашга улгурган эди...

У кўп ўтмай Андрей Семёновичнинг ҳаддан ташқари беор ва бефаросат бир одамлигини билиб олди, албатта. Лекин бу унинг калласига ўрнашиб қолган ақидани зиғирча ҳам барбод қила олмади, унинг дилига таскин бағишлай билмади. Агарда у барча тараққийчилар мана шунга ўхшаш тентакнамо одамлар эканлигини билганида ҳам бари бир тортаётган ташвиши андак бўлсин, камаймас эди. Очиғини айтганда, бу каби таълимотлар, фикрлар, ақидалар билан (Андрей Семёнович уни шунақа нарсаларга кўмиб ташлаганди) унинг зиғирча ҳам иш-ҳуши йўқ эди. Унинг ўз шахсий мақсади бор эди. У тезроқ ҳаммаси бу ерда қандай рўй берганлигини пайсалга солмай, суриштириб билишни истарди. Бу одамлар чиндан ҳам зўрми, йўқми? Асли унинг хавотир олиб юрганича борми, йўқми? Агарда у бирон ишнинг бошини тутса,

уни фош қилишадими, йўқми? Агарда фош этадиган бўлишса, аниқ нимани фош қилишади? Хўп, буни қўя турайлик, бир иложини қилиб, уларнинг пинжларига кириб олса бўлмасмикин ва агар чиндан ҳам қўллари истаган ерга этадиган бўлса, кейинроқ уларни чув тушириб кетса, бунинг оқибати қандоқ бўларкин? Ҳожати борми бунинг, йўқми? Айтайлик, уларнинг кўмаги ва воситачилигида кўтарилишнинг эпини қилиб бўлармикин? Қисқаси, унинг олдида минг хил муаммо турарди.

Бу Андрей Семёнович деганимиз мижғов, афт-башарасига ширинча тошиб ётадиган, пакана, қаердадир хизмат қиладиган ва кишини ҳайрон қолдирадиган даражада малла котлетнусха чакка соқол ўстирган ва бу чакка соқоллари билан жуда фахрланадиган бир одам эди. Бундан ташқари унинг мудом кўзлари оғриб юрарди. Унинг кўнгли бўш, лекин гапни жуда кеккайиб ва ҳаддан зиёд димоф-фироқ билан сўзлар, унинг пакана гавдасини назарга олганда бу жуда кулгили чиқар эди. У Амалия Ивановнанинг обрўли ижарадорларидан ҳисобланар, яъни ароқхўрлик қилмас, ижара пулини ўз вақтида тўлаб турарди. Мана шунча сифатлари бўлишига қарамасдан, Андрей Семёнович ҳақиқатан олганда фаросатсизроқ эди. Тараққиёт ва «бизнинг ёш бўғинларимиз» сафига, тўғрироғи, уларнинг биқинига ҳавас орқасида тирғалиб олганди. Бу – кишиларнинг эътиборини ўзига тортган биронта машҳурроқ ғоя пайдо бўлиши билан дарҳол шу ғоянинг эгаси бўлиб, уни эгаллаб оладиган ва шу заҳоти ғоянинг ҳам расвосини чиқариб, уни буткул бачканалаштириб, уларнинг баъзида чиндан ҳам олижаноб мақсадларга қиладиган хизматини кулгили қилиб қўядиган, ҳеч нарса тузукроқ ўрганиб ололмаган, эси паст, аммо ўзини билафон ҳисоблайдиган, ўлимтик ва мижғов

одамларнинг турли-туман разил ва пасткаш тўдаларига мансуб бўлганларнинг бири эди.

Айтганча, Лебезятников ҳам анча-мунча кўнгилчан бўлишига қарамасдан ўз ҳамхонаси ва собиқ устози Петр Петровични жини суймай қолганди. Ҳар икки томон кутилмаганда бир-бирига мана шундай ёвқараш қилиб қарайдиган даражага етганди. Андрей Семёнович гўлроқ бўлишига қарамай, Петр Петрович ўзини лақиллатиб юрганлигини ва юзига билдирмаса ҳам унга паст назар билан қараётганлигини ва бу «биз ўйлаган одам эмаслигини» секин-секин сеза бошлади. Унга Фурьенинг қарашлари билан Дарвин назариясини тушунтириб бермоқчи бўлганди, лекин Петр Петрович, айниқса кейинги кунларда унча рўйиҳуш бермай, пичинг қилиб эшитадиган, ҳатто куни кечалардан бошлаб жаҳли ҳам чиқадиган бўлди. Гап шундаки, у Лебезятников беор ва бефаҳм, шу билан бирга алдоқчи, резги бир одамлигини ички бир ҳис билан англай бошлаган, унинг ҳатто ўз тўгарагида ҳам тузук-қуруқ бир мавқега эга эмаслигини, фақат эҳтимолки, бировлардан эшитганларини валақлаб юрадиган, бу ҳам майли-я, ҳатто ўз ташвиқотини тузукроқ эплай олмайдиган, ҳадеб гапидан адашаверадиган, тутилиб қолаверадиган кимсалигини сезиб қолганди. Ўз ишини қойил қилмаган одам қандай қилиб бошқаларни фош этарди! Айтмоқчи, йўл-йўлакай шуни ҳам қистириб ўтайликки, Петр Петрович шу бир ярим ҳафта давомида (айниқса бошида) Андрей Семёновичнинг ҳаддан зиёд ғалати мақтовларини ҳам йўқ демай эшитиб юрди. Масалан, агар Андрей Семёнович унга сиз порлоқ келажак учун хизматга шай турган одам экансиз, Мешчанская кўчасига ўхшаган бирон жойда «уюшма» ташкил қилишга ўз ҳиссангизни бемалол қўша оласиз деса, ёхуд хотинингиз



Дунечка никоҳдан бир ой ўтмаёқ ўзига жазман топиб олса, унга тўсқинлик қилмасангиз керак, ёхуд ўзингизнинг бўлажак фарзандларингизни чуқинтириб ўтирмассиз ва ҳоказо, ва ҳоказо – ҳаммаси шунга ўхшаш гаплар қилса, индамас ё қулогининг бир чеккасидан ўтказиб юборарди. Петр Петрович ўзига нисбат берилган бундай фазилатларга қарши одатан эътироз билдирмас, қандай бўлмасин, унга мақтов бўлса бас эди, шу қадар мақтов деса муккасидан кетган одам эди.

Бугун эрталаб қандайдир юмуш билан бир нечта беш фоизли пулларини майдалатган Петр Петрович стол олдида ўтириб, майда пулларни санар эди. Доимо ҳамёни қуруқ юрадиган Андрей Семёнович хонада у ёқдан-бу ёққа юрар ва даста-даста пулларга сира қизиқмаган одамдай менсимай қарарди. Петр Петровични мисол учун оладиган бўлсак, агар унга Андрей Семёнович бунақанги пулларга эътиборсизлик билан қарайди, дейишса асло ишонмаган бўларди. Андрей Семёновични оладиган бўлсак, у ўз навбатида Петр Петрович чиндан ҳам, эҳтимол мен ҳақимда шундай хаёлга борса ажабмас, бунинг устига-устак ўзининг ёш дўстини масхара ҳам қилиши, унинг қитиқ патига тегиб қўйиши, пулларини кўз-кўзлаши ва бу билан унинг арзимаган, қуруқ одамлигига ишора қилиши, ўрталаридаги ер билан осмонча фарқни писанда қилиб кўрсатиши мумкин, деб қайғурар эди.

Андрей Семёнович янги, алоҳида «уюшмалар» ташкил қилиш хусусидаги ўзи севган мавзуда гапни олиб қочар, лекин Петр Петрович бу сафар унинг сўзларини ғоятда паришонлик билан тинглаётганлигини, нимадандир жуда ҳам асаби бузилганлигини сезиб турарди. Петр Петрович чўтни шарақлатиб қоқа туриб, қисқа-қисқа эътироз-

лари ёки фикрларини билдириб қўяр, худди атай очиқдан-очиқ киноя қилаётганга ўхшарди. Лекин «одамшаванда» Андрей Семёнович Петр Петровичнинг кайфиятидаги бу ўзгаришни кеча Дунечка билан уришиб келганига йўяр ва тезроқ шу мавзуга ўтиш устида бош қотирарди: шу масала юзасидан у илғор, ташвиқий гапларни айтмоқчи бўлиб турар, бу гапларим муҳтарам дўстимни шояд овунтирса ва унинг келажакда ўсиши учун «шубҳасиз» хизмат қилса, деб ўйларди.

– Анави... беваникида қандай маърака бўлаётибди? – деб сўради кутилмаганда Петр Петрович Андрей Семёновичнинг мулоҳазаларини энг антиқа ерига келганда узиб.

– Билмагандай сўрайсиз; мен сиз билан кеча шу мавзуда гаплашган ва шунга ўхшаган барча урф-одатлар хусусида мулоҳазаларимни баён қилгандим... У кишим сизни ҳам таклиф қилган экан, мен эшитдим. Ўзингиз кеча у билан гаплашган эдингиз...

– Мен бу жинни гадо хотин маъракага бошқа бир жинни... Раскольниковдан олган пулининг ҳаммасини сарф қилади, деб сира кутмагандим. Ҳозир ўтиб кела туриб уларнинг тайёргарликларини кўрдиму ҳайратдан ёқамни ушладим, винолар денг!.. Бўлмаса бор-йўғи уч-тўрт киши чақирилган, нима бўляпти ўзи, Худо билади! – дея давом этди Петр Петрович гап суриштириб ва нима учундир нуқул гапни мана шу томонга буриб. – Нима? Мени ҳам таклиф қилишганми? – қўшиб қўйди у бирдан бошини кўтариб. – Қачон? Эсимда йўқ. Айтгандай, мен у ерга чиқмайман. Нима қиламан? Мен кеча у хотин билан йўл-йўлакай нафақа олиш мумкинлиги ҳақида гаплашдим, хизматчининг камхарж беваси тариқасида йиллик нафақа олиши мумкин.



Мана шунинг эвазига мени маъракага чақирмаётганмикин? Ҳе-ҳе!

– Мен ҳам чиқмоқчи эмасман, – деди Лебезятников.

– Қандай қилиб ҳам чиқасиз! Ўз қўлингиз билан савалагансиз-а. Уяласиз-да, а? Ҳе-ҳе-ҳе!

– Кимни савалабман? Менми? – бирдан талмовсираб, ҳатто қизариб кетди Лебезятников.

– Ўзингиз-ку, Катерина Ивановнани-да. Бир ойча бўлиб қолибди шекилли! Эшитдим, кеча... Ана сизга ақидалару!.. Хотинлар масаласини ҳам қотирибсиз. Ҳе-ҳе-ҳе!

Петр Петрович шундан кейин таскин топган кишидай, яна чўт қоқишга тутинди.

– Ҳаммаси тухмат, бўлмағур гаплар! – дув қизариб кетди Лебезятников, у ўша воқеани эслатиб қолмасинлар, деб доим юраги безиллаб турарди, – сира унақа бўлган эмас! Бошқа... Сиз яхши эшитмабсиз; гийбат гаплар бари! Мен ўшанда ўзимни фақат ҳимоя қилганман. Унинг ўзи биринчи бўлиб ҳамма ёғимни тирнаб ташлади... Бутун чакка соқолимни юлиб олди... Менимча, ҳамма ўзини ҳимоя қилишга ҳақли бўлса керак, ҳар бир шахс. Бунинг устига мен ўз устимдан зўрлик ишлатишга йўл қўймайман... Эътиқодим шундай... Нега десангиз, бу зўравонликнинг деярли худди ўзи. Нима қилишим керак эди: индамай туришим керакми-ди? Уни сал нарига итариб юбордим.

– Ҳе-ҳе-ҳе! – унинг жиғига тегиб, бадхоҳлик билан куларди Лужин.

– Ўзингиз аччиқланиб, нима қилишингизни билмай турганингиз учун мен билан ўчакишяпсиз... Бўлмаган гап, бунинг ҳечам, ҳечам хотинлар масаласига алоқаси йўқ! Сиз яхши тушунмабсиз; мен, ҳатто агар ҳамон хотин киши ҳамма нарсада эрлар билан тенг бўлса, ҳаттоки жисмоний кучда (ҳозир

шу ҳақда гап кетяпти), унда бу хусусда ҳам тенглик бўлиши керак, деб ўйлайман. Албатта, кейин мен масала бундай қўйилмаслиги керак, деб ўйладим, чунки моҳият эътибори билан уруш-жанжал бўлмаслиги керак, келажак жамиятда уруш-жанжал ҳоллари мутлақо йўқолади... Ғалати, уриш-жанжалда тенглик излаш, албатта, ғалати... Мени жуда аҳмоқ деб ўйламанг... Иккинчи бир томондан, гарчи уруш-жанжаллар йўқ эмас, яъни масалан, кейинчалик йўқ бўлади, демоқчиман, ҳозирча эса, ҳали албатта, йўқ эмас... Туф-эй! Аҳмоқ! Жуда одамни адаштириб юборасиз-да! Маъракага шу хунук воқеа бўлганидан чиқмайман деётганим йўқ. Мен шунчаки эътиқодимга тўғри келмагани учун бормайман, мен маърака сингари ярамас одатларда иштирок этишни истамайман, ана гап нимада! Дарвоқе, бошқа бир томондан қаралса, бораверсак ҳам бўладику-я, бир кулиб келардик... Лекин афсус, поплар бўлмас экан-да. Бўлмаса, албатта борган бўлардим.

– Бировнинг тузини тотиб, тузлиғига тупуриб келмоқчи экансиз-да, худди шундай сизни чақирганларнинг ҳам афт-башарасига туфласангиз керак-а. Шундайми, ахир?

– Туфлаш керакмас, норозилик билдириш керак. Менинг мақсадим фойда келтириш. Мен бу билан тараққиёт ва тарғиботга билвосита хизмат қилган бўламан. Ҳар бир одам тараққиёт учун хизмат қилмоғи, тарғибот қилмоғи лозим, агар бу қанча ўткир бўлса шунча яхши. Мен гоё беришим мумкин, уруғ... Бу уруғдан ҳодиса униб чиқади. Уларни хафа қилиб қўяманми? Аввал хафа бўлишади, кейин мен фойда келтирганлигимга тушуниб етишади. Бизда Терезьевани тоза қоралашган эди (ҳозир у уюшмада) оиласини ташлаб кетди деб... ўшанда у биров билан бўлиб кетганди, онаси

билан отасига хат ёзибди ўшанда, мен турли хурофотлар ичида яшолмайман, шунинг учун шаръий никоҳдан ўтаман, деб ёзган экан, мана шу нарсани жуда қўпол, хунук ҳодиса деб қоралаб ёзишди, отасини аяш керак эди, улар билан юмшоқроқ муомала қилиш керак эди, дейишди. Менимча, буларнинг ҳаммаси бўлмағур гаплар, юмшоқ гаплашишнинг сира ҳам кераги йўқ, аксинча худди мана шу борада қаттиқ норозилик билдириш керак. Ана, Варенц етти йил эри билан яшаб, икки боласи билан ташлаб кетди, эрига шартта шундай деб хат ёзди: «Мен ҳеч қачон сиз билан бахтли бўлмаслигимни тушуниб қолдим. Дунёда уюшма деган бошқача қурилган жамиятлар борлигини мендан яшириб келганлигини ҳеч қачон кечиролмайман. Бундай нарсалар борлигини мен яқинда бир олижаноб одамдан билиб олдим, унга ўзимни бағишладим, у билан бирга уюшма қурмоқдаман. Тўғриси очиқ айтаётирман, чунки сизни алдашни инсофсизлик деб биламан. Бундан кейин нима қиласиз, ихтиёр ўзингизда. Мени орқага қайтарман деб уринманг, сиз ҳаддан зиёда кеч қолдингиз. Бахтли бўлишингизни тилайман». Мана, қандай ёзилади бунақанги хатлар!

– Бу анави сиз айтган ўша Терёбьева эмасми учинчи марта шаръий никоҳдан ўтган?

– Расмона гапни айтадиган бўлинса, у фақат икки никоҳдан ўтган, холос! Борингки, тўртинчи марта бўлсин, ўн бешинчи марта бўлсин, бари бир, ҳаммаси бўлмағур гаплар! Агарда мен отам билан онам ўлиб кетганига ачинсам, мана шунақа пайтларда ачиниб юрибман. Мен ҳатто бир қанча маротаба армон билан ўйлаганман, орзу қилганман: қанийди улар тирик бўлсалар, норозилик билдиравериб, тоза тавбаларига таянтирган бўлардим! Атай нуқул шундай қилган бўлардим... Бу сизга

«кўчган тирноқ» эмас, туф-эй! Мен уларга кўрса-тиб қўярдим! Тоза тавбаларига таянтирардим! Рост, уларнинг йўқлигига жуда ачинаман!

– Тавба қилдирармидингиз! Ҳе-ҳе! Майли, борингки, сиз айтганча ҳам бўла қолсин, – унинг гапини бўлди Петр Петрович, – айтинг-чи, сиз анави марҳумнинг қизини биласиз-ку, а, ориққина бир қиз бор-ку! У ҳақда дув-дув гаплар юради, ҳаммаси чиндан ҳам бор гапларми, а?

– Нима бўлибди? Менимча, яъни менинг шахсий ақидамга кўра, хотин кишининг бундай аҳволга тушишига сира ҳам ажабланмаслик керак, одатда бўлиб турадиган гаплар булар. Нимаси бор? Яъни *distinguons*<sup>25</sup>. Ҳозирги жамиятда бу, албатта, кўзга унчалар яхши кўри намас, негаки шундай қилишга мажбур бўлиб қолган, келажакда эса бу кундалик нарсага айланади, истаган одам бу йўлга ўз эрки билан кира олади. Бундан ташқари, у қизнинг шундан бошқа чораси қолмагани: амалтақал қилиб ит азобида кун кечирарди, бу нарса унинг фонди, яъни сармойеси эди, у шу сармойени истаганча тасарруф қилишга тўла ҳуқуққа эга. Ўз-ўзидан равшанки, келажак жамиятларда бундан фондларга зарурат қолмайди; лекин унинг мавқеи бошқача бир маънода сақланиб қолажак, унинг фойдали томонлари мутаносиблик ва ақлидрок билан ўлчанади. Софья Семёновнанинг масаласига келсак, мен ҳозирда у кишининг хатти-ҳаракатларида жамият қурилишига қарши шахтшиддат билан билдирилган, рамзий маънога эга бир норозилик уқаман ва бунинг учун у кишини жуда чуқур ҳурмат қиламан; ҳатто у кишига қараб кўнглим ўсади.

– Мен бўлсам уни бу ердан сиз қувиб чиқаргансиз, деб эшитган эдим!

<sup>25</sup> *Distinguons* – фарқига етайлик (франц.).



Лебезятниковнинг фиғони чиқиб кетди.

– Яна туҳмат! – бўкирди у. – Сира ҳам, сира ҳам ундай бўлган эмас! Ҳечам ундай эмас! Бунинг ҳаммасини ўшанда Катерина Ивановна тўқиб чиқарган, чунки ҳеч гапга тушунмаган эди! Нима, Софья Семёновнани мен авраб, йўлга солибманми! Мен у кишига холис хизмат қилганман, онгини ўстиришга ўз ҳиссамни қўшганман, у кишида норозилик уйғотишга тиришганман... Менга ёлғиз шу норозиликнинг ўзи бўлса бас, бундан ташқари Софья Семёновнанинг ўзлари ҳам бу ерда ортиқ туrolмас эдилар!

– Уюшмага ташвиқ қилганмидингиз?

– Сизга нуқул шунақа ҳазил бўлса, тиржайганингиз тиржайган, ижозатингиз билан айтиб қўяй, ҳазилларингиз ҳаммаси ўринсиз. Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз! Уюшмада бунақа вазифалар йўқ. Мана шундай вазифалар бўлмасин, деб уюшмалар ташкил қилинаётир. Уюшмада бу вазифа ўзининг ҳозирги маъносидан бутунлай бошқача маъно-моҳият касб этади, ҳозир бу ерда аҳмоқлик бўлиб кўринган нарсалар у ерда оқилона бўлади, бу ерда ҳозирги шароитда ғайритабиий бўлиб туйилган нарсалар у ерда бутунлай табиий бўлиб қолади. Ҳаммаси одамнинг қандай муҳит, қандай шароитда яшаётганлигида. Ҳамма нарса муҳитга боғлиқ, одамнинг ўзи ўз ҳолича ҳеч нарса эмас. Ҳозирда Софья Семёновна билан муносабатларимиз яхши, худди мана шу нарса у киши ҳеч қачон мени ўзига душман деб билмаганлиги ва мендан унга озор етмаганлигини кўрсатади. Ҳа! Мен ҳозирда у кишини уюшмага даъват этаётирман, лекин буни бутунлай, бутунлай бошқача асосда қилаётирман! Нимага куласиз! Биз ўзимиз алоҳида уюшмалар ташкил қилмоқчимиз, лекин улар олдингиларга қараганда, анча кенгроқ негиз-

да ташкил этилади. Биз ўз қарашларимиздан анча илгарилаб кетдик. Биз кўпроқ қаршилиқ қиладиган бўлиб қолдик! Агарда Добролюбов гуридан тирилиб келганда эди, мен у билан бир баҳслашган бўлардим. Белинскийни-ку сулайтириб ташлардим! Мен ҳозирча Софья Семёновнанинг онгини ўстириш билан шуғуланмоқдаман. У жуда ҳам, жуда ҳам ажойиб мавжудот!

– Ажойиб мавжудотдан ҳалигиндан фойдаланиб турсангиз ҳам керак, а? Ҳе-ҳе!

– Йўқ, йўқ! О, йўқ! Аксинча!

– Олинг-а, жуда аксинча бўлса керак! Ҳе-ҳе-ҳе! Гапни ҳам жуда оласиз!

– Рост айтяпман, ишонинг! Агар сиз айтгандай бўлса, буни яшириб ўтиришимнинг нима ҳожати бор эди, ўзингиз айт. нг, ахир! Аксинча, ўзим ҳам ҳайрон бўламан: у билан гаплашиб қолсам, ҳаддан ташқари уялиб, ўзини қаерга қўйишни билмай туради!

– Сиз албатта, ўшандан кейин унинг онгини ўстириб, а... Ҳе-ҳе! Унга ҳеч нарсадан уялиб ўтирмаслик керак, деб исботлаб кетасиз, шундайми?

– Ҳечам ундаймас! Ҳечам ундаймас! О, сиз тараққиёт деган сўзни қанчалар аҳмоқона, мени кечиринг, албатта ва ҳаттоки қўпол тушунасиз! Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз! Вой, Худойим, сиз ҳали қанчалар тайёр... эмассиз! Биз бўлсак, хотинларнинг эркини излаймиз, сизнинг бошингизда эса бутунлай бошқа нарса... Мен иффат ва аёллар ибоси ҳақидаги масалага бутунлай тўхталмаётирман, чунки бу нарсаларни ўз-ўзидан жуда ҳам ортиқча ва, ҳатто, хурофий деб биламан, шу билан бирга у қизнинг мен билан гаплашган чоғларида ибос билан ҳаё сақлаб туришини тушунаман, нега десангиз, худди мана шу нарсада унинг бутун иродаси, унинг бутун ҳақ-ҳуқуқи ифодаланади. Турри, агар-

да унинг ўзи менга келиб: «Сен билан қолишни истайман» деса, унда мен ўзимни жуда омади чопган деб билардим, чунки қиз менга жуда ҳам ёқади; лекин ҳозир, жуда бўлмаганда ҳозир у билан ҳеч ким менчалик ҳурматини жойига қўйиб, иззатини сақлаб, яхши муомала қилаётгани йўқ... Мен кутаётирман, мен умид қиламан, шу холос!

– Сиз бўлсангиз унга, яхшиси, бирон нарса совға қилинг. Гаров ўйнайманки, сиз худди шу ҳақда сира ўйлаб кўрмагансиз.

– Сиз ҳ-ҳеч нарсани тушунмайсиз, айтиб қўяй! Албатта, унинг шароити ўзи шундоқроқ, лекин гап бу ерда бошқа нарсада! Бутунлай бошқа нарсада! Сиз ундан нафратланасиз, холос. Сиз бировни нафратланишга сазовор деб топдингизми, тамом, уни бутунлай одам ўринда кўрмай қўясиз, унга инсоний муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида ўйламайсиз. Сиз ҳали унинг қандай қизлигини яхши билмайсиз! Фақат кейинги пайтларда у бутунлай китоб ўқимай қўйди ва мендан бошқа китоб олмаётир, шундан кўнглим бир оз хижил бўлиб юрибди. Олдин у мендан китоблар олиб ўқирди. У жуда ҳам ғайрату матонат билан норозилик билдириши мумкин булса ҳам, лекин ҳали унда худди мустақиллик, деймизми, ўз ақли билан иш кўриш, деймизми, етишмай турибди, баъзи бир хурофий нарсалардан буткул қутулиб кетиши учун аҳмоқчиликлардан халос бўлиши учун ҳали у қадар қаршилиқ кўрсатаётгани йўқ. Шунга қарамасдан у баъзи масалаларни жуда ҳам яхши тушунади. Мисол учун айтадиган бўлсак, у қўл ўпиш масаласини жуда ҳам аъло даражада тушуниб олди, яъни эркак киши агар хотин кишининг қўлини ўпадиган бўлса тенгсизликка йўл қўйган ва бу билан уни ҳақорат қилган бўлиб чиқади. Бу масала бизда мулоҳаза қилиб кўрилган ва мен шундан сўнг

дарҳол унга маълум қилганман. Францияда ишчи бирлашмалари ҳақида ҳам у жуда диққат билан эшитди. Ҳозирда мен келажак жамиятларда хоналарга эркин кириб бориш масаласини тушунтирмакдаман.

– Бу яна нимаси?

– Кейинги пайтларда шундай масала мулоҳаза қилиб кўрилганди: уюшма аъзоси бўлган киши уюшманинг бошқа бир аъзоси ҳузурига хотинми, эркаклигидан қатъи назар, истаган вақтида бемалол кириб боравериши мумкинми деб... Ҳўш, мумкин деган қарорга келинган...

– Э-ҳа, менга қаранг, мабодо ўша пайтда хона ичидагилар зарурий эҳтиёжларини қондираётган бўлсалар-чи, ҳе-ҳе!

Андрей Семёновичнинг фифони фалакка чиқди.

– Э, сизлар ўзи нуқул шу лаънати «эҳтиёжлар» ҳақида гапирганингиз гапирган! – қичқариб юборди у нафрат билан, – туф-эй, сизга ўшанда буларнинг бари қандай қурилиши ҳақида тушунтирган чоғимда бекор бу ярамас эҳтиёжлар ҳақида гапириб қўйган эканман, сизга буни айтишга ҳали эрта экан, айб ўзимдан ўтибди, майли! Жин урсин! Сизга ўхшаганларнинг ҳаммаси гап шунга келганда, тиржайишиб тураверадилар, ҳаммадан ҳам ҳали гап нимадалигини тузукроқ билмай туриб масхара қилишганига ўласан! Ўзларини жуда ҳам ҳақ деб биладилар! Худди бир нарсадан кибрлангандай бўладилар! Туф-эй! Мен бир неча марта айтдим, масаланинг бу жиҳатини янги кишиларга энг охирида баён қилмоқ керак, деб, киши бир йўналиш олиб, ўсиб, масаланинг моҳиятига тўла тушунадиган бўлгандан кейин буни ҳам англаш осонроқ кўчади. Хўп, мана ўзингиз айтингиз, мана шу дейлик, кир ўраларни тозалашни олинг, хўш, бунинг нимаси уят, бунинг нимаси ёмон экан? Би-



ринчи бўлиб ўзим мана тайёрман, қандай бўлмасин, кир ўраларни тозалашга! Бу ерда, ҳатто ҳеч қандай фидокорликниг ҳам кераги йўқ! Олижаноб, жамиятга фойдали оддий бир иш, фаолиятнинг оддий бир кўриниши, у бошқа ҳар қандай фаолиятдан устун туради, масалан, Рафаэль ёки Пушкинни айтганимда, ҳам уларнинг фаолиятларидан ҳам устун туради, нега десангиз, бу фойдалироқ иш!

– Олижаноброқ, олижаноброқ, денг-чи, – ҳе-хе-хе!

– Олижаноброқ, деганимиз нима? Мен одамнинг фаолиятини белгилаш маъносида бунақанги ифодаларни тушунмайман. «Олижаноброқ», «олиҳимматлироқ», деган гаплар – ҳаммаси бўлмағур, бемаъни, даққионусдан қолган хурофий сўзлардир, мен уларни инкор этаман! Нимаики инсониятга фойдали бўлса, ҳаммаси олижанобдир! Мен фақат битта: фойдали, деган сўзни тушунаман! Истаганингизча ҳингиллайверинг, лекин бу шундай!

Петр Петрович кулгидан ўзини тўхтатолмасди. У пулларини санаб, яшириб қўйди. Дарвоқе, пулнинг бир қисми нима учундир ҳамон стол устида турарди. «Кир ўралар ҳақидаги бу масала» аслида жуда ҳам бачкана бўлса-да, Петр Петрович билан унинг ёш дўсти ўртасида бир неча маротаба уруш-жанжал, тортишувга сабаб бўлганди. Андрей Семёнович калтафаҳмлик қилиб жаҳли чиқарди. Лужин эса гап шу ҳақда кетганда юрагининг чигилини ёзиб олар, мана ҳозир ҳам Лебезятниковни қаттиқроқ чақиб олмоқчи, унинг жаҳлини чиқармоқчи эди.

– Кеча ўзингизнинг ишингиз юришмай келганингиздан менга мана шунақа тегажаклик қилаётирсиз, – деб ёрилди ниҳоят Лебезятников, у ўзининг шунчалар «мустақиллиги» ва барча «норози-

ликлари»га қарамай, умуман олганда, инма учундир Петр Петровичга қарши гапиришга унчалик ботинмас ва умуман, унга нисбатан илгаридан ўрганиш ва одат бўлиб қолган аллақандай ҳурмат ифодасини сақлар эди.

– Менга сиз бошқа бир нарсани айтиб беринг-чи, – деб димоф-фироқ билан унинг гапини бўлди Петр Петрович, ҳафсаласи пир бўлганча, – сиз қила олармикинсиз бунини... Ёки яхшиси бундай дейлик: сиз ростдан ҳам юқорида зикр қилинган қизча билан яқиндан танишмисиз? Агар таниш бўлсангиз, уни ҳозир, шу тобнинг ўзида мана шу ерга чақириб кела оласизми? Афтидан, ҳамма мазористондан қайтганга ўхшайди... Ғовур-ғувур бўлиб қолди.. Мен ўша кишини кўрсам девдим.

– Нима ишингиз бор эди? – ҳайрон бўлиб сўради Лебезятников.

– Шундай ўзим, керак эди. Бугун-эрта мен бу ердан кетаман шу инг учун унга айтадиган гапим бор эди... Дарвоқе, биз гаплашаётган маҳалда шу ерда бўлсангиз ҳам майли. Ҳатто яхши бўларди. Бўлмаса, Худо билади, нималар деб ўйларкинсиз.

– Мен мутлақо ҳеч нарсга деб ўйламайман... Мен ўзим шундай сўрадим, агар ишингиз бўлса уни чақириб бериш ҳеч гап эмас. Ҳозир бориб келаман. Ўзим сизга халақит бермайман, гапимга ишонинг.

Ҳақиқатан ҳам беш дақиқалардан сўнг Лебезятников Сонечка билан бирга қайтиб келди. Қиз хонага жуда ҳайрон бўлган ҳолда, одати бўйича, қисиниб-қимтиниб кирди. У бунақа пайтларда доимо юрагини ҳовучлаб турар ва янги одамлардан, янги танишувлардан жуда ҳам қўрқарди, бу қўрқув болалигидан қолган, ҳозир эса, айниқса... Петр Петрович қизни «меҳрибончилик билан яхши» кутиб олди; унинг чехрасида аллақандай

шўхроқ такаллуфсизлик ифодаси ҳам йўқ эмасди бу пайтда, бу Петр Петровичнинг фикрича, унингдек муҳтарам ва салобатли бир зот ёшгина, маълум маънода ўзига жалб қилиб турадиган қиз билан учрашганда жуда ярашиб тушадиган бир ифода эди. Петр Петрович қизга «далда» беришга шошилди ва уни столга ўзининг тўғрисиغا ўтқазди. Соня ўтирди, атрофга аланглаб қаради – Лебезятниковга, стол устида ётган пулларга, кейин бирдан яна Петр Петровичга нигоҳини ташлади-да, кейин кўзларини худди михлагандай ундан узмай ўтираверди. Лебезятников эшикка қараб юрди. Петр Петрович ўрнидан турди, Соняга ўтириб, туришни ишора қилди ва Лебезятниковни эшик олдида тўхтатди.

– Анави Раскольников ўша ердами? Келибдими? – сўради ундан шивирлаб.

– Раскольниковми? Келган. Нима? Ҳа, келган... Ҳозиргина келди, ўзим кўрдим... Нима?

Унда сиздан шу ерда қолишингизни, айниқса, илтимос қилган бўлардим биз билан бирга, мени бу... ойимқиз билан қолдирмасангиз, девдим. Ўзи арзимаган бир гапу, лекин одамларнинг кўнглига нималар келмайди дейсиз. Раскольников у ерда бирор гап-сўз қилиб юришини истамасдим... Билдингизми, нима ҳақда гапираётганлигимни?

– Э, тушундим, тушундим! – бирдан фаҳмлаб қолди Лебезятников. – Ҳа, сизнинг ҳақингиз бор... Менинг шахсий фаразимча, албатта, бунчалар ташвишланмасангиз ҳам бўлар эди, лекин... Ҳар ҳолда сизнинг ҳақингиз бор. Майлингиз, мен қоламан. Мен дераза олдида бўламан ва сизга халал бермайман... Менимча, сизнинг ҳақингиз бор...

Петр Петрович қайтиб келиб Сонянинг рўпарасига диванга ўтирди, қизга диққат билан тикилди ва бирдан ўзига ғоятда сипо, ҳаттоки бир қадар

жиддий тус берди. Гўё: «Тағин кўнглингизга бир гап келиб ўтирмасин, ойимқиз», – деётгандай эди у. Соня жуда ҳам ўзини йўқотиб қўйди.

– Аввало, сиз мени кечиринг, Софья Семёновна, муҳтарама волидангиз олдида мен... Шундай эмасми, ахир? Катерина Ивановна сизга она ўрнида она бўладими? – деб бошлади Петр Петрович жуда сипо, шу билан бирга меҳрибон кишилардай. Ҳаятда дўстона бир нияти борлиги шундоққина кўриниб турарди.

– Шундай, ҳа, шундай; онам ўрнида она бўладилар, – хуркаклик билан шоша-пиша жавоб берди Соня.

– Хўш, ундай бўлса, мени у киши олдида узрларимни қабул қиласиз, чунки мен ўзимга боғлиқ бўлмаган сабабларга биноан узрли ишим чиқиб қолдики, сизларнинг зиёфатларингизда, яъни масалан, маърака маросимида қатнашолмайман, менга онангиз албатта келасиз, деб айтган эдилар бўлмаса.

– Хўп, айтаман; ҳозир, – шундай деб Соня шоша-пиша ўрнидан турди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деб уни тўхтатди Петр Петрович қизнинг соддалиги ва одоб-тартибни билмаслигидан кулиб, – шу унчалар арзимаган, фақат менинг, ўзимга дахлдор бўлган нарса туфайлигина сиздай бир ойимқизни чақириб овора қилмоқчи эмасдим, агар сиз шундай хаёлга борган бўлсангиз, ҳурматли Софья Семёновна, унда сиз ҳали мени яхши билмас экансиз. Менинг мақсадим бошқа.

Соня шоша-пиша ўтирди. Ҳамон стол устида ётган кулранг, йилтираб турган қоғоз пулларга яна кўзи тушди. Лекин кўзларини пулдан тезгина узиб, яна Петр Петровичга қараб қолди: бирдан қизга бировнинг пулига қараш ва, айниқса, унинг

қараши жуда ҳам уят бир нарсадай кўриниб кетди. У Петр Петровичнинг чап қўлида турган тилла лорнетга бир зум қараб турди, кейин кўзи шу қўлнинг ўрта бармоғига тақилган жуда катта, ялпоқ, феруза тошли ғоятда чиройли узукка тушди, лекин бирдан узукдан ҳам кўзини олиб қочиб, қаерга қарашини билмасдан алоҳал яна тўғри Петр Петровичнинг кўзларига тикилди. Янада сипороқ бўлиб сукут сақлаб турган Петр Петрович гапида давом этди:

– Кеча йўл-йўлакай шўрлик Катерина Ивановна билан икки офиз гаплашиб қолдик. Шу икки офиз сўздан у киши таъбир жоиз бўлса, ғайритабиийроқ бир ҳолатдалиги ойдин бўлди-қолди...

– Ҳа-а... ғайритабиий, – шошилганча унинг гапини маъқуллади Соня.

– Соддароқ ва тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, у киши жуда хаста кўринади.

– Ҳа-а, содда ва тушунарли... ҳа-а, касаллар.

– Хўш. Мен у кишининг бари бир охири аҳволи ёмон бўлишини олдиндан кўриб турибман, шунинг учун ҳам инсонийлик, десакмикин, в-а-а-а шафқат-мурувват юзасидан, десакмикин, ҳар ҳолда қандан бўлмасин, ёрдам қилсам, деган эдим. Фаҳмимча, оч-яланғоч ва юпун бу оиланинг тирикчилиги бутунлай сизнинг гарданингизда бўлса керак.

– Сўрасам майлими, – деб бирдан ўрнидан туриб кетди Соня, – сиз кеча у кишига нафақа масаласида бир нарса деган экансизми? Нега десангиз, кеча у киши менга сизнинг нафақа тўғрилаб бермоқчи бўлганлигингизни айтдилар. Шу гап ростми?

– Ундай эмас, баъзи бир жиҳатлардан олиб қараладиган бўлса, бу жуда ҳам бемаъни гап. Мен хизмат вазифасини адо эта туриб, ўлиб қолган хизматчининг оиласига бериладиган вақтинчалик



нафақа ҳақида эслатиб қўйдим, – агар биронта дурустроқ одам қўллаб юборса, ҳеч гап эмас, лекин назаримда, марҳум отангиз керакли хизмат муддатини ўтамаган ва, ҳатто бунинг устига кейинги пайтларда ишламай қўйган экан. Бир сўз билан айтганда, умид бор, лекин жуда ҳам оз, чунки биз кўриб турганимиз ҳолатда моҳият эътибори билан нафақа олишнинг менимча, сира иложи йўқ бўлса ҳам керак ва, ҳаттоки аксинча... У кишим бўлса дарров нафақа чўнтақларига тушгандай сўзлабдилар-да, ҳе-ҳе-ҳе! Чаққонлигини қаранг у хотинни!

– Ҳа, нафақа ҳақида... У киши ким нима деса, дарров шунга ишониб кетаверадилар, жуда кўнгли тоза у кишининг, кўнгли тоза бўлгани учун ишонади, ва... ва... ва... у кишининг ўзлари ҳам шундай бўлиб қолган... ҳа... кечиринг, – деди Соня ва кетмоқчи бўлиб яна ўрнидан турди.

– Илтимос, ўтиринг, ҳали охиригача эшитганингиз йўқ.

– Ҳа, эшитмадим, – дея пичирлади Соня.

– Ўтирсангиз-чи, ахир.

Соня жуда қаттиқ қисинди ва яна учинчи мартаба жойига ўтирди.

– Бахтсиз ёш болалар ичида бунчалар ўралашиб оғир аҳволда қолганини кўриб, боя айтиб ўтганимдай қудратим етганча ёрдам бермоқчийдим, албатта, нима деймиз, баҳоли қудрат. У кишининг манфаатлари учун, дейлик, лотерея уюштириш ҳам мумкин эди... ёхуд шунга ўхшаш бирон нарса бўлса, бундай пайтларда қариндош-уруғлар ёхуд ёрдам беришни истаган бошқа кишилар томонидан уюштирилиши мумкин. Мен мана шу ҳақда сизга маълум қилиб қўймоқчийдим. Қилиш мумкин эди бу ишларни.

– Ҳа, раҳмат... Бунинг учун Худо сизни... – пичирлади Соня Петр Петровичдан кўзларини узмаган ҳолда.

– Қилиш мумкин, аммо... Кейинча... Бугун ҳам қилиш мумкин эди-ю. Кечқурун кўришамиз, келишиб, гаплашиб, нима десак экан, сўнг асос соламиз бу ишга. Менинг олдимга соат еттиларда бир кириб ўтинг. Андрей Семёнович, умид қиламанки, бизни ёлғиз ташлаб қўймайди. Аммо... Яна бир гап борки, уни олдиндан яхшилаб келишиб олишимиз керак. Сизни бу ерга чақириб безовта қилишимдан муддао ҳам шу эди аслида. Менинг фикрим шундайки, пулларни Катерина Ивановнанинг қўлига бермаслик керак, бу жуда ҳам хатарли; бунинг исботини бугунги ўтказилаётган маърака тимсолида кўриб турибмиз. Нима десамикин, эртанги егулиги йўқ бўла туриб ва... кийим-кечак, пойабзал дегандай, майлида, бугун мана ямайка ромлари ва, ҳатто назаримда, мадера ва-ва-ва қаҳва харж қилинибдир. Ўта туриб, кўзим тушди. Эртага бўлса яна ҳаммаси устингизга тоғдай ағдарилади, уларга бир тишлам нонни ҳам сиз топиб беришингиз келади; ақл бовар қилмайди бунга. Шунинг учун ҳам лотерея шундай ўтмоғи керакки, шўрлик бева, ҳатто пулнинг исини ҳам билмасин, буни фақат ўзингиз билсангиз тузук эди. Гапим тўғрими?

– Мен билмадим. У киши фақат бугунча шундай... Умрда бир маротаба бўладиган нарса... Марҳумни муносиб хотирлаш учун, шаънига яраша, хотираси учун... Катерина Ивановна жуда ақлли. Яна ўзингиз биласиз ва мен жуда ҳам, жуда ҳам, жуда ҳам сиздан... Уларнинг ҳаммалари ҳам сиздан... Худойимнинг ўзи... етимчалар...

Соня гапини тугатолмади, йиғлаб юборди.

– Шундай. Шуни билиб қўйинг, демоқчиман-да. Энди сизга қариндош бўлмиш хотиннинг манфатлари боис бўлиб, бир озроқ ёрдам пули ажратган эдик, шуни ҳозирчалик мендан қабул қилиб тур-

сангиз. Шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, бу пулларни мен берганлигим эслатиб ўтилмаса. Мана, олинг... Нима десамикин, ўз ташвишларим ўзимга етиб турганлиги учун бундан ортиғига қурбим...

Шундан кейин Петр Петрович ўн сўмлик қоғоз пулни яхшилаб қатларини ёзиб-текислаб Соняга узатди. Соня олди, дув қизариб кетди, ўрнидан сакраб турди ва алланималарнидир пичирлаб, шоша-пиша таъзим қилиб чиқиб кета бошлади. Петр Петрович уни тантанали суръатда эшик олдиғача кузатиб борди. Соня ниҳоят хонадан отилиб чиқиб кетди ва ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ва қийналиб кетган ҳолда Катерина Ивановнанинг олдига қайтди, у ҳаддан ортиқ уялганди.

Мана шуларнинг ҳаммаси давомида Андрей Семёнович дам дераза олдида туриб, дам хона кезиб, ўртада бўлаётган гапларга халал бермай юрди; Соня кетгандан кейин эса у кутилмаганда Петр Петровичнинг олдига келиб, унга тантанали равишда қўлларини узатди.

– Мен ҳаммасини эшитдим ва ҳаммасини кўрдим, – деди у, айниқса, «кўрдим» сўзига алоҳида урғу бериб. – Бу олижаноблик, яъни мен бу жуда инсонпарварлик, демоқчиман! Сиз миннат талаб қилмаганлигингизни ҳам кўрдим! Тан оламан, хусусий тарзда қилинадиган хайр-эҳсонни менинг ақидамга тўғри келмаганлиги учун қабул қилолмайман, чунки у зулмни таг-томири билан қўприб ташлай олмайди, балки ҳаттоки, унинг томирига қувват туради, шунга қарамасдан тан олишим керак, сизнинг ҳозирги қилган ишингизга жуда қойил қолдим, – ҳа, ҳа, менга бу жуда маъқул бўлди.

– Э, қўйинг, нима деган гап! – дея ғўлдирадди Петр Петрович бир оз тўлқинланиб ва Лебезятниковга алланечук тикилиб қараб.



– Йўқ, бу шунчаки гап эмас! Кечаги воқеадан жуда ҳам хафа бўлган ва аччиқланган сиздай бир одам бошқаларнинг бахтсизлиги ҳақида ҳам ўйлашга қобил экан, – бундай одам... ўзининг хатти-ҳаракатлари билан гарчи ижтимоий маънода хатога йўл қўяётган бўлса-да, – бундан қатъи назар, ҳурмат-эътиборга сазовордир! Мен, ҳатто сиздан кутмаган эдим, Петр Петрович, бунинг устига сизнинг назарингизда, сизнинг тушунчангизда, о! Сизнинг тушунчаларингиз сизга қанчалар тўсқинлик қилаётганлигини билсайдингиз! Кечаги муваффақиятсизлик сизни қанчалар саросимага солиб қўйди, – дея хитоб қиларди кўнгилчангина Андрей Семёнович яна Петр Петровичга нисбатан кўнглида бир илиқлик туйиб, – сизга, албатта, шу никоҳ зарурми, шу қонуний никоҳнинг нима зарурати бор, нима, олиҳиммат ва марҳаматли Петр Петрович? Сизга, албатта, шу никоҳнинг қонуний бўлиши шартми? Истасангиз, майли, мана мени уринг, лекин мен у рўёбга ошмаганидан жуда хурсандман, хурсандман, мана, сиз эркинсиз, мана, сиз ҳали инсоният учун тириксиз, хурсандман... Кўрдингизми, ҳамма гапларимни айтиб қўйдим!

– Шунинг учун керакки, мен сизларнинг шаръий никоҳларингизга кириб ҳалигиндай алданган эр бўлиб қолиш ва бошқаларнинг болаларини боқиб юришни истамайман, шунинг учун ҳам менга қонуний никоҳ керак, – деди нимадир деб жавоб бериш лозим бўлиб қолганидан Лужин. Унинг хаёли бошқа ёқда эди, ниманингдир ўйини сурарди.

– Болалар дейсизми? Сиз болаларни тилга олаётирсизми? – Андрей Семёнович жангга чорловчи бурғу овозини эшитган жанговар от каби титраб кетаркан, – болалар – ижтимоий масала, биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала, мен розиман; лекин болалар ҳақидаги масала бошқача ҳал

қилинади. Баъзи бир одамлар оиланинг ҳиди келади, деб болаларни бутунлай инкор қиладилар. Биз болалар ҳақида кейинроқ гаплашиб оламиз, ҳозирча алданиш ҳақида шуғулланамиз! Тан оламан, бу менинг ожиз томоним. Пушкин тўқиб чиқарган, гусарларнинг бемаза, ярамас алданган эр деган сўзи келажакнинг луғатларидан бутунлай ўчиб кетажак. Умуман олганда, алданган эр нима дегани ўзи? О, қанчалар янглиш бу! Қанақасига алданган эр? Нимага алданган эр? Бемаза гап! Аксинча, шаръий никоҳда бундай нарса бўлмайди! Алданиш – мен сизга айтсам, ҳар қандай қонуний никоҳнинг табиий натижасидир, нима десамикин у никоҳга киритилган тузатиш, норозилиқдир, шундай бўлгандан кейин бу жиҳатдан алданиш кишига ҳақорат бўлиб туйилмаслиги лозим... Агар мен қачонлардир, мабодо шундай бемазагарчиликни ҳам тасаввур қилиб кўрадиган бўлсак, қонуний никоҳдан ўтадиган бўлсам, ана унда мен минг марта лаънатланса ҳам мабодо алдансам, хурсанд бўлган бўлардим, ўшанда мен ўз хотинимга шундай дердим: «Дўстгинам, шу пайтгача мен сени фақат севдим, мана энди сени ҳурмат қиламан. Чунки сен қаршилиқ кўрсатишга журъат этдинг!» Сиз куляпсиз, а? Сиз хурофий тушунчалардан юқори кўтарила олмаганингиз учун куласиз! Жин урсин, қонуний бир ҳолда одамни алдашса, мен бунинг қанчалар ёмон нарса эканлигини биламан ва бунинг нимаси ёмонлигини ҳам биламан: лекин бу разил бир воқеанинг разил бир натижасидир, бунда у томон ҳам, бу томон ҳам баробар ҳақоратлангандир. Шаръий никоҳдан ўтгандан сўнг очиқдан-очиқ алдашга йўл қўйилса, унда бунинг отини алдаш деб атамаса ҳам бўлади, алдаш ўз маъносини йўқотади, у алдаш бўлмай қолади. Аксинча, хотинингиз сизга менинг бахтимга тўсиқ бўлма-

ганингиз учун минг раҳмат, деб айтади ва сизга бўлган ҳурмати ўн чандон ошиб кетади, сизни ўзининг яннгитдан эр қилгани учун ўч олмайдиган даражада ўсиб етилган киши деб ҳисоблайди. Жин урсин, мен баъзан эрга текканимда, туф-эй! Агар мен уйланганимда (шаръийми ё қонунийми, бари бир), мабодо, хотиним пайсалга соладиган бўлса, унга ўзим жазман топиб берган бўлардим. «Жонгинам, – деган бўлардим унга, – мен сени севаман, лекин мен ундан ортиқ нарсани – мени ҳурмат қилишингни иштайман мана сенга!» Тўғрим, тўғрим, менинг гапим?.. Петр Петрович унинг гапларини тинглаб ҳиринглар, лекин тинглаганда унча рўйихуши бермай турганлигини сезиш мумкин эди. У ҳатто қулоқ солмай ҳам қўйганди. Ҳақиқатан ҳам алланиманинг ўйини сураб, буни, ҳатто Лебезятников ҳам пайқади. Петр Петрович андак тўлқинланган ҳам эди, у қўлларини ишқар, хаёлга толарди. Буларнинг барини Андрей Семёнович кейин эслаб, кейин тушунди...

## II

Катерина Ивановнанинг паришон калласида ҳеч кимга кераги бўлмаган шу маъракани қилиш фикри қаердан пайдо бўлганлигини аниқ айтиб бериш қийин эди. Раскольников Мармеладовни кўмишга берган йигирма сўмдан кўпроқ пулнинг салкам ўн сўми, ҳақиқатан ҳам харажат қилиб қўйилганди. Балки Катерина Ивановна марҳумнинг хотирасини «тузукроқ» нишонлаб ўтишни унинг олдидаги ўз бурчи деб билгандир, бу уйда истиқомат қиладиганлар ва, айниқса, Амалия Ивановнага унинг эри «улардан сира ҳам паст жойи бўлмаганлигини ва, эҳтимол, улардан кўра анча-мунча яхшироқ ҳам бўлганлигини» кўрсатиб

қўйишни истагандир, шунинг учун ҳам менинг қаршимда ҳеч қайсинг «бурнингни кўтаролмайсан», демоқчи бўлгандир. Балким бу ерда камбағалчилик орияти ўзига яраша таъсирини ўтказган бўлса ҳам эҳтимолки, бизнинг маиший турмушимизда ҳаммага ва ҳар кимга ҳам қарз, ҳам фарз бўлган баъзи жамоа урф-одатларини ўтказишда жуда кўп камбағал одамлар қаттиқ кучанадилар ва амал-тақал қилиб тиш орасида асраб юрган охирги чақаларини ҳам унга сарф қилиб юборадилар, буни ўзларининг «бошқалардан қолишмасликларини» кўрсатиш ва бошқалар тағин уларни «айбситиб» юрмаслиги, гап-сўзга қолмаслик учун қиладилар. Яна шуниси ҳам борки, ҳозирда ёлғиз ўзи сўққа боши билан қолган кезларда, худди мана шу дақиқаларда ва мана шундай ҳодиса рўй бериб турганда, эҳтимол, Катерина Ивановна анави ҳамма «пасткаш ва ярамас қўшниларга» ўзининг «кўрган, билган» одамлигини, тасодифан бунчалар аянчли аҳволга тушиб қолганлигини, бинобарин, унча-мунча ерда эмас, балки нақ «олинасаб ва, ҳатто, асилзода деса ҳам бўладиган полковник хонадониди» тарбия кўрганлигини, уни мана шу қўллари билан пол артиш ва туни билан болаларнинг латта-путталарини ювиб, тозалаш учун ўстирмаганларини бир кўрсатиб қўйиш учун маърака қилиш фикрига келган бўлса ҳам ажаб эмас. Жуда ҳам камбағал ва ғариб кишилар баъзи кезлар мана шундай кибру ҳаво ва манманликнинг жунбишга келган ғалаёнига тобе бўлиб қоладилар ва бу баъзи кезлар вақт-вақти билан ўзини кўрсатиб турадиган, оламнинг ғашини келтирадиган ҳаётий бир эҳтиёжга айланади. Катерина Ивановна бўлса устига-устак унақанги ғариб, муштипарлар сира-сидан эмасди: шароит уни бўғиб-бўғизлаб ташлаши мумкин эди, лекин ҳеч қачон у ўзини маъна-

вий жиҳатдан бўғиб-бўғизлаш, қўрқитиб олиш, иродасини синдириш, маҳв этишга йўл қўйиб қўядиганлардан эмасди. Бундан ташқари, Сонечка унинг мияси чувалашиб кетди, деганда асоси бор эди. Рост, ҳали бутунлай, қатъий шундай хулосага келишга эрта эди, лекин ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда, бутун кейинги йил давомида унинг шўрлик бошига шунчалар ташвишлар ёғилдики, буларни қўтариб кетишнинг ўзи бўлмасди, бунақада соғнинг касал бўлиши ҳеч гап эмасди. Тиббиёт соҳиблари сил зўрайганда ақлий қобилиятларнинг сусайиб кетишини таъкидлайдилар.

Маърака дастурхонига унчалар муболаға қилиб айтадиган даражада турли-туман винолар қўйилмаганди, мадера ҳам йўқ эди: бу осмондан олиб айтилган гап эди, лекин вино қўйилганди. Ароқ, ром ва Лиссабон виносининг жуда ҳам паст навлари бўлса ҳам, лекин дастурхонга етарли миқдорда тортилган эди. Таомлардан ҳолвайтар ва Амалия Ивановнанинг ошхонасида тайёрланган уч-тўрт хил овқат (шу жумладан, хамирга ўралган гўшт куйди) тайёрланган ва яна бир эмас, иккита самовар қўйилган, овқатдан кейин чой ва пунш ичилмоқчи эди. Харажатларни аллақандай мунгайган поляк қўшнисини билан биргаликда Катерина Ивановнанинг ўзи бош-қош бўлиб туриб харид қилишганди, бу поляк Липпевехзель хонимнинг уйида нима қилиб юрганлигини бир Худонинг ўзи билар, у маъраканинг дарағи чиқиши биланоқ Катерина Ивановнанинг ҳузурига жўнатишга ва кеча куни билан ва бугун эрталабдан бери қўли ишдан бўшамаган, одамлар қилган хизматимни кўрсин, деб ўлар-тириларига қарамай, ҳаллослаб елиб-югурган эди. У арзимаган нарсага ҳам ҳадеса Катерина Ивановнанинг олдига чопиб келаверар, ҳатто расталарга ҳам қидириб бораверар, Катерина

Ивановнани «пани хорунжина» деб чақиргани-чақирган эди. Катерина Ивановна аввал яхшиямки, шу «хизматбарор ва олиҳиммат» киши бор бўлмаса қўлсиз-оёқсиз бўлиб қолардим, деб гапириб юрган эди, лекин кўп ўтмай бу киши ҳам унинг меъдасига зиғир ёғдек уриб кетди. Катерина Ивановнанинг табиатида биринчи учраган, ҳали унчалик таниш бўлмаган одамни аллада азиз, тўрвада майиз қилиб, кўкларга кўтариб мақтаб юборадиган одати бор эди, мақтаганда ҳам баъзан шу даражада мақтаб ташлардики, мақталган одамнинг ўзи уялиб кетарди, у ўзи мақтайдиган одамнинг асли таг-тугида йўқ фазилатларни бичиб-тўқиб айтаверар, кейин бу сира бўлмаган нарсаларга унинг ўзи ҳам чиппа-чин ишониб, шундай бўлган деб юракдан самимий маъқуллаб юраверарди. Шуниси ҳам борки, кейинроқ бирдан ўзи мақтаган одамдан ҳафсаласи бутунлай пир бўлиб кетар, ўзи ҳалигина бир неча соат илгари шишириб осмонга олиб чиққан кишини оғзига уриб, башарасига тупуриб, нари тур-бери тур қилиб ташлаши ҳеч гап эмасди. У табиатан қувноқ, хушфеъл ва дилбар аёл эди, лекин тинимсиз бахтсизлик ва омадсизликлардан унда талаб ҳам, истак ҳам ашаддий суръатда зўрайиб кетганди: у ҳаммадан тинчлик ва омонликда яшамоқликни талаб қилар, шундан бошқача яшашга сира кўнмасди, мана шунга кўра ҳаётда учрайдиган арзимайдиган англашилмовчиликлар, зиғирдаккина омадсизликдан дарҳол фифони фалакка чиқар ва у жуда ёрқин умид ва хаёллардан сўнг бир зумда тақдирни ланатлай бошлар, дуч келган нарсани отар, улоқтирар, қўлига тушганни бурдалаб ташлар, бошларини деворларга ура бошларди. Маърака туфайли ва шу маъракада жон-жон деб иштирок зтишга розилик билдиргани учунми, нимагадир Амалия Ива-

новна ҳам кутилмаганда Катерина Ивановнанинг кўзига бошқача, антиқа хотин бўлиб кўриниб кетган ва зўр ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганди. Амалия Ивановна ҳам дастурхонни безатиш, керакли асбоб-анжомлар ва ҳоказоларни ҳозир қилиш ва ўз ошхонасида таом тайёрлашни ўз зиммасига олди. Катерина Ивановна мзористонга кета туриб, уни ўз ўрнида қолдирди, унга ҳамма нарсаларни тайинлаб, ишониб топшириб кетди. Ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса жуда ўринлатиб адо этилган эди: стол жуда озода қилиб ясатилган, идиш-товоқ, санчқи, пичоқлар, қадаҳ ва стаканлар, чойнаку пиёлалар гарчи ҳар кимникидан олиб чиқилган, турли рангда, катта-кичик бўлса ҳам, лекин айтилган муддатга тахт қилинганди, шундан бўлса керак, Амалия Ивановна топшириқни бошлаб адо этганидан кўнгли тўлибми, марҳумни кўмиб қайтганларни ясан-тусан қилган, бошига қора тасмали рўмол танғиган ва қора кийинган ҳолда бир қадарли фахр-ифтихор билан қаршилаб олди. Унинг мана шундай фахрланиб туриши гарчи бунга сазовор иш қилган бўлса ҳам нима сабабдандир Катерина Ивановнага ёқинқирамади: «Гўё Амалия Ивановна бўлмаса стол ясатилмай қоладигандай, ўлсин!» Катерина Ивановнага қора тасма тақилган рўмолча ҳам ўтиришмади: «Бекаман деб бу бефаросат жуда танқайиб кетибдилар, тагин камбағал шўрликларга раҳмим келиб, ёрдам қилдим, деётган бўлмасинлар? Раҳми келармиш! Топибсиз аҳмофингизни! Катерина Ивановнанинг отажониси полковник бўлган, ҳа, у кимсан сал бўлмаса губернатор эди, унинг залларида гоҳо қирқ кишилик столлар ясатиларди, шундай бўлгач, у ерда қандайдир Амалия Ивановнаними ёки тўғрироғи, Амалия Людвиговнаними, ҳатто ошхонанинг яқинига йўлатишмасди». Лекин Катерина

Ивановна вақти соати келгунча ичидагини сиртига чиқармасликка қарор берди, лекин дилига Амалия Ивановнани шу бугуноқ боплаб таъзирини бериш, унга ўз ўрнини кўрсатиб қўйишни тугди, бўлмаса, Худо билади, ўзи ҳақида қандай хаёлларга бораркин бу хотин, деб ҳозирча унга совуққина муомала қилиб қўя қолди. Яна бир дили хиралик ҳам Катерина Ивановнанинг ёмон ғашини келтирди: дафн этиш маросимига таклиф қилинганлардан жуда кам одам борди, мозорга ҳам етиб боришга улгурган полякдан бошқа ҳеч ким бўлмади ҳисоб; маърака дастурхонига эса чақирилганларнинг энг мундоқроқлари, энг бечораҳолроқлари ташриф буюришди, уларнинг аксари кўринишдан ҳам алақандай ночор, увринди-чувринди одамлар эди. Келиши керак бўлганларнинг ўзига тузукроқлари ва обрў-эътиборлироқлари худди атай қилгандай, келишиб олгандай, оёқ тортишди. Мисол учун бу уйда турувчилар орасида энг ҳурматли зотлардан Петр Петрович Лужин ҳам келгани йўқ, ваҳоланки, Катерина Ивановна, ҳаммага, яъни Амалия Ивановна, Полечка, Соня ва полякка уни жуда ҳам олижаноб, олиҳиммат одам, қўлини қаёққа узатса етади, давлатманд, биринчи эримнинг собиқ дўсти, отамнинг ҳам қабулида бўлган, шунинг учун анча катта нафақа олиб бериш учун бутун имкониятларимни ишга соламан, деб ваъда берди, деб кеча кечқурун оғиз тўлдириб гапириб юрган эди. Яна шуни ҳам айтиб ўтайликки, Катерина Ивановна бировнинг таниш-билишлари ва давлати билан ўз шахсий ғаразини кўзлаб, бирон нарса тама қилиб мақтанмас, буни, балки юраги тўлиқиб кетганидан, бировни мақташни яхши кўрганидан, шундан лаззат олганидан ва мақталган одам баҳосини янада ошириш мақсадида қиларди, холос. Лужин билан бирга, эҳтимол «ун-



дан ибрат олгани учун» бўлса керак, «анави ярамас муттаҳам Лебезятников» ҳам келмади. «Бунисининг келмаганига ўласизми? У киши ўзларини жуда ким деб ўйларкинлар? Уни одамгарчилик юзасидан айтилган эди Петр Петрович билан бир хонада туради деб, айтилмаса ноқулай бўлади деб ўйлагандик». Бу уйда турадиган инжа бир хоним ўзининг «қари қизи» билан бирга таклиф этилганди, лекин улар ҳам чиқишмади, бу она-бола Амалия Ивановнанинг уйида ижара турганига бор-йўғи икки ҳафтадан ошмаган бўлса ҳам, лекин шу пайт мобайнида бир неча маротаба Мармеладовлар хонадонидан келаётган шовқин-сурондан шикоят қилишга улгуришганди, бу тўполон Мармеладов уйга маст-аласт қайтаётган чоғда, айниқса, авжига чиқарди, албатта, уларнинг қилган шикояти Амалия Ивановна воситасида Катерина Ивановнанинг қулоғига ҳам етиб улгурган эди, Амалия Ивановна Катерина Ивановна билан жанжаллашиб қолган кезларида «ўзингиз тирноғига ҳам арзимайдиган олижаноб одамларни» безовта қилаётирсизлар, уларга тинчлик бермаётирсизлар, деб бор овозини қўйиб бақириб-чақирар эди. Катерина Ивановна ўзлари «тирноғига ҳам арзимайдиган» хоним билан унинг қизини маъракага чақиритишни атай кўнглига тугиб қўйганди, бунинг устига хоним тасодифан учрашиб қолган маҳалларида кибру ҳаво билан юзини четга буриб оларди, – хўш, хуллас калом, Катерина Ивановна уларни бу ерда «юксакроқ фикрлаб, юксакроқ ҳис қилиб, кўнгилда ёмонлик сақламай таклиф қилурлар», деган маънода ва ҳали қурбимиз анча-мунча нарсага етади, деб кўрсатиб қўймоқчидай бўлиб, таклиф қилган эди. Уларга ўзининг бундан кўра бошқачароқ нарсаларни кўрганлигини дастурхон тепасида ўтириб айтиб бермоқчи, гап орасида марҳум ота-

сининг сал бўлмаса губернатор бўлиб кетай деганини писанда қилиб ўтмоқчи ва яна учрашиб қолган маҳалларда тескари қараб кетиш яхши эмаслигини, бу жуда ҳам аҳмоқона қилиқ бўлиб кўриниши мумкинлигини шама қилиб чандиб олмоқчи эди. Семиз подполковник ҳам келмади (аслида у бор-йўғи штабс-капитан), лекин у кеча эрталабдан бери уйда кўтарам бўлиб ётган экан. Қисқаси, келганлар шулар: поляк, кейин кир фрак кийган, башарасига ҳуснбузар тошган, сассиқ, бадбашара, тилсиз-забонсиз идора хизматчиси; кейин қачонлардир аллақандай бир почта идорасида хизмат қилган ва аллаким томонидан нима учундир узоқ замонлардан бери Амалия Ивановнанинг уйида боқиб келинаётган қулоғи кар, қилтилаган шабкўр чол. Келганлар орасида яна бир истеъфога чиққан поручик, аслида эса озиқ-овқат бўйича хизматчи ҳам бўлиб, бу ароқхўр уялмай-нетмай хахолаб кулиб, ҳатто нимча ҳам киймасдан, «тасаввур қилинг-а», кириб келса бўладими! Яна аллақандай бир кимса Катерина Ивановнага салом ҳам бермасдан, тўғри келиб столга ўтириб олди. Ниҳоят, яна бир кимса кийими бўлмагани боисидан устига халат ташлаб кириб келган эди, лекин энди буниси шунчалар ҳам уят бўлиб кетдики, Амалия Ивановна билан поляк амал-тақал қилиб уни чиқариб юборишди. Поляк аллақандай яна икки полякни бошлаб келди, булар Амалия Ивановнаникида ҳеч қачон турмаган ва ҳеч ким уларни бу ерларда кўрмаган экан. Буларнинг бари Катерина Ивановнанинг ғоятда ғашига тегмоқда эди. «Кимга қилинган экан ўзи шунча тайёргарлик?», ҳатто болаларни ҳам бутун хонани эгаллаб олган стол атрофига эмас, балки катталарга жой етарли бўлсин деб, бурчакдаги сандиқ устига дастурхон ёзиб, ўриндиққа ўтқаздилар. Полечка кат-

тайиб қолган қиз сифатида уларга қараб туриши, овқат едириши ва «таг-туғли одамларнинг болалари» каби оғиз-бурунларини артиб, тозалаб қўйиши керак эди. Хуллас калом, Катерина Ивановна беихтиёр тарзда ҳамма келганларни ортиқ даражада виқор ва калондимоғлик билан кутиб олишга мажбур бўлиб қолди. У айниқса, баъзи бир кимсаларга ғоятда паст назар билан қараб, кеккайиб, худди уларга инъом бергандай, столга таклиф қилди. Унинг назарида одамларнинг келмай қолгани учун Амалия Ивановна айбдор эди, шунинг учун у қутилмаганда Амалия Ивановна билан ғоятда менсимасдан муомала қила бошладики, буни у ҳам сезиб қолиб, жуда ҳам жиғибийрони чиқди. Боши шундай бўлса бу маъраканинг охири нима билан тугаши маълум эмасди. Ниҳоят, ўтирдилар.

Раскольников кириб келганда, қабристондан эндигина қайтган эдилар. Катерина Ивановна уни кўриб жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди, биринчидан, меҳмонлар ичида бирдан бир энг «ўқимишли меҳмон» эди ва «икки йилдан кейин шу ердаги университетда профессорлик кафедрасини эгаллашга тайёргарлик кўрмоқда» эди, иккинчидан, у кирган заҳоти дарҳол ҳурмат-эҳтиром билан ўзининг қабристонга келолмагани учун Катерина Ивановнадан узр сўради. Катерина Ивановна унга ёпишиб олди-қўйди, унга ўзининг ёнидан жой бериб, сўл томонига ўтқазди (унинг ўнг ёнига Амалия Ивановна ўтирди), у тўхтовсиз меҳмонлар билан машғул бўлиб, уларга овқат тортиш ва таом ҳаммага етсин деб жони ҳалак бўлиб турганига, дам сайин қаттиқ йўтали тутиб, бўғилиб, хирқираб қолаётганига қарамасдан (афтидан, кейинги икки кун ичида йўтал кучайган эди), тинмай Раскольниковга мурожаат қилар, сўнгги пайтлар юрагида тош бўлиб йиғилиб ётган дардларини унга тўкиб

солишга шошилар, шивирлаб маъраканинг унчалик яхши ўтмаётганидан шикоят қиларди. Шуниси ҳам борки, унинг хафагарчилиги ҳам тезда шодлик билан алмашар ва у йиғилган меҳмонлар ва кўпроқ уй бекасининг устидан хандон ташлаб, шўхлик билан тўхтовсиз кула бошларди.

– Ҳаммасига мана шу какку айбдор. Кимни айтаётганлигимни биялпсизми: у ҳақда, у ҳақда! – дея бекага ишора қилди Катерина Ивановна. – Қаранг, қаранг: кўзларини чақчайтириб олганини, у тўғрисида сўзлашаётганлигимизни сезяпти, вой, кўзининг олайтиришини-чи. Уф, бойқушнинг ўзи! Ха-ха-ха!.. Ўҳи-ўҳи-ўҳи! Бошига илиб олган матоҳини қаранг! Ўҳи-ўҳи-ўҳи! Сездингизми, у бизга ўзини валинеъмат қилиб кўрсатмоқчи, бу ерга келиб ўтирганлигини ҳам тоза миннат қилмоқчи. Мен уни тузук хотин деб ўйлаб, обрўлироқ одамларни айтинг, марҳумнинг таниш-билишлари кўпроқ бўлсин деб эдим, ўзингиз кўринг унинг чақриб келган одамларини: лўттибозлар-ку, булар ҳаммаси! Қийшайган чўмичга ўхшамай афтиларинг қурсин! Анави ювуқсизни кўринг: икки оёқлик мишиқи. Манови поляк шўрликларни айтмайсизми... Ха-ха-ха! Ўҳи-ўҳи-ўҳи! Ҳеч ким, ҳеч ким уларни бу ерда кўрмаган, мен ҳам кўрмаганман, айтинг ўзингиз, улар бу ерда нима қилиб юришибди. Мулла мулойим бўлиб ўтиришларини қаранг уларни. Пане, ҳей! – дея қичқирди у полякларнинг бирига, – қани, гўштқуйдидан олиб ўтиринглар! Яна олинг. Пиво ичинг, пиво! Ароқ ичмайсизми? Қаранг, ўрнидан сакраб турди, таъзим қилаётир қаранг, қаранг: жуда ҳам оч қолган бўлсалар керак шўрликлар! Майли, қоринларини тўйдириб олишсин. Жуда бўлмаса жим ўтиришар-ку, фақат... Фақат мен беканинг кумуш қошиқлари нима бўлади, деб қўрқиб турибман!.. Амалия

Ивановна! – дея мурожаат қилди у овозини хиёл кўтариб, уй бекасига, – агар сизнинг қошиқларингиз йўқолиб қолса, мендан кўрманг кейин, сизга олдиндан айтиб қўяётирман! Ха-ха-ха! – хандон ташлаб кула бошлади у Раскольниковга яна бекани кўрсатиб ва ўзи топган гапдан хурсанд бўлиб кетиб. – Тушунмади, яна тушунмади! Оғзини очиб ўтиришини қаранг: бойқуш, бойқушнинг худди ўзи, янги тасма таққан япалоққуш, ха-ха-ха!

Шунда у кулиб туриб, чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ йўтала бошлади, йўтал беш дақиқача давом этди. Қўлидаги дастрўмолида қон излари кўринди, манглайини тер босди. У қонни Раскольниковга индамайгина кўрсатди ва бир оз дам олар-олмас яна ғоятда жўшган, юзининг ёноқларига қизил доғлар тошган бир алпозда унинг қулоғига шивирлай кетди:

– Қаранг, мен унга жуда ҳам нозик бир ишни топширган эдим, анави хоним билан унинг қизини чақиринг, дегандим, сиз биласизми уларни? Буни жуда назокат билан болаб қилиш керак эди, у нима қилди денг, ўша келгинди, бурни танқайган махлуқ, иззатига тўнқайган жинни, ўша пашшадай гинғиллаган қишлоқи, ҳа-да, мен майорнинг беваси бўламан, нафақа масаласида келдим, деб мақтаниб, ҳамма қабулхоналарнинг остонасини ялаб юрган бир кимса денг, яна элик беш ёшида юзига сурма қўйиб, упа-элик қўйиб (буни ҳамма билади)... таманно қилиб юрган бир махлуқ денг, келмай ўтирибди, хўп, келмабди, келмабди, жуда бўлмаса, кечирим сўраб одам юбор, жиндак одобдан ҳам Худо қисган эканми бечорани! Ҳеч билмай қолдим, нега Петр Петрович келмадийкин? Аммо Соня қани? Қаерга кетди? А, ана ўзи ҳам келиб қолди! Нима қилди, Соня, қаерларда юрган эдинг? Отангнинг таъзияси куни ҳам бунақа қилиб ке-

чикиб юришинг қизиқ. Родион Романович, уни ёнингизга олинг. Мана бу ерга ўтир, Сонечка... Ол, нима истасанг. Селовали қовурдоқдан ола қол, яхши. Ҳозир гўшткуйди келтиришади. Болаларга бердингларми? Полечка, ҳамма нарсалар борми? Ўҳи-ўҳи-ўҳи! Бўпти, яхши. Ақлли қиз бўлгин, Леня, Коля оёғингни ликиллатаверма ҳадеб; яхши одамларнинг болаларига ўхшаб ўтир. Нима дединг, Сонечка?

Соня шу заҳоти Петр Петровичнинг узр сўраб юборганлигини ҳамма эшитсин дегандай қилиб овозини кўтариброқ айтди, у атай Петр Петровичнинг номидан тўқиб чиқарилган жуда ғалати, сара, чуқур ҳурматни билдирадиган сўзларни безаб-безантириб баён қилиб берди. Кейин Петр Петрович вақтим бўлиши биланоқ дарҳол етиб келаман, ўзимиз қилинадиган ишлар ҳақида бафуржа гаплашиб оламиз ва ҳоказо, ҳоказо гапларни айтиб юбордилар, деди.

Соня бу гаплар Катерина Ивановнанинг юрагига далда бўлишини, унга таскин бериб овунтиришини, кўнглини кўтаришини ва ҳаммадан ҳам унинг юраги гурур билан тўлишини биларди. У Раскольниковнинг ёнига ўтирар экан, унга тезгина таъзим қилди ва кўз учида қизиқсиниб қараб қўйди. Дарвоқе, шундан кейин унга қарашдан тортиниб, у билан гаплашишдан ийманиб ўтирди. У жуда ҳам паришон кўринар, худди буни Катерина Ивановнанинг юз-кўзи учун шундай қилаётганга ўхшарди. Керакли кийимлари бўлмаганлигидан на у ва на Катерина Ивановна мотам либоси кийишганди. Соня эгнига аллақандай жигарранг, қорамтир кўйлак кийган, Катерина Ивановнанинг устида эса йўл-йўл қорамтир чит кўйлак бор эди, бу унинг устига киядиган бирдан-бир кўйлаги эди. Петр Петрович ҳақидаги гаплар унга мойдай

ёқди. Сонянинг гапларини ғоятда сиполик билан эшитгач, Катерина Ивановна ўшандай сиполик ва жиддият билан: «Петр Петровичнинг соғликлари қандай?» деб сўради. Кейин дарҳол овозини кўтариброқ: «Петр Петровичдай ҳурматли ва эътиборли бир зот бизнинг оиламизга садоқати ва отам билан қадрдон дўст бўлганига қарамай, мана бунақа «нурли-нурсиз одамлар ўртасига» тушиб қолса, ҳақиқатан ҳам ғалати бўлиб кўринарди», деб Раскольниковга шипший кетди.

– Мана шунинг учун ҳам, Родион Романович, бизнинг камтарин дастурхонимизни назарингизга илиб келганингиздан ғоятда миннатдорман, яна аҳвол мана шундай бўлиб турган маҳалда, – деб қўшиб қўйди у овозини кўтариброқ, – сиз марҳум билан яқиндан дўст эдингиз, шу дўстлик туфайли бу ерга келиб, ваъдангизнинг устидан чиқдингиз, омон бўлинг.

Кейин у ўз қадри қимматини билган одамлардай, яна меҳмонларига бирма-бир мағрур назар ташлаб чиқди-да, сўнг худди жуда ғамхўрлик қилгиси келган одамдай, стол оша баланд овоз билан қулоғи кар чолдан: «Яна қовурдоқ олиб келишсинми, Лиссабон виносидан ичдингизми?» деб сўради. Чол жавоб бермади ва гарчи ёнида ўтирганлар кулгу учун унга тушунтириб бера бошлаган бўлсалар ҳам, лекин анчагача ўзидан нимани сўраётганларини сира англай олмади. У оғзини очиб, атрофга аланг-жалаңг қилиб қарар, атрофдагилар эса бундан баттар қувонишиб кулгини авжига миндиран эдилар.

– Вой, Худо урган гарангни қаранг! Қаранг, қаранг! Уни нимага бу ерга олиб келишган экан? Петр Петровичга келсак, мен доимо унга ишониб адашмаган эканман, – дея давом этди Катерина Ивановна Раскольниковга қарата, – нима десан-

гиз ҳам у, албатта, ўхшамайди... – кескинлик ва шиддат билан деди у Амалия Ивановнага қараб, Амалия Ивановнанинг бундан юраги пукиллаб ура бошлади, – сизнинг шалпиллама думдор, оҳангжамали хонимчаларингизга ўхшамайди, деяпман, у хонимларингизни отам ошхонасига оқсочликка ҳам олишмаган бўларди, агар марҳум эрим тирик бўлганда эҳтимол, уларни қабул қилиши ҳам мумкин эди, лекин беҳад назокатли одам бўлганлиги учунгина шундай қилган бўларди.

– Ҳа, ичишни яхши кўрар эдилар; яхши кўрардилар, ичиб юрардилар! – деб қичқириб қолди кутилмаганда озиқ-овқат мутасаддиси ўн иккинчи қадаҳдаги ароқни бўшатар экан.

– Марҳум эримнинг шундай ожизона томонлари йўқ эмасди, бу ҳаммага беш қўлдай маълум, – худди унинг кекирдагидан олгудай бўлиб деди Катерина Ивановна, – лекин у оқ кўнгил ва олижаноб, ўз оиласига меҳрибон ва оқибатли одам эди; битта ёмон томони оқ кўнгил бўлганидан ҳар турли фосиқ одамларнинг гапларига лаққа ишониб юрарди ва Худо биледи, у кимлар билан бирга ўтириб ичмаган, ҳатто кавушининг патагига арзимаган кимсалар билан ҳам ичишган! Муни қаранг, Родион Романович, эримнинг чўнтагидан хўрозқанд чиқса бўладими: ўзи ғирт масту, лекин болаларини ўйлайдиган одати бор эди.

– Хў-ўрр-оз? Сиз: хў-ўрр-оз дедингизми? – қичқирди озиқ-овқат мутасаддиси бўлган жаноб.

Катерина Ивановна унга жавоб беришни ўзига лозим кўрмади. У нима ҳақдадир ўйга толди ва хўрсиниб қўйди.

– Мана, сиз ҳам бошқаларга ўхшаб мени унга жуда қаттиққўл бўлган, деб ўйласангиз керак, – дея давом этди у Раскольниковга қарата. – Ваҳоланки ундай эмас! У мени бошига кўтариб юрарди, у



мени доим, доим бошига кўтариб юрарди! Кўнгли пок киши эди у! Гоҳо унга шунчалар юрагим ачишиб кетар эдики! Бурчакка ўтириб олиб мўлтайиб менга термилади денг, одамнинг хўрлигини келтириб юборади, бориб эркалатгинг, яхши гапиргинг келади, кейин «эркалатиб қўйсам, яна бориб ичиб келади», деб ўйлаб қоласан, фақат қаттиққўллик билан сал эпақага келтириб туриш мумкин эди.

– Э, нимасини айтасиз, соч юлишлар бўлмаганми бу ерда, неча-неча марта бўлган бунақанги ишлар, – деб бўкирди яна мутасадди ва яна бир қадаҳни бўғзига ташлади.

– Соч юлиш нима деган гап, баъзи кимсаларга аҳмоққа – тўқмоқ дегандай муомала қилган маъқул. Мен буни марҳум ҳақида айтаётганим йўқ! – кескин деди Катерина Ивановна мутасаддига.

Унинг ёноқларидаги қизил доғлар борган сайин қизиллашиб борар, кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Яна бир дам ўтса, у жанжални катта қилиб юборишга тап-тайёр бўлар эди. Ўтирганларнинг кўплари ҳиринглашар, кўпчиликка афтидан бу ёқар ҳам эди. Мутасаддини гижгижлай, унинг қулоғига алланималарни шипший бошладилар. Уларни уриштириб қўймоқчи бўлаётган эдилар шекилли.

– Сўр-ррасак бўл-ладими, к-кимни назарда тутяпсиз, – дея бошлади мутасадди, – яъни мен демоқчиманки, кимнинг шаънига... бу ерда... сиз айтдингизки... мана шу... бугунги... майли, керакмас! Тамом! Бева! Бева шўрлик! Кечирдим... Бўлди! – у шундай дея яна бир қадаҳ ароқни отиб юборди.

Расқольников буларнинг ҳаммасидан кўнгли озурда бўлиб индамайгина тинглаб ўтирарди. У мезбоннинг кўнгли учунгина тотиниб қўл учида у-будан еган бўларди, Катерина Ивановна бўлса

дам сайин ҳадеб унинг ликопчасига егуликлардан солиб турар, шу боисдан унинг кўнглига қарама-са бўлмасди. Раскольников Соняга диққат билан разм солгани-солган эди, лекин Соня борган сари нотинч ва ташвишли бўла бормоқдайди; у ҳам маъраканинг тинчлик билан тугамаслигини сезиб турар ва тажанглиги тобора авжига чиқиб бораётган Катерина Ивановнадан безовта кўзларини узмасди. Гап шундаки, чет жойдан келган хонимлар нима учун Катерина Ивановнанинг таклифига менсимасдан қараганликлари унга маълум эди, улар уни, Соняни деб бу ерга келишдан бош тортган эдилар. Соня Амалия Ивановнанинг ўз оғзидан шундан гапни эшитганди, мусофир хонимларнинг онаси таклифдан хабардор бўлгандан кейин хафа бўлиб шундай дебди: «Бу оймқизнинг ёнига мен ўз қизимни қандай қилиб ўтқазаман?» Соня шу гап қандай йўл билан бўлмасин, Катерина Ивановнанинг қулоғига етиб қолмадимикин, деб хавотир олмақдайди, агар шундай бўлса, унга, Соняга нисбатан қилинган ҳақорат Катерина Ивановнанинг назарида шахсан унинг ўзига, унинг фарзандларига, унинг падарига нисбатан қилинган ҳақорат каби чандон оғир ботар, бир сўз билан айтганда ҳаддан ташқари оғир ҳақорат деб қабул қилинарди, шундан Соня энди Катерина Ивановнани тинчлантириш қийин бўлишини, у токи «шалпиллама думдор хонимларга уларнинг ўзлари ҳалигиндай» деб исбот қилмагунча кўнгли ўрнига тушмаслигини биларди. Худди атай қилгандай столнинг нариги бошидан кимдир қора нондан иккита юракнинг шаклини ясаб, ликопчага солиб, Соняга бериб юборибди, юрак шаклларига камон ўқи ҳам санчиб қўйилган экан. Катерина Ивановнанинг жон-пони чиқиб кетди ва шу заҳоти ҳаммага эшиттириб бақириб, буни жўнатган одам «маст эшак», деди.

Вазият тобора оғирлашиб бораётганлигини сезган, Катерина Ивановнанинг ўзини катта олиб, манманлик қилишидан қаттиқ хафа бўлиб, дили оғриган Амалия Ивановна ҳам йиғилган жамоатни хижолатдан қутқозиш, одамларнинг фикрини бошқа томонга чалғитиш ва кези келиб қолганда ўзини ҳам бир кўрсатиб қўйиш мақсадида бирдан томдан тараша тушгандай, бидирлаб ҳикоя айтишга тушиб кетди, эмишки, унинг бир таниши «дорихонада ишлайдиган Карль» кечаси извошда кетаётган экан, извошчи: «Сени ўлдираман, дегян, Карль жуда, жуда илтимос қилгян, ўлдирма дегян, йиғлагян, қўлин қорнига қўйгян, қўрқгян ва қўрқгани учун юраги ёрилиб ўлиб қолгян». Катерина Ивановна бунга кулиб қўйган бўлса-да, лекин дарҳол: «Амалия Ивановна, сиз латифаларни русча қилиб айтманг», деб дашном берди. Амалия Ивановна яна қаттиқроқ ранжиб: «Менинг фатер аус Берлин бўлгян, жуда жуда катта одам бўлгян ва ҳадеб қўл чўнтакларка юргян», деб эътироз билдирди. Кулгиси тез қистайдиган Катерина Ивановна ўзини тутолмай хандон ташлаб кула бошлади, Амалия Ивановнанинг эса сабр-тоқати тугаб, тишини-тишига қўйиб, ўзини зўрға босиб ўтирмоқда эди.

– Вой, бойқуш ўлгур-ей! – яна дарҳол шипшигани тушди Раскольниковга Катерина Ивановна, талтайиб кетиб, – қўлини чўнтагига солиб юрарди, демоқчийди, лекин унинг гапидан қўли чўнтакларга тушиб киссавурлик қилган деган маъно чиқади, ўҳи-ўҳи! Сиз пайқадингизми, Родион Романович, бу Петербургда яшайдиган муҳожирлар, яъни асосан немислар ҳаммаси бизга қаердандир келиб қолади, кейин ҳаммаси ҳам бизга қараганда аҳмоқроқ! Ўзингиз айтинг, ким «дорихонада ишлайдигян Карль қўрқгян, юрак ёрилгян, ўлюб қолгян», дейди; яна буни қарангки, у (мишиқи) из-

вошчини қўлини орқасига боғлаб керакли жойга олиб бориш ўрнига «илтимос қилгян, ўлдюрма дегян, йифлагян». Вой, жиннивой-ей! Яна ҳамма айтаётган гапларим жуда қизиқ деб ўйлаганига ўласизми, ваҳоланки ўзи бўлса фирт аҳмоқ! Менимча, анави мутасадди унга қараганда анча ақллироқ; ҳеч бўлмаганда бориб турган саёқ, ароқхўрлиги шундоқ кўриниб турибди, мановилар бўлса ҳаммаси баодоб, сипо... Қаранг, кўзларини чақчайтиришинн. Жаҳли чиқяпти! Жаҳли чиқяпти! Ва-ха-ха-ха! Ўҳи-ўҳи-ўҳи!

Катерина Ивановна очилиб кетиб, ундан-мундан майда-чуйда гаплардан сўзлаб ўтирди ва кутилмаганда пенсия олишга муяссар бўлса ўзининг туғилган шаҳри Т...да қизлар учун билим юрти очажаги ҳақида гапириб қолди. Ҳали Катерина Ивановна Раскольниковга бу янгиликни ўз оғзи билан айтиб улгурмаганди, шунинг учун у дарҳол ўзининг антиқа хаёллари билан ўртоқлаша кетди. Шу пайт қаёқдандир, унинг қўлида ўша «мақтов қоғози» пайдо бўлиб қолди, бу қоғоз ҳақида унга қовоқхонада ўтирганларида марҳум Мармеладов сўзлаб берганди ва турмуш ўртоғим институтни битириб чиқиш кечасида «губернатор ва бошқалар» ҳузурида елкасига шол рўмол ташлаб, рақсга тушган, деб айтганди. Бу мақтов қоғози афтидан эндиликда Катерина Ивановнага билим юрти очиш учун гўё бир гувоҳномадай хизмат қилиши керак эди. Лекин асосан, анави танноз, оҳангжама хонимларга кўз-кўз қилиш учун олиб қўйилган бўлиб, мабодо улар маъракага келиб қолсалар, уларга ўзининг ҳам анов-манов одамлардан эмас, балки «олий насабли дейиши мумкин бўлган хонадондан чиққани, полковникнинг қизи бўлгани, умуман олганда, кейинги пайтларда жуда уруғи кўпайиб кетган, саргузашт иштиёқида юрадиган

айрим хоним афандилардан анча устунроқлигини» кўрсатиб, тасдиқлаб туриши керак эди. Мақтов қоғози дарҳол кайфи тарақ меҳмонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди, Катерина Ивановна бунга тўсқинлик қилмади, чунки ҳақиқатан қоғозда унинг отаси эшик оғаси маслаҳатчи ва кавалер бўлганлиги, демакки, чиндан ҳам уни полковникнинг қизи деб аташ мумкинлиги en toutes lettres<sup>26</sup> қайд қилинганди. Катерина Ивановна тўлқинланиб кетиб, ўзининг келажакда Т...да кечирадиган бахтли ва осойишта, гўзал ҳаёти ҳақида тинимсиз гапга тушиб кетди, билим юртига дарс бериш учун таклиф қилинадиган муаллимлар тўғрисида сўзлади; институтда Катерина Ивановнани ўқитган, француз тилидан дарс берган француз чол Манго ҳақида, унинг жуда ҳам ҳурматли зот эканлиги, ҳозирда ҳам барҳаётлиги ва Т...да истиқомат қилаётганлиги, агар бир оғиз айтса, инсоф билан маош тайинланса яна дарс бериши мумкинлиги ҳақида гапирди. Ниҳоят, гап Соняга келиб тақалди. Соня «Катерина Ивановна билан биргаликда Т...га кетиб, у ерда ҳамма ишда унга ёрдамлашиб турар экан». Аммо шу пайт столнинг нариги бошида кимдир пиқиллаб кулиб юборди. Катерина Ивановна шу заҳоти столнинг нариги томонидан эшитилган кулгининг унга сира алоқаси бўлмагандай, ўзига кибрли бир тус бериб, атай овозини баланд қилиб, Софья Семёновнанинг ўзига ёрдамчи бўлса қанчалар яхши бўлиши, унинг ажойиб қобилияти, «беозорлиги, сабр-қаноатли экани, жонкуярлиги, ҳимматли ва ўқимишлилиги» ҳақида гапира кетди, кейин Сонянинг юзларини эркалаб шапатилаб қўйди ва ўрнидан қўзғалиб уни икки марта маҳкам қучоқлаб ўпди. Соня дув қизариб кетди. Катерина Ивановна бўлса, йиғлаб юборди ва шу заҳоти

<sup>26</sup> En toutes lettres – тўла (франц.).

Ўзига ўзи: «Мен заиф, жинни хотинман, жуда ҳам чарчаб кетдим, энди бас қилина қолса ҳам бўларди, егуликлар ҳам еб бўлинди ҳисоб, чой ичилсамикин», деб минғирлади. Худди мана шу дақиқада ўзини гапга қўшмаганликлари, ҳатто унинг гапига қулоқ ҳам солмаганликларидан буткул ранжиган ва хафа бўлган Амалия Ивановна бирдан охириги марта уриниб кўришга таваккал қилди ва ичини ит таталаётган бўлса ҳам билдирмасдан, Катерина Ивановнага битта ғоятда чуқур маъноли, ишга ҳар жиҳатдан фойдаси тегиши мумкин бўлган маслаҳатини билдириб ўтишга журъат этди; унингча бўлажак билим юртида қизларнинг энгил-боши, чойшаб кўрпаси жуда ҳам озода бўлишига алоҳида эътибор бериш керак экан ва «албат, якши бир хоним чойшабларга назор қилиб туриши», иккинчидан, «ҳаммаси яшгина қизлар кечаларин секин ҳеч қандай роман ўқимасинлар» экан. Феъли ҳақиқатан ҳам жуда бузилган, ҳолдан тойган, маърака ҳам меъдасига уриб кетган Катерина Ивановна шу заҳоти Амалия Ивановнанинг «оғзига уриб», «Бемаъни гапни гапирманг, сиз ҳеч вақони тушунмайсиз», деди. Тартиб ҳақида ходима бош қотиради, бу билан юқори мавқедаги билим юрти директорининг ҳеч қандай иши бўлмайди; романлар ўқишга келганда, бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўзи уят, шунинг учун билмаган нарсага бош суқмасдан оғзини юмиб ўтириш керак. Амалия Ивановнанинг бирдан ёмон аччиғи қистади ва авзойи бузилиб, «яхшилиқ қилгян»лигини, «кўп, кўп яхшилиқ қилгян»лигини, ваҳоланки, унга анчадан бери «квартирга гелъд тўланмагян»лигини айтди. Катерина Ивановна дарҳол унинг «танобини тортиб қўйди» ва «яхшилиқ қилгянман», деб ёлғон сўзламанг, кеча эримнинг жасади стол устида ётганда хонадон жанжалини бошлаб, юра-

гимни қон қилгансиз, деди. Бунга яраша Амалия Ивановна ҳам жавоб топиб, «у хонимларни сиз таклиф қилгян, локин у хонимлар келмагян, чунки у хонимлар яхши хонимлар – ёмон хонимларга келмагян», деди. Катерина Ивановна унинг «оғзидан олиб, бўғзига ёпиштирди», сиз паст хотинсиз, яхши-ёмоннинг маънисига қаердан ҳам етардингиз, деди. Амалия Ивановна бунга чидолмади ва шу заҳоти: «менинг фатер аус Берлин бўлгян, жуда, жуда катта одам бўлгян, қўли чўнтакка тушгян ва ҳар замон: пуф! пуф! – деб юргян», деди. Кейин у отасининг қандай бўлганлигини ҳамма кўриб қўйсин деб, дикиллаб ўрнидан турди, иккала қўлини киссасига тикди, лунжларини шиширди. Ва оғзидан пуф-пуф деганга ўхшаш алақандай ноаниқ товушлар чиқарди ўртада қаҳқаҳа кулги кўтарилди, атрофдагилар жанжал бўлажагини сезиб, жўрттага Амалия Ивановнанинг қўлтиғига сув пуркай бошладилар. Лекин бунга Катерина Ивановна сира чидаб туролмади ва ҳаммага эшитиларли қилиб, унинг гапини «чўрт кесди», «Сизнинг, балки ўз отангиз ҳам бўлмагандир, нима қилганда ҳам Петербургнинг ярамас, паст хотинларидансиз, илгари алақимларнинг ошини пишириб юрган бўлсангиз ҳам керак, бўлмаса, бундан ҳам баттарроғини қилгандирсиз», деди. Амалия Ивановнанинг лавлагиси чиқиб кетди, «Сизнинг отангиз йўқ бўлгян, менинг фатер аус Берлин бўлгян, шундай узун сюртук кийгян ва ҳар замон: пуф, пуф, пуф! – қилгян», деди. Катерина Ивановна унинг гапидан нафратланиб, ўзининг насл-насаби ҳаммага маълумлигини, манови мақтов қоғозида ҳам босма ҳарфлар билан унинг отаси полковник деб қайд этилганлигини айтди; Амалия Ивановнанинг отасига келганда (мабодо унинг отаси ўзи бўлса), эҳтимол, сут-қатиқ сотиб юрадиган чухна-

лардан бўлса керак; лекин ҳар ҳолда унинг отаси бўлмаганлиги тўғрироқ бўлиши мумкин, негаки шу пайтгача ҳам отасининг исми тайин эмас, зотан, сиз Амалия Ивановна деб юритиласизми ёки Людвиговна дебми? Шунда Амалия Ивановнанинг бутунлай жон-пони чиқиб кетди ва столни муштраб, мен Амаль-Иван бўламан, Людвиговна эмасман, отамнинг исми «Иоган эди, бурмейстер<sup>27</sup> эди», Катерина Ивановнанинг отаси эса ҳеч қачон бурмейстер бўлмаган, деб бобиллаб берди. Катерина Ивановна ўрнидан туриб кетди ва жиддий, босиқ товуш билан (ваҳоланки, унинг рангида ранг қолмаган, кўкраклари юқорига кўтарилиб тушмоқда эди) агар у, яъни Амалия Ивановна яна бир марта «ўзининг ярамас фатер-материни унинг падари бузруквори билан тенглаштирадиган бўлса, унда у, яъни Катерина Ивановна унинг бошидаги чепчигини олиб улоқтириб юборажаги ва оёқлари остига олиб тепкилажагини» айтди. Амалия Ивановна бу гапдан кейин хонада ўзини у ёқдан-бу ёққа отиб, мен уй эгасиман, Катерина Ивановна ҳозирнинг ўзида «кавартирни бўшатсин», деб айюҳаннос сола бошлади; сўнг нимагадир стол устидан кумуш қошиқларни юлқиб йиғиштиришга тушди. Шовқин-сурон, аросат қўлди; болалар йиғлашди. Соня Катерина Ивановнани ушлайман деб талпинган эди, лекин худди шу пайт Амалия Ивановна сариқ патгани тилга олиб шанғиллаб қолса бўладими, Катерина Ивановна Соняни силтаб ташлаб, Амалия Ивановнанинг устига отилди, боя қилган пўписасини амалга оширмоқчи бўлди. Шу пайт эшик очилиб остонада Петр Петрович Лужин пайдо бўлди. У бутун хонадагиларга диққат билан оғир назар ташлади. Катерина Ивановна унга қараб интилди.

<sup>27</sup> Бурмейстер – ишчи, оқсоқол (нем.).



### III

– Петр Петрович! – дея қичқирди у, – жуда бўлмаса сиз бизни ҳимоя қилинг! Манови мияси айниган махлуққа айтинг, тагли-тубли бир хонадоннинг фарзандини бунчалар ерга уравермасин, ахир, бунинг ажри ҳам бўлар-ку... Мен генерал-губернаторнинг ўзига... Ҳали унга кўрсатиб қўяман... Отамнинг туз-намаги ҳақи, етимчаларни ҳимоя қилинг.

– Нима деяпсиз, хоним афандим... Нима, нима деяпсиз асти, хоним афандим, – қўл силтаб ўзини олиб қочди Петр Петрович, – сизнинг отангизни, ўзингизга ҳам маълумки, танимоқлик шарафига муяссар бўлган эмасман... Ўзингиздан ўзингиз нима деяпсиз, хоним афандим (кимдир хахолаб кулиб юборди), Амалия Ивановна билан ёқа бўғишиб қиладиган жанжалларингизга аралашмоқчи эмасман, ҳа... Ўз ишим билан келгандим... Мен сизнинг ўғай қизингиз билан, Софья... Ивановнамиди... Шундай шекилли, а? Ҳозир, шу тобда кечиктирмай гаплашиб олишим керак. Қани, ўтиб кетай...

Петр Петрович Катерина Ивановнани айланиб ўтиб, Соня турган қаршидаги бурчак томон юрди.

Катерина Ивановна яшин ургандай турган ерида қотиб қолди. У қандай қилиб Петр Петрович шунчалар кўрнамаклик қилаётганига сира тушунолмасди. У туз-намак ҳақида ўзича гап ўйлаб топиб, сўнг ўзи бунга қаттиқ ишониб қолганди. Петр Петровичнинг тадбиркор, қуруқ, ҳатто жирканиш аралаш дўқ-пўписа эшитилиб кетган муомаласи уни буткул ҳайратга солиб қўйди. Умуман, Петр Петрович кириб келгандан кейин ҳамма секин-секин жим бўлиб қолганди. Бундан ташқари ушбу «мудаббир ва жиддий» кимса ўзига сира муносиб

бўлмаган ерга кириб қолган каби туйилган, бундан ташқари, унинг қандайдир жуда муҳим иш билан келганлиги кўриниб турар, у бунақанги одамлар орасига фавқулодда бир сабаб билан кириб қолганга ҳам ўхшар, демак, албатта, ҳозир нимадир рўй беражак, нимадир бўлажак. Сонянинг қава-тида турган Раскольников уни ўтказиб юбориш учун четланди. Петр Петрович уни сира ҳам пай-қамаганга ўхшарди. Бир дамдан сўнг остонада Лебезятников кўринди: у уйга кирмади, лекин нима бўларкин, деб қизиқиб, ҳайрон бўлиб ва, ҳатто, ҳайратга тушиб, тўхтаб қолди; бирпас қулоқ солиб тинглаб турди-ю, лекин афтидан анчагача ҳеч нарса ни тушунолмади.

– Ўтиришга халал бериб қўйдим шекилли, кечиринг, лекин ишим жуда зарур эди, – деди Петр Петрович гапини биронта ҳам одамга қаратмай, – бир ёқдан одамларнинг бўлгани ҳам яхши, мен хурсандман. Амалия Ивановна, сиз шу уйнинг эгаси бўласиз, сиздан камина жуда илтимос қиламан-ки, менинг ҳозир Софья Ивановна билан бўладиган гапимни камоли диққат қилиб эшитсангиз. Софья Ивановна, – деб давом этди у ҳаддан ташқари ҳайрон бўлиб қолган ва ҳали ҳеч нарса бўлмай туриб кўрқиб кетган Соняга тўғри мурожаат қиларкан, – менинг дўстим бўлмиш Андрей Семёнович Лебезятниковга тегишли бўлмиш хонадаги стол устидан сиз келиб кетганингиздан кейин қиймати юз сўм миқдорида бўлган давлат пул қоғози йўқолган, у пул менга тегишли эди. Агар қандай бўлмасин, қайси йўл билан бўлмасин, сиз унинг қаердалигини билсангиз ёки кўрсатиб берсангиз, чин сўзим шуки ва бу ерда ҳозир бўлганларни гувоҳ қилиб айтаманки, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Акс ҳолда, қатъий чоралар кўрилишига мажбур бў-

либ қоламан, ана унда... Ҳолингизга маймунлар йиғлайди!

Хона ичига чуқур жимлик чўкди. Ҳатто йиғлаб турган болалар ҳам жимиб қолишди. Сонянинг ранги мурдадек оқариб кетган, Лужинга тикилганча қотиб қолган, жавоб берай деса, овози чиқмасди. У худди нима булаётганлигини тушунмай турганга ўхшарди. Орадан бир неча сония ўтди.

– Хўш, нима қиламиз? – сўради Лужин қиздан кўзларини узмасдан.

– Мен билмайман... Мен ҳеч нарсани билмайман... – заиф овоз билан пичирлади ниҳоят Соня.

– Йўқми? Билмайсизми? – дея такрор сўради Лужин ва яна бир неча сония индамай турди. – Ўйлаб кўринг, ойимча, – деди у сиполик билан, худди насиҳат қилаётган одамга ўхшаб, – ўзингиз муҳокама қилиб кўринг, мен сизнинг мулоҳаза қилиб кўришингиз учун яна вақт беришга розиман. Ўзингиз кўриб турибсиз: агарда мен ўзим ишонмаганимда эди, албатта, кўп тажриба кўрган кишиман, шундай бўла туриб, сизни тўғридан-тўғри айблашга журъат қилмаган бўлар эдим; лекин бировни бундай очиқдан-очиқ айбдор деб топганда, агар тақалган айб ёлғон ёки хато бўлиб чиқса, унда баъзи бир жиҳатлардан мен ҳам жавобгар бўлиб қоламан. Мен буни биламан. Мен эрталаб ўз эҳтиёжларим юзасидан уч минг сўм миқдоридagi беш фоизли қоғоз пулларимни майдалатган эдим. Қилган сарф-харажатимнинг ҳисоб-китоби қўйин дафтаримда ёзиб қўйилган. Уйга қайтиб келганимиздан кейин, – Андрей Семёнович ҳам буни тасдиқлайди, – пулларимни санадим ва икки минг уч юз сўм миқдоридagi пулни санаб ҳамёнимга солиб қўйдим, ҳамённи эса сюртукнинг ён чўнтагига солдим. Стол устида беш юз сўмча қоғоз пул қолган эди, улар ичида учта юз сўмлик ҳам бор эди.

Шунда сиз келиб қолдингиз (сизни мен чақиртирган эдим) ва нуқул қисиниб-қимтиниб ўтирдингиз, гапимиз ҳали тугамаган бўлса ҳам нима сабабдандир гап орасида уч маротаба ўрнингиздан туриб кетмоқчи ҳам бўлдингиз, нимагадир шошилдингиз. Гапларимнинг ҳаммасини Андрей Семёнович ҳам тасдиқлайди мана. Эҳтимолки, ойимқиз, сиз билан қариндошингиз Катерина Ивановнанинг (мен у киши таклиф қилган маъракага келолмадим) етимчалари билан офир аҳволда қолганлигн ҳақида ҳамда у кишининг манфаатларини кўзлаб, иона йиғиш, лотерея ўтказиш ёки шунга ўхшаш фойдадан холи бўлмаган ишларни бошлаш тўғрисида маслаҳатлашиб олиш мақсадида сизни Андрей Семёнович орқали чақиртирганлигимни инкор этмасдан тасдиқларсиз ва буни ўз оғзингиз билан айтарсиз. Сиз менга миннатдорчилик билдирдингиз ва, ҳатто йиғлаб ҳам юбордингиз (мен ҳаммасини қандай бўлса шундай айтиб бераётирман, биринчидан, сизнинг эсингизга солмоқчиман, иккинчидан, зиғирдай нарса ҳам хотирамдан ўчмаганлигини сизга кўрсатмоқчиман). Кейин қариндошингизнинг манфаатини кўзлаб, биринчи ёрдамим тариқасида стол устидан ўн сўмлик қоғоз пулни олиб, уни ўз номимдан сизнинг қўлингизга топширдим. Буларнинг ҳаммасини Андрей Семёнович кўриб турди. Кейин мен сизни эшиккача кузатиб қўйдим, – сиз ҳамон нимадандир бўйнингизни қисиб турардингиз, – шундан сўнг Андрей Семёнович икковимиз қолдик, ўн дақиқача у билан гаплашиб турдик, кейин Андрей Семёнович чиқиб кетди, мен яна столда ётган пуллар олдига бордим, уларни санаб алоҳида қилиб қўйиш ниятим бор эди. Вожаб, пуллар ичидан битта юз сўмлик йўқ бўлиб қолганди, ҳайрон бўлдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Андрей Семёновичдан зиғир-

ча ҳам гумоним йўқ, у кишидан гумон қилишга, ҳатто тилим ҳам бормайди. Нотўғри санадимми десам, ундай бўлиши мумкин эмас, чунки сиз келмасингиздан бурун ҳисоб-китоб қилиб бўлгандим, ҳаммаси тўғри чиққанди. Сиз жуда бўйнингизни қисиб турганлигингиз, тезроқ кетиш учун шошилганлигингиз ва бир қанча вақт мобайнида қўлингизни стол устида ушлаб турганлигингизни эсласангиз, мен нима демоқчи бўлаётганлигимга тушунарсиз, деб ўйлайман. Бундан мустасно тарзда сизнинг ижтимоий аҳволингиз ва у билан боғлиқ бўлган одатлар ҳақида мулоҳаза қилиб кўрарканман, нима десамикин, даҳшатга тушдим ва ўзим истамаган ҳолда мен шубҳаланишга мажбур бўлиб қолдим – бу албатта, жуда офир, лекин адолатли! Шунини ҳам қўшимча қилиб ва яна такрорлаб айтманки, мен аён ва аниқ ишониб турганлигимга қарамасдан, сизни айблаб турибману яна ўзимга ҳам ортиқча дардисар бўлмасмикин, деб турибман, мен маълум даражада таваккал қилдим. Лекин кўриб турибсизки, бу ишни мен натижасиз қолдирмадим; мен дадил бош кўтариб чиқдим; сизга нима сабабдан шундай қилганлигимни ҳам айтаман: бунга ойимқиз, фақат сизнинг ғирт кўрнамаклик қилиб кетганлигингиз сабаб! Яхшими, ахир? Мен сизни шўрлик қариндошингизга ёрдам вазидан чақирсам, бунинг устига қурбим етганча ўн сўм миқдориди хайр-садақа қилсам, сиз бўлсангиз раҳмат ўрнига мени чув тушириб кетсангиз! Йўқ, бу яхшимас, ахир! Сабоқ зарурий. Ўзингиз ўйлаб кўринг; у ҳам етмаса, сизнинг чинакам дўстингиз сифатида (зотан, ҳозирги дақиқаларда сизнинг мендан кўра яхшироқ дўстингиз бўлиши мумкин эмас) илтижо қиламан, эсингизни йиғинг! Акс ҳолда, менинг қаҳрим бўлади! Хўш, қани?

– Мен ҳеч нарсангизни олмадим, – деб пичирлади ваҳима ичида Соня, – сиз менга ўн сўм бердингиз, мана, олинг, – Соня киссасидан рўмолча чиқариб туғиб боғланган жойини топиб ечгач, ўн сўмлик қоғозни олиб уни Лужинга узатди.

– Нима, қолган юз сўмни бўйнингизга олмайсизми? – ёзфирган ҳолда таъкидлаб сўради Лужин пулни олмасдан.

Соня атрофга аланглаб қаради. Ҳамма унга шунақа ўқрайган, олайган, чақчайган, еб юборгудай кўзлар билан бақрайишиб қолганди. Соня Раскольниковга кўз ташлади... У девор томонда қўллари ни кўкрагига чалиштириб қизга тикилиб қолган, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

– Ё Раббим! – деб юборди Соня.

– Амалия Ивановна, полицияга хабар қилиш керак бўлади, шунинг учун ҳозирча қоровулни чақиришингизни камина камтарона илтимос қиламан, – секин ва, ҳатто мулоимгина қилиб деди Лужин.

– Гот дер бармгерциге!<sup>28</sup> Ўзим ҳам билгян, у ўғирлагян! – чапак чалиб деди Амалия Ивановна.

– Демак, сиз билган эдингиз? – унинг гапини илиб кетди Лужин, – сиз илгарилар ҳам гумонсираб юрмаганингизда бундай демасдингиз, албатта. Муҳтарама Амалия Ивановна, сиз ўз сўзларингизни, уларни гувоҳлар олдида айтганлигингизни ҳам қўшиб қўяйлик, ёдингизда сақлаб туришингизни ўтинаман.

Ғала-ғовур кўтарилди. Ҳамма ғимирлаб қолди.

– Нима! – қичқириб юборди ҳуши жойига келган Катерина Ивановна ва Лужинга қараб отилди, – нима! Сиз уни ўфрига чиқаряпсизми? Соняни-я! Оҳ, аблаҳлар, аблаҳлар! – шундан кейин у Сонянинг олдида чопиб бориб, қуруқшаб қолган қўллари билан уни маҳкам қучоқлаб олди.

<sup>28</sup> Бармгерциге! – Раҳмдил Худойим! (нем.).

– Соня! Ундан ун сўм олишга қандай қилиб қўлинг борди! О, тентагим! Бер, бу ёққа! Ҳозироқ ўша ун сўмни бер! Ана, ол, ҳей!

Катерина Ивановна пулни Сонянинг қўлидан тортиб олибғижимлади-да, Лужиннинг башарасига қараб отди. Пул Лужиннинг кўзига тегиб полга тушди. Амалия Ивановна ўзини пулга отди. Петр Петровичнинг жаҳли чиқди.

– Бу жиннини ушланг! – дея қичқирди у.

Шу аснода эшикда Лебезятниковнинг ёнида яна бир қанча башаралар пайдо бўлди, уларнинг ичида мусофир хонимлар ҳам бор эди.

– Нима! Жиннини? Мен ҳали жинни бўлдимми? Аҳмоқ! – чинқирди Катерина Ивановна. – Ўзинг жиннисан, қозидан чиққан лўттибоз, пасткаш! Соня, Соня ундан пул олармиш! Ҳали Соня ўғри бўлдими! Сендан олмайди, сенга беради у, ҳей, аҳмоқ! – Шундай деб Катерина Ивановна асабий қаҳқаҳа урди. – Аҳмоқни кўрдингизми? – хонани чарх уриб, ҳаммага Лужинни кўрсатарди у. – Нима! Ҳали сен ҳам унинг ёнига тушдингми? – уй бекасига кўзи тушиб қолди унинг, – вой, манови колбасажўрнинг қизини қаранглар, ҳой, кринолин кийган прусснинг пасткаш товуғи, ҳали сен ҳам уни «ўғирлагян» деяпсанми! Оҳ, қаранг! У ҳали уйдан ҳеч қаерга чиққани ҳам йўқ, сен аблаҳнинг ёнидан келганидан бери ана Родион Романовичнинг ёнида ўтирибди!.. Ўзларинг қаранглар унинг ёнини! Ҳеч қаерга чиқмагандан кейин пул ҳам унинг ёнида бўлиши керак! Қидир, ҳей, қидир деяпман, қидир! Агар топмасанг, ана унда билиб қўй, ер юткур, жавобини берасан! Подшоҳнинг, подшоҳнинг, ҳа, шафқатпаноҳ подшоҳнинг олдигача чиқаман, оёғига йиқиламан, ҳозироқ, шу бугуноқ бораман! Мен – етимчаман! Мени киритишади! Сен киритишмайди, деб ўйлайсанми? Бекор айтибсан, ки-

раман! Кирама-ан! Сен унинг мўмин-қобиллигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлибсан-да? Сен шуни кўзловдингми? Тоза анойингни топибсан! Кучинг етмайди, қирчинингдан қайриласан! Қидир, топ! Қидир! Қидир, қидир, қани бўл, қидир!

Катерина Ивановна ҳаддан ташқари ғазаб ичида Лужинни тортқилар, уни Сонянинг олдига суд-рарди.

– Мен тайёрман, жавоб бераман... Ўзингизни босинг, хоним, ўзингизни босинг! Жуда кўриб турибман, анойи эмаслигингизни!.. Бу... Бу... Бу... Қандоқ бўлди? – гўнғилларди Лужин, – полиция қилса тузук эди буни... Ҳа, майли нима ҳам деймиз, гувоҳлар кўп-ку, бу ерда... Мен тайёрман... Лекин эркак кишига қийинроқмикин... жинс юзасидан дейман-да... Агар Амалия Ивановна ёрдам бераман десалар... Буниси қандоқ бўлди, а, иш бундай қилинмасди-ку... Қандоқ бўлди, а?

– Ким бўлса ҳам бари бир! Ким истаса, ўша тинтисин! – қичқирди Катерина Ивановна, – Соня, чўнтақларингни кўрсат, уларга! Мана, мана! Қара, солим, мана, ҳеч нарса йўқ, рўмолчаси турган экан бу ерда, бўм-бўш, кўрдингми! Бошқа чўнтаги ҳам мана, мана! Кўрдингми!

Катерина Ивановна шундай деб Сонянинг чўнтақларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Шунда беҳос ўнг томондаги иккинчи чўнтақдан буклоғлик қоғоз отилиб чиқди ва ҳавода айланиб Лужиннинг оёғи остига тушди. Буни ҳамма кўрди; кўпчилик қичқириб юборди. Петр Петрович эгилиб полдан қоғозни икки бармоғига қистириб олди, ҳамма кўрсин деб, юқорига кўтарди ва букланган ерини ёзиб тўғрилади. Бу саккиз букланган юз сўмлик қоғоз пул эди. Петр Петрович қўлини айлантириб пулни ҳаммага кўрсатиб чиқди.



– Ўғри! Йўқол, бу ердан! Полис, полис! – дея чинқира бошлади Амалия Ивановна, – унга Сибирни сургун қилгян! Йўқол!

Ҳар томондан хитоблар эшитила бошлади. Раскольников кўзларини Сонядан узмас, индамас, гоҳо Лужинга тезгина бнр қараб қўяр эди. Соня турган ерида эс-ҳушини йўқотган, тахта бўлиб қолган, ҳатто нима бўлаётганлигини англаб улгурмаганди. Бирдан у қизариб кетди; қичқириб юборди ва қўлларн билан юзини тўсди.

– Йўқ, мен олмадим! Мен олганим йўқ! Мен билмайман! – у юракни ёргудай фарёд кўтариб, ўзини Катерина Ивановнага қараб отди. Катерина Ивановна уни бағрига босди, унинг ҳимояси учун кўкракларини қалқон қилгандек қаттиқ қучоқлаб олди.

– Соня! Соня! Мен ишонмайман! Кўряпсанми, мен ишонмадим! – қичқирарди Катерина Ивановна (гарчи ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса ҳам), у Соняни худди ёш боладай қилиб қўллари билан силкитар, тинмай ўпар, унинг қўлларини ушлар, сийпалар, юзларига босар эди. – Сен олганмишсан! Тоза аҳмоқ экан-ку, булар! Вой, Худойим! Аҳмоқсиз, аҳмоқсиз! – деб бақирарди у ҳаммага қарата, – ҳали сиз билмайсиз бунинг юрагини, бунинг қандай қизлигини билмайсиз! У оладими, у! У сизга эгнидаги охирги кийимини ечиб беради, яланг оёқ қолса ҳам сизга бўлсин дейди, у шунақа қиз! Сарик патта эмиш! У менинг болаларим очдан ўлмасин деб шу кўйга тушган, бизни деб ўзини сотган, ўзини!.. Оҳ, шўрлик, шўрлик! Оҳ, шўрлик эр, шўрлик эр! Кўрдингми? Кўрдингми? Ана сенга маърака! Ё Раббим! Уни ҳимоя қилинглар, нега ҳаммангизлар офизларингизни очиб турибсизлар! Родион Романович! Ахир, сиз нега индамай турибсиз? Наҳотки, сиз ҳам ишонган бўлсангиз? Унинг

жимжилоғига арзимайсиз, сиз, сиз, сиз, сиз ҳаммангиз! Ё Раббим! Ўзинг паноҳ бер, Ё Раббим!

Кимсасиз, бечора, касалманд, афтодаҳол Катерина Ивановнанинг йиғиси, афтидан, ҳамманинг юрагини эзиб юборган эди. Унинг қуруқшаб, қотиб қолган, азоб-уқубатдан қийшайиб кетган афт-ангори, ёрилиб қони қотиб, оқариб қолган лаблари, ҳирқираб фарёд қилган овози, худди ёш болаларга ўхшаб уввос солиб йиғлаши, ҳимоя сўраб болаларча ялиниб-ёлворишлари шунчалар ҳам аянчли, увол эдики, афтидан, бунга ачинмаган биронта одам қолмади. Ким-ким, лекин Петр Петрович дарров раҳм қилди.

– Хоним афандим! Хоним афандим! – деб гап бошлади у овозини йўғон қилиб, – сизга бу нарсаларнинг сира алоқаси йўқ! Ҳеч ким сизни у билан шериксиз ёки бир фикрда бўлгансиз, деб айбламайди, бунинг устига ўзингиз чўнтақларини афдариб кўрсатдингиз, бу нур устига нур бўлди: сизнинг бу ишдан бутунлай беҳабарлигингиз шундай маълум бўлди. Нима десамикин, агарда камбағалчилик сабаб бўлиб, Софья Семёновна шу кўчага кирган бўлсалар, мен ҳам жуда-жуда афсус қилишга тайёрман, лекин ўзингиз айтинг-чи, ойимқиз, нега бўйнингизга олиб қўя қолмадингиз? Шарманда бўламан, деб кўрқдингизми? Балки биринчи маротаба бундай ишни қилиб турганингиздандир? Балки ўзингизни йўқотиб қўйгандирсиз? Тушунарли; жуда ҳам тушунарли... Лекин бундай қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор эди! Жаноблар! – дея мурожаат қилди у барча йиғилганларга қарата, – жаноблар! Мен афсус чекиб туриб, нима десамикин, таъзия билдира туриб, бошимга шунчалар ҳақоратлар ёғдирилганлигига қарамасдан шу тобда ҳам кечиришга тайёр эдим. Ҳа, ойимқиз, уят сизга, бу шармандалик сизга келгу-

сида сабоқ бўлсин, – деди у Соняга қараб, – мен бу ёғига ёпиглиқ қозон ёпиглигича қолишига тарафдорман, мен гапимни тугатдим. Бас!

Петр Петрович Раскольниковга кўзининг қирини ташлади. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Раскольниковнинг ўт бўлиб ёнаётган кўзлари уни куйдириб ташлайдигандек эди. Катерина Ивановнанинг эса бу орадаги гаплар қулоғига кирмаган; у Соняни телбаларча қучоқлаб олган, уни тинмай ўпар эди. Болалар ҳам Соняни ҳар томондан ўраб олишди, қўллари билан унинг этақларидан маҳкам ушлашганча қўйиб юборишмасди, Полечка бўлса, нима гап бўлаётганини яхши англамаса ҳам кўз ёшига фарқ бўлган, ўкириб-ўкириб йиғлар, йиғидан шишиб кетган ёқимтойгина юзини Сонянинг елкасига яширарди.

– Бу қадар пасткашлик! – бехос баланд овоз эшитилди эшик томондан.

Петр Петрович тезгина ўтирилиб қаради.

– Пасткашлик! – қайтарди Лебезятников унинг кўзига диққат билан тикиларкан.

Петр Петрович худди қалтираб кетгандай бўлди. Бунга ҳамма сизди. (Кейин бунга эслаб гапириб юришди.) Лебезятников уй ичига кирди.

– Яна мени гувоҳликка чақиришга қандай тилингиз борди? – деди у Петр Петровичга яқинлашаркан.

– Нима гап ўзи, Андрей Семёнович? Сиз нима ҳақда гапираётирсиз? – гўлдираб қолди Лужин.

– Мен демоқчиманки, сиз... бўҳтончисиз, ана мен нима демоқчиман! – куйиб-пишиб деди Лебезятников унга шабкўр кўзлари билан ўқрайиб тикиларкан. У ғоятда дарғазаб бўлганди. Раскольниковнинг кўзлари унга ўқдай қадалди, унинг офзидан чиққан ҳар бир сўзни дарҳол илиб олар ва афтидан, мулоҳаза қилиб кўрарди. Яна жимлик

чўкди. Петр Петрович аввалига ўзини йўқотиб қўйгандай бўлиб кўринди.

– Менга айтяпсизми... – деди у дудуқланиб, – сизга нима бўлди? Эсингиз жойидами?

– Менинг эсим жойида-я, лекин мана сиз... Аблаҳ экансиз! Оҳ, бунчалар пасткашлик бу! Мен ҳаммасини ўз қулоғим билан эшитдим, нима гап-лигини билиш учун атай эшитиб турдим, ҳозир ҳам буни ҳечам ақлимга сиғдиролмай турибман, мантиқ йўққа ўхшайди бу ерда... Нега бундай қилганлигингизни сира ақлимга сиғдиролмаяман.

– Мен нима қилибман, ахир! Аҳмоқона топиш-моқларингизни йиғиштириб бундай тайинли қилиб гапирсангиз-чи! Ёки маст бўлиб қолганми-сиз?

– Сизга ўхшаган пасткаш одамлар ичса керак, мен ичмайман! Мен ҳеч қачон ароқни оғзимга олган эмасман, нега десангиз, бу менинг ақидаларимга тўғри келмайди! Буни қаранг-а, унинг ўзи, ўз қўли билан ўша юз сўмликни берган эди Софья Семёновнага, – ўз кўзим билан кўрдим, гувоҳ бўламан, қасам ичиб айтаман! Ўзи, ўзи! – дея такрорларди Лебезятников бирма-бир ҳаммага қарата.

– Ие, нима бўлган ўзи бунга, жинни бўлганми, бу тирмизак? – чинқириб юборди Лужин, – қизнинг ўзи мана ҳамманинг олдида ҳозир айтиб турибди мендан ўн сўмдан бошқа пул олмаганлигини. Шундай бўлгандан кейин яна мен қандай қилиб унга пул берган бўламан?

– Ўз кўзим билан кўрдим, ўз кўзим билан кўрдим! – деб гапини тасдиқларди бақириб Лебезятников, – гарчи менинг ақидаларимга сира тўғри келмаса ҳам мен ҳозирнинг ўзида судда истаганингизча қасам ичиб айтишим мумкин, чунки қандай қилиб унга пул тиқиштирганингизни ўзим кўрдим! Фақат мен аҳмоқ буни сиз

саховат юзасидан қилдингиз, деб ўйлабман. У билан эшикда хайрлашаётганингизда, у чиқиб кетмоқчи бўлиб қайрилганда, сиз ўнг қўлингиз билан унинг қўлини қисиб турдингиз, чап қўлингиз билан эса секин билдирмасдан унинг чўнтагига пул солиб қўйдингиз. Ўз кўзим билан кўрдим! Кўрдим!

Лужиннинг рангида ранг қолмади.

– Нега ёлғон гапирасиз! – дўқ-иддао билан қичқирди у, – ўзингиз ойна олдида турган эдингиз, қандай қилиб ўша ердан қоғозни кўрасиз! Сизга шундай бўлиб туйилган... Шабкўрсиз-ку. Сиз алжияпсиз!

– Йўқ, мен аниқ кўрдим! Мен узоқда турган бўлсам ҳам ҳаммасини ўзим кўрдим, дераза олдидан туриб, қоғозни кўриш қийинроқ бўлса ҳам сиз буни тўғри айтдингиз, – лекин мен бир сабаб билан бунинг худди юз сўмлик эканлигини билувдим, нега десангиз, сиз Софья Семёновнага ўн сўмлик пулни бераётган пайтингизда, – буни ўзим кўриб турдим, – ана ўшанда сиз қўлингизга юз сўмлик қоғоз пулни олган эдингиз (буни ўз кўзим билан кўрдим, чунки ўша пайт мен яқинроқда турган эдим, ўшанда дарров менинг хаёлимга бир фикр келган эди, шунинг учун ҳам қўлингизда қоғоз пул борлиги эсимда қолганди). Сиз пулни буклаб қўлингизда вижимлаб туравердингиз. Кейин мен буни фаромуш қилай деган эканман, лекин сиз ўрнингиздан тураётганингизда пулни чап қўлингизга олдингиз ва сал бўлмаса ерга тушириб юборай деддингиз; шунда қўлингизда пул борлиги яна ёдимга тушди ва хаёлимга яна бояги фикр келди, яъни мен сиз унга менга билдирмасдан секин пул тақдим қилиб юбормоқчимисиз, деб ўйлабман. Шундан кейин ундан кўзимни узмай турдим, ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а, ана ўшанда мен қандай

қилиб унинг чўнтагига пул солиб қўйганлигингизни кўрдим. Ўз кўзим билан кўрдим; кўрдим, қасам ичиб айтаман!

Лебезятников бўғилиб сўзларди. Ҳар томондан ҳайрон қолган товушлар эшитила бошлади; дўқ-пўписа қилган овозлар келди. Ҳамма Петр Петровичнинг атрофини ўраб кела бошлади. Катерина Ивановна Лебезятников томонга отилди.

– Андрей Семёнович! Мен сизни ёмон одам деб адашган эканман! Уни сиз ҳимоя қилинг! Битта сиз унинг ёнини олдингиз! У етимча, сағир қиз, сизни Худонинг ўзи етказди! Андрей Семёнович, бўтам, отагинам!

Катерина Ивановна шундай деб нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, унинг оёқларига тиз чўкди.

– Сафсата! – дея бўкирди қутуриб кетган Лужин, – сафсата сўқяпсиз, афандим. «Эсимдан чиқибди, эсладим, эсимдан чиқибди», бу нима деган гап! Демак, пулни унинг чўнтагига жўрттага солиб қўйибманми? Нима учун? Нима мақсадда? Бу қиз билан ўртамизда нима гап бўлиши мумкин...

– Нимагами? Буни менинг ўзим ҳам билмайман, лекин айтаётган гапларим ҳаммаси ҳақ гаплар! Сиз жуда қабиҳ, жинояткор одам экансиз, мен зиғирча ҳам адашаётганим йўқ, чунки эсимда, ўша заҳоти калламга бир фикр келиб келиб, худди мана шу боисдан ҳам дарҳол сизнинг қўлингизни қисиб, раҳмат айтган эдим. Нега унинг чўнтагига билдирмасдан пул солиб қўйдингиз? Нега энди буни яна худди ўғринча қилдингиз? Наҳот, менинг ақидаларим бутунлай бошқача эканлигини ва хусусий равишда қилинадиган хайр-эҳсон ҳеч нарсани таг-томири билан тузатмайди деб унга қарши эканлигимни билиб, мендан яшириқча пул совға қилган бўлсангиз? Мен ҳақиқатан ҳам бегона киши олдида бу қадар катта тухфа қилишдан уялаётган

бўлса керак, қизга антиқа бир ҳадя қилмоқчи бўлгандир, чўнтагидан кутилмаганда юз сўм топиб олган қиз қандай аҳволга тушади, тоза ҳайрон қиладиган бўлдим, деб ўйлагандир, деган фикрга келиб юрибман. (Негаки, баъзан мана шунга ўхшаган саховатпешалар ўз хайру эҳсонларини енг учида қилишни яхши кўрадилар; биламан.) Кейин яна қизни синаб кўрай, пулни топгандан кейин раҳмат дегани олдимга келармикин, деб ўйладингизмикин, деган хаёлга ҳам бордим! Ундан кейин яна бир хаёлимга келдики, ўз қилган яхшилигингизни билдиргингиз келмаяптимикин, нима десам бўлади, чап кўлимнинг ишини ўнг кўлим билмай кўя қолсин... Хулласи, шу қандайдир бошқача бир... Э, хаёлимга ўшанда нималар келмади дейсиз, шунинг учун буларнинг барини сўнг бафуржа ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўраман, дедиму, ҳарқалай ўзимни билмаганга солиб кўя қолай, деган қарорга келдим. Бироқ дарҳол бошқа бир нарса ҳам калламга келиб қолса бўладими: Софья Семёновна, пулни кўрмасдан туриб, уни йўқотиб қўйишлари ҳам мумкин-ку; шунинг учун мен бу ерга келишга, у кишини чақириб, чўнтақларига юз сўм солиб қўйилганлигини билдиришга журъат қилгандим. Йўл-йўлакай Кобилятникова хонимларникига ҳам кириб ўтдим, уларга «Ижобий усулда умумий хулоса»ни ташлаб ўтмоқчи, айниқса, Пидеритнинг рисоласини (шу билан бирга Вагнерникини ҳам) ўқиб чиқишни тавсия қилмоқчи эдим; кейин бу ерга келсам, бутун ишлар бошқача бўлиб кетибди! Ўзингиз айтинг-чи, унинг чўнтагига юз сўм солиб қўйганингизни агар мен кўрмаганимда, шунча гапни, шунча мулоҳазани қаердан олган бўлардим, қаердан?

Андрей Семёнович ўзининг чўзилиб кетган нутқини мана шундай мантиқий хулоса билан ту-

гатганда, у ҳаддан ташқари чарчаган, ҳатто юзидан тер оқарди. Афсус, у ўз она тилида ҳам гапни дўндириб, эплаб айтолмасди (шу билан бирга бошқа бирон тилни ҳам билмасди). У бирдан сўлжайиб, шилқиллаб, ҳатто ўртага тушиб, жасорат кўр-газганидан озиб қолгандай бўлиб кўринди. Шунга қарамасдан унинг нутқи одамларга қаттиқ таъсир қилди. У шунчалар қизишиб, ишонч билан сўзладики, афтидан, унинг гапларига ҳамма ишонган эди. Петр Петрович ишнинг чатоғи чиққанлигини сезди.

– Каллангизга қандайдир аҳмоқона фикрлар келганлиги билан менинг нима ишим бор, – деб чинқирди у. – Бу ҳеч нарсани исбот қилолмайди! Буларни тушингизда кўриб, алаҳлаб чиққан бўлсангиз керак, вассалом! Мен сизга айтаманки, сиз ёлғон гапиряпсиз, афандим! Менга нисбатан юрагингизда биронта хусуматингиз бўлса керакки, менинг бошимга туҳмат ағдаряпсиз, ёлғон гапиряпсиз, аниқроқ қилиб айтганда, сизнинг дака-дукулданг, бебошбоқ ва даҳриёна ижтимоий таклифларингизга рози бўлмаганим учун ғашингиз келганидан шундай қилаётирсиз, ана гап қаерда!

Лекин бу олиб қочиш Петр Петровичга фойда бермади. Аксинча, ҳар ёқдан норози товушлар кела бошлади.

– Э, ҳали шундайми! – қичқирди Лебезятников. – Ёлғончи! Чақир полицияни, мен қасам ичиб гапим ростлигини тасдиқлайман! Фақат бир нарсани сира тушунолмай турибман: нимани кўзлаб у бунчалар пасткашликка бордийкин! О, разил, олчоқ одам!

– Мен унинг нега бундай қилганлигини тушунтириб бериламан ва агар лозим бўлса, қасам ичман! – деди қатъият билан Раскольников ва бир қадам олдинга чиқди.



У кўринишдан ўзига ишонган ва хотиржам эди. Бир қарашдаёқ унинг нима гаплигини билиши ва масала ойдинлашай деб қолгани ҳаммага маълум бўлди.

– Энди мен ҳаммасини тушуниб етдим, – деди Раскольников тўғри Лебезятниковга қарата сўзлаб. – Мен машмаша бошланиши биланоқ бу ерда жуда разил бир макр-ҳийла ишлатилаётганлигини сезган эдим; сезганимнинг боиси фақат менга маълум бўлган, бошимдан ўтган баъзи ғалати воқеалардир, мен уларни ҳозир сизларга айтиб бераман; ҳамма бало шунда бўлса керак! Сиз, Андрей Семёнович, қимматли гапларингиз билан менга барчасини тушунтириб бергандай бўлдингиз. Ҳамма, ҳамма кулоқ солсин, илтимос қиламан: бу жаноб яқинда бир қизга уйланмоқчи бўлган эди (у Лужинни қўли билан кўрсатди), у қиз менинг синглим Авдотья Романовна Раскольниковна бўлади. Бироқ бу одам Петербургга келгандан кейин уч кун ўтгач, менинг ҳузуримга борди, биринчи кўришганимиздаёқ у мен билан уришиб қолди ва мен уни уйдан қувиб чиқардим, бу воқеанинг тепасида яна икки одам ҳам бор эди. Бу кимса жуда аламзада... Бундан уч кун бурун мен унинг бу ерда сизникида туришини билмаган эдим, Андрей Семёнович ва ўша биз уришиб қолган кунимиз, яъни бундан уч кун илгари мен марҳум жаноб Мармеладовнинг ошниси сифатида унинг рафиқаси Катерина Ивановнага ёрдам тариқасида бир озгина пул топширган эдим – мана шуни бу кимса ҳам кўрган эди. У дарҳол менинг онамга хат ёзиб, унда мени пулни Катерина Ивановнага эмас, Софья Семёновнага бериб юборди, деб айтибди ва... Софья Семёновна ҳақида жуда ҳам қабиҳ гапларни ёзибди ва гўё бизнинг ўртаимизда бўлган муносабатларни очиб ташлабди. Буларнинг ҳаммасини у мени онам ва

синглим билан уриштириб қўйиш учун қилган-лигини тушуниб турган бўлсангиз керак, сизнинг асраб-тежаб берган охирги пулларингизни у но-муносиб ишларга харжлаб юборяпти, деб улар-нинг фикрини чалғитмоқчи бўлган. Кеча кечқурун ўзининг олдида мен онам билан синглимга пулни Софья Семёновнага эмас, Катерина Ивановнага кўмиш маросими учун берганлигимни исботла-дим, бундан уч кун олдин мен Софья Семёнов-нани, ҳатто кўрган-билган эмасдим, шуни уларга маълум қилдим. Уларга яна Петр Петрович Лужин қандай фазилатларга эга бўлмасин, ўзи ёмонотлиқ қилган Софья Семёновнанинг тирноғига ҳам ар-зимаслигини айтиб ўтдим. Ўша ерда у менга: сиз ўз синглингизни Софья Семёновна билан ёнма-ён ўтқазган бўлармидингиз? деб савол берди, бунга мен ўша куниёқ уларнинг икковларини бирга ён-ма-ён ўтқазганлигимни айтдим. Онам билан син-глим унинг гижгижлашига қарамай, мен билан аразлашмаётганликларини кўриб, уларга кечириб бўлмайдиган дағал сўзларни айта бошлади. Алоҳал бўлмади, уни уйдан қувиб чиқариб юбордилар. Буларнинг бари кеча кечқурун рўй берди. Энди менинг гапимга алоҳида диққат билан қулоқ соли-шингизни сўрайман: тасаввур қилинг, агар у Со-фья Семёновнани ўғрига чиқара олганда эди, унда онам билан синглимга бориб, ана, менинг айтган-ларим тўғри чиқди-ю, мен Софья Семёновна би-лан Авдотья Романовнани тенглаштирганларидан бекорга жаҳдим чиқмаган, бекорга хафа бўлма-ган эдим, мен ўз қаллиғимнинг шарафини ҳимоя қилган эдим, деб ўзини оқлаган, мени онам билан синглимнинг кўз ўнгида қоралаб ташлаган бўлар-ди. Мени улар билан аразлаштириб қўйиб, ўзи яна уларнинг пинжига кириб олган бўларди. У Софья Семёновнанинг бахти ва шарафи мен учун ғоятда

қимматли эканлигини билиб, шу йўл билан мендан ўчини олмоқчи ҳам бўлганлигини айтмай ҳам қўя қолай. У мана шуларни мўлжаллаган экан! Менинг тушунишимча, бўлган гап шу! Ҳамма бало шунда, бошқа гап йўқ бу ерда!

Раскольников ўз сўзларини шундай ёхуд шунга яқинроқ бир тарзда тугатди, дарвоқе, унинг ҳамма гапини жуда диққат билан тингладилар, одамлар орасида оқ-воҳ садолари ҳам келиб турди гап орасида. Лекин у тўхтаб-тўхтаб сўзлаганига қарамасдан, жуда кескин, хотиржам, аниқ, равшан, қатъият билан гапирди. Унинг шахдам овози, ўзига ишонч билан гапириши ва жиддият ифодаланган юзи ҳаммага жуда қаттиқ таъсир қилди.

-- Ҳа, ҳа, худди шундай! – шодланиб унинг гапларини тасдиқларди Лебезятников. – Гапларингиз жуда ҳам тўғри бўлса керак, чунки хонамизга Софья Семёновна кириб келиши билан мендан, «Раскольников шу ердами? Катерина Ивановнанинг меҳмонлари орасида кўринадими?» – деб сўраган эди. У мени секингина дераза олдига чақириб олиб аста сўраган эди. Демак, унга сизнинг шу ерда бўлишингиз, албатта, керак бўлган экан-да! Шундай, ҳа, ҳаммаси шундай!

Лужин индамас, нафратланиб тиржайиб турарди. Дарвоқе, унинг ранги жуда ҳам ўчиб кетганди. Афтидан, қандай қилиб қутулиб кетишнинг йўлини изламоқда эди. Эҳтимол, у жон-жон деб ҳаммасини ташлаб кетаверган ҳам бўларди-ю, лекин ҳозирги дақиқаларда бунинг сира иложи йўқ эди; бундай қилганда ўзининг устига ағдарилаётган гуноҳларнинг барини тан олган бўлиб чиқар, Софья Семёновнанинг бошига бўҳтон ёғдирганлиги ҳам чинга айланар эди. Ундан ташқари бусиз ҳам кайфи анча тарақ бўлиб қолган мажлис аҳли ораси ғала-ғовур бошланиб қолганди. Мутасадди

нима воқеа бўлаётганлигини яхши тушунмаётган бўлса ҳам, лекин ҳаммадан кўпроқ бақириб-чақирар ва Лужинга қарши айрим жуда хунук чоралар кўрилишини талаб қиларди. Лекин одамлар ичида ичмаганлар ҳам бор эди; ҳамма уйлардан кишилар тўпланиб қолганди. Учала поляк бўлса жуда қаттиқ қизишиб, унга қараб: «пане лайдак!» деб қичқирганлари қичқирган эди. Яна полякча-лаб нималардир деб пўписа ҳам қилиб қўйишарди. Соня асаблари таранг тортилганча бўлаётган гапларга қулоқ солар, лекин эндигина ҳушига келаётган одамдек афтидан нималигини кўпда англаб етаётгани йўқ эди. Фақат у кўзларини Раскольниковдан бир дам бўлсин узмас, бирдан бир халоскори шу одам эканлигини ҳис қилиб турарди.

Катерина Ивановна қийналиб, хирқираб нафас олар, афтидан, жуда ҳолдан тойиб мадордан кетганди. Ҳаммадан ҳам Амалия Ивановнанинг туриши одамнинг кулгисини қистатар, у ҳеч нарсани англамас, орзи куракдек очилиб қолганди. У фақат Петр Петрович думидан илинганлигини сезиб тургандай эди. Раскольников яна гапирмоқчи бўлиб овиз жуфтлаган эди, лекин уни гапиртиргани қўймадилар: ҳамма Лужиннинг атрофини ўраб олган, сўкинишар, дўқ қилишарди. Лекин Петр Петрович қўрқиб қочгани йўқ. Соняни қоралашнинг уддасидан чиқолмаганлигини кўриб, у тўғридан-тўғри безбетлик қила бошлади.

– Рухсат этинг, жаноблар, рухсат этинг, одамнинг йўлини тўсманг, қани ўтиб кетайлик-чи! – дерди у одамлар орасидан ёриб ўтиб бораркан, – барака топинглар, мени қўрқитаман деб овора бўлманглар; сизни ишонтириб айтаманки, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, сизлардан қўрқадиган одам йўқ, аксинча, сиз ўзингиз жавоб берасиз, жаноблар, жинойий ишни зўрлик билан яширган-

лигингиз учун жавоб берасизлар. Ўғрини бундан ортиқ фош этиб бўлмайди ва мен буни шундай қўймайман. Суддагилар бунақа шабкўр ва бунақа... маст-аласт одамлар эмас, улар икки кофир, исёнчи ва бебош, мендан шахсий адоватлари йўлида ўч олиб, устимга туҳмат ёғдираётганларини ўзлари билиб олишади, уларнинг ачиган оғзидан сасиган сўзлар чиқиб тургани шундан далолат беради... Қани, ижозат этинг!

– Менинг хонамдан дарров туёғингизни шиқиллатиб қолинг; қорангизни кўрмай, орамизда ҳаммаси тамом бўлди! Тагин мен бунга икки ҳафтадан бери жонимни жабборга бериб тушунтириб ўтирибман-а!..

– Андрей Семёнович, сиз менга боя қолинг-қолинг, деганингиздаёқ кетаман, деб айтган эдим; энди бир гапни қўшимча қилиб қўяй: сиз тентак экансиз. Бориб ақлингизни, оғриган кўзларингизни даволатишингиз керак экан. Ижозат беринг, жаноблар!

У одамлар ўртасидан суқилиб бормоқда эди; лекин мутасадди уни осонгина, қуруқ сўкиш билан чиқариб юборгиси келмади: у столдан стакан олиб уни қулочкашлаб Петр Петровичга қараб отди; лекин стакан тўғри бориб Амалия Ивановнага тегди. Амалия Ивановна чинқириб юборди, мутасадди бўлса, гавдасини тутиб туролмай стол тагига ағдарилиб тушди. Петр Петрович ўз хонасига ўтди, ярим соатдан сўнг у қорасини кўрсатмай, ғойиб бўлди. Табиатан жуда ҳам ювош бўлган Соня бошқаларга қараганда ўзининг осонгина ҳалок бўлишини илгаридан билар, ўзини истаган одам бемалол ранжитиб кета олиши мумкинлигини англади. Лекин ҳарқалай ҳозирги дақиқаларга қадар у эҳтиёт бўлсам, беозор бўлсам, ким бўлмасин, шунинг қаршисида итоат қилиб турсам, ахир, фало-

катдан нарироқ бўларман, деб юрарди. Унинг бу ақидасига бирдан путур етди ва бу унга жуда ҳам оғир бўлиб туйилди. У албатта, бунга ҳам кўникиб кетаверган, миқ этиб қаршилиқ кўрсатмаган ҳам бўларди. Лекин биринчи дақиқалар ҳаддан ташқари оғир ўтди. У ўзи оқланган, айбсиз деб топилган бўлишига қарамасдан, пича ўзига келиб, сал эс-ҳушини йиғиштириб, ҳаммасини аниқ англаб, тушуниб етгандан кейин ғарибликдан, ўзини ҳақорат қилинганидан юраги жуда ҳам ёмон сиқилиб кетди. Унда асабий бир васваса бошланди. Ниҳоят, чидолмасдан Лужин чиқиб кетгандан кейин сал ўтмаёқ у хонадан отилиб чиқиб қочди ва ўз ҳужрасига югурди. Амалия Ивановнага стакан тегиб, ҳаммага кулги бўлгандан кейин ишни қилган фалончи, мен балога қоламанми, деб жиғибийрони чиқиб қутурганча Катерина Ивановнага ёпишди, ҳамма балони бошлаган сиз, деди:

– Квартир бўшат! Ҳозир! Ҳозироқ! – У шундай дея қўлига Катерина Ивановнанинг нима нарса-си тушса ҳаммасини полга улоқтира бошлади. Ўзи бир ҳолатда бўлиб турган, бир ҳоли бир сар бўлиб қолган, ҳарс-ҳарс қилиб нафас олаётган Катерина Ивановна ўрнидан сакраб турди (у оёғида мадор қолмай, ўзини тўшакка ташлаганди) ва Амалия Ивановнага қараб югурди. Лекин унда қувват нима қилсин, Амалия Ивановна уни патдек учириб юборди.

– Нима! Бу Худо беҳабарлар бошимга тухмат ёғдирсин, тагин бу махлуқ ҳам бормиди менга! Нима! Эрим ўлган бўлса, уни ҳозиргина кўмиб келган бўлсам-да, менинг тузимни ичиб, тузлиғимга тупурадиларми, етимчаларим билан кўчага қувадиларми?! Қаёққа бораман! – фарёд қиларди йиғлаб, бўғилиб шўрлик хотин. – Ё Раббим! – қичқириб юборди у дафъатан кўзлари йилтираганча, –

наҳот, адолат бўлмаса! Биз етимчаларни ҳимоя қилмасанг, кимни ҳимоя қиласан? Ҳали кўрамиз! Дунёда ажру адолат бор, ҳа, бор, мен топаман! Ҳозир, шошма, эй, Худо беҳабар! Полечка, болаларга қараб тур, мен ҳозир келаман. Кўчада бўлса ҳам мени кутинглар! Кўрамиз, бу дунёда ҳақиқат борми, йўқми?

Шундай деб, Катерина Ивановна ўша Мармеладов ўз ҳикоясида эслатиб ўтган кўк мовут рўмолни бошига ташлади-да, уймаллашиб ётган маст-аласт одамлар орасини ёриб ўтиб, фарёд қилганича кўз ёши тўкиб, кўчага чиқиб кетди – қаердан бўлмасин, қандай бўлмасин, у дарҳол, шу тобнинг ўзида, ҳақиқат топиб келмоқчи эди. Полечка болаларни қучоқлаб, бурчакдаги сандиқ устига биқинишиб олди, у қалт-қалт қилганча онасининг қайтишини кута бошлади. Амалия Ивановна хонада у ёқдан-бу ёққа югурар, чинқирар, айюҳаннос солар, қўлига нима тушса барини полга улоқтириб, тўполон қиларди. Йиғилганлар вағир-вуғур қилиб, бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келар, бўлиб ўтган воқеани ўз билгиларича бичиб-тўқирдилар; бошқа бирлари жанжаллашишар, сўқинишарди, бошқа баъзи бировлари ашулага зўр бера бошлади.

«Менинг ҳам вақтим бўлиб қолди! – деб ўйлади Раскольников. – Қани, Софья Семёновна, кўрамиз, энди нима деркинсиз!»

#### IV

Раскольников юраги азоб-уқубатдан пора-пора бўлиб, ўз дарди ўзига етиб ортиб ётганига қарамай, Лужиндан Соняни тетик ва бардам туриб ҳимоя қилолди. Эрталаб бошидан қанчалар офир қийинчиликни кечирган, бу азобларга чидаб бўлмайдиган бўлиб қолган бир пайтда у фикрлари

бошқа нарсага пича чалфиганлигидан хурсанд ҳам эди, лекин бундан ташқари ҳам Сонянинг ёнини олишни унинг ўзи чин юракдан истаганди. Ҳали у яна Соня билан учрашмоғи, унга Лизаветани ким ўлдирганлигини айтиб бермоғи керак эдики, бундан жуда ҳам чўчиб, юрагини ҳовучлаб турар, гоҳо эсига тушса, зириллар эди, бу ҳам ҳали ўзига битмас-туганмас азоб етказишини у сезар ва худди уни қўллари билан бир чеккага суриб қўймоқчи бўларди. У Катерина Ивановнаникидан чиқиб кетаркан: «Қани, кўрамиз, энди нима деркинсиз, Софья Семёновна?» – деб хитоб қилганида, ҳали унинг ҳаяжони босилмаган, қалбидаи Лужин устидан қозонилган ғалабанинг тотти кетмаган, ўзини ҳар нарсага қодир деб ҳис қилиб турган пайти эди. Лекин у қизиқ бир аҳволга тушди. Капернаумовнинг хонадонига етиб боргандан сўнг бирдан бўшашиб, юраги кўрқувдан тасир-тусур бўлиб кетди. «Лизаветани ким ўлдирганлигини айтиш шартмикин?» деган ғалати савол билан у эшик тагида ўйга ботиб туриб қолди. Савол шунинг учун ҳам ғалати эдики, у бирдан шу заҳоти буни айтмасдан сира иложи йўқлигини ва ҳаттоки, буни айтишни кейинроққа суришнинг ҳеч бир имкони қолмаганлигини ҳис қилди. Лекин нега бундай қилиб бўлмаслигини у ҳали билмасди: у буни фақат ҳис қилди ва мана шу зарурат олдида ўзининг ғоятда ожиз бўлиб қолганлигини сезиб, адойи тамом бўлди, эзилиб кетди. Кўп муҳокамага берилиб, азобланиб ўтирмаслик учун у эшикни шартта очиб, остонадан туриб, Соняга қаради. Соня столга мункайиб, қўллари билан юзини тўсиб ўтирарди, лекин Раскольниковни кўриши билан дарров ўрнидан туриб, худди уни кутиб турган одамдай пешвоз юрди.

– Сиз бўлмасангиз, менинг ҳолим нима кечарди! – деди у тезгина Раскольников билан хонанинг



ўртасида юзма-юз келаркан. Афтидан, қиз ҳаммадан ҳам бурун унга шу сўзларни тезроқ айтиб қўймоқчи эди. Шунинг учун ҳам кутиб ўтирганди.

Раскольников стол томонга ўтиб, ҳозиргина қиз туриб кетган курсига бориб ўтирди. Қиз худди кечагидай ундан икки қадам нарида тик туриб қолди.

– Қалай, Соня? – деди у ва бирдан овози қалтираётганлигини сизди, – ахир, ҳамма иш бориб «ижтимоий аҳвол ва у билан боғлиқ бўлган одатларга» тақалар эканми? Сиз боя буни англаб олдингизми, йўқми?

Қизнинг чеҳрасига азоб кўлага солди.

– Фақат мен билан кечагидай қилиб гаплашманг! – унинг сўзини бўлди қиз. – Ҳатто бошламай ҳам қўя қолинг. Шусиз ҳам азобим етиб ортиб турибди...

Қиз тагин Раскольников бу менга дашном беряпти-ку деб, ранжимасин учун шоша-пиша жиламайди.

– Аҳмоқлик қилиб, у ердан кетиб қолдим. Ҳозир нима бўляпти у ерда? Ҳозир борсаммикин деб тургандим, яна ўйлаб қолдим, келиб қоласизмикин деб.

Раскольников қизга Амалия Ивановна уларни хонадондан қуваётганлигини, Катерина Ивановна бўлса қаёққадир «ҳақиқат излаб» чиқиб кетганлигини гапириб берди.

– Оҳ, Худойим! – типирчилаб қолди Соня, – юринг, тезроқ борайлик...

Шундай деб у камзулига ёпишди.

– Сиз доим шундайсиз! – деб қичқирди жаҳли чиқиб Раскольников. – Сиз улардан бошқа ҳеч кимни ўйламайсиз! Бирпас мен билан бирга бўлинг.

– Унда... Катерина Ивановна-чи?

– Катерина Ивановна сизни ташлаб кетмас жуда, уйдан чошиб чиқиб кетгандан кейин олдингизга ҳам келиб қолар, – деди энсаси қотиб Рас-

кольников. – Агар сизни тополмаса, яна сиз айбдор бўлиб чиқасиз...

Соня нима қилишини билмай қийналиб курсига ўтирди. Раскольников ерга қараганча индамасдан ниманидир ўйланиб қолди.

– Дейлик, бу сафар Лужин қаматишни истамагандир, – деб бошлади гапини Раскольников Сонянинг афтига қарамасдан. – Агарда у истаганда ёки нима учундир шундай қилишни мўлжалга олганда, мабодо, мен билан Лебезятников келиб қолмаганимизда, сизни қаматиб юбориши ҳеч гап эмас эди-ку! А?

– Ҳа, – деди қиз заиф товуш билан, – ҳа! – дея яна такрорлади у паришонлик билан безовта бўлиб.

– Мен ростдан ҳам бўлмай қолишим мумкин эди! Лебезятников бўлса бир тасодиф билан келиб қолган.

Соня индамасди.

– Сизни қамаб юборишганда унда нима бўларди? Кечаги гапларим ёдингиздами?

Қиз яна жавоб бермади. Раскольников бирпас кутиб турди.

– Мен сиз тагин «Бўлди, бас қилинг, гапирманг!» – дермикинсиз деб турган эдим, – дея кулди Раскольников, лекин кулгиси аллақандай зўраки чиқди. – Нима, яна индамай тураверамизми? – сўради у бир дақиқадан сўнг. – Ахир, нима ҳақдадир гаплашиш керакдир-ку? Масалан, мен Лебезятниковнинг тили билан айтадиган бўлсак, бир «масала»ни қандай ечишингизни билишни истардим. (Раскольников қандайдир гапларидан чалғиб кетмоқда эди.) Йўқ, мен чиндан гапиряпман. Айтайлик, Соня, сиз олдиндан Лужиннинг нима ниятда эканлигини билдингиз, сиз у туфайли Катерина Ивановна бутунлай ҳалок бўлишини,

болалар ҳам омон қолмаслигини билдингиз дейлик (борингки, аниқ билдингиз), кейин сизнинг ҳам ўлганнинг кетидан шаҳид (сиз ўзингизни ҳеч нарсага арзимайдиган одам деб биласиз, гўё ўзингизча одамларнинг резгисисиз) бўлишингиз маълум бўлди. Полечка ҳаминқадар... Унинг ҳам бошқа йўли йўқ. Хўш, гап шундаки, буларнинг барини сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилсалар, яъни бу дунёда ким яшасин, Лужин яшаб, разолат қилаверсину Катерина Ивановна эса ўлиб кетаверсинми, десалар, сиз қандай ҳукм чиқарган бўлардингиз: ким ўлимга маҳкум этиларди? Мен сиздан сўраяпман.

Соня унга саросималаниб қаради: бўшашибгина айтилаётган бу гапларнинг илдизи узоққа кетаётганлигини у сезгандай бўлди.

– Ўзим ҳам шунга ўхшаш бирон гапни сўрасангиз керак, деб ўйловдим, – деди қиз унга синчковлик билан тикилиб.

– Майли, шундай ҳам бўлсин, бироқ буни қандай ҳал қилган бўлардингиз?

– Бўлмайдиган нарсани сўраб нима қиласиз? – деди ижирганиб Соня.

– Демак, Лужин тирик юраверсин, аблаҳлик қилаверсин экан-да! Сиз бунга ҳам бир нарса дегани кўрқасизми?

– Ахир, мен Яратган Эгам нима қилишини қаердан билай... Сўраш мумкин бўлмаганини сўраб нима қиласиз? Бундай бемаъни саволларнинг кимга кераги бор? Ҳеч замонда булар менинг хоҳишимга қараб бўлармиди? Бировнинг ўлими билан бировнинг тиригига қози бўлишни менга ким қўйибди?

– Ҳамма ишлар чалкашиб кетса, бунга қарши кўлингиздан нима ҳам келарди, – қовоғини осилтириб тўнғиллади Раскольников.

– Айтинг, сизга нима керак ўзи! – дея қичқирди ўртаниб Соня, – сиз яна алланима демоқчисиз... Наҳотки, бу ерга фақат мени қийнаш учун келган бўлсангиз!

У ўпкаси тўлиб, аччиқ йиғлай бошлади. Раскольников дунё кўзларига қоронғи бўлганча қизга тикилиб турарди. Беш дақиқача вақт ўтди.

– Гапинг тўғри, Соня, – деди алоҳал у астагина ва бирдан ўзгариб кетди; овозидаги ясама дағаллик ва ожизгина жиртакилик йўқолди. Товушида синиқлик пайдо бўлди. – Сенга кеча агар олдинга келсам, кечирим сўрагани келмайман, деган эдим, лекин мана, гапни кечирим сўрамоқдан бошлайман... Лужин ҳақида, Худойимнинг ишлари ҳақида гапирган бўлсам, буни мен ўзим учун гапирдим... Бу менинг кечирим сўраганим, Соня...

У табассум қилмоқчи бўлди, лекин унинг хира табассумида айтилмаган заиф алланима бор эди. У бошини қуйи эгиб, юзини қўллари билан тўсди.

Бирдан кутилмаганда Соня унинг кўзларига жуда ғалати бир тарзда хунук кўриниб кетди. У бундай бўлганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб, бу туйғусидан қўрқиб кетди ва дафъатан бошини кўтариб, қизга синчков термилди; у қизнинг жуда ташвишланиб, азоб ичра ўзига меҳр билан қараб турганлигини кўрди; бунда муҳаббат бор эди; юрагида туғилган бояги туйғу шарпадай йўқолди. Ундай эмасди; у бир туйғуни бошқа бир туйғу деб ўйлаганди. Бу фақат кўзланган ўша пайт келганлигини англатарди.

У тагин юзини қўллари билан тўсиб, бошини эгиб олди. Бирдан унинг ранги оқариб кетди, курсидан турди, Соняга қаради ва ҳеч нарса демасдан ғайриихтиёрий равишда қизнинг тўшагига ўтиб ўтирди.

Шу дақиқалар назарида кампирнинг орқасида илгакдан болтани бўшатиб, «сира ҳам кечиктириб бўлмаслигини» сезган пайтига жуда ҳам ўхшаб кетди.

– Сизга нима бўлди? – деб сўради Соня жуда ҳам қўрқиб кетган аҳволда.

Раскольниковнинг тили калимага келмасди. У айтаман, деб ўйлаганда сира, сира бундай бўлиб чиқишини кутмаганди, мана энди ўзига нима бўлаётганлигини ҳеч англаб етолмасди. Қиз оҳиста келиб тўшакка, унинг ёнгинасига ўтирди ва кўзларини ундан узмаганча кутди. Унинг юраги дам гурсиллаб урар, дам нафаси ичига тушиб кетарди. Ҳеч чидаб бўлмай қолди: Раскольников мурданикидек оқариб кетган юзини қизга бурди; унинг лаблари нимадир демоқчи бўлар, лекин заиф қийшайиб, калимага келмасди. Сонянинг юраги қўрқувдан тарс ёрилар даражага етди.

– Сизга нима бўлди? – дея такрорлади у ўзини Раскольниковдан бир оз четга тортиб.

– Ҳечқиси йўқ, Соня. Қўрқма... Ҳаммаси беҳуда! Агар мундоқ ўйлаб қарасанг, беҳуда, – дея гўлдиради у алаҳлаётган одамга ўхшаб, ҳушини йўқотиб. – Сени ҳам қийнаб нима қиламан? – деб қўйди у яна қизга қараб. – Рост. Нимага? Мен нуқул ўзимдан-ўзим шуни сўраяпман, Соня...

У бундай саволни ўзига ўзи чорак соат илгари берган бўлса эҳтимол, лекин ҳозир бу сўзлар оғзидан чиққан чоғда унинг жонида жон қолмаган, ўз аҳволи руҳиясини базўр англар, бутун вужудида тўхтовсиз бир титроқ сезар эди.

– Оҳ, жонингиз қийналиб кетди-ей! – деди Соня унга ачиниб қараб.

– Ҳаммаси беҳуда!.. Менга қара, Соня (у шунда жуда ҳам нимжон, заиф жилмайиб қўйди), –

эсингдами, кеча сенга бир гапни айтаман деган эдим?

Соня сабрсизлик билан кутиб турарди.

– Мен кетаётган пайтимда сенга, балки абадий хайрлашаётгандирмиз, лекин мабодо агар қайтиб келадиган бўлсам, унда сенга... Лизаветани ким ўлдирганлигини айтиб бераман, дегандим.

Қиз бутун вужуди билан қалтираб кетди.

– Мана, мен ўша гапни айтгани келдим.

– Сиз кеча ростдан шундай деган экансиз-да... – зўрға пичирлади қиз, – сиз қаердан биласиз? – тез сўради у дарров ҳушёр тортиб.

Соня оғир нафас ола бошлади. Унинг юзи борган сари оқариб кетмоқдайди.

– Биламан.

Қиз бир зум жим қолди.

– Нима, уни топишибдими? – қўрқа-писа сўради у.

– Йўқ, топишмаган.

– Унда сиз буни қаердан биласиз? – яна эшитилар-эшитилмас қилиб сўради қиз, яна бир дам жим қолгандан сўнг.

Раскольников қиз томон ўгирилиб, унинг кўзларига қаттиқ тикилиб қаради.

– Топ, – деди у боягидай лабини қийшайтириб, зўр-базўр жилмаяркан.

Қизнинг эти жунжикиб кетди. Юраги увушди.

– Нега... мени... сиз бунақа... қўрқитасиз? – деди қиз худди болаларга ўхшаб табассум қилиб.

– Билсам... у билан қалин оғайни эканман, – деди у қиздан кўзини узолмай қолгандай қаттиқ тикилиб, – Лизавета деганни... ўлдирмоқчи эмасди... уни билмасдан ўлдириб қўйган... у ёлғиз кампирни... ўлдирмоқчи эди... шунинг учун борганди... Лизавета кириб қолган... шунда... уни ҳам ўлдирган.

Яна бир кўрқинчли дақиқа ўтди. Икковлари бир-бирларидан кўзларини узмай қараб туришарди.

– Нима, тополмаяпсанми? – деб сўради Раскольников кутилмаганда ва ўзини минорадан пастга ташлаган одамдай сезди.

– Йў-ўқ, – дея базўр пичирлади Соня.

– Менга яхшилаб қара-чи.

У шундай дейиши билан ўзига олдиндан таниш бир нарсани туйиб юраги музлаб кетди: қизга қараб туриб бирдан худди Лизаветанинг юзини кўргандай бўлиб кетди назарида. У қўлида болта билан бораётган маҳалда Лизаветанинг юзи қандай бўлиб кетгани унинг хотирасида муҳрланиб қолганди; ўшанда Лизавета девор томонга тисарилиб борган, унинг чеҳраси худди бир нарсадан қаттиқ кўрқиб кетган ёш болаларникига ўхшаб қолганди: болалар одатда бирор нарсадан кўрқа бошласалар, ўзларини кўрқитаётган нарсага безовталаниб, ундан сира ҳам кўзларини узмай тикиладилар ва қўлларини олдинга чўзиб, орқага тисарилиб борадилар, кўзлари эса йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб филтиллаб туради. Сонянинг ҳозирги туриши ҳам худди шунга ўхшарди: у Раскольниковга кўрқиб, мунғайиб бирмунча вақт қараб турди, кейин бирдан чап қўлини кўтариб, кафтини билинар-билинемас унинг кўкрагига тиради, ўзини ундан олиб қочиб секин каравотдан тура бошлади, у сурат бўлиб қолганди. Қизнинг юзидаги даҳшат Раскольниковга ҳам ўтди: унинг чеҳрасида ҳам худди мана шундай кўрқинч пайдо бўлди, боқиши ҳам худди қизнинг боқишидай, яъни ўшандай гўдак табассуми билан боқа бошлади.

– Топдингми? – пичирлади Раскольников ниҳоят.

– Ё Раббим! – қизнинг кўкрагидан даҳшатли фарёд кўтарилди. У ўринга шилқ этиб тушди, юзини ёстиққа яширди. Лекин бир зум ўтмасдан қиз

тезгина қаддини кўтарди, тезгина Раскольниковга томон сурилиброқ ўтирди, унинг қўлларини ушлаб, нозик бармоқлари билан қаттиқ қисди ва ундан яна кўзини узмай тикилди-қолди. Унинг бу нигоҳидан, наҳотки ҳеч қандай умид қолмаган бўлса, деган маънони уқиш мумкин эди. Аммо умид йўқ эди; иштибоҳга ўрни қолмаганди: ҳаммаси тўғри эди! Ҳатто кейин-кейин ҳам шу дақиқаларни эслганда, ўзини жуда ғалати ва қизиқ бир ҳолатга тушган каби сезиб юрди: ўшанда ҳеч умид йўқлигини дарров қандай қилиб сезиб олдийкин? Ахир, олдиндан ҳали ҳеч нарсани сезмаган, пайқамаган эди-ку, масалан? Ваҳоланки, ҳозир Раскольников буни унга айтганда, қиз гуё олдиндан билгандай, ҳақиқатан ҳам унга шундай бўлиб туйилгандай сезди ўзини.

– Бўлди, Соня, бас! Мени қийнама! – азобланиб деди Раскольников.

У гапини қизга бундай қилиб айтарман, деб сира-сира ўйламаган эди, лекин оқибатда шундай бўлиб чиқди.

Қиз эс-хушини йўқотгандай ўрnidан сапчиб туриб кетди ва қўлларини қисирлатганча хонанинг ўртасига бориб қолди, лекин дарров орқасига қайтиб келиб, унинг ёнига елкасини елкасига тегизиб ўтирди. Бирдан у ногоҳ тиғи парронга учраган одамдай қалтираб кетди, қичқириб юборди ва нималигини ўзи ҳам билмай бошини Раскольниковнинг оёқларига ташлади.

– Нима, нима қилиб қўйдингиз ўзингиз! – дея нидо қилди қиз ва ўрnidан сакраб туриб, унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Раскольников сесканиб, ўзини ундан тортди ва маъюс жилмайиб, унга термилиб қаради.

– Ғалати қиз экансан, Соня, сенга айтиб берганимдан кейин мени ўпиб қучаётганингни қара. Нима қилаётганингни ўзинг билмайсан.



– Энди дунёда сендан ҳам бахтсизроқ одам йўқ, йўқ! – ўзини йўқотиб, Раскольниковнинг гапини ҳам эшитмай нидо қилди қиз ва ўксиб-ўксиб йиғлашга тушди.

Раскольниковнинг аллақачонлардан бери тош бўлиб кетган юраги бирдан ийиди. У ўзини тутиш учун уриниб ҳам кўрмади: кўзига филтиллаб ёш келди ва киприкларига илиниб қолди.

– Мени ёлғиз қўймайсанми, Соня? – деди у қизга умид қилгандай кўз тикиб.

– Йўқ, йўқ; ҳеч қачон ва ҳеч қаерда! – нидо қилди Соня, – сен билан бораман, қаерга бўлса ҳам бораман! О, Худойим!.. Оҳ, шўрпешонам!.. Нега, нега мен сени илгарироқ кўрмаган эканман! Нега сен аввалроқ келмадинг? Ё Раббим!

– Мана келдим-ку.

– Эндими! О, энди нима қилиш керак!.. Бирга бўламиз, бирга бўламиз! – дея ҳушини йўқотиб такрорларди қиз ва яна уни қучоқлаб оларди, – сен билан бирга каторгага бораман! – Шунда Раскольниковнинг юраги орқасига тортиб кетди, унинг лабларига яна олдинги ярамас, такаббур кулги қалқиб чиқди.

– Мен, Соня, ҳали каторгага бораман, деб турганим йўқ, – деди у.

Соня тезгина унга қараб олди.

Ҳозиргина куюниб, бировнинг бахтсизлигига ачиниб турган Сонянинг эсига яна унинг даҳшатли суръатда қотиллик қилгани тушиб, бундан тағин анг-танг бўлиб қолди. Унинг ўзгариб қолган сўзлари қотиллигини ёдга солди. Қиз унга ҳайратланиб тикилди. Унга ҳали ҳеч нарса маълум эмасди, нима учун, нега, қандай, билмасди. Энди бу саволларнинг бари унинг калласида бирдан ёпирилиб пайдо бўлди. У яна ишонмади: «Наҳот, наҳот, у қотил бўлса! Одамнинг ақлига сифмайди-ку?»

– Нима бўляпти ўзи! Мен қаерда турибман ўзи! – деди у ҳамон ҳуши ўзига келмагандай аланг-жаланг қилиб, – сиз, сиз, қандай қилиб... шундай одам... нега ундай бўлди? Нима бўляпти ўзи!

– Талончилик қилдим. Бўлди қил, Соня! – деди Раскольников бу гаплар фашига теккандай ҳорғин овозда.

Соня довдираган, ҳайратланганча туриб қолди, бирдан у қичқириб юборди:

– Оч қолган эдингми! Сен... онангга ёрдамлашмоқчи бўлдингми? А?

– Йўқ, Соня, йўқ, – деб гўлдирарди Раскольников бошини четга ўтириб, калласини солинтириб олганча, – мен унчалар оч қолганим йўқ эди... Мен ростдан ҳам онамга ёрдам бермоқчи эдим, лекин... Бу ҳам унчалар тўғри эмас... Мени қийнама, Соня!

Соня кўлларини бир-бирига урди.

– Наҳот, наҳот, ростдан ҳам шундай бўлса! Ё Раббим, бу қандоқ бўлди ўзи! Ким бунга ишонади?.. Қандай қилиб, қандай қилиб чўнтагингиздаги ҳамма пулни бировга бериб юборасизу яна талончилик қилиш учун ўлдирдим дейсиз! А!.. – қичқириб юборди Соня бирдан, – ўша пул... Катерина Ивановнага берган ўша пулингиз... Ё Раббим, наҳот ўша пуллар ҳам...

– Йўқ, Соня, – шоша-пиша унинг гапини бўлди Раскольников, – у пул бутунлай бошқа пул эди, тинчлан! У пулни ойим бир савдогар орқали менга бериб юборганди, олганимда касал эдим, ўша куниёқ берганман... Разумихин билади... Менинг ўрнимга олган эди... У пул ўзимники эди, чинакам ўз пулим эди.

Соня унинг сўзларини англаб-англамай тинглар, кучининг борича бирон нарса тушунишга ҳаракат қиларди.

– Анави пулларни эса... тагин ўзим ҳам билмайман, у ерда пул бормиди, йўқми, – деб секингина қўшимча қилиб қўйди Раскольников ўйчан тарзда, – бўйнида ҳамёни бор экан... олган эдим... ичи тўла, офир экан... фақат ичига қараганим йўқ; улгурмаган бўлсам керак... Буюмларнинг ҳаммаси, занжирми-ей, тўғнағичми-ей, ҳаммаси шунга ўхшаган нарсалар экан, – мен ҳамённи ҳам, буюмларни ҳам эртасига эрталабоқ В – й кўчасидаги бир ҳовлига тошнинг тагига бостириб келганман... Ҳозир ҳам ҳаммаси ўша ерда ётибди...

Соня унинг сўзларини бутун иродасини бир ерга тўплаганча эшитарди.

– Унда нега бўлмаса... талон-торож қилдим дейсизу яна ҳеч нарса олмадим деб айтасиз? – шоша-пиша сўради қиз чуқаётган одам хасдан мадор излагандай бўлиб.

– Билмадим... Мен у пулни оламанми, йўқми, ҳали бир қарорга келганим йўқ, – ўйчанлик билан гапирди Раскольников, кейин дарров ҳуши ўзига келиб, тезгина тиржайиб қўйди. – Тоза аҳмоқлик қилиб қўйганга ўхшайман-да, а?

Сонянинг хаёлидан: «Телба бўлиб қолмаганмикин?» – деган фикр ўтди. Лекин шу заҳоти ўзига ўзи: йўқ, йўқ, ундай эмас, деб жавоб берди. У ҳеч нарсани, ҳеч нарсани тушунолмаётганди!

– Биласанми, Соня, – деди Раскольников аллақандай жўшиб кетган ҳолда, – биласанми, сенга нимани айтмоқчиман: агар мен оч қолганимдан одам ўлдирган бўлганимда, – дея давом этди у ҳар бир сўзни таъкидлаб, сирли қилиб айтар экан, лекин қизнинг юзига самимият билан боқиб, – ҳозир мен ўзимни бахтли деб санардим! Шунни билиб қўй!

Соня Раскольниковга чуқур сукунат билан жавоб берди.

– Хўп, борингки, аблаҳлик қилдим, деб бўйнимга олай, лекин бундан сенга нима фойда, нима фойдаси бор бунинг сенга? – фифони ошиб қичқирди у яна зум ўтмай, – менинг устимдан бундай аҳмоқона тарзда тантана қилишнинг сенга нима кераги бор? Эҳ, Соня, мен олдинга шунинг учун келганмидим, ахир!

Соня яна бир нарса демоқчи эди, лекин индамай қўя қолди.

– Кеча шунинг учун ҳам сени ўзим билан олиб кетмоқчи бўлган эдим, чунки менинг сендан бошқа ҳеч кимим қолмади.

– Қаерга олиб кетмоқчийдинг? – ботинмайгина сўради Соня.

– Ўфирлик қилгани ва одам ўлдиргани эмас, тинчлан, – аччиқ тиржайди Раскольников, – биз бошқа-бошқа одамлар эканмиз... Биласанми, Соня, мен кеча сени қаерга чақирганлигимни мана ҳозир, худди шу тобда билиб қолдим. Чақирганим ва келишимнинг сабаби битта эди; мени ташлаб кетма. Мени ташлаб кетмайсанми, Соня?

Қиз унинг қўлларини қисди.

– Нега ҳам, нега ҳам мен унга айтиб қўйдим ҳаммасини! – бошини қаерга уришни билмай қолган одамдай нидо қилди Раскольников бир дамдан кейин қизга беҳад азоб ичида тикилиб, – мана, сен қачон ҳаммасини ўзи тушунтириб бераркин, деб кутиб ўтирибсан, мени кўрмайди дейсанми; сенга нимани ҳам айтардим? Сен буни сира ҳам тушунолмайсан, фақат.... азобланганинг қолади мен туфайли! Ана, яна йиғлаяпсан, яна мени қучяпсан, хўш, ўзинг айт-чи, мени нега қучяпсан? Ўзимга ўз юким офирлик қилиб, энди бировнинг устига ҳам ташламоқчи бўлганим учунми? «Қани сен ҳам бунинг жабрини торт-чи, ҳарна менга енгилроқ бўлади!» шундайми?! Қандай қилиб, яна сен бундай аблаҳни яхши кўрасан?

– Ахир, ўзингнинг ҳам қийналавериб, жонингда жон қолмади-ку? – деб қичқирди Соня.

Яна Раскольниковнинг бағрига илиқ алланима ёпирилди ва унинг кўнгли яна ийиди бир дамга.

– Соня, мен кўнгли қора одамман, билиб қўй: кўп нарса шундан келиб чиқади. Ичи қораликдан бу ерга келганман. Бошқа одам бўлса келмаслиги ҳам мумкин эди. Мен эса қўрқоқман ва... аблаҳман! Лекин... майли, буларнинг аҳамияти йўқ... Сўзлайдиган пайт келди, мен бўлсам, қандай бошлани билмайман...

Раскольников гапдан тўхтаб, ўйланиб қолди,

– Э-эҳ, бошқа-бошқа одамлармиз! – дея қичқирди у яна, – бир-биримизга мос эмасмиз. Нега ҳам, нега ҳам келдим! Бундай қилганимни ҳеч қачон кечирмайман!

– Йўқ, йўқ, ундай дема, келганинг жуда яхши бўлди! – хитоб қилди Соня, – мен билганим яхши бўлди! Жуда яхши бўлди!

Раскольников юраги эзилиб, қизга қаради.

– Бу гапинг ҳам тўғри! – деди Раскольников ўйчанлик билан, – лекин ростдан ҳам тагини суриштириб келганда ўзи шундоқ бўлган! Нега дейми, мен Наполеон бўлмоқчийдим, шунинг учун ҳам одам ўлдирдим... Бўлдими, тушундингми, энди?

– Йў-ўқ, – деди соддалик билан кўрқа-писа Соня, – фақат, сўзлайвер, сўзлайвер! Мен тушунаман, мен ўзимча ҳаммасини тушуниб оламан! – сўзлашга қистарди у Раскольниковни.

– Тушунасанми? Майли, кўрамиз! – Раскольников жим бўлиб қолди ва узоқ ўйга толди.

– Гап шундай: мен ўзимга ўзим бир марта бундай савол бериб кўрдим: агар менинг ўрнимда Наполеон бўлганда ва у ўзининг юксак лавозимлар сари йўлини бошламоқчи бўлиб турганда, ҳали унинг ҳаётида Тулон ҳам, Миср ҳам, Монблан устидан

ошиб ўтиш ҳам, борингики, шунга ўхшаш улуввор ва чиройли ҳодисалар рўй бермаганда ва буларнинг ҳаммасининг ўрнида фақат шарти кетиб, парти қолган рўйхатга олувчининг беваси бўлмиш бир судхўр кампир бўлса-ю яна ҳали унинг пулини олиш учун ўлдириш ҳам керак бўлса (ниятни амалга ошириш учун пул керак-ку, билдингми?), хўш, шунда у ўзга йўл йўқлигини кўриб туриб, мен қилган ишга қўли борармиди, йўқми? Бунинг у қадар йирик иш эмаслигини ва гуноҳи азимлигини кўриб ори келмасмиди? Ҳозир сенга шундай деяпман, лекин мен бу «масала» устида жуда қийналиб, узоқ ўйлаганман, кейин алоҳал хаёлимга келиб қолдики (ўзидан-ўзи бирдан), Наполеоннинг ори келиши у ёқда турсин, бунинг йирик иш эмаслигини, ҳатто хаёлига ҳам келтириб ўтирмасди... Ҳатто бунинг нимасидан ор қилиб ўтириш кераклигини тушунмаган ҳам бўларди. Шу нарсани ўйлаганимдан кейин ўзимдан-ўзим жуда уялиб кетдим. Агар дедим, унинг бошқа иложи бўлмаганда, миқ эттирмасдан бўғиб ўлдириб қўя қолган бўларди, ўйлаб ҳам ўтирмасди, ҳатто!.. Мен ҳам шундай қилиб... ўй ўйлашни бир чеккага йиғиштириб... муҳтарам зотдан ибрат олиб... ўлдириб қўя қолдим. Ҳа, худди мана шундай бўлган! Кулгинг келяптими? Тўғри, Соня, ҳаммадан ҳам куладиган томони бунинг ростдан шундай бўлгани...

Кулиш Сонянинг, ҳатто эсига ҳам келмаганди.

– Менга яхшиси, тўғрисини айтаверинг... Ми-солларсиз, – зўрға овози чиқди юраги пўкиллаб урган Сонянинг.

Раскольников қизга ўтирилди, унга маъюс тикилди ва унинг қўлларидан ушлади.

– Яна сенинг гапинг тўғри, Соня. Булар ҳаммаси бемаъни, валдир-вуддур гаплар! Биласанми, ўзинг кўрдинг, онамнинг ҳеч вақоси йўқ. Синглим

амал-тақал қилиб тасодиф билан ўқиб, мана энди умр бўйи тарбиячи бўлиб сарсон юриши керак. Уларнинг ҳамма умидлари мендан эди. Мен ўқиб юрган эдим, лекин университетда ўзимни таъминлай олмай қолдим вақтинча ўқишни йиғиштирдим. Агар иш мана шундай давом этиб борса, мен ўн, ўн икки йиллардан кейин (ўшанда ҳам омадим келиб қолса) бир ўқитувчи ёки хизматчи бўлиб чиқардим, моянам минг сўм бўларди... (У худди олдиндан ёдлаб олинган гапни сўзлаётганга ўхшарди.) Унгача онам ташвишдан, ғам-ғуссадан адойи тамом бўларди мен унинг кўнглини ололмай қолардим, синглим бўлса... синглимнинг иши яна ҳам чатоқроқ бўлиши мумкин эди!.. Бир умр ахир ҳамма нарсага тескари қараб, кўриб кўрмаганга олиб, онани унутиб, синглингни ҳақорат қилсалар, ўзингни билмаганга солиб ўтиб бўлмайди-ку? Кимга керак бу? Нимага? Улар адойи тамом бўлганларидан сўнг бола-чақа қилиб бошга янгитдан бало орттириш учунми, кейин улар ҳам оч-яланғоч қолсалар нима бўлади? Шу десанг... Кампирнинг пулларини олиб, онамни қийнамасдан дастлабки пайтларда бемалол ўқишим, кейин битирганимдан сўнг ишни йўлга қўйиб юбориш учун далда бўлсин, деб сарф қилмоқчи эдим – бирйўла оёққа маҳкам туриб олмоқчи, келажагимни таъминлаб қўймоқчи, янги, бутунлай мустақил бир йўлга тушиб олмоқчи эдим... Ана... шу, бўлган гап... ҳаммаси... Албатта, кампирни ўлдирганим ёмон бўлди... бўлди, бас энди!

У сўзининг охирига келганда, жуда ҳам ҳолдан тойиб қолди ва бошини қўйи эгиб олди.

– Оҳ, ундай эмасдир, ундай эмасдир, – деди алам билан Соня, – ҳеч ишонмайман... йўқ, ундай эмас, ундаймас!

– Кўриб турибсан, ундай эмаслигини!.. Лекин мен бор гапни оқизмай-томизмай айтиб бердим, тўғриси шу!

– Бунинг нимаси тўғри экан! Ё Раббим!

– Мен фақат ҳеч кимга кераги бўлмаган, палид, зарарли битни ўлдирдим, холос.

– Ҳали одам бит бўлдими сизга!

– Мен ўзим ҳам биламан бит эмаслигини, – деб жавоб берди Раскольников қизга галати қилиб қараб. – Тўғриси айттайми, Соня, мен ёлгон гапиряпман, – деб қўшиб қўйди у, – қачондан бери алдаб келяпман... Ундай эмас; сен тўғри айтяпсан. Бу ерда бутунлай, бутунлай бошқа сабаблар бор!.. Мен анчадан бери ҳеч ким билан гаплашмаган эдим, Соня... Бошим жуда ҳам оғриб кетяпти.

Раскольниковнинг кўзлари худди иситма тутаётгандек оташ бўлиб ёнарди. У алаҳлаётганга ҳам ўхшарди; унинг лабларида безовта бир табассум кезмоқда эди. Руҳ тугёнга келган, лекин тугён ичра даҳшатли ожизлик кўзга ташланиб қолганди. Соня унинг нақадар азоб чекаётганлигини тушунди. Ўзининг ҳам боши айланиб кетмоқда эди. Раскольниковнинг гаплари жуда галати эди: ҳаммасига одам худди тушуниб ҳам тургандек эди, лекин... «Лекин қандай қилиб! Қандай қилиб! Ё Раббим!», қиз шундай деб қўлларини қирсиллатиб синдиргани синдирган эди.

– Йўқ, Соня, ундаймас! – деб гап бошлади Раскольников яна калласига келиб қолган кутилмаган бир фикрдан ҳайрату ҳаяжонга тушиб, – бошқача! Яхшиси... мени (ҳа, буниси ҳақиқатан яхшироқ!) худбин, ҳасадгўй, ичи қора, пасткаш, кекчи ва яна... савдойироқ бўлиб қолган бир одам деб бил (майли, ҳаммаси бирдан бўла қолсин! Савдойилик ҳақида олдинлари ҳам гаплашиб юришган, сезгандим!). Мен ҳали сенга ўзимни университетда ўқий олмай қолганимни, қурбим етмаганли-



гини айтгандим. Биласанми, мен эҳтимол, ўзимни таъминлашга ҳам қурбим етган бўларди. Ойим ўқишга тўланадиган пулни юбориб турса, этик, кийим-кечак, нон-чойга ўзим ҳам ишлаб топишим мумкин эди; ҳа, албатта! Дарс беришим мумкин эди; ярим сўмдан бермоқчи бўлишганди. Ахир, Разумихин ишлаб юрибди-ку! Фақат мен жаҳлим чиқиб, ишлагим келмади. Ҳа, жаҳлим чиқди (бу яхши сўз!). Мен ўшанда худди ўргимчакка ўхшаб, пучмоққа биқиниб олдим. Сен менинг хужрамни кўргансан-ку... Биласанми, Соня, паст шифтлар, тор хоналар одамнинг юраги билан ақлини сиқиб ташлайди! Кўргани кўзим йўқ эди хужрани! Бари бир шундай бўлса ҳам ундан ташқарига чиққим келмасди. Жўрттага чиқмасдим! Куну тун эшикка чиқмай ётган пайтларим бўлган, ишлашни истамасдим, ҳаттоки овқат ейишни ҳам хоҳламасдим, ётганим ётган эди. Настасья овқат олиб келса ердим, олиб келмаса, шу ётганимча ётаверардим, кун эса ўтаверарди; жўрттага жаҳлим чиққанидан шундай қилардим, сўрамасдим! Кечаси қоронғида ётаман, шам сотиб олишга ҳам пул топишни истамасдим. Ўқиш керак эди; мен бўлсам, китобларимни сотиб қўйгандим; ҳозир столимнинг устидаги ёзувларимни, дафтарларимни қарасанг, бир энлик чанг босиб ётибди. Мен ағанаб ётиб хаёл суришни яхши кўрардим. Хаёл сурганим сурган эди... Ғалати, жуда ғалати тушлар кўриб чиқардим, ҳар хил, қанақалигини айтиб ўтирмайман! Ўшанда хаёлимда бир нарсалар бўлиб туйила бошлаган, яъни... йўқ, бундай эмас! Мен яна бошқача қилиб гапиряпман! Биласанми, ўшанда ўзимга ўзим шундай дердим; бошқалар аҳмоқ экан ва мен уларнинг аҳмоқликларини биларканман, нега энди ўзим ҳам аҳмоқчилик қилиб, улاردан ақлироқ бўлишга ҳаракат қилмайман? Кейин

мен ҳамманинг ақлли бўлишини кутиладиган бўлса, жуда узоқ кутиш кераклигини билиб қолдим, Соня... Кейин мен ҳеч қачон бундай бўлмаслигини, одамлар қандай бўлсалар шундай қолишларини, уларни ўзгартирадиган одам йўқлигини, бунга куч-ҳаракат сарфлаб ўтиришнинг фойдасизлигини билдим! Ҳа, шундай! Уларнинг қонунлари шундай... Қонун бу, Соня! Шундай!.. Мен кимдаким қудратли, ақл-иродада кучли бўлса, уларнинг устларидан ҳоким бўлишини энди билдим! Ким қанча кўп уддалай билса, улар ичида ўша ҳақ бўлиб чиқаркан. Ким узоқроқ тупурса, ўша уларнинг низоми бўларкан, ким човутини қанча кўп нарсага уришга журъат қилса, ўша уларнинг ҳаммасидан ҳам ҳақдироқ бўлиб чиқаркан! Шу замонгача шундай бўлган ва бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолажак! Фақат кўр-басир одамгина буни кўрмаслиги мумкин!

Раскольников буларни Соняга қараб туриб сўзлаган бўлса ҳам, лекин энди унинг тушуниш-тунмаслигига эътибор бериб ўтирмасди. У бутунлай иситмалаб алаҳлаётганга ўхшаб қолганди. Уни телба бир жўшқинлик ўз азмига олганди. (Чиндан ҳам у анчадан бери ҳеч ким билан бундай гаплашмаганди!) Соня мана шу мудҳиш ақидани у, ўзининг имон-эътиқодига айлантириб олганлигини билди.

– Мен ўшанда сезиб қолдим, Соня, – деб жўшганча давом этарди Раскольников, – ҳокимлик ким эгилиб уни олса, ўшанинг қўлида экан. Уддалай олса бас экан. Бунинг учун одамда журъат бўлса бўлди экан! Ўшанда хаёлимга шу пайтгача биронта инсоннинг калласига келмаган бир фикр келиб қолди! Ҳа, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фикр! Бирдан ярқ этиб, миямга келдики, нега шу пайтгача ҳеч ким мана шу барча бемаъниликлар-

нинг ёнгинасидан ўтиб бора туриб, ади-бади деб ўтирмай, шартта ҳаммасининг қуйруғидан ушлаб яхшилаб силкитиб ташлашни ўйламайди, дедим! Мен... мен журъатимни синамоқчи бўлдим ва ўлдирдим... Мен фақат журъатим етадими, йўқми, шуни билмоқчийдим, Соня, мана сенга ҳамма сабаб!

– О, бўлди, гапирманг, гапирманг! – қичқириб юборди Соня қўлларини бир-бирига уриб. – Худодан қайтган экансиз, Худо сизни уриб қўйибди, иблисининг комига ташлабди!..

– Ҳа-я, айтгандай, Соня, мен қоронғуда ётган пайтларимда ўзимни иблис йўлдан уряптимикин, деб ўйлардим? шундаймикин, а?

– Гапирманг! Иршайманг, сиз шаккок одамсиз, ҳеч нарсани, ҳеч нарсани тушунмайсиз! Ё Раббим! У ҳеч нарсани, ҳеч нарсани бари бир тушунмайди!

– Бас қил, Соня, куладиган ҳолим йўқ, мени шайтон йўлдан оздирганини ўзим ҳам биламан. Жим бўл, Соня, жим бўл! – деб хафа бўлган ҳолда такрорлади Раскольников. – Мен ҳаммасини биламан. Буларнинг ҳаммасини ўшанда қоронғида ётганимда ўзимга ўзим айтганман, кўп ўйлаганман... Ўзим билан ўзим олишиб чиққанман, миридан-сиригача чамалаганман, ҳаммасини биламан, ҳаммасини! Ўшанда бу қуруқ маҳмадонагарчиликлар шунчалар, шунчалар жонимга тегиб кетгандики, қўяверасан! Мен барини унутиб юбориб, яна ҳаммасини бошидан бошламоқчи эдим, Соня, маҳмадонагарчиликни йиғиштирмоқчи эдим! Наҳотки, сен мени буларнинг барини кўр-кўрона қилган деб ўйласанг? Мен буни ақли жуда ошиб-тошиб кетган одамга ўхшаб қилдим ва худди шу нарса мени ҳалок этди! Мен ўзимни тергайвериб, мияларимни ағдар-тўнтар қилиб юборганман, наҳот, сен, агар мен ўзимдан-ўзим ҳоким бўлоламанми, йўқми, деб

сўраган бўлсам, шунга ҳақим борми, йўқми деб сўраган бўлсам, демак, ҳоқим бўлишга ҳақим йўқлигини билмаган деб ўйласанг? Ёки ўзимга ўзим одам битми, деб савол берсам демак, одам мен учун бит бўлмаган бўлади: бундай фикрни бошига келтирмаган кимса учун у битдан баттар бўлади ва у мақсадига етиш учун ўзига ўзи савол бериб ўтирмайди... Агар мен неча кунлар мобайнида Наполеон шундай қилармиди ёки қилмасмиди, деб бош қотирган бўлсам, демак, мен ўзимнинг Наполеон эмаслигимни билганман... Мана шундай маҳмадонагарчиликнинг бутун азобини бошдан ўтказганман ва унга чидаб берганман, Соня, ҳаммасини елкамдан улоқтириб ташламоқчи ҳам бўлганман: мен, Соня, ҳеч қандай оҳангжама қилиб ўтирмасдан ўлдирмоқчи бўлдим, ёлғиз ўзим учун, фақат ўзим учун ўлдирмоқчи бўлдим! Бунда, ҳатто ўзимни-ўзим алдаб ўтиришни ҳам истамадим! Бадавлат бўлиш, ҳукмронлик қилиш, одамзоднинг валинеъмати бўлиш учун ўлдирганим йўқ, Соня. Бўлмаган гап! Мен шунчаки ўзим ўлдирдим: ўзим учун, ёлғиз ўзим учун ўлдирдим; ундан сўнг мен аллакимнинг валинеъмати бўламанми ёки ўргимчакка ўхшаб бир умр бошқаларни тўримга илинтириб қонини сўраманми, у маҳалда билмасдим, менга у пайт бари бир эди, ҳа, фарқи бўлмаган бўлса керак менга!.. Мен ўлдирганимда, пул учун ўлдирганим йўқ, Соня, пулнинг менга кераги йўқ эди; пул эмас, менга кўпроқ бошқа бир нарса керак бўлган шекилли... Энди мен буларнинг барини биламан... Менга ишон: ўша йўлдан кетганимда ҳам мен бошқа ҳеч қачон одам ўлдирмаган бўлардим. Мен тезроқ бошқа бир нарсани билиб олишим керак эди, юрагимга бошқа бир нарса ҳадеб қутқу солмоқда эди: ўшанда мен битманми ёки одамманми, деган нарсани тезроқ билгим келган-

ди. Мен чегарадан чиқа оламанми, йўқми? Эгилиб ола биламанми ёки йўқми? Қалтираган қумурсқаманми ёки ҳақим борми...

– Ўлдирганими? Ўлдирмоққа ҳақим бор, дедингизми? – қўлларини бир-бирига уриб деди Соня.

– Э-эҳ, Соня! – деб қичқирди Раскольников жаҳли чиқиб, унга бир нарса деб эътироз билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, яна нафратлангандай индамади. – Гапимни бўлма, Соня! Сенга бир нарсани тушунтириб бермоқчиман, холос: ўшанда шайтон мени йўлдан оздирди, фақат фишт қолипдан кўчгандан сўнг менга сенинг у ерга боришга ҳақинг йўқ эди, сен бошқалар қатори бир бит эдинг, деб тушунтириб берди. У хўпам менинг устимдан қотиб-қотиб кулган бўлди, мана энди мен сенинг ҳузурингга келдим! Кутиб ол, меҳмонингни! Агарда мен бит бўлмаганимда, сенинг олдинга келиб ўтирармидим? Менга қара: ўшанда кампирникига борганимда, мен фақат синаб кўрмоқчи бўлиб боргандим... Шуни билиб қўй!

– Кейин ўлдирдингиз! Ўлдирдингиз!

– Яна қандай қилиб ўлдирганимни қара? Шунанга ҳам одам ўлдирадими? Менинг аҳволимда бўла туриб одам ўлдиргани борадими ҳеч киши... Мен кампирни ўлдирибманми? Мен кампирни эмас, ўзимни ўлдирдим!.. Бирйўла, сира, абадий бош кўтармайдиган қилиб ўлдирдим!.. Кампирни иблис ўлдирди, мен эмасман... Бўлди, бўлди, Соня, бўлди! Мени тинч қўй, – дея қичқириб юборди Раскольников титраб-қалтираб алам билан, – мени тинч қўй!

У тиззаларига тираниб, кафтлари билан бошини чангаллаб олди.

– Вой, ўлмаган жонингиз-ей! – деб қичқириб юборди юраги эзилиб кетган Соня.

– Энди нима қилдим, қани, айт! – деб сўради Раскольников бирдан бошини кўтариб, унинг чеҳраси ғаму аламдан ўзгариб кетган, бадбашара бўлиб қолганди.

– Нима қилардинг! – деб хитоб қилди Соня ўрнидан дик этиб туриб, унинг шу дамгача кўз ёшига тўлган кўзлари бирдан порлаб кетди. – Тур, ўрнингдан! (Қиз Раскольниковнинг елкасидан тутди; Раскольников қизга ажабланганча қараб ўрнидан кўзгалди.) Ҳозироқ, бир дақиқа ҳам кечиктирмай, чорсига чиқ, ерга таъзим қил, уни ўп, сен уни булғадинг, кейин тўрт томонга қараб эгил, салом бер ва ким кўринса, шунга овозингни чиқариб: «Мен ўлдирдим!» – деб айт. Ана ўшанда Худо сенга яна умр беради. Борасанми? Борасанми? – дерди қиз нуқул худди тутқаноғи тутган одамдай қалтираб, у Раскольниковнинг қўлларидан маҳкам ушлаб олган, уларни жони борича сиқар, кўзлари ёнар эди.

Қизнинг бундан жўшиб, туғёнга келганидан Раскольников ҳайратланиб қолди.

– Сен каторгани гапиряпсанми, Соня? Бориб ўзимни айтиб беришим керакми? – деб сўради у қовоқларини уйиб.

– Азобга чидаш, азобни ўз бўйнига олиб, гуноҳдан тозаланиш керак сенга.

– Йўқ, мен уларнинг олдиларига бормайман, Соня.

– Қандай яшайсан, ахир қандай яшайсан? Нима билан яшайсан? – дерди Соня хитоб қилиб. – Энди яшаб бўладими бошқача? Ойинг билан қандай сўзлашасан? (О, уларнинг аҳволи энди нима кечади, нима кечади!) Нима деяпман ўзим! Сен ойинг билан синглингни ташлаб келгансан-ку. Бунга қара, ташлаб келибди, ташлаб келибди-я. Ё Раббим! – деб чинқириб юборди у, – бунинг бари-ни унинг ўзи ҳам билади-ку! Аммо қандай, қандай

қилиб одамсиз яшаб бўлади! Энди сенинг ҳолинг нима кечади!

– Ёш бола бўлма, Соня, – секин пичирлади Раскольников. – Уларга нима айб қилган эканман? Нега энди бораман? Уларга нима деб айтаман? Буларнинг бари бир шарпа... Уларнинг ўзлари миллионлаб одамларни қириб битиряптилар, яна буни ўзларича яхшилик қияпмиз деб айтадилар. Уларнинг ҳаммаси найрангбоз ва аблах, Соня!.. Бормайман. Уларга нима дейман: ўлдирдим, лекин пулни олмадим, тошнинг тагига беркитиб қўйдим, дейманми? – деб қўшиб қўйди у аччиқ жилмайиб. – Улар менинг устимдан майна қилиб кулишмай-дими, пулни олмаган бўлсанг, аҳмоқ экансан деб. Қўрқоқ ва аҳмоқ! Улар ҳеч нарсани тушунмайдилар, Соня, улар тушунадиган одамлар эмас. Нега борарканман? Бормайман. Ёш бола бўлма, Соня...

– Жонинг қийналиб кетади, қийналиб кетади, – дея такрорларди қиз алам ва илтижо билан унга томон қўлларини чўзганча.

– Мен, эҳтимол, ҳали ўзимга ўзим туҳмат қилаётгандирман, – деди Раскольников хафакезик бир аллозда ўйчанлик билан, – эҳтимол, ҳали мен бит эмас, инсондирман, ўзимни-ўзим бекорга қоралаб ётгандирман... Мен ҳали олишиб кўраман.

У кибр билан тиржайиб қўйди.

– Бунинг азобига қандай чидайсан! Бир умр-а, бир умр!..

– Ўрганиб кетаман... – деди Раскольников тўмтайиб, ўйчан. – Менга қара, – деди бир дамдан сўнг у, – йиғи-сиғини йиғиштирайлик, нима қилишимизни гаплашиб олайлик: сенга мени ҳозир қидиришаётганлигини, изимга тушишаётганлигини айтгани келган эдим...

– Оҳ! – дея кўрқиб қичқириб юборди Соня.

– Нега қичқирасан! Ўзинг каторгага боришимни истайсану тагин қўрқиб ўтирганигни-чи? Лекин гап шундаки, мен уларга бўш келмайман. Мен ҳали улар билан бир олишиб кўраман, қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Уларда ҳеч қандай далил-исбот йўқ. Кеча ишим жуда чатоқ бўлай деган эди, сал бўлмаса ҳалок бўлган эдим; бугун ишим яна ўнгланди. Уларнинг менга қарши айтаётган ҳамма гапларининг икки учи бор, яъни уларнинг менга қарши қўйган айбларини мен ўз фойдамга қаратишим мумкин, билдингми? Қаратаман ҳам; чунки энди кўзим пишиб қолди... Лекин мени қамашлари мумкин. Агар бир ҳодиса бўлиб қолмаганда, ҳатто бугуннинг ўзида қамаб қўйишлари мумкин эди, тагин ким билади, ҳали шу бугуннинг ўзида қамасалар ҳам эҳтимол... Фақат, бунинг унчалар хавфли томони йўқ, Соня: қамаб, кейин чиқариб юборадилар... чунки уларнинг қўлларидан биронта ҳам чинакам далил йўқ ва бўлмайди ҳам, сўз бераман. Улар билган нарсалар билан эса одамни қамоққа тиқиб бўлмайди. Бўлди, бас... сен билиб қўйгин, деб айтяпман-да... ойим билан синглимни кўнгиллари хотиржам бўладиган бир иш қилишга ҳаракат қиламан, тагин ваҳима қилиб юришмасин... Синглим ҳозир бир оз маблағга эга бўлиб турибди... Демак, ойим ҳам... Ана, вассалом. Айтгандай, жуда эҳтиёт бўл. Қамалиб қолсам, олдimgа бориб турармикинсан?

– О, бораман! Бораман!

Икковлари ҳам бўрондан сўнг кимсасиз соҳилга чиқариб ташланган каби маъюс ва синиқ бир алпозда ўтирардилар. У Соняга термиларкан, қизнинг ўзига қанчалар муҳаббат қўйганлигини сезиб турар ва қизиғи шундаки, ўзининг бу қадар севилаганидан бирдан юраги орзиқиб кетди, елкасига оғир юк бостирилгандай сизди. Ҳа, бу жуда



галати ва чидаб бўлмайдиган даражада офир бир нарса эди! Соњанинг олдига келаркан, Раскольников ўзининг бутун умидини унга боғлаган эди; у ўз дардини у билан бўлишмоқчи, офирликнинг бир қисмини унга ҳам ташламоқчи эди, лекин бирдан қизнинг бутун қалби, кўнгли ўзида эканлигини кўриб, ҳис қилиб, у ўзини бирдан илгаригидан ҳам кўпроқ бахтсиз деб сизди, бахтсизроқ бўлиб қолганлигини англади.

– Соњя, – деди у, – қамоқда ўтирган пайтимда яхшиси, менинг олдимга бормамай қўя қол.

Соњя жавоб бермади, у йиғларди. Бир неча муддат вақт ўтди.

– Сенда бут борми? – дея сўради қиз ундан кутилмаганда худди бир нарса эсига тушиб қолгандай.

Раскольников аввал унинг саволига тушунмади.

– Йўқ, тўғрими, йўқми? Ма, ол буни, сарвдан қилинган. Менда яна биттаси бор, мисдан қилинган, Лизавета берган эди. Биз Лизавета иккимиз бутларимизни бир-биримизга бергандик, у менга ўзиникини, мен унга санам бергандим. Мен энди Лизавета берганни тақиб юраман, бу эса сенга. Ол... меники-ку! Меники-ку! – олишга қистарди қиз. – Азобини бирга тортгани борамиз, бутни ҳам биргаликда элтамиз!..

– Бер! – деди Раскольников. У қизни ранжитгиси келмади. Лекин шу заҳоти бутни олиш учун узатган қўлини тортиб олди.

– Ҳозирмас, Соњя. Яхшиси кейинроқ, – деб қўшиб қўйди у қизни хафа қилмаслик учун.

– Ҳа, ҳа, яхши, яхши, – деди қиз қизгин маъқуллаб, – бўйнингга олганингдан сўнг тақиб оласан. Менинг олдимга келасан, мен сенга тақиб қўяман, Худойимдан шафқат сўраб йўлга тушамиз ўшанда.

Худди шу пайт кимдир уч марта эшикни тақиллатди.

– Софья Семёновна, мумкинми? – майингина таниш овоз эшитилди.

Соня қўрқиб кетиб, эшикка югурди. Хона ичида жаноб Лебезятниковнинг оқпар юзи кўринди.

## V

Лебезятниковнинг чеҳраси ташвишли кўринарди.

– Сизда гапим бор эди, Софья Семёновна. Кечиринг... Мен сизни ҳам шу ерда бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдим, – деди Лебезятников бирдан Раскольниковга қарата, – яъни, умуман, мен ундай ҳеч нарсани ўйлаганим йўғ-а... тагин кўнглингизга... лекин мен айнан ўйлагандимки... У ерда Катерина Ивановна ақдан озиб қолди, – деди у кутилмаганда Раскольниковни қўйиб, Соняга қарар экан.

Соня қичқириб юборди.

– Жуда ҳам унчалар эмасу, лекин шундай бўлиб кўриняпти, айтмоқчи... Биз у ерда нима қилишимизни ҳам билмай қолдик, ростки! Катерина Ивановна қаердандир қайтиб келди – уни қувлаб юборишганми, дейман, калтаклашганга ҳам ўхшайди... Афтидан, шунга ўхшаброқ турибди... У киши Семён Захаричнинг бошлиғини кўраман, деб борган экан, у одам уйида йўқ экан; ўзига ўхшаган бир генералникида зиёфатда экан... Буни қаранг, Катерина Ивановна тўғри ўша зиёфат бўлаётган ерга қараб йўл олибди... ўша бошқа генералникига, буни қаранг, қўймабди, алоҳал Семён Захаричнинг бошлиғини чақиртирибди, шундоқ овқатнинг устидан туриб келишга мажбур қилибди. Нима бўлганлигини ўзингиз бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Катерина Ивановнани ҳайдаб чиқа-

ришибди. Катерина Ивановна бўлса уни қарғабди, яна қўлига бир нарса тушган экан, шуни унга қараб отибди. Бунга ажабланмасак ҳам бўлади... Фақат қандай қилиб уни қамаб қўймаганларига ҳайронман! Катерина Ивановна энди ҳаммага гапириб беряпти, Амалия Ивановнага ҳам, фақат гапларини тушуниб бўлмааяпти, ўзини ҳар томонга уриб дод-фарёд кўтаряпти... Ҳа, айтмоқчи; Катерина Ивановна, энди менинг ҳеч кимим қолмади, ҳамма мени ташлаб кетди, энди болаларни олиб, кўчага чиқиб кетаман, шарманка чалиб болаларни ўйнатаман, ўзим ҳам ашула айтаман, тиланчилик қилиб пул йиғиб кун кўраман, ҳар куни генералнинг деразаси тагига бориб турамиз... дейди. «Олижаноб идора хизматчисининг болалари кўчаларда қандай қилиб тиланчилик қилиб юрганлигини кўриб қўйишсин», дейди. Болаларни калтаклаб ташлаяпти, болалар жуда чирқираб қолишган. Леньга «Хуторок»ни ўргатяпти, ўғлини ўйинга, Полина Михайловнани ҳам ўргатяпти, кийимларини далва-далва қилиб йиртиб ташлаяпти; болаларга худди масхарабозларникига ўхшаган қалпоқлар кийдирмоқчи; ўзи мусиқа ўрнига тоғора чалмоқчи... Ҳеч қулоғига гап кирмайди... Ўзингиз айтинг, қандай бўлади? Шунақа ҳам бўладими!

Лебезятников яна давом этган бўларди-ю, лекин унинг гапларини зўрғагина нафас олиб, эшитиб турган Соня бирдан камзулини, шляпасини олиб йўл-йўлакай кийинганча хонадан югургилаб чиқиб кетди. Раскольников қизнинг ортидан, Лебезятников ундан кейин чиқдилар.

– Чинданам ақдан озган! – деди Лебезятников Раскольниковга у билан бирга кўчага чиқаркан, – фақат мен Софья Семёновна қўрқиб ўтирмасинлар деб дудмалроқ қилиб айтдим, лекин ҳеч шубҳа қолмаган. Одам сил бўлганда мияси шунақа гуд-

да-ғудда бўлиб чиқади дейишади; афсуски, тиббиётдан хабарим йўқ. Шунга қарамасдан, мен Катерина Ивановнага кўп айтдим, лекин у киши сира қулоқ солмаётирлар.

– Нима, ғудда-ғуддалар ҳақида гапирдингизми унга?

– Йўқ, унчалар ғудда-ғуддалар ҳақида эмас. Айтганда ҳам у нимани тушунарди дейсиз. Лекин мен нима демоқчиман: агар кишига моҳият эътибори билан, мантиқан қилиб йиғлаб ўтиришнинг сира ҳам кераги йўқ, деб тушунтирилса, у албатта, йиғлашни бас қилади. Бу равшан. Нима, сизнинг ақидангиз бўйича, йиғлашдан тўхтамайди, деб ўйлайсизми?

– Унда яшаш жуда ҳам осон бўлиб қолган бўларди, – деб жавоб берди Раскольников.

– Шошманг, шошманг; албатта, Катерина Ивановнанинг тушуниб етиши қийин; лекин Парижда ақдан озганларни фақат мантиқан ишонтириш йўли билан даволаш бўйича жиддий тажрибалар ўтказилганидан хабарингиз борми? У ерда бир профессор, унинг ўзи яқинда вафот қилди, – шундай йўл билан даволаш мумкин, деган фикрга келган. Унинг бош ғояси шундан иборатки, ақдан озган кишиларнинг аъзоларида алоҳида носозлик йўқ, ақдан озишлик – бу айтайлик, мантиқий хато, тафаккурдаги хатолик, нарсаларга нотўғри қараш, холос. Ўша профессор бемор фикридаги мана шу хатоликни аста-секин инкор қилиб бораверган ва биласизми, айтишларига қараганда, ишининг натижаси ёмон бўлмаган! Лекин бунга у руҳни ҳам аралаштиргани боисидан, даволашнинг бу усули билан эришилган натижалар, албатта, шубҳа ҳам туғдиради... Нар и борса, шундай бўлиб туйилади...

Раскольников унга қулоқ солмай қўйганди. У ўз уйининг олдига келганда, Лебезятниковга бош

силкиб, дарвозага қараб юрди. Лебезятников ўзига келиб атрофига аланглаб қаради ва чопқиллаганча йўлида давом этди...

Раскольников ҳужрасига кириб, ўртада туриб қолди. «Нега бу ерга қайтиб келди?» У хунуги чиқиб кетган, сарғайиб қолган девор қоғозларини, ҳамма нарсани босиб ётган губорни, ўз ўриндигини кўздан кечирди... Ҳовлидан аллақандай тинимсиз тарсиллаган овоз эшитиларди; қаердадир худди миҳми ёки шунга ўхшаш бирор нарсами қоқилаётганга ўхшарди... У дераза олдига келди ва оёғининг учида туриб, ҳовлига жуда узоқ диққат билан разм солди. Лекин ҳовли бўм-бўш эди, тақиллатаётган одамларнинг қораси кўринмасди. Ҳовлининг чап томонидаги уйнинг баъзи бир деразалари очиб қўйилганди; дераза токчаларида тувакларда сийрак ўсган гуллар кўринарди. Ҳовлига кир ёйилганди. Буларнинг бари унинг кўзларига ўрганиш бўлиб кетганди. У орқасига қайрилиб, диванга келиб ўтирди.

Ҳеч қачон, ҳеч қачон у ўзини бунчалар ёлғиз ҳис қилмаганди!

Ҳа, у энди Соняни ҳақиқатан ҳам ёмон кўриб қолсам керак, деб ўйлади, қизни аввалгидан ҳам беш баттар бахтсизроқ қилиб қўйдим, деган фикр унинг миясини пармаламоқда, шундан боягиндек ўйлар калласида кезинмоқда эди. «Нима учун борди унинг олдига, кўз ёшларини кўрмоқлик учунми? Қизнинг ҳаётига зомин бўлиш унга зарур келдими? О, қабоҳат!»

– Мен ёлғиз қоламан! – деб фўлдиради у бирдан қатъий суръатда, – унинг қамоққа бориб ўтиришининг сира кераги йўқ!

Беш дақиқалардан сўнг у бошини кўтариб, ғалати жилмайди. Калласига ғалати фикр келди.

«Балки каторга ҳақиқатан ҳам яхшироқдир», – деб ўйлади у.

Хаёлида ноаниқ, мубҳам фикрлар чувалашиб қанча ўтирганлигини эслолмайди. Бирдан эшик очилиб, Авдотья Романовна кириб келди. У боя Соняга қандай қараган бўлса, синглиси ҳам эшик тагида тўхтаб, унга шундай қилиб қаради; кейин ичкарига кириб, акасининг рўпарасига – кечаги ўтирган ерига ўтирди. Раскольников синглисига индамай, аллақандай ўйсиз тикилди.

– Жаҳлингиз чиқмасин, ака, мен бирпасга кирдим, – деди Дуня. Унинг юзи ўйчан, юмшоқ боқарди. Нигоҳи тиниқ ва майин эди. Раскольников синглисини ҳам меҳр етаклаб келганлигини кўриб турарди.

– Ака, мен энди ҳамма, ҳаммасини билиб олдим. Менга Дмитрий Прокофьевич ҳаммасини тушунтириб айтиб берди. Сизни жуда ёмон шубҳага олиб таъқиб қилишаётган экан... Дмитрий Прокофьевич менга хавфли ҳеч нарса йўқлигини, сиз бекорга ўзингизни бунча қийнаб юрганлигингизни айтди. Мен бошқача фикрдаман, сизнинг нимадан бунчалар қийналаётганлигингизни бир оз тушунман, бу дили хиралик узоқ замонлар одамнинг эсидан чиқмай сақланиб қолиши мумкин. Мен мана шундан қўрқаман. Бизни ташлаб кетганингиз учун сизга таъна қилолмайман, агар шундай деб айтган бўлсам, мени кечиринг. Ўзим ўзимдан қиёс қилиб айтаманки, агарда менинг бошимга шундай офир юмуш тушганда, мен ҳам ҳаммани ташлаб кетган бўлардим, балки. Ойимга мен бу ҳақда ҳеч нарса демайман, лекин доим у билан сизни гаплашамиз ва сизнинг номингиздан, акам тезда сизни ўзлари келиб кўрар эканлар, деб айтиб қўяман. Ойимни ўйлаб ўзингизни қийнаманг; мен яхшилаб тушунтириб қўяман ойимга; лекин сиз ҳам ойимни жуда

қийнаб юборманг, жуда бўлмаса бир маротаба бо-  
риб келинг; нима бўлганда ҳам онангиз-ку! Мен  
сизга шуни айтиб қўймоқчи бўлиб келгандимки,  
(Дуня ўрнидан қўзғала бошлади) агар мен бирон  
жиҳатдан сизга керак бўлиб қолсам, ёки сизга...  
Менинг бутун ҳаётим керак бўлса, ёки бошқа...  
Чақиришингиз билан етиб келаман. Хайр!

Дуня шахт билан орқасига қайрилиб, эшикка  
қараб юрди.

– Дуня! – деб чақирди уни Раскольников, ўрни-  
дан туриб сингисининг олдига борар экан. – Уша  
Разумихин, Дмитрий Прокофьевич жуда ҳам яхши  
одам.

Дуня хиёл қизаринди.

– Хўш! – деди у бир оз жим тургандан сўнг.

– У ишнинг кўзини биладиган, меҳнатдан қоч-  
майдиган, софдил ва севгида садоқатли... Хайр,  
Дуня.

Дунянинг юзи ловиллаб кетди, кейин бирдан  
безовталаниб қолди:

– Нима бўлди ўзи, ака, худди бошқа ҳеч қачон  
кўришмайдигандай менга васият қиляпсиз... бу-  
нақа...

– Бари бир... хайр...

Раскольников орқасига ўтирилиб, дераза томон-  
га юрди. Дуня унга бир зум ташвишланиб қараб  
турди-да, сўнг безовталанганча чиқиб кетди.

Йўқ, Раскольников сингисига бунчалик совуқ  
қарамасди. Шундай бир он ҳам бўлдики (энг сўнг-  
ги дақиқаларда), сингисини маҳкам қучоқлаб  
бағрига босгиси, у билан хайр-маъзур қилгиси кел-  
ди, лекин, ҳатто унга қўлини узатишга ҳам журъат  
этмади:

«Кейинчалик уни бағримга босганимни эслаб,  
эти увушиб юрмасин, яна мени ўлиб қўйганига  
бало бормиди, – деб гапирмасин!»

«Лекин бу қиз чидайдими ёки чидамайдими? – деди у ўзига ўзи бир неча дақиқадан сўнг. – Йўқ, чидамайди; бунақалар чидолмайдилар! Бунақалар ҳеч қачон чидолмайдилар...»

Шунда у Соняни эслади.

Деразадан сарин ҳаво кирди. Куннинг ёруғи анча кетиб қолганди. У бирдан фуражкасини олиб, эшикка юрди.

У бетоб эканлигига қарамай, ўзини парвариш қилолмас, умуман олганда, ўзига қарашни истамас ҳам эди. Лекин тинимсиз ташвиш устига ташвиш, руҳий безовталиқ ўз ишини қилмоқда эди. Агар у шу пайтгача ҳам қаттиқ ётиб қолмай, тик оёқда юрган экан, ташвишнинг зўри билан юрмоқда, нотинчлик унга қувват бермоқда эди, лекин бунинг ҳаммаси ғайритабиий, вақтинча давом этиб турган бир ҳол эди.

У сандироқлаб кезиниб юрди. Офтоб ботиб бормоқда эди. Кейинги пайтларда унинг юраги бошқача бир қайғу-ғам билан тўладиган бўлиб қолганди. Бу куйдирадиган аччиқ, аламли бир ғам эмасди; лекин у устувор ва абадий бўлиб кўринарди, йиллар шу совуқ, беҳад, бепоён, ўлимтик ғам-қайғу ичида ўтажаги сезилиб қолган, «бир қарич майдонда» абадийлик зухур қилиб турганга ўхшарди. Хуфтон тушган кезлари бу ҳис унинг юрагини ортиқ даражада безовта, нотинч қила бошлар, азоб берар эди.

– Офтоб ботаётган пайтда авж оладиган жисмоний аҳмоқона ожизликларинг билан қандай қилиб яна ўзингни бирон тентаклик қилиб қўйишдан сақлаб бўлади. Соня ҳам майли-я, бунақада, ҳатто Дунянинг олдига ҳам югуриб борганингни билмай қоласан! – деб ғўлдиради у ўзидан-ўзи жаҳли чиқиб.



Кимдир уни чақирди. Ўтирилиб қаради; унга томон Лебезятников чопқиллаб келарди.

– Буни қаранг, мен сизнинг уйингизга боргандим, сизни қидириб юрибман. Буни қаранг, Катерина Ивановна айтганини қилиб, болаларни кўчага олиб чиқиб кетди! Биз Софья Семёновна билан уларни зўрға ахтариб топдик. Ўзи тоғора чаляпти, болаларни зўрлаб ўйнатяпти. Улар чирқираб йиғлашяпти. Чорси жойларда, дўконларнинг олдиларида тўхтаб томоша кўрсатишяпти. Аҳмоқ одамлар йиғилиб уларнинг орқасидан юришибди. Юринг.

– Соня-чи?.. – ташвишланиб сўради Раскольников Лебезятниковнинг кетидан шошиларкан.

– Жон-пони чиқиб кетган. Софья Семёновнани эмас, Катерина Ивановнани айтаётирман; айтмоқчи, Софья Семёновна ҳам довдираб нима қилишини билмайди. Катерина Ивановна бўлса бутунлай ўзини йўқотиб қўйган. Бутунлай ақдан озиб қолган дедим-ку, сизга. Уларни полицияга олиб кетсалар керак. Ўзингиз бир ўйлаб қаранг, бу уларга қандай таъсир қиларкан... Ҳозир улар фалон кўприк олдида туришибди, Софья Семёновнаникига яқин жойда. Узоқ эмас.

Канал бўйида, кўприкка хиёл етмасдан, Соня турадиган уйдан икки уй берида бир тўда одамлар тўпланиб турарди. Айниқса, болалар билан қизалоқлар кўп эди. Катерина Ивановнанинг бўғиқ хирқираган овози кўприкдан ҳам эшитиларди. Ўткинчилар йиғилганича ҳам бор эди. Катерина Ивановнанинг устида эски кўйлак, мовут рўмол, бошида хунук бўлиб, бир томонга қийшайиб кетган похол шляпа, ҳақиқатан ҳам аҳволи жуда хароб эди. У ҳолдан тойиб қолган, ҳарсиллаб нафас оларди. Унинг ориқ, рангпар юзи айниқса, музтарроқ кўринарди (сил билан оғриган одам кўчага, очик

ҳавога чиққанда, уйда ётгандагидан кўра яна ҳам хастароқ, ночорроқ кўринади); лекин унинг туғёни ҳали-бери босиладиган кўринмас, балки дам сайин авжга миниб зўрайиб бормоқда эди. У болаларнинг теварагида чарх уриб юрар, уларга бақириб-чақирар, ялиниб-ёлворар, одамларнинг кўз ўнгида қандай ашула айтиш, қандай ўйнашни ўргатар, нега бундай қилиш кераклигини тушунтирар, улар ҳадеганда тушуна қолмаса, бундан ғазаби келар, уларни калтақларди... Кейин бунда охирига ҳам етказмай одамларга қараб талпиниб қоларди; агар томоша қилиш учун тўхтаган тузукроқ кийинган бирон кишини кўриб қолса, дарҳол унга «олижаноб, ҳатто насли насаби асилзодалардан дейиш мумкин бўлган оила»нинг фарзандлари қай аҳволга тушганлигини шикоят қилиб арз қила бошларди. Агар тўда орасидан кулги ёки ҳазил-мазах сўзлар эшитилиб қолса, дарҳол бетамиз билан даҳанаки жангга тушиб кетарди. Баъзи бировлар ростдан ҳам тиржайишиб туришар, бошқа бирлари бошларини чайқашарди; умуман, ўтақаси ёрилиб кетган болаларни судраб юрган телба хотинни томоша қилиш ҳаммага қизиқ кўринарди. Лебезятников айтган тоғора кўринмасди; ҳар ҳолда Раскольниковнинг кўзига кўринмади; лекин тоғора чалиш ўрнига Катерина Ивановна Полечкани ашула айтишга, Леня билан Коляни ўйнагани мажбур қилиб, уларнинг ҳаракатига мослаб қоқ суяк бўлиб қолган кўллари билан чапак чалиб турмоқда эди; бунинг устига ўзи ҳам ашулага қўшилишга уринар, лекин ҳар сафар сал ўтмасдан қаттиқ йўтал тутиб, овози узилиб қолар, шундан кейин яна ғазаби ошиб-тошиб кетар, йўталани қарғар, кўз ёши қиларди. Унинг Коля билан Ленини қўрқиб йиғлашларидан, айниқса, хуноби ошарди. Катерина Ивановна болаларни ростдан ҳам кўча ашу-

лачиларига ўхшатиб кийинтирмоқчи бўлганди. Ўғил болакай турк боласига ўхшаб кўринсин деб, унинг бошига қизил билан оқ мато аралаш салла ўралганди. Леняга эса кийим етишмай қолган шекилли, унинг бошига марҳум Семён Захаричнинг жун ипдан тўқилган қизил қалпоғи кийдирилган, қалпоққа эса Катерина Ивановнанинг бувисидан қолган ва шу пайтгача хонадоннинг ноёб нарсаси сифатида сандиқда асраб келинган туяқушнинг оқ пати қадалганди. Полечка ўзининг ҳар кунги кийимида эди. У ўзини йўқотиб қўйган, ойисига кўрқа-писа олазарак бўлиб қарар, кўз ёшларини яширар, ойисидан нари кетмас, унинг эсдан оғиб қолганлигини сезиб турар, юраги ўйнаб, атрофга алангларди. Кўча ва одамлар ҳаддан ташқари унинг эсхонасини ўйнатиб юборганди. Соня Катерина Ивановнанинг кетидан қолмас, йиғлар, уни уйга қайтишга ундар ва ёлворарди. Лекин Катерина Ивановна орқага қайтадиган эмасди.

– Бас қил, Соня, бас қил! – деб қичқирди лаби лабига тегмай, Катерина Ивановна, у гап орасида йўталар, бўғилиб қоларди. – Нима деётганингни ўзинг ҳам билмайсан, ёш боламисан ўзинг! Сенга айтдим-ку, бу арокхўр немис мегажиннинг уйига қайтиб оёғимни босмайман, деб. Бутун умрини ҳалол хизмат қилиб ўтказган олижаноб одамнинг болалари қандай қилиб тиланчилик қилаётганларини ҳамма, бутун Петербург бир кўриб, томоша қилиб қўйсин. Ахир, буларнинг отаси хизматини ўтаб туриб ўлмадим. (Катерина Ивановна ўз хаёлида шундай деб ўйлаб, кейин бунга қаттиқ ишониб қолганди.) Майли, майли, ўша ярамас, ўша чиллаки генерал ҳам кўрсин. Эсинг жойидами ўзи, Соня, энди қандай тирикчилик қиламиз ўзи, айт? Сени буткул хароб қилдик, бошқа истамайман, бас! Оҳ, Родион Романович, сиз ҳам шу ердами-

сиз! – қичқириб юборди у Раскольниковни кўриб қолиб ўзини унга томон отаркан, – ўзингиз манови тентак қизгинага айтинг, бундан кўра ҳам ақлли иш бўладими! Ҳатто шарманкачилар ҳам шундай қилиб тирикчилик қилишади, бизни бўлса ҳамма дарров билиб олади, булар йўқчиликда қолган етимчалар экан, олижаноб одамнинг болаларига ўхшайди, дейишади, анави генералнинг ҳам бир шармандаси чиқсин, ҳали кўрарсиз, бунинг учун уни ишдан ҳайдаб юборишади! Ҳар куни унинг деразасига бориб, тиланчилик қиламиз, подшоҳ ўтиб қолсалар, тиз чўкиб айтаман, мановиларнинг ҳаммасини кўрсатаман: «Ўзинг паноҳимсан, ҳимоя қил!», дейман. У етимларнинг паноҳи, раҳмдил, шафқат қилади, мана кўрарсиз ҳали, анави генерални бўлса... Лентя! tenez-vous droite!<sup>29</sup> Коля, сен ҳозир яна бир ўйнаб берасан. Нега ҳиқиллайсан? Яна ҳиқиллашини қаранг! Ўзи нимадан, нимадан кўрқасан, жиннивой! Худойим! Нима қилсам бўлади буларни, Родион Романович! Ҳеч нарсани туншунмайдилар-а! Нима қилиб бўлади булар билан!..

У шундай деб йиғламоқдан бери бўлиб (лекин оғзи сира гапдан тинмасди), ҳиқиллашиб турган болаларни Раскольниковга кўрсатарди. Раскольников уни уйга қайтишга ундаб кўрди ва, ҳатто ориятини келтирсам, балки гапга кўнар деб, сизнинг кўчаларда шарманкачиларга ўхшаб юришингиз уят бўлади, чунки сиз тез орада қизлар билим юртининг бошлиғи бўлишингиз керак-ку, деди...

– Билим юрти, ха-ха-ха! Хом хаёлдан ҳолва яхши! – дея қичқирди Катерина Ивановна, кулги устига уни қаттиқ йўтал тута бошлади, – йўқ, Родион Романович, хаёлнинг даври ўтди! Ҳамма бизни ташлаб кетди!.. Анави чиллаки генерал бўлса... Биласизми, Родион Романович, мен унга си-

<sup>29</sup> Tenez-vous droite – тўғри тур (франц.).

ёҳдон отдим, – хизматчилар хонасида столнинг устида қоғознинг ёнида турган экан, қоғозга қўл қўйиб ёзиларкан, мен ҳам қўл қўйиб қўя қолдим, башарасига қараб сиёҳдонни отдиму ура қочдим. О, аблаҳлар, аблаҳлар. Қуриб кетсин; энди манови чурвақаларни ҳам ўзим боқаман, ҳеч кимга ялинмайман! Шўрликни жуда эзиб юбордик! (У Соняни кўрсатди.) Полечка, қанча йиғилди, кўрсат-чи? Нима? Атиги икки тийинми? О, афтинг қурғурлар! Ҳеч нарса беришмайди, орқамиздан тилларини осилтириб чопишни билишади! Қаранг, манови куйдирилган калланинг кулишини? (Туда ичидан бировни кўрсатди.) Ҳаммаси Кольканинг ҳеч тушунмаётганида, жуда одамни саранг қилиб юборди! Нима дейсан, Полечка? Мен билан французча гаплаш. Ахир, мен сенга ўргатган эдим-ку, сен ахир, бир неча сўзларни билар эдинг-ку!.. Бўлмаса сизларни яхши хонадондан чиққан, тарбия кўрган болалар эканлигингни ким билади, шарманкачилардан фарқларинг қолмайди. Кўчага чиқиб «Петрушка»ни айтиб юрмаймиз-ку, ахир, кўркам бир романсни айтайлик... Ҳа, айтгандай! Нимани айтсак экан! Мени доим чалғитиб қўяяпсизлар, биз бўлсак... Биз бу ерда шунинг учун тўхтаган эдикки, Родион Романович, нимани айтишимни танлаб олоқчи эдик, шундай бўлсаки, Коля ҳам биз айтганимизда ўйинга тушса... Ҳали биласизми, биз яхши тайёргарлик кўрмаганмиз: пишиқ машқ қилиб олсак, иш юришиб кетади, кейин биз Невскийга борамиз, у ерда киборлар жамиятидан одамлар кўп бўлади, бизнинг кимлигимизни дарров билиб олишади. Леня «Хуторок»ни билади... Лекин ҳадеб «Хуторок», ҳадеб «Хуторок», ҳамма тағин шуни айтади! Биз бутунлай бошқа олижаноб бир нарсани айтишимиз керак... Қани, бирон нарсани ўйлаб топдингми, Поля, жуда бўлмаса сен ойингга

ёрдам берсанг бўлармиди! Эсим қурсин, хотира йўқ менда, бўлмаса ҳаммасини эслардим! «Қиличга суянган чавандоз»ни айтмасмиз, ахир! Оҳ, келинлар, французчалаб «Cinq sous»ни<sup>30</sup> айтамиз! Ахир, мен сизларга ўргатган эдим-ку, ўргатган эдим-ку. Бу французча бўлгани учун сизларни дарров дворяннинг боласи экан, дейишади, раҳмлари келади... «Malborough s'en vaten guerre»ни айтсак ҳам бўлар эди-ю нега десангиз, бу болалар айтадиган қўшиқ, уни бутун асилзодаларнинг хонадонларида алла қилиб айтишади.

*Malborough s'en va-t-en guerre,  
Ne sait quand revendra...*<sup>31</sup>

деб қўшиқ қилиб айта бошлади у... – Йўқ, яхшиси «Cinq sous»! Қани, Коля, қўллар ёнга, тезроқ, Леня, сен қарши томонга ўгирилиб айлан, биз Полечка билан ашула айтиб, чапак чалиб турамиз!

*Cinq sous, cinq sous...  
Pour monter notre menage...*<sup>32</sup>

Ўҳи-ўҳи-ўҳи! (Уни қаттиқ йўтал тутиб қолди.) Полечка, кўйлагингни тўғрилаб ол, елканг тушиб кетибди, – деди у йўтал орасида нафасини ростларкан. – Энди сизлар ўзларингизни жуда нозик ушлаларингиз керак, дворян болалари эканингизни ҳамма кўрсин. Айтувдим ўшанда сийнабандни узунроқ қилиб қаватлаб тикиш керак эди деб. Сен қилдинг-да, Соня, калтароқ, калтароқ бўлсин деб, болани бутунлай бедаво қилиб қўй-

<sup>30</sup> Cinq sous – «Беш тийин» (франц.).

<sup>31</sup> Мальбург йўлга чиқди,  
Қачон қайтар ноъмалум... (франц.).

<sup>32</sup> Беш тийин, беш тийин,  
Хўжаликни тиклашга... (франц.).

дик... Яна йиғи бошладингларми! Нима бўлди ўзи сизга, тентакларим! Қани, Коля, бошла, тезроқ, тезроқ тезроқ, тезроқ, – оҳ, бу тирмизак ҳеч нарса-ни эплалмайди!..

*Cinq sous, cinq sous...*

Яна зобит келяпти! Ҳа, сенга нима керак?

Чиндан ҳам тўда орасидан одамларни четга суриб, миршаб ўтиб келарди. Худди шу пайт ёши элликларга бориб қолган, вицмундир ва шинель кийган, бўйнига орден осган салобатли бир жаноб (Катерина Ивановнага, айниқса, унинг орденни маъқул тушди, орден миршабнинг ҳам бир оз шаштини пасайтириб қўйди) уларга яқин келиб Катерина Ивановнага индамасдан уч сўмлик кўк пул узатди. Унинг чеҳрасидан чин юракдан ачинганлиги кўриниб турарди. Катерина Ивановна ундан пулни олиб, одоб ва такаллуф билан унга таъзим қилди.

– Ташаккур сизга, марҳаматли жаноб, – дея гап бошлади Катерина Ивановна баланддан келиб, – бизни мажбур қилиб қўйган сабаблар... пулни ол, Полечка. Бахтсизликка учраган шўрлик дворян хотинга ёрдам беришга доим тайёр бўлиб турган олижаноб ва олиҳиммат одамлар борлигини ўз кўзларинг билан кўриб ол. Марҳаматли афандим, сиз наслу насабли хонадоннинг фарзандларини кўриб турибсиз, бу етимчаларнинг зодагон оилалар билан алоқалари бор эди... Жонининг ҳузуридан бошқа нарсани билмаган анави генералча бўлса... мени безовта қилдинг, деб оёқлари билан тегишиб ўтирибди менга... «Жаноби олийлари, дедим унга, сиз Семён Захарични яхши билардингиз, унинг етимчаларига шафқат қилинг, энг аблаҳ одамлар ичида энг аблаҳи бўлган бир кимса у ўлган кун унинг

қизини ҳақорат қилиб, бошига бўҳтон ёғдиргани учун...» Яна зобит келдими! Шафқат қилинг! – дея қичқирди у бояги жанобга қарата, – нега бу зобит мени тинч қўймайди? Биттасидан қочиб, бу ерга келган эдик... Э, сенинг нима ишинг бор, тентак!

– Кўчаларда бундай қилиб юриш ман қилинган. Тўполон қилманг.

– Ўзинг тўполончисан! Мен шарманкачига ўшаб юрибман, сенинг нима ишинг бор?

– Шарманка бўлса, унга рухсат олиш керак, сиз бўлсангиз ўзингиздан ўзингиз халқни безовта қилаётирсиз. Уйингиз қаерда ўзи?

– Рухсатингга бало борми, – бақириб юборди Катерина Ивановна. – Мен бугун эримни кўмиб келяпман, сенга яна қандай рухсат керак!

– Хоним, хоним, тинчланинг, – деди бояги жаноб, юринг, мен сизни олиб бориб қўяман... Одамлар ичида бундай қилиб юрманг... Сизнинг тобингиз йўқ...

– Марҳаматли жаноб, марҳаматли жаноб, сиз ҳеч нарсани билмайсиз! – қичқирарди Катерина Ивановна, – биз Невский кўчасига борамиз, – Соня, Соня! Қаёққа кетиб қолди-я? Бу ҳам йиғлаяпти! Э, нима бўлган ўзи ҳаммаларингизга!.. Коля, Леня, қаёққа? – деб қичқириб юборди у бирдан кўрқиб кетиб, – о, тентак болалар! Коля, Леня, қаёққа кетяпти булар ўзи!..

Одамлар тўдасини кўриб, ваҳималари келган, телба онанинг қилиқларидан жонлари безган болалар зобит келиб уларни қаёққадир олиб бормоқчи бўлаётганини кўргач, ўтакалари ёрилиб, худди келишиб олишгандай бир-бировларининг қўлчаларидан ушлаб ура қоча бошладилар. Шўрлик Катерина Ивановна фарёд кўтариб йиғлаб, уларнинг кетидан қувишга тушди. Йиғлаб, ўртаниб, зўрға нафас олиб бораётган бечора аёлга қараган одам-



нинг юраги эзилиб кетарди. Соня билан Полечка унинг орқасидан югуришди.

– Қайтар, қайтар, уларни, Соня! О, тентак, кўрнамак болалар!.. Поля! Ушласанг-чи уларни... Мен сизларни деб...

У ҳаллослаб чопиб борар экан, нимагадир қоқилди-ю гурс этиб йиқилди.

– Вой, ёмон йиқилди! Ё, Раббим! – қичқирди Соня унинг тепасига энгашиб.

Ҳамма чопиб келиб, уларни ўраб олди. Раскольников билан Лебезятников биринчи бўлиб етиб келишди; бояги жаноб ҳам, унинг орқасидан «Эхма!» – деб тўнғиллаган миршаб ҳам югуришиб келдилар. Миршаб иш чигаллашиб бораётганини кўриб, қўлини силтаб қўйди.

– Қочларинг! қочларинг! – деб ҳайдарди у атрофни ўраб олган одамларни.

– Ўляпти! – деб чинқирди кимдир.

– Жинни бўлиб қолибди! – деди аллаким.

– Худоё, ўзинг сақла! – деди бир хотин чўқиниб оларкан. – Ҳалиги қизгинани болакай билан ушлаб олишдимикин? Ҳув, ана, олиб келишяпти, каттагинаси тутиб келяпти... Вой, тирмизаклар-ей!

Лекин Катерина Ивановнани тузукроқ кўздан кечиришгач, Соня ўйлагандай унинг тошга йиқилмаганлигини, оқаётган қон унинг бўғзидан отилиб чиққанлигини кўрдилар.

– Мен буни биламан, кўрганман, – дея пичирларди бояги жаноб Раскольников билан Лебезятниковга, – бу сил; қон мана шундай отилиб чиқиб бўғиб қўяди. Менинг бир заифа қариндошим шундай бўлди, яқинда кўз олдимда ўлди, бир ярим стаканча қон... дафъатан... Бироқ нима қилинса экан? Ҳозир жони узилади.

– Бу ёққа, бу ёққа, меникига! – деб ёлворарди Соня, – мен мана бу ерда тураман!.. Манови уй,

иккинчиси... Тезроқ меникига, тезроқ!.. – чарх урарди одамлар атрофида у. – Шифокорга одам юборинглар... Ё, Раббим!

Бояги жанобнинг саъй-ҳаракати билан иш йўлга қўйилди, ҳатто миршаб ҳам Катерина Ивановнани кўтаришга кўмаклашди. Уни Соняникига ўлик-тириги маълум бўлмаган бир ҳолатда олиб кирдилар ва тушакка ётқиздилар. Қон ҳали ҳам силқиб ётар, лекин Катерина Ивановнанинг ҳуши бир оз ўзига келмоқда эди. Ҳамма хона ичига бирдан кирди, Соня, Раскольников, Лебезятниковдан ташқари бояги жаноб билан миршаб ҳам шу ерда эдилар, миршаб эшиккача келган одамларни қувиб юборди. Полечка қалтирашиб, мунграшиб йиғлашган Коля билан Леньяни қўлларидан ушлаб олиб кирди. Капернауумовлар ҳам чиқишди: сочлари чўткадек дикрайиб-дикрайиб турган, майриқ-майшиқ афти ангори жуда ғалати Капернауумовнинг ўзи, башарасидан бир умр қўрқиб яшаганлиги кўришиб турган унинг хотини ва доим ҳамма нарсага ҳайратланавериб, юзлари ёғочдек қотиб қолган, оғизлари ланг очилиб ётган уларнинг бир қанча болалари чиқдилар. Кутилмаганда одамлар орасида Свидригайлов ҳам пайдо бўлиб қолди. Раскольников уни боя издиҳом ичида кўрмаган эди, шунинг учун унинг қаердан келиб қолганлигини билолмай ҳайратланиб қаради.

Шифокор ва руҳоний ҳақида гаплашишди. Бояги жаноб Раскольниковга шифокорнинг энди кераги ҳам йўқ шекилли, деб шипшиган бўлса ҳам, лекин бари бир унга одам юборди. Шифокорга Капернауумовнинг ўзи кетди.

Бу орада Катерина Ивановна сал-пал нафасини ўнглаб олди, қон оқиши бир оз босилди. У ўз мангалайини рўмолча билан артаётган, ранги оқариб, титраб-қалтираган Соняга изтироб тўла ўткир

нигоҳ билан қараб турарди; ниҳоят, ўзини кўтариб қўйишни сўради. Унинг икки қўлтиғидан тутиб, тўшакка ўтқаздилар.

– Болалар қани? – деб сўради у заиф овоз билан.  
– Олиб келдингми уларни, Поля? Вой, тентаклар-ей!.. Нимадан қочиб юрибсизлар... Оҳ!

Унинг қуруқшаб қолган лабларида қон кўринарди. У ниманидир излаб атрофга кўз югуртира бошлади:

– Сен шу ерда турар экансан-да, Соня! Бир марта ҳам бу ерга келмаган эканман... буни қара-я...

У изтироб ичида Соняга қаради:

– Тоза қонингни сўрдик сени, Соня!.. Поля, Лёня, Коля, бери келинлар-чи... Ол, мана улар сенга энди, Соня, ҳаммаси сеники... Қўлдан қўлга ўтказдим... Менинг ишим битди!.. Базм тугади! Ҳаҳ!.. Туширинлар мени, тинчгина ўлгани қўйсанлар-чи...

Уни яна ёстиққа ётқиздилар.

– Нима? Руҳонийми?.. Керакмас... Ортиқча бир сўмни қаердан оласизлар?.. Мен гуноҳ қилган эмасман!.. Худо усиз ҳам кечирар мени... Бошимдан нималар кечди, ўзи кўриб тургандир!..

Борган сари унинг тили қалтираб қолмоқда, безовта довдирамоқда эди. Баъзан у титраб кетар, кўзларини атрофга югуртирар, бир зум ҳаммани таниб турар эди; лекин яна шу заҳоти алаҳдай бошларди. У хирқираб оғир нафас олар, бўғзида худди бир нарса қалдираётганга ўхшарди.

– Мен унга: «Жаноб олийлари!..» дедим... – дея қичқирарди у ҳар бир сўздан сўнг тин олиб, – бу Амалия Людвиговна... Оҳ! Лёня! Коля! Қўллар ёнга, тезроқ, тезроқ глиссе-глиссе, па-де-баск! Оёқларингни тақиллат... Чиройли бола бўл.

*Du hast Diamanten und Perlen...*<sup>33</sup>

Бу ёғи нимаиди? Ҳа, мана...

*Du hast die schönsten Augen,  
Madchen, was willst du mehr?*<sup>34</sup>

Ҳа, худди ўзи! Was willst du mehr, – аҳмоқнинг ўйлаб топган гапини қаранг!.. Ҳа, мана яна:

*Пешин чоғи Догистон доманида...*

Оҳ, қанчалар севардим... Мен бу романс деса ўлиб қолардим, Полечка!.. Биласанми, сенинг отанг... Куёв пайтларида айтарди буни... О, кунлар!.. Қанийди, қанийди бир айтсак! Қандай қилиб, қандай қилиб... Эсимдан чиқиб қолибди... Айтиб юбора қолсангиз-чи, қандай эди? – У ҳаддан ортиқ қаттиқ ҳаяжонга тушган, ўрнидан туришга уринарди. Ниҳоят, у ҳар бир сўзда бир қичқириб тўхтаб, хирилаган, хирқираган, даҳшатли бир товуш билан нимадандир борган сари ваҳимага тушиб айта бошлади:

*Пешин чоғи!.. Догистон доманида...*

*Кўксида бир парча қўргошин!..*

Жаноби олийлари! – деб қичқирди у юракни ўртаб юборадиган даражада фарёд кўтариб йиғлаб, – етимчаларга раҳмингиз келсин! Марҳум Семён Захаричнинг тузини ичгансиз! Асилзодаларга мансуб деса бўладиган!.. Ҳаҳ! – бирдан қалтираб кетди у ва эсдан оғиб қолди, даҳшат ичида ҳаммага кўз

<sup>33</sup> Сендадур олмосу дурлар... (нем.)

<sup>34</sup> Э кўзлари гўзал қиз

Сенга яна не керак? (нем.)

югуртирди, лекин Соняни кўриб, уни дарров таниди. – Соня, Соня! – эркалаб, майин гапирди у худди Соня ҳам шу ердалигидан ҳайрон қолгандай, – Соня, жоним, сен ҳам шу ердамисан?

Унинг бошини яна баландроқ кўтаришди.

– Бўлди, бас!.. Сафар қариди!.. Алвидо, мусибат қизи!.. Қирчанғининг ҳоли танг бўлди!.. Узилди-и-и! – деб қичқирди у ваҳима ичида ва боши билан ёстиққа шилқиллаб тушди.

У яна ҳушдан кетди, лекин энди бу узоқ давом этмади. Унинг обияти қочган, сарғайган рангсиз заҳил юзи орқа томонга чўзилиб тушди, оғзи очилиб, оёқлари дир-дир титраб узанди. У жуда ҳам, жуда ҳам чуқур хўрсинди ва жон берди.

Соня ўзини мурданинг устига отди, уни қучоқлаб, бошини марҳуманинг қоқ суяк бўлиб қолган кўкрагига қўйди. Полечка онасининг пойига чўк тушиб, унинг оёқларини ўпар ва ҳўнграб йиғларди. Коля билан Леня нима бўлганини ҳали яхши англамай, лекин қандайдир даҳшатли бир ҳодиса рўй берганлигини сезиб, икковлари бир-бирларини қучоқлаб олдилар-да, кўзларини кўзларига тикишиб биргаликда бирдан оғизларини очиб, бақира бошладилар. Икковлари ҳам ҳали бояги кийимларини ечмаган, бири салла ўраган, иккинчиси туяқуш пати қадалган қалпоқ кийганди.

Буни қаранг, яна қандай қилиб, ўша «мақтов қоғози» бирдан тўшак узра – Катерина Ивановнанинг олдида пайдо бўлиб қолди? Мақтов қоғози ёстиқ устида ётар, Раскольников уни шундоққина кўриб турарди.

Раскольников ўзини дераза томонга олди. Унинг олдига Лебезятников югургилаб келди.

– Ўлди! – деди Лебезятников.

– Родион Романович, сизга айтадиган икки оғиз сўзим бор эди, – деди унга яқинлашиб Свидригай-

лов. Лебезятников дарҳол жой бўшатиб, одоб юзасидан нарига кетди. Свидригайлов ҳайрон бўлиб қолган Раскольниковни нарироққа, бурчак томонга бошлади.

– Бунинг ҳамма ашқол-дашқолини, яъни кўмиш ва бошқа нарсаларини мен ўз бўйнимга оламан. Биласизми, пул бўлса бўлгани, мен сизга айтган эдим-ку, менда ортиқча пул бор, деб. Манови иккита полапон билан Полечкани мен тузукроқ етимлар уйига жойлаштираман ва вояга етгунларича ҳар бири учун бир ярим минг сўмдан маблағ ажратаман, Софья Семёновна ҳам бу томондан хотиржам бўлади. Унинг ўзини ҳам ботқоқдан тортиб чиқараман, чунки яхши қиз, шундай эмасми, ахир? Хўш, бўлмаса, Авдотья Романовнага шундай деб қўясиз, мен у кишига тегишли бўлган ўн минг сўмни мана шундай сарфлайдиган бўлдим.

– Бу хайру эҳсоннинг бир балоси йўқми ишқилилиб? – сўради Раскольников.

– Э-эҳ! Одамни ҳеч нарсага ишонтириб бўлмайди-да! – кулиб юборди Свидригайлов. – Сизга айтдим-ку, ахир, бу пуллар менда ортиқча пул деб. Нима, оддий одамгарчилик юзасидан қилолмайди, деб ўйлайсизми? Ахир, у «бит» эмасди-ку (у марҳума ётган ерни қўли билан нуқиб кўрсатди) аллақандай судхўр кампирларга ўхшаган. Қани, ўзингиз айтинг, ахир «Лужин тирик юриб аблаҳлигини қилаверсину сиз ўлиб кетаверасизми?» Мен ёрдам бермасам, ахир «Полечка ҳам ўшандай, ўша йўлдан боришга мажбур бўлиб» қолмайдими?

У буларни шўхлик билан кўзини аллақандай қисиб қўйган ҳолда Раскольниковга тик қараганча айтди. Раскольников ўзининг Соняга айтган гапларини унинг оғзидан эшитиб, ранги оқариб

муздай бўлиб кетди. У тез ўзини орқага олиб, Свидригайловга ўқрайиб қараб қолди.

– Сиз қаердан... биласиз? – пичирлади у зўрға нафас оларкан.

– Ахир, мен мана шу девор орқасида мадам Ресслихникида тураман. Бу ер Капернаумовники, у томон мадам Ресслихга қарайди, жуда эски ва садоқатли ҳамроҳим. Қўшнилармиз.

– Сиз-а?

– Ҳа, мен, – деди Свидригайлов силкиниб-силкиниб куларкан, – менинг гапимга ишонинг, азизим Родион Романович, сизнинг ишларингиз мени жуда ҳам қизиқтириб қўйди. Мен сизга айтудим-ку, тил топишамиз деб, башорат қилган эдим, мана қаранг, тил топишадиган бўлдик. Ўзингиз кўрасиз ҳали, мен жуда муомалага юрадиган одамман. Мен билан битишган одам кам бўлмайди, мана кўрасиз ҳали...

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### I

Раскольников учун ғалати кунлар келди: гўё унинг кўз ўнгини туман босган ва уни адоғи йўқ, офир ёлғизликка гирифтор қилиб қўйганди. Жуда кўп пайтлар ўтгандан сўнг бу кунларни эсларкан, у ўзининг ақли ҳуши ўқтин-ўқтин хира тортиб тургани, бу ҳолат буткул бир фалокат рўй бергунга қадар вақт-вақти билан давом этганлигини эс-эс хотирларди. У ўша маҳаллар кўп нарсалар юзасидан янглишганлигини, мисол учун, бўлиб ўтган баъзи бир воқеаларнинг муддати, қайси вақтда рўй берганлиги ҳақида хато тасаввурда бўлганлигига ишончи комил эди. Ҳар ҳолда кейинчалик хотираларини кавлаштирар ва хотирламоқчи бўлган нарсасини аниқ билиб олишга интиларкан, у ўзи ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олди, бунга бошқалардан эшитганлари ҳам қўшилди, албатта. Мисол учун, у бир воқеани иккинчиси билан қориштириб юборарди; бошқа бир воқеани эса ўзи ўз хаёлида тўқиб чиқарган, ҳақиқатда эса бўлмаган воқеанинг давоми сифатида тасаввур қиларди. Баъзан у жуда даҳшатли ва офир безовталик ичида қолар, кейин бу ваҳимали қўрқинчга айланиб кетарди. Яна шундай дақиқалар, соатлар ва, ҳатто кунлар бўлардики, у бутунлай руҳсизликка ботар, бу руҳсизлик гўё олдинги ваҳималарнинг акси каби туғилар ва баъзи бир ўлаётган одамларда бўладиган ланжлик ва руҳсизликка ўхшаб кетарди, булар унинг эсида эди. Умуман олганда, шу кейинги кунларда у ўзининг қандай аҳволга туш-



ганлигини ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришни ҳам истамас, бунга ҳафсаласи келмасди; аниқланиши шарт бўлган баъзи бир жиддий гаплар, айниқса унга офир келмоқда эди; лекин кўкрагини тош каби эзиб ётган ташвишлардан ўзини холи қилиб, улардан қочиб кетгиси келар, лекин бу ташвишларни бир зум бўлсин, унутиб бўлмас, унутиш эса унинг аҳволида ҳалокат билан баробар эди.

Айниқса, кўнгли Свидригайловдан нотинч эди, ҳатто бутун эс-ҳуши Свидригайлов билан банд эди. Катерина Ивановнанинг жони узилган бир пайтда Сонянинг уйида Свидригайловнинг оғзидан эшитилган аниқ-равшан сўзлар унга яхшиликдан дарак бермас, ўшандан бери унинг фикри хаёли ҳам ўзгариб қолганди. Унинг учун янгилик бўлган бу гап жуда ҳам бетинч қилиб турганлигига қарамасдан, Раскольников орани ойдинлаштиришга шошилмасди. Баъзида у ўзини шаҳарнинг чет ва холи бир чеккасида, алақандай ғариб қовоқхонада ёлғиз ўзи ўй ўйлаб столда ўтирган ҳолда кўриб қолар, бу ерга қандай қилиб келиб қолганлигини аниқ эслай олмас, шунда у бирдан Свидригайловни эслар, тезроқ бу одам билан гапни бир ёқлик қилмасам бўлмайдиганга ўхшайди, деб юрагига гулгула тушарди. Бир сафар у шаҳар ташқарисига чиқиб, Свидригайловни кута бошлади, назарида худди у билан шу ерда кўришмоқчи бўлиб келишгандай бўлиб туйиларди. Бошқа бир сафар эса у тонг қоронғисида буталар остида ётганча уйғониб кетди ва қандай қилиб бу ерга келиб қолганлигини сира ҳам англолмади. Ҳар ҳолда Катерина Ивановна вафот этгандан кейин ўтган мана шу икки-уч кун ичида у Сонянинг уйига боши оғиб бир зумгинага кириб чиққан кезлари икки маротабача Свидригайловни учратган эди. Бундай пайтларда улар ўзаро гапни қисқа қилишар, худди

вақти соати келгунга қадар асосий гапни бир чеккага йиғиштириб туришга келишиб олгандай эдилар. Катерина Ивановнанинг жасади ҳали тобут ичида ётарди. Свидригайлов кўмишга тайёргарлик кўриш билан овора эди. Сонянинг ҳам иши бошидан ошиб ётарди. Кейинги кўришган пайтларида Свидригайлов Раскольниковга Катерина Ивановнанинг болаларини тинчитиб, жойлаштирганлигини айтган эди; баъзи бир таниш-билишлар орқали учала етимчани ҳам дарҳол яхши етимхонага жойлаштирганлигини, уларнинг номларига қўйилган маблағ ҳам анча ёрдам берганлигини, чунки маблағи бор болаларни жойлаштириш йўқсилларнинг болаларини жойлаштиришга қараганда осонроқ эканлигини хабар қилди. У Соня ҳақида ҳам нималарнидир деди, шу кунларда Раскольниковнинг олдига бир кириб ўтмоқчилигини, «маслаҳатлашмоқчи, гаплашиб олдиган зарур ишлар борлигини» айтди. Бу гапларни улар зина олдидаги даҳлизда туриб гаплашмоқда эдилар. Свидригайлов Раскольниковнинг кўзига зингил солиб тикилиб, индамай турди-да, сўнг овозини пасайтириб сўради:

– Сизга нима бўлди ўзи, Родион Романович, жуда рангингизни олдириб қўйибсиз? Қаранг! Эшитиб, қараб турганга ўхшайсизу, лекин каллангизга ҳеч нарса кирмаётгандек. Дадил бўлинг. Ҳали бир отамлашамиз: кўрмайсизми, ишларнинг бошдан ошиб-тошиб ётганлигини, ўзингники етмагандай, ўзганики ҳам... Эҳ, Родион Романович, – деб қўшиб қўйди у бирдан, – одамзодга ҳаво керак, ҳаво, ҳаво... Ҳаммасидан зарури шу!

У зинадан чиқиб келаётган руҳоний билан унинг ёрдамчисини ўтказиб юбориш учун четланди. Улар мотам маросимини адо этиш учун келмоқда эдилар. Свидригайловнинг буйруғи билан ҳар куни икки маҳал шундай дуойи фотиҳа маросими

ўтказилаётганди. Свидригайлов ўз йўлига кетди. Раскольников ўйланиб турди-да, сўнг руҳонийнинг орқасидан Сонянинг уйига кирди. У эшик олдида тўхтади. Фамгин, батартиб, осуда ибодат бошланиш арафасида. Болалик пайтларидан бошлаб ўлим ва ўлимнинг мавжудлиги унинг онгида жуда даҳшатли, оғир ва фавқулодда қўрқинчли бир таассурот қолдирганди; бундан ташқари у не замонлардан бери ибодат қандай ўқилиши, маросим қандай ўтказилишини кўрмаганди. Бу ерда яна одамни даҳшатга соладиган, нотинч қилиб кўядиган бошқа бир нарса ҳам бор эди. Болалар ҳаммаси тобут олдида тиз чўкиб туришар, Полечка эса йиғларди. Уларнинг орқасида жимгина унсиз йиғлаган Соня дуо ўқиб турмоқда эди. «Шу кунлар ичида у менга бир марта ҳам қарамади ва бир оғиз ҳам гапирмади», – деган фикр ўтди Раскольниковнинг хаёлидан. Хонани офтобнинг нурлари тўлдирганди; бухурот дуди тараларди; руҳоний «Раҳматга ёр қил, Худоё»ни тиловат қиларди. Раскольников то ибодат тугагунча шу ерда турди. Руҳоний таскин бериб дуо қиларкан, атрофга ғалати қилиб қарарди. Ибодатдан сўнг Раскольников Сонянинг олдига борди. Қиз бирдан Раскольниковнинг қўлларидан ушлаб олди-да, бошини унинг кўкрагига қўйди. Унинг бу қилиғидан Раскольников қаттиқ ҳайратга тушди, ҳатто алланечук бўлиб кетди; қандай бўлди? Наҳот, ундан заррача ҳам нафрат қилмасалар, зиғирча ҳам жирканмасалар, наҳот, унинг қўли андаккина ҳам қалтирамаса! Бунда алақандай беҳудуд, чексиз-чегарасиз ўзни хўрлаш бордай эди. Ҳар ҳолда, у шундай деб тушунди. Соня бир оғиз ҳам гапирмади. Раскольников унинг қўлини сиқиб чиқиб кетди. У ўзини жуда ҳам ёмон сизди. Агар шу тобда бирон ёққа кетиш мумкин бўлганда, майлиди, мабодо

бир умр ёлғизликда яшашга мажбур бўлса ҳам у ўзини бахтли деб санаган бўларди. Лекин ҳамма гап шундаки, кейинги пайтларда у кўпинча ёлғиз қолаётган бўлса ҳам, лекин негадир ҳеч қачон ўзини ёлғиз деб ҳис қилолмасди. Унинг шаҳардан ташқарига, катта йўлга чиқиб кетган пайтлари бўлар, бир куни эса қандайдир дарахтзорга ҳам кириб қолди; лекин борган жойи қанча овлоқ ва хилват бўлса, алланима уни шунча яқиндан таъқиб қилаётганга, кузатаётганга ўхшар, бундан ўзини жуда нотинч сезар, бундан гарчи қўрқмаса ҳам, лекин ҳаддан ташқари ғашига тегар, шунинг учун ҳам иложи борича тезроқ шаҳарга қайтиб тушар, ўзини одамлар орасига урар, қовоқхоналарга кирар, трактирларда ўтирар, чайқов бозорга борар, Сенмаяга чиқарди. Бу ерда ўзини енгилроқ, хилватда тургандай сезарди. Қовоқхоналардан бирида оқшом чоғи ашула айтилаётган экан: у бир соатча эшитиб ўтирди, ўшанда бу, ҳатто ўзига хуш ёққандай ҳам бўлди. Лекин охирроғига бориб, у яна безовталаниб қолди; виждони қийналди: «Мен бу ерда ашула эшитиб ўтирибман-а, мен ашула эшитадиган одамманми?!» – дегандай фикр кечди унинг бошидан. Дарвоқе, яна у ўзини ташвишга солаётган нарса бу эмаслигини ҳам сизди; дарҳол, сира ҳам кечиктирмай ҳал қилиш зарур бўлган нимадир бор эди, лекин унинг нималигини билиб, сўз билан ифодалаб бўлмасди. Калаванинг учи йўқолганди. «Йўқ, бундан кўра қандай бўлмасин, кураш бўлгани тузук! Майли, яна Порфирий бўлса ҳам... ёки Свидригайлов... Қанийди яна биров таъқиб қила бошласа, яна кимдир тезроқ ҳужум қилиб қолса... Ҳа, ҳа! – деб ўйларди у. Қовоқхонадан чиқиб, сал бўлмаса боши оққан ёққа қочиб кетай деди. Дуня билан ойисини ўйлаб, бирдан юрагига ваҳима тушди. Худди шу кеча у тонг отмасдан

Крестовский оролидаги бир бута тагида совқотган, дир-дир қалтираган ҳолда уйғонган; уйга қайтиб, тонг азонда етиб келди. Бир неча соат ухлаб тургач, титроғи босилди, лекин ўрнидан жуда кеч уйғонди: турганда пешин соат иккилар бўлиб қолганди.

Бугун Катерина Ивановнани кўмиш маросими тайинланганлигини эслади ва маросимдан кеч қолганидан енгил тортди. Настасья унга таом олиб келди; у жуда оч қолган кишидай ютоқиб, зўр иштаҳа билан овқатланди. Унинг мияси жуда тиниққан, ўзи кейинги уч кун мобайнида энди бир оз тинчланган эди. У ҳатто ўзининг бунчалар ваҳимага тушганлигидан пича ҳайрон ҳам бўлди. Эшик очилиб, Разумихин кириб келди.

– А! Овқат туширяпти, демак бетоб эмас! – деди Разумихин ва курси олиб, Раскольниковнинг қаршисига ўтирди. У ташвишли кўринар, буни яширмас ҳам эди. У бир нарсадан хафа бўлган одамдай сўзлар, лекин шошилмас, овозини ҳам унчалик кўтармасди. Афтидан, у жуда ҳам бошқача бир фикр ва бошқача бир қарорга келиб қўйганга ўхшарди. – Менга қара, – деди у дадил, – менга деса ҳаммаси қуриб кетмайдими, лекин шу кўзларим билан кўриб турган, аниқ-ойдин кўриб турган нарсаларимдан ҳеч нарса тушунолмаётирман: илтимос, мени сўроқ қилгани келибди, деб ўйлама тағин. Қуриб кетсин ҳаммаси! Ўзим хоҳламайман! Керак бўлса ҳамма махфий гапларингни энди ўзинг гапириб берасан, балки ҳали у гапларингни эшитишни ҳам истамасман, тупураману ўрнимдан туриб кетавераман. Мен ҳозир гапнинг пўскалласини, гапнинг ўғил боласини билгани келдим: биринчидан, сенинг жинни бўлиб қолганинг ростми? Биласанми, сен ҳақингда, (у-бу ерларда, албатта) телба бўлиб қолган ёки телбаликка мойил, деган

фикрлар мавжуд. Сенга очигини айтишим керакки, мен ҳам шу фикрга ўз вақтида қўшилмоқчи бўлгандим, биринчидан, бунга сенинг тентакларча ва қисман қабиҳона қилиқларинг (уларни нима деб тушунтиришни ҳам билмайсан киши), иккинчидан, кўпи кечагина ойинг билан синглингга кўрсатган ҳунаринг сабаб бўлди. Агар телба бўлмаса, фақат ваҳший ва аблаҳ одам сен қилган ишни қилиши мумкин, бундан келиб чиқадики, сен телба бўлиб қолгансан...

– Уларни қачон кўрган эдинг?

– Ҳозир Сен ўзинг ўшандан бери ҳали кўрмагандирсан? Марҳамат қилиб айтиб берсанг, қаерларда уззуккун санқиб юрасан, сенинг олдингга уч марта келдим, йўқсан. Ойинг кечадан бери мазаси йўқ, касал. Сенинг олдингга келаётган эди; Авдотья Романовна қайтарди; ҳеч нарсани эшитишни истамайди: «Агар у касал бўлса, дейди, агар унинг эс-ҳуши жойида бўлмаса, унга онасидан бошқа ким ёрдам беради?» Бу ерга ҳаммамиз биргаликда келдик, ахир, уни ёлғиз юбориб бўлмайди-ку. То эшигингни олдига келгунча уни юпатиб келдик. Келсак, йўқсан; ойинг мана бу ерда ўтирди. Ўн дақиқача индамай ўтирди, биз тепасида турдик, индамадик. Ўрнидан туриб: «Кўчаларга чиқиб юрган бўлса, касал бўлмагани шу, ойисини эсдан чиқариб қўйибди, шунинг учун ойисининг келиб тиланчига ўхшаб остонада туриб, хайр-садақа сўраши жоиз эмас, уят», деди. Уйга қайтиб келиб ётиб қолди; иситмалаб ётибди ҳозир: «Кўриб турибман, ўз суйганига вақт топади», дейди. Унингча, сенинг суйганинг Софья Семёновна экан, у ким, қаллиғингми, маъшуқангми, билмайман. Мен дарҳол Софья Семёновнанинг уйига қараб йўл олдим, нега десанг, биродар, ҳаммасини ўзим билиб келмоқчи бўлдим, борсам

– тобут турибди, болалар чирқирашяпти. Софья Семёновна уларга мотам кийими бичяпти. Сен эса йўқсан. Кўрдиму узр сўраб орқага қайтдим, Авдотья Романовнага келиб, ҳаммасини бирма-бир айтиб бердим. Ҳаммаси бемаъни гаплар, унинг ҳеч қанақа ўз суйгани йўқ, телбаликдан бошқа нарса эмас, дедим. Сен бўлсанг, қайнатма шўрванинг гўштини тушириб ўтирибсан, уч кун овқат кўрмаган одамга ўхшаб, дейлик, телба бўлиб қолган одамлар ҳам албатта, овқат ейдилар, лекин сен менга бир офиз гапирмаган бўлсанг ҳам, лекин сен... Телба эмассан! Қасам ичаман. Сира телба эмас. Менга деса ҳаммаси қуриб кетмайдими, нима ишим бор, ҳаммаларингизни сирларингиз бор, гап яширасизлар нуқул; мен сизларнинг хуфия гапларингиз устида бошимни қотириб ўтирмоқчи эмасман. Шу бир юрагимни бўшатиб чиқай, дедим, – деди у ўрнидан қўзғаларкан, – бир сўкиниб хумордан чиқмасам бўлмай қолди, энди нима қилишимни яхши биламан!

– Нима қилмоқчи экансан, қани?

– Сенинг нима ишинг бор, нима қилишим билан?

– Эҳтиёт бўл, ичкиликка берилиб кетасан!

– Қаердан... Қаердан бидинг буни?

– Ол-а, гапини қаранг!

– Разумихин бир дам жим бўлиб қолди.

– Сен доим мулоҳазали йигит эдинг, сен ҳеч қачон, ҳеч қачон телба бўлган эмассан, – деди Разумихин қизфинлик билан. – Шундай: ичаман энди! Хайр! – У кетиш учун қўзғалди.

– Уч кун бўлди шекилли, сен ҳақингда синглимга гапирдим, Разумихин.

– Мен ҳақимда! Сен... уч кун бурун уни қаёқдан кўра қолдинг? – бирдан таппа-тақ тўхтаб қолди

Разумихин ва, ҳатто, пича оқаринқираб кетди. Унинг юраги секин зарб билан ура бошлаганини бемалол сезиш мумкин эди.

– Унинг ўзи бу ерга келди, бир ўзи, ўтириб мен билан гаплашди.

– Ўзи дейсанми?

– Ҳа, ўзи.

– Сен унга нима дединг... мен ҳақимда нима дединг, демоқчиман?

– Мен унга сени жуда яхши, софдил ва меҳнаткаш одам, деб айтдим. Уни севишингни синглимга айтиб ўтирмадим, чунки буни унинг ўзи ҳам билади.

– Ўзи ҳам билади?

– Қандай одам бу ўзи! Мен қаерга кетмай, мен билан нима бўлмасин, бошимга нима тушмасин, сен уларга суянч бўлиб қолсайдинг. Нима десамикин, уларни сенга топширяпман, Разумихин. Буни айтаётганлигимнинг сабаби, уни қандай севишингни биламан, юраги пок йигит эканлигинга ишонаман. У ҳам эҳтимол, сени севиб қолар, балки севиб ҳам қолгандир, буни ҳам биламан. Ана энди, ўзинг ҳал қил, нима яхши, ичишинг керакми, керакмасми.

– Родька... биласанми... анави... эҳ, жинни! Сен ўзинг қаёққа кетмоқчисан? Биласанми, бу сир бўлса, майли! Лекин мен... Мен сирингни билиб оламман... Ҳаммаси бемаъни бир гап, бўлмағур, арзимаган нарсалар бўлса керак, яна ҳаммасини ўзинг тўқиб чиқаргансан, мен бунга ишонаман. Айтсам, сен жуда ажойиб йигитсан! Ажойиб йигитсан!..

– Боя сенга айтиб қўймоқчийдим, ўзинг гапимни бўлдинг, яширин, бекитиқча, бу гапларни яхшиси билмаганинг маъқул. Тинчлан, вақти соати билан ҳаммаси ўзи ойдин бўлади. Керак пайтида ҳаммасини билиб оласан. Кеча менга бир одам айтди, инсонга ҳаво керак, ҳаво, ҳаво, деди! Мен



ҳозир унинг олдига бориб, бунинг маъносини сўраб келмоқчиман.

Разумихни ҳаяжонланган ҳолда ниманидир ўйлар, ниманидир мулоҳаза қиларди.

«Бу сиёсий исёнчи бўлса керак! Худди ўзи! У афтидан жиддий бир иш арафасида турибди шекилли! Бошқача бўлиши мумкин эмас ҳам... Дуня ҳам билади...» – деб ўйланди у бирдан ўзича.

– Сенинг олдингга Авдотья Романовна келиб тураркану, – деди сўзларни дона-дона қилиб Разумихин, – сен ўзинг бўлсанг, ҳаво керак, ҳаво керак, деган киши билан учрашмоқчи бўласан, демак... Демак, ўша хат ҳам... Шунақа тахлитдаги ишлардан бўлсамикин, – деб хулоса қилди у ўзига ўзи гапириб.

– Қандай хат?

– Синглинг бугун бир хат олди, жуда безовталаниб қолди. Жуда. Ҳаддан ташқари. Мен сен ҳақингда гап бошловдим, илтимос, гапирманг, деди. Кейин... Кейин тезда кўришмай қолсак керак, деди, менга жуда қаттиқ миннатдорчилик билдира бошлади; кейин ўз хонасига кириб кетиб ичкаридан беркитиб олди.

– У хат олибдими? – хаёлчан сўради Раскольников.

– Ҳа, хат; нима сен билмаганмидинг?

– Ҳм.

Икковлари жим бўлиб қолдилар.

– Хайр, Родион. Мен, биродар... шундай бўлиб қолдики... Майли энди, хайр, биласанми, шундай бўлиб қолдики... Бўпти, хайр! Мен боришим керак. Ичмайман. Энди кераги йўқ... бўлмаган гап.

У шошилиб қолганди, лекин чиқиб эшикни эндигина ёпган эди ҳамки, яна қайта очиб, кўзини бошқа томонга тикиб шундай деди:

– Айтгандай! Анави, одам ўлдиришгани эсингдами, Порфирий-чи, анави кампир-чи? Ана ўша

кампирни ўлдирган топилибди, ўзи келибди, бўйнига олибди, далиллар келтирибди. Бу ўша ишчиларнинг бирови экан, эсингдами, бўёқчилар, мен уларни тоза ҳимоя қилгандим-ку? Ишонасанми, зинада қилган тўполон-жанжалларини қоровул билан икки гувоҳ чиқиб келаётганда атайдан қилган экан ўзининг ўртоғи билан, чалғитмоқ-чи бўлган экан-да. Ўзи кучук болага ўхшайди-ю, лекин қилган устомонлигини, ўзини тутишиини қара-я, занғарни? Одам ишонмайди, лекин ўзи ҳаммасини айтиб, тушунтириб, бўйнига олибди! Мен ҳам тоза валақлаган эканман-да ўшанда! Майли, бу устомонликнинг даҳоси, фаҳм-фаросатнинг зўрлиги бўлса керак, ҳуқуқ тузоқларига чап беришнинг улуг намунаси; шундай бўлгач, бунинг унчалар ҳам ҳайрон қоладиган ери йўқ! Шундай одамлар бор-ку, ахир? У чидолмай бўйнига олган экан, бунга мен яна ҳам кўпроқ ишонаман. Ҳақиқатга яқинроқ... Лекин мени қара, мени қара-я, тоза изза бўлдим-ку! Уларни деб жонимни жабборга бериб юрибман-а!

– Айт-чи, сен буларни қаердан билдинг, нега сен бу нарсага жуда қизиқиб қолдинг ўзи? – деб сўради ҳаяжони ташқарига тепчиб чиққан Раскольников

– Гапингни қара! Нега қизиқиб қолдинг эмиш! Сўрайди тағин! Мен бошқалар қатори Порфирийдан эшитдим. Ҳаммасини ундан билдим десам ҳам бўлади.

– Порфирийдан?

– Ҳа, Порфирийдан!

– Нима... Нима деди у? – қўрқиб сўради Раскольников.

– У менга жуда болаб тушунтириб берди. Ўзи-ча, руҳий йўл билан тушунтирди.

– Тушунтириб бердими у? Шахсан ўзи тушунтириб бердими?

– Ўзи, ўзи; хайр! Кейин яна бир нарсани айтиб бераман, ҳозир ишим бор. У ерда... Шундай бўлиб қолдики, мен ўйлабманки... Бўпти, майли; кейин!.. Энди нима қиламан ичиб. Сен мени ичирмасданоқ жуда маст қилиб қўйдинг. Мен маст бўлиб қолдим, Родька! Ичмасам ҳам ҳозир жуда мастман, бўпти, хайр бўлмасам; тезда олдинга келаман.

У чиқиб кетди.

«Бу сиёсий исёнчи, худди ўзи, худди ўзи! – ўзича алоҳал бир қарорга келди зинадан тушиб бораркан Разумихин. – Сингисини ҳам тортган бу ишга; Авдотья Романовнанинг феъли атворига қараганда, бунинг сира ажабланадиган ери йўқ. Бир-бирлари билан учрашиб туришганмиш... Авдотья Романовна менга сал учини чиқаргандай бўлган эдилар-а. Унинг баъзи сўзлари... иборалари... ишораларига қараганда, ҳаммаси ўзим ўйлагандай бўлса керак! Бўлмаса, бу шунақанги чигал бўлиб кетганки, сира тушуниб бўлмайди? Ҳм! Мен бўлсам ўйлабманки... О Худо, хаёлимга келган нарсани қаранг-а. Ҳа, тоза миям ҳам ғовлаб кетган пайт бўлса керак, мен унинг олдида гуноҳқорман! Ўшанда Родионнинг ўзи йўлакда чироқ олдида миямни чувалаштириб юборган. Туф-ей! Одам ҳам бунчалар ифлос, тўпори, қабиҳ ўйлайдими! Николка азаматгинани қаранг, бўйнига олганлигини... Энди олдинги нарсаларни ҳам одам тушунса бўлади! Бечорани касал жуда эзиб юборган экан-да, нега бунинг ҳамма одатлари ғалати-ғалати деб юрардим-а, ўзим ҳам, илгарилари университетда юрган пайтларида ҳам қачон қараса қовоғини солиб, зардасидан захар тсмиб турарди... Бироқ анави хатда нима дейилган экан-а? Бунда ҳам бир гап бўлса, эҳтимол.

Кимдан келган экан у хат? Билишимча... Ҳм. Йўқ, мен бунинг ҳаммасини билишим керак».

У Дунечкани ўйлаб, ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўриб, бирдан юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. У шиддат билан жойидан қўзғалиб югуриб кетди.

Разумихин чиқиб кетиши билан Раскольников ўрnidан турди, деразага қараб ўгирилди, у бурчакка борди, бу бурчакка борди, тўртинди худди ҳужрасининг торлигини унутиб қўйгандай, кейин... яна қайтиб диванга ўтирди. У бутунлай бошқатдан туғилгандай бўлди; яна кураш – демак, ҳали яшаш мумкин!

«Ҳа, ҳали яшаш мумкин! Бўлмаса, ҳаммаси жуда тикилиб, ҳиқилдоққа келиб, қимирлатмай қўядиган эди, одамнинг жуда боши ҳам айланиб кетди-ей. Порфирийнинг олдида Миколка билан бўлган воқеадан бошлаб, у ўзини қаерга қўйишни билмай қолди, тангу торлик уни эзиб ташлай бошлади. Миколкадан кейин ўша куниеқ Сонянинг ҳузурида яна бир воқеа бўлиб ўтди; буни ҳам у ўзи олдин тасаввур қилган, ўйлаган даражада дўндиролмади, бутунлай бошқача бўлиб чиқди ҳаммаси... Демак, бутунлай ва тамоман заифлашиб, ожиз бўлиб қолганлигининг натижаси бу! Бирданига! Ахир, ўшанда у Сонянинг фикрига қўшилди-ку, одам ёлғиз ўзи бундай нарсани кўтариб кетолмаслигига имони комил бўлди-ку! Свидригайлов-чи? Тоза жумбоқ бўлди бу Свидригайлов... Свидригайлов уни нотинч қилиброқ турибди, лекин бошқа бир томондан ҳали эҳтимол Свидригайлов билан ҳам олишиб кўришга тўғри келиб қолар. Свидригайлов ҳам, балки бутун бир якун-оқибат бўлса бордир; лекин Порфирий бошқа гап, демак, Порфирий Разумихинга шахсан ўзи тушунтириб берибди-да, яна руҳий йўл билан тушунтирибди!

Яна ўзининг лаънати психологиясини асос қилиб келтира бошлабди-да! Порфирий-я? Миколка келмасидан бурун юзма-юз туриб, гаплашган чоғларида бўлиб ўтган нарсалардан кейин, фақатгина бир нарса билангина изоҳлаш мумкин бўлган ўша воқеадан кейин Порфирий Миколка айбдор, деган гапга бир зум бўлса ҳам ишонмагандир, ўла қолса ишонмас бунга? (Шу кунларда Порфирийнинг хонасида бўлган воқеа бир неча маротаба Раскольниковнинг хотирасидан узук-юлуқ тарзда ўтди; агар ҳаммасини бир бошдан эслайдиган бўлса, бунга у чидолмаган бўларди.) Ўшанда икков бир-бирларига шундай сўзларни айтдиларки, шундай ҳаракатлар, ишоралар қилдиларки, шундай нигоҳлар ташладиларки, шундай оҳанг билан сўзладиларки, шундай бир нуқтага бориб етдиларки, булардан кейин алақандай Миколка (Порфирий каби одам Миколканинг кимлигини ўша дамнинг ўзидаёқ дарров билиб олганди) Порфирийнинг ишончини заррача бўлсин, барбод қилолмасди, албатта.

Ё тавба! Ҳатто Разумихиндай одам ҳам ахир шубҳалана бошлаган эмасмиди! Йўлакда чироқ олдида бўлган гап унинг учун беиз кетмаганди. Шундан кейин у Порфирийнинг олдига югургилаб борган... Лекин нима учун униси бунисини лақиллата бошладийкин? Разумихиннинг хаёлини Миколкага қараб, буриб юборишдан унинг мақсади нимакин? Бунинг тагида бир нарса бўлса керак, бир нарсани ўйлаган, шубҳасиз; бир нияти бор кўзлаган, лекин қандай? Тўғри, ўша кунги эрталаб бўлиб ўтган воқеадан бери анча-мунча вақт ўтди, ваҳоланки, бу пайт ичида Порфирийдан сира дарак бўлмади. Албатта, булар ҳаммаси бежиз эмас...» Раскольников фуражқасини олиб, хаёл сурганча, хужрадан чиқа бошлади. Ҳар ҳолда шунча кунлар ичида у ўзини эндигина, шу бугун

яхши ҳис қилиб туриши эди. «Свидригайлов билан гапни бир ёқлик қилиш керак, – деб ўйларди у, – нима бўлганда ҳам, қандай қилиб бўлмасин, тезроқ бир ёқлик қилмаса бўлмайди; бу кишим ҳам афтидан менинг қадам ранжида қилишимни кутаётганга ўхшайди».

Шу дақиқада унинг ҳорғин юрагида шу қадарли ҳам қаттиқ ғазаб уйғондики, эҳтимолки ҳозир шу икковдан бири: Свидригайловми ёки Порфирийми дуч келиб қолса ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмасди. Ҳар ҳолда ҳозир бўлмаса ҳам кейинчалик у шундай қилишга қурби етишини сизди. «Кўрамиз, кўрамиз», – деб такрорларди у ичида.

Бироқ у даҳлиз эшигини эндигина очган эди ҳамки, Порфирийнинг ўзига дуч келди. У Раскольниковнинг олдига келаётган экан. Раскольников бир дақиқа анграйиб қолди. Қизиқ, у Порфирийнинг келганига ҳайрон бўлмади ва унчалик кўрққани ҳам йўқ. Фақат у титраб кетди, холос ва шу заҳоти бир зум ичида ўзини ўнглаб олди. «Тугун ечиладиганга ўхшайди, балки! Лекин у қандай қилиб жимгина, худди мушукка ўхшаб келиб қолдйкин, мен ҳеч нарсани эшитмай ҳам қолибман? Наҳотки, ташқаридан тинглаб турган бўлса?»

– Меҳмон кутмовдингизми, Родион Романович, – деб хитоб қилди Порфирий Петрович кулиб. – Анчадан бери ўтаман дейман, мана ҳозир кела туриб бир кириб ўтай, икки оғиз гаплашай, дедим. Бир ёққа кетяпсизми? Майли, бемалол. Фақат битта папирос чекиб олсам, ижозат берсангиз.

– Э, ўтиринг, ўтирсангиз-чи, Порфирий Петрович, – меҳмонни ўтиришга қистади Раскольников, у буни худди меҳмон келганига хурсанд бўлиб кетган одамдай дўстона бир оҳангда айтдики, агар ташқаридан ўзининг шу хатти-ҳаракатига қараб, кўриш имкони бўлганда ўзига ўзи жуда ҳайрон

қолган бұларди, балки. Ҳамма қотирмалар кўчиб тушмоқда, ҳамма қолдиқ-қуйқалар қиртишланиб кўчмоқда эди! Баъзан одам қароқчининг қўлига тушиб қолганда, бир оз вақт қўрққанидан юраги қинидан чиқиб кетади, сўнг пичоқ бутунлай бўғзига тақалгач, бояги ҳамма қўрқинчларидан асар ҳам қолмайди. Раскольников тўғри Порфирийнинг рўпарасига ўтириб, кўзини ундан узмай тикиларди. Порфирий кўзларини қисиб олган куни папирос чека бошлади.

«Қани, гапирмайсанми, гапинг бўлса, гапир, – юрагидан отилиб чиққудай бұларди Раскольниковнинг. – Қани, нимага, нимага, нимага индамай ўтирибсан?»

## II

– Шу папирос деган нарсани олинг! – деб гап бошлади ниҳоят чекиб, нафасини ростлаб бўлган Порфирий Петрович, – турган-битгани зарар, кони зиён, лекин ҳеч ташлаб юборолмайман! Йўтал тутадиган, томоғим қурийдиган, нафасим сиқадиган бўлиб қолди. Биласизми, менда юракдан йўқроқ, яқинда Б – нинг олдига борган эдим, ҳар битта касални энг қисқаси ярим соатдан кўряпти; менга қараб кулиб ҳам юборди: дукиллашиб кўрди бармоғи билан, қулоқ солиб кўрди, кейин сиз чекмаслигингиз керак, деди; ўпкам кенгайган эмиш. Лекин буни қандай қилиб ташлайман? Ташлагандан кейин нима қиламан? Унинг ўрнини нима билан босаман? Яна бир чатоқ жойи, ичмайман, ҳе-ҳе-ҳе, ичмаганим, шу жуда чатоқ! Ҳамма нарсани нисбатан, ўз ўрнида яхши, Родион Романович, нисбатан яхши!

«Нима, яна эски дийдиёсини бошлаяптими ўзи бу одам!» – нафрати қўзиб, хаёлидан ўтказди

Раскольников. Кейинги сафар учрашган пайтларидаги ҳамма бўлган воқеалар бирдан лоп этиб, унинг эсига тушди ва ўшанда ўзини ўртаган туйғулар гирдобиде қолди яна.

– Мен уч кун бўлди, кечки пайт олдингизга келгандим; сизнинг хабарингиз йўқдир? – деб гапини давом эттирди Порфирий Петрович хонани кўздан кечираркан, – мана шу хонангизга кирдим. Ўшанда ҳам шу бугунга ўхшаб, ўтиб кетаётган эдим, кел, бир кириб кўриб чиқай дедим. Келсам, хонангиз ланг очилиб ётибди; бирпас қараб турдим, кейин хизматчи хотинга ҳам айтиб ўтирмасдан чиқиб кетдим. Эшикни беркитмай юрар экансиз-да?

Раскольниковнинг чеҳраси борган сари тундлашиб кетмоқдайди. Порфирий унинг фикрини уққандай бўлди.

– Сизга айтадиган гапларим бор эди, барака топкур, Родион Романович, шуларни айтгани келдим! Буларни айтиш менинг бурчим ҳам вазифам, – деб гапида давом этди у илжайган ҳолда, ҳатто кафти билан Раскольниковнинг тиззасига уриб ҳам қўйди, бироқ яна шу заҳоти унинг чеҳраси жиддий тортди, унда ташвишли бир ифода пайдо бўлди, ҳатто Раскольниковнинг ҳайрон қилган жойи – маъюслашиб ҳам қолди. Раскольников унинг юзида ҳеч қачон бундай ифодани кўрмаган, кўраман деб хаёлига ҳам келтирмаганди. – Ўша қуни ўртамизда жуда ғалати гаплар бўлиб ўтди, Родион Романович. Ундай десам, биз биринчи маротаба кўришган чоғимизда ҳам шунга ўхшаш ғалати гаплар бўлиб ўтганди, лекин у пайтда... Лекин энди ҳаммаси бири бирига тўғри келиб турибди! Шундай гаплар; мен, эҳтимол, сизнинг олдингизда жуда ҳам қаттиқ гуноҳкор бўлсам керак; мен буни сезиб турибман. Эсингиздами, бир-биримиз билан қандай хайрлашганимиз: сизнинг ҳам



асабларингиз ўйнаб кетган, тиззаларингиз қалтираган, менинг ҳам асабларим ўйнаб, тиззаларим қалтираган эди. Биласизми, ўшанда нима ҳам бўлиб, бир-биримизга қўполлик қилиб юбордик, жуда дағал гаплашдик. Ваҳоланки, биз муомалани биладиган одамлармиз-ку; нима бўлганда ҳам биз ҳеч қачон муомалани унутмайдиган кишилармиз, демоқчиман; буни тушунмоқ керак. Ахир, эсингиздадир, нималар демадик, гап нималарга бориб тақалмади... жуда, жуда уят бўлиб кетди-е.

«Бу ўзи нима деяпти, мени ким деб ўйляпти ўзи?» – деб ўзига ўзи савол берарди ҳайратда қолган Раскольников бошини кўтарганча Порфирийга кўзини катта очиб тикиларкан.

– Мен ҳамма гапларни очиқчасига гаплашиб олганимиз маъқул деган фикрга келдим, – дея давом этди Порфирий Петрович бошини бир оз орқага тортиб ва ўзининг домига тушган одам башарасига тик қараб, уни ортиқ безовта қилмаслик учун кўзларини ерга тикар экан, у худди ўзининг олдинги усулларида, тузоқ қўйишлардан воз кечганга ўхшарди, – шундай, бунақанги шубҳаланишлар, қочириқлар, чандишлар узоқ давом этиши мумкин эмас. Ўшанда тагин ҳам орамизга Миколка кириб қолди, бўлмаса билмайман, қаергача борган бўлардик. Анави ярамас ҳунарманд ўшанда тўсиқнинг орқасида ўтирган эди, буни тасаввур қила оласизми? Албатта, энди бундан сизнинг хабарингиз бўлса керак; кейин унинг сиздан кечирим сўраб борганлигини ҳам биламан, лекин ўшанда сиз тахмин қилган нарса ҳали йўқ эди; мен ҳеч кимни олиб келишни буюрмаган, бир қарорга келмаган эдим. Балки нега бундай қилдингиз, деб сўрарсиз? Сизга нима десам экан: ўзим ҳам ўшанда калаванинг учини тополмай, гаранг бўлиб турган эдим. Ҳовли қоровуларини чақиртириб

келишга ҳам зўрға улгурдим. (Қоровуларга кўзингиз тушган бўлса керак албатта.) Ўшанда бошимдан бир фикр яшиндай ўтган эди; ахир мен жуда қаттиқ ишонган эдим, Родион Романович. Майли, вақти соати келгунча бирини қўлдан чиқарсам, бошқасини жуда бўлмаса, думидан босиб ушлаб оламан-ку, дедим, лекин ҳеч бўлмаганда айтганимнинг устидан чиқаман, деб ўйладим. Сизнинг табиатан жуда жаҳлингиз тез, Родион Романович; ҳаддан ташқари тез, сизнинг феъл-атворингиз ва юрагингизни қандайлигини билганимдан айтаётирман бу гапни, сизнинг қандай одамлигингизни гарчи тўла-тўкис бўлмаса ҳам, лекин қисман билиб олишга муяссар бўлдим, деб баъзан ўзимга ўзим мақтаниб қўяман. Албатта, камдан-кам одам дарҳол ўрнидан туриб, юрагидаги ҳамма гапни очади, мен ўша пайтда ҳам иш оппа-осон кўчади, деб ўйламаганман. Бундай воқеалар ҳам бўлиб туради, айниқса, одамнинг тоқатини тоқ қилиб юборилса, жони ҳиқилдоғига келиб кетса, шундай бўлади, лекин бунақаси онда-сондагина учрайди. Бунга менинг ҳам ақлим етарди. Йўқ, дейман, мен озгина учини топиб олсам бўлди! Жиндаккина бўлса ҳам учи чиқса бўлди эди, дейман, шундоқ қўлимга илинтириб олсам бас эди, қўлга илинса бўлди эди, дейман, бўлмаса, ёлғиз руҳият билан иш битириб бўлармиди. Нега десангиз, ҳамондаки, одам айбдор бўлса, ҳар ҳолда ундан бир гап чиқишига ишониш мумкин дейман: ҳатто ҳеч кутилмаган, ақлга тўғри келмаган бир натижали бўлиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. Мен ўшанда сизнинг феъл-атворингизни кўзда тутган эдим, Родион Романович, ҳаммадан кўпроқ сизнинг феълингиздан иш чиқаришни кўзлагандим! Ҳаммасини сизга боғлаб қўйгандим.

– Сиз ўзи... нега нуқул менга бу гапларни сўзлаб ўтирибсиз, – деб гўлдиради ниҳоят Раскольников, ҳатто ўзининг бу саволи билан нима демоқчи бўлганлигини ҳам англамай. «У нима деяпти ўзи, – фикри чуваларди Раскольниковнинг, – наҳотки у ростдан ҳам мени қўй оғзидан чўп олмаган, деб ўйлаётган бўлса?»

– Нега сўзлаяпсиз, дейсизми? Сизга айтадиган гапим бўлгани учун келдим, буни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман. Сизга ҳаммасини қандай бўлганлигини оқизмай-томизмай айтиб бермоқчиман, ўшанда юз берган дили хираликлар нимадан бошланганлигини тушунтирмоқчиман. Сизни жуда ҳам қийнаб ташладим, Родион Романович. Мен жаллод эмасман. Рўй берган воқеадан саранг бўлган, аммо ўзи мағрур, манман ва сабрсиз, ҳа, айниқса, сабрсиз бир одамнинг буларнинг барини кўтариб юриши қанчалар оғирлигини мен ҳам тушунаман! Нима бўлганда ҳам, мен сизни жуда ҳам олижаноб одам деб биламан, бундан ташқари сиз олиҳиммат кишисиз, лекин сизнинг қарашларингизга мен қўшилолмайман, мен буни олдиндан гапни айлантириб ўтирмай тўғриси айтиб қўя қоламан, зотан, мен алдашни сира ҳам истамайман. Сизнинг қандай одамлигингизни билганимдан сўнг юрагимда сизга меҳр уйғонди. Балки сиз бунда менинг гапларимдан кулгингиз келаётгандир? Куламан десангиз кулишга ҳақлисиз. Сиз мени бир кўрган маҳалингиздаёқ ёмон кўриб қолган эдингиз, умуман, бу ҳам тўғри, менинг нимамни ҳам яхши кўриш мумкин, дейсиз. Лекин нима деб ўйласангиз, ўзингиз биласиз, лекин мен сиз ўйлаганча эмаслигини, мен ҳам виждонли, имонли бир одамлигимни кўрсатмоқчи, сизнинг олдингизда ўзимни оқлаб олмоқчиман. Мен чин юракдак гапиряпман.

Порфирий Петрович ўз иззатини билган одамлардай гапдан тўхтади. Раскольниковнинг юрагига аллақандай янги бир қўрқув тушди. Порфирий тагин мени бегуноҳ деб ўйлаётган бўлмасин, деган фикрдан у қўрқиб кетди.

– Ўшанда ҳаммаси қандай қилиб кутилмаганда бошланиб кетганини бир чеккадан сўзлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, – дея давом этди Порфирий Петрович, – менимча, ҳатто бу ортикча ҳам бўлади. Бунинг устига қўлимдан ҳам келмас. Қандай қилиб, буларнинг барини бир чеккадан тунтириб бўлади? Олдин миш-мишлар юриб қолди. Бу миш-мишлар қандай бўлганлигини, кимдан қандай чиққанлигини... ва гапнинг қандай қилиб сизга бориб тақалганлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шахсан менга бу бир тасодиф билан бошланди, тасодиф бўлганда ҳам тасодифнинг тасодифи, бўлиши ҳам мумкин бўлган, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган бир тасодиф денг, қандай дейсизми? Ҳм, менимча, буни ҳам тилга олиб ўтиришга арзимаЙди. Мана шу миш-мишлар ва тасодифларнинг ҳаммаси йиғилиб ўша кезлар калламда бир фикр пайдо бўлди. Очиқ тан оламан, чунки тан ола бошладингми, охиригача очиқдан-очиқ тан олиш керак, ўшанда сизга биринчи бўлиб мен ўзим ҳужум қилган эдим. Айтайлик, ўша буюмлардаги кампирнинг белгилари ва ҳоказо, ҳоказо шунга ўхшаган гаплар ҳаммаси бекорчи гаплар. Бунақа гапларни юзлаб топиш мумкин. Ўшанда мен полиция идорасида бўлиб ўтган воқеани ҳам бир одамдан тасодиф билан эшитиб қолдим, лекин эшитганда ҳам тўғри келган одамдан йўл-йўлакай шунчаки бир гап тариқасида эмас, бошқача бир тарзда эшитдим, буни ҳикоя қилиб берган одам бошқалардан ажралиб турадиган пишиқ-пухта киши эди, у ўзи ҳам билмаган

ҳолда ўша воқеанинг мағзига жуда нозик тушуниб етибди. Қаранг, ҳаммасининг бир-бирига, бири бирига тўғри келиб турганлигини, бўтам Родион Романович! Шундай бўлиб тургандан кейин қандай қилиб маълум бир томонга қараб оғмай бўлади? Юзта қуён йиғилиб бир от бўлмас, юзта шубҳа йиғилиб, битта далил ўрнига ўтмас, деган инглизларнинг мақоли бор, лекин фақат ақли расо одам шундай дейди, лекин киши қизишиб кетади, эҳтиросга берилади, эҳтиросга берилгандан кейин уни қани эплаб кўринг-чи, нега десангиз, терговчи ҳам жонли одам. Шундан кейин мен журналда чиққан мақолангизни эслаб қолдим, эсингиздами, биринчи марта учрашган пайтимизда у ҳақда батафсил сўйлашгандик. Мен ўшанда бир оз майнабозчилик қилдим, лекин буни сизнинг гашингизга тегиш, оғзингиздан гап олиш учун қилдим. Қайтараман, сиз жуда сабрсиз ва бетоб бўлиб қолгансиз, Родион Романович. Сизнинг ботир, ўзбилармон, жиддий ҳамда... кўп нарсаларга ақлингиз етишини, кўп нарсаларни бошингиздан кечирганлигингиз, ҳис қилишингизни мен алақачон, кўпдан бери билардим... Менга буларнинг бари яхши таниш, сизнинг мақолангизни ҳам худди таниш бир нарсани ўқигандан бўлиб кўриб чиққан эдим. Уйқусиз тунларда, иситма аралаш бир ҳолатларда, юрак қинидан чиқиб кетай деб гурсиллаб урган ва гоҳо эса худди тўхтаб қолай деб жимиған кезларда, бўғилган бир ғайратнинг қутқуси билан битилган у мақола. Ёшлар учун энг хатарли нарса ҳам шу, ғайратнинг ўзига йўл тополмай бўғилиб қолиши, мағрур интилишларнинг ўзига йўл тополмаслиги! Мен ўшанда майна қилгандим, лекин ҳозир сизга шуни айтиб қўяй, мен мана шу қаламни илк марта қўлга олгандаги жўшқинликни, самимийликни севаман, яъни бир ҳаваскор каби бунга жуда-жуда қизиқа-

ман. Тутун, туман, соз туман ичра жаранглайди. Мақолангиз ақлга тўғри келмайдиган, хаёлий мақола, лекин унда шундай бир самимият ялт-юлт этиб кўринади, унда навқирон ва фидокор ёшликнинг ғурури жўш уради, унда мардона бир азму қарор ҳукм суради; одам уни ўқиганда ваҳимага тушади, лекин бу ёмон эмас. Мақолангизни ўқиб чиқиб, бир чеккага қўйдим, шундай қўйдиму: «Хўш, бу одам ҳали ўзини кўрсатади!» – деб ўйладим. Мана энди ўзингиз айтинг, олдингиздан шунча нарса ўтсин-да, қандай қилиб индамай қараб ўтириб бўлади! Оҳ, Худойим! Ахир, мен бир нарса деяпманми? Ахир, мен энди бир қарорга келиб қўйдим, деб айтяпманми? Ўшанда жиндай пайқаб қолган эдим. Бу қандай бўлди, деб ўйладим. Тинчлик, яъни ҳеч гап йўқ, мутлақо тинчликдир, балки. Бундан ташқари мен терговчи бўла туриб, ҳаддан ташқари ўзимга эрк бериб юборишим, қуюшқондан чиқиб кетишим яхшимас: бунинг устига ана, қўл остимда Миколка турибди, ўзи тан олган, нима деманг, лекин далил. У ҳам ўзича руҳиятини бичиб-тўқиб турибди, уларга эрмак бу; ваҳоланки гап бунда ҳаёт-мамот масаласи устида боряпти. Нега бу гапларни менга чайнаб беряпти, деб ўйлаётгандирсиз? Мен, билиб қўйинг ва ақлингиз, қалбингизда менга нисбатан кин-адоват сақлаб ўтирманг, деяпман, ўшанда мен сизга нисбатан жуда ёмон муомала қилган эдим. Лекин кўнглимда сира кек йўқ эди, чин гапим шу, ҳе-ҳе! Сиз нима деб ўйлаяпсиз; ўшанда сизнинг ҳужрангизга келиб тинтув ўтказмадикми? Ўтказдик, ўтказдик, ҳе-ҳе, ўтказганмиз, сиз унда мана бу ерда касал ётган эдингиз. Расман бўлмаса ҳам, лекин бу ерга келганман. Ҳужрангиздаги биронта ётган тукни ҳам қўймай, кўздан кечириб чиққанмиз, изма-из келиб текширганмиз, десам ҳам бўлади; бироқ –

umsonst!<sup>35</sup> Энди бу одам келади ўзи, ўз оёғи билан келади, деб ўйладим, агар айби бўлса, албатта, тез орада келади, дедим. Бошқа одам келмаса ҳам бу келади. Эсингиздами, жаноб Разумихин оғзи бўшлик қилиб, сизга баъзи гапларни айтиб қўя бошлагани? Биз буни сизни безовта қилиб саросимага солиш учун қилгандик, сизга оғзидан гулласин деб атай шундай гап тарқатгандик, жаноб Разумихин эса шундай одамки, ичидаги ташига чиқмасдан қўймайди, ғазабини яширолмайди. Сизнинг аламга тўлиб юрганлигингизни, ҳеч нарсадан тап тортмай қўйганлигингизни биринчи бўлиб жаноб Заметов пайқаб қолган: қандай қилиб, қовоқхонада ўтириб томдан тараша тушгандай: «Мен ўлдирдим!» дейиш мумкин! Жуда юрак ютиб қилинган иш, бир қоп юрак керак бундай қилиш учун, агар гуноҳ шу одамда бўлса, унда бу жуда ҳам даҳшатли жангчи экан, дедим! Ўшанда шундай деб ўйладим. Кутдим! Жуда ҳам интизор бўлиб кутдим, Заметовни бўлса сиз ўшанда жуда қонига ташна қилиб эзиб ташлагансиз, лекин... Ҳамма бало шундаки, бу лаънати руҳият деганингизни икки учи бор! Хўш, шундай қилиб, десангиз, мен сизни зор-интизор бўлиб кутаётирман, бундай қарасам, сизни Худонинг ўзи етказяпти, сиз кириб келяпсиз! Юрагим шундай дукиллаб уриб кетди. Эҳ! Ўшанда келиб нима қилардингиз? Эсингиздами, ўшанда қандай кулиб кириб келганингиз, ўшандаги кулгингиз, ўшанда мен сизни худди ойна орқасидан кўриб тургандай бўлдим, сизни бунчалар бошқача бир алпозда кутмаганимда эди, сизнинг кулгингиздан ҳеч нарса сезмаган бўлардим. Илҳоминг келиб турганда, ўзи шунақа бўлади. Ўшанда жаноб Разумихинни қаранг, эсингиздами, оҳ! Тош-чи, тош, эсингиздами, тош, остига

<sup>35</sup> Umsonst – Фойда бермади (нем.).

буюмлар яшириб қўйилган тош-чи? Худди бир чекка ҳовлида ётгандай шундай кўз олдимга келди, сиз Заметовга айтганингизда чекка ҳовлида дегансиз, ахир, шундайми, кейин иккинчи марта менинг олдимга келганингизда шундай деб айтдингиз? Мақолангизни ағдар-тўнтар қилиб баҳслаша бошлаганимизда, сиз изоҳ беришга киришиб кетганингизда, назаримда, ҳар бир сўзингизнинг тагида бошқа бир маъноси ҳам борга ўхшаб туйилверди, худди косанинг тагида нимкосаси бордай! Ана шундай қилиб десангиз, Родион Романович, мен сўнги бекатгача бориб қолибман, лекин бошим билан йўл тўсиғига шундай урилиб кетдимки, кўзим ярқ этиб очилди. Йўқ, дедим, мен ўзи нима қиялман! Ахир, агар истасангиз, буларнинг барини бутунлай тескарича қилиб ҳам тушунтириш мумкин-ку, қайтага табиийроқ ҳам чиқади. Бу азобни кўринг энди! «Йўқ, дедим, мен яхшиси жиндай бўлса ҳам учини топиб олай!..» Ана ўшанда қўнғироқ чалиш ҳақидаги гапни эшитиб қолдиму шам бўлиб қотиб қолибман, сўнг аъзойи баданимни қалтироқ босди. «Ана энди, дедим, учи чиқди, мана шу учи бўлади! Худди ўзи!» Ўшанда, ҳатто буни мулоҳаза қилиб ҳам кўрмадим, истамадим. Ўшанда сизни бир зумгина ўз кўзим билан кўриш учун ёнимдан нақд минг сўм чиқариб берган бўлардим, Худо ҳақи; эсингиздами, ҳунарманд билан бирга борган пайтингиз, у юзингизга тўғридан-тўғри «қотил» деб айтган маҳали, сиз эса юз қадамча унинг ёнида юриб бориб, миқ этиб оғиз очишга журъат этмаганингиз... Совқотиб, жонингиз қақшаб оғриганлари-чи? Ўзингиз касалсизу ҳушингиз ўзингизда эмасу қўнғироқ чалиб юрганларингиз-чи алаҳлаб? Шундай қилиб десангиз, Родион Романович, менинг ўшанда сизга қилган муомаламнинг нимасига ҳайрон қоласиз? Нега энди



Ўзингиз яна ўша дақиқада менинг ҳузуримга келиб юрибсиз? Ахир, Худо ҳақи, сизни ҳам худди биров орқангиздан бор, бор, деб сира қўймаганга ўхшамайдими, агар ўшанда, Миколка жонингизга ора кириб қолмаганда, унда... Миколка эсингиздадир, ахир? Яхши эсингизда қолганми? Яшин чақнагандай бўлди-ку. Булутлар орасидан гумбурлаб, момақалди роқ саси келди, яшиннинг тиллари кўринди! Яшин менга нима қилди денг! Мен унга зиғирдай бўлсин, ишонганим йўқ, ўзингиз кўрдингиз! Қаёқда! Кейин сиз чиқиб кетганингиздан сўнг у менга баъзи гапларни тайинли қилиб гапира бошлади, жуда ҳайрон бўлиб қолдим, сўнг унинг гап-сўзига ҳечам ишонмай қўйдим! Ўз фикримда қоққан қозикдай маҳкам турганимни-чи. Йўқ, дедим, морген фри! Миколкага бу ерда бало борми?!

– Менга Разумихин ҳозир сизнинг Николайни айблаб турганлигингиз ва бунга Разумихинни ишонтирганлигингизни айтиб берган эди...

Раскольниковнинг нафаси қайтиб кетди ва гапини охиригача тугатолмади. Бу одам уни ҳўп билиб олган, лекин мана энди ҳаммасидан воз кечар, бунга қараб туриб Раскольников ўз ҳаяжонини босолмасди. У бунга ишонишдан кўрқар ва ишонмасди. Ҳали дудмалроқ қилиб ифодаланаётган сўзлар ичидан у аниқ бир маъно уқиб олишга уринар, бу гапларнинг нима билан тугагини олдиндан билиб олишни жуда ҳам истарди.

– Жаноб Разумихинми! – қичқариб юборди Порфирий Петрович миқ этмай ўтирган Раскольниковнинг савол берганидан худди хурсанд бўлиб кетган каби, – ҳе-ҳе! Ҳе! Жаноб Разумихинни бир чеккага йиғиштириб қўяверсак ҳам бўларди: ўртага тушиб нима қилади. Жаноб Разумихин сиз айтган одам эмас, бу ишга сира алоқаси йўқ, олдимга ҳаллослаб, рангини оқартириб келганини айтмайсизми...

Қўйинг, Худо хайрини берсин, уни аралаштириб нима қиламиз! Миколка ҳақида агар билмоқчи бўлсангиз, унинг воқеасини ўзим билганимча айтиб берсам. Аввал бошдан бу ўзи ҳали она сути офзидан кетмаган ёш бола, ўзи қўрқоқ ҳам эмас-ку, лекин шу бир оз десангиз, ижодкор болаларга ўхшайди. Менинг бу гапларимга кулманг, рост айтаётирман. Ўзи жуда покиза, таъсирчан бола. Юраги бор; хаёлпараст. Ашула ҳам айтаверади, ўйинга ҳам тушаверади, чўпчак дегани-ку, шундай қотириб айтарканки, одамлар бошқа жойлардан атай эшитгани келишаркан. Мактабга ҳам қатнаркан, агар ёлғондан бармоғингизни кўрсатиб қўйсангиз, ичаги узилгунча куларкан, ҳар кун бўлмаса ҳам кези келиб қолганда ўлгудай ичиб маст ҳам бўларкан, буни бузуқчиликдан эмас, шунчаки одамлар ичиришганидан, ҳали бола бўлиб, кўп нарсанинг фарқига бормаганидан қиларкан. Ўшанда бировнинг нарсасини олгану, лекин бунинг бировники эканлиги билан иши йўқ, нега десангиз, «ерда ётгандан кейин топганники бўлади» унингча. Биласизми, эскича мазҳабдаги одамлардан, гапнинг рости, уни мазҳабпараст деса ҳам бўлади: унинг авлодлари орасида қочоқлар бўлган экан, ўзи ҳам яқингинада қишлоқда бир авлиё чолга шогирд тушиб, унга икки йил хизмат қилган. Буларнинг ҳаммасини мен Миколка билан зарайскликларнинг ўзларидан эшитдим. Нимасинн айтасиз! Яна сахрога қочиб кетаман, деб юраркан! Дилига Худони жо қилиб кечалари дуо ўқиб чиқаркан, эски «чин» китобларни ўқиб, ёдлаб оларкан. Петербург унга жуда қаттиқ таъсир қилган ва, айниқса, хотинлар зоти; бунинг устига винога ҳам ўрганган. Жуда таъсирчан бўлгани учун чолни ҳам, бошқасини ҳам эсдан чиқариб юборган. Уни бир рассом яхши кўриб қолиб, унинг олдига қатнаб юрган, ле-

кин фалокат оёқ остидан чиқиб, бундай ишлар бўлиб кетган ўртада, буларни ҳам билиб олдим. Нима дейсиз, юрагини олдириб қўйган, ўтакаси ёрилиб кетган, ўзимни осаман, деган фикрга келган. Қочган! Бизнинг қонунчилигимиз ҳақида биласиз-ку, халқ ичида қандай гаплар юришини! Баъзи одамлар «суд қилишармиш», дейилса, эсхоналари чиқиб кетади. Ким айбдор! Мана энди янги судлар нима дейишаркин. Оҳ, Худо етказсин ўша кунларга! Шу десангиз, қамоқда ётган пайтида афтидан дарвеш чол эсига тушган; яна Инжил кўз ўнгига келган. Уларнинг ўртасида «риёзат чекиш» баъзан қандай даражада бўлишини биласизми, Родион Романович? Улар биров учун эмас, умуман, шунчаки «риёзат чекиш керак», деб ўйлайдилар; яъни ўз ихтиёр билан гарданларига азоб юклайдилар, агар бу азоб ҳукумат томонидан етса яна ҳам соз. Мен ўзим кўрганман, жуда ҳам мўмин-қобил бир одам бир йил қамоқда ётди, печнинг устига чиқиб олиб кечаси билан Инжилни ўқиб чиқади, ўқийвериб, ўқийвериб шу даражага келдики, бир куни печдан фишт қўпориб олиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ назоратчига қараб отган. Отганда ҳам атай тегизмаслик учун ёнлатиб отган, тагин зиён-заҳмат етказиб қўймай деган! Қамоқда ётган одам назоратчига ҳужум қилса, бунинг оқибати қандай бўлиши маълум-ку: демак, бу билан у «гарданига азобни олган». Мана шундан мен Миколка ҳам «азоб чекиш», «риёзат»ни истаб қолмаганмикин, деб тахмин қиляпман ёки шунга яқин бир нарса бўлса, эҳтимол. Мен буни аниқ биладман, қўлимда далиллар бор. Нима, бундай халқнинг орасидан хаёлпараст одамлар чиқишига ишонмайсизми? Тўлиб ётибди бундайлар. Чолнинг таъсири ҳозир яна зўрайган, айниқса, сиртмоқдан бўшатиб олганларидан кейин ҳеч унинг ёдидан нари кетмай қол-

ган. Дарвоқе, ўзи келиб ҳаммасини айтиб беради ҳали, айтиб беради, ҳа. Сизнингча, у бардош бериб туроладими? Шошманг, ҳали бўйин товлайди! Тезда келиб қолади, бўйин товлаб, кутиб турибман. Мен бу Миколка деганни жуда яхши кўриб қолдим, уни энди миридан-сиригача ўрганиб чиқаман. Буни қаранг-а! Ҳе-ҳе! Бир хил саволларимга жуда силлиқ жавоблар берди, афтидан, керакли гапларни билиб олганга ўхшайди, жуда тайёрланиб олибди; бошқа бир саволлар берсам, орқаси билан кўлмакка шапилаб тушяпти, ҳеч нарсани билмайди, хабари йўқмиш, ҳатто хабари йўқлигини ҳам ўзи билмайди! Йўқ, бўтам Родион Романович, гап бу ерда Миколкада эмас! Бу жуда ақл бовар қилмайдиган, даҳшатли, замонамизга хос бўлган, шу кунларнинг воқеаси, одамнинг қалби бузилганда бўладиган иш бу; бунақа ишлар қон «янгилайди», деган гаплар одамларнинг тилларидан тушмай юрадиган кезларда рўй беради; ҳаёт бўлгандан кейин ҳашаматли ҳаёт бўлгани афзал, деган ғоялар тарфиб-ташвиқ қилинган маҳалларда юзага чиқади бундай ишлар. Бунда китобий орзу армонлар, бунда назарий жиҳатдан ғазабга тўлган кўнгиш бор; бунда биринчи қадам ташлашга журъатим етадими, йўқми, деган гап бор; лекин бу журъат, азму қарор ҳам бошқача жуда, журъат билан ўзни тоғдан ташлаш ёки минорадан пастга қараб шўнғишга ўхшайди, бунинг устига жиноят қилгани келганда ҳам ўз оёғи билан келган эмас, бошқа бировнинг оёғи билан келганга ўхшайди. Ичкарига киргану, лекин эшикни беркитишни унутган, одам ўлдирган, ўлдирганда ҳам икки кишини ўлдирган, назария бўйича ўлдирган. Ўлдиргану пулни ҳам олиб кетолмаган, олганини ҳам обориб тошнинг тагига бостириб келган – қилган иши шу бўлган. Эшикни силтаб тортаётганлари-

да, қўнғироқ тинмай чалинган пайтида ичкарида ўтириб тортган азоби етмагандай, кейин алаҳлаб, довдираб юрган пайтларида яна бўш уйга қўнғироқ товушини эшитгани боради, яна ўша даҳшату ваҳимани синаб кўрмоқчи бўлади, татигиси келади... Майли, борингки, буни касалликда бўлган иш дейлик, лекин мана бунисига нима дейсиз: ўлдиришга ўлдириб яна ўзини виждонли одам деб ҳисоблайди, кишилардан нафратланади, ранги ўчган фариштага ўхшаб дайдиб кезади – йўқ, Миколка нима қилсин бу ерда бўтам Родион Романович, Миколка эмас бу ерда!

Боядан бери худди ўзини ўзи чандиб, рад қилиб келаётганга ўхшаб кўринган одамнинг бу охириги сўзлари сира қутилмаган сўзлар бўлиб чиқди. Раскольников жисмига тиф теккан одамдай дағ-дағ қалтирай бошлади.

– Унда... ким унда... ўлдиради?.. – деб сўради у бардош беролмай бўғиқ товуш билан.

– Порфирий Петрович саволдан ғоятда ҳайратга тушган кишидай ўзини курсининг суянчиғига ташлади.

– Ким ўлдирарди?.. – деди у худди ўз қулоғига ишонмаган одамдай, – сиз ўлдиргансиз, Родион Романович! Ҳа, сиз ўлдиргансиз... – деб қўшиб қўйди у яна товушини пасайтириб ишонч билан.

Раскольников ўрнидан дик этиб, сакраб турди, бир неча сония тик оёқда серрайиб туриб қолди, сўнг бир оғиз гапирмай яна жойига ўтирди. Унинг юзи пирпираб уча бошлади.

– Анави кунгидек яна лабингиз қалтирай бошлади, – деди худди унга ачингандай секин Порфирий Петрович. – Сиз менинг гапларимга унча тушунмаганга ўхшайсиз, Родион Романович, – деб қўйди у бир оз жим тургандан кейин, – шунинг учун ҳам жуда ҳайрон бўлиб қолдингиз. Мен атай

ҳаммасини очиқчасига гаплашиб олгани, очиқ иш кўргани келдим.

– Уни мен ўлдирганим йўқ, – дея пичирлади Раскольников худди бир иш қилиб, қўлга тушган, кўрқиб кетган болаларга ўхшаб.

– Йўқ, сиз, Родион Романович, сиз, бошқа ҳеч ким эмас, – ишонч ва қатъият билан деди шивирлаб Порфирий.

Улар икковлари ҳам жим бўлиб қолдилар, жимлик нимагадир узоқ чўзилиб, ўн дақиқаларгача давом этди. Раскольников индамасдан столга тиралиб ўтирар, қўли билан сочларини тўзғитарди. Порфирий Петрович тек ўтирганча кутарди. Шунда Раскольников бирдан Порфирийга нафратланиб қаради.

– Яна эски ҳаммом, эски тосми, Порфирий Петрович! Яна ўша-ўша гаплар, жонингизга тегиб кетмаганига ҳам ҳайронман.

– Э, қўйинг, ўша-ўша гаплар қаёқда дейсиз! Агар бу ерда гувоҳлар бўлганда бошқа гап эди; бу ерда эса икковимиздан ўзга ҳеч ким йўқ, бунинг устига шивирлашиб гаплашаётирмиз. Ўзингиз кўриб турибсиз, бу ерга сизни қуёндай ҳайдаб юриб, тутиб олиш учун келганим йўқ. Бўйнингизга оласизми, йўқми, ҳозир менга бари бир. Мен ўз назаримда сиз ҳақингизда бир қарорга келиб қўйганман.

– Ундай бўлса нега келдингиз? – жаҳли чиқиб сўради Раскольников. – Сизга яна олдинги саволимни қайтараман, агар мени айбдор деб билсангиз, нега қамоққа олмайсиз?

– Яна шу савол экан-да! Агар бир бошдан жавоб берадиган бўлсам, аввало сизни ҳозир тўғридан-тўғри қамоққа олсам, бунинг менга фойдаси бўлмайди.

– Нега фойдаси бўлмас экан! Ишончингиз комил экан, унда...

– Ишончим комил бўлса, нима бўлибди? Ахир буларнинг бари ҳозирча фақат менинг хаёлларим, холос. Бунинг устига нега энди сизни у ерга, тинчгина жойга жойлаб қўяр эканман? Ўзингиз қўймаяпсиз, ўзингиз биласиз. Мисол учун сизга қарши гувоҳ қилиб ўша ҳунармандни олиб келдим, дейлик, сиз унга албатта: «Ҳой, мастмисан, нима бало? Ким сени мен билан бирга кўрибди? Сен фирт маст эдинг, мастлигинг учун шундай деяпсан!» – деб айтасиз, қайириб ташлайсиз, ана унда мен сизга нима дейман, бунинг устига сизнинг гапингиз унинг гапига қараганда ҳақиқатга яқинроқ бўлиб кўринади, чунки унинг гапираётган нарсаси руҳиятдан бошқа нарса эмас, башарасига қараган одам гапига ишонмайди ҳам, сизнинг гапингиз эса нақ кор жойига тегади, нега десангиз, у ярамас жуда қаттиқ ичадиган, отнинг қашқасидай маълум бўлиб қолган. Бунинг устига сизга очикдан-очик тан олиб айтдимки, бу руҳият деганингизнинг икки учи бор, дедим неча марта-лаб, иккинчи учи биринчисига қараганда каттароқ ҳам бўлади, ҳақиқатга яқинроқ бўлиб кўринади, менинг қўлимда эса сизга қарши шундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Гарчи мен сизни бари бир қамоққа олсам ҳам ва олдиндан ҳаммасини айтиб бергани ҳузурингизга келган бўлсам ҳам (одамгарчилик эмас бу), шунда ҳам сизга очигини айтаман (бу ҳам сира одамгарчиликдан эмас), бундан менга фойда йўқ. Хў-ўш, иккинчидан, шунинг учун келган эдимки...

– Хўш, қани, иккинчидан, нимага экан? (Раскольников ҳамон нафас етишмай бўғилиб турарди.)

– Нега десангиз, сизга боя айтганимдай, сизга ҳаммасини тушунтириб беришни ўз бурчим деб биламан. Мени ваҳший жаллод деб ўйлаб юрманг,

бунинг устига сизга яхшилик қилишни истайман, бунга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, менга бари бир. Мана шунинг учун ҳам, учинчидан, сизнинг олдингизга тўғридан-тўғри бир таклиф билан келдим: ҳаммасига ўзингиз иқрор бўлиб борсангиз, девдим. Сизга бунинг фойдаси беҳад катта бўлади, менга ҳам яхши бўлади, тоғ ағдарилади. Нима дейсиз, ўғил бола гапми бу, йўқми?

Раскольников бир дақиқа ўйланиб турди.

– Кулоқ солинг, Порфирий Петрович, ўзингиз айтяпсизки, руҳиятдан бошқа нарса эмас деб, ваҳоланки, бу ёғини аниқ ҳисоб-китоб қилиб юбордингиз. Агар ҳозир мана ўзингиз янглишаётган бўлсангиз, унда нима бўлади?

– Йўқ, Родион Романович, мен янглишаётганим йўқ. Озгина учини топиб олганман. Учини ҳам мен ўшанда топганман; Худонинг ўзи етказган!

-- Қандай учи?

– Қандайлигини айтмайман, Родион Романович. Умуман, ҳар ҳолда энди орқага суролмайман; қамайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: менга энди бари бир, шундай бўлгандан кейин мен фақат сизнинг фойдангизни кўзлаб айтаётирман. Худо ҳақи, яхши бўлади, Родион Романович!

Раскольников аччиқ иршайди.

– Сизнинг гапингизга одам кулишини ҳам, ўлишини ҳам билмайди. Майли, агар мен айбдор бўлсам (мен ҳали ундай деб турганим йўқ) нима қиламан сизга иқрор қилгани бориб, ўзингиз айтаётирсиз-ку у ерда тинчгина ўтиради одам деб.

– Эҳ, Родион Романович, сўзларга унчалик эъти мод кўяверманг, балки у ерда унчалар ҳам тинчлик бўлмас! Бу фақат назариядаги гап, холос, яна менинг назариям, менинг гапимнинг сизга қанчалар аҳамияти бор дейсиз? Балки мен ҳали ҳам сиздан баъзи бир нарсаларни яшириб айтмай тургандир-



ман. Ҳаммасини сизга биратула бир бошдан айтиб беролмайман-ку, ахир, ҳе-ҳе! Қандай, қанақа фойда бўлиши бу иккинчи масала. Бунинг эвазига сизга қанча энгилик бўлишини биласизми ўзингиз? Ўзингиз ўйланг, қачон иқрор бўлдингиз, қандай пайтда бордингиз? Бир ўйлаб кўринг буни! Бошқа бир одам ҳаммасини ўз устига олиб, бутун ишни чалкаштириб турган маҳалда борган бўлмайсизми? Мен бўлсам, мана Худони ўртага қўйиб айтаманки, қасам ичиб айтаманки, «у ерда» шундай қиламанки, сизнинг келишингиз сира кутилмаган бир нарса бўлади. Манови руҳиятнинг ҳаммасини йўқотамиз; сиздан қилинган шубҳаланишлар ҳам ҳеч нарсага арзимайдиган бўлиб қолади, ана унда сиз қилган жиноят мия айниганда қилинган бир нарса бўлиб кўринади, гапнинг рости ҳам ўзи шу, миянинг айнишидан бошқа нарса эмас. Мен сўзида турадиган одамман, Родион Романович, сўзининг устидан чиқаман.

Раскольников маъюс бўлиб қолди, бошини солинтирди; у узоқ ўйга толди ва ниҳоят яна илжайди, лекин унинг бу илжайиши энди юмшоқ ва қадарли эди.

– Эҳ, кераги йўқ! – деди у Порфирийдан энди яшириб ўтирмай. – Арзимайди! Менинг ишимни энгилаатмай қўя қолинг асти!

– Ана, мен худди шундан чўчиган эдим! – деди беихтиёр қизгинлик билан Порфирий, – бизнинг энгилик беришимизнинг сизга кераги бўлмайди-ми, деб чўчигандим.

Раскольников унга маъюс ва маънодор назар билан қаради.

– Ҳей, тақдирингизга бунчалар тупурманг! – деб давом этди Порфирий, – ҳали олдинда кўп нарсалар бор. Нега энди энгилик керак бўлмас экан,

нега энди! Жуда сабрсиз одамсиз-да!

– Олдинда кўп нарса нима экан?

– Ҳаёт! Нима, сиз авлиёмидингиз, ҳамма нарсани биладиган? Ахтарсангиз, топасиз. Балки Худонинг пешонангизга ёзгани бўлар. Бунинг устига одам ҳам умр бўйи занжирда ётмас-ку...

– Енгиллик бўлади, денг... – кулди Раскольников.

– Нима, бундан юрагингиз оғрийдими, уяласизми? Сиз, назаримда, қўрқиб кетганга ўхшайсиз, лекин буни ўзингиз билмайсиз, ёшсиз-да, ёш! Лекин нима бўлганда ҳам қўрқиб ўтириш ёки бўйнига олиб бормоқликдан қисиниш сизга ярашмайди.

– Э-эх, тупурдим ҳаммасига! – гижиниб, нафрат билан пичирлади Раскольников худди ҳатто гапиришни ҳам истамаган одамдай. У худди бир ёққа чиқмоқчи бўлгандай яна ўрнидан турди, лекин дунё кўзига тор туйилиб, қайтиб жойига ўтирди.

– Тупурдим деб сиз айтасиз! Чунки сизда ҳеч нарсага ишонч қолмаган, назарингизда гўё сизни юзингизга қараб туриб ялпизлаётгандайман, лекин ҳали ўзингиз қанча яшабсиз ахир? Нимани ҳам тушуна қолдингиз ҳали? Назария тўқиб чиқаргансиз-да, ишингиз бароридан келмагач, овингиз юрмасдан ҳамма нарсанинг пачавасини чиқариб, энди буни тан олишга бўйнингиз ёр бермайди! Рост, пачава бўлганда ҳам жуда расво пачава, лекин сиз разолатга муккасидан шўнфиган қабиҳ одам эмассиз. Сиз ундай қабиҳ эмассиз мутлақо! Нима бўлганда ҳам сиз узоқ бошингизни қотириб, миянгни ачитиб ўтирмай биратўла жарнинг тепасига боргансиз қўйгансиз. Айтайми, мен сизни ким деб биламан? Сизга ўхшаганлар агар имонга ёки Худога эътиқод қилса, жаллод ичак-човоғини афдариб, ташлаётганда ҳам унинг башарасига тик кулиб қараб турадиганлардانسиз, мен сизни шундай одам деб биламан. Шунинг

учун сиз ҳам имонингизни ахтариб топинг, ана ўшанда яна ҳаёт сизга кулиб боқади. Биринчидан, сиз аллақачон ҳаво алмаштиришингиз керак эди. Нима бўлибди, риёзат ҳам ёмон нарса эмас. Риёзат чекинг. Балки Миколка риёзат чекмоқчи бўлиб тўғри қилаётгандир. Биламан, унчалик ҳам ишонгингиз келмай турибди, умидни йўқотгансиз; лекин сиз бошингизни қотириб ўтирманг, ҳаётнинг ўзига қўйиб беринг, ўйлайверманг; хотирингиз жам бўлсинки, сизни тўппа-тўғри қирғоққа олиб чиқиб қўяди, яна оёққа ҳам бостиради. Қандай қирғоқ дейсизми? Мен невай? Фақат имоним комилки, сиз ҳали кўп яшашингиз керак. Биламан, ҳозир мени панд-насиҳатга ўтиб олди, деб ўйлаяпсиз; лекин кейинроқ балким ёдингизга тушар, бир кунингизга яраб ҳам қолар; шунинг учун ҳам сўйлаб ўтирибман. Ҳали ҳам кампирни ўлдирибсиз. Агар бошингизга бошқа бирорта назария келиб қолганда борми, балки бундан юз миллион карра беш баттарроқ иш қилган бўлардингиз! Шунинг учун Худога шукр қилишингиз керак; қаердан биласиз: Худонинг, балки сизга ҳам насиб қилгани бордир. Сиз юракни кенг қилинг ва бунчалар юраксизлик қилманг. Буюк қасос мажбурияти келаётганидан қўрқиб кетдингизми? Йўқ, энди қўрқоқлик шармисорлик бўлади. Энди ҳукм адолатники. Сиз адолат нимани талаб қилса, қани, шуни адо этиб кўринг-чи. Биламан, умидингизни йўқотгансиз, лекин Худо ҳақи, ҳаёт қутқаради. Кейин ўзингиз қувониб юрасиз. Сизга энди ҳаво керак, ҳаво, ҳаво!

Раскольников, ҳатто сесканиб кетди.

– Ўзингиз ким бўласиз, – дея қичқирди у, – ўргилдим сиздақа авлиёдан. Жуда доноликнинг баланд тоғига чиқиб олдим, деб менга боядан бери гап сўқиб ётибсиз бошимни қотириб?

– Менми? Мен соб бўлган одамман, бўлган-турганим шу. Бир нарсани ҳис қиладиган, ҳис қилган нарсасига жони ҳам ачийдиган, яна андак бир нарсаларни ҳам биладиган одамман, лекин бутунлай соб бўлган одам. Сиз бўлсангиз – бошқа гап: сизга Худо ҳаёт ато қилган (яна ким билади, балки ҳаммаси тутундай тарқаб кетар, ҳеч нарса бўлмас). Нима бўлибди, бошқа бир тоифадаги одамлар қаторига ўтиб қоласизми? Сиз шу қалбингиз билан ахир арзимаган бир қулайликлардан маҳрум бўлинганига ачиниб ўтирмассиз-ку? Нима бўлибди, узоқ муддат сизни ҳеч ким кўрмайдими? Гап вақтда эмас, гап сизнинг ўзингизда. Оламтоб офтоб бўлинг, ана унда ҳаммага кўриниб турасиз. Офтоб ҳаммадан бурун офтоб бўлиши керак. Сиз нимага куляпсиз: бу жуда Шиллер бўлиб кетди-ку, деяпсизми? Гаров ўйнайман, мени ҳозир тилёғламалик қиляпти, деб ўйлаяпсиз! Нима бўпти, балки чиндан ҳам ялтоқланаётгандирман, ҳе-ҳе-ҳе! Сиз менинг гапимга унчалик ишонаверманг, Родион Романович, бутунлай, ҳеч қачон ҳам ишонманг, ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, дегандай менинг ҳам шундай одатим бор, тўғриси ҳам шу; фақат бир нарсани айтиб қўяй: менинг қанчалик паст ва қанчалик ҳалол одамлигимни ўзингиз топиб олаверинг!

– Мени қачон қамамоқчисиз?

– Сизга яна бир ярим, икки кун ўйнаб олгани муҳлат беришим мумкин. Танангизга яхшилаб ўйлаб кўринг, бўтам, сўрайдиган нарсангиз бўлса, Худодан сўранг. Мен сизнинг фойдангизни айтаётирман, Худо ҳақи, мен айтганча қилсангиз, ютқизмайсиз.

– Агар мен қочиб кетсам-чи? – қандайдир ғалати тиржайиб сўради Раскольников.

– Йўқ, қочиб кетмайсиз. Қора халқ қочиб кетади, янги чиққан музаҳҳиб қочиб кетади, чунки у бировнинг калласида туғилган ғоянинг малайи, агар унга Тешик мичманга ўхшаб, бармоғингининг учини кўрсатиб қўйсангиз, бас, у бутун умр истаган нарсангизга имон келтираверади. Сиз бўлсангиз, ўзингизнинг назариянгизга бошқа ишонмай қўйгансиз, қочганда, нима билан қочасиз? Бундан ташқари қочиб қаёққа ҳам борардингиз? Нима ҳам қилардингиз? Қочоқ бўлиб юриш жуда оғир, жуда ҳам хунук, сиз эса яшашингиз керак, ҳаётда ўз ўрнингиз бўлиши зарур, сизга ҳаво зарур, қочоқда юрганда шундай ҳавони топармикинсиз? Қочиб кетасизу яна ўзингиз қайтиб келасиз. Бизни четлаб ўтолмайсиз. Мен сизни қамаб қўйсам, бир ой ўтирарсиз, икки ой ўтирарсиз, уч ой, борингки, ўтирарсиз, кейин бирдан, мана шу гапим эсингиздан чиқмасин, ўзингиз келиб иқрор бўласиз, бу ўзингиз учун ҳам кутилмаган бир нарса бўлади. Ўшанда ўзингиз билмайсиз, бир соатдан кейин барини бориб бўйнингизга олишингизни. Мана, мен, ҳатто имоним комилки, сиз «риёзат чекишга қарор қиласиз» ҳали; ҳозир менинг гапларимга ишонмаяпсиз, лекин ўзингиз бари бир шу фикрга келиб тўхтайсиз. Нега десангиз, Родион Романович, риёзат чекиш улуг нарса; сиз менинг семириб кетганимга қараманг, ғам йўқ, лекин мен биламан; бундан кулманг, риёзат чекмоқда ғоя бор. Миколка ҳақ, йўқ, қочиб кетмайсиз, Родион Романович.

Раскольников ўрнидан туриб, қўлига фуражкасини олди. Порфирий Петрович ҳам турди.

– Айланиб келмоқчига ўхшайсиз, а? Ажойиб оқшом тушяпти, фақат момақалдироқ бўлмаса эди. Ундай десам, бўлгани ҳам яхши эди, ҳаво тозаланади...

У ҳам фуражкасини қўлига олди.

– Порфирий Петрович, марҳамат қилиб ўзингизни ўзингиз жуда ишонтириб қўймангки, – қовоқларини уйиб гапидан қайтмай деди Раскольников, – гўё бугун бўйнига қўйдим деб. Сиз жуда антиқа одамсиз, мен гапларингизни жуда қизиқиш эшитдим. Бундай қизиқиш ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Мен бўлсам ҳеч нарсани бўйнимга олганим йўқ... Шу яхши эсингизда турсин.

– Хўп бўлади, эсимда туради, вой-бў, ўзининг дағ-дағ қалтирашини кўринг. Ташвишланманг, бўтам, майли, сиз айтганча бўлсин. Бир оз ўйнаб олинг; фақат жуда ҳам узоқ ўйнаб бўлмайди энди. Яна билмадим-ку, ҳар ҳолда сизга яна бир илтимосим бор, – қўшиб қўйди у овозини пасайтириб, – ўзи жуда нозик бир гап, лекин жуда зарур; агарда, яна ҳар ҳолда дейман-да (ўзим бунга ишонмайман, сизни ҳам бундай иш қиладиган одам деб билмайман), агарда бир сабаб билан, яна ҳар ҳолда айтиб қўйяпман-да, одам ҳодис, деб, шу қирқ-элик соат орасида ишни бошқачароқ қилиб юбораман, яъни одамнинг ақли бовар килмайдиган даражага олиб бораман, ўзимни-ўзим ўлдираман, дейдиган бўлсангиз (бу менинг аҳмоқона бир тахминимда, бунинг учун мени кечиринг), унда қисқа, лекин батафсил бир хат ёзиб қолдирингиз. Икки қатор бўлса бўлгани, икки қаторгина, холос, ўша тошнинг қаердалигини ҳам кўрсатиб ўтинг: олижаноброқ бўлади. Майли, бўлмаса, хайр... Яхши ният йўлдошингиз бўлсин!

Порфирий алақандай букчайганча Раскольниковнинг юзига қарагиси келмагандай чиқиб кетди. Раскольников дераза олдига бориб, Порфирий кўчага чиқиб нарироқ кетгунча асабий, сабрсизланиб кутиб турди. Кейин ўзи ҳам шошилинич ҳужрадан чиқди.

### III

У Свидригайловни кўриш учун ошиқмоқда эди. Бу одамдан нима кутмоқда эди – буни ўзи ҳам билмасди. Лекин у киши нимаси биландир унинг эътиборини қаттиқ жалб қилиб қўйганди. Шундан нотинч бўлиб қолган, лекин ўзи умуман у билан гаплашиб олишнинг палласи келганди.

Йўлда бораркан, бир нарса уни қийнамоқда эди: Свидригайлов Порфирийнинг ҳузурига борганмикин, бормаганмикин?

Ўзи билган нарсаларни кўз ўнгидан ўтказиб, тош-тарозига солиб кўриб, йўқ, бормаган, деган қарорга келди, буни у, ҳатто қасам ичиб ҳам тасдиқлаши мумкин эди. У ҳар томондан ўйлаб кўрди, Порфирий билан учрашгандаги барча гапларни эслади ва йўқ, бормаган, мутлақо бормаган, деган фикрга келди!

Лекин агарда ҳали бормаган бўлса, энди умуман у Порфирийнинг олдига борармикин ёки бормасмикейн?

Ҳозирча назарида бормайдигандек бўлиб туйиларди. Нега? У буни тушунтириб беролмас, лекин тушунтириб беролган тақдирда ҳам энди бу ҳақда унчалар бошини қотириб ўтиришни истамасди. Бунинг ҳаммаси унинг жонига зирапчадек кириб азоб бериб турарди, лекин шу билан бирга буни ўйлаб мулоҳаза қилиб кўришга вақти йўқ эди. Қизиқ, буни бировга айтса, эҳтимол ҳеч ким ишонмас эди-ю, лекин у энди ўзининг тақдири устида унчалар ўйлагиси келмас, ҳаётим нима бўлади, деб қайғурмас, бунга паришон ва қизиқмай қарарди. Уни бошқа бир жуда муҳим, фавқулодда муҳим, фақат унга, ёлғиз унинг ўзигагина тааллуқли бўл-

ган, лекин қандайдир бошқа бир нарса, қандайдир энг асосий бир нарса жуда қийнамоқда эди. Бугун эрталабдан бери унинг калласи кейинги бошқа кунлардан кўра тиниқроқ ишлаётган бўлишига қарамай, у ўзини аллақандай маънан беҳад чарчаган каби сезмоқда эди.

Бўлиб ўтган шунча воқеалардан кейин орага ҳадеса суқилиб кираётган арзимаган қийинчиликларни ҳам бартараф қилиш учун уриниб ўтириш шартмикин? Айтайлик, Свидригайлов Порфирийнинг олдига бормасин деб, биронта чора ўйлаб кўриш зарурмикин? Аллақандай бир Свидригайловни деб яна излаш, билиш, вақт сарфлаб ўтирсинми!

О, қанчалар жонига тегиб кетди буларнинг бари!

Ҳолбуки, мана ўзи Свидригайловни кўриш учун шошилиш қадамлар ташлаб бормоқда эди; ёки ундан биронта янгироқ гап кутаётирми, ундан биронта кўрсатма, чораи тадбир олиш илинжи бормиди? Ростдан ҳам кези келса, хасдан ҳам мадад кутадилар! Тақдирнинг ўзи, табиатнинг ўзи уларнинг йўлларини туташтирмаётганмикин? Балки бу ҳорфинликнинг, чорасизликнинг аломатидир; балки Свидригайловнинг эмас, бутунлай бошқа бир одамнинг этагини тутиш керак бўлгандир, Свидригайлов эса фақат йўл устида ўнг келиб қолгандир. Сонями? Энди Сонянинг олдига бориб нима қилади? Яна унинг кўз ёшларини кўриш учунми? Бунинг устига Соня унинг юрагига қўрқув солиб турарди. Соня унинг учун ўзгартириб бўлмайдиган қатъий ҳукм, мутлақ бир азму қарор эди. Бунда – ё қизнинг йўлидан, ё унинг ўз йўлидан кетиш керак бўларди. Айниқса, мана шу ҳозирги дақиқаларда қизни кўришга сира ҳам тоқати йўқ эди унинг. Йўқ, яхшиси, Свидригайловни синаб кўр-



ган маъқулдир: нима гап чиқаркин ундан? Шунда Раскольников, ҳақиқатан ҳам Свидригайлов анча пайтлардан бери ўзига нима учундир керак бўлишини сезиб юрганлигини тан олмай иложи қолмади.

Майли-ку, бироқ уларнинг ўрталарида бир-бирларини яқинлаштириб турадиган нима ҳам бўлиши мумкин? Ҳатто уларнинг ёвузлиги ҳам бир-бирига ўхшамайди-ку. Бунинг устига бу одам жуда ҳам бадхулқ ва афтидан, ҳаддан ташқари фосиқ ҳамда ифлос, устомон ва риёкор, эҳтимол жуда бадғараз эди. У ҳақдаги мишмишларни айтмайсизми. Тўғри, у Катерина Ивановнанинг болаларига ғамхўрлик қилди; лекин буни нима учун, қандай мақсад билан қилди, ким билсин? Бу одам доим бир нарсаларни мўлжаллаб, бир нарсаларни кўз остига олиб юради.

Мана шу кунлар ичида яна бир фикр сира Раскольниковнинг хаёлидан нари кетмас, уни жуда ҳам қаттиқ безовта қилиб турар, шунинг учун уни ўзидан нари қувишга уринарди, шунчалар оғир бир хаёл эди бу! У баъзан шундай деб ўйларди: Свидригайлов атрофимда айланишиб юрибди, ҳеч нари кетгиси йўқ; Свидригайлов сиримни билиб олди; Свидригайлов Дуняга қарши пичоғини қайраб юрибди. Мабодо, ҳозир ҳам шундай бўлса-чи? Афтидан, худди шундайга ўхшайди. Эндиликда унинг сирини билиб олиб, ана, боплаб тумшуғидан ип ўтказиб олдим, энди нима десам йўриғимга юради, деб бундан Дуняга қарши бир қурол сифатида фойдаланса, унда нима бўлади?

Бу фикр баъзан, ҳатто тушларига ҳам кириб қийнаб чиқар, қора терга туширарди, лекин биринчи марта буни ҳозир мана Свидригайловнинг олдига кетаётган чоғида жуда равшан ҳис қилди. Ёлғиз мана шу фикрнинг ўзиёқ унга ёруғ дунёни қоп-қоронғи қилиб, қаҳр-ғазабини қўзғатар эди.

Биринчидан, сирни дарҳол Дунечкага ҳам маълум қилишга тўғри келади. Дунечкани маломатдан сақлаш учун, эҳтимол ўзига ўзи қарши бориши зарур бўлиб қолар. Хат-чи? Бугун эрталаб Дуния аллақандай хат олибди! Петербургда у кимдан хат олиши мумкин? (Наҳотки Лужиндан бўлса?) Тўғри, у ерда Разумихин кўз-қулоқ бўлиб турибди; лекин Разумихиннинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Балки Разумихинга ҳам ҳаммасини айтиш керакдир? Бу ҳақда ўйлаб Раскольниковнинг нафрати қўзиди.

Ҳар ҳолда, у ўз кўнглида Свидригайловни қанча тез кўрсам, шунча яхши, деган қарорга келди. Худога шукрки, бу ерда гапни майдалаб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ, лўнда қилиб айтади-қўяди, вассалом; лекин мабодо у, лекин мабодо агар Свидригайлов Дунияга қарши бирон тузоқ қўйган бўлса, унда...

Раскольников мана шу кунлар, мана шу кейинги ой мобайнида шу қадар чарчаган, ҳолдан тойган эдики, энди бундай мушкул муаммоларни фақат битта йўл билан ҳал қила оларди. «Унда Свидригайловни ўлдираман», – дея ўйлади у эти жунжикиб. Юрагини офир ғам босди; кўчанинг ўртасида тўхтаб, қаёққа келиб қолдим, қайси кўчадан юриб кетяпман, деб атрофга олазарак бўлиб аланглади. У Сеннаядан ўтгиз ёки қирқ қадамча нарида ўтиб тўхтаган, фалончи кўчада турарди. Чап томондаги бинонинг бутун иккинчи қавати қовоқхона эди. Ҳамма деразалари ланг очиб қўйилганди; деразалардан ғимирлаб кўринган одамларнинг қорасига қараганда, қовоқхона лиқ тўлган эди. У ердан ашула, най ва ғижжак садолари келар, туркча чилдирманинг гумбурлагани эшитиларди. Қулоққа хотинларнинг чинқириғи чалинарди. У ўзининг нега бу кўчага келиб қолганига ажабланиб, эндигина орқасига қайтиб кетмоқчи бўлиб турган эди, бир-

дан кутилмаганда қовоқхонанинг энг чеккасидаги деразаларидан бирида Свидригайловни кўриб қолди, у чой ичиладиган стол ёнида шундоққина дераза олдида оғзига трубка солганча ўтирарди. Раскольников ҳайрат ичида анг-танг бўлиб қолди. Свидригайлов индамай, Раскольниковни кузатиб, разм солиб тикилиб турмоқда эди, Раскольников яна шунисига ҳайрон қолдики, Свидригайлов худди мени кўриб пайқаб қолмасинлар деб, хавфсиз рагандай секингина ўзини панага олиш ҳаракатида эди. Раскольников ҳам дарҳол ўзини худди уни пайқамаган, кўрмаганга олди ва хаёл ичида бошқа ёқларни томоша қилаётган кишидай кўрсатди ўзини, лекин шу билан бирга Свидригайловни кўз учида билдирмай кузатишда давом этди. Унинг юраги безовта дукиллаб урарди. Ҳа, худди ўзи: Свидригайлов, афтидан, кўзга кўринмаслик пайида эди. У оғзидан трубкани олиб, ўзини панароққа олмоқчи бўлди, лекин курсини суриб ўрнидан кўзгаларкан, Раскольников қараб кузатиб турганлигини рўйи-рост кўрди. Улар биринчи марта учрашган чоғларида, Раскольников ухлаб ётганда нима рўй берган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшанга ўхшаш бир ҳодиса бўлиб ўтди ораларида. Свидригайловнинг башарасида устомон бир кулги жилваланди, кейин бу кулги унинг бутун юзига ёйилиб кетди. Икковлари ҳам бир-бирларини кўриб, кузатиб турганликларини билардилар. Ниҳоят, Свидригайлов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Қани, қани! Келинг бу ёққа; мен шу ердман!  
– деб қичқирди у деразадан туриб.

Раскольников қовоқхонага чиқиб борди.

У Свидригайловни битта деразали кичкинагина орқа ҳужраларнинг биридан топди, ҳужра бир томондан каттакон залга уланиб кетар, залда ҳозир йигирмата мўъжаз столчалар атрофида савдогар-

лар, хизматчилар ва шунга ўхшаш бошқа одамлар ўтириб чойхўрлик қилмоқда эдилар, ашулачиларнинг таралабедод яллалари қулоқларни батанг қиларди. Қаерлардандир бильярд соққаларининг шарақлаган товушлари эшитиларди. Свидригайловнинг столида оғзи очилиб андак ичилган шампан шишаси ва ярим стакан вино турарди. Хужрада қўлда чалинадиган орган кўтарган шарманкачи бола билан йўл-йўл бурама юбка билан тасма тақилган тиролча шляпа кийган, ёши ўн саккизларга чиққан, юзлари қип-қизил, дуркунгина ашулачи қиз ҳам бор эди. Қиз қўшни хонада бўлаётган катта ашулага қарамасдан шарманкачи боланинг жўрлигида хириллаган карашмали товуш билан алақандай жўн бир ашулани ялла қиларди...

– Бас, бўлди! – деб тўхтатди уни Свидригайлов Раскольников кириб келаётганлигини кўриб.

Қиз шу заҳоти айтишдан тўхтаб, ялтоқланиб кутиб турди. У ўзининг қофияланган жўн қўшиғини айтаётган чоғда ҳам юзидан алақандай сипо ва ялтоқи бир ифода аримаганди.

– Ҳей, Филипп, стакан келтир! – дея қичқирди Свидригайлов.

– Мен вино ичмайман, – деди Раскольников.

– Ихтиёрингиз, сиз учун чақираётганим йўқ. Ич, Катя! Бугун бошқа ҳеч нарса керак эмас, боравер! – Свидригайлов ашулачи қизга бир стакан тўлдириб вино қуйиб берди ва битта сариқ қоғоз пул узатди. Катя винони ҳамма хотинларга ўхшаб секин оғзини стакандан узмай қултилатиб ичгач, Свидригайловнинг қўлидан пулни олиб, унинг сиполик билан узатилган қўлини ўпди-да, хужрадан чиқиб кетди, унинг кетидан шарманкачи бола ҳам чиқди. Уларнинг ҳар икковлари ҳам кўчадан чақириб олиб келинганди. Свидри-

гайлов Петербургда яшаётганига бир ҳафта бўлмасдан бойваччалардек танги, таралабедод кун кечиришга ўтиб олганди. Қовоқхона югурдаги Филипп ҳам «таниш» бўлиб қолган, зўр бериб ялтоқланарди. Залга ўтиладиган эшикни керак бўлса беркитиб қўйиш мумкин эди; Свидригайлов бу хонани худди ўзиники қилиб олган, эҳтимолки, куни билан шу ерда қўр тўкиб ётарди. Қовоқхона жуда ҳам ифлос, исқирт, ўртамиёнагина эди.

– Мен сизни қидириб келаётган эдим, – деб гап бошлади Раскольников, – лекин нима учундир Сеннаядан бу кўчага келиб қолдим, ўзим ҳам билмайман! Мен сира бу кўчадан юрмас, бу ерга кирмас эдим. Мен Сеннаядан ўнг томонга қараб юрар эдим, одатда. Сизнинг уйингизга ҳам бу кўчадан юрилмайди-ку. Нимагадир бошим оғиб, бу кўчага кириб қолган эканман, бундай қарасам, сизни кўрдим! Тавба!

– Тавба деманг, тўғридан-тўғри қойил, деб қўя қолинг!

– Тасодифни қаранг тўғри келишини.

– Тоза бу халқнинг одатлари қизиқ-да! – деб хахолади Свидригайлов, – ичида бўлмайдиган фаройиб нарсаларга ишонса ҳам, лекин буни сиртига чиқармайди! Бўлмаса, сиз ўзингиз айтиб турибсизки, тасодифнинг тўғри келишини қаранг, деб. Бу ернинг ҳамма одамлари ўз фикрини айтишга ҳайиқади, бунга сира юраги бетламайди, сиз буни, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз, Родион Романович! Мен сиз ҳақингизда айтаётганим йўқ буни. Сизнинг ўз шахсий фикр-мулоҳазаларингиз, кўз қарашларингиз бор, бошқалар нима дер экан, деб чўчиб ўтирмайсиз. Мен мана шу томонингизга жуда беш кетдим.

– Шунинг ўзигагинами?

– Нима, бу камми?

Свидригайлов хийла кўтаринки кайфиятда эди, лекин жуда ҳам бошини йўқотиб қўядиган аҳволда эмасди; бор-йўғи ярим стакангина вино ичганди.

– Сиз, назаримда, ўзингиз айтмоқчи, менинг ҳам ўз қарашим бўлиши мумкинлигини билмасингиздан илгарироқ мен билан учрашган эдингиз, – деди Раскольников.

– Унда гап бошқа нарсада эди. Ҳар кимнинг ўз кўзлаган иши бор. Сизга яна бир қойил қолган жойимни айтиб қўяй: сиз назаримда кейинги икки-уч кун ичида тиниқиб ухлаганга ўхшайсиз. Мен сизга бу қовоқхонани ўзим айтганман, тўғри топиб келибсиз, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ; мен ўзим сизга қандай топиб келиш, қаерда ва қайси соатларда бўлишимни тушунтириб берган эдим. Эсингиздами?

– Фаромуш қилибман, – деб жавоб берди ҳайрон қолган Раскольников,

– Ишонаман. Сизга икки мартаба айтдим. Бу ернинг манзили миянгизда ўзингиз билмаган ҳолда муҳрланиб қолган. Сиз бу ерга ҳам ўзингиз билмай, лекин шу билан бирга кўрсатилган манзил бўйича аниқ топиб келгансиз. Мен ўшанда сизга бу нарсани айтганимда гапим онгингизга етиб борганига ишонмаган эдим. Сиз жуда ҳам ўзингизни фош қилиб қўяр экансиз, Родион Романович. Ҳа, сизга яна бир нарсани айтмоқчийдим: ишончим комилки, Петербургда ўзи билан ўзи гаплашиб юрадиган одамлар жуда кўп. Бу чалажиннилар йиғилган шаҳар. Агар бизда илм деган нарсанинг ўзи бўлганда эди, унда шифокорлар, ҳуқуқшунослар ва файласуфлар ҳар ким ўз соҳасида Петербург ҳаётига оид жуда қимматли тадқиқотлар қилиши мумкин эди. Одамнинг кўнглига ғалати, хунук ғулғула соладиган бунақа жон камдан-кам топилади! Бир иқлим шароитининг

Ўзи қанча таъсир қилади одамга! Ҳолбуки, бу ер бутун Россиянинг маъмурий маркази ҳисобланади ва унинг табиати бошқа ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади. Лекин ҳозир гап бунда эмас, гап шундаки, мен сизга мана бир неча маротаба ён томонингиздан қараб кўрдим. Сиз уйдан чиққанингизда бошингизни тик, тўғри тутиб борасиз. Йигирма қадам юргандан сўнг бошингиз қуйи эгилади, кўлларингизни орқангизга қилиб оласиз. Кўзингиз очиқ кетиб боряпсизу, лекин афтидан на олдингиздаги ва на ён-верингиздаги нарсани кўрасиз. Кейин ниҳоят, сизнинг лабларингиз қимирлай бошлайди, ўзингиз билан ўзингиз гаплашишга тушасиз, шуниси ҳам борки, сиз баъзан қўлингизни орқангиздан олиб силкитасиз, пахса қила бошлайсиз, кейин анчагача кўчанинг ўртасида серрайиб туриб қоласиз. Бу жуда ҳам яхши эмас. Балки сизни мендан бошқа ҳам кузатиб юрганлар бордир, агар шундай бўлса, бунинг сизга сира ҳам фойдаси йўқ. Гапнинг пўскаласини айтганда, менга бунинг офир-енгили йўқ, мен сизни тузатадиган одам эмасман, лекин сиз менинг нима демоқчи бўлаётганимни англаётган бўлсангиз керак.

– Нима, сиз мени кузатиб юришганини биласизми? – деб сўради Раскольников унга синчков назар ташлаб.

– Йўқ, ҳеч нарса билмайман, – деди худди ҳайрон қолган одамга ўхшаб Свидригайлов.

– Келинг, ҳадеб мен ҳақимда гапиришавермайлик, – деди фўлдираб қовоғини солганча Раскольников.

– Майли, ҳадеб сиз ҳақингизда гаплашавермаймиз.

– Яхшиси, қани менга айтинг-чи, сиз бу ерга ичгани келаркансиз, менга ҳам икки марта шу

ерга келишни тайинлаган экансиз, нега энди мен кўчада туриб деразага қарасам, ўзингизни панага олиб беркинмоқчи бўлдингиз? Мен буни жуда аниқ кўрдим.

– Ҳе! ҳе! Нега бўлмаса, сизнинг олдингизга борганимда, кўзингизни юмиб ўзингизни ухлаганга солиб ётган эдингиз, ваҳоланки, уйғоқ эдингиз-ку? Мен ҳам буни жуда аниқ кўрган эдим.

– Шундай қилган бўлсам... сабаби бор... ўзингиз биласиз...

– Менинг ҳам ўз сабабларим бор, лекин сиз уларни билмайсиз.

Раскольников ўнг тирсагини столга қўйиб, ўнг қўлининг кафти билан даҳанини тиради ва Свидригайловга диққат билан тикила бошлади. Бир дам унинг юзига тикилиб разм солиб турди, Свидригайловнинг юзи илгарилари ҳам уни ажаблантирарди. Унинг оқи оқ, қизили қизил башараси, ақиқдай лаблари, оқимтир қуюқ соч-соқоли жуда ғалати бўлиб кўринар, худди ниқобга ўхшарди. Унинг кўзлари ҳаддан ташқари кўк, қарашлари эса ҳаддан зиёд қаттиқ ва тўрс эди. Унинг аслига қараганда анча ёш кўринадиган, жуда ҳам чиройли юзида одамнинг беҳад ғашини келтирадиган, нафратини кўзғайдиган алланима бор эди. Свидригайлов ёзга ярашиқ кийимлар кийган, кийими ҳаддан ташқари олифта, урфда эди, у энгил-бошни жуда олифталик билан киядиганлар сирасидан эди. Унинг бармоғида қимматбаҳо тош ўрнатилган каттакон узук бор эди.

– Э, нима деган гап ўзи, наҳотки ҳали сизга ҳам бошимни қотириб ўтирсам, – деди бирдан Раскольников иложсиз суръатда сабрсизлик билан очиқча гапга ўтиб, – бўлмаса, сиз ёмонлик қиламан, деб қасд қилсангиз, ёмонлик жуда қўлидан келадиган одамсиз, лекин мен ўзим энди бош қотириб ўтир-



моқчи эмасман. Сиз ўйлаганча мен ўз қадримга йиғламай қўйганман, менга икки дунё ҳам бир қадам бўлиб қолган. Сизга ҳозир буни исботлаб бераман. Сизга гапнинг очигини айтишим керакки, агарда сиз илгаригидай синглимнинг қасдига тушган бўлсангиз, уни тузоққа илинтирмоқчи бўлиб юрган бўлсангиз, шу мақсадда кейинги пайтда қўлингизга тушган баъзи маълумотлардан фойдаланмоқчи бўлиб уринаётган бўлсангиз, унда мен қамалмасимдан бурун сизни ўлдираман. Мен чин гапни айтаётирман: мен сўзимда қандай туришимни ўзингиз ҳам биласиз. Иккинчидан, назаримда менга айтадиган гапингиз борга ўхшайди, агар шундай бўлса, гапингизни айтинг, бўлмаса вақт кутиб турмайди, тезда кеч бўлиб қолиши мумкин.

– Қаерга бунча шошилмасангиз? – сўради Свидригайлов унга қизиқсиниб разм соларкан.

– Ҳар кимнинг ўз кўзлаган иши бор, – деб жавоб берди қовоғини солиб сабрсизлик билан Раскольников.

– Ҳозиргина ўзингиз очикчасига гаплашгани келдим, дедингиз, лекин мана, биринчи саволимга жавоб беришдан қочяпсиз, – деди илжайиб Свидригайлов. – Сизнинг кўзингизга мен доим бир нарсаларни мўлжаллаб юрадиган одамга ўхшаб кўринаман, шунинг учун ҳам доим мендан шубҳаланасиз. Нима ҳам дердик, сизнинг вазиятингизда буни тушунса бўлади. Лекин сиз билан жуда яқиндан танишиб олмоқчи бўлганимга қарамасдан сизни бу ишончингиздан қайтаролмайман, буни истамайман ҳам. Худо ҳақи, эшовидан тушови қиммат, дегандай, сиз билан деярли гаплашадиган сўзим ҳам йўқ, кўзлаган бир ниятим ҳам йўқ.

– Нега унда сизга керак бўлиб қолдим? Ахир, сиз атрофимдан кетмай ўралашиб юрган эдингиз-ку?

– Э, нима бўларди кўрсак, кўришга арзийдиган одамсиз. Мени бу қадар ақл бовар қилмайдиган аҳволга тушиб қолганлигингиз қизиқтириб қўйди, бор гап шу, холос! Бундан ташқари сиз бир маҳаллар юрагимни қитиқлаган ойимқизнинг акаси бўласиз ва ниҳоят, ўз вақтида ўша кишининг офзидан сиз ҳақингизда жуда кўп антиқа гапларни эшитганман, шунинг учун синглингизнинг сизга бўлган муҳаббати ва эътиқоди жуда баланд экан, деган хулосага келганман; нима, сизга етмайдими шуларнинг ўзи? Ҳе-ҳе-ҳе! Дарвоқе, менга сизнинг саволингиз мураккаблик қилади, унга дабдурустдан бир нарса деб жавоб беришим ҳам қийин. Мана, мисол учун айтадиган бўлсак, сиз менинг олдимга фақат иш юзасидан келмагансиз-ку, ахир, бирон янгилик илинжида келгансиз, шундай эмасми? Шундай эмасми, ахир? – деб тасдиқлатиб олмоқчи бўларди гапини Свидригайлов устомонлик билан тиржайиб, – буни қарангки, мен бу ёққа келаётганимда вагондаёқ вақтимда бутун умидим сиздан эди, сиз менга биронта янгилик айтарсиз, деб кутган эдим, сиздан ўзимга бирон нарса оларман, ахир, бордан юқади-ку, деб ўйлаган эдим! Ана сизга борнинг ҳоли!

– Ўзингизга нима нарсани олмоқчи эдингиз?

– Сизга нима десам экан? Кошкийди, нималигини билсам? Кўряпсизми, қандай қовоқхонада ўтирганимни, шу менга ёқади, яъни жуда ҳам унчалар бўлмаса ҳам, лекин бари бир бирон жойда ўтириш керак-ку. Мана шу шўрлик Катяни олинг, уни кўрдингизми?.. Бунинг устига очофат одам бўлсам, танлаб, саралаб есам ҳам майли эди, ваҳоланки тотиб ўтирган нарсам мана! (У бармоғи билан нуқиб, бурчакдаги кичкина стол устида тунука идишда турган картошка солинган қиймали гўшт қолдиқларини кўрсатди, таом, ҳақиқатан

хам жуда ночор эди.) Айтгандай, сиз овқатланган-мисиз? Мен пича тотиниб олдим, бошқа егим йўқ. Винони десангиз, ҳечам ичмайман. Шампандан бошқасига сира ҳушим йўқ, шампанни ҳам куни бўйи бир стакан ичаман, шунга ҳам бошим оғрийди. Мановини, пича дадил бўлиш учун чақирдим, бир жойга бормоқчи эдим, шунинг учун сизга ҳам сал кайфиятим бошқачароқ бўлиб кўринаётган бўлса керак. Боя худди мактаб боласига ўхшаб сиздан яширинмоқчи бўлганимнинг сабаби ҳам шу эди, менга халал берасиз, деб ўйладим; лекин сиз билан (у соатини чиқарди) бир соатча ўтиришим мумкин; ҳозир соат тўрт ярим бўлибди. Биласизми, одамнинг бирон шуғулланадиган иши бўлсин экан; заминдор бўладими, ота бўладими, суворими, сураткашми, журналистми... бари бир, қаранг, ҳеч нарсадан йўқ эканман! Баъзан одам зеркиб кетади. Ростдан ҳам сиздан янгироқ бирон гап эшитаман, деб ўйлагандим.

– Сиз ким бўласиз ўзи, нега бу ерларда юрибсиз?

– Мен ким бўламанми? Биласизми: зодагонларданман, икки йил отлиқ аскарлар сафида хизмат қилганман, кейин шу Петербургда сандироқлаб юрганмиз, кейин Марфа Петровнага уйланиб, қишлоқда яшаганмиз. Ана сизга менинг таржимаи ҳолим!

– Сиз қиморбозсиз ҳам шекилли?

– Қанақасига қиморбоз бўлай. Фирром – қиморбоз бўлолмади.

– Сиз фирром эдингизми?

– Ҳа, фирром эдим.

– Нима, таёқ ҳам еганмисиз?

– Бошимиздан ўтган. Нима эди?

– Унда дуэлга чақирсангиз ҳам мумкин эди, демоқчиман... юракнинг қизигини босиш учун.

– Гапингизни тасдиқлашдан бошқа чорам йўқ, бунинг устига мен гапни дўндириб гапиролмайман. Сизга очигини айтиб қўя қолай, бу ерга кўпроқ хотинлар важдан келганман.

– Марфа Петровнани кўмиб улгурмасдан-а?

– Албатта-да, – деб голибона тиржайди Свидригайлов яшириб ҳам ўтирмасдан. – Нима бўлибди? Менинг аёллар ҳақида бундай гапиришим сизга ёқмаяптими дейман?

– Яъни бузуқчилик менга ёқиш-ёқмаслигини айтяпсизми?

– Бузуқчиликмиш! Тоза олдингизда, гапни! Майли, тартиб билан бир чеккадан жавоб берай, олдин умуман хотинлар ҳақида айтай; биласизми, мен жуда сергап бўлиб кетаман баъзан. Айтинг-чи, мен нега энди ўзимни сақлаб ўтирар эканман? Хотинларсиз туролмаганимдан кейин нега энди улардан воз кечишим керак экан? Лоақал, шу ҳам бир машғулот-ку.

– Сиз бу ерга фақат бузуқчилик қиламан деб келган экансиз-да?

– Хўп, нима бўлибди, бузуқчилик бўлса, нима бўпти! Бузуқчилик, бузуқчилик дейсиз! Ҳа, мен, лоақал, саволни очикдан-очик беришларини ёқтираман. Лоақал, шу бузуқчиликда табиатнинг ўзига асосланган бир мунтазамлик бор, у хаёлий нарса эмас, у доимо қопда йилтиллаб турган чўққа ўхшайди, қонни кўпиртиради, буни ҳатто йиллар ўтиши билан ҳам сўндириб, йўқотиб бўлмаслиги мумкин. Ўзингиз айтинг, ахир, бу ҳам ўзига яраша бир машғулот эмасми?

– Бунинг нимасига суюнасиз? Бу касаллик, ёмон касаллик.

– Э, мана гап нимада экан? Гапингиз тўғри, бу касаллик, меъёрдан чиққан ҳамма нарса касаллик бўлади, бунда эса меъёрдан чиқмасликнинг сира

иложи йўқ, лекин гап шундаки, бировда ундай, бировда бундай, иккинчидан, ҳамма нарсада меъёрни билган яхши, бу жуда ҳам пасткашлик бўлса ҳам, лекин нима қилиб бўларди? Шу бўлмаса, одам ўзини ўзи отиб қўйиши ҳам ҳеч гап бўлмай қоларди, балким. Гапингиз тўғри, ҳалол одам зерикарли ҳаёт кечиришга мажбур, лекин ахир, шундай бўлса ҳам...

– Нима, сиз ўзингизни ота олармидингиз?

– Ана холос! – деб унинг гапини кесди нафратланиб кетган Свидригайлов, – марҳамат қилиб, бу ҳақда гапирмасангиз, – деб қўшиб қўйди у шоша-пиша унинг бу гапида боягидай олифта, қуруқлик йўқ эди. Ҳаттоки унинг юзи ҳам ўзгариб кетгандай бўлди. – Кечириб бўлмайдиган бир ожизлигим бор, тан олишим керак, лекин нима қилай, ўлимдан қўрқаман ва ўлим ҳақида гапиришларини ёқтирмайман. Биласизми, мен бир оз хурофотга ишонаман?

– Э-ҳа! Марфа Петровнанинг шарпалари десангиз-чи! Нима, ҳали ҳам келиб турибдими шарпаси?

– Э, қўйинг, эсламанг уларни, Петербургда ҳали келгани йўқ; келмаса ундан нари! – деб қичқирди у аллақандай аччиқланган қиёфада. – Йўқ, яхшиси, бу ҳақда... Ҳа, айтгандай... Ҳм! Эҳ, вақтим тифизроқ эди, афсус, сиз билан узоқ гаплашиб ўтиролмайдим! Бўлмаса, айтадиган гапларим кўп эди.

– Қаёққа борасиз ўзи, хотин кишининг олдигами?

– Ҳа, хотин кишининг олдига, ўзи шунчаки бир гап... Йўқ, мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим.

– Манови аҳволнинг расволиги гашингизга тегиб кетмадими? Нима, ўзингизни тўхтатолмайдиган бўлиб қолганмисиз?

– Ўзни тўхтатиш, тўхтатолмаслик ҳақида ҳам гапираверасиз-а, сиз? Ҳе-ҳе-ҳе! Жуда мени ажаб-

лантириб қўйдингиз, Родион Романович, ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб юрган эдим. Яна сиз менга бузуқчилик ва дид-фаросат ҳақида гап сўқаётганингизни қаранг! Сиз – Шиллерсиз, сиз – идеалистсиз! Буларнинг ҳаммаси ўзи шундай бўлиши керакку-я, ва агар бундан бошқача бўлса ажабланиб ўтирса бўлардику-я, лекин шундай бўлса ҳам, ҳаммаси жуда ғалати, аллақанақа ростдан ҳам... Эҳ вақтим зиқлигини кўрмайсизми-я, бўлмаса, сиз жуда антиқа йигитсиз-да! Ҳа, айтгандай, сиз Шиллерни севасизми? Мен жуда яхши кўраман.

– Вой-бў, мунча ҳам қуруқ бўлмасангиз! – деди бир оз нафрати қўзигандай бўлиб Раскольников.

– Йўғ-ей, сира ҳам ундай эмас, Худо ҳақи, – деб жавоб берди Свидригайлов хахолаганча, – майли, талашиб ўтирмайман, сиз айтганча қуруқ бўла қолай; лекин бировга зиёни тегмайдиган қилиб қуруқлик қилсак қилибмиз-да. Мен етти йил Марфа Петровнанинг этагида яшадим, мана энди сиздай ақли комил йигитга дуч келиб, ақли комилгина эмас, ўзи ҳам жуда антиқа бир йигитга деб айттай-чи, очилиб кетган бўлсам эҳтимол, яна манови майдан ярим қадаҳ ичган эдим, жуда тилимни бийрон қилиб юборди. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, бир воқеа бўлиб қолдики, мен жуда миямни йўқотиб турибман, лекин қандай воқеа... Буни айтмайман. Қаёққа кетяпсиз, ҳой? – деб сўради кўрқиб кетган Свидригайлов.

Раскольников ўрнидан қўзғала бошлаганди. Бу ерга келганидан унинг юраги сиқилиб кетган, номус қилган, ўнғайсизланган эди. У Свидригайлов ёруғ дунёдаги қуруқ, тубан ва ёвуз одамлигини билиб олган эди.

– Э-эҳ! Ўтирсангиз-чи, қолинг, – деб ялинарди Свидригайлов, – айтинг, сизга чой олиб келишсин. Ўтира қолинг, келинг энди, бўлди, валдира-

майман ўзим ҳақимда. Мен сизга бир нарсани айтиб бераман. Истайсизми, сизнинг сўзингиз билан айтадиган бўлсак, бир хотин мени қандай қилиб «қутқарганини» сўйлаб бераман? Бу бир томондан, сизнинг биринчи саволингизга жавоб ҳам бўлар, балки, чунки мен айтаётган хоним сизнинг синглингиз бўлади. Айтаверайми? Вақт ўтганини ҳам билмай қоламиз.

– Майли айтинг, лекин умид қиламанки, сиз...

– О, ташвишланманг! Авдотья Романовна шундай ажойиб бир хилқатки, мендек расво ва такасалтанг одамнинг юрагида ҳам эҳтиром, юксак ҳурмат-эътибор уйғотган.

#### IV

– Сиз билсангиз керак (дарвоқе, сизга айтиб берган ҳам эдим), – деб бошлади Свидригайлов, – мен бу ерда жуда катта пул қарз бўлиб қолиб тўлолмай қамоқда ўтирганман, тўлай десам, ҳеч вақо йўқ денг. Ўшанда Марфа Петровна мени қандай қилиб қутқариб олганлигини майдалаб гапириб ўтиришнинг кераги йўқ менимча; хотин киши яхши кўриб қолса, қанчалар миясини йўқотиб эс-ҳушидан ажраб қолишини биласизми? У ўзи ўқимишли бўлмаса ҳам, лекин жуда ҳалол, анча ақлли хотин эди. Мана шу ҳалол ва ўтакетган рашкчи хотин жуда кўп таъна-тазаррулардан сўнг мен билан битим тузиш даражасига ҳам борди ва то жони узилгунча шу битимга риоя қилди. Гап шундаки, унинг ёши мендан анча-мунча катта эди ва доимо оғзига чиннигул солиб чайнаб юрарди. Мен аблаҳ бўлмасам, ўзимча гўё тўғри сўз бўлмасам, унга садоқатли бўлиш қўлимдан келмайди, деб айтаманми асти. Менинг очикдан-очик айтган бу гапимдан унинг жон-пони чиқиб кетди, лекин бошқа бир ёқ-

дан, рўйи-рост гапирганимдан хурсанд ҳам бўлди чамамда: «Бошидан шундай деётган бўлса, демак, кейин алдаб, ёлгон сўзлаб юрмай демоқчидир», деб хаёл қилган. Рашкчи хотинга бундан ортиқ яна нима керак. У олдин тоза оби-дийда қиладди, кейин шундай битимга келдик: аввало, мен ҳеч қачон Марфа Петровнани ташлаб кетмайдиган ва доимо унинг эри бўлиб қоладиган бўлдим; иккинчидан, унинг ижозатисиз ҳеч қаерга бормаيمان; учинчидан, битта маъшуқага боғланиб қолмайман; тўртинчидан, шу шартларни бажарган тақдиримда Марфа Петровна баъзан хизматчи қизлар билан ҳазил-ҳузул қилиб туришимга ижозат этади, лекин қайси қиз билан бўлишимдан у махфий суръатда хабардор этилиши ва розилиги олиниши керак бўлади; бешинчидан, ўз табақамиздан бўлган хотинни севиб қолишдан мени Худонинг ўзи сақласин; олтинчидан, яна Худо ўзи сақласину, лекин бирон хотиннинг ишқ-муҳаббатига қаттиқ гирифтор бўлиб қоладиган бўлсам, унда ушбу воқеадан Марфа Петровнани огоҳ қилишим зарур. Мана шу охирги шартга келганда Марфа Петровнанинг доим кўнгли тўқ эди; у ақлли хотин эди, менинг бузуқ ва суюқлигимни кўриб, билиб турар, чинакам севги менга бегоналигига ақли етарди. Лекин ақлли хотин бошқа-ю рашкчи хотин бошқа, ҳамма бало мана шунда. Дарвоқе, баъзи бир одамлар ҳақида холисанлило фикр айтиш учун олдиндан ўйлаб чиқарилган хулосалар, кўз қарашлардан воз кечиш керак, уларга бизни атрофимизни қуршаган кишиларга қилинадиган одатдаги муомалаларни қилмаслик, шундай муомалалардан келиб чиқиб баҳо бермаслик зарур. Мен бошқаларникидан ҳам кўпроқ сизнинг фикрингизни қадрлайман. Сиз, балки Марфа Петровна ҳақида жуда кўп кулгили ва куракда турмайдиган гапларни эшитган бўл-



сангиз ҳам керак. Ростдан ҳам у кишининг баъзи жуда ғалати, ғаройиб одатлари бўларди; лекин сизга чин юракдан айтиб қўяй, мен у кишининг бошига жуда кўп ташвиш-надоматлар солганимдан қаттиқ афсусланаман. Менимча, эрига ғоятда меҳрибон бўлган марҳума хотин шаънига хотинига ғоятда меҳрибон эр айтиши мумкин бўлган *oraison funèbre*<sup>36</sup> бундан ортиқ бўлмаса керак, етар, бас. Орамизда уруш-жанжал бўлиб қолган кезларда мен кўпинча миқ этиб, оғзимни очмасдим, унга қўшилиб, ғазабимни сочмасдим, назокат деймизми буни, ҳар ҳолда шу ҳам унга таъсир қиларди; таъсир ҳам қилар, ёқарди ҳам; ҳатто унинг мендан фахрланган пайтлари ҳам бўларди. Лекин шундай бўлса ҳам бари бир у синглингизга тоқат қилиб туролмади. У қандай қилиб шундай гўзал қизни уйга тарбиячи қилиб олишга юраги бетлаган, ҳайронман! Марфа Петровнанинг ўзи ҳам жуда жўшқин ва таъсирчан хотин эди, у киши синглингизни жуда қаттиқ яхши кўриб, унга меҳри тушиб қолган бўлса керак, менимча, шундай. Бунинг устига Авдотья Романовнанинг ўзини айтмайсизми! Мен уни кўрган заҳотим иш чатоқ, деб ўйладим ва нима қилдинг денг: унга сира ҳам қарамай юрдим. Лекин Авдотья Романовнанинг ўзи аввал бошлади, шунга ишонасизми, йўқми? Марфа Петровна ҳам синглингизни тилдан қўймай мақтар, мен эса индамасдим, шунда Марфа Петровна авваллари мен миқ этиб, оғзимни очмаганим учун, ҳатто жаҳли ҳам чиқар эди, шунга ишонасизми, йўқми? Марфа Петровна мендан нима истарди, ўзим ҳам билмайман! Албатта, Марфа Петровна Авдотья Романовнага менинг бутун сир-асроримни сўзлаб берган. У шўрликнинг бир ёмон одати бор эди, оиламизнинг сирларини ким учраса шунга айтиб, тинмай ши-

<sup>36</sup> *Oraison funèbre* – марсия (франц.).

коят қилгани қилган эди. Ўзининг янги орттирган ажойиб дугонасини ҳам албатта бу нарсалардан хабардор қилган. Назаримда, уларнинг мендан бошқа гапирадиган мавзуси ҳам бўлмаган шекилли, Авдотья Романовна менга тўнкаб айтиб юриладиган барча хунук ва ғалати чўпчаклардан хабардор бўлган... Гаров ўйнайманки, сиз ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитган бўлсангиз керак, тўғрими?

– Эшитганман, Лужин сизни бир норасида боланинг ҳаётига зомин бўлган, деб айтганди. Шу ростми?

– Барака топинг, шу бачкана гапларни қўяйлик, – деди нафрати қўзиган Свидригайлов афтини буриштириб, – агар сиз шу бемаъни воқеани билмоқчи бўлсангиз, кейинроқ бир бошдан ўзим айтиб бераман, ҳозир эса...

– Сизнинг яна алақандай бир хизматкорингиз ҳақида гапириб юришган эди, гуё унга ҳам сиз зомин бўлган экансиз.

– Барака топинг, бўлди, бас! – деб унинг гапини кесди бетоқатланиб Свидригайлов.

– Бу ўша ўлгандан кейин сизга трубка тайёрлаб бермоқчи бўлган хизматкор эмасми... Менга буни ўзингиз сўйлаб берган эдингиз-ку? – борган сари аччиғи чиқиб дерди Раскольников.

Свидригайлов Раскольниковга синчков назар ташлади, Раскольниковнинг назарида унинг қарашида қаҳрли бир захарханда йилтиллаб кетгандай бўлди, лекин Свидригайлов ўзини босди ва муомаласини ўзгартирмай одоб билан жавоб берди:

– Ўшанинг ўзи. Сизни ҳам бу гаплар жуда қизиқтириб қолганга ўхшайди чамамда, қулай фурсат келиши биланоқ сизга бу нарсаларни миридан-сиригача айтиб беришни ўзимнинг бурчим деб биламан. Жин урсин! Мен ростдан ҳам баъзи одамларнинг кўзига бошидан кўп нарсаларни ке-

чирган антиқа қаҳрамон бўлиб кўринсам керак. Мана шунча нарсалардан кейин мен ҳақимда синглингизга қанчадан-қанча антиқа ва сирли гапларни айтиб бергани учун Марфа Петровнадан нечоғлик миннатдор эканлигимни ана энди ўзингиз топиб олаверинг. У кишида буларнинг бари қандай таассурот қолдирганлигини айтолмайман; лекин ҳар ҳолда мен учун фойдали таассурот бўлгани, шубҳасиз. Авдотья Романовнанинг табиатан мендан нафратланиши ва менинг доим қовоғи солиқ, бадрафтор бўлиб юришимга қарамасдан, ниҳоят у кишининг кўнглида ачиниш уйғонган, мендек адоғи тамом бўлган одамга нисбатан раҳм-шафқат туғилган. Қиз боланинг юраги ачишдимиз, тамом деяверинг, унинг ўзининг иши чатоқ бўлади. Шундан кейин унинг албатта, «қутқаргиси», ақл ўргатгиси, ҳаётга, янгитдан фаолият бошлашга қайтаргиси, тирилтиргиси, олижаноб мақсадлар сари чорлагиси келиб қолади, нималар келмаслиги мумкин дейсиз қиз боланинг хаёлига. Мен қушчанинг ўзи тузоққа илинмоқчи бўлиб турганлигини сездим ва ўз навбатимда ҳозирлик кўриб қўйдим. Сиз қовоғингизни соляпсиз-а, Родион Романович? Ҳечқиси йўқ, иш арзимаган бир натижа билан тугаган-ку. (Жин урсин, мунча кўп май ичиб қўяётирман ўзи!) Мен доимо, бошидан бошлаб бир нарсага ачинаман, нега синглингиз милодимизнинг иккинчи ёки учинчи асрларида Кичик Осиёнинг биронта ҳокими ёки давлатманд ҳукмдори, ёки хонзодалар хонадонида туғилмади деб. У киши ҳеч шубҳасиз ўша кўп риёзат ва азият чеккан аёллардан ва бунга чидаганлардан бўларди; унинг кўкракларига чўғ бўлиб турган темирни босганларида ҳам у кулиб қараб турган бўларди. Унинг ўзи атай шунга талабгор бўлиб борган бўларди, тўртинчи ёки бешинчи асрларга келиб эса Миср

сахроларига чиқиб кетиб, у ерда илдиз сўриб, хаёл суриб, мадҳ ўқиб яна ўттиз йил умр кечирган бўларди. Ҳозир ҳам ўзи шунга илҳақ бўлиб муштоқ юрибди, ким учун риёзат чексам экан, кимнинг азиятини ўз гарданимга олсам экан деб, агарда унга тезроқ шундай риёзат чекмоқликка имкониёт берилмаса, ўзини деразадан ташлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Мен аллақандай Разумихин деган одам ҳақида у-бу гапларни эшитиб қолдим. Уни эсли-хушли, дуруст йигит, дейишади (шарифдан ҳам кўриниб турибди, семинария ўқувчиларидан бўлса эҳтимол), майли, синглингизни яхшилаб эҳтиёт қилсин. Қисқаси, мен синглингизнинг қандай қиз эканлигини англаб етдим, бунинг учун ўзимдан хурсандман. Лекин ўша маҳалларда, яъни янги танишган кезларимиз доим одам енгилтак ва тентакроқ бўлади, хато ўйлайсан киши, кўзингга ҳам фақат бошқа нарсалар кўринади. Жин урсин, нега уни табиат бунчалар малоҳатли қилиб яратган ўзи? Менда айб йўқ! Жонимда бир ҳирс голиб чиқди-ю, ўзимни кўйишга жой тополмай қолдим. Авдотья Романовна одамнинг ақли бовар қилмайдиган даражада ҳаёси зўр, иффати қаттиқ қиз, бунақаси кўрилмаган ҳам, эшитилмаган ҳам. (Мен сизга бунини билиб қўйинг, деб айтаётирман. У чидаб бўлмайдиган даражада иффатли, ақли теран бўлишига қарамасдан уяти жуда қаттиқ, бу унга зиён бўлади.) Шу орада денг, оёқ остидан бир Параша деган қиз чиқиб қолса бўладими, шу Параша деганимиз кўзлари қора қиз бўлиб, уни бошқа қишлоқдан оқсочликка олиб келишган эди, мен илгари уни сира кўрмагандим, ўзи кўҳликкина нарса, лекин ўлардай фаросатсиз денг, тегманозиклик қилиб кўз ёши, дод-вой кўтариб қолса бўладими, тоза жанжал бўлди. Бир куни боғда хиёбонда юрган эдим бир ўзим, Авдотья Романовна мени

атай қидириб келиб қолса бўладими, кўзлари ўтдай ёнади денг, мендан Парашани тинч қўйишимни талаб қилди. Икковимизнинг биринчи марта ёлғиз қолиб гаплашишимиз шу эди. Мен, албатта, унинг талабини ҳақли, деб топдим, ўзимни жуда адо бўлган, енгилган, пушаймон бўлган одам қилиб кўрсатдим, жуда ишонарли чиқди ўйнаган ролим. Шундан кейин муносабатларимиз бошланиб кетди, сирли гаплар, ялиниб-ёлворишлар, ҳатто кўз ёшлари тўкилади денг, ишонасизми, ҳатто кўз ёшлари ҳам бўлди-я! Баъзи қизлар ташвиқотчи бўламан деса, мана шу даражагача ҳам боради! Мен албатта тақдирим ўзи шунақа деб ҳаммасини қисматнинг устига ағдардим ва ўзимни ёруғликка чиқишга, тузалишга жуда илҳақ ва муштоқ бир одам қилиб кўрсатдим ва ниҳоят, аёллар қалбини забт қиладиган энг улуғ ва қудратли воситани ҳам ишга солдим, бу шундай қуроли, ҳеч қачон ҳеч кимни алдамайди, ҳаммага баробар таъсир қиладди, биронта ҳам одам унга қарши тоб беролмайди, биронта ҳам, истисносиз суръатда. Бу қурол маълум нарса, мақтов. Ёруғ дунёда тўғрилиқдан ҳам қийин нарса йўқ ва мақтовдан ҳам осон нарса йўқ. Агар тўғри сўз одам жиндаккина ёлғон гапириб қўйса, дарҳол уйғунлик бузилади, ўртада жанжал-сурон чиқади. Агар мақтов бошдан-оёқ ёлғондан иборат бўлганда ҳам бари бир одамга ёқади ва эшитиб роҳат қиласан; бундай роҳат жуда хунук кўринса керак, лекин ҳарқалай бунинг лаззати бошқача бўлади. Мақтов қанчалар қўпол бўлмасин, лекин ҳеч шак-шубҳасиз лоақал унинг ярми ҳақиқат бўлиб кўринади. Тараққиётнинг ҳамма босқичларида, жамиятнинг ҳамма табақаларида шундай бўлиб келган. Энг моҳпора қизни ҳам мақтов билан алдаш мумкин. Одми одамларни-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлаверади. Эрига, болала-

рига вафодор, тақвога берилган бир бекач хотинни қандай қилиб йўлдан урганимни эсласам, ҳали ҳам кулгим қистайди. Жуда яйраганман-да, билсангиз ҳеч жонимни койитганим ҳам йўқ! Бекач хотин, ростдан ҳам яхши хотин эди, албатта яхшилиги ўзига яраша. Бутун қилган ишим шу бўлдики, унинг иффатли аёл эканлигини айтиб тасанно ўқир, унинг олдида ўзимни қора ер қилиб кўрсатар, таъзим қилар эдим. Уни мақтаб осмонга олиб чиқиб қўяр эдим, агар унинг қўлини ушлашга муяссар бўлсам ёки менга беихтиёр нигоҳ ташлаган бўлса, бунга мен ўзимни худди уни зўрлаб эришгандай гўё уни шундай қилишга мажбур қилиб қўйгандай, у эса бунга гўё қаршилиқ қилгандай, қаршилиқ қилганда ҳам шундай қаршилиқ қилганки, агарда ўзим бунчалар бузуқ бўлмасам, ҳеч қачон бунақа нарсаларга эришолмайдигандай қилиб кўрсатар, унинг олдида гўё жуда қаттиқ хижолатга тушгандай бўлар эдим; менинг ҳаракатларимдан гўё у беҳад бегуноҳ бир фаришта-ю ўзи сира ҳам билмай қолиб менинг макрим ва тузоғимга илиниб қолгандек, гўё ҳеч қачон бундай нарсаларни, ҳатто хаёлига ҳам келтирмагандек бир маъно чиқар эди ва ҳоказо, ва ҳоказо. Хулласи калом, мен ниятимга етдим, бекач бўлса ҳамон ўзини ор-номусини йўқотмаган, бегуноҳ фаришта деб билар, ўз бурчи ва вазифасини адо этаётган каби ҳис қилар, гўё ўзини тасодифан тикан босиб олгандай санар эди. Кейин алоҳал унга сиз ҳам худди менга ўхшаб лаззат қидирган эдингиз, мен бунга аминман, деб айтдим, унинг ўшанда қанчалар дарғазаб бўлганини билсайдингиз. Шўрлик Марфа Петровнанинг ҳам хушомадга сира суяги йўқ эди, агар ўзим хоҳлаганимда, у ўлмасидан бурун бутун мулкни ўз номимга ўтказиб хатлатиб олган бўлардим. (Жуда кўп ичиб юбор-

дим-да ўзиям, эзма бўлиб кетдим.) Ана энди жаҳлингиз чиқмасину, лекин хушомад билан Авдотья Романовнанинг ҳам кўнглига йўл топа бошладим. Ўзим аҳмоқлик ва енгилтаклик қилиб қўйиб ишнинг пачавасини чиқардим. Авдотья Романовнага бир неча маротаба менинг қарашим ёқмади (бир марта айниқса), кўзингиз ёмон, деди, илгари ҳам бир-икки шундай бўлган эди, сиз ишонасизми бунга? Гапнинг қисқаси, ичимдаги гапни кўзимдан билиб қолди ва менинг кўзимдан кўрқадиган, кейин бора-бора тоқат қилолмайдиган бўлди. Майда-чуйда тафсилотларини айтиб ўтирмайман, биз бир-биримизга жуда чап бўлиб қолдик. Шунда мен яна бир аҳмоқлик қилиб қўйдим. Унинг олдинги қилган ташвиқотлари, ялиниб-ёлворганларидан очиқдан-очиқ мазах қилиб кула бошладим; яна Парашанинг кетидан тушдим, ундан кейин яна бошқаси бўлди, шу яна бошланиб кетди бузуқчилик. Синглингизнинг кўзлари баъзан қандай йилтираб кетишини бир кўрсангиз эди, Родион Романович! Майли, мен мана маст бўлиб қолдим, тўла бир қадаҳ майни ичиб қўйибман, сизга бўлган гапни айтяпман; гапимга ишонинг, унинг шундай қараши тушларимга кириб чиқарди; ниҳоят, ҳатто қўйлагининг шилдирашини эшитишга ҳам тоқатим қолмади. Тутқаноқ касалига йўлиқиб қоламан, деб ўйладим, ўзимни бу аҳволга тушарман, деб сира тасаввур қилмаган эдим. Қисқаси, ярашиб олмаса бўлмайдиган эди, лекин бунинг иложи қолмаганди. Ўшандан кейин нима қилдинг денг? Одам қутуриб кетганда ақл-хуш деган нарсани унутаркан! Ҳеч қачон қутуриб, дарғазаб бўлиб турган маҳалингизда бир иш қила кўрманг, Родион Романович. Очиғини айтганда, Авдотья Романовна жуда ҳам қашшоқ (оҳ, кечиринг мени, ундай демоқчи эмасдим... лекин хонаси келиб қолганли-

ги учун бари бир эмасми, қандай деб аташ?) эканлигини кўзда тутиб, яъни ўз қўл кучи билан кун кўрадиган одам демоқчиман, унинг қарамоғида ойиси билан сиз ҳам борлигингизни (оҳ, жин урсин, яна афтингизни буриштиряпсиз...) назарда тутиб, унга бор пулларимни бермоқчи бўлдим (ўттиз мингга яқин пулни ўша пайтда ҳам топа олардим), фақат мен билан бу ерга, Петербурггами, майлида, бирга қочиб кетишни таклиф қилдим. Ўз-ўзидан равшанки, бу ерга келганимиздан кейин мен сизни абадий севаман, абадий роҳат-фароғатда яшаймиз, деб ваъдалар берган бўлардим унга ва ҳоказо, ва ҳоказо. Ўша кезлар кўзим қонга тўлган, ҳеч нарса чўт бўлмай қолганди, агар у Марфа Петровнани ўлдир ёки заҳарла, деб бир оғиз айтса, шу заҳоти буни амалга оширган бўлардим! Лекин ҳаммаси барбод бўлди, бу ёғини ўзингиз ҳам биласиз нима бўлганлигини, Марфа Петровна бу аблаҳ мирза Лужинни қаердандир ковлаб топиб, унга Авдотья Романовнани олиб бермоқчи бўлиб юрганлигини эшитгач, қанчалар қутуриб кетганлигимни билсайдингиз, ахир, бу мен таклиф қилган нарсанинг худди ўзгинаси эди-да, расмона олиб қарайдиган бўлсангиз. Шундайми? Шундайми? Тўғри, а? Нима бало, сиз жуда берилиб қулоқ сола бошладингиз... Антиқа йигитсиз-да, жуда...

Свидригайлов тоқати тоқ бўлиб столга муштлади. У қип-қизариб кетганди. У бир-бир ярим стакан шампан ичган, ичганда ҳам секин-секин хўплаб ичган ва бу унга таъсир қилган эди. Раскольников буни аниқ кўриб турарди, у шундан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Свидригайлов кўзига жуда шубҳали бўлиб кўрина бошлаганди.

– Шу гапларингиздан кейин бу ерга ҳам синглимни таъқиб қилиб келгансиз, деб ўйлаб қолдим,



– деди очикчасига Раскольников Свидригайловнинг баттар жифига тегиш учун.

– Э, қўйсангиз-чи, – деди бирдан тилини тишлаб қолган Свидригайлов, – мен сизга айтдим-ку... ундан ташқари синглингизнинг мени кўрарга кўзи йўқ.

– Бунга менинг ҳам ишончим комил, лекин ҳозир гап бунда бўлмай қолди.

– Ростдан ҳам унинг мени кўрарга кўзи йўқлигига ишончингиз комилами? (Свидригайлов кўзини қисиб олди ва масхара қилгандай тиржайди.) У мени яхши кўрмайди, бу гапингиз тўғри; лекин ҳеч қачон эр билан хотин ёки ошиқ-маъшуқлар ўртасига тушиб қатъий гапирманг. Буларнинг ўртасида бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган нарсалар, фақат икковларигина биладиган гаплар бўлади. Сиз Авдотья Романовнанинг менга нафрат билан қараганлигига аминмисиз?

– Сизнинг ҳозиргина ҳикоя қилиб берган баъзи бир гап-сўзларингизга қараганда, ҳали ҳам Дуняни таъқиб қилиб юрганлигингиз, ифлос мақсадларни кўзлаб турганлигингиз маълум.

– Қўйинг-е! Мен шундай дедимми? – бирдан соддалик билан қўрқиб сўради Свидригайлов ўзига қарши айтилган гапга ҳам эътибор бермасдан.

– Ҳозир ҳам чиқиб турибди оғзингиздан. Қани, нимадан бунча қўрқиб кетдингиз? Нимага бирдан бунчалар қўрқиб эсхонангиз чиқиб кетди?

– Мен қўрқиб эсхонам чиқибдимми? Сиздан қўрқибманми? Ундан кўра ўзингиз мендан қўрқсангиз бўларди, азизим. Лекин буниси тоза қизиқ бўлдику... Буни қаранг, тоза кайф бўлиб қолибман. Қаранг, яна оғзимдан чиқиб кетай деди. Жин урсин бу майни! Ҳай, сув беринглар!

У шишани олиб шартта деразадан улоқтириб юборди. Филипп сув келтирди.

– Ҳаммаси бўлмаган гаплар, – деди Свидригайлов сочиқни ҳўллаб бошига қўяркан, – сизни битта гап билан оғиз очирмайдиган қилиб қўяман, сизнинг барча шубҳаларингизни қўкка совуриб юбороламан. Мисол учун, менинг уйланаётганлигимни биласизми?

– Буни менга олдин ҳам айтган эдингиз.

– Айтувдимми? Унутибман. Лекин унда ҳали жуда тайин бўлмаган эди, чунки мен қаллиғимни кўрмаган эдим; мен уйланмоқчи бўлиб юрган эдим. Мана энди менинг қаллиғим бор, иш битган, агарда зарур ишларим бўлмагандайди, ҳозир сиз билан бирга уларникига борган бўлардик, нега десангиз, мен сиздан маслаҳат олмоқчиман. Эҳ, шайтон! Ўн дақиқагина вақтим қолибди-я. Кўряпсизми, соатга қаранг; майли, буни сизга айтиб бераман, нега десангиз, менинг уйланишим ҳам ўзи жуда антиқа иш бўляпти, бир қизиқ денг, ҳей, қаёққа кетяпсиз? Яна кетаман деяпсизми?

– Йўқ, энди кетмайман.

– Энди кетмайман, дейсизми? Кўрамиз! Мен сизни у ерга олиб бораман, рост айтяпман, қаллиғимни кўрсатаман, лекин ҳозир эмас, чунки салдан кейин кетишингиз керак бўлади. Сиз ўннга, мен сўлга. Сиз анави Ресслих деганни танийсизми? Анави Ресслих-чи, мен турадиган уйнинг бекаси, а? Эшитяпсизми? Йўқ, хаёлингиз қаерда ўзи, ҳалиги-чи, нораства қиз болани қиш куни сувда, менга қаранг, эшитяпсизми ўзи гапимни? Эшитяпсизми, деяпман? Худди ана ўша хотин ҳаммасини тўғрилади; сен бундай қилиб юрсанг зерикиб қоласан, эрмак қилиб юр, сабил қолсин, деди. Мен бўлсам, қовоғидан қор ёққан тўрсайган бир одамман. Нима, сизнингча, мен қувноқ одамманми? Йўқ, мен бадқовоқ одамман: бировга зиёним тегмайди, бир пучмоқда ўтирганим ўтирган;

баъзан уч кунлаб биров мендан бир оғиз сўз оломай сарсон бўлади. Бу қуриб кетмагур Ресслих деганимиз нимани кўнгилга тугибди денг, мен сизга айтиб бераман: хотиндан зерикиб ташлаб кетишимни билади, хотин сўнг унга қолади, уни кейин ўртага солади, бизга ўхшаганларга, биздан зўрроқларга сотади. Унинг гапига қараганда, илгари хизматчи бўлган бир касалманд киши бор экан, уззуккун юмшоқ ўриндиқда ўтираркан, уч йилдан бери оёғини қимирлатолмас экан. Қизнинг онаси ҳам жуда ақлли-ҳушли хотин эмиш. Ўғли чекка вилоятлардан бирида хизмат қиларкан, уларга ёрдам бермас экан. Катта қизи эрга тегиб кетган, лекин уларнинг ҳолларидан хабар олмас экан, қўлларида яна қариндошларининг икки ёшли боласи ҳам қолган экан (ўзлариники етмагандай), кенжа қизи гимназияда ўқиркан, ўқишини битирмасдан қайтариб олишибди, бир ойдан кейин у ўн олти ёшга тўларкан, демак, бир ой ўтгач, уни турмушга бериш мумкин. Қизини оладиган одам мен. Уларникига бордик, одамнинг кулгиси қистайди денг; ўзимни таништирдим: ер-мулк эгасиман, хотиним ўлган, мўътабар хонадонданмиз, қўлимизни қаерга узатсак етади, давлатимиз етарли, гап шу, менинг ёшим элликка кирди, қизингиз ҳали ўн олтига ҳам кирмаганми? дедим. Ким бунга эътибор бериб ўтирибди? Бундоқ қарасангиз, жуда алламбало, а? Оғзингизнинг суви келмайдими, а, ха-ха! Онаси-ю, отаси билан менинг қандай суҳбатлашганимни кўрсангиз эди! Мени ўша пайтда пул тўлаб томоша қилсангиз ҳам арзирди. Кейин қизнинг ўзи чиқиб келди, тасаввур қилинг-а, калтагина кўйлак кийган ҳали қип-қизил ғунчани, юзлари ловуллайди, дув қизариб кетади, худди тонгги шафақнинг ўзгинаси дейсиз (унга маълум қилишган, албатта). Сиз хотинларнинг чеҳрала-

рига қандай қарашингизни билмайману, лекин менимча, бу ўн олти ёш денг, бу маъсум кўзлар денг, бу ийманчоқлик ва уялиб кетиб кўзга қалқиган ёшлар денг, менимча, гўзаллик бундан ортиқ бўлмайди, бунинг устига қурмагурнинг ўзи попукдеккина денг. Ярқираган сочларини, қўнғироқдек жамалакларини айтинг, очилмаган гунчадек ақиқ, пўрсилдоқ лабларни айтинг, оёқларини кўрсангиз – офатижон!.. Бир-биримиз билан танишиб олдик, мен уйдаги ишлар билан шошиб турибмиз дедим, эртасигаёқ, яъни бунга мана уч кун бўлди, бизни унаштириб қўйишди. Ўшандан бери уларникига борган заҳотим уни тиззамга олиб ўтираман, тиззамдан қўймайман... Юзлари ловилаб туришини айтмайсизми, бамисоли тонгги шафақнинг ўзи денг, мен бўлсам уни тинмай ўпганим ўпган; онаси бўлса, бу киши сенинг эринг бўлади, эр бўлгандан кейин шунақа қилади деб унга уқтиргани уқтирган, гапнинг қисқаси, бунақа мазани кам кўрганман! Одамнинг мана шундай куёв бўлиб юрадиган пайти эр бўлиб юрадиган вақтига қараганда минг карра яхши экан деб қўяман ўзимча. Бунда нима деймиз, *la nature et la vërite*<sup>37</sup> ҳоким! Ха-ха! Мен қизча билан бир-икки маротаба гаплашиб ҳам кўрдим, ақли ҳам балодек денг; гоҳо менга шундай бир яширинча қараб қўяди денг, юрагимга аланга туташгандек бўлиб кетади. Биласизми, унинг юзи худди Рафаэль чизган Мадоннага ўхшайди. Ахир, Сикстин мадоннасининг чехраси жуда хаёлий, қайғули тентак аёлнинг юзига ўхшайди, сиз бунга эътибор берганмисиз? Бир оз шунга яқинроқ. Бизни унаштириб қўйганларининг эртасига мен бир ярим минг сўм сарфлаб совға-салом олиб бордим: иккита тақинчоқ олдим, бири гавҳардан, бири дурдан, яна аёллар майда-чуйдасини солиб

<sup>37</sup> *La nature et la vërite* – табиийлик ва самимият (франц.).

қўядиган кумуш қутича ҳам олдим – ичига турли-туман нарсалардан тўлдирдим лиқ қилиб, қутичанинг ўзи ҳам мана бундай денг, буни кўргандан кейин мадонна деганингизнинг ҳам чеҳраси лоладай қизариб кетди. Кеча уни тиззамга олиб ўтирдим, ўтиргандаям ҳаддимдан ошдим шекилли, жуда қизариб кетди, кўзларидан ёш қалқиб чиқди, яна буни кўрсатгиси келмайди денг, ўзи алангайи оташ бўлиб ёняпти қурғурнинг. Ҳаммалари бирпасга бизни холи қолдириб чиқиб кетдилар, иккимиз ёлғиз қолдик, бирдан бўйнимга ташланиб қучоқлаб олса бўладими (ўзи биринчи бўлиб), иккала қўли билан мени қучоқлаб олди, мени ўпиб, сизнинг гапингиздан чиқмайдиган, вафодор, меҳрибон хотинингиз бўламан, сизни бахтиёр қиламан, ўзимнинг бутун умрим, ҳаётимни, ҳар бир онимни сизга бағишлайман, сиз нима десангиз шу бўлади, бунинг эвазига мени фақат, фақат ҳурмат қилсангиз бас, менга, дейди, шундан бошқа ҳеч нарсанинг (сира, сира кераги йўқ, совға-саломларнинг ҳам, ҳеч нарсанинг) кераги йўқ, дейди. Ўн олти ёшга етмаган ойдек қиз билан ёлғиз ўтириб унинг уятдан қизариб айтган бундай сўзларини эшитиш, садоқат рамзи ўлароқ тўкилган кўз ёшларни кўриш, ўзингиз айтинг, бундан ортиқ одамни мафтун қиладиган нарса бўладими, ахир ҳавасингиз келмайдими бунга. Ҳавасни келтиради, а? Ахир, бу бирор нарсага арзиса керак, а? Арзийдими, а? Хўп... эшитинг... қаллиғимнинг олдига борамизми, борамиз, а... фақат ҳозир эмас!

– Қисқаси, унинг сизга қараганда жуда ҳам ёш ва гўрлиги ҳирсингизни аланга олдирса керак! Наҳотки сиз ҳақиқатан ҳам шундай қилиб уйлансангиз?

– Нима бўпти? Албатта, ким нима қилса ўзига қилади ва ҳаммадан кўра ўзини ўзи бошлаб алда-

ган одамгина бошқаларга қараганда шод-хуррам ҳаёт кечиради. Ха-ха! Вой-бў, бу дейман, сиз яхшиликнинг ботқоғига оғиз-бурнингиздан ботиб кетибсиз-ку, а? Раҳмингиз келсин, отахон, мен гуноҳкор бир бандаман. Ҳе-ҳе-ҳе!

– Лекин сиз Катерина Ивановнанинг болаларини етимхонага жойлаштирдингиз-ку. Айтмоқчи... айтмоқчи, сиз бундан бир нарсани кўзлагансиз... Мен энди ҳаммасини англадим.

– Болаларни мен умуман яхши кўраман, мен жуда ҳам болаларни яхши кўраман, – деб хахолади Свидригайлов. – Шу маънода сизга антиқа бир воқеани айтиб беришим мумкин, бу ҳозиргача ҳам давом этиб келаётир. Мен бу ерга келган кунимоқ ҳамма турли-туман пастқам, ит кирмас жойларга бош суқиб чиқдим, етти йил кўрмагандан кейин одам жуда соғинаркан, хумори тутаркан. Сиз эътибор берган бўлсангиз ҳам керак, мен илгариги ошналарим билан топишиб олгани шошилаётганим йўқ, олдинги дўст-биродарларим билан дейман-да. Майли, иложи борича яна узоқроқ пайтгача уларнинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қиламан. Биласизми, Марфа Петровна-нинг қишлоғида юрганимда ўша сирли, ғалати хилват ерлар ҳақидаги хотиралар эсимга тушавериб жуда қийнаб ташлаганди, бу жойларни яхши билган одам кўп нарса топади. Жин урсин! Халқ ичкиликбозликка берилиб кетган, билимдон ёшлар кучини қаерга сарфлашни билмай хом хаёл бўлиб қолган, ҳавойи орзулар билан кўкраги куйиб ётибди, ҳар хил назариялардан бели майишиб, қийшайиб ўсяпти; алақаёқлардан жуҳудлар ёпирилиб келиб қолибди, пул яшириб ётишибди, бошқа ҳамма бузуқчиликка берилиб, бузуқчиликдан боши чиқмай қолган. Бу шаҳарга келган заҳотим димоғимга ўша эски ўзимга таниш бўйлар урил-

ди. Мен бир рақс кечасига кириб қолибман денг, ҳаддан ташқари овлоқ жой экан (мен бўлсам мана шунақа хилват, исқирт ерларни яхши кўраман), бунинг устига одамнинг ҳирсу ҳушига таъсир қиладиган канкан рақслари денг, бунақасини биз илгари сира кўрмаган эдик. Шундай, ўтиб бораётирмиз. Бундоқ қарасам, ўн яшар келадиган бир қизча бир қирриқ олифта билан рақсга тушяпти; бошқа биттаси унинг қаршисида турибди. Девор томонда бўлса курсида онаси ўтирибди. Ўзингиз канкан қандай бўлишини кўз олдингизга келтира оласизми! Қизча уятдан ўзини қаерга қўйишни билмайди, қизариб-бўзаради, алоҳал, ўзини ҳақорат қилингандай билиб, йиғлашга тушди. Ҳалиги қирриқ бўлса, уни даврага тортади, гир айлантиради, унга турли муқомлар қилади, атрофдагилар эса хахолаб кулишади, мана шунақа текин томошага ўч одамларимизни жуда яхши кўраман, уятсиз ўйин кўргани келган бўлсалар ҳам майли, улар нима деб қичқиривди денг: «Бопла, азамат, жаззаси! Нега ўзи ёш болани бу ерга олиб келади!» Менга нима, нима ишим бор улар билан, билганларини қилмайдиларми, кўнгилларига нима келса шуни қилаверсинлар, дейман! Мен ўшанда дарров ўзимнинг нима қилишим кераклигини англадим, қизчанинг онаси ёнига бориб ўтирдим, мен ҳам бу ерларда мусофир бўлиб юрган одамман, бу ернинг кишилари ҳаммаси дағал чинакам инсоний фазилатларнинг фарқига етмайдиган ва одамнинг ҳурмат-эътиборини ўрнига қўймайдиган, тарбия кўрмаган экан, деб гап бошладим; пулим кўп деб шама қилиб ҳам қўйдим; уйга сизларни ўз каретамда олиб бориб қўяман, дедим; турадиган ерларига олиб бориб қўйдим, танишиб олдик (биронинг ҳужрасида ижарада туришаркан, яқинда келишган экан ўзлари). Ойиси сиз билан таниш-

ганимиздан ўзим ҳам, қизим ҳам жуда бошимиз осмонга етди, деган гап қилди; уларнинг қоққанда қозиғи, осканда хурмачаси йўқ эканлигини билиб олдим, аллақандай бир арз билан келган эканлар: мен ёрдам бераман, дедим, қанча пул керак бўлса менда топилади, дедим; улар рақс кечасига янглишиб бориб қолган эканлар, у ерда, ростдан ҳам рақсга ўргатишади деб ўйлашган экан; мен ўз навбатида қизчанинг тарбиясига ўз ҳиссамни қўшишга тайёр эканлигимни айтдим, француз тили билан рақсларни ўрганиб олсин, дедим. Бундан жуда ҳам хурсанд бўлиб кетишди денг, бошимиз осмонга етди, дейишади, ҳозиргача улар билан борди-келди қилиб тураман... Истасангиз, бирга борамиз, фақат ҳозир эмас.

– Сиз бунақа ифлос, аблаҳона латифаларни бошқа одамга айтинг. Бузуқ, пасткаш, шаҳватпараст одам экансиз!

– Шиллерсиз-да, бизнинг Шиллеримизсиз, Шиллерсиз! *Ou vatelle la vertu se nicher?*<sup>38</sup> Сизни мана шундай чинқиртириб ўтириш учун жўрттага шунақа воқеаларни гапириб беравераман. Маза!

– Бўлмасам-чи, ҳозир мен ўзимга ўзим кулгани бўлиб кўринаётирман, – деб гўлдиради ғазаб билан Раскольников.

Свидригайлов хандон ташлаб кулгани кулган эди; ниҳоят у Филиппни чақирди, унга ҳақини тўлаб ўрнидан тура бошлади.

– Буни қаранг, маст бўлиб қолибман-а, *assez cause!*<sup>39</sup>– деди у. – Лаззат!

– Сиз лаззатланмай ким лаззатлансин, ахир, – дея қичқирди Раскольников ҳам ўрнидан қўзғаларкан, – мишиғи оқиб, ийиғи ўйнаб кетган бузуқ бир

<sup>38</sup> *Ou vatelle la vertu se nicher* – яхшилик қаерларга уя қурмайди-я! (франц.).

<sup>39</sup> *Assez cause* – етар маҳмадонагарчилик! (франц.).



одам учун бундай нарсаларни, саргузаштларни айтиб беришдан ортиқ лаззат бўладими, бунинг устига яна дилига ёмон бир бузуқ ниятни тутиб юрган бўлса-ю менга ўхшаган, менинг аҳволимга тушган одамга уларни ҳикоя қилиб бериш... лаззат бўлмасинми тагин... Маза-ку.

– Ундай бўлса, – деди бир оз ҳайрон қолиб Свидригайлов Раскольниковдан кўзини узмасдан, – ундай бўлса, ўзингиз ҳам жуда уятини билмаган одам экансиз. Сизда жуда гап кўп. Кўп нарсаларни биласиз, ақлингиз етади... Бунинг устига кўп нарсалар ҳам кўлингиздан келади. Бўлди, энди бас қилайлик. Сиз билан ёзилиб ўтириб гаплашмоқчийдим, ҳозир чин юракдан бундай қилолмаганимга афсусланаман, лекин сиз мендан қочиб қутулмайсиз... Сиз шошмай туринг ҳали...

Свидригайлов қовоқхонадан чиқиб кета бошлади. Раскольников унинг орқасидан юрди. Лекин Свидригайлов у қадар кайф қилган эмасди; боши бир зумгина айланиб кетди, кайфи дам ўтган сайин тарқаб бормоқда эди. У жуда ҳам муҳим бир нарсанинг ташвиши билан юрганга ўхшар, қошларини чимиради. Алланима уни ҳаяжонга солиб безовта қилиб турарди. Охирги дақиқаларда унинг Раскольниковга муомаласи ўзгариб қолди ва у билан борган сари дағал, майна қилгандай бўлиб гаплаша бошлади. Раскольников буни сезди ва ташвишга тушди. Свидригайлов уни қаттиқ шубҳага солиб қўйди, шунинг учун унинг кетидан кетди.

Йўлкага чиқдилар.

– Сиз ўннга, мен чапга, ёки, яхшиси, аксинча бўла қолсин, фақат adieu, mon plaisir<sup>40</sup>, шод-хуррам кўришгунча!

У ўннга қараб, Сенная томонга юрди.

<sup>40</sup> Mon plaisir – хайр, қувончим (франц.).

Раскольников унинг орқасидан кетди.

– Нима бу! – дея қичқирди Свидригайлов орқасига ўгирилиб, – мен айтдим шекилли...

– Бу энди сизнинг орқангиздан қолмайман, деганим.

– Нима-а-а?

Икковлари юришдан тўхтадилар ва бир дам худди ўчакишгандай бир-бировларига тикилиб турдилар.

– Сизнинг чала-ярим маст бўлиб алжиганларингиздан, – деди кескин унинг гапини бўлиб Раскольников, – мен шундай бир фикрга келдимки, сиз менинг синглимга ҳали ҳам ёмон ниятда кўз олайтириб юрган экансиз. Бугун эрталаб синглим қандайдир бир хат олибди. Сиз эсангиз боядан бери бетоқат бўлиб ўтирдингиз... Сиз йўл-йўлакай биронта хотинга уйланиб олаверасиз ҳам; лекин бунинг аҳамияти йўқ. Мен ўз кўзим билан кўриб ишонишим керак...

Раскольников ўзининг нима қилмоқчи эканлигини ҳозир аниқ айтиб беришдан ожиз, шу билан бирга нимани ўз кўзи билан кўрмоқчилиги ҳам равшан эмас эди.

– Шунақа денг! Хўш, ҳозир полицияни чақирсам-чи!

– Чақир!

Улар яна бир-бирларига ўқрайишиб тикилиб қолдилар. Ниҳоят, Свидригайловнинг чеҳраси ўзгарди. Раскольниковнинг дўқ-пўписадан қўрқмаганлигини кўргач, у бирдан қувноқ ва дўстона қиёфага кирди.

– Вой, сизни қарангу! Мен атай сизнинг ишингиз ҳақида гап очмаган эдим, ваҳоланки, нима гап бўлганига жуда қизиқаман. Одамнинг ақли бовар

қилмайдиган иш. Бошқа бир сафарга қолдирмоқчи эдим, лекин сиз ростдан ўликни ҳам тилга киргизиб юборар экансиз... Майли, юринг, фақат, олдиндан айтиб қўяй, мен уйга бир зумга кириб чиқаман, пул олишим керак; кейин уйни берки-тиб, извошга ўтираман-да, кечгача оролга кетаман. Сиз кетимдан юриб нима қиласиз?

– Мен ҳозирча ўша ёққа бораман, сизникига эмас, Софья Семёновнанинг олдига кириб ўтаман, маросимда бўлмаганим учун узр сўрайман.

– Ихтиёрингиз, лекин Софья Семёновна уйда йўқ. У ҳамма болаларни бир кибор кампирни-кига олиб кетди, менинг эски танишим бўлмиш ўша кампир аллақайси етимхоналарда ишни назорат қилиб туради. Катерина Ивановнанинг учала жўжаси учун пул бердим, бундан ташқари етимхонага ҳам пул иона қилдим, шундан менга кампирнинг жуда меҳри тушиб қолди. Унга Софья Семёновнанинг тарихини ҳам ҳеч нарсани яширмасдан тафсилотлари билан сўзлаб бердим. Жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳозир ўша бека хоним боғ ҳовлиси-дан келиб вақтинча фалон меҳмонхонада турибди, Софья Семёновнани бугун ўша ерга чақирган.

– Зарари йўқ, мен бари бир кириб ўтаман.

– Ихтиёрингиз, фақат мен сизга йўлдош бўлолмайман; менга нима-я! Мана, уйга ҳам келиб қолдик. Сизни шу пайтгача ҳар хил саволлар билан бошингизни қотирганим йўқ, сиз бўлсангиз, аминманки, худди мана шунинг учун ҳам мендан шубҳаланиб турибсиз... Тушуняпсизми? Сизга бу жуда ғалати бўлиб кўринган; гаров ўйнайманки, худди шундай бўлган! Шундан кейин одамнинг инсоф қилгиси ҳам келмай қолади.

– Эшик орқасидан ҳам кетгингиз келмайди!

– Э, сиз буни айтяпсизми! – қулди Свидригайлов, – шунча гапдан кейин ўзим айтиб эдим, нега

буни эсламай турибди деб. Мен ўшанда... Софья Семёновнага дил ёриб айтганларингиздан у-бу гап қулоғимга чалингандай бўлган эса-да, лекин, бироқ бу ўзи нима гап бўлаётир! Мен балки жуда орқада қолиб кетгандирман ва ҳеч нарсага фаҳми фаросатим етмайдиган бўлиб қолгандир. Худо ҳақи, ўзингиз мундоқ тушунтириб айтинг, отахон! Энг илғор гаплардан гаплашайлик, сал ақлимни киритиб қўйинг.

– Сиз ҳеч вақони эшитмагансиз, ҳаммаси ёлғон!

– Э, мен уни айтаётганим йўқ, уни айтаётганим йўқ (лекин қулоғимга бу ҳақда баъзи бир гаплар чалингандай бўлганди), йўқ, мен сизнинг нуқул оҳ-воҳ қилаётганлигингизни айтаётирман! Сизнинг қонингизда Шиллер руҳи кезиб юради ва сизни нотинч қилиб туради. Мана энди эшик орқасида туриб ҳам гап эшитмайдиган бўламиз шекилли. Агар ундай бўлса, боринг, тегишли одамларга айтинг, шундай-шундай бўлиб қолди, иш чатоқ бўлди: назариянинг хато жойи бор экан, денг. Агарда эшик орқасида туриб, бировнинг гапини эшитмаслик керак, деб ишонч билан айтадиган бўлсангиз, кампирларни эса қўлга тушган нарса билан мажақлаш мумкин, кўнгила хушига, деб ўйласангиз, унда иложи борича кечиктирмай Америкагами ёки бошқа ергами кетинг! Қочиб қолинг, йигитча! Балки ҳали вақтингиз бордир. Мен чин юракдан айтяпман. Нима, пулингиз йўқми? Йўлга мен бераман.

– Мен буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, – деб унинг гапини бўлди нафратланиб Раскольников.

– Тушунаман (дарвоқе, сиз ўзингизни унчалар қийнаманг: агар истасангиз, кўп гапирманг ҳам); тушунаман сизни қандай масалалар тўхтатиб турганлигини; маънавий масалаларми? Фуқаро ва инсон масалаларими? Сиз уларга чап беринг; сизга

улар энди нимага керак? Ҳе-ҳе! Ҳалиям ўзингизни фуқаро ва инсон деб ҳис қилмоғингиз учунми? Ундай бўлса, тумшуғингизни тиқишингизни нима кераги бор эди; қўлингиздан келмаган ишга ун-наб нима қилардингиз. Бўлмаса, ўзингизни отинг; нима, жон ширинми?

– Кетимдан келмасин деб мени атай жиғимга тегиб ётибсиз чамамда...

– Вой, қизиқ экансиз-ку, мана етиб келдик, қани зинага марҳамат қилсинлар. Қўряпсизми, манови Софья Семёновнанинг эшиги; кўрдингизми, ҳеч кимса йўқ! Ишонмайсизми? Бўлмаса, Капернау-мовдан сўранг; уларга калитни қолдириб кетади. Мана унинг ўзи madame de Капернау-мов, а? Нима? У (пича гарангроқ) кетдими? Қаерга? Ана энди ўзингиз эшитдингизми? Йўқ, у, балки қоронғи говгум тушгунча ҳам қайтмас. Бўлмаса, энди меникига юринг. Сиз ахир меникига ҳам кирмоқчи эдингиз, шундай эмасми? Мана, бизникига ҳам келдик. Madame Ресслих ҳам қаёққадир кетган. Бу хотиннинг тиними йўқ, лекин яхши хотин, гапимга ишонинг... Эҳтимол, сизга ҳам ёрдами тегиб қоларди унинг агарда сиз андаккина ақлли бола бўлганингизда. Бўлмаса, мана ўзингиз кўринг: мана бу ердан мен қороз пул олаётирман (қаранг, ҳали яна қанча пулларим бор!), манови пулни эса саррофдан майдалатиб оламан. Бўлдими, кўриб олдингизми? Энди вақтим бекор кетмасин. Пул турадиган ерни ёпамиз, уйни ёпамиз, мана яна зинага чиқдик. Истайсизми, извошга ўтира-миз! Мен оролар томонга бормоқчиман. Маза қилиб бир айланиб келмайсизми? Мен манови извошни Елагин томонга оламан, нима? Бормайман, дейсизми? Сабрингиз чидамадими? Ҳечқиси йўқ, бир айланиб келамиз. Ёмғир ёғаман деб турибди ше-

килли, а, зарари йўқ, тепасини беркитиб қўямиз, вассалом...

Свидригайлов аллақачон извошга чиқиб ўтириб олганди. Раскольников лоақал ушбу дамларда ундан бекорга шубҳаланаётганлигига ақли етиб турарди. У бир офиз ҳам гап қўшмай орқасига ўтирилиб Сенная томонга қараб кета бошлади. Агарда у кета туриб бир марта орқасига қараганда эди, Свидригайлов юз қадамча юргандан сўнг извошнинг ҳақини тўлаб йўлкага тушиб қолганлигини кўрган бўларди. Лекин у кўча бурчагига ўтиб кетган, ҳеч нарсани кўрмасди. У Свидригайловдан беҳад нафратга тўлган ҳолда бормоқда эди. «Наҳот мен шу бети қотиб кетган зolim одамдан, шу тийиқсиз бузуқ ва аблаҳдан бирон нарса тама қилган бўлсам!» – деб қичқириб юборди у беихтиёр. Рост, бу гапни Раскольников у ёқ-бу ёқни ўйламай, шошма-шошарлик билан айтди. Свидригайловнинг бутун туриш-турмушида жилла қурса, аллақандай ўзига хослик бор эдики, бу уни бошқача ва балки сирли қилиб кўрсатарди. Бу гапларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган, синглисига алоқадор бўлган томонига келганда, Раскольников бари бир Свидригайлов синглимни тинч қўймайди, деб ишончи комил эди. Лекин бу ҳақда ўйлаш, бош қотириш борган сари ҳаддан ташқари чидаб бўлмайдиган даражада офир бўла бормоқда эди!

У одати бўйича бир ўзи ёлғиз қолгандан сўнг йигирма қадам юрмасдан чуқур хаёлга толди. У кўприк устига чиқиб тўхтаб сувга тикилди. Худди шу пайт ундан сал юқорироқда Авдотья Романовна пайдо бўлганди.

У синглиси билан кўприк устида рўпара келган, лекин уни пайқамай ўтиб кетганди. Илгари уни кўчада бу алпозда сира кўрмаган Дунечка қаттиқ хайратга тушиб, ҳатто қўрқиб ҳам кетди. У тўхтаб,

акасини чақиршини ҳам, чақирмаслигини ҳам билмасди. Шунда бирдан Сенная томондан шоша-пиша келаётган Свидригайловга кўзи тушиб қолди.

Аmmo у эҳтиёткорлик билан хуфия қадамлар ташлаб келмоқда эди. У кўприкка кўтарилмади, Раскольниковга кўринмасликка ҳаракат қилиб, ўзини панароққа олиб йўлка устида тўхтади. У Дуняни кўрган, унга имо-ишоралар қилмоқда эди. Қизнинг назарида у акангизга индаманг, уни ўз ҳолига қўйинг, менинг олдимга келинг, деб имлаётгандек бўлди.

Дуня шундай қилди. У акасини оҳиста четлаб ўтиб, Свидригайловнинг олдига келди.

– Юринг тезроқ, – дея шипшиди унга Свидригайлов. – Бизнинг учрашганимизни Родион Романович билишини истамайман. Сизга айтиб қўяй, мен у билан анави қовоқхонада бирга ўтирган эдим, ўзи мени қидириб топиб келди, зўрға ундан қутулдим. У қаердандир сизга хат ёзганлигимни билиб қолибди ва нимагадир шубҳа қияпти. Унга ҳойнаҳой сиз айтмаган бўлсангиз керак? Агар сиз айтмаган бўлсангиз, унда ким айтган бўлиши мумкин?

– Мана бошқа кўчага ҳам қайрилдик, – дея унинг сўзини бўлди Дуня, – акам энди бизни кўрмайди. Айтиб қўяй, мен сиз билан шундан нарига ўтмайман. Нима гапингиз бўлса шу ерда айтаверинг; кўчада гапираверса бўладиган гаплар ҳаммаси.

– Биринчидан, буларни кўчада тик оёқда туриб сўзлашиб бўлмайди; иккинчидан, сиз Софья Семёновнанинг ўз оғзидан ҳам эшитишингиз керак; учинчидан, сизга баъзи бир ҳужжатларни кўрсатишим керак... Бундан ташқари шуниси ҳам борки, сиз агарда меникига бормайман десангиз, унда гапимиз шу ерда тамом бўлади ва мен ҳозирнинг

ўзида кетиб қоламан. Яна шуни ҳам эсингиздан чиқармаслигингизни сўрайманки, сизнинг жондан суйган акангизнинг жуда антиқа сири менинг қўлимга тушган.

Дуня истар-истамас тўхтади ва Свидригайловга синчковлик билан тикилди.

– Нимадан қўрқасиз! – деди Свидригайлов хотиржамлик билан, – буни шаҳар дейдилар, қишлоқ эмас. Қишлоқда ҳам мен сизга эмас, сиз менга кўпроқ заҳмат етказдингиз, бу ерда эса...

– Софья Семёновнанинг бу гапдан хабари борми?

– Йўқ, мен унга ҳеч нарса деб айтмаганман, ҳозир уйда, йўқми, буни ҳам аниқ айтолмайман. Балки уйда бўлса ҳам, эҳтимол. У таъзиядаги одам, ҳар ҳолда қариндошини кўмиб келгандан кейин ҳам меҳмонга бориб юрмагандир. Мен вақти соати келгунча буни бирон кимсага ҳам айтмоқчи эмасдим, ҳозир сизга айтиб қўйганимдан бир ёқдан хафaroқ бўлиб турибман. Бунақа пайтда салгина эҳтиётсизлик қилиб қўйсанг, худди бориб чақимчилик қилгандай бўлиб қоласан. Мен мана шу ерда тураман, мана шу уйда, келдик. Манови бизнинг уйни қоровули бўлади; қоровул мени яхши танийди; ана у таъзим қиляпти; у менинг ким билан бораётганлигимни кўрди, албатта, сизнинг юзингиз қандайлигини ҳам эслаб қолди, агар сиз мендан жуда қўрқаётган бўлсангиз ва мендан шубҳаланиб турган бўлсангиз, бу сизга керак бўлиб қолиши ҳам мумкин. Менинг бунчалар қўпол сўзларимни кечиринг. Мен ўзим бу ерда ижарада тураман. Софья Семёновна ҳам ижарада туради, девор-дармиён қўшни бўламиз. Бизнинг қаватимизда ҳаммаси ижарачилар туришади. Ёш боламидингиз, нимадан қўрқасиз? Ёки мен жуда ҳам қўрқинчли кишиманми?



Свидригайловнинг юзи кинояомуз табассумдан қийшайиб кетди; лекин ўзи ҳозир куладиган аҳволда эмасди. Юраги дукиллаб урар, дами ичига тушиб кетганди. У тобора зўрайиб бораётган ҳаяжонини яшириш учун атайлаб баланд овоз билан гапирарди; лекин Дуния ундаги ғалатиноқ бу ҳаяжонни фаҳмлаб улгурмаганди; ёш боламисиз, мендан кўрқадиган, шунақа кўрқинчли кишиманми, деган гаплардан унинг қаттиқ аччиғи қистаган эди ҳозир.

– Сизнинг... номуссиз одам эканлигингизни билсам ҳам, лекин сиздан заррача ҳам кўрқмайман. Бошланг, қани, – деди қиз босиқлик билан, лекин унинг юзи қумдай оқариб кетганди.

Свидригайлов Сонянинг эшиги олдида тўхтади.

– Қараб кўрайлик-чи, уйдаикин. Йўқ экан. Чатоқ бўлди-ку! Лекин биламан, у тезда қайтади. Етимчаларнинг ташвиши билан бир хонимнинг олдига кетган бўлса керак. Ёш болаларнинг онаси қазо қилди. Мен ўзим ҳам бу ишга аралашиб қолдим, қўлимдан келганча ёрдам бердим. Агар Софья Семёновна ўн дақиқалардан кейин қайтиб келмаса, истасангиз, уни сизнинг олдингизга ўзим жўнатаман шу бугуноқ; мана менинг уйимга ҳам келдик. Менинг икки хонали уйим шу. Эшикнинг нариги ёғида уй бекаси Ресслих хоним туради. Энди бу ёққа қаранг, сизга ўзимнинг асосий далилларимни кўрсатаман: менинг ётоғимдан манови эшик орқали иккита бўш хонага чиқилади, бу хоналар ижарага бериладиган хоналар. Мана ўша хоналар... Сиз зингил қўйиброқ қаранг бу ерга...

Свидригайлов анча-мунча кенггина икки хонада турарди. Дунечка атрофига хавфсираб кўз ташлар, лекин кўзга ташланиб турадиган унчалик бир нарса кўрмасди, лекин Свидригайлов туради-

ган хоналар одам турмайдиган иккита уй орасида қолганлигини пайқаш мумкин эди. Свидригайлов истиқомат қиладиган хоналарга тўғри йўлак орқали ўтиб келинмасди, эшикдан киргандан кейин орада яна иккита деярли бўм-бўш хоналар ҳам бор эди. Свидригайлов ётоқхона орқали ўтиладиган бошқа бўш уйни ҳам калит билан очиб Дунечкага кўрсатди. Дунечка бу хоналарни нима сабабдан унга кўрсатаётганларини тушунмасдан эшик тагида тўхтади, Свидригайлов шунда шоша-пиша тушунтира бошлади:

– Ўзингиз мана бу ёққа қаранг, манови катта хонага қаранг. Кўрдингизми, манови эшик қулфлаб қўйилган. Эшик олдида биттагина курси турибди, иккита хонада шундан бошқа курси йўқ. Буни мен ўзимникидан олиб чиқдим, бўладиган гапларни ўрнашиброқ ўтириб эшитиш учун. Мана шу эшикнинг орқасида Софья Семёновнанинг столи бор; у Родион Романович билан ўша ерда ўтириб гаплашган. Мен курсида ўтириб икки кеча гап тингладим, ҳар қуни икки соатчадан гаплашдилар, нима дейсиз, у-бу гапларни эшитган бўлсам керак, а?

– Сиз бировнинг гапини тингладингизми?

– Ҳа, тингладим; энди юринг, меникига чиқамиз, бу ерда ўтирадиган жой йўқ.

У Авдотья Романовнани ўзининг меҳмонхонасига олиб чиқди ва ўтиришга таклиф қилди. Ўзи анча нарида столнинг бошқа томонига ўтирди, лекин ҳозир унинг кўзларида бир пайтлари Дунечкани қўрқитган ўт йилтирамоқда эди. Қиз сесканди ва яна атрофга қўрқув билан назар ташлади. У беихтиёр шундай қилди; лекин афтидан у ўзининг чўчиётганлигини кўрсатишни истамасди. Аммо Свидригайлов турадиган хоналарнинг хилватнишинлиги уни ҳайратга солиб қўйди. У бека

уйдами, деб сўрагиси келди-ю, лекин сўрамади... Фурури йўл қўймади. Бунинг устига у ўзидан ҳам бурун бутунлай бошқа, жуда ваҳимали нарсадан юраги така-пука бўлиб турмоқда эди. У қаттиқ изтиробда қолганди.

– Мана менга юборган хатингиз, – деб гап бошлади қиз хатни стол устига қўйиб. – Сиз ёзган нарсага қандай қилиб ишониш мумкин? Сиз акам қандайдир жиноят қилганлигига шама қилиб ёзибсиз. Сиз жуда аниқ қилиб шама қилгансиз, энди бу гапингиздан қайтолмайсиз. Мен сиздан олдин ҳам бу аҳмоқона чўпчакни эшитганман, унга зиғирдек бўлсин, ишонмайман. Бу жуда ҳам қабиҳ ва қулинч бўҳтон. Мен бунинг тарихини биламан, бунақа гап тарқатиш кимга нима учун керак бўлганлигидан ҳам хабарим бор. Сизнинг ҳеч қандай далил-исботингиз йўқ. Сиз исбот қиламан, дебсиз, исбот қилинг! Лекин олдиндан айтиб қўяй: мен сизга ишонмайман! Ишонмайман!..

Дунечка буларни жуда тез, шоша-пиша сўзлаб ташлади, бир зум унинг юзи қизариб кетди.

– Сиз ишонмаганингизда, менинг олдимга ёлғиз келгани таваккал қилармидингиз? Бўлмаса, нега келдингиз? Томоша қилганими?

– Мени қийнаманг, айтинг, айтинг!

– Сиз юракли қизсиз, буни айтиб ўтиришнинг хожати йўқ. Ўлай агар, бу ерга жаноб Разумихин билан бирга келармикинсиз, деган эдим. Лекин сизнинг ёнингизда ёки бошқа узоқроқ бир жойда унинг қораси кўринмади, мен яхшилаб қарадим, мардлингизга қойилмиз, демак, Родион Романовични аябсиз. Дарвоқе, сиз фариштасиз... Акангиз масаласига келганда мен нима ҳам дердим? Уни ҳозир ўзингиз кўрдингиз. Қалай?

– Фақат шунинг ўзи сизга исбот бўлолмайдими-ку?

– Йўқ, бу исбот эмас, исбот унинг ўз оғзи билан айтган сўзлари. У икки кун Софья Семёновнанинг олдига келди. Уларнинг қаерда ўтирганликларини сизга кўрсатдим. У ўзининг бутун сирларини оқизмай-томизмай сўйлаб берди. У одам ўлдирган. У ўзи буюмларини гаровга қўйиб юрадиган кампир хотинни ўлдирган; шу пайт тасодифан келиб қолган кампирнинг сингласи олибсотар қиз Лизавета деганни ҳам чопиб ташлаган. Ўзи билан болта олиб борган экан, шу болта билан чопган уларни. Ўғирлик, талончилик мақсадида ўлдирган уларни, кейин ўғирлаган; пул олган, яна майда-чуйда нарсалар. Ўзи буларни Софья Семёновнага айтиб берди, энди бу сирни фақат Софья Семёновна билади, лекин у акангизнинг одам ўлдиришида қатнашмаган, аксинча эшитгандан кейин мана худди сизга ўхшаб даҳшатга тушди. Хотиржам бўлинг, Софья Семёновна уни сотмайди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – пичирларди Дунечка, унинг лаблари мурданикидек оқариб кетганди; унга ҳаво етишмай қолди, – бўлиши мумкин эмас, ҳеч қандай, ҳатто зиғирдай ҳам сабаб йўқ... Ёлғон! Ёлғон!

– У талончилик қилган, бор-йўқ сабаб шу. У пул билан буюмлар олган. Рост, у олган нарсаларини сарф қилмаган, улардан онгли суръатда фойдаланмаган, пулларни ҳам, буюмларни ҳам қаергадир олиб бориб тошнинг тагига кўмиб келган, у нарсалар ҳозиргача ҳам ўша тош тагида ётибди. Олган нарсаларини ишлатишга юраги дов бермаган.

– Наҳот унинг қўлидан ўғирлик келса, талончилик қилса? Нима хаёлда шундай қилган бўлиши мумкин? – деб қичқириб юборди Дуня ва курсидан сакраб туриб кетди. – Сиз ахир уни биласиз-ку, уни кўргансиз-ку? Ахир, у ўғирлик қиладиган одамга ўхшайдими?

Қиз Свидригайловга ялиниб-ёлвораётганга ўхшарди; юрагида бояги қўрқувдан асар ҳам қолмаганди.

– Авдотья Романовна, буни ўйлайман десангиз, каллангиз шишиб кетади, у жуда кўп нарсаларни хаёл қилган бўлиши мумкин. Ўғри деганингиз ўғирлайди, тамом, у ўзининг аблаҳ одам эканлигини билади; мен мана ўзи тузуккина бир одам почтани ўмариб кетганлигини эшитдим; буни қаранг энди, ким билсин яна у ўзича олижаноб иш қилдим деб юргандир, балки! Агарда мен сизга ўхшаб бу гапларни аллакимларнинг оғзидан эшитган бўлганимда албатта ишонмаган бўлардим. Лекин мен ўз қулоғим билан эшитдим. У Софья Семёновнага сабабларини ҳам тушунтириб берди; лекин қиз бола аввал шунча нарсани ўз қулоғи билан эшитиб, ўз кўзлари билан кўриб турганлигига ишонмади, кейин ниҳоят буларни ўнгида кўриб турганлигига амин бўлди. Ахир, қизга унинг шахсан ўзи айтиб берди.

– Қандай экан... сабаблари!

– Бунинг тарихи узун, Авдотья Романовна. Сизга нима деб тушунтирсам экан, бу ерда ўзига хос бир назария бор, масалан, мен ҳам агар катта мақсад олижаноб бўлса, шу мақсад йўлида қилинадиган якка тарздаги ёвузликни оқлаш мумкин деб биламан, бунда ҳам шунга ўхшаш бир гап борга ўхшайди. Битта ёмонлик ҳисобига юзта яхшилик қиласан! Албатта, ўзига жуда ишонган, гурури жуда баланд бўлган йигит уч минг сўм пул бўлса ўзининг тақдири бутунлай бошқача бўлишини билиб турсин-да, келажаги порлоқ эканлигини тасаввур қилсинда, яна алам қилмасинми ўша уч мингнинг йўқлигига. Бунинг устига очликдан, тангу тор хароб ҳужрадан, эски-туски кийим-кечакдан, ўз аҳволининг ғоятда ночорлигини кўриб-би-

либ турганлигидан, дард устига чипқон дегандай, яна сингиси билан ойисининг турмушидан кетма-кет етиб турган аламлар-чи. Ҳаммадан бурун шуҳратпарастликни айтинг, шуҳратпарастлик ва манманлик, дарвоқе, яна Худо билади-ку, одамнинг ўзи яхши фазилатлар эгаси бўлса... Мен уни айблаётганим йўқ, илтимос, ундай деб ўйламанг; бу менинг ишим ҳам эмас. Унинг ўзи бир назарияни тўқиб чиқарган бўлиши керак чамамда, бу назарияга кўра, одамлар икки тоифага ажратилади, бир тоифадаги одамлар фақат хашаки, жўн одамлар, иккинчи тоифадагилар эса, алоҳида сара одамлар, булар ўзларининг юксак мавқеларига кўра, қонунларни назар-писанд қилмайдилар, аксинча бунда одамларнинг ўзлари бошқалар учун қонунлар ўйлаб топадилар ва бу қонунларга бояги хашаки, жайдари одамларни амал қилишга мажбур этадилар. Бундоқ қарасангиз, унчалар ёмон назарияга ўхшамайди; *une theorie comme une autre*<sup>41</sup>. Унинг бутун ақлу ҳушини Наполеон ўғирлаб қўйган, кўп доҳий одамлар битта-яримта ёвузлик, ёмонликка эътибор бериб ўтирмаганлар, бундай нарсалардан кўзларини юмиб кетаверганлар, деб ўйлагану шу фикр калласида қаттиқ ўрнашиб қолган. У ҳам ўзини буюк одам деб тасаввур қилган, яъни бир неча вақт мана шу фикрига ўзи ишониб юрган. Кейин у назарияни ўйлаб топишга топгану, лекин унга амал қилишга, тўсиқдан шартта ҳатлаб ўтишга келганда ўтолмаган, демак, назарида буюк одам эмаслиги равшан бўлган, ана шу нарса уни жуда қаттиқ қийнаб ташлаган, ҳозир ҳам шундан ёмон азоб чекмоқда. Манманроқ, такаббур бир йигит учун шунинг ўзи жуда офир шармандалик, айниқса, бизнинг давримизда...

<sup>41</sup> *Une theorie comme une autre* – шунчаки бир назария-да (франц.).

– Виждон азоби-чи? Унинг юрагида ҳеч қандай маънавий ҳиссиёт йўқми? Наҳот у шунақа одам бўлса?

– Оҳ, Авдотья Романовна, ҳозир ҳаммаси лойқа сувга ўхшаб қолган, яъни мен демоқчиманки, айниқса, бу нарсада ҳеч қачон тартиб-қоида, равшанлик бўлмаган. Рус кишилари, Авдотья Романовна, феъли кенг одамлар бўладилар, уларнинг табиатлари ҳам ватанлари каби жуда кенг, улар хаёлий, тартибсиз нарсаларга кўпроқ мойил бўладилар; лекин буюк бўлмасдан туриб кенг бўлиш фоятда фожиалидир. Эсингизда борми, оқшом чоғлари бордаги шийпонда кечки овқатдан кейин ўтириб, биз ҳам шу мавзуда шунга ўхшаш мавзуларда кўп суҳбатлашардик. Сизнинг ўзингиз менга шундай кенглик яхши эмас, деб айтган эдингиз. Ким билсин, у бу ерда ётиб, хаёл сурган пайтларида биз у ерда суҳбатлашган бўлсак ҳам, эҳтимол. Бизнинг маъруф жамиятимизда у қадар муқаддас бўлган ақидаларнинг ўзи ҳам йўқ-да, Авдотья Романовна: битта-яримта одам ўзи учун китоблардан ўқиб, йиғиб олмаса агар... ё солномаларда чиқиб қолар бундай гаплар. Лекин бундай одамларнинг кўпчилиги алломалар, бунинг устига уларнинг мияси сал айниганроқ бўлади бир жиҳатдан, бунақа ишларга кибор одамларнинг тоқати бор дейсизми. Дарвоқе, сиз менинг қарашларимни биласиз; мен ҳеч кимни мутлақо айблаётганим йўқ. Мен ўзим қўлини совуқ сувга урмаган кишиман, шундай бўлиб қоламан. Бу ҳақда сиз билан жуда кўп гаплашганмиз. Менинг фикрларимга қизиқиб ҳам қолган эдингиз, шундай бахтга муяссар ҳам бўлган эдим... Жуда ҳам рангингиз оқариб кетди, Авдотья Романовна!

– Мен унинг бу назариясини биламан. Мен унинг журналда чиққан мақоласини ўқиган эдим,

ҳамма нарсага қурби етадиган одамлар ҳақида... Менга Разумихин олиб келиб берганди...

– Жаноб Разумихин-а? Акангизнинг мақоласини-я? Журналдаги дейсизми? Шундай мақола бор эканми? Билмаган эканман. Жуда ҳам антиқа бўлса керак! Ие, қаёққа кетяпсиз, Авдотья Романовна?

– Мен Софья Семёновнани кўрмоқчиман, – деди заиф пичирлаб Дунечка. – Унинг уйига қандай ўтсам бўлади? Балки у келиб қолгандир? Мен уни ҳозир албатта кўришим керак. У менга... – Авдотья Романовна гапни тугатолмади, унинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Софья Семёновна кечаси келади. Менимча, шундай. У тезда келиб қолиши керак эди, лекин келмади, энди кечаси келади...

– Э-ҳа, ҳали алдаяпсанми! Энди билдим... Сен алдаётган экансан... Сен мени лақиллатаётган экансан-да!.. Мен сенга ишонмайман! Ишонмайман! Ишонмайман! – деб қичқирарди Дунечка ўзини бутунлай йўқотиб қўйган ҳолда алам билан. У ҳушдан кетгудай бўлиб Свидригайлов келтирган курсига ўзини ташлади.

– Авдотья Романовна, сизга нима бўлди, кўзингизни очинг! Мана сув. Бир қултум ичинг...

– Свидригайлов қизга сув сепди. Дунечка сесканиб кўзларини очди.

– Ёмон таъсир қилибди! – деди ўзича ғўдираб Свидригайлов қовоғни солиб. – Авдотья Романовна, тинчланинг! Билиб қўйинг, унинг дўстлари бор. Биз уни қутқариб оламиз, ҳеч нарса қилмайди. Истайсизми, мен уни чет элга олиб кетаман? Менинг пулим бор; уч кун ичида чипта тўғрилайман. Агар у одам ўлдирган бўлса, эвазига ҳали жуда кўп эзгу ишлар ҳам қилади ва шу билан бўйнидаги доғни ювади; тинчланинг. Ҳали улуғ одам бўлиб кетиши



ҳам мумкин. Сизга нима бўлди ўзи? Сал тузукми-сиз энди?

– Ярамас одам! Яна менинг устимдан қулишини қаранг. Қўйиб юборинг мени...

– Қаерга? Қаерга кетяпсиз?

– Унинг олдига бораман. У қаерда? Биласизми? Нега бу эшик берк? Биз бу ерга шу эшикдан кириб келган эдик, энди бўлса қулфланиб қолибди. Қачон уни қулфлаб олишга улгурдингиз?

– Бу ерда гаплашаётган сўзларимизни ҳамма эшитмасин, девдим. Мен сизнинг устингиздан қулишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ; фақат қуруқ гап жуда жонимга тегиб кетди. Бу аҳволда қаёққа борасиз? Ёки сиз уни айтиб бермоқчимисиз? Шундай қилсангиз баттар бўлади, кейин у ўзини ўзи бориб айтади. Билиб қўйинг, унинг кетига тушишган, уни кузатиб юришибди. Сиз ишнинг пачавасини чиқаришингиз мумкин. Сабр қилинг: мен ҳозир у билан кўришиб гаплашдим; уни қутқариш мумкин. Тўхтанг, ўтиринг, биргаликда ўйлайлик. Мен сизни холи гаплашиш ва бир йўлини топиш учун ҳам бу ерга чақирдим. Ўтирсангиз-чи ахир!

– Сиз уни қандай қилиб қутқаришингиз мумкин? Уни энди қутқариб бўладими?

Дуня ўтирди. Свидригайлов унинг ёнига ўтирди.

– Ҳаммаси сизга боғлиқ, фақат, ёлғиз сизга боғлиқ, – дея гап бошлади Свидригайлов кўзлари йилтираб, тутилиб-тутилиб шивирлаб, у ҳаяжонланганидан, ҳатто баъзи сўзларни ямлаб айтарди. Дуня қўрқиб ундан ўзини четга олди. Свидригайлов титраб сўйларди. Сиз... бир оғиз сўзингиз, кейин у халос бўлади! Мен... мен қутқараман уни. Менинг пулим ва дўстларим бор. Мен ҳозирнинг ўзида уни жўнатиб юбораман, ўзим иккита паспорт оламан,

иккита. Биттаси унга, биттаси ўзимга. Ошна-оғай-ниларим кўп; бу ишнинг уддасидан чиқадиган одамларни биламан... Истайсизми? Мен сизга ҳам паспорт оламан... Ойингизга ҳам... Разумихин-ни нима қиласиз, бошингизга урасизми? Мен ҳам сизни сезаман... Мен сизни беҳад севаман. Мен этагингиздан ўпаман, рухсат этинг, рухсат этинг! Мен сизнинг кўйлагингизни шилдирашига чидолмайман. Нима қил десангиз, шуни қиламан, сиз нима десангиз шу. Мен ҳаммасини қиламан. Ҳеч ким қилолмаган нарсаларни қиламан. Сиз нимага ишонсангиз, мен ҳам ўшанга ишонаман. Нима, нима десангиз қиламан! Қараманг, менга бундай қараманг! Мени адоий тамом қилаётирсиз-ку...

У худди алаҳлар эди. Унга бирдан алланарса бўлгандай, худди бошига алланима уриб кетгандай бўлди. Дуня сакраб туриб ўзини эшик томонга олди.

– Очинг! Очинг! – деб қичқирарди у биров келиб очармикин деган хаёлда эшикни қўллари билан силталаркан. – Очинглар! Наҳотки ҳеч ким бўлмаса?

Свидригайлов ўрнидан туриб, ҳуши ўзига келди. Унинг ҳамон титраб турган лабларига ёмон заҳарханда кулги қалқди.

– Уйда ҳеч ким йўқ, – деди у секин тин олганча, – бека кетган, бекорга қичқириб овора бўлманг: уринганингизнинг фойдаси йўқ.

– Калит қани? Эшикни оч, оч, деяпман, пасткаш!

– Мен калитни йўқотиб қўйдим, уни тополмаяпман.

– А? Ҳали зўравонликми бу? – деб қичқирди Дуня ва мурдадек оқариб кетганча ўзини бурчакка отди ва қўлига илинган кичкина столча билан ўзини тўсиб олди. У энди бақирмай қўйди; лекин у

дилозордан кўзларини узмас, унинг ҳар бир ҳаракатини тийрак кузатарди. Свидригайлов ҳам ўрнидан жилмасдан хонанинг нариги томонида турганча тўхтаб қолганди. У ўзини анча ўнглаб олган ёки четдан қараган одамга шундай кўринардн. Аммо унинг бети ҳамон девордай оппоқ эди. У ҳамон тиржайиб турарди.

– Сиз ҳозир зўравонлик, дедингиз, Авдотья Романовна. Агар зўравонлик бўлса, ўйлаб кўринг, мен бунинг чораларини кўриб қўйганман. Софья Семёновна уйда йўқ, Капернауумовларники жуда узоқ, орада бешта берк хона бор. Ниҳоят, мен сизга қараганда икки баравар кучлироқман, бундан ташқари менинг қўрқадиган жойим ҳам йўқ, нега десангиз, кейин ўзингиз буни бировга айтолмайсиз; ўз акангизни ўзингиз сотишни истамайсиз-ку, шундай эмасми? Бунинг устига сизнинг гапингизга ҳеч ким ишонмайди: қиз бола ёлғиз ўзи турадиган эркак кишининг уйида нима қилиб юрибди, дейишади. Шундан кейин, ҳатто акангизни қурбон қилганингизда ҳам ҳеч нарсага эришолмайсиз: зўрликни исботлаш жуда қийин, Авдотья Романовна.

– Аблаҳ! – дея пичирлади Дуня алам билан.

– Ўзингиз биласиз, лекин мен боя сизга ўз таклифларимни айтдим. Шахсан менинг фикримча ҳам зўрлик – қабиҳлик. Сизга мен айтган нарсанинг сира оғирлиги бўлмайди... Агар акангизни мен айтганча йўл билан ўз ихтиёрингиз бўйича қутқарган чоғингизда ҳам... Бунинг сира виждонга хилоф ери бўлмайди. Сиз шароитга кўра, шароит тақозоси билан иш тутган, боринги, ўша сиз айтганча кучга бўйсунган бўласиз. Буни ўйлаб кўринг; акангизнинг тақдири, ойингизнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Мен бўлсам бир умр қўлингизман... бир умр... мен мана шу ерда кутаман...

Свидригайлов Дунядан саккиз қадамча нарида диванга ўтирди. Дуня унинг аҳди қатъийлигини энди билди. Бунинг устига бу одамнинг феъли унга таниш эди...

Бирдан Дуня киссасидан револьвер чиқарди, тепкинн кўтариб, тўппонча ушлаган қўлини столнинг устига қўйди. Свидригайлов ўрнидан туриб кетди.

– Э-ҳа! Ҳали шундайми! – деб қичқирди у ҳайрон қолиб ёмон иршайганча, – ана энди сиз билан бутунлай бошқача гаплашаман! Сиз ўзингиз менинг ишимни осонлаштириб бердингиз, Авдотья Романовна! Бу револьверни қаердан олдингиз? Жаноб Разумихин топиб бердими? Во! Менинг тўппончам-ку! Эски ошнам! Мен бўлсам, ўшанда буни қидириб юрибман!.. Қишлоқда сизга тўппонча отишни ўргатганларим, қаранг, бекор кетмабди.

– Сенинг тўппончанг эмас бу, Марфа Петровна-ники, золим, уни сен ўлдиргансан! Сенинг у ерда қуруқ гавдангдан бошқа ҳеч нарсанг йўқ эди. Сенинг қилмишларингни билганим учун уни олиб қўйган эдим. Агар бир қадам жиладиган бўлсанг, қасам ичиб айтаманки, сени отиб ташлайман! – Дуня даҳшат ичида қолганди. У тўппончани тахт қилиб ушлаб турмоқда эди.

– Акангиз нима бўлади? Шунчаки ўзим сўраяпман-да, – деди Свидригайлов ўрнидан жилмаган ҳолда.

– Истасанг, бориб чақ! Қўзғалма ўрнингдан! Тўхта! Отаман! Сен хотинингни заҳарлаб ўлдиргансан, биламан, сен ўзинг қотилсан!..

– Марфа Петровна-ники заҳарлаб ўлдирганимга ишончингиз комилми?

– Сен! Ўзинг айтгансан; сен менга заҳар ҳақида гапиргансан... Биламан, заҳар олиб келаман деб

кетгандинг... Сен ҳаммасини тайёрлаб қўйгандинг... Сен қилгансан... Аблаҳ!

– Агар гапинг рост бўлганда ҳам буни сени деб қилганман... Ҳар ҳолда сен сабабчи бўлгансан.

– Ёлғон! Сени кўргани кўзим йўқ эди, кўзим йўқ эди доим...

– Э-ҳа, Авдотья Романовна! Ташвиқот қилишга тушиб кетиб секин-секин эриб, ийиб кетган пайтларингиз эсингиздан чиқибди-да... Кўзларингиз айтиб турарди; эсингиздами, ой чиққан кеча, булбул сайраган пайт?

– Ёлғон! (Дунянинг кўзлари даҳшатдан олайиб кетди) Ёлғон, сен бўҳтончисан!

– Ёлғонми? Майли, ёлғондир. Алдадим. Хотинларга бунақа нарсаларни эслатиб бўлмайди. (У тиржайди.) Биламан, отишингни, ёввойи оху. Майли отсанг, от!

Ранги қум ўчган, пастки лаби оқариб қалтилаган, каттакон қора кўзларида ўт чақнаган Дуня тўппончани кўтариб отишга шай бўлиб унинг ҳар бир ҳаракатини таъқиб этиб, кузатиб турарди. Свидригайлов ҳеч қачон уни бунчалар гузал ҳолда кўрмаганди. Қиз тўппончани кўтарган маҳалда унинг кўзларида чақнаган ўт худди уни куйдириб ўтгандай бўлди ва унинг юраги сирқираб кетди. У бир қадам олға юрган эди, ўқ товуши эшитилди. Ўқ сочларини ялаб ўтиб, орқадаги деворга тегди, Свидригайлов тўхтаб секин кулиб қўйди.

– Ари чакди! Тўғри каллани нишонга олишини қаранг... Нима бу? Қон! – У ўнг чаккасидан озгина сизиб оқа бошлаган қонни артиш учун чўнтагидан рўмолча чиқарди; ўқ каллани андак шилиб ўтган шекилли. Дуня тўппончани туширди ва Свидригайловга қўрқиб эмас, ҳангу манг бўлиб қараб қолди. У худди ҳали нима бўлаётганлигига ақли ет-

магандай, нима қилиб қўйганлигини англамагандай эди.

– Майли, теккиза олмадингиз! Яна отинг, мен кутиб тураман, – деди оҳиста Свидригайлов, у ҳамон илжайиб турар, лекин афти ўзгариб кетганди, – бу аҳволда мен отмасингиздан сизни ушлаб оламан!

Дунечка сесканиб кетди, яна тепкини кўтарди ва тўппончани Свидригайловга тўғрилади.

– Мени тинч қўйинг! – деди қиз илтижо билан, – ўлай агар яна отаман... Мен... ўлдираман!..

– Майли энди... уч қадамдан отилган ўқ хато кетмайди. Агар ўлдирмасангиз унда... – деди Свидригайлов кўзларида ўт чақнаб ва яна икки қадам ташлади.

Дунечка тепкини босди, аммо тўппонча отилмади!

– Яхшилаб ўқлай олмабсиз-да. Майли! Тўғрилаб олинг, дориси бор, мен кутиб тураман.

Свидригайлов қиздан икки қадам нарида ҳирсининг зўридан кўзлари қизариб кетганча, гўё қўйиб берса қизни еб юборгудай бўлиб ва еб юборишга тайёр бўлиб турарди, у тишини қаттиқ қайраган эди. Дуня унинг ўлса ўлишини, лекин қўйиб юбормаслигини тушунди. «Унда... унда, иложи йўқ, иложи қолмади, икки қадам қолганда уни ўлдиради!..»

Кутилмаганда у тўппончани итқитиб юборди.

– Ташлади-я! – деди ҳанг-манг бўлиб қолган Свидригайлов ва чуқур нафас олди. Юрагидан алақандай зил-замбил юк тўкилгандай бўлди, бу ўлимдан қўрққанда пайдо бўладиган оғир юкнинг ўзигина эмасди, эҳтимол; бундан ташқари ушбу дақиқаларда қўрқувни ҳис қилмаган бўлса керак ҳатто. Бу алақандай бошқа, беҳад қайғулироқ ва қоронғироқ бир туйғудан халос бўлиш демак эдики, унинг нималигини ўзи ҳам аниқ ифодамай билмасди.

Свидригайлов Дунянинг олдига келди ва оҳиста унинг белидан қучди. Қиз қаршилиқ қилмасди, лекин худди бир япроқ каби титраб, унга илтижо билан боқарди. Свидригайлов алланима демоқчи бўлди-ю, лекин лаби чўччайганча қолди, гапиролмади.

– Қўйиб юбор мени! – деди илтижо билан Дуня.

Свидригайлов сесканиб кетди: қизнинг ҳозирги сенлаши бояги сенсирашидан бутунлай бошқача бўлиб эшитилди.

– Демак, севмас экансан-да? – дея секингина сўради Свидригайлов.

Дуня йўқ дегандай, бошини сарак-сарак қилди.

– Унда... ҳеч қачон... ҳеч қачон севолмайсанми? – дунё кўзларига қоронғи бўлиб шивирлади Свидригайлов.

– Ҳеч қачон! – дея пичирлади Дуня.

Свидригайлов бир дам ўзи билан ўзи даҳшатли суръатда олишди. У қизга шундай қараб турар эдики, буни ифодалаб бўлмасди. Бирдан у қўлини тортиб, орқасига ўгирилди-да, шитоб билан дераза олдига бориб тўхтади.

Яна бир он ўтди.

– Мана калит! – У калитни пальтосининг сўл чўнтагидан чиқариб, қизга қарамасдан, орқасига ўгирилмасдан стол устига қўйди. – Олинг, тезроқ кетинг!..

У деразадан кўзини узмасди.

Дуня калитни олиш учун стол олдига келди.

– Тезроқ! Тезроқ! – деб такрорлади Свидригайлов ҳамон жойидан кўзғалмасдан ва орқасига ўгирилиб қарамасдан. Лекин унинг «тезроқ» деб айтган сўзида аллақандай даҳшатли бир маъно бор эди.

Дуня бунинг нималигини тушунди, калитни ола солиб, ўзини эшикка урди ва уни тезгина очиб

чиқиб кетди. Бир дамдан сўнг у худди телба бўлиб қолгандай эс-хушини йўқотганча канал томонга югуриб ўтди ва кўприкка қараб чошиб кетди.

Свидригайлов дераза олдида яна уч дақиқа-ча туриб қолди; ниҳоят секин орқасига қаради, атрофга назар ташлади ва секин кафти билан пешонасини силади. У галати жилмайди, бундан унинг юзи қийшайиб кетди, маъюс, ночор, заиф жилмайди, чорасиз жилмайди. Оқишдан тўхтаб бошлаган қон панжаларига юқди; у қон юқига хунук қараш қилди, кейин сочиқни ҳўллаб, чаккасини артди. Дуния ташлаб юборган тўппонча эшик тагида ётган экан, бирдан кўзи тушиб қолди. Уни кўтариб қаради. Бу эски, кичкина, учта ўқ сифадиган, чўнтакда олиб юриладиган револьвер эди. Унинг ичида яна битта ўқ дори билан иккита ўқ қолганди. Бир марта отишга ярар эди. У бир оз ўйланиб тургач, тўппончани чўнтагига солди-да, шляпасини олиб чиқиб кетди.

## VI

Шу оқшом у соат ўнгача у қовоқхонадан бу қовоқхонага, турли хилват ерларга кириб-чиқиб юрди. Аллақаердан яна Катяни топиб олди, у энди бошқа бир бачкана ашулани айтар,

*Қандайдир «аблаҳ ва золим»*

*Катяни ўпа бошлади*

деб хиргойи қиларди.

Свидригайлов Катяни ҳам, шарманкачини ҳам, яллачиларни ҳам, хизматкорларни ҳам, аллақандай мирза болаларни ҳам тоза ичирди. Мирза болаларнинг бир жойи унга ёқиб қолганди, ҳар иккала мирзанинг бурунлари қийшиқ эди; бирининг



бурни чапга қараб, бошқасиники эса ўнг томонга қараб қийшайиб кетганди. Буни кўриб Свидригайлов ғоят ажабланди. Ниҳоят, улар Свидригайловни қандайдир бир роҳат боғчага бошлаб кетдилар, боғчага кириш пулини ҳам улар учун ўзи тўлади. Бу боғчада битта уч яшар нозиккина арча билан учта бута бор эди. Бундан ташқари, «вокзал» ҳам солинган, «вокзал» дегани асли қовоқхона эди, лекин бу ерда чой ҳам ичса бўларкан, бундан ташқари бу ерга яна бир қанча кўк столчалар билан курсилар қўйилганди. Бир қанча ёқимсиз яллагилар ва алақанақа масхарабозга ўхшаган, бурни қизил, лекин башараси ҳаддан ташқари кўримсиз ва нашъаси паст мюнхенлик бир немис маст ҳолда томошабинларга эрмак эди. Мирза болалар бошқа бир қандайдир мирза болалар билан жанжаллашиб қолишди. Свидригайловни улар ўзларига қози қилдилар. Свидригайлов уларга чорак соатдан бери қозилик қилар, лекин уларнинг ҳаммалари шунчалар бақиритиб-чақиритибдики, бирон нарса англаб олишнинг сира иложи йўқ эди. Тўғрироғи, улардан бири бу ерда ниманидир ўғирлаб, яна шу ернинг ўзида дуч келиб қолган жужудга пуллаб юборибди; лекин пуллагандан кейин пулдан шеригига чўзмабди. Ниҳоят аниқланишича, ўғирлаб сотилган нарса вокзалга тегишли чой қошиқ бўлиб чиқди. Вокзалда чой қошиқнинг йўқолганлигини билиб қолишиб иш жуда чалкашиб кетдиганга ўхшаб қолди. Свидригайлов қошиқнинг пулини тўлади-да, ўрнидан туриб, боғдан чиқиб кетди. Соат ўнлар бўлиб қолганди. Лекин мана шунча вақтдан бери у бир қултум ҳам ичгани йўқ, фақат вокзалда чой сўради, буни ҳам одоб юзасидан қилди. Ҳаво дим ва юракни сиқадиган эди. Соат ўнларга бориб, осмонни қоп-қора ваҳимали булутлар қоплади; яшин чақнади ва ёмғир шарил-

лаб қуя бошлади. Жала қуйди. Дам сайин чақмоқ чақарди, ҳар чақин чаққанда беш маротабача гулдурак қалдирарди. У бўкиб, шалаббо бўлиб уйга қайтгач, эшикни ичкаридан беркитди, жавонни очиб, ҳамма пулларини олди ва икки-учта қоғозларни йиртиб ташлади. Кейин пулларни чўнтагига солди, у кийимини алмаштирмоқчи бўлди-ю, лекин деразага қараб, ёмғир ёғаётгани ва момақалди роқ гулдураётганлигини кўргач, қўлини силтади-да, шляпасини олиб, уйни қулфламасдан чиқиб кетди. У тўғри Сонянинг олдига борди. Соня уйда экан.

Сонянинг олдида Капернаумовнинг тўртта ёш боласи ўтиришган экан. Софья Семёновна уларга чой ичираётган экан. У Свидригайловни миқ этмасдан ҳурмат билан қарши олди, унинг шилти шалаббо бўлган уст-бошига ажабланиб қараб қўйди, лекин индамади. Болалар шу заҳоти қўрқишиб, ура қочиб қолишдилар.

Свидригайлов стол олдига ўтирди-да, Сонядан ҳам ўз ёнига ўтиришни сўради. Қиз нима гап экан, дея ийманиб эшитишга тайёр бўлиб ўтирди.

– Мен, Софья Семёновна, эҳтимол, Америкага жўнаб кетарман, – деди Свидригайлов, – сиз билан охирги марта учрашаётганимиз учун сизга айрим гапларни айтиб қўйгани келдим. Қани, анави хонимни бугун бориб кўрдингизми? Унинг сизга нима деб айтганлигини ўзим биламан, менга буни айтиб бермасангиз ҳам бўлаверади. (Соня ўтирган ерида қимирлаб қўйди, дув қизариб кетди.) Ундай одамларнинг ўзига яраша феъл-атвори бўлади. Сизнинг сингилларингиз ва кичкина укангизга келганда мен уларни яхшилаб жойлаштириб қўйдим, уларга тегишли пулни ҳам ҳар бирига алоҳида қилиб тилхат олиб тўлаб, ўтказиб қўйганман, пулларнинг ҳаммаси ишончли одам-

лар қўлида. Айтмоқчи, нима бўлганда ҳам сиз бу тилхатларни олиб қўйинг. Мана, олинг! Хўш, буни ҳал қилдик демак. Манови уч минг сўм пул. Буни сиз шахсан ўзингиз олинг, орамизда қолсин, ҳеч кимга айтманг, қандай гап эшитманг, бари бир, буни ҳеч ким билмасин. Пул сизга асқатиб қолади, нега десангиз, Софья Семёновна, яна аввалгидай яшашнинг кераги йўқ, у ҳаёт эмас, бундан кейин ундай яшашга ҳожат ҳам қолмайди сизга.

– Менга шунчалар яхшиликлар қилдингиз, етимчаларга ҳам, марҳумага ҳам, – деди шоша-пиша Соня, – агар яхшилигингизни қайтаролмаган бўлсак, айбга буюрмангки...

– Қўйинг, қўйинг, шу гапларни.

– Бу пулларни бўлса, Аркадий Иванович, мен сиздан жуда ҳам миннатдорман, лекин менга энди пулнинг кераги йўқ. Ёлғиз бўлганимдан кейин бир кунимни кўриб кетарман, иззатини билмаган одам деб ўйламанг тагин, жуда миннатдорман, агар шунчалар хайр-саховат қилмоқчи экансиз, унда бу пулларни...

– Сизга, сизга, Софья Семёновна, илтимос, мана шундай майда-чуйда гап-сўзларни қўяйлик, чунки менинг вақтим зикроқ. Сизга пул асқатади. Родион Романовичнинг иккита йўли бор: ё ўзини отади, ё Владимирканинг йўлига тушади. (Соня унга кўзлари олайиб ваҳима ичида қаради, қалтираб кетди.) Ташвишланманг, мен ҳаммасини унинг ўз оғзидан эшитдим, буни бировга гапириб юрадиган одам эмасман, ҳеч кимга айтмайман. Сиз ўшанда ўзингиз бориб айтинг, деб унга тўғри йўл кўрсатдингиз. Шундай қилса унга анча нафи тегади. Хўш, Владимирканинг йўлидан бориладиган бўлса, унда сиз ҳам унинг ортидан жўнасангиз керак? Шундай эмасми? Шундай эмасми? Шундай бўлса, унда пул жуда асқатади демак. Унга керак

бўлади, билдингизми? Сизга берган бўлсам, билдингки, бу унга берганим бўлади. Сиз тагин Амалия Ивановнанинг ҳам қарзини тўлайман, деб айтган эдингиз; ўзим эшитганман буни. Нега сиз ўзингиз, Софья Семёновна бўйнингизга бундай офир мажбурият ва хизматларни юклайверасиз ахир? Ўша немис хотинга қарз бўлган бўлса Катерина Ивановна қарз бўлган, сиз эмас, шундай экан, тупурмайсизми ўша немис хотиннинг башарасига. Бунақада ёруғ дунёда яшаб бўлмайди. Хўш, майли, эртагами, индингами, сиздан мен ҳақимда сўраб қолсалар (сиздан-ку, албатта сўрамай қўйишмайди), унда менинг бу ерга кирганлигимни айтманг, пулни сира кўрсатманг ва, ҳатто оғзингиздан ҳам чиқарманг, сизга пул берганлигимни ҳеч кимсга айтманг. Ана энди хайрлашамиз. (У ўрнидан турди.) Родион Романовичга мendan салом деб қўйинг. Айтганча: пулни вақти соати келгунга қадар жаноб Разумихинга бериб қўйсангиз ҳам бўлади. Жаноб Разумихинни биласизми? Албатта, билсангиз керак. Ёмон бола эмас. Унга эртага олиб бориб беринг ёки... бир пайти келганда. Унгача яхшилаб беркитиб қўйинг.

Соня ҳам ўрнидан туриб кетган, унга қўрқув тўла кўзлар билан боқарди. Ундан алланиманидир сўрагиси, нималардир деб айтгиси келар, лекин олдин бунга журъат қилмади, кейин нима деб гап бошлашини билмади.

– Қандай қилиб... сиз қандай қилиб чиқасиз, ёмғир қаттиқ ёғиб турибди-ку?

Америкага жўнайман деган одам бунақа ёмғирдан чўчиб ўтиради дейсизми, ҳе-ҳе! Омон бўлинг, қароғим, Софья Семёновна! Узоқ, узоқ яшанг, сиз бошқаларга кераксиз. Айтганча... жаноб Разумихинга мени салом айтди, деб қўйинг. Худди шундай денг, ўша Аркадий Иванович деган, Свидри-

гайлов денг, салом айтиб юборди денг. Албатта, айтинг.

У Соняни ҳайрат ва ҳаросонликда, алақандай ноаниқ ҳамда офир шубҳалар ичида қолдириб чиқиб кетди.

Кейин маълум бўлишича, у кейин ўша кеча соат ўн иккиларда жуда ғалати ва кутилмаган яна бир иш қилибди. Ёмғир ҳамон тинмаганди. У бошдан-оёқ ёмғирда бўккан бир алпозда соат ўн бирдан йигирма дақиқа ўтганда Васильевский оролидаги Кичик шоҳ кўчанинг учинчи кўчасидаги қаллиғининг уйига кириб борган. Уларнинг торгина уйларига келиб эшикни роса тақиллатган ва ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйган; лекин Аркадий Иванович раъйи келса жуда одамшаванда ва дилбар киши бўлиб кетарди, шунинг учун бўлажак қайнанаси билан қайнатаси аввал уни маст бўлса керак, деб ўйлашган (ўйлаган ўйларини қаранг), афтидан, бирон ерда итдай ичиб олгандир, эс-хушини йўқотиб қўйгандир, нима қилаётганлигини ўзи ҳам билмайди, деб иштибоҳга боришган, лекин бу иштибоҳлари ўринсиз эканлиги дарров маълум бўлиб қолади. Қаллиқнинг кўнгли бўш ва чала чаққонгина онаси Аркадий Ивановичнинг ҳузурига ўзининг заифлашиб қолган эрини курсида филдиратиб, олиб чиқади, шундан сўнг ўз одати бўйича қандайдир узоқдан келиб савол бера бошлади. (Бу хотин ҳеч қачон сўрайдиган нарсасини тўғри сўраб қўя қолмасди, аксинча, олдин жилмайишлар, таманнолар қилар, қўлларини бир-бирига ишқалар, ана шундан кейингина ўзи албатта билиши керак бўлган гапга ўтарди, яъни: агар Аркадий Ивановичдан тўйни қачон қилмоқчи эканлигини билмоқчи бўлса, гапни албатта Париждан бошлар, жуда антиқа, еб тўймаган, кўриб тўймаган одамларга хос саволлар берар, киборлар ҳаётига оид

нарсаларни сўраб-суриштирар, фақат шундан сўнг секин Васильевский оролинг учинчи кўчасига тегишли бўлган гапларга ўтарди.) Бошқа бир пайт бўлганда албатта буларнинг барини эътибор билан тинглаб жавоб-муомала қилиб ўтирса булар эди, лекин бу сафар Аркадий Ивановичнинг кўриниши бутунлай бошқача эди; у жуда ҳам бетоқат бўлиб турарди ва келган заҳоти қаллифингиз ухлаб ётибди, деб айтганларнга қарамасдан мен уни албатта кўришим керак, деб қаттиқ туриб олди. Иложи бўлмагандан кейин олдига қаллиғи чиқиб келди, Аркадий Иванович тўғридан-тўғри унинг ўзига жуда ҳам зарур иши чиқиб қолганлиги сабабли бир қанча вақтга Петербургдан кетаётганлигини ва унга шу муносабат билан ўн беш минг сўм кумуш ва қоғоз пулларни совға тариқасида қолдириб кетажagini айтди, бари бир шу арзимаган нарса ни тўй олдидан сизга тортиқ қилмоқчи эдим, деди. Шундай ёмғир ёғиб турган маҳалда, ярим кечада зарур иш билан кетадиган бўлиб қолдим, шунинг учун совға олиб келдим, дейиш қандайдир унчалар бир-бирига қовушмаган гап бўлиб туйилиши мумкин эди, лекин шунга қарамасдан иш силлиққина битди. Ҳатто бундай пайтларда одатда бўлиб турадиган оҳ-воҳлар ҳам дарров аллақандай ҳаддан ташқари босиқ-тортиқ бўлиб қолди. Лекин жуда ҳам қизғин миннатдорчиликлар билдирилди, ақли расо она, ҳатто кўз ёши ҳам қилиб олди. Аркадий Иванович ўрнидан турди, кулди, қаллиғини ўпди, унинг юзларига шапатилаб қўйди, яна бир карра тезда қайтаман, деб ишонтирди ва унинг кўзларидан болаларча бир қизиқиш ва шу билан бирга аллақандай жуда жиддий ва тилсиз савол аломати ифодаланиб турганлигини пайқаб, ўйланиб қолди, қизни қайтадан ўпиб қўйди ва шу заҳоти совға дарҳол оналар ичида энг ақли

расосининг сандифига тушиб кетажагини ўйлаб юракдан ачиниб қўйди. У ҳаммаларини ҳаяжон ва ғалаёнга солган кўйи чиқиб кетди. Аммо кўнгилчан она ўзларини ҳайрон қилиб қўйган баъзи бир англашилмовчиликларни дарҳол шипшиб, тез-тез тушунтириб берди, унингча, Аркадий Иванович катта одам экан, зўр ишлар қиладиган, зўр одамларни танийдиган бой-бадавлат киши экан, унинг бошида нима борлигини Худонинг ўзи биларкан, калласига нима келса шуни қиларкан, бир жойга боргиси келган бўлса, боравераркан, пул бергиси келса, беравераркан, демак, бунинг сира ажабланиб ўтирадиган жойи йўқ экан. Албатта, унинг бошдан-оёқ шилти шалаббо бўлиб юриши ғалати кўринади, аммо мисол учун, инглизларни оладиган бўлсак, улар бундан ҳам антиқароқ қилиқларни қилишаверади, умуман олганда, бу киборлар бошқаларнинг нима дейиши билан ҳисоблашиб ўтирмайдилар, бунақа нарсаларни назар-писанд қилмайдилар. Балки у ўзининг ҳеч нарсадан қўрқмаслигини кўрсатиб қўйиш учун атай шундай қилиб юргандир. Энг муҳими, бу ҳақда бировга миқ этиб оғиз очмаслик керак, чунки кети бориб, яна нима бўлади, буни Худонинг ўзи билади, пулни эса тезроқ яшириш керак, уларнинг толеига Федосьянинг ошхонадан чиқмаганлигини айтинг, энг муҳими, анави шалақи Ресслихга буни сира, сира, сира айтмаслик керак ва ҳоказо, ва ҳоказо. Соат иккиларгача мана шундай пичирлашиб ўтирдилар. Айтгандай, бир озгина маъюс бўлиб ажабланиб қолган қиз улардан анча илгари ухлагани кириб кетганди.

Свидригайлов эса бу орада қоқ ярим кечада фалон кўприкдан Петербург томонга қараб ўтиб борарди. Ёмғир тўхтаган, лекин шамол шовқин солиб эсарди. У дир-дир қалтирай бошлаган эди,

шунда, ҳатто Кичик Неванинг қорайиб кўринган сувларига алланечук ғалати бир қизиқсиниш билан қараб турди. Лекин сув тепасида бирпас туриб жуда совқотиб кетгандай бўлди; у ўгирилиб фалон кўчага қараб юриб кетди. У бош-кети кўринмайдиган фалон кўчадан тўхтамасдан жуда узоқ, ярим соатлар чамаси юриб борди, ҳадеса оёқлари тахта йўлнинг ёғочлари орасига тушиб кетарди, лекин, у кўчанинг ўнг томонидан алланиманидир қўймай қидирмоқда эди. Яқинда у шу ердан ўтиб кета туриб кўчанинг охирида ёғочдан қурилган бир меҳмонхонага кўзи тушгандай бўлган эди, меҳмонхона анча каттагина бўлиб, агар эсида қолган бўлса, номи ҳам Адрианопол деганга ўхшаш бир ном эди. У чиндан ҳам адашмаган экан: чет хилват жойда бу кўноқхона, айниқса, кўзга ташланиб турар, ҳатто қоронғида ҳам уни бемалол топиб келиш мумкин эди. Бу узундан-узун оғоч бино бўлиб, қорайиб кетган, ярим кеча бўлишига қарамасдан унда чироқлар ёниб турар, аллақандай ғовур-ғувурлар эшитиларди. У ичкарига кирди ва йўлакда дуч келган жулдурвоқи боладан хона сўради. Жулдурвоқи Свидригайловга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, дарҳол ҳушёр тортиб, уни йўлакнинг ичкарисига томон бошлаб кетди ва йўлакнинг энг охирида зина тагида бир бурчакда бўлган хилват, тор, ҳавоси дим хонага бошлаб келди. Бошқа бўш хона йўқ экан; ҳаммаси банд экан. Бола унга саволомуз қаради.

– Чойинг борми? – деб сўради Свидригайлов.

– Топилади.

– Яна нималаринг бор?

– Бузоқ гўшти, ароқ, газак бор.

– Бузоқ гўшти билан чой олиб кел.

– Нима, бошқа ҳеч нарса керакмасми? – деб сўради, ҳатто бир оз ажабсиниб қолган бола.



– Керакмас, керакмас!

Бола жуда шаштидан тушиб чиқиб кетди.

«Яхши жойга ўхшайди, – деб ўйлади Свидригайлов, – нега аввал билмаган эканман. Ҳозир бирон-та кафешантандан<sup>42</sup> қайтиб келаётган, йўл-йўлакай бошидан бирорта саргузашт кечирган одамга ўхшаб турган бўлсам керак. Қизиқ, бу ерларда кимлар тунаб қоларкин?»

У шамни ёқиб, хонани бир бошдан кўздан кечириб чиқди. Бу шунчалар тор бир ҳужра эдики, Свидригайловнинг боши шифтга тегай деб турарди, унинг деразаси битта эди; кўрпа-тўшаги жуда ирkit эди, бўяб қўйилган одмигина стол билан стул хонанинг бутун сатҳини эгаллаган эди. Деворлар худди тахтадан қоқиб қўйилганга ўхшар, уларнинг усти хира қоғоз билан қопланган, қоғозлар шунчалар чанг босиб, титилиб кетган эдики, ҳали уларнинг ранги қандай бўлганини (сарик) билиб олиш мумкин эди-ю, лекин унга қандай гул солинганлигини сира англаб бўлмас, ҳамма гуллари ўчиб кетганди. Ҳужранинг бир томонидаги девор ва шифти қийшиқ тушган эди, одатда энг чекка хоналарда шундай бўлади, лекин бу ҳужранинг қийшиқлиги унинг зина тагида жойлашганлигидан эди. Свидригайлов шамни стол устига қўйиб, каравотга ўтирди ва ўйга толди. Лекин қўшни ҳужрадан келаётган ғалати пичир-пичирлар, баъзан бақириб-чақирришлар ниҳоят унинг хаёлини бўлиб диққатини ўзига тортди. Бу шивир-шивир у кириб келгандан бери тўхтамаганди. Свидригайлов қулоқ солди: кимдир бировга койиниб, йиғламсираб сўзлар, таъна-тазарру қилар, лекин иккинчи одамнинг овози эшитилмасди. Свидригайлов ўрнидан туриб, шамни қўли билан тўстган

<sup>42</sup> Кафешантан – беадаб, суюқашула ва рақслар ижро этиладиган очиқ саҳнали қаҳвахона ёки ресторан.

эди, шу заҳоти деворнинг ёруғида шуъла кўринди: у бориб шу девор тешигидан қарай бошлади. Уни-кидан анча каттароқ қўшни хужрада иккита одам бор эди. Улардан бири сюртугини ечиб ташлаган, сочлари ҳаддан ташқари жингалак бўлиб ҳурпайган, юзи ўпкадек қизариб кетган ҳолда нутқ сўзлаётган одамдай мувозанатни сақлаш учун оёқларини кериб турар ва ўзининг кўкракларига муштлаб шеригидан ўпкаланар, қўлини пахса қилиб, мен сени одам қилдим, сенинг жулдур кийимдан бошқа ҳеч вақонг йўқ эди, сени ботқоқдан тортиб олдим, сенинг, ҳатто мақтанадиган амалинг ҳам йўқ, сени қачон хоҳласам ўшанда ҳайдаб юбораверман, умуман, буларнинг ҳаммаси ёлғиз Худонинг ўзига аён, деб таъналар қиларди. Ушбу таъналар қаратилган одам курсида ўтирар ва унинг бутун афти ангоридан ҳаддан ташқари аксиргиси келаётган, лекин сира ҳам аксира олмаётган одамга ўхшаб кетарди. У гоҳо лойқа қўй кўзлари билан қўлини пахса қилиб сўзлаётган нотикқа қараб-қараб қўяр, лекин афтидан гап нима ҳақда бораётганини ҳечам англамас, балки қулоғига гап кираётибдими, йўқми, билиб бўлмасди. Стол устида ёниб бўлаётган шам, деярли бўшаб қолган шиша, қадаҳлар, нон, стаканлар, бодринглар ва ичиб бўлинган чой идишлар бор эди. Бу манзараларни диққат билан кузатгач, Свидригайлов тешикдан лоқайд бўлиб нари кетди ва яна каравотга бориб ўтирди. Чой ва бузоқ гўшти келтирган бола ўзини яна бир карра «бошқа ҳеч нарса керак эмасми?» деб сўрамоқликдан тўхтатолмади ва яна илгаригидай, йўқ, керакмас, деган жавобни олгач, хужрадан чиқиб кетди. Свидригайлов пича исирмикинман, деб ўзини чойга урди ва бир стакан чой ичди, лекин гўштан бир луқма ҳам ея олмади, иштаҳаси бутунлай йўқолганди. Афтидан, худди безгак

тута бошлаганга ўхшарди. У пальтоси, нимчасини ечиб, ёпинчиққа ўралиб тўшакка ётди. Ўзининг бу аҳволдан андак офриниб турарди: «Лоақал энди шу сафар касал бўлмай турсам тузук эди», – деб ўйлади у ва жилмайиб қўйди. Хужра ҳавоси бўғиқ, шам хирагина заиф нур сочар, ташқаридан шамолнинг гувилаган садоси келар, бурчакда, аллақерда сичқоннинг қитирлаши эшитиларди, умуман, хужра сичқон ва аллақандай чарм ҳидига тўлган эди. Ётаркан, унинг хаёли қочди: ўй устига ўй қувди. У худди тасаввурини бир муҳим нуқтага жамлашини жуда ҳам истаб турганга ўхшарди. «Деразанинг нариги ёғида боғ бўлса керак, – деб ўйлади у, – дарахтлар шовқин соляпти. Бўрон бўлганда, тим қоронғи тушганда дарахтларнинг шовиллаганини ҳеч жиним суймайди, жуда хунук кўринади!» Шунда ҳали Петр боғи олдидан ўтиб кета туриб, бу боғни жуда ижирғаниб эслаганлиги ёдига тушди. У О – ков кўприги ва Кичик Невани эслади ва боя кўприкда сув узра турганда қандай совқотган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай совқотди. «Умрим бино бўлиб ҳеч қачон сувни яхши кўрган эмасман, ҳатто суратларда тасвирланган сувларни ҳам ёқтирмасдим, – дея ўйлади у ва хаёлига келиб қолган ғалати бир фикрдан кулиб қўйди: қаранг, бундай олиб қараганда энди қулайлик ва дид ҳақида ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлаверади-ку, лекин худди шу пайтга келиб жуда бу тўғрида инжиқ бўлиб турибди, ҳайвонлар ҳам... Шундай ҳолатда ўзларига албатта жой танландилар. Боя Петр боғига кириб қўя қолса бўлар эди-ку! Жуда қоронғи бўлиб кўринган бўлса керак-да, а, ҳе-ҳе! Совуқ денг бунинг устига! Кўнглинга хуш келадиган жойни қидирганингни-чи, оббо, сен-ей!.. Ҳа-я, нега энди шамни ўчириб қўймайман? (У шамни пуфлаб ўчирди.) Қўшниларим ҳам ухлашди, – дея

ўйлади у деворда бояги туйнукдан тушиб турган шуъланинг ўчганини кўриб. – Буни қаранг, Марфа Петровна, мана энди келсангиз жуда ярашади, қоронғини айтинг, жой ҳам жуда шунга мос, айна пайти эди-я. Лекин сиз мана энди худди шунда келмайсиз-да...»

У Дунечкани ўз уйига олиб бормасидан бир соат илгари Раскольниковга синглингизга Разумихин кўз-қулоқ бўлиб юрсин, деб айтгани эсига тушиб кетди нима учундир. «Ўшанда буни ўзимга ишониб айтган эдим. Раскольников буни фаҳмлаб қолди. Лекинига жуда ғалати йигит экан-да, бу Раскольников! Елкасига ортиб олган юкини қаранг. Вақти келиб жуда катта одам бўлиб кетиши мумкин, хаёлидан ҳамма беҳуда нарсаларни супуриб ташлагандан кейин шундай бўлади, ҳозир жуда ҳам яшагиси келиб турибди! Худди шунга келганда буларнинг ҳаммаси ҳам – пасткаш бўлиб кетадилар. Э, жин урсин уни, менинг нима ишим бор».

Ҳеч уйқуси келмасди. Секин-секин Свидригайловнинг кўз ўнгида Дунянинг бояги сурати гавдаланди, шунда бирдан эти увушиб кетди. «Йўқ, энди буни ташламоқ керак, – дея ўйлади у ҳушёр тортиб, – бошқа нарсалар ҳақида хаёл сурмоқ керак. Одамнинг қулгиси қистайди, яна ҳайрон бўласан: мен ҳеч қачон ҳеч кимни қаттиқ ёмон кўрган эмасман, ҳатто қасос олишга ҳам унчалар рағбатим бўлмаган, ваҳоланки, шундан ёмони йўқ, шундан ёмони йўқ! Биров билан баҳслашмаганман, қизишмаганман – бу ҳам яхши эмас! Боя унга қанчалар ваъдалар бердим, фу, шайтон! Лекин мени нима қилиб бўлмасин эгиб-букиб оларди бир куч...» У сукунат ичида тишларини ғижирлатди: унинг кўз ўнгида яна Дунечканинг сиймоси пайдо бўлди, ўшанда қиз тўппончадан биринчи ўқни узди-ю, лекин ўзи жуда ҳам қўрқиб кетди, тўппонча-

ни пастга туширди ва мурда бўлиб қолди, кўзларини катта очганча тикилиб тураверди, ўшанда уни бир эмас, икки марта ушлаб олса ҳам бўларди, у бўлса, ҳатто ўзини ҳимоя қилолмасди, лекин ўзингизни ҳимоя қилинг, деб айтилди. Ўшанда қизга Свидригайловнинг юраги ачишиб кетди, юрагини нимадир эзгандай бўлди... Э, жин урсин. Яна шуни ўйлаяпман, бас қилмоқ керак, бас қилмоқ!..»

Оҳиста унинг кўзи илинди: қалтироқ ҳам босилди аста; бирдан ёпинчиқ тагида оёқ-қўллари-дан бир нарса ўрмалаб ўтгандай бўлди. У сесканиб кетди: «Фу шайтон, сичқон бўлмасин тагин! – ўйлади у, – столда қолган гўштга келганга ўхшайди...» Унинг сира ўрнидан қўзғалгиси келмас, яна совқотишни хоҳламасди, лекин бирдан яна оёғи устидан алланима ўрмалаб ўтди; у устидан ёпинчиқни улоқтириб ташлаб, шамни ёқди. Совуқдан дағ-дағ қалтираб тўшакни қараш учун энгашди, ҳеч нима кўринмади; у ёпинчиқни силкитди ва бирдан чойшаб устига сичқон сакраб тушди. У сичқонни тута бошлади, сичқон тўшакдан тушмасдан дикир-дикир буралиб, у ёқдан-бу ёққа сакрарди, панжаларининг орасидан, қўлларининг устидан ўтиб кетарди, сўнг бирдан у ёстиқнинг тагига кириб кетди. У ёстиқни итқитиб юборди, шунда бирдан ичига бир нима кириб олгандай бўлди, баданида ўрмалай бошлади, орқа томонига ўтиб кетди. У асабий қалтираб уйғонди. Хужра қоп-қоронғи эди, у ҳамон боягича ёпинчиққа ўралиб, каравотда ётарди, ташқарида шамол увилларди. «Бунчалар бемазагарчилик бўлмаса!» – дея кўнглидан кечирди у юраги ғаш бўлиб.

У ўрнидан туриб, каравотнинг бир четида деразага тескари қараб ўтирди. «Бундан кўра ухламаган ҳам тузук», – деб қўйди у. Деразадан этни жунжиктирадиган рутубат ва совуқ келарди, у

ўрнидан кўзғалмаганча, ёпинчиқни олиб, унга ўранди. Шамни ёқиб ўтирмади. У ҳеч нарсани ўйламас, ўйлашни истамас ҳам эди; лекин хаёл уни узоқларга олиб кетар, калласида узуқ-юлуқ фикрлар пайдо бўлар, яна ўчар ва бунинг бош-кети йўққа ўхшарди. У худди уйқусираб кўзи илинаётган одамга ўхшарди. Совуқданми, қоронғиликданми, рутубатданми, дераза ташқарисида дарахтларни силкитиб увилаётган шамолданми, ҳар ҳолда унинг руҳиятида фавқулодда хаёлий майлар ва истаклар уйғонмоқда эди, лекин шу тобда унинг кўз ўнгида гуллар пайдо бўлди. Тасавбурида ажиб бир манзара, нурга тўлган, ёруғ, илиқ, балки, ҳатто иссиқ бир кун, байрам куни, троица куни<sup>43</sup> гавдаланди. Инглизча усулда қурилган ҳашаматли, бадавлат, атрофини бўстонлар ва муаттар гулзорлар ўраган, фаройиб гулпечакларга бурканган қишлоқ қошонаси кўз ўнгига келди. Уйга кириб бораверишдаги айвонча гулпечакларга, чаппар уриб, очилган атиргулларга чулғаниб ётибди. Ёруғ, салқин пиллапоя, пиллапояга қимматбаҳо пойандозлар тўшалган, теграсига чинни идишларда ноёб гуллар қўйилган. Деразаларга қўйилган сув солинган гул идишлар ичида узун ва кўм-кўк, бақувват бандлари эгилиб турган оппоқ, нафис, атрофга муаттар ислар сочиб ётган наргис гулдасталари, айниқса, унинг хаёлида ўзгача бўлиб жонланди. Унинг бу гуллар олдидан сира кетгиси келмай қолди, лекин у пиллапоялардан кўтарилиб каттакон, баланд залга кириб борди, бу ерда ҳам атроф гулларга тўлганди, деразаларда, айвонча эшигида, айвончанинг ўзида ҳамма ёқда гул, гул эди. Оёқ остиларига янгигина ўриб келинган хушбўй майсалар тўшалганди, деразалар ланг очиб қўйилган-

<sup>43</sup> Троица – (ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳдан иборат ягона худо) – насронийларнинг диний байрами.

ди, залга сарин, енгил, тоза ҳаво оқиб кириб келар, ташқарида сайроқи қушлар гарангтоб бўлиб куйлар, залнинг ўртасида эса оппоқ атлас ташлаб қўйилган стол устида тобут турарди. Тобутнинг усти оқ мато билан қопланган бўлиб, четига оппоқ бурма тикилганди. Гир атрофи гулчамбарлар билан чирмалганди. Тобут ичида гулларга ўралиб бир қизча ётарди, унга оқ тўр қўйлак кийдирилган, кўкракларига қовуштириб қўйилган қўллари худди мрамрдан ишланганга ўхшарди. Унинг сарғиш оқпар сочлари ёйилиб ётар, лекин улар ҳўл эди. Қизчанинг бошига гулчамбар кийдирилганди. Қизчанинг шамдай қотиб қолган жиддий чеҳраси ҳам баайни мрамрдан тарашланганга ўхшаб кўринар, аммо унинг оқариб турган дудоқларида қотиб қолган табассум сира ҳам болаларнинг табассумига ўхшамас, унда чексиз ва адоқсиз мусибат ва олам дош беролмайдиган улўф шикоят бор эди. Свидригайлов бу қизчани танирди; тобут олдида на санам ва на ёқилган шамлар бор эди, фотиҳа саслари ҳам эшитилмасди. Бу қизча ўзини ўзи сувга ташлаб ўлдирганди. У эндигина ўн тўртга кирган, лекин юрак-бағри қон бўлган, мурғак ва маъсумгина жони топталган ва ҳақоратланган қизча хўрликка чидолмай, ўзини ҳалок қилганди, ҳақорат унинг фариштадай тоза қалбини алам ва уятга тўлдириб юборган ва шу бегуноҳ, топталган жон алам билан сўнг бор фарёд кўтарган, лекин унинг фарёдини, унинг зўрланиб ҳақоратланганлигини қоронғи, совуқ, аёзли, шамол увиллаб, чийиллаб турган кечада ҳеч кимса эшитмаганди...

Свидригайлов кўзини очди, ўрнидан турди ва дераза томонга қадам ташлади. У тимирскиланиб дераза илгагини топди-да, ойнани очди. Хўжра ичига шамол қутуриб ташланди ва худди унинг юзи, ёлғиз қўйлак билан тўсилган кўкрагига совуқ

қиров чаплаб ташлагандай бўлди. Деразанинг у томони чиндан ҳам сайр боғга ўхшайди. Афтидан кундуз кунлари у ерда яллачилар ялла қилсалар керак, столларда чойлар ичилса ҳам ажабмас. Ҳозир бўлса дарахтлар ва буталардан ойнага ёмғир томчилари сачрар, атроф ертўладай қоронғи эди, нарсаларнинг ноаниқ қорамтир тарҳигина кўзга аранг чалинарди. Свидригайлов мана, беш дақиқалардан бери дераза тоқчасига суяниб олганча қоронғилиқдан кўзларини узмай тикиларди. Зимистон тун қўйнидан тўп отилган садо келди, кейин яна бир марта отилди.

«Э, огоҳлантириляпти! Сув кўпайган шекилли, – дея ўйлади у, – эрталабга бориб пастроқ ерларда кўчаларни, ертўлаларни сув босади, каламушлар ташқарига сузиб чиқади, одамлар шамол ва ёмғирга қарамай сўкинишиб, шалаббо бўлишиб, пастда қолган тақир-туқурларини тепа қаватларга олиб чиқа бошлайдилар... Ҳозир соат неча бўлсайкин?» У шундай деб ўйлаши билан қаердандир жуда яқиндан соатнинг шоша-пиша уч марта жом чалгани эшитилди. «Э-ҳе, бир соатдан кейин кун ёриша бошлайди! Кутиб нима қилдим? Ҳозир чиқаману тўғри Петр боғига бораман, ёмғир томчисига бағри тўлиб турган каттакон бир бутани топаман, сал елканг тегиб кетса бас унга, бошингга миллионлаб томчи сув сочади...» У қаддини деразадан кўтариб, ойнани ёпди, шам ёқди, нимча, пальто, шляпасини кийди ва шамни кўтариб, йўлакка чиқди, у бирон ерда уврин-тўдалар ичида ухлаб ётган ҳалиги болани топмоқчи эди, ҳужранинг пулини тўлайди-ю, бу ердан чиқиб кетади. «Энг қулай пайт шу, ортиғини топиб бўлмайди!» У узундан-узун, тор йўлакда узоқ юрди, лекин ҳеч кимни топмади, энди овозимни чиқариб чақираман, деб турган эди, шу пайт бурчакда жавон билан эшик



Ўртасида ғалати бир нарсага кўзи тушиб қолди, у худди тирик махлуққа ўхшарди. У шам билан энгашиб қаради ва пол латтадай шалаббо бўлган, қалт-қалт титраб йиғлаган беш ёшлар чамасидаги қизчани кўрди. Қизча Свидригайловни кўриб чўчигани ҳам йўқ, унга каттакон қора кўзларини ҳайрон бўлиб тикиб тураверди, у гоҳо жуда узоқ йиғлаб чарчаган болаларга ўхшаб бир ҳиқиллаб кўяр, мана-мана йиғини қайтадан бошлаб юбораман, дегандай мўлтираб турарди. Қизчанинг рангида ранг қолмаган, жуда ҳорғин эди. У совуқдан тарашадай қотиб қолганди, лекин «у қандай қилиб бу ерга келиб қолдийкин? Бу ерга беркиниб олиб, кечаси билан ухламай чиққанга ўхшайди». У қизчани гапга сола бошлади. Қизча бирдан жонланиб, унга болаларнинг тилида алланималарни чулдираб сўзлай кетди. Гап қандайдир «аппаси» ҳақида борар, у чинни идишни синдириб қўйганини, «тушийиб юбойгани»ни айтар, «аппам уладила» дерди. Бола тинмай гапирарди; унинг гапларидан бу болани уйда унчалик яхши кўрмасликларини, эҳтимол шу қўноқхонада ошпаз бўлиб ишлайдиган ойиси доим ичиб маст бўлиб юришини, қизчани калтаклаб юрагини чиқариб юборганлигини, ойсининг косасини синдириб қўйиб, қўрқиб кетганидан кеча кечқурун қочиб кетганлигини билиб олиш мумкин эди. Кеча кечқурундан бери ҳовлида беркиниб юрган бўлса керак, сўнг ёмғирда қолиб, совқотиб, рутубат ва қўрқинч, ваҳимадан ўтакаси ёрилар даражага келиб ниҳоят, бу ерга кириб олган, тун билан жавон орқасида йиғлаб чиққан эди. Свидригайлов қизчани кўтариб олди, ҳужрасига қайтиб келди, қизчани каравотга ўтқазиб, уни ечинтира бошлади. Унинг яланг оёғига кийиб олган бошмоғи худди кечаси билан кўлмакда қолиб кетгандай ҳўл эди. У қизчани ечинтириб бўлиб,

ўринга ётқизди ва то бошигача ёпинчиқ билан ўраб-чирмаб қўйди. Қизча шу заҳоти ухлаб қолди. Бу ишларни тугатгандан сўнг у яна қовоқларини солганча, оғир ўйга ботди.

«Яна бу ишкалга аралашиб нима қилардим! – деди у ўзини жуда оғир ва ёмон ҳис қилиб. – Аҳмоқлик!» Кўнгли хира бўлиб хизматкор болани нима бўлмасин топиб тезроқ бу ердан қетиш мақсадида қўлига шамни олди. «Эҳ, қизча!» – деб ўйлади у сўкиниб ва эндигина чиқиб кетаман деб эшикни очиб турган одам қизча ухлаяптими, йўқми, ухлаётган бўлса қандай ётиб ухлаяпти, деган хаёлда яна орқасига қайтди. Свидригайлов оҳистагина ёпинчиқни кўтариб қаради. Қизча қаттиқ, ширин уйқуда ухлаб ётарди. Ёпинчиққа ўраниб ётиб у анча исинган, рангпар юзларига қизиллик югурган эди. Лекин қизиқ, унинг юзидаги қизиллик болаларнинг юзларида бўладиган одатдаги қизилликка ўхшамас, бўртиброқ, ловиллаброқ турарди. «Бу иситманинг қизиллиги», – деб ўйлади Свидригайлов, май ичганда одамнинг бети шундай қизаради, қизчага худди бир стакан май ичирилганга ўхшарди. Унинг гунча ёноқлари худди ёниб, тутаб тургандек эди, лекин нима гап ўзи? Шунда бирдан назарида қизчанинг узун қора киприклари худди кўтарилгандай бўлиб, титраб, пир-пир учаётганга, аллақандай бўлиб им қоқаётганга, қизча худди ўзини ухлаётгандай қилиб кўрсатиб, аслида эса унга айёрона, ўткир кўз учида қараб турганга ўхшади. Ҳа, худди ўзи: унинг дудоқлари кулимсираб ёйилиб кетди. Лекин лаблари худди бу табассумни йиғиштириб олмоқчи бўлгандай ҳали титраб турарди. Аммо мана, ниҳоят у сира ҳам ўзини тутолмай қолди; қизча унинг башарасига тикка қараганча кула бошлади; унинг сира ҳам болаларникига ўхшамаган юзида нимагадир шама, нимадандир

тама бор; бу фаҳш, бу фоҳишанинг бети, фоҳиша француз хотиннинг беҳаё ва бетайин башараси. Мана у энди ҳеч тортмай иккала кўзларини очиб унга тикилди: тикилганда ҳам ҳирс билан худди еб қўядигандек беҳаё, оловли тикилди, унинг нигоҳи ўзига чорлар, кулиб турар эди... Бу жилмайиш, бу кўзлар, бола башарасида акс этган палид бир бузқликда беҳад ярамаслик ва инсонлик шаънига иснод бор эди. «Бу қанақаси! Беш яшар бола-я! – дея пичирлади чинакам бир даҳшат ичида қолган Свидригайлов, – бу... қандай гап ўзи?» Лекин мана, болакай алангайи оташ бўлиб ёнаётган юзини бутунлай унга қаратди, қўлларини чўзди... «О, лаънати!» – деб қичқириб юборди Свидригайлов қўлларини мушт қилиб, унинг боши узра кўтараркан... Лекин шу дақиқада уйғониб кетди... Ўша тўшакда, ўша ёпинчиқда қандай ётган бўлса шундай ётарди. Шам ёқилмаганди, тонг ёришиб қолганди.

«Кечаси билан шундай даҳшат давом этганини қаранг!» Свидригайлов шалайим бўлган одамдай базўр ўрнидан турди, авзойи ғоятда бузуқ эди, суюклари сирқираб оғрирди. Ташқарига қуюқ туман тушган, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Соат олтилар бўлиб қолганди, ухлаб қолибди! У ўрнидан туриб, ҳалигача қуримаган нимчаси ва пальтосини кийиб олди. Чўнтагидан тўппончани пайпаслаб олди-да, ичидаги ўқини тўғрилаб қўйди; кейин ўтириб чўнтагидан ён дафтарини чиқарди, биринчи варағига катта-катта қилиб алланималарнидир ёзди. Ёзганларини ўқиб кўриб, столга таяниб ўйга ботди. Тўппонча билан ён дафтари шундоққина тирсаги олдида турарди. Столда қолган қўл урилмаган бузоқ гўштига пашшалар гўнғиллаб ёпишмоқда эди. Свидригайлов анчагача уларга қараб ўтирди, кейин бўш турган ўнг қўли билан пашшани тутишга ҳаракат қила бошлади. Анча уриниб

ҳам пашшани ушлолмади. Ниҳоят, нима қилаётганини англаб, ҳуши ўзига келди, сесканди, ўрнидан туриб шахт-шиддат билан ҳужрадан чиқиб кета бошлади. Бир дақиқадан сўнг у кўчага чиқиб олди.

Шаҳар узра сутдек оппоқ, қуюқ туман тушганди, Свидригайлов сирфанчиқ, ифлос тахта қопланган кўчадан Кичик Нева томонга қараб юрди. Назарида гўё Кичик Неванинг суви баланд кўтарилган, Петровский оролини сув босган, йўллар, майсалар, дарахтлар, буталар ва ниҳоят, ҳув ўша бута... ёмғир сувига фарқ бўлиб ётгандай бўлган эди... У буни калласидан чиқариб ташлаш учун кўнгли рашланганча уйларни томоша қила бошлади. Йўлда на бирон ўткинчи ва на бирон извош учради. Дераза эшиклари беркитиб олинган, тўқ сариқ ёғоч уйларга қараган одамнинг кўнгли озарди. Унинг бутун жисмига рутубатли совуқ мўралаб кириб ўз забтига олди, эти увуша бошлади. Онда-сонда йўлда сабзавот ва бошқа дўконлар учраб қолар, уларнинг ёзувларини диққат билан ўқиб чиқарди. Мана, ниҳоят тахта йўл ҳам тутади. У баҳайбат гиштин бино олдига яқинлашди. Дир-дир қалтираган, совқотган, думларини қисиб олган иркит лайча унинг йўлини кесиб ўтди. Шинель кийган алақандай бир одам ғирт маст ҳолда йўлкага юзтубан узала тушиб ётарди. Свидригайлов унга бир қараб қўйиб, йўлида давом этди. Унинг чап томонида баланд мезана кўринди. «Воҳ! – хаёлидан ўтказди у, – мана сенга жой, Петровскийнинг нима кераги бор? Лоақал тепангда расмий гувоҳ бўлади-ку...» У калласига келган бу янги фикрдан кулимсираб қўйди ва В – кўчасига қараб бурилди. Мезаналик каттакон уй шу кўчада эди. Ёпиб қўйилган улкан дарвоза олдида зобитларнинг кулранг пальтосига бурканган, бошига мис

қалпоқ кийган ушоқроқ бир одам дарвозага суяниб турарди. Унинг уйқусираган кўзлари яқинлашиб келган Свидригайловга совуқ тикилди. Унинг юзига азалий қайғунинг олчоқ излари соя солганди, бинобарин, яҳудий қавмига мансуб бўлган барча одамларда истисносиз суръатда мана шундай тиришчеҳра абадиян муҳрланиб қолгандир. Улар ҳар икковлари, яъни Ахиллесга ўшаб мис қалпоқ кийган у одам билан Свидригайлов бир қанча вақт сўзсиз бир-бирларига тикилиб турдилар. Ниҳоят, Ахиллес бу киши маст бўлмаса ҳам уч қадам наридан туриб нимагадир ўзига тикилиб қолгани, миқ этиб оғзини очмаётганидан тартибсизлик нишонасини уқди-да, масалани ойдинлаштиришга киришди.

– Ўзи, сизга, ўзи, бунда нима керак? – деди у жойидан қимирламаган кўйи.

– Ҳеч нарса керакмас, биродар, салом! – деб жавоб берди Свидригайлов.

– Бу ер ўрни эмас.

– Мен, биродар, бегона ўлкаларга кетаётирман.

– Бегона ўлкаларга?

– Америкага.

– Америкага?

Свидригайлов тўппончани чиқариб отишга машқ қилди. Ахиллес қошларини чимирди.

– Ўзи, нима ўзи ҳазил бу, ҳазилингизни кўйинг, ундай зоймас!

– Нега жойи бўлмас экан?

– Сундай, зойимас.

– Кўйсанг-чи, биродар, бари бир. Яхши жой; агар сендан келиб сўрашса, Америкага кетди, деб жавоб бергин.

У тўппончани ўнг чаккасига тиради.

– Ўзи су зойимас, су зойимас! – деб типирчилаб қолди Ахиллес борган сари кўзларини катта очиб.

Свидригайлов тепкини босди.

Ўша куни кечқурун соат еттиларда Раскольников ойиси билан синглиси турадиган уйга келди. Уларни Бакалеевга тегишли бўлмиш ушбу уйга Разумихин жойлаштириб қўйганди. Унинг зинасига тўғри кўча томондан чиқиб бориларкан. Раскольников уйга яқин келиб қолганда ҳам кирсаммикин, кирмасаммикин, деб иккиланиб, қадами товсилланиб келмоқда эди. Лекин аслида биров зўрлаганда ҳам орқасига қайтмаган бўларди ҳозир; у қатъий бир қарорга келиб бўлганди. «Бунинг устига бари бир улар ҳали ҳеч нарсани билишмайди, – деб ўйларди у, – мени бўлса ғалати қилиқларимга ўрганиб қолишди...» Унинг энгил-бошига қараб бўлмасди: кечаси билан ёмғир тагида қолиб ифлос, ҳўл бўлиб кетган, далва-далва бўлиб йиртилганди. Унинг юзи ҳаво бузуқлигидан, ҳорфинликдан, жисмоний толиқишдан ва куни бўйи ўзи билан ўзи олишиб чиққанидан жуда ўзгариб, таниб бўлмайдиган даражага келганди. Бутун кечани Худо билсин, қаерда ўтказди. Лекин нима бўлганда ҳам у бир қарорга келганди.

У эшикни тақиллатди, ойиси очди. Дунечка уйда йўқ эди. Ҳатто хизматкор хотин ҳам бу пайт алақаёққа чиққан экан. Пульхерия Александровна олдин суюнганидан нима дейишини билмай, анграйиб қолди, кейин унинг қўлидан тутиб, уй ичига олиб кирди.

– Келар экансан-ку, сен ҳам! – деди у хурсанд бўлганидан тутила-тутила. – Мен бундай кўз ёши қилаётганимга жаҳлинг чиқмасин, Родя, севинчимдан бу оби-дийдам. Сен мени оби-дийда қилаётир, деб ўйлаяпсанми? Йўқ, мен севинганимдан жоним ичимга сиғмай кетяпман, севинсам, йиғлагим келади мен жиннининг. Отанг вафот этгандан

бери шундай бўлиб қолганман, сал нарсага ҳам кўз ёши қилавераман. Ўтир, кўзим, ўтир, кўриб турибман, толиққанга ўхшайсан. Оҳ, эгнинг бунча ҳўл бўлиб кетибди.

– Кеча ёмғирда қолган эдим, ойижон... – деб гапга оғзини очди Раскольников.

– Э, қўйсанг-чи, қўйсанг-чи! – куюнганча унинг гапини бўлди Пульхерия Александровна, – сен мени яна сўроққа тутиб қолади, деб ўйладингми, илгарилари аёллигимга бориб шундай қилардим, энди буни хаёлингга ҳам келтирма. Мен тушунаман, ҳаммасини тушунаман, мен энди бу ернинг одатларига ўрганиб қолдим, ўзим ҳам кўриб турибман, бу ердагилар ақлли бўлганларидан шундай қилар эканлар. Мен энди сенинг мулоҳазаларинг қандайлигини ва сендан нималарни сўрасам бўлади-ю нималар мумкин эмаслигини жуда яхши билиб, уқиб олдим. Яна Худо билади-ю бошингда не хаёл, не режалар билан юрганийкинсан, ёки бир нарсанинг устида бошингни қотираётгандирсан, наҳот шундай пайтда қўлингдан ушлаб менга нимани ўйлаётганлигингни айтиб бер, деб туриб олсам? Мана, мен... оҳ, Худойим-ей! Бошим фирилаб қолганлигини кўрмайсанми мени... Шу десанг, Родя, менга Дмитрий Прокофьевич сенинг мақолангни келтириб берган эди, журналда босилганини, уни уч марта ўқиб чиқдим. Кўрган заҳотим оҳ, дедим, жинни бўлмай мен ўла қолай, ўғлим нималарни ўйлаб юрган экану мен нима ўйлабман, дейман, ҳамма сир-синоат мана шу ерда экан! Ўғлим бошида янги фикрларни пишириб юрган бўлса керак, мен бўлсам уни қийнаб бошини қотириб ўтирибман, дейман. Ёзганингни ўқидиму, кўзим, албатта: кўп жойларига тушунмадим, ўзи тўғриси ҳам шу, бундай нарсаларни тушунишга менга йўл бўлсин, дедим.

– Қани кўрсатинг-чи, ойижон.

Раскольников газетани олиб, ўзининг мақола-сига кўз югуртирди. Ўзининг аҳвол-руҳияси бир ҳолатда бўлишига қарамасдан у матбуотда ёзган нарсаси биринчи марта босилиб чиққан муаллифларга ўхшаб ғалати ва кўнгилни ўртаб юборадиган даражада ширин бир ҳисни бошидан кечирди, бунга унинг йигирма уч ёшга қадам қўйгани ҳам сабаб бўлган бўлса керак. Бу ҳол бир зумгина давом этди. Мақоланинг бир неча қаторини ўқиб, у қовоғини уйиб олди, юраги даҳшатли бир аламдан сиқилиб кетди. Кейинги ойлар ичра юрак-бағрини ўртаган нарсаларнинг ҳаммаси бирдан ёдига тушди. У мақолани нафратланиб, фижиниб ерга улоқтирди.

– Лекин десанг, Родя, мен майли, қанчалар тентак бўлмайин, аммо ҳар ҳолда бир нарсага ақлим етади, сен тезда бизнинг олимларимиз даврасида мабодо, энг пешқадам бўлмасанг, бироқ пешқадамлардан бири бўлажаксан. Тағин улар сени жиннига чиқариб ўтирганларини қара. Ха-ха-ха! Сенинг хабаринг йўқ ҳали, улар шундай деб ўйлаб юришган эди! Вой, бўйнинг чўзилгур чувалчанглар-ей, улар ақл деган нарса нималигини қаердан билсинлар! Сал бўлмаса, Дунечканг ҳам бунга лаққа ишонай деган эди-я, тавба қилдим! Марҳум отанг икки марта журналларга аввал шеърларини (менда унинг шеърлар ёзилган дафтари сақланиб қолган, бир кун келса кўрсатарман), кейин бир қисса ёзиб жўнатган эди (ундан ўзим кўчириб бераман, деб илтимос қилиб олган эдим), ўшанда қанийди энди қабул қилишса, иккимиз тоза Худога илтижо қилганмиз, лекин қабул қилишмаганди! Родя, мен олти-етти кун бурун сенинг кийим-кечагингга, туриш-турмушингга, ейиш-ичишингга, юришингга қараб эзилиб кетган эдим. Мана энди



ўша ерда ҳам ақлим қисқалик қилганлигини билиб турибман, сен истасанг, ҳаммасини бирдан қўлга киритгин, ҳаммасини ақл ва истеъдодинг билан эгаллаб олишинг мумкинлигини билдим. Фақат ҳозирча буни истамай турганга ўхшайсан, бундан кўра ғоятда муҳим бўлган бошқа ишлар билан банд бўлиб юрибсанми, дейман...

– Дуня уйда йўқми, ойижон?

– Йўқ, Родя. Уйда кўп ўтирмайдиган бўлиб қолди, бир ўзимни ёлғиз қолдириб чиқиб кетади. Дмитрий Прокофьевич бўлса, барака топсин ишқилиб, тез-тез келиб туради, мен билан гаплашиб ўтиради, нуқул сен ҳақингда гапиради. У сени яхши кўради ва ҳурмат қилади, азизим. Синглинг мени ҳурмат қилмайди, деб айтолмайман. Шикоят қиладиган ерим йўқ. Унинг ўзига яраша феъл-атвори бор, меники ҳам ўзимга яраша. У мендан бир нарсаларни яшириб юрадиган одат чиқарди. Менинг бўлса сизлардан яширадиган ҳеч қандай сир-асрорим йўқ. Албатта, мен Дунянинг жуда ҳам ақлли қиз эканлигига имоним комил, бундан ташқари у мени ҳам, сени ҳам яхши кўради... лекин бунинг охири нима бўлади, сира ҳам ақлим етмайди менинг. Келганинг жуда ҳам яхши бўлди, Родя, бошим осмонга етди, синглинг бўлса негадир ҳаяллаб қолди, ўйиндан қўли бўшамадимми келса, айтаман, аканг келди, сен қаерда юрган эдинг, деб. Родя, мени унчалар эркалатиб юборма, агар вақтинг бўлса кириб ўтарсан, бўлмаса, қўлимдан нима ҳам келарди, сабр қиламан. Жилла қурса, мени севишингни биламан-ку, шунинг ўзи менга катта давлат. Сенинг ёзган асарларингни ўқиб ўтираман, одамлардан сен ҳақингдаги гапларни эшитаман, кўргинг келиб қолса, балким ўзинг ҳам кириб келарсан, менга бундан ортиқ бахт борми?

Мана, кўнглимга таскин бергани ўз оёғинг билан кириб келдинг-ку, ахир, кўриб турибман-ку...

Сўнг Пульхерия Александровна йиғлаб юборди.

– Яна дийдиё! Мен жиннига эътибор берма! Оҳ, Худойим-ей, менинг ўтиришимни қаранг-чи, – деб қичқирди. У ўрнидан шахт билан қўзғаларкан, – қаҳва бор эди-я, нега энди сени меҳмон қилмай ялпайиб ўтирибман ўзим! Одам қаригандан кейин кўзига ўзидан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолар экан-да. Ҳозир, ҳозир!

– Ойижон, овора бўлманг, ҳозир кетаман. Мен бошқа нарсага келган эдим. Илтимос, гапимга қулоқ солинг!

Пульхерия Александровна ҳадиксираб, унинг олдига келди.

– Ойижон, қандай воқеа содир бўлмасин, мен ҳақимда нима демасинлар, мени ҳозир қандай яхши кўрсангиз, ўшанда ҳам шундай яхши кўрармикинсиз? – деб сўради азбаройи юраги тўлиб кетганидан айтаётган сўзларини ҳам ўйлаб, мулоҳаза қилмасдан.

– Родя, Родя, сенга нима бўлди? Бундай дейишга қандай тилинг борди? Ким нима дерди сен ҳақингда? Ким келмасин, мен бари бир ишонмайман унга, ундай одамга менинг эшикларим берк.

– Мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман, мана шуни сизга айтиб қўйгани келган эдим, мен мана ҳозир иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқлигидан ҳам хурсандман, ҳатто Дунечка ҳам йўқ, майли, шуниси ҳам тузук, – дея давом этди Раскольников ҳаяжон билан, – сизга шуни айтгани келдимки, мабодо сиз бахтсиз бўлган тақдирингизда ҳам, лекин имонингиз комил бўлсинки, ўғлингиз энди сизни жонидан ҳам ортиқ севади, мен ҳақимда нима ўйлаган бўлсангиз, мен кўзингизга раҳмсиз ва тошбағир бўлиб кўринган бўлсам, ҳамма-

си ёлгон. Сизнинг меҳрингиз доимо юрагимнинг турида бўлади, ойижон... Ана энди бўлди қилсак, назаримда, шундай қилганимиз ва шундан бошлаганимиз маъқулга ўхшайди...

Пульхерия Александровна ўғлини индамай кучоқлаб, уни бағрига босиб турар, унсизгина йиғларди.

– Сенга нима бўлди, Родя, билмай қолдим, – деди у ниҳоят, – келганимиздан бери сенинг жуда жонингга тегиб кетдикмикин, деб ўйлаб юрган эдим, лекин мана энди бошингга оғир иш тушай деб турганлигини ўз кўзим билан кўриб турибман, шундан ўзингни қаерга қўйишни билмай юрибсан. Анчадан бери юрагим нимагадир ғаш эди, Родя. Бу ҳақда сўз очганим учун мени кечир, лекин туну кун шуни ўйлайман, кечалари уйқум қочиб кетади. Кеча кечаси билан синглинг ҳам алаҳсираб чиқди, нуқул сени эслади. Алаҳсираганда бир нарсалар қулоғимга чалингандан бўлди-ю, лекин ҳеч вақони тушунмадим. Эрталабдан бери ўлгиси келган одамдай бўлиб юрдим, юрагимни ваҳима босаверди, кўнглим ғаш бўлаверди мана охири бундай гаплар бор экан! Родя, Родя, қаёққа кетяпсан? Бирон ёққа жўнаб кетяпсанми, дейман?

– Жўнаб кетяпман.

– Ўзим ҳам айтувдим-а! Агар керак бўлса мен ҳам сен билан бирга боришим мумкин. Дуня ҳам; у сени севади, у сени жуда ҳам севади, майли, Софья Семёновна ҳам бора қолсин, агар керак бўлса; жоним билан уни қизим деб атайман. Дмитрий Прокофьевич бирга йиғилишимизга ёрдам беради... Сен ўзи қаёққа... кетяпсан?

– Яхши қолинг, ойижон.

– Нима! Бугун кетасанми! – дея қичқирди у ўғлини худди бир умрга йўқотиб қўётгандай бўлиб.

– Қолишим мумкинмас, мен боришим керак, бормасам ҳеч иложи йўқ...

– Мен сен билан бирга борсам бўлмайдими?

– Йўқ, сиз тиз чўкиб, мен учун Худога ёлворинг. Валки сизнинг дуоингиз мушкулимни осон қилар.

– Кел, сени ўзим чўқинтириб қўяйин, Худо ёр бўлсин сенга! Мана шундай, мана шундай. Вой, Худойим-ей, ўзи нималар қилаётирмиз!

Ҳа, Раскольников жуда хурсанд эди: ҳеч ким йўқлигидан, ойиси билан ёлғиз ўзлари эканлигидан хурсанд эди. Шунча ваҳима-аросат кунлардан бери мана шу тобда унинг кўнгли бирдан ёришиб кетди. У ойисининг оёқларига йиқилди, ойисининг оёқларини ўпди, кейин икковлари қучоқлашиб йиғлашдилар. Ойиси ҳам энди ҳайрон бўлмас, сўраб-суриштиравермас эди. У неча замонлардан бери ўғлининг бошига ёмон бир савдо тушганлигини сезгандай бўлиб юрар, ҳозир унинг бошига оғир кулфат ёғилганини англади.

– Родя, болажоним, тўнғичим, – дерди у ҳўнграб йиғларкан, – ҳозир худди кичкина пайтларингга ўхшаб кетдинг, у пайтлар олдимга мана шундай қилиб келиб қучоқлаб олардинг, ўпардинг; отанг ҳали тирик чоғларида сен бизнинг овунчоғимиз, юрагимизнинг малҳами эдинг, отанг ўлгандан кейин эса сен билан неча марталаб унинг мозори тепасида ўтириб, мана шундай қучоқлашиб йиғлашардик. Эндиям йиғлаётган бўлсам, юрагим фалокатни сезиб йиғлаяпман. Мен сени ўшанда бу ерга биринчи марта келган кунимиз кечқурун, эсингдами, кўрдиму юрагим бир титраб кетди, бугун бўлса сенга эшикни очиб, юзингга кўзим тушди-ю тамом дедим, бу ёғини энди қисматдан кўрарканмиз, дедим. Родя, Родя, сен ҳозир кетмассан, ахир?

– Йўқ.

– Сен яна келасанми?

– Ҳа... келаман.

– Родя, жаҳлинг чиқмасин, сўрагани ҳам тилим бормай турибди. Тилим бормай турибди, сўрашга ботинмаяпман, лекин бир оғиз айт, қаерга кетяпсан?

– Жуда узоқларга кетяпман.

– Нима, хизмат билан кетяпсанми, нимага ўзи?

– Худонинг буюргани бўлади... дуо қилингиз, – Раскольников эшикка қараб юрди, лекин ойиси унга маҳкам ёпишиб, унинг кўзларига қаттиқ изтироб билан термилди. Унинг чеҳраси даҳшатдан ўзгариб кетганди.

– Бўлди, бас, ойижон, – деди Раскольников энди келганидан жуда қаттиқ пушаймон бўлиб.

– Бутунлай кетяпсанми? Бутунлай кетмаяпсан, а? Сен яна келасан, а, эртага келасан-а?

– Келаман, келаман, хайр энди.

Ниҳоят у ойисининг қўлидан юлқиниб чиқиб кетди.

Тиниқ, илиқ, сарин оқшом эди, эрталабдан ҳаво шундай очиқ, ёқимли эди. Раскольников ўзининг ҳужрасига қараб борарди, у бирмунча шошмоқда эди. У ҳамма ишларини қуёш ботгунча бартараф қилиб қўймоқчи эди. Унгача ҳеч кимга дуч келиб қолишни истамасди. У ҳужрасига кўтариларкан, Настасья самовардан бошини кўтариб ўзига диққат билан разм солиб қараганини ва ундан кўзларини узмай кузатиб турганини пайқади. «Биров келганга ўхшайди», – деб ўйлади у. Шунда кўз ўнгига Порфирий келиб, нафрати қўзиб кетди. Лекин ҳужрасининг эшигини очиб, унинг кўзи Дунечкага тушди, Дунечка биргина ўзи чуқур ўйга ботган ҳолда ўтирар; афтидан, уни жуда узоқ вақтдан бери интизорлик билан кутарди. Раскольников остонада туриб қолди. Сингиси қўрқиб кетиб дивандан кўзгалди ва унинг қаршисида тик турди. Унинг акасига тикилган кўзларида даҳшат

ва поёнсиз мусибат акс этиб турарди. Синглисига кўзи тушиши биланоқ унга ҳаммаси маълум эканлигини тушунди.

– Қани, нима қилай ўзи, кирайми ёки кетаврайми? – деб сўради у синглисидан ишонқирамаган ҳолда.

– Мен куни билан Софья Семёновнанинг олдида эдим, биз сизни кутиб ўтирдик. Албатта, у ерга кириб ўтасиз, деб ўйлагандик.

Раскольников ҳужрага кириб, беҳолланиб ўзини курсига ташлади.

– Жуда толиқиб қолдим, Дуня, жуда ҳам чарчадим, мен бўлсам, жуда бўлмаганда мана шу дақиқаларда эс-ҳушим ўзимда бўлишини жуда истардим.

У синглисига ишонқирамай кўз ташлади.

– Кечаси билан қаерда эдингиз?

– Яхши эсимда йўқ, биласанми, синглим, мен биратўла жонимдан кечиб қўя қолайин деб, анча маҳалгача Нева бўйларини айланиб юрдим, эсимда қолган нарса ҳам шу. Мен бир ёқлик қилиб қўяй деб эдим, лекин... юрагим дов бермади... – дея пичирлади у яна Дуняга шубҳаланиб қараб.

– Худога шукр! Биз худди шундан қўрққан эдик, мен ҳам, Софья Семёновна ҳам! Демак, сиз ҳали ҳаётга ишонар экансиз; Худога шукр, Худога шукр!

Раскольников аламли кулди.

– Мен ишонмайман, лекин мен ҳозир ойим билан кучоқлашиб бирга йиғлашиб олдик, мен ишонмайман, у кишидан бўлса мени дуо қилишларини, мен учун Худога ёлворишларини ўтиндим. Бунинг қандай бўлишини бир Худонинг ўзи билади, Дунечка, мен бу нарсани сира ҳам тушунмайман.

– Сиз ойимнинг олдиларига бордингизми? Сиз ўзингиз у кишига айтиб бердингизми? – даҳшатга

тушиб хитоб қилди Дуня. – Бунга қандай журъат қилдингиз?

– Йўқ, айтмадим... Сўз билан ифодалаб бермадим, лекин у киши анча тушунгандай бўдилар. Ойим кечаси сенинг алаҳсираганингни эшитган эканлар. Ойим нима бўлганлигини билиб олганга ўхшайдилар. Кирганим, балки яхши бўлмагандир. Ўзим ҳам билмайман, нега кирганимни. Мен пасткаш одамман, Дуня.

– Пасткаш одам бўлсангиз, бўйнингизга шунча алам-азиятни олиб ўтирармидингиз! Ахир, бўйнингизга олмоқчисиз-ку, тўғрими?

– Ҳозир кетяпман ўша ерга. Мен шундай шармисорликдан қутулиш учун ўзимни сувга ташламоқчийдим, Дуня, лекин сув тепасида туриб агар ўзимни шу дамгача кучли деб билган бўлсам, унда эндиликда ҳам шармисорликдан қўрқмаслигим керак, деб ўйладим, – деди у синглисига гапини олдиндан айтиб қўйиб. – Бу номусданми, Дуня?

– Номусдан, Родя.

– Раскольниковнинг ўти ўчган кўзларида йилт этиб, учқун чақнагандай бўлди, худди у ўзининг номусини йўқотмаганлигидан ифтихорга тўлгандай эди.

– Балки мен сувдан қўрқиб кетгандирман, шундай эмасми, синглим? – деб сўради у ёмон тиржайганча синглисининг юзига тикилиб.

– О, ака, бас қилинг! – аччиқ алам билан деди Дуня.

Икки дақиқача жимлик чўқди. Раскольников бошини эгиб олганча ерга термилиб ўтирарди. Дунечка столнинг нариги томонида акасига изтироб ичида қараб турарди. Бирдан акаси ўрнидан турди:

– Кеч бўлиб қолди, бориш керак. Мен ҳозир бориб ҳаммасини бўйнимга оламан. Лекин нега бўйнимга олаётганлигимни ўзим билмайман.

Дунянинг юзидан милдираб ёш оқиб тушди.

– Синглим, сен кўз ёши қиялпсану, лекин менга кўлингни беролармикинсан?

– Нима, кўлини узатмайди, деб ўйлаганмидингиз?

Дуня акасини маҳкам қучоқлаб олди.

– Сиз шунчалар азоб-уқубатни ўз бўйингизга олган экансиз, бу қилган гуноҳингизнинг ярмини ювиб кетмайдими, ахир? – деб қичқирди Дуня акасини бағрига босиб ўпаркан.

– Гуноҳ? Қандай гуноҳ? – дея қичқириб юборди бирдан алақандай қутуриб кетган Раскольников, – мен ифлос, одамнинг қонини сўрадиган битни, ҳеч кимга кераги бўлмаган ўша судхўр кампирни ўлдирган бўлсам, бунақанги камбағалнинг қонини сўрадиган одамни ўлдирганнинг қирқта гуноҳи бўлса, ҳаммаси тўкилади, бунинг нимаси жиноят экан? Мен буни жиноят деб ўйламайман ва бу гуноҳ экан, деб ювишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Нега менга тўрт тарафдан туриб: «жиноят, жиноят!» деб қўлларини ниқталайверадилар. Мана энди юраксизлик қилиб қанчалар бемаъниликка йўл қўйганлигимни билиб турибман, нега ҳам шармисорликни бўйнимга олиб, у ерга бормоқчи бўлдим, ҳеч кераги йўқ эди бунинг! Пасткашлигимдан, уқувсизлигимдан шундай қилиб ўтирибман, яна анави... Порфирий айтганча енгилроқ бўладими, дегандирман...

– Ака, ака, нега ундай деяпсиз! Сиз ахир одамнинг жонига зомин бўлдингиз-ку! – деб қичқирди титраб-қақшаган Дуня.

– Қон тўкишга келганда, ҳамма ҳам тўкади, – деб унинг гапини оғзидан кўпик сочгудай бўлиб илиб кетди Раскольников, – бу ёруғ оламда одамнинг қони худди шаршарадай оқиб ётибди, уни доимо бамисоли шампан тўккан каби тўкиб ташламоқда-



лар, шундай қилганларни Капитолийда бошига тож кийдирмоқдалар ва уларни кейин инсоният халоскори, деб атайдилар. Кўзингни сал каттароқ очиб қарасанг, ўзинг кўрасан буларни! Мен ўзим одамзодга яхшилик қилмоқчийдим, мана шу ёлғиз биттагина аҳмоқчилик эвазига, буни аҳмоқчилик, деб ҳам бўлмайди, балки бемазагарчилик деса бўлар, мана шу бемазагарчиликнинг эвазига мен юзлаб, минглаб хайрли ишларни амалга оширган бўлар эдим, шунинг учун ҳам ҳозир бу фикр бе-маъни бўлиб кўринса ҳам, лекин аслида у қадар ёмон фикр эмасди, омад келмагандан кейин фикринг ҳам заифроқ бўлиб кўринади... (Омад келмагандан кейин ҳамма нарса бемаъни бўлиб кўринади!) Мен мана шундай аҳмоқчиликнинг эвазига мустақил мавқега эришмоқчи, биринчи қадам ташламоқчи, маблағ орттирмоқчи эдим, кейин буларнинг ҳаммаси жуда зўр, катта фойдали ишлар қаршисида ҳеч нарса бўлмай қоларди, билинмай ҳам кетарди... Лекин мен, мен ишнинг бошиданоқ расво қилиб қўйдим, қурбим етмади, сабрим чидамади, нега десанг, мен разил одамман! Ҳамма гап мана шунда! Бари бир мен ўз фикримда қоламан, бунга сизларга ўхшаб қаролмайман: агар ишни эплаб кетганимда эди, менга қойил қолган бўлардилар, лекин боппай олмаган эканман, энди бутунлай қопқонга тушдим!

– Лекин ундай эмас, сира ҳам ундай эмас! Ака, сиз ўзингиз нималар деяпсиз?

– А! яхшимасми, унчалар одамнинг дидига ўтиришмайдиган ишми! Унда мен сира ҳам тушунолмайман, нега унда одамларнинг устиларига тўғридан-тўғри келиб бомбалар ёғдириш мумкин, нима, бомбардимон қилиш салмоқли ишми? Бошқалар нима деркин, деб ўтириш ожизликнинг энг биринчи белгисидир!.. Мен буни ҳеч қачон ҳозиргидай

аниқ-равшан тушунган эмасдим, шундай бўлгандан кейин мен қандай жиноят қилган эканман, сира билолмай қолдим! Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон ўзимни бунчалар кучли сезмагандим, ўзимни бунчалар ҳақдиман, деб ишонмагандим!..

Ҳатто унинг ҳорғин, заҳил юзига қон югурди. Лекин сўнги сўзларни айтarkan, унинг кўзлари Дунянинг кўзлари билан тўқнашди, сингисининг ўзига бу қадар ачиниб, ичи куйиб қараб турганлигини кўриб, беихтиёр ҳуши ўзига келди. У нима бўлганда ҳам ойиси билан сингисини бахтсиз қилиб қўйганлигини англади. У зомин бўлди...

– Дуня, жоним! Мен гуноҳкор бўлсам, кечир мени (агар гуноҳкор бўлсам, унда мени кечириб бўлмаслигини биламан). Хайр энди! Бўлди баҳслашмай-миз! Вақт бўлиб қолди, вақт зиқ. Сендан ялиниб сўрайман, орқамдан борма, мен яна бир жойга кириб... Сен ҳаялламай ойимнинг олдиларига етиб бор. Сендан ёлвориб сўрайман! Сендан охирги, энг катта ўтинчим шу. Ҳар доим унинг олдида бўл, бир қадам ҳам нари жилма. Мен у кишини жуда ёмон ташвишга қўйдим, билмадим, буни кўтара олармикинлар: у киши ё жон таслим қилади, ё ақдан озиб қолади. Ойимнинг ёнларида бўл! Разумихин сизлар билан бирга бўлади; мен унга айтганман... Менга куюниб йиғлама: мен гарчи қотил бўлсам-да, лекин умрим бўйи мард ва ҳалол бўлишга ҳаракат қиламан. Бир кунмас бир кун, балки менинг номимни эшитиб ҳам қоларсан. Ҳали ўзинг кўрарсан, сизларнинг юзларингизни шувут қилмайман, ҳали кўрамиз нима бўлишини... Энди ҳозирча, яхши қол, – деди у шоша-пиша ўзининг охирги сўзларини эшитганда яна Дунянинг кўзларида ғалати бир ифода акс этиб кетганлигини сезиб. – Нега бундай йиғлайсан? Йиғлама, йиғлама,

бир умрга хайрлашаётганимиз йўқ-ку!.. Ҳа, айтганча! Шошма, эсимдан чиқибди!..

Раскольников стол олдига келиб устини чанг босган каттакон китобни олиб очди ва унинг ичидан фил суюғига акварель билан ишланган кичкинагина портретни олди. Бу ўша уй бекасининг тарки дунё қилмоқчи бўлиб юрган, бирмунча вала-тироқ қизининг сурати бўлиб, бир маҳаллар Раскольников шу қизга уйланмоқчи бўлган, лекин қиз иситма-безгакка йўлиқиб ўлиб кетганди. У бир дам қизнинг кўҳлик ва касалманд чеҳрасига термилиб турди-да, сўнг суратни ўпиб, уни Дунияга узатди.

– Мана шу қиз билан ҳалиги иш ҳақида ҳам кўп маротаба гаплашганимиз, бу гаплардан ёлғиз угина хабардор эди, – деди Раскольников ўйчан, – мен унинг қалбига кўп нарсаларни қуйгандим, кейинчалик унга айтган кўп гапларим расво бўлиб юзага чиқди. Сен хавотир олма, – деди у Дунияга, – у ҳам худди сенга ўхшаб бу ишга рози бўлмаганди, шунинг учун унинг оламдан ўтганига ҳам бир жиҳатдан хурсандман. Энг асосий, энг асосий нарса шундан иборатки, энди барчаси янгидан бошланади, – қичқириб юборди у бирдан яна ўз қайғусига қайтиб, – ҳаммаси, ҳаммаси, лекин мен ўзим шундай бўлишига тайёрманми, йўқми? Мен ўзим шуни истайманми, йўқми? Булар менинг бошимга тушган синовлар эмиш! Нимага, нимага керак бундай бемаъни синовлар? Нима зарурати бор бу синовларнинг, йигирма йил каторгада юргандан сўнг азоб-уқубатларнинг юкидан мажақланган, телба бўлиб қолган, куч-қувватдан айрилган бир чоғда буларни мен ҳозиргига қараганда яхшироқ тушунармикинман, ундай бўладиган бўлса, менинг яшашимдан қандай маъно бор? О, мен бутун Нева тепасида билган эдим ўзимнинг аблаҳ эканлигимни!

Ниҳоят, ака-сингил ташқарига чикдилар. Ду-  
няга офир бўлди, лекин у акасини севарди! Ду-  
ня элик қадамлар нарига боргандан кейин акаси-  
ни яна бир кўриш учун орқасига ўтирилиб қара-  
ди. Акасининг қораси ҳали кўздан ўчмаганди.  
Акаси ҳам кўча бурчагига бориб орқасига ўти-  
рилди; ака-сингилнинг нигоҳлари сўнгги маро-  
таба тўқнашди; аммо сингилсининг ўзига қараб  
турганлигини кўриб, у сабрсизлик ва тажанглик  
билан кетавер дегандай унга қўл силтади ва ўзи  
шахт билан орқасига бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

«Жуда тажанглигим қистаб турибди, ўзим ҳам  
биламан, – деб ўйларди у пича юриб боргандан  
сўнг Дуняга асабий қўл силтаганидан юраги сиқи-  
либ. – Лекин нега ўзлари мен каби арзимаган бир  
одамни бунчалар яхши кўрадилар! О, қанийди  
энди мен ёлғиз ўзим бўлсам, мени ҳеч кимса яхши  
кўрмаса, мен ҳам ҳеч кимни яхши кўрмаганимда  
эди! Манови ишлар ҳам бўлмаган бўларди! Қизиқ,  
наҳотки, эндиги ўн беш-йигирма йил ичида  
ҳамма нарсага кўникиб кетсам, одамлар олдида  
ғингшиб, бўлар-бўлмасга ўзимни қароқчиман, деб  
айтаверадиган бўлиб қолсам? Ҳа, худди шундай,  
худди шундай! Мени мана шунинг учун ҳам ба-  
дарға қилиб юборишмоқда, уларга худди мана шу  
нарса керак... Қаранг, кўчани тўлдириб у ёқдан-бу  
ёққа ўрмалашиб юришибди ҳаммалари, ваҳолан-  
ки, уларнинг ҳар бири табиатан аблаҳ ва қароқ-  
чи-ку; ундан ҳам баттар – ҳаммаси жинни бўлиб  
қолган! Қани, мени сургун қилмай кўрсинлар-чи,  
уларнинг ҳар бири ғазабга келиб, бу адолатсизлик  
деб қутуриб кетади! О, ҳаммасини ҳам кўргани кў-  
зим йўқ!»

У яна шу ҳақда жуда чуқур ўйга толди: «Қандай  
қилиб буларнинг олдида индамай-нетмай таслим  
бўлиб, тиз чўкиб, ақидаларидан воз кечиб ўтирар-

кин, ахир, бу нарса қандай қилиб, қай тарзда рўй бераркин! Нима бўлибди, нимага энди шундай бўлмаслиги керак экан? Ҳеч шубҳасиз, худди мана шундай бўлиши ҳам керак. Йигирма йил зулм-зулматнинг абгорлигини тортгандан сўнг яна қандай бошқача бўлсин? Тамом қилмайдими бу? Томчи тошни тешибди. Энди яшашнинг нима, нима кераги бор шундан кейин, ўзимни билиб турибман-ку, бу ёғи энди ҳаммаси худди китобда ёзилгандай рўй беради, нега бўлмаса, яна билиб туриб бораётирман!»

У кеча оқшомдан бери шу саволни, балки юз карра такрорлаган, лекин шунга қарамасдан бормоқда эди.

## VIII

У Сонянинг ҳузурига кириб борганда қош қорайиб қолганди. Соня куни билан уни ўтакаси ёрилиб кутиб ўтирди. Уни Дуня икковлари бирга кутишди. Дуня Свидригайловдан «Соня ҳам бундан хабардор» эканлигини эшитгандан сўнг эрталаб ўрнидан турибоқ бу ерга келган эди. Улар ўртасида бўлиб ўтган гапларнинг тафсилотини, кўз ёши қилиб йиғлашганларини, бир-бирлари билан яқиндан топишиб қолганликларини бу ерда айтиб ўтирмаймиз. Ҳар ҳолда Соня билан кўришгандан сўнг Дунянинг бир нарсадан кўнгли таскин топди, акам ёлғиз қолмас экан, деган фикрга келди. Акаси Сонянинг олдига биринчи бўлиб ўз дардини тўккани келибди; акасига одам зарур бўлиб қолган чоғда уни одам деб келибди; яна Соня акасининг пешонасига нима ёзилган бўлса, шуни баҳам кўрмоқчи. Дуня ундан бу нарсаларни сўраб ўтирмади, лекин у худди мана шундай бўлажагини биларди. У ҳатто Соняга алақандай ҳавас, эҳтиром

кўзи билан боқар, бундан Соня ўзини кўярга жой тополмас, қисинарди. Соня уялиб, ҳатто йиғлаб юборай ҳам дерди: у, аксинча, ўзини Дуняга бош кўтариб қарашга арзимайдиган бир одам деб биларди. Улар Раскольниковнинг ҳужрасида биринчи марта кўришган пайтларида Дунянинг уни иззат-икром билан қаршилагани, ҳурматини ўрнига қўйиб, таъзим қилиб хайрлашганини эсласа, юраги алақандай килкиллаб кетар, ўша пайтдаги Дунянинг гўзал қиёфаси илалабад эсдан чиқмайдиган бўлиб унинг хаёлида муҳрланиб қолган, у кўрган-билган нарсалар ичида энг гўзали, энг мисласизи ҳам ўзи шу эди.

Дунечка кутиб ўтириб-ўтириб, охири сабри чидамай Соняни қолдириб, акасининг ҳужрасига қараб кетди. Назарида акаси у ерга тезроқ кириб ўтадигандай бўлиб туйилаверди. Бир ўзи қолгандан сўнг Соняни ваҳима боса бошлади, у нуқул Раскольников ростдан ҳам ўзини ўзи ўлдириб кўяди, деб ваҳима қиларди. Дуня ҳам худди мана шундан кўрқмоқда эди. Лекин икковлари ҳам куни бўйи бир-бирларини йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, дея овутиб, бир-бирларига далда бериб ўтирган эдилар ва бирга ўтирган чоғларида бундан анча кўнгиллари тўқ бўлган эди. Мана энди ёлғиз ўзлари қолишлари биланоқ ҳар икковларининг ҳам хаёлидан шу нарса нари кетмай қолди. Соня кеча Свидригайловнинг Раскольниковга икки йўл қолди, ё Владимирка йўли, ёки... деб айтган сўзларини эсларди. Бунинг устига Соня Раскольниковнинг манманлиги, шуҳратпарастлиги, калондимоғлиги ва шаккоклигини ҳам биларди. «Наҳотки, фақат кўрқоқликдан, ўлимдан кўрққанидангина яшашга мажбур бўлса?» – деб ўйлади у ниҳоят умидсизлик билан. Офтоб ботиб бормоқда эди. Қиз дераза олдида туриб, диққат билан ойнага тикиларди, ле-

кин бу деразадан фақат қўшни бинонинг оқланмаган гиштин деворигина кўринарди. Ниҳоят, қиз шўрлик Раскольников ўзини энди ўлдириб қўйди, деб тамоман тақдирга тан берганда, унинг хонасига бирдан Раскольников кириб келди.

Қизнинг кўксидан шодиёна нидо отилиб чиқди. Лекин Раскольниковнинг юзига диққат билан тикилгач, бирдан ранги қув ўчиб кетди.

– Топдинг! – деди тиржайиб Раскольников, – мен сендан оқ фотиҳа олгани келдим, Соня. Сен ўзинг мени чорраҳага чиққин деб юборган эдинг, нима, ишни амалга оширишга келганда қўрқиб кетдингми!

Соня унга ҳанг-манг бўлиб тикилиб қолганди. Раскольниковнинг гап оҳанги унга жуда галати бўлиб туйилди, лекин бир зумдан сўнг кўнгли ўрнига тушди, Раскольников жўрттага шундай деётганлигини, атайдан гапига шундай оҳанг бераётганлигини фаҳмлаб қолди. Раскольниковнинг ўзи ҳам гапларини қизга қараб эмас, худди унинг юзига қарашдан қочгандай четга, бурчакка боқиб гапирмоқда эди.

– Биласанми, Соня, мен агар шундай қилсам, ўзимга фойдаси тегишини тушундим. Шароит мени мажбур қилиб.... майли, буни гапираман, дейилса гап чўзилади. Бунинг устига гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биласанми нега жоним чиқаётганлигини? Ҳозир шу десанг, ҳайвонга ўхшаганлар атрофимни ўраб олишиб, кўзларини ола-кула безрайиб тикилиб туриш-ла томоша қилишлари, ахмоқона саволлар беришлари ва буларга ўзимнинг жавоб беришим кераклигини ўйласам, юрагим орқага тортиб, ўзимдан-ўзим ғижиниб кетаётирман, улар мени қўллари билан нуқиб кўрсатадилар... Туф-ей! Биласанми мен Порфирийнинг олдига бормайман, у жонимга тегиб кетди. Мен яхшиси ўзим-

нинг эски танишим, эски танишим Порохнинг ол-дига бора қоламан, бир оғзи очилиб қолсин, етти ухлаб тушига кирмаган нарса бўлсин унга. Лекин ўзимни сал босиб олсам яхши бўларди-да, кейинги пайтларда жуда ҳам тажанг, арзимаган нарсага қоним қайнайдиган бўлиб қолди. Ишонасанми, ҳозир синглим орқасига қарагани учун унга мушт кўтариб, ўдағайлашгача бордим-да, хулласи. Жуда ҳам чўчқа бўлиб кетибман! Эҳ, не аҳволга тушдим ўзи? Хўп, қани ўша сен айтган бутлар?

У ўзини йўқотиб қўйганга ўхшарди. Бир зум бир ерда муқим тўхтаб туролмас, диққатини бир нарсага жалб қилолмасди. Унинг хаёли тўзғиб кетганди, оғзидан чиққан сўзини билмасди. Қўллари қалтираб турарди.

Соня индамай, қутидан иккита бут олди. Уларнинг бири сарвдан эди, иккинчиси мисдан ишланганди. У ўзи чўқиниб олди, сўнг уни чўқинтирди, кейин Раскольниковнинг бўйнига сарв бутни осиб қўйди.

– Бу демак, бўйнимга олганимнинг рамзи бўлса керак-да, ҳе-ҳе! Худди ҳозиргина чеккан азобим етмагандай! Сарв бут – одми қора халқ тақадиган бут; мис бут, – Лизаветтаники, уни ўзинг тақасан, қани кўрсат-чи? Ўша пайтда... Унинг бўйнига шу осифлиқ экан-да? Шунга ўхшаган кумуш бут билан санамни кўрганман. Ўшанда уларни кампирнинг кўксига ташлаб келган эдим. Ана ўшалар бўлгандайди ҳозир, жуда кетворарди-да, лекин ўшаларни бўйнимга оссам тузук эди... Дарвоқе, нуқул бўлмаган ёлғон гапларни сўзлаб ўтирибман, қилинадиган иш ёдимдан кўтарилибди; қандайдир паришон бўлиб қолибман! Менга қара, Соня, келганимнинг боиси сени хабардор қилиб қўйиш эди, сен билгин дедим... Ана вассалом... Мен ёлғиз мана шунга келган эдим. (Ҳм, назаримда гапира-



диган сўзим кўпдай эди-я.) Ахир сен ўзинг бўйнин-  
гга ол, деб айтдинг, ана энди зиндонда ўтираман,  
сенинг тилагинг рўёбга чиқадиган бўлди, нега  
йиғлайсан? Сен ҳамми? Бўлди бас қил; оҳ, юрагим  
адо бўлди-е!

Чиндан ҳам унинг юрагида бир ҳис уйғонди.  
Қизга қараб туриб, жони ачишди. «Бунга нима  
бунга нима? – ўйларди у ўзича, – унга ким бўлиб-  
ман ўзи? Нега кўз ёши қилиб турибди, нега мени  
худди ойим билан Дуняга ўхшаб кузатиб қўяётир?  
Бу менга энага бўлади!»

– Бир марта чўқиниб ол, бир мартагина дуо ўқи,  
– кўрқа-писа қалтираб сўради Соня.

– О, марҳамат, буни истаганингча қилишим  
мумкин! Чин юракдан, Соня, чин юракдан!..

Лекин у бошқа бир гапни айтмоқчи эди.

Раскольников бир неча маротаба чўқиниб олди.  
Соня рўмолини олиб бошига ташлади. Бу ўша Мар-  
меладов эслаб ўтган, «ота-бободан қолган» мовут  
рўмол бўлса ажабмасди. Раскольниковнинг боши-  
дан шундай фикр ўтди-ю, лекин буни сўраб ўтир-  
мади. Ҳақиқатан ҳам у ўзининг ҳаддан ташқари  
паришон бўлиб қолганлигини ва юраги алақан-  
дай тўкилиб, алғов-далғов бўлаётганлигини сезиб  
турарди. У бундан кўрқиб кетди. Сонянинг ҳам  
ўзи билан бирга бормоқчи бўлаётганлигини кўриб,  
у бирдан ҳайратга тушди. – Нима қилмоқчисан!  
Қаёққа отланияпсан? Борма, борма! Мен бир ўзим,  
– деб қичқирди у алам билан хўрлиги келиб. Сўнг  
ғазаб билан эшикка юрдн. – Менга бунақа асасаю  
дабдабанинг кераги йўқ! – дея тўнғиллади у чиқиб  
кета туриб.

Соня хонанинг ўртасида серрайиб туриб қолди.  
Раскольников қиз билан, ҳатто хайрлашгани ҳам  
йўқ, қиз бутунлай хаёлидан кўтарилиб кетганди,

унинг юрагида аламли ва аччиқ бир иштибоҳ гала-ён қилмоқда эди.

«Шундаймикин, а, шундаймикин ўзи, а? – деб ўйлади у яна зинадан тушиб кета туриб, – наҳотки энди орқага қайтиб бўлмаса, ҳаммасини тўғрилаб бўлмаса... бормасликнинг сира иложи йўқмикин?»

Лекин у бари бир кетиб бормоқда эди. У бирдан фишт бутунлай энди қолипдан кўчганлигини, иккиланиб ўтиришдан маъно қолмаганлигини сизди. Раскольников кўчага чиқиб, Соня билан хайрлашмаганлигини эслади, ўзи бақириб бергандан кейин Соня бошига кўк рўмолини ташлаганча хонанинг ўртасида мажолсиз сурат бўлиб қолганди. Шу он бир фикр унинг хаёлидан ярқ этиб ўтди ва уни бутунлай ҳангу манг қилиб қўйди.

«Нега, нима учун мен унинг олдига келдим ўзи? Мен унга: олдинга иш билан келдим, деб айтдим, лекин бу ўзи қандай иш эди? Аслида ҳеч қандай иш йўқ эди! Кетяпман, деб қўйиш учун боргандирман; кетсанг нима бўлибди? Шунга шунча зарурат бормиди! Уни яхши кўрармикинман? Йўғей, ундай бўлмаса керак? Ахир, ҳозир уни итни ҳайдагандай қувиб юбордим-ку. Ёки ростдан ҳам бўйнимга бут осиб қўйсин, дедимми? О, бунчалар юзтубан йиқилмасам мен. Йўқ, менга унинг кўз ёшлари керак эди, унинг ўтакаси ёрилиб туришларини кўришим керак эди, унинг қанчалар қийналиб азоб чекаётганларини томоша қилишим керак эди! У менинг сўнгги илинжим эди, яна бир марта ёпишиб кўрай-чи, дегандирман, одамнинг қандай аҳволга тушажагини кўргим келгандир! Яна мен ўзимга шунчалар ишониб, шунчалар орзу-хаёллар қилиб юрган эканманми, мен кўтир қашшоқ, мен арзимас одам, мен аблаҳ, аблаҳ эканман!»

У канал ёқалаб кетиб борар, борадиган жойига етай деб қолган ҳам эди. Лекин кўприкка етиб

боргач, у қадамини тўхтатди, кейин кутилмаганда кўприкдан ўтиб, Сенная томонга қараб йўл олди.

У ён-верига худди бир нарчасини йўқотиб, қўйган одамдай аланг-жалаңг кўз югуртирар, кўзи тўқнашган нарсаларга жуда диққат билан разм солиб қарар, лекин хаёлини бир нуқтага йиғиштириб ололмасди, ҳаммаси хаёлидан сирғалиб тўкилиб борарди. «Мана бир ҳафта, бир ойдан сўнг мени мана шу кўприкдан қамоқхонанинг каретасида олиб ўтишади, ўшанда мен бу каналга қай кўз билан қараркинман, шуни эслаб қолсам бўларди, а? – хаёлидан ўтди унинг. – Манови ёзув, ўшанда мана шу ҳарфларни қандай ўқиркинман? Мана бу ерга: «Шеркат», деб ёзилибди, мана шу е ҳарфини эслаб қолсам эди, е ҳарфи, унга, яъни мана шу е ҳарфига бир ойдан кейин қарасанг, ўшанда қандай кўринаркин у сенга? Ўшанда сенга қандай туйиларкин, нималарни ўйларкинсан?.. Ё Раббано, булар жуда пасткаш одамнинг... ташвишлари бўлса керак! Албатта, буларнинг ҳаммаси ўзига яраша... қизиқ гаплар бўлса керак... (Ха-ха-ха, ўйлаётган нарсамни қаранг!) Мен ёш бола бўлиб қолибман, мен ўзимга ўзим олифтагарчилик қилаётирман; нега бўлмаса ўзимни-ўзим бунчалар шамгин қилаётирман? Уф, бунча турткилашмаса булар! Манови семириб кетган немисни қаранг, мени туртиб ўтган шу бўлса керак, қани, у кимни туртиб ўтганлигини билармикин? Анави хотин боласи билан тиланчилик қиляпти, қизиги шундаки, у мени ўзидан кўра бахтлироқ деб билади. Нима бўпти, кўнги хушига садақа қилсак қилибмиз-да. Э-ҳа, беш тийин бор экан-ку киссамда, қаердан келиб қолди бу? Ма, ма... ол, онахон!»

– Худо сени ўз паноҳида асрасин! – деди йиғлам-сираган овоз билан тиланчи хотин.

У Сенная кўчасига етди. У одамлар билан тўқнашишни сира, сира истамас, лекин шунга қарамасдан яна худди одам кўп бўладиган жойга қараб кетмоқда эди. У ёлғиз қолиш учун дунёда нима бўлса барини беришга тайёр эди, лекин бир лаҳза ҳам ёлғиз қололмаслигини ҳозир яхши ҳис қилиб турарди. Одамлар ўртасида бир бадмаст беўхшов қилиқлар қилмоқда эди: у ҳадеб ўйинга тушмоқчи бўлар, лекин нуқул қийшанглаб четга чиқиб кетарди. Одамлар уни ўраб олишганди. Раскольников издиҳом орасини ёриб ўтиб, бирпас маст кишини томоша қилиб турди, кейин бирдан қаҳқаҳлаб кулиб юборди. Сал ўтмай у мастни унутди, гарчи кўзи унда бўлса ҳам, лекин уни кўрмасди. Ниҳоят, у ўзининг қаерда турганлигини ҳам унутиб нари кетди; лекин у майдон ўртасига борганда алланимадир рўй берди, шу алланима уни бутунлай ўзига қамраб олди, хаёли ҳам, шуури ҳам шу нарса билан банд бўлиб қолди.

У бирдан Сонянинг сўзларини эслаб қолганди: «Чорраҳага чиқ: халққа таъзим қил, сени кўтариб турган ерни ўп, чунки сен унинг олдида ҳам гуноҳкорсан, кейин чор атрофга қараб овозингни чиқариб: «Мен қотилман!» деб айт». Шу сўзларни эслаб, у қалтираб кетди. Бусиз ҳам уни шу пайтгача чорасиз қайғу-алам, бесаранжомлик, айниқса, кейинги соатлар ичида ўртаб адо қилган, эзиб ташлаган эдики, у ҳали бус-бутун шундай бир имконият ҳам борлигидан тўлқинланиб кетди. Бу нарса унинг бутун вужудига тутқаноқ янглиғ кириб келди, дилига худди учқун тушгандай бўлди ва бирдан аланга олиб, жисмини қамраб олди. У бирдан дув тўкилиб тушди, кўз ёшлари дарё бўлиб оқди. Ўзини ерга ташлади...

У майдон ўртасида тиз чўкди, ерга манглайини қўйиб, таъзим қилди ва шу ифлос ерни роҳат

қилиб, бахтиёр бўлиб ўпди. У ўрнидан туриб яна бир бор таъзим қилди.

– Оббо занғар, роса ичибди-ку! – деди унинг ёнида турган бир йигит.

Кулги эшитилди.

– Биродарлар, у Қуддуси Шарифга кетяпти болаларини олиб, шунинг учун ватани билан видолашяпти, пойтахт шаҳар Санкт-Петербургни тупроғини кўзларига суртиб, тили билан ялаб оляпти, – деб гапга қўшилди алақандай маст бир киши.

– Бола ҳали ёш, – деб қўшиб қўйди учинчиси.

– Оқсуяклардан шекилли! – деди бошқа биттаси салмоқланиб.

– Ҳозир уларнинг фарқига етиш ҳам қийин, қайсиниси оқсуяк, қайсиниси кўксуяк, билмайсан.

Шуларнинг ҳаммаси Раскольниковнинг шаштини қайтариб қўйди, «мен одам ўлдирганман» деган сўз ҳам бўғзида қолди. Бироқ у бу мазах-қичқириқларга индамай чидади ва атрофга алангласдан тор кўчадан тўғри идора томонга қараб йўл олди. Йўлда кўзларига бир нарса чалингандай бўлди, лекин у бунга ажабланиб ўтирмади: назарида бу ўзи шундай бўлиши керакдай эди. У Сеннаяда туриб, ерга иккинчи марта эгилиб таъзим қилганида, чап ёғига назар ташлаб, ўзидан элик қадамча нарида Соня турганлигини кўрганди. Соня майдондаги ёғоч уйлардан бирининг орқасида ундан беркиниб турарди, бундан чиқди, у ўз қайғусига чўмган Раскольниковнинг орқасидан эргашиб келган экан-да! Раскольников энди тақдир унга нимани раво кўрмасин, агар дунёнинг нариги чеккасига боришга тўғри келганда ҳам Соня бирга боришини, абадул-абад уни тарк этмаслигини мана шу дамда бир умрга англаб, ҳис қилиб етди. Унинг юраги ағдар-тўнтар бўлиб кет-

ди... лекин – мана у қисмати буюрган жойга етай деб ҳам қолди...

У ҳовлига тетик қадам ташлаб кириб борди. Учинчи қаватга кўтарилиш керак эди. «Ҳали энди тепага чиқиб бораётирман», – деб ўйлади у. Умуман олганда, назарида ҳали ҳамма нарсани ҳал қилиб берадиган дамгача анча вақт бордай эди, ҳали кўп нарсаларни мулоҳаза қилиб, ўйлаб кўрса бўларди.

Яна ўша-ўша ахлатлар, айлана зинадаги ўша-ўша пўчоқлар, хонадонларнинг эшиклари ҳам ҳамон ўшандай ланг очиқ, ҳамон ўша-ўша сассиқ, уфунат анқиган ошхоналар. Раскольников ўшандан бери бу ерга келмаганди. Оёқлари жонсиздай бўлиб увушиб қолган, тиззалари қалтирар, лекин қадам ташлашдан тўхтамасди. У нафасини ростлаш учун бир зум тўхтади, ўзимни тузатиб, одамга ўхшаб кирай деди. «Нимага? Нима кераги бор?– деб ўйлаб қолди у бирдан ўзининг нимага тўхтаганлигини мулоҳаза қилиб кўриб. – Бунни охиригача ичиш керак бўлгандан кейин, унда бари бир эмасми? Қанча палидроқ бўлса, шунча яхши. Шу он унинг тасавурида Илья Петрович Порохнинг қиёфаси гавдаланиб кетди. Наҳот, ростдан ҳам унинг олдига кетаётган бўлса? Бошқасининг олдига борса бўлмасмикин? Никодим Фомичнинг олдига борса қандай бўларкин? Дарров орқага қайтиб назоратчининг уйига бора қолсамикин? Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам уй шароити бошқача... Йўқ, йўқ! Порохнинг олдига, Порохнинг олдига! Ичганиндан кейин охиригача ич...»

У муздай бўлиб қолди, полиция идорасининг эшигини очганда унинг ҳуши ё ўзида эди, ё ўзида эмасди. Бу сафар идорада одам жуда кам эди, аллақандай бир қоровул билан одмироқ бир киши бор экан. Эшик олдида ўтирган қоровул ўзи ўтир-

ган тўсиқнинг ортидан бошини кўтариб ҳам қарамади. Раскольников кейинги хонага ўтди. «Балки ҳали гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқдир», – деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Кишилиқ сюртук кийган котиблардан бўлмиш аллақандай бир кимса бюро олдида ўтириб ниманидир ёзмоқчи бўлиб турарди. Заметов кўринмасди. Ўз-ўзидан равшанки, Никодим Фомич ҳам йўқ эди.

– Ҳеч ким йўқми? – дея мурожаат қилди Раскольников бюро олдидаги кимсага қарата.

– Сизга ўзи ким керак эди?

– А-а-а! Кўз билан кўрилмаган, қулоқ билан эшитилмаган, лекин руснинг руҳи... шундай дейилармиди эртақда... Эсимдан чиқибди! Қ-қадамларига ҳасанот! – деб қичқириб қолди таниш бир овоз.

Раскольников титраб кетди. Унинг қаршисида Порох турарди; кутилмаганда у учинчи хонадан чиқиб келганди. «Тақдирнинг ўзи бу, – ўйлади Раскольников, – нега у уйга кетмай ўтирган экан?»

– Бизга келдингизми? Нима иш билан? – хитоб қилди Илья Петрович. (Афтидан, у нимадандир ғоятда хурсанд эди, ҳатто жиндай ҳаяжонланган ҳам эди.) – Агар иш билан келган бўлсангиз, ҳали эрта. Мен ўзим ҳам тасодифан... яна ўзингиз биласиз, хизматингизга тайёрман. Ўлай агар, ростини айтганда... қандай эди? Қандай эди? Узр...

– Раскольников.

– Айтувдим-а, Раскольников деб! Наҳот сиз фамилиямни унутибди, деб ўйлаган бўлсангиз! Илтимос қиламан жуда ҳам ундай хаёлга бормасинлар... Родион... Ро... Ро... Родионич, шундаймасми, ахир?

– Родион Романович.

– Ана айтмадимми! Родион Романович, Родион Романович! Мен мана шуни сўрамоқчийдим-да. Неча марталаб сўраб-суриштирдим денг. Сизга

гапнинг ўғил боласини айтиб қўйишим керакки, ўшандан бери еган-ичганим ичимга тушмайди сизни хафа қилиб қўйдим деб... кейин менга сизнинг кимлигингизни айтиб беришди, ёш адабиётчи, олим деб... Матбуот оламига тетапоя қадамлар ташлаб кириб келаётган ёш дўстим... О Худойим! Адиблар билан олимлар ижод даргоҳига кириб келаётган човлариди одамни шоширадиган қандай ишлар қилманглар дейсиз! Мен ҳам, рафиқам ҳам адабиётни жуда эъзозлаймиз, рафиқам бўлса, адабиёт деса жонини ҳам бериб юборади! Адабиёт ва бадиият десангиз, ўзини томдан ташлайди! Насабинг баланд бўлса, қолганини истеъдод-билим, ақл-шуур, даҳо билан қўлга киритавериши мумкин экан. Шляпа деймиз, айтайлик, нима дегани шляпа дегани? Шляпа деганингиз шунчаки бир кигиз, мен уни Циммермандан сотиб олавераман, лекин шляпанинг тагида сақланадиган, шляпа билан беркитиб, юриладиган нарсани-чи, уни ҳеч қачон сотиб ололмайман!.. Сизнинг оддингизга узримни айтгани ўтмоқчидим, лекин кейин ўйлаб қолдимки, балки сиз... Сўрай десам, яна истиҳола қилиб турибман, қандай хизматингиз бўлса жоним билан? Қулоғимга чалингандай бўлувди ойингиз билан синглингиз келишганмиш, шундайми?

- Ҳа, ойим билан синглим келишган.

- Сизнинг синглингизни кўриш бахти ва шарафига муяссар бўлдим, жуда билимдон, доно қиз эканлар. Ростини айтсам, ўшанда бир оз қизишиб олганимиздан жуда кейин хафа бўлиб кетдим. Хом сут эмган банда! Сизнинг хушдан кетиб қолганингизни ўзимча бир нарсага йўйганлигимни айтмай-сизми, кейин ҳаммаси оппа-ойдин бўлди-қўйди. Нодонлик ва жаҳолат! Ўринли дарғазаб бўлгансиз. Балки кўпчилик бўлиб қолганларингиз учун уйни алмаштирмоқчидирсиз?



– Йўқ, ўзим шундай... Сўрамоқчийдим... Заметовни топармикинман, деб ўйловдим.

– Эҳ, шундайми! Офайни бўлиб кетибсизлар, эшитдим. Лекин Заметов йўқ эди-ку, кетиб қолган. Шундай бўлиб қолди, Александр Григорьевич бизни ташлаб кетдилар! Кечаги кундан эътиборан бизнинг ҳисобда турмайдилар, бошқа ерга ўтдилар... кета туриб ҳамма билан бирма-бир жиққамушт бўлиб ҳам олдилар... Бир оз уятли иш ҳам бўлди... Ҳавойи бола-да, нима бўларди. Ундан анча умидимиз бор эди-я. Ана сизга шундан кейин келажаги порлоқ ёшларимизни кўринг ўзингиз! Қандайдир бир имтиҳон топшироқчи эмишми-ей, билмадим, бизга қоп-қоп гап бўлса, олиф-тагарчилик бўлса, боплаймиз, шу билан имтиҳон деганингиз ҳам тугаб қўя қолади. Сиз бўлсангиз ёки анави ким эди, дўстингиз бор-ку, Разумихинми, ўша, сизларнинг йўлингиз бошқа! Сиз илмининг чўққиларига кўтариласиз, сизни ҳеч қандай муваффақиятсизликлар йўлдан чалғитолмайди! Ҳаётнинг ҳамма гўзалликлари сиз учун nihilest<sup>44</sup>, сиз дарвишсиз, роҳибсиз, сиз тарки дунё қилгансиз!.. Сизга китоб бўлса, бас, қулоғингизга патқаламни қистириб юраверасиз, илм конларини ковлаб, сизнинг руҳингиз шулар билан тирик, шулар билан сиз парвоз қиласиз! Мен ўзим ҳам бир оз шундайроқ... Ливингстоннинг хотираларини ўқиганмидингиз?

– Йўқ.

– Мен эса ўқиб чиққан эдим. Шу кунларда десангиз, нигилист деганингизнинг уруғи жуда кўпайган. Бунинг ажабланадиган ери ҳам йўқ. Ўзингиз айтинг, бу қандай замон бўлди, а? Ундай десам, мен сиз билан... Сиз албатта, нигилист бўлмасангиз керак! Айтинг, гапнинг ўғил боласини айтинг!

<sup>44</sup> Nihilest – ҳеч нарсага арзимади (лот.).

– Йў-ўқ...

– Йўқ, сиз менга очигини айтаверинг, ўфил бола гап бўлсин, уялманг, худди ўзингизга ўзингиз айтгандай қилиб айтинг! Хизматчилик денг, хизматчиликнинг йўли бошқа... сиз мени улфатчилик демоқчи бўлса керак, деб ўйладингизми, йўқ, улфатчилик эмас, хизматчилик, сиз топмадингиз! Улфатчилик эмас, фуқаро ва инсон туйғулари, яратган Парвардигорга бўлган муҳаббат ва одамийлик туйғулари. Мен хизматчилик йўсини билан расмий киши бўлиб ҳам кўринаман, лекин мен ҳеч қачон ўзимнинг фуқаро ва инсонлигимни унутмаслигим керак, ўзимга ўзим доимо ҳисоб бермоғим лозим... Сиз мана Заметовни эсладингиз. Заметов деганингиз шарманда ерларда юради, французларга ўхшаб жанжал-тўполон ҳам чиқаради, шампан ёки ароқдан бир стакан ичиб олади-ю, фишавасини бошлайди, ана сизга Заметов деганингиз! Мен бўлсам, балки кўкрагимда садоқат алангаси ловиллаб ётган бир одамдирман, мен балки юксак туйғулар билан яшарман, бунинг устига ўзимнинг ишғол қилган мавқеим, унвоним, ўрним, амалим бор! Оилапарвар одамман, фарзанди қобиллар тарбиялаб ўстиряпман. Фуқаро ва инсонлик бурчимни шараф билан адо этяпман, энди ўзингиз айтинг, у ким бўлибди ўзи? Сизга илм-фаннинг олижаноб пояларига кўтарилган одам сифатида қарайман, сизни шундай одам деб биламан. Шу денг, дояларнинг уруғи кўпайиб кетди, жуда болалаб кетди бу дояларингиз.

Раскольников англамадим, дегандай, қошини чимирди. Илья Петрович ҳозиргина тўкин дастурхон устидан турган бўлса керак, унинг сўзлари Раскольниковнинг қулоғига шағал тўккандай бўлиб эшитиларди. Лекин дўлдай ёғилиб турган сўзлар-

нинг баъзилари ҳар ҳолда онгига етиб бормоқда эди; у англар-англамас қараб турар, гапнинг охири нима билан тугадини билмасди.

– Мен анави сочлари калта қирқилган ойимчаларни айтяпман, – дея давом этди жағи очилган Илья Петрович, – мен уларни ўзимча доя қизлар, деб юраман, назаримда бу лақаб уларга жуда мос тушганга ўхшаб кўринади. Ҳе-ҳе! Кўнгиллари академияни тусаб қолибди, шўрликларнинг; ўзингиз гапнинг ўғил боласини айтинг-чи, агар мен бетоб бўлиб қолсам, ўзимни даволатгани шундай ойимтиллани чақираманми? Ҳе-ҳе!

Илья Петрович гапни бошлаётганлигидан мамнун бўлиб хандон ташлаб куларди.

– Борингки, буни маърифатга бўлган зўр чанқоқлик, дея қолайлик; лекин онгингни оқартириб олдингми, бас етади. Бунда ортигини бош оғриғи қилиб нима қиласан? Нега энди анави аблаҳ Заметовга ўхшаб олижаноб одамларнинг кўзларига чўп тиқиш керак экан? Ўзингиз гапнинг ўғил боласини айтинг, нега ўзи мени ҳақорат қилади? Яна ўзини ўзи ўлдирадиган одамларнинг кўпайиб кетганини айтмайсизми, уруғи сероб, савил, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Буларнинг ҳаммаси охириги тийинни ҳам харжлаб бўлиб, сўнг ўзини ўзи ўлдиради. Қиз болалар, ўғил болалар, чоллар... Мана бугун эрталаб денг, бу ерга яқинда келган бир жаноб ҳақида шундай хабар олдик. Нил Павлич, ҳў, Нил Паплич! Ҳалиги жанобнинг оти нимайди, Петербург кўчасида ўзини отиб қўйган-чи, боя хабар қилишувди-ку?

– Свидригайлов, – хириллаган товуш билан лоқайдгина жавоб берди аллаким қўшни хонадан туриб.

Раскольников сесканиб кетди.

– Свидригайлов! Свидригайлов ўзини отиб қўйибдими! – дея қичқириб юборди у.

– Нима! Сиз Свидригайловни танийсизми?

– Ҳа, танийман... У яқинда келган эди...

– Тўғри, яқинда келган, хотинидан айрилган экан, ўзини ҳам жуда доврўғи чиққан одам дейишади, буни қаранг, тўсиндан ўзини отиб қўйибди, тоза ғалва бўладигай бўлди, сира бунақасини кўрмаган эдик... қўйин дафтарига ёзиб кетган экан, ақли ҳушим жойида, ўзимни ўлдиришга қарор қилдим, менинг ўлимимга ҳеч ким айбдор эмас, деб ёзибди. Мишмишларга қараганда, жуда пулдор одам экан. Сиз уни қаердан билардингиз?

– Мен... Танишмиз... Синглим унинг болаларига тарбиячи бўлган...

– Бай, бай, бай... Демак, сиздан баъзи бир нарсаларни сўраб олсак бўлар экан-да. Бундан сизнинг хабарингиз йўқмиди?

– Кеча уни кўрувдим... У... май ичиб ўтирган эди... менинг ҳеч хабарим йўқ.

Раскольников ўзининг устига нимадир ағдарилиб тушганлигини, уни босиб қолганлигини сезмоқда эди.

– Сиз яна оқариб кетганга ўхшаб турибсиз. Бу ернинг ҳавоси жуда бузилиб кетган-да...

– Ҳа, бормасам бўлмайди, – деб ғўлдиради Раскольников, – кечиринг, безовта қилдим...

– О, бемалол, бемалол! Келганингиздан жуда бошим осмонга етди, сизга шуни хурсандчилик билан...

Илья Петрович хайрлаша туриб, қўл ҳам чўзди.

– Мен фақат истовдимки... Заметов бўлса...

– Яхши, яхши, жуда хурсанд қилдингиз...

– Мен... жуда хурсандман... кўришгунча... – деб жилмаярди Раскольников.

У хонадан чиқди; оёқлари майишиб-майишиб кетар, боши айланарди. Қандай қилиб тик оёқда турганлигини билмасди. Ўнг қўлини деворга тираб, зинадан пастга туша бошлади. Назарида қўлида дафтар кўтарган аллақандай бир қоровул зинадан кўтариларкан, уни туртиб ўтгандай бўлди. Назарида аллақандай лайча кучук пастки қаватда тинмай акилламоқда эди; назарида аллақандай хотин итга ўқлоғи улоқтиргандай ва қичқариб юборгандай бўлди. У пастга тушиб, ҳовлига чиқди. Ҳовлида шундоқ эшикнинг рўпарасида ранги мурддан оқариб кетган, бир ҳолатга тушган Соня кутиб турган экан, унга кўзлари ола-кула бўлиб қаради. Унинг олдига бориб тўхтади. Қизнинг чеҳрасига оғир азоб изтироб соя солганди, бунда чорасиз бир дарднинг ифодаси бор эди. Қиз қўллари оғир оғиргина ёзди. Лабларига аянчли ноилож кулги тепчиди. Раскольников бир оз қараб туриб илжайди ва орқасига қайтиб идорага чиқиб кетди.

Илья Петрович ўтириб олиб, аллақандай қоғозларни титкиларди. Унинг қаршисида Раскольниковни зинада туртиб ўтган қоровул тик оёқда турарди.

– Э-э-э? Сизмисиз! Бир нимангизни эсингиздан чиқарибсизми? Аммо ўзи сизга нима бўлди?

Лаблари кўкариб кетган, кўзининг қорачиқлари ўлган одамникидай қотиб қолган Раскольников унга оҳиста яқинлашди, столнинг олдига келди, қўллари билан столга тираниб олди, нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин овози чиқмади; фақат аллақандай ноаниқ товушлар эшитилди, холос.

– Мазангиз қочиб қолдимиз, курси беринглар! Мана, курси, ўтиринг! Сув беринглар!

Раскольников ўзини курсига ташлади, лекин кўзларини ўзига ёйиб, ҳайрон бўлиб қараб турган Илья Петровичдан узмади. Ҳар икковла-

ри ҳам бир-бирларига тикилиб туравердилар. Сув олиб келишди.

– Ўша мен... – деб бошлади Раскольников.

– Сувдан ичинг.

Раскольников қўли билан сувни четга суриб, оҳиста тўхтаб-тўхтаб, лекин дона-дона қилиб деди:

– Ўшанда кампир билан унинг Лизавета деган сингисини мен болта билан чопиб ўлдирган эдим ва нарсаларини ўғирлагандим.

Илья Петровичнинг оғзи очилиб қолди. Ҳар томондан одамлар чопиб келишди. Раскольников айтганларини такрорлади...

## ЭПИЛОГ

### I

Сибирь. Хувиллаган азим дарёнинг қирғоғида Россиянинг маъмурий марказларидан бўлган бир шаҳар жойлашган; шаҳарда қўрғон, қўрғонда қалъа бор. Шу қалъада иккинчи разряд бўйича сургун қилинган Родион Раскольников мана тўққиз ойдан бери қамокда ётади. Унинг жиноят қилганидан бери бир ярим йилча вақт ўтди.

Судда унинг иши осонгина кўча қолди. Жиноятчи ишни чалкаштирмасдан, уни ўзининг фойдасига ҳал қилишга уринмасдан, воқеа қандай содир бўлган бўлса шундайча заррача ҳам ўзгартирмай қатъий, аниқ ва очиқ-ойдин айтиб, бўйнига олиб тураверди. У ўзининг қандай қилиб одам ўлдирганлигини ипидан-игнасигача оқизмай-томизмай сўйлаб берди: гаровга қўйилган, чопиб ташланган кампирнинг қўлида қолиб кетган нарсанинг қандайлигини тушунтириб ўтди (темир ёпиштирилган тахтача); кампирни ўлдиргандан кейин ундан калитни қандай қилиб олганлигини, калитнинг қандай калит эканлигини, сандиқнинг кўриниши, унинг ичида нималар борлигини оқизмай-томизмай бирма-бир ҳикоя қилди; ҳатто сандиқ ичидаги айрим буюмларни ҳам тилга олди; Лизаветанинг ҳаммани ҳайрон қолдирган ўлимини ойдинлатди; Кохнинг қандай қилиб келганлиги, эшикни қандай қилиб тақиллатганлиги, унинг ёнига талабанинг қандай қилиб қўшилганлиги, уларнинг бир-бирлари билан нималар тўғрисида гаплашганликларини, кейин ўзининг зинадан қай тарзда тушга-

ни, Миколка билан Митьканинг қийқиришганини эшитганларини, бўм-бўш хонадонда биқиниб тургани, уйга қайтиб келганларини – ҳаммасини сўйлаб ўтди, охири Вознесенский кўчасидаги ҳовли дарвозасининг орқасида ётган тошни айтди, шундан сўнг тош остидан буюмлар билан ҳамённи топиб келтирдилар. Хуллас, воқеа маълум бўлганди. Дарвоқе, терговчилар ва судьялар унинг пул билан буюмларни ишлатмасдан бостириб қўйганлиги, ҳаммадан ҳам ўзи ўз қўли билан ўғирлаб олган нарсаларни аниқ эслолмаслиги, ҳатто уларнинг ҳисобида адашганлигидан ажабланар эдилар. Унинг бирон марта ҳам пул ҳамённи очиб қарамаганлиги ва ҳаттоки, ичида қанча пул борлиги билан қизиқмаганлиги сира ақл бовар қилмайдиган бир ҳол бўлиб кўринарди (ҳамёндан уч юз ўн етти сўм кумуш пул билан учта бир тангалик топилди; тош тагида узоқ ётганидан тахтачанинг устидаги энг йирик қоғоз пулларнинг айримлари чирий бошлаганди). Нега айбдор бошқа барча ҳолларда ҳаммасини ўз ихтиёри билан бўйнига олиб, рост гапира туриб, нега худди шунга келганда тўғри сўзламаётибди экан, деб аниқлашга анча-мунча уриниб кўрдилар. Алоҳал, баъзи бировлар (айниқса, айрим руҳшунослар) у чиндан ҳам ҳамённинг ичига қарамаган бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам ҳамёнда нима борлигини аниқ билмайди, тош тагига бостириб қўйганда ҳам буни билмаган бўлса керак, деган тўхтамга келдилар, шунинг учун ҳам жиноят вақтинча ақдан озиб қолиш оқибатида содир бўлган, жиноятчи маълум бир муддат мобайнида одам ўлдириш ва талончилик қилиш васвасасига йўлиққан, лекин бундан ўзига бир манфаат топишни кўзламаган, деб хулоса чиқардилар. Худди ўша пайтларда вақтинча ақдан озиш ҳоллари ҳақида жуда янги бир назария кенг тарқала



бошлаганди, бизнинг кунларда эса кўпгина ҳолларда баъзи бир жинойтчиларга нисбатан шу назарияни татбиқ қилиб келмоқдалар. Бунинг устига Раскольников кўп замонлардан бери одамлардан қочиб тўрсайиб юрганлигини анча гувоҳлар, шу жумладан, Зосимов, собиқ ўртоқлари, уй бекаси, хизматкорлар аниқ-тиниқ қилиб айтиб бердилар. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, Раскольников оддий қотил, қароқчи ва талончига ўхшамаслигини, бу ерда тамомила бошқа бир нарса борлигини кўрсатарди. Мана шундай фикрда бўлган кишиларни жуда қаттиқ хафа қилган нарса, жинойтчининг ўзи ушбу ҳолни ўзига қалқон қилишни истамаганлиги бўлди. У сизни одам ўлдиришга нима мажбур қилди, талончиликка сизни нима ундади, деган муҳим саволларга, ночор аҳволда қолган эдим, ҳаммасига йўқчилигим ва бечорачилигим сабаб бўлди, мен уч минг сўм пулим бўлса, ҳаётим яхши бўлиб кетар, қаддимни тиклаб оларман, ишларим юришиб кетар, деб умид қилган эдим, мана шу уч минг сўмни кампирдан ундирмоқчи эдим, деб жавоб берди. Унинг бу жавоблари жуда дағал ва очиқ эди. Яна у, йўқчилик ва омадсизлик жуда ҳам жонимдан тўйдириб юборганди, сабрсизлигим, енгилтаклигимдан одам ўлдириш фикрига бордим, деди. Жинойтни ўз ихтиёрингиз билан бўйнингизга олгани нима мажбур қилди, деган саволга у қилмишимга чин юракдан пушаймон бўлдим, деган жавобни қилди. Шу тариқа бу ёғига бетни сидириб ташлашга тўғри келди...

Бироқ ҳукм, қилинган жинойтга қараганда хийла юмшоқ бўлди. Жинойтчининг ўзини сира ҳам оқлашга уринмаганлиги ва, ҳатто доим ўзини қаттиқ қоралашга мойил бўлиб турганлиги ҳам бунга сабаб бўлди, албатта. Содир бўлган ҳодисанинг барча ғалати жиҳатлари ва бошқа бир вази-

ят ҳамда шароитда рўй берганлиги ҳам эътиборга олинди. Айбдорнинг жиноят қилгунга қадар офир аҳволда яшаганлиги, касалманд бўлиб қолганлиги ҳеч кимда заррача шубҳа уйғотмади. Унинг ўғирлик нарсалардан фойдаланмаганига келганда, буни қисман қилган ишидан пушаймон бўла бошлагани, қисман, жиноят рўй берган маҳалда ақли ҳуши жойида бўлмаганлигига йўйилди. Лизаветанинг кутилмаганда ўлдирилганлиги, айниқса шу кейинги тахмин тўғри эканлигини тасдиқларди. Акс ҳолда бир эмас, бирданига икки кишини ўлдирган қотил уйнинг эшигини очиқ қолдирганлигини қандай изоҳлаш мумкин эди! Ниҳоят, дарвеш (Николай) ҳамма нарсадан умидини узиб, қилмаган ишини қилдим, деб турган ва ишни бутунлай чалкаштириб юборган бир маҳалда ва бундан ташқари, чинакам қотилнинг, ҳатто дараги ҳам чиқмаган (Порфирий Петрович айтган сўзида турди) ҳолатда ихтиёрий суръатда келиб, бўйнига олганлиги, оқибатда жиноятчининг қисматини енгиллатишга олиб келди.

Бундан ташқари, судланувчининг аҳволини кутилмаганда жуда енгиллаштирган бошқа бир гаплар ҳам чиқиб қолди. Собиқ талаба Разумихин қаерлардандир жиноятчи Раскольников университетда ўқиб юрган кезларида ўзи билан ҳамсабоқ бўлган жуда камбағал ва касалманд ўртоғига қўлидан келганча ёрдамлашиб турганлиги ва, ҳатто олти ой мобайнида уни ўзи боққанлиги ҳақидаги гапларни топиб келиб, далиллар кўрсатди. Ўртоғи қазо қилгандан сўнг унинг қари, касалманд отасига қараб, парвариш қилган (ўртоғи отасини ўн яшар бола чоғидан бери меҳнат қилиб боқиб, кам-кўстига қараб тураркан), кейин алоҳал бўлмай чолни касалхонага ётқизган, чол дунёдан кўзини юмгач, уни ўз қўли билан кўмган. Мана шуларнинг

ҳаммаси бир бўлиб, Раскольниковнинг тақдирини ҳал қилишда бирмунча енгилликлар берди. Жиноятчи Раскольниковнинг ўлиб кетган қаллиғининг онаси, уй бекаси бева хотин Зарницинанинг ҳикоя қилиб беришича, улар Беш Бурчак томонидаги уйларида турган маҳалларида кечаси тунда бир уйга ўт тушиб, Раскольников ўт ичидан иккита ёш болани олиб чиққан, ўзи ҳам ўтда куйган экаи. Ушбу ҳодиса синчиклаб текширилади, воқеа айнан шундай бўлганлигини кўпгина гувоҳлар тасдиқлашди. Хуллас, иш шу билан яқунландики, жиноятчи бор-йўғи саккиз йил муддатга иккинчи разрядли каторга ишларига ҳукм қилинди, жиноятни ихтиёрий суръатда бўйнига олганлиги, айбни енгиллаштирувчи айрим сабаблар кўрсатилгани ҳам инобатга олинди, албатта.

Суд бошланиши билан Раскольниковнинг онаси ётиб қолди. Дуня билан Разумихин уни суд тугагунча бошқа бир шаҳарга олиб кетадиган бўлдилар. Разумихин Петербургга яқин темир йўл бўйида жойлашган бир шаҳарни топди. Суднинг қандай бораётганлигини кузатиб бориш ҳамда Авдотья Романовна билан тез-тез кўришиб туришга бу ер қулай эди. Пульхерия Александровна жуда ғалати, асабий бир касалга чалинган, савдойироқ бўлиб қолганди. Дуня акаси билан охириги марта кўришиб қайтиб келгандан кейин ойисининг қаттиқ оғриб қолганлиги, иситмалаб, алаҳлаб ётганлигини кўрди. Ўша куни кечқурун Разумихин икковлари мабодо ойиси Родяни сўраб қолса, нима жавоб бериш ҳақида келишиб олдилар. Икковлари бир бўлиб, Пульхерия Александровнага айтиладиган гапни ўйлаб топдилар. Раскольников махсус бир топшириқ билан Россиянинг жуда узоқ бир чега расига жўнади, бу хизматни адо этгандан сўнг у ҳаммага маълум ва машҳур одам бўлиб кетади,

давлат орттиради, дейдиган бўлдилар. Лекин Пульхерия Александровна на ўшанда ва на ундан кейин бу ҳақда лом-мим деб оғиз очмади, бундан улар жуда ҳам ҳайрон бўлиб қолдилар. Аксинча, ўғлининг жўнаб кетиши хусусида унинг ўзи бутунлай бошқача бир гапларни бичиб-тўқиб юрган экан; Пульхерия Александровна ўғлининг хайрлашгани келганини йиғлаб-сиқтаб сўзлаб ўтирарди; яна гап орасида сизлар жуда кўп сирли ва муҳим гаплардан беҳабарсизлар, Родянинг баттол душманлари кўп, шунинг учун у яшириниб юришга мажбур бўлиб қолган, деб имо-ишоралар ҳам қилиб қўярди. У ўғлининг истиқболи порлоқ эканлигига заррача шубҳа қилмас, фақат ҳали бунга етарли қулай фурсат келмаган, дерди. Вақти соати келиб, ўғлим давлатнинг улуғ кишиси бўлиб кетади, унинг босилиб чиққан рисоласи ва ёрқин адабий истеъдоди шундан далолат бериб турибди деб, Разумихинни ишонтирарди. У ўғлининг рисоласини қўлидан қўймас, баъзан ҳатто овозини чиқариб ҳам ўқиб қўяр, уни доимо ёстиғининг остида сақларди. Шундай бўлса ҳам ҳозир Родянинг қаердалигини миқ этиб, оғиз очиб сўрамасди. Доимо у билан гаплашганларида иложи борича шу тўғрида оғиз очмасликка ҳаракат қилишар, бу эса уни шубҳалантириб қўйиши ҳеч гап эмасди. Пульхерия Александровнанинг баъзи бир нарсалар устида индамай юриши жуда ҳам ғалати кўринарди, кейинроқ бориб, ҳатто бундан хавотирлана бошладилар. Айтайлик, у ўғлидан хат келмаётганлигидан нолимасди, ваҳоланки, ўз шаҳарларида яшаб турган чоғларида қимматли Родядан қачон хат келаркин, деб кўзи тўрт бўлиб кутгани кутган эди. Эндиликда бу нарсалар билан сира иши бўлмай бепарво бўлиб қолганлигига одамнинг ақли бовар қилмас, бу Дуняни қаттиқ ташвишга солмоқда эди. Дунянинг

назарида ойиси Родянинг бошига қандайдир оғир савдо тушганлигини сезиб юрганга ўхшар, лекин ўзи тасаввур қилгандан кўра ҳам хунукроқ гапни эшитмаслик учун атай бу ҳақда оғиз очмагандек туйиларди. Нима бўлмасин, ҳарқалай, Дуняга Пульхерия Александровнанинг эс-ҳуши жойида эмаслиги равшан эди.

Дарвоқе, икки сафар у гапни шу қадар айлантириб олиб келдики, унга Родянинг қаердалигини айтмасликнинг сира иложи қолмагандай бўлиб кўринди. Унга бу ҳақда айтилган гап-сўзлар дудмал, қониқарсиз, истаса-истамаса шубҳалироқ, даргумон бўлиб эшитилса, бирданига жуда ҳам ғамгин, маъюс ва индамас бўлиб қолар, кейин бу ҳолат анча вақтларгача давом этарди. Кейин ниҳоят, Дуня уни алдаб, ёлғон гапириб юришдан ҳам оғирроқ нарса йўқлигини англади ва баъзи бир гапларни унга бутунлай айтмай қўя қолган маъқулроқ, деган қарорга келди. Лекин муштипар она бечора даҳшатли бир воқеа рўй берганлигини борган сари тушуниб қолаётганлиги аён эди. Дуня Свидригайлов билан ўша сўнгги мудҳиш учрашувдан қайтиб келиб туни билан алаҳлаб чиққанлиги ва бундан ойиси хабардор бўлиб қолганлигини ака-сидан эшитган эди, у ҳозир шуни эслади, ўшанда оғзидан бирон гап чиқиб кетиб, буни бехос ойиси эшитиб қолмадимикин? Баъзан узоқ кунлар ва ҳатто ҳафталаб чурқ этмай кўз ёши қилиб юрадиган бемор бирдан аллақандай асабий бир тарзда жонланиб кетар, ўғли ҳақида, орзу-умидлари, бўлғуси яхши кунлар ҳақида тинимсиз сўзларди... Унинг ўй-хаёллари баъзан жуда ғалати бўларди... Унга таскин-тасалли беришар, гапларини ҳа-ҳа, деб маъқуллашар (эҳтимол, у кўнгил учун ўзининг гапларини маъқуллаб турганларини фаҳмлагандир), шунга қарамасдан тинмай сўзлагани сўзла-

ган эди... Раскольников жинойтини бўйнига олиб боргандан беш ой ўтгач, ҳукм эълон қилинди. Разумихин қамоқда имконият бўлиши биланоқ у билан кўришиб турди. Соня ҳам шундай қилди. Ниҳоят, айрилиқ дамлари ҳам етиб келди; Дуня бу кунлар ҳадемай ўтиб кетади, тезда яна дийдор кўришамиз, деб акасини ишонтирди; Разумихин ҳам шундай қилди. Тиниб-тинчимайдиган, ўт-олов, қонида ғайрат кўпириб ётган Разумихин уч-тўрт йил маблағ жамғариб сўнг Сибирга кўчиб боришга аҳд қилди, Сибирнинг тупроғи ҳар жиҳатдан бой, лекин у ерда одам ва маблағ етишмайди; Родя борган шаҳарга жойлашиб оладилару... сўнг ҳаммалари жамулжам бўлиб, баҳамжиҳат янги турмуш бошлайдилар. Видолашаркан, ҳаммалари йиғлашдилар. Раскольников кейинги кунлар ичида жуда ҳам ўйчан бўлиб қолган, ойисини кўп сўрар, доим ундан ташвишланарди. Ҳатто ойисини ўйлаб қаттиқ изтироб чекар, бундан Дуня хавотирланарди. Раскольников ойисининг аҳволи офир эканлигини билгандан кейин жуда ҳам хафа бўлиб кетди. Нима учундир мана шу пайтлар у Соня билан очилиб-сочилиб гаплашмади. Соня Свидригайлов берган пулни харжлаб маҳбуслар билан изма-из кетишга ҳозирланиб қўйганди. Соня билан Раскольников ўртасида бу хусусда гап бўлмаган, лекин ҳар икковлари ҳам шундай бўлишини билардилар. Сўнгги бор хайрлашаётган пайтларида Разумихин билан синглиси унга ҳали бизнинг ҳаётимиз яхши бўлиб кетади, сен омон-эсон қутулиб келсанг бас, деб юракдан ишонч билдирганларида у ғалати кулимсираб қўйди ва ойимнинг касали ёмон оқибат билан тугайди, деб башорат қилди. Ниҳоят, у билан Соня жўнаб кетдилар.

Икки ойдан сўнг Дунечка Разумихинга турмушга чиқди. Тўй дабдабасиз ва жимгина ўтди. Айт-

гандай, тўйга таклиф қилинганлар орасида Порфирий Петрович билан Зосимов ҳам бор эди. Бутун сўнгги кунлар давомида Разумихин бир нарсага қаттиқ аҳд қилган одамдай бўлиб юарди. Дуня унинг аҳдининг уддасидан чиқажагига чин юракдан ишонарди, ишонмасликка асоси ҳам йўқ эди: Разумихин метин ирода соҳиби эди. Дарвоқе, у ўқишни битириб олиш мақсадида яна университетдаги машғулотларга қатнай бошлаганди. Икковлари тинмай келажак ҳақида ўйлашар, режалар тузишарди; уларнинг ҳисобларига кўра, беш йилдан сўнг Сибирга кўчиб боришлари мумкин эди. Унгача бутун умидлари Сонядан эди...

Пульхерия Александровна қизининг Разумихинга турмушга чиқишига шод-хуррам бўлиб розилик берди; лекин никоҳ ўқилгандан кейин у илгаригидан ҳам маъюсроқ ва қайғулироқ бўлиб қолгандай кўринди. Разумихин унинг кўнглини кўтариш мақсадида Родянинг талаба ўртоғига ҳамда унинг касал отасига ёрдам берганларини, икки ёш гўдакни ўт ичидан олиб чиқиб ўзи ҳам куйганларини, ҳатто бир оз тўшакка ётиб олганларини сўйлаб берди. Шусиз ҳам эс-ҳуши оғиб юрган Пульхерия Александровнага бу гаплар жуда қаттиқ таъсир қилди. У тинмай шу ҳақда сўзлар, кўча-кўйда ҳам шундан бошқа гапни гапирмасди (кўчага чиққанларида Дуня доим у билан бирга бўларди). Жамоат кареталаридами, дўконлардами, гап эшитадиган одамни топиб олса, ўғлидан гап очар, унинг рисоласи босилиб чиққанлигини, талаба дўстига кўмаклашгани, ёнғинда қолиб куйгани ва ҳоказолар ҳақида гапириб кетарди. Дунечка уни қандай қилиб тўхтатишни билмасди. Бундай носоғлом, кўтаринки кайфиятнинг ўзи хатарли эди, бунинг устига битта-яримтаси бўлиб ўтган суд иши юзасидан Раскольниковнинг шарифини эслаб қолиши

ва натижада ўртада гап очилиб кетиши мумкин эдики, бундан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ эди ҳозир. Пульхерия Александровна ёнғиндан қутқарилган гўдакларнинг онаси қаерда туришини билиб олиб, албатта уни кўриб келгани бормоқчи бўларди. Бора-бора у қаттиқ талвасага тушадиган бўлиб қолди. У баъзан кутилмаганда ўтириб олиб йиғига тушар, оғриб ётиб қолар, алангайи оташ бўлиб алаҳлай бошларди. Бир куни эрталаб у, менинг ҳисобимча, тезда Родя келиб қолиши керак, унинг ўзи менга тўққиз ойлардаи кейин кўришиб қолармиз, деб айтган, деди. Шундан кейин у уйни йиғиштиришга, ўғлига мўлжалланган хона (ўзи ётиб юрган хона)ни тузатиш, тартибга келтириш, жиҳозларни тозалаб, янги дарпардалар тутиш каби ишларга боши билан шўнғиб кетди. Дунянинг юраги алланечук хавотирга тушди, лекин у индамасдан ойисига кўмаклашди. Ойиси куни бўйи йўқ ердаги гапларни сўйлаб, шодумон хаёллар суриб, кўзини намлаб юрди, шу кун хавотир ва кўрқинч ичида ўтди, кечаси ойиси ётиб қолди, эрталабга бориб иситмаси кўтарилди, алаҳлашга тушди. Аъзойи баданига қалтироқ кирди. Икки ҳафтадан сўнг у ҳаётдан кўз юмди. Алаҳлаб ётганда оғзидан чиққан айрим сўзларга қараганда ўғлининг даҳшатли қисмати ҳақида булар тахмин қилганларига қараганда кўпроқ нарсаларни сезиб юрганлиги маълум бўлди.

Раскольников Сибирга келганидан бери Петербург билан ёзишмалари йўлга қўйилган бўлишига қарамасдаи ойисининг ўлиmidан анча вақтгача беҳабар қолди. Раскольниковнинг ёзишмаси Соня орқали давом этар, Соня ой сари канда қилмай Петербургга, Разумихин номига хат йўллар, хатларига ҳар ойда Петербургдан жавоб ҳам оларди. Сонянинг хатлари аввалига Дуня билаи Разуми-



хинга аллақандай қуруқ ва одамни қаноатлантирмайдиган чўлтоқ бўлиб туйилди, лекин бора-бора улар хатни бундан кўра маънироқ ёзиш мумкин эмаслигини англаб етдилар. Сонянинг хатлари орқали улар бахти қаро қардошларининг ҳол-аҳволдан анча тўлиқ ва ҳар жиҳатдан бохабар бўлиб турар эдилар. Соня ўз хатларида одми, кунда рўй бериб турган гапларни ёзар, Раскольниковнинг тутқунда ўзини қандай тутаётганлигини, унинг атрофини қуршаган муҳитни соддагина, очиқ-равшангина қилиб тасвирлаб берарди. У хатда шундан бошқа на орзу-умидларидан, на мубҳам келажакдан ва на ўз шахсий кечинмаларидан ёзарди. Раскольниковнинг руҳий ҳолатни қандай эканлиги ва умуман, унинг ички ҳаётини ёзмасди, бунинг ўрнига унинг нима деб айтганларини маълум қилар, сиҳат-саломатлиги ҳақида батафсил қилиб сўйлар, кўришган чоғларида қандай истаклар билдиргани, ундан нималарни илтимос қилганлари, қандай топшириқлар бергани тўғрисида оқизмай-томизмай ёзарди. Шу тариқа, бора-бора шўрпешона йигитнинг сиймоси ва аянчли аҳволи ўз-ўзидан ойдин бўлиб қолди. Буларнинг ичида янглиш гаплар йўқ эди, ҳаммаси Сонянинг кўз ўнгида бўлиб турган воқеалар эди.

Лекин Дуня билан унинг эрига бу хабарлар олдинлари унчалар тасалли бергани йўқ. Сонянинг ёзишига қараганда, Раскольниковнинг ҳеч нарсага ҳуши йўқ, қачон қараманг, қовоғидан қор ёғиб, тўрсайиб, ҳеч ким билан гаплашмай юрар экан, ҳаттоки бу ёқдан бориб турган янгиликлар билан ҳам унчалар қизиқмас экан. Раскольников бир нарсени сезгандай бўлиб жуда безовта бўлавергандан кейин Соня унга алоҳал ойисининг ўлганини айтибди, буни эшитиб Раскольников унчалар қаттиқ қайғурмабди, Соня жуда ҳайрон бўлиб

қолибди, балки менга ташқаридан шундай бўлиб туйилгандир, деб ўйлабди. Сонянинг ёзишича, Раскольников уззуккун хаёлга ботиб, одамлардан қочиб юрса ҳам, лекин қамоқнинг ҳаётига дарров кўникиб, ўрганиб кетибди ва бунга одатдаги бир нарсадай қарабди; ўзининг қандай аҳволда қолганлигини тўла англаб етибди. У тез орада ҳаётининг яхшиланиб кетишига умид боғламас, ҳавойи хаёлларга берилмас (унинг аҳволида бунга ажабланмаса ҳам бўлади) ва илгари, бунақа шароитни кўрган-билган бўлмаса ҳам ҳаммасига одатдаги бир нарса деб қараб, ҳеч бир нарсадан ажабланмас экан. Сонянинг хатларига қараганда, унинг сиҳат-саломатлиги жойида экан. У белгиланган ишдан ўзини олиб қочмас, бўйин товламас экан, лекин ишга ҳаддан ташқари рағбат кўрсатмас ҳам экан. Овқат билан иши йўқ экан. Лекин дам олиш ва байрамлардан бошқа кунларда овқат шунчалар сифатсиз эканки, алоҳал, у ўзи чой қўйиб ичгани Сонядан озроқ пул олишга рози бўлибди. Соняга бошқа ҳеч нарсага овора бўлиб ўтирманг, бу меҳрибончиликлар тоза ҳиқилдоғимдан келди, дебди. Сонянинг хабар қилишича, у кўпчилик билан бир ерда ухларкан: лекин ичкарининг қандайлигини Соня кириб кўрмаган экан, аммо жуда тор, ифлос, чидаб бўлмайдиган даражада расво жой бўлса керак, деб ёзарди Соня. Раскольников тагига кигиз тўшаб ухларкан, бошқа ҳеч нарса керак эмас, дебди. У ўзини атай бир ният билан қийнаб ташлаётгани йўқ экан, ўзининг тақдирига кўз юмиб бефарқ қараётгани, ҳамма нарсага қўл силтаб қўйганлигидан шундай қилаётган экан. Олдинлари мен борганимда унчалик эътибор бермас, ҳатто мени кўрса юраги сиқилгандай, гижингандай бўларди, гаплашгиси келмасди, кўрс, дағал муомала қиларди, – деб ёзар эди Соня, – лекин бо-

ра-бора унинг қатнаб туришига кўникиб қолибди, ҳатто бир неча кун тоби қочиб боролмай қолгандан кейин соғинадиган ҳам бўлибди. Соня у билан байрам кунлари қамоқхона дарвозасида ёки маҳбуслар билан кўришиладиган алоҳида хонада учрашиб тураркан, уни Сонянинг олдига бир неча дақиқага чақириб беришаркан. Бегим кунларида эса Соня Раскольников ишлайдиган устахоналарида, фишт заводларида ёки Иртишнинг бўйидаги саройларда кўришиб тураркан. Мен ўзим шаҳарда баъзи бир таниш-билишлар орттирдим, менга ёрдам қўлини чўзган кишилар ҳам бўлди, деб ёзарди ўзи ҳақида Соня. Шаҳарда бичиш-тикишга дурустроқ бошқа одам бўлмаганидан тикувчилик қилаётган экан, кўпгина хонадонларга унинг хунари жуда қўл келибди. Раскольников Сонянинг таниш-билишлари орқали қамоқхона бошлиқларидан бир оз енгилликлар олган, лекин бу ҳақда Соня хатларида ёзмаган эди. Ниҳоят, бир куни у ҳеч ким билан гаплашмай қўйди, маҳбуслар уни чиқиштирмай қўйишди, деган хабар келди (Дуня Сонянинг кейинги хатлари аллақандай хавотирланиб, ташвишланиб ёзилганлигини пайқаб юрарди). Раскольников куни билан бир оғиз сўз айтмас, ранги қув ўчиб юраркан. Охири, у қаттиқ оғриб қолди, госпиталнинг маҳбуслар бўлимида ётибди, деган Сонянинг хати келди...

## II

У кўпдан бери сирқовланиб юрганди, лекин уни синдирган, букиб ташлаган нарса қамоқхона даҳшатлари, одамни абгор қиладиган иш, овқат, тақир қирдирилган бош, увада-чувринди кийимлар эмасди: о! Бу каби қийинчилик, абгорликни у писанд қилармиди, дейсиз! Аксинча, у ишнинг

риёзатини чекаётгандан хурсанд эди: лоақал офир жисмоний меҳнат эвазига бир неча соат тинч ухлаб олиш мумкин эди. Аллақандай овқатлар билан, шу суварак тушган, шилдираган карам шўрва билан унинг нима иши бор! Илгарилари, ўқиб юрган кезларида шу карам шўрва ҳам топилмасди кўп маҳал. Ҳозир унинг уст-боши бут ва иссиқ, шу ернинг шароитига мос эди. Оёғидаги кишанга бўлса парво ҳам қилмасди. Келиб-келиб бошининг қирилгани, калта куртка кийиб юрганидан уялиб ўтирсинми энди! Кимдан уялсин тағин? Соняданми? Соня ундан кўрқади, келиб-келиб энди Сонядан қисиниб қочадими?

Нима бўлибди? У ҳатто Сонянинг олдида ҳам қисинар ва қисинганининг аламини унга қўпол, кўрс муомала қилиб оларди, қизни менсимай куйдирарди. У сочи қиртишлаб ташлангани, оёқларига кишан урилганидан уялмасди: унинг ғурури поймол этилганди, шаъни ерга урилганди, касал бўлиб қолганининг сабаби шу эди. О, агарда у ўзини ўзи қоралай олганда қанчалар бахтиёр бўларди! Унда бу шармандаликлар, иснодларга чидаган, ҳаммасига кўниб кетган бўларди. У ўз қилмишини жуда қаттиқ ва жуда чуқур мулоҳаза қилар, лекин унинг қалби тошга айланиб кетган, дийдаси қотиб қолганди, қотиб қолган дийдаси ўтмишида у қадар офир гуноҳлар кўрмасди, жиндаккнна хато қилиб қўйдим, деб ўйларди у, бундай хато кимнинг бошидан ўтмайди. Раскольников ўзининг кўр-кўрона ғафлат босиб, аҳмоқлик қилиб, тақдирнинг даҳшатли, беомон ҳукми ва зарбасига дучор бўлиб ўтирганидан, шу аллақандай «бемаъни» ҳукмга бўйсунушга, тақдирга тан беришга мажбурлигидан, тан бермаса ўзига бир дам бўлсин, тинчлик йўқлигидан ўртанарди.

Эндиликда унинг бутун умри ноаниқ ва бетайин хавотир, ҳадик билан ўтар, келажақда эса тинимсиз суръатда бенаф ва беҳосил қурбонлар беришга гирифтор бўлган, бу ёруғ дунёда унинг шундан ўзга чораси қолмаганиди. Борингки, саккиз йилдан сўнг унинг ёши ўттиз иккига чиқади ҳам дейлик, эҳ-ҳе, яна қанча яшаш мумкин ҳали, аммо энди бунинг унга нима ҳожати бор! Яшаб нима қилади? Нимани кўзлаб яшайди? Нимага интилади? Ўлмаснинг куни битмас, деб судралиб юраверади-ми? Лекин у аввалда ҳам ўз умрини гоёга, умид ва, ҳатто, хаёлга бағишлаб юборишга тайёр эди, минг карра рози эди, бунга. Фақат судралиб яшашга рози эмасди, бунга ҳеч қачон кўнмасди, у бошқачароқ нарсаларни истарди доимо. Балки ўшанда кўнгилнинг кўчасига кириб ўзини бошқалардан кўра кўпроқ ҳақ-ҳуқуққа эга бўлган одам, деб санаб юборгандир.

Қани энди тақдир унинг дилига пушаймон солса эди! Шундай пушаймон бўлсаки, ундан бутун вужуди ларзага келса, юраги нимта-нимта бўлиб қиймаланиб кетса, кўзларига абадул-абад уйқуни бегона қилиб қўйса эди, қилмишига пушаймон бўлиб, бунинг азобига чидолмай ўзини осиб қўядиган, обориб сувга ташлайдиган даражага етса, қанийди! О, жони роҳат қилар эди унда! Азоб-укубатлар, кўз ёшлари – бу ҳам ҳаётнинг худди ўзи-ку, ахир! Лекин у қилмишидан пушаймон қилмасди.

Нари борганда, у ўзининг тентаклик қилиб қўйганидан надомат чекиши, аччиқланиши мумкин эди, илгарилари у ўзининг энтак-тентак хатти-ҳаракатларидан мана шундай аччиқланарди, оқибатда ўша бемаъни қилмишлари уни қамоққа ошна қилди. Лекин у қамоқда ўтириб, эркинликда юриб қилган барча ишларини бирма-бир хаёлидан

ўтказиб, муҳокама қилди, шунда қилган ишлари олдингидек кўзларига жуда хунук ва бемаъни бўлиб кўринмади.

«Бу дунё яралгандан бери, – дея ўйларди у, – оламда фикрлар ва назариялар туғилиб, ғалаён қилиб, бир-бири билан тўқнашиб келади, хўш, менинг фикрим нимаси, нимаси билан уларнинг фикрларидан жўнроқ экан, қани? Агарда бу ишга анъанавий қарашлардан қутулиб кенг назар ташланганда эди, албатта, унда менинг фикрим у қадар... Ғалати бўлиб туйилмасди. О, сиз чақага арзимайдиган донишманду мункирлар, нега ярим йўлга етмасдан таппа-тақ тўхтаб қоласиз!

Хўш, мен қилган ишнинг нимаси уларга бунчалар хунук бўлиб кўринаркин? – дерди у ўзига ўзи. – Золимлик бўлгани учунми? Золимлик дегани ўзи нима? Виждоним тоза. Тўғри, жиноят қилдим; тўғри, қонун бузилади; қон тўкилди; хўп, қонун бузилган бўлса, унда бошимни олиб қўя қолмайсизми... Вассалом! Албатта, агар унинг боши олинадиган бўлса, у ҳолда ҳеч қандай ҳақи ҳуқуқи бўлмай туриб, зўрлик билан ҳукмдор бўлиб олган инсониятнинг бир талай халоскорлари ҳам илк қадам ташлаган чоғларидаёқ қатл этилмоқлари лозим бўларди. Лекин у одамлар қадрларини ростлай билганлар, шунинг учун ҳам улар ҳақ, мен бўлсам қаддимни ростлай олмадим демак, мен бундай қадам ташламаслигим керак эди, ҳақим йўқ эди».

Унинг бардоши етмади, ҳаммасини бўйнига олиб борди; менинг бирдан-бир жиноятим ҳам ўзи шу, дерди у.

У нега ҳам ўшанда ўзимни ўзим ўлдира қолмадим, деб қаттиқ ўртанарди. Нега ўшанда дарё тепасида турди-турди-ю, кейин шартта бориб, гуноҳини бўйнига олди-қўйди? Наҳотки, яшамоқ шунчалар

ширин бўлса, наҳотки, буни сира енгиб ўтиб бўлма-са? Свидригайлов енгиб ўтолди-ку, ахир?

У изтироб чекиб ўзига ўзи шу саволни берар ва ўшанда, дарё тепасида турганда кўнглининг бир чеккасида ўз ақидаларига ишончсизлик пайдо бўлганлигини англаб етмас эди. У худди мана шу ишончсизлик туфайли келажақда унинг ҳаётида тубдан бурилиш рўй беришига, қайтадан тирилишга, ҳаётга нисбатан янгича қарашларнинг туғилишига сабабкор бўлажagini тушунмасди.

У буни ҳаётга жон ҳолатда, ғайришуурий равишда ёпишиб олишнинг оқибати деб қарар, уни енгиб ўтишга қурбим, ҳоли қудратим етмади (унинг назарида заифлиги ва ожизгина бир банда бўлганлигидан), деб ўйларди. У қамоқдаги бошқа маҳбусларга қараб уларнинг ҳаётни қанчалар севишлари, қадрлашларига ажабланарди. Қамоқда улар ҳаётнинг қадрига эркинликда юрган пайтларига қараганда кўпроқ етар эканлар, кўпроқ яшагилари келиб қолар экан. Айтайлик, ўша қаланғи-қасанғи ўғрилар қанчалар даҳшатли азоб-уқубатларга дош берадилар! Наҳот, офтобнинг алақандай арзимас шуъласи, қуюқ ўрмон, уч йил илгари ўрмоннинг хилват гўшасида кўзга чалинган милдираб ётган муздай булоқ улар учун шунчалар арзанда бўлса, наҳот, умри дайдиликда ўтган бир одам ўша булоқни кўришга маҳбубага интизор бўлгани каби интилса, унинг лабларида ўсган ям-яшил майсаларни, буталарда сайраган қушчаларни тушларида кўриб чиқса? У бундан ҳам олисроққа қараганларида янада ақли бовар қилмайдиган нарсаларга дуч келарди.

Қамоқда у атрофда бўлаётган ишларга эътибор бермас, эътибор беришни истамас ҳам эди. У ердан бошини кўтармасди: теварак-атрофга назар ташлашдан қаттиқ нафратланар, бунга зигирча

тоб-тоқати қолмаган эди. Аммо бора-бора кўп нарсалар уни ажаблантириб, ҳайратга солиб қўйди, илгари фаҳмламай юрган нарсаларини ҳам энди ўзи истамаган ҳолда фаҳмлайдиган бўлди. Уни ҳаммадан ортиқ ҳайратга солган нарса ўзи билан мана шу кимсалар ўртасида тубсиз чоҳ ётганлигини сезгани бўлди. Худди улар бошқа-бошқа бир миллатларнинг фарзандларидай эдилар. Улар бир-бировларига хавфсираб, ётсираб қарар эдилар. У бундай ётсирашнинг умумий сабабларини билар ва англар эди; лекин бу сабабларнинг бунчалар чуқур ва кучли эканлигини сира ҳам хаёлига келтирмаганди. Қамоқда сургун қилинган поляклар, сиёсий жиноятчилар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммалари буларни жоҳил қора халқ деб билишар ва уларга кеккайиб кибру ҳаво билан қарашарди; лекин Раскольников бундай қарай олмасди; ушбу саводсиз, жоҳил одамларнинг кўплари анави поляклардан кўра ақллироқ эканлигини кўриб турарди. Қора халқни ёмон кўрадиган руслар ҳам йўқ эмасди, бир собиқ зобит билан икки семинария талабаси шундайлардан эдилар; Раскольников буларнинг ҳам хатоларини шундоққина кўриб турарди.

Унинг ўзини ҳам ёқтиришмас, ундан ўзларини олиб қочар эдилар. Ҳатто охири бориб уни бутунлай ёмон кўриб қолдилар. Нимага? У бунинг сабабини билмасди. Ундан нафратланишар, уни мазах қилишар, унга қараганда даҳшатлироқ жиноят қилган кимсалар уни, у қилган жиноятни масхараб кулар эдилар.

– Сен оқсуяксан, – дейишарди унга. – Нима қилиб қўлингга болта ушлаб юрибсан; қўлингдан келадиган ишни қилсанг бўлмасмиди.

Улуғ рўза айёмининг иккинчи ҳафтаси эди, казарма билан биргаликда унга ҳам рўза тутиш нав-



бати келди. У бошқалар билан бирга черковга ибодатга бориб юрди. Бир куни, нимаданлигини ўзи ҳам билмайди, жанжал чиқди; ҳаммалари бирдан қутуриб унга ёпиша кетдилар.

– Сен кофирсан! Сен Худога ишонмайсан! – деб қичқиришарди унга. – Сени ўлдирган одам савоб топади.

Улар билан ҳеч қачон Худо ва дин ҳақида сўзлашмаганди, лекин улар сен кофирсан, деб, уни ўлдирмоқчи бўдилар. Маҳбуслардан бири қутуриб, унга ташланди. Раскольников индамай хотиржам туриб берди: киприги қилт этмади, юзида зиғирдай ҳам ўзгариш кўринмади. Соқчи ўз вақтида ўртага тушиб қолмаганда қон тўкилиши аниқ эди.

У яна бир муаммонинг тагига сира етолмасди: нима сабабдан улар Соняни бу қадар яхши кўриб қолишдийкин? Соня уларга ялинмасди, ялтоқланмасди; қиз Раскольниковни бир зум бўлсин, кўргани келган пайтларидагина уларга дуч келиб қоларди. Шунга қарамасдан ҳаммалари уни таниб олишган, қиз унинг кетидан эргашиб келганлигини, қандай яшаётганлигини, қаерда турганлигини – ҳаммасини билишарди. Соня уларга пул бермасди, кўпда юмушларини ҳам қилиб бермасди. Фақат бир марта Исо мавлуди куни бутун қамоққа ширин кулчалар пишириб келтирган эди. Лекин аста-секин маҳбуслар билан Соня ўртасида бирмунча яқин муносабатлар пайдо бўла бошлаганди: Соня уларнинг қавм-қариндошларига хатлар ёзиб берар ва почтадан жўнатиб юборар эди. Маҳбусларнинг шаҳарга келадиган эркак-аёл қариндошлари уларнинг кўрсатмаси билан Сонянинг қўлига турли буюмлар ва, ҳатто пул ҳам қолдириб кетар эдилар. Уларнинг аҳду аёл, маъшуқалари ҳам Соняни танишар, унинг олдига кириб ўтмасдан

кетмасдилар. Соня Раскольниковни кўргани улар ишлаб турган ерга келган чоғларида ёки ишга бораётган маҳбусларга дуч келиб қолганларида, ҳаммалари бошларидан қалпоқларини олиб, таъзим қилишар: «Онажонимиз, Софья Семёновна, сен бизнинг онажонимизсан, муштипар, меҳрибонимизсан!» – дейишарди. Тавқи лаънат тамғаси босилган дағал, тўпори маҳбуслар шу ориққина, нозиккина хилқат қаршисида таъзим қилишарди. Соня ҳам уларга таъзим ва табассум билан жавоб қайтарар, ва улар Сонянинг табассумини жуда севар эдилар. Улар, ҳатто қизнинг қандай қадам ташлашини ҳам яхши кўришар, у юриб бораётганда орқасидан термилишар, мақтаб гапиришарди. Қизнинг нозиклиги ҳам уларга ёқар, ишқилиб, қандай бўлмасин, Соня дейилса, офизларидан бол томарди: ҳатто касал бўлиб қолган чоғларида ҳам даволатгани Сонянинг олдига борар эдилар.

Раскольников рўзанинг охирги кунлари то ҳайитгача касалхонада ётди. Анча тузук бўлиб қолганидан кейин ўзининг иситмалаб, алаҳлаб ётган пайтларидаги кўрган тушларини эсларди. Касал пайтида унга бутун Европага Осиёнинг ичкари-сидан илгари кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатли вабо офати тарқалаётганга, дунё шу офатдан ҳалокатга маҳкум этилганга ўхшаб туйиларди. Гуё бир озгина сара одамлардан бўлак ҳамма нобуд бўлиб кетиши керак эди. Кўзга кўринмайдиган аллақандай кана-қуртлар пайдо бўлган, улар одамларнинг баданларига ёпишиб олганди. Булар ақ ва иродага, руҳий қобилиятга эга бўлган махлуқотлар эди. Улар танага ўтган заҳоти одам ақдан озиб, телба бўлиб қоларди. Лекин шу мараз юққан одамлар ўзларини ҳар қачонгидан ақлироқ, билимдонроқ, ўз билганидан қолмайдиганроқ, деб ҳисоблар, қайсарлик қилардилар. Улар ўз ҳукму

иродаларида, илмий хулосалар, маънавий ақидалари ва қарашларида ҳеч қачон бунчалар собит ва устувор бўлмаган эдилар. Бутун-бутун қасаба-мавзелар, бутун-бутун шаҳарлар ва халқлар шу маразга дохил бўлиб, телбаликлар қилар эдилар. Ҳамма ташвиш-бесаранжомликка гирифтор бўлган, ҳеч ким бир-бирини тушунмас, ҳар ким ҳақиқатни ёлғиз мен биламан, у менда мужассамлашган, деб уқтирар, бошқаларга қараб изтиробга тушар, кўкракларига муштлар, уввос тортиб йиғлар, қўллари қарсиллатиб синдирар эдилар. Кимни қандай қилиб нимага ҳукм қилмоқликни билишмас, золимлик нима-ю яхшилик нима, ажратиб, келишиб ололмасдилар. Кимни гуноҳкор ҳисоблаб, кимни оқлашни билолмасдилар. Одамлар аллақандай англаб бўлмас қора кўнгилик билан бир-бирларини ўлдиришар эдилар. Бир-бирларига қарши қўшинлар тортиб боришар, лекин қўшинлар йўлдаёқ ўзаро қирғин бошлаб юборар, сафлар бузилар, жангчилар бир-бирларига ташланар, найза санчишар, қилич чопишар, тишлашар ва гўштларини ейишар эди. Шаҳарларда кун бўйи жом чалинарди: одамлар чорланарди, лекин ҳеч ким нимага чақирилаётганлигини билмас, ҳамма безовта, ҳамма хавотирда эди. Ҳамма ҳунарлар путурдан кетганди, чунки ҳар ким ўзича бир фикр айтар, ўзича тузатиш киритар, ҳеч ким бошқа бировнинг фикрига қўшилмасди. Деҳқончилик завола топганди. Унда-мунда одамлар йиғилишиб тўпланишар, бир нарса қилмоқчи бўлиб баҳамжиҳат аҳд қилишар, ажралмаслик, тўзимасликка қарор беришар, лекин шу заҳоти ҳозиргина айтганларидан бутунлай бошқа нарсага киришиб кетишар, бир-бирларини қоралашар, ёқалашар ва чопқилашар эди. Ёлғинлар бошланганди, очарчиликлар бошланганди. Борлиқ ҳалокат сари юз тутди. Вабо тарқал-

гандан тарқаб борарди. Бутун дунё бўйича санокли сара одамларгина омон қолиши мумкин эди, булар зиммаларига инсониятнинг янги авлодини бошлаб бериш, заминни янгилаш ва тозартишга чорланган асил, тоза ва ҳалол кишилар эдилар, лекин бу одамларни ҳеч ким ҳеч қаерда кўрмаган, уларнинг сўзлари ва овозларини ҳеч қаерда эшитмагандилар.

Раскольников бу фаже ва мудҳиш алаҳсираш хотирасидан ҳеч ўчмай, хаёлий, иситма аралаш кўрқинч тасаввурлар кўз ўнгидан неча замонлардан бери нари кетмай юрганидан қаттиқ азоб чекарди. Ҳайитдан кейинги иккинчи ҳафта бошланганди; очиқ, илиқ баҳор кунлари эди; маҳбуслар бўлимидаги деразани очиб қўйдилар (дерезага панжара ўрнатилган, пастда соқчи юриб турарди). Раскольников касал бўлиб ётганда, Соня икки марта келиб кўрди; ҳар сафар янгидан ижозат олиш керак эди, ижозат олиш эса қийин эди. Лекин у касалхона ҳовлисидаги ойна тагига, айниқса, кечки пайтлар келиб турарди, баъзан узоқдан туриб палата томонга термилгани термилган эди. Анча тузалиб қолган Раскольников бир куни завоп пайти кўзи илиниб ухлади. Уйқудан тургач, кутилмаганда дереза олдига келди ва бирдан узоқда касалхона дарвозаси олдида турган Соняни кўрди. Соня ниманидир кутиб турарди. Шунда Раскольниковнинг юраги зирқираб кетди, сесканиб дарҳол дерезадан ўзини нари олди. Эртасига Соня келмади, учинчи куни ҳам кўринмади. Раскольников ўзи қизни интизор бўлиб кутаётганлигини сездди. Ниҳоят, у касалхонадан чиқди. Қамоққа келиб, Софья Семёновна бетоб ётганлигини, уйдан чиқмаётганлигини эшитди.

Раскольников жуда безовта бўлиб қолди, ундан хабар олгани одам юборди. Тезда қизнинг касал

ли огир эмаслиги ҳақида хабар келди. Соня унинг соғиниб, интизор бўлаётганлигини эшитиб, қалам билан ёзилган хат жўнатди, уйда анча тузалиб қолганлиги, енгилгина шамоллаганлиги, яқин кунлар ичида, тезда дийдор кўришажаклари ҳақида ёзганди. Бу хатни ўқиётган чоғда Раскольниковнинг юраги така-пука бўлиб кетди, санчиб оғриди.

Яна ҳаво очилган, илиқ кун эди. Тонг саҳарлаб у соат олтиларда дарс бўйидаги алебастр куйдирилиб, тўпон қилинадиган печь жойлашган саройга қараб йўл олди. Бу ерда ишлаш учун бугун уч киши ажратилганди. Маҳбуслардан бири соқчи билан аллақандай асбоб олиб келгани қўрғонга кетди; бошқа маҳбус ўтин ёриб, печга қалай бошлади. Раскольников саройдан соҳил бўйига чиқди ва сарой олдига тахлаб қўйилган ғўлалар устига ўтириб ҳувиллаган яйдоқ дарёга кўзларини тикди. Баланд қирғоқдан атроф кафтда тургандек кўринарди. Нариги олис соҳилдан элас-элас қўшиқ саси эшитиларди. У ерда, офтобнинг нури пойандоз бўлган бепоён чўл бағрида билинар-билинемас нуқтадай бўлиб кўчманчиларнинг ўтовлари қорайиб кўринарди. У ёқда эркинлик ҳоким эди, бу ердагиларга сира ўхшамайдиган одамлар яшашарди, у томонда вақт гўё қотиб тўхтаб қолганга, гўё Иброҳим ва унинг подалари замонидан бери асрлар ўтмаганга ўхшарди. Раскольников тикилганча қотиб қолганди. Хаёл ва хулиё дунёсига фарқ бўлганди; у ҳеч нарсани ўйламас, лекин аллақандай соғинч, интизорлик юрагини ўртарди.

Бирдан унинг ёнида Соня пайдо бўлди. У жуда ҳам оҳиста юриб келиб, унинг ёнига ўтирди. Саҳармардон чоғи эди, ҳали эрталабки аёзнинг салқини кетмаганди. Қизнинг устида эски камзули ва кўк рўмоли бор эди. Унинг чеҳрасидан бетоблик асо-рати аримаган, озган, оқарган, кўзлари киртайган

эди. Қиз латофат билан унга табассум қилди ва одати бўйича ботинмайгина қўлини узатди.

Соня ҳар доим қўлини унга ботинмайгина узатар, баъзан узатмас, худди ҳозир у қўлини нари итариб ташлайдигандай қўрқарди. Раскольников унинг қўлини кўнгли тиламагандай бўлиб олар, уни худди кўргиси келмагандай бўлиб қаршилар, баъзан қиз келиб кетгунга қадар миқ этиб, оғзини очмасди. Қиз гоҳо уни қўли билан силкиб хаёдан уйғотиб, оғир ғам-ғуссага ботган ҳолда кетган пайтлари ҳам бўларди. Лекин энди улар қўллари қўйиб юборишмади; Раскольников қизга тезгина бир қараб қўйди-ю ҳеч нарса демасдан, кўзларини ерга тикди. Улар ёлғиз ўзлари қолишган, ҳеч ким уларни кўрмасди. Бу пайтга келиб, соқчи ҳам нари кетганди.

Қандай рўй берди бу – унинг ўзи билмайди, лекин кутилмаганда бирдан аллақандай куч Раскольниковни ўтирган еридан узиб олиб, қизнинг оёқларига ташлагандай бўлди. У йиғлаб қизнинг тиззаларини қучоқларди. Қиз аввалига қаттиқ қўрқиб кетди, юзи мурда тусига кирди. У ўрнидан дик этиб туриб, Раскольниковга титраб-қақшаб тикилди. Лекин шу заҳоти ҳаммасини тушунди. Унинг кўзлари адоқсиз бахтдан порлаб кетди; Раскольников уни севади, жонидан ҳам ортиқ севади, ниҳоят, мана шу дамларга етишди... Энди шубҳаланмаса ҳам бўлади, қиз буни билди...

Уларнинг гаплашгилари келарди, лекин гаплаша олмас эдилар. Кўзларида ёш филтилларди. Икковларининг ҳам ранглари оқарган, озиб-чўзилган эдилар; лекин уларнинг касалманд, заҳил юзларида янгиланган келажакнинг, янгидан уйғонган боқий ҳаётнинг заррин нурлари шуълаланиб турмоқда эди. Улар муҳаббат туфайли қайта ҳаётга

келган эдилар, бирининг қалбида иккинчиси учун туганмас ҳаёт манбаи мужассам эди.

Улар сабр қилмоқ ва кутмоққа аҳду паймон қилдилар. Уларга яна етти йил муддат қолганди; унғача ҳали қанчадан-қанча азоб-уқубатлар, қанчадан-қанча битмас-туганмас бахт-иқбол бор! Лекин у ҳаётга қайтганди, унинг ўзи ҳам буни билар, тозарган, янгиланган бир вужуд билан буни ҳис қиларди, қиз бўлса, ўз умрини ёлғиз унинг умри билан ўлчарди!

Ўша куни кечқурун казармалар ёпилгач, Раскольников нар устида чўзилиб ётар экан, қиз ҳақида узоқ ўйлади. Шу куни назарида унга илғари ёвқараш қилиб юрган маҳбуслар худди жилмайиб қарагандай бўдилар. Ҳатто улар билан гаплашди, унга ҳам меҳрибонлик билан жавоб қилишди. У ҳозир шунини эслади, лекин ўзи шундай бўлиши керак эмасмиди, энди ахир, ҳаммаси ҳам бутунлай ўзгариши керакмасмиди?

Раскольников уни ўйларди. Унга қанчалар азоб берганлари, қийнаганларини эслади; қизнинг рангпар, нозик чеҳрасини кўз ўнгига келтирди, лекин энди бу хотиралар унга қаттиқ азоб бермас, ўртамасди: эндиликда қизнинг бошига солган барча азобларини сўнмас, туганмас муҳаббати билан юважагини у биларди.

Шунча, шунча азоб-уқубатларни бошдан кечирган бўлса, нима қипти, энди ҳаммаси ўтиб кетди! Ҳаммаси, қилган жинояти ҳам, ўз устидан ҳукм чиқарилгани ҳам, сургун ҳам, юрак тугёнга келган шу илк дамларда жуда ғалати, гўё бировнинг бошидан ўтган, ҳатто унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳодиса каби туйила бошлади. Дарвоқе, шу оқшом у бир нарса ҳақида узоқ, тўхтовсиз мунтазам ўйлай олмас, фикрларини бир ерга жамлай олмасди; шу тобда онги билан ҳеч нарсани ҳал ҳам қила олмасди; у гўё бошдан-оёқ туйғуга айланиб

кетгандай эди. Ақидалар ўрнини ҳаёт эгаллаганди, онгда бутунлай бошқача бир ўзгаришлар юз бериши кутиларди.

Унинг ёстиғи тагида Инжил турарди. Беихтиёр уни қўлига олди. Бу Сонянинг китоби эди, унга Лазарнинг тирилиши ҳақида шу китобдан ўқиб берганди. Раскольников сургун бўлиб келган илк пайтларида Соня дин ҳақида, Инжил ҳақида гапиравериб бошимни қотириб юборса керак, турли китобларни ўқигани даъват қилса керак, деб ўйлаганди. Лекин қиз бу ҳақда бир офиз ҳам сўз очмади, бир марта ҳам Инжил ўқигани даъват этмади, бундан Раскольников қаттиқ ҳайратланди. Раскольников ўзи касал бўлмасдан илгари китобни сўраган, қиз ҳам индамай келтириб берганди. Шу пайтгача китобни очиб ўқимаганди.

У китобни ҳозир ҳам очмади, лекин бир фикр ҳаёлидан ўтди: «Эндиликда унинг эътиқодлари менинг ҳам эътиқодларим бўлиб қолмайдими? Жуда бўлмаганда, унинг туйғулари, унинг интилишлари...»

Қиз ҳам шу куни ўзини қўярга жой тополмай тўлқинланиб юрди, кечаси эса яна тоби қочиб қолди. Лекин у шунчалар бахтиёр эдики, ҳатто ўзининг бу бахтидан қўрқиб кетди. Етти йил, атиги етти йил! Бахтиёр дамлар бошланган кезлар уларга етти йил етти кунча ҳам кўринмасди. Раскольников бу янги ҳаёт арзонга келмаётганлиги, уни ҳали бўлажак буюк жасорат эвазигагина забт қилинажагини билмасди...

Лекин бу ёфига энди янги тарих бошланади, инсоннинг аста-секин янгилиниб бориши тарихи, унинг аста-секин қайта туғилиши, аста-секин бир оламдан бутунлай бошқа бир оламга ўтиши, янги, илгари ўзига мутлақо нотаниш бўлган воқелик билан ошно бўлиши тарихи бошланади. Бу янги бир қиссанинг мавзуси бўлиши мумкин эди, лекин бизнинг ушбу ҳикоямиз шу ерда тугайди.



## **МУНДАРИЖА**

БИРИНЧИ ҚИСМ .....	3
ИККИНЧИ ҚИСМ.....	136
УЧИНЧИ ҚИСМ.....	298
ТЎРТИНЧИ ҚИСМ.....	428
БЕШИНЧИ ҚИСМ.....	554
ОЛТИНЧИ ҚИСМ .....	675
ЭПИОЛОГ .....	826

*Адабий-бадиий нашр*

**Фёдор Михайлович  
Достоевский**

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО  
Роман**

Муҳаррирлар  
Феруза ҚУВОНОВА,  
Шаҳноза РАҲМОНОВА

Мусахҳиҳлар  
Суннат МУСАМЕДОВ,  
Садоқат ЭШҚЎЗИЕВА

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОАИХОВ

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Саҳифаловчи  
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда  
берилган.

Босишга 2015 йил 30 январда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1\32</sup>.

Босма тобоғи 26,75. Шартли босма тобоғи 44,94.  
Гарнитура «Bookman Cug+Uzb». Офсет қоғози.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 11.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-36-89;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ**  
**«Камолот кутубхонаси» рукнида**  
**қуйидаги янги китобларни нашр этди:**

**АЛЬБЕР КАМЮ**

**«Бегона»**

**84x108 1/32 , 476 бет, қаттиқ муқова**

Альбер Камю – XX асрнинг француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт бўйича Нобель мукофотининг соҳиби, моҳир адиб, драматург, файласуф, «Тубанлашув», «Вабо», «Сифиз ҳақида асотир», «Калигула», «Асотир ва қиёфа», «Исёнкор одам», «Бегона» каби асарлар муаллифи.

А.Камю ўз асарларида Иккинчи жаҳон уруши даҳшати оқибатида пайдо бўлган инсоний тақдирнинг абсурд ҳиссиётларини куйлайди.

Альбер Камюнинг «Вабо» ва «Бегона» асарлари Аҳмад Аъзам томонидан моҳирона таржима қилинган. «Ҳикматлар», «Ён дафтарчалар» асарлари эса И.Бек томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ЙОҲАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ**

**«Фауст»**

**84x108 1/32, 536 бет, қаттиқ муқова**

Буюк немис шоирининг бу йирик асари жаҳон адабиётининг дурдоналаридан саналади. Унда икки мангу қарама-қарши куч: яхшилик ва ёвузлик, иқрор ва инкор курашади. Фауст – ҳаёт ошиғи, тараққиёт жангчиси, адолат жарчиси. Мефистофель – ҳаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат кушандаси. Асардаги мураккаб воқеалар силсиласи шу икки қаҳрамон хатти-ҳаракатлари орқали ривожланиб боради.

**Николай Гогол**

**«Тарас Булба»**

**84x108 1/32 304 бет, юмшоқ муқова**

Ўз даврида рус адабиётининг энг истеъдодли ёзувчиларидан саналган Николай Гоголнинг ижодий тажрибаси туганмасдир. Гоголча услуб, гоголча тил, гоголча тасвир, гоголча юмор, гоголча реализм жаҳон ёзувчилари учун ўзига хос маҳорат мактаби. Икки қисмдан иборат ушбу китобда муаллифнинг қизиқарли қиссалари жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўша даврдаги халқ ҳаёти, жамиятнинг ўзига хос муаммолари энгил юмористик услубда ёритилган. Гогол асарларининг туб маъносини чуқур англаб, қаҳрамонлари билан яқиндан танишаркансиз, одамзоднинг туғилиш, ейиш, ичишдан иборат ва ниҳоят паймонаси тўлганда оламдан ўтиши муқаррар бўлган бу ўткинчи дунёда ҳирс-ҳавас нимадан ўзи, дея ўйланиб қоласиз. Турмушнинг мажруҳ ва ҳажвий даражада бемаънилиги-ю ярамаслигини кўрасиз, бинобарин, асар қаҳрамонлари тақдирида қатнашасиз, улар устидан куласиз ва қайғусидан азобланасиз.

**Андре Моруа**

**«Чоршанба учун бинафшалар»**

**84x108 1/32 216 бет, юмшоқ муқова**

Асли исми Эмиль Соломон Вильгельм Эрзогь бўлган Андре Моруанинг француз миллий адабиёти соҳасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда чексиз. 200

га яқин китоблар, 1000 дан зиёд мақолалар унинг бой адабий меросини ташкил этади.

Ёзувчи фақатгина буюк инсонлар ҳақида автобиографик асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки романлар, фалсафий эсселар, фантастик новеллалар, психологик ҳикоялар, тарихий ҳамда илмий-оммабоп жанрларда ҳам қалам тебратган.

Моруанинг «Чоршанба учун бинафшалар» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Моруанинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Антон Чехов**

**«Буқаламун»**

**84x108 1/32 296 бет, юмшоқ муқова**

Жаҳон адабиёти ҳикоячилигини машҳур рус ёзувчиси Антон Чехов ижодисиз тасаввур қилиш мушкул. XIX асрнинг сўнгги чорагида рус китобхонлари эътирофига сазовор бўлган ёзувчи ҳикоялари XX асрнинг дастлабки йилларидаёқ ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳам таржима орқали ҳикоянависликни айнан Антон Чеховдан ўрганган бўлса ажаб эмас.

Адабиётимизда ҳикоячиликда беқиёс ўринга эга бўлган Абдулла Қаҳҳор таржималари эса Чехов ижодини ўзбек китобхонларига таништиришда асосий кўприк бўлиб хизмат қилди.

Мазкур тўплагга яна қатор таржима ҳикоялар ҳам киритилдики, мазкур асарлар орқали Чеховнинг ҳаётий ва ижодий сабоқларидан баҳраманд бўласиз.

## **ИВАН ТУРГЕНЕВ**

**«Оталар ва болалар»**

**84x108 1/32, 320 бет, қаттиқ муқова**

Машҳур рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг ўз даврида катта шуҳрат қозонган ушбу “Оталар ва болалар” романи рус адабиётшунослигида ёзувчи ижодининг чўққиси сифатида талқин этилади. Адиб бош қаҳрамон Базаров образида ҳурфикрлилик ва янгилик сари интилиш каби фазилатларни мужассамлантирган. Асардаги воқеалар ўша даврда чирий бошлаган жамиятни шунчаки ислоҳ этиш эмас, балки пойдеворини таг-туғи билан йўқ қилиб, янгисини барпо этиш кераклигини кўрсатиб беради. Тургенев Базаровдаги нигилизмни (барча нарсаларни инкор қилиш) тасвирлаш орқали рус ёшларига хос салбий жиҳатларни ҳам намоён этган. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга ўргатувчи ушбу асар мутолааси китобхонга завқ бағишлайди, деган умиддамиз.

## **ИЛЬЯ ИЛЬФ, ЕВГЕНИЙ ПЕТРОВ**

**«Ўн икки стул»**

**84x108 1/32, 456 бет, қаттиқ муқова**

«Ўн икки стул» – ушбу асар 1927–1928 йилларда яратилган бўлиб, ўткир юмористик романлар қаторида эътироф этилади. Асар ҳаётда содир бўлган воқеликларга асосланган. Роман қаҳрамонлари Остап Бендер ҳамда Ипполит Матвеевич Петухова хоним бойликларини излаб тониш мақсадида биргаликда саёҳатга отланадилар ва жуда кўп саргузаштларни бошдан кечирадилар. Улар маҳоратли уста Гамбс томонидан яратилган ажойиб санъат намуналари бўлмиш ўн икки стул жамланмасини бирма-бир қўлга киритишга интиладилар. Бу икки ҳамтовоқ ўз мақсадига эришиш учун энг қабиҳ жиноятларни амалга оширишдан тоймайди.

Ўқувчи ушбу асар орқали жиноят жазосиз қолмаслиги ва бировнинг мулкига кўз олайтириш қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини фаҳмлайди.

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТИ  
АЗИЗ КИТОБХОНЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

**«Асрни қаритган кун»**

**84x108 1/32 бичимда. 432 бет**

**Қаттиқ муқова**

«Манқурт» атамаси илк бора тилга олинган ушбу асар нимаси билан китобхонга яқин?

Асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлган оддий меҳнат кишилари – Эдигей Бўрон, Казангап, Бўкей, Уккубола, Абутолиб Қуттибоев, Зарифа образларидаги ўзига хос характер, ички олам, улар бошидан кечган мусибат китобхон қалбига шу даражада яқинки, гўёки улар биздан унчалик ҳам олисда эмасдек...

Казангапни Бўронли бекатидан унча узоқ бўлмаган Она Байит қабристонига дафн этишга ундаган сабаб ҳамда Найман онанинг фарзанди томонидан фожиали ўлдирилиши ўртасидаги боғлиқлик асарнинг бутун бир моҳиятини очиб беради.

Манқуртга айланган фарзанди Жўломонни ниҳоят минг азоблар билан топган онаизор ўз боласига онаси эканлигини уқтиролмади. Худди шунингдек, инсоний туйғуларидан мосуво бўлган, ҳатто отасининг майитини қаерга кўмиш кераклигига бефарқ бўлмаган ҳолда, қабр учун танланган маконга беписандларча қараган онгли Собитжон янги замон манқурти сифатида тасвирланади.

Китоб мутолаасидан кейинги мулоҳазаларингиз биз учун қадрли, азиз китобхон!



## **ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

### **«Жамила»**

**84x108 1/32 бичимда. 432 бет**

**Қаттиқ муқова**

«Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Сомон йўли» ҳамда «Бўтақўз» қиссаларидан таркиб топган мазкур китоб Чингиз Айтматов асарлари туркумида чоп этилмоқда.

Жамила – катта оилага тушган янги келинчак. Аммо висол узоқ давом этмайди. Уруш ёш оилага нафақат ҳижрон ва айрилиқ, балки парокандалик олиб келади. Турмуш ўртоғини фронтга жўнатган келин эркаклар меҳнатини зиммасига олиб, далага чиқади. Гўзаллиги-ю чаққонлиги сабаб қайнонаси уни бегона кўзлардан асраш учун ёнига «қўриқчи» қўяди.

Фронтдан ногирон бўлиб қайтган одамови Дониёр нимаси билан Жамиланинг севгисини қозонди? Қайниси севимли янгасини акаси тириклигидаёқ бегона билан кетишига нега йўл қўйди? Йўқсил Дониёр билан кетиб, афсус билан қайтишини кутган овул Жамила қисматида нималарга гувох бўлди?

Чингиз Айтматовнинг нафақат ушбу асари, балки Танабой ва Гулсари, Ер ва Тўлғаной, Абубакр ва Камол образлари гавдаланган кейинги қиссаларида ҳам қахрамонлар ўртасидаги умумийлик ва зиддиятлардан ўқувчи фақат ижобий натижа кутади. Асар якунида эса кутилмаган ниҳоя юз очади.

## **ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

### **«Оқ кема»**

**84x108 1/32 бичимда. 432 бет**

**Қаттиқ муқова**

«Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Оқ кема» ҳамда «Сарвқомат дилбарим» каби машхур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермахсул давридан далолатдир.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўқувчи диққатини буткул ўзига тортади.

Биринчи марта чинакам овчилар билан денгизга чиққан Кириск овдан нега ёлғиз қайтди? Оқсоқол Ўрхоннинг хаёли, Милхуннинг ғазаби ва отасининг қатъий қарори ўн бир ёшли Кириск ҳаётини қанчалик ўзгартирди?

Ёки набирасига Шохдор она буғу ҳақида ривоят айтиб, ўзларининг бош бўғини дея ишонтирган, оғир вазиятларда қабиладошларини фақат Она буғугина асрай олади, деган Мўмин чол нега ўз қарашларига қарши чиқди? Она буғуни овлаб, зиёфат қилишга чолни нима мажбур қилди?

«Сарвқомат дилбарим» эса бир муҳаббат ҳақида икки тақдир ҳикоясидан иборат. Аммо бир қарашда, бир учрашувда ўз севгисини топган Илёс нега пок севгисини хиёнатга алмаштирди? Йиллар ўтиб ўғлини топганда нега отаси эканлигини айтолмайди? Асар давомида яна бир муҳаббат тарихидан огоҳ бўласиз.

## **ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ**

**«Қиёмат»**

**84x108 1/32 бичимда. 432 бет**

**Қаттиқ муқова**

Қиёмат... Бу сўз бутун оғриғи билан онгимизга таъсир кўрсатади. Чингиз Айтматов ном берган ва Иброҳим Ғафуров таржимаси билан нашрга тайёрланган мазкур китобнинг аҳамияти хусусида гап кетганда, асарнинг «Қиёмат» деб номланишида бир эмас, бир нечта асос борлигини таъкидлаш керак. Чунончи, Акбара билан Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеий якуни; умматларига бахт ато этиш учун курашган, алалоқибат айнан ўша бахт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; ўзларини жамиятнинг олди кишилари деб билган, аслида эса маънан нопок кишиларга қарши сўз айтгани учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб тортилган Авдий

Каллистратовнинг фожиали ўлими; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва ҳатто кафансиз қолган Эрназарнинг қисмати; қўрқув ва таҳликанинг зўридан Кенжашни олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасининг бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон Ўркунчиев тақдири – буларнинг бари китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди.

## **ЎТКИР ҲОШИМОВ**

**«Баҳор қайтмайди»**

**84x108 1/32 бичимда. 280 бет**

**Юмшоқ муқова**

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида ўзбек адабиёти жуда катта истеъдодларни қабул қилди. Ҳам назм, ҳам наср, ҳам публитсицика ўқувчиларни мароқли мутолаага, мушоҳадага чорлади. Биз Ўткир Ҳошимовни айнан ўша авлоднинг забардақ вакили сифатида таниймиз ҳамда асарларини завқ билан қайта-қайта ўқиймиз. Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Унинг қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётли, ўта таъсирчан одамлардир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси 1969 йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуг мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Ҳаётдаги Алимардон Тўраевлар учун ушбу асар кўзгу, ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Сабрина**

**«КЎНГИЛ ОЛИШ САНЪАТИ»**

**84x108 1/32. қаттиқ муқова**

Сиз мушкул вазиятдан қандай чиқиб кетишни биласизми? Одамлар кўнглига йўл топиш сизга қийинчилик туғдирадими? Иш фаолиятингизда, атрофингиздагилар билан мулоқот жараёнида нимадир сизга тўсқинлик қилаяптими?

Кўлингиздаги мазкур китоб ушбу саволларга ечим излаб топибгина қолмай, у сизнинг инсоний қадр-қимматингиз, ҳаётдаги ўрнингиз, ўзингизга нисбатан ишончинг ортишига кўмаклашади.

**«РАҚАМЛАРДА ТАҚДИРЛАР»**

**84x108 1/32. қаттиқ муқова**

Сиз бирор кунингизни рақамларсиз тасаввур қила оласизми? Сира бундай эмас. Таваллуд санангиз, илк бор мактабга борган кунингиз, ишга кирган йилингиз... Умуман, тарих ҳам, келажак ҳам рақамларда акс этади. Чунончи, рақамлар фақат иқтисодчи, молиячиларнинг иш фаолиятига алоқадор бўлмай, бошқаларнинг ҳам кундалик турмуш тарзини белгилайди. Шунингдек, таваллуд санангиз, сиз ёқтирган сонлар ҳам борки, феъл-атворингизни, кечмишингизни, тақдирингизни ўзида жо этади. Алҳол, қисматимиз рақамларда ифодаланади, дейиш мумкинми? Мазкур китобни ўқиб чиқиб, бу саволга ўзингиз жавоб топасиз.

**ТАЙМ-МЕНЕЖМЕНТ:  
ВАҚТНИ БОШҚАРИШ  
84x108 1/32. қаттиқ муқова**

Шошилиб қилинган иш ҳар доим ҳам яхши самара беравермайди. Албатта, шошилиш керак эмас, ўта секинлик билан қилинган ҳаракатда ҳам маъно йўқ.

Ҳар доим шошилиб юриш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Кўп муҳим ишларингиз эсингиздан чиқиши мумкин. Бунинг оқибатида ишларингиз ўлда-чўлда қолади. Тез чарчайсиз ва ҳеч нарсага улгуролмаяпман, деб асабийлашасиз...

Ушбу «Вақтни бошқариш» китоби бу борадаги муаммоларингизни ҳал қилишда сизга яқин ёрдамчи бўлади, деган умиддамиз.

**Шаҳноза Халилова.  
«ОИЛА НОМЛИ ДАВЛАТ СИРЛАРИ»  
84x108 1/32. қаттиқ муқова**

Муаллиф китобнинг дебоча қисмида шундай ёзади: «Оиланинг пойдевори – муҳаббат, қурилиш ашёси – муҳаббат, ундаги тушунмовчиликларнинг давоси ҳам – муҳаббат. Бусиз оилада яшаб бўлмайди. Уни ташқаридан, бошқалардан изламанг, кутманг, чунки у сизнинг вужудингизга жо бўлган».

Дарҳақиқат, муҳаббат бизнинг оилага муносабатимизни шакллантирувчи мустаҳкам қурол. Биз ҳар қандай вазиятда – хоҳ у шодон кунимиз бўлсин, хоҳ ғамнок онларимиз – бундан қатъи назар бир манзилга интиламиз, бир манзилдан қўним топамиз. Ўша манзил – бизнинг оиламиздир.

Тақдим этилаётган китоб кенг қамровли – унда эрхотин муносабатларидан тортиб, фарзанд тарбиясигача бўлган мавзулар қамраб олинди. Мақсад уни қўлига олган ҳар бир китобхон ички дунёсидаги бевозта саволларига жавоб топа олсин.



# Фёдор Достоевский

(1821 – 1881)

Рус адабиётининг забардаст ёзувчиларидан бири. Петербург фанлар академияси мухбир аъзоси (1877).

1821 йил 30 октябрда Москвада туғилган. Ёзувчи болалигини хотирлар экан, ота-онаси камбағаллигига қарамай, унга жуда яхши тарбия ва билим берганлигини кўп бор эътироф этган.

Ёзувчи ижодий фаолиятини 1844 йилда бошлаган. Илк романи – «Бечора одамлар» 1846 йилда нашр этилган. Шундан сўнг бирин-кетин «Қиёфадош» (1846) ва «Оқ тунлар» (1848) номли қиссалари дунё юзини кўрди. Бу асарлар ўша даврда ижтимоий мавзуда ёзилган энг сара асарлар сифатида катта шов-шувларга сабаб бўлган.

Н.Добролюбов, В.Белинский каби ўз даврининг машҳур адабиётшунослари қатори Достоевский ҳам узоқ муддатли тутқунлик ва сургунга маҳкум этилади (1849 – 1859). Бу эса ёзувчи ижодига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Тушқунлик адиб ижодига улғувор мавзуга айланди. «Степанчиков қишлоғи ва унинг аҳолиси» (1859), «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» (1861), «Ўлик уйдан мактублар» (1861–1862), «Жиноят ва жазо» (1866), «Телба» (1868), «Жинлар» (1871–1872), «Ўсмир» (1875), «Ака-ука Карамазовлар» (1879–1880) сингари асарлари жаҳолат ботқоғига ботиб, асл қиёфасини йўқотган инсонлар ҳаёти, жамият ва шахс ўртасидаги чуқур зиддият, руҳий инқироз ва фожиани акс эттиради.

Фёдор Достоевский 1881 йилда Петербургда вафот этади.



ISBN 978-9943-27-379-5



9 789943 273795